ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИ

MINISTRY OF ECONOMIC DEVELOPMENT AND POVERTY REDUCTION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
GRADUATE SCHOOL OF BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP

КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

CURRENT ISSUES OF IMPROVING CORPORATE GOVERNANCE IN THE CONTEXT OF CAPITAL MARKET DEVELOPMENT AND PRIVATIZATION



Халқаро илмий-амалий конференция

29 ИЮН JUNE 2022

International scientific-practical conference program

TASHKENT

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИ

КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

халқаро илмий-амалий конференция материаллари

2022 йил 29 июнь

ТОШКЕНТ – 2022

Капитал бозорини ривожлантириш ва хусусийлаштириш шароитида корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари – Тошкент: Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, 2022.– 735 б.

Масъул муҳаррир: **Абдиназаров Б.К.** – Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби директори

Таҳрир ҳайъати:

Суюнов Д.Х. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Кенжабаев О.Т. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расулова Д.В. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Бобоқулов Т.И. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Садриддинов Б.Б. – кимё фанлари бўйича номзоди, доцент
Аликориев О.Ф. – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Масъул ходимлар: **Шодмонов А.Х.** – Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби бош мутахассиси
Набиева Ш.М. – Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби етакчи мутахассиси

Ушбу тезислар тўпламида Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сонли “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ хорижий ҳамда миллий етакчи профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда, корпоратив ва лойиҳа бошқаруви, капитал бозори ҳамда бошқа соҳалар бўйича янги фикр ва тажриба алмашиш, ёшларнинг илм-фанга бўлган интилишлари ва ғояларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида 2022 йил 29 июнь куни **“Капитал бозорини ривожлантириш ва хусусийлаштириш шароитида корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари”** мавзусида ташкил қилинган халқаро илмий-амалий конференция маъруза тезислари жамланган.

Материалларда келтирилган маълумотларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Мазкур тезислар тўплами 2022 йил 20 июлдаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган.

© Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, 2022 йил.

Абдиназаров Б.К. *– Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби директори*

КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кун ва яқин истиқболда муваффақият айнан капитал бозорини ривожлантириш ва давлат мулкини хусусийлаштириш, хўжалик субъектларининг фаолиятига давлатнинг таъсирини камайтириш ҳамда хусусийлаштирилган хўжалик субъектлари фаолиятида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш масалалари йирик бизнес тузилмалар ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболларининг ривожига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармонида **2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида капитал бозорини ривожлантириш макроиқтисдий ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган бўлиб, хусусан, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш, м**амлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш, Давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш, хорижий инвестицион фондларни капитал бозорига кенг жалб қилиш мақсадида халқаро қонунчилик ва стандартларга мос келадиган давлат ёки корпоратив “Сукук” облигацияларини фонд бозорларида жойлаштириш каби вазифалар қўйилган. **Бу эса, капитал бозорининг барча сегментларида мавжуд бўлган долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг илмий жиҳатдан асосланган йўлларини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради.**

Эътироф этиш жоизки, сўнгги йилларда республикамизда капитал бозорда операцияларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича бир қатор амалий аҳамиятга молик бўлган ишлаб амалга оширилмоқда. Жумладан:

– 2021 йил бошидан Марказий банк ва Молия вазирлиги томонидан муомалага чиқариладиган облигациялар бўйича чораклик графикни олдиндан эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилди;

– овернайт операциялар бўйича фоиз ставкаларининг иш куни эмас, балки календарь куни бўйича ҳисоблаш амалиёти жорий этилди;

– валюта курсини аниқлашда мавжуд фиксация қилиш (“fixing”) усулидан давомли аукцион – “matching” усулига ўтилди;

– валюта олди-сотдиси бўйича ҳисоб-китоблар халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди ва натижада ҳисоб-китобларни амалга оширишда T+1 (кейинги иш куни) ва T+2 (кейинги иккинчи иш куни) шакллари жорий қилинди ва бошқалар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармонига асосоан:

корпоратив бошқарувни оптималлаштириш мақсадида ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш (ERP) тизимларига ўтиш, корпоратив қимматли қоғозлар бозорида ликвидликни ошириш;

давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини, шу жумладан, “комплаенс” назорат тизимини кенг жорий этиш;

харидлар тизими шаффофлигини таъминлаш орқали коррупциянинг олдини олиш, Давлат бошқаруви, корпоратив бошқарув кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, Давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини кенг жорий этиш;

Трансформация қилинадиган давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгашлари фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) ҳисобдорлик тизимларини жорий этиш бўйича илғор хориж тажрибасини ўзлаштириш;

Трансформация қилинадиган давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзолар, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб этиш;

Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларини тайёрлаш, улар учун Касбий одоб-ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш ва мустақил аъзоларнинг миллий реестрини юритиш тизимини такомиллаштириш мақсадида илғор топ-менежерлар, экспертлар, халқаро молия ташкилотларининг ёрдами ва уларнинг тажрибалари асосида кузатув кенгашининг мустақил аъзолари ассоциациясини ташкил қилиш;

Кузатув кенгашининг иш фаолияти самарадорлигини таъминлашда корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлари ва усулларини қўллаганлик даражасига ва корпоратив бошқарувнинг сифат кўрсаткичларини оширганлигига қараб рағбатлантиришни жорий қилиш;

Кузатув кенгаши фаолиятини самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимини (KPIs) ишлаб чиқиш керак бўлади.

Юқорида қайтд қилинган вазифалар мамлакатмизда капитал бозорини янада ривожлантириш, хусусийлаштириш жараёрларини юқори даражага кўтариш ва корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш учун зарур бўлган миллий методологияни яратиш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимига нисбатан тизимли ёндашувни шаклланишига

замин ҳозирлайди. Шундай экан, капитал бозори, хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув соҳасига юқори даражадаги бошқарув кадрларини тайёрлаш, уларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш тизимини шакллантириш мазкур соҳа ривожидаги устувор йўналиш бўлиб қолади.

Суюнов Д.Х. *– ОБМ кафедра мудири, и.ф.д., проф.*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бугунги кунда турли иқтисодий адабиётларда корпоратив бошқарув тизими тушунчасига ва унинг иқтисодий мазмун моҳиятига турлиича қарашлар пайдо бўлмоқда. Корпоратив бошқарув тизимининг самарали қурилиши корпоратив муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги низоларни минималлаштириш ва уларнинг манфаатларини қондириш даражасини максимал даражага кўтариш ва индивидуал корпоратив мақсадларга эришиш шароитида корпорация ривожланишининг барқарорлигини таъминлаши мумкин [1]. Кишилар, жараёнлар ва технологиялар корпорациялар фаолият кўрсатадиган қоидаларни белгилайдиган инфратузилмани шакллантиради[2].

Корпоратив инфратузилма компанияларнинг кундалик фаолиятини тартибга солади ва уларнинг корпоратив маданиятини белгилайди. Кенгашнинг ишонч, ҳисобдорлик ва шаффофликка бўлган садоқати даражаси инфратузилманинг асосини ташкил этади [3]. Асосий корпоратив бошқарув тамойиллари қанчалик самарали бўлса, корпорация шунчалик муваффақиятли ишлайди. Корпоратив бошқарув тузилмалари ахлоқий, масъулиятли бозор амалиётини таъминлайди.

Корпоратив бошқарувнинг у ёки бу моделини қўллашнинг аҳамиятини деярли ошириб бўлмайди, чунки тартибсиз ишлайдиган корпорациялар бошқа корхоналар ва умуман жамият учун жиддий салбий оқибатларга олиб келади[4] деган фиколар ҳам мавжуд.

Агар корпоратив кенгашлар назорат ва хатарларни бошқариш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолда, ҳалокатли оқибатларга олиб келадиган кўплаб мисоллар мавжуд. Бошқарувнинг заифлиги ёки мавжуд эмаслиги аломатлари акциядорларда қўрқув ва ишончсизликни вужудга келтиради ва уларнинг ишончини йўқотиш молиявий ёрдам сусайишига олиб келади[5].

Акциядорлар ва манфаатдор томонлар, шунингдек, яхши корпоратив бошқарув тамойилларидан фойдаланадиган бошқарув моделларини тезда тан олишади[6]. Акциядорлар, мижозлар ва етказиб берувчилар олдида ҳисобот берадиган корпорациялар мустаҳкам пойдеворни сақлаб қоладилар.

Акциядорлар ва манфаатдор томонлар ўртасида адолат тамойилига риоя қилиш корпоратив бошқарувнинг тўғри тузилишини шакллантириш учун зарур. Самарали корпоратив бошқарув тузилмаси барча акциядорларга уларнинг компанияга киритган сармоялари даражасидан қатъий назар, тенг

овоз беради. Корпоратив кенгашлар барча директорларнинг бир хил қарашга эга эканлиги ва фикрга содиқлигини кўрсатадиган иштирок этиши керак бўлади.

Кузатув кенгашлари бошқарув органи бўлиб, компания бўйлаб ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиши ва қўллаб-қувватлаши ва унинг изчил қўлланилишини таъминлаши керак. Хулқ-атвор қоидалари юқоридан пастгача моделлаштирилиши керак.

Бизнеснинг шаффофлигига риоя қилиш[7] ва унинг ошкоралиги акциядорлар ишончини оширишнинг калитидир. Молиявий ҳужжатлар, даромадлар тўғрисидаги ҳисоботлар ва дастлабки тавсиялар аниқ кўрсатилиши керак. Компаниянинг ишлаш усули унинг қоидалари, жараёнлари, амалиёти ва процедуралари тўпламидан иборат бўлган корпоратив бошқарувига асосланади.

Акциядорлик жамиятларида стратегик режалаштириш ва хавфни камайтиришдан ташқари, Кузатув кенгашларнинг асосий фаолият йўналишларидан бири бу молиявий ҳисобот ва даромадлар тўғрисидаги ҳисоботни таҳлил қилишдир. Акциядорлар ва манфаатдор томонлар ушбу ҳисоботларнинг тўғрилигига, ортиқча ёки бўрттирилмаганлигига ишонч ҳосил қилишларини сўрашади. Тўғри ёзув ва ҳужжатлар корпорацияларга ҳалол бўлишга ва ҳуқуқий муаммолардан қочишга имкон беради ва юқори даражадаги ишончни кучайтиради. Бугунги кунда корпоратив бошқарув моделларини шакллантиришга универсал ёндашув мавжуд эмас.

Англия-Америка модели корпорация ташқарисида бўлган якка ёки институционал акциядорлар тизимига асосланган. Англия-Америка корпоратив бошқарув учбурчагининг уч томонини ташкил этувчи бошқа муҳим ўйинчилар бу менежмент ва директорлар кенгаши. Ушбу модел ҳар қандай корпорация назорати ва эгалик ҳуқуқини ажратиш учун мўлжалланган[8]. Шу сабабли, аксарият компаниялар директорлар кенгаши таркибига ҳам инсайдерлар (ижрочи директорлар), ҳам ташқи шахслар (ижро этмайдиган ёки мустақил директорлар) киради. Бироқ, анъанавий равишда, битта киши бош директор ва директорлар кенгаши раиси лавозимларини эгаллайди. Ушбу куч консентрацияси кўплаб компанияларни кўпроқ ташқи директорларни жалб қилишга олиб келди. Англия-Америка тизими акциядорлар, менежмент ва директорлар кенгаши ўртасидаги самарали алоқага таянади, муҳим қарорлар акциядорлар томонидан овозга қўйилади.

Япон модели банклар ва бошқа кафилланган компанияларга юқори даражадаги эгалик ҳуқуқини тақдим этади. Саноат гуруҳлари савдо алоқалари ва ўзаро мулкчилик билан боғланган. Япония тизимининг асосий иштирокчилари банк, менежмент ва ҳукуматдир.

Ташқи акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар ёки мустақил ва ташқи директорлар кам. Директорлар кенгаши, қоида тариқасида, бутунлай инсайдерлардан, кўпинча компаниянинг турли бўлинмаларининг раҳбарларидан иборат[9]. Бироқ, директорлар кенгашида қолиш компаниянинг давомий фойдасига боғлиқ, шунинг учун банк директорларни

лавозимидан четлаштириши ва агар компания фойдаси пасайишда давом этса, ўз номзодларини тайинлаши мумкин. Ҳукумат анъанавий равишда корпоратив бошқарувга сиёсат ва қоидалар орқали таъсир кўрсатиб келади.

Японияда бўлгани каби, банклар ҳам корпорацияларнинг узоқ муддатли улушига эга ва уларнинг вакиллари директорлар кенгашида ўтиришади. Бироқ, улар нафақат Японияда бўлгани каби, молиявий қийинчиликларда ҳам доимий равишда кенгашларда хизмат қилишади.

Германия моделида кенгаш ва кузатув кенгашидан ташкил топган икки босқичли бошқарув тизими мавжуд. Кенгаш компаниянинг ички раҳбарларидан, кузатув кенгаши эса ишчилар ва акциядорлар вакиллари каби ташқи аъзолардан иборат [10]. Икки кенгаш бир-биридан бутунлай ажратилган бўлиб, кузатув кенгашининг ҳажми қонун билан белгиланади ва акциядорлар томонидан ўзгартирилиши мумкин эмас. Шунингдек, немис моделида акциядорларнинг овоз бериш ҳуқуқлари чекланган. Улар эгалик ҳуқуқидан қатъий назар, фақат акцияларнинг маълум бир фоизига овоз беришлари мумкин.

Корпоратив бошқарувни ривожлантириш ҳар бир компаниянинг стратегик мақсадидир. Ушбу мақсадга эришиш компанияга нафақат ўз имиджини яхшилашга ва манфаатдор томонларнинг тахминларини ва тартибга солиш талабларини қондиришга, балки ўз жараёнларида иқтисодий самарадорликни оширишга ва компаниянинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин.

Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш шундан иборатки, бундай такомиллаштириш компания рентабеллигини оширишга ёрдам беради. Корпоратив бошқарув тизимини тўғридан-тўғри такомиллаштириш компания акциялари қийматининг ошишига олиб келади. Сабаби, корпоратив бошқарув тизими қанчалик яхши бўлса, инвесторларнинг ишонч даражаси шунчалик юқори бўлади. Бундан ташқари, компания қийматининг ўсиши директорлар кенгашининг асосий вазифаси ҳисобланиб, унинг акциядорлар учун жозибадорлигини максимал даражага кўтаришга хизмат қилади.

Корпоратив бошқарув очиқ ва адолатли бошқарувни назарда тутадиган тизимдир. Агар компания бундай қадриятларни қабул қилса, барқарор ўсиш учун фақат - ишонч, яъни инвесторлар, акциядорлар ва жамиятнинг ишончи муҳим омил бўлиб юзага чиқади. Акциядорларнинг ишончи комил бўлиши керакки: компания малакали бошқарувчиларнинг қўлида ва улар акциядорларга нисбатан ҳалол ва виждонан иш кўрадилар[11].

Корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлиги корпорациялар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини тавсифловчи баъзи омиллар билан белгиланади. Корпоратив бошқарув тизимининг асосий элементлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корпоратив бошқарув стратегияси;
- корпоратив бошқарув учун ташкилий тузилма;
- корпоратив бошқарув тизимлари ва жараёнлари;
- корпоратив бошқарув услуби;

●ходимларнинг корпоратив кўникмалари уларнинг таркиби ва биргаликда фойдаланиладиган корпоратив қадриятлари[12].

Шу билан бирга:

●корпоратив бошқарув стратегияси корпоратив мақсадларга эришиш учун корпоратив бошқарув тамойилларини амалга ошириш йўналиши сифатида тавсифланади;

●корпоратив бошқарувни таъминлайдиган ташкилий тузилма корпоратив стратегия ва корпоратив бошқарув тамойилларини амалга оширишни таъминлайдиган бўлинмаларнинг ўзаро таъсирининг ташкилий тузилиши хусусиятларининг тавсифи сифатида тавсифланади;

●корпоратив бошқарув тизимлари ва таомиллари корпоратив бошқарув жараёнлари ва белгиланган тартибларининг тавсифи сифатида тавсифланади;

●корпоратив бошқарув услуби компаниянинг корпоратив мақсадларига эришиш учун етакчи менежерларнинг ҳаракатларининг характери сифатида тавсифланади;

●ходимларнинг корпоратив кўникмаларининг йиғиндиси, корпоратив стратегик мақсадларни амалга оширишга қаратилган ходимларни ва умуман компанияни ажратиб турадиган қобилиятлар сифатида тавсифланади;

●корпоратив қадриятлар компаниянинг барча ходимларининг онгига етказиладиган энг муҳим корпоратив қадриятлар ёки асосий тушунчалар сифатида тавсифланади[13].

Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш корпорацияга акциядорларнинг ишончини қозониш, молиявий инқироз хавфини камайтириш ва капиталдан фойдаланиш имкониятини ошириш имконини беради. Адолат, шаффофлик, ҳисобдорлик ва жавобгарлик тамойилларига асосланган ички тузилмалар ва процедураларни яратиш корпоратив бошқарувни ислоҳ қилиш жараёнида раҳбарият томонидан ҳал қилиниши зарур бўлган асосий вазифадир.

Корпоратив бошқарувнинг ташкилий таркиби тўртта блокдан иборат бўлиши мумкин.

Биринчиси, корпоратив бошқарув бўлими, унинг асосий функциялари: корпоратив бошқарувни яратиш, қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш; компаниянинг корпоратив сиёсатини ишлаб чиқиш, ташкил этиш ва амалга ошириш; ички ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни тайёрлашдан иборат.

Иккинчи блок - бу Қимматли қоғозлар марказий бошқармаси, унинг асосий функциялари инвесторлар, акциядорлар ва ахборот агентликлари билан самарали алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, ички ва халқаро қимматли қоғозлар бозорларини мониторинг қилиш, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар ликвидлигини бошқариш ва компаниянинг акциялар бозорини ривожлантиришдир.

Учинчи блок - бу ҳужжатларни юридик тозалиги учун биринчи навбатда жавобгар бўлган ҳуқуқий таъминот бўлими, бунга низомлар ва барча турдаги қоидалар киради.

Тўртинчи блок - жамоатчилик билан алоқалар ва давлат органлари билан ўзаро алоқалар бўлими. Унинг асосий вазифаси жамиятнинг давлат ҳокимияти органларига нисбатан ахборот сиёсатини мувофиқлаштиришдир.

Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш иқтисодиётнинг барча соҳаларига, ҳам маҳаллий, ҳам хорижий инвесторлар томонидан инвестициялар оқимини ошириш учун зарур бўлган энг муҳим чора ҳисобланади. Бунинг учун акциядорлар билан муносабатларни бошқариш тизимини такомиллаштириш механизми зарур. Ушбу йўналишни амалга оширишнинг асосий вазифаси акциядорларнинг ҳуқуқларини мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида ҳимоя қилишдир.

Европа Иттифоқида акциядорлар ҳимоясини кучайтириш компания қонунчилигини ривожлантиришнинг асосий йўналиши сифатида белгиланган. Акциядорлар ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ва мутаносиб равишда ҳимоя қилишни таъминлаш ҳар қандай компания тўғрисидаги қонуннинг марказида бўлиши керак. Акциядорлар ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кучли тизими, бу бизнес муносабатларида юқори даражадаги ишончга эришишга имкон беради. Бу бизнес самарадорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий шартидир. Акциядорлар ҳимоясини такомиллаштириш асосан қуйидагиларга асосланиши керак:

• қандай ҳуқуқлар мавжудлиги ва улардан қандай фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида тўлиқ маълумот бериш;

• мавжуд ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш учун зарур воситаларни такомиллаштириш.

Компанияларнинг ўзини тутиши ҳам акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасига таъсир қилувчи муҳим омил ҳисобланади. 2019 йилда Жаҳон банки 25 ривожланаётган бозор мамлакатларидаги 695 компанияларда корпоратив бошқарув, инвесторларни ҳимоя қилиш ва фаолият ўртасидаги муносабатлар бўйича тадқиқотни эълон қилди. Мутахассисларнинг асосий хулосалари қуйидагича:

• ҳуқуқий тизимлари заиф мамлакатларда корпоратив бошқарув даражаси пастроқ;

• миллий компаниялардаги корпоратив бошқарув даражаси маълум бир корпорация дуч келадиган бозор муҳити бузилишининг ахборот носимметрикликлари қанчалик муҳимлигига боғлиқ;

• акциялари АҚШ фонд биржаларида рўйхатга олинган компанияларда корпоратив бошқарув даражаси кўтарилган ва бундай боғлиқлик, айниқса, ҳуқуқий тизимлари заиф мамлакатларнинг компаниялари учун хосдир;

• яхши корпоратив бошқарув компанияларнинг бозор қиймати ва уларнинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бу муносабатлар заиф ҳуқуқий тизимларга эга мамлакатларда кўпроқ намоён бўлади.

Шундай қилиб, мамлакатда ҳуқуқий тизим қанчалик заиф бўлса, корпоратив бошқарув ҳолати ширкатлар фаолиятини такомиллаштириш учун

шунчалик муҳим аҳамиятга эга. Аксинча, тўғри корпоратив бошқарувга эга бўлган компаниялар фаолияти ҳуқуқий тизимнинг ривожланиш даражасига унчалик боғлиқ эмас, чунки уларнинг корпоратив муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилишнинг ташқи механизмларига эҳтиёжи ўта кескин эмас.

Замонавий корпоратив бошқарувни сўнгги ахборот технологияларини жадал ва изчил татбиқ этмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Ушбу жараёнда муваффақиятга эришишнинг асосий шарти барча қўлланиладиган АТ-тизимларнинг максимал даражада бирлашиши бўлиб, улар компаниянинг самарали бошқарувини таъминлашда (шу соҳалардаги топ-менежерлар фаолиятини назорат қилишда) директорлар кенгашига ёрдам беришнинг ягона мақсадига бўйсуниши керак.

Корпоратив стратегияни амалга ошириш, ички назорат ва корпорация ва унинг контрагентлари ўртасида тўғри муносабатларни таъминлашга 1ўналтирилган. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу фаолият соҳаси, қоида тариқасида, энг мураккаб функцияларни ихтисослашган фирмаларга топшириш орқали ривожланади (яъни, аутсорсинг орқали), бу тезда дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилари, яъни тизим интеграторлари ва бошқа технологик компаниялар учун алоҳида ва жуда истиқболли бизнес турига айланиб бормоқда.

Компанияни бошқаришнинг классик назарияси корпоратив бошқарувни менежментнинг махсус қуйи тизими ёки функцияси сифатида белгилайди. Унинг вазифаси ташкилот иши натижаларини миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳолаш ва ҳисобга олишдир. Шу билан бирга, унинг асосий функционал йўналиши “классиклар компания раҳбарлари, ходимлари томонидан корпоратив режалар ва бюджетларнинг бажарилиши устидан назоратни кўриб чиқмоқдалар[14].

Корхона бошқарувининг самарали моделини излаш фақатгина корхонанинг ижро этувчи органларининг ҳаммуаллифлари турли хил қийматлар билан тегмаслик учун қандайдир муаммони ҳал қилишга тайёр бўлгандагина муваффақиятли бўлади.

Бошқарув моҳиятига кўра, директорлар кенгаши ҳам назорат қилувчи орган ҳисобланади. Шундай қилиб, Корхона одоб-ахлоқ кодекси унинг тўрт асосий функциясини кўрсатади:

• директорлар кенгаши компаниянинг ривожланиш стратегиясини белгилайди ва йиллик молиявий ва бизнес-режани қабул қилади;

• директорлар кенгаши компаниянинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан самарали назоратни таъминлайди;

• директорлар кенгаши акциядорларнинг ҳуқуқларини амалга оширилишини ва ҳимоя қилинишини таъминлайди, шунингдек корпоратив низоларни ҳал қилишга ҳисса қўшади;

• директорлар кенгаши компаниянинг ижро этувчи органларининг самарали ишлашини, шу жумладан уларнинг фаолиятини назорат қилиш орқали таъминлайди.

Акциядорларнинг манфаатларини акциядорлик жамиятлари менежерлари билан муросага келтириш механизми манфаатларни ҳисобга олишни таъминлайдиган тўртта муҳим элементни ўз ичига олган мураккаб тизим орқали мулкдор талаб қилади.

Биринчидан, у компания ичидаги муносабатларни тартибга солади, қарама-қаршиликлар юз берганда акциядорлар, директорлар кенгаши ва ёлланган менежерларнинг турли манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлайди ва уларни мамлакатдаги мавжуд қонунчилик базасида ҳал қилишга имкон беради.

Иккинчидан, бу компаниянинг ва унинг атроф-муҳитининг - давлатнинг, жамиятнинг ва ишбилармонларнинг ўзаро мувозанати, чунки корпоратив бошқарув даражасида давлат ва бизнес ўртасидаги кўплаб зиддиятлар қарама-қаршиликларга олиб келади/

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай таниқли бошқарув воситаларидан фойдаланиш компаниянинг ривожланиш босқичига мос келмаса, улар ҳеч қандай самара бермайди. Шу сабабли, менежмент воситаларини компаниянинг ривожланиш босқичига ва молиявий ресурсларга қараб танлаш керак, энг муҳими - бунга эҳтиёж борми ёки йўқми билиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Basyuk A.S., Prokhorova V.V., Kolomyts O.N., Shutilov F.V., Anisimov A.Y. Administration management in the innovation cluster // International Review of Management and Marketing. 2016. Vol. 6. № 6. P. 180-184.
2. Кобозева Е.М., Шелудько Е.Б., Государственная финансовая поддержка малого бизнеса в России // Будущее науки-2017. Сборник научных статей 5-й международной молодежной научной конференции (Курск, 26-27 апреля 2017 г.). Том. 1. Экономика. Курск: 2017. С. 191-195.
3. Коломыц О.Н., Прохорова В.В. Экономика знаний – базис для развития инновационной экономики // Представительная власть – XXI век: законодательство, комментарии, проблемы. 2017. №2-3 (153-154). С. 55.
4. Коломыц О.Н. Механизмы реализации инноваций в социально-экономических системах: монография. Краснодар: КубГТУ, 2016. 211 с.
5. Taranova I.V., Podkolzina I.M., Prokhorova V.V., Kolomyts O.N., Kobozeva E.M. Global financial and economic crisis in Russia: trends and prospects // Research Journal of Pharmaceutical, Biological and Chemical Sciences. 2018. Vol. 9. № 6. С. 769-775.
6. Прохорова В.В., Коломыц О.Н., Шутилов Ф.В. Современные проблемы менеджмента. М.: ООО «Издательский Дом МИРАКЛЬ», 2017. 352 с.
7. Прохорова В.В., Коломыц О.Н., Кобозева Е.М. Менеджмент: учеб. пособие. Краснодар: КубГТУ, 2017. 419 с.
8. Коломыц О.Н. Механизмы реализации инноваций в социально-экономических системах: монография. Краснодар: КубГТУ, 2016. 211 с.
9. Прохорова В.В., Коломыц О.Н., Шутилов Ф.В. Современные проблемы менеджмента. М.: ООО «Издательский Дом МИРАКЛЬ», 2017. 352 с.

10. asyuk A.S., Prokhorova V.V., Kolomyts O.N., Shutilov F.V., Anisimov A.Y. Administration management in the innovation cluster // International Review of Management and Marketing. 2016. Vol. 6. № 6. P. 180-184.
11. Леванова Л.Н. Теория корпоративного управления. Учебно-методическое пособие. - Саратов, 2011. - 115 с.
12. Орехов С.А. Корпоративный менеджмент. Учебное пособие. - М.: Дашков, 2012. - С. 33 - 39.
13. Мухамаджанов Ш.С. Совершенствование системы и механизмов корпоративного управления // Известия ВУЗов ЭФиУП. 2020. №4 (46).
14. Антонов В.Г. и др. Корпоративное управление. Учебное пособие. - М.: ИНФРА-М, 2010. - 22 с.

Prof. Young S. Park *– Sogang University*

DEVELOPMENT OF CAPITAL MARKETS: OPPORTUNITIES AND CHALLENGES


Structure of Speech

1. Importance of financial market development
2. Why capital markets?
3. Necessary condition for the development of capital market
4. Role of the government for capital market development
5. A Macro Approach to Finance and Growth (Levine(1997))

Importance of financial sector development



Private Credit and GDP per Capita Growth



Finance operates through multiple channels

- ✓ Pooling resources, subdividing shares
- ✓ Transferring resources across time and space
- ✓ Managing risk
- ✓ Generating and providing information
- ✓ Dealing with incentive problems
- ✓ Resolving competing claims on wealth generated
- ✓ Empirically, finance is shown to matter for Growth, Volatility, Poverty, Inequality, etc.
- ✓ Entry channel and development path are especially important in emerging markets

Structure of Speech


1. Importance of financial market development
2. Why capital markets?
3. Necessary condition for the development of capital market

Role of the government for capital market development

- ➢ Why capital markets?(1)
- ➢ A specific financial structure does not show an absolute

Advantage in supporting national economic development.

- ✓ In the early stage of economic development, banks play a pivotal role insupplying capital to the real sector.
- ✓ The role of the capital market is getting more important as the economy matures. (Boot and Thakor (1997), Boyd and Smith(1998))
- ✓ Market based financial market: US and Australia
- ➢ Bank based financial market: Germany and Japan
- ➢ Market based vs Bank based



Why capital markets?(2)


➢ Well developed capital markets are a driver of economic growth and there by yield positive effects on employment.

➢ On a micro level, well develop capital markets constitute an important source of financing for corporations.

➢ From the investors perspective, capital markets offer investment opportunities and risk management tools.


➢ Besides economic growth, well regulated and supervised capital markets may enhance financial stability.

Williamson(2000): Four levels of Institutions



L1: social theory
L2: economics of property rights/positive political theory
L3: transaction cost economics
L4: neoclassica economics/agenc theory

Corporate Governance



➢ Korean Experience financial crisis of 1997 The globalization of capital market

✓ Capital market is an essential infrastructure of an economy in the globalized world.

✓ Most countries, regardless of the development of the economies, are reforming their capital market to attract more capital and more companies for listing.

✓ In Korea, excessive concentration of financing on banks, combined with underdeveloped capital market proves to be a source of financial crisis (1997).


✓ In the early stage of economic development, bank is a major provider of capital especially for traditional industries.

✓ However, due to limitations of risk sharing and information production ability,bank alone is not enough to support financial system.

✓ Bank cannot support high risk, innovative, and long-term projects.

✓ To support economic growth, we need both banks and well-functioning capital market.

Index of domestic capital market size, access, and activity (World Bank (2020))



Note: The Index is based on three sub-indices: the government bond market index, the corporate bond market index, and the equity market index. The index is biased towards larger economies, as its indicators (debt markets: amount issued, amount outstanding, number of issuers average issuance size) are based on absolute values to reflect the market's actual size and depth. The index only includes domestic issuances—that is, it does not include Eurobond issuances (a total market of 23 trillion USD during 2010-June 2019, as a result of which financial hubs and several European countries appear smaller in size and activity than they actually are. Data sources: Debt—Thomson Reuters, expected data coverage 60-70%, period: 2010-June 2019; equity—World Bank Group, expected data coverage 40-50%, period: 2010-2017.

Necessary conditions for the development of capital markets

Sustained macro-economic stability

A. Sound banking systems

B. Solid institutional framework

✓ Good Corporate Governance

C. Adequate regulation and supervision

D. Access to credible information

E. Competitive & contestable markets

A. Sustained macro-economic stability

B. Stable macro-economic environment

✓ Moderate, positive real interest rates

✓ Appropriate exchange rate regime

✓ Increase in private savings ratio

✓ Stable fiscal environment


✓ Low fiscal deficits to avoid crowding out

✓ Deep and liquid sovereign yield curve plays an important role in capital market development

✓ Limited direct role of the government in financial intermediation

✓ Low financial sector taxation

Private Credit and Inflation



➢ B. Sound banking system Banks are main providers of liquidity, credit, sending signals to other market agents about the potential credit worthiness of companies.


➢ Banks provide key market infrastructures, including payments and custody services.

➢ Banks also act as an important issuer and investor especially in the early stage of capital market development.

➢ Bank deposits are an important investment option for institutional investors, such as pension funds.

➢ There is a complementarity between sound banking system and deep capital markets. According to several empirical studies, the effect of financial deepening is especially strong in countries with a competitive banking system where monopolies and oligopolies are absent.

Stock markets and banks complement each other in growth and development



➢ C. Solid institutional framework

➢ The necessary cornerstone is respect for the rule of law, and political stability.

✓ A capable and independent judicial system, free of political pressure

✓ Legal processed the support the prompt implementation of regulation

✓ Transparency in government policies

✓ An adequate bankruptcy laws

➢ Good property rights, laws


✓ Effective legal system is very important for financial markets, financial intermediation .


✓ How equity and creditor rights affect financial development, external financing, dividend patterns, growth, firm valuation, etc. is well documented.

✓ Includes a well-functioning judicial system that enforce these rights


➢ Political commitment and political continuity are also critical for capital market development.

Private Credit and Creditor Rights





Legal protection and capital market size



And a look on alternative definitions to be used for corporate governance


"The system of laws, rules, and factors that control operations at a company" (Gillan and Starks, 1998)

"Corporate governance relates to the proper functioning of the management and supervisory boards, their co-operation and the control of their actions" (Baums,2001)


"Corporate governance means dealing with the ways in which suppliers of finance to corporations assure themselves of getting a return on their investment" (Shleifer and Vishny,1997)

"The complex set of constraints that shape the ex-post bargaining over the quasi-rents generated by the firm" (Zingales,1998)


OECD Principles of Corporate Governance



Corporate governance has important influence for long-term economic success in the interest of the company and its stakeholders



Better corporate governance translates into somewhat higher returns on assets



Corporate Governance and Firm Performance

D. Adequateregulation and supervision IOSCO Principle

✓ Comprehensive enforcement powers and independence of regulators and supervisors from political pressures.

✓ The implementation of information sharing mechanism that would allow regulators to share relevant information with their domestic and foreign counterparts on a timely basis.

✓ The requirement for transparency of information by securities issuers and institutional investors.

✓ The absence of discrimination among class of investors including minority shareholders and foreign investors.

✓ The establishment of minimum capital requirements and other prudential regulations for financial intermediaries in accordance with the risks they take.

✓ Adequate supervisory oversight for hedge funds and their managers.

Effectiveness of regulation and capital market size

E. Access to credible information

➢ Information is essential for risk management, access to finance, efficiency of intermediation


✓ Information to be available on borrowers, consumers and financial intermediaries

✓ Quality of accounting & auditing, rating agencies, credit bureaus, key components of informational infrastructure

✓ Institutional investors are important in the sense that they are information generators in the capital markets.

✓ Information infrastructure has to be contestable.

Better creditor information sharing increases private credit and eases external financing



Institutional investors and size of capital markets

F. Competitive & contestable markets

➢ Contestability of financial system is key

✓ Contestability matters more than market structure


✓ State-owned institutions hinder

✓ Entry (including foreign institutions) helps stability, efficiency, access

✓ Structure (bank versus markets) matters less than having right fundamentals and open systems

➢ Banks complement capital markets – in financing, corporate governance – and vice-versa

Lower private credit with higher share of government-owned banks



Role of the government for capital market development

1. To ensure that the preconditions for capital market development are in place.

2. To ensure that good regulations is in place.

3. On the other hand, capital markets entail risks to both investor protection and financial stability that need to be adequately monitored and managed.

4. Enforcement needs to be used proactively to build up and maintain investor confidence in the markets.

5. The challenges of developing capital markets are multi dimensioned and require the articulation of policy actions by different public authorities.

Бўтабоев М.Ш. *– ЎзР Дав. акт. бошқ. агентлигининг Тадқиқот маркази бўлим бошлиғи*

КАПИТАЛ БОЗОРИ УЧУН ЭМИТЕНТЛАР ФАОЛИЯТИ ШАФФОФЛИГИНИ ОШИРИШДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРИ РОЛИНИ ОШИРИШ

Ўзбекистон Республикаси катта иқтисодий ривожланиш салоҳиятига эга бўлган мамлакат ҳисобланади. 2021 йил натижалари бўйича МДҲ давлатлари ичида харид қобилияти паритетида ЯИМ ҳажми бўйича мамлакатимиз 4 ўринда бўлган (264,4 млрд. АҚШ долл.) [1]. Бунга йилдан-йилга асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ошиб бориши сабаб бўлмоқда. 2021 йилга келиб асосий капиталга инвестициялар ҳажми 250 трлн. сўмга яқинлашди [2]. Шу билан бирга, миллий иқтисодиётда юқори қайта ишлашга асосланган ишлаб чиқариш секторлари етарлича ривожланмаяпти. Буни республика экспорти ва импорти тузилмасида кўришимиз мумкин: 2021 йилда саноат товарлари ва машина-ускуналар экспортнинг 8,3 фоизини ташкил қилган бўлса, импортнинг 48,9 фоизини ташкил қилган. Ушбу ҳолат республика иқтисодиётида саноат товарлари ҳамда машина ва ускуналар ишлаб чиқариш нисбатан заиф ривожлантирилганлиги, ва шу билан бир вақта ички бозорда уларга талаб катта эканлигини кўрсатмоқда.

Ушбу ҳолатни ўзгартириш учун республикамиз етарлича табиий бойликларга эга. Ўзбекистон фойдали қазилмаларнинг айрим муҳим турлари захиралари ва ресурслари бўйича жаҳонда етакчилардан бири ҳисобланади


[3]: олтин - 5 ўрин, (олтин ишлаб чиқариш – 10 ўрин), уран - 12 ўрин, (уран ишлаб чиқариш – 7 ўрин), мис - 8 ўрин, калий тузлари - 4 ўрин, фосфоритлар ва каолин - 10 ўрин. Шу вақтнинг ўзида мамлакат ҳудуди фақат 40 фоизга ўрганилган бўлиб, катта потенциал ҳали очилмаган. Фойдали қазилмалар захираларининг Давлат реестрига кўра, Ўзбекистонда 2000 дан ортиқ кон топилган, шу жумладан 814 – қурилиш материаллари, 624 – чучук ва минерал ер ости сувлари, 235 - углеводородлар, 152 - металлар; 37 - нометаллар, 32 – кимёвий моддалар, 30 – безак тошлари, 7 – кўмир ва сланец. Бироқ, ушбу имкониятларни ишга солиш учун иқтисодиёт реал секторига илга мисли кўрилмаган даражада инвестициялар киритилиши керак.

Шунингдек, республика иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини таъминлаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун электр энергетикаси мувофиқ суръатлар билан ривожланиши керак. Расмий статистика маълумотларига кўра йиллик электр қуввати истеъмоли 2000 йилда 48,1 млрд.кв.соатни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 69,0 млрд. кв.соатни ташкил қилди, яъни ўртача йиллик ўсиш атиги 2,1 фоизни ташкил қилган [2]. Демак, иқтисодиётни индустриал ривожлантириш суръатларини янада ошириш учун энергетика соҳасига инвестициялар киритиш усутувор масалалардан бири бўлиб қолади.

Миллий иқтисодиётимиз ўсишининг яна бир истиқболли йўналиши ҳалқаро трансосиё траспорт коридорларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлмоқда. Оҳирги ўн йилликларда БРИКС ёки Шанҳай ҳамкорлик ташкилоти доирасида Россия, Ҳитой ва Ҳиндистоннинг ўзаро иқтисодий алоқалари кучайиб бормоқда. Ушбу ҳолда Ўзбекистоннинг транзит мамлакат сифатида роли ошиб бормоқда. Бироқ, яқин келажакда Ўрта Осиё орқали юк ва йўловчи ташишга нисбатан хорижий мамалакатларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан талабларини қондириш учун республика йўл-транспорт тизимини замонавий илғор стандартлар асосида қуришимиз ва қайта қуроллантиришимизга тўғри келади. Ушбу ҳолатда ҳам катта ҳажмда инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторлар сармоясини жалб қилиш керак бўлади.

Ўзбекистон Республикасига хориэжий инвесторларнинг жалб қилиниш ҳолатини қониқарли деб бўлмайди. Ушбу ҳолат айниқса қимматли қоғозлар бозорида яққол сезилади. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг маълумотларига кўра жорий йилда жами акцияларнинг 84,4 фоизига давлат эгалик қилган, хорижий инвесторлар улуши эса 2,6 фоизни ташкил қилган [4]:

1 расм. Корпоратив қимматли қоғозларнинг мулкдорлар бўйича жойлаштирилиши тузилмаси (млрд. сўм)



01.06.2022 йил ҳолатига жами хорижий акция эгалари гуруҳи 3341 жисмоний ва юридик шахслардан иборат бўлган.

Ушбу ҳолатга асосий сабаблардан бири республикамиз акциядорлик жамиятлари тўғрисида потенциал инвесторларнинг яхши хабардор бўлмаслиги деб ҳисобламоқ керак. Дарҳақиқат, республика ОАВда, хусусан акциядорлик жамиятлари корпоратив сайтларида инвесторларни қизиқтирувчи маълумотлар кам берилган. Мазкур муаммонинг долзарблиги сабабли унга давлат томонидан алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йилдаги 166-сон қарорида [5] бошқа йўналишлар қаторида давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ошкор этиш, корхоналарни бошқаришда шаффофлик ва маълумотларнинг ошкор этилишини таъминлаш йўналишини назарда тутувчи халқаро молия институтлари, жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан жалб этилган экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган 2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси тасдиқланган. Шу билан бирга, давлат томонидан бериладиган ёрдамдан ташқари акциядорлик жамиятларининг ўзи ҳам шаффофликни таъминлаш борасида ташаббус кўрсатишлари керак бўлади.

Акциядорлик жамиятлари фаолияти шаффофлигини таъминлашнинг самарали шаклларидан бири – йиллик корпоратив ҳисоботдир. PETRONAS нефт компанияси (Малайзия) ёки DEUTSCHE BAHN транспорт компанияси (Германия) каби йирик ишлаб чиқарувчи корпорацияларнинг деярли уч юз бетли йиллик корпоратив ҳисоботларида компания фаолиятининг барча жабҳалари муфассал ёритиб берилганини кўрамиз. Албатта, республикамиз акциядорлик жамиятларидан бундай ахборотий фаолиятни талаб қилишимиз қийин ва эҳтимол керак эмасдир ҳам. Шу билан бирга, республикамиз акциядорлик жамиятлари йиллик ҳисоботларида қуйидаги масалаларга ойдинлик киритиш лозимлигини тавсия қилиш мумкин:

1.Йил бошидаги старт ҳолати таҳлили.

2.АЖ стратегияси қандай эди?

3.Стратегик бизнес-режанинг асосий кутишлари.

4.Инновацион фаолият натижалари.

5.Ишлаб чиқариш фаолияти натижалари.

6.Сотиш фаолияти натижалари.

7.Молиявий фаолият натижалари.

8.Ҳисобот даври якунига олинган натижалар ва АЖ ҳолати.

9.Компания дивиденд сиёсати амалиёти ва дивиденд кутишлар.

10.Корпоратив менеджмент фаолиятига баҳо ва тузилмавий ўзгаришлар эҳтиёжи.

11.Корпоратив бошқарув тизимининг ҳолати ва ўзгартиришларга эҳтиёж.

12.АЖ корпоратив сиёсатларининг актуаллик даражаси.

13.АЖ риск менежменти ҳолати ва ўзгартиришларга эҳтиёж.

14.Компаниянинг яқин истиқбол учун стратегияси қандай бўлади, ва унинг амалга оширилиши акцияларнинг истиқболдаги даромадлилигига қандай таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. https://www.worldbank.org/ru/access-to-information/reports.
2. www.stat.uz.
3. https://www.uzgeolcom.uz/.
4. https://deponet.uz/sites/default/files//inostrannye_investory_uz.pdf.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 166-сон 2021 йил 29 мартдаги Қарори.

Makhkamov T. – *Westminster International University*

CORPORATE GOVERNANCE SCORECARD FOR UZBEK JOINT-STOCK COMPANIES BASED ON OECD PRINCIPLES

What is a scorecard?

- Scorecard is a quantitative tool to measure the level of compliance with a code and/or a standard of corporate governance.
- Scorecards compare governance practices to a benchmark.
- Scorecards are not used principally to measure regulatory compliance.
- Scorecards measure the observance of a voluntary code of best practice.
- Scorecards are used to assess a company’s governance practices, show progress over time, and compare different companies and even groups of companies within or across countries.

Do we have a Corporate Governance Scorecard? We currently use a Questionnaire to assess the corporate governance system in Uzbek joint-stock companies,

developed by the State Competition Committee of the Republic of Uzbekistan jointly with the Scientific and Educational Center for corporate governance in 2016.

Why does it have to be changed?

1. to fulfill the requirements of the "ROADMAP" for the implementation of the Capital Market Development Program in 2021 – 2022 given in the presidential decree “On Measures for further development of the Capital Market” PD №-6207 dated 13.04.2021,

2. some of the sections of the questionnaire are either outdated or are not directly related to corporate governance issues.

3. questions in section 1 are no longer applicable, since their main purpose was to assess the preparedness of JSCs for the implementation of the Corporate Governance Code at the early stage of its development.


4. Questions in section 5 are also outdated because they assess the transition to publication of financial results in accordance with IFRS, while according to the new presidential resolution PR-4611 dated 24.02.2020 “On additional measures for transition to International Financial Reporting Standards”, all Joint-stock companies, commercial banks and insurance organizations must organize accounting from January 1, 2021 and, starting from the results of 2021, prepare financial statements based on IFRS.


5. Other than that, questions in section 6 (Assessment of the implementation of modern management systems) and 8 (Assessment of financial results) are out of scope of Corporate Governance issues.

What are we offering and why?

A Corporate Governance **Scorecard** for Uzbek joint-stock companies based on OECD principles, because:

- **Scorecard** generates important information on the quality of governance practices.
- **Scorecard** encourages companies to improve their governance.
- **Companies** want concrete and useful information.
- The main beneficiaries of scorecards are **companies and their stakeholders**





The quality of corporate governance practices referred to in each question are marked as following:

• **2 points:** If the company follows global best practices for that element of corporate governance

• **1 point:** If the company follows reasonable practices or meets the Indian standard for that element of corporate governance

• **0 point:** If the company needs to improve in that element of corporate governance

• $Category\ Score = \frac{Aggregate\ score\ of\ all\ questions\ under\ category}{Number\ of\ applicable\ questions\ in\ category \times 2} \times Category\ Weight$

• $Total\ Score = Category\ score_1 + Category\ score_2 + Category\ score_3 + Category\ score_4$

Scorecard structure

Category	Number of questions	Maximum attainable score	Category weight
Rights and equitable treatment of shareholders	19	38	30
Role of stakeholders in corporate governance	9	18	10
Disclosure & Transparency	23	46	30
Responsibilities of board	19	38	30
Total	70		100

Scoring example

Category	Total score (A)	Maximum attainable score (B)	Category weight (C)	Weighted score (A/B)*C
Rights and equitable treatment of shareholders	30	38	30	24
Role of stakeholders in corporate governance	12	18	10	7
Disclosure & Transparency	38	46	30	25
Responsibilities of board	28	38	30	22
Final score			100	77

Score groups

Final score	Level of corporate governance
> = 70	Leader
60 - 69	Good
50 - 59	Fair
< 50	Basic

Jee B.H. *– Handong Global University*

CORPORATE GOVERNANCE AND ESG-BASED MODELING

Modern Corporate Governance - Competitive advantage for organizations in a time of enhanced risk and disruption OECD Official definition.

What Is the Purpose of Corporate Governance?

1. help build and environment of trust, transparency and accountability necessary for fostering long-term investment financial stability and business integrity
2. supporting stronger growth and more inclusive societies

What Are Its Benefits?

- Ensuring the best interests of every concerned one
- Long-term success
- Confidence of investors
- Control over management and information system
- Minimize risks
- Brand reputation
- Resilience

The Relationship between Corporate Governance and Sustainable Development

Corporate Governance & Sustainable Development:

Three Pillars (Triple Bottom Lines)



EconomicDevelopment
• Social Equity
• Environmental protection
Why ESG?

✓ Corporate sustainability management is increasingly viewed as a key management theme every corporation must pursue

✓ Investors pay close attention ever to the sustainability performance of the investee companies.

KCGS Codes for ESG Practices-Environmental Responsibility



Presents future directions of environmental management toward which Korean companies should shift amid environmental issues rising as key factors to business sustainability.

KCGS Codes for ESG Practices - Social Responsibility

Puts forward a future vision for socially responsible management for Korean companies to gain trust domestically and abroad as sustainable management attracts growing attention in the society and corporate social responsibility becomes a key factor in investment decisions in the international capital market.


KCGS Codes for ESG Practices –Governance

Aims to help Korean companies raise transparency and efficiency and thereby contribute to maximizing their corporate value

KCGS Codes for ESG Practices




ESG Evaluation






Participation in the ESG Evaluation Process



KCGS Guidelines

A set of KCGS guidelines are designed to provide companies with concrete guidance on best practices in corporate governance and help them improve their governance voluntarily in line with the Corporate Governance Code



1. Баҳоловчи ташкилотнинг сифатий ва миқдорий параметрларини қамровчи мезоний кўрсаткичларни иккита йирик интеграллашган гуруҳ мезоний (индекс) кўрсаткичларга ажратиб рейтинг ва рэнкингни баҳолаш тамойили.

Ушбу тамойил доирасида қуйидаги иккита йирик интеграллашган гуруҳ индекслардан фойдаланиш мумкин:

1) баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш хизматлари бозоридаги фаоллиги (фаолиятининг муваффақияти, ишончлилиги, рақобатдорлилиги, обрўси) рейтингини сифатий кўрсаткичлар тўплами ёрдамида адекват ифодаловчи сифатий рейтинг индекс (СРИ) бўйича баҳолаш;

2) баҳоловчи ташкилотнинг молиявий ҳолати ва молиявий ўлчами рейтингини баҳоловчи ташкилотнинг бухгалтерия баланси (БТББ) асосий 4 та интеграл (суммар) кўрсаткичи тўплами ёрдамида адекват ифодаловчи миқдорий рейтинг индекс (МРИ) бўйича баҳолаш.

Баҳоловчи ташкилот ҳолатини мос равишда сифатий ва миқдорий ифодаловчи ҳар иккала интеграл индекс (СРИ ва МРИ) ривожининг ўзгариши ва шаклланиши натижалари бир-бирига эквивалент категориялар.

Баҳоловчи ташкилот фаолиятининг ҳолатини ўзаро эквивалент бўлган СРИ ва МРИ категориялар алоҳида-алоҳида равишда акс этиши мумкин.


Баҳоловчи ташкилот ҳолатининг эквиваленти деб қабул қилинган СРИ ва МРИ индекслар ўзгаришини учинчи регулятив омил (РО) белгилайди. Бунда РО, СРИ ва МРИ эса:

- баҳоловчи ташкилот фаолиятида машғул бўлган инсон капиталининг (яъни ташкилот эгалари, хизматчи ва ишчилари, бошқарувчилари каби жисмоний шахсларнинг) маҳсулдорлиги, жумладан инновация ва рақамли технологиялардан фойдаланиш самарадорлигига;

- давлат макроиқтисодий сиёсатига боғлиқ равишда фаолият юритувчи баҳолаш хизматлари бозорининг ривожланганлик даражасига боғлиқ.

Илмий-фалсафавий нуқтаи назардан СРИ ва МРИ категориялари диалектиканинг миқдорни сифатга ва сифатни миқдорга айланиши қонунига асосан РО воситасида ўзаро сабаб-оқибатий алоқада бўлганлиги учун, улар РО орқали бир-бирига айланиш ва бир-бирининг ўзгаришини шакллантириш хоссасига эга. Шу сабабли, СРИ ва МРИ бир-бири билан РО орқали боғлиқ эквивалент категориялар деган гипотезанинг мақсадга мувофиқлигини илгари суриш мумкин. Чунки бу гипотезанинг ижтимоий-иқтисодий системология қоидалари асосида тўғрилиги профессор Ш.Шоҳаъзамий томонидан

математик исботланган[1]. Мазкур қоидалар ва исботга асосланган гипотеза мазмун-моҳиятини ифодалаш мақсадида 1-расм кўринишидаги тороидал шаклдаги модель ўринли.



1-расм. СРИ ва МРИ категорияларнинг РО орқали боғлиқлигини ифодаловчи тороидал шаклдаги тузилмавий-функционал модель

Мазкур 1-расмда: ТО – МРИ ва СРИ категорияларга бир вақтда таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар; ХЧК – СРИ категориянинг чиқиш кўрсаткичлари (индикаторлари), улар бир вақтда РО категорияга таъсир кўрсатади;

НЧК – МРИ категориянинг чиқиш кўрсаткичлари, улар бир вақтда РО категорияга таъсир кўрсатади; РО – МРИ ва СРИ категориялар учун умумий регулятор;

ҚФО ва НФО – РО томонидан шакллантириладиган ҳамда мос равишда СРИ ва МРИ категорияларнинг функцияларига таъсир этадиган ички омиллар. Бунда РО, ТО ҳисобга олинган ҳолда, ХЧК ва НЧК асосида ички омиллар (ҚФО, НФО) шакллантиришдан иборат бўлган мувозанатлайдиган механизм функциясини бажаради. Барча омиллар ўзаро сабаб-оқибатлилик алоқада бўлади.

Шундай қилиб, юқорида айтилганлар асосида 1-чи тамойилнинг амал қилиши СРИ ва МРИ категориялар эквивалент эканлигининг математик исботи ва ижтимоий-иқтисодий системология қоидаларига таянади дейиш мумкин. Бу эса, баҳоловчи ташкилотлар рейтингини (рэнкингини эмас!) баҳолашда СРИ ёки МРИ категорияга таяниш мумкинлигини ва рэнкингини аниқлаш учун эса молиявий ўлчовдан фойдаланиш зарурлигини англатади.

Агарда баҳоловчи ташкилотнинг молиявий ҳолати БТББ асосий (4 та интеграл) кўрсаткичлари асосида МРИ аниқ ҳисобланиб топилиши мумкинлигини[2] ҳисобга олсак, ҳар қандай баҳолаш ташкилоти рейтинги ва рэнкингини баҳолашда МРИ қўлланилиши унинг миқдорий индекс сифатида ҳисоблаб топилиши осон ва содда бўлганлиги учун ҳам афзалроқ бўлади.

[1] Шохаъзамий Ш.Ш. Трактат о смарт цифровой республике. Монография. –Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. - 352 с.; Shoha’zamiy Sh.Sh. Mulk, qiymat va narxning nazariy asoslari. Darslik. - T.: Iqtisod-moliya, 2018. - 492 b.

[2] Шоҳаъзамий Ш.Ш., Суннатов Ю.У. Фирмалар бухгалтерия баланси асосида молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг янгича ёндашуви.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали №5, 2017 йил сентябр.-20 б.;

Чунки, СРИ асосида рейтинг баҳолашда сифатий кўрсаткич ва параметрларни шартли равишда билвосита ифодаловчи (бевосита ва тўғридан-тўғри эмас!) қандайдир миқдорий кўрсаткичлар (баллар) ва мезонлар киритиш ва уларни аниқлаш учун қўшимча шартлар киритиб мураккаб математик йўсин (процедура) ва моделлардан ҳамда фактологик базис ва статистик-эмпирик (корреляцион-регрессион боғлиқликдаги) қонуниятлардан фойдаланиш талаб қилиниши СРИни амалиётда қўллаш ҳар доим ҳам осон кечмаган.

Таъкидлаш зарурки, СРИ ёки (ва) МРИни танлаб олиш ва шунинг асосида рейтингни баҳолаш ва рэнкингни молиявий ўлчам ёрдамида аниқлаш булардан манфаатдор бўлган рейтинг агентлиги мижози (мулк қийматини баҳоловчи ташкилоти)нинг пировард истак-ҳоҳишига боғлиқ бўлганлиги сабабли, сифатий ва миқдорий рейтинг ва рэнкинг баҳолашда, мос равишда, берилган методикалардан фойдаланиш мумкин. Яъни, баҳоловчи ташкилотнинг БТББ асосий 4 та интеграл кўрсаткичлари асосида МРИ миқдорий индексни мавжуд методикадан фойдаланиб, баҳолаш ташкилоти рейтинги ва рэнкингини баҳолаш маъқул.

Халмурадов Э.Д. *– Давлат бошқарув академияси, мустақил изланувчи*

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА КОММУНИКАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВ

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шариоитларида турли илмий адабиётлар ва амалиётда «коммуникация» ва «коммуникация жараёнлари» тушунчаларининг талқинлари турли илмий манбаларда турлича ёндашувлар орқали таърифлаб келтирилмоқда. Коммуникация – бу, ўзаро ахборот алмашинув билан боғлиқ бўлган, алоқа учун хизмат қилувчи тушунчадир. Ана шу ахборот негизида маълумотлар олиниб, самарали қарорлар қабул қилинганлиги учун ҳам уни менежментда бошқарув тизимининг асосий йўналишларидан бири, деб аталиш мумкин. Бошқариш функциялари ҳисобланмиш режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва назорат, ўз навбатида, фикр алмашиш, ахборотга эга бўлиш ва ташвиқот каби боғловчи – коммуникация унсурлари ёрдамида амалга оширилади.

Корпоратив бошқарувда коммуникация - бу бошқарув қарорларини қабул қилиш учқун зарур ахборотлар алмашувидир. Коммуникациянинг мажлислар, хизмат ёзув-чизувлари, телефон орқали мулоқотлар, хисоботлар, видеотасмалар ва юзма-юз сухбатлар орқали корпоратив қарор қабул қилишда купгина муаммоларни ҳал килишда ёрдам беради.

Корпоратив ахборотлар корхона ичида босқичма-босқич, яъни вертикал коммуникациялар орқали ўтади. Ахборотлар юқори бошқарув органларидан, пастки органларга ўтади. Шунингдек пастки органлардан юқори бошқарув

бўлимларига ахборотлар оқими келади. Айнан иккинчи жараён корхоналарда ижобий ўзгаришларга олиб келади.

Акциядорлик тижорат банкларида вертикал коммуникациялардан ташқари, горизонтал коммуникациялар ҳам мавжуд. Маълумки корхоналарда турли-хил функционал бўлимлар, цехлар ва бошқа бўлимларнинг мавжудлиги улар орасидаги ахборот оқимининг кераклигини англатади. Масалан, фундаментал технология асосида, корхона турли-хил махсулотлар ишлаб-чикариши мумкин, шунинг учун ҳам маркетинг булимининг ахборот ахамиятлигини саклаб колади ва унинг талабларини ўз вақтида қондирилишини таъминлайди.

Корпоратив бошқарувдаги коммуникацион жараён – бу икки ва ундан ортиқ объектлар ўртасидаги ахборот алмашинувидир. «Коммуникацион жараённинг асосий мақсади – алмашинув предмети бўлган аҳборот, яъни хабарнинг тушунарли бўлишини таъминлашдан иборатдир»[1], дейилган таъриф ҳақиқатга жуда яқиндир. Корхона раҳбарлари ўз вақтининг 50-60%гача қисмини бевосита коммуникация жараёнларини амалга оширишга сарфлашади. Глобаллашув даврида корпоратив бошқарувдаги коммуникацияни ахборотсиз, коммуникацион жараёнларни ахборот тизимларисиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта.

Корпоратив бошқарув қарорларини юксак махорат билан амалга ошириш учун корхонада ишлаб чиқариш жараёни тўғрисида етарли ахборот бўлиши тақазо этилади. Ахборот сўзи араб тилида «хабар қилмоқ», «хабар бермоқ» маъносини англатади. «Ахборот» сўзининг инглиз тилидаги таржимаси «information» - тушунтириш, изоҳлаш маъноларини бериб, шахслараро оғзаки, ёзма ва бошқа кўринишда алмашинилади.

Иқтисодий фаолиятга нисбатан қўлланилувчи «ахборот» атамаси икки мазмунда ишлатилади:

o иқтисодий жараёнларда ишлатилувчи ресурслардан бири сифатида, яъни ресурс сифатида қаралувчи ахборотга эга бўлиш учун вақт ва бошқа ресурсларни сарфлаш талаб этилади;

o бошқарувда иқтисодий қарорларни қабул қилиш ва таҳлил этиш жараёнида ишлатилувчи, ҳамда сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш объекти ҳисобланувчи маълумот ва хабарлар.

Замонавий йирик тижорат банкларида коммуникация жараёнларининг муаккаблашиб бориши эвазига ахборот ҳажми миллионлаб ҳужжат сатригача етиб бормоқдаки, бу ўз навбатида, ахборот билан ишлашни ташкил этиш бўйича қуйидаги қатор муаммоларни хал этиш лозимлигини тақозо этади:

- тижорат банкларида мақбул ахборот тизимини ишлаб чиқиш;
- тижорат банкларида ахборот оқимларини шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш;
- тижорат банкларида ахборотни қабул қилиш ва юборишнинг мақбул усулларини танлаш;

[1] Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: Пер. с англ. –М.: Дело, 2000. – 704 с. (с. 171).

- тижорат банкларида ахборотни сақлаш ва излашни ташкил этиш;
- тижорат банкларида ахборотни қайта ишлаш жараёнида замонавий воситаларни кенг қўллаш.

Корпоратив бошқарув учун зарур бўлган ахборот тизимлари оддий ва мураккаб тизим бўлиши мумкин. Оддий ахборот тизими уни қайта ишлашни талаб этмайди, ахборот манбаасидан у истеъмол қилиниш жойигача етказишда ўзгариш юз бермайди. Бундай ахборот телефон, телеграм ёки бошқа хабар бериш воситалари ёрдамида бир марта берилувчи хабар сифатида етказилади. Мураккаб ахборот тизимлари ахборотни қайта ишлашнинг механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражаси бўйича турларга ажратилади. **Биринчи** гурухга қўлда ёки энг оддий механизмлар ёрдамида қайта ишланувчи ахборот тизимлари киради. **Иккинчи** гурухга ахборотни тўплаш, қабул қилиш ва қайта ишлашда механизация кенг қўлланиладиган ахборот тизимлари киради. **Учинчи** гурухга маълумотларни комплекс механизация воситаси билан бирга автоматлаштириш элементларини қўллаб қайта ишлаш ва тўплаш қўлланилган ахборот тизимлари киради.

Акциядорлик тижорат банкларида корпоратив бошқарув қарорларини қабул қилишда илғор ахборот тизимини рақамлаштиришни лойхалаштириш жараёни зарур бўлади ва у қуйидаги вазифаларни амалга оширишга асосланиши лозим:
- Акциядорлик тижорат банкларида мавжуд ахборот тизимини тахлил қилиш, ахборотнинг асосий йўналишларини ўрганиш;
- Акциядорлик тижорат банкларида ахборот тизимининг иқтисодий-моделини ишлаб чиқиши ва зарур ахборот хажми ва мазмунини аниқлаш;
- Акциядорлик тижорат банкларида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш учун техникавий воситаларни аниқлаш;
- Акциядорлик тижорат банкларида ахборотни қайта ишлаш технологиясини яратиш;
- Акциядорлик тижорат банкларида ахборот вужудга келиши ва фойдаланиш даврийлигини белгилаш;
- Акциядорлик тижорат банкларида қўлланиладиган ахборот учун шифрлар тизимини яратиш;
- Акциядорлик тижорат банкларида ахборотни узатиш ва қайта ишлашни автоматлаштириш ва механизациялаштириш қулай бўлиши учун стандарт маълумотларни лойихалаштириш;
- Акциядорлик тижорат банкларида ахборотларни рақамлаштиришни лойихалаштириш жараёнида олинган барча материалларни тартибга солиш ва расмийлаштириш.

Таҳлил натижасида хулоса қилиш мумкинк, илмий адабиётлар ва турли нашр манбаларида қайд этилишича « Тижорат банкларида корпоратив муносабатлар» иборасининг мазмуни ундаги «муносабатлар» сўзининг моҳиятига боғлиқдир. Ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида содир бўладиган муносабатлар асосан кишиларнинг ресурсларга, моддий ашё ва буюмларга бўлган муносабатини, ҳатти-ҳаракатини, чекланган иқтисодий

ресурслардан унумли фойдаланишни назарда тутади. Шунинг учун мавжуд ресурсларга, ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга, улардан унумли фойдаланишга бўлган муносабат, ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига таъсирида ўрганилиши лозим. Бошқа тарафдан, ҳеч қандай меҳнат ёки ишлаб чиқариш алоҳида олинган киши ёки гуруҳ томонидан, бошқалар билан алоқаларсиз, муносабатларсиз амалга оширилмайди. Улар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида бир-бирлари билан албатта ўзаро муносабатда бўладилар ва шу муносабатга қараб ҳаракат қиладилар, ўз хулқ-атворларини, ҳатти-ҳаракатларини белгилайдилар. Муносабатлар турли шарт-шароитларда, замон ва маконда шаклан ва мазмунан ўзгарувчан бўлиб, уларни ифода этувчи илмий тушунчалар, қонун-қоидалар ҳам ўзгариб туради, улар доимий ҳаракатда, ривожланишда бўлади. Бошқарув муносабатлари турли иқтисодий воқеа-ҳодисалар ва жараёнларнинг мазмуни, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, бир-бирига таъсирини ҳам инобатга олиши керак бўлади. Корпоратив муносабатлар корпоратив бошқарув алоқаларининг бутун тизимини, унинг ҳамма босқичларини, ҳамда корпоратив хўжалик юритишнинг барча субъектларини қамраб олади» [1].

Юқорида келтирилган таърифда таъкидланганидек, «корпоратив муносабатлар корпоратив бошқарув алоқаларининг бутун тизимини қамраб олади», Демак, корпоратив бошқарув муносабатларида алоқа, яъни коммуникация устиворлиги сезилиб турибдики, бу ўз навбатида, корпоратив бошқарувда коммуникацион жараёнлар деганда, корпоратив бошқарув муносабатлари иштирокчилари (корпоратив муносабатлар тизими элементлари) ўртасидаги ахборот алмашинувини назарда тутиш лозимлигини англатади.

Корпоратив муносабат иштирокчилари сафига қуйидагиларни киритиш мумкинлиги айрим илмий манбаъаларда[2] таъкидлаб ўтилган: мулкдорлар (акциядорлар), акциядорлик жамияти бошқаруви (менежмент), давлат ҳокимияти институтлари (ижро, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти), кредиторлар, жамият. Санаб ўтилган иштирокчилар ичида ахборот алмашинуви улуши бўйича акциядорлар, давлатнинг ижро этувчи ҳокимияти вакиллари ва менежмент корпоратив коммуникацияларнинг энг муҳим мулоқот субъектлари саналади. Аммо, бошқа иштирокчилар билан ахборот алмашинув жараёнининг аҳамиятини зинҳор камситмаслик заруриятини қайд этиб ўтиш жоиз, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, корпоратив муносабат иштирокчилари ўртасида амалга ошувчи коммуникацияларни кўпроқ горизонтал алоқалар сифатида қараш тўғри бўлар эди. Чунки, юқорида санаб ўтилган корпоратив муносабат иштирокчиларининг деярли барчаси ўзаро иерархик боғлиқликка эга бўлмаган субъектлар бўлиб, уларда гўёки бир хил поғонадаги шериклик мулоқотлари

[1] Равшанов М., Маматов У. «Бошқарув модернизацияси» ва «корпоратив муносабатлар» тушунчаларидаги узвий боғлиқлик. Мақолалар тўплами. –Т. ЎМУ, 2010. 35-43 бетлар.

[2]. Бернет Дж., Мориарти С. Маркетинговые коммуникации. Интегрированный подход. –СПб, Издательство “Питер”, 2001. 864 с.

ҳукмрон бўлиши табиийдир. Аммо, корпоратив бошқарувда коммуникация жараёнлари нафақат корпоратив муносабат иштирокчилари ўртасидаги ахборот алмашинувини, балки корхона ичидаги иерархик мазмун касб этувчи коммуникация жараёнларини ҳам ўз ичига олади. акциядорларнинг менежмент ва менежментнинг давлат институтлари билан ахборот алмашинуви жараёнини назарда тутувчи коммуникациялари ўзаро бўйсинишнинг маълум бир кўринишларини, яъни иерархиялилик даражасини ўзида намоён қилиши мумкин, албатта.

Fayzullaev S. *– Self-researcher of TSUOS*

THE IRANIAN NUCLEAR PROGRAM DURING THE COVID-19 PANDEMIC

The period when Donald Trump was in power in the United States, which violated the terms of Iran and the JCPOA and created the “JCPOA crisis,” was marked by the escalation of U.S.-Iranian confrontation. Although Washington did not offer the changes Tehran expected, it missed an opportunity to offer a hand of goodwill to the Iranian people during the COVID-19 pandemic.

The US president's transition from Trump to the Biden administration in January 2021 raised the prospect of Washington and Tehran reviving the JCPOA. The rationale for this was simple: Restoring restrictions on Iran’s nuclear program would address the strategic concern shared by world powers, while the prospect of easing sanctions would help the Iranian economy recover from the combined effects of sanctions and the pandemic. In practice, however, attempts to re-establish the JCPOA remain complex.

At the same time, all members of the Vienna Group of Negotiators - Russia, China, France, Britain, Germany, the United States, the European Union and many other countries - are calling on Iran to return to the negotiating table.


Iran was hit hard and prematurely by the COVID-19 pandemic in 2020, and since February of that year, according to official figures, has recorded more than 6.2 million cases and 132,000 deaths.[1] President Ibrahim Raisi said: "The government's first priority is controlling the coronavirus, improving the health situation and widespread vaccination,"[2]

The new president, Ibrahim Raisi, has outlined what the JCPOA negotiations should look like. In his first interview with state television on September 4, 2021, he said Tehran expects the talks to begin with the lifting of U.S. sanctions. "Iran,” the president said, “rejects the notion of 'negotiations for negotiation.” The talks should prove to the country that "with the expected results, that is, the lifting of Washington's repressive sanctions against the Iranian people.”[3]

[1] World Health Organization. The current COVID-19 situation. // URL: https://www.who.int/countries/irn/
[2] Iran's Raisi says tackling Covid, reviving economy priorities. // URL: https://www.france24.com/en/live-news.
[3]Tasnim. 05.09.2021. Negotiations Must End Sanctions: Iranian President. // URL: https://www.tasnimnews.com/en/news/2021/09/05/2566049/negotiations-must.

As we can see, the President and the Minister of Foreign Affairs, Abdullahian, set the time and cost of the tender for the restoration of the JCPOA. Of course, this complicates the negotiation process. On the other hand, the proposed conditions will allow Tehran to buy time to build its nuclear capabilities outside the JCPOA, for a specific purpose.

Figure 1 - Iran's Enriched Uranium Stockpile



Source: the International Atomic Energy Agency (IAEA)


To date, Iran has made significant progress in developing its nuclear infrastructure. According to the International Atomic Energy Agency (IAEA), Iran's low-enriched uranium reserves have increased by almost 525 kilograms since November 2020 and reached 2,976.8 kilograms in February 2021.[1] This is about 15 times more than the 202.8 kg limit set in Iran's 2015 nuclear deal with world powers.

According to the World Bank, the Iranian economy has recovered in 2020 from a two-year economic downturn. It is projected to grow by about 3.3 percent in the second year of GDP growth, with strong performance in the oil and manufacturing sectors and the resumption of trade hampered by the COVID-19 pandemic.[2] Tehran does not provide official figures on its oil exports, but industry sources say that according to the general agreement, trade, especially to China, has been growing since the end of 2020, but they are still well below the 2018 level. The increase in exports in Tehran strengthens confidence that Iranian trade has survived the sanctions.[3]

[1] What the Iran nuclear talks mean for oil prices. // URL: https://www.marketwatch.com/story/what-the-iran-nuclear-talks-mean-for-oil-price.

[2] Iran's Economic Update - October 2021. // URL: https://www.worldbank.org/en/country/iran/public.

[3] Iran activates game plan for oil comeback in 2021 in test for Biden administration // URL: https://www.spglobal.com/platts/en/market-insights/latest-news/shipping/020921-iran-activates-game-plan



Source: The World Bank and S&P Global Platts Analytics

What is Iran hoping for in this situation? The delay in the Vienna talks, formed by order of the leadership of the Islamic Republic of Iran, is primarily aimed at developing nuclear capabilities outside the JCPOA, without its control, as noted above. The IAEA, secondly, to create favorable conditions for negotiations with the parties, first of all, with the United States.

Iran reiterates emphatically: The talks in Vienna are only necessary to secure the country's interests, that is, to lift sanctions, and the busy U.S. return to the JCPOA seems irrelevant. Washington's approach is different - to "get back together" with the gradual lifting of sanctions. At the same time, the United States is ready to ease sanctions against Iran, but the White House does not consider all sanctions to be unilaterally constructive.[1]

So why is there such a surge in nuclear work? Many analysts today, including Christoph Blatt, a professor of international relations and security at Bradford University in the United Kingdom, and Mayumi Fukushima, a Japanese diplomat and now a nuclear security expert at Stanton University in the United States, see the current talks as Iran's nuclear "game". Achieving and maintaining a "nuclear delay" or "nuclear threshold" means that the country has the technology to build a nuclear weapon quickly, but with the benefit of hindsight.

Fukushima writes: "History has shown that many countries with advanced nuclear technology but no nuclear bombs (Japan, Germany, the Netherlands, Canada, Argentina, Brazil, South Korea) are secret nuclear states. (nuclear latent states) prefer to remain so, rather than rushing to build a so-called nuclear weapon as soon as possible. Iran also has reason to believe that it can decide to remain nuclear-free for a long time, at least in the near future and even after the end of the JCPOA, regardless of U.S. sanctions decisions."[2]

[1] RBK. 08.09.2021. Spatsposlannik SSHA on Iran will visit Moscow. // URL: https://www.rbc.ru/rbcfreenews.
[2] Mayumi Fukushima. No-Go Negotiations: Iran May Not Be in a Rush to Get Nuclear Weapons. National Interest. 27.06.2021. // URL: https://nationalinterest.org/feature/no-go-negotiations-iran-may-not-be-rush.

In addition, Mayumi Fukushima notes that developing nuclear weapons and keeping them in a state of war would be extremely costly for most states. He cites the example of India and Pakistan, which each spent more than $ 5 billion in the early 2000s to maintain their nuclear capabilities. At present, these countries and Israel spend $ 1-3 billion annually for these purposes, and France up to $ 6 billion.

At the same time, the time is approaching when Tehran will have to decide on the continuation of the negotiation process, the price of its demands, real cooperation with the IAEA, nuclear policy and its place in the region and the world in general.

In conclusion, the sanctions imposed by the United States did not have a sufficient impact on changing the direction of Iran's state policy. At present, the Vienna participants will have to consider two main points in the issue of lifting the sanctions: to achieve the complete lifting of sanctions imposed by the United States and to demand that Iran take a firm commitment to a possible return to its nuclear program.

In addition to nuclear talks, the P5 + 1 should encourage dialogue between Iran and its Arab neighbors. UN Secretary-General Antonio Guterres, or a key group of European countries, is behind a regional dialogue initiative that brings together Iran, Iraq and their six Gulf neighbors - Saudi Arabia, the UAE, Qatar, Oman, Kuwait and Bahrain - to discuss the issue of trust. should lose weight. - It is necessary to create measures in the Gulf region that could lead to a stable security cooperation. The West is also showing the need to cooperate with Iran on issues of common interest, such as Afghan refugees, counter-narcotics operations or the fight against the COVID-19 pandemic.

Reference:

1.World Health Organization. The current COVID-19 situation. // URL: https://www.who.int/countries/irn/

2.Iran's Raisi says tackling Covid, reviving economy priorities. // URL: https://www.france24.com/en/live-news.

3.Tasnim. 05.09.2021. Negotiations Must End Sanctions: Iranian President. // URL: https://www.tasnimnews.com/en/news/2021/09/05/2566049/negotiations-must.

4.What the Iran nuclear talks mean for oil prices. // URL: https://www.marketwatch.com/story/what-the-iran-nuclear-talks-mean-for-oil-price.

5.Iran's Economic Update - October 2021. // URL: https://www.worldbank.org/en/country/iran/public.

6.RBK. 08.09.2021. Spatsposlannik SSHA on Iran will visit Moscow. // URL: https://www.rbc.ru/rbcfreenews.

7.Mayumi Fukushima. No-Go Negotiations: Iran May Not Be in a Rush to Get Nuclear Weapons. National Interest. 27.06.2021. // URL: https://nationalinterest.org/feature/no-go-negotiations-iran-may-not-be-rush.

Abduvaliyev I.E. *– ОБМ тингловчиси*

Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirishda investitsiyalarning o‘rni va ahamiyati

Bozor munosabatlari sharoitida iqtisodiyotni rivojlantirishning asosiy omillaridan biri kichik biznes va tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishdir. Tadbirkorlik shaxsiy daromad, foyda olishga qaratilgan fuqarolarning mustaqil faoliyati. Bu faoliyat o'z nomidan, o'z mulkiy ma’suliyati va yuridik shaxsning yuridik mas’uliyati evaziga amalga oshiriladi. Tadbirkor qonun tomonidan ta’qiqlanmagan barcha xo'jalik faoliyati, shu jumladan, vositachilik, sotish, sotib olish, maslahat berish, qimmatbaho qog'ozlar bilan ish olib borish bilan shug'ullanishi mumkin. Tadbirkorlik shaxsiy va ijtimoiy foydalarni ko'zlagan holda daromad olish uchun sarflanayotgan mablag' bilan bog'liq faoliyatdir. Jumladan Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev ta’kidlaganlaridek: “…«O‘ztadbirkoreksport» va «O‘zsanoateksport» aktsiyadorlik jamiyatlari, shuningdek, Milliy bank huzuridagi Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub’ektlarining eksportini qo‘llab-quvvatlash jamg‘armasi yo‘nalishi bo‘yicha kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub’ektlari eksporti bilan bog‘liq. Bu borada kamida 1 milliard 500 million dollarlik eksportni ta’minlash kerak”. Davlat moliyasini barqarorligini ta’minlashdakichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub’ektlari faoliyatini amalga oshirishning tutgan o'rni jamiyat taraqqiyotida, siyosiy va ijtimoiy o’zgarishlarning eng muhim omili bo’lib xizmat qiladi. Ayniqsa o’tish davrida bozor islohotlari turlicha namoyon bo’layotgan mamlakatlar, xususan, MDH davlatlarida bu tendentsiya yaqqol ko’zga tashlanmoqda.

Kichik va yirik biznes O’zbekiston iqtisodiyotida iqtisodiy faoliyatning asosiy tashuvchisi bo'lib, mamlakatning yanada o'sishi va rivojlanishi uchun katta ahamiyatga ega. Biznes, raqobat kuchliroq bo'lgan biznes muhitida muvaffaqiyatga erishish uchun ular samarali ishlashiga hissa qo'shadigan strategiyalarni yaratishlari kerak. Hosildorlik va iqtisod Makedoniya iqtisodiyotidagi zaif nuqtalardir. Shu bois, mikroiqtisodiy islohotlarni amalga oshirish orqali milliy raqobatbardoshlik va mehnat unumdorligini oshirishga alohida e’tibor qaratish, shu bilan birga, soliq yuklarini kamaytirish orqali kichik va yirik biznesda ish haqini kamaytirish zarur. Tadbirkorlik ko'pincha er yuzidagi barcha meridianlarda o'nlab yoki mingta yangi tashkil etilgan korxonalar soni bilan taqqoslanadi va ko'pincha xuddi shu yo'nalishda ifodalanadi. Tadbirkorlik g'oyasi va funktsiyasi to'g'ridan-to'g'ri yangi biznesning ommaviy tendentsiyasini tasdiqlashga intilish orqali ifodalanadi. Mamlakatning kattaligiga qarab, biz yiliga o'nlab, yuz minglab, millionlab kichik biznes haqida gapirishimiz mumkin, bu erda biz bir yoki ikkita hammuassis, mulkdor, tadbirkorni topamiz. Shu bilan birga, bu faoliyat butun dunyoda oqilona xulq-atvor modeli sifatida belgilangan tegishli tashkiliy shakl orqali tadbirkorlik imkoniyatiga erishishning boshlanishi hisoblanadi. Aholi bandligini, ayniqsa, yoshlar bandligini qo'llab-quvvatlash jarayoni odatda Davlat siyosati darajasida keng tarqalgan. Lekin buning sababi shundaki, O'zbekiston uchun aholining asosiy qismini 60% yoshlar

tashkil etishi juda muhim. Bunda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishga katta e’tibor qaratilmoqda.

Asosan, davlat tomonidan yoshlarga qaratilgan ikkita asosiy qaror mavjud. Shunday qilib, bu yoshlarning qobiliyat darajasidan ijobiy foydalanishga da'vatdir. Binobarin, bugungi kunda iqtisodiyotni isloh qilishning ustuvor yo'nalishlaridan biri O'zbekistonda mulkchilik sinfini shakllantirishga yordam beradigan kichik biznesni rivojlantirishdir. Kichik biznes sub'ektini turli usullarni qo'llash orqali takomillashtirish maqsadida davlat tomonidan ushbu sohani qo'llab-quvvatlash ustuvor yo'nalish sifatida belgilandi. Birinchidan, bu huquqiy yordam va tartibga soluvchi ishlanma. Ikkinchidan, yetarlicha yo‘lga qo‘yilgan soliqlarni kamaytirish sohasida moliyaviy imkoniyatlardan foydalanish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish muhim o‘rin tutadi. Bundan tashqari, rivojlantirish kreditlari, jumladan, mikrokreditlar mexanizmlari takomillashtirildi va soddalashtirildi. Jumladan, iqtisodiyotning turli tarmoqlarida amalga oshirilayotgan islohotlarning huquqiy asoslarini yaratish asosida 400 dan ortiq qonun hujjatlari qabul qilindi. Bundan tashqari, bu hayotning rivojlanishi bilan izchil amalga oshirildi. Shuningdek, tadbirkorlik faoliyatini tartibga solish tizimining huquqiy asoslarini mustahkamlash maqsadida ushbu yo‘nalishdagi eng muhim qadamlardan biri belgilab berildi. Bugungi kunga qadar ular tadbirkorlik sub'yektlarining faoliyatini soddalashtirish va engillashtirish uchun foydalaniladi, ular hujjatga 40 dan ortiq me'yoriy o'zgartirish va qo'shimchalar kiritildi.

O‘zbekiston Respublikasida tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish va takomillashtirishda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qaror va farmonlari muhim ahamiyat kasb etmoqda. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2011-yil 11-martdagi “Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub’ektlariga kreditlar hajmini oshirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-1501-son qarori shular jumlasidandir. 2011-yil 24-avgustdagi “Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik uchun qulay ishbilarmonlik muhitini yaratishni yanada rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4354-son qarori bilan tadbirkorlik uchun turli qulay shart-sharoit va qulayliklar berilgan. Bundan tashqari, u kichik biznes va xususiy tadbirkorlik uchun bir qator boshqa me'yoriy hujjatlarni o'z ichiga oladi. Shuningdek, imtiyozli kreditlash tizimi soddalashtirildi. Kredit berish hajmini kengaytirishdan manfaatdor bo‘lish maqsadida 2016-yil 1-yanvarga qadar tijorat bankining maxsus jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan imtiyozli kredit berilgan daromad solig‘idan ozod etildi. tarmoqning ma'lumotlar bazasi iqtisodiy imkoniyatlarni rivojlantirish uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Yuqorida aytib o'tilganidek, tarmoqni rivojlantirishning ikkinchi usuli moliyaviy qo'llanilishining qo'llanilishi va ahamiyati bilan tavsiflanadi. Oqibatda mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning izchil rivojlanishi soliq stavkalarining pasayishiga olib kelmoqda. Mustaqillikning dastlabki yillarida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyati uchun soliq stavkalari 38 foizga, 2000-yilda esa 31 foizga pasaytirildi. Xususan, 2010 yilda kichik biznes uchun yagona soliq stavkasi 8 foizdan 7 foizga tushirildi. Biroq 2011-yil O‘zbekiston Respublikasida “Kichik biznes va xususiy

tadbirkorlik yili” deb e’lon qilindi. Binobarin, Davlat dasturining qabul qilinishi iqtisodiyotda xususiy sektorning foydasi va ahamiyatini oshirdi.

O‘zbekistonda XX asrning 90-yillaridan boshlab kichik va o‘rta tadbirkorlik shakllana boshladi. Bu vaqtda iqtisodiyotning o'zgarishi sodir bo'ldi, bu asosan samarasiz edi. Iqtisodiyotda yirik korxonalar, uyushmalar va ishlab chiqarish majmualarining ustunligi bilan nomutanosiblik yuzaga keldi. So'nggi paytlarda tadbirkorlik sezilarli o'sishni boshdan kechirdi. Bugungi kunga kelib mamlakatimizda tadbirkorlik tuzilmalarining (kichik va o'rta korxonalar, yakka tartibdagi tadbirkorlar) roli sezilarli darajada oshdi. 2010 yilda iqtisodiyotning ushbu tarmog'ida 23 milliondan ortiq kishi mehnat qildi. Tadbirkorlik tuzilmalarining umumiy soni 4,5 millionga yaqinni tashkil etdi.

Bundan tashqari, kichik biznes sub'ektlarining moliyaviy imkoniyatlarini mustahkamlash uchun davlat byudjeti depozitlarini to'lash uchun 80 milliard dollar va 300 million dollar mablag' qoldirildi. Buning natijasida ishlab chiqarish quvvati jadal o‘sib bormoqda. Bundan tashqari, daromad solig'i stavkasi -25% dan -15% gacha kamaydi. Boshqa tomondan, qurilish uchun yagona soliq stavkasi 2015-yil 1-yanvardan boshlab -6 foizdan 5 foizga tushirildi. Soliq imtiyozlarining keng doirasi mamlakatimizda yangi ish o‘rinlari tashkil etishda subyektlar sonini ko‘paytirishga asos bo‘lmoqda. Mamlakatimizda yanada qulay ishbilarmonlik muhitini yaratish maqsadida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha chora-tadbirlarni amalga oshirish asoslari izchil davom ettirilmoqda. Bu, o‘z navbatida, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning mamlakatimiz yalpi ichki mahsulotidagi ulushini oshirishga xizmat qilmoqda. Shuningdek, bu hududda band bo'lgan ishchilar ulushining oshishiga olib keladi. Masalan, jami band aholi soni 2000 yilda - 49,7% ni tashkil etdi. Ishlayotganlar ulushi 2005 yilda - 64,8%, 2010 yilda - 74,3%, 2015 yilda - 77% ga yetdi. Shunday qilib, 2000 yil oralig'ida hududda bandlik ulushi. 2015-yil 1,5 barobarga oshdi. Biroq, -64,5% gacha o'sishni kuzatishingiz mumkin. Bugungi kunda aynan shu hududda band bo‘lgan mehnatga layoqatli aholining ko‘pchiligi ham ushbu sohaning o‘rni ortib borayotganidan dalolatdir, deyish mumkin.

Ana shu islohotlardan kelib chiqib, joriy yilda ro‘yxatga olish va litsenziyalash tartib-taomillarini yanada soddalashtirish, statistik va moliyaviy hisobotlarga qo‘yiladigan talablarni qisqartirish, eksport va import tartib-qoidalarini soddalashtirishga qaratilgan ikki muhim Prezident qarori qabul qilindi. Hukumat ham tadbirkorlik va investitsiya muhitini yaxshilashga xizmat qiluvchi mulk huquqini oydinlashtirish bo‘yicha muhim chora-tadbirlarni amalga oshirmoqda.

Bir qator dasturlar doirasida hukumat kichik biznes va tadbirkorlarni moliyalashtirish imkoniyatlarini yaxshilash va rivojlanish yo‘lidagi asosiy to‘siqlarni bartaraf etish maqsadida moliya institutlariga maqsadli kredit liniyalarini taqdim etishda davom etmoqda. Biroq, cheklangan moliyaviy mahsulotlar kichik biznes va tadbirkorlarning kredit va moliyaviy qoplanish ehtiyojlariga maxsus moslashtirilmagan, shuning uchun kichik biznesning kredit talabi hali qondirilmagan. Bu sohada doimiy davlat yordami zarur.

Qishloqlarda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishga qaratilgan hukumat tomonidan qator dasturlar amalga oshirilmoqda. E’tiborli misollardan biri qishloqni rivojlantirish dasturidir. Ushbu dastur doirasida hukumat qishloq uy-joy bozorini, jumladan, mahalliy qurilish sektorini va butun mamlakat bo'ylab qishloq uy-joy fondini moliyalashtirishni rivojlantirmoqda. Dastur qishloqlardagi uy-joy massivlari va ular bilan bog‘liq infratuzilma va xizmatlarni rivojlantirish, har bir mahallada mikro va kichik biznes imkoniyatlarini yaratishni o‘z ichiga oladi. Har bir yangi qishloq jamoasi aholiga xizmat ko‘rsatish uchun yangi do‘konlar va xizmatlar uchun chakana va savdo maydonlarini taklif qiladi va har bir yangi qurilgan uy nonvoyxona, tikuvchilik ustaxonasi yoki kichik ta’mirlash garaji kabi kasanachilik uchun imkoniyatlar ochadi. Tegishli dasturlar qishloq uylari va biznes qarz oluvchilarning ushbu yangi imkoniyatlardan foydalanishlariga yordam berish uchun moliyalashtirish imkoniyatlarini yaxshilaydi. Dastur har yili 1000 ga yaqin kichik qishloq pudratchilari va 40 000 ga yaqin malakali hunarmand va qurilish ishchilari, jumladan, ayollar uchun ish o‘rinlarini yaratishga qaratilgan. Har yili 2000 ga yaqin mikro yoki kasanachilik va 10 000 ta qishloq ish o‘rinlari tashkil etish maqsad qilingan.

Bizning fikrimizcha, iqtisodiy faoliyatda ishchi kuchiga talab ortib bormoqda. Shunday qilib, iqtisodiyotning eng muhim tarmoqlarida tarkibiy islohotlar amalga oshirilmoqda. Birinchidan, mehnat unumdorligini oshirish, yangi ish o‘rinlarini yaratish, vaqtdan manfaatdor foydalanish uchun mulkchilik shakllarini rivojlantirishga yo‘l qo‘yiladi. Shunday qilib, mehnatkashlarning ma'naviy va moddiy manfaatdorligini oshirish va oqilona soliqlarni belgilash orqali erishish mumkin. Shu bilan birga, ishlab chiqarishni kengaytirish, ilg‘or texnologiyalarni joriy etish uchun davlat tomonidan imtiyozli kreditlar ajratishni talab qiladi. Bundan tashqari, bozor iqtisodiyoti davridagi qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishidan iborat. Shuningdek, qayta ishlash sanoatining asosiy mahsulotlariga davlat tartibini belgilash, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish, ijtimoiy ishlarni moliyalashtirish masalalarini belgilashda foydalaniladi. Shu bilan birga, kichik biznesni rivojlantirishni moliyalashtirish manbalari mahalliy byudjet va aholi bandligiga ko‘maklashish jamg‘armalaridir. Bugungi kunda mamlakatimizda olib borilayotgan iqtisodiy islohotlar samarasi iqtisodiy hayotning liberallashuvi samarasidir. Ko'p hollarda kichik biznesning rivojlanishi chambarchas bog'liq. Uni yanada rivojlantirish uchun qator chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Shuningdek, kichik biznes loyihalarini tashqi byudjet mablag'lari hisobidan moliyalashtirish juda muhim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdurakhmanov (2013). Human development. Textbook. - T.: Economics, p. 542.

2. Bahromova (2011). The importance of the sphere of small business and private entrepreneurship for social protection of the population. “Economics and innovative technology” scientific electronic magazine. № 2.

3. Boltabayev et al. (2011). Small business and private entrepreneurship. Textbook. Ministry of Higher and Secondary Special Education. - T.: TSUE. p.333.
4. Mulaydinov, F. M. (2021). CROWDFUND OPPORTUNITIES IN SMALL BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP. Academic research in educational sciences, 2, 23-32.
5. Mulaydinov, F. (2021). Digital Economy Is A Guarantee Of Government And Society Development. Ilkogretim Online, 20(3), 1474-1479.

Абдуллаев А. *- ОБМ тингловчиси*

БИЗНЕС ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛНИНГ АҲАМИЯТИ

Кейинги йилларда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий инвестициялар ҳажмини кескин ошириш, корхоналарни молиявий соғломлаштириш соҳасидаги ишларни тартибга солиш ҳамда бизнес доираларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар маҳкамасининг қатор қарор ва фармонлари қабул қилинди.

Натижада 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш орқали камбағалликни икки баробарга қисқартириш, иқтисодиётда рақобатни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига тенг шароитлар яратиш, бозор муносабатларига тўлақонли ўтишни жадаллаштириш бўйича амалий ҳаракатлар натижа бера бошлади.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришишида муҳим омиллар бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, инфляцияни пасайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ва бошқа шу каби макроиқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга мамлакатда фаолият юритаётган хар бир корхона, фирма, компанияларнинг хўжалик субъектлари сифатида ривожлантиришни тақозо этади.

Корхона, фирма ва компанияларнинг иқтисодий мустақил ҳамда молиявий барқарор фаолият кўрсатишларида уларни оқилона бошқариш, ҳисоб-китоб юритилишини бозор иқтисодиёти талабларига мослаш, молиявий менежмент ишларини тўғри йўлга қўйиш, моддий, молиявий ва меҳнат бойликларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чикариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш, натижада юқори фойда олиб, давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш резервлар ташкил этиш энг долзарб вазифалардан саналади.

Молиявий таҳлилнинг муҳим хусусиятларидан бири корхона мулки, захиралар ва харажатларни ҳар томонлама ўрганишдир. Бундай маблағлар таркибига ишлаб чиқариш захиралари, яъни ҳам ашё ва материаллар, сотиб олинган ярим фабрикатлар ва комплектловчи буюмлар, конструкция ва

деталлар, иккиламчи материаллар ва ўрнатилган асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, парвариш ва боқувдаги чорва моллари, уруғ ва ем-хашак, арзон баҳоли, тез эскирувчи буюмлар ва бошқалар киради. Улар корхонанинг бир меёрида ишлаши ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариши ва шартнома бўйича сотиш режасини таъминлашга етарли бўлиши лозим. Шунингдек захира ва харажатлар таркибига ўсимлик ва чорвочилик бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр чиқимлари тайёр маҳсулот ва бошқалар хам киради. Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини ҳам ўрганиш ва таҳлил этиш лозим[1].

- молиявий таҳлил кўп қиррали мураккаб жараён бўлиб, у ташкил қилиниши, бунинг учун эса бир қатор талабларга асосланиши керак. Бу талаблар қуйидагилардан иборат:
- абсолют ва нисбий кўрсаткичлар ўртасидаги алоқаларни борлигини билиш;
- молиявий таҳлил мобайнида абсолют ва нисбий кўрсаткичлардан биргаликда фойдаланиш;
- молиявий таҳлил мантиқий равишда амалга оширилиб, у индуктив усулга- алоҳида ҳодисалардан умумий ҳодисаларга ўтиш, молиявий ҳолатнинг бир шакл кўринишидан умумий кўринишига ўтиш ва дедуктив усулга- умумий ҳодисалардан алоҳида ҳодисаларга ўтишга асосланиб таҳлил қилиш[2].

Ҳозирги ишбилармонлик муҳитида бухгалтерия баланси ва даромадлар тўғрисидаги ҳисобот асосидаги молиявий кўрсаткичларнинг (профил гуруҳлари бундан мустасно) пул маблағлари оқимига асосланган молиявий кўрсаткичларга эътиборни қаратишнинг аҳамияти катта. Бу кўрсаткичлар, айниқса, иқтисодиётнинг умумий ликвидлиги шароитида, бир томондан даромадлар ва харажатлардаги фарқни, иккинчи томондан, пул оқимларини ҳисобга олиш жуда муҳим бўлган шароитда муҳимдир. Маълумки, катта миқдорда олинган фойда кўриб чиқилаётган компаниянинг турли мажбуриятларни тўлаш учун етарли маблағга эга эканлигини англатмайди ва аксинча, зарар компанияда пул йўқлигини билдирмайди. Шу сабабли, баланс ва даромадлар тўғрисидаги ҳисоботдан олинган асосий классик кўрсаткичлар пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ва унинг кўрсаткичлари билан биргаликда ҳисобга олиниши керак.

Бизнес қарорларини қабул қилишда молиявий ҳисобот таҳлили моҳияти шундан иборатки, таҳлил компанияда содир бўлган жараёнларни кузатиш, ўрганиш, баҳолаш ва диагностика қилишдан иборат бўлиши керак ва улар умумлаштирилади ҳамда акс эттирилади. Тадқиқот мавзуси корхоналарнинг молиявий, инвестиция ва хўжалик фаолиятини кўриб чиқиш билан боғлиқ, улар хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби бўлиб, ҳар бир молиявий ҳисобот молиявий ҳисобот йили охирида эълон қилинади. Тадқиқотнинг мақсади шундан иборатки, молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш корхона

[1] “Молиявий таҳлил” Воҳобов А.В, Ибрагимов А.Т. Дарслик. Тошкент молия институти. 2002 йил.
[2] “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. Хакимов Б.Ж ва бошқалар. Тошкент молия институти. 2013 йил.

ўрнатилган муносабатлардан четга чиққанда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олади ва компания кейинги йиллардаги стратегияси йўналишини белгилаб беради[1].

Молиявий ҳисоботлар бизнес қарорларини қабул қилиш учун ахборот базаси ҳисобланади. Компания раҳбарияти ҳозирги қарор натижасида келажакдаги воқеаларни идрок этишга қаратилган, бухгалтерия ҳисоби эса экс пост-фактога қаратилган. Фойдаланувчи талаблари Молиявий маълумотлар керакли маълумотлар даражаси ва шаклини белгилайди. Бухгалтерия ҳисоби ва бизнесни бошқариш ўртасидаги муносабатлар муҳим ва кўпдир, чунки улар компаниянинг бухгалтерия ҳисоби маҳсулоти бўлган молиявий ҳисоботларни баҳолаш бўйича бошқарув қарорларининг оқибатлари бўлиб, унда барча бизнес қарорлари раҳбарият томонидан қайта ишланади.Таҳлил, методология нуқтаи назаридан текшириш ва баҳолаш жараёни сифатида, тахминга асосланиб, бир томонлама ва ўзаро боғлиқдир: баҳолаш (синтез) - бу тест методологиясини ишлаб чиқишдан олдин таҳлилни якунлаш, индивидуал элементлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Мантиқий фикрни ягона синтезига бирлаштирилади. Бошқача қилиб айтганда, индуксияни таҳлил қилиш жараёнида бўлган усул бу билимга дедуксияни қайта ишлаш орқали эришилади. Бизнес таҳлилида синов ва баҳолаш жараёни таниқли назарий ва илмий схемаларга асосланган ўзига хос усулларга эга. Молиявий таҳлил молиявий ҳисобот объектлари ўртасидаги муносабатларни баҳолаш учун ишлатилади.

Абдурахимова Д.К. *– ТМИ катта ўқитувчиси, PhD*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Жаҳонда ахборот ва рақамли молия технологияларниг янги инновацион турлари жорий этилиши нафақатки, анъанавий банк-молия тизимини балки, жаҳон иқтисодиётни ўзгартириб юбормоқда. XXI аср бошланиши "саноат 4.0" ёки тўртинчи саноат инқилобига тўғри келиб, у инсоният ҳаётининг барча жабҳаларида "ақлли (яъни смарт)" технологияларнинг улкан трансформацион салоҳиятидан кенг фойдаланиш палласига кириб келаётганидан далолат беради [7]. Хусусан, мазкур трансформация ўзгаришларга энг таъсирчан соҳа банк-молия тизимларини тубдан ўзгартириб юборди.

Ўзбекистонда банклар инновацияларини кенг жорий қилиниши тенденциялари давлатнинг инновацион ривожлантириш стратегияси билан белгиланган бўлса-да, унинг шиддат билан ривожланаётган жаҳон банк-молия маҳсулотлари бозорига мувофиқлаштириш учун инновацион банк маҳсулотлари яратилишини кучайтириш талаб этилади. Сабаби «...афсуски, банк тизими рақамли технологияларни ривожлантириш, янги банк

[1] Besley & Brigham, 2009, pp. 124-135.

маҳсулотлари ва дастурий таъминотни жорий этиш бўйича талаблардан 10-15 йилга орқада қолмоқда» [2].

Ш.Хаффернан таъкидлаганидек, “депозит ва кредит маҳсулотлари тақдим этиш, одатда, банкларни бошқа молиявий тузилмалардан ажратиб туради” [3]. Аммо XX асрнинг сўнги 2 декадасида пайдо бўлган “хеджирлаш” инструментлари натижасида асримизнинг биринчи 10 йиллигида содир бўлган жаҳон молиявий инқирози ва ахборот технологияларидаги шиддатли ривожланиш натижасида банк фаолиятига муносабат тубдан ўзгарди.

А.А.Аюпов ва Д.Н.Терновскийларнинг фикрига кўра, инновациялар банкда қуйидаги банк жараёнига хос бўлган хусусиятларни ўзгартиради деб ҳисоблайдилар:

– кўрсатилган банк хизматлари, сотилган банк махсулотлари;

– жорий харажатлар;

– банк хизматчиларининг сонига таъсир кўрсатади;

– операцион цикл давомийлиги [4].

Охирги 10-15 йилликда инновацион банк маҳсулотлари бозорида банк-молия институтларидан бошқа иштирокчилар пайдо бўлдилар ва ўз махсулотларини фаол таклиф қилмоқдалар. Янги необанк иштирокчилар ва стартапларни А.В. Рыбаков 3 турга бўлиб ўрганишни таклиф қилади. Улар:

1. FinTech компаниялар (Payme, WeFinance, Ripple);

2. Необанклар (TBC, Tinkoff, Anorbank);

3. Йирик технологик компаниялар (Google, Facebook, Alibaba) [6].

“Deloitte” молиявий хизматлар маркази олиб борган тадқиқотига асосланган ҳолда, банклар келажагини башорат қилар экан, банклар ўз ўринларини сақлаб қолишлари учун “2020 йил fintech компаниялар уларнинг энг яқин дўстлари бўлиши” ва “банк маҳсулотлари инновациялари мижозларнинг молиявий фаровонлигига йўналтирилиши, кредитлар, тўловлар ва активларни бошқаришга хизмат қилиши” зарурлиги қайд этмоқда [8].

Самарали фаолияти учун банк харажатларини камайтириш керак деган ғояни илгари сурувчи С.И.Миндрин “Банк ликвидлилиги ва банк активлари тегишли сифати талабларига риоя қилган ҳолда банк бизнесини юритиш ва банк персонали унумдорлигини ошириш учун янги рақмлаштирилган иқтисодиёт номли янги экомухитга самарали мослашиш учун банк бизнес моделини тубдан трансформация қилиш керак” дея ҳисоблайди [5].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон банк тизимини ривжлантириш мақсадида 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унда молиявий технологияларни жорий қилиб, трансформация қилишга алоҳида эътибор қаратилган [1]. Аммо ушбу трансформация жараёнларини амалга оширишда бир қатор муаммо ва камчиликларга дуч келинмоқда.


1-жадвал

Банк тизимини трансформация қилишда тўқнаш келинаётган муаммо ва камчиликлар таҳлили[1]

Макроиқтисодий ёки тизимли муаммолар	Инфратузилмавий муаммолар	Трансформация бўйича муаммолар
1.Юқори инфляция даражаси 2. долларлашув даражасининг юқорилиги 3.Капитал бозорининг яхши ривожланмаганлиги 4.Банк секторидаги юқори концентрацияси 5.Ликвидлилик даражасининг пастлиги	1.Марказий банк томонидан қатъий назорат 2.Давлат банкларининг монопол мавқеи, соф рақобат муҳитининг мавжуд эмаслиги 3.Хусусийлаштириш жараёнларининг сустлиги 4. Сифатли интернет тармоқлари ва мобил алоқа билан таъминланмаганлиги	1. ахборот ассиметрияси мавжудлиги, шаффофлиги таъминланмаганлиги 2. банк тизимида кор-рупция, фирибгарлик ва таъмагирлик иллатлари мавжудлиги 3. Аҳоли жамғарма-лари етарли эмаслиги, 4. Аҳоли молиявий саводхонлигининг пастлиги 5.Банк муассасаларига ишончи камлиги 6. Мавжуд қонун хужжатларининг эскирганлиги ва зарурлари йўқлиги

Уларни 1-жадвалда келтирилганидек учга бўлиб ўрганиш мумкин. 1-жадвалда келтирилган муаммолар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мавжуд муаммолар аксарият холларда кўп йиллардан бери мавжуд, сурункали муаммолар бўлиб, уларни ҳал қилиниши комплексли таҳлил ва амалга ошириш учун пухта чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини талаб этади.

Юқорида келтирилган муаммо ва камчиликларга қарамай ўтган 2012-2022 йиллар давомида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг сони (1-расм) шиддат билан ўсиб бораётганлиги молиявий технологиялар билан такомиллаштирилган банк хизматларининг кундан кунга оммалашиб бораётганлигини исботи бўла олади.



1-расм. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи сони [9][2]

1-расм маълумотлари шуни куўрсатмоқдаки, 2012 йилда уларнинг сони бор йўғи 56 735 тани ташкил этган бўлса, 2022 йил бошига 20 203 384 тани, яъни 356 баробар кўпроқ фойдаланувчиларни ташкил этмоқда.

[1] Тадқиқотларни ўрганиш натижасида муаллиф томонидан тузилган.
[2] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Шундай қилиб, амалга оширилган таҳлил рақамли моливий технологияларни жорий этилиши ва қўлланилиши замонавий банкларга хос эканлигини ва мавжуд муаммоларга қарамасдан амалга оширилаётган трансформация натижасида миллий банкларда қўлланилиб келинаётган молиявий технологиялардан фойдаланиш даражаси юқори динамикада ўсиб бораётланлигини кўрсатмоқда.

Фойдалинилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992 сонли қарори
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 24.12.2019 й. URL: https://president.uz/ru/lists/view/3324
3. Heffernan Sh. Modern BankingTeaching Aid. – L.: John Wiley & Sons Ltd, Englan, 2005. – 716 p.
4. Аюпов, А.А., Терновский, Д.Н. Оценка эффективности внедрения новых банковских продуктов//Вектор науки ТГУ. – Тольятти, 2011. №3(17).–С. 145-147.
5. Миндрин С.И. Трансформация банковской бизнес-модели. Актуальные бизнес-модели, лучшие практики. - ЛитРес: Самиздат, 2019 – 760 с.
6. Рыбаков А.В. Цифровизация классических банков//Control Engineering Россия. – Москва, 2019. – №3 (81), С. 26-30.
7. Чжао Х. На пути к миру "умных" цифровых преобразований //ITU News magazine. – Женева, 2017. – С. 1-2.
8. The Deloitte Center for Finance. 2020 banking&capital markets outlook. www.deloitte.com
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий веб сайти www://cbu.uz

Абулкасимов С.С. *– ОБМ тингловчиси*

МИЖОЗЛАРГА СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА РАҚАМЛИ БАНК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ РОЛИ

Тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлашда энг самарали йўл мижозларнинг унга бўлган ишончини қозониш ва улар учун барча қулайликларни яратиш, шунингдек, хизматлар тури, сифати ва тезкорлигини ошириш ҳисобланади. Банклар рақобатбардошликни таъминлаши учун замонавий банк хизматларини жорий этишга, янги технологиялардан фойдаланишга янада кўпроқ эҳтиёж сезмоқдалар.

Янги технологияларнинг ривожланиши муқаррар равишда барча корхоналарнинг ўзгаришига ва тижорат банклари билан уларнинг мавжуд ва потенсиал мижозлари ўртасидаги муносабатларнинг ўзгаришига олиб келади. Банк мижозлари томонидан мобил қурилмалар, шахсий компютерлар

ва бошқа воситалар орқали масофавий хизматларга талаб ортиб бормоқда, бу эса рақамли банкингнинг аҳамиятини оширишга олиб келади [1]. Рақамли банкинг аввалроқ тақдим этган нарса жараённинг техник ва операцион томони бўлиб, оддий операцияларни автоматлаштириш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш билан боғлиқ эди. Бироқ, ҳозирги вақтда бу мижозларни жалб қилиш ва ушлаб туришга қаратилган рақамли технологиялар ёрдамида маҳсулот ва хизматларни мақсадли ва интерактив яратиш, илгари суриш ва тақдим этишни назарда тутади [2].

Одамларнинг янги технологияларга мослашиши билан бир қаторда ижтимоий-маданий муҳит ҳам ривожланмоқда. Мижозлар интернетда кўпроқ вақт ўтказадилар, кечаю-кундуз ижтимоий тармоқ сайтларидан фойдаланадилар ва интернетдан маълумот оладилар. Охирги йилларда банк тизимини эркинлаштириш ва эркин рақобат шароитига мослаштириш кўзда тутилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 2018 йил 23 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3620-сонли Қарори қабул қилиниши банк хизматларини кўрсатишда мавжуд муаммолар ва банклар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилаб берди [3]. Хусусан, нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда инновацион маҳсулотларни, шу жумладан, бевосита мулоқотсиз ва мобил технологияларни ривожлантириш ҳамда илгари суриш, бевосита мулоқотсиз ва мобил технологияларни, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш соҳаларида, айниқса, ҳудудларда жорий этиш, халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ва бошқалар.

Мижозларга сифатли хизмт кўрсатиш ҳамда қулайлик яратиш мақсадида бугунги кунда Республикамизда тижорат банклари томонидан кўплаб мобил иловалар яратилган. Ушбу мобил иловаларнинг қулайлиги шундаки, сиз банкка ташриф буюрмай туриб масофадан турган ҳолда уяли алоқа воситангиз ёки компютер орқали бир қанча банк операцияларини бажариш имкониятига эга бўласиз.

Масофавий технологиялар мижозларга банк хизматларидан фойдаланишда максимал қулайлик ва банк билан ишлаш жараёнида вақт ҳамда молиявий харажатларни минималлаштириш имконини беради. Масофадан хизмат кўрсатиш тизими мижозларга тақдим этилаётган хизматларнинг характерига кўра икки турга бўлиш мумкин:

- информацион;
- транзаксион.

Информацион банкинг мижозларга молиявий маълумотларни тақдим этишга йўналтирилган бўлса, транзаксион банкинг молиявий операцияларни амалга оширишга имконият яратади.

Масофавий банк хизматларининг асосий тамойили мижоз ва банк ўртасида турли ахборотларнинг масофадан алмашинуви ҳисобланади. Бунда банк томонидан мазкур амалиётнинг хавфсизлиги таъминланади.

Мамлакитимизда масофавий банк хизматларини ривожлантириш бўйича барча банклар томонидан доимий равишда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ана шу чора-тадбирлар самараси ўлароқ, 2022 йил 1 июн ҳолатига хизматдан фойдаланувчилар умумий сони 23,6 млн. дан ортган.

2022 йил 1 июн ҳолатига масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сонининг банклар ўртасида тақсимланиши [4]

Т/р	Банк	Юридик шахслар ва ЯТТлар	Жисмоний шахслар	Жами
1	Миллий банк	82 124	1 382 603	1 464 727
2	Ўзбекистон саноат-курилиш банки	53 703	3 545 309	3 599 012
3	Агробанк	172 875	3 596 660	3 769 535
4	Ипотека-банк	137 655	1 988 873	2 126 528
5	Микрокредитбанк	54 295	782 479	836 774
6	Халқ банки	81 634	3 363 720	3 445 354
7	Савдогар банк	8 691	84 247	92 938
8	Қишлоқ қурилиш банк	25 963	370 951	396 914
9	Туронбанк	30 209	253 540	283 749
10	Hamkorbank	101 403	1 390 685	1 492 088
11	Асака банк	35 642	930 788	966 430
12	Ипак Йўли банки	42 571	1 170 435	1 213 006
13	Ziraat bank Uzbekistan	2 699	37 116	39 815
14	Трастбанк	35 990	183 585	219 575
15	Алоқабанк	25 740	557 775	583 515
16	КДБ Банк Ўзбекистон	1 001	40 303	41 304
17	Туркистон банк	3 642	15 666	19 308
18	Содерот банк Тошкент	266	1 883	2 149
19	Универсал банк	8 834	102 461	111 295
20	Капиталбанк	35 333	376 896	412 229
21	Равнақбанк	2 272	45 779	48 051
22	Давр-банк	22 549	93 714	116 263
23	Invest Finance bank	25 359	381 720	407 079
24	Asia Alliance bank	15 396	247 291	262 687
25	Hi-Tech bank	1 396	21 046	22 442
26	Ориент Финанс банк	25 930	350 628	376 558
27	Мадад Инвест банк	937	2 544	3 481
28	Ўзагроэкспортбанк	110	1 320	1 430
29	Пойтахт банк	878	5 368	6 246

30	Tenge bank	901	16 288	17 189
31	TBC bank	0	557 890	557 890
32	ANOR bank	8 169	691 963	700 132
Жами		**1 044 167**	**22 591 526**	**23 635 693**

Масофавий банк хизматлари юридик шахслар ва ЯТТлар ҳамда жисмоний шахслар сегментига бўлинган ҳолда тақдим этиб келинмоқда. Мазкур тизим фойдаланувчилар умумий сонида ТИФ Миллий банки, Агробанк, Халқ банки, Ипотека-банк ҳамда Саноатқурилишбанкининг улуши беқиёс бўлиб, уларнинг биргаликдаги улуши қарийб 60 фоизни ташкил этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bondarenko T.N., Skorobogatova A.A. The role of marketing strategies in the organization of the commercial bank clients. International Journal of Applied and Fundamental Research. 2015. No. 3-3. Pp. 419-423.
2. Kovalev M., Golovenchik G. Digital transformation of banks // Banking Bulletin. 2018. No. 11 (664), Pp. 50-60.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3620-сонли Қарори.
4. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Расмий сайти.

Aliqulova.N.B. *- TMI tadqiqotschisi*

YASHIL IQTISODYOTNI MOLIYALASHTIRISHDA YASHIL SUKUK MUOMALASI JORIY ETILISHI VA RIVOJLANISHI

Bugungi kunda xalqaro amaliyotda iqtisodiyotni moliyalashtirishning asosiy turlari sifatida bank kreditlari hamda qimmatli qog‘ozlar orqali moliyalashtirishdan keng foydalanilmoqda. Bu orqali nafaqat kompaniyalar o‘zlarining moliyaviy-xo‘jalik faoliyatini kengaytirishga imkoniyat yaratadi, balki mamlakatda iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishni ta’minlash, moliya bozori samaradorligini oshirishga hissa qo‘shadi. Ushbu jarayonda moliya bozorida islom qimmatli qog‘ozlarini tatbiq qilish, islom qimmatli qog‘ozlari orqali investorlarni keng ko‘lamda jalb qilish, qimmatli qog‘ozlar emissiyasini samarali yo‘lga qo‘yish orqali moliya bozorini rivojlantirish qo‘shimcha imkoniyatlarni yuzaga chiqaradi. Boshqa tomondan global iqlim o‘zgarishlari sharoitida yashil iqtisodiyotga o‘tish oxirgi yillarda alohida dolzarblik kasb etmoqda.

Raqamli iqtisodiyot va yashil iqtisodiyotga otish xalqaro moliyaviy, iqtisodiy, ijtimoiy tashkilotlar tomonidan faol qo‘llab-quvvatlanayotgan ayni vaqtda iqtisodiyotni moliyashtirishda islom qimmatli qog‘ozlarini faol qo‘llash bilan birga alohida instrument sifatida yashil sukuklar emissiyasi hamda muomalasiga ham

oxirgi besh yilda alohida e’tibor qaratilmoqda. Bu holat yashil iqtisodiyotda moliyaviy resurslarga bo‘lgan ehtiyojni aynan yashil sukuk orqali qanoatlantirish moliya bozorida yangi instrumentlar muomalasining ham kengayishiga xizmat qilmoqda. Aholisining aksariyati musulmon bo‘lgan mamlakatlarda mavjud an’anaviy moliya bozori jamiyat talabiga mos kelmasligi hamda moliya bozorining ayrim elementlaridan foydalanib bo‘lmaslik kabi muammoli masalalar namoyon bo‘ldi. Bu esa, islom tamoyillariga asoslangan moliya tizimini shakllantirish talabini yuzaga keltirdi. Bundan tashqari, XX asr oxirlariga kelib AQSh va Yevropada musulmon aholining soni sezilarli darajada ko‘payishi[1] ham moliya tizimini joriy qilishning islom tamoyillariga asoslangan sabablaridan biri edi.

2017 yil 27 iyulda kapital bozori yangi instrumenti sifatida yashil sukuk ilk bor chiqarildi. Bunda “Tadau Energy Sdn Bhd” (Tadau Energy) yirik miqyosdagi quyosh fotoelektr stansiyasini moliyalashtirish uchun 250 mln. MYR (Mlayziya ringgiti) qiymatidagi yashil sukuk muomalaga chiqardi [2]. Sukuk ham, quyosh elektr stansiyasi ham yangi tushunchalar emas edi. Ammo yangi instrumentning ma’nosi shundaki, u dunyodagi birinchi turdagi yashil sukuk hisoblanadi. Yashil iqtisodiyot va islom moliyasini birlashtirib, shu paytgacha foydalanilmagan islom kapitali oqimini yashil aktivlarga yo‘naltirish uchun kapital bozorining yangi vositasi sifatida yaratildi. Jahon banki 2008 yilda dunyo bo‘yicha global muammo bo‘lgan iqlim o‘zgarishi muammolarini hal qilish uchun investor talablarini qondira oladigan dunyodagi birinchi yashil obligatsiyani chiqardi.

2015 yilda Birlashgan Millatlar Tashkilotiga (BMT) a’zo barcha davlatlar 2030 yilgacha “Barqaror rivojlanish maqsadlari” (Sustainable Development Goals (SDGs)) kun tartibini qabul qildi, bu esa barcha uchun yaxshiroq va barqaror kelajakka erishish rejasini taqdim etdi. Barqaror rivojlanish maqsadlari (BRM) asosi o‘z ichiga 17 ta rivojlanish maqsadlarini oladi[2]. BMTga a’zo davlatlar tomonidan belgilab qolingan “Barqaror rivojlanish maqsadlari”ga muvofiq mamlakatimiz iqtisodiyotini rivojlantirish maqsdida “2019 – 2030- yillar davrida O‘zbekiston Respublikasining “Yashil” iqtisodiyotga o‘tish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”[3]gi 04.10.2019 yildagi PQ-4477-sonli Qarori ham jahon mamlakarlari ko‘zlayotgan iqtisodiy samaradorlik tomon qo‘yilgan qadamlardan biri deb aytish mumkin. Ushbu maqsadlar butun jahon bo‘yicha o‘z ta’sirini ko‘rsatib kelayotgan global muammolarni, jumladan qashshoqlik, tengsizlik, iqlim o‘zgarishi, atrof-muhit degradatsiyasi, tinchlik va adolat bilan bog‘liq muammolarni hal qilishga qaratilgan. Birinchi zamonaviy sukuk bir-biriga o‘xshash xususiyatlarga ega shariatga mos vositaga ega bo‘lish zaruratidan paydo bo‘lgani kabi, yashil sukuk ham shariatga mos moliyaviy tuzilmalardan foydalangan holda atrof-muhitni muhofaza qilishni qo‘llab-quvvatlash zaruratidan moliyaviy instrumentlar qatoriga qo‘shildi.

Barqaror rivojlanish maqsadlarida yashil iqtisodiyot bilan bog‘liq oziq-ovqat xavfsizligi, sog‘lom turmush, toza suv va sanitariya, sifatli ta’lim, Arzon va toza energiya - hamma uchun arzon, ishonchli, barqaror va zamonaviy energiyadan foydalanishni ta’minlash , iqlim o‘zgarishining oldini olish va uning oqibatlariga qarshi kurashish, yer usti ekotizimlarini muhofaza qilish, tiklash va barqaror

foydalanishni rag‘batlantirish, o‘rmonlarni barqaror boshqarish, cho‘llanishga qarshi kurashish, yerning degradatsiyasini to‘xtatish va qaytarish hamda biologik xilma-xillikning yo‘qolishini to‘xtatish kabilar belgilangan bir vaqtda yashil obligatsiyalar va yashil sukuk joriy etilishi muhimdir.

Yuqorida keltirilgan global muammolarni bartaraf qilish uchun qo‘yilgan maqsadli vazifalar ham mamlakatimiz hududida uchratilishi mumkin bo‘lgan muammoli vaziyatlarni o‘z ichida mujassamlashtirgan. Mamlakatimiz iqtisodiyotini yaxshilash va holatini barqarorlashiritish uchun joriy 2022-yilning 28-yanvarida PF-60-sonli “2022 – 2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi[4] Prezident farmonida ham “…Xalqaro maydonda atrof muhitga oid tashabbuslar, shu jumladan Butunjahon ekologiya xartiyasini ishlab chiqish tashabbusini ilgari surish”, “… Orolbo‘yida xalqaro “Yashil iqlim” va Global ekologik jamg‘armalarning bioxilma-xillik, iqlim o‘zgarishi va tuproq yemirilishining oldini olishga qaratilgan dasturlari asosida 300 million AQSh dollari qiymatidagi loyihalarni amalga oshirish”[4] kabi maqsadlarni bajarishlikni oldiga maqsad qilib belgilab olindi. Qabul qilinayotgan qaror va loyihalarni bosqichma-bosqich amalga oshirish uchun “2022 – 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasini “Inson qadrini ulug‘lash va faol mahalla yili”da amalga oshirishga oid” Davlat dasturida amalga oshirish muddatlari ham belgilab qo‘yildi. Shubhasiz, bunday amalga oshirilishi maqsad qilib rejalashtirilayotgan ishlarni amalga oshirishda yetarlicha mablag‘ni yo‘naltirishda muammolarga uchramaslik uchun har taraflama mos bo‘lgan, qisqa muddat ichida dunyo mamlakatlari amaliyotida samarali natijaga erishayotgan yashil sukuk emissiyasidan foydalanish bu turdagi muammolarga duch kelish oqibatini oldini olgan bo‘ladi deb hisoblaymiz. An’anaviy obligatsiya yoki yashil obligatsiya emissiyalari ham ommalashgan bir paytda aynan yashil sukuk joriy qilinishi afzalliklari va farqlariga alohida to‘xtalib o‘tish mukin.

Yashil sukuk va yashil obligatsiya o‘rtasidagi asosiy farq bu moliyalashtirish tuzilmasi bo‘lib, u sukuk va obligatsiya o‘rtasidagi farq bilan bir xil. Yashil sukuk an’anaviy moliyalashtirish va islomiy moliyalashtirish o‘rtasidagi tafovutni bartaraf etish yo‘lidagi katta qadamdir. Bu butun dunyo bo‘ylab ishlatilishi mumkin bo‘lgan yangi va innovatsion moliyaviy mahsulot hisoblanadi. Yashil sukukni chiqarish jarayoni yashil elementlarni o‘z ichiga olgan an’anaviy sukuk chiqarishning kombinatsiyasidir. Masalan, yashil obligatsiya yashil elementli bilan an’anaviy obligatsiyadir. Yashil sukuk tuzilishi tabiiy ravishda loyihalarni moliyalashtirish uchun mos bo‘lganligi sababli, uning aktivlari bilan ta’minlanganligini hisobga olgan holda, yashil sukuk qayta tiklanadigan energiya elektr stantsiyalari, yashil binolar va ekologik toza ommaviy transport infratuzilmasi kabi yashil loyihalarni moliyalashtirish uchun ham mos keladi. Yashil obligatsiya kabi, yashil sukukdan tushgan mablag‘ faqat ekologik jihatdan foydali loyihalar uchun ishlatilishi mumkin.

Ekologik toza loyihalarni moliyalashtirish uchun kapital bozorining asosiy vositasi sifatida yashil sukukning qabul qilinishida katta yutuqlarga erishildi. Yashil sukukni qabul qilgan bozorlarda keng tarqalgan xabardorlik, katta texnik imkoniyatlar va bozorga asoslangan mahsulot innovatsiyasi konvertni olg‘a

surmoqda. Asosiysi, yashil sukuk moliyaviy jihatdan “an’anaviy” sukuk yoki islom obligatsiyasi bilan bir xil. Yagona asosiy farq sukuk tushumidan foydalanishdadir. Sukuk yashil bo‘lishi uchun tushum faqat ekologik toza loyihalarni moliyalashtirish uchun ishlatilishi mumkin. Yashil obligatsiyalar tamoyillari ham asosiy saralash mezonlariga javob beradigan emissiyani boshqarishga xizmat qiladi. Statistik ma’lumotlarga ko‘ra, Indoneziya, Malayziya, Birlashgan Arab Amirliklaridagi o‘n ikkita noyob emitent va bitta ko‘p tomonlama rivojlanish banki 2020-yil iyuligacha to‘rtta valyutada (EUR, IDR, MYR va AQSh dollari) taxminan 6,1 milliard AQSh dollarini jalb qilish uchun yashil sukukdan foydalangan

Indoneziyaning yillik suveren yashil sukuk emissiyasi davlat sektorida, shu jumladan birinchi chakana yashil sukukda yetakchilikni ko‘rsatishda davom etmoqda, Malayziya korporatsiyalari esa Barqaror rivojlanish maqsadlari sukuki (SDG sukuk) va barqaror sukuk kabi yashil sukukning o‘zgarishlarini chiqarish orqali innovatsiyalar qilmoqda. Islom taraqqiyot banki (IsDB) yashil sukuk chiqargan birinchi ko‘p tomonlama rivojlanish banki bo‘ldi, bu ayni paytda yevrodagi birinchi yashil sukuk edi. COVID-19 pandemiyasi vaziyati 2020-yilda jiddiy ta’sir ko‘rsatdi, yashil sukuk emissiyasi 2020-yilning dastlabki 7 oyida 2019-yilning ekvivalent davriga nisbatan 44,4 foizga kamaydi. 2020-yilning birinchi yarmi, 2019-yilning shu davriga nisbatan 9,1% ga qisqargan jahon sukuk bozorini aks ettirdi. Mart va aprel oylarida global sukuk emissiyasi keskin pasaydi, chunki pandemiya butun dunyo bo‘ylab bozorlarga yetib, moliyaviy bozorlarda o‘zgaruvchanlikni keltirib chiqardi. Xalqaro sukuk emissiyasi may va iyun oylarida tiklandi. Fitch Ratings global sukuk emitentlaridan barqaror, yashil va gibrid sukuk sohasida innovatsiyalar tendentsiyasini davom ettirgan holda moliyalashtirish bazalarini diversifikatsiya qilishni kutmoqda[2].

Malayziyada yashil sukuk emissiyasi tomonidan moliyalashtirilayotgan eng ommabop 7 ta noyob loyiha bo‘lib, emitentga ega qayta tiklanadigan energiya sektori ulardan 5 tasi quyosh fotoelektrik loyihalari va 2 tasi gidroenergetika loyihalaridan bo‘ldi. Bu global miqyosda yashil obligatsiyalar emissiyasiga mos keladi, Malayziyada energetika sektori yashil obligatsiya tushumlarining asosiy ulushini oladi. 2019 yilda yashil obligatsiyalar tushumining taxminan 31% energetika sektoriga yo‘naltirildi.

Amalga oshirilgan tadqiqotlar va tahlillar asosida islom qimmatli qog‘ozlari bozori, xususan yashil sukuk muomalasini rivojlantirish borasida quyidagilarga e’tibor qaratish lozim, deb hisoblaymiz:

Birinchidan, islom qimmatli qog‘ozlarini keng doirada qo‘llash uchun Buyuk Britaniya, Malayziya, Indoneziya, Birlashgan Arab Amirliklari qonunchiligi va emitentlari tajribasini atroflicha o‘rganish lozim. Malayziya islom moliyasi bo‘yicha xalqaro moliyaviy xab bo‘lish bilan birga sukuk bo‘yicha jahondagi yetakchi mamlakat hisoblanadi. Jahondagi ilk muvaffaqiyatli sukuk bo‘yicha jahondagi yetakchi mamlakat hisoblanadi. Jahondagi ilk muvaffaqiyatli sukuk va 60%dan ortiq ulush ushbu mamlakat hissasiga to‘g‘ri keladi. Buyuk Britaniya esa keskin yuqori tempda islom qimmatli qog‘ozlari bozori rivojlanayotgan bozor hisoblanadi.

Ikkinchidan, yashil iqtisodiyotga o‘tish global ahamiyat kasb etayotgan

bugungi kunda yashil sukuk muomalasiga ham oxirgi yillarda ustuvor ahamiyat berilayotganligi jahondagi tendensiyada namoyon bo‘lib ulgurdi. Shu boisdan mamlakatimizda ham global iqlim o‘zgarishi ta’sirirni kamaytirish va yashil iqtisodiyot loyihalarini samarali moliyalashtirish maqsadida yashil sukuk muomalasini qonunchilikka kiritish va amaliyotga joriy etish lozim.

Uchinchidan, shamol energiyasi olish, quyosh energiyasi bo‘yicha loyihalarni amalga oshirish uchun mamlakatimizda istiqbolli deya baholangan shart-sharoitlar allaqachon e’tirof etilgan. Shunday sharoitda yashil sukuk muomalasi orqali davlat-xususiy sheriklik mexanizmi asosida bunday loyihalarni amalga oshirish lozim. Bunda davlat-xususiy sheriklik davlat tomonidan ishlab chiqarilgan energiyani sotib olish majburiyati asosida qo‘llaniladi.

To‘rtinchidan, nolinchi ochlik, ya’ni ochlikni tugatish, oziq-ovqat xavfsizligi va tabiiy boyitilgan ovqatlanishga erishish va barqaror qishloq xo‘jaligini rivojlantirish maqsadlariga erishishni moliyalashtirish uchun ham yashil sukuk emissiyasidan foydalanish maqsadga muvofiq.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. О.Трофимова. Мусульмане и ислам в Западной Европе // Мировая экономика и международные отношения. 2009. №10 сс 52-62.
2. Knowledge & research. Pioneering the Green Sukuk: Three Years On. // Oct. 2020. – P 15. https://openknowledge.worldbank.org
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2019 – 2030 –yillar davrida O‘zbekiston Respublikasining “yashil” qitisodiyotga o‘tish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” gi 04.10.2019 yildagi PQ-4477-sonli Qarori. https://lex.uz/docs/-4539502
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022 – 2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi 28.01.2022 yildagi PF-60-sonli Farmoni. https://lex.uz/uz/docs/-5841063

Алимов Б.М. *- АТ Халқ банки, департаменти директори*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БАНК ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тижорат банкларида рақамли иқтисодиёт шароитида мижозлар талабларининг ўзгариши, молиявий йўқотишларни минималлаштириш ва самарадорликни оширишга нисбатан босимнинг юқорилиги тижорат банкларини рақамли технологиялардан кенг кўламда фойдаланишга ундамоқда. Шунингдек, COVID-19 пандемияси рақамли трансформация жараёнларини янада жадаллаштиришга туртки бўлганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Пандемия шароитида банклар мижозларнинг масофавий банк хизматларини кўрсатишга бўлган талабини қондиришда янги

технологияларни қўллаган ҳолда банк орқали барқарорлигини, ҳавфсизлигини таъминлаш, рискларни бошқариш масаласи долзарб бўлиб бормоқда.

Мамалакатимиз банк тизимида эса бугунги кунга қадар операцион рискларни баҳолашда базовый методи Basic Indicator Approach қўлланилиб келинмоқда ва бу фақат капитални ҳисоблашда ўз аксини топмоқда. Лекин, банкларда опеарцион рискларни бошқариш бўйича етарлича эътибор берилмайди. Тўғри, Ички аудит ёки ички назорат каби банк тизимининг структуралари оепарцион рискларни аниқлашда ишларни амалга ошириб келмоқда, лекин бу фақат аниқлаш ва жазолаш функциялар билан ўз якунига етмоқда. Натижада, олдини олиш, мониторинг, капиталга таъсир каби функциялар ишламаяпти.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатдики, банклар операцион рискларни эътибордан четда қолдирмаслиги керак, чунки бу катта молиявий йўқотишларга олиб келиши мумкин. Жаҳон амалиётида операцион рискларнинг жуда таъсирчан намуналари қайд этилган.

Операцион риск туфайли эҳтимолий йўқотишлар олдиндан айтиб бўлмайди ва бошқа банк рискларидан фарқли равишда энг катта ноаниқлик билан тавсифланади. Операцион рисклар натижасида кўрилган зарарлар банкнинг барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, операцион рискни кредит ва бозор рисклари каби яқиндан кузатиб борилиши ва бошқарилиши зарур.

Тижорат банкларида операцион рискларни бошқаришда уларни аввалда ўлчаш ҳамда ундан сўнг бошқариш, минималлаштириш чораларини қўллаши лозим. Бунда операцион рискларни бошқариш бўйича маълумотлар базасини яратиш ва унда 5 йиллик маълумотлар асосида операцион зарарлар бўйича **аналитик маълумотлар базасини** доимий юритиб бориш лозим бўлади. Бу маълумотлар базасида тижорат банкининг таркибий бўлинмалар томонидан аниқланган ҳолатлар, Марказий банкнинг санкциялари ва бошқа ҳолатлар киритиб борилиши йўлга қўйилди. Ушбу базанинг маълумотлари эвазига операцион риск бўйича қуйи филиаллар ва таркибий бўлинмалар рейтинги ишлаб чиқилиб, катастрофик, критик, нормал ва мумкин бўлган рикскларга автоматик баҳоланиб келинмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу маълумотлар базаси операцион рискларнинг таъсири ва оқибатлари ҳамда кутилаётган эхтимоллик бўйича маълумотларни Банк Кузатув кенгаши ва Бошқарувига тезкор ва қулай асосида тақдим этиш имкониятини яратди.

Хўш операцион риск ўзи нима? Банк тизимида ушбу рискни бошқариш қандай акс этади?

Операцион риск – банк операциялари ва битимларни амалга оширилишида, банк ходимлари ёки бошқа шахсларнинг ноқонуний ҳаракати (масъулиятсизлик ёки қасддан қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлиги оқибатида), банк фойдаланиладиган ахборот, технологик ва бошқа тизимларнинг функционал номутаносиблиги ҳамда ташқи ҳодисалар натижасида молиявий йўқотишлар билан боғлиқ рискдир.

Банк тизимида Операцион рискларни пайдо бўлишига ички ва ташқи омиллар таъсир этиши мумкин. Ички омиллар таъсирида пайдо бўлиши қуйидаги ҳолатлар билан боғланган:

- *банкнинг ташкилий тузилмаси номувофиқлиги, таркибий бўлинма ва ходимларнинг ваколатлари нотўғри тақсимланиши, банк операцияларини амалга ошириш тартиби, ҳужжатлаштирилиши ва рўйхатга олинишидаги камчиликлар;*
- *ходимлар белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя этмаслик;*
- *банк ички тартиб қоидаларининг мураккаблиги ва уни қўллашда ходимларнинг малакаси етишмаслиги каби ҳолатлар.*
- *банк ички назорати тизимининг тўлиқ функционал ишламаслиги.*

Ташқи омиллар таъсирида пайдо бўлиши эса қуйидаги ҳолатлар билан боғланган:

- *жисмоний ёки юридик шахсларнинг банк манфаатларига қарши қаратилган тасодифий ёки қасддан қилинган ҳаракатлари;*
- *банк назорати остида бўлмаган дастурий таъминот ва асбоб-ускуналарни ишлашидаги узилишлар ва хатоликлар;*
- *банк назорати остида бўлмаган салбий бошқа ташқи ҳолатлар.*

Операцион рискларнинг турли хил омиллари натижасида операцион зарар ҳолатлари юзага келади, ва бу қуйидаги ҳолатлар орқали содир бўлиши мумкин:

- *ходимлар ёки улар иштирокида мансаб суистеъмоли ёки ноқонуний ҳатти-харакатлар содир этилиши;*
- *учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари;*
- *банк ёки унинг ходимлари томонидан меҳнат қонунчилигини ёки мавжуд қонунларни бузилиши;*
- *фаолиятга доир мижозлар, контрагентлар ва бошқа учинчи шахслар олдидаги мажбуриятларни бажарилмаслиги;*
- *бизнес амалиётини бузилиши (масалан, махфий ахборотлардан нотўғри фойдаланишда, хизматлар кўрсатишда, баҳоларни келишишда);*
- *асосий воситалар ва бошқа моддий активларга зарар етиши ёки йўқотилиши;*
- *ускуналар ва банк тизимининг ишдан чиқиши;*
- *фаолиятни нотўғри ташкил этиш, ижро ва бошқарувдаги хатоликлари*

Ушбу ҳолатлар орқали Операцион зарарлар активларнинг қиймати камайиши, моддий заҳираларни эрта ҳисобдан чиқарилиши ёки ишлатиб юборилиши, суд ёки Ўзбекистон Республикасида ваколатга эга органларнинг қарорлари асосида пул маблағлари тўланиши, мижозлар ва контрагентларга пул маблағлари тўланиши, шунингдек, банк ходимлари томонидан етказилган зарарларни тўлаб берилиши, хўжалик фаолиятини қайта тиклаш ҳамда табиий офат, бахтсиз ҳодиса ва бошқа ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш учун харажатлар қилиниши ва бошқа шаклда зарарлар вужудга келади.

Шунинг учун ҳам банкда Операцион рискларни бошқариш банк барқарор фаолият юритишда актив ва капитални максимал даражада хавфсизлигини таъминлаш ҳамда молиявий йўқотишларни камайтириш мақсадида ташкил этилади.

Операцион рискларни бошқариш қуйидаги босқичлардан иборат:

- *операцион рискларни аниқлаш;*
- *операцион рискларни баҳолаш;*
- *операцион рискларни мониторинг қилиш;*
- *операцион рискларни чегаравий йўл қўйиладиган даражада ушлаб туриш (минимизация) ёки назорат.*

Операцион рисклар доимий равишда аниқланади. Операцион рискларни **аниқлаш** ва баҳолашни самарали ташкил этиш мақсадида банклар барча келиб чиққан операцион зарарлар бўйича аналитик маълумотлар базаси яратиши лозим.

Операцион зарарлар бўйича аналитик маълумотлар базаси ўзида банк фаолиятининг йўналишлари бўйича ҳар бир операцион зарарнинг тури, миқдори, юзага келиш сабаблари, операциялари ҳамда шартномалари тўғрисидаги маълумотларни акс эттириши керак.

Операцион зарарларни келтириб чиқарадиган ҳолатларни юзага келиш эҳтимоли, потенциали ва миқдорини баҳолаш орқали операцион рисклар **баҳоланди**.

Операцион рискларнинг Базель тавсиясига асосан белгиланган икки усулни келтириб ўтиб, қуйидаги тушунчаларни тақдим этамиз.

Биринчи усул, Капиталдан ажратилган операцион риск миқдори (ORC) ҳисоблашнинг **асосий** (базовый – Basic Indicator Approach) **методи** қўйидагича ҳисобланади:

Банк 3 йиллик ялпи даромадидан ўрнатилган фоиз (қўмита томонидан белгиланган *Базель қўмитаси томонидан ўрнатилган 15 фоиз қиймат*) миқдоридаги қисмини ажратиш орқали капиталдан ажратилган риск миқдорини (ORC) ҳисоблайди. Ушбу асосий метод бўйича ҳисоблаш қўйидагича ифодаланади:

$$ORC = \alpha \times GI$$

Бу ерда,

α –

***GI** – охирги 3 йиллик ялпи даромад ўртача қиймати (GI>0 шарти билан)*

Иккинчи усул, Капиталдан ажратилган операцион риск миқдори (ORC) ҳисоблашнинг **стандартлаштирилган** (стандартизованный – Standardised Approach) **методи** қўйидагича ҳисобланади:

Банк фаолияти 8 та йўналишларига бўлинади. Ушбу 8 та банк фаолияти йўналиши бўйича 3 йиллик ўртача ялпи даромад аниқланади. Аниқланган ҳар бир фаолият йўналиш бўйича ўртача ялпи даромаддан банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан ҳар бир фаолият учун ўрнатилган фоиз миқдоридаги қисмини ажратиб, уларни умумий суммасини қўшиши орқали

капиталдан ажратилган операцион риск миқдори ҳисобланади. Ушбу стандартлаштирилган метод бўйича ҳисоблаш қўйидагича ифодаланади:

$$ORC = \sum (\beta_{1-s} \times GI_{1-s})$$

Бу ерда,

β – *Базель қўмитаси томонидан ўрнатилган коэффициентлар фоизда, ҳар бир йўналиш бўйича қуйидагича*

Жисмоний шахсларга банк хизматлари(чакана) – 12%

Юридик шахсларга банк хизматлари – 15%

Тўлов ва ҳисоб-китоблар – 18%

Агентлик хизматлари – 15%

Қимматли қоғозлар ва молиявий инструментлар билан операциялар – 18%

Корпоратив мижозлар, давлат органлари ва маҳаллий бошқарув органларига хизмат кўрсатиш – 18%

Активларни бошқариш – 12%

Брокерлик хизмати – 12%

GI_{1-s} *– банк фаолиятининг ҳар бир йўналиши бўйича 3 йиллик ялпи даромаднинг ўртача қиймати (GI>0 шарти билан)*

Операцион рискларни бошқаришда ваколат ва қарор қабул қилиш тизими операцион рискларни бошқариш функциясини тўғри ташкил этишни белгилайди. Банкда операцион рискларни бошқариш учун Банк Кузатув Кенгаши, Банк Кузатув Кенгаши таркибидаги банк рискларни назорат қилиш қўмитаси, Банк Бошқаруви, Ички аудит департаменти, Бошқарувнинг барча таркибий бўлинмаси ва қўмиталари, риск менежмент билан боғлиқ таркибий бўлинмалар иштирок этиши лозим.

Банкда қабул қилинган операцион рискларнинг чегаравий даражасидан ортиб кетишини олдини олиш мақсадида операцион рисклар мониторинг қилиб борилади. Операцион рискларни мониторинг қилиш мақсадида операцион рискларни ифода этадиган банк тизимидаги индикатор кўрсаткичларидан фойдаланилади. Мисол учун банклар Операцион рискларнинг индикатор кўрсаткичлари сифатида қуйидагилардан фойдаланиши мумкин:

- *бажарилмаган ёки тугатилмаган банк операция ёки битимлар сони;*
- *бўшатилган (нафақага чиққан ходимлар ҳам) сони;*
- *банк ёки ташқи ташкилотлар томонидан аниқланган банк операциялар бўйича хатоликлар сони;*
- *ахборот-технологиялар тизимида узилишлар, авариялар сони;*
- *ахборот-технологиялар тизимининг давомийлиги;*
- *суд ишлари бўйича банк фойдасига ёки банкдан ундирилган маблағларнинг фарқи;*
- *банк томонидан тўланган жарима ва пеняларнинг фарқи.*

Ҳар бир индикатор кўрсаткич учун лимитлар белгиланади, бу банк учун операцион рискларни аниқлашда ва уларга нисбатан ўз вақтида чоралар кўришга таъсир кўрсатади.

Операцион рискларни камайтириш (минималлаштириш), операцион зарарлар миқдорини ёки операцион зарарларга олиб келадиган ҳолатларни юзага келиш эҳтимолини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишни ўз ичига олади. Операцион рискларни камайтиришнинг (минималлаштириш) энг асосий усулларидан бири бу операциялар билан боғлиқ ички тартиб-қоидаларида ўзгартиришларни амалга ошириш ҳисобланади.

Almuradov A.A. *- TDIU kafedra dotsenti, i.f.n*
Xakimova F.I. *- TDIU magistranti*

YENGIL SANOAT TARMOG‘I RIVOJLANISHINING JAHON TAJRIBASI

Yengil sanoatning o'ziga xos xususiyatlari - kapital qo'yilmalarga unchalik katta bo'lmagan ehtiyoj, doimiy o'sish, kapital aylanmasining tezligi. Shuning uchun bu tarmoq rivojlangan mamlakatlar iqtisodiyotida boshlang'ich nuqtaga aylandi, rivojlanayotgan mamlakatlarda esa unga katta ustuvorlik bilan qaraladi.

Makro, tarmoq va mikro darajalarni qamrab oluvchi strategiyani amalga oshirish orqali ko‘pchilik mamlakatlarda yengil sanoatni rivojlantirish muvaffaqiyatlariga erishildi. Ushbu maqolada Xitoy, Turkiya va Qirg'izistonda yengil sanoatni rivojlantirish tajribasi o'rganilgan bo'lib, ularda mahsulotlar ishlab chiqarishning barqaror o'sishi kuzatilmoqda. ***Yengil sanoat*** sanoat sifatida bir-biri bilan raqobatlashadigan va o'xshash ehtiyojlarni qondiradigan mahsulotlar ishlab chiqaradigan korxonalar yig'indisidir. Yengil sanoat mahsulotlariga talab muttasil ortib bormoqda. So'nggi paytlarda mahsulot tanlashda uning narxi hal qiluvchi omil bo'lsada, xaridorlar tobora yuqori sifatli tovarlarni afzal ko'rishmoqda. Yengil sanoat ham iste'mol tovarlari, ham sanoat tovarlari ishlab chiqarish bo'yicha kuchli ko'p tarmoqli majmua bo'lib, xom ashyoni birlamchi qayta ishlashni ham, tayyor mahsulot ishlab chiqarishni ham amalga oshiradi.

Dunyoning ko‘plab mamlakatlarida yengil sanoatni rivojlantirishga katta e’tibor qaratilmoqda. Chunki bu soha mehnatga layoqatli aholi, xususan, ayollar bandligining yuqori darajasini ta’minlash, ijtimoiy keskinlikni pasaytirish va turmush darajasini oshirishda katta ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyatga ega. Ushbu sanoatning asosiy afzalliklaridan biri shundaki, u iste'mol qilish bo'yicha oziq-ovqat mahsulotlarini iste'mol qilishdan keyin ikkinchi o'rinni egallaydi.

Rivojlangan mamlakatlarda (Germaniya, AQSH, Italiya, Fransiya) umumiy sanoat ishlab chiqarishida yengil sanoatning ulushi 6-12 % ni tashkil qiladi. Koreya va Yaponiyada bu sanoat mahsulot ishlab chiqarish bo'yicha avtomobil sanoatidan keyin ikkinchi o'rinda turadi. Shuning uchun bu mamlakatlar byudjetining 20 % i tikuvchilik va to'qimachilik korxonalari hisobidan shakllantiriladi. Tayyor kiyim-kechak, gazlama, trikotaj, poyafzal ishlab chiqarish ichki ehtiyojni 75-85 % ga qondirmoqda. Rivojlanayotgan mamlakatlarda (Xitoy, Turkiya, Hindiston, Meksika) yengil sanoatni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanishi sezilarli

darajada sanoatning tez o‘sishiga olib keldi. So'nggi 20 yil ichida ishlab chiqarish markazi (ayniqsa, to'qimachilik sanoatida) Amerika Qo'shma Shtatlari va G'arbiy Evropani asta-sekin almashtirib, Osiyo va Janubiy Amerikaga o'tdi. Bu engil sanoatning yana bir xususiyatini ko'rsatadi - unda ishchi kuchi narxi past bo'lgan mamlakatlar yetakchilik qiladi.

Xalqaro tajriba shuni ko‘rsatadiki, yengil sanoatda raqobatbardoshlikka erishish uch darajada, ya’ni makro, tarmoq va mikrodarajalarda olib borilayotgan rivojlanish strategiyasi natijasidir. 1-rasmda har bir darajadagi asosiy tadbirlar ko'rsatilgan.

Xitoy iqtisodiyoti yengil sanoatni rivojlantirish sanoat jamiyatini qurish uchun samarali asos bo'lishi mumkinligiga yorqin misoldir. Yengil sanoat bu mamlakat uchun an'anaviy hisoblanadi. Hozirgi vaqtda Xitoyda yengil sanoat sanoat ishlab chiqarishida yetakchilik qiladi va umumiy ishlab chiqarishning 21% ni tashkil etadi (hozirda mamlakatda 360 dan ortiq sanoat turlari mavjud) [1]. Xitoy matolari, kiyim-kechak, charm buyumlar, poyabzallar dunyoning deyarli barcha mamlakatlariga eksport qilinadi.



1-rasm. Yengil sanoatning darajalarida bajariladigan tadbirlar

Bugungi kunda Xitoy iste'mol tovarlari bilan jahon savdosida ustunlik qiladi va uning ulushi 20% ni tashkil qiladi. Raqobatda Xitoy asta-sekin o'zining eng muhim raqiblari - Turkiya va Meksikani siqib chiqardi, bu esa Qo'shma Shtatlardagi to'qimachilik mahsulotlarining eng muhim yetkazib beruvchisi hisoblanadi. Hozirgi kunda ushbu mamlakat jahon bozorida eng yirik to'qimachilik va kiyim-kechak yetkazib beruvchi hisoblanadi va Yevropa Ittifoqi mamlakatlariga eksport qiluvchilar orasida Turkiya Xitoydan keyin ikkinchi o'rinni egallaydi. Turkiya yengil sanoati yalpi ichki mahsulotning 10 % ini tashkil qiladi va byudjet daromadlarining 40 % ini ta'minlaydi. Mamlakat eksportida yengil sanoat mahsulotlari (tayyor kiyim-kechak, to‘qimachilik, ip-kalavadan tayyorlangan buyumlar, gilamlar, sintetik va to‘qimachilik matolari, jun va undan tayyorlangan buyumlar) ham asosiy o‘rinni egallaydi — 40% [3].

Sanoatning barqaror holati va eksport o'sishi tufayli Turkiya global moliyaviy inqirozlar oldidan nisbatan barqaror davlat bo'lib qoldi. Turkiyada yengil sanoat rivojlanishining navbatdagi bosqichi mahsulot sifati va raqobatbardoshligini oshirish zarurati bo‘ldi. Yevropa standartlariga javob beradigan yangi sifat va tovar nufuzini oshiradigan yangi imidjga talab bor edi. Ushbu maqsadga erishish uchun 1990-yillarning boshidan boshlab sanoatni keng ko'lamli texnik va texnologik modernizatsiya qilish boshlandi. Bu katta investitsiyalarni talab qildi va natijada yengil sanoat mahsulotlari raqobatning asosiy omili bo'lgan arzonligini yo'qotdi. Yangi uskunalarni joriy etishning dastlabki bosqichlarida bu muqarrar edi. Biroq, yangi texnika vositasi sotib olindiki - endi mahsulotlar Evropa sifat standartlariga va zamonaviy moda tendentsiyalariga javob beradi. Uskuna va texnologiyalarni modernizatsiya qilish bilan birga ishlab chiqarish va boshqaruvning zamonaviy tamoyillarini joriy etish, kadrlar malakasini oshirish kabi chora-tadbirlar amalga oshirildi. Ayni paytda Turkiya yengil sanoati dunyoda yetakchi o‘rinlardan birini egallab turibdi. Bunda yetakchi rol jahonning tan olingan yetakchilari – Germaniya va Italiya bilan raqobatlashadigan to‘qimachilik sanoatiga tegishli. Turkiyada to‘qimachilik sanoati haqli ravishda respublika iqtisodiyotining “yuzi” hisoblanadi. Hatto ko'plab mahalliy xomashyoning mavjudligi ham sanoat ehtiyojlarini qondirishga qodir emas. Shu bois mamlakat Italiya, Hindiston, Pokiston va Misrdan paxta xomashyosi va paxta iplarini olib kirishga majbur.

Texnologik uskunalar bilan jihozlash bo'yicha Turkiya dunyoda yetakchi o'rinlardan birini egallaydi. Yuqori sifatli xomashyodan foydalanish raqobatbardosh mahsulot ishlab chiqarish imkonini beradi. Turkiyada yengil sanoatni tashkil etish va rivojlantirish muvaffaqiyati quyidagilarga yordam berdi:

- puxta o‘ylangan davlat strategiyalarini amalga oshirish, sohani rivojlantirish davlat dasturlarini o‘z vaqtida va aniq amalga oshirish;
- biznes va hukumatning faol o'zaro ta'siri;
- to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish;
- paxta ekinlari va qo'ylarni (jun uchun) etishtirish uchun qulay iqlim sharoitlarining mavjudligi;
- rivojlangan sanoat infratuzilmasini o‘z vaqtida yaratish, bunga an’anaviy ajdodlar va qarindoshlik rishtalarining mavjudligi katta yordam berdi;
- xomashyoni olishdan yuqori qo‘shimcha qiymatga ega tayyor mahsulot yaratishgacha bo‘lgan yopiq tarmoq tsiklini yaratish, tarmoq zanjiri bo‘g‘inlari o‘rtasida o‘rnatilgan aloqalar, ishbilarmonlik kooperatsiyasi;
- ishlab chiqaruvchilar tomonidan mahsulotlarni bozorga faol targ'ib qilish (xususan, ixtisoslashtirilgan ko'rgazmalar o'tkazish);
- sanoatni bozorning o'zgaruvchan ehtiyojlariga yo'naltirish.

Qirg‘izistonda yengil sanoat rivojlanishini o’rganadigan bo’lsak, so'nggi o'n yil ichida ushbu sanoatda keskin o'sish kuzatildi. Qirg'izistonning engil sanoati yalpi ichki mahsulotning 10% dan ortig'ini tashkil qiladi, uning umumiy sanoat ishlab chiqarishidagi ulushi 16% dan oshadi, unda mehnatga layoqatli aholining 30% (taxminan 150 ming kishi) ishlaydi. Tikuvchilik sanoati eng muvaffaqiyatli rivojlanmoqda (boshqa kichik tarmoqlar - to'qimachilik, charm, poyabzal hozirda

tikuvchilik sanoati rivojlanishidan orqada qolmoqda). Qirg‘izistonda ishlab chiqarilgan tayyor kiyimlar MDH mamlakatlarida, xususan, Rossiya va Qozog‘istonda muvaffaqiyatli sotilmoqda, ular arzon narxlarda maqbul sifati tufayli Xitoy va Turkiyaning o‘xshash mahsulotlari bilan raqobatlasha oladi [5].

Qirg'iziston kiyim-kechak ishlab chiqaruvchilari uchun asosiy maqsadli segment Rossiya bozoridir. Ishlab chiqarilgan kolleksiyalar asosan o'rta sinf aholi uchun mo'ljallangan. Umuman olganda, mahsulotlar kiyim-kechak bozorlarida sotiladi. Modellar iste'molchilarning didini hisobga olgan holda korxonalar egalari tomonidan ishlab chiqiladi. Moda tendentsiyalari haqidagi ma'lumotlar moda jurnallaridan olinadi, shuning uchun professional moda dizaynerlari odatda ishga olinmaydi. Xaridorlarning xohish-istaklari marketing tadqiqotlarisiz, balki bevosita aloqa orqali aniqlanadi. Keyingi yillarda korxonalarning texnik jihozlanishi sezilarli darajada yaxshilandi. Biroq, turli korxonalarda qo'llaniladigan asbob-uskunalarning yoshi har xil: 50 yil bo'lgan sovet texnologiyasidan tortib, eng yangi mashinalar, dizayn va kesish uchun uskunalar, shuningdek, modellashtirish va loyihalash uchun kompyuter dasturlari. Asosan texnologik uskunalar Xitoydan keltiriladi. Shunday qilib, Qirg'iziston yengil sanoatiga ustunlik beruvchi xususiyatlar quyidagilardir:

- narx raqobatida g'alaba qozonish imkonini beruvchi mehnatning past narxi;
- mahsulotlarni, ayniqsa, Rossiya bozorlariga olib kirish uchun qulay sharoitlar;
- faoliyatni amalga oshirish uchun qulay moliyaviy sharoitlar;
- soliq yo'nalishida davlat yordamining mavjudligi;
- arzon narxlarda sifatli mahsulotlar ishlab chiqarish imkoniyati.

Qirg'iziston yengil sanoati uchun mahsulotlarni sotish bo'yicha dunyoda yetakchi bo'lgan Janubi-Sharqiy Osiyo ishlab chiqaruvchilari xavfli bo'lishi mumkin. Rossiyaning Jahon savdo tashkilotiga a'zo bo'lishi vaziyatni murakkablashtirmoqda, chunki Xitoyning tikuvchilik va to'qimachilik mahsulotlarini import qilish imkoniyatlari ortadi. Bunday sharoitda yengil sanoatni rivojlantirishning strategik yo‘nalishlari talabni sinchiklab o'rganish, assortimentni yaxshilash, raqobatdosh ustunliklarni mustahkamlash , sanoat qiymat zanjirini tizimli tartibga solish, qulay investitsiya muhitini yaratish va yengil sanoatda davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirish tamoyillariga asoslanishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Доклад о развитии малых и средних предприятий Китая в 2005 г.URL: http://www.china.cn/chinese/zhuanti/263730.htm (Дата обращения 28.09.2014).
2. Политика в области развития малого и среднего предпринимательства в КНР. URL: http://www.china.cn/chinese/zhuanti/263730.htm (Дата обращения 28.09.2014).
3. Simay K.H., & Deniz N. (2013) Comparative advantage of textiles and clothing: evidence for Bangladesh, China, Germany and Turkey. Fibres and Text. East. Eur., Vol. 21, No. 1, 14–17.

4. Yepanchintseva S.E. State mechanism to ensure enterprise competitiveness in textile and clothing industries: Use of international experience for Kazakhstan // Interdisciplinary Perspectives on Social Sciences. – Newcastle upon Tyne: Cambridge Scholars Publ., 2014. – P. 129–136.
5. Стратегия текстильного и швейного производства КР на 2010-2011 MED КР, Бишкек.

Артикбаев У.Ш. *- ОБМ тингловчиси*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИНИ САМАРАДОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида белгиланган иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, диверсификация ва саноатни модернизациялаш жараёнларини янада кенгайтириш, иқтисодиётни рақамлаштиришнинг истиқболли режа ва дастурларини амалга ошириш учун амалдаги хўжалик юритиш механизмининг мазмуни ҳамда таркибини такомиллаштириш талаб қилинади.

Ҳозирги даврга келиб эса рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарали технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Шунинг учун ҳам давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида республикамиз раҳбарияти бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси президенти 2018 йил 28 декабрдаги 2019 йил учун энг муҳим устивор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисоднинг ривожланиши бўйича қуйидагиларни айтиб ўтди: “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгиланишини кўзда тутадиган “Рақамли иқтисодиёт миллий концепцияси”ни ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга тадбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради…”[1].

Айниқса, рақамли иқтисодиёт шароитида маркетинг фаолиятида инновацион маркетинг технологиялари: интернет маркетинг, one-to-one (муносабатлар) маркетинги, бенчмаркинг, мобил маркетинг, тўғридан-тўғри маркетинг йўналиш ва шаклларини ривожлантириш, корхона ва ҳаридорлар алоқаларини ўзаро online тарзда ташкил этиш, маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, етакчи корхоналар фаолияти натижаларини ўз корхонасига жорий этиш, товар ва хизматларни силжитишда интерактив маркетинг услубларидан фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://kun.uz/uz/news/2018/12/28/prezident-murojaatnomasi-toliq-matn

Маркетинг стратегияларини тасдиқланиши, уни самарадорлигини ҳам баҳолаб борилиши керак. Сабаби жамият ишлаб чиқиб тасдиқлаган стратегияларини амалда бажарилмасдан қолиши, стратегиялар нотўғри танланган бўлиши, натижада ишлаб чиқарилган махсулот сотилмаслиги, кутилган даромад олинмаслиги мумкин.

Маркетинг фаолияти бошқарув жараёнининг асосий стратегик қисмидир. Маркетинг самарадорлигини баҳолаш жуда қийин вазифадир. Маркетинг стратегияларини амалга ошириш натижасида олинган миқдорий таъсирни ҳар доим ҳам изоҳлаш мумкин эмас. Шунга қарамай, ушбу муаммони ечишда турли хил ёндашувлар мавжуд.

Бир қатор иқтисодчи олимлар, В.В.Живетин, В.Л.Самохвалов, Н.П.Чернов, И.А.Ферапонова маркетинг самарадорлиги қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини такомиллаштириш натижаларидан иборат деб ҳисоблашади: бозор потенсиалидан, шу жумладан янги маҳсулот учун мақбул фойдаланиш имконияти; прогноз тахминларининг ишончлилигини ошириш; маълум бир маҳсулот учун бозор сегментини излаб топиш; бозор мувозанатини (талаб ва таклиф тенглигини) таҳлил қилишнинг тўғри вариантини ошириш ва ҳоказолар[1].

Маркетинг фаолияти рентабеллиги – киритилган сармоялар рентабеллигини компаниянинг маркетингга сарфлайдиган сарф харажатлари миқдоридан ўлчаш усули ҳисобланади[2].

Рақамли иқтисодиёт шароитида бенчмаркинг технологиясининг тажрибаси маҳаллий саноат корхоналари томонидан ҳам ўзлаштирилиб келинмоқда. Бу, хусусан, улар тақдим этаётган маҳсулотнинг комплекслигига тааллуқлидир.

Ўзбекистон азал-азалдан гилам саноати тармоғида ўзининг кенг миқиёсдаги ривожланиш босқичларига эга. Гилам ишлаб чиқариш тизимидаги корхоналар ҳам ривожланишда, фаолиятида диверсификацияни амалга оширишда бенчмаркинг технологияларидан фойдаланишлари мумкин.

Шу билан бирга бенчмаркинг маҳсулотлар рақбатбардошлигини ошириш, сифатни таъминлашга қаратилган. Мамлакатимиздаги саноат корхоналари ўзида бозор муносабатлари хусусиятларини тўлиқ ўзлаштирган ҳолда изчил ривожланиш даврида фаолият олиб боришмоқда. Рақобатнинг бозор механизми сифатидаги кескин таъсири саноат корхоналари олдига замонавий маркетинг хусусиятлари билан қуролланган бошқарув тизимини яратишни тақозо этмоқда.

Бизнес – таҳлили амалиётида кўп ҳолларда изланаётган омилларнинг ўзаро таъсирлари даражасини аниқлаш талаб этилади. Ушбу мақсадда қўлланиладиган усуллардан бири корреляцион таҳлил ҳисобланади.

---

[1] Общие вопросы легкой промышленности / Обзорная информация. Вып. 12. - Опыт использования текстильной и легкой промышленности в новых условиях хозяйствования. М.: Министерство легкой промышленности СССР, ЦНИИиТЭИлегпром, 1989. — 38 с.

[2] Robert Kaplan and David Norton, «The Balanced Scorecard — Measures That Drive Performance», Harvard Business Review (January-February 1992)

Корреляцион таҳлил ўзгарувчан белгилар ўртасидаги алоқаларнинг зичлигини ўлчаш, натижавий белгиларга кўпроқ тасир кўрсатувчи омилларни баҳолаш ҳамда мавҳум таъсирлар боғлиқлигини аниқлашда, боғланиш шаклларини ўрнатишда, регрессия функцияларини аниқлашда фойдаланиш билан бир қаторда ўлчовга эга бўлмаган кўринишдаги иккита туркум кўрсатгичларнинг ўзаро боғлиқлигини миқдорий баҳолаш учун ҳам қўлланилади.

Улардан келиб чиқиб маркетинг самарадорлигини баҳолашнинг 4 та методи мавжуд. Булар:

1.Сифат усули. Бу усулда маркетинг стратегияларини сифат жиҳатидан баҳолаш тушинилади. Бунда маркетинг аудитидан фойдаланиш мумкин. маркетинг аудитини ўтказишда ташкилотнинг ташқи муҳити, шунингдек барча таҳдид ва имкониятлар ҳар томонлама таҳлил қилинади. Шу билан бирга, маркетингни бошқаришнинг иккита соҳасини ажратиш мумкин: натижаларга йўналтирилган маркетинг назорати ва маркетинг аудити, яъни, ташкилот маркетинг фаолиятининг сифат жиҳатларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

2.Миқдорий усули. Маркетинг самарадорлигини баҳолашнинг миқдорий усуллари маркетинг харажатларини ялпи фойда ва реклама харажатлари билан таққослаш орқали аниқланади ва улар ташкилотнинг якуний молиявий натижаларини тавсифлайди.

3.Социологик усул. Маркетингнинг самарадорлигини баҳолашнинг социологик усуллари амалий социология воситаларидан фойдаланишга қаратилган бўлиб, унда социологик тадқиқот дастурини ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ тадқиқотни ўзи ўтказиши мумкин. Маркетинг коммуникациялари (реклама самарадорлиги, сотишни рағбатлантириш, жамоатчилик билан алоқалар, шахсий савдо, тўғридан-тўғри маркетинг) самарадорлигини баҳолаш ҳам амалий социология воситаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

4.Балл усули. Маркетингнинг самарадорлигини баҳолашнинг балл ёки скоринг усуллари ҳар бир воқеа учун унинг самарадорлигини алоҳида баҳолайди, структура ва жараёнларнинг маркетинг концепциясига мувофиқлигини, ҳар бир мезон учун муайян балл берган ҳолда ҳисобланади.

Биз таклиф этаётган янги усул балл усулидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган. Бунда, ҳар бир акциядорлик жамияти маркетинг комплексини ўз компаниясида таҳлил қилганидан сўнг ушбу комплекс асосида маркетинг стратегияларини яратади. Сўнгра маркетинг стратегияларини муҳимлилиги, зарурлиги ва аҳамиятидан келиб чиқиб уларнинг салмоғи белгилаб олинади. Ундан кейин ҳар бир стратегия учун самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини (KPI) ишлаб чиқилади. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари стратегияни амалга ошириш учун ўлчов воситаси бўлиб ҳисобланади. Бир стратегия учун қанча кўрсаткич зарур бўлса шунча кўрсаткич танлаб олинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://kun.uz/uz/news/2018/12/28/prezident-murojaatnomasi-toliq-matn
2. Общие вопросы легкой промышленности / Обзорная информация. Вып. 12. - Опыт использования текстильной и легкой промышленности в новых условиях хозяйствования. М.: Министерство легкой промышленности СССР, ЦНИИиТЭИлегпром, 1989. — 38 с.
3. Robert Kaplan and David Norton, «The Balanced Scorecard — Measures That Drive Performance», Harvard Business Review (January-February 1992)
4. Кметь Е.Б., Ким А.Г. “Маркетингни бошқариш” – Владивосток, “Издательство ВГУЭС”, 2015
5. Котлер Ф. Кеплер К. “Маркетинг менежмент” - за №207.

Ataismatov I.Z. – *OBM tinglovchisi*

ERKIN IQTISODIY ZONALARNI RIVOJLANTIRISH YUZASIDAN XORIJ TAJRIBASI (XITOY XALQ RESPUBLIKASI MISOLIDA)

Xitoy Xalq Respublikasi misolida oladigan bo‘lsak, maxsus iqtisodiy zonalari iqtisodiyotning barcha sohalarini modernizatsiyalash va yuqori texnologiyalar raqobatbardosh ishlab chiqarishga erishishda muhim omil bo‘lmoqda.

Oxirgi o‘ttiz yil davomida Xitoyda kuzatilgan iqtisodiy o‘sish haqiqatda “iqtisodiy mo‘jiza” bo‘lgani hech kimga sir emas. Uning rivojlanish tendensiyasiga nazar tashlaydigan bo‘lsak, 1976-yilgacha Xitoy yopiq iqtisodiyot hisoblanar edi.

Ammo 1978-yilda Den Syaopin tomonidan olib borilgan “Ochiq eshiklar” siyosati va shu maqsaddagi islohotlar natijasida Xitoy jahon iqtisodiyotiga integratsiyalasha boshladi hamda Xitoy YaIMi yiliga o‘rtacha 10 % o‘sishga erishdi. 1979-2014 - yillarda Xitoyning aholi jon boshiga YaIMi qariyb 16 marta, ya’ni 195 AQSh doll.dan 3583 AQShga o‘sdi.

2010-yilga kelib YaIM hajmi bo‘yicha Yaponiyani ortda qoldirib, dunyodagi eng katta ikkinchi iqtisodiyotga aylandi. Shu davr mobaynida 500 mln.dan ortiq aholi qashshoqlikdan xalos bo‘ldi. Tadqiqotlar natijasida ma’lum bo‘ldiki, ko‘p yillar davomida hukm surgan markaziy rejalashtirilgan iqtisodiyotdan zamonaviy bozor iqtisodiyotiga o‘tish maqsadida 1978-yildan boshlab “Ochiq eshiklar” siyosati doirasida ko‘plab ishlar amalga oshirildi. Bunda Xitoyda turli shakldagi maxsus iqtisodiy zonalar (MIZ)ni tashkil etish muhim yo‘nalishlardan biri bo‘lib, MIZlarni tashkil etishdan asosiy maqsadlar quyidagicha edi:

¬ xorijiy kapitalni maksimal darajada jalb qilish, sanoatning ilmiy sig‘imli sohalarini yuqori texnologiyalar asosida rivojlantirish;

¬ xalqaro mehnat taqsimotida samarali ishtirok etish, eksport hajmi va xorijiy valyuta tushumini oshirish;

¬ MIZ joylashgan hududlardagi ijtimoiy-iqtisodiy holatni Hong Kong, Singapur va boshqa yangi industrial davlatlaridagi kabi rivojlantirish;

¬ arzon va ortiqcha ishchi kuchi hamda boy xomashyo salohiyatidan to‘gri foydalanish;

¬ boshqaruv malakasiga ega bo‘lish va milliy kadrlarni tayyorlash.

Xitoyda MIZlarning tashkil etilish jarayonini 4 bosqichda kuzatishimiz mumkin: u 1970-yil oxiri 1980-yillar boshlari; 1980-yillar; 1990-yillar va 1990-yildan hozirgi kungacha davom etayotgan zamonaviy davrni qamrab oladi.

1979- yilda Guangdong va Fujian provinsiyalarida “maxsus siyosat va moslashuvchan choralar” tizimining joriy etilishi birlamchi qadam edi va shu maqsadda 1981 -yil noyabrda “Guangdong va Fujian provinsiyalariga alohida iqtisodiy maqom berish to‘g‘risida” XXR Davlat Kengashi qarori e’lon qilindi.

Dastlab,1980-yil avgustda Guangdong provinsiyasidagi Shenzhen, Zhuhai va Shantou hamda shu yilning oktabrida esa Fujian provinsiyasidagi Xiamen hududlari 4 ta maxsus iqtisodiy zonalarga aylantirildi.

Ushbu MIZning maqsadi deyarli bir xil bo‘lib, maxsus moliyaviy, investitsion va savdo imtiyozlari orqali hududda barqaror iqtisodiy o‘sishga erishish edi. Ular, asosan, joriy innovatsion siyosatni amalda sinovdan o‘tkazish uchun tashkil etilgan bo‘lib, agar loyiha o‘zini oqlasa, bunday MIZlarni mamlakat bo‘ylab keng tarqatish rejasi ko‘zda tutilgan. MIZlarda joriy etilgan imtiyozlar va qulay ishlab chiqarish omillari yig‘indisi kutilmagan iqtisodiy o‘sishga sabab bo‘ldi. 1980-1984-yilda yillik Xitoy YaIMi o‘rtacha 10 % o‘sdi. Bu ko‘rsatkich Shenzhenda 58 %, Zhuhaida 32 %, Xiamenda 13 % va Shantouda esa 9 % bo‘ldi. 1986-yilgacha Shenzhenda kapital, mehnat, yer, texnologiya, aloqa va transport kabi ishlab chiqarish omillari kompleksi shakllanib bo‘lgan edi. 1988- yildan keyin yuqoridagi MIZlar safiga Hainan 5-MIZ sifatida qo‘shildi. Yuqorida sanab o‘tilgan savdo va investitsiya muhitini rivojlantirish maqsadidagi zonalar o‘zini oqlagach, Xitoy o‘z “Ochiq eshiklar” siyosatini yanada kengaytirdi. 1984- yilda boshqa turdagi MIZlar – iqtisodiy texnologik taraqqiyot zonalari, boshqacha aytganda milliy sanoat parklari, tashkil etila boshlandi.

MIZlarning iqtisodiy texnologik taraqqiyot zonalaridan (ITTZ) farqi shundaki, MIZ kattaroq hududda, ba’zan butun shahar yoki provinsiyada joylashishi mumkin. Birgina 1984-1988- yillarda qirg‘oq bo‘yi shaharlarida 14 ITTZ tashkil etildi. 1989 va 2006-yillarda 70 mos ravishda Shanghai va Tianjin Binhai yangi zonalari ham tashkil etildi. 1992- yilga kelib Xitoyda 35 ta ITTZ muvaffaqiyatli faoliyat yuritar edi. Keyinchalik, boshqa turdagi MIZlar ham butun mamlakat bo‘ylab tarqala boshladi va bunday zonalarni tashkil etish odatiy holga aylandi. 2008-yilda Xitoyda 14 ta ochiq qirg‘oq shaharlar, 15 ta erkin savdo zonalari, 17 eksportni rag‘batlantiruvchi zonalar,52 ITTZ, 53 ta yuqori texnologiyali taraqqiyot zonalari va 15 ta chegaradosh iqtisodiy hamkorlik zonalari ro‘yhatdan o‘tkazilgan edi. 2013-yil oxirida Xitoyda5 ta MIZ, 210 ta ITTZ, 15 ta chegaradosh iqtisodiy hamkorlik zonalari, 105 ta yuqori texnologiyali zonalar 13 ta erkin bojxona zonalari faoliyat yuritishi aniqlandi. Bundan tashqari, 2013-yil 29-sentabrda XXR Davlat Kengashi tomonidan Shanxay (Pudun) erkin savdo zonasini tashkil etish to‘g‘risida qaror qilindi. MIZlar to‘g‘risida haligacha yagona normativ hujjat yo‘q bo‘lib, ularning tashkil etilishi, tugatilishi va faoliyati bilan bog‘liq munosabatlar 1982-

yilda qabul qilingan XXR Konstitutsiyasi bilan tartibga solinadi. Uning 18- moddasi 2-bandiga ko‘ra, “XXR barcha xorijiy korxonalar, tashkilotlar va xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi qo‘shma korxonalarga investitsiya kiritishga ruxsat beradi hamda ularning huquq va manfaatlari qonun bilan himoyalanadi”.

1998-yil 26-iyunda “Maxsus iqtisodiy zona va mintaqaviy shelflar to‘g‘risida” XXR qonuni qabul qilingan. Yana MIZlar to‘g‘risida 30 dan ortiq normativhuquqiy hujjatlar amal qiladi. Masalan, Umum Xitoy Xalq Vakillari Kengashi doimiy qo‘mitasi tomonidan Shenzhen (1992-yil iyul), Xiamen (1994-yil mart), Zhuhai va Shantou (1996-yil mart) MIZlarini tashkil etish to‘g‘risida qaror yuqorida keltirib o‘tilgan MIZlar uchun huquqiy asos bo‘lib xizmat qiladi. Hainan MIZi faoliyati esa 1988- yil aprelda XXR Davlat Kengashi qarori bilan tartibga solib boriladi. MIZ rezidentlari uchun talablar va imtiyozlar quyidagilardan iborat: MIZlarga kiritiladigan xorijiy investitsiyalar miqdori kamida 50 mln. AQSh doll. bo‘lishi kerak, oldin bu ko‘rsatkich 30 mln. AQSh doll. bo‘lgan. Xorijiy rezidentning ustav kapitalidagi ulushi kamida 25 %ni tashkil etishi lozim. MIZ rezidentlari uchun 5 yil davomida alohida soliq imtiyozlari tizimi yo‘lga qo‘yilgan.

Ашуров З.А. *– Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази директори ўринбосари, и.ф.ф.д. (PhD)*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МУСТАҚИЛ АЪЗОЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистонда капитал бозорини янада ривожлантириш, унинг рақобатбардошлиги ва капиталлашувини ошириш, корхоналарда корпоратив бошқарувнинг замонавий усул ва механизмларини жорий этиш ҳамда ривожлантириш, уларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш бугунги кунда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг долзарб вазифалари қаторидан ўрин олган.

Шундай ислоҳотлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сон “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [1] бўлиб, ушбу фармон билан тасдиқланган “2021-2022 йилларда капитал бозорини ривожлантириш Дастурини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» га мувофиқ, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш, хусусан акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашларининг мустақил аъзоларига қўйиладиган талабларни такомиллаштириш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Шу нуқтаи назардан, ушбу мақоламизда биз корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартлари ва илғор хорижий амалиёти ўрганиб чиқилган ҳолда, акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашларининг мустақил аъзолари

фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш юзасидан айрим таклиф ва тавсияларимизни бершни лозим топдик.

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашларининг мустақил аъзолари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш, аввалambор, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига [2] (кейинги
ўринларда – Қонун) тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини талаб этади. Фикримизча, Қонун нормалари қуйидаги йўналишлар бўйича такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқ.

1. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг қонунчилигида ёки Корпоратив бошқарув кодексларида (масалан, Франция, Испания, Нидерландия, Финляндия, Словения, Хитой ва ҳ.к.) компания директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) нинг мустақил аъзолари тўғрисидаги нормалар (қоидалар), қоида тариқасида, алоҳида моддада ёки бўлимда ажратиб кўрсатилади. Бугунги кунда мамлакатимизда кузатув кенгашининг мустақил аъзолари институтини ривожланишига бўлган катта эътиборни инобатга олиб, Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунчилигида ҳам кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига тегишли нормаларни алоҳида моддада кўрсатиб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Шунга мувофиқ, Қонуннинг 76-моддасидаги кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига тегишли бўлган нормаларни чиқариб ташлаб, уларни янги ***“Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси” деб номланган 76[1]-моддага*** киритиш мақсадга мувофиқ.

2. Бугунги кунда мамлакатимизда мустақил директорлар институти нафақат листинг компанияларида, балки шунингдек листингда бўлмаган компанияларда ҳам ривожланган бўлиши талаб этилади. Бундай нуқтаи назар корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартларида ҳам қўллаб-қувватланади. Хусусан, *Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг корпоратив бошкарув тизимига оид асосий тамойилларига* [3] мувофиқ кенгаш таркибига манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича аниқ вазифаларни бажаришга масъул бўлган мустақил директорлар киритилиши лозимлиги тавсия этилади.

Шуни инобатга олган ҳолда, акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилмаган акциядорлик жамиятларида ҳам кузатув кенгашининг мустақил аъзосини ташкил этилишини таъминлаш мақсадида Қонуннинг таклиф этилаётган 76[1]-моддаси биринчи қисмига қуйидаги нормани киритиш лозим: ***“Жамиятнинг уставида жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар кузатув кенгашининг мустақил аъзоси киритилиши назарда тутилиши мумкин”.***

3. Жаҳонда корпоратив бошқарувнинг илғор амалиёти ҳамда халқаро стандартлари директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) таркибида мустақил директорларнинг етарли даражада бўлишини таъкидлашади. Хусусан, *G20/ИҲТТ нинг Корпоратив бошқарув тамойилларининг* [4] VI.E1-бандига мувофиқ, *кенгашлар, эҳтимол юзага келадиган манфаатлар тўқнашуви*

мавжуд бўлганда, вазифаларга нисбатан мустақил ҳукмини намоён қилишга қодир бўлган етарли миқдордаги ноижрочи кенгаш аъзоларини тайинлаш масаласини кўриб чиқишлари лозим.

Қонунинг 76-моддасида кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши кераклиги белгиланган. Бироқ, бир нафар мустақил аъзо кузатув кенгашининг бутун таркиби учун етарли ҳисобланмайди. Шунинг учун акциядорлик жамиятларида уларнинг сонини ошириб бориш миллий корпоратив бошқарув тизимини халқаро стандартлар талабларига яқинлаштиради ҳамда инвесторларнинг жамиятга нисбатан ишончи ортади.

Корпоратив бошқарувнинг энг илғор хорижий амалиётига мувофиқ, акциядорлик жамиятининг самарали корпоратив бошқарув тузилмасини таъминлаш учун мустақил аъзоларни кузатув кенгаши умумий сонининг камида 1/3 қисми миқдорида жалб этиш тавсия этилади. Хусусан, листинг компаниялари директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) таркибининг 1/3 қисми мустақил директорлардан ташкил топиши кераклиги талаби кўпгина бошқа мамлакатларнинг амалиётида кенг қўлланилади. Масалан, БАА, Туркия, Испания, Сингапур, Россия, Қозоғистон, Ҳиндистон, Франция, Хитой каби мамлакатларнинг қонунчилигига ёки корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ, листинг компанияси директорлар кенгаши таркибининг 1/3 қисми мустақил директорлардан таркиб топиши кераклиги белгиланган.

Бундан ташқари,Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори [5] билан тасдиқланган *“2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш Стратегияси”* да давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашлари таркибида мустақил аъзолар улуши босқичма-босқич 30 фоизга етказилилиши (28-банд), давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашлари таркибидаги мустақил аъзолар сонини 2025 йилга қадар 30 фоизгача оширилиши (76-банд) белгиланган.

Шундай экан, юқорида келтирилган асосларга мувофиқ, Қонуннинг таклиф этилаётган 76^1-моддаси иккинчи қисмига қуйидаги нормани киритиш тавсия этилади: “***Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган жамият кузатув кенгаши таркибининг учдан бир қисми кузатув кенгашининг мустақил аъзоларидан ташкил топиши керак”.***

4. Хорижий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, корпоратив бошқарувнинг илғор амалиётида мустақил директор маълум муддат ўз вазифасини бажариб туриб, ушбу муддат ўтгандан кейин компанияга нисбатан мустақиллигини йўқотади. Чунки мустақил директор кетма-кет маълум муддатга сайланса, у компанияга нисбатан мустақил эмас, балки алоқадор шахс бўлиб қолади. Турли мамлакатларда бу муддат турлича белгиланган. Масалан, Туркияда – 6 йил, Россиядан – 7 йил, Сингапур, Ирландия, Гонконг, Италия, Буюк Британияда – 9 йил, Бельгия, Германияда – 12 йил қилиб белгиланган.

Бундан ташқари, корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартларидан бири ҳисобланган *Евроакциядорларнинг корпоратив бошқарув бўйича қўлланмаси* [6] 10а-бандига мувофиқ, ноижрочи директорларнинг кенгаш таркибидаги аъзолиги кенгашнинг ҳам бир поғонали, ҳам икки поғонали тизимларида 12 йиллик муддат билан чекланиши лозим. Ушбу халқаро стандарт ҳамда баъзи мамлакатларнинг илғор амалиётини инобатга олиб, Қонуннинг таклиф этилаётган 76^1-моддасига қуйидаги нормани қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ: ***“Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси кўпи билан кетма-кет ўн икки йил билан чекланган ҳолда ҳал йили қайта сайланиши мумкин”.***

5. Қонунинг амалдаги таҳририга мувофиқ энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади. Бироқ, агар жамият уставига кўра кузатув кенгаши таркибига бир нафар мустақил аъзо бўлиши керак-у, лекин акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз беришда мустақил номзод етарлича овоз тўплай олмаса, унда қандай йўл тутиш кераклиги қонунчиликда тартибга солинмаган.

Шу туфайли, алоҳида норма билан мустақил номзодни сайлаш тартибини белгилаб қўйилишини назарда тутувчи Қонуннинг таклиф этилаётган 76^1-моддасига қуйидаги нормани қўшимча киритиш тавсия этилади: ***“Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзод (номзодлар), у (улар) тўплаган овозлар сонидан қатъи назар, сайланган деб ҳисобланади. Агар кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар сони жамият уставида белгиланган мустақил аъзолар сонидан кўп бўлса, унда энг кўп овоз тўплаган номзод мустақил аъзо сифатида кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади”.***

6. Ўзбекистон қонунчилигида кузатув кенгашининг мустақил аъзоларининг ваколатлари ёзиб қўйилмаган, ва улар нима учун масъул эканлиги аниқ эмас. Кўпгина, шу жумладан давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари амалиётда ўз кузатув кенгашларининг мустақил аъзолари фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш муаммоси билан дуч келмоқда. Шунинг учун кузатув кенгашининг мустақил аъзолари қандай минимал вазифаларни бажариши тўғрисидаги нормалар Қонунда белгилаб қўйилиши талаб этилади.

G20/ИҲТТ нинг Корпоратив бошқарув тамойилларининг (G20/OECD Corporate Governance Principles, 2015) VI.E1-бандига мувофиқ мустақил директорлар қандай вазифаларни бажариши лозимлиги белгилаб қўйилган. Жумладан, бундай муҳим вазифаларга мисол бўлиб, молиявий ва номолиявий ҳисоботлар яхлитлигини таъминлаш, аффилланган томонлар билан битимларни текшириб кўриш, кенгаш аъзолигига ва асосий ижрочи раҳбар лавозимларига номзодлар кўрсатиш ҳамда кенгаш аъзоларини мукофотлаш ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, алоҳида норма билан кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бажариши лозим бўлган минимал вазифаларни назарда тутувчи Қонуннинг таклиф этилаётган 76^1-моддасига қуйидаги

нормани қўшимча киритиш тавсия этилади: ***“Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси жамият молиявий ҳисоботлари яхлитлигини таъминлайди, аффилланган шахслар билан тузилган битимларни текшириб кўради, аудит қўмитасига раҳбарлик қилади, жамият кузатув кенгаши аъзоларининг фаолият самарадорлигини баҳолайди, шунингдек жамият уставида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради”.***

Фойдаланилган адабиётган рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сон “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. / Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги миллий маълумотлар базаси (www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. / Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги миллий маълумотлар базаси (www.lex.uz).
3. European Bank for Reconstruction and Development. EBRD Core Principles of a Corporate Governance Framework, 2010.
4. OECD (2015). OECD Principles of Corporate Governance, OECD Publishing, Paris.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори. / Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги миллий маълумотлар базаси (www.lex.uz).
6. Euroshareholders Corporate Governance Guidelines, 2000.

Абдурахимова Д.К*. – ТМИ, катта ўқитувчиси, PhD*

РАҚАМЛИ БАНК ИННОВАЦИЯЛАРИ ОРҚАЛИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Жаҳонда сўнгги йилларда тараққиётнинг асосий акселератори бўлмиш инновациялар блокчейн, BigData, булутли технологиялар, сунъий интелект каби юқори рақамли технологияларга асосланмоқда. Ушбу рақамли технологияларнинг қўлланилиши иқтисодий жараёнларни нафақат тезлаштиришга, балки сифат кўрсаткичларини ҳам ошишига сабаб бўлмоқда. Бу борада айниқса банк-молия соҳасида рақамли технологияларнинг қўлланилиши ушбу соҳани шиддат билан ривожланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодиётни рақамлаштириш борасида сезиларли қадамлар қўйилмоқда. Мазкур ислоҳотларни янада кенгайтириш мақсадида 2020 йил 28 апрелда Ўзбекистон Президенти "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини имзоланган бўлса, 2020 йил октябрда “Рақамли Ўзбекистон 2030” Стратегияси тасдиқланди [1]. Ушбу стратегияда банк-молия соҳасини янада

ривожлантириш учун молиявий технологиялар билан такомиллаштирилган рақамли банк хизматларини жарий этишга алоҳида аҳамият қаратилган.

Умуман олганда, инновацион рақамли банк маҳсулотларига оид дефинцияларни ўрганиш, аввало “инновация” атамасига ойдинлик киритишни талаб этади.

“Инновация назарияси” асосчиси австриялик олим Й.Шумпетер биринчи бўлиб “инновация” терминини илмий иқтисодий адабиётларда қўллаган бўлиб, у инновацияга шундай тариф беради: “Инновация – тадбиркорлик руҳи билан рағбатлантирилган ишлаб чиқариш омилларнинг янги комбинацияси”. Унинг фикрича, айнан инновацион фаолияти иқтисодиётда даромад манбаи бўлиб ҳизмат қилади. У айнан инновацион жараёнлар тўлқинсимон кўринишга эга иқтисодиёт динамикасининг пайдо бўлишига сабаб бўлган дея қайд этган [6].

Ж.Синки айнан банклар фаолиятини ўрганиб, “инновация деганда янги ғояларни ҳаётга тадбиқ этиш, янги усулларни жорий этиш, янги инструментларни, жумладан рақамлаштириш воситаларини, қўллашни тушуниш мумкин дея таъриф беради [4].

“Қўшимча инновациялар билан биргаликда қиймат яратиши мумкин бўлган инновация тури” дея ўз қарашиларини С.М.Тейки ва М.М.Карваллолар келтиришган [2].

Аммо фикримизча, тизимли инновациялар тизимли инжиниринг терминига маъно жиҳатдан яқин бўлиб, мамлакатимиз етакчи олимларидан бири Ш.Шоҳаъзамий мазкур атамага, яъни “тизимли молия инжиниринги” терминига кенг қамровли ва тўлиқ ўз таърифини бериб ўтган: “Тизимли молия инжиниринги – бу молия-кредит тизимининг паст рискли барқарор ва рақобатбардош ривожланиши ҳамда молиявий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида молиявий ижод концепцияси ва унинг ижодий ёндашуви асосида изланиб яратилган инновацион ғояни реал молиявий инновацияга трансформациялаш ва уни ушбу тизимга самарали трансферини комплекс амалга ошириш жараёни бўлиб, иқтисодиёт илм-фанининг алоҳида йўналиши сифатида шаклланиб узлуксиз такомиллашиб бораётган назария ва амалиётдир” [5].

И.Т.Балабанов “Банк инновациялари – бу банкнинг инновацион фаолиятининг сўнги натижаси бўлиб, янги банк маҳсулотлари ва амалиётлари шаклида намоён бўлади” дея таърифлайди [3].

Ўзбекистонда ҳам сўнги 3 йил давомида банклар ўз мижозларига бир қатор рақамли банк инновацион маҳсулотларини таклиф этмоқда. Хусусан, барча банклар ўз мобил иловаларга эга бўлиб, улар орқали мижозларга карта балансини билиш, картадан картага пул ўтказмаларини амалга ошириш, онлайн кредит ва онлайн омонат, онлайн конверсия операциялари, электрон ҳамён, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш, интернет товарлари (IoT-internet of things), маркетплейс, турли карталарга буюртма бериш, карталарсиз мобил телефонлар орқали тўловлар (one touch технологиялари) ва х.з.ни амалга ошириш имконига эга бўлмоқдалар. Мазкур

инновацияларининг пайдо бўлиши 1-жадвалда келтирилганидек банк мижозлари ҳатти-харакатларини ўзгартирди.

1-жадвал

Инновацион банк маҳсулотларининг пайдо бўлишига жавобан аҳоли ҳатти-харакатларидаги ўзгаришлар таҳлили [7][1]

Аҳоли хатти-харакати	Асос
Масофадан хизмат кўрсатиш кенг оммалашмоқда	2012-2022 йилларда масосфадан хизмат кўрсатувчи тизим фойдаланувчилари 56,7 мингдан 20 203,4 мингга ошган, бу эса 356 баробар кўпайганлигини англатади.
мобил иловалардан кредит олиш жараёнларининг осонлашганлиги	Скоринг тизимида мижознинг кредитга лаёқатлилиги Солиқ қўмитаси ва кредит бюросидан олинадиган маълумотлар асосида тезкор таҳлил қилинади ва бу тизим овердрафт кредити ва микроқарзни ўртача 15 дақиқада мобил илова орқали онлайн тарзда ажратиш имконини бермоқда
мобил иловалардан омонатларга қўйиш	2020 йилнинг 9 ой мабайнида 9 964,7 млрд. сўмлик маблағлар муддатли депозитларга жойлаштирилган.
Банкомат ва мобил иловалар орқали конверсион операциялар	01.10.2020й.гача банкоматлар орқали 4,7 млн. АҚШ доллари ва мобил иловалар орқали 444,5 млн. АҚШ доллари харид қилинган. Бу жами жисмоний шахслар сотиб олинган валютанинг 15,4%ини ташкил этади.
мобил иловалар орқали кредитнинг асосий қисми ва фоизлари сўндирилган.	банк филиалларига бормасдан мобил иловалар орқали 668,6 млрд. сўмлик кредитнинг асосий қисми ва фоизлари сўндирилган.
QR-кодларини орқали тўловларни амалга ошириш	ушбу тизимдан 14,1 мингдан ортиқ хўжалик субъектлари фойдаланмоқда.
Тадбиркорлар смарт-фонларига tap2phone ёрдамида терминал каби ишлатиш	730дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари мобиль телефонларини тўлов терминали сифатида ишлатиб келмоқда
P2P амалиётининг оммалашуви	115,4 трлн. Сўм маблағ банк карталарига кирим қилинган ва 17%қисми P2P орқали амалга оширилган.

1-жадвалда келтирилган маълумотларга асосан, сўнгги йилларда жарий қилинган банк инновацион маҳсулотлари миллий банк хизматларидан фойдаланувчилар хатти-харакатларига қай даражада таъсир қилганлигини кўриш мумкин. Масалан, банкларда инновацияларни жорий қилиниши натижасида сўнгги 10 йил давомида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг сони 356 баробар ошганлигини, скоринг тизимининг жорий қилиниши мобил иловалар орқали жисмоний шахсларга 15 дақиқада кредит олиш, шунингдек, QR-кодлар орқали тўловларни амалга ошириш имконини бераётганлигини англаш мумкин.

Юқоридагиларга асосан хулоса қиладиган бўлсак, рақамли технологияларга асосланган банк инновацион маҳсулотлари нафақатки банк хизматлари тезлиги ва сифатини оширишга, балки банк хизматлари истеъмолчиларининг хатти-харакатларини хам тубдан ўзгаришига олиб

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий жараёнларни тезлаштиришига ва халқ фаровонлигига хизмат қилиши шубҳасиз.

Фойдалинилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2020 йилдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4699-сон қарори ҳамда 05.10.2020 йилдаги “«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6079-сонли Фармони
2. Takey S.M., Carvalho M.M. Fuzzy front end of systemic innovations: A conceptual framework based on a systematic literature review//Technological Forecasting and Social Change.- 2016. - №111, P. 97-109.
3. Банки и банковское дело. Учебник. Под ред. И.Т. Балабанова. – СПб: Питер, 2001. – 253 с.
4. Синки Ж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. - М.: Альпина Диджитал, 2007. – 1017с.
5. Шоҳазамий Ш.Ш. Тизимли молия инжиниринги. Монография. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2012. –796 б.
6. Шумпетер Й. Теория экономического развития. Капитализм, социализм, демократия. – М.: Эксмо, 2007. – 864 с.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий веб сайти www://cbu.uz

.

Артикбаев У.Ш. *- ОБМ тингловчиси*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГ

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга ошириш билан бир қаторда, корхоналарнинг савдо фаолиятлари, ҳамда истеъмолчиларга хизмат кўрсатишларида электрон тижорат тизимлари босқичма - босқич жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш тўғрисида”ги қарорлари рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга замин бўлди.

Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаларида хам бу борада “рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.”[1] деб таъкидлаб ўтганлар.

Ҳар йили жаҳон мамлакатлари мода индустрияси томонидан 100 миллиарддан зиёд янги кийим - бош ишлаб чиқарилади. Уларнинг амалга ошираётган маркетинг стратегияларида анъанавий йўналишлардан фарқ қилган ҳолда рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25 январ 2020 йил Халқ сўзи.

харидорларни жалб қилиш юқори аҳамият касб этмоқда. Ахборот коммуникация технологиялари ривожланган ҳозирги даврда кийим ишлаб чиқариш саноати рақамли медиа орқали либосларни намойиши ва савдосини амалга оширилмоқда.

Рақамли трансформациялар мақсадли равишда амалга оширилган тақдирдагина корхона фаолиятининг муваффақиятига ҳисса қўшади, бунда асосий эътибор аналитика ҳамда автоматлаштиришга қаратилади. Бошқача қилиб айтганда, маркетологлар ўз мижозларини, уларнинг муаммолари ҳамда эҳтиёжларини чуқур билишлари муҳимдир. Бу айнан қандай маркетинг воситалардан фойдаланиш кераклиги ҳақида эмас, балки истеъмолчилар айнан шу товар ва хизматлардан нима учун фойдаланаётганлигини билишлари ҳақидадир. Энг муваффақиятли брендлар - бу ўзгаришларни олдиндан кўра оладиган ҳамда вақтида унга сармоя киритадиган брендлар.

Рақамли маркетинг реклама тарқатишнинг энг оммавий воситасидир. Рақамли маркетинг ҳар куни мижозлар билан мулоқот қиладиган рақамли каналларнинг кенг тармоғини ўз ичига олади. Ушбу каналлардан тўғри фойдаланиш учун уларнинг ҳар бири ҳақида тушунчага эга бўлиш муҳимдир. Рақамли маркетингнинг ривожланиши мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларига таъсир кўрсатиш имкониятига эгадир.

Мамлакатимиз олимлари ҳам мазкур масалада бир қатор тадқиқот олиб боришган бўлиб, уларнинг аксарият қисми IT ривожланиши таъсирида маркетинг технологияларининг трансформацияси натижаси “Интернет-маркетинг” ёки “рақамли маркетинг” шаклланишининг асоси деб таъкидлашмоқда. Масалан, Г.Исмаилова рақамлаштириш таъсири остида ривожланиб бораётган информацион-коммуникацион технологиялар бевосита маркетинг имкониятларини янги рақамли босқичга олиб чиқиб, ундаги асосий вазифалар маркетинг тадқиқотларини ҳамда маркетинг стратегияларини танлашдаги асоси сифатида ҳам кўриб чиққан[1].

Э.Нигманов рақамли божхона тизимида хизматларни ривожлантиришнинг долзарб масалаларни бошқа соҳавий ва ваколатли органлар билан узвий боғлиқлиги таъминлашга қаратилган ўзаро муносабатлар маркетинги элементларини рақамлаштириш орқали ечиш борасида назарий таклифларни келтириб ўтган[2].

Жаҳон иқтисодиётининг рақамлашуви, технологик ва ижтимоий-маданий муҳитнинг ривожланиши, алоқанинг янги шаклларининг жорий этилиши бозорда истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларни ўрнатишда янги воситаларини излашни тақозо этмоқда. Корхоналар узоқ вақтдан бери ўз хизматлари ва маҳсулотларини сотиш учун турли воситалардан фойдаланганлар, аммо энди улар барқарорликни таъминлаш ва бўлаётган

[1] Nasruddin, Ellisha Dr.; Ismoilova, Gulnora PhD; Rakhmatullaeva, Nargiza Associate Prof.; and Khodjaeva, Shodiyabonu Associate Prof. (2021) "THE ROLE OF INFORMATION TO DEVELOP MARKETING," International Finance and Accounting: Vol. 2021 : Iss. 6 , Article 22.

[2] Нигманов Э., Ҳамроев У., Севинов Ж. Рақамли божхона тизимида хизматларни ривожлантиришнинг долзарб масалалари // Ўзбекистон божхона ахборотномаси. №2. –Т., 2020. – Б. 3-9.

ўзгаришларга тезроқ жавоб бериш учун янги бошқарув воситаларини қўллашга мажбур бўлди. Бу эса маркетинг фаолиятининг янги шакли - рақамли маркетинг пайдо бўлишига туртки бўлди. Шундай қилиб, ахборотни қайта ишлаш ва ундан фойдаланишнинг янги рақамли усуллари маркетинг фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий манбасига айланмоқда.

Рақамли иқтисодиётни трансформацияси қилиш шароитида товарларнинг таъминланган мезонлари ва истеъмолчиларга етказиб бериш шакллари ўзгарди. Анъанавий алоқа каналлари билан таққослаганда, рақамли маркетинг бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

-ахборот етказиб берувчини марказсизлаштириш, харидор билан бевосита мулоқотда танлаш имконияти;

-рақамли маркетинг матн, аудио, фотосуратлар, графикалар каби мультимедиа ёрдамида контентни узатади;

-маълумотларни узатиш зарур касбий ваколатларга эга бўлган ходимларнинг саъй-ҳаракатларини талаб қилади;

-янги оммавий ахборот воситалари мақсадли аудиториянинг талаб истакларини инобатга олган ҳолда маълумотларни етказишга қаратилади;

-контент доимий равишда янгиланади ва унга тезкор киришни талаб қилади.

Рақамли маркетинг ҳозирда йирик корхоналарнинг маркетинг бюджетининг тахминан 25 фоизини ташкил қилади. Барча мавжуд рақамли каналлар ва алоқа воситаларидан фойдаланадиган корхоналар бошқа корхоналарга қараганда ўртача 25 фоиз кўпроқ даромад олмоқда[1]. Шу сабабли, замонавий шароитда маркетологлар биринчи навбатда рақамли маркетинг бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Жаҳон амалиётида ҳозирги кунда қўлланилаётган еттита рақамли маркетинг каналларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1)Content marketing (контент-маркетинги). Ўз мақсадларига эришиш учун корхоналар тегишли маълумотлар билан тўлдирилган контент таркибни яратадилар ҳамда тарқатадилар. Рақамли иқтисодиёт шароитида, контент-маркетинг истеъмолчилар билан рақамли алоқа учун асосий ва зарур восита ҳисобланади, чунки у истеъмолчиларни компания бренди, товар ва хизматлари билан таништириш учун зарур бўлган маълумотолар платформасини таклиф этади.

2)E-mail. Ушбу канал ўзининг кўп қирралилиги билан ажралиб туради ва маркетинг бюджетига таъсир этмасдан, идентификациялаш ва автоматлаштириш каби контент маркетингидаги сўнгги тенденцияларни қўллаш имконини беради. Электрон почта, бошқа маркетинг мақсадларини қўллаб-қувватлаш қобилиятига эга, шунинг учун Б2Б маркетологларнинг 70-75 фоизи электрон почтани тегишли даромадларни яратиш учун энг яхши восита деб ҳисоблашлари ажабланарли эмас. Бундан ташқари, ушбу рақамли канал шунчалик кенг тарқалмоқдаки, у 2021 йилда 4,1 миллиард

[1] www.gartner.com

фойдаланувчини қамраб олди. Статистик тахминлар ва прогнозларга кўра, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 4,3 миллиард фойдаланувчига ошади, бу эса дунё аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил қилади[1].

3)Organic Search. Ушбу рақамли канал бир қатор бепул интернет қидирув тизимлари билан ифодаланади, улар ёрдамида истеъмолчиларнинг муайян эҳтиёжларга бўлган талабини аниқлаш ва уларни қондириш мумкин. Органик рақамли маркетинг канали Google, Bing, Yahoo ва бошқалар каби қидирув тизимларидан келадиган барча веб-сайт трафигини ўз ичига олади.

4)Social Media (ижтимоий тармоқ). Ҳозирги вақтда ижтимоий тармоқларни ривожлантириш ва тижорат мақсадларида фойдаланиш фойдаланувчилар сонининг кўплиги, товар ва хизматларни сотиш ҳамда ҳар бир харидорнинг шахсий манфаатларини аниқлаш имконияти юқори эканлиги туфайли глобал интернет-маркетингда муҳим қисмга айланди.

5)Paid Search (пулли қидирув). Пулли қидирув рақамли маркетинг канали пуллик қидирув тизимининг рекламаларидан келадиган барча веб-сайт трафигини ўз ичига олади. Бундан ташқари, қидирув тизими маркетинги (SEM) деб ҳам аталиши мумкин. Масалан, Google Adwords ва Bing Ads. Ушбу рақамли каналнинг асосий фарқи маълумотни пулли қидиришдир, бунинг натижасида жойлаштирилган пуллик рекламалар бепул рекламалардан юқорида кўрсатилади ва шунинг учун маҳсулотни сотиш имконияти ортади[2].

6)Mobil. Мобиль тельефонлардан фойдаланиш даражаси йил сайин ортиб бормоқда. Бугунги кунда дунёда 5,8 миллиард одам мобиль тельефонлардан фойдаланади, бу эса мобиль фойдаланувчилар учун реклама контентини жойлаштириш мантиқий эканлигини англатади. Бундан ташқари, геолокациядан фойдаланиш муайян маҳсулот ва хизматларни аниқроқ тавсия қилиш имконини беради. Ушбу каналнинг яна бир афзаллиги мобиль иловалар ва ўйинлар ишлаб чиқувчилари билан ҳамкорлик қилиш орқали маҳсулот ва хизматларни реклама қилишдир, чунки смартфон фойдаланувчиларининг 90% мобиль вақтини уларда ўтказади.

7)Display Ads. Самаралироқ реклама хабари учун тасвирлар, аудио ва видеолардан фойдаланиш имконини берувчи дисплей реклама сифатида тақдим этилади. Маълумотлар асосан веб-сайтлар, электрон почта платформалари, ижтимоий медиа ва реклама жойлаштиришни таклиф қилувчи бошқа кўплаб рақамли каналлардаги рекламаларда, одатда баннер шаклида кўрсатилади. Ушбу каналнинг асосий фарқи фойдаланувчиларни кузатиб бориш ва таклиф қилинган маҳсулот бўйича такрорий таклифлар бериш имкониятидир[3].

---

[1] Murtazova Kh. S., Dakhaeva F. D. The role of digital marketing in the conditions of digitalization of society. Education. Science. Scientific Personnel, 2020, no. 3, pp. 149—151. (In Russ.) URL: https://cyberleninka.ru/article/n/rol-tsifrovogomarketinga-v-usloviyah-tsifrovizatsii-obschestva/viewer

[2] Salutina T. Yu., Platunina G. P., Vasileva I. A. Development of a modern enterprise through the use of Internet marketing. In: Mobile business: prospects for development and implementation of telecommunication systems in Russia and abroad. Collection of materials (theses) of the XLII Int. conf. of the Russian Academy of Sciences, 2018. Pp. 86—89. (In Russ.)

[3] Kemp S. Digital technology 2020: Global digital overview. URL: https://datareportal.com/reports/digital-2020-global-digital-overview.

Рақамли трансформация энди маркетологларга истеъмолчилар тўғрисида янада аниқроқ маълумотларни тўплашга, бу эса уларга маркетинг дастурларини янада кучайтириш ва такомиллаштириш имконини беради. Нима ишламаётганини, нима ишлаётганини ва қанчалик яхши эканлигини билиш маркетологга янада мослашувчан маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш имконини беради[1]. Рақамли трансформация интерактивликка жуда катта, мисли кўрилмаган таъсир кўрсатди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, рақамли технологиялар маркетинг соҳасида ўз ўринини муваффақиятли эгаллади ва ҳозирда унинг ажралмас воситадир. Рақамли маркетинг, ўз навбатида, компанияларга мақсадли аудитория билан самарали коммуникация қилиш, улар билан бир “тилда” мулоқот қилиш, шунингдек, идентификациялашган контентни яратиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25 январ 2020 йил Халқ сўзи.
2. Nasruddin, Ellisha Dr.; Ismoilova, Gulnora PhD; Rakhmatullaeva, Nargiza Associate Prof.; and Khodjaeva, Shodiyabonu Associate Prof. (2021) "THE ROLE OF INFORMATION TO DEVELOP MARKETING," International Finance and Accounting: Vol. 2021 : Iss. 6 , Article 22.
3. Нигманов Э., Ҳамроев У., Севинов Ж. Рақамли божхона тизимида хизматларни ривожлантиришнинг долзарб масалалари // Ўзбекистон божхона ахборотномаси. №2. -Т., 2020. - Б. 3-9.
4. Murtazova Kh. S., Dakhaeva F. D. The role of digital marketing in the conditions of digitalization of society. Education. Science. Scientific Personnel, 2020, no. 3, pp. 149-151. (In Russ.) URL: https://cyberleninka.ru/article/n/ rol-tsifrovogomarketinga-v-usloviyah-tsifrovizatsii-obschestva/viewer
5. Salutina T. Yu., Platunina G. P., Vasileva I. A. Development of a modern enterprise through the use of Internet marketing. In: Mobile business: prospects for development and implementation of telecommunication systems in Russia and abroad. Collection of materials (theses) of the XLII Int. conf. of the Russian Academy of Sciences, 2018. Pp. 86-89. (In Russ.)
6. Kemp S. Digital technology 2020: Global digital overview. URL: https://datareportal.com/reports/digital-2020- global-digital-overview.
7. Рахматов З. (2020). ZR Решение проблемы на рынке пассажироперевозки через маркетинговые коммуникации. Архив научных исследований, (21).
8. www.gartner.com

[1] Рахматов, З. (2020). ZR Решение проблемы на рынке пассажироперевозки через маркетинговые коммуникации. Архив научных исследований, (21).

Ашуров З.А. *– Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази директори ўринбосари, и.ф.ф.д. (PhD)*
Нуралиев Р.Т. *– Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази бўлим бошлиғи, и.ф.н.*

ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАЛАРИДА КУЗАТУВ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг ривожланишида кузатув кенгашлари муҳим ўрин тутади, улар биринчи навбатда, ижроия органи фаолияти устидан назоратни таъминлаш, корхонанинг стратегик вазифалари ва истиқболдаги ривожланиш йўналишларини белгилаш учун ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сон “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига [1] мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 70-моддасига ўзгартириш киритилиб, унда давлат унитар корхонасининг уставида бошқарув органи сифатида кузатув кенгаши назарда тутилиши, унитар корхонанинг раҳбари ва кузатув кенгаши мулкдор томонидан ёки мулкдор вакил қилган орган томонидан тайинланиши ҳамда уларга ҳисоб бериши белгиланган.

Қонунчиликдаги ушбу ўзгартириш *ИҲТТ нинг давлат иштирокидаги корхоналарни корпоратив бошқариш бўйича етакчи тамойилларига* [2] мувофиқ киритилган бўлиб, унга кўра давлат иштирокидаги корхоналарда корхона ва унинг мулкдорлари манфаатларини кўзлаб иш юрита оладиган, бошқарувни самарали назорат қила оладиган ва бошқарувни кундалик фаолиятга аралашишдан ҳимоя қила оладиган кучли директорлар кенгашлари (кузатув кенгашлари) бўлиши лозим.

Шу нуқтаи назардан, ушбу мақоламизда биз давлат унитар корхоналарида кузатув кенгаши фаолиятини ташкил этиш юзасидан айрим таклиф ва тавсияларимизни бершни лозим топдик.

Давлат унитар корхонасида (ДУК) кузатув кенгаши фаолиятини ташкил этиш учун, биринчи навбатда, ДУК ларда *кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомни* ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш талаб этилади. Бундай ҳужжат ДУК нинг кузатув кенгашини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини ҳамда ДУК кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб бериши лозим.

Таъкидлаш жоизки, ДУК кузатув кенгаши корхона фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида ДУК муассисининг ёки ваколатли органнинг қарори билан тузилади.

Таклиф этилаётган Низомда ДУК кузатув кенгашининг ваколат

доирасини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Мисол учун, кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- корхонани истиқболли ривожлантириш стратегик вазифалари ва йўналишларини белгилаш;
- корхонани ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;
- белгиланган тартибда корхона ривожланишининг тасдиқланган параметрларини таъминлаш учун зарур бўлган йиллик бизнес-режалар, инвестиция дастурлари ва бошқа ташкилий-техник тадбирларни тасдиқлаш;
- корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини йилнинг ҳар чорагида ўрганишни, зарур ҳолларда, мустақил экспертлар ва аудиторларни жалб қилган ҳолда ташкил этиш;
- корхона раҳбарининг бизнес-режа параметрларининг бажарилиши ва корхона молия-хўжалик фаолиятининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботини йилнинг ҳар чорагида эшитиш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш;
- корхона раҳбарининг фаолияти тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш.

Кузатув кенгашининг таркиби ва унинг раиси ДУК муассисининг ёки ваколатли органнинг қарори билан тасдиқланиши лозим. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони ДУК муассиси томонидан белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бизнингча, ДУК кузатув кенгашининг аъзолари, акциядорлик жамиятларида бўлгани каби, ваколатларни узайтириш имконияти билан уч йилга тайинланиши керак. Кузатув кенгашига жисмоний шахслар, шу жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг етарли даражадаги иқтисодий билимга ва раҳбарлик иши амалиётига эга бўлган ходимлар тайинланиши мақсадга мувофиқ. Кузатув кенгашига номзодларни танлаб олишда корхонанинг фаолияти соҳасида амалий тажриба ва билимга эга бўлган шахсларга устунлик берилиши лозим.

ДУК кузатув кенгаши фаолиятини ташкил этиш учун унинг мажлисларини чақириш ва ўтказиш тартибини белгилаб олиш зарур. Мисол учун, кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар унинг мажлисларида қабул қилиниши ҳамда мажлис зарур ҳолларда, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилиши лозим. Бунда кузатув кенгашининг аъзолари унинг раисига масалани кузатув кенгаши мажлисининг кун тартибига киритиш ҳақида ёзма таклиф юборишга ҳақли бўлиши керак. Масалани кун тартибига киритиш тўғрисидаги таклифда масаланинг таърифии, таклиф этилаётган қарор лойиҳаси ва кузатув кенгаши мажлиси кун тартибининг масаласи бўйича материаллар кўрсатилиши керак. ДУК кузатув кенгаши фаолиятининг ташкилий-техник таъминоти корхона раҳбари томонидан амалга оширилиши лозим. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилиниши, ва бунда кун тартибидаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлиши керак.

Шу бидан бирга, ДУК кузатув кенгаши фаолияти самарадорлигини ошириш учун қуйидаги таклифларни ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Ваколатли давлат органи шундай мезонлар рўйхатини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши лозимки, ушбу мезонлар асосида кузатув кенгаши бошқарув органи сифатида ташкил этилиши мумкин бўлган давлат унитар корхоналари белгиланиши керак. Масалан, бундай мезонларга қуйидагилар киритилиши мумкин: ходимлар сони 50 кишидан ортиқ кохона; йиллик товар айланмаси бир миллиард сўмдан зиёд корхона; иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари ва соҳаларига тагишли корхона.

2. ДУК кузатув кенгашининг корхона эгаси олдидаги ҳисобдорлигининг мунтазам ва аниқ тизимини жорий этиш, ДУК кузатув кенгаши фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни ташкилот веб-сайтлари ёки махсус порталларида жойлаштириш амалиётини йўлга қўйиш лозим.

3. Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантиришнинг аниқ ва шаффоф тизимини белгилаш, ҳамда уларнинг фаолиятини ҳар чоракда баҳолаш. Мукофотларни тўлаш ДУКнинг молиявий, сифат ва бошқа кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар бўлган ҳолда баҳолаш асосида амалга оширилиши лозим.

Юқоридаги тадбирларнинг жорий этилиши ДУК ларни бошқариш самарадорлигини сезиларли даражада оширади, бутун мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сон “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. / Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).
2. OECD (2016). OECD Guidelines on Corporate Governance of State-Owned Enterprises, 2015 Edition (Russian version), OECD Publishing, Paris.

Байжанов Д.С. **–** ҚҚДУ *мустақил изланувчиси*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИСЛОМ МОЛИЯ ТИЗИМИ ЎРНИ ВА РОЛИ

Иқтисодий замонавий босқичида дунё мамлакатларида жадал ривожланиб бораётган ва жаҳон молиявий маконини ишончли забт этаётган Ислом молия тизимига бўлган қизиқиш тобора ривожланиб бормоқда. Янги исломий банклар, суғурта ташкилотлари, инвестиция жамғармалари ташкил қилиниб, ҳатто ушбу тизим мусулмон бўлмаган мамлакатларда ҳам кенг ривожланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида “Мамлакатимизда Ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-

соати етиб келди. Бу борада Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади”, деб таъкидлаб ўтдилар [1].

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан аҳолисининг асосий қисми мусулмонлар истиқомат қиладиган мамлакатлар мустақилликка эришгач (БАА 1971 йил, Жазоир 1962 йил, Кувайт 1961 йил, Малайзия 1957 йил, Судан 1956 йил, Покистон 1947 йил), нефть ва газ ресурсларининг кенг кўламда қазиб олина бошлади ва бу маҳсулот экспорти ҳажми оша бошлади. Ўз навбатида, жаҳон бозорида нефть нархининг тобора ошиб бориши ушбу мамлакатларда йирик жамғармалар шаклланишига замин яратди. Аммо ушбу жамғармалардан мавжуд анъанавий молия бозори механизмлари орқали фойдаланишда аҳолисининг аксарияти мусулмонлар бўлган жамият талабига мос келмаслиги сингари муаммоли масалалар намоён бўлди. Бу эса, ислом тамойилларига асосланган молия тизимини шакллантириш талабини юзага келтирди [2, 47].

Ислом молияси деганда шариат тамойиллари асосида амалга ошириладиган молиявий хизмат ёки маҳсулот тушунилади (Гаит ва Уортингтон, 2008) [4, 56]. Левис ва Алгаоуд (2001) га кўра, ислом молиясининг ўзига хослигини ёки асосини ташкил этувчи бешта диний хусусият мавжуд, яъни риба (фоиз), ҳаром (тақиқланган) ёки ҳалол (рухсат этилган), ғарар (ноаниқлик) ёки майсир (қимор), закот ва шариат (ислом) кенгаши [3, 182].

Исломий молия тизимини анъанавий тизимдан фарқлаш қуйидагиларни ўз ичига олади (Мирахор ва Иқбол, 2011): Биринчидан, ислом молия тизими тенглик, адолатли жамият ва иқтисодий тартиб учун интилади. Исломий молия тизимида фоизнинг (риба) тақиқланиши, эксплуатациядан қочиш, нархларни манипуляция қилиш орқали фойда олишдан қочиш ва камбағалларни (яъни қарз олувчи) ҳимоя қилиш учун мўлжалланган. Иккинчидан, ислом молия тизими ҳамкорлик ва биродарлик тамойилига урғу беради.

Бугунги кунда ислом молиясида асосий воситалар қуйидагиларни ўз ичига олади: харажатларни молиялаштириш; фойдани тақсимлаш; лизинг; ҳамкорлик; форвард сотуви.

Муробаҳа – бу маржа билан савдо. Активни сотиб олиш фойда олиш учун молиялаштирилади, бунда актив мижоз номидан сотиб олинади ва олдиндан белгиланган нархда сотилади. Тўлов бир марталик ёки бўлиб-бўлиб тўланиши мумкин ва тўлиқ тўлов амалга оширилгунга қадар банкка эгалик ҳуқуқи сақланиб қолади.

Ижара – бунда банк активни мижознинг номидан харид қилади ва ундан қатъий белгиланган ижара тўлови учун фойдаланишга имкон беради. Активга эгалик ҳуқуқи молиячида қолаверади, лекин у якуний ҳисобда эгасига айланадиган мижозга аста-секинлик билан ўтиши мумкин.

Мудораба – ишонч асосида молиялаштириш шартномаси. Томонлардан бири капитал киритади, иккинчиси эса ҳаракатлари ёки тажрибасини. Фойда олдиндан келишиб олинган нисбатда тақсимланади.

Мушорака – улуш асосида иштирок этиш шартномаси. Турли томонлар капитал киритади, фойда эса олдиндан белгиланган нисбатда тақсимланади.

Суқуқ – мулкка эгалик ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома. Суқуқ бу – моддий активлар ёки хизматларга эгаликда бўлинмайдиган улушларни ифодалайдиган тенг қийматли сертификатлар. Сертификатлар даромадлилиги тўғридан-тўғри базавий активлар даромадлилиги билан боғлиқ.

Ислом молияси бўйича тажриба ва кузатишларимизга асосланиб шуни айтишимиз мумкинки, у икки омил асосида ривожланиши мумкин.

Биринчиси, қачонки ҳукумат Ислом молиясини ўзи тарғиб қилса ва одамларни шунга ундаса, қонунчилик, тартиб ва низомларни ишлаб чиқса, марказий банк томонидан зарур инфратузилма яратилса, Ислом молияси ривожланади. Иккинчидан, бу бозор талабидан келиб чиқади. Унда одамлар шундай хизмат ва маҳсулотларга талабгор бўладилар.

Ислом молияси – қишлоқ хўжалиги ва саноати яхши бўлган мамлакатлар учун ажойиб воситадир. Чунки ислом молияси реал иқтисодиёт ривожланиши ва унинг молия сектори билан мувозанатда бўлиши учун қулай муҳит яратиб беради. Анъанавий иқтисодиётда фоизлар келтириб чиқарган бўш пуфакларнинг ёрилиши оқибатларини бартараф этиш учун доимий равишда инқирозлар циклини бошдан кечиришга мажбур бўлади. Ислом банклари анъанавий банклар билан рақобат қила оладиган янги маҳсулот турларини жорий қилишда, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишда илғор бўлишлари даркор.

Маълумки, Ўзбекистон Ислом тараққиёт банки ва Хусусий тармоқни ривожлантириш ислом корпорациясига аъзо саналади, ҳозирги кунда республикамиз тижорат банкларининг асосий мақсади ташкилотга аъзо мамлакатларда хусусий тармоқни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шунингдек, ислом молияси механизмлари ва молия маҳсулотлари орқали фаолият юритиши туфайли, давлатларда Ислом молиясини ривожлантириш ҳам мақсадлардан биридир. Хусусан, кичик ва ўрта бизнес учун имкониятлар яратиш ва Ислом тараққиёт банки билан Хусусий тармоқни ривожлантириш ислом корпорацияси таклиф қилаётган хизматлардан фойдалана олишлари учун Ислом молияси инфратузилмасини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ислом банки тушунчаси янги бўлиши мумкин, чунки Ислом молияси ғояларини Ислом банкига татбиқ қилиш учун бир қатор ишларни амалга ошириш талаб қилинади. Ҳар бир мамлакатнинг ўз банк қонунлари, низомлари, ҳуқуқий тизими мавжуд. Мана шу ҳуқуқий меъёрларни инобатга олган ҳолда ислом молиясига татбиқ этиш учун қонунчиликка қандай ўзгаришларни киритиш кераклигини ишлаб чиқиш лозим.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан ислом банклари билан ҳамкорликда бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. ИТБ гуруҳига кирувчи икки ташкилот – Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси мамлакатимиз билан 2006 йилдан бери ҳамкорлик қилиб келади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, “Ислом дарчаси анъанавий банк қошидаги алоҳида / махсус бўлим бўлиб, Шариат тамойиллари асосида ишлаб чиқилган маҳсулотлар ва хизматларни таклиф этади.” Ислом дарчаси ўзининг хизматларини анъанавий банкнинг барча филиаллари ва махсус филиаллар орқали таклиф қилиши мумкин.

Хусусан, тижорат банклари фоизга депозит жалб қилиб мижозларга ислом тамойили асосида кредит берса, банк мижозлари ушбу кредитдан фойдаланмаслиги мумкин. Чунки депозит жалб қилиш ислом тамойилига жавоб бермайди. Бу борада мамлакатимизда, энг аввало, ислом молияси бўйича жамиятимизда молиявий саводхонликни ошириш борасида маълум ишларни амалга оширишимиз зарур.

Хусусан, иқтисодиётни трансформациялаш жараёнида мамлакатимиз иқтисодиёти учун ҳам ислом банкчилиги ва молияси тамойиллари асосида тадбиқ этиладиган банк-молия хизматларини ва маҳсулотлари тузилмаси яратиш долзарб аҳамият касб этаётганини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги таклифлар шакллантирилди:

1.Раҳбарлар ва ҳодимларнинг масъулияти. Бундай тижорат фаолиятини олиб борувчи молиявий муассаса раҳбарлари ушбу концепцияга тўлиқ ишониши ва унга тўлиқ содиқ ва фидойи бўлиши керак. Фатволар ва шартномалар қанчалик қатъий бўлмасин, Шариат тамойилларига риоя қилишга етарлича самимий ва содиқ одам бўлмаса, Исломий дарча фаолиятини тўғри йўлга қўйилишини таъминлаш . Ислом дарчаси бўйича масъул ходимлар анъанавий банкчилик билан шуғулланувчи ходимлардан ажралиб туриши ва уларни танлаб олишда эса, уларнинг ислом битимлари юзасидан тушунча ва масъулиятини ҳисобга олиш керак бўлади.

2.Ресурсларни - маблағларни тўлиқ ажратилганлиги. Ислом дарчасининг ҳисобварақлари анъанавий банкнинг фаолиятидан алоҳида ва ажратилган ҳолда юритилиши керак. Исломий дарча томонидан тақдим қилинаётган барча хизматлар анъанавий банкчилик хизматларидан алоҳида ва мустақил бўлиши керак. Юқоридаги талабларнинг бажаралишини эса тегишли дастурий таъминот орқали таъминлаш мумкин.

3.Ислом молия муассасалари учун бухгалтерия ҳисоби ва аудит ташкилоти (AAOIFI) барча ислом молия институтлар риоя қилиши ва амалга ошириши керак бўлган бир қатор бухгалтерия ҳисоби ва аудит стандартларини жорий қилган. Чалкашликлар, тушунмовчиликлар ва ноаниқликларга йўл қўймаслик, аниқ ва соғлом иш фаолиятини таъминлаш учун молия муассасалари ушбу стандартларга риоя қилишлари керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://president.uz/uz/lists/view/4057. 2020 йил 29 декабрь.

2.Gait , A. And Worthington, A. (2008). An empirical survey of individual customer, business firms and financial institution attitudes towards Islamic methods of finance, International Journal of Social Economics, 35(11), 783-808.
3.Lewis M.K. and Algaoud L.M. (2001). Islamic Banking. Northampton, Massachusetts, USA: Edward Elgar Publishing Ltd..
4.Iqbal Z., Mirakhor A. (2011) An introduction to Islamic fi nance: theory and practice. Singapore: John Wiley & Sons (Asia) Pte. Ltd., 406 p.

Байжанов С.Х. **–** ҚҚДУ*, кафедра мудири, и.ф.н., доцент*
Собурова М. **–** ҚҚДУ, *магистр*

КОРХОНАНИНГ ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИ БОШҚАРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тадбиркорлик ўз фаолияти давомида бир қанча корхоналар қарзга дуч келишади. Бунда бизнес самарадорлиги нуқтаи назаридан корхонада дебиторлар ва кредиторлар мавжудлиги, уларнинг сони, қарзнинг умумий миқдори ва уни ундириш чораларига катта аҳамият берилади. Энг аввало, қарзни узоқ вақт ва “ундириш” ёки қарз мажбуриятларини бекор қилишдан кўра, уни вужудга келишини олдини олган маъқул.

Корхоналар фаолиятини юритишда дебиторлик ва кредиторлик қарзларни тўғри бошқариш масаласига алоҳида аҳамият берилади. Қонунчилик билан белгиланишича, вужудга келган пайтдан бошлаб 90 кун ўтган дебиторлик қарзи муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи деб тан олинади [1].

Дебиторлик қарзи – бу ерда барча контрагентлар, фуқаролар, компаниялар ёки бошқа қарздорлар корхона ёки якка тартибдаги тадбиркорга тўлашлари шарт. Дебиторлик қарзлари бу барча дебет ҳисобининг балансида бўлган тўланмаган қарзлардир. Бу пудратчининг қарзи, харидор томонидан маҳсулот ёки хизмат учун тўланмаган ҳисоб-фактура ёки бошқа жавобгар шахслар билан ҳисоб-китоб бўлиши мумкин.

Дебиторлик қарзлари мулкий активларга тегишли, шунинг учун тўлов муддатидан қатъи назар, мажбурий инвентаризациядан ўтказилади. Дебиторлик қарзига нафақат пул қарзлари, балки бошқа бажарилмаган мажбуриятлар ҳам киради.

Бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан, қарзларни тўлаш муддатига қўйидаги мезонга кўра мавжуд:

1.Қисқа муддатли ёки жорий дебиторлик қарзлари. Унинг муддати 12 ойдан кам. Агар қарз дастлаб узоқ муддатли бўлса, лекин аста-секин унинг муддати календар йилидан камроқ бўлса, у жорий тоифага ўтказилади.

2.Узоқ муддатли. Агар контрагент шартнома шартларига кўра, компания билан 12 ойдан кечиктирмай ҳисоб-китоб қилса, дебиторлик қарзлари ушбу тоифага киради [2,б.132].

Дебиторлик қарзлари қўйидаги характерга эга:

•компания товарни етказиб берган ёки хизмат кўрсатган, лекин тўлов амалга оширилмаган;

•хизмат учун аванс тўлови ўтказилган, лекин у кўрсатилмаган;

•тадбиркор ёки корхона ходимга кредит берган;

•бухгалтерия ҳисобидаги хатолик туфайли солиқ хизмати, пенсия ёки бошқа жамғармага кўпроқ маблағ ўтказилган:

•қисман ёки тўлиқ олдиндан тўлов билан етказиб берилмаган, кейинчалик контрагентдан ўтказиладиган товарлар.

Дебиторлик қарзларининг қандай ижобий ва салбий томонларига эътибор қаратсак, дебиторлик қарзларисиз ҳеч қандай бизнес мумкин эмас, бундан ташқари барча контрагентлар фақат аванс тўлови бўйича ҳисоб-китоб қилинади. Аммо кўпчилик шериклар тўловдан кейинги тўлов схемасини афзал кўришади, қачонки биринчи навбатда товарлар ёки хизматлар қабул қилинади ва кейин ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Шу сабабли, янги савдо бозорларини эгаллаш ва мижозлар базасини кенгайтиришда дебиторлик қарзлари муқаррар [2,б.145].

Бошқа томондан, тўловни кечиктириш ҳар икки томон учун ҳам фойдалидир: харидор "хорижий" айланма маблағларни олади, сотувчи эса янги бозорни олади. Бу ҳолатда асосий нарса кўп қарз тўплаш эмас.

Катта дебиторлик қарзлари компаниянинг молиявий ҳолатига салбий таъсир қилади. Айланма маблағлар ҳисобварақларга тушмайди ва турғунлик бошланади. Қарз миқдори қанчалик катта бўлса, уни тўламаслик хавфи шунчалик юқори бўлади. Бу бизнес барқарорлигига зарар етказиши мумкин.

Корхона ёки тадбиркор бизнесни юритиш учун маблағ манбаидан аста-секинлик билан тугайди. Ўз фаолиятини давом эттириш учун дебиторлик қарзларининг қайтарилишини кутиши ёки кредиторлик қарзларининг очиши керак. Бундай ҳолда, қарзларнинг кредиторлар томонидан белгиланадиган тўлов ва комиссия харажатларини талаб қилади.

Кредиторлик ва дебиторлик қарзлари ўртасидаги фарқлар эътибор берадиган булсак, янги бошлавчи тадбиркорлар, баъзида, дебиторлик қарзлари бор бўлса, бу ижобий, кредиторлик қарзлари мавжуд бўлса, салбий бўлиши мумкин.

Кредиторлик қарзлари кўпроқ индикатив параметрдир. Кўпгина компаниялар бу ҳолда деярли тўлиқ ишлай оладилар. Аммо мижоз муносабатларининг кенгайиши билан қисман олдиндан тўловлар билан шартнома муносабатлари пайдо бўлади ёки мижоз бошқа кредиторлардан қарз олади [3,б.66].

Ҳатто шаклланган иш ҳақи фонди, акциядорларга дивидендлар тўлаш суммаси ёки ҳисобланган солиқлар миқдори кредиторлик қарзлардир. Шунинг учун корхона балансида дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг мавжудлигини эмас, балки уларнинг нисбатига эътибор бериш тўғрироқдир.

Молиявий ҳисобот таёрланадиган вақтда қайси ҳисоб варағлар бўйича тўлов амалга оширилишини аниқлаш мумкин бўлмаганлиги сабабли, кутилаётган зарарни қоплаш суммасини ҳисоблаб чиқиш зарур бўлади.

Корхонада шубҳали қарз, агар контрагент билан тузилган шартномада аниқ сана бўлмаса, у ҳолда субъектив равишда шунга ўхшаш битимларнинг табиати ва мазмуни асосида аниқланади. Бундан ташқари, шубҳали қарз нафақат сана асосида, балки контрагентнинг молиявий қийинчиликлари тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида ёки бошқа манбаларда эълон қилинган пайтда тан олиниши мумкин. Дебиторлик қарзи шубҳали бўлиши мумкинлигига шубҳа туғилиши билан бухгалтерия бўлими бунинг учун захираларни шакллантиришни бошлайди.

Қарздорнинг қарзи, агар компания уни тўлаш имконияти бўлмаса, ёмонлашади. Бу икки ҳолатда содир бўлади:

1.Даъво муддати тугаган. Муддат қарздор томонидан мажбуриятларни бажарган кундан бошлаб кечикиш бошланган кундан бошлаб ҳисобланади. Максимал муддат - 3 йил.

2.Мажбуриятни бажариш мумкин эмас. Масалан, компания банкрот деб топилди ва юридик шахслар реестридан чиқарилди. Аммо агар қарздор якка тартибдаги тадбиркор бўлса, рўйхатдан ўтгандан кейин ҳам у ўз мол-мулки билан қарзлар учун жавобгарликни давом эттиради. Якка тартибдаги тадбиркорнинг қарзи, агар у шахсий банкротлик тўғрисидаги процедурани бошласа ва суд ижрочилари қарзларни ундириш учун ҳеч нарсага эга бўлмаса, ундириб бўлмайдиган деб тан олинади [4,б.118].

Жуда камдан-кам ҳолларда, дебиторлик қарз дарҳол умидсиз бўлиб қолади. Одатда жараён шубҳали билан бошланади. Компания шубҳали қарзлар бўйича захирани қандай шакллантиришни инвентаризациядан сўнг ҳал қилади.

Шубҳали ва умидсиз дебиторлик қарзларини камайтириш йўллари, ҳар бир тадбиркор бир дилеммага дуч келади: дебиторлик қарзларини секинлаштириш ёки потенциал мижозларни рад этиш орқали фойдани ўтказиб юбориш.

Шу сабабли, қарздорларни тўлашдан олдин олиниши керак бўлган қарз маблағларининг қийматини ҳисобга олган ҳолда, дебиторлик қарзларининг максимал миқдорини олдиндан аниқлаш муҳимдир. Шунингдек, пул маблағларини ўтказишда форс-мажор ҳолатлари ва бошқа кутилмаган кечикишлар эҳтимолини ҳам ўз ичига олади.

Демак, хатарларни камайтириш учун шартнома тузишдан олдин контрагентни текшириш керак:

•асосий воситаларнинг ҳолати ва шерикнинг тўлов қобилияти даражасини текшириш;

•компания ва унинг соҳадаги ишончлилиги ҳақида маълумот олиш;

•давлат реестрига киритилганлигини текшириш;

•бошқарувчи ва молиявий жавобгар шахслар ҳақидаги барча мавжуд маълумотларни билиб олиш.

Бизнинг фикримизча дебиторлик-кредиторлик қарзларининг олдини олиш мақсадида қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақбулдир:

- ўзаро шартномавий муносабатларда томонларнинг масъуллига ва уларнинг шартнома шартларига қатъий амал этиши;
- муддати ўтказиб юборилган ҳар қандай тўловлар суммаси буйича ҳуқуқий жавобгарлик шартларини белгилаш;
- ҳисоб-китобларнинг замонавий шаклларидан фойдаланиш;
- даргумон қарзлар буйича резервлар ташкил килиш механизмини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” 12.05.1994 йилдаги ПФ-1154-сон Фармони.
2.Богданова Е.А. Процессно-структурированный подход к управлению задолженностью предприятия/«Науковедение» №4. 2013.
3.Генералова Н.В., Быков В.А., Патров В.В. Бухгалтерская (финансовая) отчетность/М.: Магистр: НИЦ ИНФРА М, 2015. С. 512.
4.Бланк И.А. Финансовый менеджмент / И.А.Бланк перераб. и доп. 2015. С. 656.

Баратов Ғ.М. *- Стажёр тадқиқотчи (PhD)*

ИННАВАЦИОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ҳар қандай ислоҳотнинг муваффақияти кўп жиҳатдан нафақат ички, балки хорижий тажрибанинг қандай ўрганилиши билан боғлиқ. Мамлакатимиз мустақиллиги шароитида барча соҳалар каби таълим тизимининг халқаро тажрибалар кўлами кенгайди. Таълим тизими ривожланган мамлакатлар таълим тизимидаги муваффақият йўлларини ўрганмасдан туриб, буни амалга ошириш мумкин эмас. Таълим тизимини халқаро ривожланиш тажрибасини таҳлил қилмаслик ва ҳаётга тадбиқ қилмаслик бу дунёда таълим тизимидан ортда қолишни билдиради.

Тез ўзгарувчан замонавий дунёда мослашиш стратегияси нафақат ривожланишни, балки бир хил илмий билим даражасида кўпайишни ҳам таъминлайди. Бинобарин, давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган ва тегишли шартларга эга бўлган олий касбий таълим тизими ўзгаришларнинг қуйидаги вазифаларини ҳал қилишга мажбурдир:

-олий касбий таълим тизими тузилмасини қайта ташкил этиш, унда корпоратив-интеграциялашган тузилмаларни яратиш, юқори технологик муҳитни кадрлар, хизматлар, маҳсулотлар билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш;

-инновацион салоҳиятни шакллантириш ва ички маданиятни инновацион ва илмий тадбиркорликка йўналтириш;

-мослашиш стратегиясини инновацион стратегияга ўзгартириш;

-тизимни молиялаштириш тамойилидан инвестицион қўллаб-қувватлаш концепциясига ўтиш, таълим тизимини инновацион ривожлантириш.

Бугунги кунда, таълим тизимидаги вазифаларни чекланган инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишни орқали бажариш талаб этилади, бу эса таълимининг инновацион ривожланишини ва инвестицион қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантирмасдан мумкин эмас дегани.

Таълим тизимида инвестицияларни жалб қилиш кенг тарқалмаган, шу пайтгача "давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш" тушунчаси ишлатилган, бу таълим ташкилотларини асосий ва жорий активлар, таълим ва бошқа хизматларни кўрсатиш, ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун етарли молиявий ресурслар билан таъминлашдир.

Таълимга инвестициялар бу - "бюджетдан ташқари молиялаштириш" деган маънони англатади. Инвестициялар таълим хизматлари учун ҳақ тўлаш юкини хусусий секторга ўтказади. Таълим тизимини инвестицион қўллаб-қувватлаш концепциясини мақсадли равишда яратилган ўзаро таъсир қилувчи молиявий, интеллектуал, ахборот ресурслари, ташкилий тузилмалар, инвестиция жараёнига макро ва микро даражаларда таъсир кўрсатишнинг ўзига хос шакллари ва усуллари сифатида мураккаб ижтимоий-инновацион ривожланиш манфаатлари учун киритиш керак.

Дунёда таълим тизимининг самарадорлиги ва сифат даражасини оширишга ёрдам берадиган яна бир хусусияти мавжуд. Бу олий касбий таълим ва саноат соҳаси ўртасидаги ўзаро алоқанинг мустаҳкамланишидир. Ушбу компонентлар ўртасидаги муносабатлар ушбу уч бирликнинг барча таркибий қисмларининг яхшиланишига олиб келади: Олий таълим тизими - ишлаб чиқариш соҳаси - мутахассислар. Ушбу ҳодиса ривожланишнинг ҳозирги босқичида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг янги мазмунида жамиятнинг ҳақиқий еҳтиёжларини акс еттиради, чунки улар жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётининг янада ривожланишини таъминлайди. Шундай қилиб, ОКТ ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш даврининг ўзига хос хусусияти бўлиб хизмат қилади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида таълим тизими ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммосига узоқ вақтдан бери катта эътибор мавжуд. Кўпгина олимларнинг фикрига кўра, таълим ва жамият ўртасидаги муносабатлар ушбу турдаги ижтимоий муносабатларнинг такрорланишини ва шунинг учун уларнинг кучи ва барқарорлигини таъминлайди. Таълим тизими нафақат ижтимоий ўзгаришларнинг энг муҳим омилларидан биридир бўлиши мумкин, балки, бугунги кунда энг муҳим омиллардан биридир. Ушбу нуқтаи назарни қуйидагича тушуниш мумкин: таълимга сармоя киритиш иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг калитидир.

Таълим тизими муаммоларидан бири узоқ муддатли молиялаштириш манбаларининг етишмаслиги деб ҳисобланади. Молиявий қўллаб-қувватлашнинг барча мавжуд моделлари (таълим хизматларини кўрсатиш

учун тўлов, давлат ва корхоналарнинг буюртмалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, грантларни қўллаб-қувватлаш) қисқа муддатли ёки энг яхши ҳолатда ўрта муддатли ҳисобланади. Бу ҳолат университетларни доимий равишда молиялаштириш манбаларини излашга мажбур қилади (ҳеч кимга сир эмаски, бир қатор университетлар паст даражадаги билим ва интеллектуал салоҳиятга эга талабаларни, жумладан шунчаки тўлов қобилияти мавжуд талабаларни ўқишга қабул қилиши - таълим сифатига зарар етказишга олиб келади). Бундай шароитда олий таълимни узоқ муддатли молиялаштириш манбаларини яратиш катта аҳамиятга эга.

Давлат муассасасининг кичик бизнес билан таълим соҳасидаги ҳамкорлигини фаоллаштириш учун иш берувчилар ва олий ўқув юртлари ўртасидаги самарали ҳамкорликка асосланган механизмлар зарур.

Кичик бизнес ва хусусий сектордан инвестицияларни жалб қилиш механизмларидан бири бу фонд яратиш ва иш берувчиларнинг кадрлар тайёрлаш бўйича буюртмаларини бажаришдир.

Фондларни ўзига хос хусусиятларидан бири, маблағлар узоқ вақт давомида шаклланади ва дарҳол сарфлаш учун мўлжалланмаган. Аксинча, маблағлар узоқ муддатли илмий ва бошқа таълим лойиҳаларини молиялаштириш учун ишлатилади.

Бизнинг шароитимиздаги таълим соҳасига инвестиция механизмнинг асосий камчиликлари уни амалга оширишнинг мураккаблиги, яъни иш берувчиларнинг таълим муассасаларига сармоя киритишни истамаслиги ва таълим соҳасида ҳомийлик учун тегишли меъёрий ва услубий ёрдамнинг етишмаслиги. Бундан ташқари, менежментга пулни бошқариш бўйича маълум кўникмалар керак бўлади. Инвестицияларни таълим соҳасига йўналтириш фақат давлат ҳокимияти органлари кўмагида амалга оширилиши мумкин.

Нодавлат инвестицияларни жалб қилишнинг самарали механизмларини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси таълими тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши ва мамлакат иқтисодиётини муваффақиятли ривожлантириш шартидир. Таълимни молиялаштиришда маблағларнинг етишмаслиги, хусусий сектор субъектларининг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжи таълим тизимини ривожлантириш учун давлат ва хусусий сектор субъектларининг молиявий ва ташкилий ресурсларини бирлаштиришнинг зарурлигини билдиради.

Таълими муассасалари фаолиятини таҳлил қилиш ушбу муассасалар ва хусусий сектор субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг анча паст фаоллигини кўрсатади - бу таълим ўқув юртларининг молиявий-хўжалик фаолиятининг баъзи параметрлари билан тасдиқланади.

Бюджет маблағлари кўпчилик бошланғич таълим (мактаб) ва ўрта таълим (лицей ва коллеж) муассасалари учун ягона даромад манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга, таълим муассасаларида пуллик таълим хизматлари, тадбиркорлик фаолияти каби бюджетдан ташқари молиялаштиришнинг мумкин бўлган манбалари кам ривожланган. Бюджетни молиялаштиришнинг юқори даражаси таълим муассасаларининг моддий-

техник базасини ривожлантириш, муассаса ўқитувчилари ва ходимларининг ишини рағбатлантириш, янги ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга бўлган эҳтиёжларини қопламайди.

Ўз навбатида, университетлар давлат бюджети молиялаштиришга унчалик боғлиқ эмас, улар пуллик таълим дастурларини фаол равишда амалга оширадилар ва илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил қиладилар. Шу билан бирга, хусусий компаниялар ёки жисмоний шахсларнинг университетлар фаолиятини молиялаштиришдаги иштироки улуши пастлигича қолмоқда.

Таълим муассасанинг потенциал иш берувчилар билан ўзаро таъсирини кенгайтириш учун шартнома асосида ўқитишга буюртма бериш механизмини ташкил этиш керак. Бу жараёнга нодавлат инвестицияларни жалб қилишнинг мақбул механизми. Харидор талабанинг таълимини бутун таълим даври давомида тўлиқ молиялаштиради, мижоз ва жисмоний шахс (талаба) пуллик таълим хизматларини кўрсатиш учун шартнома тузадилар.



Мутахассисларни тайёрлаш тартибини амалга ошириш механизми

Таълим муассасалари томонидан нодавлат инвестицияларни муваффақиятли жалб қилиш имконияти бир қатор омиллар ва шароитларга боғлиқ бўлиб, улар орасида иқтисодий ва молиявий, молиялаштириш тизимининг хусусиятлари ва муассасаларнинг иқтисодий салоҳиятини, шунингдек ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан белгиланади.

Муайян таълим муассасаси даражасида, унинг фаолиятнинг сифат хусусиятларидан ташқари, минтақанинг иқтисодий ҳолати ва муассаса мутахассисларни тайёрлайдиган соҳа, шунингдек минтақанинг меҳнат бозоридаги вазият (мутахассисларнинг иш ҳақи даражаси, уларнинг талаби) муҳим рол ўйнайди.

Таълим тизимига хусусий инвестицияларнинг кириб келиши, бир томондан, таълим муассасалари қўшимча моддий ва номоддий ресурсларни олишини англатади. Бошқа томондан, инвестиция жараёнининг иштирокчисига айланиб, таълим муассасаси қўшимча билим ва ресурсларга эга бўлиш зарурати.

Таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни фаоллаштириш учун давлатнинг бевосита иштирокига эмас, балки иш берувчилар ва таълими муассасалари ўртасидаги самарали ҳамкорликка асосланган универсал механизмлар зарур.

Шу билан бирга, таълим дастурларининг стандарт рўйхатига эга бўлган кичик университетлар ва нодавлат ташкилотлар учун тегишли саноат профилидаги хусусий компанияларни жалб қилган ҳолда муассаса асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш энг мақбулдир.

Университет ёки нодавлат нотижорат ташкилотининг инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари кўп жиҳатдан қуйидаги шартларга боғлиқ:

-кўплаб битирувчиларнинг мавжудлиги;

-меҳнат бозорида ва минтақадаги енг йирик компанияларда битирувчиларга талабнинг юқори даражаси;

-минтақа иқтисодиётининг тармоқ тузилмасига мос келадиган кўплаб мутахассисликларнинг мавжудлиги ёки маълум бир саноат учун мутахассисларни тайёрлаш базаси сифатида муассаса мақоми;

-муассасанинг юқори даражадаги ахборот очиқлиги;

-фаолиятнинг турли соҳаларида хусусий компаниялар билан фаол ҳамкорлик;

-қўшимча таълим дастурларининг мавжудлиги;

-инновацион таълим дастурлари ва технологияларининг мавжудлиги (университетлар учун ҳам — кенг кўламли илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1.Михайловна Ф.Ю. Инвестиционное обеспечение инновационного развития высшего профессионального образования: теория и методология. Автореферат по ВАК 08.00.05, доктор экономических наук, 2012

2.Хелси А. Образование, экономика и общество.

3.Балыхин Г.А. и Балыхин М.Г. Проблемы науки и образования, Проблемы современной экономики, № 3 (51), 2014.

4.Котляров И.Д. Оптимизация алгоритма замещения должностей

5.Леонов А.В. Эндаумент как инструмент долгосрочного финансирования высшего образования. Современная наука: Актуальные проблемы теории и практики, № 3, 2012.

Бутабаев М.Ш. *– зав.отдела Центра исследований АУГА РУз, к.ф.-м.н.*
Бегалиев Э.У. *– ведущий специалист Центра исследований АУГА РУз.*

ВОПРОСЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИОННЫХ ТРЕБОВАНИЙ ДЛЯ КАНДИДАТОВ В ЧЛЕНЫ ИСПОЛНИТЕЛЬНОГО ОРГАНА ПРЕДПРИЯТИЙ С ГОСУДАРСТВЕННЫМ УЧАСТИЕМ

Успешная хозяйственная деятельность любого субъекта предпринимательства зависит от эффективности его топ-менеджмента, а подбор топ-менеджеров является одним из критических вопросов выживания компании. В случае акционерных обществ (далее - АО) топ-менеджмент представлен исполнительным органом. Практика корпоративного управления АО Узбекистана использует такой орган как, исполнительный орган, назначаемый
и состоящий в трудовых отношениях с АО согласно контракту по найму. Поэтому, нужно разрабатывать и предъявлять некие определенные требования к отбору кандидатов в члены исполнительных органов АО, соответствие которым и должно обеспечивать минимально требуемую эффективность их деятельности.

Квалификационные требования к кандидатам в члены исполнительного органа должны оценивать соответствие их характеристик минимальным требованиям по:

- профильному образованию;
- профильному опыту;
- профайлу личных достижений.

Кроме того, при определении квалификационных требований в члены исполнительного органа предприятия (далее – квалификационные требования) можно руководствоваться следующими соображениями:

1. Согласно действующему законодательству [1]:

-полномочия исполнительного органа определяются уставом АО. Значит, квалификационные требования должны обеспечивать соответствие способностей кандидата к этим полномочиям.;

-АО обязано утвердить Положение об исполнительном органе, в котором можно нормативно закрепить процедуру отбора кандидатов в члены исполнительного органа и их квалификационных требований;

-представляется естественным, чтобы вопрос разработки и утверждения квалификационных требований был отнесен к компетенции наблюдательного совета;

-назначение членов исполнительного органа осуществляется, как правило, на основе конкурсного отбора. В данной ситуации потребуется утверждение правил (положения, регламента и т.п.) проведения конкурсного отбора, в которых квалификационные требования будут играть роль

минимальных требований, определяющих допуск или недопуск кандидата к конкурсному отбору в члены исполнительного органа.

2. Квалификационные требования могут предъявляться работодателем к нанимаемому на работу работнику. Нормативно-правовая база Республики Узбекистан различает такие понятия как, квалификационные требования, квалификационные характеристики, квалификационные критерии, которые применяются в отношении работников и руководителей бюджетной сферы.

3. Для того, чтобы устанавливать определенные квалификационные требования к каким-либо должностям необходимо нормативное признание их существования соответствующим государственным классификатором. Так, в Классификаторе должностей Российской Федерации [2] закреплены такие понятия как, генеральный директор акционерного общества, директор акционерного общества, председатель правления, председатель производственного объединения.

4. Более подробно квалификационные требования изложены в отраслевых или корпоративных стандартах. Например, в квалификационном справочнике должностей организаций электроэнергетики РФ для директора (генерального директора) организации электроэнергетики были определены следующие требования к квалификации: высшее профессиональное (техническое или экономическое) образование, и стаж работы на руководящих должностях в энергетических организациях в соответствующих профилю организации отрасли не менее 5 лет.

5. Подбор членов исполнительного органа может исходить из стратегических задач компаний. Если компания нацелена на расширение зарубежной предпринимательской деятельности и привлечения иностранных инвестиций, то членами исполнительного органа могут назначаться иностранные специалисты, имеющие большой опыт работы топ-менеджерами в крупных профильных зарубежных корпорациях.

6. Кандидат на должность генерального директора, безусловно, должен обладать определенным набором знаний и умений и оперировать ими. Специалисты компании по международному поиску топ-менеджеров DHR International Айман Хаддад (Ayman Hadda) и Кейт Джайрман (Keith Giarman) определили примерный круг знаний, которыми должен обладать кандидат в должность CEO (генеральный директор) [3]:

а) CEO должен уметь интерпретировать финансовый статус компании;

б) необходимо знание факторов стоимости, и измерение основных областей, которые повышают реальную стоимость компании;

в) как товары и услуги компании воспринимаются клиентами;

г) CEO должен быть хорошим лидером и коммуникатором;

д) построить и развить руководящую команду мирового класса;

е) CEO должен всегда держать руку на пульсе;

ё) CEO должен ориентироваться на спонсоров и инвесторов.

Возможно, целесообразно включить в квалификационные требования повышения капитализации за последние 5 лет на последнем месте работы.

7. Еще одним источником формирования квалификационных требований является корпоративная кадровая политика, которая является основным инструментом управления персоналом, определяется руководством и отражается в документах. Последняя деталь немаловажна. Известно, что многие АО Узбекистана не имеют документально оформленную кадровую политику. Тогда как, зафиксированный свод правил и требований к управлению персоналом мог бы помочь формировать такую систему как процедуры определения квалификационных требований.

Исходя из вышесказанного представляется целесообразным осуществление следующих мер для определения квалификационных требований для кандидатов в члены исполнительного органа предприятий с государственным участием:

1. Необходимо разработать квалификационные требования, которые должны устанавливать минимально допустимые требования по профильному образованию, опыту и профайлу личных достижений.

2. Детализированные квалификационные требования для отбора членов исполнительного органа АО должны утверждаться органами корпоративного управления самого АО.

3. Необходима разработка отраслевых квалификационных справочников, имеющих рекомендательный характер.

4. Устав или Положение об ИО АО должны предусматривать установление и применение определенных квалификационных требований.

5. Вопрос разработки и утверждения квалификационных требований должен быть отнесен к компетенции наблюдательного совета.

6. Необходимо утверждение правил (положения, регламента и т.п.) АО проведения конкурсного отбора, в которых квалификационные требования будут играть роль минимальных требований, определяющих допуск или недопуск кандидата к конкурсному отбору в члены исполнительного органа.

7. Целесообразно разработать и утвердить корпоративную кадровую политику АО во всех АО с участием государства.

Вышеприведенный краткий анализ составляет один из направлений разработок Центра исследований проблем приватизации и управления государственными активами АУГА РУз. Центр выражает заинтересованность в участии реализации проектов в данной сфере в качестве разработчика методологической базы определения квалификационных требований для кандидатов в члены исполнительного органа акционерных предприятий.

Список использованной литературы

1.Закон Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров».

2.Квалификационный справочник должностей руководителей, специалистов и других служащих организаций электроэнергетики. РАО "ЕЭС России", утвержденный постановлением Министерства труда и социального развития Российской Федерации от 29 января 2004 г. № 4.

3.Анна Никонорова. Поиск генерального директора — ювелирная работа. www.top-personal.ru.

Бекмуратов Ж.Р. *– ОБМ тингловчиси*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳозирги даврда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар, шу жумладан, электрон тижорат ва электрон бизнес ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Ҳудди шунинг учун ҳам, давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида, республикамиз раҳбарияти бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 28 декабрдаги 2019 йил учун энг муҳим устивор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаъатномасида ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисоднинг ривожланиши бўйича қуйидагиларни айтиб ўтган эди: “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгиланишини кўзда тутадиган “Рақамли иқтисодиёт миллий концепцитаси”ни ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга тадбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради.

Рақамли иқтисодиёт атамаси икки хил турли тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Биринчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ўзига ҳос назария бўлиб, унинг ўрганиш объекти, ахборотлашган жамият жараёнлари ҳисобланади. Иқтисодий жараёнларнинг глобаллашув жараёнида рақамли ахборот технологияларининг бирламчи ўринни эгаллаши бўлиб ҳисобланади. Бундай турлардаги рақамли муҳитлар биз банд бўлган жараёнлар ва бизга дахлдор бўлган ҳамкорлар томонидан тақдим этилувчи ишончли контент ўсишини таъминлашнинг янада «рақамлаштирилган», автоматлаштирилган ва аниқроқ бўлишига ёрдам бериши мумкин. Янги рақамли технологиялар ва платформалар жисмоний шахслар ва корхоналар менежментига тобора кенг кўламда ўзаро алоқаларда трансаксия ҳаражатларини қисқартириш ҳамда давлат тузилмалари ва хўжалик юритувчи субъектлар билан яқин алоқаларни амалга оширишга имкон беради. Буларнинг натижасида тармоқ сервисларига асосланган рақамли ёки электрон иқтисодиёт шаклланади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни ҳам камайтиради”

Хорижий илмий ишларда ҳам рақамли иқтисодиётга турли таърифлар берилган. Жумладан, рақамли иқтисодиёт – бу ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари рақамли кўринишда тақдим этилган, шунингдек, қайта ишланган ва катта ҳажмларда фойдаланилган фаолият тури тушунилиб, бунда турли хил

сифатли маҳсулотлар, технологиялар, асбоб-ускуналарни кўплаб ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, сотиш, етказиб бериш ва истеъмол қилиш самарадорлиги ошади

Республикамизда лизинг хизматларининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи бир қатор омиллар мавжуд:

-корхоналар асосий фондларининг эскирганлиги ва уларни модернизациялаш лозимлиги;

-лизинг хизматининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;

-давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида лизингдан фойдаланиш.

Бунда давлат-хусусий шерикликнинг шаклларидан бири сифатида лизингдан фойдаланилиши. Бунда шартнома билан белгиланган шартлар асосида, давлат ёки маҳаллий ҳокимиятнинг инфраструктура объектларини вақтинчалик фойдаланиш учун ва маълум бир ҳақ эвазига хусусий шерикка ўтказади. Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи ҳар доим давлат ёки маҳаллий ҳокимият мулкини сотиб олиш ҳуқуқига эга. Давлат ёки маҳаллий ҳокимият ва хусусий шерик ўртасидаги ижара муносабатларининг сақлаб қолиниши мулкни вақтинчалик ишлатиш ва муайян ҳақ эвазига ўтказиш ҳисобланади ;

-Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида корхоналар қарз маблағларининг юқорилиги ва кредитга лаёқатлилигининг пасайиши натижасида молиявий мустақиллик даражасининг пастлиги ва ҳ.к.

Кўриниб турибдики, лизинг хизматларини амалга ошириш жараёнини такомиллаштириш корхоналарга қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш имконини беради. Аммо шуни таъкидлашимиз керакки, гарчи иқтисодиётимизда рақамли иқтисодиёт элементлари қўлланилаётган бўлсада, лизинг хизматлари бозорида ундан фойдаланиш имкониятлари етарлича шакллантирилмаган. Хорижий давлатлар молия-кредит соҳаси (лизинг компаниялари фаолияти) ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида рақамлаштириш жараёнидан кенг фойдаланилаётган бугунги кунда Ўзбекистон лизинг бозори ҳақида бундай хулоса қилиб бўлмайди.

Шу ўринда миллий лизинг бозори ҳолатига тўхталиб ўтсак. 2019 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича янги лизинг битимларининг ҳажми 1,189 трлн.сўмни ташкил қилди, лизинг амалиётларининг умумий портфели эса 4,351 трлн.сўмдан ошди, бироқ умумий портфелда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг умумий қиймати 967 млрд.сўмлик портфели ҳисобга олинмаган. Ўзбекистон Республикаси лизинг бозорининг таҳлили Ўзбекистон Лизинг Берувчилар Уюшмасига лизинг компаниялари ва тижорат банклари томонидан тақдим этилган расмий маълумотлар асосида тайёрланди. Ўзбекистон лизинг берувчилари рейтингини тайёрлаш жараёнида 44 та лизинг берувчи лизинг фаолияти билан фаол шуғулланган аниқланди, уларнинг 15 таси банклар ҳисобланади.

2019 йилнинг 1-ярим йиллиги якунлари бўйича янги лизинг битимларининг ҳажми 2019 йилда 52,5% га ошиб 1188,9 млрд.сўмни ташкил қилган, бу ўтган йилнинг худди шу даври билан солиштирганда 409,3

млрд.сўмга кўп (2-расм). 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида, энг аввало, қишлоқ хўжалик сектори, қурилиш техникаси ва автотранспорт, хусусан юк автотранспорти соҳалари бозор драйверлари сифатида чиқди. Ўз навбатида, бозорнинг рекорд даражадаги кичик ҳажмини кўчмас мулк сектори кўрсатган.

2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида тузилган лизинг битимларининг сони ошиб, 5202 та битимни ташкил қилган. 2018 йилнинг биринчи ярим йиллиги билан солиштирганда янги лизинг битимларининг сони қарийб 58,6% га кўпайган, аниқроғи 1922 та битимга кўп.

Шундай экан, лизинг бозорида мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида рақамли технологиялардан фойдаланиш лозим. Бунинг учун эса энг аввало барча лизингга берувчилар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ва потенциал мижоз (лизингга олувчи)лар фойдалана оладиган маълумотлар базасини яратишдан бошланиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Лизингга берувчилар уюшмаси томонидан молия бозорида фаолият юритувчи барча лизингга берувчилар ҳақидаги маълумотларни қамраб олган маълумотлар базаси яратилиши лозим.

Хорижий мамлакатлар амалиётига назар ташласак, рақамли технологияларни қўллаганда “big data” маълумотлар тармоғидан фойдаланилаётганлигига гувоҳ бўламиз. Хорижий олимларнинг фикрича, катта маълумотлар бўшлиқда фойдасиз бўлади. Унинг потенциал аҳамияти қарор қабул қилишда фойдаланилганда намоён бўлади. Бунинг учун эса ташкилотларда катта маълумотларни тез ўзгартира оладиган самарали тизимлар бўлиши керак.

“Big data” замонавий технологиялар асосида маълумотлар базасини янгилаш имкониятига эга бўлган рақамлаштирилган тармоқ сифатида мижозлар фикрини ўрганиш асосида фаолиятни ташкил этишга хизмат қилади. Миллий лизинг бозорида шунга ўхшаш “big lease data” маълумотлар базасини яратиб, унда барча лизингга берувчилар ҳақидаги маълумотлар, лизингга бериладиган объектлар ва шартларининг барчаси тўлиқ акс эттирилиши лозим. Маҳаллий олимларимиз томонидан катта маълумотлар – инсон идрок қиладиган натижалар олиш мақсадида структураланган ва структураланмаган (жумладан, мустақил манбалардан олинган) маълумотларни қайта ишлаш учун мўлжалланган усуллар, воситалар ва ёндашувлар йиғиндиси сифатида тавсифланган. У бошланғич маълумотлар катта танламаси мавжуд бўлган жойларда пайдо бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасида қўшимча лизинг тушунчаси келтирилган. Қўшимча лизинг асосида лизинг олувчи лизинг берувчи олдида лизинг шартномаси юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган лизинг объектини лизинг берувчининг ёзма розилиги билан вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга қўшимча лизингга топширишга ҳақли. Бунда Қонунда келтирилган қоидалар қўшимча лизинг шартномасида қўшимча лизинг берувчига, қўшимча лизинг олувчига ва сотувчига нисбатан мувофиқ равишда лизинг берувчига, лизинг олувчига ва

сотувчига бўлганидек қўлланилиши, қўшимча лизинг шартномасининг амал қилиш муддати лизинг шартномасининг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилган.

“Big lease data”да келтирилган маълумотлар асосида “Sharing economy”ни қўллаш учун шароит яратиш лизингга берувчиларнинг лизинг портфелини кенгайтириб, фаолияти давомида молиявий ресурслар тақчиллигининг олдини олишга хизмат қилади ҳамда лизингга олувчиларнинг транзакцион харажатлари (потенциал лизингга берувчини аниқлаш,)ни камайишига олиб келади. Бундан ташқари, лизинг объекти лизингга берувчига қайтарилганда уни сотиш учун иккиламчи лизинг бозорини ҳам шакллантириш, бунинг учун қонунга ушбу тушунчани киритиб, уни изоҳлаб ўтиш ҳам таклиф этилади.

Лизинг соҳасида рақамли технологияларни жорий этиш ушбу соҳадаги мавжуд стратегик муаммоларни баратараф этиш имкониятини яратиб беради.

Хусусан, миллий лизинг компаниялари импорт, экспорт ва транзит лизинг каби кўп бўғинли тизимни яратиш орқали хизмат кўрсатиш георграфиясини кенгайтириш, натижада бир мамлакатдаги лизинг предмети сотувчисини бошқа мамлакатдаги истеъмолчи (лизингга олувчи) билан учраштириш, лизинг предметининг техник, эксплуатацион ҳамда иқтисодий хусусиятларини таққослаш, уни истеъмолчига етказиб беришнинг самарали маршрутини аниқлаши мумкин бўлади.

Бунга эришиш учун эса аввало юқорида келтирилган таклифлар билан бир қаторда:

-Лизингга берувчилар уюшмаси ва лизинг компаниялари даражасида замонавий компьютер базасини шакллантириш;

-Лизинг операцияси иштирокчилари учун махсус қидирув тизимини яратиш;

-Молиявий ёки қўшимча лизинг схемаси асосида фаолият юритувчи лизингга берувчилар учун махсус дастурий таъминот яратиш;

-Лизинг соҳасида рақамлаштириш жараёнининг ҳуқуқий базасини яратиш;

-Лизингга берувчи ташкилотлар учун рақамли технологиялар соҳасида махсус билимга эга бўлган кадрларни тайёрлаш жараёнларини ҳам амалга ошириш лозим.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, лизинг хизматлари бозорида рақамли технологияларни жорий этишда лизингга берувчилар нафақат миллий ишлаб чиқарувчилар ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиши, балки потенциал маҳаллий (ва ҳаттоки хорижий) потенциал лизингга олувчилар талаблари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши лозим. Яратиладиган маълумотлар базаси солиқ ва божхона тўловлари, объектни етказиб беришнинг логистик схемасини ҳам қамраб олиши лозим. Рақамли технологиялар асосида фаолият юритиш лизингга берувчиларнинг реклама харажатларини қисқартиради, бозорни таҳлил қилиш имкониятини оширади ҳамда потенциал лизингга олувчилар ҳақида маълумот олиш имкониятини кенгайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.
2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Парламентга Мурожаатномаси. http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020
3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349 сонли Фармони.
4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Ресбубликасида рақамли иқтисодни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832 қарори.
5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4699-сонли қарори.
6.Гулямов С.С., Аюпов Р.Ҳ., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. - Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 32,36-бетлар.
7.Мустафакулов Ш. Рақамли иқтисодиёт – янги Ўзбекистон тараққиётининг янги даври. (DEUZ) “Рақамли иқтисодиёт: янги Ўзбекистонни янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари орқали ривожлантиришнинг янги босқичи”. Халқаро илмий-амалий конференция 26 февраль, Тошкент. 2020.
8.Andreeva A.N., Mizova E.M. Digital economy: new business opportunities. Journal of Economy and Business, vol.4. https://cyberleninka.ru/article/n/digital-economy-new-business-opportunities
9.Brynjolfsson E., Kahin B. Understanding the digital economy: data, tools, and research. The MIT Press, Cambridge, Massachusetts, and London, England. – 2002.
10.Zimmermann H. D. Understanding the digital economy: Challenges for new business models //Zimmermann, Hans-Dieter," Understanding the Digital Economy: Challengers for New Business Models"(2000). AMCIS 2000 Proceedings. Paper. – 2000. – Т. 402.
11.Элмирзаев С.Э., Шавкатов Н.Ш. Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истиқболлари // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019 йил. 4-б.
12.Казанкина О.А. Перспективы развития лизинга в условиях цифровой экономики // Вестник СГСЭУ. 2019. №3 (77). С. 160-163.
13.Ўзбекистон Республикаси Лизингга берувчилар уюшмаси расмий сайти маълумотлари. www.ula.uz.
14.Gandomi A., Haider M. Beyond the hype: Big data concepts, methods, and analytics //International journal of information management. – 2015. – Т. 35. – №. 2. – С. 137-144. https://www.sciencedirect.com

15.Адактилос А.Д., Чаус М.С., Молдован А.А. Шеринговая экономика. https://cyberleninka.ru/article/n/sheringovaya-ekonomika.
16.Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни. 1999 йил 14 апрель, 756-I-сон.

Бутиков И.Л. – *директор ЦИ АГУА, д.э.н., проф.*
Ашуров З.А. *– заместитель директора*
ЦИ АГУА, д.ф.э.н. (PhD), с.н.с

РОЛЬ МУЛЬТИЛИСТИНГОВОЙ СИСТЕМЫ В РАЗВИТИИ РЫНКА НЕДВИЖИМОСТИ УЗБЕКИСТАНА

В результате проводимых в Узбекистане социально-экономических реформ, демонополизации государственной собственности, разгосударствления и приватизации в стране сформировался класс частных собственников, в том числе, и собственников недвижимости, которые, сегодня, могут не только пользоваться и владеть этой недвижимостью, но и распоряжаться ею. Развитие в стране товарно-денежных отношений, формирование многоукладной экономики, привели к созданию, по сути, новых рынков, таких, как биржевой рынок товаров, рынок денег и кредита, рынок ценных бумаг, рынки различных видов услуг, технологическими инструментами которых стали электронные деньги, электронные системы банковских операций и расчетов через мобильные IT-приложения, электронные биржевые торги, основанные на использовании сложнейших программных продуктов и компьютерных технологий, созданные на основе новейших научных достижений.

Среди этих видов рынков особое место занимает рынок недвижимости – центральное звено всей системы рыночных отношений. В странах с развитой рыночной экономикой значительное место в обеспечении эффективного функцинирования рынка недвижимости принадлежит ***мультилистинговым системам (МЛС)***, которые являются местом встречных заявок на покупку и продажу объектов недвижимости.

Так, что такое мультилистинговая система (МЛС), и какова ее роль в развитии рынка недвижимости?

Исследования показывают, что в экономической литературе, в нормативных документах и на практике имеет место значительное разнообразие определений МЛС. Так, по мнению представителя агентства недвижимости РОС АСНУ в России, МЛС представляет собой организованный сбор информации о листингах (перечнях) объектов собственности, осуществляемый группой риэлтеров, которые договорились о сотрудничестве с целью оказания помощи продавцам и покупателям, а также расширения собственных возможностей в бизнесе [1].

Например, Красноярская мультилистинговая система (КМЛС) – это система организованного сбора, распространения и обмена информацией об

эксклюзивных вариантах среди профессиональных участников рынка недвижимости г. Красноярска, способствующая увеличению совместных сделок [2]. Новосибирская ассоциация риэлторов предлагает более практический вариант определения МЛС – как сбор информации о выставленных на продажу объектах недвижимости, который осуществляется сразу многими компаниями на общей «рабочей площадке», в качестве которой выступает сам сайт ассоциации [3].

По определению международной электронной энциклопедии «Wikipedia», мультилистинговая система – это система, взаимодействующая с базой данных, в которой представлены объекты недвижимости на условиях эксклюзивных договоров, с помощью специальной программы, позволяющей разделить комиссионное вознаграждение, а так же прописаны условия сервиса мультилистинга. Этот сервис фиксирует размер денежной компенсации, которую выплачивает риэлтор, получивший соглашение с продавцом собственности, другим риэлторам за предоставление потенциального покупателя или за сотрудничество в поиске покупателя [4].

С технической точки зрения МЛС – это программный продукт, содержащий базу данных объектов недвижимости с их различными параметрами (характеристиками), поддерживаемый в режиме реального времени. Благодаря мультилистинговой системе профессиональные участники рынка недвижимости и потребители их услуг (владельцы недвижимости и инвесторы, арендодатели и арендаторы) могут быстро получать развернутую информацию об объектах недвижимости и правах на них в разрезе регионов и городов, с полным описанием их юридического, имущественного статуса, технических характеристик и т.п. МЛС существенно облегчает работу риэлторов, потребителей их услуг по поиску контрагентов по сделкам, ускоряет принятие ими решений о покупке или продаже объектов недвижимости и, таким образом, значительно увеличивает обороты рынка недвижимости.

МЛС имеются во многих развитых странах. Многолетний опыт развитых стран (США, Канада, Великобритания, Франция, Голландия, Россия и др.) показал, что МЛС является основным рабочим инструментом риэлторов, обеспечивающим успех на рынке недвижимости. Доказательством этому является доля рынка, приходящаяся на профессиональных риэлторов – в этих странах она превышает 90%. А там, где МЛС отсутствует, профессиональные риэлторы редко охватывают более 50% рынка.

В Узбекистане, несмотря на многочисленные попытки [5] со стороны государства и частных лиц создать МЛС, такая система отсутствует. Неоднократные же попытки создания даже региональных или национальных МЛС в нашей стране заканчивались неудачно. Один из главных причин этих неудач является отсутствие или недостаточный объем финансовых ресурсов, выделяемых на создание программного продукта [6]. Сегодня в Стратегии «Цифровой Узбекистан – 2030», принятой Указом Президента Республики Узбекистан от 5 октября 2020 года №УП-6079 [7], предусмотрена разработка

единой информационной системы (мультилистинг) на рынке недвижимости.

Безусловно, МЛС – это прежде всего информационная система рынка недвижимости, позволяющая ускорить в гражданский оборот самых различных по составу и масштабам объектов недвижимости. Исследования показывают, что в мире нет одинаковых МЛС, в различных странах МЛС имеют свои особенности и специфические черты. При этом в отдельно взятой стране может насчитываться до нескольких МЛС. Могут существовать локальные МЛС (объединяющие риэлторские организации города, региона, нескольких регионов), национальные МЛС (с доступом к ней риэлторов всей страны) и даже международные МЛС (позволяющие риэлторам разных стран покупать и продавать объекты недвижимости для своих клиентов за рубежом).

Учитывая факт того, что в республике вообще отсутствуют хотя бы какие-либо элементарные МЛС, необходимо, прежде всего, разработать модель мультилистинговой системы Узбекистана, включающую передовые достижения в организации и функционирования МЛС зарубежных стран и, вместе с тем, адаптированую к местным условиям: законодательной базе, уровню развития IT-технологий, местным обычаям делового оборота, менталитету, а также программный продукт, обеспечивающий её функционирование.

Таким образом, создание национальной мультилистинговой системы приблизило бы Узбекистан к странам, занимающим передовые позиции по степени развитости рынка недвижимости.

Список использованной литературы

1. Яковлев А.В. Мультилистиговая система – путь к организации эффективных продаж [Электронный ресурс]. – URL: http://www.vashsevdom.narod.ru/other/multylisting.html
2. Восприятие эксклюзивного договора – вопрос времени, 02.09.2010 [Электронный ресурс]. – URL: https://arevera.ru/news/market-news/vospriyatie-eksklyuzivnogo-dogovora-vopros-vremeni
3. Мультилистинговая система – новые технологии продаж недвижимости в Новосибирске [Электронный ресурс]. – URL: http://www.nar.ru/publications/mul-tilistingovaya-sistema-novye-tehnologii-prodazh-nedvizhimosti-v-novosibirske
4. Мультилистинг. Википедия – свободная энциклопедия [Электронный ресурс]. – URL: https://ru.wikipedia.org/wiki/Мультилистинг
5. В Узбекистане запустили мультилистинговую систему, 15.01.2015 [Электронный ресурс]. – URL: https://anhor.uz/news/v-uzbekistane-zapustili-mulytilistingovuyu-sistemu
6. Рынок недвижимости. Коллективная монография. / под редакцией д.э.н. Бутикова И.Л. – Ташкент: IQTISODIYOT, 2016. - 415 с.
7. Указ Президента Республики Узбекистан от 5 октября 2020 года №УП-6079 “Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее

эффективной реализации” / Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан (www.lex.uz).

Butunov B.B. *– OBM tinglovchisi*

TURIZM SOHASIDA KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIKNI QO‘LLAB-QUVVATLASH VA RIVOJLANTIRISH

Hozirgi davrda Turizm dunyoning juda ko‘p mamlakatlarida ommaviy tus olgan. Odatda, Turizm turizm tashkilotlari orqali turizm marshrutlari bo‘yicha uyushtiriladi. Turizmning juda ko‘p turlari va shakllari mavjud (ichki, xalqaro, havaskorlik turizmi, uyushgan turizm, yaqin joyga sayohat, uzoqqa sayohat, bilim saviyasini kengaytirish maqsadidagi turizm, toqqa chiqish, suv turizmi, avtoturizm, piyoda yuriladigan turizm, sport turizmi va boshqalar).

O‘zbekistonda turizm sohasiga rahbarlikni "O‘zbekturizm" milliy kompaniyasi (27-iyul 1992-yilda tuzilgan) olib boradi. Kompaniyaning asosiy vazifasi turizm infrastrukturasini rivojlantirish, chet el sarmoyasini jalb qilib zamonaviy turistik komplekslarni barpo etish, yangi turistik yo‘nalishlarni ishlab chiqish, xizmatlar doirasini kengaitirish va boshqalardan iborat.

"O‘zbekturizm" milliy kompaniyasi sayohat qilish turiga qarab quyidagi turistik yo‘nalishlarni ishlab chiqqan: klassik yo‘nalish (Toshkent, Samarqand, Buxoro, Xiva, Toshkent; Toshkent, Samarqand, BuxoroShahrisabz, Toshkent). Bu yo‘nalish eng qad. yodgorliklar va boshqa tarixiymadaniy obidalarga tashrif bilan bog‘liq; ekologik turizm yo‘nalishi (Chimyon, Chorvoq dam olish va davolanish oromgohi, Zomin qo‘riqxonasi, Buxoro viloyatidagi qo‘riqxonalar). Bu yo‘nalish alohida muhofaza qilinadigan tabiiy hududlar va sayyohlar uchun ekologik jihatdan qulay g‘amda foydali hisoblanadigan joylarga tashrif bilan bog‘liq; arxeologik turizm yo‘nalishi (Qoraqalpog‘iston, Surxondaryo, Samarqand hududdari bo‘ylab). Bu yo‘nalish O‘zbekistonning eng qad. topilmalari va arxeologik qazishmalar olib borilayotgan joylari bilan tanishishni maqsad qilib qo‘yadi; ekstre mal turizm yo‘nalishi (Chimyon, Farg‘ona vodiysi, Orol bo‘yi, Buxoro, Navoiy viloyati hududlari bo‘ylab); liniy turizm yo‘nalishi (Toshkent, Samarqand, Buxoro, Toshkent) — mamlakatimizdagi tarixiy diniy obidalarni ziyorat qilish bilan bog‘liq.

Turizm sohasidagi munosabatlarni huquqiy jihatdan tartibga solish, turistik xizmatlar bozorini rivojlantirish, shuningdek, turistlar va turistik faoliyat sub’yektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish maqsadida O‘zbekiston Respublikasining "Turizm to‘g‘risida"gi qonuni kabul kilingan (20-avgust 1999). Shu bilan birga O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining "2005-yilgacha bo‘lgan davrda O‘zbekistonda turizmni rivojlantirish davlat dasturi to‘g‘risida"gi farmoni (15-aprel 1999) sohani rivojlantirishda muhim omil bo‘ldi.

Turizm tashkilotlarini takomillashtirish hamda kichik va o‘rta turistik korxonalarning xizmat ko‘rsatish bozorini faollashtirish, shuningdek, xorijiy sarmoyani turizm sohasiga jalb kilish maqsadida 1998-yilda O‘zbekiston Respublikasi hukumati qarori bilan Toshkentda "Xususiy sayyoxlik tashkilotlari

uyushmasi" tashkil etildi. U 300 dan ziyod turistik korxonalar bilan yaqindan aloqada bo‘lib faoliyat olib boradi. O‘zbekistonda "Kumushkon" turistik bazasi va "Sanzar" kemping majmuasi mavjud bo‘lib, ular "O‘zbekturizm" milliy kompaniyasi tizimi tashkilotlari hisoblanadi. Shu bilan birga Chorvoq, Chimyon, Beldersoy dam olish oromgohlari va yuzga yaqin xususiy mehmonxonalar ishlab turibdi. O‘zbekistonda ko‘plab turistlarni qabul qilish va ularga xizmat ko‘rsatish imkoniyatiga ega bo‘lgan mehmonxonalar soni tobora o‘sib bormoqda.

Tadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati – O‘zbekiston Liberal-demokratik partiyasi Samarqand viloyati kengashi tomonidan “Turizmni rivojlantirish istiqbollari: kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning o‘rni” mavzusida amaliy seminar o‘tkazildi.

Viloyatdagi turizm sohasi vakillari, sayyohlik firmalari, mehmonxonalar rahbarlari, tadbirkor va hunarmandlar ishtirok etgan tadbirda mamlakatimizda turizmni rivojlantirish, bu borada mavjud imkoniyat va resurslardan samarali foydalanishga alohida e’tibor qaratilayotgani ta’kidlandi.

Prezidentimizning 2016-yil 2-dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni bu yo‘nalishdagi ishlarni yangi bosqichda davom ettirish va ko‘lamini yanada kengaytirishga xizmat qilmoqda. Turizm va turistik infratuzilmani rivojlantirishni yanada qo‘llab-quvvvatlash, milliy turistik xizmatlarni xalqaro sayyohlik bozoriga faol kiritishga, turizm sohasi bilan shug‘ullanish istagida bo‘lgan jismoniy va yuridik shaxslarga qulay imkoniyatlar yaratib berdi.

Prezidentimizning mazkur farmoni bilan sayyohlik firmalari va mehmonxonalarga, soha subyektlariga qator imtiyoz va yengilliklar berildi, – deydi O‘zbekiston Respublikasi Turizmni rivojlantirish davlat qo‘mitasi Samarqand viloyati hududiy boshqarmasi boshlig‘i Ilhom Suvonov. – Eng muhimi, yurtimizga keladigan sayyohlar uchun viza tizimi bilan bog‘liq ko‘plab qulayliklar yaratildi. 2017-yilning 1-aprelidan Toshkent, Samarqand, Buxoro va Urganch shaharlarining xalqaro aeroportlarida xorijiy turistlar uchun “yashil yo‘lak” bojxona nazorat tizimi, pasport va bojxona nazoratidan o‘tish, bagajni olishning soddalashtirilgan tartib-taomili joriy etiladigan bo‘ldi.

Tadbirda O‘zbekiston Liberal-demokratik partiyasi ham iqtisodiyotimizning ushbu muhim tarmog‘ini yanada rivojlantirish va bu orqali yangi ish o‘rinlari yaratishni aholi farovonligini oshirishning muhim manbai sifatida qarashi alohida qayd etildi. Shu maqsadda turizm sohasida faoliyat olib borayotgan elektorat vakillari faoliyatini qo‘llab-quvvatlash, ularga imtiyoz va preferensiyalar berish, sohaga investitsiyalar oqimini keng jalb etish bo‘yicha aniq-chora tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Seminar ishtirokchilari ekologik, sog‘lomlashtirish, agro, bolalar va ichki turizmni rivojlantirish, sohada foydalanilmagan imkoniyatlarni ishga solish, gidlar malakasini oshirish bilan bog‘liq masalalar yuzasidan fikr almashdi.

Mintaqaviy va shahar dasturlari kabi turizm sohasini tartibga solish vositalarini takomillashtirish zarur. Madaniy-ma’rifiy turizm sohasida mikrobiznes va yakka tartibdagi tadbirkorlik orqali bunday dasturlardan foyda oluvchilar

doirasini kengaytirish yo‘nalishlardan biri bo‘lishi kerak. Bandlikning bunday shakllarini, birinchi navbatda, turizm infratuzilmasini qo'llab-quvvatlash nafaqat iqtisodiy, balki ijtimoiy muammolarni ham hal qilishga yordam beradi, chunki ular turistik biznes bilan shug'ullanadigan odamlar sonini sezilarli darajada kengaytirishi, shu bilan shug'ullanadigan odamlarning tashabbusini amalga oshirishi mumkin. o'z kapitaliga ega bo'lmagan, aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlarini (yoshlar, bola tarbiyalayotgan ayollar, pensionerlar va boshqalar) yangi ish o'rinlari bilan ta'minlash. Bunday chora-tadbirlar madaniy-tarixiy obidalarga ega kichik shaharlar va kichik aholi punktlari uchun ijobiy ijtimoiy samara beradi.

Kichik va mikro tadbirkorlik sub’ektlari negizida viloyat va shahar hokimliklari loyiha va dasturlari ko‘magida turizmning quyidagi muhim yo‘nalishlarini amalga oshirish mumkin.

Piyoda masofada turistik infratuzilmani rivojlantirish. Maqsad - madaniy va tarixiy obidalar yaqinida servis turizm infratuzilmasini yaratish. Qo'llab-quvvatlash shakli mintaqaviy maqsadli dasturlar va individual munitsipal loyihalardir. Sayyohlar uchun piyoda masofada joylashgan infratuzilma ob'ektlari quyidagilar bo'lishi mumkin: kichik xususiy muzeylar, ko'rgazmalar; suvenir do'konlari; xalq hunarmandchiligi ustaxonalari; tatib ko'rish xonalari.

Transport qulayligi bilan bog'liq turistik ob'ektlarni rivojlantirish. Bundan ko‘zlangan maqsad turizm yo‘nalishlariga hali kiritilmagan obyektlarning rekreatsion va madaniy-tarixiy salohiyatidan foydalanish, turistlarga dam olish va logistika xizmatlarini ko‘rsatishdan iborat. Qo'llab-quvvatlash shakli - davlat-xususiy sheriklik shartlarida amalga oshirilayotgan hududiy va shahar loyihalari. Turistlar uchun transport qulayligi ob'ektlari quyidagilar bo'lishi mumkin: tarixiy, madaniy, diniy ahamiyatga ega ob'ektlar; dam olish muassasalari; sport va sog'lomlashtirish markazlari.

Sayyohlar uchun tarixiy, madaniy, diniy ahamiyatga ega bo'lgan ob'ektlar orasida, birinchi navbatda, an'anaviy turistik marshrutlar yaqinida joylashgan qal'alar, cherkovlar, mulklar, aholi punktlaridagi aholi punktlari qiziqish uyg'otadi. Bunday ob'ektlarni qo'llab-quvvatlash va ulardan foydalanish shahar ma'muriyati, qo'shimcha sayyohlar oqimini jalb qilish, tarixiy, madaniy va ziyorat yo'nalishlarini rivojlantirishdan manfaatdor bo'lgan mahalliy tadbirkorlar tomonidan birgalikda amalga oshirilishi mumkin.

Oraliq turistik logistika punktlarini rivojlantirish. Bundan ko‘zlangan maqsad sayyohlarning madaniy-tarixiy obidalarni ziyorat qilishlari uchun yanada qulay sharoit yaratishdir. Oraliq turistik logistika punktlari avtobus va yengil avtomobillarni qabul qilish uchun jihozlangan, turistik obektlarga borish yo‘nalishida joylashgan hamda oziq-ovqat shoxobchalari, suvenir do‘konlari, dam olish xonalari va boshqalarga ega bo‘lgan avtoturargohlardir. Oraliq logistika punktlarining rivojlanishi yaqin atrofdagi qishloqlar aholisi uchun qo‘shimcha ish o‘rinlari yaratish imkonini beradi. va qishloqlar. Logistika punktlarini tashkil etishni moliyalashtirish manbai mintaqaviy maqsadli bo'lishi mumkin

turizmni rivojlantirish dasturlari, kichik biznesni qo‘llab-quvvatlash shahar dasturlari, kichik biznesni rivojlantirish jamg‘armasi loyihalari va boshqalar.

Festival, konsert tadbirlarini kengaytirish, aholi badiiy ijodiyotini rivojlantirishni qo‘llab-quvvatlash.

Demak, Madaniy-ma’rifiy turizmni rivojlantirish hududning gumanitar salohiyatini mustahkamlash omili bo‘lib, mahalliy jamiyatning ma’naviy yuksalishiga qo‘shimcha turtki beradi. Aholining badiiy havaskorlik faoliyatini qo‘llab-quvvatlash, munitsipalitetlarda festival va konsert tadbirlarini kengaytirish insonparvarlik salohiyatidan yanada faol foydalanishga xizmat qilishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. “Доғистонда Ўзбекистоннинг зиёрат туризм салоҳияти тақдимоти ўтказилди — фото“. *Bugun.uz*. Qaraldi: 2-aprel 2021-yil
2. 14. M .T. Aliyeva. Turistik mamlakatlar iqtisodiyoti. Darslik. - T.: T D IU , 2007. 339-b
3. Биржаков М.Б. Введение в туризм. — С П б.: Издательский Торговый Д ом «Герда», 2009. 444 с
4. Одинцов А.А. Менеджмент организации. Введение в специальность. Учеб. пособ. — М.: Экзамен, 2007. 397 с.
5. Козырев В.М ., Зорин И.В., Сурин А.И. и др. Менеджмент туризма. Экономика туризма. Учебник (серия менеджмент туризма) (ГРИФ). — М.: Финансы и статистика, 2007. 253 с.

Валижонов А.Р. *– Ўз.Рес.*
Давлат активларини бошқариш агентлиги
Тадқиқотлар маркази бўлим мудири, и.ф.н.

ЙИРИК ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Хўжалик жамиятлари, яъни акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар тадбиркорлик субъектларининг кенг тарқалган шаклларидан бири бўлиб иқтисодиётнинг барча тармоқларида фаолият олиб борадилар. Ўзбекистонда хўжалик жамиятларини, жумладан, акциядорлик жамиятларини ташкил этилиши асосан хусусийлаштириш жараёнлари билан бир даврда бошланди. Мустақиллик йилларида давлат мулкини ва корхоналарини хусусийлаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга бир қатор йирик хўжалик жамиятларида давлат улуши ҳамон юқори даражада сақланиб қолмоқда.

Сўнги йилларда давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва ислоҳ қилишга доир қабул қилинаётган ҳукумат қарорларида “корхоналарни трансформация қилиш” ибораси қўлланилмоқда. Шу билан бирга амалдаги қонунчилигимизда трансформация тушунчасига таъриф берилмаган. Иқтисодий адабиётларда трансформация тушунчасига таърифлар келтирилган. Трансформация бу иқтисодий фаолиятнинг таркиби, шакли, усуллари

ва йўналишини ўзгартириш [1]. Иқтисодий жараёнларда трансформация тушунчасини талқин этишда иқтисодий-ижтимоий муносабатларни ўзгартириш, либерализация, мулк шаклини ўзгариши каби иборалардан фойдаланадилар [2].

Юқоридагиларни инобатга олиб давлат иштирокидаги хўжалик жамиятини трансформация қилиш тушунчасини қуйидагича таърифлаш мумкин: давлат иштирокидаги хўжалик жамиятини трансформация қилиш бу уни бозор тамойиллари ва механизмлари асосида фаолият юритишига ўтказиш, унинг самарали ташкилий тузилмаси ва бошқарув тизимини яратиш, корхонанинг ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатдошлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар йиғиндисидир.

Давлат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланиб келинган давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилишда муҳим масалалардан бири бу уларнинг фаолиятини либерализация қилиш ва уларни эркин рақобат муҳитида рақобатбардошлигини таъминлашдир.

Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятини трансформация қилишнинг мақсади уларни рақобатдошлигини ошириш, самарали бошқарув тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш тан-нархини қисқартириш ва молиявий-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобланади.

Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларини трансформация қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилар бўлиши мумкин:

-ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатдошлигини таъминлаш;

-молиявий ҳисоботларнинг ҳалқаро стандартларини жорий этиш;

-операцион ва бизнес жараёнлар самарадорлигини ошириш;

-замонавий бошқарувни, шу жумладан барча томонлар манфаатларини таъминлашни назарда тутувчи корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш;

-корхонанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш;

-хўжалик жамиятларидаги давлат улушларини хусусийлаштириш йўли билан уларда самарали мулкдорларни шакллантириш;

-давлатнинг корхона фаолиятига аралашувини чеклаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096 сонли Фармони билан трансформация қилинадиган йирик давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмалари рўйхати тасдиқланган. Ушбу рўйхатга 32 та давлат иштирокидаги корхоналар киритилган бўлиб улардан 22 таси хўжалик жамиятлари ҳисобланади.

Йирик хўжалик жамиятларида трансформация жараёнларини жадаллаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар

яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида” ги ПФ-101 сонли Фармонида ҳам назарда тутилган. Фармонда иқтисодий ўсишни таъминлашда хусусий секторнинг ролини ошириш, барча тармоқ ва соҳаларда хусусий секторнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қуйидагилар ҳам белгиланган:

давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини трансформация қилиш ҳамда хусусийлаштиришни жадаллаштириш, иқтисодиётда самарасиз ишлаётган корхоналар улушини камайтириш ҳисобига сифат жиҳатидан янги, хусусан, экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларига асосланган инвестициялар ва ишлаб чиқариш унумдорлиги юқори бўлган технологияларнинг кўпайишини рағбатлантириш;

пул ва капитал бозорларини янада эркинлаштириш ҳисобига молия бозоридаги турли сегментларнинг ривожланишига туртки бериш, шу орқали хусусийлаштирилган ва трансформация жараёнидаги корхоналарга ўз фаолиятини молиялаштиришнинг муқобил манбаларини шакллантиришга шароит яратиш.

Бизнинг фикримизча трансформация қилиниши керак бўлган хўжалик жамиятларининг асосий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

устав фондида давлат улушининг юқорилиги;

товар бозорларида устун мавқега эга эканлиги;

айримлари табиий монополия субъекти эканлиги (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва бошқлар);

таркибида шўъба ташкилотларнинг кўплиги.

Давлат улуши сақланиб қолаётган йирик хўжалик жамиятлари фаолият юритаётган товар ва хизматлар бозорини эркинлаштириш ҳамда ушбу соҳаларга хусусий секторнинг кириб келиши учун шароит яратиш ушбу хўжалик жамиятларини трансформация қилиш стратегиясини ишлаб чиқишда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан бири ҳисобланади.

Трансформация қилиниши назарда тутилган хўжалик жамиятларининг кўпчилик қисми ўзида бир қанча корхоналарни бирлаштирган йирик компаниялар ҳисобланади. Масалан, шўъба ташкилотлар сони “Ўзавтосаноат” АЖда 45 та, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда 42 та, “Ўзбекнефтегаз” АЖда 33 тани ташкил этади.

Бугунда асосий жамият ва шўъба жамиятлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи алоҳида меъёрий ҳужжат мавжуд эмас. Демак, бундай жамиятлар ўртасидаги муносабатлар уларнинг ички хўжжатлари, жумладан, устави орқали тартибга солиниши керак.

Шу маънода бир қатор хўжалик жамиятларининг уставлари ўрганиб чиқилди, хусусан, "Ўзбекнефтегаз" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ, “Ўзавтосаноат” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзтелеком” АЖ, “Ўздонмаҳсулот” АЖ
ва бошқалар. Таҳлиллар натижасида ушбу хўжалик жамиятлари таркибида

бир қанча шўъба тузилмалар мавжуд бўлса ҳам, уларнинг уставларида асосий ва шўъба жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга, шўъба тузилмаларни бошқаришга бағишланган нормалар мавжуд эмас. Уставларда фақат шўъба юиридик шахсларни ташкил этиш асосий жамиятнинг қайси бошқарув органи ваколатига кириши кўрсатилган.

Асосий жамият ва шўъба жамиятлар ўртасидаги муносабатларни бозор механизмлари орқали тартибга солишни ривожлантириш ҳам йирик хўжалик жамиятларини трансформация қилишнинг асосий вазифаларидан бири бўлиши керак.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, йирик хўжалик жамиятларида трансформация жараёнларини самарали амалга ошириш иқтисодиётда эркин рақобат муҳитини ва бозор муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – М.: «ИНФРА-М», 1997. – 496 с.
2.Хузина Г.Г. Сущность трансформационного процесса в экономической системе// Проблемы соверменной экономики, №4(36), 2010. с.61-65.

Dadamatov M. – *OBM tinglovchisi*

KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIK BU BIRLAMCHI ISHCHI KUCHINING DASTLABKI ISH MANBAI

Kichik biznes va xusuroiy tadbirkorlikni amalga oshirish , birlamchi ishchi kuchining dastlabki ish manbaini xosil qilish uchun dastlab kichik biznesni moliyalashtirishni yo;lga qo’yish zarur.Moliyalashtirish uchun dastlab Iqtisodiyotning bozor munosabatlariga kirib borishi jarayonidagi turli mulk va xo’jalik yuritish shakllarining keng taraqqiyoti ular moliyaviy faoliyatini ishlab chiqarish samaradorligini rag’batlantirish maqsadlarida takomillashtirishning muhim, dolzarb muammo ekanligini isbotlamoqda. Yurtimizning istiqboli bozor xizmat tarmoqlarini shakllantirish bilan, kelgusida mulkni davlat tasaruffidan chiqarish va xususiylashtirish, yakkahokimlikka qarshi tadbirlarni amalga oshirish, raqobat muhitini vujudga keltirish bilan uzviy bog’liqdirki, bozor munosabatlarini shakllantirish yuzasidan iqtisodiy islohotlar mazkur vazifalarining ijobiy hal etilishi korxonalar moliyaviy faoliyatini tashkil etishning bozor talablariga javob beruvchi holatidan ham kelib chiqadi. Shunga ko’ra, kichik biznes va turli tadbirkorlik shakllarining taraqqiyotida ular moliyaviy faoliyatini tashkil etish xususiyatlari, vazifalari, tarkibi va rivojlanish asoslarini o’rganish muhimdir. Kichik biznes subyektlari tomonidan statistik va soliq hisobotlarini taqdim etish mexanizmlarisezilarli darajada soddalashtirildi. Bugungi kunda tadbirkorlik subyektlarining 98 foizi soliq va statistika hisobotlari topshirishni, bojxona deklaratsiyalarini rasmiylashtirishni eski usuldagi qog‘oz to‘ldirish yo‘li bilan emas,

balki bevosita – elektron shaklda amalga oshirmoqda.Sanoatning yengil, oziq-ovqat va qurilish materiallari ishlab chiqarish kabi ko‘p mehnat talab qiladigan tarmoqlarida ishchilarning eng ko‘p soni ilgarigi 100 kishidan 200 kishigacha oshirilgani kichik biznesni rag‘batlantirish borasidagi chora-tadbirlar tizimidagi muhim qaror bo‘ldi.

Bozor iqtisodiyoti rivojlanishi sharoitida kichik korxonalar moliyaviy faoliyatining mazmunigina emas, balki ularning vazifalari ham tub o’zgarishlarga duch keldi. Shu munosabat bilan ishning mazkur qismida biz bozor munosabatlari shakllanishi sharoitida kichik biznes korxonalari moliyaviy faoliyatini tashkil etishning asosiy vazifalarini kompleks holda ko’rib chiqishga harakat qildik. Bizning fikrimizcha, “kichik biznes korxonalari moliyaviy faoliyati” tushunchasini tor va keng ma’noda ifodalash mumkin. Tor ma’noda kichik biznes korxonalari moliyaviy faoliyati alohida olingan kichik korxona, xususiy firma yoki tadbirkorlikning boshqa shakllari moliyaviy faoliyatidan iborat. Bu ma’noda “kichik biznes korxonalari moliyaviy faoliyati” tushunchasi “kichik korxonalar moliyaviy faoliyati”, “xususiy firmalar moliyaviy faoliyati” va h.k. tushunchalar bilan bir xil mazmunni ifodalaydi. Keng ma’noda “kichik biznes korxonalari moliyaviy faoliyati” tushunchasi ijtimoiy takror ishlab chiqarishning turli sohalarida faoliyat ko’rsatayotgan, bir-biri bilan uzviy bog’liq bo’lgan kichik biznes korxonalarining moliyaviy faoliyatini ifodalaydi. Mazkur tushunchaning keng ma’nosi uni tor ma’noda tushunishni to’la tarzda o’z ichiga oladi. Shu asosda kichik biznes korxonalari moliyasini korxonalar va xalq xo’jaligi tarmoqlari moliyasining muhim tarkibiy qismi sifatida talqin etish mumkin.

O’z mohiyatiga ko’ra ular davlat tomonidan tartibga solib turiladigan pul munosabatlari bo’lib, mazkur munosabatlar kichik biznes korxonalarining hududiy va umumdavlat extiyojlari, fondlari va moliyaviy resurslarining tashkil etilishi, taqsimlanishi va ishlatilishi jarayonida vujudga keladi. Uncha ko'p bo'lmagan yangi ishbilarmonlar o'z ishlarini o'zlari moliya bilan ta'minlaydilar. Ko'pchilik kishilar oz miqdorda bo'lsa ham, tashqi manbalarga muhtoj bo'ladilar.

Pul resurslarining 4 ta toifasi mavjud:

1.Savdo krediti. Bu turdagi “Pul” to'g'ri ma'noda zayom vositasi hisoblanmaydi, haqiqatan bu tovarlar qiymati hisoblanadi. Uni sizning yetkazib beruvchilaringiz sizga pul to'lamasdan qarz qilib beradilar va qarzni eslatilgan muddatlarda to'lash sharti bilan.

2.Qisqa muddatli kredit. Banklar va boshqa kredit beruvchilar, bu kabi kreditlar maxsus maqsadlar - muddatli kreditlar ehtiyot sifatida kelgusi mavsumda sotish uchun beriladi. Bu kabi kredit uchun qarz bir yilga yetmasdan uziladi.

3.Uzoq muddatli kredit. Bu zayomlar bir yildan ortiq muddatga korxonani kengaytirish yoki takomillashtirish uchun beriladi.

4.Aksionerlik investorining qatnashishi. Bu kabi resurslar qaytarilmaydi. Siz vositalarni olasiz va foydaning bir qismini investorga berasiz. Boshqacha qilib aytganda, siz o'z korxonangizning bir qismini sotasiz. Pullarni qayerdan olish mumkin? Moliyaviy ta'minotning imkonli manbalari quyidagilardir:

• tijorat banki; • moliyaviy kompaniyalar;

• investitsion kompaniyalar;
• investitsion fondlar;
• kredit idoralari;
• xaridorlar;
• mahsulot beruvchilar;
• do'st va tanishuvlar;
• xayriya tashkilotlari;
• trans kompaniyalar va banklarning trast bo'linmalari;
• davlat, xalqaro va jamiyat tashkiloti va idoralar, kichik bimesni qo'llabquvvatlash dasturida ishtirok etuvchilar;
• ishlovchilar;
• dastgoh ishlab chiqaruvchilar;
• sug'urta kompaniyalari;
• nafaqa fondlar;
• xususiy investorlar;
• moliyaviy maslahatchilar.

Kimga va qayerga murojaat qilish kerak?

Keng tarqalgan moliyaviy manbalar:

Banklar-banklardan ssuda olish nihoyatda sodda. Sizga pul savdo operatsiyasi o'tkazish uchun bemalol, ammo yangi korxona bunyod etish uchun bemalol emas.

Demak bankni ishontirish kerak. Bu ishda ishlab chiqarilgan biznes reja qo'l keladi. Quyidagi masalalarga alohida diqqat-e'tibor qilish kerak:

• Olingan vositalar qanday ishlatiladi?
• Qarz qanday qilib to'lab beriladi?
• Kredit olish uchun qanday ta'minot taklif etilishi kerak.
• Tanlangan faoliyat uchun zarur tajriba va tayyorgarlikka egalik.
• Boshqaruv xodimlarining va yetakchi mutaxassislar ishi qanday?
• Ushbu biznes sohasining uzoq muddatli kelajak taraqqiyoti qanday?

Investitsion fondlar hissadorlik yuqori o'sish potensialiga ega, kichik korxonalar kapitaliga badallar to'lash mumkin. Ko'plari aniq tarmoq, texnologiyalar bo'yicha yoki ma'lum hajm uchun investitsiya loyihasiga ixtisoslashadilar. Ular bilan kelishuv paytida quyidagilarni esda tutish zarur: investitsion fondni bir kunda ko'rib chiqish uchun 30 dan ortiq buyurtmani va biznes-rejani qabul qilish mumkin, ulardan 10 % gina o'qib chiqiladi. O'qib chiqilganlardan faqat bir nechasigina yana davom etib o'qish uchun jo'natiladi va juda ozlari moliya olishi mumkin. Tadbirkorlik yo'nalishi firmalarning strategik yo'nalishlarining alohida yo'nalishi bo'lib, resurslarni va imkoniyatlarni rivojlantirish uchun ichki firma orientatsiyasi sifatida ko'riladi.

Demak, Tadbirkorlik yo'nalishi firmalarning yo'nalishini va yangi imkoniyatlarni o'rganishga intilishni anglatadi va shuning uchun firmaning innovatsionlik, xavfxatarni va proaktivlikni qabul qilish tamoyillari orqali o'zini namoyon qiladi.Tadqiqot ishlariga katta e'tibor qaratib, tadbirkorlarga yo'naltirilgan jarayonlarning yuqori darajasiga ega bo'lgan firmalar yangi tashkiliy shakllar va atrof-muhit konfiguratsiyalarini yaratishda tajribaga ega va bozor mexanizmlarini

o'z manfaatlariga moslashtira oladi. Tadbirkorlik yo'nalishini kapitalizatsiya qilish orqali firmalar biznes hamkorlari bilan loyihalarni amalga oshirishda yuqori tendentsiyani rivojlantiradi.

Adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi , T.: "O'zbekiston" , 2016
2. "Investitsiya faoliyati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi O'zbekistonRespublikasining Qonuni, 2014 yil 9 dekabr, O'RQ-380-son.
3. "Chet ellik investorlar huquqlarining kafolatlari va ularni himoya qilishchoralari to'grisida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni, 30 aprel 1998 yil.
4. "Erkin iqtisodiy zonalar to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni, 25 aprel 1996 yil.
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2014 yil 7 apreldagi "O'zbekiston Respublikasida investitsiya iqlimi va ishbilarmonlik muhitini yanada takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-4609-sonli Farmoni.

Данияров Қ.Д. – *ҚМУ доценти*

ТАДБИРКОРЛИК ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШДА МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Замонавий тадбиркорликнинг инновацион табияти истеъмолчилар талабининг ортиши, билимлар иқтисодиётига ўтиш, бозор агентларининг ўзаро таъсирининг кенгайиши ва глобал тармоқ тузилмаларининг шаклланиши билан ҳам белгиланади [1].

Жаҳондаги ривожланаётган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбикорлик корхоналарининг аҳоли бандлигидаги улуши 45% ини, ЯИМдаги ҳиссаси 33% ини ташкил этади. Ўзбекистонда сўнги расмий статистик маълумотларга қараганда, иш билан банд аҳолининг тўртдан уч қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида меҳнат қилмоқда, мазкур сектор мамлакат ЯИМнинг ярмидан кўпроғини ишлаб чиқармоқда [2,б. 34].

Тадбиркорлик субъектлари бозор рақобатини рағбатлантиришда, иш ўринлари сонини кўпайтиришда, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашда, инновацион янгиликларни ривожлантиришда, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ва давлатда ижтимоий барқарорликни сақлашда муҳим роль ўйнайди.

Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодиёти тариқасида, 2020 йилда кичик бизнеснинг ЯҲМдаги улуши 70,2% ни ташкил этди. Кичик бизнес субъектлари сони (ҳар 1000 кишига 10,7 та. 2020 йилда 4406 та янги кичик корхона ва микрофирмалар (деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно) ташкил этилди, бу 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 2,8% га камдир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда тузилган шунга ўхшаш тузилмаларнинг аксарияти ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, маиший хизмат ва хизмат кўрсатиш каби истиқболли тармоқларни танлайди.

Бу ва бошқа кичик бизнес имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, тегишли давлат ҳужжатлари асосида реал вақт режимида кўрсатиладиган интерактив хизмат турларини ташкил этиш чора -тадбирлари амалга оширилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес субъектлари юқори натижаларга эришганига қарамай, ҳозирги пайтда корхоналар жиддий муаммога дуч келишмоқда. Минтақадаги кичик корхоналарнинг инновацион ривожланиши молиявий ресурслар тақчиллиги, бозорда ҳаддан ташқари рақобат ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги шароитида рўй бермоқда. Юқорида айтилганларнинг натижаси ўлароқ, кичик бизнес кўпинча инқирозли вазиятларга дуч келади, бу эса кўпинча банкротликка олиб келади. Бундай шароитда инновацияларни қўллаш кичик корхоналарни рақобатбардош позицияларга олиб чиқишнинг энг самарали вариантларидан бирига айланади.

Бошқа томондан, кичик бизнеснинг инновацион хатти -ҳаракати жамият минтақасининг инновацион ривожланишининг асосини ташкил этади. Шундай қилиб, кичик корхоналарнинг инновацияларни яратиш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги ролини ўрганишнинг долзарблиги шубҳасиздир.

Албатта, давлатимиз бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишбилармонлик муҳитини яратишга доир тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб -қувватлашга лойиқдир.

Тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг кенг тарқалган ва ижобий исботланган механизмлари келтириб утамиз.

1.Тадбиркорлик субъектлари учун солиқ соҳасида қулай шарт - шароитлар яратиш. Қўлланиладиган солиқ режимининг хусусиятлари кўп ҳолларда қуйидаги имтиёзларга тўғри келади:

-соддалаштирилган ҳужжатлар тўплами ва бухгалтерия ҳисоби ва солиқ фаолиятини топшириш тартиблари;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун солиқ имтиёзлари.

Узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилиш ва жорий этиш харажатларини солиқ базасидан чиқариб ташлаб рағбатлантириш. Ягона солиқ ставкаси кичик корхоналар учун тўлов 2021 йилда 5%ни ташкил этди, бу 2015-2016 йиллар даражасида қолди.

2.Тадбиркорларни мулкий қўллаб-қувватлаш доирасида, қоида тариқасида, корхоналарни хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун бинолар ва ер участкалари билан таъминлаш муаммолари ҳал қилинади.

3.Тадбиркорлар учун маслаҳат бериш ва ўқитиш, бунда консалтинг ёрдамини кўрсатиш, тренинглар ўтказиш, маҳорат дарслари ва бизнесни

юритишнинг турли жабҳаларида тадбиркорлар ва мутахассислар ўртасида мулоқот учун платформалар.

4.Тадбиркорларни ахборот билан таъминлаш, яъни ахборотни қўллаб - қувватлашга, жумладан, кичик бизнес учун энг долзарб масалалар бўйича ахборот тарқатишга, шунингдек, унинг ривожланишига кўмаклашишга қаратилган фаолиятни ахборот билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

5.Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш соҳасида қўллаб-қувватлашнинг асосий механизми - хусусий кредит ташкилотлари ва давлат ўртасида таваккалчиликни бўлишишдир [3,б. 115].

2015 йилда Ўзбекистон Миллий банки ҳузурида ташкил этилган Ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини такомиллаштиришга тобора ортиб бораётган ролини ошириш керак. Бу жамғарма кичик бизнеснинг экспорт фаолиятини рағбатлантиришга бўлган эътиборини кучайтириши керак.

2021 йилда Жамғарма 1000 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларига ўз маҳсулотлари ва хизматларини ташқи бозорга чиқаришда кўмаклашиши керак. Жамғарма ёрдами билан тадбиркорлик субъектлари 4,6 миллиард долларлик янги даражадаги экспорт шартномаларини тузиши керак, шундан 2021 йилнинг биринчи чорагида муддати 210 миллион доллардан ортиқ бўлган маҳсулотлар экспорт қилинди.

2021 йилда кичик ва хусусий бизнес ялпи ички маҳсулотнинг 63% ини ишлаб чиқариши керак, бу 2020 йилга нисбатан 7,1% пунктга кўпдир. 2021 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 680 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши керак. Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг ушбу соҳасида жами аҳолининг 80,0% гача банд. Умуман олганда, истиқболли бизнес ғоялари ва ликвид гаровга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари мамлакатнинг исталган банк муассасаларида керакли кредит ресурсларини олишади.

Умуман олганда, 2021 йил охиригача кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка умумий қиймати 16,8 трлн. сўмни ташкил этди, бу 2020 йилга нисбатан 22,6% га кўпдир.

Шундай қилиб, юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқадики, тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт -шароитлар яратиш ва рақобатбардошликни ошириш учун давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ёрдам инфратузилмасини таъминлаш ва яхшилаш учун қуйидагилар зарур:

-қонунчилик базасини такомиллаштириш;

-тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;

-кераксиз маъмурий тўсиқларга қарши туриш;

-маъмурий тўсиқлар бўйича тадбиркорлар учун ишонч телефонлари ишини ташкил этиш;

-маҳаллий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш учун рағбатлантириш тизимини яратиш;

-тадбиркорлик субъектларининг давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича буюртмаларни жойлаштириш бўйича тендерларда иштирокини яхшилаш;

-бизнесни инфратузилмавий қўллаб-қувватлашнинг барқарор, кўп босқичли ва ўзаро боғлиқ тизимини яратиш;

-кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантиришни такомиллаштириш, тадбиркорларнинг саводхонлик даражасини ошириш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бошланғич корхоналарининг инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш;

-мулкий таъминотни такомиллаштириш ва лизингни ривожлантириш;

-минтақавий ва халқаро бозорларда кичик бизнес маҳсулотлари ва хизматларини илгари суришни рағбатлантириш.

Бинобарин, уларни жорий этиш ва ривожлантириш нафақат кичик ва хусусий корхоналарнинг миқдорий ўсишига, уларнинг ҳаётийлигини оширишга, балки умуман иқтисодиётнинг инновацион ривожланишига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси /Халқ сўзи. 30 декабрь 2020 й., № 275–276.
2.Акимов О.Ю. Малый и средний бизнес: эволюция понятий, рыночная среда, проблемы развития.- М.: Финансы и статистика, 2011.- 123 с.
3.Колесникова Л.А. Предпринимательство и малый бизнес в современном государстве: управление развитием.- М.: Новый Логос, 2010.-310 с.

Дусмуратов Р.Д. *– ТДАУ, кафедра мудири, и.ф.д.,проф.*

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ ТУГАТИШ:НОРМАТИВ ВА ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

Ҳар қандай корхона ўз молия-хўжалик фаолиятининг исталган босқичида тугатилиши мумкин. ***Тугатиш–бу корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа субъект(лар)га ўтказмасдан, фаолиятини бутунлай тўхтатиш.*** Корхона ёхуд унинг таъсисчилари (иштирокчилари) қарорига асосан, ёхуд суд қарори бўйича, ёхуд уни рўйхатга олган органнинг қарорига мувофиқ тугатилиши мумкин. Хусусан, ЎзР ФКнинг 53-моддасига мувофиқ: «Юридик шахс қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, шу жумладан юридик шахснинг амал қилиш муддати тугаши, уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан ёки юридик

шахсни ташкил қилиш чоғида қонунчилик бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганида;

фаолият лицензиясиз, фаолият (ҳаракатлар) рухсатномасиз ёхуд ваколатли органни хабардор қилмасдан амалга оширилган ёки қонунда тақиқланган фаолият амалга оширилган тақдирда, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига кўра.

молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги сабабли белгиланган тартибда ҳаракатсиз режимга ўтказилган пайтдан эътиборан уч йил ичида фаолият тикланмаган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига кўра, бундан нодавлат нотижорат ташкилотлари мустасно.

Суднинг юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарорида унинг муассислари (иштирокчилари) ёхуд юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан уни тугатишга вакил қилинган орган зиммасига юридик шахсни тугатишни амалга ошириш вазифаси юклатилиши мумкин»[1].

Шунингдек, ЎзР ФКнинг 57-моддасига мувофиқ: «Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, давлат корхонасидан ташқари, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахснинг кредиторлар талабларини қондиришга қурби етмаса, суднинг қарорига мувофиқ у **ночор (банкрот)** деб ҳисобланиши мумкин. Юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши унинг **тугатилиши**га олиб келади»[1].

Демак, тугатиш балансини тузиш зарур бўладиган вазиятларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

-корхонанинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида фаолиятини тўхтатиш (оддий ширкат шартномасининг якунланиши);

-юридик шахснинг унинг таъсисчилари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларига мувофиқ ваколат берилган орган, ёки суд қарори билан тугатилиши.

-юридик шахс ихтиёрий ёки иқтисодий ночорлиги туфайли мажбурий (банкротлик, давлат органларининг қарорига кўра мажбурий тугатиш, бошқа ҳолатлар бўйича) тугатилиши мумкин.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш, бозор муносабатларининг ривожланиши ва янги ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги корхоналарнинг пайдо бўлиши ҳамда рақобатнинг кучайиши ҳар хил янгича молия институтларини вужудга келтирмоқда. Бундай янги тузилмалар мураккаб иқтисодий аҳволга тушиб қолган корхоналарни таҳлил қилиш ва баҳолаш, санация қилиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, бу борда кадрлар тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш ишлари билан шуғулланадилар. Фикримиз далили сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- Давлат активларини бошқариш агентлиги;
- Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциацияси;
- Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби ва б.

Ҳозирги вақтга келиб инқирозга қарши бошқарувнинг кузатув тартиб-

томили, мораторий, суд бошқаруви, суд санацияси, судгача санация, ташқи бошқарув,тугатиш ишлари ёки банкрот-корхоналарни тугатиш каби турлари кенг тарқалмоқда. Корхоналарнинг тўловга қобилиятсизлиги ва у билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-763-сон «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги қонуни (кейинги ўринларда – ЎРҚ-763-сон қонуни) [2] билан тартибга солинади.

Хусусан, мазкур қонуннинг 3-моддасига мувофиқ: «тўловга қобилиятсизлик — суд томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги»[2]. Ушбу моддада «банкрот — суднинг қарорига асосан тўловга қобилиятсиз деб топилган ва ўзига нисбатан тугатишга доир иш юритиш ёки мол-мулкини сотиш тартиб-таомили қўлланиладиган қарздор»[2] деб таърифланган. Шунингдек, «тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомили — кредиторларнинг талабларини мутаносиб равишда қаноатлантириш, қарздорнинг мажбуриятлардан озод этилганлигини ҳамда тугатилганлигини эълон қилиш мақсадида суд томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан қўлланиладиган тартиб-таомил, бундан жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар мустасно»[2].

Ўзбекистон Республикасининг 13 апрель 2016 й. ЎРҚ-404-сон «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг (кейинги ўринларда – ЎРҚ-404-сон қонуни) 27-моддасига мувофиқ: «Хўжалик юритувчи субъектни тугатиш чоғида якуний молиявий ҳисобот тузилади.

Тугатиш бўйича операцияларни ҳисобга олиш, тугатиш балансини ва ҳисоботни тузиш, активлар қийматини аниқлаш юзасидан жавобгарлик тугатиш комиссиясининг (тугатувчининг) зиммасига юклатилади.


Умидсиз қарзлар ва зарарлар тугатиш балансига киритилмайди.

Тугатиш балансида мажбуриятлар уни тузиш санасида ҳисобланган фоизлари билан акс эттирилади»[3].

Таъкидлаш жоизки, корхонани тугатиш дебиторлик қарзларини ундириш, мол-мулкларни инвентаризация қилиш, қайта баҳолаш, тақсимлаш ва кредиторлик қарзларини сўндириш ҳамда бошқалар билан боғлиқ узоқ давом этадиган жараён. Шунингдек, бу жараёнда, яъни тугатиш балансини тузиш чоғида, ЎРҚ-404-сон қонунининг 3-моддасида белгиланган, корхона фаолиятининг **узлуксизлиги принципи** қўлланилмайди. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда ушбу принципни амалда қўллашнинг имконсизлиги оқибатида **ҳисоб методологиясида ҳам ўзгаришлар** келиб чиқади. Масалан, тугатилаётган корхонанинг мол-мулкларини баҳолашда имкон қадар ҳақиқий бозор қийматини аниқлаш вазифаси қўйилади. Бу вазифани ҳал этиш эса кредиторлар ва корхона мулкдорлари олдидаги мажбуриятларни сўндириш имконияти тўғрисидаги ахборотларнинг шакллантиришини таъминлайди.

Мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили, ўқув-услубий

адабиётларни ва бевосита амалиётни ўрганиш натижалари шуни тасдиқладики, юридик шахсни тугатиш узоқ давом этадиган жараён ва шу боис, уни тўртта босқичга ажратиб амалга ошириш тавсия этилади (расм).



расм. Юридик шахсни тугатиш жараёнининг асосий босқичлари[1]

Тавсия этилаётган тугатиш босқичларининг натижалари дастлабки, оралиқ ва якуний тугатиш балансларида акс эттириб борилиши зарур.

Дастлабки, оралиқ ва якуний тугатиш баланслари юридик шахснинг таъсисчилари (иштирокчилари) ёки юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор чиқарган орган томонидан тасдиқланиши лозим. Тугатиш балансларининг ушбу турларини тузиш учун махсус шакллар норматив ҳужжатларда кўзда тутилмаган. Шу боисдан, фикримизча, «дастлабки тугатиш баланси», «оралиқ тугатиш баланси», «якуний тугатиш баланси» махсус шаклларини ва тузиш қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда норматив ҳужжат сифатида тасдиқлаш зарур. Бундай норматив ҳужжат тугатиш билан боғлиқ муносабаталарнинг ҳуқуқий ва ташкилий-услубий таъминотини такомиллаштириб, сифати ҳамда самарадорлигини оширган бўлар эди. Тугатиш балансларининг шаклларини эса, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 07.02.2002 й. «Молиявий ҳисобот шаклларини ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 31-сон буйруғи[4] билан тасдиқланган бухгалтерия баланси асосида ишлаб чиқилишини тавсия этамиз. Шу билан бирга, тугатиш балансларининг кўрсаткичларини шакллантириш қоидаларини ҳам ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Юридик шахсларни рўйхатга оладиган ягона давлат реестри (ЮШЯДР)га корхонани тугатиш тўғрисида ёзув киритилган йилнинг 1 январидан, бундай ёзув амалга оширилган санагача бўлган давр тугатилаётган юридик шахс учун сўнгги ҳисобот йили бўлиб ҳисобланади.

---

[1] **Эслатма:** *2-босқичда ОТБлари неча маротаба тузилиши мумкин. Бу тугатиш даврининг давомийлиги, кредиторлар ва мулкдорларнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжи ҳамда бошқа сабабларга боғлиқ.*

Юқорида таъкидлаганимиздек, **узлуксизлиги принципига** мувофиқ тугатилаётган хўжалик юритувчи субъект мол-мулкларини баҳолашнинг махсус қоидалари кучга киради. Хусусан, оралиқ тугатиш балансида мол-мулклар жорий ҳисобдаги ёки тиклаш баҳосида эмас, балки оралиқ тугатиш балансини тузиш пайтидаги ҳар бир активнинг сотиш мумкин бўлган баҳоси бўйича акс эттирилади.

Шундай қилиб, юридик шахсларни тугатишнинг норматив-ҳуқуқий таъминотини, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги қонунининг тегишли қоидалари, шунингдек қонуности норматив ҳужжатлар ва бошқа ташкилий-фармойиш ҳужжатларни тадқиқ қилиш натижалари шуни кўрсатдики:

1.Уларда дастлабки, оралиқ ва якуний тугатиш балансларининг аниқ таърифлари ҳамда уларни тузиш услублари (тартиби) келтирилмаган. Шунингдек, оралиқ тугатиш балансини тузишда унинг активи (тугатиш массаси)ни ва пассивини шакллантириш алгоритми услубий жиҳатдан таъминланмаган.

2.Тугатиш массаси тушунчасига ҳам аниқ илмий таъриф берилмаган. Фикримизча, **тугатиш массаси** – бу нафақат тугатиш ишининг очилиш пайтида баланс активида мавжуд бўлган мол-мулклар, балки инвентаризация ўтказиш чоғида аниқланган ва баҳоланиб киримга олинган ҳамда тугатиш ишини амалга ошириш жараёнида ҳаққоний бозор баҳосида қайта баҳоланган активлар қийматидан иборат. Шунингдек, ҳозирча тугатиш массасини аниқлаш тартибини белгилайдиган норматив ҳужжат ҳам мавжуд эмас. Натижада, оралиқ тугатиш балансининг активи (тугатиш массаси)ни шакллантиришнинг асосланган **босқичлари** (алгоритми) ва уни тўғри акс эттириш **тартиби** мавжуд бўлмаганлиги учун амалиётда бу масалага ҳар хил ёндашувлар ҳамда хато-камчиликлар учраётганлиги аниқланди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида оралиқ тугатиш балансининг активи (тугатиш массаси) ва пассивини шакллантириш босқичлари ишлаб чиқилди ҳамда таклиф қилинди.

3.ОТБ тугатилаётган корхона мол-мулкларининг ҳақиқий қийматини акс эттиришга имкон бериб, унинг ҳисобига кредиторларнинг талаблари қондирилади. Шунинг учун **ОТБ**га қуйидагича муаллифлик таърифи таърифи таклиф қилинди:

Оралиқ тугатиш баланси *корхонанинг тугатилиш чоғидаги мулкий ва молиявий аҳволини тавсифлайдиган кўрсаткичлар тизимидан иборат бўлиб, ҳаққоний (реал) тугатиш массаси (активлари)нинг қийматини, кредиторлар томонидан талаб қилинган ва қилинмаётган қарзлар ҳамда хусусий капитал қийматини акс эттиради*.

4.Тугатиш балансларини (дастлабки, оралиқ, якуний) тузишнинг норматив-ҳуқуқий ва илмий-услубий таъминотини ҳамда амалиётини тадқиқ қилиш натижасида уни такомиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги хулосага келдик. ОТБнинг махсус шакли одатдаги даврий баланслардан ҳам шаклан,

ҳам мазмунан фарқ қилади. ОТБни тузишнинг умумий қоидалари шакллантирилди, шунингдек у дастлабки ва якуний тугатиш баланслари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ифодалайди. ОТБнинг активи ва пассиви бўйича кўрсаткичларни гуруҳлаш, даврий баланс кўрсаткичларининг гуруҳланишидан фарқ қилади. Бу эса корхонанинг тугатилиш чоғидаги молиявий аҳволи тўғрисида маълумотлар шакллантирилишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси: (2022 йил 1.01 гача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). https://lex.uz/docs/111189
2.Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-763-сон «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги қонуни. https://lex.uz/docs/5957612.
3.Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (янги таҳрири), 13.04.2016 й. № ЎРҚ – 404, www. lex.uz.
4.Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 07.02.2002 й. «Молиявий ҳисобот шаклларини ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 31-сон буйруғи,www. lex.uz.

***Jalilov M.R.** – OBM tinglovchisi*

TELEKOMMUNIKATSIYA SOHASIDA SAMARADORLIKNI OSHIRISH MUMKIN BO’LGAN YO’LLARI

Iqtisodiy samaradorlik - iqtisodiy tizimlar (korxonalar, hududlar, xalq xo'jaligi) faoliyatini tavsiflovchi samaradorlik turi. Bunday tizimlarning asosiy xususiyati -bu maqsadlarga (natijalarga) erishish vositalarining (xarajatlari, xarajatlari) va ba'zi hollarda maqsadlarning o'zi (xususan, foyda olish) xarajat xususiyatidir.

Bugungi kunda dunyoda telekommunikatsiya sohasi iqtisodiyotning doimiy rivojlanayotgan tarmoqlaridan biri hisoblanadi. Telekommunikatsiya sohasidagi korxonalarning asosiy maqsadi foydalanuvchilarning turli xil ma'lumotlarni uzatish va olishga bo'lgan ehtiyojlarini qondirishdir.

Telekommunikatsiya tarmog’i birlamchi va ikkilamchi tarmoqlar xizmatlarining keng doirasi bilan ifodalanadi, bu xizmatlar bir-birini to'ldiradi. Birinchi holda, bozorda sifat parametrlari yaxshilangan yangi xizmatlarning paydo bo'lishi an'anaviy xizmatlarga talabning pasayishiga olib keladi. Ikkinchi holda, bir-birini to'ldiruvchi xizmatlardan birini ishlab chiqish boshqasiga bo'lgan talabni faollashtirishni ta'minlaydi.

Telekommunikatsiya iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlaridan biridir. Uning sharofati bilan iqtisodiyotning boshqa tarmoqlarining strategik rivojlanishi va faoliyati ta’minlanmoqda. Yangi xizmatlar va texnologiyalarning faol joriy etilishi bozor yetakchilariga bir vaqtning o‘zida uchta yo‘nalish – yuqori tezlikdagi internet, televidenie, mobil aloqa bo‘yicha ish olib borish imkonini beradi.

O’zbekistonda an'anaviy ravishda bu sohada ulkan salohiyat mavjudligi va uning negizida dasturiy ta'minot va uskunalarni, jumladan, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining turli sohalarida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish mumkin, deb hisoblayman. Biroq, bu segment istiqbolli bo'lsa ham, YaIM o'sishining asosiy tarkibiy qismiga aylangani yo'q.

Telekommunikatsiya xizmatlari sifatini oshirish va ularning narxini pasaytirish zarurati resurslarga bo'lgan talablarni kuchaytirishga majbur bo'lishiga olib keladi. Hozirda telekommunikatsiya kompaniyalari keyingi istiqbollar, yo‘nalishlar – keyingi qayerga borish, qanday qilib investitsiya siyosatini eng muvaffaqiyatli olib borish va istiqbolli bozorlarda yetakchi o‘rinni egallashni izlamoqda.

Vagel E.V., “Telekommunikatsiya korxonalarini rivojlantirish samaradorligini oshirishning nazariy jihatlari” nomli maqolasida, vazifani hal qilish (telekommunikatsiya korxonalarini rivojlantirish samaradorligini oshirish) uchun bir qator xususiy usullarni ishlab chiqish zarur deb hisoblaydi:

- telekommunikatsiya xizmatlari sohasida korxonaning tashkiliy tuzilmasini sintez qilish usuli;

- telekommunikatsiya xizmatlari sohasidagi korxona faoliyatining iqtisodiy noaniqlik zonasini iqtisodiy-matematik modellashtirish usuli;

- telekommunikatsiya xizmatlari korxonasini tarkibiy qayta tashkil etish usuli. Ushbu xususiy usullar telekommunikatsiya kompaniyalarini tashkiliy loyihalash va rivojlantirish samaradorligini boshqarish usullarining umumiy tuzilmasini tashkil qiladi[1].

Telekommunikatsiya sohasida samaradorlikni oshirishga qaratilgan chora-tadbirlar majmuasini bir qator vazifalarga bo'lish mumkin, masalan:

- birlamchi va ikkilamchi tarmoqlarni modernizatsiya qilish va rivojlantirish;

- mavjud asosiy vositalardan, shu jumladan tarmoq obyektlaridan maksimal darajada foydalanishni hisobga olgan holda barcha tarmoqlarni rivojlantirishga sarmoya kiritishni ta’minlash;

- integratsiyalashgan xizmatlarga ega raqamli tarmoqlarga o‘tish, intellektual tarmoqlar, mobil tarmoqlar va universal shaxsiy aloqani yaratish, multimedia xizmatlarini joriy etish va boshqalar.

Ushbu sohada raqamli texnologiyalarning joriy etilishi natijasida xodimlarni qisqartirish masalasi keskinlashadi, bu esa har qanday korxona uchun nomaqbul bo'lgan ijtimoiy komponentning o'zgarishiga olib keladi. Kadrlar bilan bog'liq muammolarni hal qilish uchun telekommunikatsiya sohasini tartibga solishni qayta ko’rib chiqish zarur.

Yangi ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlar davrida telekommunikatsiya sohasida muvaffaqiyatli ishlash faqat yangi texnik siyosatni ishlab chiqish bilan amalga oshirish mumkin. U mamlakatni tezkor boshqarishni ta'minlash va tarmoqni keyingi rivojlantirish uchun texnik-iqtisodiy shart-sharoitlarni yaratish maqsadida

[1] Российский рынок телекоммуникаций. [Электронный ресурс] // URL: http://www.mforum.ru.

telekommunikatsiya texnologiyalarini jadal joriy etishga qaratilgan qator dasturiy chora-tadbirlarni ishlab chiqishni o'z ichiga olishi zarur.

Bozor yetakchiligiga intilayotgan har qanday korxona o‘zining mavjud mahsulotlarini doimiy ravishda takomillashtirib, yangilarini ishlab chiqishi kerak. Biroq, asosiy xizmatlarda muhim yangiliklarni joriy etish deyarli har doim katta investitsiyalar, tadqiqotlar va vaqtni o'z ichiga oladi. Ko'pgina xizmat ko'rsatish sohalarida asosiy takliflardagi innovatsiyalar kamdan-kam uchraydi, shuning uchun asosiy e'tibor samarali texnologiyalarni joriy etishga qaratilishi kerak.

Ikkilamchi tarmoq faoliyati samaradorligini oshirishda yangi texnologiyalarni rivojlantirish muhim o‘rin tutadi. Zamonaviy bozor sharoitida bu mavjud va potentsial mijozlar uchun asosiy xizmatlarning ham, korxonaning ham jozibadorligini oshirish vositasi bo'lgan asosiy omildir.

Shunday qilib, mijoz bozori to'yingan bo'lsa, raqobat kuchayadi. Moslashuvchan tarif siyosatidan foydalanish samaradorligi (bu abonentlarni jalb qilishning an’anaviy shakliga aylangan) pasayib borayotganligi sababli asosiy e’tiborni qo‘shimcha xizmatlar turlarini kengaytirishga qaratish lozim. Korxonalar qo‘shimcha xizmatlarni (internet, kontent xizmatlari, teleko‘rsatuvlar, videoxabarlar) rag‘batlantirish va ulardan foydalanishni ko‘paytirish bo‘yicha choralar ko‘rishlari kerak.

Telekommunikatsiya korxonalari ichki biznes jarayonlariga ta'sir qilish uchun tashqi muhitda yaxshiroq harakatlanish va umuman xizmatlar samaradorligini oshirish imkonini beradigan boshqaruv texnologiyalarini qo'llash kerak.

Shunday qilib, daromadlarni saqlab qolish uchun ikki yo'l bilan harakat qilish zarur - abonentlar uchun kanal o'tkazish qobiliyatini oshirish (Gigabit Ethernetgacha) va yangi xizmatlarni taklif qilishdan iboratdir.

Жалолиддинов М.М. - *Молия вазирлиги, бош инспектор*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СЕКТОРИДА ИЧКИ АУДИТ ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сон “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ва 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон “Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан бир қатор вазирлик ва идораларда ички аудит тузилмалари (кейинги ўринларда – ички аудит хизматлари) ташкил этилди. (1-жадвал)

Айрим вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари тўғрисида маълумот[1]

1-жадвал

№	Давлат органи номи	Ички аудит тузилмаси номи
1	Иқтисодиёт вазирлиги	Ички аудит хизмати
2	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Ички аудит ва комплаенс назорат бошқармаси
3	Сув хўжалиги вазирлиги	Ички аудит хизмати
4	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Ички аудит ва молиявий назорат хизмати
5	Халқ таълими вазирлиги	Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси
6	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати
7	Ташқи ишлар вазирлиги	Ички аудит хизмати
8	Адлия вазирлиги	Ички аудит ва тушумлар таҳлили бўлими
9	Инновацион ривожланиш вазирлиги	Ички аудит хизмати
10	Мактабгача таълим вазирлиги	Ички аудит, молиявий ва ҳуқуқий назорат хизмати
11	Туризм ва спорт вазирлиги	Комплаенс назорат ва ички аудит хизмати
12	Давлат статистика қўмитаси	Ички аудит хизмати
13	Давлат солиқ қўмитаси	Ички аудит бошқармаси
14	Давлат божхона қўмитаси	Ички аудит ва молиявий назорат бўлими
15	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	Ички аудит хизмати
16	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	Ички аудит хизмати
17	Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобил йўллари қўмитаси	Ички аудит бўлими
18	Молия вазирлиги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси	Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси

Ҳозирда ташкил этилган ички аудит хизматлари фаолиятлари амалдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар ҳамда вазирлик ва идораларнинг идоравий ҳужжатлари асосида амалга оширилмоқда.

Бироқ, вазирлик ва идоралар томонидан ички аудит хизматлари фаолиятини амалга оширишда айрим масалалар ўз ечимини топмасдан очиқ қолмоқда, жумладан:

1. Вазирлик ва идораларда ташкил этилган ички аудит хизматларининг мақоми ҳамда ташкил этилиши бирон-бир норматив – ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланмаган. Бу ички аудит хизматлари фаолиятида қуйидаги муаммоларни юзага келтирмоқда:

- ички аудит хизматлари мақомининг белгиланмаганлиги вазирлик ва идора раҳбари, давлат молиявий назорати органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа органлар томонидан ички аудит хизматлари мақомини ҳамда ушбу хизматлар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларнинг таъсир доирасининг турлича талқин қилинишига олиб келмоқда.

Маълумот учун. *Илғор хориж тажрибасида ички аудит хизматлари аудит тадбирлари натижалари вазирлик ва идора раҳбари ва ички аудит*

[1] Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

объекти учун ҳисобот тарзида расмийлаштиради ҳамда ушбу ҳисобот фақатгина вазирлик ва идора доирасида фойдаланилади. Бошқа ташкилотлар ушбу ҳисоботдан фақат маълумот олиш юзасидан фойдаланиш мумкин.

- ички аудит хизматларининг ташкил этилиши қоидаларининг белгиланмаганлиги ҳозирда ички аудит хизматларини турли тузилмавий шаклларда ташкил этилишига сабаб бўлмоқда.

***Маълумот учун**. Ўзбекистонда ички аудит хизматлари алоҳида тузилма сифатида (Ички аудит хизмати) ёки бошқа тузилма билан биргаликда (Комплаенс назорат ва ички аудит хизмати), шунингдек бевосита вазирлик ва идора раҳбарига бўйсинувчи ёки ўринбосар(бошқарма бошлиғи)га бўйсинувчи шаклда ташкил этилган.*

Хориж тажрибасига кўра ички аудит хизматлари бевосита вазирлик ва идора биринчи раҳбарига бўйсинувчи мустақил тузилма сифатида ташкил этилади.

2. Ички аудит хизматларида малакали кадрларнинг етишмаслиги ҳамда мавжуд кадрларнинг назарий ва амалий тажрибаларининг камлиги.

Вазирлик ва идораларда фаолият юритаётган ички аудит хизматлари ходимларини аксарият қисми давлат молиявий назорати органларининг собиқ ходимлари ҳисобланади. Бунинг натижасида ички аудит фаолияти аксарият ҳолларда молиявий назоратни амалга оширишга қаратилмоқда.

Бундан ташқари ҳозирда республикада давлат секторида ички аудит бўйича ўқитиш ва малака ошириш фақатгина Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув маркази томонидан амалга оширилади, бироқ ушбу муассасада ҳам малакали ходимлар етишмайди.

3. Ички аудит хизмати фаолиятини тартибга солиш бўйича меёрий - ҳуқуқий базанинг ривожланмаганлиги.

Ҳозирда ички аудит бўйича қабул қилинган норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар асосан ички аудит хизматлари вазифаларини белгилаб беради, бироқ ички аудит хизматларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ички аудит хизматларининг давлат молиявий назорати органлари билан ҳамкорлик нормалари белгиланмаган. Бундан ташқари ички аудит хизматлари томонидан ички аудит тадбирларини ўтказиш тартиби ишлаб чиқилмаган бўлиб, бу ички аудит фаолиятини амалга оширишда муаммолар яратмоқда.

***Маълумот учун.** Илғор хориж тажрибасида давлат секторида ички аудит хизматлари фаолияти Ички аудит тўғрисидаги қонун, ички аудит станлартлари, Аҳлоқ кодекси ва Ички аудитни амалга ошириш қўлланмаси билан тартибга солинади.*

4. Рискларни бошқариш тизими яратилмаган ва унинг амалга оширилишига ягона йўналиш ҳамда барча соҳа ва йўналишларни қамраб олувчи вазирликлар фаолиятини самарали баҳолаш тизими мавжуд эмас. Бу ўз навбатида ички аудит хизматларига вазирликлар ва идоралар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича ўз вақтида ва сифатли тавсиялар беришга, тизимли равишда қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва

огоҳлантиришга, вазирлик ва идоралар ички назорат тизимини амалга оширишдаги янги йўналишларга бўлган эҳтиёжларни аниқлашга имкон бермай келмоқда.

5. Давлат молиявий назорати органлари ва ички аудит фаолиятининг вазифаларининг бир-биридан ажратилмаганлиги ва такрорланиш элементлари мавжудлиги.

Ҳозирда вазирлик ва идоралар ички аудит хизматлари ўз фаолиятларида асосан молиявий назоратни, яъни қонунбузулиш ҳолатларини аниқлаш ва уларни ундиришдан иборат бўлиб қолмоқда. Бу ўз навбатида давлат молиявий назорати органлари фаолияти билан такрорланиш ҳолатларини юзага келтирмоқда. Натижада аниқланган ҳолатлар бўйича статистик маълумотларда такрорланиш ҳолатлари ҳам юзага келмоқда.

Маълумот учун. *Ички аудит хизматининг асосий вазифаси вазирлик ва идора раҳбарини вазирлик ва идора ички назорат тизими тўғрисида холис ва ишончли ахборот тақдим этиш ва ички назорат тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон;

2.Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисидагиги қонуни, "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2019 йил 8 июль, 27-сон, 479-модда;

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3231-сон қарори, "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 4 сентябрь, 35-сон, 920-модда;

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4938-сон қарори, "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2020 йил 31 декабрь, 52-сон, 573-модда;

5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6300 Фармони, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz);

6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сон қарори, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz);

7.Robert de Koning, PIFC Public Internal financial control, 2007.
8.Внутренний контроль. Интегрированная модель, Комитет спонсорских организаций Комиссии Тредуэя (COSO), май 2013.
9.www.pempal.org;
10.www.theiia.org;
11.www.lex.uz.

Алимов Б.Б. *- ОБМ,кафедра PhD доценти*
Djumanazarova N.- *ОБМ тингловчиси*

ISHLAB CHIQARISH KORXONALARIDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH SAMARADIRLIGI

Bugungi kunda mamlakatimizda “Raqamli O’zbekiston-2030” dasturi[1] hayotga tatbiq etilgan va “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PQ-4699-sonli qarori[2] qabul qilingan. Unga ko’ra, 2023 yilga kelib raqamli iqtisodiyotning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushi 2 baravarga ko’paytirilishi rejalashtirilgan.

Bu borada Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoev Oliy Majlisga Murojaatnomasida “Taraqqiy etgan mamlakatlarda yalpi ichki mahsulotning 50 foizidan ortig’i “bilimlar iqtisodiyoti” hisobidan, ya’ni, innovatsiyalar va yuqori malakali kadrlar tomonidan yaratilayotgani buni yaqqol isbotlamoqda”[3] deb ta’kidlab o’tdilar.

Rivojlangan davlatlarning istiqbolga erishish tarixiga nazar tashlaydigan bo’lsak, ularning yetishtirgan mahsulotlariga, ko’rsatayotgan xizmatlariga va intelektual salohiyati doim talab yuqori bo’lganligi tufayli milliy mamlakatni rivojlantirishga katta ta’sir ko’rsatadi. Samaradorlik o’sadi, moliyaviy holati ijobiy tomonga o’zgaradi, investitsiya oqimi tobora oshib boradi hamda asta-sekin rivojlangan davlatlarga qo’shila boshlaydi.

Rivojlangan davlatlarning yalpi ichki mahsulotini asosiy qismini sanoat mahsulotlari tashkil etadi hamda davlat byudjetiga tushumlar ham sanoat tashkilotlari tomonidan soliq to’lovlari ko’rinishida tushadi.

Sanoat korxonalarida iqtisodiy muhitni to’g’ri tashkil qilish uchun mahsulot tarkibini tashkil qiluvchi moddiy (xom ashyo materiallari) xarajatlarni to’g’ri sarflanishi, ularning saqlash bilan bog’liq xarajatlari, xom ashyo va materiallarni sifatiga katta etibor berish lozim. Chunki moddiy xarajatlar mahsulot tannarxini sal kam 50-70 foizni tashkil qiladi.

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev 2020 yil 22-avgustida PQ-4812 - sonli “Mahalliy ishlab chiqaruvchilarni qo’llab-quvvatlashga doir qo’shimcha chora-

[1] O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli O’zbekiston — 2030» strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PF-6079-sonli farmoni. 05.10.2020 https://lex.uz/docs/5030957
[2] O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi «O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha Harakatlar strategiyasi to’g’risida»gi PF-4947-sonli farmoni. https://lex.uz/docs/3107036
[3] O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. //Xalq so’zi 2020 yil 30 dekabrь № 276 (7778). 1-4 betlar.

tadbirlar to'g'risida qaror"[1]lari bilan faol investitsiya va tashqi faoliyatni amalga oshirishda iqtisodiyot tarmoqlarni qo'llab quvvatlash bo'yicha keng ko'lamli ishlarni amalga oshirdilar.

Yirik sanoat korxonalari o'zlarining faoliyatlarini to'g'ri tashkil etish, samarali boshqarish hamda ish hajmini yengillashtirish maqsadida bir qator yangiliklarni loyiha sifatida ishlab chiqmoqdalar va amaliyotda sinovdan o'tkazilmoqda. Bazi yirik sanoat korxonalari rivojlangan davlatlarning kompaniyalaridan sinovdan o'tgan boshqaruv modellarini (raqamli iqtisodiyot dasturlari) tajriba asosida olib kirayotgan bo'lsa, bazilari esa yangi modellarni ishlab chiqmoqdalar. Ushbu modellar korxona faoliyatini samarali boshqarishga katta ta'sir ko'rsatmoqda.

Zamonaviy yirik ishlab chiqarish korxonalarining raqamli iqtisodiyotdagi tayanchi-bu 1:C ERP 2 dasturidir. "Cnews" va "TAdviser" - o'z nashrlarida 650 dan ortiq kompaniyalar 1:C ERP 2 dasturidan foydalanishini tan olishdi.1:C ERP 2 dasturi-1:C предприятие 8.3 va ERP 2 dasturlarining umumlashgan ko'rinishi bo'lib,bu dastur bilan ham yuqori iqtisodiy samaradorlikka ham ishlab chiqarish ko'lamini kengaytirishga erishiladi. Ishlab chiqarish korxonalari 1:C ERP 2 dasturidagi yagona platformadan PDM, MES, EAM, PMO, ITIL, CRM, MDM, WMS, TMS, BSC, ECM, CPM va boshqa dasturiy ta'minot qulayliklaridan foydalanishadi.

1:C ERP 2 dasturining afzalliklari:

- Ishlab chiqarishni boshqarishda muammoli vaziyatlarni tahlil etadi va zararsizlik nuqtasini aniqlab, ishlab chiqarish jarayonlaridagi ortiqcha xarajatlarni va muddatlarni kamaytiradi.
- Moliyaviy operatsiyalarni boshqarishda pul mablag'lari aylanmasini tahlil etadi, hujjatlar aylanmasini yengillashtiradi, tezlashtiradi va hisob-kitoblardagi shaffoflikni ta'minlaydi.
- Ish haqi va kadrlarni boshqarishda kadrlar rezervini, harakatini, bandligini, KPI ko'rsatkichlarini tahlil etadi. Soliq organlari bilan elektron ma'lumot almashadi ,salohiyatli kadrlarni malaka oshirish rejalarini va o'sish takliflarini beradi.
- Tovar moddiy zaxiralari hisobi va saqlanishini boshqarishda electron kirim chiqim hujjatlarini chop etishda, Tovar moddiy zaxiralarni omborda maxsus joylashuv tartibini belgilashda, zarur ehtiyot qismlarni qisqa muddatda izlab topishda ko'maklashadi.
- BXXS asosidagi hisob va hisobotda provodkalar berishda, soliqqa, mulkdorlarga va boshqaruvchilarga shaffof hisobotlarni tuzishda va electron yuborishda ko'maklashadi.
- Asosiy vositalarga xizmat ko'rsatish va ta'mirlashni boshqarishda joriy, capital va rejadan tashqari ta'mirlashlarni rejalashtiradi, oldindan ogohlantirish beradi, xarajatlar hisobini yuritadi. Asosiy vositalardan maksimal darajada ishlab chiqarish jarayonlarida foydalana olishda ko'maklashadi.

[1] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Mahalliy ishlab chiqaruvchilarni qo'llab-quvvatlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4812-sonli 21 avgust 2020 yildagi Qarori. https://lex.uz/ru/docs/-4964633

- TMB ta’minotini boshqarishda ishlab chiqarish rejasini amalga oshirish uchun ta’minotchilarni va buyurtmachilarni izlashda, shartnomalar tuzishda, joriy holatda TMZ lar qoldig’ini aniqlashda ko’maklashadi. TMBlarni o’z muddatida qabul qilishni, yetkazib berishni tahlil etadi va muqobil qarorlar uchun takliflar beradi.
- Mahsulot tan narxi va ishlab chiqarish xarajatlarining hisobini yuritishda mahsulot tannarxini avtomat tarzda haqqoniy sarflangan xarajatlar asosida aniqlaydi va unga bog’liq hisobotlarni shakllantiradi, tugallanmagan ishlab chiqarish miqdorini aniqlaydi va hisobini yurgizadi.
- Buyurtmachi va iste’molchilar bilan muomalalarni boshqarishda ularning iste’mol rejalari asosida mahsulot yetkazish muddatlari va hajmini belgilaydi, savdo jarayonlarini reglamentlashtirishga, biznes jarayonlarni tashkillashtirishga, murakkab sotuv jarayonlarini boshqarishga, tijorat xodimlari ishlarini tahlil etishga ko’maklashadi.

“1C: ERP Korxonani (Ishlab chiqarishni) boshqarish” har qanday korxona faoliyatini boshqarish uchun keng qamrovli axborot tizimini yaratishga imkon beradi. 1C kompaniyasining ushbu innovatsion yechimi biznesni boshqarishga integratsiyalashgan yondashuvdan, ilg'or xalqaro tajribalardan va ko'p yillik mahalliy amaliyotdan foydalanadi, bu esa moslashtirishning moslashuvchanligi, foydalanish qulayligi va sezilarli iqtisodiy samarani kafolatlaydi. 1C:ERP yechimlari liniyasi barcha asosiy tarmoqlarni qamrab oladi, keng funksiya va dasturiy vositalarga ega va har qanday hajmdagi korxonalarda foydalanish uchun mos keladi.

1C ERP yechimlari yordamida 1 000 000 dan ortiq ish joylari avtomatlashtirildi va mijozlarning umumiy soni 15 million kishidan oshadi. 4000 dan ortiq korxonalar allaqachon 1C: ERP Korxonani (Ishlab chiqarishni) boshqarish foydalanuvchilariga aylanishgan.

Hozirgi kunda mamlakatimizning tayanchi va iftixori bo’lgan “Navoiy Uran” DK da (ilgari NKMK DK da) innovatsion 1:C ERP 2 dasturini o’zlashtirish va amaliyotda qo’llash ishlari olib borilmoqda. Dastlabki natijalarga asosan buxgalteriya hisobi va hisobotini yurituvchi xodimlarning vazifalari bir muncha yengillashib, korxonamizga vaqt va resurslardan samarali foylanish imkonini yaratmoqda. Hisobchilar moliyaviy hisobotlarni nafaqat BXMS lari balki BXXS lari asosida ham yuritib kelmoqdalar. Korxonamiz hujjatlar aylanmasini elektron shaklga to’liq aylanishi orqali hujjat aylanmasini tezlashtirmoqda va xo’jalik xarajatlarini bir muncha qisqartirmoqda. Yuqoridagi ijobiy transformatsiya jarayonlaridan tashqari korxonada orqada qolayotgan sohalar ham mavjud. Masalan, buxgalteriya hisobini yuritishda ish haqi hisoblash tizimi 1:C ERP 2 dasturida to’liq yurgizilayotganligi uchun 1,5 ming nafardan ortiq ishchiga 2 nafar hisobchi bemalol xizmat ko’rsatishi mumkin, ammo ishlab chiqarishning yuragi bo’lagan mayda omborlarning tovar moddiy boyliklari hisobini yurgizish hamon boshqa dasturlar orqali amalga oshirilayotgani uchun hatto 4 nafar hisobchining jismoniy va aqliy salohiyati kamlik qilayotgandek go’yo. Bu o’z navbatida ishlab chiqarishda nafaqat dasturning kamchiliklari yangi dasturni qo’llay olish uchun imkoniyat va

sharoitlarni to’g’ri inobatga olinmaganligi hamdir. 1:C ERP 2 dasturini Tovar moddiy boyliklar hisobini yuritishda qo’llashimiz uchun:

-korxonamizda yangi zamonaviy ko’rinishdagi, xalqaro talablarga javob beradigan omborxonalarni tashkil etishimiz;

-ularni zarur bo’lgan barcha jihozlar bilan ta’minlashimiz;

-moddiy javobgar shaxslar, hisobchilar, iqtisodchilar, mutaxasislar, Tovar moddiy agentlarni ham nazariy ham amaliy, bilim va ko’nikmalarini yangi dasturga xos qilib tayyorlashimiz;

-moddiy javobgar shaxslar, hisobchilar, iqtisodchilar, mutaxasislar, Tovar moddiy agentlariga nisbatan o’z ishlariga loyiq oylik maoshi tayinlashimiz zarur.

Bu oddiy misol olisda joylashgan deyarli barcha korxonalarimizda ham mavjud bo’lib, 1:C ERP 2 dasturini Tovar moddiy boyliklar (TMB) hisobini yurigizishida noqulayliklarni keltirib chiqaribgina qolmay korxonalarimizdagi kamchiliklarning dengizidan bir tomchisi bo’lib hisoblanmoqda. Biroq bu o’z navbatida zanjir reaksiyadek tovar moddiy zaxiralari hisobidagi kamchilik boshqa sohadagi muammolarni ham keltirib chiqaradi. TMB lari zaxirasini aniq bilmaslik, kelgusidagi TMB larga bo’lgan ehtiyojni taqriban rejalashtirish va omborxonalarda nolikvid tovarlarning ko’payishi, asossiz ravishda ishlab chiqarish xarajatlari va ishlab chiqarilayotgan mahsulot tan narxning oshishi, buning natijasida ishchi-xodimlarning daromadlari pasayishiga va oxir oqibat jahon bozorida bizning mahsulotga bo’lagan talabning bir mucha pasayishiga olib kelishi mumkin.

Mamlakatimizning tayanchi bo’lgan “Navoiy Uran” Davlat Korxonamiz jahondagi o’z o’rnini saqlab turishi va bundanda yuksalishi uchun yuqoridagi barcha ko’z ilg’amaydigan jarayonlarni ham operativ tarzda hal etishimiz mumkin.

Davlatimizning barcha sohalarida yuqoridagi kabi muammolarini hal etishimiz orqali raqamli iqtisodiyotimizni yana 1% ilgariga odimlashishiga va boshqaruvni takomillashtirishdagi dolzarb muammolarini yechishilishiga sababchi bo’lamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1.O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli O’zbekiston — 2030» strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PF-6079-sonli farmoni. 05.10.2020 https://lex.uz/docs/5030957

2.O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi «O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha Harakatlar strategiyasi to’g’risida»gi PF-4947-sonli farmoni. https://lex.uz/docs/3107036

3.O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. //Xalq so’zi 2020 yil 30 dekabrь № 276 (7778). 1-4 betlar.

4.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Mahalliy ishlab chiqaruvchilarni qo‘llab-quvvatlashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4812-sonli 21 avgust 2020 yildagi Qarori. https://lex.uz/ru/docs/-4964633

Jurayeva G.I. *- ОБМ, таянч докторанти*

IQTISODIYOT TARMOQLARINI BOSHQARISDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI

Bugun raqamli texnologiyalar barcha sohalarga va odamlar hayotiga jadal kirib boryapti. Mamlakatimizda ham raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish eng muhim vazifaga aylangan. Prezidentimizning 2020 yil 28 apreldagi "Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorida 2023 yilga borib raqamli iqtisodiyotning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushini 2, ushbu sohadagi xizmatlar hajmini 3 baravar oshirish, ular eksportini 100 million AQSh dollariga yetkazish vazifasi qo'yilgan.Statistik ma'lumotlarga ko'ra, raqamli iqtisodiyotning mamlakatlar yalpi ichki mahsulotidagi ulushi AQShda 10,9 foiz, Xitoyda 10 foiz, Hindistonda 5,5 foizini tashkil etadi. "Vouchercloud" portali tadqiqotchilari dunyodagi "eng aqlli" 25 davlat ro'yxatini e'lon qildi. O'tkazilgan tadqiqot natijalariga ko'ra, birinchi o'rinni Yaponiya egallagan. Kunchiqar yurt tadqiqotning asosiy ko'rsatkichlari — Nobel mukofoti laureatlari soni, aholining o'rtacha IQ (aql-zakovat) darajasi, maktablardagi o'zlashtirish ko'rsatkich bo'yicha ham eng yuqori bahoga sazovor bo'ldi.

"McKinsey" ekspertlarining baholashi bo'yicha, bugungi kunda jahon YaIMning qariyb 10 foizi raqamli aktivlarga to'g'ri keladi, shu bilan birga, ularni ishlab chiqish sur'ati jahon iqtisodiy o'sishining 30 foiziga teng. Raqamli aktivlarning rivojlanishi akselerator (tezlashtiruvchi) harakatiga o'xshaydi

Shu o'rinda raqamli iqtisodiyot tushunchasiga to'xtalib o'tsak. Bu o'zaro bog'liq bo'lgan ishlab chiqarish, taqsimlash, almashish, iste'mol qilish va boshqaruv jarayonlarining (insonlararo, mashinalararo, bulutlar va katta hajmdagi raqamlar (BIG DATA) orqali) raqamli texnologiyalar hamda internet yordamida ma'lumot almashinishni optimallashtirish orqali katta foyda ko'rishga qaratilgan faoliyatdir.

Shu o'rinda alohida qayd etib o'tish kerakki, yangi bir uyg'onish davri — uchinchi Renessansga poydevor qo'yilayotganligi istiqbolimizning ulug'vorligini namoyon etadi. Ilmsiz, ma'rifatsiz jamiyat va mamlakat taraqqiyotini tasavvur qilish mushkuldir. Raqamli iqtisodiyot jamiyatda muayyan o'zgarishlarni yuzaga keltiradi, xususan, uning mehnat sharoitlariga ta'siri sezilarli bo'ladi. Raqamli transformatsiya sharoitida avtomatlashtirish jarayonlarining kuchayishi, sun'iy intellekt, ulkan ma'lumotlar bilan ishlaydigan analitik tizimlar, robotlardan foydalanish ko'lamining ortishi mehnat resurslari uchun o'rinbosar bo'lib xizmat qiladi. Natijada biznes yuritish sharoitlari takomillashib va samaradorlik sezilarli darajada ortadi.

O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo'yicha aniq miqdor ko'rsatkichlari ham belgilangan bo'lib, davriy jihatdan 2020 — 2023 yillarni qamrab oladi. 2023 yilga kelib raqamli iqtisodiyotning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi

ulushini 2 baravarga ko‘paytirishni ko‘zda tutadi. Raqamli iqtisodiyot aql bovar qilmas katta hajmda raqamli ma’lumotlarni to‘plashda davom etmoqda. 2022-yilda global IP trafik hajmi 150 700 Gbit/s(solishtirish uchun 2017-yil 45 000 Gbit/s) chiqishi kutilayotgani davrdan ortda qolmaslikka chaqiradi. Amaliy sa’y-harakatlar samarasi uzoq kuttirib qo‘ymadi. “Speedtest Global Index” 2020 yil iyun oyi natijalariga ko‘ra, yangi ma’lumotlarni e’lon qildi va internet tezligi bo‘yicha reytingda O’zbekiston hozirgi kunda 94-pog‘onani egallab turibdi, bir yil ichida 36 pog‘onaga ko‘tarilish kuzatildi. Umuman, oxirgi yilda O’zbekistonda simli internet tezligi 2,5 barobarga o‘sdi. Taraqqiy etgan davlatlar qatoriga qo‘shilishimiz uchun, eng avvalo, ilg‘or zamonaviy axborot-kommunikatsiya, internet hamda raqamli texnologiyalar sohasidagi bilimlarni chuqur egallash orqali yuksalishning eng qisqa yo‘lidan borish kerak.

O‘z o‘rnida qayd etish lozimki, mamlakatimiz hayotida raqamli iqtisodiyotning ayrim elementlari allaqachon muvaffaqiyat bilan faoliyat ko‘rsatmoqda. Jumladan, hujjatlar va kommunikatsiyalarning ommaviy ravishda raqamli vositalarga o‘tkazilishini hisobga olib, elektron imzoga ruxsat berish, davlat bilan muloqot qilish ham elektron platformalarga o‘tkazilmoqda.

BMT Bosh kotibi Antoniu Guterrishning ta’biri bilan aytganda, “raqamli iqtisodiyot yangi xavf-xatarlarni vujudga keltirishi mumkin, shu jumladan, kiberxavfsizlikka tahdidlar, noqonuniy iqtisodiy faoliyatning yengillashuvi, shaxsiy hayot daxlsizligini buzilishi bilan bog‘liq sabablarni keltirish mumkin. Yangi qarorlar qabul qilish hukumatlar, fuqarolik jamiyati, akademik guruhlar, ilmiy hamjamiyat va texnologik sektorlarning hamkorlikdagi harakatini talab etadi”.

Darhaqiqat, raqamli iqtisodiyot miqyosining kengayib borishida xalqaro hamkorlikni imkon qadar kuchaytirish zarur. Shu o‘rinda mamnuniyat bilan qayd etish joizki, O‘zbekistonda axborot xavfsizligi sohasida olib borilayotgan ta’sirchan chora-tadbirlar natijasida 2019 yilda Kiberxavfsizlik global indeksida 41 pog‘onaga ko‘tarilib, 52 o‘rinn egalladi.

Jahon bankining “Raqamli dividentlar” nomli tadqiqoti natijalari mamlakatlar iqtisodiyotini rivojlantirishda raqamli iqtisodiyotning naqadar dolzarb va muhim masala ekanligini ko‘rsatadi. Xususan, internet tezligining 10 foizga yuqorilashi mamlakat YaIM o‘sishiga ham olib keladi. Rivojlangan davlatlarda bu ko‘rsatkich, 1,21 foizni tashkil etsa, rivojlanayotgan davlatlarda 1,38 foizni tashkil etadi. Demak, internet tezligi 2 barobar oshadigan bo‘lsa, YaIM hajmi ham qariyb 15 foizga oshishiga erishish mumkin. Raqamli iqtisodiyot rivojlangan davlatlarda YaIM hajmi ham, YaIMning aholi son boshiga ulushi ham yuqoridir. Shu jihatdan, davlatimiz rahbarining bu masalaga davlat miqyosida e’tibor qaratishi bir maqsadni ko‘zlaydi, u ham bo‘lsa, birinchidan, aholining yashash darajasini yuksaltirish, ikkinchidan, aholining real daromadlarini oshirishdir.

Hozirgi kunda sun’iy intellektni rivojlantirish va bu sohaga investitsiya kiritish bo‘yicha global darajada keskin raqobat avj olmoqda. Sun’iy intellekt

sohasidagi tadqiqotlarda Xitoy Xalq Respublikasi yaqqol yetakchi hisoblanadi. 2030 yilga kelib, sun'iy intellekt yaratadigan qiymatni 150 milliard AQSh dollariga yetkazish ko'zda tutilgan. Shuningdek, sun'iy intellektga investitsiya kiritgan davlatlar o'ntaligidan AQSh, Buyuk Britaniya, Kanada, Rossiya, Germaniya, Norvegiya, Shvetsiya, Fransiya, Hindiston davlatlari o'rin olgan. Shu o'rinda ta'kidlash kerakki, O'zbekistonda sun'iy intellekt sohasidagi startap loyihalarni qo'shma moliyalashtirish (kraudfanding) mexanizmlarini joriy etish mazkur sohani moliyalashtirish imkoniyatlarini sezilarli darajada oshirishga xizmat qiladi.

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan xulosa qiladigan bo'lsak, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish hamda raqamli texnologiyalardan unumli foydalanish orqali xalqimiz farovonligini ta'minlaydigan yorqin kelajakni ko'zlar ekanmiz, sun'iy intellektni joriy qilish uchun zaruriy shart-sharoitlarni yaratish shubhasiz, bugungi kunning dolzarb va ustuvor vazifasi sifatida qaralishi zarur. Agar raqamli iqtisodiyot borasida mo'ljallangan vazifalar amalga oshirilsa, barcha sohalarda ulkan amaliy natijalar yaqqol ko'rinadi va aholi farovonligi sezilarli darajada ortadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1.Mirziyaev Sh.M. Мы все вместе построим демократическое и процветающее государство Узбекистан. T., «Узбекистан», 2016
2.Mirziyaev Sh.M. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должна стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя. // Народное слово, 16.01.2017.
3.Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию РУз". 07.02.2017., № УП-4947.
4.Постановление Президента РУз от 3 июля 2017 года ПП-3832 «О мерах по развитию цифровой экономики в РУз»
5.https://mininnovation.uz/oz/news/raqamli-iqtisodiyot-muammolar-va-imkoniyatlar
6.https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html
7.Nishonqulov, S. F. O. G. L., & Solidjonov, D. Z. O. G. L. (2021). Ta'lim biznesida raqamli innovatsion texnologiyalar. Science and Education, 2(6), 233-238.

Зарикеев Р.П. *– ҚМУ, мустақил изланувчи*

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Туризм соҳаси орқали аҳоли бандлигини таъминлаш учун дастлаб туристлар оқимини яхшилаш лозим, бундан аввал эса туристларни саёҳат қилишга ундовчи сабаб ва мотивларни ўрганиб чиқамиз. Саёҳат қилиш мотивацияси турли контекст ва маданиятларда ўзгарувчан бўлиб, бир

туристни бошқасидан ажратиб турадиган элементни аниқлаш қийин ҳисобланади. Кромптон туризм психологияси соҳасида одамларни таътилга чиқишга ундайдиган омилларни иккита макро тоифага ажратди.

-саёҳат қилиш истагини тушунтирувчи туртки омиллар;

-мақсадни танлашни тушунтирувчи жалб қилиш омиллари.

Ушбу таснифга кўра, таътилни танлашда икки хил жиҳат ўйнайди ва баъзан зиддиятли ҳам ҳисобланади:

-психо-ижтимоий (эмоционал, ижтимоий, когнитив ва мотивацион), бу ерда муаллиф саёҳат қилиш учун етти мотивацияни аниқлайди:

-кундалик ҳаётдан ва унинг атроф-муҳитидан қочиш; ўзини ўзи қидириш ва баҳолаш;

-жисмоний ва руҳий енгиллик ва ҳашамат учун,,

-оилавий муносабатлар ва дўстликни яхшилаш ва мустаҳкамлаш;

-ижтимоий муносабатларни осонлаштириш.

-"моддий нарсалар", байрамнинг иқтисодий имкониятлари ва маданий-географик элементларини назарда тутади.

Ушбу муаммолар таътилни танлаш жараёнида бир-бирига таъсир қилади. Туртки омиллар ижтимоий-психологик характерга эга бўлиб, шахснинг ички эҳтиёжлари билан боғлиқ. Уларнинг орасида асосий омил стресс ва кундалик чекловлардан "қочиш" истаги каби кўринади. Жалб қилиш омиллар ўрнига маълум бир мақсаднинг жозибали элементларини англатади. Бу, одатда, дам олиш ва саёҳат йўналишларини синчковлик билан танлайдиган ва оралиқ босқичларга эътибор қаратган сайёҳларда намоён бўлади, масалан, дунёқарашни кенгайтириш имкониятлари (бу турдаги туристлар учун асосий мақсад - янгиликка интилиш ва билимларини бойитиш истаги).

Сайёҳларни одатда маълум бир саёҳат танловига ундайдиган сабабларни топиш учун кўплаб тадқиқотчилар кундалик ҳаётдан ва жамият келтириб чиқарадиган муаммолардан "қочиш" саёҳатни танлашда такрорланадиган элемент эканлигини таъкидлайдилар. Бундай ҳолда, байрам кундалик ҳаётда (қуёш, денгиз, дам олиш, ўйин-кулги ва бошқалар) сезиладиган баъзи эҳтиёжлар ва камчиликларга нисбатан компенсация ролини бажаради. Шу билан бир қаторда, бу йил давомида қилган ишлари учун одамларни мукофотлаш усулига айланади: бу танлов орқали ҳар бир киши ўзини бошқалардан ажратиб туришига эътибор қаратишади. Ва ниҳоят, шуни таъкидлаш керакки, кўпинча саёҳат қилиш мотивацияси танланган таътил турига боғлиқ. Масалан, туризмнинг айрим турлари билан боғлиқ бўлган баъзи сабабларни кўриб чиқишимиз мумкин.

-физиологик: соғломлаштириш туризми, спорт туризми;

-чалғиш: кундалик ҳаётдан чалғиш туризми;

-шахслараро: ижтимоий туризм, оила ва дўстлар билан вақт ўтказиш ёки янги нарсаларни қидириш муносабатлар, психологик: дам олиш, ўйин-кулги ва бошқалар учун туризм, маданийтарихий, бадиий туризм ва бошқалар;

-экологик: экотуризм ва бошқалар;

-ҳашамат: элита туризми, бир хил ижтимоий синф ёки ундан юқори тоифадаги одамлар учун кашфиёт: саргузашт туризми, пиёда сайр қилиш ва бошқалар.

"Туристнинг эҳтиёжлари одамларнинг оддий ҳаётдан қочиб кетишини ҳис қилишлари заруратидан келиб чиқади, шунинг учун кундалик ҳаёт билан солиштирганда етарлича идрок қилинадиган узилишлар ва қайтиш истиқболига нисбатан асосли шубҳалар пайдо бўлади". Шу нуқтаи назардан, ушбу мотивацияларни икки синфга бўлиш мумкин:

-ўйин-кулги, ўйин-кулги ва дам олишни қидиришда юзага келадиган бўш вақт мотивлари ёки истаклари;

-билим, ўрганиш, янгилик излашда юзага келадиган маданий мотивлар ёки истаклар.

Инсониятнинг бутун тарихи давомида одамлар санъат, савдо ва миграция орқали маданий тажриба, ғоялар, қадриятлар ва товарлар алмашишган. Одамларнинг маданий ўзини намоён қилишлари доимо қизиқиш уйғотади. Туристнинг дунёнинг турли бурчакларига нисбатан табиий изланувчанлиги энг кучли туристик мотивлардан бирини ташкил қилади. Сайёҳлар ташриф буюрадиган объектлар уларнинг маънавий бойиши, дунёқараши кенгайишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатнинг тарихий ва маданий салоҳияти туризмнинг асосий омилларидан биридир, чунки:

1)Туристларни жалб қилишнинг муҳим воситаси, сабаби тарихий-маданий мерос билан танишиш туристик мотивларнинг энг кучли рағбатидир;

2)Маданий ва тарихий мерос объектлари замонавий шаҳарларнинг муҳим бойлиги бўлиб, улар фойда келтириши ва уларнинг иқтисодий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин;

3)Ижтимоий соҳада мавсумий тебранишларни тенглаштириш ва туристик оқимларни ҳудудда бир текис тақсимлашда катта аҳамиятга эга;

4)Бу минтақанинг қулай имиджини яратади, тарихий ва маданий мероснинг "брендини" яратади, бу эса туристик майдонда етакчиликни қабул қилишнинг самарали воситаси сифатида ишлатилади. Ва ниҳоят, маданий-тарихий марказлар нафақат ҳудудга даромад келтирмоқда, балки маҳаллий аҳолининг ноёб мероси билан фахрланишларига замин яратади ва уни сайёҳлар билан баҳам кўриш имконини беради. Деярли ҳар қандай маълумотни босма нашрлар, бадиий адабиёт ва бошқа манбалардан олиш мумкин бўлса-да, тарихий ҳақиқат эскирмайди: "Расм минг сўзга арзийди". Минтақанинг маданий салоҳияти унинг тарихий меросида намоён бўлади.

Ноёб тарихий объектларнинг мавжудлиги минтақада туризмнинг муваффақиятли ривожланишини олдиндан белгилаши мумкин. Туристик мотивларнинг энг кучли рағбатлантирувчиси бўлган тарихий-маданий туризм туристларни жалб қилиш ресурсларини кенгайтиришга ҳам ёрдам беради. Туристик харажатлар туфайли шаҳар иқтисодиётига қўшимча пул келади. Вилоятга келаётган сайёҳлар сонининг ортиб бораётгани, шубҳасиз, туристик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига, туристик марказда фаол истеъмол бозорининг шаклланишига ва маҳаллий туристик индустриянинг сармоявий жозибадорлиги ошишига сабаб бўлмоқда. Туристлар талабидан келиб чиққан ҳолда туристик маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ортиши туризм индустриясининг янги объектларини (меҳмонхоналар, умумий овқатланиш корхоналари, ҳордиқ чиқариш ва кўнгилочар жойлар) яратишга, мавжуд объектларни модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга олиб келади. Маҳаллий туристик индустрия корхоналари сонининг кўпайиши туризм соҳасида банд бўлган меҳнат ресурслари ҳажмини оширишни тақозо этади, бу эса кўплаб аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш имкониятини яратади. Мавсумий тебранишларни текислаш ва ҳудудда туристик оқимларни бир текис тақсимлаш тарихий-маданий туризм ўзгармас компенсатор бўлиб, ҳудуднинг алоҳида қисмларининг иқтисодий ривожланишининг нотекислигини ҳал қилади. Бу қолоқ ҳудудларни илғор саноат районлари даражасига кўтариш имконини берадиган иқтисодий, транспорт, коммунал ва бошқа фаолият турларининг пайдо бўлиши ва кенгайишига ёрдам беради. Тарихий ва маданий мерос туфайли минтақа бозорда ўзига хос обрўга эга бўлиши мумкин. Маданият элементлари ва омиллари туманнинг туристик имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш каналлари бўлиши мумкин. Туризмни ривожлантиришнинг муваффақияти нафақат моддий базага, балки тарихий ва маданий мероснинг ўзига хослигига ҳам боғлиқ.

Халқаро Савдо Маркази (ITC) - Жаҳон Савдо Ташкилоти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўшма агентлиги, савдони қўллаб-қувватлаш институтлари ва сиёсатчиларга ҳамкорлар билан барқарор ва инклюзив ривожланиш ечимларини тақдим этиш орқали ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти давридаги мамлакатларда кичик бизнес экспорти муваффақиятини таъминлашдан иборат бўлган вазифаларга эътибор қаратади. Инклюзив туризм дастури туризм индустриясининг ривожланиш ва қашшоқликни камайтиришга ҳисса қўшиш салоҳиятини ошириш мақсадида ташкил этилган. У туризмнинг салбий таъсирини камайтиришга қаратилган бўлиб, бунинг ўрнига туристик йўналишларда ва уларга туташ жойларда яшовчи маҳаллий заиф эркаклар ва аёллар ва туризм сектори ўртасидаги алоқаларни кучайтиришга қаратилган. Дастур инклюзив туризм бизнес моделларини яратадиган, манфаатдор томонларнинг ҳамкорлигини ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчи провайдерларни туризм таъминоти занжирига қўшадиган тадбирларни рағбатлантиради. Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчи провайдерларга зарур товар ва

хизматларни етказиб бериш имконини беради ва харидорларга маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан барқарор ҳамкорликни ривожлантириш кўникмаларини беради. Дастур потенциал маҳаллий таъминот имкониятларини баҳолайди ва бозорларга киришни осонлаштиради, шу билан ташқи етказиб берувчилардан импорт қилинадиган маҳсулот ва хизматлар миқдорини камайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Crompton, J.L. (1979). Motivation for pleasure vacation. Annals of Tourism Research, 6, 409-424.
2.Wasche, H., Woll, A. (2010). Regional Sport Tourism Networks: a conceptual framework. Journal of Sport&Tourism, 15(3), 191-214.
3.United Nations World Tourism Organization (UNWTO) (2012). World Tourism Barometer, 10/March
4.Zhao, W.; Ritchie, J.R.B. Tourism and Poverty Alleviation: An Integrative Research Framework. Curr. Issues Tour. 2007, 10, 119.
5.Zagnoli, P., Radicchi, E. (2011). Sport Marketing e Nuovi Media /Sport Marketing and New Media/. Milano: Franco Angeli
6.https://factory.dev/blog/travel-tourism-mobile-app
7.https://www.trt.net.tr/uzbek/turk-dunyosi/2019/02/22/buxoroda-o-tayotgan-birinchi-ziyorat-turizmida-tashrif-buyuruvchilar-soni-ortmoqda-1150771

Зулфиқаров Б.Д. *– ОБМ тингловчиси*

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА РИВОЖЛАНИШ АСОСЛАРИ

Инновация – бу бозор талабидан келиб чиққан ҳолда жараёнлар ва маҳсулотларнинг сифатли ўсиш самарадорлигини таъминлаш учун жорий этилган янгиликдир. Инсон интеллектуал фаолияти, унинг фантазияси, ижодий жараёни, кашфиётлари, ихтиролари ва рационализаторлигининг якуний натижаси ҳисобланади.

Янги истеъмолчилик хусусиятлари ёки ишлаб чиқариш тизимларининг самарадорлигини сифатли ошириш орқали бозорга маҳсулот (товарлар ва хизматлар)ни етказиб бериш – инновацияга мисол бўла олади.

Инновация – фойдаланиш учун киритилган янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулот (товар, хизмат) ёки жараён, сотувларнинг янгича услуби ёки иш амалиётидаги, иш ўринларини ташкил этишдаги ва ташқи алоқаларни ўрнатишдаги янги ташкилий услуб ҳисобланади.

“Инновация” тушунчаси ўзининг янги ҳаётини “инновацион комбинациялар”ни таҳлил қилиш, иқтисодий тизимларнинг ривожланишидаги ўзгаришлар натижасида XX-асрнинг бошида австриялик ва

америкалик иқтисодчи Й.Шумпетернинг илмий ишларида бошлаган. Шумпетер 1900-йилларда иқтисодда ушбу терминни илмий қўллашга киритган дастлабки олимлардан эди.

“Инновация” атамаси лотинча “novatio” сўзидан олинган бўлиб, “янгиланиш” (ёки “ўзгариш”), “in” қўшимчаси эса лотинчадан “йўналишида” деб таржима қилинади, агар буни яхлит “Innovatio” кўринишида таржима қилсак – “ўзгаришлар йўналишида” деб изоҳланади. Innovation тушунчаси биринчи бўлиб XIX-асрнинг илмий тадқиқотларида пайдо бўлди.

Мамлакатда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли ҳаёт даражаси ва фаровонлигининг барқарор ўсишига имкон берувчи фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишга, фан ва инновацион фаолият жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил натижалари мамлакатда фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга тўсқинлик қилувчи, жумладан, қатор тизимли муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Бугунги кунда жаҳон тараққиёти информацион-инновацион даврида кечмоқда. Бу жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи - бу илмий ютуқлар, янги технологияларни жадал ўзлаштириш ва самарали бошқаришга асосланадиган ўзгаришлардир. Натижада иқтисодий фаолият субъектлари ўртасида инновацияларни айирбошлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар тобора кўпроқ намоён бўлмоқда.

Иқтисодий жараёнлардаги туб ўзгаришлар (бозорнинг глобаллашуви, ахборот технологиялардан кенг фойдаланиш, ривожланишни бошқариш, бизнесни ташкил этишдаги таркибий ўзгаришлар) турли корхоналарда ислоҳотлар кўламини ўсишига сабаб бўлмоқда.

Илмий-техник тараққиётнинг асоси бўлиб ташкилотнинг ҳар хил соҳаларида қўлланиладиган ва инновацияларни яратилишига сабаб бўладиган ихтиролар ва кашфиётлар хизмат қилади. Амалий қўлланилишидан сўнг ихтиролар инновацияларга айланди. Улар жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларининг фаол бўғини ҳисобланмоқда. Замонавий маконни бундай ўзгаришларсиз тасаввур этиб бўлмайди. “Инновация” тушунчаси деярли барча соҳаларда қўлланилади, уй шароитида ҳам, профессионал даражада ҳам, шу жумладан давлат раҳбарлари ва халқаро ташкилотлар даражасида ҳам долзарб мавзу ҳисобланади.

Иқтисодий ривожланиш инновацияларни жорий этиш орқали амалга оширилаётганига қарамай, ушбу жараённинг ўтган асрдаги секинлик билан кечиши уни тўлиқ синаб кўришга имкон бермади. Постиндустриал давридаги жадал иқтисодий ривожланиш сифат жиҳатдан янги хусусиятларга эга бўлди: инновацион жараёнлар тараққиёт шартига айланди; инновациялар ишлаб чиқаришнинг етакчи омилига айланмоқда; ўзгаришлар тезлиги ошмоқда. Инновацион фаолият асосий фаолият мақомига давогарлик килмоқда ва

корхонанинг стратегик ривожланиши учун зарур шартидир. Адабиётларда “инновация” тушунчасининг турли хил таърифлари мавжуд бўлиб, улар кўпинча “янгилик” тушунчаси билан чалкаштириб тавсифланади. Шу муносабат билан уларнинг ўзига хос фарқларига эътибор қаратиш лозим.

Тадқиқотнинг методологик асоси инновацияларни тижоратлаштириш ва инновацион инфратузилмани шакллантириш муаммоларини таҳлил қилишда комплекс ёндашувни қўллаш ҳисобланади. Таҳлил натижалари асосида ташкилотларнниг инновацион фаолиятининг молиявий-иқтисодий асослари ва натижадорлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инновацияларни тижоратлаштириш усуллари батафсил баҳоланган.

Инновацияга ҳар қандай турдаги янгилик сифатида эмас, балки мавжуд тизимнинг самарадорлигини жиддий равишда оширадиган омил сифатида қарашимиз лозим. Кенг тарқалган янглиш фикрлашларга қарамасдан инновациялар кашфиётлардан фарқ қилади.

Инновацияларнинг илмий кашфиётлар ва ихтиролардан фарқи

Илм-фан – бу маълум маблағларни билимлар ва ғояларга айлантириш. Инновациялар – бу билимлар ва ғояларни маблағларга айлантиришдир. Ихтиро – бу янги концепцияни яратиш демак. Инновация – бу ихтиронинг амалий аҳамиятини ажратиб кўрсатиш ва уни муваффақиятли сотиладиган маҳсулотга айлантириш.

Иқтисодий адабиётларда “инновация” тушунчасига таъриф бериш учун турли хил ёндашувлар пайдо бўла бошлади. Э.А.Уткиннинг ёндашувига кўра инновация деганда “ишлаб чиқаришга жорий этилган объект тушунилади”. И.Степановнинг фикрига кўра, “инновация” тушунчаси илмий-техника салоҳиятини реал, янги маҳсулот ва технологияларни юзага чиқарадиган жараён сифатида талқин этилади. Л.Водачек ва О.Водачкова инновацияларни “корхона фаолиятининг тизим сифатида мақсадли ўзгариши” деб таърифлайдилар.

“Инновация” тушунчасининг юқоридаги таърифлари ўзгаришларни микроиқтисодий хусусиятини акс эттиради ва бу ерда улар ташкилот фаолиятини модернизациялаш омили сифатида кўриб чиқилган.

Б.Сантонинг фикрига кўра, инновация - бу юқори сифатли технологиялар яратиладиган техник, ижтимоий-иқтисодий жараён. Л.А.Баев ва Э.В.Шугуров фикрига кўра, “инновация” тушунчасини аниқлашда қуйидаги ёндашувлар мавжуд:

объектга кўра ёндашув;

жараёнли ёндашув;

объект-нафлилик ёндашуви;

жараён-нафлилик ёндашуви;

жараёнли-молиявий ёндашув.

Объектга кўра ёндашувга асосан, илмий-техник тараққиётнинг натижаси - янги техника ва технология – инновациялар бўлиб хизмат қилади. Объект мезони қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш имконини беради: **базис инновациялар** - йирик ихтироларни амалга оширишдан иборат,

технологияларнинг янги авлодини яратишга сабаб бўлган инновациялар; **такомиллаштирувчи инновациялар**, яъни илмий-технологик циклнинг барқарор ривожланиши босқичида кўп учрайдиган кичик ихтироларни амалга оширувчи инновациялар; **сохта инновациялар** (рационализаторлик инновациялар) техника ва технологияларнинг эскирган авлодларини қисман такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, одатда техник тараққиёт секинлашишига олиб келадилар, чунки улар жамиятга ҳеч қандай самара бермайди ёки салбий таъсир кўрсатади.

Объект-нафлилик ёндашувига кўра, инновация янги илмий-техник ютуқларни жорий этиш асосида ишлаб чиқарилган янги истеъмол қиймати сифатида таърифланади. Бу ерда инновациянинг нафлилик вазифаси устунлик қилади - жамиятнинг юқори нафлиликка эга бўлган эҳтиёжларини қондириш қобилияти.

Жараён-нафлилик ёндашуви доирасида объект-нафлилик ёндашувдан фарқли ўлароқ, “инновация” категориясига янги амалий воситани барпо этиш, тарқатиш ва қўллашнинг яхлит жараёни сифатида қаралади.

Жараён-молиявий ёндашув нуқтаи назаридан, инновация- бу янгиликларга сармоя киритиш, янги асбоб-ускуналар, технологиялар ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш учун молиявий ресурсларни инвестициялаш жараёни.

Инновацияларни ишлаб чиқиш олимлар ва муҳандислар томонидан амалга оширилади, аммо бу жараённи ташкил этиш, молиялаштириш манбаларини излаш, ишланмаларни жорий этиш ва бозорга тайёр маҳсулотни жойлаштириш билан инновацион менежерлар шуғулланадилар. Улар Ўзбекистон шароитида деярли йўқ бўлганлиги сабабли, инновацион-имитацион ривожлантириш стратегиясини амалга оширувчи ташкилотлар ўз менежерларини чет элга ўқишга ёки амалиёт ўташ учун юборадилар. Бизнинг фикримизча, ушбу муаммони ҳал қилишда миллий иқтисодиётнинг инновацион даражасини ошириш соҳасида мақсадли давлат сиёсати бўлиши зарур.

Ўзбекистон бизнес-мактабларини ғарбий услубда ишлайдиган таълим институтларига айлантириш миллий ташкилотларнинг инновацион фаоллигини оширишга ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, барқарор иқтисодий ўсишга олиб келади, чунки инновацион менежмент Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш тизимига айланади ва инноватика, яъни корхоналарнинг инновацион фаолиятини методологияси ва ташкил этилиши бўйича билимлар соҳаси шаклланади.

Инновациялар ишлаб чиқилишига инвестиция киритиш инновацион жараённинг ажралмас қисмидир. Бу ерда асосийси - янгиликни жорий этиш, уни инновация шаклига келтириш ёки ижобий натижага эришиш. Жамиятнинг иқтисодий ривожланиши натижасида янги, янада самарали ишлаб чиқариш омиллари, инвестициялар ва илғор инновациялар пайдо бўлади.

Инновациялар асосида ривожланиш нафақат иқтисодиётнинг балки фан сиғимли тармоқларида амалга оширилиши лозим, гарчи улар инновациялар

ҳаётий циклининг босқичларида ишлаб чиқариш объектлари фаолияти сифатини оширишга ва ресурсларни тежашга ҳисса қўшса ҳам, балки ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг интеллектуал ўзгаришини таъминлайдиган таълим соҳасида ҳам амалга оширилиши керак.

Шундай қилиб, “инновация” категориясининг тавсифи шундан далолат беради, унинг асосий элементи сифатида инновацион фаолиятнинг пировард натижаси - янги маҳсулот хизмат қилади, шунингдек, янгидан яратилган ёки такомиллаштирилган техник-технологик жараён ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”гининг ПҚ-3697-сонли қарори.
2.https://www.terabayt.uz/post/innovatsiya-tushunchasi-haqida
3.https://kun.uz/Инновацион ривожланиш вазири билан эксклюзив суҳбат.
4.О.А.Борис, В.Н.Парахина. Социальные проблемы управления инновациями и методы их нивелирования. Особенности управления инновационным развитием социально-экономических систем в современных условиях: коллективная монография; Ставропол: Издательско-информационный центр “Фабула”, 2011. -180 с.

Zulfikarov F.Y. *– OBM, mustaqil izlanuvchi*

O’ZBEKISTONDA G'AZNACHILIK TIZIMINI RIVOJLANISHINING USTIVOR YO’NALISHLARI

O`zbekiston Respublikasida davlat boshqaruvi tizimida olib borilayotgan islohotlar, vazifalar bilan birgalikda, davlat budjetining g`azna ijrosiga bosqichma-bosqich o`tishni va uning faoliyat mexanizmlarini takomillashtirishni nazarda tutadi. Bunda zamonaviy axborot texnologiyalari yordamida mablag`lar harakati to`g`risidagi ma'lumotlarni qayta ishlash, jamlash, uzatish usullarini o`zlashtirish asosida davlat moliyasini boshqarishning samarali usul va vositalarini shakllantirish zarur bo`ladi. Respublikamizda davlat budjetining g`azna ijrosini samarali tatbiq etishga barqaror rivojlanish ko`rsatkichlariga erishganimizdan keyingina muvaffaq bo`lindi. Hukumat davlat moliyasini boshqarish tizimida ham keng qamrovli islohotlarni muvaffaqiyatli amalga oshirib kelmoqda. Bu islohotlarning ijobiy natijalarini davlat budjeti g`azna ijrosining muvaffaqiyatli joriy etilishida ko`rishimiz mumkin. Davlat budjetining g`azna ijrosi davlat budjeti va davlat maqsadli jamg`armalarining barcha daromadlarini, shuningdek, budjet tashkilotlarining budjetdan tashqari mablag`lar bo`yicha tushumlarini yagona g`azna hisobraqamiga jamlash va ularning barcha xarajatlarini shu hisobraqamdan amalga oshirishni nazarda tutadi. Bu esa davlat budjeti, budjetdan tashqari fondlar, budjet tashkilotlarining budjetdan tashqari mablag`lari, davlat qarzlari va ularga

xizmat ko`rsatish jarayonlarining tezkor nazorati va monitoringini olib borish, davlati mablag`larining samarali ishlatilishini ta'minlash, davlat moliyaviy resurslarining harakati – to`g`risida operativ tarzda ma'lumotlami jamlash imkonini beradi. Taraqqiyotimizning bugungi sharoitida mamlakatimiz iqtisodiyotida sodir bo`layotgan tarkibiy o`zgarishlar butun moliya tizimida, uning markaziy bo`g`ini bo`lgan davlat moliyasida amalga oshirilayotgan islohotlar davlat moliyasini boshqarish masalalarida muayyan bilim va ko`nikmalarga ega bo`lish zarurligini talab qilmoqda. Bunday sharoitda nafaqat davlat moliyasi haqidagi ma'lum nazariy bilimlarga ega bo`lgan, balki davlat budjeti g`azna ijrosi jarayonlarida vujudga keladigan holatlarni tushuna oladigan, budjet ijrosi ishtirokchilari bo`lgan moliya organlari, g`aznachilik bo`linmalari, budjet tashkilotiari va budjetdan mablag` oluvchilar amaliy faoliyatini samarali tashkil qila oladigan, davlat mablag`larini samarali boshqarishga qaratilgan boshqarav qarorlarini qabul qila oladigan zamonaviy mutaxassislar tayyorlash birinchi darajali ahamiyatga egadir. Shu sababli davlatmoliyasi uchun tashabbuskor, ijodiy fikrlaydigan mutaxassis kadrlarni tayyoriashda budjet-moliya va budjetning g`azna ijrosi nazariyasi va amaliyotini o`rganishga muhim o`rin beriladi.

Bugungi kunda mamlakatimizdagi yirik tashkilotlarda davlat byudjeti ijrosi g'aznachilik tizimiga o'tkazilishi to'g'risida alohida vazifalar belgilangan bo’lib, yaratilgan tizim xalqaro standartlarga javob beradigan, bir qator rivojlangan mamlakatlar moliya tizimining ilg'or tajribasi va prinsiplarini o'zida mujassam etgan milliy g'aznachilik tizimi doirasida amalga oshirilishi shaxsan davlatimiz rahbari tomonidan bildirilgan ko’rsatma va yo'nalishlar asosida amalga oshirilayotgani alohida ahamiyatga ega. Shu sababli ham davlat mablag'laridan foydalanishning samarali mexanizmining yaratilishiga sabab bo'lganligi e’tirof etish mumkin. Bundan tashqari, g'aznachilik tizimini joriy etilishi byudjet tizimiga va yirik koxonalarga yagona g'azna hisobvarag'i orqali harajatlarni amalga oshirish hamda dastlabki va joriy nazorat kabi mexanizmlarni joriy etilishiga, byudjet tashkilotlari bilan tovarlar yetkazib beruvchilar o'rtasida tuzilgan shartnomalarni harajatlar smetasi doirasida va belgilangan maqsadlarga yo'naltirilishi ustidan qat'iy nazorat tizimini o'rnatib, ular tomonidan asossiz harajatlar qilishning oldi olinayotkanligi ko’rishimiz mumkin.

So'ngi bir necha yil ichida g'aznachilik tashkilotining strategik ahamiyati tobora ortib bormoqda hamda ularning tuzilishi va ko'lami oshishiga olib kelmoqda. Bugungi kunda g'aznachilik tashkilotlari biznes strategiyalari murakkabligini ko’proq aks ettirib bermoqda. Bundan tashqari o'zgarishlarga ta’sir etish ahamiyati tobora ortib borayotkanini ko’rishimiz mumkin.

G'aznachilik tizimi oldiga qo’yilgan savollarga to'g'ri javob topish likvidlik yoki kredit darajasi bilan kurashayotgan tashkilot va kompaniyalarga juda katta yordam beradi. Shuning uchun, aniq maqsadlari belgilangan g'aznachilik tizimi tashkilot va kompaniyalar uchun hal qiluvchi ahamiyatga ega.

O`zbekiston Respublikasida iqtisodiyotni erkinlashtirish va modernizatsiyalash sharoitida davlat moliyasi tizimida chuqur iqtisodiy islohotlar amalga oshirilmoqda. Bu islohotlar, qator vazifalar bilan birgalikda, davlat

moliyasini boshqarish samaradorligini oshirishni nazarda tutadi. Bunda davlat moliyasini boshqarish shakllari va usullarini takomillashtirish, fan-texnika taraqqiyoti yutuqlari, elektron hisoblash mashinalari va boshqa texnik vositalar yordamida axborotni jamlash, qayta ishlash, uzatish qoidalari va usullarini o`zlashtirish asosida axborotlashtirishni yanada rivojlantirish talab etiladi. Davlat moliyasini boshqarishdagi islohotlar sharoitida umum-davlatmoliya tizimining bosh bo`g`ini — davlat budjetini boshqarish, budjet jarayonini tashkil etish tizimidagi islohotlar, xususan budjet ijrosida kassali tizimdan jahon amaliyotida sinalgan va o`zining ijobiy natijalarini bergan davlat budjetining g`azna ijrosiga o`tish amalga oshirilmoqda. Shu narsa malumki, O`zbekiston iqtisodiyotiga xorijiy mamlakatlar bozor mexanizmlarini ko`r-ko`rona, sun'iylik bilan tatbiq etib bo`lmaydi, chunki jamiyat a'zolari o`rtasida shunday an'anaviy iyerarxik munosabatlar tizimi shakilanganki, ulami mensimaslik, keskin qarorlar qabul qilish chog`ida ularni o`tiborga olmaslik turli noxush holatlarga olib kelishi mumkin. Shu bilan birga, iqtisodiyotni boshqarishning jahon amaliyotida tan olingan bir qator mexanizmlarini iqtisodiy-ijtirnoiy rivojlanish sharoitlarimizga tegishli tarzda moslashtirgan holda qo`llash va ijobiy foydalanish maqsadga tmivofiqdir. Budjet mablag`laridan oqilona va samarali foydalanishni ta'minlovchi shunday mexanizmlardan biri - davlat budjetining g`azna ijrosidir. Rivojlangan mamlakatlar amaliyotidagi davlat budjetiniog g`azna ijrosi tajribasini o`zbekistonda joriy etish va rivojlantirish, davlat moliyaviy resurslarini boshqarishning axborotlashtirilgan tizimini joriy etish davlat moliyasining holati to`g`risida tezkor va ishonchli axborotlar olish imkonini beradi, bu esa davlat moliyasini samarali boshqarishni ta'minlaydi. Ana shu holatlaming mavjudiigi, shuntngdek, davlat moliyasini boshqarishning mohiyat jihatdan yangi - budjetning g`azna ijrosi mexanizimini joriy etish shart-sharoitlari, imkoniyatlari, afzalLiklarini, g`aznachilikning ishlash mexanizmlarini o`rganishning zarurligi mazkur fanning kehb chiqishiga sabab bo`ldi. Davlat moliyasini boshqarishni isloh qilishning asosiy yo`nahshlaridan biri mamlakatda davlat budjeti g`azna ijrosi mexanizmini joriy qilishdan iborat. "Davlat budjetining g`azna ijrosi to`g`risida"gi O`zbekiston Respublikasi Qonunining ishlab chiqilishi va qabul qilinishi davlat mablag`larini taqsimlash va ulardan foydalanishni tartibga solishda navbatdagi muhim qadam boidi. G`aznachilikni jorty etish budjetning daromadlar qismida tushumlaming toiiq va o`z vaqtida tushishini va xarajatlar qismida budjet mablag`larining maqsadii sarflanishining nazoratini kuchaytirish va pul oqimlarini samarali boshqarish imkonini berdi.

Respublikamizda o‘tqazilayotgan islohotlarning birinchi bosqichida byudjet siyosati iqtisodiy, siyosiy va ijtimoiy qayta qurish sharoitlarida davlat tomonidan barcha zarur xarajatlarni amalga oshirish uchun daromadlarni ta'minlashi zarur edi. 1995 yilda byudjet islohotlari davomida byudjet siyosatida yangi yo‘nalishlar ishlab chiqildi, ular jamlanma byudjetni tuzishda amalga oshirila boshladi. Shu davrda davlat byudjetining daromad va xarajat qismlarini qayta ko‘rib chiqildi, byudjet qonunchiligi ishlab chiqildi. Pul islohoti milliy valyuta-so‘mni muomalaga kiritish, pul muomalasini tartibga solish, pul-kredit siyosatini mustahkamlash byudjetning balansliligi vazifalarini hal qilishga imkoniyat yaratdi.

Davlat byudjeti taqchilligini ma'lum darajada kamaytirish siyosatini olib borilishi, xarajatlarda mablag‘larni tejamkorlikka rioya etish bilan daromadlarni byudjetga o‘z vaqtida tushirish siyosati 1995 yilgi byudjet ijrosida yaxshi natijalar berdi. Byudjet siyosatining asosiy yo‘nalishi va dolzarb muammolaridan biri, byudjet taqchilligini ma'lum nisbatda ushlab turish, uni tartibga solish usullarini rivojlantirish deb aniqlandi.

Prezidentimiz I.A. Karimov islohotlarning ikkinchi bosqichida ham byudjet siyosatining eng muhim vazifasi iqtisodiyotni byudjet taqchilligini cheklash hisobiga barqarorlashtirish vazifalarini hal etish zarurligini o‘zining «O‘zbekiston iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirish yo‘lida» asarida ta'kidlab o‘tdi. Ya'ni ijtimoiy faoliyatni rivojlantirish uchun zarur bo‘lgan mablag‘larni ajratish va taqchillik o‘rtasida eng qulay bo‘lgan mutanosiblikni o‘rnatish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Bu zarur bo‘lgan mutanosiblik albatta, iste'mol va iqtisodiyotni qayta qurish xarajatlarinigina qisqartirish evaziga bo‘lishi haqiqatga mutlaqo ziddir. Chunki u iqtisodiyot islohotlarini cho‘zilib ketishiga olib keladi. Byudjetdagi taqchillikka faqat iqtisodiyotni moliyaviy sog‘lomlashtirish bo‘yicha amalga oshiriladigan katta tadbirlar orqali barham berish, ya'ni yetishtirilgan xom ashyo va materiallarni shu yerning o‘zida tugal qayta ishlab, tayyor mahsulotga aylantirishni yo‘lga qo‘yish orqali erishish mumkin.

Bugungi kunda mamlakatimizda olib borilayotgan byudjet siyosatining asosiy yo‘nalishlardan byudjet taqchilligini ma'lum nisbatda ushlab turish va uni tartibga solish, byudjet mablag‘laridan sarflashda maqsadli, samarali va oqilona ishlatishga rioya etish bilan birga daromadlarni o‘z vaqtida va to‘liq tushirishdir.

Zero, byudjet taqchilligi muammosi nainki, pul muomalasining murakkab komleksli masalalariga balki, byudjet siyosati, davlatning iqtisodiyotga, shuningdek, ijtimoiy soha jarayonlariga samarali ta'sir etishiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri bog‘liq bo‘ladi.

O‘zbekiston uchun o‘z milliy suvereniteti va davlat mustaqilligini qo‘lga kiritgan dastlabki kunlaridanoq iqtisodiy mustaqillikka erishish, ayniqsa, iqtisodiy sohada o‘zimizga xos yo‘lni, ichki va tashqi siyosatni ishlab chiqish hamda amalga oshirish eng muhim vazifa sanaldi. Ushbu vazifaning to‘g‘ri bajarila borishi natijasida, iqtisodiy islohatlar ro‘yobga chiqa borish bilan birga, O‘zbekistonning boshqaruv, moliya, kredit tizimlari ham shakllana boshladi.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitusiyasining 1992 yil 8 dekabrda qabul qilinishi bilan mamlakatimiz moliya siyosatining huquqiy asoslari belgilab berildi, moliya va moliyaviy tizimlar rivojining yo‘nalishi ko‘rsatib berildi. Moliya, byudjet va pul-kredit sohasida amalga oshirib kelinayotgan izchil va oqilona siyosat yordamida mamlakatimizda mukammal moliya-kredit tizimlari yaratildi.

Ma'lumki, har qanday davlatning moliyaviy faoliyati, eng avvalo, davlat byudjetini shakllantirish, uning ijro etilishini ta'minlash, soliq siyosatini amalga oshirish, bank-kredit tizimlarini samarali ishlatish, pul muomalasi barqarorligiga erishish kabi sohalarni qamrab oladi.

Turli mamlakatlarda iqtisodiy va moliyaviy munosabatlarning yanada rivojlanishi ulardan siyosiy maqsadlarda foydalanish, soliq, boj, kredit kabi vositalar

yordamida ichki va tashqi siyosatda muayyan yutuqlarga erishish imkonini yaratdi. Bunday sharoitda davlatning moliyaviy tizimni vujudga keltirish, ularning bir maromda ishlashini ta'minlovchi qonunlarni yaratish, jamiyat moliyaviy faoliyat tamoillarini ishlab chiqish masalalari dolzarb muammolardan bo‘lib qoladi. Respublikamizda ham mustaqillikka erishilgandan keyin, ushbu yo‘nalishlarda tub islohotlar amalga oshirila boshlandi.

Eng, avvalo, bu sohada O‘zbekistonning o‘z milliy qonunchiligi yaratilganligi, o‘z milliy pul birligimiz so‘mning muomalaga kiritilganligi, soliq qonunlarining takomillashtirilganligi va soliq organlari tizimi yaratilganligi, banklar va bank faoliyati hamda moliya tizimlarida tub o‘zgarishlar sodir bo‘lganligini qayd etmoq kerak. O‘zbekiston Respublikasida ko‘p ukladli iqtisodiyotni shakllantirish asosida, xususiylashtirishni avj oldirish hamda kichik va o‘rta biznes hamda tadbirkorlikni rivojlantirish asosida, bozor iqtisodiyotini barpo etishda, huquqiy fuqarolik jamiyatini qurishda moliya va moliyaviy munosabatlar muhim ahamiyat kasb etadi.

O‘zbekiston Respublikasida moliyaviy munosabatlar orqali davlat byudjetining ijro etilishi, moliyaviy tizim tarkibiga kiruvchi davlat organlari faoliyatining bir maromda bo‘lishi, iqtisodiyot tarmoqlarining, ijtimoiy sohalarni-fan, ta'lim, madaniyat, sog‘liqni saqlash, ijtimoiy ta'minot va boshqa yo‘nalishlarini moliyaviy mablag‘ bilan ta'minlash amalga oshiriladi.

Har qanday davlatning byudjet tuzilishi uning davlat va ma'muriy hududiy tuzilishiga ko‘ra belgilanadi. O‘zbekiston Respublikasining Davlat byudjeti har yili ishlab chiqiladi va tasdiqlanadi hamda 1 yanvardan 31 dekabrgacha amal qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.I.A.Karimov “O’zbekiston bozor-munosabatlariga o’tishning oziga xos yo’li”. T.O’zbekiston. 1994y.

2.I.A.Karimov. “«O‘zbekiston iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirish yo‘lida”. T.O’zbekiston,1995y.

3.Ernst & Young Global Limited. Mavzu. G’aznachilik boshqaruv tizimining umumiy ko’rishi. https://assets.ey.com/content/dam/ey-sites/ey-com/en_gl/topics/assurance/assurance-pdfs/treasury-management-systems-overview.pdf

4.Kasimova G.A. G’aznachilik. O’quv qo’llanma. -T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2015y.

5.Jumaev N, Burxonov U. “Moliyaning dolzarb muammolari” Toshkent.2003y.

Ибодуллаев Ш.Т. *– ТДИУ, мустақил изланувчи*

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Коронавирус пандемиясидан кейинги даврда тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, коронавиурс пандемияси даврида хўжалик юритувчи субъектларнинг ва аҳолининг молиявий ҳолати ёмонлашганлиги сабабли уларга берилган кредитлар бўйича катта миқдорда муддати ўтган қарздорлик юзага келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли фармонига кўра, тижорат банклари томонидан молиявий қийинчиликларга дуч келган юридик ва жисмоний шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларнинг кредитлари бўйича тўловлар 2020 йилнинг 1 октябрига қадар кечиктирилди [1].

Қайд этиш жоизки, коронавирус пандемияси мамлакат банк тизимига жиддий салбий таъсир кўрсатганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси банк тизимини 2020-2025 йилларга мўлжалланган даврда ислоҳ қилиш стратегиясида пандемиядан кейинги даврда банк тизимини ривожлантириш, шу жумладан, тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланди:

- банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш;
- банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш;
- банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш;
- кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш;
- молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш [2].

Қайд этиш жоизки, коронавирус пандемияси пайтида тижорат банкларининг кредит портфелини сифатини жиддий тарзда ёмонлашганлиги уларнинг молиявий барқарорлигига нисбатан кучли салбий таъсир кўрсатди. Бу эса, тижорат банклари активларининг таркибида кредитларни жуда юқори салмоқни эгаллаши билан изоҳланади. 2022 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида кредитларнинг салмоғи 67,9 фоизни ташкил этди [3].

Ўз навбатида, тижорат банкларининг молиявий ҳолатни ёмонлашиши соф фойданинг даражасини пасайиши ҳисобига уларнинг инвестицион жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаситижорат банкларида муаммоли кредитларнинг ва соф фойданинг даражалари [4]

Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Муаммоли кредитларнинг брутто кредитларга нисбатан даражаси, %	1,5	2,1	5,2
Соф фойданинг брутто активларга нисбатан даражаси	1,2	1,5	0,8

Изоҳ: маълумотлар ҳар бир молиявий йилнинг 31 декабрь ҳолатига олинган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг брутто кредитларга нисбатан даражаси ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банкларнинг кредит портфелини сифатини ёмонлашаётганлигидан далолат беради ва уларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2019-2021 йилларда рсепублика тижорат банкларининг соф фойдасини брутто активларга нисбатан даражаси жуда паст бўлган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, мамлакат тижорат банкларининг инвестицитон жозибадорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Фикримизча, короанвирус пандемиясидан кейинги даврда республика тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни ҳал қилиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1.Тижорат банкларининг кредит портфелини сифатини яхшилаш орқали муаммоли кредитларнинг брутто кредитларга нисбатан даражасини пасайтириш мақсадида, биринчидан, имтиёзли кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларини ташкил қилиш мажбурияти тижорат банкларидан олиб ташланиб, Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этиладиган махсус жамғарма ҳисбидан захираларни ташкил қилиш тартибини жорий қилиш керак; иккинчидан, банкларнинг кредит портфелини бошқариш соҳасидаги тараққий этган мамлакатлар банк амалиётининг тажрибаси ўрганилиб, ундан Ўзбекистон банклари амалиётида фойдаланиш имкониятлари илмий жиҳатдан асослаб берилиши лозим; учинчидан, йирик лойиҳаларни комплекс экспертиза қилиш халқаро амалиётда катта тажриба тўплаган нуфузли молиявий консультантлар томонидан амалга оширилиши керак.

2.Тижорат банклари соф фойдасининг брутто активларга нисбатининг юқори ва барқарор даражасини таъминлаш учун, биринчидан, таснифланган кредитлар таркибини оптималлаштириш орқали кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг паст ва барқарор даражасини таъминлаш лозим; иккинчидан, соф фойда билан брутто активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш масаласи доимий назорат объекти қилиб олиниши керак; учинчидан, тижорат

банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларини ривожлантириш орқали уларнинг фоизли даромадлари миқдорини кўпайтириш лозим; тўртинчидан, тижорат банкларининг муддатли депозитлари Марказий банкнинг мажбурий захира талабномаларидан тўлиқ озод қилиниши керак.

2018 йил 1 октябрдан бошлаб мажбурий захираларни фақат миллий валютада шакллантириш тартиби жорий қилиниб, юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитлари бўйича захиралаш меъёрлари бирхиллаштирилди, яъни миллий валютадаги депозитлар учун мажбурий захира меъёрлари пасайтирилди ва чет эл валютасидаги депозитлар бўйича мажбурий захира меъёрлари оширилди ва тижорат банкларининг хорижий валютадаги депозитларига нисбатан мажбурий захира ставкаси 14 % қилиб белгиланди [5].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги №ПФ-5969-сонли “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиѐт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони//www.cbu.uz.
2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони. 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.
3.Тижорат банкларининг жамланма баланси//www.cbu.uz
4.Тижорат банкларининг жамланма баланси; Банк тизимининг даромадлилиги//www.cbu.uz
5.Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йиладги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот//www.cbu.uz

Ибодуллаева М.Т. *- Банк-молия академияси докторанти*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ВАЛЮТА РИСКИ ДАРАЖАСИНИ ПАСАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Валюта операцияларини амалга ошириш тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлгани ҳолда, хўжалик юритувчи субъектларнинг халқаро савдо-инвестицион фаолиятини молиялаштиришнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шу сабабли, халқаро банк амалиётида валюта операцияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан Deutsche Bank»нинг (Германия) форвард валюта операциялари ҳажми 22,9 фоизга ошди, Bank of America»нинг (АҚШ) валюта опционлари билан амалга ошириладиган актив операциялари ҳажми эса, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 6,2 фоизга кўпайди [1]. Тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожланиши уларнинг молиявий барқарорлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Тижорат банкларининг валюта операцияларидан оладиган даромадлари ва кўрадиган зарарлари миқдори бевосита банкларнинг очиқ валюта позицияларининг миқдорига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари фаолиятидаги валюта рискининг чуқурлашиб кетишини олдини олиш мақсадида банкларнинг очиқ валюта позицияларининг миқдорига нисбатан лимитлар ўрнатган. 2019 йилнинг 26 августидан бошлаб тижорат банклари учун очиқ валюта позициялари учун лимитлар ҳар бир операцион кун якунига банк регулятив капиталига нисбатан қуйидагича қилиб белгиланди:

- ҳар бир алоҳида валюта тури бўйича – 10%;
- барча узун валюта позициялари бўйича – 15%;
- барча қисқа валюта позициялари бўйича – 15%;
- жами очиқ валюта позициялари бўйича – 15% [2].
- Таҳлил натижалари кўрсатдики [3] :
- 2018-2020 йилларда ТИФ Миллий банкида валюта операцияларидан кўрилган зарарларнинг фоизсиз харажатлар ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига ва юқори даражага эга бўлди;
- 2016-2018 йилларда Асакабанкда валюта операцияларидан олинган даромадларнинг фоизли даромадлар ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлди, аммо, 2018-2020 йилларда мазкур кўрсаткичнинг пасайиш тенденцияси кузатилди;
- Асакабанкда валюта операцияларидан кўрилган зарарларнинг фоизсиз харажатлар ҳажмидаги салмоғи 2020 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада ошди;

Валюта операцияларини ривожлантиришнинг бирламчи зарурий шарти бўлиб, валюта операцияларининг даромадлилик ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ҳисобланади. Ўз навбатида, валюта операцияларининг даромадлилик ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш учун дастлаб валюта операцияларининг даромадлилиги ва риск даражаларининг ўзгаришига баҳо берилади, кейин эса, юзага келган салбий трендларнинг юзага келиш сабаблари аниқланади.

Тижорат банкларининг валюта операцияларидан оладиган даромадлари ва кўрадиган зарарлари миқдори бевосита очиқ валюта позицияларининг миқдорига боғлиқ. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикамизда валюта опционлари ва валюта фьючерслари муомаласининг мавжуд эмаслиги тижорат банкларининг очиқ валюта позициялари миқдорини камайтириш имконини чекланганлиги кўрсатади. Бундай шароитда банкларнинг очиқ валюта позицияларини қисқартириш имконияти спот ва форвард операцияларини ривожлантириш билан чекланиб қолади.

1-жадвал

Акциядорлик-тижорат “Саноатқурилишбанк” ва “Туронбанк”нинг очиқ валюта позициясини ўзгариши [3]

Кўрсаткичлар	Саноатқурилишбанк			Туронбанк		
	2018й.	2019й.	2020й.	2018й.	2019й.	2020й.
Очиқ валюта позицияси миқдори, млрд. сўм	764,7	216,2	1045,4	24,7	43,2	81,8
Очиқ валюта позициясининг регулятив капиталга нисбатан даражаси, %	34,1	7,6	16,7	6,7	4,8	7,5

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Саноатқурилишбанкда 2018 ва 2020 йилларда очиқ валюта позициясининг даражаси юқори бўлган. Бу эса, миллий валюта номинал алмашув курсининг волатиллиги юқори бўлган шароитда валюта рискининг чуқурлашишига олиб келади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Туронбанкда 2019 йилда 2018 йилга нисбатан очиқ валюта позициясининг даражаси пасайган, аммо 2020 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, миллий валюта номинал алмашув курсининг волатиллиги юқори бўлган шароитда валюта рискининг чуқурлашишига сабаб бўлади.

Фикримизча, тижорат банкларида очиқ валюта позицияларининг регулятив капиталга нисбатан даражасини ошишига йўл қўймаслик мақсадида, биринчидан, валютавий спот, своп, форвард операциялари ва валюта опционлари билан амалга ошириладиган операциялар орқали қисқа ва узун валюта позициялари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш керак; иккинчидан, тижорат банкларининг валюта захиралари таркибини етакчи валюталарда захираларни тенг нисбатда шакллантириш ва захиралар таркибини янгилаш орқали диверсификация қилиш лозим; учинчидан, миллий валютанинг номинал алмашув курсига нисбатан юзага келаётган босимларнинг таъсирини нейтраллаштириш орқали девальвация жараёнининг узлуксизлигига барҳам бериш зарур.

Валютавий своп операциялари ҳажмини ошириш тижорат банкларининг валюта захираларини диверсификация даражасини ошириш имконини беради.

Тижорат банкларининг спот операциялари бўйича юзага келган очиқ валюта позицияларининг ҳажмини қисқартириш мақсадида ҳисобли форвард операцияларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ҳисобли форвардда форвард шартномаси муддати тугаганда томонлар ўртасида валюта жуфтлигига кирувчи валюталарни айирбошлаш амалга оширилмайди, балки бир маротабалик тўлов тўланади. Ушбу тўлов миқдори томонлар ўртасидаги келишувга кўра, шартнома суммасига нисбатан базавий валютада ёки форвард курси ва спот курси ўртасидаги фарқ суммасига нисбатан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
1.Deutsche Bank. Annual Report 2020 (P. 353). http://www.db.com.; Bank of America. Annual Report 2020 (P. 134). http://www.bankofamerica.com.
2.Очиқ валюта позицияларини юритиш қоидалари//www.cbu.uz
3.Таҳлиллар ТИФ Миллий банки ва АТ “Асакабанк”нинг “Моляивий натижалар тўғрисида”ги ҳисоботи маълумотлари асосида амалга оширилган.
4.Операцион ва бозор рисклари ҳисоби: www.uzpsb.uz (Саноатқурилишбанк);www.turonbank.uz (Туронбанк).

Иминов З.М. *- ТДИУ, мустақил изланувчи*

ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларини бозор муносабатлари асосида ташкил қилиш босқич ва жараёнларида хўжалик юритишнинг турли мулкчилик шаклларидаги ташкилий-ҳуқуқий субъектлари ривожланиб, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) қийматида давлат мулкининг салмоғи камайиш, нодавлат сектори улуши эса ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Натижада, ЯИМ қийматида даромадлар таркиби ўзгариб, капитал маблағларнинг марказлашган тақсимотидан инвестициянинг бозор шаклларига ўтиш жараёнига нодавлат корхона ва ташкилотларини, шунингдек хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри инвестицион фаолиятларга кенгроқ жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратмоқда. Бунинг самараси ўлароқ Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицион фаолиятни тобора фаоллаштиришда давлатнинг бевосита инвестор сифатидаги роли ва ўрни камайиб, хусусий инвесторларнинг тараққий этиб боришида кузатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида янги институционал тузилмаларнинг пайдо бўлиши, инвестицион инфратузилма субъектлари, яъни тижорат банклари, махсус молия-кредит инвестиция институтлари кабиларнинг шаклланиши билан ифодаланади. Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш энг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этувчи категориядир.

Инвестициялар, том маънода, иқтисодиётнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш суръатлари ва кўламини кенгайтиришга, илмий-техника тараққиётини юксалтиришга ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади.

Шу боис иқтисодиётдаги мавжуд институционал ўзгаришлар, ишлаб чиқариш кучларининг рационал жойлаштирилиши ва ривожланиши, бошқа омиллар билан бир қаторда, республикадаги мавжуд инвестицион сиёсатга боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг

барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Буни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз ва ишимизни шу асосда ташкил этишимиз шарт. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз кундалик ҳаётимиздан жой олган энг долзарб масалалардан бири бўлмоғи лозим” [1], деб таъкидлаб, хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ғоят муҳим аҳамиятини ва уни жалб қилишнинг долзарблигини эътироф этади. Жаҳон ҳамжамиятида глобализация жараёни кечмоқда. Глобализация жараёнига қўшилиш бу дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорликда бўлиш, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатининг ўзаро манфаатли асосда бу давлатлар сиёсатига мос келишидир. Шу нуқтаи-назардан Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдида бугунги кунда ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасида географик жойланиши, табиий ресурсларининг таркиби ва захираси, ҳукумат олиб бораётган инвестиция сиёсати ва бошқалар билан муҳим роль ўйнайди.

Бугунги кунда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоси жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим макроиқтисодий хусусиятларидан бири бўлиб иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари” Давлат дастурида “аҳоли бандлигини ошириш мақсадида аҳолининг реал пул даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва даромадлар бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш, янги иш ўринларини яратиш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш” асосий вазифалар сифатида белгиланган[1].

COVID-19 пандемияси аҳоли бандлигига катта таъсир кўрсатди ва ҳозиргача давом этмоқда. Аҳолининг соғлиғига таҳдиддан ташқари, иқтисодий ва ижтимоий нотинчлик миллионлаб одамларнинг узоқ муддатли ҳаёти ва фаровонлигига таҳдид солмоқда. Бу эса ҳукуматлар олдида касалликка қарши курашиш билан бир қаторда, аҳоли бандлигининг барқарорлигини таъминлаш вазифаси ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Бу айниқса, касалнинг тарқалиши кучли кечган давлатлар, жумладан АҚШ, Европа мамлакатлари, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Хиндистон, Африка давлатлари ва бошқа давлатларда аҳоли бандлиги долзарб йўналишга айланиб улгурди. Аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасида

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида 700 га яқин фаол дастур ва лойиҳалар бўйича иш олиб бормоқда. Шунингдек, ХМТ бандликнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун давлатларнинг техник, ташкилий ва институционал имкониятларини қўллаб-қувватлаб келмоқда[6]. Глобал пандемия чекинаётган давлатлар қаторида Ўзбекистонда ҳам 2020 йилда пандемия сабабли юзага келган ишсизлик кўрсаткичи пасайиб, мавжуд иш ўринлари тикланмоқда. Аммо, аҳоли бандлиги пандемиядан олдинги даврдаги ҳолатига қайтгани йўқ. Бунинг асосий сабаби ташқи миграция билан боғлиқ. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларига кўра, бугунги кунда мамлакатимизда бошқа давлатларга бориб меҳнат қилаётган меҳнат мигрантлари сони 2,6 млн. нафардан ортиқ бўлиб, мазкур кўрсаткич жами аҳоли сонининг 7,5 фоизини ва жами меҳнат ресурсларининг эса 13,6 фоизини ташкил этади. Пандемия шароитида кўплаб иш жойларининг ёпилиши ва яшаш шароитининг қийинлашганлиги боис аксарият меҳнат мигрантлари мамлакатимизга қайтиб келдилар[3].

Бу эса ишсизлик даражасининг ўсиши ва аҳоли даромадларининг пасайишига олиб келди. Шуни эътиборга олиб, фикримизча бозор муносабатлари шароитида инвестицион фаолиятни амалга ошириш ва ривожлантиришнинг асосий, қулай шарт-шароитларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- инвестицион фаолиятни амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг сезиларли даражада кўпайиши;
- инвестицион фаолиятда иштирок этувчи мулкчиликнинг турли шаклидаги хўжалик юритувчи субъект ва объектлар сонининг муттасил ўсиш суръатига эга бўлаётгани;
- бўш турган пул маблағларини жамлаш ва уларни инвестицион фаолиятга жалб қилиш орқали инвестициялар билан боғлиқ талаб ва таклифни мувофиқлаштирадиган инвестицион бозорнинг шаклланганлиги, шунингдек унинг институтларини ташкил қилиш жараёнининг ривожланаётганлиги каби йўналишларда ўз ифодасини топмоқда [4].

Иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда инвестиция сиёсатининг таъсирини янада кучайтиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1.Мамлакат иқтисодиётига сарфланаётган инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш, технолгик, тармоқ, минтақа, молиялаштириш манбалари, мулк шакллари таркибларини такомиллаштириш мақсадида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларини янада чуқурлаштириш учун инвестицион фаолликни ошириш зарур.

2.Хомашё, ярим фабрикатлар билан тугалланган тайёр, қўшилган қийматни ўзида мужассамлаштирган истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ўртасидаги нисбатни юқори технологияли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига ўзгартириш мақсадида инвестицияларни капитал сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқлар (ёқилғи энергетика, металлургия ва кимё саноати)дан қайта ишлаш тармоқларига устун даражада йўналтириш;

3.Корхоналарнинг инвестицион фаоллигини ошириш учун уларнинг молиялаштириш манбалари ва имкониятларини бозор муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган банк кредитлари, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан кўпайтириш.

4.Аҳолининг жамғармаларини банк тизимига бўлган ишончни кўпайтириш асосида инвестицион фаоллигини янада ошириш. Кичик бизнес корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида банк кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уй-жой қурилиши, оилавий тадбиркорликни кредитлашни рағбатлантириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонининг 1-иловаси “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Lex.uz.
2. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т.: Иқтисодиёт – молия, 2014.-424 бет
3. Маматкулов Т.Д. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш: муаммолар, таҳлиллар ва ечимлар. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2021 yil.
4. Тухлиев Б.К. Инвестицион фаолиятни амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг таҳлили. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил
5. Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори ривожланишининг таҳлили. Монография.Т.: Фан ва технология,2016.-137 б.
6. https://www.ilo.org/pardev/lang--en/index.

Кайпназарова Г.Х. – *ҚМУ ассистенти*

КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ

Кичик бизнес корхоналарининг муваффақиятли ривожланиши унинг фаолиятида умумиқтисодий қонуниятларга риоя этилишига боғлиқ. Одатда йирик компания ва ташкилотларда хўжалик фаолияти пухта ишлаб чиқилган ва тегишли равишда муҳокамадан ўтказилган бошқарув қарорлари ва режалар асосида амалга оширилади. Кичик бизнес субъектлари, айниқса, хусусий эгаликдаги корхоналар (масалан, якка тартибдаги тадбиркор, оилавий тадбиркор, оилавий корхона ва ҳ.к.)да эса мазкур жараёнларга эътибор нисбатан пастлиги туфайли хўжалик юритишда конъюнктуравий ўзгаришлар, кутилмаган ҳолатлар ва вақтинчалик омилларнинг таъсири сезиларли бўлади.

Ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш кичик бизнес корхоналари фаолиятининг самарали бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий мутаносиблик – бу иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг турли таркибий қисмлари, томонлари ўртасидаги маълум нисбатлар орқали намоён бўлувчи ўзаро мувофиқлик бўлиб, у умумий ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланади. Илмий манбаларда мутаносиблик тушунчасига хилма хил ёндашувлар мавжуд. Масалан, “алоҳида қисмлар, тизимчалар ва элементларнинг маълум нисбати”[1]; “ижтимоий эҳтиёжлар таркибий тузилмасига мувофиқ келувчи иқтисодиётнинг ички мувозанатланганлиги” [2]; “нисбатларга амал қилиш; корхоналар, тармоқлар, соҳалар, минтақалар ва яхлит мамлакат иқтисодиётининг ўзаро мувофиқлашган ҳолдаги ривожланиши” [3]; “иқтисодиётдаги нисбатларга, рационал таркибий мувофиқликларга амал қилиниши” [4] кабилар шулар жумласидандир.

Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги иқтисодий мутаносиблик даражасини икки жиҳатдан, яъни кичик бизнес соҳаси ҳамда корхона жиҳатдан баҳолаш мумкин.

Соҳа бўйича баҳолашнинг услубий масалалари тўғрисида сўз борганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кичик бизнеснинг ўзи илмий-анъанавий тушунчадаги тармоқ ёки соҳа ҳисобланмайди. Яъни, “иқтисодиёт тармоғи – бу мамлакат иқтисодиётидаги бир турдаги технологиялар бўйича бир турдаги (яқин хусусиятга эга бўлган) ёки ўзига хос товар, молиявий ёки бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи корхоналар ва ташкилотлар (жумладан, муайян географик ҳудуддаги) йиғиндисидир” [5]. Ёки “Иқтисодиёт тармоғи – бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, технология ва қондирилаётган эҳтиёжларнинг умумийлигига эга бўлган корхона ва ишлаб чиқаришларнинг йиғиндисидир” [6].

Соҳа – хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг турли ташкилий бирлашмалари, тармоқлар иқтисодий фаолиятининг умумий жиҳатларини ўзаро уйғунлашган ҳолда намоён этувчи, иқтисодиётнинг нисбатан йирик узвий қисми. Соҳа турли даражадаги иқтисодий субъектлар фаолиятининг муайян белги ва жиҳатларини умумлашган ҳолда намоён этувчи мажмуи.

Масалан, “ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни яратишдаги иштирокига кўра ижтимоий ишлаб чиқариш икки йирик – моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларига бўлинади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасига саноат, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, юк транспорти, алоқа (хизмат кўрсатувчи моддий ишлаб чиқариш), қурилиш, савдо, умумий овқатланиш, ахборот-ҳисоблаш хизмати, моддий ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа фаолият турлари киради.

Ноишлаб чиқариш соҳасига уй-жой коммунал хўжалиги, йўловчи транспорти, алоқа (ноишлаб чиқариш соҳаси ва аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар), соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот, халқ таълими, маданият ва санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш, кредитлаш ва суғурталаш, бошқарув идоралари фаолияти киради” [7].

Адабиётларда иқтисодиётни турли соҳаларга ажратиш нисбатан эркин ва шартли тавсиф касб этади. Яъни, тармоқ ёки бошқа иқтисодий бирликларни қандайдир бир хил бўлган белги ва жиҳатларига кўра ажратилган ҳолда ўрганиш амалиёти мавжуд. Масалан, адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳаси, ижтимоий соҳа, инфратузилма соҳаси каби тушунчалар кенг қўлланилади. Шу нуқтаи назардан, кичик бизнес субъектларини ҳам уларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларга асосланган чегаралари орқали белгиланувчи муайян соҳа сифатида қабул қилиш мумкин.

Кичик бизнес соҳасида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги иқтисодий мутаносиблик даражасини баҳолаш мамлакат ёки унинг ҳудудлари кесимида кичик бизнес соҳасида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги иқтисодий мутаносиблик даражасини ўрганиш ҳамда бу борада мавжуд камчиликларни аниқлашга қаратилади.

Мазкур баҳолашда қуйидаги муаммоли жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

-айрим ишлаб чиқариш омиллари тўғрисидаги расмий статистик маълумотларнинг етишмаслиги;

-мавжуд статистик манбалардаги кўрсаткичларнинг ишлаб чиқариш омилларининг туркумланиши бўйича аниқ ифодаланмаганлиги;

-айрим ишлаб чиқариш омиллари, масалан, тадбиркорлик қобилиятини намоён этувчи кўрсаткичларнинг маълумотлар манбасига киритилмаганлиги;

-тадбиркорлик қобилиятини аниқ кўрсаткичлар орқали ифодалашнинг мушкуллиги ва ҳ.к.

Юқорида кўрсатилган жиҳатларнинг таъсирини камайтириш учун ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги иқтисодий мутаносиблик даражасини баҳолашни муайян корхона миқёсида амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Бироқ, мазкур ҳолатда ҳам қуйидаги муаммоларнинг юзага чиқиши эҳтимоли юқори ҳисобланади:

-корхона ҳисоб ва ҳисоботларида ишлаб чиқариш омилларининг аниқ турлари бўйича туркумланмаганлиги;

-корхона ҳисоботларида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни яққолроқ ифода этувчи натурал кўрсаткичларнинг мавжуд бўлмаслиги;

-корхона миқёсида ҳам айрим, масалан, тадбиркорлик қобилиятига оид кўрсаткичларнинг ажратиб кўрсатилмаслиги ва ҳ.к.

Ушбу ҳолатлар кичик бизнес корхоналари ва соҳасида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги иқтисодий мутаносиблик даражасини баҳолашнинг муайян услубий ёндашувини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу борада қуйидагиларни тавсия этилади:

-корхонанинг даврий ҳисоботлари (масалан, бухгалтерия баланси)да ишлаб чиқариш омилларининг муайян турларига мувофиқ келувчи активлар, ўз маблағлари манбалари ва мажбуриятларни белгилаб олиш;

-корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган турли хўжалик активлари ва пассивлари ўртасидаги оптимал нисбатларни белгилаб олиш;

-ушбу активлар, ўз маблағлари манбалари ва мажбуриятлари қиймат кўрсаткичларига таянган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликка баҳо бериш ва янада такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш.

Кичик бизнес соҳаси бўйича ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни баҳолашда тармоқ ва ҳудуд жиҳатдан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Бунда асосан кичик тадбиркорлик фаолиятига оид расмий статистика маълумотларидан фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Энциклопедический словарь терминов по менеджменту маркетингу экономике предпринимательству.. Зубарев Ю.А., Шамардин А.И. - https://vocable.ru/slovari/enciklopedicheskii-slovar-terminov-po-menedzhmentu-marketingu-ekonomike-predprinimatelstvu.html
2. Экономический словарь. Учебное пособие. М. МИИТ 2011. Войтов А.Г. - https://vocable.ru/slovari/ekonomicheskii-slovar-uchebnoe-posobie-m-miit-2011.html
3. Современная экономическая наука в понятиях и терминах 1997 г.. Василевский А.И. - https://vocable.ru/slovari/sovremennaja-ekonomicheskaja-nauka-v-ponjatijah-i-terminah-1997-g.html
4. Современный экономический словарь. 2-е изд. - https://vocable.ru/slovari/sovremennyi-ekonomicheskii-slovar-2-e-izd-.html
5. Отрасль экономики. - https://ru.wikipedia.org/
6. Отрасль экономики. / Экономика и право: словарь-справочник. - М.: Вуз и школа. Л.П.Кураков, В.Л.Кураков, А.Л.Кураков. 2004. - https://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_economic_law/
7. Сферы экономики. - http://center-yf.ru/data/economy/sfery-ekonomiki.php

Кайтаров В.Р. *– ОБМ докторанти*

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ БАНК ФАОЛИЯТИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИГА ТАЪСИРИ

Бугунги кунда республикамизда рақамли иқтисодиёт шароитида технологияларнинг ривожланиши натижасида, тижорат банкларининг янги инновацион электрон хизматларига талаби янада ортган. Аҳоли ўртасида банк биносига бормасдан, биргина телефон, компьютер ёки бошқа информацион технологиялар орқали кўплаб амалиётларни бажариш имконияти оммалашиб бормоқда.

Шунингдек, мижоз томонидан танланган банкнинг мобил иловаси ёки расмий сайтига кириб, керакли маълумотни олиш, турли тўловларни амалга ошириш, банк маҳсулот ва хизматлари бўйича буюртма бериш ҳамда мавжуд шикоят ёки эътирозларни йўллаш имкони мавжуд.

Ҳозирда электрон базага жамланган ахборотларнинг рақамлаштирилганлиги натижасида аввалларимаълум муддат кутишга тўғри келадиган банк амалиётларини бир неча сонияда ўтказиш имконини берувчи электрон дастурлар, қурилмалар яратилган. Банк тизимида замон талабларига мос ҳолда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ва шу орқали кўплаб банк хизматларини автоматлаштириш ишлари жадаллашган.

Ўзбекистон Республикасининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ килиш замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида асосий вазифалар белгилаб олинган:

➢масофавий банк хизматлари, шу жумладан, контактсиз тўловлар сони ва қамровини кенгайтириш;

➢автоматлаштирилган скоринг тизими, рақамли идентификациялаш ва кредит конвейерларидан кенг фойдаланиш;

➢банк маълумотлари ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини кучайтириш;

➢банк соҳасидаги янги концепция ва технологияларни кенг жорий этиш.

Бу вазифаларни амалга оширишдан кўзланган мақсад республикамизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш асносида ахолининг молиявий ва хуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги интеграциясини жадаллаштиришдан иборат.

Маълумки, банкларни рақамлаштириш жараёни банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни рақамли ахборот-коммуникация технологиялари асосида барпо этиш ҳисобланади. Бу жараёнда банк мижозларига молиявий хизматлар қулай, сифатли хамда тезкор равишда амалга оширилиши, операцион харажатларни камайишида муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили Ўзбекистон банк тизимида сўнгги йилларда банк хизматларининг сифати ва кўламини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Лекин жаҳонда бўлаётган ўзгаришлар, глобаллашув жараёни, рақобатбардошликни ҳаддан зиёд ривожланиши, тижорат банкларининг трансформация жараёнини янада фаоллаштириш, мижаозларга кўрсатилаётган банк хизматларини янги босқичга олиб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Банк тизимида рақамли ўзгартиришлар воситасида банк бизнес-моделлари оптималлаштирилиб, банк сегментини ривожлантириш масофавий банк хизматларидан тортиб молиявий операциялар соҳасидаги ўзгаришлар жадаллашувига олиб келмоқда. Банк хизматлари бозорида талабнинг ортиши натижасида рақобат ортиб бориб, ахборот-коммуникация технологияларининг янги имкониятларидан фойдаланишга зарурати янада ошди.

Юқорида келтирилган фикрларга қўшилган холда банк соҳасида рақамли трансформацияни ривожлантириш мижозлар эҳтиёжларини синчковлик билан ўрганиш ва мавжуд имкониятларни таҳлил қилиш орқали, мижозга йўналтирилган янги инновацион стратегияни ишлаб чиқиш орқали амалга оширилиши керак деб ҳисоблаймиз.

Мижозлар учун молиявий хизматлардан қаерда ва қачон фойдаланиш борасида танлов имконияти пайдо бўлди. Банклар томонидан туну кун режимида ишлайдиган (24/7) офислари шу эҳтиёжларни ўрганиш натижасидир. Бу эҳтиёжларга мос равишда молиявий бозорда тўловларни ўтказишнинг электрон тизими, электрон пуллар, масофавий банк хизматлари, жумладан, интернет орқали тақдим этилувчи банк маҳсулотлари, банк терминаллари ҳамда банкларнинг автоматлаштирилган маркази мисол бўла олади.

Маълумки, COVID -19 короновирус панедемияси билан боғлиқ карантин бошлангунга қадар аҳоли электрон банк хизматларига доир кўп билимга эга эмас, нимаики юмуши бўлса, банкка бориб уни хал этишга ҳаракат қилар эди. Банкларнинг мобил илова ишлаб чиққани билан ёки масофадан туриб бошқа банк хизматларидан фойдаланиш имконини берерувчи турли дастурлар ишлаб чиқилса ҳам бундан кўпчилик фойдаланмасди.

Карантин сабаб банк биносига бора олмай колган аҳоли масофавий банк хизматларига ҳам эҳтиёж сезди, ўзлари изланиб, ўрганиб, керак бўлса талаб қилиб, зарур хизматдан электрон дастурлар орқали фойдалана бошлади. Бу банклар томонидан электрон дастурларга янада кўпроқ эътибор қаратиш, тажрибали IT ходимлари ёрдамида масофавий хизматлар, мобиль илова ва дастурлар такомиллаштирилишига туртки бўлди. Бошқача айтадиган бўлсак, рақамли молиявий хизматларни ривожлантириш мамлакат банк-молия тизими равнақининг муҳим йўналишига айланиб улгурди.

Тижорат банкларида 2021 йил давомида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар бўйича юқори сонлар Агробанк – 2 355 155 та, Халқ банки – 2 148 750 та, Саноатқурилишбанк –1 667 420 та, Ипотекабанк –1 300 787 та, Миллийбанк – 1 191 694 тани ташкил этган. Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили асосида республикамизда банкларнинг молиявий хизматларини масофадан амалга ошириш жараёни жадал ривожланиб бормоқда дейишга хақли асосимиз бор.

Шу билан бир қаторда бугунги кунга қадар банклар тижорат ташкилоти эканлиги, аввало, тижорий мақсадни кўзлаши ҳамда бозор механизмлари асосида иш ташкил этилиши лозимлиги ҳалигача тушуниб етилмаяпти. Банкларнинг асосий фаолиятидан ташқарида бўлган вазифаларни бажариши каби ҳолатлар давом этмоқда. Банклар фаолиятига аралашув ҳали-ҳануз давом этмоқда Ҳудудларда банклар ва банк тизимидан ижтимоий-иқтисодий аҳамиятдаги сиёсатни юритишда кутилмалар юқорилигича қолмоқда.

Банклар ҳар доим лойиҳаларни мажбурий топшириқлар бўлгандан кейин амалда шуғулланиб келмоқда. Ҳозирги кунда маълумотлар субъектлар ўртасида электрон тарзда алмашиниб, иқтисодиётнинг барча бўғинларида иш

жараёнларининг автоматлаштирилиши билан ҳамма маълумотларнинг электрон базаларини яратишга киришилди. Бухгалтерия ҳамда бошқарув тизимларининг электрон интеграцияси шаклланиб, CRM (Customer Rehtionship Management) мижозлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш тизими яратилмоқда.

Шунингдек, республикамизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, банк хизматларини масофадан кўрсатиш иқтисодиётни янги босқичга кўтариш, банкларда трансформация жараёнларини амалга ошириш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги жараёнларни кенгайтириш мақсадида 2020 йил 12 май ПФ 5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Президент фармонига мувофиқ жорий йилдан бошлаб, банклар трансформация жараёнлари ўтказилиши белгилаб қўйилган. Фармонга мувофиқ замонавий технологияларни жорий қилиш, контакциз тўловлар сони ва қамровини кенгайтириш, автоматлаштирилган скоринг тизими, рақамли идентификациялаш, кредит конвейеридан кенг фойдаланиш, рақамли банкнинг тамойилларига асосланган бизнес-моделларини жорий этиш белгиланди, шунингдек, Ўзбекистонда биринчи рақамли “АнорБанк” ташкил қилиниб, ўз фаолиятини 2021 йилдан бошлади.

Фикримизча, рақамли иқтисодиёт шароитида банк молиявий хизматларини ривожлантириш мақсадида қуйидаги масалаларни ҳал этиш лозим:

-банклар иқтисодиётнинг локомотиви функциясини янада ривожлантиришда молиявий хизматлар юзасидан рақобат устунликлари, ихтисослашуви ва ўсиш нуқталарини инобатга олган холда, ўз вазифаларини амалга ошириш лозим;

-банклар тижорат ташкилоти эканлиги, энг аввало, тижорий мақсадни кўзлаши ҳамда бозор механизмлари асосида иш ташкил этилиши керак;

-банкларнинг асосий фаолиятидан ташқарида бўлган вазифаларни бажариши каби ҳолатларини олдини олиш зарур. Натижада, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва унда банк масофавий хизматларини янада кенгайтириш мамлакатимиз аҳоли турмуш даражасини ошриш, иқтисодиёт тармоқларининг шаффоф фаолиятини йўлга қўйишга ҳамда ахборот технологиялардан кенг фойдаланиш имкониятини оширади.

Камалова Р.З. *– БФА магистр*


ҲУДУДЛАРДА ЁШЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббуслари, стартап-лойиҳалари ва амалий тадқиқотлари натижаларини рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш, ёш

тадбиркорлик субъектларининг саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини ривожлантиришга асосий йўналишларнинг бирига айланиб улгурди.

Ҳусусан, Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳрида **804,8 гектар** ер майдонларида **216 та** ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ташкил этилди. Шундан **284,5 гектар** ер майдонига электрон онлайн-аукцион савдолари натижасига кўра ёшларнинг саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги инвестиция лойиҳалари жойлаштирилган.

Ҳудудларда ташкил этилган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари



Манба: Инвестициялар ва ташқи савдо расмий маълумотлари

Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ташкил қилишдан қуйидаги пировард натижаларга эришиш кутилмоқда:

ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва юритишлари учун Ёшлар саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқариш майдонлари тақдим этиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш;

ёшларга уларнинг саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги лойиҳалари, ташаббуслари ва ғоялари амалга оширилишида кўмаклашиш ва қулай шарт-шароитлар яратиш;

«стартаплар» ташкил этиш мақсадида бизнес-инкубатор вазифаларини амалга ошириш, ёш тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини барқарор ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш;

ёшларга ўз инновацион ишланмаларини ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш ва натижаларини тижоратлаштириш, йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқаларини ўрнатиш борасида амалий ёрдам кўрсатиш;

банд бўлмаган, шу жумладан «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни иш билан таъминлаш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш ҳисобланади.

Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш ишлари Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан

амалга оширилмоқда. Ҳусусан, 2021 йилда **110,8 млрд** сўм маблағлар ажратилган бўлса, 2022 йилда **203,5 млрд** сўм ажратилди.

Ёш тадбиркорлар томонидан ташқи бозорларда талаб юқори бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида **“Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси”** ташкил этилди.

Жамғармага Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайтармаслик шарти билан ажратиладиган 100 миллион АҚШ доллари ажратилди.

Жамғарма, асосан, мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантерея, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик, замонавий қурилиш материаллари, ҳунармандчилик ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш лойиҳаларини молиялаштирмоқда.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан ёшларнинг лойиҳалари молиялаштирилганда қуйилаги имтиёзларга эга:

молиявий ресурслар тижорат банклари томонидан бир ёш тадбиркорлик субъекти учун бир йўла **100 минг АҚШ доллари** эквивалентидан ошмаган миқдорда **7 йилгача** муддат билан тақдим этилади;

молиявий ресурслар тижорат банклари томонидан бир ёш тадбиркорлик субъекти учун бир йўла 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан юқори ва 500 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда 7 йилгача муддат билан тақдим этилади;

қиймати 500 минг АҚШ доллари эквивалентигача бўлган инвестиция лойиҳалари Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, ундан ошган қисми эса ушбу қарорда назарда тутилган имтиёзларсиз, тижорат банклари орқали умумий тартибда тақдим этилади;

тижорат банкларига инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун молиявий ресурслар Жамғарманинг мавжуд маблағлари доирасида, миллий валютадаги кредитлар бўйича йиллик **10 фоиз**, хорижий валютадаги кредитлар бўйича йиллик **2 фоиз** ставкалари билан тақдим этилади;

тижорат банклари миллий валютадаги кредитларни ўз маржаси миқдорини **4 фоиздан** оширмасдан йиллик **14 фоиз**, хорижий валютадаги кредитларни – ўз маржаси миқдорини **1 фоиздан** оширмасдан йиллик фоиз ставкасини **3 фоиз** миқдорида белгилаган ҳолда ажратади.

Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ёшларнинг лойиҳалари молиялаштирилиши

Т/р	Ҳудуд номи	Молиялаштирилган лойиҳалар		Кўриб чиқилмоқда	
		сони	берилган маблағ (млн.долл.)	сони	берилган маблағ (млн.долл.)
ЖАМИ		**391 та**	**30 279,0**	**38 та**	**4 031,4**
1.	**Қорақалпоғистон**	16	1 227,6	2	85,1
2.	**Андижон вилояти**	39	2 084,3	6	466,2
3.	**Бухоро вилояти**	63	3 612,7	4	417,4
4.	**Жиззах вилояти**	25	982,7	2	590,0
5.	**Қашқадарё вилояти**	24	1 691,8	4	362,0
6.	**Навоий вилояти**	18	1 386,4	5	384,5
7.	**Наманган вилояти**	36	2 209,4	1	75,1
8.	**Самарқанд вилояти**	13	1 043,0		93,9
9.	**Сирдарё вилояти**	43	2 926,5	5	337,6
10.	**Сурхондарё вилояти**	52	3 791,7	1	56,3
11.	**Тошкент вилояти**	6	422,0	2	200,0
12.	**Фарғона вилояти**	17	1 256,1	2	193,9
13.	**Хоразм вилояти**	9	679,3	1	469,5
14.	**Тошкент шаҳри**	30	6 965,5	3	300,0

Манба: Инвестициялар ва ташқи савдо расмий маълумотлари

Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳудудида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун бинолар қуриш мақсадларига молиявий ресурслар Жамғарманинг молиявий кўрсаткичлари ва унинг ресурс базасидан келиб чиққан ҳолда берилади:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига ёш тадбиркорлик субъектлари учун бино қуришга бериладиган молиявий ресурслар миллий валютада йиллик **10 фоиз** ставкаси миқдорида белгиланган ҳолда тақдим қилинади;

тижорат банклари томонидан ёш тадбиркорлик субъектларига биноларни лизинг асосида бериш миллий валютада йиллик **14 фоиз** ставкасини қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Бунда, ёш тадбиркорлик субъекти бошланғич тўлов сифатида лизингга бериладиган бино қийматининг **10 фоизини** ташкил қилувчи қисмини тўлайди.

Мазкур ислоҳатлар амалга оширилиши натижасида иқтисодиёт ривожланишида ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ривожланиши ва самарали фаолият юритиши, шунингдек, уларнинг ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш ҳамда Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришилади.

Каримберди Б.И. *– РВШБУ, Слушатель*

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НЕФТЕГАЗОВОЙ ОТРАСЛИ УЗБЕКИСТАНА

Нефтегазовая индустрия независимого Узбекистана, стала по-настоящему ведущей отраслью экономики, играющей важную роль в социально-экономическом развитии страны. В сложный период своего становления, молодое государство, располагая огромными подтвержденными промышленными запасами природного газа, нефти и газового конденсата, тем не менее, было вынуждено ежегодно завозить около 6-7 миллионов тонн нефти и нефтепродуктов для обеспечения потребностей всех отраслей экономики и населения. При этом тратились огромные валютные средства. Именно поэтому руководство Узбекистана решительно обозначило курс на выполнение сложнейшей стратегической задачи по достижению энергетической независимости.

Новая история развития нефтегазовой индустрии началась 3 мая 1992 года с принятием Указа Президента Республики Узбекистан о создании Узбекского государственного концерна нефтяной и газовой промышленности «Узбекнефтегаз», объединивший разрозненные предприятия по добыче, переработке и сбыту нефти, нефтепродуктов и газа. Это позволило реализовывать стране долгосрочные проекты. Согласно экспертным оценкам в Узбекистане сосредоточено примерно трет всех минерально-сырьевых запасов Центральной Азии. По добыче газа страна входит в двадцатку мировых лидеров.

За годы независимости в стране проделана огромная работа по реконструкции существующих мощностей, строительству новых заводов, комплексов и установок, дожимных компрессорных станций, подземных хранилищ газа. Предприятия этой отрасли осуществляют масштабные геологоразведочные работы, разведочное и эксплуатационное бурение нефтяных и газовых скважин, разработку нефтяных и газовых месторождений, добычу нефти, газа и газового конденсата и их переработку. Природный газ Узбекистана поставляется потребителям республики, обеспечивается транзит природного газа из сопредельных государств.

Сегодня нефтегазовая отрасль Узбекистана — это не только добыча ресурсов из недр земли, но и система комплексов по переработке сырья и производства продукции до конечного потребителя.

Высокоразвитая индустрия интегрировала в себя целый спектр по выпуску и реализации продукции, как на внутреннем, так и на внешних рынках.

Значительные инвестиции, последовательные институциональные преобразования в отрасли создали основу для достижения топливно-энергетической независимости, накоплен богатый опыт в реализации проектов модернизации и развития нефтегазоперерабатывающей индустрии.

В их основу легли гармоничное сочетание развитой сырьевой базы, технологический потенциал и высокая степень заинтересованности зарубежных компаний в сотрудничестве.

Именно с начала 2000-х годов начали привлекаться крупные иностранные инвестиции. Было усовершенствовано законодательство республики, предоставлены значительные налоговые льготы для иностранных инвесторов. В декабре 2001 года принят Закон «О соглашениях о разделе продукции», в 2002 году — новая версия Закона «О недрах».

В страну были привлечены ряд крупных зарубежных компаний, которые продолжают активно участвовать в добыче нефти и газа, формировании производственного потенциала топливно-энергетического комплекса. Активное сотрудничество с зарубежными партнерами и увеличение притока прямых иностранных инвестиций превратило нефтегазовый сектор в «локомотив» экономического роста Узбекистана.

Важным событием для страны стала реализация крупнейшего транснационального проекта — строительство газопровода «Туркменистан—Узбекистан—Казахстан—Китай», обеспечивающего экспорт и транзит природного газа. Стоит особо выделить такие проекты, как строительство Бухарского и реконструкция Ферганского нефтеперерабатывающих заводов, создание уникального Ходжаабадского подземного хранилища газа, возведение крупнейшего в регионе Шуртанского газохимического комплекса, строительство Устюртского ГХК на базе месторождения Сургиль и ряд других объектов.

Реализация передовых проектов стала возможной благодаря тесному международному сотрудничеству с такими компаниями, как «ЛУКОЙЛ Оверсиз», «Газпром» (Россия), CNPC International (Китай), CNODC, Korea National Oil Corporation, DAEWOO International, KOGAZ, Hyundai Engineering (Корея), Petro Vientam, HONEYWELL, UOP, General Electric (США).

Переработку нефти в Узбекистане обеспечивают три нефтеперерабатывающих завода (НПЗ): Ферганский НПЗ с мощностью 6,45 млн.тонн и Бухарский НПЗ с мощностью 2,5 млн.тонн, СП «Джаркурганнефтепереработка» с мощностью −250,0 тыс.тонн.

Основной объем добычи нефти обеспечивается за счет разработки месторождений юго-западных районов Узбекистана (Кокдумалак, Северный Шуртан, Крук, Северный Уртабулак и др.). Кроме того, на территории страны насчитывается более 500 небольших объектов нефтедобычи.

В первые годы независимости был реконструирован Ферганский НПЗ, что позволило сократить содержание серы в производимых нефтепродуктах. В 1998 году НПЗ создал совместное предприятие с компанией «Texaco Holding Incorporated» по производству высококачественных смазочных масел.

После ввода в эксплуатацию Бухарского НПЗ на рынке Узбекистана увеличилось производство таких востребованных продуктов, как автобензин, в том числе высокооктановых марок AI-91 и AI-95, авиационный керосин, экологически чистое и стойкое к низким температурам дизельное топливо,

сера и другое. Кроме этого, запущено производство авиатоплива Djet-A-1, предназначенного для современных авиалайнеров. Завод, построенный в 1997 году на основе проектов французской компании TEKNIP, обладает мощностью в 2,5 млн. тонн перерабатываемой нефти и газового конденсата в год. Что касается газопереработки, то это направление связано как с расширением производства сжиженного газа, конденсата, серы, так и с углубленным использованием всех ресурсов природного газа для химического синтеза с получением высоколиквидных продуктов.

За последние два года объемы добычи газа увеличились на 10 процентов, поставки населению природного газа - на 15 процентов, сжиженного – в 1,6 раза. За этот же период нефтеперерабатывающими заводами произведено дополнительно 204 тысячи тонн продукции из нефти, полностью удовлетворена потребность внутреннего рынка в бензине. [1]

В настоящее время в системе АО «Узбекнефтегаз» эксплуатируются следующие газоперерабатывающие предприятия: Мубарекский ГПЗ, Шуртанский газодобывающий комплекс, Шуртанский ГХК, Газлинское нефтегазодобывающее предприятие, а также Устюртский ГХК.

С вводом в эксплуатацию в 2001 году Шуртанского ГХК не только в Узбекистане, но и во всем Центральноазиатском регионе заложена основа новой отрасли — газохимической. На предприятии впервые была применена криогенная технология переработки природного газа, обеспечивающая разделение этана, пропана, бутана и газового конденсата. Комплекс производит в год более 125 тысяч тонн полиэтилена высокой и средней плотности.

Еще один крупнейший проект, появившейся на индустриальной карте Узбекистан в 2016 году — Устюртский ГХК, возведенный совместно с консорциумом корейских компаний на базе месторождения Сургиль (плато Устюрт). Крупнейший газохимический комплекс имеет проектную мощность по переработке 4,5 млрд. кубометров природного газа с производством около 387 тысяч тонн полиэтилена, 83 тысяч тонн полипропилена.

В 2022 году ввели в эксплуатацию один из самых амбициозных энергетических проектов в мире на сегодняшний день — завод по производству синтетически-жидкого топлива на основе очищенного метана ООО «Шуртанского ГХК». В рамках проекта за счет ежегодной переработки 3,6 миллиарда кубометров природного газа будет производиться 1,5 миллиона тонн высококачественного синтетического топлива, отвечающего требованиям «Евро-5». Из них 743 тысячи тонн составит дизельное топливо, 311 тысяч тонн — авиакеросин, 431 тысячу тонн —нафта и 21 тысячу тонн — сжиженный газ.

Реализация вышеуказанных проектов позволяет увеличить производство качественного товарного газа, повысить извлечение из газа ценных компонентов, организовать на их основе производство высокорентабельных, экспортоориентированных полимерных продуктов, что способствует

развитию газохимии что в дальнейшем сэкономит около 2 млрд долларов и заменит импорт многих нефтепродуктов в Республике Узбекистан.

Сегодня нефтегазовая отрасль уверенно смотрит в будущее и для этого есть все основания. Одним из ключевых направлений на предстоящие годы является создание собственной современной нефтехимии, расширение производственной цепочки готовой продукций.

Хотел особо отметить внимание главы нашего государства Шавката Мирзиёева на продолжение реформ в нефтегазовой сфере. В соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах преобразования осуществлены и в нефтегазовой промышленности. [3] В частности, постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию системы управления нефтегазовой отраслью» от 30 июня 2017 года усовершенствована система управления АО «Узбекнефтегаз» [4]. Утверждена Программа увеличения добычи углеводородного сырья до 2023 года, определены механизмы ее реализации. Реализация данных направлений и программ развития нефтегазовой отрасли требует обеспечения финансовой устойчивости, привлечение иностранных средств с современным оборудованием и инновационными технологиями. Таким образом, с уверенностью можно сказать, что нефтегазовая промышленность Узбекистана сегодня успешно реализует проекты по углублению переработки углеводородного сырья и освоению выпуска новых видов продукции, ориентируясь на тенденции, наметившиеся на глобальном уровне. Делая вывод из вышесказанного, инновации являются основным приоритетом развития нефтегазовой отрасли Республики Узбекистан.

Список использованной Литературы:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-2614 от 28 сентября 2016 года «О мерах по увеличению производства готовой экспортоориентированной продукции на основе глубокой переработки углеводородного сырья на 2016 — 2020 годы».
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».
3. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3107 от 30 июня 2017 года «О мерах по совершенствованию системы управления нефтегазовой отраслью»
4. http://uza.uz/ru/society/problemy-i-perspektivy-neftegazovoy-politiki-uzbekistana-at-01-07-2019


Каримов А.И. *- ТМИ доцент в.б.,PhD*

ФОНД БОЗОРИГА ИНВЕСТОРЛАРНИНГ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ МОДЕЛЛАРИ

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва уни тараққий этириш ҳар бир давлатнинг стратегик вазифаларидан бир ҳисобланар экан, ушбу соҳада Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз амалиёти ва тарихига эгадир. Ўтган даврлар ичида республикамиз қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасининг кенгайиши ва иштирокчиларининг ортишини кўришимиз мумкин. Хусусан, юртимизда ушбу соҳани янада ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60-сонли фармонида “иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 млн. АҚШ долларидан 7 млрд АҚШ долларига етказиш мақсад қилиб олинган бўлиб, ушбу йўналишларда 2022-2023 йилларда 23 та давлат тасарруфидаги йирик корхоналар акцияларини фонд биржасида бирламчи ва иккиламчи оммавий жойлаштириш орқали хусусийлаштириш бўйича алоҳида “йўл харита”ларини ишлаб чиқиш”[1] қайд этилган.


Иқтисодий адабиётларда қимматли қоғозлар бозорининг яъни фонд бозорининг тўртта асосий моделлари кўрсатиб ўтилган. Ушбу моделларнинг фарқи - мамлакатдаги қимматли қоғозлар бозорини қайси органлар томонидан бошқарилаётгани, назорат қилинаётганлигидадир ва улар қуйидагилар: «банклар назорати остидаги қимматли қоғозлар бозори; мамлакат Молия вазирлиги томонидан назоратга олинган қимматли қоғозлар бозори; махсус давлат органлари томонидан томонидан назоратга олинган қимматли қоғозлар бозори; аралаш назоратга эга қимматли қоғозлар бозори (махсус давлат органлари, молия вазирлиги ва банклар) »[2].

Ҳозирги кунда Германия модели номини олган биринчи модель қимматли қоғозлар бозорида банкларнинг ваколати ва назоратини тўлиқ таъминлашга қаратилган. Ушбу моделда фонд бозоридаги операциялар учун капитал ва молиявий маблағлар банклар орқали жалб этилади ва барча савдо битимлари банклар томонидан рўйхатга олинади.



1-расм. Европадаги йирик фонд биржаларда компаниялар капиталлашуви[3]


Юқоридаги 1-расм орқали Германия модели фаолият олиб бораётган фонд бозорларидаги компаниялар акциялари капиталлашуви берилган бўлиб, маълумотларга кўра 2021 йилда Euronext фонд биржаси 7.33 млрд. долларлик қийматга эга бўлган. Шунингдек, қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш банкларнинг иқтисодий функциялардан бирига айланади ва ушбу моделда қимматли қоғозлар савдосини биржадан ташқари амалга ошириш имконияти мавжуд эмас. АҚШ молиявий тизимига мос келувчи иккинчи модель қимматли қоғозлар бозорининг Америка модели деб номланади. Ушбу моделда қимматли қоғозлар бозорида савдо операциялари турли институционал тузилмалар: инвестицион фондлар, брокерлик конторалари, дилерлик фирмалари, депозитарийлар, клиринг марказлари ва бошқа компаниялар томонидан амалга оширилади.



2-расм. АҚШдаги йирик фонд биржаларида компаниялар капиталлашуви[4]

Қимматли қоғозлар бозорининг Америка моделида савдо битимлари ва эмиссия рисолалари бўйича асосий назорат Молия вазирлиги томонидан олиб борилади. Қимматли қоғозлар бозоридаги барча операциялар молия тизими орқали мувофиқлаштирилади ва тартибга солинади.

Илмий изланишларимиз натижасига кўра, қимматли қоғозлар бозорининг учинчи моделига Англия ва Япония давлатларида ташкил топган фонд бозори тизимларини мисол келтирсак бўлади. Ушбу моделда бошқарув ва назорат давлатда махсус ваколатли органлар томонидан назоратга олинган. Мос ҳолда ваколатли органлар қимматли қоғозлар бозорига оид қонунлар, норматив-ҳужжатлар, стандарт ва йўриқномалар ишлаб чиқишда ташаббусчи ва уларни амал қилинишини назорат қилишда асосий ўрин эгаллайди. Англия-япон модели асосида қимматли қоғозлар бозоридаги савдо операциялари, компанияларнинг тизимга кириши ва эмиссия рисолалари давлат томондан ваколат берилган махсус орган томонидан тартибга солинади ва назоратга олинади. Замон талабидан келиб чиққан ҳолда, 2001 йил 1 декабрда «Молиявий хизматлар тўғрисидаги» қонуннинг ўрнига парламент томонидан «Молиявий хизматлар ва бозорлар тўғрисидаги»[5] қонун қабул қилинди.



3-расм. Осиё ва Европадаги йирик фонд биржаларда компаниялар капиталлашуви[4]

3-расм маълумотлари асосида шуни таъкидлаш мумкинки, Японияда фаолият олиб бораётган Japan Exchange Group 2014 йилда 4.01 млрд АҚШ долларлик капиталлашувга эришган бўлса, 2021 йил 3.8 млрд АҚШ долларлик натижа кўрсатган. Ушбу ҳолатга албатта, жаҳонда юз бераётган Covid-19 пандемиясини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Навбатдаги, қимматли қоғозлар бозорининг аралаш моделида бир вақтнинг ўзида бир неча давлат бошқаруви органлари ва тузилмалари орқали савдо жараёнлари олиб борилади ва тартибга солинади. Аралаш қимматли қоғозлар бозори моделларига мансуб фонд биржалари фаолиятида кўпроқ Молия вазирлиги тузилмаси ва Марказий банкларнинг иштирокини

кўришимиз мумкин. Шунингдек, бошқа ваколатли ва манфаатдор тузилмаларни ҳам фонд бозорини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда фаол аралашувини кузатсак бўлади. Қимматли қоғозлар бозорининг аралаш моделида савдо операциялари бир неча ваколатли органлар томонидан мувофиқлаштирилади ва тартибга солинади. Ҳар бир назоратчи орган ўзининг асосий функционал вазифасидан келиб чиққан ҳолда фонд бозорини назорат қилади.

Хулоса қилганда, ҳар бир давлат ўз аҳолисига фаровон турмуш даражаси яратишга ҳаракат қилади. Албатта, бу ўринда фуқароларнинг ўзи ҳам иш ҳақи кўринишидаги даромадлардан фарқли равишда бошқа турдаги молиявий ресурслар оқимини кўпайтиришлари лозимдир. Молиявий даромад олишнинг энг мақбул йўлларидан бири сифатида инвесторларнинг компанияларга қимматли қоғозлар бозори орқали сармоя киритишларидир. Бу ўринда, уч томонлама манфаатлар ижобий ҳал этилади: инвестор учун дивиденд кўринишидаги фойда, компания учун зурур молиявий маблағлар қондирилиши, давлатга эса, умумий фонд бозорини ривожланиши асосий мақсад ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 28 январидаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги фармони.
2. Рынок ценных бумаг и биржевое дело : учеб. пособие / сост. Т. П. Ихсанова, Ж. А. Садкова. – Хабаровск : РИЦ ХГАЭП, 2013. – 164 с.
3. https://statistics.world-exchanges.org/ReportGenerator/Generator ва https://ec.europa.eu/eurostat/databrowser/view/sdg_08_11/default/table
4. https://statistics.world-exchanges.org/ReportGenerator/Generator ва https://www.theglobaleconomy.com/usa/capital_investment/
5. U.S. Securities and Exchange Commission расмий маълумотлари: https://www.sec.gov/answers/about-lawsshtml.html#secexact1934
6. Буюк Британия қонунчилик портали (http://www.legislation.gov.uk/ukpga/1986/60/pdfs/ukpga_19860060_en.pdf)

Камалова Р.З. *- БФА магистр*

ЁШЛАРНИНГ ИЛҒОР ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИМТИЁЗЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2022 йил якунига қадар ҳудудларда ташкил этилган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган **1956 нафар** ёшларнинг умумий қиймати **3,5 трлн** сўмлик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва бунинг натижасида **40 мингдан зиёд** янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган.

Хусусан, 2021 йил давомида қиймати **463,3 млрд** сўмлик **289 та** инвестиция лойиҳалари ишга туширилди ва натижада **4,5 мингга** яқин янги иш ўринлари яратилади.

2022 йилнинг январь-май ойларида эса **319 нафар** ёшларнинг умумий қиймати **806,3 млрд** сўмлик инвестиция лойиҳаларини амалга оширилди ва натижада **8 470 та** янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, таҳлиллар саноат зоналарида олиб борилаётган ишларнинг қониқарсиз эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

Бугунги кунга қадар, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳудудида қиймати **85,1 млрд** сўмлик **61 та** инвестиция лойиҳалари белгиланган муддатда ишга туширилмаган ва бунинг натижасида **1 109 та** янги иш ўринлари яратилмай қолган, **Тошкент шаҳридаги** ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳудудида умуман лойиҳа жойлаштирилмаган.

Ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлашни жадаллаштириш, инновацион ғояларини ва амалий тадқиқотлари натижаларини рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш, ёш тадбиркорлик субъектларининг саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги инновацион лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси бўйича **“Ёшларнинг 100 та энг илғор лойиҳалари”** танлов танловини ташкил этиш зарур. Танлов ғолиблари Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли шартларда молиялаштириш зарур.

Бунда, 1-босқичда танловда иштирок этиш истагини билдирган ёш ташаббускорларнинг бизнес-режаларини ва бошқа тегишли ҳужжатларини йиғиш керак.

Танловнинг 1-босқичи доирасида камида **200 та** инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш таклиф этилади.

Танловнинг 2-босқичи доирасида энг илғор **100 та** инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш учун ташаббускорлар тақдимотларини ўтказиш ва суҳбат қилиш орқали танлаш керак.

Танлов натижаси бўйича ёш тадбиркорларнинг **100 та** илғор инвестиция лойиҳалари “Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси” ҳисобидан **тўғридан - тўғри , гаровсиз,** қуйидаги имтиёзли шартларда **100 минг доллар** эквивалентидан ошмаган миқдорда молиялаштириш учун танлаб олиш зарур.

Бунда:

биринчи **50 тасига** (Top-50) – йиллик **14 фоиз** ставкасида **5 йил** муддатга **1 йиллик имтиёзли давр** билан;

кейинги **30 тасига** (Top-30) – йиллик **10 фоиз** ставкасида **7 йил** муддатга **2 йиллик имтиёзли давр** билан;

кейинги **17 тасига** (Top-17) – фоизсиз **5 йил** муддатга **1 йиллик имтиёзли давр** билан кредит маблағлари ажратилади.

энг илғор **3 тасига** (Top-3) **қайтармаслик шарти билан фоизсиз, тўғридан - тўғри** грант маблағлари ажратиш таклиф этилади.

Бунда, танлов натижаси бўйича ғолиб деб топилган ёшларнинг **100 та** энг

илғор лойиҳаларини Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўғридан-тўғри, тижорат банкларисиз молиялаштириш ишлари амалга оширилади.

Танловни ташкил этиш мақсадида Идоралараро танлов комиссисиясини тасдиқлаш ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ:

танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни ташкил этиш;

танлов иштирокчиларидан ҳужжатларни қабул қилиб олиш, зарур ҳолларда улардан қўшимча маълумотлар олиш;

тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларни тегишли меъзонлар асосида ўрганиш;

танлов якунларини сарҳисоб қилиш ва ғолибларни аниқлаш;

танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларининг, танлов якунларининг оммавий ахборот воситаларида, расмий веб-сайтларда ёритилишини таъминлаш;

танлов бошлангунига қадар танлов талаблари ва қоидалари юзасидан кенг тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

танлов иштирокчиларини баҳолашда адолатлилик, шаффофлик мезонларига риоя қилинишини таъминлаш.

Ёшларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун танлов мезонлари этиб қуйидагиларни белгилаш таклифи ишлаб чиқилди:

лойиҳанинг тармоқ ривожланишига мувофиқлашганлиги;

лойиҳанинг соҳадаги янгиликларга мослашувчанлиги ;

лойиҳа натижаси аҳамиятлилиги;

лойиҳа амалга оширилишига ишонч;

лойиҳа мақсадларининг аниқлиги;

лойиҳани амалга ошира олиши имкони мавжудлиги.

Асосий баҳолаш мезонларига эса қуйидагилар киради:

ёшларнинг биринчи 50 та (Top-50) энг илғор инвестиция лойиҳаларини танлаб олишда **лойиҳанинг тижорий жиҳатдан юқори рентабеллигига**;

ёшларнинг кейинги 30 та (Top-30) энг илғор инвестиция лойиҳаларини танлаб олишда **лойиҳанинг ижтимоий аҳамиятига, яъни, кўп иш ўрни яратилишига**;

ёшларнинг кейинги 17 та (Top-17) энг илғор инвестиция лойиҳаларини танлаб олишда **лойиҳанинг импорт ўрнини босувчи ва йирик компаниялар билан кооперация алоқаларини ўрнатишга йўналтирилганлигига**;

ёшларнинг энг илғор кейинги 3 та (Top-3) инвестиция лойиҳаларини танлаб олишда **лойиҳанинг инновацион характерга эга, стартап лойиҳаларга** эътибор қаратилади.

Мазкур танловни ташкил қилиш учун ягона интернет портали ташкил этиш ва танловга тақдим қилинадиган ёш ташаббускорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш, жорий натижаларини эълон қилиб бориш рукнини ташкил қилиш орқали ишларнинг шаффофлиги ва натижадорлигини таъминлашга эришилади.

Қаҳҳоров А.А. *– ТМИ, мустақил изланувчиси*

ДАВЛАТГА ТЕГИШЛИ АКЦИЯ ПАКЕТЛАРИ ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистонда мустақилликдан сўнг давлат иштирокидаги корхоналар қийматини баҳолаш жараёни профессионал фаолият сифатида босқичма-босқич ривожланиб борди. 2000 йилларга бўлган даврда тасдиқланган хусусийлаштириш дастурлари ва қабу қилинган норматив ҳужжатларни ўрганиш кўрсатишича, 1991 йилдан 1999 йилгача бўлган даврда сотилаётган ва хўжалик жамиятларига ўзгартирилаётган давлат корхоналари нархини аниқлаш ваколатли давлат органи томонидан тузиладиган махсус комиссияга юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 15 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-789-сон фармони давлат мулкини хусусийлаштиришни чуқурлаштиришга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.

Мазкур ҳужжатнинг мантиқий ва амалий давоми сифатида тасдиқланган Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 мартдаги 171-сон қарорининг 3-иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб- қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисида”ги Низомга кўра, давлат мулки қийматини баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Давлат мулки қўмитаси ваколатига киритилган.

1994 йилда “Тошкент” республика фонд биржаси тузилиб, унга “қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларнинг бозор нархларини аниқлаш” вазифалари юклатилган. Ундан кейинги даврда қабул қилинган ҳужжатларга асосан, кдавлат корхонасининг акциялари ва улушлари сотилганда, уларнинг бошланғич нархини мустақил баҳолаш ташкилотлари томонидан аниқлаш йўлга қўйилди. Аммо, кузатишлар кўрсатишича, давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш учун аниқланган ва мустақил баҳолаш ташкилотларининг ҳисоботи асосида белгиланадиган нархи уларнинг бозор нархи билан ҳар доим ҳам мос келмайди. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг узоқ муддат сотиласдан турганлигининг асосий сабабларидан бири – уларнинг бошланғич нархининг, яъни баҳолаш қийматининг “уларнинг ҳақиқий бозор қиймати” билан мос эмаслиги ҳисобланмоқда. Таҳлил учун, давлат иштирокидаги корхоналар акция пакетларининг асосий сотувчиси бўлган брокерлик ташкилотининг маълумотларини кўришимиз мумкин (“Mulk sarmoya brokerlik uyi” АЖнинг расмий телеграм канали ва www.ndvakt.uz расмий сайти):

1-жадвал

"Тошкент" РФБда биржа савдоларига қўйилган давлат акция пакетлари тўғрисида маълумот (*03.06.2022й. ҳолатига)*

№	Эмитент номи	Давлат улуши, %	Савдодаги акция пакети бошланғич нархи, сўм	Савдо майдончаси
1	“Янгийул ёғ-мой” АЖ	56,32	81 908 039 872,75	NEGO
2	“Бухоронефтгазавтонакл” АЖ	51	29 768 946 075,00	NEGO
3	“Нефт таъминот” АЖ	25	5 034 348 096,00	NEGO
4	"Муборакнефтгазтранс" АЖ [5]	36	210 810 000,00	NEGO
5	"Нефт ва газ ишлаб чикаришни таъмирлаш" АЖ [7]	36	575 112 139,14	NEGO
6	“Хўжобод технологик транспорт” АЖ [5]	36	3 610 745 112,00	NEGO
7	“Андижон тажриба синов заводи” АЖ	51	8 078 429 380,00	NEGO
8	“Урганчкорммаш” АЖ [7]	26	2 932 089 186,00	NEGO
9	"Сурхон пармалаш ишлари" АЖ [5]	51	30 438 210 936.00	NEGO
10	"Гулистон экстракт ёг" АЖ [5]	58,9	51 917 868 715,68	NEGO
11	“Фаргона ёг-мой” АЖ	84,4	60 634 654 000,00	NEGO
12	"Кукон ёг-мой" АЖ [5]	51	23 368 854 020,00	NEGO
13	"Матбуот тарқатувчи" АЖ [5]	26	4 654 260 000,00	NEGO
14	"Узнефтгазинформатика" АЖ	52,5	2 834 214 342,85	NEGO
15	"Электтармоккурилиш" АЖ	37,3	41 665 348 685,43	NEGO
16	"Махсусэлектртармоккурилиш" АЖ	25	8 316 438 930,36	NEGO
17	"Тошнефтгазкурилиш" АЖ	53,3	35 931 687 085,00	NEGO
18	"Кашқадарё пармалаш ишлари" АЖ [7]	52	11 303 579 246,00	NEGO
19	"Минора қуриш экспедицияси" АЖ [7]	37,1	12 397 552 200,00	NEGO
20	"Муборакнефтгазмонтаж" АЖ[5]	71,2	74 704 127 187,06	NEGO
21	"Кашқадарё технологик транспорт" АЖ [5]	36	24 487 271 237,00	NEGO
22	"Нефт ва газ қудуқларини синаш" АЖ [7]	73,9	23 420 218 198,00	NEGO
23	"Бухоронефтгазпармалаш" АЖ [3]	51,3	55 903 035 696,48	NEGO
24	"Узпаравтотранс" АЖ	38,3	43 140 202 245,00	NEGO
25	"Янгикургон пахта тозалаш" АЖ [1]	21,4	1 018 389 603,00	NEGO
26	"Узпартаъминот" АЖ [5]	36	7 087 542 336,00	NEGO
27	"Навоий савдо комплекси" АЖ [2]	7,0082	1 046 304 000,00	PO

1 - акциялар нархи 10%га пасайтирилган

2 - акциялар нархи 20%га пасайтирилган

3 - акциялар нархи 30%га пасайтирилган

5 - акциялар нархи 50%га пасайтирилган

7 - акциялар нархи 70%га пасайтирилган

2022 йил 3 июн ҳолатига кўриш мумкинки, 27 та акция пакетларидан 10 та акция пакетининг бошланғич нархи эса пасайтирилмаган ҳолатда савдога чиқарилган, 1 таси (Янгиқўрғон пахта тозалаш акциядорлик жамияти) 10 фоизга, 1 таси (Навоий савдо комплекси АЖ) 20 фоизга, 1 таси (Бухоро нефтгаз пармалаш АЖ) 30 фоизга, 9 таси 50 фоизга ва 5 таси 70 фоизга пасайтирилганлигини кўриш мумкин.

Шу билан бирга, давлат иштирокидаги корхона акциялари биржа котировкасига киритилган бўлса, уларни баҳолаш нега керак, котировка нархига асосланиб битим тузиш етарли эмасми деган саволлар туғилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 24-моддаси кўрсатилади. Унга кўра, агар қимматли қоғозлар фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган бўлса, уларнинг биржа котировкалари мазкур қимматли қоғозларнинг бозор қиймати деб эътироф этилади.

Лекин, ушбу таърифни қўллаш амалиётда қанчалик мослигини “Қизилқумцемент” АЖ акцияларини сотиш мисолида кўриб чиқсак. “Қизилқумцемент” АЖ битта акциясининг номинал қиймати 1 570 сўмни ташкил этади. Ушбу корхона акциялари бўйича “Тошкент” республика фонд биржасида ҳам олди-сотди битимлари қайд қилинади. Барчага маълумки, фонд биржасида акциялар қиймати уларга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб ўзгаради. Мисол учун, “Қизилқумцемент” АЖга тегишли битта акциянинг ўртача тортилган қиймати 2017 йилда 1561,27 сўм, 2018 йилда 1468,0 сўм, 2019 йилда 1698,0 сўм, 2020 йилда 1831 сўм ва 2021 йилда 5939,26 сўмни ташкил этган. 2022 йил 3 феврал ҳолатига биржа котировкаси 5089,0 сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон қарори доирасида “Қизилқумцемент” АЖга тегишли 35,9 фоиз акциялар пакети “битта акция – битта лот” тамойили асосида сотувга таклиф этилган. Бунда, 2020 йил сентябр ва октябр ойларида акциялар қиймати мос равишда баҳоланган қийматидан 20 фоизгача пасайтирилган (https://telegra.ph/%D2%9Aizil%D2%9Bumcement-AZH-akciyalari-narhi-20-foizga-pasajtirildi-10-08) ва “Mulk sarmoya brokerlik uyi” брокерлик идораси томонидан 3798,4 сўмдан таклиф этилган бўлишига қарамай, сотилмаганлиги муносабати билан кейинчалик савдолардан олинган. Корхона акцияларининг 2020-2021 йиллар оралиғидаги сотилиши динамикаси ўрганилганда, “нисбатан каттароқ” миқдорда акциялар биржа орқали сотишга таклиф этилганда, акция нархининг кескин пасайганлиги кузатилган. Масалан, 2020 йил 14 май кунида биржа савдоларида умумий ҳисобда 1 646 379 дона (жами чиқарилган Корхона акцияларининг 0,37 фоизи) акциялар савдоси амалга оширилган бўлиб, биржа савдо сессияси 1610 сўм нарх (котировка) билан якунланган.

Бу нарх 2020 йил 13 майдаги котировка нархига нисбатан 8,0 фоизга пасайган. Ҳолбуки, 2020 йил 15 май кунги савдо сессияларида бор йўғи

109 дона акциялар сотилган бўлиб, акция нархи яна 2020 йил 13 май кунги даражага қайтган.

Ушбу ҳолатдан шунедай хулоса қилиш мумкинки, акциянинг котировка нархи бозор нархи сифатида қаралиши учун – бозорда етарлича акциялар эркин айланмада (free-float) мавжуд бўлиши талаб этилади.

Масалан, Германиянинг Франкфурт биржасида компания акцияларнинг эркин муомаладаги улуши (free-float) миқдори жами акцияларнинг 25 фоизидан, Австриянинг Вена фонд биржаси, Болгариянинг София фонд биржасида ҳам 25 фоиз, Австралия фонд биржасида 20 фоиздан, Варшава фонд биржасида жами компания акцияларининг 15,0 фоизидан кам бўлмаслиги талаби мавжуд. (Албатта, биржаларнинг ўз қоидаларига кўра, муомаладаги акциялар сони ва компания капиталлашув қийматига ҳам алоҳида талаблар қўйилади. Масалан, Польшада биржадаги компаниянинг эркин муомаладаги акциялари сони 100 мингтадан ортиқ бўлиши ва компания капиталлашув қиймати 15,0 млн евродан кам бўлмаслиги керак).

Бизнинг қонунчилигимизда ва “Тошкент” РФБнинг қимматли қоғозларни биржалистингига киритиш бўйича қоидаларида эса – акцияларнинг айнан қанча ҳажми биржа айланмасида бўлиши кераклиги, қанча тезликда биржа айланмасида бўлиши кераклиги (айланиш частотаси) ва охирги биржа битими қачон қайд этилган бўлишига оид аниқ нормалар белгиланмаганлиги – акцияларнинг “Тошкент” РФБда қайд этилган котировка нархини уларнинг бозор қиймати сифатида тан олиш ёки олмаслик масаласини шубҳа остига қўяди.

Акциялари билан битимлар қайд этилаётган акциядорлик жамиятларининг муомалада бўлган қимматли қоғозлари ҳажми уларнинг жами эмиссия қилинаётган акциялари ҳажмига нисбатан кичик улушни ташкил этиши – битимларда қайд этилаётган нархлар уларнинг ҳақиқий бозор қийматига мос келмаслиги тўғрисидаги фикрни янада мустаҳкамлайди.

Шунинг учун, “Тошкент” республика фонд бозорининг савдо қоидаларида, акциянинг котировкаси унинг бозор нархи сифатида эътироф этилиши учун айланмадаги акциялар сони, айланма миқдори ва олди-сотди битимларининг қайд этилиши даврига нисбатан талабларни аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Qazaqov M.N. – *OBM tinglovchisi*

MAHALLALARDA TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH AHOLI BANDLIGINI TAMINLASH VA KAMBAGALLIKNI QISQARTIRISH

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 3 dekabrdagi “Mahallada tadbirkorlikni rivojlantirish, aholi bandligini ta’minlash va kambag‘allikni qisqartirish bo‘yicha davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlari to‘g‘risida”gi PF-29-son farmoniga muvofiq, shuningdek, mahallada tadbirkorlikni rivojlantirish, aholi bandligini ta’minlash va kambag‘allikni qisqartirish masalalari bo‘yicha tuman

(shahar) hokimlarining yordamchilari (keyingi o‘rinlarda – hokim yordamchilari) faoliyatini samarali tashkil etish maqsadida:

1. Hokim yordamchilari faoliyatini tashkil etish bo‘yicha respublika komissiyasi (keyingi o‘rinlarda – Respublika komissiyasi) tashkil etilsin, uning tarkibi 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Respublika komissiyasi bir hafta muddatda hokim yordamchilari faoliyatini samarali tashkil etish maqsadida iqtisodiyot va investitsiya komplekslariga kiruvchi vazirlik, idoralar, tijorat banklarining mas’ul xodimlarini (keyingi o‘rinlarda – respublika vakillari) har bir tuman va shaharga biriktirsin, ularning ish joyi, oylik ish haqi va boshqa ijtimoiy to‘lovlarini saqlab qolgan holda, biriktirilgan hududga bir yillik xizmat safariga yuborilishini ta’minlasin.

Mahallabay ishlash va tadbirkorlikni rivojlantirish agentligi, uning Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahridagi hududiy boshqarmalari hamda mahallabay ishlash va tadbirkorlikni rivojlantirish markazlari (keyingi o‘rinlarda – markazlar) Respublika komissiyasi va respublika vakillarining ishchi organlari etib belgilansin. Joriy yilning 29-dekabr sanasida Iqtisodiy taraqqiyot va kambag‘allikni qisqartirish vazirligida mahallada tadbirkorlikni rivojlantirish, aholi bandligini ta’minlash va kambag‘allikni qisqartirish masalalari bo‘yicha hokim yordamchilari faoliyati yuzasidan respublika bo‘yicha yig‘ilish o‘tkazildi.

Tadqiqotchilarning fikriga ko'ra, "tadbirkorlik - bu kerakli ko'nikmalar, vaqt va kuchlarni sarflab, moliyaviy va ba'zan jismoniy va ijtimoiy tavakkalchiliklarni o'z zimmasiga olib, natijada pul mukofotlari va shaxsiy qoniqishlarni olish orqali qimmatbaho narsalarni yaratish jarayonidir". Bugungi kunda tadbirkorlik tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shaxsiy, ijtimoiy va atrof-muhit omillari tadbirkorlik jarayoniga, uning motivatsiyasiga, yangilanishiga, uzluksizligi va kengayishiga bevosita ta'sir qiladi. Tadbirkorlikni rivojlantirish qashshoqlikni kamaytirishga yordam beradi, agar u yangi tadbirkorlikni boshlash yoki mavjudlarini kengaytirish orqali ish o'rinlarini yaratsa va ular yangi bozorlar, yangi sanoatlar, yangi texnologiyalar, yangi institutsional shakllar, yangi ish o'rinlari va real daromadlarning sof o'sishini yaratish orqali ijtimoiy boylikni oshiradi. unumdorlik, daromadni oshiradi, bu esa aholining turmush darajasining oshishi bilan yakunlanadi, agar biron bir mamlakatda tadbirkorlar soni ko'paysa, qashshoqlik ko'rsatkichlari kamayadi va aksincha, deyish mantiqan to'g'ri keladi.

Bizning zamonaviy jamiyatimizda tadbirkorlik amaliyoti juda muhim. Shubhasiz, tadbirkorlik bilan bizning o’zbek jamiyatimizdagi ko'pchilik pul topishga qaror qilgan. Hukumat hamma odamlarni foydali ish bilan ta'minlay olmasligi ayon bo'lgani uchun hamma o'z bor narsasi bilan nima qilish mumkinligini o'ylayapti shekilli. Tadbirkorlikni rivojlantirish hozirgi vaqtda ayrim mamlakatlarni qiynayotgan ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni, xususan, yuqori qashshoqlik va ishsizlik muammosini hal qilish yo‘li sifatida qaraladi. Tadbirkorlikning o'rni yangi ish o'rinlari tashkil etish, ishsizlik darajasini pasaytirish va iqtisodiy o'sish va mintaqaning rivojlanishini oshirish orqali farovonlikka ko'maklashishdan iborat. Tadbirkorlik, shuningdek, yangi innovatsiyalarni joriy etish orqali samaradorlikni

oshiradi va mavjud biznesni isloh qilish va raqobatni kuchaytirishga majburlash orqali tarkibiy o'zgarishlarni tezlashtiradi. Tadbirkorlikni rivojlantirish yangi tadbirkorlikni boshlash yoki mavjudlarini kengaytirish orqali ish o'rinlarini yaratish va yangi bozorlar, yangi sanoat, yangi texnologiyalar, yangi institutsional shakllar, yangi ish o'rinlari va sof o'sishlar yaratish orqali ijtimoiy boylikni oshirish orqali qashshoqlikni kamaytirishga yordam beradi. real unumdorlik, daromadlarni oshiradi, bu esa aholi turmush darajasini oshirish bilan yakunlanadi. Shunday ekan, har qanday davlatda tadbirkorlar soni ko‘paysa, qashshoqlik ko‘rsatkichlari kamayadi va aksincha, deyish mantiqan to‘g‘ri.

Ma’lumotlarga ko‘ra, o‘zbekistonliklarning qariyb 67 foizi qashshoqlik chegarasida yashaydi. Hukumatning bu yo'nalishdagi sa'y-harakatlariga qaramay, qashshoqlik virusi tobora kuchayib bormoqda va aholi orasida tezroq va kengroq tarqalmoqda. O'zbekistonda tadbirkorlik ta'limi bo'yicha yuqori darajadagi xabardorlik va shtat va federal hukumatlarning turli siyosiy tashabbuslariga qaramay, mamlakatda qashshoqlikning yuqori darajasining cheki yo'qdek. Dunyoning rivojlanayotgan va rivojlanmagan mamlakatlari oldida turgan asosiy muammolardan biri qashshoqlikdir. Bu ishsizlikning yuqori darajasi natijasida endemik bo'lib, dunyoning rivojlanayotgan va rivojlanmagan mamlakatlariga xos xususiyatdir. O‘zbekistonda qashshoqlik keng miqyosda va og‘ir tus olmoqda va uning katta resurslariga qaramay, yalpi ichki mahsulot (YaIM) past bo‘lib, har bir kishiga to‘g‘ri keladigan daromadning pastligi, ishsizlik darajasining yuqoriligi, sanoatdan foydalanish qobiliyatining pastligi va tug‘ilishning yuqori darajasi bilan birga keladi. Qashshoqlik odamlar hayotiga salbiy ta'sir ko'rsatadi va uning insoniyat va milliy taraqqiyotga halokatli va kamsituvchi ta'sirini e'tiborsiz qoldirib bo'lmaydi. Masalan, qashshoqlik sog'lig'ining yomonligi, ta'lim yoki malakaning past darajasi va boshqalar qatorida buzg'unchi yoki tartibsiz xatti-harakatlarning yuqori darajasi bilan bog'liq. O‘zbekistondagi ishsizlik va qashshoqlikning yuqori darajasi uning rivojlanishi, xavfsizligi va tinch-totuv yashashiga yanada katta xavf tug‘dirmoqda. Demak, qashshoqlikni kamaytirish muhim ahamiyatga ega. Dalillar shuni ko'rsatadiki, qashshoqlikda bo'lganlar soni tobora ortib bormoqda. Ushbu tadqiqot O'zbekistonda tadbirkorlikni rivojlantirishning qashshoqlikni kamaytirishga ta'sirini o'rganishga qaratilgan. Har qanday davlatda tadbirkorlikni rivojlantirishning o‘rni muhimligini ta’kidlab bo‘lmaydi. Ushbu tadqiqot tadqiqot dunyosida, ayniqsa Nigeriya kontekstida qashshoqlikka qarshi kurashda tadbirkorlikni rivojlantirishni birinchi o'ringa olib chiqadigan yangi o'lchovni taqdim etadi.

Tadbirkorlik atamasi tadqiqotchining intizomi yoki ilmiy darajasiga asoslanib, turli yo'llar bilan kontseptsiyalangan. Uning ta'rifi tadbirkorning turli funktsiyalari kabi xilma-xildir. Tadbirkorlik deganda shaxsning g'oyalarni ijobiy natijalar bilan harakatga aylantirish qobiliyati tushuniladi. U ijodkorlik, innovatsiya va tavakkalchilikni, shuningdek, maqsadlarga erishish uchun loyihalarni rejalashtirish va boshqarish qobiliyatini o'z ichiga oladi. Boshqacha qilib aytganda, bu yangi biznesni loyihalash, ishga tushirish va yuritish jarayoni. Tadbirkorlik tushunchasi hozirda odamlar orasida qashshoqlikdan qutulish va ijtimoiy-iqtisodiy kengayish va samaradorlik uchun qulay sharoit yaratish strategiyasi sifatida juda

mashhur. Boshqa tomondan, tadbirkorlikni rivojlantirish biznesni boshlash yoki kengaytirish istagida bo'lgan shaxslarga qaratilgan tizimli treninglar va institutsional qurilish dasturlari orqali tadbirkorlik ko'nikmalari va bilimlarini oshirish jarayonini o'z ichiga oladi. Tadbirkorlikni rivojlantirishdan ko‘zlangan maqsad iqtisodiyotda tadbirkorlar bazasini kengaytirish, bunda yangi korxonalar tashkil etish sur’atlarini jadallashtirish, shu orqali ish o‘rinlari yaratish va iqtisodiy o‘sishni tezlashtirishdan iborat. Tadbirkorlikni rivojlantirish tadbirkorlik amaliyotini rag'batlantirish, qo'llab-quvvatlash va qo'llab-quvvatlashga qaratilgan tegishli tadbirlarni o'z ichiga oladi. Bu jarayonlarga turli manfaatdor tomonlar, jumladan hukumat va uning idoralari, ilmiy muassasalar (boshlang'ich, o'rta va oliy ta'lim), texnik yoki kasb-hunar ta'limi hamda tadbirkorlar va yirik kompaniyalarni o'z ichiga olgan xususiy sektor kiradi. XXI asrda tadbirkorlikni rivojlantirishga e'tibor nafaqat nazariy yondashuv, balki qishloq va shahar aholisi o'rtasida qashshoqlikni kamaytirishga qaratilgan rivojlanishga yo'naltirilgan harakatdir. Ko'pgina rivojlangan davlatlar o'z iqtisodiyotlari uchun kichik va o'rta korxonalarning ahamiyatini aniqladilar va sub sektorga sarmoya kiritish uchun vaqtni behuda sarflamadilar. Kambag'allikni ko'p jihatdan kontseptsiyalash mumkin, masalan, asosiy ehtiyojlar/tovarlarga kirishning yo'qligi, ishlab chiqarish resurslaridan foydalanishning etishmasligi yoki zaiflashishi, resurslardan samarasiz foydalanish natijasi. Bir tomondan, qashshoqlik daromadning etishmasligini keltirib chiqaradi. Kambag'allik uy xo'jaliklarining past mahsuldorligi, shuning uchun moliyaviy cheklovlar va tadbirkorlik uchun rag'batlarning yo'qligi tufayli yuzaga kelishi mumkin. Tadqiqotchilarning fikriga ko'ra, qashshoqlik mutlaq va nisbiy deb tasniflanadi. Mutlaq qashshoqlik insonlar va oilalarga asosiy mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga va asosiy huquqlardan foydalanishga imkon beruvchi bir yoki bir nechta omillarning yo'qligini tavsiflaydi, nisbiy qashshoqlik esa odamlarga rol o'ynash, ishtirok etish imkonini beradigan turmush darajasiga erishish uchun resurslarning etishmasligi sifatida talqin qilinishi mumkin. munosabatlarda va o'zlari mansub bo'lgan jamiyat uchun me'yoriy deb hisoblangan hayot kechiradilar. Boshqa tomondan, qashshoqlikni pasaytirish/yumshatish barqaror rivojlanishni nazarda tutadi. Shunga ko'ra, qashshoqlikni yumshatish ma'lum bir guruh odamlarning turmush sharoitlarini barqaror yaxshilashni anglatadi. Rivojlanish muhtoj mamlakat oddiygina qo'lga kiritiladigan imtiyozlar to'plami sifatida emas, balki birinchi navbatda tegishli jamiyatning kuchi va resurslariga tayanishi kerak bo'lgan mahalliy jarayon sifatida qaraladi. Qashshoqlikni bartaraf etish rivojlanish bilan chambarchas bog'liq, shuning uchun mahsuldorlikni oshirish, ijtimoiy mahsulotlarni taqsimlashda tenglashtirish va tashqi dunyo bilan munosabatlari qaramlik yoki bo'ysunish bilan emas, balki tenglik bilan tavsiflangan mahalliy institutlarning paydo bo'lishi bilan tavsiflangan jarayon. Shu sababli, har qanday hukumatning qashshoqlikni yumshatish maqsadi hayot sifatining doimiy yaxshilanishiga erishishdir, balki loyiha tsiklining oxirida yo'qolib ketadigan qisqa muddatli yaxshilanish emas.

Tadqiqotchilar iqtisodiy o'sishni va uning tadbirkorlik va yangi texnologiyalar va yangi texnikalarni ishlab chiqish orqali qashshoqlikni kamaytirish bilan bog'liqligini tekshirishni boshladilar. Biroq, ba'zi hududlarda qashshoqlik keskin

yaxshilangan bo'lsa-da, hali ham ko'p odamlar qashshoqlikda bo'lgan boshqa joylar ham borki, ular qashshoqlikdan xalos bo'lish sa'y-harakatlaridan katta foyda ko'rishlari mumkin. Tadbirkorlik ta'limi, ijtimoiy tadbirkorlik va ayollar tadbirkorligi kabi tadbirkorlikni rivojlantirish mexanizmlari qashshoqlikni engillashtirishi mumkin. Birinchidan, tadbirkorlik ta'limi orqali qashshoqlikdan xalos bo'lish o'quvchilarda tavakkal qilish, innovatsiyalar, arbitraj va insoniyat jamiyatlari ichida yangi va mavjud foydalanuvchilar uchun yangi mahsulot yoki xizmatlar yaratish maqsadida ishlab chiqarish omillarini muvofiqlashtirish xususiyatlarini singdiradigan maxsus bilimlarni talab qiladi. . Tadbirkorlik ta'limi mamlakatlarning iqtisodiy rivojlanishida markaziy o'rin tutadi, shuningdek, tadbirkorning o'z samaradorligini, o'z-o'zini bandligini va tadbirkorning tavakkalchilikka munosabatini oshiradi. Bu ulkan biznes imkoniyatlarini yaratadi va innovatsion tadbirkorlik ko'nikmalariga ega bo'lgan odamlarni yangi tadbirkorlik faoliyatini boshlash imkoniyatlarini egallashga o'rgatadi. Shuning uchun empirik dalillar shuni ko'rsatadiki, qashshoqlikni kamaytirish uchun vaqt o'tishi bilan iqtisodiy o'sish zarur. Ikkinchidan, ijtimoiy tadbirkorlik orqali qashshoqlikni bartaraf etish tadbirkorlarning tajribasi, iste'dodi va resurslarini ta'lim, sog'liqni saqlash, shaxsiy xavfsizlik va xavfsizlik, qashshoqlikni bartaraf etish, ijtimoiy taraqqiyot va ekologik barqarorlik kabi rivojlanayotgan mamlakatlar duch keladigan turli muammolarga qo'llashdir. Ijtimoiy tadbirkorlik ijtimoiy muammolarni yoritishda innovatsion yondashuvlardan foydalangan holda jamiyatga ta'sir ko'rsatadigan global hodisani rivojlantirdi. Bundan tashqari, u an'anaviy tadbirkorlikning topqirligini jamiyatni o'zgartirish missiyasi bilan birlashtiradi va shu bilan birga ijtimoiy jihatdan maqbul va barqaror biznes strategiyalari va tashkiliy shakllari uchun g'oyalarni rag'batlantirishi mumkin bo'lgan g'oyalarni taklif qiladi. Nihoyat, ayollar tadbirkorligi orqali qashshoqlikdan xalos bo'lish istagi va qobiliyatli ishbilarmon ayollarning faol ishtirokini taqozo etadi. 2010 yilda 187 million xotin-qiz korxonalar tashkil etish va faoliyat yuritish bilan shug‘ullangan, ya’ni dunyodagi tadbirkorlarning deyarli 42 foizini ayollar tashkil etgan. Ayollarning bir qancha ota-onalik burchlari va o'zgarmas uy majburiyatlari bor, ular biznes yuritish va uy xo'jaligi o'rtasidagi muvozanatni saqlash uchun samarali birlashtirishga harakat qilishadi. Bundan tashqari, bugungi kunda ayollar rivojlanayotgan mamlakatlar uchun iqtisodiy o'sishning muhim dvigatelidir, chunki u samarali mehnatni yaratish, gender tengligiga erishish va qashshoqlikni kamaytirishda etakchi rol o'ynaydi. Tadqiqotchilar shuni ko'rsatadiki, ayollar global miqyosda ishning 66 foizini bajaradilar va global miqyosda oziq-ovqatning 50 foizdan ortig'ini ishlab chiqaradilar va bu ayollar mahalliy xomashyoni qayta ishlangan va sotish uchun tayyor mahsulotga aylantiradi, shuning uchun ularni biznesda innovator qiladi. Shu sababli, iqtisodiy o'sishning asosiy omillaridan biri sifatida ayollarning ishtiroki izchil kuzatilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Acs, Z. J., & Audretsch, D. B. (2003). Innovation and technological change. In Handbook of entrepreneurship research (pp. 55-79). Springer, Boston, MA.

2. Solidjonov, D. (2021). Issues of economic development and international integration in the new Uzbekistan. *Scienceweb academic papers collection*.
3. Acs, Z. J., Arenius, P., Hay, M., & Minniti, M. (2004). Global entrepreneurship monitor. https://www.gemconsortium.org/report/gem-2004-global-report
4. Adenutsi, D. E. (2009). Entrepreneurship, job creation, income empowerment and poverty reduction in low-income economies.
5. Ajegi, S. O. (2002). The Affluence of Poverty: A Critical Evaluation of Nigeria Poverty Reduction Programmes. Journal of Economic and Social Research, 3.
6. Akhuemonkhan, I. A., Raimi, L., & Sofoluwe, A. O. (2013). Entrepreneurship education and employment stimulation in Nigeria. Journal of Studies in Social Sciences, 3(1).

Qudratov J.A.- *OBM tinglovchisi*

GAZNI QAYTA ISHLASH KORXONALARIDA ISHLAB CHIQARISH JARAYONINI YAXSHILASH MAQSADIDA SEPAREKS TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH

Qadimgi grek faylasufi va tarixchisi Plutarx Aleksandr Makedonskiyning O’rta Osiyo orqali Hindistonga harbiy yurishida eramizdan avvalgi (329-327 yillarda) Amudaryoning oqimi bo’ylab ko’pgina joylarda hamda Moylisoyda (Farg’ona vodiysi) moysimon suyuqlik yer yuzasiga sizib chiqib turganligi haqida yozib qoldirgan.

1870-1872 yillarda faqat Farg’ona vodiysida 200 ga yaqin neft manbaalari mavjud bo’lgan. 1883-1884 yillarda Farg’ona vodiysining Qamishboshi tumani Lakkon qishlog’Ida qo’l bilan 1-36 metrgacha 4 ta quduq qazilgan va ularda bir kecha – kunduzda 10 tonna neft qazib olingan. 1904-yulda Chimyonda 278 metr qidirish qudug’i qazildi va birinchi marta sanoat miqyosiga ega bo’lgan neft qazib olina boshlandi.

1956 yilda O'zbekistonda dunyo miqyosidagi yirik konlardan biri “Gazli” koni ochildi. Bu konning ochilishi uning katta miqdordagi zahirasi tufayli katta miqyosdagi voqelik edi. 1959 - yilda “Gazli” koni ishga tushirildi. 1972 yil Qashqadaryo viloyatida Muborak gazni qayta ishlash zavodi, 1980 - yilda Sho'rtan gazni qayta ishlash zavodi ishga tushirilgan.

O‘zbekiston mustaqillikka erishgach neft va gazni qayta ishlash sanoatida keskin o‘zgarishlar ro‘y berib, yangi texnologiyalar amalda qo‘llanilib, rivojlanish boshlandi. Bu vaqtda neft va gaz qazib chiqarish jadal sur’atlar bilan oshdi, neft va gaz konlarini qidirish va ulardan oqilona foydalanish muhim masalalardan biri bo’lib hisoblandi. Neft va gazni qayta ishlash sanoatlarida turli xil xomashyolar qayta ishlanadi va natijada qattiq, suyuq, bug‘ va gaz agregat holatlaridagi turli-tuman tayyor mahsulotlar olinadi.

Tabiiy gaz ekologik muammolarni hal qilish tashabbuslarida muhim yoqilg'i hisoblanadi. Tabiiy gaz qazib olinadigan yoqilg'ilarning havo ifloslanishi nuqtai

nazaridan eng yaxshisi bo'lsa-da, uning miqdori qayta tiklanadigan manbalar yoki yadroviy energiya kabi qazib olinadigan energiya manbalariga qaraganda kamroqdir. Biroq, arzon narxlar, kattaroq resurslar va mavjud infratuzilma tufayli, amaldagi qonunlar va qoidalarga muvofiq, tabiiy gaz boshqa barcha yoqilg'ilarga va qazilmalarga nisbatan energiya iste'molidagi ulushini oshirishi prognoz qilinmoqda. Yoqilg'i resurslari hali ham zamonaviy hayotning zaruriy va muhim qismi hisoblanadi.

Gazni qayta ishlash korxonalarida gazlarni tozalash muammosini hal qilishda qayta ishlash usullarning iqtisodiy xususiyatlariga katta e'tibor berish kerak.

Mamlakatimizdagi gazni qayta ishlash korxonalarida qayta ishlangan gaz O'zDSt 948:2016 davlat standartiga muvofiq kelishi zarur. Qayta ishlangan gaz tarkibida nordon gazlarni mavjud bo'lishi uning yemiruvchanlik xususiyatini ortib ketishiga, bu esa o'z navbatida iste'molchilarning haqli e'tirozlariga sabab bo'ladi. Bunda chet davlatlarga eksport qilinayotgan gaz mahsulotlarining sifati tushishiga va hamkorlar oldida shartnoma majburiyatlari bajarilmay qolishiga olib keladi.

Gazni qayta ishlash korxonalarimizni yangi texnologiyalar bilan jihozlash, mavjud qurilmalarini modernizatsiya qilish va ishlab chiqarishda raqamli texnologiyalarni joriy etish hozirgi zamon talabidir.

Gaz tarkibini nordon gazlardan tozalashda Separeks membrana texnologiyasini amaliyotda qo'llash "O'zbekneftgaz" AJ ga qarashli gazni qayta ishlash korxonalari uchun dolzarb hisoblanadi.

Separeks membrana tizimlari tabiiy gaz tarkibidan nordon gazni olib qolish uchun ishlatiladi. Tizimlar spiral tarzda o'rnatilgan membrana elementlari bilan blokli asosda ta'minlanadi. Ishlab chiqaruvchi mutaxassislarning fikricha, Separeks membrana tizimlarining an'anaviy erituvchiga asoslangan jarayonlarga nisbatan afzalliklari qayta ishlangan tabiiy gaz sifatining yaxshilanishi, shuningdek, gazni qayta ishlash jarayonida kapital va ekspluatatsiya xarajatlarining kamayishi hisoblanadi.

Separeks texnologiyasining ustun taraflari quyidagilardan iborat:

1. **Tabiiy gaz tarkibidan nordon gazlarning asosiy qismini ushlab qolish.** Yuqorida aytganimizdek nordon gazlarni tabiiy gaz tarkibida bo'lishi nafaqat iste'molchilar zararli uchun balki korxonadagi ishlab chiqarish qurilmalarini o'z ishlash muddatini nihoyalamay turib ishdan chiqishiga olib keladi.
2. **Ishlab chiqarishda yuqori ishonchlilik, membrana qismlarini uzoq vaqt xizmat qilish muddati.** Albatta neft va gazni qayta ishlash korxonalarida ishlatilib kelinayotgan qurilma va uskunalarning aksariyati chet davlatlardan keltiriladi. Qurilmalarning uzoq vaqt ishlashi esa ularning ishlatish xarajatlari oshib ketmasligiga yordam beradi.
3. **To'xtash vaqti – yiliga 0,5 % dan kam.** Qurilmaning toxtash vaqti kamligi uning samaradorligi yuqori ekanligidan dalolat beradi. Ya'ni qurilma qancha ko'p vaqt davomida ishlasa shuncha ko'p tovar gazini nordon gazdan tozalaydi.
4. **Qurilmaning ixchamliligi ya'ni o'rnatish uchun katta maydonni talab etmasligi.** Sanoat korxonalarini qurishdan oldingi loyihalash ishlarida iloji boricha ixchamroq qilishga harakat qilinadi. Bundan ko'rinib turibdiki ish faoliyatini olib

borayotgan korxonalarda yangi qurilmalarni o’rnatishda mos keladigan maydonni topish oson ish emas. Separeks qurilmasining katta maydonni egallamasligi shunday vaziyatlarda qulaydir.

5. Gazni qayta ishlashning boshqa texnologik jarayonlariga xalaqit bermasligi. Neft va gazni qayta ishlash korxonalarida har bir qurilma ma’lum bir tizim va ketma-ketlik asosida faoliyat yuritadi. Bunday faoliyat davomida ularning soat mexanizmidek ishlashi juda muhimdir. Joriy qilinayotgan har qanday yangilik, ixtiro yoki innovatsiyalar puxta o’ylangan hisob-kitob asosida bo’lishi lozim. Aks holda qurilmalarning optimal ish rejimiga putur yetishi, oqibatda ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar talabga javob bermasligi mumkin. Ushbu holatda ham Separeks qurilmasi maksimal tarzda boshqa qurilmalarning ish faoliyatiga halaqit qilmay ishlashi, uning yana bitta yutug’i hisoblanadi.

6. O’rnatish va zarur paytlarda qurilmani ko’chirishdagi qulaylik. Bu holda uning modulli ya’ni ko’chirilish qobiliyati boshqa muammoli joylarga yetkazilishda asqotadi. Ko’pgina gazni qayta ishlash korxonalaridagi ishlab chiqarish jarayonidagi muammolar bir-birida takrorlanib turadi. Separeks texnologiyasini modullilik qobiliyati joylarda paydo bo’lgan muammo va kamchiliklarni tezda bartaraf etishda yordam beradi.

7. Loyihaning barcha bosqichlari ya’ni mahsulotni o’rnatishdan boshlab qurilmani ish jarayonigacha litsenziar tashkilotning malakali yordami. Yangi texnologiyalarni tadbiq etish davomida uning ekspluatatsiyasi bilan bog’liq bo’lgan tushunmovchiliklarning paydo bo’lishi tabiiy jarayon hisoblanadi. Ushbu hollarda Separeks qurilmasining yetkazib beruvchi korxona tomonidan kerakli tavsiya va ko’rsatmalar taqdim etib boriladi.

Yuqorida bayon etilgan zamonaviy texnologiyani gazni qayta ishlash korxonalariga tadbiq etilishi, sanoatimizdagi ishlab chiqarish hamda iqtisodiy ko’rsatkichlarni yaxshilashga yordam beradi.

Qurbonqulov N.L. *– OBM tinglovchisi*

TADBIRKORLIKNING ASOSIY TAMOILLARI VA ULARNING ASOSIY XUSUSIYATLARI

O‘zbekiston mustaqillikka erishgandan so‘ng tadbirkorlik rasman tan olindi va uning rivojlanishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratildi. Buning natijasida tadbikorlik faoliyati ham, uni ilmiy-tadqiqot qilish ham, o‘qitish ham jiddiy jonlanib ketdi. Tadbirkorlik! Bu hodisa va tushuncha bir qarashda juda oddiy, hammaga ravshandek tuyuladi. Haqiqatan esa, u juda murakkab, ko‘pqirrali va, buning ustiga, fundamental ijtimoiy-iiqtisodiy hodisadir. Tadbirkorlik ideologi hisoblangan Y.Shumpeter: tadbirkorlikni barcha turdagi ijtimoiy-iqtisodiy tizimlarga xos hodisa bo’lib, ularning nafaqat tarkibiy qismi, balki iqtisodiyotni harakatlantiruvchi kuch, deb ta’kidlab o‘tgan. Tadbirkorlik 0‘zbekiston ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotida hamda jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi salbiy ta’sirini yumshatish va oqibatlarini bartaraf etishda shunday kuch ekanligini namoyon etmoqda va yetakchi sohaga

aylanmoqda. Tadbirkor bo'lish - bu bog'da sayr qilish emas. Yo'l qiyin. Siz noaniqliklar to'plamini qabul qilyapsiz. Yo'lda nima bo'lishi mumkinligini oldindan aytib bo'lmaydi. Bu kamroq qabul qilingan yo'l. Qanchalik qiziqarli bo'lmasin, tadbirkorlik sayohati ma'lum darajadagi xavf bilan birga keladi. O'zingiz harakat qilishingizdan oldin, sizning mahorat to'plamlaringiz bunga mos kelishiga ishonch hosil qiling. Tadbirkorlar har qanday shakl va o'lchamda bo'ladi, lekin ularni ikkita umumiy xususiyat birlashtiradi: bozorda qondirilmagan ehtiyojni qondira olishiga ishonish va tavakkal qilishga tayyorlik. Biroq, tadbirkorlar nafaqat ijodiy, balki tavakkalchilikka asoslangan kichik biznes egalaridir. Ular, shuningdek, ish o'rinlari yaratuvchilar, boylik yaratuvchilar va iqtisodiy o'sish va rivojlanishning dvigatellari. Tadbirkorlikning to'lqinli suvini sinab ko'rish ko'plab xavflarni o'z ichiga oladi. Ko'pgina tadbirkorlar o'zlarining shaxsiy jamg'armalarini o'zlarining startaplarida qo'yadilar; Baxtli bo'lganlar o'z bizneslarini venchur kapitalistlarning boshlang'ich pullari yoki investorlarning sotib olishlari bilan moliyalashtiradilar. Ular orzu qilgan korxonani ishga tushirish uchun to'g'ri vaqtni qayerdan bilishadi? Tadbirkor sifatida muvaffaqiyat qozonish uchun avvalo tadbirkorlikning asosiy tamoyillarini tushunishingiz kerak. 0‘zbekistonda tadbirkorlik jamiyatining ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlari mujassamlashgan, yaqqol namoyon boiadigan hamda tez rivojlanib borayotgan va harakatchan sohasiga aylanib bormoqda. Mamlakatda bozor munosabatlarining shakllanishi va iqtisodiy taraqqiyotida uning o‘rni va roli tobora sezilarli tus olib bormoqda. Tadbirkorlik ideologi hisoblangan XX asr buyuk iqtisodchisi Yozef Shumpeter (1883 - 1950- yillar): “Tadbirkorlikning jamiyat ijtimoiyiqtisodiy taraqqyotidagi hal qiluvchi rolini u boTmagan joyda juda his qilish mumkin”, deb ta'kidlab o‘tgan. Tadbirkorlikka oid dastlabki ilmiy tadqiqotlar XVIII asr buyuk allomalari R.Kantil’on, A.Tyurgo, F.Kene, A.Smit, J.B.Sey va boshqalar tomonidan amalga oshirilgan. Demak, “tadbirkor”, “tadbirkorlik” tushunchalarining paydo boiishi shu davrga to‘g‘ri keladi. Keyinchalik bunday tadqiqotlar kengayib, alohida ilmiy yo‘nalish tusini olgan, ularning natijalarini amaliyotda qo‘llash esa iqtisodiyotga samarali ta’sirini namoyon qila boshlagan. Shunday natijalardan biri “tadbirkorlik” tushunchasining shakllanishi va mazmun-mohiyatining aniqlanib, boyitilib borishi hisoblanadi. XX asrda tadbirkorlikni ilmiy-amaliy tahlil qilishda yangi Avstriya maktabi atoqli vakili boigan U. Shumpeter katta rol o‘ynaydi. U tadbirkorlikning harakatchan iqtisodiy jarayondagi rolini, uning yaratuvchanlik funksiyasini aniqlaydi, tadbirkorning psixologik qiyofasini chizadi. Unga ko‘ra, tadkbirkor iqtisodiyotni harakatlantiruvchi asosiy kuchdir. Tadbirkorlikka ayrim hollarda o‘z-o‘zidan mavjud boigan narsa deb, e'tiborsizlik bilan qarashlarni tanqid qilib, tadbirkorlik boimagan iqtisodiyotni tasavvur qilib ko‘rishni tavsiya etadi. Shumpeter iqtisodiy rivojlanish - bu ishlab chiqarish omillarining uyg‘unlashtirish bosqichlaridan iborat bo‘lgan jarayon, degan gipotezani ilgari suradi. Bu ishlab chiqarish omillarining har bir yangicha uyg‘unlashtirish iqtisodiy rivojlanishning bir bosqichi hisoblanadi degan gapdir. Bunday yangicha uyg'unlashtirishlarni amalga oshirishga esa faqat tadbirkor qodir. U novator, yaratuvchi, ixtirochi bo‘lgani tufayli yangi uyg‘unliklami, ya’ni oldin ma’lum bo'lmagan ne’matlarni ishlab chiqarishni, xomashyoning yangi manbalarini, yangi texnologiyani, ishlab chiqarishni tashkil

etish va boshqarishning mukammal tizimlarini o‘zlashtirib, muvaffaqiyatga intiladi va erishadi. Shuning uchun ham tadbirkor iqtisodiy otni rivojlantirish va modemizatsiya qilishda markaziy o‘rin egallaydi. Demak, tadbirkorlik novatorligi yangi tovarlar, xizmatlar, texnologiyalar, usullar yaratish bilan bog‘liq bo'lib, iqtisodiy samaradorlikni tamoman yangi bosqichga chiqarishga qodir bo'ladi. Yangi Avstriya maktabining yana bir atoqli vakili F. Fon Xayek ham Shumpeterga hamohang ravishda tadbirkorlik - bu yangi iqtisodiy imkoniyatlami izlab topish, o'rganish va ishga solish, deb hisoblaydi va faoliyati izlash tarzida kechadigan har qanday shaxsga bo‘lg‘usi tadbirkor deb qaraydi. Tadbirkorlikka oid yuqorida ko'rib chiqilgan hamda boshqa fikrlar va mulohazalar asosida bir qator xulosalar qilish mumkin. Tadbirkorlik, ayrimlar o'ylashicha. bozor iqtisodiyotiga o‘tish davriga xos o'tkinchi narsa bo'lmay, fundamental tusga ega. Chunki u nafaqat bozor iqtisodiyoti tizimiga, balki barcha ijtimoiy-iqtisodiy tizimlarga xos hodisa. Biz hammamiz eng mashhur tadbirkorlik muvaffaqiyati tarixini bilamiz: Jeff Bezos, Bill Geyts, Opra Uinfri va boshqalar startap olamida namuna sifatida qabul qilingan. Boshqalar bilmaydigan nimani bilishgan? Ushbu maqola ushbu savolni o'rganadi.Tadbirkorlar muvaffaqiyatga erishish uchun ko'rsatmalar va mayoq bo'lib xizmat qiladigan ba'zi asosiy tamoyillarga amal qilishlari kerak. Uch yil davomida olib borilgan tadqiqotlar va 150 dan ortiq tadbirkorlar bilan suhbatlar natijasida, taniqli muallif va menejment bo'yicha ekspert Bill Merfi Garvard biznes maktabi tomonidan nashr etilgan tadbirkorlik haqidagi kitobini taqdim etdi. Ushbu maqola ushbu kitobdagi fikrlarga asoslanadi va intiluvchan va mavjud tadbirkorlar uchun belgi bo'lib xizmat qilishi kerak bo'lgan besh tamoyilni sanab o'tadi. Ushbu tadqiqotdan olingan tushunchalardan biri shundaki, ushbu tamoyillarning aksariyatini tajribadan o'rganish mumkin va korxonani boshlash jarayoni o'z-o'zidan ta'lim tajribasidir. Ushbu kirish bilan biz endi Bill Merfi tomonidan ilgari surilgan tadbirkorlikning beshta tamoyiliga o'tishimiz mumkin.

Har doim ham tadbirkorlar tez pul topishlari kerak emas va bu maqsad bo'lmasligi kerak. Tadbirkorlar yangi korxona ochishdan oldin suvni sinovdan o‘tkazishi muhim. Bu shuni anglatadiki, inson o'zini tadbirkorlik idealiga bag'ishlashi va biznesning yangi modellarini, biznes yuritishning yangi shakllari va paradigmalarini sinab ko'rishi kerak. Boshqacha aytganda, tadbirkorlar “ketish” so‘zidan foyda olishga shoshilmasliklari, o‘rniga tadbirkorlik nima ekanligini tushunishlari kerak. Masalan, boshi berk ko'chaga intilish o'rniga, o'yinni o'zgartirish g'oyasini ishlab chiqish yaxshiroqdir, bu tadbirkorlar uzoq vaqt davomida o'yinda bo'lishga tayyor bo'lishlari kerakligini anglatadi.

Saroblarni ta'qib qilish o'rniga vaqt talab qilsa ham, har doim to'g'ri imkoniyatni topish yaxshiroqdir. Bu tamoyil to'g'ri imkoniyatni kutish va shu bilan birga imkoniyat paydo bo'lgan paytdan foydalanishni anglatadi. Albatta, biz tadbirkorlar to'g'ri imkoniyatni abadiy kutishlari kerak, deb aytmayapmiz. Aksincha, bu erda maqsad tadbirkorlar imkoniyatdan foydalanish uchun zarur poydevorga ega bo'lishini ta'minlashi, shuningdek, korxonani boshlash qiyin bo'lgan taqdirda imkoniyatlar yaratadigan g'oya va biznes modeliga ega bo'lishi kerak. Masalan, imkoniyat bir marta taqillaydi va imkoniyat topolmasangiz, shunday eshik

yaratingki, imkoniyat paydo bo'lganda tayyor bo'lishingiz uchun tadbirkorlar ham imkoniyatlar yaratishi, balki undan foydalanishi kerak degan ma'noni anglatishi mumkin. ular paydo bo'lganda. Yana bir o‘xshatish shundan iboratki, tadbirkorlar baliq ovlashga ketayotganda qarmoqlar va o‘ljalarga tayyor bo‘lishlari kerak, agar daryo, dengiz yoki ko‘l to‘yingan bo‘lsa, ular “ko‘k okean” bo‘lgan suvlarda baliq tutishlari kerak, ya’ni ular yangi bozorlar yaratishi kerak. o'zlari uchun.

Odamlarga investitsiya qiling va muvaffaqiyatli jamoalar yarating. Oldingi printsipda bo'lgani kabi, tadbirkorlar tashabbusni boshlashdan oldin o'zlarining to'g'ri jamoasiga ega bo'lishlariga ishonch hosil qilishlari kerak. Axir, agar jamoa bo'lmasa, korxona imkoniyatlardan foydalana olmaydi. Bundan tashqari, tadbirkorlar jamoaning ishtiyoqli, sodiq bo'lishini va eng muhimi, ta'sischilarning qarashlari va missiyasini baham ko'rishini ta'minlashi kerak. Boshqacha qilib aytadigan bo'lsak, agar jamoa ta'sischining g'oyalari bilan sotib olinmasa, korxona barbod bo'ladi. Bunga qo'shimcha ravishda, g'ayratli va ijodiy bo'lishdan tashqari, e'tibor, g'ayrat, sadoqat, qat'iyat, jasorat va izchillikka ega bo'lgan to'g'ri odamlarni olish tadbirkorlar e'tiborsiz qoldirishi mumkin bo'lgan ba'zi talablardir.

Hamma narsa joyida bo'lishi har doim ham etarli emas. Muhimi, ijro etish va yetkazib berish. Sotuvchi sizni sinovdan o'tmagan mahsulotni sotib olishga ishontirmoqchi bo'lgan glib nutqiga jalb qilayotganini his qilganmisiz? Xuddi shunday, har qanday gap-so'z va hech qanday ijro yangi korxonani hech qayerga olib kelmaydi, shuning uchun tadbirkorlar uchun gap-so'zni bajarishi va o'z va'dalarini bajarishiga ishonch hosil qilish juda muhimdir. tadbirkor ijro san'atini bilmasa, joyida. Dotcom bumi paytida sodir bo'lganidek, tinglashni istagan har bir kishi uchun oyni va'da qilgan ajoyib g'oyalarga ega ko'plab startaplar va teng darajada ajoyib jamoalar bor edi. Biroq, ularning biznesida muvaffaqiyatsizlikka uchraganligi, asosan, g'oyalar va amalga oshirish o'rtasidagi tafovut bilan bog'liq edi. Shunday ekan, tadbirkor gapni yuradigan, ijro ma’nosini tushunadigan yetakchi bo‘lishi kerak. Bundan tashqari, etakchilik tadbirkorlar muvaffaqiyatsizlikdan qo'rqmasliklari va buning o'rniga, qiyinchiliklarni g'alabaga aylantirishlari va muvaffaqiyatsizlikni muvaffaqiyatga erishish uchun pog'onaga aylantirishlari kerakligini anglatadi. Haqiqatan ham, buyuk tadbirkorlar - bu o'z instinktlari va sezgilariga ishonishga tayyor bo'lganlar va korxona hali samarasiz yoki hatto yo'qotishlarga duchor bo'lganda o'zlarini qo'llab-quvvatlashga tayyor. Boshqacha qilib aytadigan bo'lsak, agar sizda ajoyib g'oya bor deb o'ylasangiz va uni to'g'ri jamoa bilan yaxshi bajarayotgan bo'lsangiz, odatiy donolik noto'g'ri ekanligini aytsa ham, davom etishingiz va davom etishingiz kerak.

Tadbirkorlar o'z-o'zini amalga oshiradigan vizyoner bo'lishi kerak. Har qanday muvaffaqiyatli tadbirkordan so'rang va ular pul haqiqatan ham muhim va foyda haqiqatan ham muhim bo'lsa-da, bu har doim ham pulga bog'liq emas yoki foyda olish yagona narsa ekanligini aytishadi. Buning o'rniga, buyuk tadbirkorlik - bu ichki ovozga quloq solish, boshqalar uchun ish va imkoniyatlar yaratish, men, faqat o'zim kabi munosabatda bo'lish o'rniga korxona tufayli jamiyat farovonligini bilish va eng muhimi, ularning qarashlarini muvaffaqiyatga aylantirishdir. Misol uchun, ko'pchiligimiz o'z ehtiroslarini topish va orzulariga ergashish va ularni

amalga oshirish uchun qulay ishlarni tashlab ketgan odamlarni eshitgan yoki uchratganmiz. Shu sababli, muvaffaqiyatli tadbirkorlik - bu dunyoni o'zgartirish va o'z tashabbuslari bilan jamiyatlarni o'zgartiradigan ijtimoiy messia bo'lishdir.

Va nihoyat, tadbirkorlik o'zini o'zgartirish uchun boshlang'ich nuqta sifatida qaralishi va bu jarayonda o'zgarish agentiga aylanishi kerak. Buning amalga oshishi uchun tadbirkor katta tizimdan ekologik, ijtimoiy va iqtisodiy talablarni bajara olishi va shu bilan birga o'z orzulari sari intilishi kerak. Darhaqiqat, ichki intilishlar va tashqi umidlar o'rtasidagi muvozanat muvaffaqiyatning eng muhim omilidir. Tadbirkorlik asoslari fanining predmeti tadbirkorlik faoliyatini tashkii etish, amalga oshirish, rivojlantirish va qo‘llab-quvvatlash jarayonlari, ularning ijtimoiy, iqtisodiy, huquqiy, tashkiliy, moddiy, moliyaviy, marketing, boshqarish va boshqa asoslari hisoblanadi. 0 ‘zbekiston bozor iqtisodiyotiga o‘tish davri da bo‘lib, jamiyatda bozor munosabatlari, tuzilmalari, infratuzilmasi shakllanib kelayotgan, ijtimoiy-iqtisodiy tizim bozor iqtisodiyoti qonunlari, tamoyillari, talablariga moslashtirib qayta qurilayotgan bir paytda tadbirkorlik sohasi shakllanib, rivojlanib kelmoqda. Bunday sharoitda tadbirkorlik sohasida zaruriy obyektiv qonunlar, qonuniyatlar, tamoyillar bilan bir qatorda nozamriy, tasodifiy, o‘tkinchi hodisalar, holatlar ham, yechimini kutayotgan muammolar ham ko‘proq bo‘lishi tabiiy. Mazkur muammolarni tezroq yechish va tadbirkorlikni yuqori rivojlangan madaniy darajaga ko‘tarish uchun tadbirkorlarga ham, sohani tartibga solish va qo‘llab-quvvatlashga mas’ul bo‘lgan xodimlarga ham bilim va tajriba yetishmasligi ayon bo‘lib qoldi. Shuning uchun 0‘zbekistonda tadbirkorlik sohasini har tomonlama, chuqur tadqiq qilish, bu sohadagi ilmiy-tadqiqot natijalari va ilg'or tajribani amaliyotga tadbiq etish, talabalar, o‘quvchilar, aholi keng qatlamlariga tadbirkorlik to‘g‘risida bilim berish dolzarb masala bo‘lib yuzaga chiqdi. Bu masalani hal qilishda tadbirkorlik asoslari fani muhim rol o‘ynaydi. Tadbirkorlik haqidagi tasavvurlarning o‘sib borishi bozor iqtisodiyoti mavjud boMgan davlatlar taraqqiyotining ilk bosqichlarida unga boshqarish malakasining eng muhim tavsifi deb, menejer faoliyati esa innovatorning roliga nisbatan ustunroq deb qaralgan. Ammo yuqori texnologiyalarga asoslangan iqtisodiyotga o‘tish tadbirkorlikning shunday talqinini olib chiqadiki, bu talqin, asosan, innovatsiya jarayonlari bilan ularning o‘z yangiliklari asosida yoki yangiliklami innovatsiya tarzida jalb qilish asosida tarqatilishi bilan bog'liq. Shunga muvofiq agrarxomashyo iqtisodiyotli va sanoatlashtirishning ilk bosqichida turgan mamlakatlaming iqtisodiy rivojlanishida immitatsion tadbirkorlik muhim ahamiyat kasb etadi. U mavjud va olinishi oson bo‘lgan resurslardan foydalanish, boshqarish malakasi, texnikaviy bilimlar jalb qilingan texnologiyaga asoslanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Shadibekova, D. (2020). Shodibekova DA, Shodibekov DI “Tadbirkorlik va kichik biznes asoslari”. Архив научных исследований, (21).
2. Xabibillayev, B. A. O. G. L. (2022). JAMIYAT HAYOTIDA TADBIRKORLIKNI O’RNI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(5), 737-743.

3. Asatilla o’g’li, X. B. (2022). Jamiyat hayotida tadbirkorlikni o’rni.
4. Solidjonov, D. (2021). Issues of economic development and international integration in the new Uzbekistan. Scienceweb academic papers collection.

Қаҳҳоров А.А. *- ТМИ мустақил изланувчиси*

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ БАҲОЛАШ ЗАРУРАТИ ВА УЛАРНИНГ ҚИЙМАТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Давлат иштирокидаги компанияларни баҳолаш натижалари, уларнинг нақадар бозор кутилмаси билан мослиги бир қатор жараёнларга, хусусан давлат мулкларини хусусийлаштириш жараёнига қаттиқ таъсирини кўрсатади.

Норматив ҳужжатларда “давлат иштирокидаги корхона” сифатида устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари назарда тутилганлиги кўриш мумкин.

Давлат иштирокидаги корхоналар акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамият, ширкат ва/ёки бошқа ташкилий ҳуқуқий шаклларда фаолият олиб бориши мумкин. Жумладан, Ўзбекистонда давлат иштирокидаги корхоналарнинг (**2100** та) катта улуши (**51%**) масъулияти чекланган жамият шаклида (**1071**та) ташкил этилган ва фаолият олиб боради. Алоҳида қайд этиш жоизки, бундан ташқари Ўзбекистонда давлат мулкига асосланган ва турли (давлат) хизматларини кўрсатувчи (**28 342**та) муассаса фаолият кўрсатмоқда[1].

Қуйидаги ҳолатларда тегишли қарорларни қабул қилиш учун баҳолаш жараёнини ўтказиш зарурий ҳисобланади:

1. Низоли (баҳсли) ҳолатларни ҳал этишда (**Litigation**) – шикаст етказилганлик ёки ишдан чиққанлик ҳолатлари, никоҳ шартномасини бекор қилиш ҳолатларида асос/исбот сифатида ишлатиш учун[2].

2. Корхонани сотишда ёки ундан тегишли улуш билан чиқиб кетишда. Мулкнинг олди-сотди нархи талаб ва таклиф асосида шаклланганлиги билан, мулк эгаси ўзига тегишли мулкнинг тахминий/тавсиявий қийматини билиши ва нархни ошириш мақсадида уни сотиш масаласига муайян стратегия билан ёндашиши талаб этилади.

3. Корхонани сотиб олишда – ундан келадиган даромадни тўғри прогноз қилишда.

4. Корхона бўйича асосли қарор қабул қилиш учун корхонанинг амалдаги қиймати тўғрисида тўғри тасаввурга эга бўлиш зарурати туфайли. Бундай қарорлар стратегик режалаштириш, рискларни бошқариш – микроиқтисодий рисклардан қочиш ва макроиқтисодий рискларни юмшатиш учун айниқса зарур.

[1] www.davaktiv.uz Давлат активларини бошқариш агентлиги маълумотлари асосида, 2022 йил 1 июн ҳолатига.
[2] https://corporatefinanceinstitute.com/resources/knowledge/valuation/valuation

5. Гаров таъминоти сифатида мулкдан фойдаланиш ёки кредиторлар билан музокара қилишда корхонанинг қийматини кўрсатиш учун.

Хориж мамлакатларида кенг тарқалган бошқарув концепцияларидан бири – қийматга асосланган бошқарув (Value based management) ҳисобланади. У қийматни яратиш, бошқариш ва баҳолашга йўналтирилган менежмент ҳисобланади. Бунда, қарорлар қабул қилишда асосий меъзонлар сифатида бизнеснинг бозор қиймати (ўсиши/камайиши), пул оқимлари, капитал қиймати каби кўрсаткичлар қаралади. Ушбу концепция асосида бошқарувда корхонанинг қиймати муайян даврийликда баҳоланиб боради. Чунки, баҳо (қиймат) ўлчаш мумкин бўлган энг қулай миқдор кўрсаткичидир[1].

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида баҳолаш орқали қийматни аниқлаш жараёни мажбурий этиб белгиланган ҳолатлар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 11-моддасига асосан, баҳолашни ўтказишни давлатга тўла ёки умумий мулк ҳуқуқида қисман қарашли баҳолаш объектлари битим тузишга жалб этилган тақдирда, шу жумладан:

баҳолаш объектларини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, ишончли бошқарувга топшириш ёки ижарага бериш мақсадида уларнинг қиймати аниқланаётганда;

баҳолаш объектларидан гаров нарсаси сифатида фойдаланаётганда;

баҳолаш объектлари сотилаётганда ёки ўзга шахсга бошқача тарзда ўтказилаётганда;

баҳолаш объектлари билан боғлиқ қарз мажбуриятларидан бошқанинг фойдасига воз кечилаётганда;

баҳолаш объектлари юридик шахсларнинг устав фондларига улуш тариқасида берилаётганда мажбурийдир.

Баҳолаш ўтказиш баҳолаш объектининг қиймати тўғрисида низо чиққан тақдирда ҳам, шу жумладан:

мол-мулк национализация қилинаётганда;

ипотека кредити берилаётганда;

тарафлардан бирининг талабига биноан эр-хотиннинг мол-мулки бўлинаётганда;

мол-мулк мулкдорларидан давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинаётган ёки қонунчиликда назарда тутилган бошқача тарзда олиб қўйилаётганда;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри тўланиши устидан назорат ўтказилаётганда мажбурийдир.

Ўзбекистон шароитида баҳолаш жараёнини ўтказишни талаб этувчи ҳолатлардан бири – молиявий ҳисоботни юритишда, айниқса йирик корхоналар бўйича молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтиш жараёнининг бошланганидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро

[1] И.В.Косорукова, И.А. Ягодкина. “Теоретические основы оценочной деятельности как науки и их применение в современной практике стоимостной оценки», М.: «Имущественные отношения в РФ», журнал № 12 (219) 2019, стр 30.

стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарорига асосан, 2021 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши белгиланган.

Ушбу ҳужжатлар давлат корхоналарининг мулкининг ҳақиқий бозор қийматини аниқлашни тақозо этади.

Лекин, амалиётда айрим давлат корхоналарининг баҳоланган қиймати ва бозор нархи ўртасидаги тафовутларнинг ужудга келишига, фикримизча, қуйидаги омиллар таъсири мавжуд деб ҳисоблаймиз:

1. Меъёрий –ҳуқуқий омиллар. 2020 йилда Ягона мулкни баҳолаш стандарти қабул қилингунга қадар, давлат иштирокидаги корхоналар қийматини баҳолаш учун алоҳида 8-сон Мулкни баҳолаш миллий стандарти (Адлия вазирлигида 2025-сон билан рўйхатдан ўтган) қўлланилган. Яъни, айни бир хил бизнес – унинг эгалик тузилмасида давлат иштироки мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан келиб чиқиб, алоҳида стандартлар асосида баҳоланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарори билан тасдиқланган Низомларда давлат корхонасини мажбурий хатловдан ўтказилиши ва ушбюу жараёнда “янги/қўшимча аниқланган” мулкларнинг “кашф этилиши”, уларнинг мажбурий тартибда баҳолаш массасига киритилиши каби нормалар баҳолаш қийматига ўз таъсирини кўрсатади.

Ягона мулкни баҳолаш миллий стандарти қабул қилингандан сўнг, ушбу стандарт халқаро баҳолаш стандартлари талабларига мувофиқлиги таъкидланишига ва бир қанча усулларнинг тавсифини кенг тарзда қамраб олган бўлишига қарамай, баҳолаш ташкилотлари томонидан бошқа баҳолаш услуб ва ёндашувларини мустақил қўллаш ҳуқуқини бермайди.

2. Ташкилий – институционал омиллар. Ушбу омиллар гуруҳига бозорнинг муайян сегментларида баҳолаш объектига ўхшаш объектларнинг олди-сотди битимлари тўғрисида маълумотларнинг етишмаслигини, “Тошкент” РФБда бўлиб ўтадиган савдолар якунлари, ретроспектив таҳлиллар бўйича ахборотларнинг камлигини киритиш мумкин. Айрим иқтисодиёт тармоқлари бўйича бозорнинг ўзи шаклланмаганлиги, айрим тармоқларда монополлашув даражасининг юқори бевосита корхона нархига таъсир этувчи омил ҳисобланади.

3. Психологик омиллар. Баҳолаш ташкилотларида давлат иштирокидаги корхона қийматини максимал даражада юқори нархда баҳоланиши – уларни келгусида турли ҳолатларда хавфсизлигининг кафолати сифатида қаралиши. Муайян ҳолатларда, хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқилганлиги, баҳолаш ҳисоботлари асосида текширувлар ўтказилганлиги, баҳоловчининг профессионал ҳисоб-китоб асосида берган тавсиясини давлат манфаатларига зарар етказилиши ҳолатлари билан боғлашга интилиш - баҳоловчиларда алоҳида эҳтиёткорлик руҳиятини шакллантирган.

4. Хусусийлаштириш сиёсати билан боғлиқ омиллар. Хусусийлаштириш дастурларига аксарият ҳолларда кам қувватли, паст

рентабелли ёки зарар кўриб ишлаётган корхоналар киритилганлиги, саноатнинг базавий тармоқлари корхоналари киритилмаганлиги, аксарият ҳолларда сотиш учун давлат иштирокидаги корхонанинг жуда кичик (миноритар) улушлари таклиф этилганлиги ва назорат улуши давлатнинг ихтиёрида сақлаб қолинганлиги – таклиф этилаётган давлат улушлари қийматига ўз таъсирини кўрсатади. Шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштиришга тайёрлаш бўйича пухта жараён ташкил этилмаганлиги ҳолатида, норматив ҳужжатларда корхоналарни сотишнинг муддати белгиланиши – инвесторлар билан самарали музокара олиб боришга тўсқинлик қилади.

5. Бозордаги ликвидлилик даражаси ҳам аҳамиятга эга. Корхонанинг бозорга таклиф этилаётган улуши миқдори бевосита сотилаётган корхонанинг жозибадорлигига ва унинг нархига таъсир ўтказади.

6. Сотиш усулининг тўғри танланиши Корхонанинг қийматига таъсир этади. Муайян корхона акцияларининг бир қисмини фонд биржаси орқали сотилган нархи ва яхлит пакет тарзида стратегик инвесторга сотилган акция пакетининг қийматини солиштиришда, олди-сотди шартномасида кўрсатиладиган Харидорнинг ижтимоий мажбуриятлари пакетини эътибордан чиқармаслик зарур. Стратегик инвестор сифатида қўшимча мажбуриятларни, ижтимоий шартларни қабул қилувчи харидор учун ушбу шартларнинг бажарилиши маълум харажатларни талаб қилади, бу ўз навбатида, корхонанинг сотиб олиш тўловларини келишишда ўз таъсирини кўрсатади.

Марахимов Ф.Х. *– ОБМ тингловчиси*


ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ДУНЁ АВТОМОБИЛСОЗЛИК СОҲАСИ

Маълумки, автомобилсозлик сохаси дунёда 1880-1890 йилларда Франция ва Германияда ташкил топди. Ушбу даврдан ҳозирги кунгача, бир нечта автомобил ишлаб чиқарувчи концернлар пайдо бўлди, автомобилларнинг бир неча турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди яъни ички ёнув двигателидан тортиб электромобилгача, шу билан бирга бир қатор турдош соҳалар хам ривожланиб келмоқда ва асосийси янги технологиялар қўлланилиб келинмоқда.

Дунё иқтисодиётига, ривожланишига, аҳоли турмуш тарзига мисли кўрилмаган таъсирини ўтказган Пандемия автомобилсозлик йуналишини хам четлаб ўтмади. Бунга кўп мисоллар келтириш мумкин, масалан пандемия бошларида яъни 2020 йилда дунёда автомобил сотувини кескин тушиб кетиши, бир қанча заводларни ёпилиши ёки вақтинча иш фаолиятни тўхтатишга, бутловчи қисмларни етишмаслиги ва бошқалар. Кейинчалик эса автомобилга бўлган талабни кескин ошиб кетиши, ўз навбатида автоконцернларни автомобил ишлаб чиқаришни пандимия шароитида тўғри керакли даражада йўлга кўёлмаслиги туфайли автомобилга бўлган эҳтиёжни қисқа муддатда қоплаб бера олмаслигига тўғри келди.

Автомобил саноати билан боғлик бўлган коранавирус инқирозининг ўзига хос ҳусусияти унинг бир вақтнинг ўзида барча иқтисодий омилларга таъсири эди. Биринчидан пандемияга қарши чора-тадбирлар янги автомобилларга талабни сезиларли даражада камайтирди. Дунё бўйлаб енгил автомобиллар савдоси 15,3 фоизга, 74,9 миллиондан 63,4 миллион донагача қисқарди. Европа қитъасида пасайиш янада кескинроқ бўлиб, 20,6% ни ташкил этди. Шу билан бирга, Европа иттифоқида бозор янада чуқурроқ – 23,7% га камайди ва Буюк Британияда сотувларнинг рекорд даражада камайиши – 29,4% га бўлди. Хитойда ҳам енгил автомобилларга бўлган талаб 6,8 фоизга камайди.

Шу билан бирга Ўзбекистон автомобилсозликнинг ишлаб чиқаришда ҳам пасайиш кузатилди. «УзАвтоМоторс» АЖ томонидан 2020 йилда 280,1 минг, автомобиль ишлаб чиқарилган бўлса 2021 йилда 235,7 минг автомобил ишлаб чиқарилди.



Бунга қарамасдан, автомобилсозлик соҳаси йилдан йилга кескин суръатларда ривожланиб глобаллашиб бормоқда, натижада автомобил ва бутловчи ишлаб чиқариш заводлари бутун дунё бўйлаб ёйилиб кетди. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин, масалан General Motors америкaнинг энг йирик автомобил корпорациясияларидан бири бўлиб дунёнинг 77 йил мобайнида энг йирик автомобил ишлаб чиқарувчиси бўлган, автомобил ишлаб чикариш 35 та мамлакатда жорий қилинган, сотув бўлса 192 давлатда, шу жумладан бизнинг юртимизда ҳам.

Шунга ўхшаш ҳолатларнинг сабабли, бутловчи қисмларни етказиб бериш занжирида узилишлар, электрон бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришда қувватларни етишмаслиги, логиситика тармоғидаги муаммолар ва бошка сабаблар туфайли автомобил ишлаб чиқарувчи заводларга ўз вақтида хом ашё ресурслари ва бутловчи қисмлар етиб бормаслик холатлари кўплаб кузатилди. Ҳамда автомобил ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш заводлари жойлашган шахар ва давлатлардаги чекловларлар ҳам катта қийинчиликларни юзага келтирди.

Бунга қарамасдан, автоконцернлар истъемолчиларга сифатли ва ҳаменбоп автомобилларни етказиб беришга харакат қилиб келишмоқда.

Айрим тайёр автомобилларда кузатишимиз мумкин бўлган ҳолат бу – автомобилларни маълум бир автоқисмларсиз (масалан магнитофон, ўриндиқларни иситиш тизимисиз ва бош.) ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришни йўлга қўйилгани.

Бундан кўриниб туриптики, пандемия вақтида автомобилсозлик глобаллашувининг нозик ва заиф томонлари кўриниб қолди. Оқибатда, автомобилсозлик ва давлат иқтисодиётининг ривожланишига кескин ўз таъсири кўрсатиб келмоқда.

Юқоридаги вазиятдан келиб чиқиб автомобилсозликни SWOT анализда кўришимиз мумкин.

Strengths – кучли	***Weaknesses - заиф***
Арзон ишчи кучи Ривожланаётган саноат Ўсиб бораётган бозор Доимий маҳсулот инновацияси ва технологик тараққиёт	Етказиб бериш тизими Истеъмолчиларнинг савдолашиш қобиляти Ривожланиш темпларига хукумат таъсири (солиқ, йиғин, тақиқ ва бош.)
Opportunities – имконият	***Threats - тахдид***
Янги технологиялар жорий этиш Инфраструктура ривожланини	Юқори қаттий харажатлар Илмий-тадқиқот ишларига инвестициялар

Пандемия автомобил саноатига қандай таъсир ўтказди? Қисқа қилиб айтганда, автомобилсозлик қандай ишлаш бўйича ўрнатилган амалиётлар жиддий эътирозга учради. Аслида, пандемиядан олдинги ва кейинги автомобил дунёси ўртасида тафовут мавжуд. Гарчи иккала дунё ҳам бир хил асосий узоқ муддатли мегатрендларга дуч келган бўлсада, бизнес ландшафтини кўп жиҳатдан қайтариб бўлмайдиган даражада ўзгарди. Эҳтимол, энг катта ягона ўзгариш – дунёдаги ноаниқлик ва ўзгарувчан воқеаларга тезкор реакция тактикаси орқали фикрлаш ва стратегия ёрдамида муамола қилиш.

Маткабулова Д.Х. *- ТДИУ, мустақил изланувчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ

Туризм соҳасидаги инвестицион фаолликни таъминлаш, шу жумладан, соҳага жалб қилинадиган хорижий инвестициялар кўламини кенгайтириш ушбу соҳани ривожлантиришнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, туризм соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Чунки, инвестицияларни молиялаштириш инвестицияларнинг самарадорлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Ҳозирги даврда эса, туризм соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор долзарб муаммолар мавжуд.

Коронавирус пандемияси даврига қадар дунё миқёсида туризм соҳасига жалб этилган инвестицияларнинг ўсиш суръати кузатилди. Хусусан, 2017-2020 йилларда дунё миқёсида туризм соҳасига жалб этилган инвестициялар ҳажми 17,3 фоизга ошди. Аммо, 2020-2021 йилларда короанвирус пандемияси сабабли туризм соҳасига жалб этилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари кескин пасайиб, атиги 1,4 фоизни ташкил этди.

Жаҳонда туризм соҳасига жалб этиладиган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва портфелли хорижий инвестициялар кўламини кенгайтириш, уларни ўзлаштириш самарадорлигини ошириш, мазкур соҳадаги инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштириш, инвестициялар билан боғлиқ бўлган рискларни камайтириш борасида илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакат туризм соҳасидаги инвестицияларни молиялаштиришнинг амалдаги ҳолатига баҳо берилган ва мавжуд тенденциялдар аниқланган.

Туризм соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш амалиёти мамлакатда асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.


1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасига қилинган инвестицияларнинг ҳажми ва даражаси

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Инвестициялар ҳажми, млрд. сўм	1 428	1 956	1 741	1 974
Инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан даражаси, %	2,1	1,8	0,9	0,3

4-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасига қилинган инвестицияларнинг ҳажми 2020 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Аммо, 2017-2020 йилларда туризм соҳасига қилинган инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, туризм соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Иқтисодиётда инфляция даражасининг юқорилиги тадбиркорлар қўлидаги молиявий ресурслар даромадлилиги ва қийматини пасайтириши сабабли улардаги тақчилликни кредит ресурслари билан қоплашдаги зарурият ва муаммоларни келтириб чиқаради. Зеро, фаолияти, асосан, жалб этилган маблағлар асосига қурилган банкларнинг тижорат иши уларни инфляция суръатидан юқори қийматда кредитлашга мажбур этадики, бу ҳолат инқироз сари бораётган тадбиркорларни янада танг аҳволга солиб қўяди.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган инвестицион кредитларнинг умумий ҳажмиад туризм соҳасига берилган инвестицион кредитларнинг салмоғи, фоизда

1-расм маълумотларидан кўринадики, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инвестицион кредитларининг умумий ҳажмида туризм соҳасидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга берилган кредитларнинг салмоғи жула паст; иккинчидан, 2017-2020 йилларда туризм соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида берилган кредитларнинг тижорат банклари инвестицион кредитларининг умумий ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, туризм соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Республикамизда туризм соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш амалиёти ва уни такомиллаштиришда туризм индустрияси мураккаб динамик тизим бўлиб, унда туроператорлар ва турагентлардан ташқари истеъмолчига хизмат кўрсатувчи ва шу билан туризмни махсус иқтисодий ҳодиса сифатида имкон яратадиган кўплаб корхоналар мавжуд. Мамлакатнинг қулай географик жойлашуви, иқтисодий ривожланиш ҳолати, ижтимоий аҳволи, тарихий-маданий салоҳияти кабилар сайёҳларни мамлакатга жалб этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлса-да, мавжуд имкониятлардан фойдаланишни амалда рўёбга чиқаришда туризм инфратузилмасининг шаклланганлиги асосий шарт сифатида марказий ўринга чиқади.

Туризм соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш борасидаги илғор хориж тажрибаси кўрсатдики:

- дунё туризм соҳасининг ривожида туризм тармоғига нисбатан туризм индустриясининг таъсири сезиларлироқдир;
- туризм индустиясининг фаол ривожи аҳоли бандлигини оширишга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда;
- туристик сайёҳлар сонини сўнгги йилларда ўсиш тенденциясини кузатилаётганлиги туризм соҳасида хизматлар кўрсатиш кўлами ва аҳоли бандлигига бўлган талабни оширмоқда;
- дунё миқёсида туризм харажатлари таркибида дам олиш учун харажатлар салмоғи етакчи бўлиб келмоқда;

2016-2020 йиллар мобайнида жаҳон туризм соҳасида глобал тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 188,472 млрд. АҚШ доларини ташкил этгани ҳолда, шунинг 37,7 фоизи 2018 йилга тўғри келади, пандемия сабабли энг кичик улуш 2020 йилга тўғри келиб, 8,4 %ни ташкил этган. Дунё миқёсида туризм соҳасида сўнгги 5 йил ичида жами 2279 та стратегик лойиҳалар амалга

оширилган бўлиб, бунинг натижасида жами қўшимча 434 минг 590 та иш ўрни яратилишига муваффиқ бўлинган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. https://knoema.ru/atlas/topics/Туризм/Общий-вклад-туризма-в-ВВП/Общий-вклад-в-ВВП-доля-percent
2. International Tourism Highlights. 2020 Edition. UNWTO. P. 3.// https://tourlib.net/wto/WTO_highlights_2020.pdf
3. Куропятник О.В. Современные тенденции и прогнозы развития международного туризма // География и экология: научное творчество, междисциплинарность, образовательные технологии: материалы Международной научно-практической конференции (г. Мытищи, 16-17 февраля 2017 г.). М.: Издательство Московского государственного областного университета, 2017. С. 85-89.
4. Малых Н.И., Объедкова Л.П. Занятость в отраслях туризма проблемы экономики и менеджмента // Проблемы экономики и менеджмента. 2012. №2(6). С. 86-91.
5. International Tourism Highlights. 2018 Edition. UNWTO. P. 3. // https://tourlib.net/wto/WTO_highlights_2018.pdf
6. https://www.interfax.ru/business/763066
7. International Tourism Highlights. 2020 Edition. UNWTO. P. 17. //https://tourlib.net/wto/WTO_highlights_2020.pdf

Muminov B.X.

TA'LIM TIZIMIDA KORPORATIV BOSHQARUV

«Ta'lim tizimidagi korporativ boshqaruv» tushunchasini to'liqroq o'rganish uchun «korporatsiya» va «korporativ boshqaruv» tushunchalarini tahlil qilish kerak. Adabiyotlarni tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, ushbu tushunchalarni ta'riflashda yagona yondashuv mavjud emas, chunki turli xil, ba'zan qarama-qarshi fikrlar mavjud. G.M.Kodjaspirova, A.Y.Kojaspirov pedagogik lug'atda quyidagi ta'rifni beradi: *korporatsiya (lotincha corporatio - uyushma, hamjamiyat)* - izolyatsiya, maksimal markazlashtirish va avtoritar etakchilik bilan ajralib turadigan, o'zining tor individualistik manfaatlari asosida o'zini boshqa ijtimoiy jamoalarga qarshi qo'ygan uyushgan guruh. Ko'plab assotsial bolalar va yoshlar guruhlari yoki birlashmalari korporatsiya printsipi asosida ishlaydi, bu ularga ijtimoiy ta'sir ko'rsatishni qiyinlashtiradi Binobarin, ushbu ta'rifda korporatsiya o'z manfaatlariga ega bo'lgan yopiq tashkilot sifatida qaraladi, aksariyat hollarda ijtimoiy ahamiyatga ega bo'lgan tushuncha hisoblanadi[1].

Shunga qaramay, yuqorida aytib o'tilganlardan ko'rinib turibdiki, korporatsiya umumiy maqsadlarga erishish, birgalikdagi faoliyatni amalga oshirish uchun

[1] Xodiev B.YU., Berkinov B.B. "Korporativ boshqaruv va raqobatni rivojlantirish" O'quv qo'llanma. -T.: 2020 y.

birlashtirilgan shaxslar to'plami sifatida qaraladi.

Shunday qilib, hozirgi vaqtda ushbu tushunchalarning yagona ta'rifi mavjud emas. Nazariy nuqtai nazardan korporativ boshqaruv turli jihatlarda muhokama qilinishi mumkin, shuning uchun ushbu tushunchalarning ko'plab ta'riflari mavjud.

Korporativ boshqaruv muammosiga bag'ishlangan ilmiy adabiyotlarni tahlil qilib,shuni ta'kidlash mumkinki, ta'lim tizimida korporativ boshqaruvni nazariy va amaliy o'rganish etarli emas, chunki korporativ boshqaruv kontseptsiyasi asosan iqtisodiy nuqtai nazardan ochib berilgan va boshqaruv kompaniyalari va ularning egalari, aktsiyadorlari va boshqa shaxslar o'rtasida rivojlanib boradigan munosabatlar tizimininazarda tutadi

Shu sababli, korporativ boshqaruv ikki tarkibiy qismdan iborat. Ular shartli ravishda tashqi va ichki qism sifatida belgilanishi mumkin, bu erda tashqi qism ta'lim tashkiloti va ijtimoiy-iqtisodiy muhit o'rtasidagi munosabatlarga qaratilgan, ya'ni. davlat, boshqa manfaatdor tomonlarning boshqaruv organlari va ichki qismi ta'lim tashkilotidagi munosabatlarga qaratilgan.Ta'lim muassasasi ham davlat tashkiloti, hamijtimoiy muassasa bo'lib, uning mohiyati shaxsning, davlatning va umuman jamiyatning ta'lim ehtiyojlarini qondirishdan iborat, shuning uchun davlat va ijtimoiy tamoyillarni birlashtirish printsipi korporativ boshqaruvning muhim printsipidir. Binobarin ta'lim muassasasi korporativ boshqaruvning murakkab ob'ekti hisoblanadi.

Ta'lim tizimidagi korporativ boshqaruvning ma'nosini ta'limni rivojlantirishningstrategik maqsadini amalga oshirish uchun ta'lim makonining barcha sub'ektlariningo'zaro ta'sirining yagona asosini shakllantirishda ko'ramiz. Bu korporativ boshqaruvni menejment faoliyatining muhim elementi sifatida ko'rib chiqish zarurligini anglatadi,uning tarkibiga ta'lim tashkilotining strategiyalari, korporativ boshqaruv uslubi,korporativ madaniyat, korporativ boshqaruv kodeksi va boshqa tarkibiy qismlar kiradi[1].

Xulosa qilib aytganda, ta’lim va iqtisodiyot sohalarda korporativ boshqaruvning asosiy tushunchalari va ta’riflarini barcha sohalarida ko’rishimiz mumkin.Insoniyat rivojlanishi davomida mavjud muammolarga yechim topish uchun raqamli iqtisodiyot va korporativ boshqaruv tushunchalari nima ekanini anglab olishi muhim ahamiyatga ega. Korporativ boshqaruvning asosiy tushunchalarini quyidagicha shakllantirish mumkin: adolat (1 va 2 tamoyillar), javobgarlik(3 tamoyil), shaffoflik(4 tamoyil) va hisobdorlik (5 tamoyil). Rivojlangan mamlakatlar korporativ boshqaruvning ikkita asosiy modelidan foydalanganlar. Angliya-Amerika, Buyuk Britaniya va AQShdan tashqari, Avstraliya, Hindiston, Irlandiya, Yangi Zelandiya, Kanada, Janubiy Afrikadaham faoliyat yuritishgan.

Adabiyotlar ro`yxati

1.Xodiev B.YU., Berkinov B.B. “Korporativ boshqaruv va raqobatni rivojlantirish” O‘quv qo‘llanma. -T.: 2020 y.

[1] Steen Thomsen & Martin Conyon – Corporate Governance, mechanisms and systems. McGraw-Hill Higher Education UK, 2012 – 367pp.

2.Steen Thomsen & Martin Conyon – Corporate Governance, mechanisms and systems. McGraw-Hill Higher Education UK, 2012 – 367pp.
3.Bob Tricker – Corporate Governance, Principles, Policies and Practices, 3rd edition, Oxford online resources center, 2012 – 904pp.
4.Bazelskiy komitet po bankovskomu nadzoru. Osnovnыe prinsipы effektivnogo bankovskogo nadzora. Bazel, 2017. -258 s.
5.Edvin Dj. Dolan i dr. Dengi, bankovskie delo i denejno kreditnaya politika. Per. s angl. -Moskva-Leningrad: 2011. -446 s.
6.Finansovыy menejment. Problemы i resheniya. Uchebnik. Pod.red. A.Z.Bobылevoy. M.: YUrayt, 2012.-903s.
7.Saryov V.V., Kantarovich A.A. Elektronnaya kommersiya. – SPb: Piter, 2015.– s. 92.

Мухаммадиев Р. *– мустақил изланувчи*

АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШДА ҲУСУСИЙ СЕКТОРНИНГ ЎРНИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МУАММОЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Саломатлик – инсоннинг бирламчи эҳтиёжи, истаги. Шу боис янги Ўзбекистонда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, соҳани изчил ривожлантириш-такомиллаштириш ислоҳотларнинг бош мезони, пировардида барчаси “Инсон қадри учун” деган ғоя асосида соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилиши кераклиги кўп бор таъкидланмоқда [1].

Охирги йилларда хорижий тажриба асосида бу соҳада катта ишлар қилинди, тиббиётни бошқариш ва уни молиялаштиришнинг замонавий илғор усуллари қўлланилиб, тиббиётга ажратилаётган маблағлар ҳажми кескин оширилмоқда. Жумладан, 2022 йилнинг ўзида соҳага бюджетдан 24 триллион сўм режалаштирилган бўлиб, бу маблағ 2016 йилга нисбатан 4 баробар кўп эканлиги сўзимизнинг исботидир.

Шунингдек, ўтган беш йилда тиббиёт муассасаларини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ажратилаётган маблағлар 12 баробар кўпайтирилиб, соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш учун халқаро молия ташкилотларидан 700 миллион доллардан зиёд маблағлар жалб қилинган.

Тиббиёт соҳасида хусусий секторни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан биргаликда бюджетдан маблағ ажратиш жараёнида хусусий секторни инобатга олиш, давлат томонидан кафолатланган пакетдан ташқари кўрсатиладиган тиббий хизматлар турларини кенгайтириш, арзон ва ундан фойдаланиши соддалаштириш орқали аҳоли ва беморлар учун танлов имкониятини тақдим этади. Аҳоли ва беморлар учун тиббий хизматдан фойдаланиш борасида танлов имкониятини тақдим этилишида, бюджет маблағлари ҳисобидан давлат томонидан кафолатланган пакет доирасида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни молиялаштиришнинг янги

механизмини яратиш лозим бўлиб, ундан фойдаланувчиларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллашнинг электрон ахборот тизимини жорий этиш лозим бўлиб, бу ўз навбатида аҳоли тиббий ҳолатини яхшилашни таъминлашга хизмат қилади.

Тиббиёт тизимидаги энг катта ўзгаришлардан бири - давлат шифохоналари билан бирга хусусий медицина ҳам ривожланаётгани бўлиб, хусусий тиббиётга енгиллик берилгани натижасида уларнинг сони ортиб, ҳозирда деярли барча йўналишларда тиббий хизмат кўрсатадиган 8 минга яқин хусусий клиникалар фаолият юритиб келмоқда. Келгусида ушбу хусусий клиникалар учун мавжуд имкониятлар янада кенгайтирилиб, уларнинг сонини янада ортишига ва энг асосийси давлат тиббиёт муассасалари зиммасидаги юкни қисқартиришга хизмат қилишига умид қилинмоқда.

Мазкур масалада, хусусий клиникаларнинг ортиши ва келгусида давлат бюджети ҳисобидан маблағ ажратилишида уларнинг имкониятларини баҳолаш ва уларда кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати, бюджетдан ажратилган миқдор доирасида тиббий хизмат билан таъминланиши, маблағларнинг мақсадли сарфланиши ва якуний натижада ҳисобдорликка оид ўрганишлар ва тадқиқотлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Олиб борилган таҳлилларимизга кўра, 2022 йилнинг 1 апрель ҳолатига соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 10391 та субъект хизмат кўрсатиб келмоқда [4].

Бугунги кундаги энг катта муаммо ва масала ушбу хусусий тиббиёт субъектлари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати, кўрсатилган тиббий диагностика, амбулатория ва амалий-жарроҳлик хизматлари учун тўловларнинг калькулятив миқдори ва унинг асослантирилганлигининг мавҳумлигидир.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2863-сон қарорига мувофиқ, аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатадиган (стоматология ва косметология хизматларидан ташқари) хусусий тиббиёт муассасалари, жумладан, хорижий инвесторлар иштирокидаги хусусий тиббиёт муассасалари тиббий хизматлар қисмида, бўшайдиган маблағларни хусусий тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий, муҳандислик-техник ускуналар билан жиҳозлаш ва уларга сервис-техник хизмат кўрсатиш, тиббиёт мақсадлари учун эҳтиёт қисмлар, сарфлаш материаллари, инвентарь ва бошқа буюмлар харид қилиш, тиббий хизматлар кўрсатиш учун янги бинолар қуриш, мавжуд бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатишга мақсадли йўналтирган ҳолда, барча турдаги солиқлар тўлашдан;

-2024 йил 1 январгача белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича юридик шахслар томонидан, шу жумладан лизинг шартномаси асосида олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар

ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда сарфлаш материаллари божхона божидан озод этилган [3].

Шу каби, қишлоқ жойларда тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида янгидан ташкил этиладиган (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 йил муддатга тиббий хизматлар қисмида ягона солиқ тўловидан озод этилиши белгилаб қўйилган.

Юқоридагиларга кўра, тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳисобидан тежалган маблағларнинг бир қисми аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилиши ва шу асосида, берилган солиқ имтиёзлари эвазига давлат бир вақтнинг ўзида аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш билан бирга, хусусий тиббиёт муассасалари зиммасига қўшимча молиявий харажатлар юкламасдан сифатли тиббий хизмат кўрсатишни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсад қилиб олинган [2].

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 25 июлдаги “Солиқ имтиёзлари тақдим этилиши натижасида бўшайдиган маблағлар ҳисобидан хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳоли ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (АВда 11.08.2017й. 2911-рақам билан рўйхатдан ўтган) қабул қилинган. Унга мувофиқ,

Хусусий тиббиёт муассасалари томонидан аҳолининг қуйидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига:

- ✓ ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар;
- ✓ I ва II гуруҳ ногиронлари, ногирон болалар;
- ✓ муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар;
- ✓ ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган шахслар;
- ✓ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;
- ✓ 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар;
- ✓ 1941–1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат жабҳасининг қатнашчилари;
- ✓ қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ижтимоий ҳимояга муҳтож деб топилган бошқа шахсларига бепул тиббий хизматлар кўрсатилиши белгиланган.

Лекин минг афсуски бундай маълумотлар на Соғлиқни сақлаш вазирлиги сайтида ва на хусусий тиббиёт муассасаларида маълумотлар шаклланмаган. Бундан келиб чиқиб ўз навбатида савол туғилади:

- Давлат маълум қоидалар асосида хусусий тиббиёт муассасаларига имтиёзлар бериб келаётган экан уни ким назорат қилади?
- Инсон тажриба реквизити эмас, шундай экан унга кўрсатилган тиббий хизмат сифати назорати таъминланганми?

- Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатиш турлари ва нархи қанчалик асосли ва у ўзини оқлайди?

Таъкидлаш лозимки, нодавлат тиббиёт муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириб борувчи Ўзбекистон хусусий амалиёт врачлари ассоциацияси мавжуд эканлигини биламиз, бироқ унинг бугунгача амалга оширилган фаолияти, тизим ташкилотлари томонидан соҳага оид нормалар ва стандартларга риоя қилиниши бўйича ўтказилган ўрганишлари натижаси бўйича бирор ахборот мавжуд эмас.

Шундай экан, аҳолининг хусусий тиббиёт муассасаларига мурожаатлари қонуний ҳал этилгани, уларга кўрсатилган тиббий хизматлар сифати кафолатлангани, заруриятдан ташқари қўшимча таҳлилларнинг ўтказилганлиги ва нархларнинг оширилиб кўрсатилиши шубҳа остида қолаверади.

Бу эса, тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларга жиддий тўсиқни юзага келтирмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди.

Таҳлилларимиздан ва юқорида қайд этилган вазиятлардан келиб чиқиб, қуйидагилар таклиф қилинади:

1. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, давлат солиқ инспекцияси ва молия бўлимлари, юқорида келтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида хусусий тиббиёт муассасаларига берилган имтиёзларнинг ҳақиқатдаги ҳолатини ўрганиш.

2. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари хусусий секторда амалга оширилаётган тиббий хизмат сифатини назоратга олиш.

3. Сектор (ҳокимлик, ИИБ, Прокуратура, ДСИ) раҳбарлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатиш режалари ва уларнинг ҳақиқатда мақсадли амалга оширилганини ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 29 август. 265-I-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5590-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2863-сон қарори.
4. Мухаммадиев Р.З. Соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини молиялаштириш ва таҳлилини такомиллаштириш: и.ф.ф.д. ...дис. автореф. – Тошкент, 2021. – 26 б.

Насырова Л.А. *– ст. Преп.Таш.фил.*
РЭУ имени Г.В. «Плеханова»

РОЛЬ ОБРАЗОВАНИЯ В СОКРАЩЕНИИ УРОВНЯ БЕДНОСТИ

Усиление мер по сокращению бедности в Узбекистане определено как приоритетное направление государственной политики. Президент Узбекистана Ш. М. Мирзиёев отметил: «Сокращение бедности не означает увеличение размеров зарплат или пособий, выдачу всем подряд кредитов. Прежде всего необходимо обучать население профессиям, повышать финансовую грамотность, побуждать людей заниматься предпринимательством, улучшать инфраструктуру, качество обучения и лечения, внедрить систему адресной выдачи пособий. Для этого прежде всего нужно обучать население профессиям, повышать его финансовую грамотность, пробуждать у людей чувство предприимчивости, улучшать инфраструктуру, обучать их детей, качественно лечить, внедрять систему адресной выплаты пособий».

Для Узбекистана в сокращении бедности особую роль играет образование, рост которого способствует экономическому росту всей страны. По результатам Центра экономических исследований и реформ: «В Узбекистане только 7% бедного населения имеют дипломы с высшим образованием «с меньшей вероятностью окажется за чертой бедности». Сотрудники Центра анализа доходов и уровня жизни НИУ ВШЭ России считают «Наличие высшего образования снижает риск бедности».[8]

На современном этапе развития обновляемого Узбекистана, среди стратегических задач особое место занимает кардинальная модернизация системы высшего образования и устранение проблем, накопившихся в данной сфере и требующих своего решения. [9] Отношение к образованию привело к признанию нематериальных форм накопления, наряду с материальными как источнику будущих доходов, в качестве важнейшего условия экономического роста.

Бедность и ее связь с ограничениями доступа к образовательным услугам является одной из ключевых проблем. Одним из проблем высшего образования является его неравная доступность. Особо актуален вопрос эффективного использования ресурсов для обеспечения равного доступа к образованию.

Экономическими факторами, влияющими на доступность высшего образования являются:

1. *Доход семьи и экономическое благосостояние.* В 2022 году максимальный размер среднемесячной зарплаты в республике составлял 2673 тыс. сум в месяц, а минимальный 921 сум в месяц. В республике семья признаётся малообеспеченной, если с 1 сентября 2021 года- если среднемесячный совокупный доход семьи на каждого члена семьи не превышает 440 тысяч сумов. С 2022 года среднемесячный совокупный доход

на каждого члена семьи не превышает размер минимальных потребительских расходов.)

2. *Размер сбережений.* В Узбекистане сбережение составляет 24 процента семейных доходов.

3. *Стоимость обучения в вузе.В* республике в среднем контракт в бакалавриате варьируется, от 6,41млн. сумов до 9, 81 млн. сумов до 16, 02 млн. сумов.

4. *количество бюджетных мест.* В 2021/22 учебном году количество бюджетных мест стало на 25 % больше чем в предыдущем году. Увеличены гранты для девочек из нуждающихся семей до двух тысяч квот.

5. доля поддержки на затратах образования.

Но несмотря на экономические факторы, в республике стремление получить высшее образования растёт, даже у лиц из семей с невысокими доходами. Они нацелены на обучение не только из-за наличия бюджетных мест и согласны обучаться на контрактной основе, так как платность за обучение выступает как возможность получения успешной работы в будущем и как доступный механизм социального лифта, способный обеспечивать вертикальное восхождения их социального статуса.

Образовательное пространство республики интенсивно расширяется за счет развития цифровой среды: создаются электронные учебники, появляются и развиваются образовательные платформы, количество массовых открытых онлайн-курсов измеряется тысячами, а численность их потребителей – миллионами. Дистанционное образование уже прочно вошло в жизнь страны. Например, дистанционно обучается до 200 тысяч человек в рамках мегапроекта «Один миллион программистов» (One Million Uzbek Coders) В программе «Цифровой Узбекистан – 2030» предусмотрено закрепление в регионах соответствующих высших учебных заведений для повышения цифровой грамотности.

В республике образование все в большей степени становится непрерывным процессом, реализуемым человеком на протяжении всей его жизни. Основным источником подготовки квалифицированных трудовых ресурсов выступает профессиональное образование. В этой связи усилия государства должны быть направлены на создание современной образовательной среды в высших учебных заведениях (вузах) способствующей формированию и развитию цифровых компетенций. В Узбекистане широкое внедрение онлайн образования во время пандемии дало возможность дальнейшему развитию образовательного сектора и расширению цифровизации для всех слоёв общества страны.

Основная задача высшего образования заключается в формировании творческой личности специалиста, способного к саморазвитию, самообразованию, инновационной деятельности. Инвестиции в образование способствуют снижению безработицы. Безработные люди получают шанс в освоении нужных профессий и получении квалификаций. На 1 января 2022 года по данным Министерства труда Узбекистана численность нуждающихся

в работе составила 1,44 млн. человек. Уровень безработицы среди экономически активного населения составила 9,5 %. Безработица среди молодежи 16−30 лет составляет 15,1%, среди женщин -13,3% В 2021 году около 393,8 тыс. человек были трудоустроены через центры трудоустройства.

На рынке труда республики имеются проблемы не только с безработицей, но и дефицитом кадров. Согласно исследованию Всемирного банка, 35% компаний Узбекистана сталкиваются с трудностями при поиске квалифицированных специалистов с высшим образованием. Дефицит достигает почти 50% на промышленных предприятиях. Основной причиной затруднения, как сообщают работодатели, является «недостаточное количество специалистов» на рынке труда. Именно на этом этапе выделяемые государством средства идут на создание тысяч негосударственных образовательных центров, обучающих востребованным на рынке труда профессиям и ремеслам. Умение учиться на протяжении всей жизни стала необходимостью в современном Узбекистане. Компаниям и организациям следует поддерживать и развивать по месту работы базовые и передовые навыки сотрудников как дополнение к полученному образованию. Это позволит повышать качество навыков отдельно взятых сотрудников, а также создать высококвалифицированную конкурентоспособную рабочую силу в целом по стране.

Рост уровня и качества образовательной системы в Узбекистане и его важной части высшего образования способствует переменам к лучшему, расширяет возможности на рынке труда**,** способствует снижению бедности**.** Для решения проблем снижения бедности в республике считаем необходимым:

- стимулирование притока кадров с учётом уровня развития регионов и спроса рынка труда, особенно в сельской местности, в том числе организация обучения сельского населения.
- адресная поддержка молодёжи из малообеспеченных семей в получении знаний высшего образования путём привлечения частных инвестиций.
- стимулирование в оказании адресной помощи малообеспеченным семьям, более широкого использования цифровых технологий и равного доступа к обучению;
- мотивация и развитие сотрудников в повышении квалификации и получения базовых и передовых навыков как дополнение к полученному образованию;
- обеспечение возможности установления цифровых соединений, создание системы предоставления образовательных и медицинских услуг через мобильные телефоны.


Список использованной литературы:

1. Закон Республики Узбекистан «Об образовании», от 23 сентября 2020 года, № ЗРУ-637
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01. 2022г. № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-26 годы https://lex.uz/ru/docs/5841077
3. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана» от 6 ноября 2020 года. От 06 ноября 2020 года №УП- 6108
4. Постановление Президента Республики Узбекистан, №ПП-2909, 20.04.2017 г. О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием.
5. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-3775, 05.06.2018 г., «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах». https://lex.uz/docs/3765584
6. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4936 от 28.12.2020 «О мерах по развитию социальной и производственной инфраструктуры Республики Узбекистан в 2021-2023 годах». [Электронный ресурс]. URL: https://lex.uz/ru/docs/5188515 (дата обращения: 01.08.2021). https://lex.uz/ru/docs/5086015
7. https://trends.rbc.ru/trends/education/5d9ccba49a7947d5591e93ee 23 сентября 2020.
8. Алина Пишняк и Дарья Попова « Уровень и качество жизни московских домохозяйств, объективные и субъективные факторы https://iq.hse.ru/news/177664763.html
9. Одаренным открыты двери вузов Народное слово 05.10.2021[1] https://xs.uz/ru/post/odarennym-otkryty-dveri-vuzov

Наурызбаев А.Р. *– ҚМУ мустақил тақдиқотчиси*

МАМЛАКАТИМИЗДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожлантириш сиёсати доирасида акциядорлик жамиятлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган сўнги йиллардаги иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг натижалари, акциядорлик жамиятлар сонининг ўзгариш динамикаси ва уларга таъсир этувчи омиллар, акциядорлик жамиятларининг фонд биржаларидаги қимматли қоғозлари айланмасининг муддатлар оралиғида ўзгариш динамикаси, акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибадорлигини ошириш йўллари кабиларни ўрганиш мазкур соҳанинг ривожланиши ва иқтисодиёт тараққиётига ижобий тасирини кучайтириш борасида хулосаларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.



1-расм. Йиллар кесимида АЖлар томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозларнинг умумий ҳажми (номинал қиймат бўйича млрд. сўм)

1-расмда келтирилган маълумотлар асосида шуни таъкидлашимиз мумкинки мамлакатимизда 2019 йилгача йилларда акциядорлик жамиятлари сони камайиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан: 2015 йилда мамлакатимизда 714 та акциядорлик жамияти бўлган бўлса 2019 йилга келиб акциядорлик жамиятлари сони 593 тани ташкил этган. 2020 йилда эса мамлакатимиздаги акциядорлик жамияти 599 тани ташкил этган. Лекин шу билан бир қаторда йиллар давомида акциядорлик жамиятлари сони камайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан чиқарилган қимматли қоғозлар сони 2015-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга эканлигини расм маълумотларидан кўришимиз мумкин. 2015-2020 йиллар мобайнида мамлакатимизда акциядорлик жамиятлар сони камайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан улар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг умумий ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан 2015 йилда акциядорлик жамиятлари томони дан чиқарилган қимматли қоғозларнинг умумий ҳажми 16472,85 млн.сўмни ташкил этган бўлса 2020 йилда ушбу кўрсаткич 149502,26 млн. сўмни ташкил этган. 2020 йилда чиқарилган акцияларнинг умумий ҳажми 2015 йилга қараганда 9 баробарга ёки 907.5 фоизга ошган. Юқорида келтирилган таҳлиллар асосида хулоса қилишимиз мумкинки акциядорлик жамиятларининг фонд бозоридаги иштироки йиллар давомида ошиб бормоқда. Бугунги кунда акциядорлик жамиятлари томонидан акциялар эмиссия қилиш билан бир қаторда корпоратив облигацияларни ҳам эмиссия қилинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Корпоратив облигациялар-акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъ улиятли жамиятлар томонидан чиқариладиган облигациялардир.

Корпоратив облигациялар очиқ ёки ёпиқ обуна орқали чиқарилиши мумкин. Уларнинг асосий фарқи шундаки, очиқ обуна бўлган тақдирда, қимматли қоғозларни жойлаштириш чексиз кўп инвесторлар ўртасида, ёпиқ обуна билан эса - олдиндан маълум бўлган чекланган инвесторлар орасида амалга оширилади.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки мамлакатимиз тижорат банклари, акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлари томонидан жами 0,341 миллион дона корпоратив облигациялар чиқарилган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 583,30 миллиард сўмни ташкил қилган. Корпоратив облигациялар чиқаришда масъулияти чекланган жамиятларнинг улуши юқори эканли- гини жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Бундан кўриниб турибдики акциядорлик жамият- лари томонидан корпоратив облигацияларга нис- батан акциялар эмиссия қилиш амалиёти кўпроқ амалга оширилиб келинмоқда.

Бизга маълумки кўпгина сабабларга кўра тадбиркорлар камдан-кам ҳолларда корпоратив облигацияларни қарз ҳисобидан молиялаштиришнинг рақобатдош усули деб билишади. Шу билан бирга, корпоратив облигацияларни чиқаришда қарз олувчи компаниянинг ўзи фоиз ставкасини ва эмиссия муддатини белгилайди. Бу компанияга кўпроқ имкониятлар беради, қарзни янада мослашувчан қилади.

Корпоратив облигациялар очиқ ёки ёпиқ обуна орқали чиқарилиши мумкин. Уларнинг асосий фарқи шундаки, очиқ обуна бўлган тақдирда, қимматли қоғозларни жойлаштириш чексиз кўп инвесторлар ўртасида, ёпиқ обуна билан эса олдиндан маълум бўлган чекланган инвесторлар орасида бўлади.


Шундай қилиб, қарз олувчи компания ўз мақсадларидан келиб чиқиб, потенциал инвесторларни олдиндан танлаши мумкин. Ёпиқ обунани танлаш облигациялар эмитентини оммавий эълон ва реклама кампаниясидан халос қилиши ва шу билан харажатларни камайтириши мумкин. Очиқ ва ёпиқ обуналар учун корпоратив облигацияларни чиқариш жараёни фарқ қилади.

Облигацияларни очиқ обуна орқали чиқариш учун қарз олувчига аудиторлик текширувидан ўтган молиявий ҳисобот ва рейтинг баллари керак бўлади. Бундан ташқари, компания сўнги молия- вий йилда рентабеллик, тўлов қобилияти, моли- явий барқарорлик ва ликвидликнинг ижобий кўрсаткичларини намойиш этган бўлиши керак.

2021 йил 2 июль ҳолатида мамлакатимизда фаолият юритаётган 601 та акциядорлик жамиятлари устав капиталининг 82,6 фоизи давлатга тегишли эканлигини келтирилган расмдан кўришимиз мумкин. Шу билан бир қаторда жойлаштириш жараёнидаги акциялар улуши 5,6 фоизни, Хўжалик бошқарув органлари улуши 4,2 фоизни ва бошқа акциядорлар улуши 7,6 фоизни ташкил этганини келтирилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам қимматли қоғозлар бозорида аҳолининг қатнашиш кўрсаткичи ошиб бормоқда, аҳоли ўзининг бўш турган маблағларини қимматли қоғозлар бозорига йўналтириш ҳаракатини қилишмоқда.

Котировкалар ўзгаришини, шунингдек 2020 йилда энг кўп сотиладиган акциялар ўртасида тўланадиган дивидендларни ҳисобга олган ҳолда фонд бозорининг йиллик рентабеллиги қуйидагича.




3-расм. Савдо шартномалари сони бўйича Топ 10 акцияларнинг йиллик даромадлилик даражаси

Юқорида қайд этилган эмитентларнинг акциялари бўйича шартномалар сони юқори бўлишига қарамасдан уларнинг фақатгина 3 тасининг даромадлилик даражаси ўсиш тенденсиясига эга яъни акциядорга яхши даромад олиб келган, 6 тасининг эса бозор баҳоси пасайган ва акциядорларининг пулларининг камайишига сабаб бўлган.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозоридаги савдо ҳажмининг ўсганлиги ижобий ҳолат сифатида қараш мумкин. Аммо, ушбу савдо ҳажмининг мамлакат ЯИМдаги улулишини таҳлил этиш орқали макроиқтисодий даражада мазкур тенденцияларга аниқроқ баҳо бериш имкони мавжуд (3-расм).

Мазкур расмда Ўзбекистонда 2010-2019 йилларда қимматли қоғозлар бозори айланмасининг ЯИМ ҳажмидаги улушининг ўзгариши ифодаланган бўлиб, Ўзбекистонда ЯИМ ҳажмида қимматли қоғозлар бозори савдо ҳажми ўртача 3,6 %ни ташкил этади, холос. Мазкур кўрсаткич бошқа ривожланаётган ва ривожланган давлатлардаги кўрсаткичлардан анча паст ҳисобланади. “Ривожланган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори ёки фонд биржаси капитализациясининг мамлакат ЯИМ ҳажмидаги улуши жуда юқори бўлиб, бу кўрсаткич Нью-Йорк ва Токио фонд биржаларида 70-90 фоизни, Корея ва Лондон фонд биржасида 100-120 фоизни, Гонконг фонд биржасида 1000-1200 фоизни ташкил этади”. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорида савдо ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан, мазкур кўрсаткичларнинг мамлакат ЯИМдаги улуши жуда кичиклиги сабаб, мазкур бозорнинг етарли ривожланмаганлигини англатади.



2.5-расм. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори айланмасининг ЯИМ ҳажмидаги улушининг ўзгариши

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг йирик икки сегменти ҳисобланган уюшмаган ва қимматли қоғозлар бозори ўртасидаги диспропорцион фарқ йирик эканлигини кўриш мумкин. Бу фарқ икки бозорнинг ўзаро ривожланишидаги фарқни таҳлил этиш орқали улар фаолиятида муммоларни кўриш ва уларнинг амалий ечимлари юзасидан таклифлар бериш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сонли Қарори, 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сонли Фармони,
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 268-сонли, 2019 йил 7 августдаги 650-сонли 2019 йил 26 апрелдаги 358-сонли қарорлари. Манба: https://lex.uz/
3. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонуни (янги таҳрири). 2014 йил 6 май, ЎРҚ-370-сон
4. Шохаъзамий Ш.Ш. Биржевая деятельность. Учебник. - Т.: Ilm Ziyo, 2006. - 288 с.;
5. Бутиков И. Қимматли қоғозлар бозори. Дарслик. – Т.: Консаудитинформ, 2001. - 496 б.;
6. Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Ҳошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. – Т.: Академнашр, 2009. -141 б.;
7. Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. – Т.: Молия, 2008. - 204 с.;

Naxalbayev L.- *OBM tinglovchisi*

KICHIK BIZNESNI RIVOJLANTIRISHDA INSON RESURSLARINI BOSHQARISHNING AXAMIYATI

Shu o'rinda savol tug'ilishi tabiiy — aynan O'zbekiston iqtisodiyoti uchun kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ahamiyati nimalarda namoyon bo'lmoqda?

Eng avvalo, iqtisodiyotning etakchi soha va tarmoqlarida kichik tadbirkorlik ulushining oshishi iqtisodiy o'sish va ijtimoiy barqarorlik ta'minlanishining mustahkam poydevori hisoblanadi.

Ma'lumki, tadbirkorlik — bu tashabbus va faollik asosida kelgusida yuz berishi mumkin bo'lgan turli xatarlarni hisobga olib, mas'uliyat va javobgarlik bilan amalga oshiriluvchi iqtisodiy faoliyatdir. U erkinlik, ijodkorlik hamda raqobat muhiti uyg'unligida juda katta bunyodkorlik kuchini hosil qiladi. Ayniqsa, faoliyat ko'lami jihatidan nisbatan ixcham bo'lgan kichik tadbirkorlik iqtisodiyotdagi kon'yunkturaviy o'zgarishlarga tezlik bilan moslasha olish, iste'molchining did va qiziqishlarini anglash va e'tiborga olish, ichki imkoniyatlardan to'liq foydalanish, raqobat muhitini kuchaytirgan holda iqtisodiyotga jo'shqinlik baxsh etish kabi xususiyatlari bilan ajralib turadi.

Yurtimizda ushbu yo'nalishni qo'llab-quvvatlash va barcha zarur sharoitlarni yaratib berish bo'yicha amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar natijasida kichik tadbirkorlik subyektlarining yalpi ichki mahsulotdagi ulushi tobora ortib boryapti. Aniq raqamlarga to'xtaladigan bo'lsak, bu boradagi ko'rsatkich 1991-yilda atigi 1,5 foiz, 2000-yilda 31 foizni tashkil etgan edi. 2016-yilda mazkur sohaning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 64,9 foizga yetdi. Bu raqamlar yil sayin ortsa ortyaptiki, aslo, orqaga pastlayotgani yo'q. Xususan, o'z faoliyatini yo'lga qo'ygan tadbirkorlik sub'ektlari soni 2016-yildagi 210,6 ming birlikdan 2020-yilda 411,2 ming birlikka yetdi. Umumiy korxona va tashkilotlar tarkibida kichik tadbirkorlik subyektlarining ulushi 2020-yilda 86,5 foizga qadar o'sdi.

2017-yildan boshlab mamlakatimizning yirik sanoat obyektlariga juda katta hajmda xorijiy investitsiya va kredit mablag'lari jalb etilishi natijasida ulardagi ishlab chiqarish hajmi keskin o'sa boshladi. Agar yirik korxona va birlashmalar majoziy ma'noda iqtisodiyot organizmining suyak (skelet) qismi deb hisoblansa, u holda kichik biznes ushbu qismga qayishqoqlik, moslashuvchanlik baxsh etuvchi, uning bir maromdagi harakatini ta'minlovchi mushak to'qima hisoblanadi. Bu jarayon esa yangi korxonalarning tashkil topishi orqali ta'minlanadi. Ya'ni, kichik biznes korxonalari iqtisodiyotdagi talab jadallik bilan o'sib borayotgan tarmoq va sohalarga javoban yangi ishlab chiqarishni tashkil etadi.

Raqamlarga qaraydigan bo'lsak, 2017—2020-yillar mobaynida mamlakatimizda jami 288 mingdan ortiq korxonalar tashkil etildi. Shundan 14,8 mingtasi yirik korxonalar, 273,2 mingtasi kichik biznes korxonalari hissasiga to'g'ri keladi.

Taraqqiyotning yangi bosqichida mamlakatimizda kichik biznes faoliyati ko'lamining tobora kengayib borayotganini har 1000 nafar aholiga to'g'ri keluvchi

kichik tadbirkorlik sub'ektlarining soni orqali ham kuzatishimiz mumkin. Ushbu ko'rsatkich 2017-yilda 12,2 birlikni tashkil qilgan bo'lsa, 2020-yilda 15,6 birlikka yetdi. e'tiborlisi, kichik tadbirkorlik subyektlari sonining eng yuqori o'sishi iqtisodiyotga pandemiyaning salbiy ta'siri sharoitida ro'y beryapti.

Kichik biznesga xuddi iqtisodiyotga yangi kuch, yangi quvvat baxsh etuvchi soha sifatida qarash mumkin. Yangidan tashkil etiluvchi korxonalar keyingi paytda vujudga kelgan talabni, so'nggi texnologik yangilik va yutuqlarni ma'lum darajada o'zida jamlaydi va amaliyotga joriy etadi. Shunga ko'ra, korxonalarning yangilanish darajasi o'ziga xos ko'rsatkich hisoblanadi.

Mamlakatimizdagi ushbu ko'rsatkichning holatini tahlil qiladigan bo'lsak, uning kichik biznes korxonalaridagi darajasi yirik korxonalarga nisbatan 2016-yilda 6,2 marta, 2020-yilda esa 6,9 marta yuqori bo'lganligini kuzatish mumkin. Ya'ni, aynan kichik biznes korxonalari iqtisodiyotimizni modernizatsiyalashda o'z faolligini namoyon etmoqda.

Eng muhimi, kichik tadbirkorlik subyektlari qandaydir ko'rsatma yoki undovlar ostida emas, balki iqtisodiyotdagi kon'yunkturani hisobga olgan holda erkin va mustaqil tashkil etilyapti. Aynan shu holat iqtisodiyot tarmoqlarining umumiy ko'lamiga o'ziga xos tuzatishlar kiritadi. Jumladan, 2017—2020-yillar davomida yangidan tashkil etilgan kichik biznes korxonalarining eng katta salmog'i savdo (jami korxonalarning 32 foizi), sanoat (21 foizi), qishloq, o'rmon va baliqchilik xo'jaligi (12 foizi), qurilish (10 foizi), yashash va ovqatlanish (7 foizi) tarmoqlariga to'g'ri keladi. Bu esa mamlakatimiz yetakchi tarmoq va sohalari o'rtasidagi maqbul nisbatning shakllanishiga xizmat qiladi.

Yana bir jihati, kichik tadbirkorlik iqtisodiyotda raqobat muhitini shakllantirish, uning moslashuvchanligini ta'minlashning muhim omili hamdir. Iqtisodiyotdagi raqobat muhiti bu — turli mahsulot va xizmatlar ishlab chiqaruvchilari va iste'molchilari o'rtasida qulay sharoitga erishish hamda erishishi ko'zda tutilayotgan foyda yoki iqtisodiy nafni maksimallashtirish maqsadidagi iqtisodiy bellashuv (kurash), deyish mumkin.

Iqtisodiyotda monopoliyalarning paydo bo'lishi va amal qilishi — bu obyektiv jarayon. Ularni butunlay bartaraf etish imkoniyatdan tashqari holat hisoblanadi. Ayrim hollarda davlatning monopoliyaga qarshi kurashi ham darhol o'zining etarli samarasini bermasligi mumkin. Shu o'rinda yana kichik biznes subyektlari yordamga keladi. Yangidan-yangi kichik ishlab chiqarish subyektlarini tashkil etish va ularning rivojlanishi uchun yetarli shart-sharoitlarni yaratib berish orqali bozordagi monopoliya darajasini pasaytirish mumkin.

Shuningdek, mazkur soha iste'mol bozoridagi talab va taklif muvozanatini tiklash hamda ta'minlashda asosiy tomonlardan biridir. Hozir mamlakatimizda biron-bir mahsulotning, xoh u oziq-ovqat tovarlari bo'lsin, xoh kiyim-kechak yoki uy-ro'zg'or buyumlari bo'lsin, kuchli taqchilligining vujudga kelishidan xavfsirash holatlari mavjud emas. Chunki, o'z faoliyat xususiyatiga ko'ra iste'moldagi ahamiyatsiz o'zgarishga ham o'ta sezgirlik bilan e'tibor qaratuvchi kichik tadbirkorlar qisqa muddat ichida bozordagi har qanday taqchillikka o'z munosabatlarini bildiradi. Taqchilligi ortidan narxi ko'tarilgan mahsulotni dastlab

boshqa hudud yoki chet mamlakatlardan olib kelish, o'rta yoki uzoq muddatli davrda uning milliy ishlab chiqarishini yo'lga qo'yish orqali bozordagi talab va taklif muvozanatini tiklashga harakat qiladi.

Kichik biznesning yangi ish o'rinlarini yaratish, aholini ish bilan bandlik darajasini oshirishdagi faolligi uning mamlakatimiz iqtisodiyotidagi yana bir ahamiyatli jihatini namoyon etadi.

O'zbekiston mustaqillikka erishgunga qadar va uning dastlabki pallasida iqtisodiyotdagi tarkibiy o'zgarishlar, milliy ishlab chiqarishning tashqi va ichki talabga mos kelmasligi oqibatida mamlakatimizda muayyan darajada ishsizlik vujudga kelgan edi. Shunisi e'tiborliki, mustaqil taraqqiyotning dastlabki pallasida mazkur holat iqtisodiyotdagi ahamiyatli pasayish oqibatida kelib chiqqan tsiklik ishsizlik ko'rinishida namoyon bo'lsa, hozirga kelib uning asosiy qismi mazmunan ishchi kuchiga bo'lgan talab va taklifning tarkiban nomuvofiqligini ifodalovchi tarkibiy ishsizlik hisoblanadi. Holbuki, mamlakatda ish o'rinlari yetishmovchiligi to'g'risida so'z borgan bir vaqtda, tegishli malakadagi ishchilar etishmayotgan sohalar ham mavjudligi namoyon bo'lmoqda.

Davlatimiz rahbari raisligida shu yilning 16-iyun kuni oliy ta'limni rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlab o'tkazilgan yig'ilishda bugungi kunda xizmat ko'rsatish sohasida 40 mingta, sanoatda 38 mingta, qurilishda 12 mingta, qishloq xo'jaligida 10 mingta, aloqa va axborot texnologiyalarida 4 mingta oliy ma'lumot talab etadigan bo'sh ish o'rinlari borligi, lekin bitiruvchilar son jihatidan ham, malaka bo'yicha ham bu talabni qondira olmasligi ta'kidlandi. Shunga ko'ra, ishchi kuchiga bo'lgan talab va taklifni o'zaro muvofiqlashtirish, yangi ish o'rinlarini yaratish orqali ish bilan bandlik darajasini oshirishda kichik tadbirkorlik sub'ektlarining salohiyatidan keng foydalanilmoqda.

Ma'lumotlardan ko'rinadiki, 2016—2020-yillarda mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik iqtisodiyotdagi jami bandlarning to'rtdan uch qismidan ko'prog'ini qamrab olgan bo'lib, bu hattoki jahondagi bir qator rivojlangan mamlakatlar ko'rsatkichlaridan ham yuqori hisoblanadi.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning yangi ish o'rinlari yaratish borasidagi imkoniyat va salohiyati uning harakatchanligi, ko'lam jihatidan ixchamligi va yo'nalishni tez o'zgartira olishi kabi xususiyatlari orqali namoyon bo'ladi. To'g'ri, mantiqan qaraganda, yirik korxona kichik korxonaga nisbatan bir necha o'nlab, yuzlab, hattoki, minglab marta ko'proq ishchilarni yollash orqali mutlaq ustunlikka ega bo'lishi mumkin. Biroq, masalaning boshqa bir jihati mavjudki, yirik korxona o'z xodimlari tarkibini bir marta to'ldirgandan so'ng, uning yangi ish o'rni yaratish imkoniyati keskin qisqaradi yoki tugaydi. Kichik tadbirkorlik sub'ektlari esa, yaxlit soha sifatida ozgina qo'shimcha daromad olish imkoniyati paydo bo'lgan joyda uzluksiz tarzda va tezlik bilan yangidan-yangi ish o'rinlarini yaratishga harakat qiladi.

Bugungi kunda kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish O’zbekiston singa Rossiya davlatida ham sezilarli darajaga rivojlangan .Misol uchun Xorijiy va mahalliy kichik biznesning umumiy ijobiy xususiyatlari quyidagilardir:

-harakatchanlik, harakatning moslashuvchanligi va samaradorligi, o'zgarishlarga yuqori darajada moslashish, boshqaruv xarajatlarining nisbatan pastligi, g'oyalarni tez amalga oshirish qobiliyati, kapital aylanmasining yuqoriligi, innovatsiyalarni yaratish qobiliyati. Shu bilan birga, mahalliy va xorijiy kichik biznesning afzalliklari tarkibida ayrim farqlar mavjud. Shu bilan birga, yuqori malakali kadrlarni jalb qilishda qiyinchiliklarga duch kelayotgan xorijiy kichik biznesdan farqli o'laroq, Rossiya kichik biznesi, aksincha, ushbu sohada ishlaydigan inson resurslarining yuqori darajadagi intellektual salohiyati bilan ajralib turadi.

Iqtisodiy rivojlanishning zamonaviy voqeliklari shundan iboratki, bugungi kunda eng muhim masalalar inson resurslaridan foydalanish, ko'proq darajada inson resurslariga xos bo'lgan potentsialni ochish va undan shaxsning o'zi manfaati uchun ham, undan maqsadli foydalanish muammosidir. jamiyat foydasi. Bozor munosabatlari va cheklangan samarali talab uchun raqobat korxonalar, asosan, kichik biznes sub’ektlari oldiga nafaqat omon qolish, balki barqaror rivojlanishni ta’minlash bo‘yicha strategik vazifalarni qo‘ymoqda va shu munosabat bilan ular bunday ko‘rsatkich va omillarni izlashga murojaat qilishlari zarur. muvaffaqiyatli biznes uchun kalit bo'ling. Tadbirkorlik tuzilmalari tomonidan biznesga qo‘yilayotgan talablar nuqtai nazaridan tadbirkor bilimli, tafakkurli va qobiliyatli bo‘lishi kerak va bu borada kadrlar sifatini baholash mezonlaridan biri sifatida ta’limga ustuvor ahamiyat qaratish lozim .

Hozirgi vaqtda kichik biznes sohasida 19 milliondan ortiq kishi ishlaydi, bu Rossiyaning barcha mehnatga layoqatli aholisining 20% dan ortig'ini tashkil etadi va mutaxassislarning fikriga ko'ra, aynan o'sha erda ular noyob intellektual resurslar bo'lgan haqiqiy g'oyalarni yaratadilar. kichik biznesning raqobatbardoshligi va o'sishini oshiradigan inson kapitalini shakllantiradi. Shundan kelib chiqqan holda, zamonaviy mahalliy iqtisodiyot rivojlanishining hozirgi davrida kichik korxonalarni jadal rivojlantirish va ularning raqobatbardoshligini oshirishning ilg'or stsenariylaridan biri samarali kadrlar boshqaruv tizimini tashkil etish bo'lishi mumkin. Ushbu maqsadga erishish uchun kichik korxonalar an'anaviy boshqaruv tizimini o'zgartirish bo'yicha tadbirlarni amalga oshirishga tayyor bo'lishi kerak.

Tashkilotning inson resurslarini inson rivojlanishini boshqarish tizimiga kiritish . Ushbu korxonalarning o'ziga xosligi quyidagilardan iborat:

1) Inson resurslarini boshqarishning to'liq jarayonini amalga oshirish uchun na moliyaviy, na vaqt resurslari etarli emas. Ko'pincha, barcha xodimlar bilan bog'liq masalalar menejmentning ushbu sohasida aniq bilimga ega bo'lmagan menejerning o'zi tomonidan hal qilinadi;

2) Inson resurslarining o'zi ko'p emas, HRM bo'yicha alohida mutaxassis yo'q. Agar yirik tashkilotlarda bir xodimning kamchiliklari boshqasi tomonidan qoplanishi mumkin bo'lsa, xodimlarning o'zaro almashuvi mavjud bo'lsa, masalan, jami xodimlar soni 3-5 kishi (maksimal - 15) bo'lishi mumkin bo'lgan mikro korxonalarda bu nihoyatda qiyin vazifa. Rahbarlar oldida "universal askar"ni jalb qilish va keyinchalik o'z tashkilotida ushlab turish vazifasi turibdi .

Kichik biznesda inson resurslarini boshqarishning asosiy muammolari:

- inson salohiyatini rivojlantirish va undan foydalanish sifati past;

-kadrlar boshqaruvini tashkiliy va uslubiy jihatdan yetarli darajada ta’minlanmaganligi;

-tadbirkorlikka yuqori malakali mutaxassislarni baholash va jalb etish usullarining yetarli darajada ishlab chiqilmaganligi;

- yuqori intellektual ish uchun individual motivatsiyani tashkilotning umumiy maqsadlari bilan birlashtirish muammolari .

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Kichik biznesning mamlakat iqtisodiyotiga qo'shadigan hissasini oshirilishini, kichik sanoat zonalarining yaratilishi, investitsion muhit va raqobat muhitini yaxshilanishi, kichik biznes bilan davlat-xususiy sherikchiligi doirasida davlat xaridlari hajmini kengaytirilishi, yirik va kichik korxonalar o'rtasida o'zaro manfaatli hamkorlikni mustahkamlanishi, innovatsiya jarayonlariga tadbirkorlik subyektlarini jalb qilish orqali ko'rishimiz mumkin. Shuni ham ta'kidlash joizki, yetarli eksport salohiyatiga ega bo'lgan, biroq ayni paytda yanada rivojlanish uchun yetarli darajada kapitalga ega bo'lmagan muvaffaqiyatli va istiqbolli kichik korxonalarni moliyaviy qo'llab-quvvatlash katta ahamiyatga ega. Ushbu chora-tadbirlarlarni samarali kichik biznes sohasida ko'proq ish o'rnini yaratishga, jahon bozoriga kirish imkoniyatlarini oshirishga yordam berib, mamkalatni eksport salohiyatini oshirishga va aholi daromadlarini oshishiga imkon yaratadi.

Bir so'z bilan aytadigan bo'lsak, mamlakatimizda tadbirkorlik va kichik biznesni rivojlantirish bugungi kunda davlat siyosatining eng ustuvor yo'nalishlaridan biri bo'lib qolmoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning so'zlari bilan aytganda, biz faqat faol tadbirkorlik, tinimsiz mehnat va intilish orqali taraqqiyotga, farovon hayotga erisha olamiz.

Adabiyotlar ro'yxati:

1.O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va sanoat vazirligi huzuridagi Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish agentligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida" 2019-yil 13-avgustdagi PQ-4417-son qarori.

2.O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 17-avgustdagi "Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishni qo'llab-quvvatlash davlat jamg'armasini tashkil qilish to'g'risida"gi qarori.

3.O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 5-oktabrdagi "Tadbirkorlik faoliyatining jadal rivojlanishini ta'minlashga, xususiy mulkni har tomonlama himoya qilishga va ishbilarmonlik muhitini sifat jihatidan yaxshilashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmoni.

4.Bakhtiyarovna, Y. E. (2019). Portfolio as an assessment tool for individualized instruction. Достижения науки и образования, (5 (46)).

5.Bakhtiyarovna, Y. E. (2019). The main problems encountered in a second/foreign language acquisition in technical higher educational institutions. Проблемы современной науки и образования, (11-2 (144)).

Niyozov D.F.

QIMMATLI QOG'OZLAR BOZORINGING INSTITUTSIONAL RIVOJLANISHI

Qimmatli qog‘ozlar - o‘z egasiga mulkka egalik huquqini va daromad ko‘rinishida muayyan pul summasini olish huquqini beradigan pul yoki tovar hujjatlari (aksiya, obligatsiya, akkreditiv, veksel, chek va boshqalar). Qimmatli qog‘ozlar taqdim etuvchi yoki egasining ayrim huquqlari qayd etilgan maxsus tarzda rasmiylashtirilgan moliyaviy hujjat. Qimmatli qog‘ozlar ma’lum shaxs nomiga yozilgan (ismli), dastlab sotib olgan shaxs nomiga yozilgan va uning roziligi bilan boshqa shaxsga o‘tkaziladigan orderli va egasi yozilmaydigan (egasi ko‘rsatilmaydigan) turlarga bo‘linadi.

Korxonalarning aksiya, obligatsiyalari va davlat obligatsiyalari Qimmatli qog‘ozlarning asosiy turlari hisoblanadi. Qimmatli qog‘ozlar korxona kapitalida qatnashish yoki pulni sudaga taqdim etish va dividend yoki foiz tarzida daromad olish huquqini beradi. Qimmatli qog‘ozlar o‘z egasiga daromad keltirgani uchun fond birjasit ma’lum kurs bo‘yicha oldi-sotdi qilinadi .

Mustaqillik yillarida respublikada davlat tasarrufidan chiqarish, xususiylashtirish, xususiy tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash, chet el kapitalini jalb etish, butun iqtisodiy tizimni erkinlashtirishga qaratilgan iqtisodiy islohotlarning borishi tufayli O‘zbekistonda ham iqtisodiyotni davlat tasarrufidan chiqarish, xususiylashtirish, xususiylashtirish, xususiy tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash, barcha iqtisodiy tizimni erkinlashtirish yo‘lida jiddiy qadamlar qo‘yildi. tsivilizatsiyalashgan qimmatli qog'ozlar bozorini yaratish.

2009 yil 1 yanvar holatiga respublikada 1826 ta aksiyadorlik jamiyati ro‘yxatga olingan. Mamlakat depozitariylarida qimmatli qog‘ozlar egalari soni o‘sha sanaga ko‘ra 1,2 million yuridik va jismoniy shaxslarga yetdi.

Aksiya emissiyasining umumiy hajmining o'sish sur'ati yil sayin ortib bormoqda. Shunday qilib, 2009 yil 1 yanvar holatiga aksiyalar chiqarish hajmi 4,5 trln. so'mga, 1,2 trln. so'mni (yoki 39,6 foizga) tashkil etib, 2008 yilning mos ko'rsatkichidan oshdi.

O‘zbekistonda fond bozoridan tashqari GKO, GSK, Markaziy bank obligatsiyalari, korporativ obligatsiyalar, depozit sertifikatlari bozorlari ham ma’lum darajada rivojlandi.

Aksariyat MDH mamlakatlarida bo'lgani kabi, fond bozorida operatsiyalarni amalga oshirishni tartibga soluvchi salmoqli miqdordagi huquqiy hujjatlarga qaramasdan, respublikada qimmatli qog'ozlar bozorida faoliyatning ayrim sohalarini tartibga soluvchi normalar mavjud emas. Amaldagi qonunchilik har doim ham qimmatli qog'ozlar bozorining rivojlanishini rag'batlantirmaydi (masalan, bitimlarni soliqqa tortish nuqtai nazaridan), bozorning ayrim tarmoqlarida (tashkilotdan tashqari) qimmatli qog'ozlarni sotib olish va sotish bo'yicha operatsiyalarni amalga oshirish uchun tegishli shart-sharoitlarni yaratmaydi. -aksiyalarning ikkilamchi birja bozori), ma’lumotlarning to‘g‘ri ochilishini ta’minlamaydi (moliyaviy holat

to‘g‘risidagi ma’lumotlarni istalgan shaklda e’lon qilish imkoniyatini beradi), milliy fond bozorining xalqaro kapital bozoriga integratsiyalashuviga yordam bermaydi. Ayrim hollarda me’yoriy hujjatlardagi qoidalarning o‘ta noaniqligi, ularda umuman qonun hujjatlariga havola qiluvchi ko‘plab normalarning mavjudligi, o‘ziga xoslik va ravshanlikning yo‘qligi kuzatiladi. Tasdiqlanishidan oldin ishlab chiqilayotgan me'yoriy-huquqiy hujjatlar loyihalari har doim ham qimmatli qog'ozlar bozori ishtirokchilari muhokamasiga kiritilmaydi va ko'pincha professional hamjamiyatning xabardorligisiz qabul qilinadi.

O‘zbekistonda qayd etilgan jarayonning muammolaridan biri shundaki, bugungi kunda rivojlanish bosqichida bo‘lgan qimmatli qog‘ozlar bozori ko‘pincha mexanik ravishda “sinab ko‘riladi” va kuchli va mustahkam iqtisodiy tizimlarga xos bo‘lgan qonunchilik normalari va qoidalariga nisbatan qo‘llaniladi. moliyaviy-kredit mexanizmlari, bozor infratuzilmasi institutlari va boshqalar rivojlangan (AQSh, Germaniya va boshqalar kabi mamlakatlar). Rivojlangan mamlakatlar qonunchiligini qimmatli qog'ozlar bozorining barcha ishtirokchilarining moliyaviy ahvoli darajasini, kredit-moliya tizimining imkoniyatlarini va axborot bilan ta'minlash va boshqa shartlarni hisobga olmasdan avtomatik ravishda prognoz qilish ko'plab qonunchilik normalarini amalda qo'llamaydi va foydasiz qiladi. ba'zi hollarda esa, yuqorida aytib o'tilganidek, normal rivojlanishga to'sqinlik qiladi.ko'rsatilgan sohada bozor munosabatlari. Bizning fikrimizcha, rivojlanayotgan mamlakatlar bu boradagi qonun hujjatlarini ishlab chiqishda ko‘proq o‘zlarining empirik tajribasiga, shuningdek, tarixiy, iqtisodiy jihatdan o‘ziga yaqinroq bo‘lgan mamlakatlardagi fond bozorini tartibga solish tizimiga ko‘proq e’tibor qaratishlari maqsadga muvofiqdir. , fond bozori yoki uning alohida segmentlarida ijobiy yutuqlarga ega bo'lgan shakllanish va rivojlanishning geografik va boshqa shartlari.

“Qimmatli qog‘ozlar bozori to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi qonuniga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish haqidagi qonun **q**onunchilik palatasi tomonidan 2014-yil 24-oktabrda qabul qilingan Senat tomonidan 2015-yil 15-mayda ma’qullangan.

Xulosa qilib aytganda , Qimmatli qog'ozlar bozori sohasida me'yoriy hujjatlarni tizimsiz, "tasodifiy" tayyorlash uning rivojlanishini sezilarli darajada sekinlashtirishi, ayrim qonun hujjatlari normalari va qoidalarida o'zaro qarama-qarshiliklarga olib kelishi, uning segmentlari, tamoyillari va yo'nalishlarining istalmagan gipertrofiyasiga olib kelishi mumkinligini hisobga olsak. Qimmatli qog‘ozlar bozorining huquqiy-me’yoriy bazasini ishlab chiqish fond bozorini rivojlantirishning milliy konsepsiyalarida aks ettirilishi va keyinchalik dasturiy hujjatlarda mustahkamlanishi lozim.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. O’zbekiston Respublikasi „Fuqarolik kodeksi”
2. O’zbekiston Respublikasi „Qimmatli qog’ozlar to’g’risidagi” qonun
3. O’zbekiston Respublikasi„Invistisiya faoliyati to’g’risidagi”

4. “Qimmatli qog‘ozlar bozori to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi qonuniga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish

Наурызбаев А.Р. *- КГУ,PhD исследователь*

АНАЛИЗ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ РЫНКА ЦЕННЫХ БУМАГ

За последние пять лет сектор фондов быстро перешел на устойчивое развитие, о чем свидетельствует распространение фондов и индексов, посвященных вопросам устойчивого развития. Устойчивые фонды, в том числе взаимные фонды и биржевые фонды (ETF), перечисленные в проспектах или других документах как включающие элементы устойчивости, воздействия или экологические, социальные и управленческие (ESG), стали популярны только в 2020 году.

Быстрый рост фондов, ориентированных на устойчивость, особенно в 2020 году, указывает на то, что инвестиционное сообщество все чаще принимает критерии устойчивости, особенно в развитых странах. Институциональные инвесторы, такие как пенсионные и страховые фонды, все чаще придают первостепенное значение устойчивости в своих инвестиционных решениях из-за их долгосрочных обязательств перед бенефициарами и материальных рисков, связанных с изменением климата и другими кризисами, связанными с устойчивостью, такими как COVID -19 пандемия.




Рис.9. Количество устойчивых фондов и активов под управлением, 2010–2020 гг.
Источник: ЮНКТАД, на основе данных Morningstar и Track Insight.

Спрос на устойчивые облигации (зеленые, социальные и смешанные) увеличивался в каждом квартале 2020 года с менее чем 70 миллиардов долларов в первом квартале до почти 180 миллиардов долларов в четвертом квартале, чему способствовал выпуск социальных и смешанных устойчивых облигаций правительствами, наднациональными организациями а корпорации финансировали усилия по оказанию помощи после пандемии. Рынок социальных облигаций испытал наибольший рост, удвоившись до 164

миллиардов долларов в 2020 году, или одну треть всего рынка устойчивых облигаций (зеленых, социальных и смешанных устойчивых вместе взятых), по сравнению с 5% в 2019 году. - облигации устойчивого развития (сочетание зеленых и социальных) были оценены в 128 миллиардов долларов, что более чем утроило их стоимость в 2019 году.

С тех пор, как чуть более десяти лет назад была выпущена первая «зеленая» облигация, рынок устойчивых облигаций, который включает в себя «зеленые» облигации, социальные облигации и облигации смешанного устойчивого развития (сочетание «зеленых» и «социальных»), рос головокружительными темпами. Социальные облигации и облигации смешанного устойчивого развития быстро догоняют категорию «зеленых» облигаций (которая долгое время была лидером рынка) и становятся все более привлекательными инструментами для финансирования инициатив, связанных с ЦУР. Ожидается, что с 2015 года общая непогашенная сумма устойчивых облигаций достигнет 1,5 триллиона долларов США, в зависимости от средней продолжительности погашения этих облигаций.

Несмотря на совокупный годовой темп роста в 67% и существенный абсолютный размер, устойчивый рынок облигаций все еще находится в зачаточном состоянии, на него приходится лишь около 1,26% мирового рынка облигаций, который составляет около 119 триллионов долларов. Это свидетельствует о том, что данная категория имеет значительный потенциал развития в будущем. Устойчивый рынок облигаций может предвидеть дальнейшее ускорение роста в течение следующих пяти лет, поскольку инвесторы и эмитенты приобретают доверие к этому устоявшемуся инвестиционному инструменту, а чувство безотлагательности, связанное с финансированием ЦУР, включая меры по борьбе с изменением климата, продолжает создавать благоприятную политическую среду для этих типов инвестиций. инвестиции. К 2025 году на устойчивый рынок облигаций может приходиться 5% мирового рынка, что обеспечит около 6 трлн долларов новых инвестиций в сектора, связанные с ЦУР.

«Зеленые» облигации позволяют инвестировать в проекты экологической инфраструктуры, например, направленные на борьбу с изменением климата (ЦУР 13), дешевую и чистую энергию (ЦУР 7) и устойчивые города и сообщества (ЦУР 8). (ЦУР 11). Сегменты зеленых облигаций на фондовых биржах появились в 2014 году, и с тех пор стоимость выпущенных зеленых облигаций, как зарегистрированных, так и не зарегистрированных, выросла на 700% до 300 миллиардов долларов (рис. 10). Фонды зеленых облигаций обычно используются в трех секторах: энергетике, строительстве и транспорте. Мировой рынок зеленых облигаций возобновил рост в 2020 г., хотя и более медленными темпами, чем в 2019 г. Это может быть связано с последствиями пандемии, которая привела к отсрочке инвестиций в инфраструктуру; это также может быть результатом быстрого роста рынка устойчивых облигаций, который сочетает в себе компоненты зеленых и социальных облигаций. Хотя финансовые и нефинансовые

компании продолжают доминировать на рынке «зеленых» облигаций, стоимость «зеленых» облигаций, выпущенных учреждениями, поддерживаемыми государством, в 2020 году выросла (рис. 10). В 2020 году поддерживаемые государством фирмы выпустят «зеленые» облигации почти на 65 миллиардов долларов по сравнению с 36 миллиардами долларов в 2019 году. общий объем выпуска зеленых облигаций снизился с 40% в 2014 году. Это демонстрирует, как банки развития стали пионерами этой новой формы финансирования, в которой сегодня доминируют эмитенты государственного и частного секторов. Например, в 2014 году финансовые корпорации выпустили 6,8% «зеленых» облигаций, а в 2020 году на них будет приходиться 19% рынка. стоимость зеленых облигаций, выпущенных учреждениями, поддерживаемыми государством, выросла в 2020 г. (рис. 10). В 2020 году поддерживаемые государством фирмы выпустят «зеленые» облигации почти на 65 миллиардов долларов по сравнению с 36 миллиардами долларов в 2019 году. общий объем выпуска зеленых облигаций снизился с 40% в 2014 году. Это демонстрирует, как банки развития стали пионерами этой новой формы финансирования, в которой сегодня доминируют эмитенты государственного и частного секторов. Например, в 2014 году финансовые корпорации выпустили 6,8% «зеленых» облигаций, а в 2020 году на них будет приходиться 19% рынка. стоимость зеленых облигаций, выпущенных учреждениями, поддерживаемыми государством, выросла в 2020 г. (рис. 10). В 2020 году поддерживаемые государством фирмы выпустят «зеленые» облигации почти на 65 миллиардов долларов по сравнению с 36 миллиардами долларов в 2019 году. общий объем выпуска зеленых облигаций снизился с 40% в 2014 году. Это демонстрирует, как банки развития стали пионерами этой новой формы финансирования, в которой сегодня доминируют эмитенты государственного и частного секторов. Например, в 2014 году финансовые корпорации выпустили 6,8% «зеленых» облигаций, а в 2020 году на них будет приходиться 19% рынка. банки развития выпустили «зеленых» облигаций на сумму около 23 миллиардов долларов, что примерно на 6 миллиардов долларов меньше, чем в 2019 году, что составляет всего 7,8 процента от общего объема выпуска зеленых облигаций по сравнению с 40 процентами в 2014 году. Это демонстрирует, как банки развития стали пионерами этой новой формы финансирования, которая сегодня доминируют эмитенты государственного и частного секторов. Например, в 2014 году финансовые корпорации выпустили 6,8% «зеленых» облигаций, а в 2020 году на них будет приходиться 19% рынка. банки развития выпустили «зеленых» облигаций на сумму около 23 миллиардов долларов, что примерно на 6 миллиардов долларов меньше, чем в 2019 году, что составляет всего 7,8 процента от общего объема выпуска зеленых облигаций по сравнению с 40 процентами в 2014 году. Это демонстрирует, как банки развития стали пионерами этой новой формы финансирования, которая сегодня доминируют эмитенты государственного и частного секторов. Например, в 2014 году финансовые корпорации выпустили

6,8% «зеленых» облигаций, а в 2020 году на них будет приходиться 19% рынка.




Рис.10. Размер рынка зеленых облигаций и отрасли Фипрофинансировано, 2014–2020 гг.(млрд долларов)

Пандемия привела к увеличению выпуска социальных облигаций, и эта тенденция началась с WIR20. К 2020 году стоимость рынка социальных облигаций увеличится более чем на 900 процентов. Эти устойчивые долговые инструменты разрабатываются в соответствии с набором принципов или критериев, установленных Международной ассоциацией рынков капитала (ICMA). Социальные облигации, в соответствии с принципами социальных облигаций ICMA, финансируют проекты, которые имеют благотворное социальное влияние, например, улучшение здоровья или благополучия или сокращение бедности. Облигации воздействия, как и социальные облигации, представляют собой контракты на основе результатов, предназначенные для предоставления услуг населению.

В 2020 году резкое увеличение социальных связей было в первую очередь связано с реакцией на эпидемию COVID-19. Наднациональные организации возглавили разработку облигаций реагирования на COVID-19, которые по сути являются социальными связями, предназначенными для преодоления последствий пандемии. Многосторонние банки развития отреагировали быстро, поскольку многие из них уже имели механизмы для выпуска социальных облигаций и облигаций смешанного устойчивого развития. Облигации реагирования на COVID-19 включают крупнейшие социальные облигации с номиналом в долларах, когда-либо выпущенные на международных финансовых рынках до первого квартала 2020 года: социальные облигации Африканского банка развития на сумму 3 миллиарда долларов «Борьба с COVID-19» (AfDB). В 2020 году Европейский союз был еще одним крупным эмитентом социальных облигаций

За последнее десятилетие был достигнут значительный прогресс в интеграции устойчивости в различные компоненты финансовой системы, включая владельцев активов, банки, страховые компании и фондовые биржи. Улучшение координации и мониторинга этих операций может помочь

ускорить движение к будущему финансов.По результатам проведенных исследований нами разработаны следующие выводы и рекомендации:

- Наднациональные организации возглавили разработку облигаций реагирования на COVID-19, которые по сути являются социальными связями, предназначенными для преодоления последствий пандемии. Многосторонние банки развития отреагировали быстро, поскольку многие из них уже имели механизмы для выпуска социальных облигаций и облигаций смешанного устойчивого развития.
- Должны быть введены новые виды ценных бумаг, такие как Зеленые облигации, Социальные облигации, для привлечения средств, их купонная ставка будет ниже по сравнению с другими видами ценных бумаг на рынке капитала.
- Акционерные общества должны определить оптимальную структуру капитала с учетом финансового рычага и отрасли, в которой они работают.
- Прибыльность, размер корпорации, тип активов, возможность роста, корпоративный риск, ставка корпоративного налога, ликвидность, налоговый щит, не связанный с долгами, возможность банкротства, возраст корпорации и индекс восприятия коррупции корпорацией — все это характерные для фирмы характеристики.

Список использованной литературы:

1. Постановление Кабинета Министров № 268 от 10 мая 2017 года, № 650 от 7 августа 2019 года, № 358 от 26 апреля 2019 года. Источник: https://lex.uz/
2. Abdeljawad, I., Nor, F. M., Ibrahim, I., and Abdul, R. (2013). Dynamic Capital Structure Trade-off Theory: Evidence from Malaysia. *Proceedings of 3rd Global Accounting, Finance and Economics Conference* 5-7 May, 9(6), 1–10.
3. Abdul Hadi, A. R., Pyeman, J., and Ismail, A. K. (2017). the Relevance of Capital Structure Theories to Consumer Product Firms at Bursa Malaysia. *Asia-Pacific Management Accounting Journal*, 12(1), 143–158.
4. Rehan R., Abdul Hadi A.R. (2019). Capital Structure Determinants of Shariah and Non-Shariah Companies at Bursa Malaysia – Dynamic Approach, *International Journal of Innovation, Creativity and Change*, 6(8), 334-345.
5. Ross, S.A. (1977). The determinants of financial structure: The incentive signaling approach. *Bell Journal of Economics*, 8, 23-40.
6. Scharfstein, D (2018): “Presidential address: pension policy and the financial system”, *The Journal of Finance*, vol 73, no 4, pp 1463–512.
7. Scharfstein, D (2018): “Presidential address: pension policy and the financial system”, *The Journal of Finance*, vol 73, no 4, pp 1463–512.

Olimov Sh. *– OBM tinglovchi*

KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING O‘RNI VA AHAMIYATI

Raqamli iqtisodiyot O‘zbekision Respublikasining ilmiy va texnologik rivojlanishining ko'rinishlaridan biri sifatida kichik innovatsion biznesining rivojlanishiga sezilarli foydali ta'sir ko'rsatadi. Mamlakatimiz iqtisodiyotining biz ko‘rib chiqayotgan sektorida innovatsion texnologiyalardan foydalanish biznesning samaradorligi, mahsuldorligi va rivojlanish salohiyatini, bozordagi raqobatbardoshlik darajasini oshiradi. Shu bois, bizning fikrimizcha, kichik innovatsion biznes sohasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish va shakllantirishning dolzarb muammolariga qaramay, raqamli iqtisodiyotni joriy etish va rivojlantirishga qaratilgan davlat yo‘nalishi iqtisodiyotni rivojlantirishning yagona yo‘li hisoblanadi. Mamlakatimiz ichki bozorida ham, jahon iqtisodiyotida ham strategik o'ringa ega.

O‘zbekision Respublikasi “Tadbirkorlik to‘g‘risida” gi qonunida (1992-y.) tadbirkorlikka quyidagicha ta’rif berilgan: “Tadbirkorlik - mulkchilik subyektlarining foyda olish maqsadida tavakkal qilib va mulkiy javobgarlik asosida amaldagi qonunlar doirasida tashabbus bilan iqtisodiy faoliyat ko‘rsatishdi” . Tadbirkorlikning mohiyati shundan iboratki birinchidaru O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi (1992-y.) va O‘zbekiston Respublikasida “Tadbirkorlik to‘g‘risidagi” qonunga muvofiq balog‘at yoshiga yetgan har bir fuqaro o‘z mulki asosida yoki mulk egasining vakolati asosida o‘z ixtiyori bilan qonunga zid boim agan faoliyat turi bilan shug‘ullanishi mumkin.

Ikkinchidan tadbirkorlik faoliyatini tanlash, uni tashkil etish va rivojlantirish davlat va jam iyat ahamiyatiga ega bo‘lmasdan, balki erkin tanlanadigan faoliyatdir.

Tadbirkorlik faoliyatining uch turi bo’lib, unga mos ravishda tadbirkorlaming 3 guruhini alohida ko‘rsatish mumkin:

1.Yangi tovar yo k i xizm at loyihasini tashkil etish. Tadbirkorlikning bu turi bilan intellektual mulk egalari innovatsiya tadbirkorlari shug‘ullanadi.

2.Tovar ishiab chiqarishni tashkil etish bilan sh u g‘ullanuvchi tadbirkorlar. Tadbirkor tovami sotish, qayta sotish va tijorat ishlarini tashkil etish bilan shug‘ullanadi.

3.Maqsad jihatidan tadbirkorlikning ikki turi bo‘lib:

a)foyda olishni, iqtisodiy samaraga erishishni maqsad qiladi;

b)ijtimoiy samaraga (masalan, tabiat muhofazasi, yosh avlod tarbiyasi, sogTikni saqlash) erishishni maqsad qilib qo ‘yadigan turlarini ko‘rsatish mumkin. Tadbirkorlikning o‘ziga xos xususiyatlari bo’lib ular quyidagilardan iborat:

Bozor infratuzilmasining mavjudligi. Bunda tijorat banklari; tovar, fond, mehnat, valyuta birjalari; tijorat tavakkalchiligi va mulk sug‘urtasi; ma’lumot va reklama manbalari, ommaviy axborot vositalari, aloqa vositalari; ekspert byurolari, sertifikat markazlari, bojxonalar, soliq nazorati tashkilotlari, arbitrajlar va h.k. Tadbirkorda huquqiy kafolatning mavjudligi: tadbirkorlikni huquqiy himoya qiluvchi davlat korxonalarinig mavjudligi. Yangi tadbirkorlik korxonalarga kadrlar

tayyorlash, kredit berish, soliq to‘lash , tabiiy boyliklardan foydalanish uchun davlat tomonidan imtiyozlar berilishi.

Tadbirkorlik faoliyatini yuritishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik biznes nomi bilan amalga oshiriladi. «Biznes» so‘zi ingilizcha so‘z bo‘lib, tadbirkorlik faoliyati yoki kishilam ing foyda olishga qaratilgan faoliyatidir. Bozor iqtisodiyoti subyektlarining xo‘jalik faoiiyatida «tadbirkorlik» va «biznes» tushunchalari o‘zaro yaqin bo‘lib, amaliyotda ular bir-birini almashtirishlari mumkin.

Rus adabiy tili lug‘atida «biznesmen» so‘zi go‘yoki tadbirkor, ishchan deb yuritilsa, «biznes» bu — faoliyat, foyda keltiruvchi m ashg‘ulot deb tushuniladi. «Tadbirkor» va «biznesmen» kabi tushunchalarda ishlab chiqarish, dallolchilik, savdo, moliyaviy va innovatsiya faoliyatlari bilan shug‘ullanuvchi va daromad olish niyatidagi inson ifodalanadi.

Respublika va xorijiy davlatning iqtisodchi olimlari bozor iqtisodiyoti jarayonini o‘rganishda,tadbirkorlik va biznes tushunchasini iqtisodiy faoliyatning bir turi deb hisoblaydi. Bu tushunchalar xususiy shaxs, korxona va tashkilotlar tomonidan daromad olish maqsadida o ‘zining hamda shartnoma bilan hamkorlikda ishlaydigan sheriklarining manfaatlarini ko ‘zlab, ishlab chiqarish, sotish, servis xizmat ko‘rsatish, tovar ayirboshlash kabi erkik xo‘jalik yurituvchi faoliyatini bildiradi, deb hisoblaydi.

«Tadbirkor» va «biznesmen» tushunchalari iqtisodiy faoliyat sohalarida ko‘rilayotganda ma’nodosh deb hisoblanmaydi. «Biznes» tushunchasi «tadbirkor»ga nisbatan kam m a’noga ega deb qaraladi.

G‘arb davlatlarining bozor iqtisodiyoti haqidagi adabiyotlarida, biznes - jam iyatning talab va xohishlarini qondirishga qaratilgan ishlab chiqarish tizimi, deb tushuntiriladi.

Biznes bozor iqtisodiyotining barcha ishtirokchilari orasidagi munosabatlarni qamrab oladi. Biznes - bu kishining bozor munosabatlari tizimidagi ishchanlik faolligidir. Tadbirkorlik faoliyati biznesning bir shakli sifatida namoyon b o ‘ladi va turli sohalarda amalga oshiriladi. «Tadbirkorlik to‘g‘risida»gi qonunga (1992-y.) asosan tadbirkorlik - fuqarolarning foyda yoki shaxsiy daromad olishga yo‘naltirilgan mustaqil tashabbuskor faoliyatidir.

Fuqaroning o‘z nomidan, o‘zining tavakkalchiligi bilan hamda o‘zining yoki yuridik shaxsning (korxonaning) mulkiy javobgarligi asosida faoliyatini amalga oshiradi. Shunday qilib, moddiy mablag‘ yoki moliyaviy resurslarga ega bo‘lgan tadbirkor ushbu resurslardan foydalanib o‘z ishini (biznesini) tashkil qiladi. Tadbirkor tomonidan tashkil etilgan firma (tashkilot, fermer, korxona) kichik biznesning bir qismiga aylanadi. Bozor munosabatlari tizimida kichik biznes va tadbirkorlikning o‘ziga xos xususiyatlari: ishlab chiqarish hajmi, ishlovchilammg soni va qaysi sanoat tarmog‘iga tegishliligi tadbirkorlik shakli sifatida namoyon bo‘ladi.

Xorijiy tadqiqotchilar, kichik biznes korxonalari deb, ishlovchilar soni 500 kishi va savdo-sotiq hajmi 20 min. dollardan oshmagan firmalami kiritadilar. Ammo bu ko‘rsatkichlar, O‘zbekiston sharoitida ma’lum darajada shartlidir. Kichik biznes

degan nomiga qaramasdan yirik ishlab chiqarish va tijorat faoliyati bo‘yicha davlat iqtisodiyotida muhim ahamiyatga ega.

Adabiyotlar ro‘yxati

1.Паньшин, Б. Цифровая экономика : особенности и тенденции развития. / Б. Паньшин // Наука и инновации. 2016. №157. С. 17-20.
2.Указ Президента РФ от 01.12.2016 N 642 «О стратегии научно-технологического развития Российской Федерации» // КонсультантПлюс. — URL : http://www. consultant.ru/document/ cons_doc_LAW_207967/(дата обращения: 20.01.2018).
3.Савина, Н. Б. Инвестиционное обеспечение развития экономических систем / Н.Б. Савина // Экономика : реалии времени. 2014. № 2 (12). С. 101-110.
4.Студеникин, Н. В. Цифровые технологии и новые возможности для КСО в России в контексте зелёной экономики, цифровой экономики и «шеринг экономики» /Н.В. Студенкин // Государственно-частное партнёрство. 2017. № 4. С. 36-40.
5.Куприяновский, В. П. Цифровая экономика — «Умный способ работать» /В.П. Куприяновский, С.А. Синягов, С.И. Липатов, Д.Е. Намиот, А.О. Воробьев // International Journal of Open Information Technologies. 2016. No. 2. P. 26-33.
6.Бабкин, А. В., Чистякова, О. В. Цифровая экономика и её влияние на конкурентоспособность предпринимательских структур / А.В. Бабкин, О.В. Чистякова // Российское предпринимательство. 2017. № 24. С. 11-21.
7.Сударушкина, И. В., Стефанова, Н. А. Цифровая экономика / И.В. Сударушкина, Н.А. Стефанова // Азимут научных исследований : экономика и управление. 2017. № 1(8). С. 182-184.

Орифов Ж.Ф. *– ОБМ тингловчиси*

КАПИТАЛ БОЗОРИ ВА ФОНД БИРЖАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ИСЛОМИЙ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР (СУКУК)НИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Бугунги кунда жаҳон молия тизими ривожланиш ва кенгайиб бориш жараёнида Ўзбекистон капитал бозорида ҳам янги молиявий инструментларни амалиётга тадбиқ қилишга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Капитал бозорларининг ривожланиши бевосита мамлакат иқтисодиётида намоён бўлади. Хусусан, Капитал бозорларида молиявий активлар ишлаб чиқаришнинг моддий бойликларга айлантирилиши савдо-саноат тармоқларининг ривожланишига туртки беради ва бу ўз навбатида жамиятнинг иқтисодий ўсишига олиб келади. Мавзунинг долзарблиги шундан характерланадики капитал бозори ривожланмаган мамлакатдаги аҳоли ўз жамғарма маблағларини нисбатан самарасиз ёки яроқсиз объектларга, фақатгина кўзга кўринган истеъмол махсулотларига ва бошқаларга сарфлайди


ёки умуман сарфламай универсал хорижий валюта каби ўлик пул сфатида сақлайди, натижада бу иқтисодий ўсишга тўсиқ бўлади. Жумладан, мамлакатимизда “10 млрд. АҚШ доллари қийматидаги маблағларнинг “яширин иқтисодиёт”да эканлиги”[5] ва Ўзбекистон аҳолисининг 90%дан ортиғи мусулмонлар эканлиги ҳисобга оладиган бўлсак исломий қимматли қоғозларга бўлган талабнинг борлиги мавзунинг долзарблигини янада оширади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда Ислом молиясига қизиқиш ортиб бораётгани сезилсада, исломий қимматли қоғозлар ҳозирга қадар амалиётга жорий этилмаган. Исломий қимматли қоғоз барча тоифадаги инвесторлар учун капитал бозорининг қулайлигини ошириш ва банк томонидан кредитлаш ҳамда анъанавий облигацияларнинг самарали муқобил механизмини яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади[4]. Ана шундай Исломий қимматли қоғозлар – сукук деб аталади.

Сукук қимматли қоғозларнинг исломий тамойилларга мос келувчи тури бўлиб, маблағларни жалб этишда ва инвестиция киритишда облигацияларга эквивалент сифатида фойдаланилади. Ғарб олим ва мутахассислари сукукни облигациянинг шариатга мос келувчи бир тури сифатида талқин қилишади. Яқин шарқ ва Жануби-шарқий Осиёда уни қимматли қоғозларнинг алоҳида тури эканлигини таъкидлашади. Соддароқ қилиб айтганда сукуклар оддий акция ва облигацияларнинг айрим жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган ислом қимматли қоғози ҳисобланади[6]. Таниқли олим Ibrahim Warde сукукларга таъриф бераркан, “сукуклар шариат тамойилларига мувофиқ келувчи инвестиция сертификатлари дейиш мумкин”, деб айтган[7]. Хорижий Investopedia нашри эса, “сукук – ислом дини қонун-қоидаларига мос келувчи ғарб молиясидаги облигацияларга ўхшаш ислом молия сертификатидир. Фарқи шуки, облигация қарз муносабатларини ифодаласа, сукук активга эгаликни ифодалайди”, деб ёзади[8].

Сукукларнинг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак XXI асрга келиб жадал суръатларда чиқарила бошлагани ва сўнги 10 йилликда асосий эмссиялар амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, жаҳон бўйича жами 36 мамлакат сукук эмитенти ҳисобланиб “2021 йилга қадар жаҳон иқтисодиётига 1,4 трлн. АҚШ долларидан ортиқ сукук чиқарилган”[9].

Республикамизда капитал бозори ва фонд биржаларини ривожлантиришга қаратилган бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармонига мувофиқ 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашга оид 27-мақсадида “иктисодиётда молиявий ресурсларни купайтириш максадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш”[1], деб белгилаб қўйилди.



Жаҳонда сукук эмиссияси ҳажми динамикаси[9].

Бундан ташқари, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва корпоратив бошқарув соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сон фармони эълон қилинди[2]. Фармонга кўра капитал бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб капитал бозорининг рақобатбардошлигини ошириш ва унинг капиталлашувини 2023 йил якунига қадар 45 трлн сўмга етказиш, банк томонидан кредитлашга муқобил бўлган самарали молиялаштириш механизмини яратиш, апитал бозорини тартибга солишнинг яхлитлигини ва тизимли таваккалчиликларнинг олдини олишни таъминловчи қонунчилик базасини яратиш, миноритар инвесторлар, капитал бозорининг бошқа иштирокчилари ҳамда аҳоли кенг қатламларининг билимлари, кўникмалари ва молиявий саводхонлигини оширишни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида 2023 йил якунига қадар 40 минг нафар аҳолини қамраб олиш каби йўналишлар белгиланди[3]. Республикамизда соҳада ўтказилаётган ушбу ислоҳотлар, чиқарилаётган қарор ва фармонлар капитал бозори ва фонд биржалари фаолиятини ривожлантириш ва яхшилаш мақсадида анъанавий моделлар билан бир қаторда миллий қадриятларимиз ва шариатга тўғри келадиган янги лойиҳалар ва моделларни кўриб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш учун етарлича ҳуқуқий асослар мавжуд.

Хулоса ўрнида шуни такидлаш жоизки, сукук мамлакатимиз фонд бозорида жамият талабига мувофиқ капиталлашувни кўпайтириш, ликвидликни таъминлаш, пассив даромад олишга қаратлган инвестиция портвелини диверсификациялаш орқали риск даражасини камайтириш ва аҳоли қўлида бўш турган пул маблағларини инвестицияларга самарали жалб қилиш имконини беради.

Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, бошқа омилларни ҳисобга олмаганда муомаладаги сукук ҳажмининг бор йўғи 1% га ўсиши аҳоли жон бошига миллий даромаднинг 0,18% га ўсишига олиб келиши аниқланган[10].

Шундай экан аввало аҳолини ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, капитал бозорларига инвестиция киритиш ва фонд биржаларида савдо қилишнинг фойдали ва хатарли томонларини тушунтириш керак деб ўйлайман. Иккинчидан, капитал бозори ва фонд биржаларида сукукларни жорий қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, конунлар ишлаб чиқиш, тегишли низом ва йўриқномалар ёрдамида тизимда очиқлик, шаффофик ва ишончлиликни таъминлайдган механизмларни ишлаб чиқиш билан капитал бозорида инвестициялаш жозибадорлигини ошириш керак. Бу орқали аҳолининг капитал бозоридаги фаолиятини рағбатлантириш, фонд биржалардаги фаоллигини оширишга эришиш мумкин деб ўйлайман. Натижада эса жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий турмушининг яхшиланишига маълум миқдорда эришишимиз мумкин.

Бундан ташқари сукук хусусийлаштириш шароитида активларни IPO чиқариш йўли кўплаб лотлар орқали улушларни майда бўлакларга бўлиб сотилса корпоратив бошқарувда юқори самарадорликка эришиш мумкин. Бунда аввало аҳоли учун пассив даромад олиш объекти шакллантирилган бўлса, иккинчидан, улушни жуда кичик бўлакларга бўлиб сукук эмиссия қилиш орқали ихтиёрда қолган кичик улуш билани ҳам бошқарув ҳуқуқини сақлаб қолиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Узбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонига 1-илова “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сон фармони.
3. “2021-2023 йилларда капитал бозорини ривожлантириш дастури тасдиқланди”https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/2021-2023_ yillarda_ kapital_ bozorini_rivojlantirish_dasturi_tasdiqlandi
4. С.Абороов Ўзбекистонда сукук – исломий қимматли қоғозларни жорий этиш истиқболлари. “Автореферат”, Т.:2020.
5. Стратегия развития рынка капитала на 2020-2025 годы – основные положения. На основе рекомендаций консультантов ЕБРР и АБР. с5.
6. С.Абороов Сукук ўзи нима? “Сукук” тушунчасига таъриф. https://oliymahad.uz/29923
7. Warde, Ibrahim, 2011, Islamic finance bankruptcy, financial distress and debt restructuring: A short report, (Harvard Law School, Cambridge). p3.
8. https://www.investopedia.com/terms/s/sukuk.asp
9. Sukuk report: A comprehensive study of the global sukuk market. International Islamic Financial Market, July 2021, 10th edition. p29.

10. Сукукнинг Ўзбекистон иқтисодиёти учун аҳамияти. https://islommoliyasi.uz/uz/sukuk-uzb/

Пардаев Ф.М. *–Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошқарма бошлиғи.*

“ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ”ДА ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲАТЛАР

Мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган устувор йўналишдан иборат 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди.

Тараққиёт стратегиясида инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш, мамлакатимизда пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, қариялар ва кекса ёшдагиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ва соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш юзасидан 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида 1 та Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 та Фармон ва 4 та қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари 1 та қабул қилинди. Жумладан,

1.Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 9 февралдаги ЎРҚ-752-сон қонунига мувофиқ “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони.

а)аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтининг ҳаммасини жамлаганда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган 3 йиллик даврни 6 йилга оширилди;

б)боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш муддатини ҳамда болаликдан ногиронлиги бўлган болаларга қаралган даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисоблаш даврини 16 ёшдан 18 ёшгача узайтирилди;

в)ўқувчи ва талабалари ўқишнинг бутун даври давомида, бироқ 23 ёшга тўлгунига қадар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқи берилди (амалда ўқувчилар 18 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлганлар).

Мазкур Қонунда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишда Пенсия жамғармаси ва Давлат бюджетидан қўшимча равишда 65 млрд.сўм ажратилди.

2.Аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, кўмакка муҳтож фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-58-сон Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонга мувофиқ, 2022 йил 1 мартдан бошлаб:

-барча имтиёзли тоифага кирувчи (қўшимча 29,4 минг нафар) шахсларга, уларнинг пенсия (нафақа) олиши ёки меҳнат фаолиятини олиб боришидан қатъий назар (+130 минг сўм) компенсация олиш ҳуқуқи берилди;

-ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз 298 нафар шахсларга (+130 минг сўм) компенсация тўлови жорий этилади;

-ёши 100 га тўлган ва ундан ошган ижтимоий нафақа олувчи 37 нафар шахсларга ҳар ойда (+289 минг сўм) қўшимча тўлов тўлаб борилади.

Мазкур тўловларни молиялаштириш учун жорий йилда республика бюджетидан қўшимча 36,4 млрд сўм маблағ йўналтирилди.

3.Ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, доимий парваришга муҳтож бўлган болаларни парваришлаётган оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга оширишда янги ёндашувларни жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 февралдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги
ПФ-74-сон Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонга асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли даромадларини оширишни таъминлаш мақсадида, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

а)зарур иш стажига эга бўлмаган меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси миқдори 440 000 сўмдан 622 000 сўмга етказилди;

Бунда 49,1 минг нафар фуқароларнинг ногиронлик нафақа миқдорлари 182 минг сўмга ошди.

б)иш стажи тўлиқ бўлмаган ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда 440 000 сўмдан 622 000 сўмга етказилди.

Бунда 112,7 минг нафар фуқароларнинг ногиронлик пенсия миқдорлари ўртача 138 минг сўмга ошди.

в)ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалари ва одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касалликка чалинган 18 ёшгача болалари бўлган оилаларга ҳар ойда 500 000 сўм миқдорида янги турдаги парваришлаш нафақаси жорий этилди.

Бунда 35,1 минг нафар оилаларга 500 минг сўм миқдорида парваришлаш нафақаси тўлаб берилади.

Фармонда кўзда тутилаётган чора-тадбирларни молиялаштириш учун Пенсия жамғармаси ва республика бюджети ҳисобидан қўшимча 378,4 млрд сўм маблағлар йўналтирилади.

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 апрелдаги ПФ-128-сон Фармонига асосан, 2022 йил 1 майдан бошлаб қуйидагилар оширилди:

а)724 минг нафар фуқароларнинг пенсия ва нафақа миқдорлари 440 минг сўмдан минимал истеъмол харажатлари миқдори 500 минг сўмга етказилди;

б)3,4 млн нафар минимал истеъмол харажатлари миқдоридан юқори пенсия ва нафақа олувчиларнинг ойлик пенсияси инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорда - 12 фоизга оширилди.

Маълумот учун: 2022 йилда пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар миқдорини1 июндан бошлаб 10 фоизга ошириш режалаштирилган эди.

Мазкур Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун Пенсия жамғармаси ва республика бюджети ҳисобидан қўшимча 3 667 млрд. сўм маблағ ажратилди.

5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 майдаги ПҚ-258-сон қарорига мувофиқ давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг қуйидаги қатламларига ва қуйидаги миқдорларда бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди:

а)пенсия ва нафақа олувчиларга - 300 минг сўмдан (Тошкент шаҳрида 400 минг сўмдан):

ёшга доир пенсия ва нафақа олувчиларга (3 087,6 минг киши);

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик пенсия ва нафақа олувчиларга (459,4 минг киши);

болаликдан ногиронлик нафақасини олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир оила аъзосига (311,7 минг киши);

боқувчисини йўқотганлик пенсия ва нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир оила аъзосига (360,9 минг киши);

ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши учун нафақа олувчиларга (25,6 минг киши).

б)“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларга бериладиган нафақа ва моддий ёрдам олувчиларга - 200 минг сўмдан;

кам таъминланган сифатида болалар нафақаси олувчи оилаларнинг ҳар бир 18 ёшга тўлмаган боласига (4 565,0 минг киши);

кам таъминланган сифатида моддий ёрдам олувчи оилаларга (84,1 минг оила).

Ушбу қарор билан 8,9 млн. аҳолини қамраб олиниб, республика бюджетидан жами 2,2 трлн. сўмлик ёрдам кўрсатилди.

6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 июндаги ПҚ-274-сон қарорига мувофиқ,

а)4,2 минг нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамда 221 нафар 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари, Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган фуқароларга бепул етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда гигиена товарлари ўрнига ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари (300 минг сўм) миқдорида қўшимча тўлов жорий этилди;

б)221 нафар 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари, Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган фуқароларга етказиб бериладиган зарур кийим-кечак ва пойабзаллар ўрнига кийим-кечак хариди учун ҳар йили август ойида бир маротаба тўланадиган базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари (4,5 млн сўм) миқдорида компенсация тўлови жорий этилди;

Бунда, кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун Давлат бюджети ва Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан йиллик 10,2 млрд сўм маблағ йўналтирилади.

Пўлатов.Қ.Ш. *ТДИУ докторанти*

БАНКЛАРИНИНГ ЧАКАНА ХИЗМАТИНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИ

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, етарли даражада хизмат кўрсатилмаётган ва заиф қатламларда давлат иштирокини кучайтириш ва манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли ва кичик бизнес учун масофавий хизматларни кенг жорий қилиш, камхарж хизмат кўрсатиш нуқталари тармоғини ривожлантириш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган[1].

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг замонавий босқичида тижорат банклари томонидан бериладиган чакана кредитлар ва чакана кредитлаш жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишнинг зарурий шартларидан бири сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ:

Фармонга асосан ипотека кредити орқали бирламчи уй-жой бозорида квартираларни сотиб олиш ҳамда якка тартибдаги уй-жойни қуриш ва реконструкция қилиш учун бошланғич бадал миқдори 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланди;

-Молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан ипотека кредитлари 6 ойлик имтиёзли давр билан 20 йил муддатга ажратилади;

-дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорида шаҳар ва қишлоқ жойларда субсидиялар ажратилади;

-фуқаролар ўзларининг хоҳишига кўра ипотека кредити бўйича тўловларни аннуитет ёки дифференциал усулида амалга оширади;

-жисмоний шахсларга якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва

-маҳаллий ҳокимликлар томонидан 1000 та квартира сотиб олинади ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ижарага берилади [9].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сон “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан, якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун кредитлар:

*кредитлар Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятда 500 та, жами 6 500 та якка тартибдаги уй-жойни қуриш (реконструкция қилиш) учун ажратилади;

*кредитлар дастлабки бадал 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда, 6 ойлик имтиёзли давр билан 20 йил муддатга ажратилади;

*кредитлар қурилиш материалларини сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойни қуриш (реконструкция қилиш) ишларини амалга ошириш бўйича харажатларни қоплашга берилади. Бунда, қурилиш ишлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қарз олувчининг ўз кучи билан, хусусий пудрат ташкилотларини ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчиларни жалб этган ҳолда амалга оширилиши мумкин;

*кредитлар бўйича таъминот сифатида жисмоний шахсларга тегишли бўлган якка тартибдаги уй-жой гарови ёки бошқа таъминот турлари тақдим этилади;

*даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларга якка тартибдаги уй-жойларга ажратилган ипотека кредитлари

бўйича дастлабки беш йил мобайнида фоиз ставкасининг 10 фоизлик пунктдан ошган қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилади;

*субсидиялар қурилган (реконструкция қилинган) якка тартибдаги уй-жойнинг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган ойнинг кейинги ойидан бошлаб тўланади [10].

2021 йил I чорагида янги тартиб доирасида 3 698 нафар фуқароларга жами 787,4 млрд. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилди. Ипотека кредитларининг 375,2 млрд. сўми (47,6 фоизи) 1 ва 2 хонали квартира, 412,2 млрд. сўми эса (52,3 фоизи) 3 ва ундан кўп хонали квартираларни сотиб олиш учун берилди [11].

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан аҳоли берилган чакана кредитларнинг миқдори ва динамикаси [12]

	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2020 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши
Чакана кредитлар – жами, трлн. сўм	24,4	39,9	54,9	2,3 марта
Шу жумладан:				
ипотека кредитлари, трлн. сўм	4,6	7,9	9,1	197,8 %
истемол кредитлари, трлн. сўм	7,6	11,1	13,3	175,0 %

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан аҳолига берилган чакана кредитларнинг умумий миқдори ҳамда ипотека ва истеъмол кредитларининг миқдори 2018-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, аҳолининг чакана кредитларга бўлган талабини ошиб бораётганлиги билан ва тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланаётганлиги билан изоҳланади.

Тижорат банклари томонидан бериладиган чакана кредитлар ҳажмини ошириш ва чакана кредитлаш жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш аҳолининг тумуш фаровонлигини оширишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Республика тижорат банклари томонидан аҳолига берилган чакана кредитларнинг умумий миқдори ҳамда ипотека ва истеъмол кредитларининг миқдорини 2018-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги аҳолининг чакана кредитларга бўлган талабини ошиб бораётганлиги билан ва тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланаётганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасида 2018-2020 йилларда инфляция даражаси юқори бўлганлиги тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг фоиз ставкаларини юқори бўлишига сабаб бўлди.

2015-2020 йилларда миллий валюта-сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш суръати юқори бўлганлиги аҳоли даромадларининг реал қийматини пасайишига олиб келди ва, натижада, банкларнинг чакана кредитлаш амалиётига салбий таъсир кўрсатди.

Фикримизча, тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

1.Ўзбекистон Республикасида инфляцион таргетлаш режимига ўтилаётганлиги ва бунинг учун жавобгарликни Марказий банкка ва Ҳукуматга юкланганлигини ҳисобга олиб, биринчидан, чакана кредитларнинг фоиз ставкасини белгилашда инфляциянинг йиллик даражасини 5 фоиздан ошмайдиган қисми базавий даража сифатида инобатга олиниши лозим; иккинчидан, инфляциянинг 5 фоиздан ортган қисми миқдорида банкларнинг чакана кредитлардан оладиган даромадлари давлат томонидан субсидияланиши лозим.

2.Миллий валюта девальвациясининг банкларнинг чакана кредитлаш амалиётига нисбатан юзага келаётган салбий таъсирига барҳам бериш мақсадида, биринчидан, хорижий валютада берилган чакана кредитларни қайтаришда миллий валютанинг чакана кредит берилаётган кундаги номинал алмашув курси асос сифатида олиниши керак; иккинчидан, чакана кредитларни сузувчи ставкадаги депозитлар ҳисобидан сузувчи ставкада беришни амалиётга жорий қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚҲММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

2.Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 611.-627.

3.Деньги, кредит, банки : учеб. / под ред. О. И. Лаврушина. – 13-е изд., стер. – М. : КНОРУС, 2014. – 448 с.

4.Финансово-кредитный энциклопедический словарь / под ред. А. Г. Грязновой. – М. : Финансы и статистика, 2002. – 1168 с.

5.Савинов, О.Г. О Многообразии форм кредита физическим лицам / О.Г. Савинов // Вестник Самарского государственного экономического университета. – 2012. – № 6 (92). – С. 91-95. – ISSN 1993-0453.

6.Поляков, В.В. Розничные банковские услуги: продуктивный подход : учебник / В. В. Поляков. – Иркутск : Издательство БГУЭП, 2011. – 159 с. – ISBN 978-5-7253-2419-8.

7.Литвинов, Е.О. Кредитное бремя населения России: вопросы теории и методологии / Е.О. Литвинов // Волгоградское научное издательство. – 2012. – 148 с.

8.Азимова Ш.С. Ўзбекистон тижорат банкларини кредит фаолиятини инновацион ривожлантиришни таъминлаш йўллари. И.ф.ф.д. дисс. Автореф. – Тошкент, 2020. - Б. 47.

9.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони//www.lex.uz

10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сон “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони//www.lex.uz

11.Ипотека кредитлари//www.cbu.uz

12.Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Статистик бюллетени//www.cbu.uz.

13.Пул-кредит сиёсати// www.cbu.uz.

Рахматуллаев Ж.А. *– ОБМ тингловчиси*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ислоҳотлар негизида иқтисодиётнинг барча тармоқларини модернизациялаш, техниктехнологик янгилаш ва рақобатчиликка асосланган бизнес муҳитини яратиш, шу жумладан давлат тассарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналар негизида ташкил этилаётган хўжалик субъектлари, шунингдек, Давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятлари фаолиятини бошқариш самарадорлигини янада оширишнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Ш.М. Мизиёевнинг асарларига қарайдиган бўлсак: “Маъмурий ислоҳотларни амалга оширишдан асосий мақсад - ихчам ва профессионал ижро органлари тизимини, замонавий менежментга асосланган бошқарув тизимини яратишдан иборат.

Стратегиямизда назарда тутилаётган мазкур соҳадаги устувор вазифалар қуйидагилардан иборат: замонавий менежмент усулларини ва корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш, аутсорсинг дастурларини амалга ошириш бўйича ишларни янада кенгроқ давом эттириш лозим. Бунда биз давлат хизматига замонавий фикрлайдиган, янгича тафаккурга эга, бошқарувнинг инновацион, янада мослашувчан моделларини, жумладан, лойиҳа моделини (Agile, Scrum, Kanban, PRINCE2 ва бошқалар) ишлаб чиқиш ва жорий этишга лаёқатли етук мутахассислар, сиёсий партиялар, хусусий сектор вакилларини, кучли хорижий экспертларни жалб қилишни кўзда тутувчи янги кадрлар сиёсатини амалга ошириш зарурлигини назарда тутмоқдамиз”[1].

Корпоратив бошқарув ҳозирги кунга келиб корхоналарни бошқаришнинг нафақат замонавий фалсафасига, балки самарадорликни таъминлайдиган муҳим технологиясига айланиб улгурди. Такомиллашган корпоратив бошқарув натижасида иқтисодий қўшилган қийматнинг (economic value added – EVA) сезиларли даражада кўпайиши, самарадорликнинг ортиши

[1] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. 464 бет.

ва рискнинг камайиши юз бериши турли эмпирик тадқиқотларда ўз аксини топган. Хусусан, бир қатор етакчи экспертлар томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари кўрсатишича, самарали корпоратив бошқарув йўлга қўйилган компанияларда иқтисодий қўшилган қиймат корпоратив бошқарувнинг стандартлари амал қилмайдиган компанияларга нисбатан 8,5 фоизга юқори бўлган[1].

Корпоратив бошқарув амалиётини яхшилаш Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш жараёнининг бир қисми бўлиб, у хусусий мулкни ҳимоялаш, акциядорлар манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш, мамлакат иқтисодий алоҳида ўрин тутувчи инвестицион жозибадор, рақобатбардош миллий корпорацияларни шакллантириш учун шарт шароитларни яратиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Корпоратив бошқарувнинг замонавий хусусиятлари моҳиятан анча кенг бўлиб, бир пайтнинг ўзида ташкилотлардаги турли функцияларни, жумладан, менежмент, молия, ҳисоб, бизнес ҳуқуқи, бизнес этикаси ва иқтисодиётини мужассамлаштиради. Шунингдек, корпоратив бошқарув ҳисобдорлик, шаффофлик, ошкоралик, ижтимоий масъулият, ҳалоллик (софлик) каби жиҳатларни ҳамда бошқарув органлари, акциядорлар ва манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатларни қамраб олади. Бундан ташқари, ушбу хусусиятлар ташкилотларни самарали бошқариш ва назорат қилиш учун тартиб-қоидалар, сиёсат, усуллар ва таркибий тузилмаларни белгилаб беради.

Инновацион фаолиятнинг асосини инновация усулларини прогнозлаштириш ва яратишнинг назарий масалалари, методологик принципларини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришга йўналтирилган илмий фаолият ташкил қилади, шунингдек, корпорацияда инновацион фаолиятни режалаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хусусийлаштирилган корхоналарнинг бошқариш тизимини ўрганишга оид тадқиқотлар олиб боришга ҳам эҳтиёж сезилмоқда. Бизнинг фикримизча, мулкдорлар синфининг вужудга келиши инновацион жараёнларнинг узоқ муддатли келажакда бозор институтлари ва бозор рақобатини мустаҳкамловчи механизмлар орқали белгилаб олинади. Бугунги кунда инновацион жараёнларда илғор техник тизимларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни илмий ташкиллаш, мотивацион тизимлар ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир этувчи модернизация асосий омил ҳисобланади.

Тадқиқотда корпоратив бошқарув асосида фаолият олиб бораётган корхоналарда янги технологиялар яратишга йўналтирилган, иқтисодий жиҳатдан самарадор инновацион технологияларини танлаш, баҳолаш, уларни амалга ошириш жараёнларини бошқаришнинг илмий жиҳатдан таҳлил қилиш зарурияти аниқланди.

Корпоратив бошқаришда инновация модели унинг инновация

[1] Э.Метрик (Wharton School of Business), П.Гомперс ва Ж.Ишии (Harvard University) томонидан АҚШнинг 1500 та компаниялари бўйича олиб борилган ва натижалари 2003 йилда Quarterly Journal of Economics журналининг февраль сонида нашр этилган.

фаоллигини ва инновация салоҳиятини ишлаб чиқишга тадбиқ этиш ҳамда амалиётга инновация ютуқларини тизимли жорий этиш, унинг инновация фаолиятини мақсадли режалаштириш орқали самарадорлигини оширишга йўналтирилган. Таклиф этилган инновация модели корпоратив асосда фаолият олиб бораётган корхоналарда инновацион элементларни қўллаш натижасида инвесторлар учун жозибадорлигини оширишни ва уни самарали ривожланишини таъминлайди. Корпорациялар ўзининг ижтимоий-иқтисодий мақсадини самарали амалга ошириш учун инновацион асосда барқарор ривожланиши зарур.

Инновацион лойиҳаларнинг бажарилишида лойиҳавий бошқарув тизими муҳим роль ўйнайди, чунки, бу тизим лойиҳанинг бажарилиш муддатларини қисқартиришга, уни бажарилиши билан боғлиқ жорий вазифаларни тез ва тўла ҳал қилишга, ресурсларни иқтисод қилишга ёрдам беради. Мамлакатимизда инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришдаги мавжуд яна бир муаммолардан бири-бу инновацион маҳсулот, ишлар, хизматларнинг ҳудудий кесимда нотекис тақсимланиши ҳисобланади. Бунга асосий таъсир қилувчи омиллар сифатида албатта инновацион фаолият учун сарфланаётган харажатлар ҳамда ҳудудий ривожланишдаги фарқлар ҳисобланади. Бироқ бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан ҳудудлар кесимидаги ривожланиш даражасидаги фарқни камайтириш бўйича бир қатор амалий ишлар ва дастурлар амалга оширилмоқда.

1-жадвал.

Акциядорлик жамиятларини инновацион бошқаруви самарадорлиги кўрсаткичларининг гуруҳланиши

Эришиладиган самарадорлик тури	**Самарадорликни тавсифловчи кўрсаткичлар**
Иқтисодий	Инновацион лойиҳани жорий этиш асосида корхона даромади ҳажмининг ортиши; Корхона ва у томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги кўрсаткичининг яхшиланиши; Корхонада ишлаб чиқариш омиллари қайтими ҳажмининг ортиши.
Илмий-техник	Корхона персоналининг илмий-интеллектуал салоҳиятининг ортиши; Корхона ва унинг ёлланма ходимларининг инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тажрибасининг ортиши; Корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишнинг самарадорлиги кўрсаткичининг ортиши.
Ижтимоий	Ёлланма ходимларнинг иш ҳақи ортиши ва корхонада меҳнат шарт-шароитларининг яхшиланиши; Корхонада қўшимча янги иш ўринлари сонининг ортиши ва уларнинг барқарорлиги; Корхона ходимлари малакасини ошириш, жумладан, уларни ўқитиш, касбий маҳоратини ошириш.
Экологик	Маҳсулот ишлаб чиқаришда чиқиндилар ҳажмининг камайиши; Ишлаб чиқариш жараёнида атроф муҳитга зарарли бўлган турли заҳарли моддалар ва газлар ажралиб чиқиши ҳажмининг камайиши; Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг (товар ва хизматлар) экологик жиҳатдан софлигидир.

Таҳлиллар кўрсатишича, корхона инновацион фаолиятини баҳолаш

амалиёти бошқарув субъекти ва унинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда турли шаклларда амалга оширилиши мумкин бўлади. Акциядорлик жамиятлари инновацион фаолиятини баҳолашнинг бошқарув субъекти бўйича мақсадларини таҳлил қилиш асосида миллий иқтисодиёт тармоғидаги маълум бир корхонанинг инновацион бошқаруви амалиётини ривожлантириш орқали бутун мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш мумкинлиги аниқланди. Рақобатлашган бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик фаолияти юритувчи корхоналар томонидан бозорда юқори фойдани олишга бўлган интилиш кучли бўлганлиги сабабли рақобатчи корхоналар томонидан ҳам инновацияларни амалиётга жорий этиш ҳисобига кумулятив самарага эришилади.

Иқтисодчи олимлар томонидан акциядорлик жамиятлар инновацион бошқарувини ташкил этиш асосида эришиладиган самарадорлик кўрсаткичларини турли гуруҳларга ажратишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, инновацион бошқарув назарияларининг шаклланишининг илк босқичларида корхона инновацион бошқаруви натижасида иқтисодий, илмий-техник ва ижтимоий самарадорликка эришиш мумкинлиги асосланган[1]. Кейинчалик жаҳонда глобал иқлим ўзгаришлари авж олиши натижасида маҳсулот (товар ва хизматлар) ишлаб чиқариш жараёнига инновацияларни жорий этишнинг экологик самарадорлиги кўрсаткичлари ҳам баҳолана бошлади[2].

Таҳлилларга кўра, корхона инновацион бошқарувининг иқтисодий ва илмий-техник самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш моддий аҳамият касб этганлиги ҳисобига нисбатан осон бўлиб, бунда инновацион лойиҳани амалиётга жорий этишнинг ресурс таъминоти ва натижавий кўрсаткичлари ўзгаришига асосланилади. Шунингдек, корхона инновацион бошқарувининг ижтимоий ва экологик самарадорлиги кўрсаткичини баҳолаш бир мунча мураккаб бўлиб, ушбу кўрсаткичлар номоддий аҳамиятга эга эканлиги билан баҳоланади. Хусусан, ижтимоий самарадорлик ходимларнинг иш ҳақи, иш ўринлари сонининг ортиши билан ифодаланса, экологик самарадорлик кўрсаткичлари ишлаб чиқаришда чиқинди чиқиш ҳажмининг пасайиши, корхона ишлаб чиқариш жараёнининг атроф муҳитга салбий таъсирини камайиши орқали намоён бўлади (1-жадвалга қаранг).

Саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини баҳолашга қаратилган айрим тадқиқотларда қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади: корхона инновацион фаолиятини молиялаштириш коэффициенти; корхонада бир бирликдаги инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш учун сарфланган вақт сарфи; корхона амалиётида ўзлаштирилган инновацияларнинг самарадорлиги кўрсаткичи; корхонада инновацион ғояларни вужудга келишидан тортиб уни амалиётга жорий этганга қадар сарфланган вақт; корхона томонидан илмий ишланмаларни патентлаштириш

[1] Завлин П.Н., Васильев А.В. Оценка эффективности инноваций. – СПБ.: Изд-во “Дом Бизнес-пресса”, 1998. – 216 с.
[2] Фатхуддинов Р.А. Инновационный менеджмент. – СПБ.: Питер, 2013. – 448 с.

коэффициенти; корхонадаги илмий-техник ходимларнинг илмий нашрларда иштирок этиш коэффициенти; корхонада инновацион лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган қарз ва ўзлик маблағлари ўртасидаги нисбат[1].

Юқорида келтириб ўтилган кўрсаткичлар халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан мамлакатларда саноат корхоналари инновацион фаолиятини баҳолашда қўлланилади. Шунингдек, ушбу кўрсаткичлар бўйича статистик маълумотларни жамлаш жараёни нисбатан содда бўлиб, корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоботларида ҳам ўз аксини топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. 464 бет.
2. Метрик Э. (Wharton School of Business), П.Гомперс ва Ж.Ишии (Harvard University) томонидан АҚШнинг 1500 та компаниялари бўйича олиб борилган ва натижалари 2003 йилда Quarterly Journal of Economics журналининг февраль сонида нашр этилган.
3. Завлин П.Н., Васильев А.В. Оценка эффективности инноваций. – СПБ.: Изд-во “Дом Бизнес-пресса”, 1998. – 216 с.
4. Фатхуддинов Р.А. Инновационный менеджмент. – СПБ.: Питер, 2013. – 448 с.
5. Дубровина Н.А., Храмова Е.С. Метод оценки эффективности инновационной деятельности промышленного предприятия // Вестник Самарского государственного университета. – 2013. – № 4. – с. 137-146.; Сафронов Д.М. К вопросу об оценке эффективности инновационной деятельности предприятия // Сибирская финансовая школа. – 2014.

Rabbimov S.R. – *OBM tinglovchisi*

XIZMAT KO‘RSATISH SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA OILAVIY TADBIRKORLIK ROLINI OSHIRISH

Tadbirkorlikning muhim xususiyatlari va belgilaridan biri tavakkalchilikdir. Chunki tadbirkorlik tavakkalsiz bo'lmaydi. Demak, tadbirkorlik bilan shug'ullanmoqchi bo‘lgan odam nafaqat tavakkal qilishdan qo‘rqmaydigan, balki unga doimo tayyor bo'lishi kerak. Tavakkal qilish - bu biror ishning natijasi aniq bo'lmagan vaziyatda, ehtimol, taxmin qilib uni amalga oshirishdir. Tadbirkorlikda tavakkalchilik faoliyatga safarbar qilingan resurslar va moijallangan daromadni to‘liq yoki qisman yo‘qotish xavfidir. Xavf - bu ko'ngilsiz hodisa yoki falokatning yuz berish ehtimolidir. Tavakkal darajasi ehtimol qilinayotgan xavf darajasiga bog'liq. Tavakkal qilish - bu mo‘ljallangan maqsadga erishish, undan chetlanish va

[1] Дубровина Н.А., Храмова Е.С. Метод оценки эффективности инновационной деятельности промышленного предприятия // Вестник Самарского государственного университета. – 2013. – № 4. – с. 137-146.; Сафронов Д.М. К вопросу об оценке эффективности инновационной деятельности предприятия // Сибирская финансовая школа. – 2014.

omadsizlik ehtimolini miqdoriy va sifatiy baholash yo‘li bilan tanlash zarur boigan vaziyatdagi noaniqlikni bartaraf etishga qaratilgan faoliyatdir. Tadbirkorlik iqtisodiy rivojlanishning, ijtimoiy va tarkibiy o'zgarishlarning hal qiluvchi omilidir. Tadbirkorlik nafaqat mamlakatning iqtisodiy va ijtimoiy o'sishiga hissa qo'shadi, balki bilimlarni rivojlantirish, texnologik o'zgarishlar, raqobatbardoshlik va innovatsiyalarni rag'batlantiradi. Darhaqiqat, Yevropa hamjamiyati korporativ identifikatsiyani yaratish uchun zarur bo'lgan jihatlarga e'tibor qaratgan holda, Yevropa fuqarolarining biznes tashabbusiga bo'lgan tadbirkorlik munosabatini yaxshilash va rivojlantirishga qaratilgan ko'plab harakatlarni ilgari surdi. Biroq, ba'zi Evropa mamlakatlarida tadbirkorlik faolligi darajasi hali ham past. 2018-yilda chop etilgan Global Entrepreneurship Monitor (GEM) ning so‘nggi xalqaro tadqiqotiga ko‘ra, Yevropa o‘rganilgan barcha yoshdagi barcha mintaqalar ichida eng past TEA (Jami tadbirkorlik faoliyati)ga ega. Bu, ayniqsa, hozirgi inqiroz davrida tashvishli natija.

Bugungi raqobatbardosh iqtisodiyot sharoitida oilaviy tadbirkorlik hamon rivojlanib bormoqda. Negaki, aksariyat muvaffaqiyatli oilaviy bizneslar nafaqat yaxshi asos solingan, balki yaxshi boshqariladi. Oilaviy va boshqariladigan firmada bo'lishning quyidagi afzalliklarini bilish biznes egalariga o'zlarining har bir oilaviy biznesini maksimal darajada oshirishga yordam beradi:

- Majburiyat va yagona etakchilik
- Barqarorlik
- Ishonch va haqiqiylik
- Moslashuvchanlik va ko'p qirralilik
- Vizyon va uzoq muddatli maqsadlar
- Xarajatlar va xarajatlarni kamaytiring
- Keyingi avlod zukkoligi

Barcha oila a'zolari firmaga sodiqlik darajasini namoyish etishi va baham ko'rishi tabiiy, chunki har qanday oilaviy biznesning asosi umumiy biznes qarashlari va o'ziga xoslikdir. Bunday sadoqatni boshqa oilaviy bo'lmagan biznes tashkilotida topish qiyin, ammo takrorlanmaydi. Oilaviy firmaning qarashlari izchil bo'lganidek, u yaxlit bo'lgani uchun biznesni rivojlantirish va biznesning muvaffaqiyati uchun ko'proq imkoniyatlar ochadi. Bu, shuningdek, yanada yaxlit rahbariyatga olib keladi va firmani boshqarayotgan barcha oila a'zolari va o'rtasida birdamlikni rag'batlantiradi. Buni tashkilotning boshqa xodimlari va/yoki xodimlariga sodiqlik hissi singdirilgan deb ko'rish mumkin. Agar oila a'zolari o'rtasida kelishmovchiliklar mavjud bo'lsa, oilaga tegishli bo'lgan va tadbirkorlik bilan shug'ullanadigan korxona o'ziga xos afzalliklarga ega - ishlarni bajarish, nizolarni hal qilish va ofis siyosati yukisiz umumiy maqsadni amalga oshirish sari harakat qilish. Barqarorlik Oilaga qarashli va boshqariladigan korxonalar o'z rahbariyatida, umumiy tashkiliy tuzilmasi va madaniyatida biznes barqarorligi tuyg'usiga erishishi, uni saqlab turishi va oshirishi mumkin. Oiladagi mavqei va ish staji tashkilot rahbariyatini aniqlashi va belgilashi mumkin, bu esa rahbarning uzoq umr ko'rishiga zamin yaratadi.

Tashkilotda umumiy barqarorlik mavjud bo'lsa, asosli siyosat yaxshiroq ta'minlanadi.

Ishonch va haqiqiylik. Barcha biznes tashkilotlari uchun muhim bo'lgan ishonch noyob va eng muvaffaqiyatli oilaviy va boshqariladigan firmalarda juda yaqqol namoyon bo'ladi. Ishonch berilganligi sababli, oila a'zolari o'rtasida ajralmas ishonch bilan biznes rahbariyati ochiqroq va erkinroq gaplashishi, muhokama qilishi va kelishmovchiliklarni keltirib chiqarishi mumkin. Biznes rahbariyati ko'proq ishonch hissini ishga solganligi sababli, xodimlarga/xodimlarga yorqin biznes g'oyalarini keltirib chiqaradigan haqiqiylik uchun bo'sh joydan foydalanishga ruxsat beriladi. Samarali foydalanilganda, haqiqiylik va ishonch madaniyati professional o'sishga va firmaning umumiy rivojlanishiga yo'l ochishi mumkin.

Moslashuvchanlik va ko'p qirralilik. Ko'pincha, bir oila yoki urug' a'zolaridan tashkil topgan firma rahbariyati kompaniya muvaffaqiyat qozonishiga ishonch hosil qilish uchun bir vaqtning o'zida bir nechta turli rollarni va ish yuklarini olishga tayyor. Ushbu moslashuvchanlik va kutilganidan ko'proq narsani berishga tayyorligi tufayli, bu doimiy muvaffaqiyat, boyitish va sanoatni yaxshiroq tushunishga yordam beradi. Bunga bajarilishi kerak bo'lgan ish yoki ishlar, firmaning xodimlari, maqsadli mijozlar, shuningdek, butun tashkilotning hozirgi haqiqati va kelajakdagi harakatlari kiradi. Ushbu tushuncha oila a'zolariga kompaniya o'z mijozlariga/mijozlariga taklif qiladigan mahsulot va xizmatlarni yaratish/ishlab chiqish bo'yicha yaxshiroq g'oyalarni shakllantirishga yordam beradi.

Vizyon va uzoq muddatli maqsadlar. Oilaga tegishli va boshqariladigan korxonalar biznes maqsadlari va kompaniyaning umumiy qarashlariga qisqa muddatli emas, balki uzoq muddatli davrda erishishga ahamiyat beradi. Ushbu uzoq muddatli istiqbol, to'g'ri shakllantirilgan va oqilona foydalanilganda, ijodiy qarorlar qabul qilish va strategiyani ishlab chiqish imkonini beradi. Bosim har chorakda investorlar uchun hisobotlar va strategiyalar bilan chiqmaslikdir. Aksincha, asosiy e'tibor nafaqat hozirgi va kelajakdagi oilaviy kompaniyaga foyda keltirishi mumkin bo'lgan loyihalar uchun resurslardan foydalanishdir.

Xarajatlar va xarajatlarni kamaytiring. Oila a'zolari biznes tashkiloti uchun yangi kichik korxonalarni boshlashda yoki moliyaviy qiyinchiliklar mavjud bo'lganda o'zlarining moliyaviy resurslarini qo'shishga tayyor. Bu biznesning moliyaviy imkoniyatlarini mustahkamlagan holda xarajatlar va xarajatlarni kamaytiradi. Uzoq muddatli muvaffaqiyatga ishonch hosil qilish istagi qisman egalariga xosdir.

Keyingi avlod zukkoligi. Oilaviy biznes a'zolarining keyingi avlodini biznes rahbariyati, ishchi va bilim kuchi tarkibiga kiritishi, boshqa nodavlat firmalarga nisbatan raqobatbardoshligini oshirishi va ularning yoshligidan foydalanish imkoniyatiga ega bo'lishi mumkin. Oilaviy korxonalar bir oila yoki urug'ning avlodlari orasida etakchilikning qulay va tez o'tishini ta'minlaydi. O'tish davridagi bu qulaylik, o'z navbatida, allaqachon mavjud bo'lgan uzoq muddatli biznes siyosatini saqlab qolishi yoki ushbu maqsadlarni muvaffaqiyatli yakunlashi mumkin.

Oilaviy firmalar va rivojlanish bo'yicha dastlabki ishlardan boshlab, iqtisodiy rejalashtirishchilar odatda oilaviy firmalar iqtisodiy rivojlanishga zarar keltiradi, deb taxmin qilishdi, chunki ular samarasizlikka olib keladigan nepotizm va paternalizmga asoslangan. Ammo ma'lumotlarning haqiqati shuni ko'rsatadiki, boshqaruvning ushbu modeli aslida dunyo bo'ylab eng keng tarqalgan modellardan biridir. Rivojlanayotgan adabiyotlar shuni ko'rsatadiki, xususiy sektorlar, oilaviy firmalar, ayniqsa, past daromadli mamlakatlar iqtisodiyotida muhim o'sish nuqtasidir. Bu oilaviy firmalar rivojlanayotgan iqtisodiyot talab qiladigan barcha turdagi korxonalar uchun mos ekanligini da'vo qilmaydi, lekin savdo, sanoat va moliyaviy faoliyatning ko'p turlari uchun ular iqtisodiy o'sishga yordam berish uchun juda yaxshi joylashtirilgan, chunki ular bir qator noyob sotsiologik xususiyatlarni birlashtiradi. va iqtisodiy xususiyatlar, bu ularni firma o'sishining dastlabki bosqichida keyingi bosqichlarga qaraganda juda muhim qiladi. Shu sababli, oilaviy firmalar mulkchilik va samaradorlik bo'yicha so'nggi empirik adabiyotlarning markaziga ega bo'ldi, chunki odatdagi firma egalik qiladi va ko'pincha oila tomonidan boshqariladi. Oila firmalari butun dunyoda keng tarqalgan bo'lib, ular boshqa firmalarga qaraganda iqtisodiy mahsulot va firma qiymatining o'lchovlarida sezilarli darajada ko'proq farqlanadi. Bu, asosan, oila boshqaruvining o'ziga xos xususiyati bilan bog'liq bo'lib, u mulkdorlarning qadriyatlari, tashkilot tarixi va sanoatning raqobat sharoitlarida talab qilinadigan qiymatni oshirish siyosati o'rtasidagi dinamik o'zaro ta'sirni aks ettiradi. Oilaviy mulkchilikning uzoq muddatli tabiati oilalarga innovatsiyalar va tavakkalchilikka sarmoya kiritish imkonini beradi va shu tariqa ushbu firmalarga innovatsiyalar kiritish va tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanish imkoniyatini beradi. Shunga qaramay, ba'zi oilaviy firmalar vaqt o'tishi bilan konservativ bo'lib qoladilar, tadbirkorlik bilan bog'liq tavakkalchiliklarni o'z zimmalariga olishni istamaydilar yoki o'z zimmalariga olmaydilar yoki o'z avlodlarini kompaniya bosh direktori etib tayinlashga ko'proq moyil bo'lishadi. Bu firmaning tadbirkorlik munosabatini cheklashi va hatto iqtisodiy rivojlanishga to'sqinlik qilishi mumkin.

Xulosa qilib aytganda, biz yana o'sha eski savolni davom ettiramiz: oilaviy firmalar iqtisodiy rivojlanishning asosi bo'lgan samaradorlik va innovatsiyalarning haqiqiy manbalarimi? Yoki ular bozorlar va muassasalardagi ba'zi zaifliklarning namoyon bo'lishidir? Yuqoridagi savollarga qisqacha javob(lar) shundan kelib chiqadiki, tadbirkorlar, xususan, oilaviy bizneslar juda xilma-xildir. Tadbirkorlik va oilaviy biznesdagi xilma-xillik muhim va ta'riflar va o'lchovlar bo'yicha chalkashliklarga olib keldi. Bundan tashqari, tadqiqotchilar oilaviy biznes va umuman tadbirkorlarning iqtisodiy rivojlanishga ta'sirini o'lchashga harakat qilganda, ular o'rtacha yoki "vakil" firmaga e'tibor berishadi. Muammo shundaki, ko'plab empirik tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, o'rtacha firma innovatsiyalarga ko'proq pul sarflamaydi, aslida past sifatli va kamroq xavfsiz ish o'rinlari yaratmaydi va unumdorlikning o'sishiga unchalik katta hissa qo'shmaydi. Stam va Wennberg (2009) ta'kidlaganidek, yangi firmalarning aksariyati na innovatsiyalar kiritmaydi, na o'sadi va na buni amalga oshirish niyatida emas. Xuddi shu narsa o'rtacha oilaviy biznes uchun ham amal qiladi. Boy adabiyotlar oilaviy biznesning (i) hajmi va bozor

qiymati bo'yicha kichikroq, (ii) ko'proq xavf-xatarga yo'l qo'ymaslik, (iii) kamroq innovatsion (iv) unumdorligi past (v) kamroq xalqaro, (vi) kamroq moyilligi aniqlangan. Korporativ ijtimoiy mas'uliyatni bajaring; ular ham yomon boshqaruv amaliyoti bilan ko'proq xarakterlanadi.Bunday natijalardan tushkunlikka tushish o‘rniga, oilaviy tadbirkorlikning rivojlanishidagi rolini yanada yaxshiroq yoritishi mumkin bo‘lgan ko‘plab qiziqarli hodisalarni yaxshiroq tushunish zarurligini hisobga olishimiz kerak. Masalan, o'rtacha oilaviy biznes iqtisodiy o'sishning haydovchisi bo'lmasa-da, bunday hissa qo'shadigan alohida firmalar mavjud. Ko'pgina oilaviy firmalar innovatsion; ko'pchilik yuqori malakali ishchi kuchiga talabni yaratadi; ko'pchilik bo'shliqni to'ldirish uchun zarur bo'lgan materiallar va tovarlarni taqdim etadi. Bundan tashqari, oilaviy biznes qiyin yoki murakkab mehnat munosabatlarini boshqarishda yaxshiroq ko'rinadi, biznes va investitsiyalar uchun uzoq muddatli istiqbolga ega va portfel tadbirkorligini rag'batlantirishga moyildir. Ushbu so'nggi hissalar shuni ko'rsatadiki, oilaviy firmalarning keng tarqalishi yaxshi rivojlangan bozor institutlarining yo'qligi bilan bir qatorda ishonch yo'qligi yoki zaif institutsional muhitga javob bo'lishi mumkin. Shuning uchun oilaviy firmalar nima uchun va qanday qilib iqtisodiy rivojlanish va o'sishga hissa qo'shishini tushunish nafaqat rivojlanayotgan va rivojlanayotgan bozorlarda, balki rivojlangan mamlakatlarda ham tadbirkorlik siyosatini xabardor qilish uchun har bir kontekstda muhim ahamiyatga ega. Tashkilotchilar Konferentsiyani tadbirkorlik va oilaviy firmalar bilan bog'liq o'tmish, hozirgi va kelajakdagi tendentsiyalarni va ularning iqtisodiy rivojlanishga ta'sirini muhokama qilish uchun uchrashuv nuqtasi sifatida ishlab chiqishga sabab bo'ldi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Almeida, H., Campello, M., and Weisbach, M. (2011). Corporate financial and investment policies when future financing is not frictionless. Journal of Corporate Finance, 17(3), 675–693.
2. Banfield, E. (1958). The Moral Basis of a Backward Society. Free Press, New York. Boltaboev M.R., Qosimova M.S. va boshqalar. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik. –T.: TDIU, 2010y. 240 b.
3. Vaxobov A.V, Xajibakiev Sh.X., Muminov N.G. Xorijiy investitsiyalar. O’quv qo’llanma. – T.: “Moliya”, 2010. - 174 b.
4. Jumaev N.X. O‘zbekistonda valyuta munosabatlarini taritibga solish metodogiyasini takomillashtirish.T. “Fan va texnologiya”,2007y.286b

Раимжанов Д.Р. *- ТДИУ, мустақил изланувчи*

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНИШИДА ИНВЕСТИЦИЯНИНГ МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯДАГИ САМАРАСИ

Инвестор учун мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш, унинг имкониятларини ҳисобга олиш муҳим масала саналади. Бугунги кунда

Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳитини мунтазам равишда яхшилаб боришни таъминлаш устувор вазифадир. Бунда давлатнинг асосий вазифаси капитал жалб қилиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва унинг жозибадорлигини ошириш билан изоҳланади. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишдан манфаатдорлик ҳар қандай давлатнинг ўз инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишини талаб этади. Бу сиёсат хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос йўналишини, шунингдек, уларни жалб этишни рағбатлантириш тизимини аниқлаб беради ва инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий тартибини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Буни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз ва ишимизни шу асосда ташкил этишимиз шарт. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз кундалик ҳаётимиздан жой олган энг долзарб масалалардан бири бўлмоғи лозим” [1], деб таъкидлаб, хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ғоят муҳим аҳамиятини ва уни жалб қилишнинг долзарблигини эътироф этади.

Жаҳон ҳамжамиятида глобализация жараёни кечмоқда. Глобализация жараёнига қўшилиш бу дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорликда бўлиш, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатининг ўзаро манфаатли асосда бу давлатлар сиёсатига мос келишидир. Шу нуқтаи-назардан Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдида бугунги кунда ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасида географик жойланиши, табиий ресурсларининг таркиби ва захираси, ҳукумат олиб бораётган инвестиция сиёсати ва бошқалар билан муҳим роль ўйнайди. Бу эса, ўз навбатида, хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун қулай инвестиция муҳити барпо этиш заруриятини кўрсатади. Шу мақсадда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан инвестицион муҳитнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 2018 йил 2 августда эълон қилинди [2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқида “....буларнинг барчаси бир томондан, зиддият ва ижтимоий-иқтисодий ларзалардан холи бўлган минтақалараро ҳамкорлик ва шериклик майдонини, иккинчи томондан,

маҳсулотлар, хизматлар, инвестиция ва инновацияларнинг кенг бозори шаклланиши учун зарур шароитларни яратади” деб таъкидлаб ўтдилар.

Маълумки, Ўзбекистон президентининг ПФ-5544-сонли «2019−2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегия тўғрисида"ги Фармонида асосий вазифалардан бири этиб 2030 йилга қадар республикани Глобал инновацион индекс баҳолаш рейтингида етакчи 50 та давлатлар қаторига киритилиши белгиланган.

Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишла давлат бошқарув органлари ва идоралари билан яқин ҳамкорликда сўнги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш ва Глобал инновацион индекс рейтингига киритилишини таъминлашга қаратилган салмоқли ишларни амалга оширди. Жумладан, глобал инновацион индекс халқаро рейтинги асосчилари ва 15 дан ортиқ халқаро ташкилотлари билан бир қатор учрашувлар ва музокаралар олиб бориш орқали ҳозирги кунга қадар Ўзбекистоннинг рейтингга киритилиши учун тўсиқ бўлиб турган муаммолар ўрганилди.

Ўзбекистоннинг Глобал инновацион индекс рейтингига киритилиши учун тақдим этилмаган ва эскирган маълумотлар рўйҳати юқоридаги ҳамкорликлар натижасида шакллантирилди ва белгиланган халқаро талаблар асосида тақдим этиш масалалари хал этилди.

Мустақилликдан кейинги даврда мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларида, бозор механизми ва тамойилларига мос мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шакллари пайдо бўлди, давлат мулки улушининг салмоғи камайиб, ЯИМ қийматида нодавлат сектори ҳиссасининг ошиш тенденцияси таъминланди. Натижада ЯИМ қиймати, шунингдек, давлат бюджетининг даромад қисмида ҳам молиявий тушум манбалари таркиби ўзгариб, капитал маблағларнинг марказлашган тақсимотидан инвестициялашнинг марказлашмаган манба ва бозор субъектларини шакллантириш механизмларини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилди. Инвестиция фаолиятини марказлашмаган манбалар ҳисобидан молиялаштириш бу хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз ва унга тенглаштирилган маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тушунилади. Бундай шароитда фаол инвестиция сиёсатини юритиш учун давлат хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш зарурати туғилади. Хусусан, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун инвестиция етарли даражада инвестиция жалб қилиш, зарурий инфратузилма яратиш, иқтисодиёт учун ўз навбатида сезиларли даражада муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тараққиётида рақамли технологияларнинг ўрни ва аҳамияти йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса, техник трансформацион жараёнларнинг молиявий секторларга кенг тадбиқ этилиши банк тизимлари, тўлов операциялари, кредитлаш ва бошқа шу турдаги хизматлар самарадорлигини янада оширмоқда. Молиявий хизматларни яхшилайдиган ва оптималлаштирадиган бу хилдаги технологиялар– “Финтех” (инг. “Fin Tech”) номи билан юритилувчи молиявий технологиялар ҳисобланади.

Молиявий технологиялар – банклар ва молиявий хизматлар бозоридаги воситачилар, яъни анъанавий молия ташкилотлари билан рақобатлашиш учун технологиялар ва инновациялардан фойдаланувчи компаниялардан иборат соҳадир.

Кутилаётган энг муваффақиятли молиявий технологиялар рўйхатини тузувчи The Forbes Fintech 50 нинг қайд этишича, АҚШдаги молиявий хизматлар ва бозор капитализацияси 8,5 трлн долларга тенг маҳаллий банк секторларига жиддий рақобатчи бўлиб турибди. Таъкидлаш ўринлики, молиявий технологиялар нафақат молиявий капиталлар билан иш кўрувчи жисмоний ва юридик шахслар, балки молиявий бозорнинг ўз қиёфасини ҳам ўзгартириб юборишга қодир. Бу хилдаги ишланмалар маълумотларни таҳлил қилиш, биржадаги ҳолатларни назоратга олиш ҳамда инвестициялар учун стратегиялар танлаш имкониятини беради [10].

Мутахассислар тез орада “финтех” соҳасида кескин ўзгаришлар бўлишини таъкидламоқда. Хусусан, блокчейн технологияларининг кириб келиши, катта ҳажмдаги маълумотларни ва сунъий интеллект воситасида скоринг моделларини ривожлантириш, фойдаланувчиларни масофадан идентификациялашнинг турли технологиялари, фирибгарликни аниқлаш механизмларини автоматлаштириш сингари қатор финтех-трендлар яқин йилларда бутун дунёга тарқалиши кутилмоқда.

Рейтинг иштирокчиларининг асосий қисми – саккизта сервис – оддий инвестиция платформалари ва мобиль иловаларга тўғри келади, улар бир неча клик эвазига биржа фондларидан (ETF) қимматли қоғозлар ёки тайёр портфеллар харид қилишга имкон беради.

Россиялик миллиардер Юрий Мильнер, актёрлар Джаред Лето ва Эштон Кутчер сингари инвесторларга эга инвестициялар учун Robinhood хизмати мавжуд, кўчмас мулкка маблағларни жойлаштришда эса Fundrise платформаси асосий омил ҳисобланиши мумкин.

Ишлаш тартиби жуда ҳам оддий: фойдаланувчи илова орқали рўйхатдан ўтиб, брокерлик ва банк ҳисоб рақамига уланади ва “Buy” тугмасини босган ҳолда ўзини қизиқтирган воситаларга инвестиция киритади. Мобиль инвестициялар учун хизмат кўрсатишдаги мазкур жараён шу жиҳати билан мураккаб интерфейсга эга QIUK ёки MetaTrader каби анъанавий савдо терминалларидан фарқланиб туради[10].

Рўйхат иштирокчилари орасида фойдаланувчининг хатар-профилини мустақил тарзда аниқлаш, ETF асосида фойдаланувчи учун инвестицион стратегияни танлаш ва мақсадли равишда уни ҳаётга тадбиқ этиш қобилиятига эга сунъий интеллектли платформа – Betterment робоэдвайзери ҳам бор.

Умумий қатордан ажралиб турган Acorns иловаси фойдаланувчининг кредит ёки дебит картасидан сарфланган маблағни сўнгги доллар курсига яхлитлаб, қўшимча маблағни паст нархларда ETF портфелига ва инвестициялар хизмати ҳисобланган Circle Up венчур лойиҳасига инвестиция сифатида киритади.

Хулоса қилганда, рақамли иқтисодиёт, хусусан, блокчейн технологияларини фаол жорий этиш иқтисодий тараққиётнинг энергия ресурсларига боғлиқлигини янада оширади. Рақамли иқтисодиёт тараққиётида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш давр тақозосига айланиб бормоқда. Шу боисдан, рақамли иқтисодиётни шакллантириш бўйича бошланган рақобат ва янги чақириқларга зарур ресурсларни сафарбар этиш орқали ўз вақтида жавоб беришимиз, пировардида эса жаҳон майдонидаги ўрнимизни мустаҳкамлашимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь № 271-272 (7229-7230) сони.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни. http://www.lex.uz (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими).
3. Мелкумов Я.С. Инвестиций. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2003. – С.8.
4. Инвестиции: Учебник /С.В.Валдайцев, П.П. Воробьев и др.; Под ред. В.В. Ковалева, В.В. Иванова, В.А. Лялина. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. С.17 “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 1, yanvar-fevral, 2021 yil 107 1/2021 (№ 00051)
5. Н.Г.Каримов Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш: Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2011. 90 бет.
6. Мустафақулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Илмий-амалий қўлланма. /Ш.И. Мустафакулов. – Тошкент: Baktria press, 2017.- 33 бет.
7. Тухлиев Б.К. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. - 109 б.
8. Тухлиев.Б.К. Региональная инвестиционная политика в условиях пандемии. I Международная научно-практическая конференция Recent scientific investigation (6-8 декабрь 2020 года в.г. Осло, Норвегия).
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (www.stat.uz).
10. info@ictnews.uz

Раимов Д.Б. *– ОБМ тингловчиси*

ДАВЛАТ УЛУШИ МАВЖУД КОРХОНАЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши келтирилган бўлиб, бунда – “давлат мулкини хусусийлаштиришни янада

кенгайтириш ва унинг тартиб таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субйектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулкини хусусийлаштирилган обйектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш" каби устувор вазифалари келтирилган. Шунинг учун келгуси яқин йилларда корпоратив тузилмалар фаолиятини самарали ташкил этиш, давлат мулкини хусусийлаштириш, акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат улушини камайтириш, давлат иштирокидаги корхоналар молиявий муносабатларини самарали ташкил этиш орқали мамлакатимиз молия тизими барқарорлигини таъминлаш ҳамда бу бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида магистрлик дисертатсия иши мавзусининг бугунги кунда жуда долзарб эканлигини ўзида ифода этади.

Корпоратив бошқарувни шаклланиш тарихи ўрта асрлар ва хатто ундан ҳам аввалроқ, бўлган даврларда бошланган дейиш мумкин. Жаҳонда биринчи акциялар 1553 йилда Москва давлати билан савдо муносабатларида бўлган савдогарлар бирлашмаси "Москва-Англия компанияси" томонидан чиқарилган. Улар ўта тез сезиларли устуворликка эга бўла бошладилар: божсиз савдо қилиш рус худудларида савдо тармоқлари яратиш хатто бизнесда Англия пулларидан фойдаланиш каби хуқуқларни қўлга киритдилар. Англия ҳукумати ўз томонидан Москва давлати билан бирга компанияларни савдонинг монопол хуқуқи билан таъминлади.

XVIII асрнинг ўрталарида деярли ҳамма чет эл савдогарлари Москва компаниялари орқали Россия билан савдо қилдилар. Компанияларнинг монопол ҳолати уларнинг бойиб кетишига олиб келди. Бу рус савдогарлари аста-секин камбағаллаша бошлаган даврлар эди. Натижада шох Алексей Михайлович Қирол Карлнинг ўлдирилиши билан боғлиқ сиёсий ҳолатдан фойдаланиб компанияларнинг ҳамма аъзоларига Москва давлатини тарк этиш буюрди. Шу тариқа, жаҳонда биринчи акциядорлик жамияти яратишнинг сабаби, биринчи навбатда Россия ва Англия орасидаги сиёсий муносабатларни йўлга қўйишнинг энг яхши воситаларини қидириш муаммолари пайдо бўлди. Шундай қилиб, корпоратив бошқарув сиёсатнинг асири(қурбони)га айланди[1].

Корпоратив бошқарувнинг ривожланишига Европа мамлакатларида пайдо бўлган ва Ост-Индия билан савдо operatsiялари билан шуғулланган колониал компаниялар жиддий таъсир ўтказди. 1599-1600 йилларда "Англия Ост-Индия" компаниялари яратилди, 1602 йилда эса "Голландия Ост–Индия" компаниялари амал қилиш муддати бўлган акциялар чиқариш ҳақида эълон қилди. Ўша пайтда бу савдо экспедидсиялари ташкил этиш учун капитал жалб этишнинг энг ғаройиб усули эди. Обуначи ёки ҳозирги замон тили билан айтганда,компания аксионери взнос(бўнак) киритган ва у экспедитсия фойдасидан мос келувчи улуш омилини тасдиқловчи гувохнома олган. Энг яхши йилларда қўйилган капиталга дивидендлар 300%гача этган. Тез орада

[1] B.Yu.Xodiyev, R.X.Karilbayeva, N.I.Akramova "Korporativ boshqaruv":Darslik –N "Cho'lpon",2011-304b

шунга ўхшаш компаниялар Германия ва Францияда ҳам ташкил топган. Корпоратив бошқарувнинг келиб чиқиши ва ривожланишини бир нечта босқичга бўлиш мумкин[1]:

1.XVII асрда Ост-Инд (Еаст Индиа Сомпанй) компанияси 24 аъзодан иборат бўлган директорлар кенгашини ташкил қилди. Биринчи марта мулкчилик ва бошқарув вазифалари бўлиб олинди.

2.1776 йили Адам Смит ўзининг "Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари ҳақидаги тадқиқотлар" асарида таъкидлайдики: "Ташлаб қўйилган мулклар бошқарув учун муаммоларни келтириб чиқаради", яъни бошқарув ва менежерларни назорат қилиш учун салбий механизм ҳисобланади.

3.1844 йилда биринчи марта акциядорлик жамиятлари ҳақида қонун қабул қилинди.

Қонунчиликка мулкчиликнинг янги жавобгарлиги шаклидаги мажбуриятлари жорий этилди.

4.1931 йилда А. Берли ва Г. Минзлар "Замановий корпоратсия ва хусусий мулкдор" номли мақоласини нашрдан чиқарди (АҚШ). Унда биринчи марта мулкчилик вазифаларини назорат вазифаларидан тўла тўкис фарқи ажратиб берилди.

5.1933-1934 йилларда АҚШда қимматбаҳо қоғозлар ҳақида қонун қабул қилинди, 1933йилда қабул қилинган ушбу қонун фонд бозорини тартибга солди. Ушбу босқичда "Қиммат баҳо қоғозлар ва биржалар тўғрисида"ги (1934 й) актга асосан ахборотларнинг очиқ берилиши имкони мавжуд бўлди ва ушбу йили қонунларни бир тартибда назорат қиладиган, қимматбаҳо қоғозлар бозори ва биржалар фаолияти бўйича комиссия тузилди.

6.1968 йилда Европа Иттифоқи "Компаниялар тўғрисида" қонун қабул қилди.

7.1990-йилларнинг бошида – тадбиркорлик императсияси инқирозга учради. Буюк Британияда келишмовчиликлар юзага келди: бир қатор компаниялар (Поллй Песк, БССИ, Maxwелл), акциядорларни алдаш билан шуғулланганликлари корпоратив бошқарувнинг амалиётда инвесторларни ҳимоялашни такомиллаштириш кераклигини кўрсатди.

8.1992 йил Кедбери қўмитаси биринчи марта корпоратив бошқарувнинг молиявий жиҳатлари бўйича кодексни нашр этди. (Буюк Британия). 1993 йилдан бошлаб Буюк Британия фонд биржасидаги листингга кирган компаниялар кодекс қандай бажарилаётганлиги ҳақида ҳисобот бера бошлади.[2]

9.1992 – 2003 йилларда корпоратив бошқарув бўйича қатор маърузалар қабул қилинди, шундан асосийлари:

1) Англияда Рутманнинг молиявий ҳисобот ва ички назорат ҳақидаги маърузаси

[1] B.Yu.Xodiyev, R.X.Karilbayeva, N.I.Akramova "Korporativ boshqaruv":Darslik –N "Cho'lpon",2011-304b.

[2] Хессел, Меерс. Корпоративное управление. Владелтси, директора и наемние работники актсионерного обшчества. -М.: Партнер, 2004. -49 с.

2) Корпоратсиялар иштирокчиларнинг ҳар томонлама ҳисоби ҳақидаги Кинганинг марузаси

3) Англиялик Гринберининг юқори мансаб шахсларини рағбатлантириш тўғрисидаги маърузаси

4) Англиялик Хемпеланинг корпоратив бошқарув тўғрисидаги маърузаси

5) Франциялик Венонинг корпоратив бошқарувнинг асосий тамойиллар ҳақидаги марузаси.

Ҳозиргача хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан акциядорлик жамиятлари ва корпоратив бошқарувнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, молиявий жиҳатлари илмий ва амалий тадқиқотларда ўз ифодасини топмоқда.

Рахматуллаев Ж.А. *– ОБМ тингловчиси*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ ИННОВАТЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви шароитида мамлакатларда иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, хусусан, саноат корхоналари инновацион бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш - юқори иқтисодий самарадорликка эришишнинг муҳим шарти сифатида баҳоланмоқда. “Глобал инновацион индекс – 2021” маълумотларига кўра, саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини тавсифловчи “Бизнес софистикаси”, жумладан билим ва инновацияларни узатиш бўйича Швеция, АҚШ, Швейцария каби мамлакатлар етакчи ўринларни эгаллаган ҳолда, мазкур мамлакатларда инновацион иқтисодиёт ҳисобига ЯИМнинг 70 фоиздан ортиқ қисми яратилади[1]. Ушбу ҳолат тараққий этган мамлакатларда саноат корхоналарининг инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишга устуворлик қаратилишидан далолат беради.

Жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, тараққий этган мамлакатларда миллий иқтисодиёт тармоқларида инновацион бошқарувнинг узлуксиз равишда амалиётга татбиқ этиб борилиши, мамлакатлар иқтисодиётининг глобал рақобатбардошлиги кўрсаткичларини янада яхшиланишига олиб келмоқда. Шунингдек, ушбу мамлакатларда саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишда инновацион ишланмаларга асосланиш, товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қуроллантириш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари барқарор ривожланиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда.

Хурматли президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг асарларида “Менежментнинг замонавий усуллари ва корпоратив бошқарув тамойиллари жорий этилиб, аутсорсинг дастурлари амалга оширилади.

[1] Global Innovation Index 2021: Tracking Innovation through the Covid-19 Crisis / World Intellectual Property Organization, 2021. – p. 226. https://www. wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021.pdf

Бу жиҳатдан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш - самарали бошқарувни амалга оширишдаги устувор йўналишлардан биридир.

Корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари жорий этилмаганлиги натижасида давлат иштирокидаги корхоналарнинг хўжалик фаолиятига давлат бошқаруви органлари аралапгувининг юқори даражадалиги, кузатув кенгаши таркибида давлат хизматчиларининг кўплиги, мотивация ва жавобгарликнинг етарли эмаслиги, инсон капитали самарадорлигини ошириш заруратига бўлган муносабатнинг қониқарсизлиги оқибатида ижро этувчи органнинг акциядорлар олдидаги масъулияти паст даражада”[1].

Жаҳонда корпоратив бошқарувга бўлган муносабат XX асрнинг 90 йилларидан янада ортиб, корпоратив тузилмаларни шакллантиришга турли даражаларда тараққий этган давлатлар алоҳида эътибор қарата бошладилар. Бу даврга келиб, корпоратив бошқарув тамойиллари жорий этилиб, халқаро глобал трансмиллий корпорациялар ташкил топди, корпоратив бошқарув моделлари жорий этилди. Бугунги кунда жаҳондаги ривожланган давлатлар амалиётида корпорацияларни назарий-услубий жиҳатдан ўрганиш, уларни бошқаришда стратегияларни танлаш, акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқарув муаммоларини комплекс тадқиқ этиш бўйича кўплаб амалий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, хўжалик фаолиятини корпоратив ташкил этиш ва бошқаришнинг кенг имкониятлари корпорацияларнинг устунликларидан фойдаланишга асосланиб, уларни тузишнинг кўплаб вариантларидан фойдаланган ҳолда фирмалараро муносабатларни моделлаштириш имконини беради. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Акцияларни чиқариш орқали пул маблағларини жалб этиш қобилияти инвесторларнинг чекланмаган сонининг маблағларини жамлаш имкониятини беради. Бунда инвесторларнинг маълум рағбатлантириш (пул мукофоти)га умид қилишлари ва жамиятни бошқаришда иштирок этишни маълум даражада танлаш имконияти яратилади.
- Бошқарилиш муаммосини ҳал этиш енгиллашади. Ташкилий расмийлаштиришнинг ниҳоясига етганлиги, масъулият ва ваколатларни белгилашдаги регламентларнинг ўрнатилганлиги акциядорлик жамиятлари бошқарув органлари ўртасидаги назорат функциясини тақсимлаш имконини беради. Бу бошқариш жараёнини профессионаллаштириш мумкинлигини англатади.
- Акциядорлар таркибига кириш ва ундан чиқишнинг соддалаштирилган тартиби манфаатдор шахслар ротациясининг кенг имкониятларини ҳамда, тегишли равишда, инвестицион таклифнинг ўта ўзгарувчанлиги шароитида юқори мослашувчанликни таъминлайди.
- Чекланган масъулият тамойили рискларни камайтиришга имкон

[1] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. 464 бет.

яратади. Чекланган масъулият тамойилининг амал қилиши рискларни акциядорлар ва бошқарувчилар ўртасида тақсимлаш орқали йирик корпорацияларни ташкил этишни мумкин қилиб қўйди[1].

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнлари узоқ муддатли истиқболда корхонанинг иқтисодий ва молиявий жиҳатдан юксалишига олиб келса-да, аҳамиятли даражадаги сарф-харажатларни тақозо этиши сабабли жорий натижаларга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган турли иқтисодий субъектларнинг манфаатларига ҳам турлича таъсир кўрсатади. Шунга кўра, иқтисодий манфаатлар уйғун ва муштараклигини турли даражада таъминловчи корхоналарда ушбу жараёнларга бўлган муносабат ҳам бир-биридан фарқланади. Мазкур фарқ корпоратив корхоналарда ҳам модернизациялаш жараёнларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигидан дарак беради.

1-жадвал.

Корхона инновацион бошқаруви самарадорлигини баҳолаш усуллари

Баҳолаш усули	Баҳолаш усулининг таркибий кўрсаткичлари
Боҳолаш объектининг фарқланиш (дифференциациялашув) даражаси бўйича	Корхонада жорий этилаётган ёки жорий этилган алоҳида инновацион лойиҳаларнинг самарадорлиги кўрсаткичи; Корхонада жорий этилаётган ёки жорий этилган портфель инвестицион-инновацион лойиҳаларнинг самарадорлиги кўрсаткичи; Корхона инновацион фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичи.
Эришилган самарадорлик тури бўйича	Корхонада инновацион лойиҳани жорий этишда қатнашган гуруҳлар, корхонанинг ташкилий бўлинмалари учун тегишли бўлган самарадорлик кўрсаткичи; Корхона миқёсида инновацион лойиҳани амалиётга жорий этиш натижасида эришилган самара; Яхлит ижтимоий-иқтисодий тизим учун (масалан, корхона хўжалик фаолияти юритаётган тармоқ, минтақа ёки мамлакат)
Вақт сарфи омили бўйича	Корхонада инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш учун сарфланган вақтни инобатга олиш; Инновацион лойиҳани корхона амалиётида жорий этишдаги вақт омилини инобатга олмаган ҳолда
Рисклилик даражаси бўйича	Инновацион лойиҳани амалиётга жорий этиш жараёнида кутилаётган рискли ҳолатларни баҳолаш; Корхона инновацион фаолиятидан кутилаётган рискли вазиятларни баҳоламаган ҳолда.

Корхоналар инновацион бошқаруви самарадорлигини баҳолаш бўйича ўтказиладиган халқаро тадқиқотларда баҳолаш объектининг фарқланиш (дифференциациялашув) даражаси, эришилган самарадорлик тури, вақт сарфи омили ва рисклилик даражасини баҳолаш бўйича усуллардан кенг фойдаланилади (1-жадвалга қаранг).

Ушбу усуллардан корхона инновацион бошқаруви амалиётини баҳолаш жараёнида бир вақтнинг ўзида аралаш ҳолда фойдаланиш орқали унинг самарадорлиги кўрсаткичини комплекс баҳолашга эришилади.

[1] Иванова Е.А., Шишкина Л.В. Корпоративное управление: учебное пособие / Е.А.Иванова, Л.В. Шишикина; под ред. проф. В.Ю. Наливайского. – Ростов н/Д.: “Феникс”, 2007. - С.68.

Корхоналар инновацион бошқаруви самарадорлигини баҳолашда аксарият бошқарувчилар фақатгина миқдор кўрсаткичларни қиёсий таққослашга асосланадилар. Инновацион бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг мазкур услубиёти корхона амалиётига жорий этилаётган инновацион лойиҳаларнинг даромадлилик ва рентабеллиги даражалари ўртасидаги нисбатларни қиёсий таққослашга асосланади. Иқтисодий адабиётда корхона инновацион бошқаруви сама баҳолашнинг қуйидаги усуллари шаклланган[1]:

- абсолют усул. Бунда корхонада инновацион лойиҳани амалга оширилишини инвестициялаш нуқтаи назаридан унинг даромадлилик даражаси баҳоланади. Яъни, инвестор инновацион лойиҳани молиялаштирганлиги учун олиши мумкин бўлган даромад ҳажмига эътиборини қаратади;
- қиёсий таҳлил усули. Бунда молиялаштирилиши режалаштирилаётган инновацион лойиҳанинг унинг бошқа муқобил вариантлари билан даромадлилик даражаси бўйича қиёсий таҳлилга асосланилади. Таҳлил натижаларига кўра, энг даромадли деб баҳоланган инновацион лойиҳани корхона амалиётига жорий этиш мумкин бўлади;
- аралаш усул. Юқорида келтирилган ҳар иккала баҳолаш услубиётини бир вақтнинг ўзида амалга оширилишини назарда тутади.

Юқорида келтириб ўтилган корхона инновацион бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг турли илмий-назарий усулларини умумлаштирган ҳолда, бугунги кунда умумқабул қилинган ягона баҳолаш амалиёти шаклланмаган деган хулосага келиш мумкин бўлади. Корхоналар инновацион бошқаруви самарадорлигини баҳолаш мақсадида амалга оширилаётган тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари, объекти ва унинг предметидан келиб чиққан ҳолда иқтисодчи олимлар томонидан турли баҳолаш услубиётларидан параллел равишда фойдаланилишини кузатиш мумкин бўлади. Мазкур вазиятни инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз амалиёти учун хос бўлган нафақат корхона балки, у хўжалик фаолияти юритаётган тармоқнинг яхлит ҳолда инновацион бошқаруви самарадорлигини комплекс баҳолашнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда хориж мамлакатлари иқтисодчи олимлари, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг етакчи мутахассислари томонидан корхоналар инновацион бошқаруви самарадорлигини баҳолаш услубиётларини умумлаштирган ҳолда корхонанинг инновацион ривожланиши ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур.

Таҳлилларга кўра, корхона инновацион бошқаруви самарадорлиги кўрсаткичини комплекс баҳолашга қаратилган тадқиқотларда унинг инновацион ривожланишини тавсифловчи қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан

[1] Кузнецова Е.Ю. Иода Е.В. Оценка эффективности инновационной деятельности // Социально-экономические явления и процессы. Т. 11, №4, 2016. С. 50-54.

фойдаланилади: корхонанинг фан сиғимкорлиги; ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотнинг янгиланиш коэффициенти; ИТТКИ харажатларининг самарадорлиги коэффициенти; корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни модернизациялаш коэффициенти; корхонада илмий ишланмаларнинг интенсивлиги коэффициенти[1].

Юқорида келтириб ўтилган корхона инновацион бошқаруви самарадорлигини унинг инновацион ривожланишини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда баҳолаш амалиёти нафақат корхона балки, яхлит саноат тармоқларининг ҳам инновацион бошқаруви самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Global Innovation Index 2021: Tracking Innovation through the Covid-19 Crisis / World Intellectual Property Organization, 2021. – p. 226. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021.pdf
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. 464 бет.
3. Иванова Е.А., Шишкина Л.В. Корпоративное управление: учебное пособие / Е.А.Иванова, Л.В. Шишикина; под ред. проф. В.Ю. Наливайского. – Ростов н/Д.: “Феникс”, 2007. - С.68.
4. Кузнецова Е.Ю. Иода Е.В. Оценка эффективности инновационной деятельности // Социально-экономические явления и процессы. Т. 11, №4, 2016. С. 50-54.
5. Соменкова Н.С. Совершенствование методики оценки эффективности инновационного развития предприятия // Российское предпринимельство. – 2017. – Том 18. - № 6. – с. 945-956.

Sadriyev S.N. – *OBM tinglovchisi*

KICHIK BIZNESNI RIVOJLANTIRISH ORQALI AHOLI BANDLIGINI TAMINLASH HAMDA KAMBAG’ALLIKDAN CHIQARISH

O’zbekistondagi shahar va qishloqlarning iqtisodiy tuzilishi so'nggi yigirma yil ichida sezilarli darajada o'zgardi. O’zbekiston iqtisodiyotining o'n yillik misli ko'rilmagan kengayishidan so'ng, G'arbiy hududlar hali ham yuqori ishsizlik, iqtisodiy bazaning qisqarishi, chuqur ildiz otgan qashshoqlik, kam inson kapitali shakllanishi va tashqariga migratsiyadan aziyat chekmoqda. Aholi jon boshiga to'g'ri keladigan daromad bo'yicha ikkinchi o'rinda turadi va daromad, boylik va salomatlikni o'lchaydigan deyarli barcha boshqa ko'rsatkichlar bo'yicha mamlakat va mintaqaning qolgan qismidan ortda qolib, doimiy qashshoqlikning klassik namunasini yaratadi. O‘zbekistonda mehnat bozori siyosati va mehnatga haq to‘lash siyosatini takomillashtirishsiz bugungi kunda qashshoqlik muammosini samarali hal

[1] Соменкова Н.С. Совершенствование методики оценки эффективности инновационного развития предприятия // Российское предпринимельство. – 2017. – Том 18. - № 6. – с. 945-956.

etib bo‘lmaydi. Aholiga manzilli ijtimoiy yordam dasturlarini ishlab chiqishning muhim zaruratini e'tirof etgan holda shuni ta'kidlash kerakki, hozirgi sharoitda ushbu dasturlar ko'p jihatdan mehnat talab qiladigan aholining aksariyat qismida yuqori darajadagi qashshoqlik bilan kurashmoqda. Agar davlat tomonidan tartibga solish siyosati aholi bandligini oshirishga, yangi ish o‘rinlarini tiklashga va mavjudlarini saqlab qolishning tashkiliy-moliyaviy asoslarini shakllantirishga qaratilgan bo‘lsa, qashshoqlik darajasini real pasaytirishga erishiladi.

Davlatimiz rahbarining 2020-yil 24-yanvarda Oliy Majlisga yo‘llagan Murojaatnomasida bu borada ochiq to‘xtalib, mamlakat tarixida birinchi marta qashshoqlikni kamaytirish ustuvor vazifa sifatida belgilandi. Davlatimiz rahbarining 2020-yil 18-fevraldagi farmoni va qaroriga muvofiq ijtimoiy himoyaga muhtoj va kam ta’minlangan oilalarni qo‘llab-quvvatlash, aholini tadbirkorlik faoliyatiga samarali jalb etish maqsadida Mahalla va oilalarni qo‘llab-quvvatlash vazirligi tashkil etildi. Mahalla, tuman (shahar), viloyat va respublika miqyosida tadbirkorlikni rivojlantirish va kambag‘allikni qisqartirish bo‘yicha mas’ul lavozimlar joriy etilib, vertikal tizim yaratildi. Davlatimiz rahbarining izchil siyosati samarasida hukumat tarkibida Bosh vazirning moliya, iqtisodiyot va kambag‘allikni qisqartirish masalalari bo‘yicha o‘rinbosari lavozimi joriy etildi, vazirlik tashkil etilishi bilan bir qatorda hukumat tarkibida ham maxsus kotibiyat tashkil etildi. Iqtisodiy rivojlanish va qashshoqlikni qisqartirish. O‘zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 2020-yil 27-fevral kuni tadbirkorlik orqali kambag‘allikni kamaytirish chora-tadbirlariga bag‘ishlangan videoselektor yig‘ilishi o‘tkazildi. “Dastlabki hisob-kitoblarga ko‘ra, 12-15 foiz yoki 4-5 million kishi kambag‘al. Demak, ularning bir kunlik daromadi 10-13 ming so‘mdan oshmaydi. Yoki oilada mashina ham, uy hayvoni ham bo‘lishi mumkin, lekin agar odam og‘ir kasal bo‘lsa, oila daromadining kamida 70 foizi uni davolashga ketadi. Bunday oilani o'zini o'zi ta'minlaydigan oila deb atash mumkinmi? “Prezident sifatida meni xalqimiz hayotida nimalar bo‘lyapti, oziq-ovqat, davolanish, ta’lim-tarbiya, farzandlari uchun kiyim-kechak kabi masalalar har kuni qiynayapti”. Yig‘ilishda u yana qo‘shimcha qildi: “Qashshoqlikning qisqarishi oylik yoki pensiya nafaqalari, ommaviy kreditlar ko‘payishini anglatmaydi. Buning uchun, avvalo, kasb-hunarga o‘rgatish, moliyaviy savodxonlik, tadbirkorlik, infratuzilma, bolalarga ta’lim-tarbiya berish, sifatli davolash, manzilli imtiyozlar berishni yo‘lga qo‘yish zarur, – dedi Prezidentimiz. Ayni paytda O‘zbekistonda 1,4 millionga yaqin rasman ishsiz ayollar va yoshlar bor. Ishsizlik darajasi ayollar o‘rtasida 13 foiz, yoshlar o‘rtasida 15 foizni tashkil etadi. Ayniqsa, Farg‘ona, Samarqand, Andijon, Qashqadaryo va Toshkent viloyatlarida bu ko‘rsatkich yuqori. Shu bilan birga, qurilishda 104 ming, kommunal sohada 71 ming, xizmat ko‘rsatish sohasida 68 ming, yengil sanoatda 46 ming mutaxassisga bo‘lgan ehtiyojni inobatga olgan holda ushbu sohalarda chora-tadbirlar ishlab chiqish, ishsiz mutaxassislarni tayyorlash zarur. O‘zbekistonda qashshoqlikni sezilarli darajada kamaytirishning asosiy yo‘nalishi Prezident Sh. Mirziyoyev: “Xalqimizga baliq emas, qarmoq berishimiz kerak”, ya’ni aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlari manfaatlarini ko‘zlab ish o‘rinlari tashkil etishni amalga oshirish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar dasturini ishlab chiqish zarur.

ularni kasbga o‘rgatish, tadbirkorlikka o‘rgatish va uni yo‘lga qo‘yishda yordam berish orqali mehnat bozori. Kam ta'minlanganlarning yangi toifasi - mehnatga layoqatli kambag'allarning paydo bo'lishi, bu erda davlatning roli, milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligi, ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga qaratilgan sanoat siyosati va aholi bandligini ta'minlash, O'zbekiston korxonalarining raqobatbardoshligini oshirish va mahalliy ishlab chiqarishni qo'llab-quvvatlash asosi sifatida. iqtisodiy o'sish siyosatini qo'llab-quvvatlash uchun sharoit yaratishda ifodalanadi. Bunday sharoitlarning yaratilishi mehnatga layoqatli aholining yetarli daromad topishi, shu orqali o‘zini va oilasini boqish imkoniyatini yaratishning muhim shartidir. Shu bois O‘zbekistonda bandlik, ish haqi va qashshoqlikni kamaytirish yoki qashshoqlikka barham berish bilan bog‘liq barcha masalalar Kambag‘allikni qisqartirish milliy dasturi doirasida hal etilishi mumkin. Dasturda mehnatga layoqatli aholining qashshoqligini bartaraf etishda ikki yo‘nalish bo‘lishi kerak.

O‘zbekistonda mehnat bozori siyosati va mehnatga haq to‘lash siyosatini takomillashtirishsiz bugungi kunda qashshoqlik muammosini samarali hal etib bo‘lmaydi. Aholiga manzilli ijtimoiy yordam dasturlarini ishlab chiqishning muhim zaruratini e'tirof etgan holda shuni ta'kidlash kerakki, hozirgi sharoitda ushbu dasturlar ko'p jihatdan mehnat talab qiladigan aholining aksariyat qismida yuqori darajadagi qashshoqlik bilan kurashmoqda. Agar davlat tomonidan tartibga solish siyosati aholi bandligini oshirishga, yangi ish o‘rinlarini tiklashga va mavjudlarini saqlab qolishning tashkiliy-moliyaviy asoslarini shakllantirishga qaratilgan bo‘lsa, qashshoqlik darajasini real pasaytirishga erishiladi.

O‘zbekistonda qashshoqlik uzoq yillardan beri “yopiq mavzu” bo‘lib kelgan. Davlatimiz rahbarining 2020-yil 24-yanvarda Oliy Majlisga yo‘llagan Murojaatnomasida bu borada ochiq to‘xtalib, mamlakat tarixida birinchi marta qashshoqlikni kamaytirish ustuvor vazifa sifatida belgilandi.

Davlatimiz rahbarining 2020-yil 18-fevraldagi farmoni va qaroriga muvofiq ijtimoiy himoyaga muhtoj va kam ta’minlangan oilalarni qo‘llab-quvvatlash, aholini tadbirkorlik faoliyatiga samarali jalb etish maqsadida Mahalla va oilalarni qo‘llab-quvvatlash vazirligi tashkil etildi. Mahalla, tuman (shahar), viloyat va respublika miqyosida tadbirkorlikni rivojlantirish va kambag‘allikni qisqartirish bo‘yicha mas’ul lavozimlar joriy etilib, vertikal tizim yaratildi. Davlatimiz rahbarining izchil siyosati samarasida hukumat tarkibida Bosh vazirning moliya, iqtisodiyot va kambag‘allikni qisqartirish masalalari bo‘yicha o‘rinbosari lavozimi joriy etildi, vazirlik tashkil etilishi bilan bir qatorda hukumat tarkibida ham maxsus kotibiyat tashkil etildi. Iqtisodiy rivojlanish va qashshoqlikni qisqartirish.

O‘zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 2020-yil 27-fevral kuni tadbirkorlik orqali kambag‘allikni kamaytirish chora-tadbirlariga bag‘ishlangan videoselektor yig‘ilishi o‘tkazildi. “Dastlabki hisob-kitoblarga ko‘ra, 12-15 foiz yoki 4-5 million kishi kambag‘al. Demak, ularning bir kunlik daromadi 10-13 ming so‘mdan oshmaydi. Yoki oilada ham mashina, ham uy hayvonlari bo‘lishi mumkin, lekin agar odam og‘ir kasal bo‘lsa, oila daromadining kamida 70 foizi uni davolashga ketadi. Bunday oilani o'zini o'zi ta'minlaydigan oila deb atash

mumkinmi? “Prezident sifatida meni xalqimiz hayotida nimalar bo‘lyapti, oziq-ovqat, davolanish, ta’lim-tarbiya, farzandlari uchun kiyim-kechak kabi masalalar har kuni qiynayapti”. Yig‘ilishda u yana qo‘shimcha qildi: “Qashshoqlikning qisqarishi oylik yoki pensiya nafaqalari, ommaviy kreditlar ko‘payishini anglatmaydi. Buning uchun, birinchi navbatda, kasb-hunarga o‘rgatish, moliyaviy savodxonlik, tadbirkorlik, infratuzilma, bolalarga ta’lim-tarbiya berish, sifatli davolash, manzilli imtiyozlar berishni joriy etish zarur”, — dedi Prezident.

Ayni paytda O‘zbekistonda 1,4 millionga yaqin rasman ishsiz ayollar va yoshlar bor. Ishsizlik darajasi ayollar o‘rtasida 13 foiz, yoshlar o‘rtasida 15 foizni tashkil etadi. Ayniqsa, Farg‘ona, Samarqand, Andijon, Qashqadaryo va Toshkent viloyatlarida bu ko‘rsatkich yuqori. Ishga layoqatli aholiga davlat ijtimoiy yordamini keng ko‘lamda amalga oshirishga yo‘l qo‘ymaslik, mehnatga layoqatli aholiga davlat ijtimoiy yordamini amalda ko‘rsatishdan maksimal darajada voz kechish zarur. Bu borada davlatimiz rahbari tomonidan aholining real yashash minimumi va kambag‘allik chegarasini aniqlash, real eng kam ish haqi miqdorini belgilash borasida amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar, albatta, samarali samara berishi kerak. Iqtisodiyotning globallashuvi va xalqaro raqobatning kuchayishi sharoitida faol jamiyatni shakllantirishga, korxonalar va ishchilarga jahon iqtisodiy muhitiga moslashishga yordam berish, ishchi kuchini mehnat bozorining doimiy o'zgaruvchan talablariga moslashtirishga ustuvor ahamiyat beriladi. iqtisodiy faol aholiga o‘z salohiyatini ro‘yobga chiqarishga ko‘maklashish.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdullayev, F. O., & Sultonov, B. B. (2022). Kichik va xususiy tadbirkorlikning milliy iqtisodiyotdagi o‘rni. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2(5), 89-97.
2. Ochilova, M. Poverty in Uzbekistan, ongoing reforms and ways to overcome them.
3. Ochilova, M. The problem of poverty in Uzbekistan and the role of reforms in overcoming it.

Содиқхўжаев К. *- ОБМ магистранти*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ, МАҚСАДЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши инсоният ҳаётини мисли кўрилмаган даражада ўзгаришларга олиб келди. Кундалик турмушимизнинг оддий юмушларидан тортиб то жаҳон иқтисодиётинг энг глобал муаммоларигача ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўз ечимини топмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари инсон ҳаётининг барча жабҳаларини, яъни иш фаолиятини ҳам, мулоқотини ҳам, маиший ва маданий

ҳаётини ҳам, тижоратини ҳам, тиббиётини ҳам қамраб олмоқда. Бунда вақт ва макон параметрларининг физик мазмуни ўзгарди.

Ахборт-коммуникация технологияларини бошқариш, улардан тўғри ва унумли фойдаланиш, қолаверса мавжуд технологик жараёнларни ривожлантириш барча мамлакатларда билимли ва махсус кўникмага эга бўлган мутахассисларни жалб қилишни талаб этади. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш барча иқтисодий жараёнларни тезлатиш имконини беради, аммо бу жараёнларнинг тезлашуви оқибатида мамлакатда қандай ўзгаришлар рўй бериши – иқтисодиётнинг ривожи ёки таназзулга юз тутиши – шак-шубҳасиз инсон капиталининг ривожланишига боғлиқ бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, рақамли иқтисодиётда мамлакатнинг асосий активи-инсон капитали ва унинг сифати бўлади, яъни, янги технологиялар соҳасида чуқур билимларга эга, уларни ҳаётга татбиқ эта олишга қодир, эски нарсаларни такомиллаштира оладиган мутахассислар асосий куч деб ҳисобланади.

Иқтисодиётни рақамлаштириш даврида ҳамда ахборот қиймати шиддат билан ўсиб бораётган бир пайтда жамият туб ўзгаришларни ўз бошидан кечирмоқда. Хаётимизнинг нафақат ҳур куни, балки ҳар соати турли сиёсий, ижтимоий ўзгаришлар қамровида қолмоқда. Инновацион технологиялар соҳасидаги изланишлар натижалари бугунги кундаги барча технологияларгаўз таъсирини кўрсатиб, жиддий қўшимча ва ўзгаришлар олиб кирмоқда.

Бугунги кунга келиб эскича фикрлаш, эскича бошқарув тизими, бюрократик ва марказлашган иқтисодиёт ўз самарасини бермай қўйди. Ахборот оқими, миқдори ва алмашинуви тезлашди. Ахборот-коммуникация технологиялари воситасида рақамли иқтисодиётга ўтиш давр талабига айланди.

Ахборот-коммуникация технологиялари бутун иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга. Рақобатбардош, самарали ва қиймати нуқтаи назаридан афзал бўлган ахборот-коммуникация тармоқлари ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлигини оширишга, иш ўринларини кўпайтиришга, экспорт салмоғи ва солиқ тушумларини кўпайтиришга, яъни иқтисодий тараққиётни орқага тортувчи монопол хизмат кўрсатишдан тубдан фарқ қиладиган ижобий тенденцияларнинг шакллантирилишига олиб келади.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти энг аввало муҳим маълумотга эга бўлиш ва мана шу маълумотни ўзлаштириш ва бошқаришга ва энг асосийси унга ўз вақтида таъсир эта олишга асосланмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларининг иқтисодиётга кириб келиши ва қўлланилишининг жорий этилиши бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ҳам ички ҳам ташқи фаолиятида ўз самарасини берди. Бунда маҳсулот ва товарлар рекламаси, сотилиши ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳаларининг фаоллиги ўнлаб карра ортди. Ички ва ташқи бозорлар конъюктурасини ўрганиш, рақобат муҳитига мослашиш осонлашди. Валюталар курсининг ўзгариши, биржадаги операциялар ва асосийси

иқтисодий самарадорликнинг прогнозини математик моделлаштириш имкони пайдо бўлди.

Шубҳасиз, рақамли иқтисодиётнинг самарадорлигига нафақат ахборот технологияларининг қамрови ва инфратузилманинг мавжудлиги, балки ишбилармонлик муҳити, инсон капитали ва муваффақиятли бошқарув инструментлари каби стандарт иқтисодий мезонлар ҳам таъсир кўрсатади.

Бинобарин, иқтисодий тараққиёт айнан уларга таянади, бу эса ушбу мезонларнинг рақамли иқтисодиёт ривожланишида аввалгидай муҳим ўрин тутишини билдиради.

Ўтган 2021 йилнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинганида, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида Ялпи Ички Маҳсулотнинг ҳажми 734,6 триллион сўмни ёки 69,2 миллиард долларни ташкил этди. Бунда, хизматлар 35,7 фоизни ёки 262,5 трллион сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич таркибида алоқа ва ахборот технологияларининг улуши 17,1 триллион сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич фоиз кўринишида 6,0 фоизни ташкил этади. Хизматлар тури бўйича йиллик ўсиш даражаларининг 2021 йил динамсикасига кўра, алоқа ва ахборот технологияларининг хизматлари 21,8 фоизга ошган. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш даражаси-миллий иқтисодиёт соғломлигининг муҳим кўрсаткичларидан юириди.

Бу соҳада Ўзбекистон Республикасида ҳам жиддий қадамлар ташланган. 2004 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисидаги қонуни” қабул қилинди ва тегишли фаолият юритувчи убъектлар ишларини тартибга солиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди. 2015 йилда ушбу қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 6079-сон Фармони қабул қилинган.

Мазкур қарорда Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириш кўзда тутилган. Стратегия Ўзбекистон Республикасининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболли вазифаларни белгилайди, шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлади. Мазкур Фармон билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги барча соҳалар (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишлар) рақамлаштирилишини ва унинг самараси ўлароқ мамлакат иқтисодиётини янада кўтариш пировард мақсад қилиб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фамони қабул қилинган. Ушбу фармон билан Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 100 мақсад белгилаб олинган. Мазкур фармоннинг 25-мақсад кўрсаткичида “Рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш” бўйича тадбирлар режалаштирилган.

Жумладан:

-рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли масканларини ва ижтимоий объектларни ҳамда магистрал автомобиль йўлларини кенг полосали уланиш тармоқлари билан қамраб олиш;

-иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш;

-дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш.

Юқорида келтирилган ҳар иккала фармонда ҳам Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётга ўтиш тамойиллари, афзалликлари ва истиқболлари ҳамда ундан кўзда тутилган мақсадлар аниқ белгилаб берилган.

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларда рақамли иқтисодиётга ўтиш босқичлари қандай амалга оширилган?

Бунга бир қанча мисоллар келтирмоқчиман. Масалан:

-рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича дунёда енг етакчи ўринни АҚШ эгаллайди. 1924 йилдаёқ ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни бошлаган. Бир неча босқичлардан ўтиб, 2015 йилда АҚШ ҳукумати томонидан “Digital Economy Agenda” дастури эълон қилинди ва мазкур дастур билан АҚШнинг иқтисодий ўсиши ва жаҳонда рақобатбардошлилиги рақамли иқтисодиётга боғлиқ экани эътироф этилади;

-Хитой Халқ Республикасида ахборот - коммуникация технология-ларидан фиойдаланиш илк бор 1986 йилда бошланди. Хитой Халқ Республикаси ҳам АҚШ сингари маълум босқичлардан ўтиб, 2015 йилда “Интернет плюс” дастури қабул қилинди ва халқ хўжалигининг барча соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бўйича ишларга ва “Янги иқтисодиёт”га старт берилди. Шуни таъкидлаш лозимки Хитой Халқ Республикаси телеокммуникация ва интернет фойдаланувчилари ва тармоқ қиймати энг юқоридаражада юксалган мамлакат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги асосий ҳамкорларидан биридир ;

-2015 йилда Ҳиндистон ҳукумати “Рақамли Ҳиндистон” дастурини қабул қилди. Мазкур дастур асосида олис қишлоқлардан тортиб то давлат органлари, мактаб, коллеж, университетлар ҳамда ҳусусий секторгача сифатли интернет хизматларини амалга ошириш кўзда тутилган;

-Буюк Британияда 2010 йилдаёқ “Digital Economy Act 2010” қонуни қабул қилинди ва ушбу йўналишда турли илмий-тадқиқотлар амалга оширишга киритилди ва барча давлат органлари “Catapult” тизими орқали “Innovate UK” агентлиги билан ҳамкорликда тадқиқотларини амалга ошира бошладилар. Ҳозирги кунда электрон тижорат амалга ошириш бўйича Буюк Британияга ҳеч қайси бир мамлакат тенг кела олмайди. Ташқи ва ички савдо айланмалари электрон платформада амалга оширилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, буларнинг барчаси ўз навбатида соҳани янада жадалроқ ривожлантиришни тақазо этади.

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ҳудди юқорида номлари келтириб ўтилган бир қанча ривожланган мамлакатлар каби қатор босқичларни босиб ўтиши зарур. Булар қуйидагилар:

-энг биринчи навбатда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори билим ва малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш;

-ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида жаҳондаги ривожланган мамлкатлар тажрибасини кенг ўрганиб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини қўллаш;

-соҳага менежмент ва маркетинг қонунлари асосида илмий ёндошишни таъминлаш;

-ахборот-коммуникация технологиялари хизматини кўрсатувчи корхоналар ўртасида соғлом рақобатни кучайтриш ва хизматлар кўламини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш;

-энг замонавий моддий-техник базани яратиш;

-янги дастурий таъминот ва иловаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг муваффақиятли экспортини ташкил этиш;

-“Эленктрон тўлов” ва “Электрон банкинг” тизимини янада ривожлантириш ва хизматлар жозибадорлигини ошириш мақсадида “BONUS” дастурини ишлаб чиқиш. Бунда тармоқдан мақсадли ва самарали фойдаланувчиларга қулайлик ва қўшимча имтиёзлар таклиф этиш;

-телекоммуникация инфратузулмасини яхшилаш;

-мамалкатнинг барча ҳудудида юқори тезликдаги кенг полосали интернет қамровини кенгайтирш;

-ахборот-коммуникация технологиялари хизматларидан фойдаланувчи субъетлар ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва кафолатлаш.

Ҳулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, барча мамлакатларнинг иқтисодиётлари бир-бири билан узвий боғлиқликда бир бутун глобал хўжаликни ташкил этади. Бунда турли ижтимоий-иқтисодий жараёнлар кечиб боради. Ҳар бир мамлакатнинг миллий иқтисодиёти мана шу глобал хўжаликка муваффақиятли интеграциялашув жараёнига боғлиқ.

Бунда ахборот-коммуникация технологиялари хизматлари энг олдинги ўринларга чиқади ва ўта муҳим роль ўйнайди.

Soliyev S.B. *– OBM tinglovchisi*

TIJORAT BANKLARIDA INSON RESURSLARINI BOSHQARISH OMILI

Mamlakatimizda bozor munosabatlari tarkib topishi personalni boshqarish tizimida bir qator vazifalar amalga oshirilishini nazarda tutadi. Jumladan, korxona va tashkilotlarning bozor iqtisodiyoti sharoitida o‘z mavqelarini saqlab qolishi, ularning raqobatbardoshliligini ta’minlash, ishlab chiqarish samaradorligini oshirish maqsadida personalni boshqarish sohasida amalga oshirilishi lozim bo‘lgan vazifalarning ilmiy va amaliy usullari to‘g‘ri tanlanishini talab etadi. Rejali boshqaruv amaliyotida «personalni boshqarish» tushunchasi yo‘q edi. Lekin, har bir korxona va tashkilotda kadrlar boshqaruv tizimi va jamoani ijtimoiy rivojlantirishning funksional kichik tizimi mavjud edi. Korxona va tashkilotdagi kadrlarni boshqarish bo‘yicha asosiy tarkibiy bo‘linma kadrlar bo‘limi bo‘lib, unga kadrlarni ishga qabul qilish va bo‘shatish, shuningdek, o‘qitish, malakasini oshirish va qayta tayyorlash sohasidagi vazifalar yuklanar edi. Ayni paytda, kadrlar bo‘limi tarkibiy jihatdan mehnatni tashkil etish va ish haqi bo‘limlari, mehnatni muhofaza qilish va xavfsizlik texnikasi bo‘limlari, kadrlarni boshqarish vazifalarini bajaradigan xususiy bo‘limlar va boshqa bo‘linmalar bilan tarqoq holda ish olib borardi. Shu sababli ham, kadrlar bo‘limi xodimlarni boshqarish va ularga me’yoriy ish sharoitlari yaratib berishni ta’minlash sohasidagi bir qator vazifalarni bajarish imkoniyatiga ega emasdi. Mamlakatimizda bozor iqtisodiyoti 8 chuqur ildiz otib borayotgan hozirgi davrda personalni boshqarish sohasida «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»ga muvofiq qator yangi talablar yuzaga keldi. Ular orasida eng muhimlari: ya’ni, ijtimoiy-psixologik diagnostika; guruhlarda o‘zaro shaxsiy munosabatlarni, rahbarlik munosabatlarini tahlil qilish va tartibga solish; ishlab chiqarish va ijtimoiy ixtiloflarni hamda stresslarni bartaraf etish; kadrlar boshqarish tizimini axborot bilan ta’minlash; ish bilan bandlikni boshqarish; bo‘sh lavozimlarga nomzodlar tanlash va baholash; kadrlar potensiali va xodimlarga bo‘lgan ehtiyojlarni tahlil qilish; kadrlar marketingi; xizmat martabasini rejalashtirish va nazorat qilish; xodimlarning kasbiy va ijtimoiy-psixologik moslashuvi; mehnat jarayonidagi motivlar va sabablarni boshqarish; mehnatning huquqiy munosabatlari masalalari; mehnat psixofiziologiyasi, ergonomikasi va mehnat etikasidan iboratdir. «Personalni boshqarish» fanining predmeti korxonalarning samarali faoliyat ko‘rsatishini ta’minlash va ishlovchilar ehtiyojlarini qondirish maqsadida personalga maqsadga muvofiq ta’sir ko‘rsatish bilan bog‘liq bo‘lgan bilimlar tizimidir. Ushbu kursni o‘rgatishdan maqsad-talabalarda personalni boshqarish ilmini amaliyotda qo‘llay biladigan darajadagi ko‘nikmalar hosil qilishdan iborat. U talabalarda ishlab chiqarishdan ko‘zlangan maqsadga erishishni ta’minlovchi personalni boshqarish bo‘yicha nazariy va amaliy professional bilimlarni shakllantirishga yo‘naltirilgan. Ya’ni, «Personalni boshqarish» fanining mazmuni korxona xodimlarini boshqarish usullari va tamoyillarini, bu boradagi nazariy va

amaliy masalalar tizimini; tashkiliy shakllarini ishlab chiqish va tatbiq etish jarayonlaridan iborat.

Ushbu «Personalni boshqarish» kursi bo‘yicha tuzilgan namunaviy dasturda nazariy faoliyatda uchraydigan 9 muammolarning mazmun mohiyati ochib berilishiga asosiy e’tibor qaratilgan. Bu muammolar quyidagilardir:

—fanning predmeti, mazmuni va asosiy vazifalari;

—korxona va tashkilotlarni shakllantirishda inson omili;

—inson resurslarini boshqarish funksiyasining rivojlanishi;

—korxona va tashkilotlarda personalni boshqarish strategiyasi;

—xizmat martabasini boshqarish;

—xodimlarning xizmat pog‘onasida ko‘tarilishini boshqarish;

—korxona va tashkilot ijtimoiy rivojlanishi

—personal boshqaruvi asosi;

—personal xulq-atvorini boshqarish;

—kadrlar tizimidagi yangiliklarni boshqarish;

—personal boshqaruvida mehnat munosabatlari etikasi;

—personalni boshqarishda ixtiloflar va stresslarni yechish;

—korxona va tashkilotlarda personal xavfsizligini boshqarish;

—boshqaruv personali mehnatini tashkil etish.

Yuqorida ta’kidlab o‘tilgan muammolarni hal qilish yuzasidan fan oldiga quyidagi asosiy vazifalar qo‘yilgan:

—inson resurslarini boshqarish asoslarini o‘rganish;

—korxona va tashkilotlarda personalni boshqarish strategiyasi va taktikasining mohiyati, mazmuni va xususiyatlarini o‘rganish;

—ishlovchilarni professional tanlash, malakasini oshirish, o‘qitish va lavozimlarga tayinlash masalalarini o‘rganish;

—ishga qabul qilish va undan bo‘shatish hamda personalni boshqarishning huquqiy-normativ asoslari bo‘yicha nazariy bilim va amaliy ko‘nikmalarga ega bo‘lish;

—personalni boshqarish bo‘yicha ish yuritish jarayoni va uning asoslarini puxta egallash, zaruriy hujjatlarni to‘g‘ri va tez rasmiylashtirish;

—personalni boshqarish samaradorligini aniqlash va uni yanada oshirish yo‘llarini belgilash;

—korxona va tashkilotlarda kadrlar ish faoliyatining mazmuni va mohiyatini o‘rganish;

—mehnat salohiyatining shakllanishi va rivojlanishi, kadrlar tarkibi va tuzilishi hamda ulardan foydalanishni ta’minlash yo‘nalishlarini o‘rganish;

—personalni boshqarish xizmatining shakllanishi va bu xizmatni tashkil etish jarayonlarini o‘rganish;

—personalni boshqarish sohasidagi xorijiy tajribalarni o‘rganish, tahlil etish, ulardan mamlakatimiz xususiyatlarini hisobga olgan holda foydalanish va hokazo. «Personalni boshqarish» fani o‘z oldiga qo‘yilgan vazifalarni hal qilar ekan, bir qator ijtimoiy, iqtisodiy, huquqiy fanlar tajribasi va nazariyasiga tayanadi. Shu jihatdan, u «Falsafa», «Iqtisodiyot nazariyasi», «Mehnat iqtisodiyoti», «Mehnat

sotsiologiyasi», «Mehnat huquqi» kabi fanlar bilan uzviy bog‘liqdir. «Personalni boshqarish» fani, jumladan, «Falsafa» fani tamoyillarini, ya’ni insoniyatning tarixiy shakllanishi, mehnat jarayonining mohiyati va mazmuni insonning asosiy faoliyati sifatida namoyon bo‘lishi, uning ijtimoiy va fan-texnika taraqqiyoti bilan bog‘liq tarzda har tomonlama rivojlanishi kabi muammolarni birgalikda o‘rganadi.

«Personalni boshqarish» fani, «Iqtisodiy nazariya» fani bilan ham chambarchas bog‘liqdir. U mehnat bozori va uning tarkibiy qismlari, ishsizlik va uni kamaytirish yo‘nalishlari, mehnat bozorini tartibga solish, davlatning ijtimoiy siyosati kabi masalalarning iqtisodiy hamda nazariy jihatlarini birgalikda hal etadi. 11 Mehnatning mohiyati va mazmuni, taqsimoti va kooperatsiyasi, xodimlarning mehnatini ilmiy asosda tashkil etish, mehnatga haq to‘lash, uni rag‘batlantirish kabi muammolarni birgalikda hal etish jihatidan ushbu fan «Mehnat iqtisodiyoti» fani bilan uzviy bog‘liqdir. Bu xodimlarning serunum ishlashini ta’minlash, malaka ko‘nikmasidan samarali foydalanish, salomatligini saqlash va mustahkamlash, komillikka erishishi uchun keng imkoniyatlar yaratib berishda, ayniqsa, muhimdir. Personalni boshqarishda inson omiliga tashqi muhitning ta’siri, ya’ni ishlab chiqarish jarayonida ishlovchilarning o‘z atrofidagilarga munosabati, ishlab chiqarish muhitining, sanitariya-gigiyena omillarining inson organizmiga, salomatligi va ishga bo‘lgan munosabatiga hamda ishlash qobiliyatiga ta’siri kabi jihatlar, albatta, hisobga olinishi lozim.

Bular ishlovchilarning o‘zi ishlayotgan korxonaga, o‘z ishiga bo‘lgan munosabatida shakllanadi. Shunday ekan, «Personalni boshqarish» fani o‘zi chambarchas bog‘liq bo‘lgan «Mehnat fiziologiyasi», «Mehnat gigiyenasi», «Mehnat muhofazasi» kabi fanlarning mehnatga munosabati borasidagi nazariy tomonlari va tavsiyanomalariga amal qilishi lozim. Mehnat faoliyatining ijtimoiy yo‘nalishlari va jamoaning ijtimoiy masalalari — mehnatning mazmun va xarakteriga ko‘nikish, uni tashkil etishda, ishlovchilarning faolligi, mehnatdan qoniqish hosil qilish omillari, rag‘batlantirishning turli shakllari va ularga munosabat kabi masalalarni o‘rganishda «Personalni boshqarish» fani «Sotsiologiya», shu jumladan, «Mehnat sotsiologiyasi» fani bilan uzviy aloqador. Shuningdek, mehnat qonunlari, huquqlari va me’yorlarini o‘rganishda huquqiy fanlar, jumladan, «Mehnat huquqi» fani tavsiyanomalariga tayanadi. 12 Umuman, kadr deganda, turli sohadagi fan va texnika mutaxassislari, shu jumladan, bajarayotgan ishi maxsus kasb tayyorgarligini talab qiladigan malakali ishchilar tushuniladi. Malakali ishchilar — bu, odatda, o‘rta maxsus o‘quv yurtlari, hunar-texnika bilim yurtlari, maxsus kollejlarni bitirgan yoshlardan iboratdir. Boshqaruv kadrlari deyilganda, kasb faoliyati to‘la ishlab chiqarish boshqaruvi vazifasini bajarish bilan bog‘liq xizmatchilar tushuniladi.

Hozirgi vaqtda, bozor iqtisodiyoti sharoitida kadrlar masalasiga alohida e’tibor qaratilmoqda. Bu, birinchi navbatda, boshqaruvni demokratiyalashtirish bilan bog‘liq bo‘lsa, boshqa tomondan, turli tashkiliy — huquqiy boshqaruv shakliga o‘tish bilan, yangi turdagi rahbar-mutaxassisni tarbiyalash bilan; inson omili ahamiyatining oshishi bilan va nihoyat, mehnatkashlarning ijtimoiy talabini

tushunib yetish bilan bog‘liqdir. Boshqaruv kadrlari quyidagi ikkita tushuncha ya’ni, kadrlar siyosati va kadrlar bilan ishlash tushunchasiga bog‘liqdir.

Kadrlar siyosati deyilganda — bu uzoq davrga mo‘ljallangan ishbilarmonlik, kasb va shaxs sifatiga ega yuqori malakali boshqaruv kadrlari tayyorlash yo‘nalishi tushuniladi.

Kadrlar siyosatining maqsadi — korxonada, firmada ularni tayyorlash va qayta tayyorlashni uzoq muddatli dasturini ishlab chiqishdan iboratdir. Masalan, hozirgi vaqtda kichik biznesga doimo yangidan-yangi, o‘qimishli yoshlar talab qilinadi, hamda to‘xtovsiz o‘zini-o‘zi bilimi va malakasi takomillashuviga harakat qiladigan yoshlar, ayniqsa, menejment, marketing, bank ishlari uchun jalb qilinadi. Albatta, kadrlar siyosati o‘z strategiyasi va taktikasiga ega.

Kadrlar strategiyasi esa, jamiyatning ma’lum tarixiy taraqqiyoti bosqichidagi asosiy maqsad va vazifalarini belgilab beradi. 13 Kadrlar ishining taktikasi, deb kadrlar bilan bo‘ladigan munosabatga aytiladi. Bunda hozirgi sharoitda kadrlar siyosatini ma’lum tartibda amalga oshirish qoidalari ko‘zda tutiladi. Bu kadrlarni to‘g‘ri tanlash, joy-joyiga qo‘yish, o‘qitish, ta’lim berish, boshqaruv kadrlarini qayta tayyorlash demakdir. Kadrlar bilan bo‘ladigan faoliyatning samaradorligi tizimli yondashuvga asoslanishi kerak. Kadrlar ish tizimini boshqaruv xodimlari bilan bo‘ladigan faoliyat shakli, usuli, yo‘nalishi va o‘lchovlarining birlashmasi tashkil qiladi.

Kadrlar bilan ishlash: kadrlarni tanlash, joy-joyiga qo‘yish, bir joydan ikkinchisiga o‘tkazish va ularni yuqori lavozimlarga ko‘tarish, faoliyat rejalarini tashkil qilish va rahbarlik qilish kabilarni o‘z ichiga oladi. «Xodim» iborasi o‘zbek tilining izohli lug‘atida «biror idora yoki muassasada ishlovchi kishi, xizmatchi» ma’nosida talqin etiladi. Masalan, savdo xodimi, xalq maorifi xodimi, tibbiyot xodimi, ilmiy xodim va h.k. Bugungi amaliyotda xodim va uni boshqarish muammosiga ikki xil yondoshuv mavjud: — inson resurslarini boshqarish; — xodimlarni boshqarish. «Inson resurslarini boshqarish» tushunchasi boshqarishning strategik jihatlarini, shuningdek, ijtimoiy rivojlanish masalalarini o‘z ichiga oladi va ularga ustuvorlik beriladi. «Xodimlarni boshqarish» tushunchasi esa, ko‘proq kadrlar bilan tezkor ishlashni anglatadi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida boshqaruv vazifalarining murakkablashuvi korxona rahbarlaridan xodimlarni to‘g‘ri tanlash, ularni joy-joyiga qo‘yish va tarbiyalash ishlariga juda katta mas’uliyat bilan yondashishni talab qiladi. Bu yerda so‘z, eng avvalo, ish tavsifi va ishga qabul qilinadigan xodimga nisbatan talablarni belgilash to‘g‘risida borayapti.

Kadrlar ishida kadrlarni tanlash, joy-joyiga qo‘yish va tayyorlash

—markaziy masala hisoblanadi.

Kadrlarni tanlash — bu, odamlar, rahbarlar va mutaxassislarni o‘rganish jarayoni bo‘lib, undan ko‘zlangan maqsad ularning vazifaviy majburiyatlarini ma’lum lavozimlarda bajarishga yaroqliligini aniqlashdan iboratdir. Masalan, korxonaning reja-iqtisod bo‘limi boshlig‘i vazifasiga bo‘sh o‘rin bor. Direktor va kadrlar bo‘limi boshlig‘i tomonidan ushbu rahbarlik lavozimiga mutaxassis qabul

qilina turib, ishga qabul qilinuvchi nomzodning kasbi, ishchanlik sifatlari, shaxsiy tavsifi o‘rganib chiqilishi zarur bo‘ladi.

Ushbu sifatlar uning lavozimiga qo‘yiladigan talablarga javob bera olishi tekshirib ko‘riladi. Boshqaruv kadrlarini tanlash quyidagi uchta yo‘nalishda olib boriladi:

1.Tashkilot, korxona, firma ichida boshqaruv xodimini boshqa joylarga o‘tkazish bilan (bu xizmat bo‘yicha ko‘tarish, bo‘sh lavozimlarga tayinlash).

2.Xizmatchilarni tashqaridan yollash yoki saylov yo‘li orqali vazifaga qo‘yish.

3.Kadrlar zaxirasini maxsus tayyorlash. Masalaning ushbu tomonini rahbar shaxsining sifat tarkib modeli misolida ko‘rib chiqamiz, ikkita guruhga mansub sifatlar keltirilgan bo‘lib, bular rahbar va mutaxassisga tegishli bo‘lgan umumijtimoiy va kasbiy sifatlardir.

Birinchi guruh — umumijtimoiy sifatlar:

—rahbar va mutaxassisning ma’naviy sifati — bu, insonda mujassamlangan sifatlar bo‘lib, uning kamol topib borishidir;

—ijtimoiy-psixologik sifatlar — bu, insonni jamiyat uchun foydali bo‘lgan sifatlaridir; — tabiiy-genetik (genetik degani, bu gen so‘zidan kelib chiqqan), ya’ni insonga tabiat tomonidan ato etilgan sifatni bildiradi.

Ikkinchi guruh — kasbiy sifatlar bo‘lib, ular o‘z mohiyati bilan rahbar va mutaxassisning kasb huquqini belgilaydi, chunki, birinchidan, insonni lavozimga tayinlanishi bo‘lsa, ikkinchidan, u qanday bilimlarga ega bo‘lmog‘i kerakligidir. Kasb sifatlari:

—ma’naviy-irodali — bu, insonning aqliy sifati, ya’ni aqlan o‘sish, fikr yuritishining tizimliligi va hokazo;

—tashkilotchilik sifati — bu, xodimga faollik ko‘rsatib ishlashi uchun zarur sifatlardan biridir;

—pedagogik sifatlar — ular asosini rahbarning yaxshi tarbiyachi bo‘lishi tashkil etadi. Biz, rahbarni mutaxassis sifatidagi rolini ko‘rib chiqdik. Uni quyidagi umumiy tavsiflar bilan to‘ldirish mumkin: ya’ni, odamlar bilan ishlashdagi tajribasi, oliy ma’lumot bo‘yicha olgan maxsus bilimlari, ishlab chiqarishni boshqarishdagi tajribasi va hokazolar.

Kadrlar ishining e’tiborli muhim tomoni — bu, kadrlar zaxirasini tayyorlash va o‘qitishdir. Kadrlar zaxirasi turli lavozim o‘rinlariga mo‘ljallangan shaxslarni o‘z ichiga oladi: bo‘lim boshliqlari, ularning o‘rinbosarlari va boshqa mutaxassislar 24 kiradi. Har bir lavozim boshqasidan o‘zining faoliyat obyekti va ish tavsifi bilan farq qiladi.

Demak, Ayni paytlargacha «personalni boshqarish» tushunchasining o‘zi bizning boshqaruvga doir tajribamizda yo‘q edi. To‘g‘ri, har bir korxona va tashkilotni boshqarish tizimi kadrlarni boshqarish va jamoani ijtimoiy rivojlantirishni boshqarishdan iborat kichik funksional tizimga ega edi, lekin kadrlarni boshqarishga doir ishlarning ko‘pchilik qismini bo‘linmalarning rahbarlari ado etishardi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1.O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi– T.: “O‘zbekiston”, 2014 y.
2.O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki to‘g‘risida”gi qonun, T.: “O‘zbekiston”, 1995 y.
3.O‘zbekiston Respublikasining “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi qonun, T.: “O‘zbekiston”, 1996 y.
4.O‘zbekiston Respublikasi Soliq kodeksi, Xalq so‘zi, 09.01.2002 y.
5.O‘zbekiston Respublikasining “Valyutani tartibga solish to‘g‘risida”gi qonuni, 11.12. 2003 y.
6.O‘zbekiston Respublikasining “Fuqarolarning banklardagi omonatlarini himoyalash kafolatlari to‘g‘risida”gi qonuni. 04.04. 2002 y.
7.O‘zbekiston Respublikasining “Mikromoliyalash to‘g‘risida”gi qonuni. 15.09. 2008 y

Суванова Д.Д. *- мустақил изланувчи*

ЎЗБЕКИСТОНДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Ҳозирги янги Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқлараро ва тармоқ бўғинлари, минтақалар, мажмуалар, корхоналар ва ташкилотларни ўз ичига олган мураккаб функционал ва ҳудудий ишлаб чиқариш тузилмасига эга. Иқтисодиёт тармоқларини тарнсформация қилиш босқичида фан-техника тараққиёти таъсирида акциядорлик жамиятлари, холдинг компаниялар, молия-саноат гуруҳлари сингари янги тузилмалар иқтисодиётнинг ажралмас қисмлари сифатида ривожланмоқда.

Корпоратив муносабатларнинг асосий иштирокчиси саналувчи хўжалик субъектларининг шаклланиши, албатта, корпоратив бошқарув тизимининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Фикримизча, Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимининг шаклланиш босқичларини тадқиқ қилишда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш каби стратегик аҳамият касб этувчи жараёнларга алоҳида эътибор қаратилиши зарурдир. Чунки айнан шу жараёнлар натижасида вужудга келган хусусий хўжалик юритиш субъектлари корпоративликнинг жаҳонда тан олинган белгиларини ўзларида намоён этадилар.

Акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарув тизимини вужудга келтириш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида уларнинг фаолиятини ва уларнинг айланма активларини бошқаришнинг самарали амалиётини жорий этиш республикада ва хорижда орттирилган тажрибани ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Акциядорлик жамиятларида айланма активларини бошқаришда Корпоратив

бошқарувнинг халқаро тан олинган умумий кўринишдаги тамойиллари ҳам мухим бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

–корпоратив бошқарув тузилмаси акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, корпоратив мулкнинг сақланишини таъминлаш, айланма активларнинг самарали фойдаланишлигини ва уларнинг айланишини, манфаатлар бўйича ихтилофларнинг олдини олиш, бирламчи тартибга солиш ва узил-кесил бартараф қилишнинг асосий усули бўлиши керак;

–корпоратив бошқарув тизими барча гуруҳдаги акциядорлар, шу жумладан, миноритар ва хорижий акциядорларга тенг муносабат ўрнатилишини таъминлаши, уларнинг ҳуқуқларига дахл қилинганда, уларнинг ҳар бири учун бир хилда самарали бўлган ҳимоя тизимини таъминлаши керак;

–корпоратив бошқарув барча манфаатдор шахсларнинг қонунчиликда ўрнатилган ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаши ва жамиятни ривожлантириш бўйича корпоратив бошқарув тизими иштирокчиларининг ҳамкорлигини рағбатлантириши керак;

–корпоратив бошқарув акциядорлик жамиятининг ахборотлари очиқлиги, жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг барча аҳамиятли масалалари бўйича маълумотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилинишини таъминлаши зарур;

–корпоратив бошқарув тузилмаси бошқарувчиларнинг ўз вазифаларини самарали тарзда адо қилишлари ҳамда бошқарув органларининг компания ва акциядорлар олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаши керак.

Бугуги кунда мамклакатимизда Давлат улуши 50 ва ундан юқори фоизга эга бўлган акциядорлик жамиятларининг сони 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига 244 тани ташкил қилган бўлса, 2020 йилнинг 1 январь холатига сони 208 тани ташкил қилмоқда. Вилоатлар кесимида қарайдиган бўлсак, энга кўп акциядорлик жамияти Тошкент шахрида 72 ва Қашақадарё вилоятида 38 тани ташкил қилмоқда. Келтирилган 4 расмдаги маълумотларга асосан, кейинги ўрмнларда Фарғона -23 ва Самарқанд -11 та. Бу акциядорлик жамиятларининг бундай жойлашуви шу вилоятнинг ялпи маҳсулотлар ишлаб чиқаришига тўғридан –тўғри боғлиқ бўлиб қолмаоқда.

Самарали корпоратив бошқарувнинг асосий мақсади акциядорлик жамиятлари обрўйини ошириш орқали уларга инвесторлар ишончини орттириш ва шу асосда миллий иқтисодиётнинг капитализация даражасини ўстиришдан иборатдир. Ушбу мақсадга эришиш учун Ўзбекистон бизнес тузилмаларида корпоратив бошқарувнинг энг яхши амалиётини кенг кўламда жорий қилиш ва бунда корпоратив ҳамжамиятнинг барча аъзолари манфаатларини тўғри усулда ва ўзаро зиддиятсиз равишда ҳисобга олиши ва уларнинг айланма активларининг самарали фойдаланиши ва тўғри сақланишини таъминлаши керак бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларининг самарадорлик кўрсаткичлари жамиятнинг иқтисодий ва

молиявий кўрсаткичлари ва айланма активлардан самарали фойдаланганликни ифода этиши, моддий техник базадан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган давлат 50 ва ундан юқори фоизга эга бўлган акциядорлик жамиятларининг моддий техника базаси кундан кунга мустахкамланиб бормоқда. Келтирилган 1-жадвал маълумотларига қарайдиган бўлсак акциядорлик жамиятларининг асосий активлари 2018 йилда 45.005 трллион сўмни ташкил қилган бўлса 2021 йилга келиб 83,226 трллилн сўмн ташкил қилмоқда. Фоизларда кўрадиган бўлсак 184,5 фоизни ташкил қилмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг 2018-2021 йилларга узоқ муддатли активлари ҳақида маълумот

(минг сўм)

Кўрсаткичлар номи	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Асосий воситалар	**45 005 225 746,39**	**70 582 539 355,91**	**84 210 491 333,03**	**83 226 617 423,26**
Номоддий активлар	**73 218 242,90**	**1 296 875 429,53**	**4 295 058 155,95**	**3 118 888 501,49**
Узоқ муддатли инвестициялар	**41 819 104 751,61**	**35 920 958 077,50**	**58 815 977 855,26**	**41 011 282 444,54**

Келтирилган жадвал маълумотларига асосан номоддий активлар ҳам 2018 йилдаги 73,2 млярд. сўмдан 2021 йилга келиб 3,118 триллион сўмга кўпайганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари узоқ муддатли инвестициялар хажмини кўрадиган бўлсак бу кўрсаткич 2018 йилда 41,9 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич камайиб 35,9 триллионни, 2020 йилда ўрганилаётган йиллар ичида энг юқори даражага яъни 58,8 триилион сўмга етган. Аммо 2021 йил якунлари бўйича узоқ муддатли инвестицияларнинг хажми 41,01 триллион сўм бўлиб, 2020 йилга нисбаттан камайганлигини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг 2018-2021 йилларда устав капитали, резерв капитали, тақсимланмаган фойдаси ва мақсадли тушумлари 2 жадвалда келтирилмоқда. Ушбу келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 2018 йилга устав капитали 41,6 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 56,6 трлн. сўмга етди. Акциядорлик жамиятларининг резерв капитали хажми ҳам 20,5 трлан. сўмдан 2021 йилга келиб, 31, 6 трлн. сўмни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари тақсимланганмаган фойда ҳам 4,7 трлн. сўмдан 2021 йилга келиб 9,01 трлн. сўмни ташкил қилмоқда. Мақсадли тушумлар ўз навбатида 16.6 трлн. сўмдан 17,6 трлн. сўмга кўпайганлигини кўриш мумкин. Бу таҳлил қилнаётган барча кўрсаткичлар албатта ижобий хулосаларни қилишга олиб келмоқда.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг 2018-2021 йилларга ўз маблағлари манбалари ҳақидаги маълумот

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	Устав капитали	**41 621 846 766,99**	**40 397 275 939,80**	**78 069 903 460,29**	**56 618 524 941,09**
2.	Резерв капитали	**20 522 337 433,77**	**32 687 259 183,37**	**42 877 735 010,40**	**31 654 400 813,77**
3.	Тақсимланмаган фойда	**4 704 360 662,55**	**5 577 835 992,50**	**5 012 942 502,79**	**9 068 982 766,99**
4.	Мақсадли тушумлар	**16 646 215 201,06**	**19 402 103 658,42**	**19 416 738 992,83**	**17 626 106 472,90**

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган давлат 50 ва ундан юқори фоизга эга бўлган акциядорлик жамиятларининг бошқа иқтисодий-молиявий кўрсаткичларини ҳам таҳлил қилиш зарурлигидан келиб чиқиб, 2018-2021 йилларга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки соф тушум, даромадлар хажми, соф фойда ва бошқа кўрсаткичларни таҳлил қилиш мумкин бўлади.

Келтирилган 6-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 2018-2021 йилларга келтирилган барча кўрсаткичлар 2018 йилга нисбаттан 2021 йилда ўсиш динамикасига эга бўлган 3-жадвал.

3-жадвал


Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг 2018-2021 йилларга молиявий натижалари тўғрисида маълумот

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки соф тушум хажми	46 261 363 540,10	80 865 670 617,34	114 103 592 869,74	126 422 544 968,00
2.	Даромадлар хажми	16 100 470 513,48	25 447 843 298,14	33 107 819 597,46	35 994 560 985,46
3.	Харажатлар хажми	10 478 682 620,63	12 836 287 482,89	18 658 949 943,49	19 680 694 835,44
4.	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	1 596 105 039,29	3 260 096 229,33	3 908 435 265,22	4 904 836 731,19
5.	Асосий фаолиятнинг фойдаси	7 217 892 932,14	15 871 652 044,58	18 358 132 593,48	21 174 341 986,21
6.	Молиявий фаолият даромадлари	4 628 136 711,59	10 719 059 113,24	9 003 420 075,71	6 738 856 582,03
7.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	6 493 823 452,87	19 969 412 865,98	16 816 511 555,27	10 271 215 809,64
8.	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	5 352 206 190,86	6 621 298 291,84	10 545 125 957,12	17 319 806 037,60
9.	Соф фойда	2 585 972 670,70	2 701 599 357,84	4 054 782 428,24	8 623 982 837,19

Хаттоки маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки соф тушуми хажмининг 2018-2021 йилларга ўсиш динамикаси 2,735 мартани ташкил қилган бўлса, даромадлар 2,229 мартага ва харажатлар эса ушбу даврга 1,866 мартага ўсганлиги кўриш мумкин. Бу ерда маҳсулотлар ишлаб чиқариш хажмининг ўсиш даражаси харажатларнинг ўсиш даражасига нисбаттан юқориилиги билан ушбу кўрсаткичларнинг таҳлил натижаларига ижобий баҳо беришга олиб келади.

Шундай экан, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган давлат 50 ва ундан юқори фоизга эга бўлган акциядорлик жамиятларининг фаолият кўрсаткичларини алоҳида акциядорлик жамиятлари бўйича 2021 йилга алоҳида таҳлил қилиш зарурияти туғилмоқда. 2-расмда эса энг кўп фойда кўриб фаолият кўрсатганлар 20 та фойда акциядорлик жамиятларининг рўйхати келтирилган ва шу жамиятлар 2021 йили ҳам фойда билан фаолият кўрсатган.



1-Расм. 2021 йил якуни бўйича давлат иштирокидаги энг кўп фойда билан ишлаган акциядорлик жамиятларининг сони

“Навоийазот” АЖ — 779,8 млрд сўм, “Ўзбектелеком” АЖ – 473, 9 млрд сўм; “Ҳудудий электр тармоқлари” – 400,3 млрд сўм, “Фарғонаазот” АЖ — 348,8 млрд сўм, “Агрокластер” МЖЧ – 194,8 млрд сўм,“Товар-хомашё биржаси” АЖ 140,1 млрд сўм фойда кўрган.

2021 йилнинг якуни бўйича зарар билан фаолият юритган жамиятлар тўғрисдаги маълумотлар 2-расмда келтирилмоқда. Бунда “Ўзтрансгаз” АЖ 2021 йилнинг якунлари бўйича 2515,8 млрд. Сўм, “Ўзбекистон миллий электр

тармоқлари” АЖ -2105,2 млрд, сўмга, “Тошиссиққуввати” АЖ -534,3 млрд, сўмга, “Янги Ангрен иссиқлиқ қуввати” АЖ-30.4,0 млрд. Сўмга, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ – 127,6 млрд.сўмга, “Ангрен шаҳар иссиқлик қуввати” АЖ-68,3 млрд.сзмга, “Тошкент иссиқлик маркази” АЖ- 53,6 млрд. Сўмга, “Ўзавтотранс сервис” АЖ- 51,5 млрд.сўмга, “ФК Бунёдкор” МЧЖ -37,0 млрд.сўмга ва бошқалари 2,9 фоизи зарар кўриб ишлаган. Жами зарар хажми 6065,0 млрд сўмни ташкил қилмоқда.



2-Расм. 2021 йил якуни бўйича давлат иштирокидаги зарар билан ишлаган акциядорлик жамиятларининг сони

Энг катта хажмда зарар кўриб фаолият кўрсатган акциядорлик жамиятларидан “Ўзтрансгаз” АЖ ҳисобланиб, 2019 йилда соҳани трансформация қилиш мақсадида қабул қилинган президент қароридан кейин, «Ўзбекнефтгаз» табиий газни қазиб чиқарувчи, «Ўзтрансгаз» қазиб чиқарилган газни ташиб берувчи, «Ҳудудгазтаъминот» эса якуний истеъмолчиларга етказиб берувчи корхона сифатида фаолият кўрсата бошлади. У 2020-2021-йилларда 5 триллион сўмдан ортиқ зарар кўрди. Жамият қиммат газ сотиб олиб, аҳолига арзон нархда сотаётгани билан изоҳланмоқда. Унга кўра, ҳар бир кубометр газдан йўқотиш ҳажми 150-160 сўмни ташкил этади. Ҳукумат субсидиялар беради, лекин уларнинг аксарияти ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлмаган одамларга кетади деган изоҳ ҳам йўқ эмас. “Ўзтрансгаз” 2020 ва 2021-йилларда Ўзбекистондаги давлат корхоналари орасида энг рентабелсиз бўлган. Унинг асосий сабаби компания 2021-йилни 2,51 триллион сўм (2021-йил учун ўртача йиллик курс бўйича 236,2 миллион доллар), 2020-йилни 3,57 триллион сўм (354,7 миллион доллар)

зарар билан якунлади. 2019-йилда “Ўзбекнефтгаз” АЖни қайта ташкил этиш чоғида ҳукумат “Ўзнефтгаздобича” АЖ ва “Худудгазтаъминот” АЖларини “молиявий жиҳатдан яхшилаш” тоўғрисида қарор қабул қилган ва энг катта зарбани “Ўзтрансгаз” АЖ зиммасига олган. Кейин аҳоли учун нархларни оширмасдан ушлаб туриш мақсади бўлган. Шу боис давлат томонидан ажратиладиган барча субсидиялар “Ўзтрансгаз” томонидан белгиланди. Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳисоботига асосан, “Ўзбекнефтгаз” ҳам, “Худудгазтаъминот” АЖ ҳам плюс билан чиқди, “Ўзтрансгаз” Аж эса зарар билан. Чунки энг катта нарх зарбаси яъни юқори нархда сотиб олиб ва паст сотади. Хорижий компаниялардан, асосан, “Лукойл”дан, керак бўлса, олиб келинади ва нархини ўзгартирмаган ҳолда аҳолига беради”. Бугунги кунда “Ўзтрансгаз” газни экспорт нархидан 200 доллардан сотиб олиб, аҳолига 30 доллардан сотмоқда.

Нархлардаги фарқдан ташқари, йўқотишлар миқдорига газ қувурлари ва компрессор стансияларини таъмирлаш учун олинган кредитлар, қарзни тўлаш учун фоизлар ва транспорт хизматлари таъсир кўрсатади. Буни ҳисобга олганда “Ўзтрансгаз” ҳар бир кубометр газдан 150-160 сўм зарар кўрмоқда дейилмоқда.

Ўзбекистон газ таъминоти соҳасида эркин бозор муносабатларига келиши ва давлатнинг иқтисодиётдаги ролини камайтириши кераклигини таъкидламоқда. Лекин давлат “ўтиш даврида аҳоли қийинчиликка дуч келмаслиги” учун ижтимоий соҳага катта эътибор қаратмоқда. Бунда давлат томонидан арзон газ учун ажратилаётган субсидияларнинг қарийб 20 фоизи аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳиссасига тўғри келади. Энергетика вазирлигининг аниқлик киритишича, барча абонентларнинг 85 фоизи (жисмоний шахслар) умумий газнинг 35 фоизини истеъмол қилади. Газни энг кўп истеъмол қиладиган одамлар ижтимоий ҳимоясиз эмас. Ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар аллақачон газ ва электр энергиясини кам истеъмол қилгани учун уйда кондитсионер, 5-6 дона газ плитаси, иситиладиган бассейнлари йўқ. “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятининг 49 фоиз акцияларини айпио орқали хусусийлаштириш режалаштирилаётганини ва келажакда давлат фақат магистрал газ қувурлари “Ўзтрансгаз” стратегик объектлар бўлганлиги сабабли монополиясини сақлаб қолиши мумкин.

Ҳукумат 2020-йилнинг феврал-март ойларида электр энергияси ва газ тарифларини оширишни режалаштирганди, бироқ коронавирус пандемияси туфайли бу чорани кейинга қолдирмоқда. Марказий банк кузда эълон қилинган иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий ценарийсида тартибга солинадиган нархлар (энергетика ресурслари, коммунал хизматлар ва бошқалар) 2022-йилда ёки 2022-2023-йилларда босқичма-босқич тўлиқ эркинлаштирилишини кутилмоқда. Бундан ташқари ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида ишлаётган энг катта компания «Лукойл» бўлса, умумий ҳисобда ушбу соҳага 7 млрд доллардан ортиқ инвестиция киритган. «Лукойл»га яхши конлар берилган. Лекин бу компаниянинг Ўзбекистонда кўраётган фойдасининг 60 фоизи давлатники. 2042 йилгача «Лукойл» билан

маҳсулотни тақсимлаш бўйича битим тузилган. Шу муддатгача конларни эксплуатация қилиб, газ қазиб чиқариб, тозалаб, етказиб беради. Агар газни экспорт қиладиган бўлса ҳам, маблағнинг 60 фоизи Ўзбекистон ғазнасизга келиб тушади. Қолаверса, «Лукойл» томонидан уч мингта одам иш билан таъминланган.

Бундай акциядорлик жамиятларининг сони қанчалик кўп бўлса мамлакатмиз иқтисодиётининг стабил ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши аниқдир. Шундай экан акциядорлик жамиятларининг фаолиятини самарали бошқариш, уларнинг айланма активларидан кенгроқ ва самарали фойдаланишни таъминлаш, меддий-техника базасидан фаолият туридан бошқа даромад келтирувчи фаолият билан ҳам шуғурланиши керак бўлади.

Бу ўз навбатида акциядорлик жамиятини бошқаришни замон талаблари даражасида ташкил қилиш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, бирламчи ва иккиламчи қимматли қозғозларни муомулага чиқаришни ва сотишни ташкил қилиб, айланма активлар хажмини кўпайтиришга олиб келади.

Тула Н.Б. *- PhD, и.о.доц. Таш.фил.РЭУ имени Г.В. «Плеханова»*
Насырова Л.А. *- ст. Преп.Таш.фил.РЭУ имени Г.В. «Плеханова»*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ДАННЫХ ПЕРЕПИСИ НАСЕЛЕНИЯ ДЛЯ ВЫЯВЛЕНИЯ И СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ

Бедность выступает не только предметом интереса исследователей, но и является чрезвычайно важной проблемой государственного масштаба. Ключевую роль в измерении и определении бедности играет перепись населения. Результаты переписи используются в качестве основного справочного материала для обеспечения равенства в распределении материальных благ. В настоящем тезисе мы рассматриваем важные и актуальные вопросы переписи населения и получение информации для определения уровня бедности.

В современных условиях сокращение бедности, является приоритетной задачей не только развивающихся стран, но и развитых. Вместе с тем необходимо отметить, что бедность невозможно полностью искоренить, но ее можно и нужно сократить. Сокращение бедности позволит избежать многих социально-экономических проблем. По инициативе и по поручению главы нашего государства принимаются масштабные меры по определению уровня бедности в нашей стране. В целях обеспечения исполнения данных поручений Государственным комитетом по статистике осуществляются целевые и адресные меры. Наблюдения за изучением уровня бедности проводятся в пилотном режиме в Юкори Чирчикском районе Ташкентской области [3].

К 2026 году в Узбекистане принимаются меры по сокращению бедности в два раза. В республике создана институциональная система по сокращению бедности, реализуются эффективные инструменты, основанные на

фундаментальных подходах. Сформирован единый социальный реестр, внедрён новый уникальный механизм - «железная тетрадь», содержащая полную информацию о бедных и малообеспеченных семьях, также введены минимальные потребительские расходы, новая система профессионального обучения.

Само понятие «бедность» определено многими авторами, так с точки зрения Л.Н. Овчаровой: «Как социально-экономическое явление бедность формируется вследствие объективно существующего неравенства в доступе к материальным и нематериальным благам. Это означает, что, во-первых, бедность будет существовать всегда, меняются только формы ее проявления; во-вторых, она относительна во времени и в пространстве». По мнению Жоао Педро А: «Бедность – это «выраженное снижение благосостояния». Бедные – это те, кто не имеет достаточно средств, либо уровень потребления которых недостаточен для того, чтобы поместить их выше какого-то соответствующего минимального порога».[4]

Самый широкий подход к бедности (и благосостоянию) акцентируется на возможности человека функционировать в обществе. Часто, бедные не имеют ключевых возможностей. У них может не быть соответствующего уровня дохода или образования, либо они не обладают достаточным здоровьем, либо чувствуют свою беспомощность и отсутствие политических свобод. Показатель монетарной бедности отображает число граждан, реальные доходы которых ниже 60% от среднего значения по стране. В Европе считают, что такой уровень бедности гарантирует физиологическое выживание.

Теоретически определение денежной бедности состоит из трех шагов:

1)определить черту бедности, которая может быть абсолютная или относительная;

2)выбрать совокупное благосостояние: доход или расход;

3)подсчитать совокупность доли населения ниже этого порогового значения (черты бедности).

Существуют различные подходы к измерению бедности. Рассмотрим четыре основных: абсолютный подход, относительный подход субъективный подход, депривационный подход.

Наибольшей популярностью в мире пользуются абсолютный и относительный методы измерения бедности. Каждый из них имеет как свои достоинства, так и свои недостатки[5].

Концепция абсолютной бедности тесно связана с понятием черты бедности. Устанавливается минимальный набор необходимых человеку жизненных благ, их стоимость является чертой бедности, а доходы гражданина сравниваются со стоимостью этого набора. У черты бедности как показателя есть одни существенный недостаток, она не учитывает число домохозяйств находящихся находящий над ней с малым от нее отрывом. По данным Всемирного банка черта бедности в Узбекистане рассчитывается в пределах 5600 сумов в день на одного человека [6]. Абсолютная концепция

бедности является недостаточно объективной, так как считать бедными только тех кто имеют доходы ниже прожиточного минимума ошибочна. Подобное положение показывает существование ситуации, когда бедность и неравенство растут, а число людей за чертой бедности снижается, так как невозможно подсчитать реальный уровень доходов населения в странах, где преобладает теневая экономика, в частности в Республике Узбекистан. В условиях Узбекистана предпочтительнее выбрать показатель потребления, поскольку множество людей до сих пор осуществляет деятельность в неформальном секторе и сельском хозяйстве.

Согласно международным стандартам официальных национальных черт бедности, существует сильная положительная корреляция между уровнем экономического развития и стоимостью жизни, а также показателями национальных официальных черт бедности, выраженных в коэффициенте покупательной способности. Некоторые страны четко определены до пересмотра денежной бедности. В таких странах, с учётом их уровня экономического развития как например, Парагвай или Колумбия, национальная официальная черта бедности была гораздо выше, чем можно было ожидать. Такие различия отражают не только нормы, предпочтения и уровень развития. При этом такие характеристики как климат (стоимость отопления и одежды) и демография также играют важную роль в объяснении некоторых различий.

В противопоставление абсолютной бедности приводят относительную бедность. В ряды бедных зачисляются граждане, доход которых меньше установленного размера от среднего уровня обеспеченности всех граждан в рассматриваемом обществе. Данная концепция базируется на сравнении показателя «располагаемые ресурсы» с некоторым стандартом жизни или материальной обеспеченности, сложившейся в стране. Это надёжный и удобный способ определения групп населения и домашних хозяйств, у которых доход и потребление ниже, чем у основной многочисленной части общества. Следовательно, черта бедности определяется социально, она привязана к конкретной стране и времени. Тогда как различные общества могут иметь различные нормы, эти нормы могут со временем меняться, по мере изменения уровня доходов, относительных цен, технологий и предпочтений. Таким образом по мере изменения структуры потребления, важно обновлять черту бедности (каждые 10 лет) [3].

Уровень бедности определяется путем сравнения годового дохода с набором денежных значений (называемых пороговыми значениями бедности), которые варьируются в зависимости от размера семьи, количества детей и возраста домохозяина. Если доход семьи до налогообложения меньше, чем их пороговое значение, то эта семья и каждый человек в ней считается находящимся в бедности. Для людей, неживущих в семьях, статус бедности определяется путем сравнения дохода человека с его или ее порогом бедности. Порог бедности ежегодно обновляется для учета изменений в стоимости

жизни с использованием индекса потребительских цен. Они не отличаются географически.

Во всех странах Содружества используется территориальный принцип построения выборочной совокупности, что отвечает общепринятым международным стандартам. В Узбекистане в мае 2021 года предварительная оценка стоимости минимальных потребительских расходов (МПР) на одного члена домохозяйства составила 440 тыс. сумов, из них продовольственные расходы составили 69%, непродовольственные 31 %. Минимальные потребительские расходы учитывают ежедневные потребности человека в продовольственных и непродовольственных продуктах, а также услугах. Этот метод подразумевает определение базовых расходов, необходимых для подсчёта дневного бюджета человека. Показатель рассчитывался исходя из целей и задач:

- по внедрению ориентировочного показателя для определения целевой (таргет) группы населения, нуждающейся в материальной и иной социальной поддержке государства;
- использованию минимальных потребительских расходов для определения черты бедности и учета реальных потребительских свойств и нужд населения в целевой группе;
- повышению эффективности и адресности задач, а также мер, определенных в стратегии и программах по борьбе с бедностью, наряду с осуществлением их постоянного мониторинга.

Полезность как переписи населения, так и переписи жилищного фонда возрастает, если их результаты могут использоваться так в вопросах определения бедности, которая отразится на эффективности государственных программ поддержки бедных. Таким образом, для измерения уровня бедности в Узбекистане решено использовать минимальные потребительские расходы (МРП), которые учитывают потребности человека в продовольственных товарах, непродовольственных товарах и услугах. С 2022 года критерий среднедушевого дохода в месяц, применяемый для признании семьи малообеспеченной через информационную систему «Единый реестр социальной защиты», приравнен к минимальным потребительским расходам.

В условиях Узбекистана будет целесообразным, если включить вопрос о доступности домохозяйств к коммуникациям, в частности, о качестве предоставленных услуг электросетей можно судить из ответов населения о частоте отключения электроэнергии. Доступность природного газа, электричества, канализации, а также, особенно, питьевой воды имеет важное значение. Немаловажное влияние на состояние здоровья населения оказывает чистая питьевая вода, доступ к которой в некоторых регионах очень низкий, в частности показатель питьевого водоснабжения в Кашкадарьинской области 42 процента, в 1 тысяче 545 махаллях отсутствует система центрального водоснабжения.

В Узбекистане начата масштабная работа по реализации целевых программ по строительству доступного жилья, развитию и модернизации

дорожно-транспортной, инженерно-коммуникационной и социальной инфраструктуры в целях улучшения условий жизни населения, как в городах, так и в сёлах. В дальнейшем значимость переписи населения будет расти, по мере изменений спроса и предложения на жильё. Мы считаем, необходимо учитывать уровень развития благосостояния в разрезе по регионам, с учетом неравномерности уровня бедности. Перепись населения способствует определению реальной потребности жилья для малоимущего населения в городах и сельской местности Узбекистана.

Считаем целесообразным использование субъективного подхода в определении бедности, ответ на вопрос к какому классу Вы себя относите? нищий; бедный; средний; богатый.

Таким образом, данные переписи 2023 года в Узбекистане можно использовать для построения «обследований домашних хозяйств» и моделирования процесса картирования бедности.

Список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01. 2022г. № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-26 годы https://lex.uz/ru/docs/5841077.
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 05.02. 2019г. № УП-5655 « Об утверждении Концепции проведения в 2022 году переписи населения в 2022 году» https://lex.uz/docs/4190061.
3. Трансформация экономической и правовой системы России: проблемы и перспективы : сборник научных статей Всероссийской научно-практической студенческой конференции, 23-25 ноября 2020 года / редкол.: С.И. Ашмарина, А.П. Жабин (отв. ред.) [и др.] ; Самарский государственный экономический университет. - Самара : Изд-во СГЭУ, 2021. - 507 с. https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta/9295-kak-idet-protsess-nablyudeniya-za-izucheniem-urovnya-bednosti.
4. Жоао Педро Азеведо Группа Всемирного Банка Измерение бедности от шума к сигналу и как в этом помочь СМИ. https://www.vsemirnyjbank.org/content/dam/Worldbank/document/eca/central-asia/TJ-Poverty-Measurement-Media-Training-ru.pdf
5. Миронкина А.Ю. Измерение бедности: Единый метод для всех государств – международный индекс бедности // Синергия наук. 2016. № 6. − С. 51 − 56. − URL: http://synergy-journal.ru/archive/article0050
6. Как рассчитывают бедность в Узбекистане и откуда взялась цифра в 5600 сумов в день. https://www.gazeta.uz/ru/2020/11/04/poverty/

Тургунбаев М.К. *- “Ўзагросуғурта” АЖ директори*

E-POLIS: СУҒУРТА БОЗОРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Молия бозори ривожланган сари молиявий хизматларни тақдим этиш жараёни ҳам такомиллашиб бормоқда. Сўнгги йилларда турли молиявий-иқтисодий фаолият турлари доирасида хизматларни электрон рақамли шаклда амалга ошириш жараёни оммалашиши натижасида “экологик тозза” хизмат тушунчаси ҳаётимизга кириб келмоқда. Хизмат кўрсатишни рақамлаштириш биринчи навбатда табиий ресурсларни тежаш, табиатга зарар етказувчи омилларга чек қўйиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Рақамлаштириш жараёнини бошдан кечираётган дунё давлатлари қаторида Ўзбекистонда ҳам мазкур маслага катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши рақамлаштириш жараёнини жадаллашишига замин яратди.

Барча молиявий-иқтисодий фаолият турлари қаторида суғурта компаниялари ҳам ўз фаолияти доирасида хизматларни рақамлаштириш орқали мижозларга тез ва қулай суғурта хизматларини кўрастиш амалиётини йўлга қўйди. Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан суғурта фаолиятини ривожланишига қаратилган қатор қонун хужжатлари қабул қилинди.

Суғурта бозорини ривожлантириш ва қисқа муддатларда замон талабларига жавоб берадиган ва халқаро стандартларни ўзида акс этган соҳани акс эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сонли “Ўзбекистон республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга биноан Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, суғурта фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш соҳасида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, суғурта хизматларининг электрон турларини фаол жорий этиш ва ривожлантириш йўналиши орқали соҳани янги босқичга олиб чиқиш режалаштирилди.

Қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг суғуртанинг айрим турлари бўйича электрон полисларни («Е-полис»), шу жумладан Интернет, мобил иловалар, инфокиосклар орқали расмийлаштириш механизмини жорий этиш, уларни қоғоз шаклидаги суғурта шартномаларига (полисларига) тенглаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилди. Шу ўринда қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилиши белгилаб берилди. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қоннунга биноан суғурта полиси ёзма қоғоз шаклида бўлиши

лозимлиги қайд этилган бандга тегишлича ўзгартириш киритилиб, суғурта полисларининг электрон шакли ҳам қоғоз шаклидек тенг кучга эга бўлиши қайд этилди.

«Е-полис» тизимининг жорий этилиши мижозларга тезкор ва турли оворагарсчиликларни олдини олиш, маълумотларни тўғридан тўғри реал вақт шароитида 24/7 режимида қайта ишлаш ва бошқариш имконини яратди. Электрон суғурта полислари ўз эгаларига уни исталган вақтда юклаб олиш ва тегишли тартибда тақдим этиш имкониятини беради.

2020 йилда суғурта бозорида 40 та суғурта компаняси фаолият юритган бўлса, 2021 йил 9 ойлик холатига мазкур кўрсаткич 41 тани ташкил этди. Суғурта бозорида мавжуд рақобат ва мижозлар талабидан келиб чиқиб, суғурта компаниялари бир қатор суғурта турлари доирасида суғурта полисларини электрон тарзда сотишни йўлга қўйишди. Хозирги кунга келиб оммавий суғурт турлари ҳисобланган “Бахтсиз ходисалардан суғурталаш”, “Транспорт воситаларини ихтиёрий суғурталаш”, “Мол-мулкларни суғурталаш”, “Юқумли касалликлардан суғурталаш” ва шу каби қатор суғурта турлари доирасида суғурта полисларини электрон тарзда суғурталовчиларнинг веб сайтлари, мобил иловалари орқали онлайн режимда сотиш йўлга қўйилди.

Шу ўринда соҳани рақамлаштириш ва инновацион суғурта маҳсулотларини амалиётга тадбиқ этиш жараёнини ташкил этиш ва муҳим вазифаларни белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сонли “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарорга бинона, 2022 йил 1 июлдан бошлаб суғуртанинг барча турларини (классларини) электрон шаклда амалга оширишга рухсат берилди ҳамда барча суғурта турлари бўйича суғурта полислари Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси билан биргаликда юритадиган ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида рўйхатга олиниши белгилаб берилди.

Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 июнга қадар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ягона ахборот тизими негизида барча суғурта полисларини рўйхатга олувчи ва уларнинг айланмасини назорат қилувчи ягона автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда — Ягона ахборот тизими) жорий этилишини таъминлаш юзасидан кўрсатма берилди.

Қарор доирасида суғурта ташкилоти ва мижоз ўртасида ахборот алмашинувини йўлга қўйиш ҳамда қайта алоқа тизимини жорий этиш мақсадида 2022 йил 1 майга қадар ягона ахборот тизимининг манфаатдор вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг

марказий маълумотлар базаси билан суғурта соҳасида ўзаро электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйиш вазифаси қўйилди.

Шу билан бир қаторда 2022 йил июнь ойига қадар суғуртанинг барча турларини (классларини) электрон шаклда сотиш ва расмийлаштириш қоидаларини, шунингдек, уларнинг ҳақиқийлигини текшириш механизмларини ўз ичига олган Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартиби юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш белгилаб қўйилди.

Юқорида келтирилган топшириқ ва вазифаларнинг бегиланиши биринчи навбатда ахолига сифатли хизмат кўрсатиш ва суғурта фаолияти доирасида хизматларнинг шаффоф бўлишини таъминлашдир. Электрон полисларнинг яна бир афзаллиги суғурта қоидаларининг барча учун умумий ва ягона эканлиги ҳамда суғурта учун тўланадиган суғурта бадаллари ягона ҳисоблаш тизимида ўрнатилган суғурта тарифи доирасида амалга оширилади.

Эндиликда нафақат суғурта ташкилотлари томонидан, балки аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа соҳалар ҳам ўз хизматлари доирасида мижозларга суғурта полисларини ҳарид қилиш имкониятини яратишмоқда. Жумладан, тижорат банклари томонидан кредитларни электрон тарзда расмийлаштириш жараёнида банк ва мижоз манфаатларини суғуртавий ҳимоя қилишни марказлашган ҳолда банк тизимдан четлашмаган ҳолда амалга ошириш имконияти йўлга қўйилмоқда. Бундай имконият мижозга қисқа вақт ичида турли оворагарчилиларсиз икки хизматдан фойдаланиш имкониятини беради.

Рақамлаштириш жараёнида нафақат суғурта маҳсулотларини онлайн сотиш, балки шу билан бир қаторда мижозлар билан доимий алоқани ўрнатиш, шартнома доирасида вужудга келадиган муносабатлари доимий назорат қилиш, хизмат сифатини бошқариш каби мақсадларни кўзлайди. Сғурта фаолиятини рақамлаштиришда суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва уларни бошқариш муҳим аҳамият касб этади. Суғурта полисларини онлайн сотишни йўлга қўйилгандан сўнг кейинги босқичда суғурталанган ва шартнома шартлари доирасида зарар кўрган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тизимини жорий этиш муҳим вазифа саналади. Бу борада электрон тизимни барқарорлигини, маҳфийлигини ҳамда ҳимояланганлигини таъминлаш энг долзарб масала саналади.

Ҳулоса қилиб айтиш лозимки, ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида хизматлар сифатини яхшилаш, халқаро стандартлар доирасида ташкил этиш, рақобатбардош, тезкор ва қулай хизмат кўрсатишни таъминлаш хозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир. Суғурта ташкилотлари аҳолига инновацион суғурта хизматларини кўрсатиш орқали энг аввало ўзларининг фаолиятларини оптималлаштириш ва харажатларини бошқариш имкониятларги эга бўлишади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сонли “Ўзбекистон республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сонли “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори.
4. https://imda.uz/uz/

Тургунбаев М.К. *- “Ўзагросуғурта” АЖ директори*
Алимов Б.Б. *- ОБМ,кафедра PhD доценти*

ТРАНСФОРМАЦИЯ: ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Тараққий этиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида соҳалар ривожланиши кундан кунга жадаллашиб бормоқда. Ўзгаришлар ва янги шарт-шароитга қандайк кўникиш лозим ва қандай қилиб орта қолмаслик мумкин деган савол тобора ортиб бормоқда. Ривожланаётган рақамли иқтисодиёт шароитида жон сақлаб қолиш ва хизмат кўрсатишни янги босқичга олиб чиқиш орқали даромад ва харажатларни оқилона бошқариш хозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда республикамиздабозор муҳитини яхшилаш, маҳаллий ва хорижий инвесторларга қулай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, давлат рахбарининг давлат улуши сақланиб қолаётган айрим тармоқлар ва йирик корхоналарда бозор механизмларига ўтишнинг кечикаётганлиги янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, илғор технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий капитални фаол жалб қилган ҳолда янги иш ўринлари яратишга тўсқинлик қилаётганлиги юзасидан билдирган фиклари алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур ҳолтда бозор механизмларига ўтишни жадаллаштириш ва кўзланган мақсадларга эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сонли Фармони қабул қилинди.

Давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усуллари, очиқлик, шаффофлик ва бозор тамойилларини

жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислоҳотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида Фармоннинг 1-иловасига асосан 12 тоифадаги давлат улуши мавжуд бўлган 32 та трансформация қилинадиган йирик давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмалари рўйхати шакллантирилди.

Шу ўринда трансформация нима ва қандай натижа беради деган ўринли савол туғилади. Талаб ва таклиф мувозанатидан келиб чиқиб аҳолига жумладан, истеъмолчига йўналтирилган бозор механизмларига асосланган замонавий бошқарув усуллари, фаолият доирасида очиқлик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш трансформациянинг муҳим омиллари саналади. Трасформациядан асосий мақсад истемолчига бўлган қараш ва ёндашувни ўзгартирган ҳолда рақобатбардош ҳамда қулай хизматларни яратиш орқали таннархни пасайтириш ва даромадларни оширишдир.

Бошқа соҳалар қаторида суғурта фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳам хизматлар сифатини яхшилаш, қулай ва рақобатбардош суғурта турларини амалиётга жорий этиш орқали ҳам истемолчинг, ҳам ўзининг манфаатларини ҳимоя қилади.

Юқорида келтирилган Фармоннинг 1-иловасига асосан давлат улуши 94 фоиздан юқори бўлган “Ўзагросуғурта” Акциядорлик Жамияти ҳам трансформация қилинадиган корхоналар қаторига киритилди. Суғурта бозорида давлатнинг суғурта механизми орқали ижтимоий химоя сиёсатини тўғридан-тўғри ташкил этувчи ва амалга оширувчи воситачиси сифатида фаолият юритиб келаётган “Ўзагросуғурта” АЖ 1997 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1713 сонли Фармонига асосан ташкил этилган бўлиб, компаниянинг асосий йўналишлари:

-қишлоқ хўжалиги соҳасида товар ишлаб чиқарувчиларнинг мулки ва маҳсулоти суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

-қишлоқ хўжалиги соҳасидаги товар ишлаб чиқарувчи – қарз олувчиларнинг тўлашга қодирлигини ўрганиш ҳамда тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва деҳқончилик соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиб бериладиган кредитларни қоплашга суғурта кафолатларини тақдим этиш;

-юридик ва жисмоний шахсларга ҳар томонлама суғурта хизматлари кўрсатиш, қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг шахсий ҳамда мулкий манфаатлари суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш этиб белгиланган.

Компаниянинг устав жамғармаси 108.9 млрд. сўмини ташкил этиб, 14 та филиал ва 200 дан ортиқ суғурта марказларига эга. Суғуртанинг иҳтиёрий ва мажбурий турлари доирасида 100 дан ортиқ суғурта турлари бўйича республиканинг барча худудларида фаолият юритиб келмоқда. Компания нафақат миллий даражада, шу билан бир қаторда халқаро даражада ҳам

суғурта фаолиятини амалга оширади. Компания Россия Федерациясининг Москва шахрида ўз ваколатхонасига эга.

“Ўзагросуғурта” АЖда ҳам “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, биринчи навбатда фаолият самарадорлигини таъминлаш, янги инновацион суғурта хизматларини жорий этиш, халқаро суғурта бозорида ҳам рақобатбардош компания сифатида намоён бўлиш ва хизматлар экспортини кенгайтириш мақсадида бир қатор ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

“Ўзагросуғурта” АЖ тизимида хужжатлар айланиши ва алмашинуви тўлиқ рақамлаштирилиб, бозорда биринчилардан бўлиб суғурта полисларини онлайн тартибда (Е-полис) сотиш амалиёти йўлга қўйилганлигини мисол келтириш мумкин. Ҳозирда мижозларга 10 дан суғурта тури бўйича электрон полислар тақдим этилаётган бўлса, 2022 йил якунига бориб барча оммавий суғурта шартномаларини электрон шаклда расмийлаштириш имконияти яратилиши кўзда тутилган.

Трансформация жараёнида Жамият томонидан яна қатор устувор вазифаларни амалга ошириш белгилаб олинди. Жумладан, жамиятнинг халқаро бозоридаги ўрнини мустаҳкамлаш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида Таъсис жамғармасини 250,0 млрд сўмга етказиш, 2021 йил учун молиявий ҳисоботларни халқаро молиявий ҳисоботлар стандартлари (IFRS) асосида тайёрлаш ҳамда халқаро аудит хулосаси олиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, “Fitch Ratings” томонидан берилган халқаро рейтинг даражасини сақлаб қолиш, жамиятнинг харидлар ва бошқарув тизимини халқаро аудитдан ўтказиш масалаларини ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш борасида ишлар йўлга қўйилган.

Трансформация доирасида яна бир муҳум вазифа бу молиявий ҳисоботларни халқаро молиявий ҳисоботлар стандартлари (IFRS) шаклига ўтказиш жараёнида жамият тасарруфида бўлган барча мол-мулкларни маҳаллий ёки хорижий баҳолаш ташкилоти томонидан халқаро талабларга мувофиқ қайта баҳолатишдир. Мазкур масала бўйича 2021 йил якунига қадар баҳоловчини танлаш ҳамда баҳолашни ташкил этиш режалаштирилган.

Бугунги кунда молия бозори корпоратив бошқарув ва инвестиция фаолиятини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришни тақозо этади. Шу боис жамият инвестиция портфелидаги қимматли қоғозлардан (акциялардан) олинадиган даромадларни ошириш мақсадида уларни қимматли қоғозлар бозорнинг профессионал иштирокчиси бўлган корхонанинг ишончли бошқарувига топшириш масаласи ўрганилмоқда.

Трансформациянинг яна бир муҳуим жиҳати бу истемолчиларга тезкор, қулай ва ишончли суғурта хизматларини кўрсатиш ва бу орқали мижозлар сонини кенгайтириш ва суғурта фаолиятидан олинадиган даромадни оширишдир. Шу мақсадда жамият томонидан истемолчилар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор янги инновацион суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқариш режалаштирилган. Жумладан, Мигрантларга бўлиб тўлаш

шарти асосида ажратиладиган қарз маблағни суғурталаш, Ер ости бойликларидан фойдаланувчилар жавобгарлигини суғурталаш, Табиатни ва атроф-муҳитни зарарланишида юзага келадиган жавобгарликни суғурталаш, Ходим ишини йўқотишидан суғурта қилиш, Олтин қазувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш каби суғурта турлари. Мазкур суғурта турларини амалиётга жорий этиш орқали суғурта мукофотлари тушумини кўпайтириш ва алоҳида тоифа шахсларнинг мулкий манфаатларини халқаро стандарлар асосида ҳимоя қилишдир.

Жамият фаолиятини трансформация қилиш ва рақамлаштириш жараёнидаги яна бир муҳим вазифа бу суғурта даъволани кўриб чиқишни автоматлаштириш, яъни суғурта қилдирувчилар мурожаатларини хар қандай қоғозбозлик ва оворагарчиликларсиз масофавий кўриб чиқиш тизимини амалиётга жорий қилишдир. Мазкур тизимнинг жорий этилиши энг аввало муносабатлар доирасида шаффофликни таъминлаш, ижро интизомини нозорат қилиш ва турли коррупцион омилларни олдини олиш имкониятини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, суғурта компаниясининг нуфузи истемолчилар ва мижозлар ишончини оқлаш билан бевосита боғлиқ. Бу эса ўз навбатида, маҳаллий ва халқаро бозорда ижобий имижини шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг муҳим пойдевори ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, суғурта даъволарини кўриб чиқиш ҳамда зарарларни ўз вақтида қоплаб бериш тизимини такомиллаштириш масалалари трансформация жараёнининг энг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Трансформация жараёнини муваффақиятли якунлаш жамиятни янги босқичга чиқишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сонли Фармони
2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сонли “Ўзбекистон республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сонли “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори.
4.https://agros.uz/uz/

Ubaydullaev A.T. *- NamMTI tayanch doktoranti*

KICHIK BIZNESNI MAHALLIY DARAJADA BOSHQARISHDA MAHALLIYLASHTIRISH AMALIYOTLARINING AHAMIYATI

Import o‘rnini bosuvchi loyihalarni amalga oshirishda albatta, iqtisodiyotdagi tarmoqlarning rivojlanish darajasi, hududdarda xom ashyo resurslari mavjudligi, sanoat tarmoqlarining chetdan import qilinadigan tovarlarga qanchalik bog‘liqligi va ularning hajmi, shuningdek, sanoat tarmoqlari uchun ishlab chiqarishda doimiy ravishda talab etilishi, zarur infratuzilma mavjudligi hamda import o‘rnini bosuvchi mahsulotga, umuman iqtisodiyot tarmoqlarida talab qay darajada bo‘lishi mumkinligi o‘rganib borish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Agar mahsulot eksportga yo‘naltirilsa, tashqi bozorda ham unga talab bor-yo‘qligi aniqlanadi va shu asosda mahalliylashtirish loyihasi amalga oshiriladi.

Import o‘rnini bosuvchi loyihalarni amalga oshirishda ichki va tashqi bozorni o‘rganishdan tashqari ishlab chiqarish jarayonini to‘g‘ri va mukammal tashkil eta olish ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Bunda xom ashyoni qayta ishlashni to‘g‘ri tashkil etish va undan zarur birlamchi va ikkilamchi mahsulotlarni olishga erishish, ularni yana qayta ishlash, kerak bo‘ladigan texnologiya va bilimlarni qo‘llash, malakali mutaxassislarni jalb etish talab etiladi. Bundan tashqari, ishlab chiqarish jarayonini to‘g‘ri tashkil qilish va bozor bilan ishlashning shartlarini bilish – bularning hammasi ishlab chiqarish madaniyati sanaladi. Uni to‘g‘ri shakllantirish esa birinchi o‘rindagi vazifadir [4].

Demak hamma narsa bir-biriga uyg‘un bo‘lishi ham muhim. Bu bitta bosqich ikkinchisi tufayli to‘xtab qolishi kerak emasligini anglatadi.

Import o‘rnini bosuvchi loyihalarni amalga oshirishda ichki va tashqi bozorni o‘rganishdan tashqari ishlab chiqarish jarayonini to‘g‘ri va mukammal tashkil eta olish ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Iqtisodiyotda amalga oshiriladigan tub tarkibiy o‘zgarishlarning muhim yo‘nalishlaridan biri import o‘rnini bosuvchi, eksportga yo‘naltirilgan ishlab chiqarishlarni vujudga keltirish va rivojlantirish hisoblanadi [5]. Import o‘rnini bosuvchi, eksportga yo‘naltiruvchi ishlab chiqarishni vujudga keltirish uchun quyidagi bosqichlarda ishlar amalga oshiriladi:

- mamlakatga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish xamda xorijiy investitsiyalar ishtirokida qo‘shma korxonalar yoki sof chet el kapitaliga asoslangan korxonalar tashkil etish asosida yangi turdagi, ilgari mamlakatda bo‘lmagan mahsulotlar ishlab chiqarish tashkil etiladi;
- mamlakatda va uning hududlarida mazkur tayyor mahsulotlarning ba’zibutlovchi qismlarini mahalliy xom ashyo asosida ishlab chiqarish uchun yangi qo‘shma korxonalar, milliy korxonalar tashkil etilib, import o‘rnini bosuvchi, eksportga yo‘naltirilgan ishlab chiqarish yo‘lga qo‘yiladi;
- bunday mahsulotlar ishlab chiqarish kuchaytirilib, tayyor mahsulot tannarxidagi ulushi bosqichma-bosqich oshirib boriladi.

Yuqorida keltirib o‘tilgan amaliyotlar natijasida mehnat taqsimotini rivojlantirilib, ishlab chiqarishni ixtisoslashtirilishi asosida uning kooperatsiyalashuvi, ya’ni sanoat kooperatsiya aloqalarining kengaytirilib borishi yo‘li bilan amalga oshiriladi. Mehnat taqsimoti va ishlab chiqarishning ixtisoslashuvi, sanoat kooperatsiyalarining rivojlanishi asosida mamlakat va uning hududlarida raqobatbardosh, import o‘rnini bosuvchi, eksportga yo‘naltirilgan yangi ishlab chiqarishlarning tashkil etilishi jarayonlari ishlab chiqarishni mahalliylashtirish (productive localization) deb ataladi.

So'nggi yillardagi ilmiy nashrlarda "mahalliylashtirish" atamasining turli xil talqinlari mavjud. A.M.Vazyanskiy va S.Yu.Obydennovning fikriga ko'ra, ishlab chiqarishni mahalliylashtirish deganda asl chet elda ishlab chiqarilgan mahsulotlarni boshqa davlat hududida ishlab chiqarish jarayoni tushuniladi [6]. A.N. Makarov nuqtai nazarida mahalliylashtirish mahalliy ishlab chiqaruvchilar tomonidan xorijiy kompaniyalarga milliy xududda ishlab chiqarilgan butlovchi qismlarni oldindan mavjud ishlab chiqarish quvvatlari asosida yetkazib berishni nazarda tutadi [7].

Ishlab chiqarishni mahalliylashtirish rolini nazariy va uslubiy jihatdan asoslash “Import o‘rnini bosish” to’g’risidagi mavzuga so‘nggi paytlarda ham davlat organlari, ham olimlar e’tiborini kuchaytirmoqda. Xususan, import o‘rnini bosish sanoat tovarlari importini respublika va uning hududlarida ishlab chiqarilgan mahsulotlar bilan almashtirishga qaratilgan sanoat siyosatining bir turi sifatida qaraladi[8]. Import o'rnini bosuvchi tovarlarni mamlakatda ishlab chiqarish va shu munosabat bilan ularning importini qisqartirish yoki to'xtatish import o'rnini bosuvchi tushunchani aniqlashning yana bir yondashuvidir[9].

V.V.Zaryankin import o'rnini bosish tushunchasiga uchta muqobil yondashuvni shakllantiradi[10].

- Import o‘rnini bosish iqtisodiy kategoriya sifatida qaralishi va import qilinadigan tovarlar o‘rnini bosishga qaratilgan iqtisodiy munosabatlar tizimini ifodalashi mumkin.
- mahalliy tovarlar va xizmatlarni ishlab chiqarish, iste'mol qilish va eksport qilishning o'sishi, shu bilan birga import qilinadigan tovarlar va xizmatlarning iste'molini qisqartirish bilan birga iqtisodiy jarayon sifatida ifodalash;
- mahalliy ishlab chiqaruvchilarni rag'batlantirish orqali tovarlar va xizmatlar importini ratsionallashtirish va optimallashtirish bo'yicha davlat iqtisodiy siyosati sifatida ifodalash.

Bugungi kunda importning eng yuqori ulushi dastgohsozlik sanoati va mashinasozlik sanoatiga to‘g‘ri keladi. Import o‘rnini bosish nuqtai nazaridan mahalliylashtirish siyosati o'z hududida yangi ish o'rinlari va yangi ishlab chiqarishlarni yaratadigan, shuningdek, iqtisodiyotning bilim talab qiladigan tarmoqlarini rivojlantirishni rag'batlantiradi, mahalliy korhonalarni global miqyosda kuchli raqobatchilarga aylantiradi. Shundan kelib chiqib sanoat siyosati import o'rnini bosadigan va natijada mahalliy ishlab chiqarish hajmini ko'paytirishi kerak bo'lgan mahsulotlarini ishlab chiqarishni rivojlantirishga qaratilgan bo'lishi kerak[11].

I.D.Kotlyarov mahalliylashtirishni xorijiy kompaniyalar tomonidan ma'lum bir mamlakat hududida o'z ishlab chiqarish quvvatlarini shakllantirishni ifodalovchi murakkab hodisa deb hisoblaydi. Shu bilan birga, mahalliy ishlab chiqaruvchilar yakuniy mahsulotni ishlab chiqarishning ma'lum bir qator bosqichlarini (bir tsikldan to'liq tsiklgacha) o'zlashtiradilar[12]. “Mahalliylashtirish” atamasini ana shunday talqin qilish asosida D.Kotlyarov uning quyidagi shakllarini ajratadi: yakuniy mahsulotni ishlab chiqarish bosqichlari soniga, ularning texnologik murakkabligiga, marketing xususiyatlariga va boshqalarga qarab belgilanadigan birlamchi, ikkilamchi, uchinchi darajali mahalliylashtirish (1-jadval).

1-jadval. Mahalliylashtirish bosqichlari va ularning mazmuni

Maxalliylashtirish bosqichlari	**Bosqichlarning mazmuni**	**Maxalliylashtirish natijalri**
Birlamchi mahalliylashtirish	Tayyor mahsulotni ishlab chiqarishning yakuniy bosqichi mamlakat hududiga o'tkaziladi	Yangi ish o‘rinlarini yaratish, soliq tushumlarining o‘sishi, iste’molchilarning yakuniy mahsulotga kirishini soddalashtirish. Faqat yakuniy mahsulotni yig‘ish bosqichi mahalliylashtiriladi, importning real o‘rnini bosish yo‘q
Ikkilamchi mahalliylashtirish	Mahalliy ishlab chiqaruvchilar umumiy zanjirdagi ma'lum bo'g'inlarni almashtiradigan mahalliy ta'minot zanjirini tashkil qiladi	Chet el ishlab chiqaruvchilari va yakuniy mahsulot uchun alohida komponentlarning potentsial mahalliy yetkazib beruvchilarini bevosita va bilvosita rag'batlantirish choralarini amalga oshirish.
Uchinchi darajali mahalliylashtirish	Mamlakatda tashkil etilgan subpudratchilardan mahalliylashtirilgan, xorijiy ishlab chiqaruvchilar ehtiyojlariga xizmat qiluvchi, eksportga yo‘naltirilgan yakuniy mahsulotni mamlakatda ishlab chiqarishga yo‘naltirilgan milliy qiymat zanjirlari shakllantiriladi.	Yakuniy mahsulotni ishlab chiqarishga olib keladigan o'z qiymat zanjirini shakllantirish

“Mahalliylashtirish” tushunchasi iqtisodiy geografiyada qo‘llaniladigan “ishlab chiqarishni joylashtirish” tushunchasi bilan uzviy bog‘liqdir. Aytishimiz mumkinki, mahalliylashtirish bir qator xususiyatlarga ega bo'lgan holda joylashtirishning alohida holatidir.

Muallifning fikriga qo'shilishimiz mumkin, chunki milliy iqtisodiyotni uchinchi bosqichga chiqishga e'tibor qaratsak, u o'zining global qiymat zanjirini shakllantirish va yakuniy mahsulot bilan jahon bozoriga chiqish imkonini beradi.

Mamlakatimizda olib borilayotgan import o‘rnini bosish siyosati yildan yilga o‘z samarasini bermoqda. Bu chora tadbirlarni yanada takomillashtirish uchun quyidagi muammolarni bartaraf etish maqsadga muvofiqdir.

1.Импорт о‘рнини босиш сиёсатидаги маҳаллийлаштириш дастури то‘g‘рисида корхоналарда ахборотнинг камлиги ва бу дастурга кириш узоқ муддатни талаб қилиши;

2.Mahalliy kompaniyalar tomonidan ishlab chiqarilayotgan import o‘rnini bosuvchi mahsulotlar sifatining tushib ketishi;

3.Kichik va o‘rta biznes korxonalarida import o‘rnini bosuvchi mahsulotlar ishlab chiqarish bo‘yicha kam tajribaga ega ekanligi hamda tashqi iqtisodiy faoliyatni olib borish bo‘yicha malakasining kamligi;

4.Korxonalarda mavjud asbob-uskunalar hamda texnologiyalarning salmoqli miqdori jismonan yoki ma’naviy jihatdan eskirgani;

Fikrimizcha, hozirgi sharoitda viloyatdagi turli tarmoqlar va xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarda ishlab chiqarishni yanada kuchaytirishda import o‘rnini bosish dasturi doirasidagi imkoniyatlaridan kengroq foydalanish maqsadga muvofiqdir. Buning uchun esa quyidagi yo‘nalishlardagi rivojlantirish chora-tadbirlarning amalga oshirilishi zarur deb hioblaymiz:

-kichik biznes sub’ektlari tomonidan doimiy ravishda yirik sanoat korxonalari bilan aloqalarini o‘rnatish mumkin bo‘lgan hamkorlik imkoniyatlarini o‘rganib borish;

-import o‘rnini bosuvchi mahsulotlarni ishlab chiqarish uchun zarur shart-sharoitlar - moddiy-texnika bazasini kuchaytirish, asbob-uskuna va jihozlarni zamonaviy talablar asosida yangilash, ishlab chiqarishga tejamkor texnologiyalarni joriy etish, yuqori sifatli xomashyo va materiallardan foydalanish;

-eng muhimi – mutaxassis va xodimlarni malakasini oshirish, tajriba almashish ishlarini keng tashkil qilish;

-import o‘rnini bosuvchi mahsulotlar sifatini oshirish bo‘yicha tajriba va ilmiy izlanish ishlarini olib borish;

-samarali ichki va tarmoqlararo ishlab chiqarish aloqalarini rivojlantirish;

-import o‘rnini bosuvchi mahsulotning narxi, import qilinayotgan o‘xshash mahsulotdan yuqori bo‘lmasligini oldini olishga qaratilgan qo‘shimcha imtiyozlar ishlab chiqish maqsadga muvofiqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 01.05.2019 yildagi PQ-4302-son “Sanoat kooperatsiyasini yanada rivojlantirish va talab yuqori bo‘lgan mahsulotlar ishlab chiqarishni kengaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori.

2.O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. «Xalq so‘zi» gazetasi, 2020 yil 30 dekabr № 276 (7778) son.

3.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 02.03.2020 yildagi PF-5953-sonli “2017 — 2021 yillarda o‘zbekiston respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasini «ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili»da amalga oshirishga oid davlat dasturi to‘g‘risida”gi farmoni.

4.Kotlyarova, S.N. Rol lokalizatsii promыshlennogo proizvodstva v politike importozameщeniya / S.N. Kotlyarova, Yu.G. Lavrikova, L.M.Averina // Ekonomicheskie i sotsialnыe peremenы: faktы, tendensii, prognoz. – 2017. – T. 10. – № 5. – S. 115-127. DOI: 10.15838/esc/2017.5.53.8

5.Mahalliylashtirish – iqtisodiy rivojlanish omili // Murodxo‘jaeva F; Iqtisod va moliya / ekonomika i finansы 2014, 4 b-27.

6.Vazyanskiy A.M. Lokalizatsiya proizvodstva kak sposob innovatsionnogo razvitiya predpriyatiya /A.M. Vazyanskiy, S.B. Obыdennova // Sbornik nauchnыx trudov NGTU im. R.E. Alekseeva. – 2014. – № 7. – S. 2.
7.Makarov A.N. Lokalizatsiya proizvodstva produksii proizvodstvenno-exnicheskogo naznacheniya na territorii regiona kak tendensiya importozameщeniya / A.N.Makarov // Gumanitarnыe i sotsialnыe nauki. – 2011. – № 3. – S. 34-41.
8.Rayzberg B. Sovremennыy ekonomicheskiy slovar [Tekst] / B. Rayzberg, L. Lozovskiy, Ye. Starodubseva. – M.: INFRA-M, 2006. – 495 s.
9.Lavrikova Yu.G. Innovatsionnoe razvitie stroitelnogo kompleksa regiona na osnove klasternogo podxoda / Yu.G. Lavrikova, S.N. Kotlyarova // Ekonomicheskie i sotsialnыe peremenы: faktы, tendensii, prognoz. – 2014. – № 3 (33). – S. 169-181.
10.Zaryankin V.V. Rol importozameщeniya v sisteme mejdunarodnыx torgovыx otnosheniy /V.V. Zaryankin // Belarus i mirovыe ekonomicheskie protsessы: sb. nauch. st. – Vыp. 7. – Minsk: BGU, 2010. – S. 44-50.
11.Kotlyarov I.D. Lokalizatsiya proizvodstva kak instrument importozameщeniya / I.D. Kotlyarov //EKO. – 2016. – № 8. – S. 128-140.

Умаров Ф.У. *- Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти, катта ўқитувчи*

ЎЗБЕКИСТОНДА САМАРАЛИ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Инвестор учун мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш, унинг имкониятларини ҳисобга олиш муҳим масала саналади. Бугунги кунда Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳитини мунтазам равишда яхшилаб боришни таъминлаш устувор вазифадир. Бунда давлатнинг асосий вазифаси капитал жалб қилиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва унинг жозибадорлигини ошириш билан изоҳланади. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишдан манфаатдорлик ҳар қандай давлатнинг ўз инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишини талаб этади. Бу сиёсат хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос йўналишини, шунингдек, уларни жалб этишни рағбатлантириш тизимини аниқлаб беради ва инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса

ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Буни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз ва ишимизни шу асосда ташкил этишимиз шарт. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз кундалик ҳаётимиздан жой олган энг долзарб масалалардан бири бўлмоғи лозим" [1], деб таъкидлаб, хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ғоят муҳим аҳамиятини ва уни жалб қилишнинг долзарблигини эътироф этади. Жаҳон ҳамжамиятида глобализация жараёни кечмоқда. Глобализация жараёнига қўшилиш бу дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорликда бўлиш, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатининг ўзаро манфаатли асосда бу давлатлар сиёсатига мос келишидир. Шу нуқтаи-назардан Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдида бугунги кунда ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасида географик жойланиши, табиий ресурсларининг таркиби ва захираси, ҳукумат олиб бораётган инвестиция сиёсати ва бошқалар билан муҳим роль ўйнайди. Бу эса, ўз навбатида, хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун қулай инвестиция муҳити барпо этиш заруриятини кўрсатади. Шу мақсадда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан инвестицион муҳитнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони 2018 йил 2 августда эълон қилинди [2]. Ушбу фармонга кўра:

•Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик уч йиллик виза олиш ва унинг амал қилиш муддатини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш заруратисиз чекланмаган миқдорда узайтириш ҳуқуқи берилди;

•чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улушининг энг кам миқдори 30 фоиздан 15 фоизгача камайтирилди;

•чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг иштирокчиси сифатида хорижий юридик шахс қатнашиши шартлиги тўғрисидаги талаб ҳам бекор қилинди;

•Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги мамлакат иқтисодиётининг устувор соҳаларига катта миқдорда инвестиция киритган чет эл фуқароларига "Фахрий фуқаро" мақомини бериш тартибини жорий этиш бўйича таклифлар киритиши талаб қилинди;

•қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш;

•кўчмас мулк объектларини (меҳмонхоналар, савдо объектлари, маданий-кўнгилочар мажмуалар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим ва тиббиёт ташкилотлари, йўл инфратузилмаси ва бошқалар) қуриш учун ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини ауксион орқали сотиш.

Бундан ташқари “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунида ўз аксини топган Ўзбекистонда инвесторлар учун солиқ оғирлигини пасайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган солиқ сиёсати ва солиқ-тариф бошқаруви ислоҳотлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда [2]. Ривожланган мамлакатларда тўпланган бой тажрибалар, амалга оширилган ислоҳотлар, қабул қилинган қарорлар ва чора-тадбирларнинг туб моҳиятини ўрганиш, ютуқ ва камчиликларини илмий жиҳатдан танқидий таҳлил қилиш миллий иқтисодиётимизнинг тараққиёти учун ҳар томонлама дастак вазифасини ўтайди. Бинобарин, халқаро майдонда мавжуд бўлган бой тажрибалар, замонавий тенденциялар йилдан-йилга такомиллашиб, ўзгариб бормоқда. Хусусан, инвестицияларни жалб этиш, уларни экспорт ва импорт қилиш, инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, инвестицион фаоллик ва рақобатбардошликни ошириш билан боғлиқ масалалар шулар жумласига киради [3].

Жаҳонда хорижий капитални жалб этиш бўйича мамлакатлараро кескин кураш кетмоқда. Хорижий инвестициялар ҳажми, унинг сифати ва қулай шартлардан фойдаланиш борасида ривожланган мамлакатларда йилдан-йилага инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган инновацион инструментларнинг турли кўринишлари яратиб келинмоқда.

2021 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сеул шаҳрида Корея Республикасининг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашув ўтказдилар. Тадбирда Корея Республикаси савдо, саноат ва энергетика вазири Мун Син Ук, Корея халқаро савдо уюшмаси раиси Кристофер Ку, Корея Эксимбанки, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA), «SK Ecoplant», «Posco», «Samsung», «SK Nexilis», «Youngone», «KIA Motors», «K-water», «KT-Net» ва кўплаб бошқа компаниялар раҳбарлари иштирок этдилар. Хусусан, Ўзбекистон Президенти 2017 йилда Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи доирасида йирик бизнес-форум ўтказилган эди. 2019 йилда эса давлат раҳбарлари Тошкентдаги қўшма бизнес-форумда иштирок этдилар. Ушбу тадбирлар натижасида ишбилармонлар ўртасида ишонч кучайди, савдо-иқтисодий ва инвестициявий шериклик фаоллашди. Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳаларига бозор механизмларини жорий қилиш борасидаги жиддий янгиланишлар амалга оширилаётгани ҳам ҳамкорликнинг кенгайишига хизмат қилмоқда. Биргаликда бизнес юритишга ҳалал берган тўсиқлар бартараф этилди [9].

Икки давлат ўртасида, шу жумладан савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида тизимли алоқалар йўлга қўйилганлиги, Ўзбекистон Инвестиция ва ташқи савдо вазирлигида Корея Республикаси билан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун масъул алоҳида департамент тузилганлиги бугунги кунда ўз самарасини бериб келмоқда.

Шу билан бир қаторда тизимли ишлар натижасида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар мисли кўрилмаган юқори даражага кўтарилди.

Товар айирбошлаш икки баробарга ортиб, 2,2 миллиард долларни ташкил этди. Ўзбекистон иқтисодиётида Кореядан йўналтирилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 7 миллиард доллардан ошди. Кейинги беш йилда мамлакатимизда Корея сармояси иштирокидаги корхоналар сони икки баробар кўпайди. Бугун улар мингтадан ортиқ. Кореялик компаниялар билан биргаликда Ўзбекистонда умумий қиймати 9 миллиард доллардан зиёд 52 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, Корея компаниялари билан ҳамкорликда рақамлаштириш, “яшил” энергетика, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноати, фармацевтика, геология соҳалари ва бошқа кўплаб йўналишларда умумий қиймати 5 миллиард доллардан ортиқ 40 та янги лойиҳани амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди[9].

Шунингдек, тадқиқотимизни янада чуқурлаштириш мақсадида Сингапур давлатининг ривожланиш йўли, қўлга киритган “иқтисодий мўъжизаси” билан шуғулланган барча олимларнинг фикри бир муҳим нуқтага бориб тақалади. У ҳам бўлса, Сингапурда қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги. Айнан ушбу ҳолат туфайли инвесторлар томонидан бу янги давлатга кўплаб лойиҳалар киритиш амалга ошганлиги, ЯИМ ҳажми йилдан-йилга кескин ортиб бориши эътиборга лойиқ. Бугунги кунда ҳам инвесторлар томонидан Сингапур давлатига ҳеч иккиланмасдан капитал маблағлар йўналтириб келинмоқда. У ердаги инвестицион муҳит жозибадорлиги донор мамлакатларнинг доимий қизиқишига сабаб бўлмоқда[7].

Юқорида қайд этилган тажрибаларни ўрганиш асносида аниқ бўлдики, Жанубий Корея, Хитой ва Сингапур давлатларининг хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш борасидаги тажрибаларини Ўзбекистон шароитида татбиқ этиш, улардан фойдаланиш келажакда мамлакатнинг бундан-да юқори суръатларда ривожланишини, аҳолининг даромад манбаи кўпайишини таъминлашга хизмат қилади. Жумладан, ушбу давлатлар каби Ўзбекистонни ҳам халқаро ташкилотлар томонидан ўтказиладиган сўровномаларда фаол иштирок этиши, жаҳон мамлакатларининг инвестицион жозибадорлигини кўрсатадиган рейтингларнинг барчасида хусусан, “Глобал рақобатбардошлик индекси”, “Глобал инновацион индекс” ва “Бизнес муҳити ҳафи индекси”ларида иштирокини таъминлаш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш келажакда инвесторларнинг инвестицияларни киритиш бўйича қарорларига ижобий таъсир кўрсатади. Сабаби, хорижий инвестор бирор бир давлатга инвестиция киритишдан олдин, ўша мамлакатнинг инвестицион муҳити ҳақида ишончли маълумотга эҳтиёж сезади. Албатта, энг ишончли манбалардан бири бу халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан юритиладиган индекслар ҳисобланади. Бу индекслардан инвесторлар ўзларига керакли ва ишончли маълумотларни қўлга киритишлари мумкин. Шундай экан, юқорида номи келтирилган индексларда Ўзбекистонни иштирокини таъминлаш, Ўзбекистоннинг инвестицион муҳитини хорижий инвесторларга намоён қилишда ижобий аҳамиятга эга[7]. Шунингдек, Жанубий Корея, Хитой ва Сингапур давлатлари инвестицион муҳити жозибадорлигини оширишга

имкон берган навбатдаги омил бу мамлакат ҳудудлари тўғрисидаги инвесторларга керакли маълумотларни инвестиция қабул қиладиган давланинг маъсул ташкилотлари томонидан расмий сайтда Ўзбекистон ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини инобатга олган ҳолда, Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар бир ҳудуднинг (вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси) инвестицион муҳит жозибадорлиги бўйича “Йиллик статистик харита” эълон қилиб борилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, ушбу мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда қуйида икки таклиф этилаётган тадбирни ҳам Ўзбекистон инвестицион муҳити жозибадорлигини оширишга кўмак бўладиган омил сифатида амалиётга татбиқ қилиниши ўз ижобий самарасини кўрсатади: Давлат бюджети харажатлари ва киритилаётган инвестицияларни онлайн тарзда кузатиш имконини берадиган платформа яратиш лозим; Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғуланадиган расмий муассасалар томонидан инвесторларга бюрократик тўсиқларни юзага келишини олдини олиш ва ушбу муассасалар фаолияти шаффофлигини таъминлаш мақсадида инвесторларнинг мурожаатлари учун барча муассасаларни жамулжам қилган платформа яратиш керак. Бунда, инвестор қайси муассасага мурожаат қилишидан қатъий назар, ушбу мурожат тўғрисида қолган муассасалар боҳабар бўлиб туриш имконини беради ва бу бюрократия ва коррупцияни олдини олиш имконини беради.

Инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат. Хулоса ва таклифлар Бугунги кунда Ўзбекистонга хорижий инвестицияларнинг инвестицион маблағларини жалб этиш бўйича бир қатор масала ва муаммоларнинг ҳалигача очиқ қолаётганлигини таъкидлаш лозим бўлади. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишда давом этиб келаётган паст кўрсаткичнинг сабабларини аниқлаш мақсадида Ташқи ишлар вазирлиги (ТИВ) Ўзбекистонда ишлаш тажрибасига эга хорижий сармоядорлар, бизнесменлар ва молия ташкилотларининг экспертлари ўртасида сўровнома ўтказган.

Улар Ўзбекистонга сармоя оқимини тўхтатиб қўяётган қатор омил ва шароитларнинг баъзилари сифатида қуйидагиларни санаб ўтишган:

-банк-кредит тизимининг такомиллашмагани;

-сармоядорлар ҳуқуқларининг заиф ҳимояси ва етарли даражада самарали бўлмаган суд тизими;

-маъмурий-бюрократик тўсиқлар (кўплаб хорижий компаниялар ўз фаолиятини амалга ошириш учун лицензия ва рухсат олиш тартиб-қоидаларидан норози);

-паст инвестиция рейтинги [9].

Ўйлаймизки, юқорида келтириб ўтилган муаммоларни бартараф этишда рақамли иқтисодиётни самарали йўлга қўйилиши инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш йўлида тўсиқ бўлиб келаётган муаммо ва камчиликларни бартараф қилишда муҳим омили деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь № 271-272 (7229-7230) сони.
2.http://lex.uz, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3.Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент:Baktria press, 2017.-320 б.
4.Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2010. – Б. 153.
5.Ғозибеков Д.Ғ., Носиров Э.И. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: «Иқтисод-молия», 2007. – 92 б.
6.Ваҳабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: дарслик. -Т.: Baktria press, 2015. -584 б.
7.Зайниддинов Р.Х. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш борасида илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш йўллари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2020 yil
8.Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазири А.Комиловнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисидаги нутқи (Тошкент шаҳри, 27-май 2017 й.). http://www.mfa.uz/uz
9.https://yuz.uz/news

Умарова Н.Х. *– ТДИУ, таянч докторант*

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, вазифалар, турли хил иқтисодиёт тараққиёт дастурларининг ишлаб чиқилиши муваффақият гарови ҳисобланади. Шу билан бирга эришган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш ила хулосалар чиқариш, ишлаб чиқилган дастурларни янада такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 апрелдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналишда белгиланганидек, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давои эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш, хусусан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш мақсад қилиб қўйилган [1].

Мамлакатимизда саноат тармоқлари самарадорлигини ва рақобатбардошлигини ошириш борасида қатор ижобий ишлар амалга

оширилган ва бугунги кунда ҳам у давом эттирилмоқда. Минтақалардаги қурилиш саноатининг яхши ҳолати иқтисодиётга ва умуман давлатнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади ва молиявий ресурслар оқимини таъминлайди.

Мамлакатимизда бугунги кунда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг самарадорлигини ошириш, шу жумладан, қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш борасида анча ишлар амалга оширилмоқда. Қурилиш материаллари саноатини жадал суръатларда ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инвестицияларни жалб қилиш, соҳани модернизазиялашга қаратилган таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилда қабул қилинган “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари бунга яққол мисол бўла олади [2]. Ушбу қарорлар асосида қурилиш соҳасига илм-фан ютуқларини жорий этиш, шу билан бирга қурилиш материаллари саноати корхоналари молиявий хавфсизлигини таъминлаш рақобатбардош ва сифатли қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, умуман олганда шу соҳанинг ривожига янада ҳисса қўшади.

Эндиликда тармоқлар ичида саноатнинг ўрни тобора ортиб бораётган бир пайтда қурилиш материаллари саноатининг ўрни бўлакдир. Цемент, темир-бетон конструкциялари, девор материаллари, шиша ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида саноатда ҳам ички, ҳам ташқи бозор эҳтиёжларини қондириш учун катта имкониятлар мавжуд [3].

Қурилиш ва таъмирлаш учун зарур бўлган маҳсулотларни саноатдаги бир қанча туташ корхоналари ишлаб чиқаради. Улар жумласига ғишт, цемент, шағал, девор панеллари, пардозлаш материаллари, санитария-техник воситалари, том ёпиш материаллари, шиша ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи “Бекободцемент” ОАЖ, “Оҳангаронцемент” АЖ, “Оҳангароншифер” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ, “Карбонат” АЖ, “Кварц” АЖ, “GRAND TRADE PARKENT” МЧЖ, “TERMO DOM” МЧЖ каби корхоналар киради.

Ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳатлар ва саноат корхоналарининг ривожланиш стратегиясини изчил амалга оширилиши натижасида, қурилиш маҳсулотлари (цемент ва қурилиш ойнаси) ва ҳалқ истеъмоли моллари (шиша банка ва бутилкалар) ишлаб чиқаришда “Кварц” АЖ ва “Бекободцемент” ОАЖ жадал суръатларда ривожланиб бораётган стратегик корхоналарга айланди. Бу эса пировардида корхоналар мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, ижтимоий жиҳатдан аҳоли даромадлари ва тўлов қобилиятини ошириш имкониятини яратиб бермоқда[4].


Сўнгги рақамларга назар соладиган бўлсак, 2020 йилда қурилиш материаллари соҳасидаги корхоналар томонидан жами 22 трлн сўмлик, 2021

йилда эса 24,2 трлн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. 2016 йилда ушбу кўрсаткич 6,8 трлн сўмни ташкил этган бўлиб, ўсиш суръати 3,5 баробарга етди [5].



1-расм. Қурилиш материаллари саноатининг асосий кўрсаткичлари[1]

Хусусан, 2020 йил мабойнида 12,5 млн тонна цемент (ўсиш 45%), 20,2 млн. кв.м. қурилиш ойнаси (ўсиш 59,4%), 17,3 млн. кв.м. керамик плиткалар (1,8 баробар), 61 млн. кв.м. гипсокартон (2,1 баробар), 890 минг тонна қуруқ қурилиш аралашмаси (ўсиш 4,8 баробар), 340 минг тонна оҳак (ўсиш 13,7%), 2000 ўрам обой (ўсиш 89 баравар) ўсиши таъминланди. Айни кунда юртимизда 12 ярим мингга яқин қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритмоқда. Ўтган йилларда 120 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 180 тадан ошиб кетди [5].



2-расм. Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш[2]

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда қурилиш материаллари соҳасида кўзга кўринарлик ижобий ўзгаришлар

[1] Статистик маълумотларга асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган
[2] Статистик маълумотларга асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

кузатилмоқда. Бу соҳада ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари модернизациялашиб, нафақат ички бозорда, балки жаҳон бозорида ҳам талаб кучайиб бормоқда.

Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноатининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган саноат объектларининг, уй-жой фондининг, умумтаълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган давлат ва тармоқ дастурлари амалда татбиқ этилиши натижасида аҳолининг замонавий қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжлари сезиларли даражада қондирилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда импорт ўрнини босувчи сифатли ва нисбатан арзон замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва уларнинг экспорт салоҳияти ошириш борасидаги чора-тадбирларниамалга ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шунга кўра қурилиш материаллари саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган гипс оҳак керамик плиталари каби маҳсулотлар экспорти ортиб бормоқда. Шунингдек, 2016 йилда соҳа бўйича 55 млн долларлик экспорт амалга оширилган бўлса, жорий йил якунида бу кўрсаткич 288 млн долларни ёки ушбу даврга нисбатан 5,2 бараварни ташкил этади [5].

Қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақчадида бир қатор халқаро стандартлар қабул қилинди. Бу эса ҳудудларни комплекс ривожлантириш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга катта хизмат қилади.

Амалга оширалаётган комплекс чора-тадбирларга қарамасдан, қурилиш материаллари соҳасида ҳам бир қатор муаммолар мавжуддир. Қурилиш материаллари саноати корхоналрида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш, маҳсулотлар таннархини пасайтириш мақсадида замон талабига, халқаро стандартларга мос инновацион қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, рақамли технологияларни қўллаш, инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон. https://lex.uz/docs/5841063
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 20.02.2019 й. № ПҚ-4198 “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”.
3. Кадыров А., Аскарова М., Ахмедиева А., Ташматов Р., Алимханова Д., Якубов И., Исламов А., Ким Е., Хакимов Х. Региональная экономика. Учебное пособие. - Т.: Издательский дом Инновационного развития, 2018 г., 227 с.
4. Бурханов А. Корхоналар молиявий барқарорлиги: назария ва амалиёт. (Монография). – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2019. 160 б.
5. https://review.uz/

6. www.stat.uz

Умурзаков А.Т. *- ОБМ тингловчиси*

БАНК КРЕДИТЛАРИ АУДИТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Банк кредитлари аудитини такомилаштиришда ривожлаган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун банк кредитлари аудитини ривожлантиришда халқаро стандартлардан фойдаланиш керак. Қуйида аудитнинг халқаро стандартларидан бирини, яъни “Аудитнинг далиллар-аниқ белгиланган моддаларига тегишли қўшимча масалалар” деб номланган 501-стандартни келтириб ўтсак.

Ушбу Аудит халқаро стандарти(АХС)нинг мақсади молиявий ҳисобот ва бошқа ёритишларнинг муайян аниқ белгиланган суммалар юзасидан 500-АХС “Аудиторлик далил”ни тўплаш бўйича стандартларини белгилаш ва қўланма тақдим этишдан иборат.

Ушбу АХСда баён этилган стандартлар ва қўлланмадан фойдаланиш аудиторга молиявий ҳисобот ва бошқа ёритишларнинг аниқ белгиланган суммалари юзасидан аудиторлик далиллар олишга ёрдам беради.

Бу АХС қуйидаги қисмлардан иборат: А қисм - Товар моддий захираларини инвентарлашда ҳозир бўлиш; Б қисм - Дебиторлик қарзи қолдиғини тасдиқлаш; С қисм - Суд ишлари ва даъволарга тегишли сўровнома; Г қисм - Узоқ муддатли инвестицияларга баҳо бериш ва ёритиш; Д қисм - Сегмент бўйича маълумот.

Банк кредитлари аудитида аудиторлик далилларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларига, шунингдек уларни олиш мақсадида бажариладиган амалларга нисбатан қўйиладиган талаблар № 500 – “Аудиторлик далиллари” номли АХСда белгиланган. Ушбу стандарт талабларини барча аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувларини ўтказиш чоғида қўллаши мажбурийдир.

Аудиторлик далиллар назорат тестлари ва моҳияти бўйича муолажаларнинг тегишли мажмуининг ўтказилиши натижасида олинади.

“Аудиторлик далиллар” - бу аудиторлик хулосаси асосланган ва аудитор томонидан хулосани шакллантириш жараёнида олинадиган маълумот. Аудиторлик далиллар молиявий ҳисобот асосида ётадган дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб ёзувлари ҳамда бошқа манбалардан олинадиган тасдиқловчи маълумотларда иборат бўлади.

“Назорат тестлари”- бу бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари томонидан бажарилаётган вазифалар яроқли эканлигига аудиторлик далилларини олиш мақсадида бажариладиган тест синовлари.

АХС 500-стандартини етарли бўлган тегишли аудиторлик далиллар бандида айтилишича Етарлилик ва мувофиқлик тушунчалари ўзаро боғлиқ ва назорат тестлари билан бир қаторда, моҳияти бўйича муолажалар натижасида

олинган аудиторлик далиллар юзасидан қўлланилади. Етарлилик аудиторлик далилларнинг миқдорий ўлчамини ифодалайди; тегишлилик аудиторлик далилларнинг сифат ўлчами, аниқ белгиланган тасдиқ юзасидан релевантлиги ва улар ишончлиги ҳисобланади. Одатда, аудитор якуний эмас, кўпроқ ишонтирувчан бўлган аудиторлик далилларга таяниш лозим деб ҳисоблайди ва бир хил фикирни тасдиқлаш учун турли тавсифга эга бўлган ёки турли манбалардан аудиторлик далилларни тўплайди.


Аудитор хулосасини шакиллантиришда аудитор, одатда, мавжуд бўлган барча маълумотни текширмайди, чунки ҳисобварақлар қолдиғи, операциялар туркуми ёки назорат юзасидан хулосалар касбий мулоҳаза ёки статистик танлаб олиш асосида шакллантириш мумкин.

Аудиторлик далилларни ишончлиги уларнинг манбаи ҳамда уларнинг тавсифига боғлиқ. Агар аудиторлик далилларнинг ишончлиги алоҳида вазиятлардан келиб чиқса, қуйидаги умумий қоидалар аудиторлик далилларнинг ишончлигига баҳо беришга ёрдам беради: тижорат банкларидан банк кредитлари бўйича олинган аудиторлик далиллар (масалан, учинчи томондан олинган тасдиқ) ички манбалардан олинган аудиторлик далиллар ишончлироқ ҳисобланади; амалдаги бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг самарадорлигида ички манбалардан олинган аудиторлик далиллар ишончлироқ ҳисобланади; банк кредитларини текширишда бевосита аудитор томонидан олинган аудиторлик далиллар субъектдан олинган далилларга қараганда ишончлироқ ҳисобланади; ҳужжат шаклида ва ёзма тақдимотлар кўринишида олинган аудиторлик далиллар оғзаки далилларга қараганда ишончлироқ.

Банк кредитлари аудитида далилларини тўплашни такомиллаштириб боришни зарурлиги шундаки мамлакатни модернизация қилиш жараёнида янги техника, технологияларни шунингдек компьютер дастурларини янгиланиб бораётганлиги электрон имзо каби прогрессив ўзгаришларни амалга оширилаётганлиги аудит жараёнини ҳам шунга мослаб олиб боришни талаб қилади.

Аудитор банк кредитларини текшириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботидаги кўрсаткичларни тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши учун аудиторлик амалларининг кетма-кетликларига риоя қилинган ҳолда текшириш зарурдир. Банк кредитлари аудитида текширилиши лозим бўлган ҳужжатлар қуйидаги расмда келтириб ўтилган.

1-расм. Банк кредитлари аудитида текширилиши лозим бўлган ҳужжатлар.[1]



Аудиторлик текширувида зарур амалларнинг бажарилиши таъминланиши ва уларнинг натижасида аудитор етарли ва керакли аудиторлик далилларини олиниши шарт. Аудитор: мижоз, ташқи муҳит ва аудит қилинаётган ташкилот фаолиятига таъсир этувчи шароитлар, ички назорат тизими тўғрисидаги ахборотни ўрганади; турли манбалардан зарур ахборотларни олиб, бухгалтерия счетлари бўйича оборотлар ва қолдиқларни ўрганади; ҳисоботда ахборотларнинг очиб берилиши тўлиқлигини баҳолайди.

Аудиторлик текширувини ўтказишда аудитнинг сифати ва самарадорлиги муҳим ўрин тутади. Бунинг учун, аввало, аудитор текширилаётган мижоз корхонанинг ички назорат тизими ҳолатини чуқур ўрганиши лозим. Чунки ички назорат тизими аудиторлик таваккалчилигига бевосита боғлиқ бўлиб, текшириш жараёнида аудитор таваккалчиликни мақбул бўлган паст даражагача камайтириш аудиторлик амалларини қўллаш орқали ички назорат тизими ҳолатига баҳо бериши керак.

Банк кредитлари бўйича ички назорат тизимини баҳолаш банк кредитларини текшириш учун вақтни тўғри тақсимлаш ва текширув кўламини тўғри аниқлаш учун зарур ҳисобланади. Айнан ички назорат тизимига баҳо бериш орқали мижоз корхона фаолиятини текшириш дастури тўғри белгиланиши мумкин. Бундан ташқари ички назорат тизимига баҳо бериш ёрдамида аудиторлик ташкилоти мижоз корхонада уни тартибга солиш ва такомиллаштириш бўйича маслаҳат бериши мумкин.

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1-жадвал

Банк кредитлари аудитида молиявий ҳисобот моддаларини тўғрилигини баҳолаш мезонлари

Мезонлар	Тест саволининг мазмуни	Жавоб (Ҳа, йўқ)
Ҳуқуқ ва мажбуриятлар	Тижорат банки олдида қарздорлик мавжуд ва у қонуний шартнома асосида юзага келган Бухгалтерия ҳисобидаги барча ҳужжатлар ҳақиқий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида тузилган Кредит бўйича фоизлар кредит шартномасига мувофиқ тўғри тўланмоқда Кредитлар қонуний ва асосланган ҳолатдан олинган	Ҳа Ҳа Ҳа Ҳа
Тўлиқлик	Кредит суммалари тўлиқ ва ўз вақтида узилмоқда Кредит бўйича операциялар тўлиқ ҳажмда акс эттирилган. Ахборотларнинг тўлиқлиги бўйича бухгалтерия ҳисоби тамойилларига амал қилинган	Ҳа Ҳа Ҳа
Аниқлик	Бухгалтерия ҳисобида кредит бўйича операциялар қайси даврда юзага келган бўлса, ўша даврда акс эттирилган. Фоизлар кредит шартномаси бўйича аниқ ва ўз вақтида тўланмоқда.	Ҳа Ҳа
Мавжудлик	Инвентаризация натижалари банк олдида кредит бўйича қарзларнинг мавжудлигини тасдиқлайди Бухгалтерия ҳисобида кредит бўйича барча операциялар акс эттирилган.	Ҳа Ҳа
Тақдим этиш ва очиб бериш	Кредит бўйича қарздорлик турлари, тўлаш муддатлари бўйича тўғри таснифланган. Ахборотлар молиявий ҳисобот шаклларида очиб берилган.	Ҳа Ҳа
Баҳолаш	Кредит бўйича суммалар тўғри ҳисобланган ва молиявий харажатлар тўғри ўтказилган.	Ҳа

Мазкур баҳолаш мезони орқали банк кредитлари бўйича ички назорат тизими ҳолатини аниқлаш натижалари юзасидан ушбу тизимнинг ишончлилигини тасдиқлайди. Демак, мазкур мезон аудиторлик текширувининг кўлами ва муддати тўғри белгилаш имконини беради. Халқаро стандартлар бўйича тузилган ҳисобот бўйича қўшимча амаллар бажариш натижаларини акс эттириш мақсадида миллий молиявий ҳисобот аудитида қўлланиладиган мавжуд ишчи ҳужжатлар шаклларини такомиллаштириш, ҳисоботнинг ҳар бир турига тааллуқли алоҳида аудит бўйича аудиторлик амалларини ҳужжатлаштириш учун махсус ишлаб чиқилган ишчи ҳужжатларни тўлдиришга қараганда, жамланма ишчи ҳужжатини тўлдиришга сарфланадиган вақтни тежаш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Эрматов М.К. «Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари».Монография.Т.:«IQTISOD-MOLIYA» 2005 й.144 б.
2.Тулаходжаева М.М.ва бошқалар «Аудит» (дарслик). Т.ТДИУ, 2008 й.
3.Панова Г.С. «Анализ финансового состояния коммерческого банка». – М.: Финансы и статистика, 2001 202 с.

Халмурадов Э.Д. *- Давлат бошқарув академияси мустақил изланувчи*

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР АМАЛИЁТИДАГИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯЛАРНИНГ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Жаҳондаги мамлакатларнинг амалиётида корпоратив бошқарувнинг тарихи ва бу соҳада тўпланган халқаро тажрибалар корпоратив хўжалик юритиш шакли йирик бизнесни ташкил этишнинг кенг тарқалган шаклларидан бири эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу ҳолат, аввало, иқтисодий ҳамкорлик қилиш зарурияти халқаро интеграция, трансформация ва глобаллашувга олиб келаётганлиги учун содир бўлмоқда. Ушбу жараён доирасида ягона иқтисодий маконда давлатлар эмас, балки трансмиллий корпорациялар хўжалик юритиш субъетлари сифатида майдонга чиқмоқдалар.

Демак, корпорациялар фаолияти устидан назорат юритишнинг оқилона тизими инсайдерлик тизими деб олинадиган бўлса, у ҳолда назорат функцияларини ўз зиммасига олувчи орган ҳақида ўйлаб кўриш керак. Инсайдерлик назорат тизими акциядорлик тижорат банкларида йирик акциялар пакетига эга бўлган асосий инвесторнинг мавжудлиги ҳолатида ижобий натижа беради, чунки бу ҳолатда айнан шу акциядор иштирокида жамият бошқаруви фойдали ва қулай тарзда амалга оширилади. Келтирилган мулоҳазаларга таянган ҳолда, акциядорлар қўлидаги акцияларнинг концентрацияси даражаси бўйича икки моделни фарқлаш мумкин: инсайдерлик ва аутсайдерлик моделлари.

Биринчидан, инсайдерлик моделида – акциялар кичик гуруҳдаги акциядорлар қўлида бўлиб, ички назоратни қўлга олишади. Бу акциядорлар эркин шахс, оила аъзолари бирлашган шахслар бўлиши мумкин. Бундан ташқари назорат катта аҳамиятга эга бўлмайди.

Иккинчидан, аутсайдерлик модели акциядорлик жамиятининг капитали майдаланиб кетганлиги билан характерланади. Жамиятни назорат қилиш капитал бозори, банкротлик ҳолати, Кузатув кенгаши орқали амалга оширилади. Бу модель инсайдерлик моделига нисбати молиявий бозорнинг ривожланиш динамикасини таъминлайди, бу жамият тўғрисидаги ахборотларнинг очиқлигини кўрсатади.

Аутсайдерлик модели Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари учун мақбул деб хулоса чиқарса бўлади, чунки ҳозирги вақтда иқтисодиётни модернизация қилиш, жаҳон стандартлари талаби даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотларни экспорт қилиш, бу вазифалар учун акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни олиб кириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги замонавий жиҳозларни ўрнатиш талаб этилади. Бунинг учун акциядорлик корхоналарининг фаолиятини ички акциядорлар эмас балки ташқи йирик акциядорлар ҳам назорат қилишлари зарур деб ҳисоблаш лозим бўлади. Бу ишларнинг ҳаммаси

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизмининг тўлиқ ишлаши мумкинлиги, мамлакатимиз бизнес муҳитининг ривожланишига катта ижобий таъсир кўрсатади.

Тижорат банкларининг корпоратив бошқарувида коммуникация жараёнларини такомиллаштириш масаласига инсайдерлик ва аутсайдерлик корпоратив назорат моделлари амалда бўлган акциядорлик тижорат банкларидаги мавжуд ҳолатни таҳлил этиш орқали ёндашувни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Корпоратив бошқарувнинг Россия моделини ўрганиш қуйидаги хулосаларга олиб келди:

Биринчидан, Россияда қабул қилинган хусусийлаштириш усули акциядорлик капиталининг тарқоқлашишига олиб келди ҳамда корхоналар паст нархларда сотилиб, кўпчилик корпорациялар назорати менежерлар қўлига ўтиб кетди. **Иккинчидан,** давлат корпорациялардаги акциялар пакетини бошқаришда сусткашликка йўл қўйди. **Учинчидан,** фонд бозорининг воситачилик функцияси қимматли қоғозлар бозорининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатди. **Тўртинчидан,** банкротлик институтини мулкни қайта бўлиш ёки давлатнинг сиёсий таъсири сифатида ишлатилиши яққол сезилмоқда. **Бешинчидан,** Россия корпорациялари Бош директорларини самарали рағбатлантириш шакли ҳамда профессионал ёлланма бошқарувчилар институтининг мавжуд эмаслиги.

Жаҳонда акциядорлик тижорат банкларида коммуникация тизимларининг ривожланиши бир қатор ўзига хосликларга эга бўлиб, уларнинг ичида энг муҳими, албатта, халқаро муносабатларнинг глобаллашуви натижасида юз берган, деб айтиш мумкин. Ўтган асрнинг ўрталарида бошланиб, дунё иқтисодиёти ва инсоният тараққиётининг кейинги босқичларини белгилаб берган илмий техник тараққиёт (ИТТ) одимлари иқтисодиётнинг барча соҳалари каби ахборот технологияларининг изчиллик билан ривожланишига таъсир этганлигини мутахассислар таъкидлаб келмоқда[1]. ИТТнинг ахборот алмашинуви соҳасини ривожлантиришдаги ютуқлари, Интернетнинг вужудга келиши ва тезлик билан тараққий этиши инсоният тарихида янги босқич – халқаро муносабатларнинг глобаллашув босқичини очиб берди, давлатлар ўртасидаги чегараларнинг аҳамиятини пасайтиришга эришди. Бу ҳолатнинг мислсиз аҳамиятини эътироф этиш билан бирга, мамлакат ахборот хавфсизлиги нуқтаи-назаридан айрим муаммоларга олиб келганлигини қайд этиб ўтиш керак, албатта.

Америка Қўшма Штатларининг халқаро муносабатларда нафақат сиёсий, балки иқтисодий, молиявий, ахборот ва технологик таъсири йилма-йил кучайиб бораётган бир пайтда, ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатлари ҳимояга муҳтож бўлиб бораётганлигини қайд этиш лозим. Чунки АҚШнинг нафақат

---

[1]. Титаренко Г.А. Автоматизированные информационные технологии в экономике. - Москва: Компьютер, ЮНИТИ, 2008. - 400 с.

сиёсий, балки иқтисодий соҳаларда ҳал қилувчи мавқега эгалиги, ҳамда сўнгги бир неча ўн йиллар давомида ахборот-коммуникация технологияларидаги муваффақияти глобал иқтисодий муносабатлардаги ўрнини янада мустаҳкамлашга ва бошқа мамлакатларнинг манфаатларига зид равишда айрим қарорларни бир томонлама қабул қилишига олиб келмоқда. Бу ўз навбатида ривожланаётган ва қашшоқ мамлакатларнинг глобаллашув жараёнидан ҳақли равишда норозилигига сабаб бўлмоқда.

Халқаро глобаллашувнинг асосида, яъни унинг манбаи сифатида ахборот алмашинув технологияларининг тараққиёти ётганлиги кўпчилик мутахассислар томонидан қайд этиб келинмоқдаки, бунинг ҳақиқатлигини тан олишдан бошқа илож йўқ, албатта.

Ахборотлашган жамиятни шакллантириш тарафдорлари сифатида ўзларини намоён этаётган ривожланган мамлакатлар, аслида ахборот тўрлари тўқиш билан нисбатан секин ривожланаётган ёки қолоқ мамлакатларни ўз домига тортиб бормоқдалар. Етакчи мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга инвестиция киритиш баҳонасида уларда янги ахборот технологияларини талаб этувчи инфратузилмани яратиш билан машғулдирларки, бу ўз навбатида, ривожланган мамлакатларда яратилаётган ахборот маҳсулотларига талабни янада ошириш имкониятини беради.

Ҳозирги дунё инфратузилмалари ичида иқтисодий муҳитнинг ахборотлашуви муҳим аҳамият касб этиб бораётганлигини кузатиш мумкин. «Ахборотга эгалик – дунёга эгалик», деган нақлнинг нақадар ҳақиқатга яқин эканлигини, ахборотлашган жамият томонидан эришилаётган муваффақиятлар яққол кўрсатиб турганлигини эътироф этиш лозим, албатта. Мутахассисларнинг[1] ҳисоб-китобларига кўра ўтган асрнинг бошларида илмлар ҳажми эллик йилда икки баробарга кўпайган бўлса, ҳозирда бунга бир йиллик даврнинг ўзи кифоя қилмоқда, истиқболда бу давр бир ойгача камайиши мумкинлиги ҳақида фикрлар мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, глобал ахборот тизимида АҚШ бутун дунёдаги мавжуд компьютерларнинг 43 фоизига эгалиги сабабли муҳим ўринга эгадир (1.4-жадвал). Бу соҳадаги яқин рақобатчилар ҳисобланувчи Япония (7%), Германия (6%), Буюк Британия (5%), Франция (3%) ва Канада (3%) ундан анча орқадалигини қайд этган ҳолда, ривожланаётган мамлакатларнинг улуши йил сайин ортиб бораётганлигини эътироф этиш мумкин.

[1] Гусаков Н,П,, Зотова Н,А, Современные проблемы национальной безопасности// "Национальная безопасность" № 8-9, 2001

1-жадвал

Бугунги кунга жаҳонда мавжуд компьютерларнинг мамлакатлар бўйича тақсимоти[1]

Ўрни	Мамлакат	Улуши	Ўрни	Мамлакат	Улуши
1	АҚШ	42,9	18	Бразилия	0,62
2	Япония	7,03	19	Швейцария	0,57
3	Германия	5,98	20	Дания	0,51
4	Буюкбритания	5,43	21	Финляндия	0,49
5	Франция	4,3	22	Австрия	0,44
6	Канада	3,02	23	Норвегия	0,43
7	Италия	2,51	24	Польша	0.4
8	Австралия	1.9S	25	Ҳиндистон	0,37
9	Испания	1,81	26	Янги Зеландия	0.29
10	Нидерландия	1,2	27	Ирландия	0,28
11	Жанубий Корея	0,96	28	Португалия	0.27
12	Мексика	0,94	29	ЖАР	0,25
13	Тайвань	0,91	30	Индонезия	0,2
14	Швеция	0,76	31	Филиппин	0,2
15	Бельгия/Люксембург	80,6	32	Сингапур	0,2
16	Россия	0,68	33	Венгрия	0,17
17	Хитой	0,67	34	Чехия	0,14

***Haydarova A.K.** – OBM tinglovchisi*

KIMYO SANOATIDA INVESTITSION LOYIHALAR ASOSIDA YANGI TOVARLAR ISHLAB CHIQARISHNING IQTISODIY SAMARADORLIGI

Bugungi kunda dunyoda sodir bo’layotgan tashqi faktorlar sabab ba’zi rivojlanayotgan mamlakatlarning iqtisodiy ko’rsatkichlarining umumiy pasayishiga qaramay, O‘zbekiston iqtisodiyoti yetarlicha tez sur’atlarda o‘sishda davom etmoqda. Iqtisodiy ko'rsatkichlarning bunday darajasi yomonlashib borayotgan tashqi sharoitlarga javoban davlat tomonidan kuchli moliyaviy rag'batlantirish tufayli bir necha yil davomida saqlanib kelinmoqda. Noqulay tashqi muhitga qaramay, yomonlashib borayotgan tashqi sharoitlarni bartaraf etish bo‘yicha hukumat siyosatining doimiy rag‘batlantirilishi, tovarlar narxlarining bosqichma-bosqich ko‘tarilishi va islohotlar dasturini chuqurlashtirish tufayli O‘zbekiston yaxshi istiqbollarga ega bo‘lib qolmoqda.

O‘z oldiga 2030-yilga borib o‘rta daromadli mamlakatlar guruhining yuqori segmentidagi sanoati rivojlangan davlatga aylanishni maqsad qilib qo‘ygan O‘zbekiston bozor iqtisodiyotiga yo‘naltirishda davom etmoqda.

Mamlakatimiz iqtisodiyotini yanada rivojlantirish maqsadida mavjud sanoat korxonalarida tarkibiy o‘zgarishlarni chuqurlashtirish, uning yetakchi tarmoqlarini modernizatsiya va diversifikatsiya qilish, ishlab chiqarishni o‘zlashtirish orqali milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish, milliy tovarlarning tashqi va

[1] The World Competitiveness Report, World Economic Forum, Geneva, Switzerland. 2020.

ichki bozorlarda raqobatbardoshligini ta’minlaydigan prinsipial yangi turdagi mahsulotlar va texnologiyalarni joriy etish, eksport faoliyatini erkinlashtirish va soddalashtirish, eksport tuzilmasi va geografiyasini diversifikatsiya qilish, iqtisodiyot tarmoqlarining eksport salohiyatini kengaytirish ishlari jadal olib borilmoqda.

Jumladan, O‘zbekiston kimyo sanoati mamlakatimiz iqtisodiyotining asosiy tarmoqlaridan biri bo‘lib, uning uzoq muddatli va barqaror rivojlanishiga zamin yaratmoqda. Aynan kimyo sanoati sanoatning deyarli barcha tarmoqlarini xomashyo, turli materiallar va mahsulotlar bilan ta’minlovchi asosiy tarmoq bo‘lib, ularni rivojlantirish ko‘lami, yo‘nalishi va samaradorligiga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi.

So‘nggi yillarda kimyo sanoatini yanada isloh qilish va uning investitsiyaviy jozibadorligini chora tadbirlari amalga oshirilmoqda[1].

Kimyo sanoatini yanada takomillashtirish, yangi mahsulotlarni ishlab chiqarish evaziga jahon bozorlariga kirish, tashqi iqtisodiy faoliyatini yanada rivojlantirish maqsadida iqtisodiy samaradorlikka erishish uchun quyidagi ishlar amalga oshirilmoqda:

-kimyo sanoatida mahsulotlarining jahon tendensiyalarini chuqur o‘rganish va shu asosda jahon bozorlarida xaridorgir bo‘lgan keng turdagi kimyo mahsulotlari ishlab chiqarishni o‘zlashtirish, mahalliy mahsulotlarni yangi tashqi bozorlarga olib chiqish;

-respublikaga import qilinadigan kimyo mahsulotlari tahlili va kimyo ishlab chiqarishni mahalliylashtirish darajasini doimiy ravishda chuqurlashtirish, tarmoqlararo sanoat kooperatsiyasini kengaytirish;

-raqobatbardosh, jahon bozorida kimyo mahsulotlari ishlab chiqaradigan zamonaviy korxonalarni barpo etishga, mavjud ishlab chiqarish quvvatlarini modernizatsiya va rekonstruksiya qilish loyihalarini amalga oshirishga, shu jumladan. xorijiy investitsiyalarni jalb qilish hisobiga ishlab chiqarishni kengaytirish.

Umuman olganda, O‘zbekistonda sanoatning asosiy tarkibiy qismlaridan biri bo‘lgan kimyo sanoatini rivojlantirish uchun keng istiqbolli imkoniyatlar foydalangan holda zamonaviy yuqori texnologiyali ishlab chiqarishlarni yaratish, shuningdek, yangi bozorlarni o‘zlashtirishga qaratilgan investitsiya loyihalarini amalga oshirish uchun jahonning yetakchi ishlab chiqaruvchilarini jalb etgan holda, “O‘zkimyosanoat” AJ tizimi korxonalarida davlat kafolati ostida umumiy qiymati 2,4 mlrd dollarga teng bo‘lgan 7 ta investitsion loyihasi amalga oshirilib, xorijiy mamlakatlar moliyaviy institutlaridan 1 451,6 mln dollar (61%) mablag‘ jalb qilindi.

2022-yil 1-may holatiga tarmoq korxonalari tomonidan reja grafiklariga muvofiq 430,7 mln dollar (asosiy qarz 285,3 mln dollar), shu jumladan, 2022-yil yanvar-aprel oylarida 79,4 mln dollar to‘lovlar amalga oshirilib, korxonalarning tashqi qarzdorligi 1 166,3 mln dollarni tashkil qilmoqda.

Shu bilan birgalikda, 2022-yil yakuniga qadar yana 81,5 mln dollar to‘lovlar amalga oshirilishi kutilmoqda.

1 O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 03.04.2019 yildagi PQ-4265-son

Jalb qilingan xorijiy kreditlarning 52 foizi (758,9 mln dollar) Xitoyning “Eksimbank” bankidan, 40 foizi (580,5 mln dollar) Yaponiyaning JBIC hamda boshqa moliya institutlari, 8 foizi (112,2 mln dollar) Germaniya va Shveysariya banklaridan jalb qilingan kreditlar hisobiga to‘g‘ri keladi.

Loyihalar kesimida ko‘rib chiqadigan bo‘lsak, jami tashqi qarzning 73 foizi (1 066,5 mln doll.) “Navoiyazot” AJ tomonidan ammiak va karbamid hamda azot kislotasi ishlab chiqarish majmuasini qurish, polivinilxlorid (PVX) kaustik soda va metanol ishlab chiqarish majmuasini barpo etish loyihalarini amalga oshirish doirasida, 10 foizi (151,5 mln doll.) “Dehqonobod kaliy zavodi” AJning qurilishiga, 11 foizi (156,4 mln doll.) “Birinchi rezinotexnika zavodi” MCHJni qurishga, 5 foizi (77,1 mln doll.) “Qo‘ng‘irot soda zavodi” MCHJ QKning ishlab chiqarish quvvatlarini kengaytirish loyihalarini amalga oshirish uchun yo‘naltirilgan.

Mazkur loyihalarning ishga tushirilgandan bugungi kunga qadar 6 030 ta yangi ish o‘rinlari yaratildi, 756 mln dollarlik ekvivalentda mahsulotlar ishlab chiqarilib, 576,1 mln dollarlik mahsulotlar eksportga yo‘naltirildi hamda davlat byudjetiga 136,5 mln dollar ekvivalentda soliq to‘lovlari to‘lab berildi.

Iqtisodiy samara sifatida loyihalarning amalga oshirilganligi hisobiga tashqi qarz kreditlari bo‘yicha to‘lovlar to‘liq amalga oshirilgunga qadar 7,6 mlrd dollarlik ekvivalentida mahsulotlar ishlab chiqarilib, respublikada mazkur mahsulotlarga bo‘lgan talab to‘liq qondiriladi. Jumladan, 2,3 mlrd dollar eksport hisobidan valyuta mablag‘lari tushumiga erishilib, byudjetga qo‘shimcha 930,4 mln dollar ekvivalentda soliq to‘lovlarining amalga oshirilishi ta’minlanadi.

Bundan tashqari, “Navoiyazot” AJ misolida ko‘radigan bo‘lsak, investitsiya loyihalarining amalga oshirilishi hisobiga jamiyatda ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar tannarxida energiya resurslar ulushi 65-70 foizdan 47-55 foizgacha pasaytirilishiga erishildi. Jumladan, jamiyatning jismonan eskirgan ammiak va azot kislotasi ishlab chiqarishining 1-2 navbatlarining o‘rniga yangi ammiak va azot kislotasi ishlab chiqarishi quvvatlarning ishga tushirilishi natijasida 2020-yildan 2022-yilning aprel oyiga qadar 389,5 mlrd so‘m miqdorida 1078,3 mln kVt elektr energiyasining va 356,8 mlrd so‘m miqdorida 2,5 mln Gkal issiqlik energiyasining iqtisod qilinishiga erishildi.

2021-yilda polivinilxlorid (PVX) mahsulotini ishlab chiqarish yo‘lga qo‘yilishi natijasida 51 ming tonna mazkur mahsulot ishlab chiqarilib, ichki iste’molchilarga yetkazib berildi va buning natijasida qariyb 55 mln dollarga importni qisqartirishga erishildi. Joriy yilda ushbu ko‘rsatkich 1,9 barobarga oshishi hamda 116 mln dollarga import qisqartirilishi kutilmoqda.

2020-yil yakunida ishga tushirilgan ammiak va karbamid majmuasi ham o‘z samarasini bera boshladi. 2021-yilda qiymati 171 mln dollarga teng bo‘lgan 426 ming tonna karbamid va 313 ming tonna qo‘shimcha ammiakli selitra mahsuloti ishlab chiqarilgan bo‘lsa, 2022-yildan boshlab mazkur majmuaning to‘liq quvvatda ishlatilishi hisobiga qishloq xo‘jaligi iste’molchilariga mineral o‘g‘itlar barqaror yetkazib berilishi ta’minlanib 188 mln dollar ekvivalenti qiymatida qo‘shimcha 500 ming tonna karbamid hamda 315 ming tonna ammiakli selitra mahsuloti yetkazib berilishi kutilmoqda. Bu esa, o‘z o‘rnida, agrotexnik tadbirlar o‘z muddatlarida

o‘tkazilishini ta’minlash maqsadida qishloq xo‘jaligi mahsulotlari yetishtiruvchilariga mineral o‘g‘itlarning uzilishlarsiz yetkazib berish, respublikamizning azotli o‘g‘itlarga bo‘lgan ehtiyojini to‘liq qondirilishi, shu bilan birga, qo‘shni respublikalarga va uzoq xorijiy davlatlarga eksport qilish imkoniyatini yaratdi[1].

Hamidov H.X. *– TSUE, independent researcher*

INITIATIVE BUDGETING: PROSPECTS FOR DEVELOPMENT OF BUDGET TRANSPARENCY IN UZBEKISTAN

The main objectives of the public finance management system are to bring the public finance management system to a new level and further strengthen budget discipline, increase the transparency of the fiscal system, increase the efficiency and effectiveness of the use of the state budget funds of the Republic of Uzbekistan.

At the same time, enhancing public participation in the budget process will ensure that the objectives of the fiscal policy are consistent with the needs of citizens and government accountability.

As part of reforms undertaken in the republic, it has become relevant today to take measures to further expand the involvement of the citizens in the budget process, as well as the widespread use of mechanisms to ensure the participation of public in the discussion of priority and main directions of fiscal policy in the medium term.

In order to ensure the accelerated development of the national economy and maintain high growth rates in accordance with the adopted ***Strategy for Development of the New Uzbekistan for 2022-2026***, the allocation of at least 5 percent from the budget of each district has been set for addressing the most relevant issues identified on the basis of proposals of citizens under the Citizens’ Budget program.

Initiative budgeting is a mechanism which provides citizens to participate in the budget process aimed at addressing infrastructure issues of regions. Now, the concept of “Initiative Budget” has firmly in the consciousness of our people and has taken a worthy place in society. This demonstrates increased expansion of civic participation in the budget process in our country, the willingness of organizing a joint work to solve problems, as well as strengthening public confidence in spending budget funds.

This process is currently being improved on the following directions:

2019 – a mechanism of initiative budgeting implemented which ensures the allocation from local budgets to finance initiatives formed on the basis of public opinion (PR-3917 dated 22.08.2018);

2020 – allocation of 10% from additional sources of local budgets stipulated in the Law on State budget (LRU-589 dated 09.12.2019);

[1] https://uzkimyosanoat.uz/oz/press/news/davlat-kafolati-kreditlari

2021 – initiative budgeting process of distribution funds from local budgets expanded (additional 57,9 bln soum to local budgets, where Civil initiatives fund accumulated less than 1 bln. soum and 59,5 bln. soum to local budgets, where more than 100 projects submitted through the Portal) (PR-5072 dated 13.04.2021);

2022 – 5% of expenditures of local budgets directed for initiatives put forward by citizens to improve local infrastructure (PR-5072 dated 13.04.2021).

According to the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to ensure budget transparency and active citizens' participation the budget process" (PR-3917 dated 22.08.2018), the information portal "Open Budget" was launched on January 1, 2019, on which "Initiative budgeting" process will be carried out.

In order to expand the process of initiative budgeting, as well as the broad involvement of public in the budget process, the functioning of the Open Budget portal has been improved, including:

- adaptation of the portal to the process of suggesting and selecting activities informed by public opinion that are proposed for financing with local budgets;
- a broader citizens' engagement in budget process and voting;
- measures to improve user experience when using the portal on all devices;

According to the existing procedure for initiative budgeting, the process is carried out twice a year in following stages of implementing public initiatives:

1. submission of projects by citizens (on local infrastructure issues);
2. selection of proposals by Selection Committee according to a set of criteria;
3. putting to voting process of pre-selected projects;
4. identification of winning projects;
5. monitoring and supervision of implementation of winning projects.

In particular, the first phase of initiative budgeting will be held on February - March, the second phase on July - August.


1.Kichik biznesda bandlarning 62 foizidan ko‘prog‘i yakka tartibdagi tadbirkorlikda band bo‘lsa, atigi 16 foizi kichik korxona va mikrofirmalarga to‘g‘ri kelmoqda. Kichik korxonalarning bandlikdagi past darajalari Navoiy (11,3 %), Qashqadaryo (12,4 %) va Toshkent viloyatiga (13,2%) to‘g‘ri kelmoqda.

Kichik biznesda bandlarning 34,2 foizi qishloq xo‘jaligida, 12,7 foizi - sanoatda, 11,6 foizi qurilishda, savdoda 13,4 foizi va 28,1 foizi xizmatlar sohasida band.

Yuqoridagi bandlarning tarmoqlar kesimidagi tahlilidan ko‘rinib turibdiki, boshqa tarmoqlarga nisbatan yaratilayotgan ish o‘rinlari samaradorligi yuqori bo‘lgan sanoat tarmog‘ida kichik biznesning nisbatan past darajadagi o‘rnini ko‘rishimiz mumkin. Ushbu ko‘rsatkichni hozirgi o‘sish darajasining saqlanib qolishi kelgusida aholining ish haqi va tadbirkorlik faoliyatidan oladigan real daromadlarining oshishi bilan bog‘liq muammolarni keltirib chiqarishi mumkin. Bu holat davlatning aholiga ajratadigan ijtimoiy kafolatlarini cheklashiga olib kelishi mumkin.

3.Kichik bisnes sub'yektlari sonining savdodagi ulushi yuqori darajada saqlanib qolmoqda (jami kichik biznes sub'yektlarining 26,7%i yoki 63,7 mingta

sub'yekt). Chakana savdo tovar aylanmasida esa, 20,2%ni kichik bisnes va mikrofirmalarning ulushi tashkil etgan bo‘lsa, yakka tartibdagi tadbirkorlarning ulushi 69,4% ni tashkil etganini ko‘rishimiz mumkin, bu bank sektoriga pul tushumiga salbiy ta'sir ko‘rsatadi va kichik biznes sub'yektlarining soliq solinadigan bazasida nomuvofiqliklarni keltirib chiqaradi.

4.Hududlar kesimida kichik biznes sub'yektlari sonini qaraydigan bo‘lsak eng ko‘p sub'yekt Toshkent shahrida (22,6%), Toshkent (9,6%), Farg‘ona (8,8%) va Andijon (8,7%) viloyatlari o‘z faoliyatlarini yuritishmoqda. Bu to‘rt hududda kichik biznes sub'yektlarining umumiy sonining 50%i atrofida o‘z faoliyatini amalga oshirmoqda. Bundan ko‘rinib turibdiki, Sirdaryo (3,2%), Navoiy (3,3%) va Jizzax (4,2%) kabi respublikamizning boshqa viloyatlarida kichik biznes sub'yektlarining mavjud potensialidan yetarli darajada foydalanilmayotganidan darak bermoqda.

Mamlakatimizda kichik biznesning rivojlanishida qurilish va pardozlash materiallari, asbob - uskunalar, mashinasozlik ehtiyot qismlari va uskunalari, elektrotexnika, kimyo, farmatsevtika mahsulotlari, iste'mol tovarlarining ko‘plab turlarini ishlab chiqarish va boshqalar yuqori potensial ega sohalar hisoblanadi.

Kichik biznesning mamlakat iqtisodiyotiga qo‘shadigan hissasini oshirilishini, kichik sanoat zonalarining yaratilishi, investitsion muhit va raqobat muhitini yaxshilanishi, kichik biznes bilan davlat-xususiy sherikchiligi doirasida davlat xaridlari hajmini kengaytirilishi, yirik va kichik korxonalar o‘rtasida o‘zaro manfaatli hamkorlikni mustahkamlanishi, innovatsiya jarayonlariga tadbirkorlik sub'yektlarini jalb qilish orqali ko‘rishimiz mumkin.

Shuni ham ta'kidlash joizki, yetarli eksport salohiyatiga ega bo‘lgan, biroq ayni paytda yanada rivojlanish uchun yetarli darajada kapitalga ega bo‘lmagan muvaffaqiyatli va istiqbolli kichik korxonalarni moliyaviy qo‘llab quvvatlash katta ahamiyatga ega.

Ushbu chora-tadbirlarlarni samarali kichik biznes sohasida ko‘proq ish o‘rnini yaratishga, jahon bozoriga kirish imkoniyatlarini oshirishga yordam berib, mamkalatni eksport salohiyatini oshirishga va aholi daromadlarini oshishiga imkon yaratadi.

*****O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 17-avgustdani Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishni qo‘llab-quvvatlash davlat jamg‘armasini tashkil qilish to‘g‘risidagi qarori.

*****O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 5-oktabrdagi “Tadbirkorlik faoliyatining jadal rivojlanishini ta'minlashga, xususiy mulkni har tomonlama himoya qilishga va ishbilarmonlik muhitini sifat jihatidan yaxshilashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi farmoni.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию РУз”. 07.02.2017., № УП-4947.
2. ПостановлениеПрезидента РУз от 3 июля 2017 года ПП-3832 «О мерах по развитию цифровой экономики в РУз».

3. Постановление Кабинета Министров «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию и внедрению цифровой экономики в Республике Узбекистан от 31 августа 2018 года.
4. Гулямов С.С. va boshqalar. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: “Iqtisod Molia” nashriyoti, 2019. 386 bet.
5. Гаврилов Л. П. Электронная коммерция: учебник и практикум для вузов / 3-е изд., доп. Москва : Издательство Юрайт, 2019. -477 с.
6. Лапидус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией.–М.:ИНФРА-М,2018.-381 с.
7. Маркова В.Д. Цифровая экономика: Учебник для ВУЗ ов (Высшее образование: бакалавриат). –М: Инфра-М, 2019. -186 стр.

Ergashev X.Ch. – *OBM tinglovchisi*

MAHALLADA IQTISODIYOTNI KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIKGA INNOVATSIYA VA RAQAMLASHTIRISHNI JALB QILISH ORQALI RIVOJLANTIRISH (SURXONDARYO VILOYATI MISOLIDA)

Bozor iqtisodiyotiga o’tayotgan mamlakatlarda davlat boshqaruvi organlarini qayta tuzish tajribasi shuni ko’rsatadiki, o’ta markazlashtirilgan boshqaruv tizimi davlat tuzilishidan ko’p tizimli fuqarolik jamiyatiga o’tishda oliy davlat muassasalarining ko’pgina vakolatlari mahalliy xokimiyat organlariga, ulardan esa–fuqarolarning o’zini–o’zi boshqarish organlariga beriladi. O’zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan ijtimoiy–iqtisodiy islohotlar mahalliy hokimiyat organlarini boshqarish tizimini tubdan yangilash zarurligini ko’rsatdi. Chunki aynan mahalliy organlar tizimi davlatni boshqarish tizimining negizini tashkil etadi va qurilayotgan huquqiy demokratik jamiyatning mustahkam poydevori bo’lib xizmat qiladi. Mahalliy hokimiyat va o’zini–o’zi boshqarish tizimi har bir mamlakatning o’z milliy xususiyatlari, milliy va jahon davlatchiligi tajribalariga asoslangan holda tashkil etiladi va rivojlantiriladi. Mahalliy o’zini–o’zi boshqarish–mahalliy hududiy birlik aholisi–hudud jamoasi va uning saylab qo’yiladigan organlarining mahalliy ahamiyatiga molik ishlarni boshqarish faoliyati demakdir. Mahalliy boshqarish organlaridan farqli o’laroq, mahalliy o’zini–o’zi boshqarish organlari davlatga bo’ysunmaydi, ya’ni davlat ularga biron–bir majburiyatlar yuklashga haqli emas. Chet el olimlarining fikriga ko’ra, “o’zini–o’zi boshqarish” tushunchasi ilk bor mahalliy o’zini - o’zi boshqarish munosabati bilan buyuk frantsuz inqilobi davrida qo’llanila boshlagan va davlatga nisbatan jamoaning mustaqilligini tasdiqlash bilan bog’liq bo’lgan. Nemis olimining fikricha mazkur atama muallifi Prussiya vaziri baron fon Shteyn (1757 - 1831) bo’lib, u mahalliy o’zini–o’zi boshqarishning, davlat ishlarini boshqarishda fuqarolar ishtirokining faol shakli deb hisoblagan. Mahalliy o’zin–o’zi boshqarish (yoki munitsipal–munisipal–o’zini–o’zi boshqarish) deb, u yoki bu ma’muriy, hududiy birliklardagi aholining vakolatlarini ifodalovchi saylangan va uning ma’muriyati tomonidan amalga

oshiriladigan mahalliy ahamiyatga ega bo'lgan ishlarni boshqarishga nisbatan aytiladi 1985 yil 15 oktyabrda Yevropa Ittifoqi tomonidan qabul qilingan "Mahalliy o'zini–o'zini boshqarish to'g'risidagi Yevropa xartiyasi"ning 3 - moddasida bu tushuncha quyidagicha ifodalanadi, mahalliy o'zini–o'zi boshqarish deganda, mahalliy aholi manfaatlari asosida, qonunlar doirasida davlat ishlarining aksariyat qismini boshqarish va uni real uddalay olish qobiliyatiga aytiladi. Bu huquqlar erkin, yashirin, teng, to'g'ridan–to'g'ri, umumiy saylovlarda saylangan a'zolardan iborat kengashlar yoki majlislar tomonidan amalga oshiriladi. Kengashlar yoki majlislar o'zlariga hisobot berib boruvchi yoki ijroya organlariga ega bo'lishi mumkin. Bu qoidalar fuqarolar majlislariga, referendumlariga yoki fuqarolar to'g'ridan–to'g'ri ishtirok etishining qonun yo'l qo'ygan boshqa shakllariga murojat etishni istisno etmaydi[1]. XX asr oxiriga kelib o'zini–o'zi boshqarish tushunchasi va mazmuni ham ancha o'zgardi. G. Xollis va K.Plokker (Yevropa Ittifoqi ekspertlari) kabi olimlar mahalliy o'zini–o'zi boshqarishga doir tushunchalarni yangicha talqin qildilar:–"mahalliy boshqaruv"–davlat boshqaruvidan quyidagi barcha jihatlarni o'z ichiga oladi, "mahalliy hokimiyat"–"saylangan kengash va uning ijroya organlari vositasida o'z saylovchilari manfaatlarini ifoda etuvchi va harakat qiluvchi tashkilotlardir", "mahalliy o'zini–o'zi boshqarish" esa– milliy boshqaruvni quyi darajadagi demokratik muxtor birliklarning mahalliy aholi manfaatlari asosida jamoatchilik muammolarini aksariyat qismini muvofiqlashtirishi va boshqarishidir". O'zini–o'zi boshqarish organlari turli mamlakatlarda turlicha nomlanadi:

AQSh, Angliya, Italiya, Yaponiyada–munitsipalitet, Frantsiyada–kommuna, Pol'shada–gmina va h.k. Hozirgi paytda rivojlangan mamlakatlardagi o'zini - o'zi boshqarish organlarini saylovlar yo'li bilan barpo etish, ular faoliyatini moliyalashtirish, fuqarolarni o'zini–o'zi boshqarishda, siyosiy qarorlar qabul qilish jarayonidagi ishtiroki, mazkur organlarning aholi ijtimoiy– iqtisodiy ahvolini yaxshilashdagi o'rni yuksak maqomga ko'tarilgan. O'zbekiston Respublikasida mahalliy o'zini–o'zi boshqarish tizimiga kelsak, uning tashkil etilishi va faoliyati boshqa davlatlarning mahalliy (munitsipal) tizimidan bir qator jihatlari bilan farq qiladi[2].

O'zbekuistonda mahalliy o'zini–o'zi boshqarishning asosini: a) O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi; b) O'zbekiston Respublikasi qonunlari va boshqa qonun hujjatlari; v) mahalliy hokimiyat organlarining hujjatlari tashkil etadi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining XXI bobi mahalliy davlat hokimiyati asoslari masalalariga bag'ishlangan. 99–moddada viloyatlar, tumanlar va shaharlarda (tumanga bo'ysunmaydigan shaharlardan, shuningdek shahar tarkibiga kirgan tumanlardan tashqari) hokimlar boshchilik qiladigan xalq deputatlari kengashlari hokimiyatning vakillik organlari bo'lib, ular davlat va fuqarolarning manfaatini ko'zlab o'z vakolatlariga taaluqli masalalarni hal etishlari qayd etilgan. Joylarda hokimiyatning taqsimlanish printsipiga asosan ikki mahaliy hokimiyat organlarini: vakillik va ijro etuvchi organlar faoliyat ko'rsatadi. Ular o'z faoliyatini yakkaboshchilik asosida amalga oshiradilar. Hokimlik instituti milliy an'analaridan kelib chiqib tashkil etilgan. 1991 yil 18 noyabrda qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining "O'zbekiston poytaxti– Toshkent shahrining

maqomi va uni boshqarish tizimi to’g’risida”gi Qaroriga asosan Toshkent shahrida vakillik va ijro etuvchi hokimiyatlarni o’zida mujassamlashtirgan Hokimlik instituti tashkil etildi. 1992 yilning boshida bunday amaliyot butun respublikada amalga joriy etildi.

O’zbekiston Respublikasi Konstittutsiyasiga muovfiq, hokim viloyat, tuman, shaharning oliy mansabdor shaxsi hisoblanadi. U tegishli hududdagi vakillik va ijro etuvchi hokimiyatni boshqaradi. Xalq deputatlari Kengashlari sessiyasini tayyorlash ishiga rahbarlik qiladi, sessiyalarni chaqiradi, uning ishini boshqaradi, bo’lajak sessiya haqida xabar beradi, shuningdek sessiyada qabul qilingan qarorlarni imzolaydi. Xalq deputatlari Kengashlari hokimiyatning vakillik organlari bo’lib, fuqarolar mazkur organlarga o’z vakillari–deputatlarni saylaydilar. Mazkur deputatlar o’z saylovchilari olgan vakolatlarga muovfiq, ularning nomidan ish ko’radilar. Konstitutsiyaning 100–moddasida mahalliy hokimiyat organlari ixtiyoriga kiradigan masalalar qayd etilgan. Mazkur moddada mahaliy hokimiyat organlarining umumiy majburiyatlari aniq belgilab qo’yilgan. Mahalliy hokimiyat organlari ixtiyoriga qo’yidagilar kiradi: qonunchilikni; huquqiy tartibotni va fuqarolarning xavfsizligini ta’minlash; hududlarni iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy rivojlantirish; mahalliy byudjetni shakllantirish va uni ijro etish, mahalliy soliqlar, yig’inlarni belgilash, byudjetdan tashqari jamg’armalarni xosil qilish, mahalliy kommunal xo’jalikka rahbarlik qilish, atrof–muhitni muhofaza qilish, fuqarolik holati aktlarini qayd etishni ta’minlash, me’yoriy hujjatlarni qabul qilish hamda O’zbekiston Konstitutsiyasiga va O’zbekiston Respublikasi qonunlariga zid kelmaydigan boshqa vakolatlarni amalga oshirish. Bu vazifalarni mahalliy hokimiyatning ijro etuvchi va vakillik organlari birgalikda bajaradilar. Ko’rinib turibdiki, xalq deputatlari mahalliy kengashlari davlat hokimiyatining vakillik idorasi bo’lib, hududiy ijtimoiy–iqtisodiy rivojlantirishga rahbarlik qiladi [3].

Mahalla o’zini–o’zi boshqarishning asosiy bo’g’ini. Mahalla–O’zbekistonda ma’muriy– hududiy birlik, o’zini–o’zi boshqarishning xalqimiz an’analari va qadriyatlariga mos bo’lgan usuli. Mahalla (arabcha “mahalla”–joy, o’rin, makon)–O’zbekistonning muayyan tarixiy sharoitlarda, asrlar davomida shakllanib, faoliyat kursatayotgan, aholi yashaydigan ma’muriy– hududiy birlik–uyushma. Mahalla turli mintaqalarda mahallot (joy), guzar, jamoa, elat, elod nomlarda aytilib kelingan. Adabiyotlarda mahallalarning ko’p ming yillik tarixga ega ekanligi haqida ma’lumotlar borligi ta’kidlanadi. Masalan, Narshaxiy o’zining “Buxoro tarixi” asarida Buxoroda bundan 1100 yil ilgari bir qancha mahallalar qayd etib o’tilgan. Alisher Navoiy o’zining “Xayrat ul–abror” asarida mahallani “Mahalla–shahar ichidagi shaharcha”lar deb ta’riflaydi. Hirot shahri yuz shaharcha ahamiyatiga ega bo’lgan mahallalardan tashkil topganligini aytib o’tadi. Mahallalar ayniqsa, Amir Temur davrida ravnoq topgan. Mahallalar fuqarolarning kasb–kori asosida shakllangan va shunga qarab nomlangan. Masalan, zargarlik, misgarlik, ko’nchilik, pichoqchilik, qo’shiqchilik, temirchi, egarchi, taqachi, o’qchi, professorlar shaharchasi, shifokorlar shaharchasi, talabalar shaharchasi va hokazolar. Mahallalar kichik ma’muriy hudud bo’lishi bilan birga, turmush tarzi, qadriyatlar, an’analar, urf–odatlar umumiyligi bilan bog’langan kishilar jamoasi birligidir. Tarixning turli

bosqichlarida, tizimlar biri ikkinchisi bilan almashgan davrlarda mahallaning vazifasi o’zgarib turgan bo’lsada, uning asl mohiyati: marosimlarni birgalikda o’tkazish, o’z hududini batartib saqlash va obodonlashtirish, yosh avlodni ijtimoiy ruhda tarbiyalash, jamiyat hayotida tartib saqlashni ta’minlash, barcha an’anaviy me’yorlarning bajarilishi ustidan nazorat o’rnatish, urf–odatlarga rioya qilish va ularni buzgan, jamoat majburiyatlaridan bo’yin tavlaganlarni jazolashdan iborat vazifasi saqlanib qolavergan. Oqsoqollar mahallada eng hurmatga sazovor kishilar bo’lib, ular o’zlari yashayotgan mahallaga dog’ tushirmaslik uchun har bir yoshu–qari o’rtasida o’zlarining, axloq–odobiga oid tarbiyaviy fikrlarini bildirib kelgan. Mahallada insoniylik, odamiylik qadriyatlari saqlanib kelinmoqda. Mahalla ahli o’rtasida bag’rikenglik, keksalarga hurmat va ehtirom bilan qarash qadimdan avlod–ajdodlarimizdan bizgacha etib kelgan buyuk qadriyatlardir. SHuni alohida ta’kidlash joizki, mahallada jamoatchilik fikrining kuchi g’oyat katta. SHundan kelib chiqib, mahallada yashovchi har bir yoshu - qari mahalladagi qonun–qoidaga itoat etadi. Bu tartib qoidalar quyidagi axloqiy, estetik tamoyillarga suyanadi:

- Mahallada yashovchi aholi o’rtasida oilalarning inoq yashashi va mustahkam bo’lishi, er– xotinlarni ajrashishi xollarining g’oyat kam bo’lishi; - mahalla ko’chalarini gulzor va daraxtzor, salqin, ozoda, darvoza va devorlari suvalgan, oqlangan bo’lishi; - mahalla aholisi o’rtasida o’g’ri, ishsiz, ko’chada sanqib yuradigan bezori yoshlarning bo’lmasligi; - to’y va o’lim marosimlarini o’tkazishda, xasharlar uyushtirishda mahalla ahlining bir–biriga yordam berishi; - shu mahallalarda ziyoli, o’qimishli kishilarning ko’p bo’lishi; - mahalla aholisi o’rtasida oriyat, nomusning kuchliligi; - islomiy va umumbashariy qadriyatlarga amal qilinishi kabi ma’naviy, madaniy, axloqiy yuksak tamoyillardan iboratdir. Mamlakatimizning rivojlanish strategiyasi, islohotlarni chuqurlashtirish va jamiyatni yangilash borasidagi faoliyatimizda mahallalarning roli qanday va ularning oldida qanday vazifalar turadi: - aholining davlat va jamiyat ishlarida faol ishtirokini ta’minlash; - kam ta’minlangan oilalarni ijtimoiy himoya qilishda ishtirok etish; - eng muhim vazifa–mahallada yashovchi har bir shaxsning ongi, dunyoqarashi, ma’naviy kamolotini oshirish; - shu bilan birga maxalliychilik, millatchilik, diniy ekstremistik, terroristik g’oyalardan aholini saqlash;

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati

1.O’zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. - T.: O’zbekiston, 2011.33-34-b.
2.“Fuqarolar yig’ini raisi (oqsoqoli) va uning maslahatchilari saylovi to’g’risida”gi Qonuni. 2004 yil 29 aprel’.
3.O’zbekiston Respublikasi Prezidentinig 2001 yil 18 yanvarda qabul qilgan “Milliy istiqlol g’oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar” fani bo’yicha ta’lim dasturlarini yaratish va respublika ta’lim tizimiga joriy etish to’g’risida”gi Farmoni.”Ma’rifat” gazetasi, 2001 yil 20 yanvar.
4.“Davlat boshqaruini yangilash va yanada demokratlashtirish hamda mamlakatni modernizatsiya qilishda siyosiy partiyalarning rolini kuchaytirish to’g’risida”gi Qonuni. “Xalq so’zi” 2007 yil 12 aprel. 5.“Obod turmush yili” Davlat dasturi. – “Xalq so’zi”, 2013 yil 21 yanvar.

Эркинов М.Ҳ. *- Банк молия академияси ФА тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Жаҳонда ҳозирги кунда бир-бирига хос, лекин номлари турлича бўлган 2000 дан ортиқ ЭИҲлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 400 таси эркин савдо ҳудудлари, 400 таси илмий-ишлаб чиқариш ҳудудлари, 300 таси ишлаб чиқариш экспорт ҳудудлари, 100 таси эса махсус ҳудудлардан (оффшор марказлар, рекреатсия ҳудудлари, экологик-иқтисодий ҳудудлар ва туристик ҳудудлардан) иборатдир.

Замонавий жаҳон хўжалигини ривожланиши шароитида мамлакатлар миқёсида ЭИҲлар сонининг ўсиб бориши натижасида уларнинг экспорт салоҳияти, шунингдек яратилаётган иш ўринларининг сони ҳам ортиб бормоқда. Бу эса мамлакатларга келаётган валюта тушумларининг ва бандлик кўрсаткичларини ортишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, илмий адабиётларда ЭИҲларга умумий бир таъриф берилмаган. Россиялик олимлардан бири Д.Адрианов ЭИҲларга қуйидагича таъриф беради: “Эркин иқтисодий ҳудудлар миллий ҳудуднинг бир қисми бўлиб, иқтисодий муаммолар эчимини топишда кенг имкониятларни яратиб беради. Хорижий ҳамда миллий тадбиркорликнинг иқтисодий фаолиятида муҳим қулайликларни яратади”[1].


Э.Ф.Авдокушин эса “Эркин иқтисодий ҳудуд мамлакат ёки давлатнинг бир қисми бўлиб, аниқ бир ижтимоий-иқтисодий ва технологияларга оид муаммолар эчимини ҳал қилишга йўналтирилиб, иқтисодий фаолият юритувчилар учун махсус шарт-шароитлар яратиб берадиган бошқарувнинг махсус маъмурий тизимига эгадир”[2], деб таъкидлаб ўтган эди.

Бизнинг фикримизча ЭИҲлар мамлакатнинг шундай ҳудудики, бу эрга олиб кирилган товарлар божхона назорати ва солиққа тортилишдан озод этилади, яъни бу эрда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган ўзига хос имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тизимидан кенг фойдаланилади.

Жаҳон иқтисодий тизимида энг кўп қўлланиладиган эгалик шакли бу аралаш турдаги ЭИҲдир. Бироқ, кейинги вақтларда маҳаллий ёки чет эл хусусий капитали борган сари каттароқ рол ўйнамоқда ва ЭИҲда хусусий мулкнинг улуши ортмоқда. Бу тендентсия, нафақат, ривожланган давлатларда, балки ривожланаётган мамлакатларда ва ўтиш иқтисодиётили мамлакатларда ёрқин намоён бўлмоқда. Кўпчилик ЭИҲларда давлатга фақатгина эр ва инфратузилма обеъктлари тегишли бўлиб, асосий хўжалик субеъктлари сифатида маҳаллий ва чет эл хусусий компаниялар фаолият юритади.

[1] Адрианов В.Д. Специальные экономические зоны. Ж. «ЭКО», 1997. №3. – Стр. 42.

[2] Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебное пособие. – М.: «ИНФРА-М», 2004. – Стр. 120.



1-расм. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарнинг турлари[1]

Ҳар хил мамлакат ҳудудидаги имтиёзлар ва стимуллар бир-биридан фарқ қилади, аммо улар моҳиятан бир-бирига ўхшаш. ЭИҲни ташкил қилиш натижасида пайдо бўлган тажриба шуни кўрсатадики, уларнинг ҳар бири учун ўзига мос келувчи имтиёзлар ва стимуллар мавжуд.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда ЭИҲларнинг ташкил этилиши ҳудудий-хўжалик бошқарувининг энг самарали моделларидан бири ҳисобланиб, улар мамлакатнинг алоҳида олинган иқтисодий ҳудудларини инвестициялар ва илғор тажрибаларга кенг очиб бермоқда.

Хулоса ўринда, минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудудга эркин иқтисодий зона дейилади;

–жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви жараёнида миллий хўжаликларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз, эркин ҳолда иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш

[1] O’zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi tomonidan 1996 yilning 25 aprelida qabul qilingan “Erkin iqtisodiy zonalar to’g’risida”gi Qonuni, 5-8-moddalar.

масалалари бугунги куннинг энг долзарб аҳамият касб этувчи жараёни сифатида эътироф этилмоқда. Чунки, халқаро меҳнат тақсимоти асосида давлатларнинг ўзаро боғлиқ иқтисодиётга эга бўлиши ва ривожланиш жараёнида бир-бирини тақозо этиши уларни ўзаро манфаатли шартлар асосида муносабатларни йўлга қўйишга ундайди.

Суюнов Д.Х. *– ОБМ, кафедра мудири и.ф.д., проф.*
Хужамқулов Ф.Б. *- ОБМ тингловчиси*

МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида кичик кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг муҳим аҳамияти тўғрисида деярли якдил фикр шаклланган. Бунга мазкур соҳанинг етакчи мамлакатлар иқтисодиётида тутган ўрнини ифодаловчи айрим кўрсаткичлар ҳам далолат беради. “АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа мамлакатларда айнан кичик ва ўрта тадбиркорлик ЯИМнинг 40%дан то 80%га қадар бўлган аҳамиятли улушини киритиб, иқтисодиётнинг локомотивига айланган. Евростатнинг маълумотларига кўра, Европада савдо қилувчи 98% корхоналар кичик ва ўрта корхоналар бўлиб, улардан 70% ходимлари сони 9 кишигача бўлган микрокорхоналар ҳисобланади. Кичик ва ўрта тадбиркорликда Европадаги банд аҳолининг 67% меҳнат қилиб, мазкур соҳа томонидан яратилган қўшилган қиймат йилига 3,9 трлн. евро ҳажмида баҳоланади. Айнан кичик ва ўрта корхоналар соғлом рақобат учун майдон яратадилар, иш ўринлари билан таъминлаб, солиқлар тўлайдилар”[1].

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг фаолият самарадорлигига таъсир қилувчи муҳим жиҳатлардан бири – бу ташқи иқтисодий фаолиятдир. Кўплаб ижтимоий-иқтисодий функциялари қаторида унинг ташқи иқтисодий фаолият, айниқса, экспортни таъминлашдаги роли алоҳида таъкидланади. Жумладан, А.Кондратьевнинг қайд этишича, “кичик ва ўрта бизнес экспорт қилинаётган нохомашё ва юқори технологик маҳсулот ҳажмини, шунингдек, юқори қўшилган қийматли маҳсулотни кўпайтиришнинг табиий захираси сифатида майдонга чиқади. Ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта тадбиркорликнинг экспортга қўшган улуши 25%дан то 50%га қадар тебранади, масалан, Германияда 65%ни ташкил этади”[2]. Осиё мамлакатларида ушбу рақамлар янада аҳамиятли ҳисобланади. Масалан, Кореяда кичик ва ўрта корхоналарнинг экспордаги улуши 40%ни

[1] Большая надежда российского экспорта [Электронный ресурс]/ URL: https://www.gazeta.ru/eksport/2015/05/21_a_6696805.shtml

[2] Кондратьев А. Малый и средний бизнес: 40 % ВВП России к 2030 году? [Электронный ресурс]. URL: http://businessofrussia.com/2017_03 /monitoring/item/1531-vvp.html

ташкил этади, Хитойда 50%дан юқори, Шарқий Осиё мамлакатларида 40%га яқин ҳисобланади[1].

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият жуда серқирра тушунча бўлиб, илмий манбаларда турлича ёндашувлар мавжуд. “Масалан, И.В.Ершованинг фикрига кўра, ташқи иқтисодий фаолият деганда ташқи савдо, инвестицион фаолият ҳамда ишлаб чиқариш кооперацияси, валюта ва молия-кредит операциялари, халқаро товар, ахборот, иш, хизмат, интеллектуал фаолият натижалари, шу жумладан, уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича айирбошлашни ўз ичига олувчи бошқа фаолият тушунилади. Таърифдан кўринадики, ташқи савдо фаолияти ташқи иқтисодий фаолиятнинг турларидан бири ҳисобланади”[2].

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “Ташқи иқтисодий фаолият деганда Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади”[3] деб белгиланган.

Юқоридаги таърифдан кўринадики, у умумий тавсифга эга бўлиб, ундаги асосий мазмунга кўра, хорижий давлатлар билан ўзаро боғлиқликда амалга ошириладиган иқтисодий фаолият назарда тутилади.

Ташқи иқтисодий фаолият давлатлараро иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни тақозо этиши сабабли мамлакат ичидаги иқтисодий фаолиятга нисбатан юқори даражада ва мураккаб бўлиб, муайян тартиб ва таомилларга бўйсунади. Шунга кўра, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари сони чекланган бўлади. Бироқ, қонунга кўра, ташқи иқтисодий фаолият билан барча тадбиркорлик субъектлари шуғулланиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири)нинг “Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари” деб номланган 8-моддасида “Тадбиркорлик фаолияти субъектлари: ... ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга ҳақли”[4] деб белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири)нинг “Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари” деб номланган 5-моддасида “Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳисобланадилар”[5].

---

[1] Большая надежда российского экспорта [Электронный ресурс]/ URL: https://www.gazeta.ru/eksport/2015/05/21_a_6696805.shtml

[2] Тымчук Н.Б. Понятие внешнеэкономической деятельности // Юриспруденция. 2010. №3. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-vneshneekonomicheskoy-deyatelnosti

[3] Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида (янги таҳрири). 2000 йил 26 май, 77-II-сон. – www.lex.uz

[4] Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). 2012 йил 2 май, ЎРҚ-328-сон. – www.lex.uz

[5] Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). 2000 йил 26 май, 77-II-сон. – www.lex.uz

Юқорида таъкидланганидек, ташқи иқтисодий фаолият таркиби кенг ва турлича бўлиб, унинг таркибидаги аҳамиятли йўналишлардан бири ташқи савдо фаолиятидир.

“Ташқи савдо фаолияти халқаро товарлар, ишлар (хизматлар) савдоси соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятидир. Ташқи савдо фаолияти товарларни, ишларни (хизматларни) экспорт ва импорт қилиш йўли билан амалга оширилади. Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан уларни қайта олиб кириш тўғрисидаги мажбуриятни олмасдан олиб чиқиб кетилиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, товарлар экспортидир.Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига уларни қайта олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги мажбуриятни олмасдан олиб кирилиши товарлар импортидир”[1].

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини шартли равишда иккита гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчидан, кичик бизнеснинг экспорт фаолиятига ёрдам берувчи хусусиятлари бўлса. иккинчидан кичик бизнеснинг экспорт фаолиятига тўсқинлик қилувчи хусусиятлардир. Экспорт фаолиятига ёрдам берувчи хусусиятларни кичик бизнеснинг иқтисодий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қўйидагича тавсифлаш мумкин: кичик бизнес субъектлари фаолиятининг бозор конъюнктурасига тез мослашувчанлигини таъминлаш; хўжалик бошқарувининг ихчам ва содда тизимини таъминлаш; қўшимча иш ўринлари яратиш ҳисобига ишсизлик даражасини пасайтириш; иккиламчи бандликни таъминлаш орқали аҳоли даромадларини ўстириш; иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш; маҳсулот (иш, хизмат)нинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини ошириш; маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришни истеъмолчига яқинлаштириш; фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш; йирик ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг хом-ашё ва чиқиндиларини қайта ишлаш асосида фойдаланиш; йирик ишлаб чиқариш учун самарасиз бўлган буюм, бутловчи қисмлар ва жараёнларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

Ушбу ёндашув асосида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятига кўрсатилиши мумкин бўлган таъсир мазмуни ва даражасини баҳолашнинг услубий асосларини қуйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин (1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадики, кичик бизнеснинг иқтисодий вазифаларини деярли барчасининг экспорт фаолиятига таъсири ижобий тавсифга эга. Фақат биттаси – хўжалик бошқарувининг ихчам ва содда тизимини таъминлаш корхонада экспорт бўйича махсус мутахассис ва ходимларнинг мавжуд бўлмаслигига олиб келади. Бу эса, корхона фаолиятида мазкур жараёнга етарли эътибор қаратмаслик ёки унинг етарли даражада касбий маҳорат билан ташкил этилмаслигига сабаб бўлиб, ўз ортидан маълум муаммоларни келтириб чиқаради.

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). 2000 йил 26 май, 77-II-сон. 11-модда. Ташқи савдо фаолияти. – www.lex.uz

1-жадвал

Кичик бизнес иқтисодий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унинг экспорт фаолиятига кўрсатилиши мумкин бўлган таъсир даражасини баҳолашнинг услубий асослари[1]

Кичик бизнеснинг иқтисодий вазифалари	**Экспорт фаолиятига таъсир мазмуни**	**Экспорт фаолиятига таъсир даражаси (Т)**
Қўшимча (янги) иш ўринларини яратиш	Яратилган қўшимча иш ўринлари ҳисобига экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши	$Т_{қиў} = \frac{ЭМХ_{қиў}}{ЭМХ_{у}} \times 100\%$ бу ерда: $Т_{қиў}$ - қўшимча (янги) иш ўринларини яратишнинг экспорт фаолиятига таъсири; $ЭМХ_{қиў}$ - қўшимча (янги) иш ўринларини яратиш ҳисобига ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулоти ҳажми; $ЭМХ_{у}$ - умумий экспорт маҳсулоти ҳажми
Иккиламчи бандликни таъминлаш	Иккиламчи бандликни ошириш ҳисобига экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши	$Т_{иб} = \frac{ЭМХ_{иб}}{ЭМХ_{у}} \times 100\%$ бу ерда: $Т_{иб}$ - иккиламчи бандликнинг экспорт фаолиятига таъсири; $ЭМХ_{иб}$ - иккиламчи бандлик ҳисобига ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулоти ҳажми
Маҳсулот (иш, хизмат)нинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини ошириш	Янги экспортбоп маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ёки юқори сифатни таъминлаш ҳисобига экспорт ҳажмининг ошиши	$Т_{ям} = \frac{ЭМХ_{ям}}{ЭМХ_{у}} \times 100\%$ бу ерда: $Т_{ям}$ - янги экспортбоп маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг экспорт фаолиятига таъсири; $ЭМХ_{ям}$ - янги экспортбоп маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ҳисобига ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулоти ҳажми
Фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш	Ишлаб чиқаришда инновацияларни қўллаш ҳисобига экспорт ҳажмининг ошиши	$Т_{и} = \frac{ЭМХ_{и}}{ЭМХ_{у}} \times 100\%$ бу ерда: $Т_{и}$ - ишлаб чиқаришда инновацияларни қўллашнинг экспорт фаолиятига таъсири; $ЭМХ_{и}$ - ишлаб чиқаришда инновацияларни қўллаш ҳисобига ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулоти ҳажми

Буни С.Норицин қуйидагича тасвирлайди: “Кичик бизнесдаги асосий муаммолардан бири – ***хорижлик ҳамкор (контрагент)ларни топиш*** ҳисобланади. Кўпинча қийинчиликлар компанияда ТИФ учун масъул бўлган (валюта қонунчилигини ўрганган, барча ҳужжат шаклларини билган ва ҳ.к.)

[1] Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

ходимнинг мавжуд бўлмаслиги, логистик занжирни ишлаб чиқишдаги ноаниқлик билан боғлиқ. Демак, кичик бизнес корхоналарининг ходимлар сони нуқтаи назаридан ихчамликка интилиши, яъни кичик бизнес субъекти мақомига эга бўлиш мақсадида ўз ходимлар штати ва сонини сунъий равишда чеклаб туриш ташқи иқтисодий фаолиятдаги "бўшлиқ"ни юзага келтиради. Яъни, мазкур фаолият бўйича етарли билим, малака ва кўникмага эга бўлган мутахассисларга нисбатан қондирилмаган эҳтиёж вужудга келади. "Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, кичик ва ўрта бизнес экспорт фаолияти жараёнига ўта кучсиз жалб этилган бўлиб, бунинг асосий сабабларидан бири ТИФ масалалари бўйича ***билим ва ахборотларнинг етишмаслиги*** ҳисобланади. Ҳалигача экспорт фақат йирик компанияларнинг қисмати бўлиб, кичик ва ўрта корхоналарнинг мустақил равишда хориж бозорига чиқиши учун ресурслари етишмайди. Кўпчиликнинг фикрича, бундай компаниялар учун экспортни режалаштириш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келган муаммоларни ҳеч бир қўллаб-қувватлашсиз ҳал қилишларига тўғри келади"[1].

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари биринчи навбатда корхонанинг кўлами, яъни унинг иқтисодий фаолиятни тўлақонли амалга оширишда объектив равишда пайдо бўлувчи ҳамда турли кўринишдаги чекланиш ҳолатларини келтириб чиқарувчи жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, экспорт фаолияти билан шуғулланиш жиҳатидан қуйидаги тавсифдаги кичик бизнес корхоналарини биринчидан экспорт фаолияти билан шуғулланиш учун махсус ташкил этилган корхоналар ва иккинчидан, бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда, фойда ёки бошқа нафларни максималлаштириш мақсадида экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарга ажратиш мумкин.

Суюнов Д.Х. *– ОБМ, кафедра мудири и.ф.д., проф.*
Шерназаров Т.Р. *- ОБМ тингловчиси*

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Иқтисодиётни эркинлаштириш, ўз навбатида замонавий менежмент усулларини қўллаш орқали ўзига мос иқтисодий дастакларни яратишни тақозо қилади. Ана шундай дастаклардан бири бу - бугунги кунда ўта муҳим ҳисобланган корпоратив бошқарув тизимидир.

Умуман олганда, корпоратив бошқарув (менежмент) - бозор шароитида фаолият мақсадларига еришишга ва ресурслардан оқилона фойдаланиш йўли орқали фойда олишга йўналтирилган корпорация фаолиятини профессионал

[1] Основы организации экспортной деятельности в малых и средних предприятиях. Методическое пособие. – Липецкая торгово-промышленная палата, 2015. – С. 3.

даражада амалга оширишдир[1]. Тор маънода менежмент - бир шахснинг ёки шахс(менежер)лар гуруҳининг бошқа шахсларга улар хатти-ҳаракатини жунбушга келтириш натижасида фаолият натижавийлиги учун жавобгарликни ўзига олиш орқали қўйилган мақсадларга мос равишда еришишни англатади.

Корпоратив менежмент (сорпорате манагемент) ва корпоратив бошқариш (сорпорате говернансе) - бир хил нарса эмас. Биринчи иборада ишбилармонлик операцияларини амалга оширишда профессионал мутахассислар фаолияти тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, бизнесни юритиш механизмига еътибор қаратилади. Иккинчи тушунча анча кенг: у фирма фаолият юритишининг турли хил жабҳаларига тааллуқли бўлган кўпгина шахслар ва ташкилотлар ўзаро хатти-ҳаракатларини англатади. Корпоратив бошқарув менежментга нисбатан компанияга раҳбарлик қилишда юқори даражада туради. Корпоратив бошқарув ва менежмент функцияларининг кесишуви жойи фақат компанияни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда кузатилади.[2]

“Корпоратив бошқарув тушунчаси илмий ва амалий билимлар соҳаси ҳамда корпорация кўринишидаги йирик корхоналар фаолиятини ташкил етиш ва тартибга солиш билан боғлиқ амалий фаолият соҳасини ўз ичига олади”[3] - деб ёзади россиялик олим С.П.Кукура. Аммо корпоратив бошқарув нафақат йирик корхоналарни балки бошқа кўринишдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳам бошқаришни назарда тутиши лозим. Бошқа бир тадқиқотчининг фикрича: “Мулкдорлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг корхона фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш билан боғлиқ ўзаро муносабатлари корпоратив бошқарув ҳисобланади”.[4] Ушбу таърифда корпоратив бошқарув вазифаси фақат корхона фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш билан чегараланган. Бошқаришдаги тамойиллар, корхонанинг мақсади ва вазифалари кўзда тутилмаган. Россиялик олим С.А.Масютиннинг фикрича: “Корпоратив бошқарув - бу корхона менежерлари ва егалари ўртасида корхона фаолияти самарадорлигини таъминлаш ҳамда мулкдорлар ва бошқа иштирокчилар манфаатларини ҳимоя қилишга оид муносабатлар тизимидир”.[5] Бу ерда ҳам турли манфаатдор томонлар орасида самарадорликни қандай таъминлаш кераклиги, маблағнинг адолатли тақсимоти кўрсатилмаган.

Корпоратив бошқарув жуда кенг соҳа бўлиб, у фақат акциядорлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва йиллик йиғилишларни ўтказиш каби жиҳатлар билан чекланмайди. Директорлар кенгашидаги мустақил директорлар, алоқадор томонлар билан операциялар, ижрочиларга товон тўлаш, рискларни бошқариш тартиб-қоидалари, стратегик режалаштириш жараёни ва

[1] Мазур И.И., Шапиро В.Д., Ольдерогге Н.Г., Шеин В.Ш. «Корпоратив менеджмент». Учебное пособие. Москва, 2008. «Омега-Л».с. 19.
[2] Карапетян В., Грачева М. Журнал "Управление компанией"№1, 2004.
[3] Кукура С.П. Теория корпоративного управления. -М.: АО Издательство “Экономика”, 2004. с. 478.
[4] Хессель М. Корпоративное управление. М.: ИНФРА-М, 1996. – 163 с.
[5] Масютин С.А. Корпоративное управление: опыт и проблемы: Монография. –М.: ООО «Финстатинформ», 2003. с. 33

стратегияга нисбатан ҳақиқий натижаларни баҳолаш бир хил мозаиканинг ажралмас қисмидир. Ҳар қандай бозор об-ҳавосига бардош бера оладиган барқарор бизнесни яратиш, уни бош ва операцион директорлар алмашинуви фалокатга айланмаслиги учун “созлаш” – самарали корпоратив бошқарув тизимининг якуний мақсадлари шулардир[1].

Корпоратив бошқарув - бу самарадорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг даромадлилигини ошириш. Бу ерда эса мамлакатдаги иқтисодий ўсиш ва турмуш даражасининг юксалиши билан бевосита боғлиқлик бор. Корпоратив бошқарув ҳам барча акциядорларга нисбатан адолатли муносабатдир ва бу капитални жалб қилиш учун, айниқса, ташқи бозорларда муҳим аҳамиятга эга, чунки капитал бизнесни амалга оширадиган бизнесдир. Агар яхши корпоратив бошқарув мавжуд бўлса, у ҳолда капитал киради, лекин агар корпоратив бошқарув ёмон бўлса, капитал иқтисодий ўсиш суръати қандай бўлишидан қатъи назар, оқиб чиқа бошлайди ва инвесторларнинг бундай хатти-ҳаракатларига бутун дунё бўйлаб кўплаб мисоллар мавжуд деган фикрни Қозоқ-Британия савдо ва саноат кенгаши ҳам раиси Сэр Дэвид Вуттон билдиради.

Корпоратив бошқарув - бу қонун билан тартибга солинадиган ташкилий ва мулкий муносабатлар тизими бўлиб, унинг ёрдамида корпоратив ташкилот ўз инвесторлари, биринчи навбатда акциядорлар манфаатларини амалга оширади, ифодалайди ва ҳимоя қилади. Корпоратив бошқарувнинг учта доктринаси энг машҳур:· "агентлик";· “бошқарув”; Ижтимоий жавобгарлик” назарияси. Агентлик назариясига кўра, директорлар акциядорларнинг ходимлари бўлиб, улар олдида жавобгар бўладилар ва агентлар учун манфаатлари ҳамма нарсадан устун бўлиши керак. “Бошқарув” концепциясига мувофиқ, директорлар берилган ваколатлар, ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлган раҳбарлар вазифасини бажарадилар (яъни уларнинг мақоми кўтарилади); улар бошқаларнинг манфаати учун қонунга мувофиқ ҳалол ҳаракат қиладиган ҳар қандай муносиб шахс сифатида талаб қилинади. “Ижтимоий масъулият” назарияси “бошқа манфаатдор томонлар”ни ўз ичига олган “акциядорлик жамияти” тушунчасининг чегараларини кенгайтиради. Охирги концепциянинг доираси ходимлардан тортиб то ходимлар, кредиторлар, этказиб берувчилар, истеъмолчилар ва ҳатто маҳаллий ҳамжамиятгача ўзгариб туради[2].

Жахон экспертларининг фикрича, корпоратив бошқарув асосан акциядорлар, кредиторлар, ходимлар, мижозлар, етказиб берувчилар ва бутун жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда корхонанинг барқарор қийматини таъминлашга қаратилган. Агар корхона санаб ўтилган шахсларнинг манфаатларини эътиборсиз қолдирса, у асосий мақсадга - корхона ва унинг

[1] С. Бородина ва О. Швирковнинг “BRICS мамлакатларига инвестициялар. Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитойда рискларни баҳолаш ва корпоратив бошқарув” китобга сўзбошисидан.2021.

[2] Долинская В.В. Корпоратив бошқарув // “Давлат, ҳуқуқ, бошқарув” йиллик халқаро илмий-амалий конференция: Конференция материаллари. Москва, 2004 йил.

акцияларининг бозор қийматининг барқарорлигини таъминлашга эришиш учун хавф туғдирадиган салбий иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Корпоратив бошқарув бу компанияни самарали бошқаришни ташкил қилишда асосий манфаатдор шахсларнинг манфаатларини бирлаштиришни амалга оширилувчи ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий тадбирлар мажмуаси[1].

Хулоса қиладиган бўлсак, корпоратив бошқарув - бу бизнес бошқарув йўналишларининг энг классик ҳамда муваффақиятли кенг тарқалган шакли бўлиб, иқтисодиётдаги иштирокчилар – мулкдорлар, истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар бир вақтнинг ўзида бизнес юритилишида иштирок этиши, фойда кўриши учун бошқарувчи-менежерлар хизмат қилиши ва бизнесни самарали бошқаруви учинчи шахс-менежерлар томонидан олиб борилиши билан боғлиқ тизимдир

Корпоратив бошқарув тарихининг биринчи босқичи мустақил юридик шахслар ва монополиялар кўринишидаги хўжалик бирлашмаларини ташкил етилиши билан бошланган. Бу кўринишдаги биринчи бирлашма 1882 йилда Жон Рокфеллер томонидан бир неча нефт корпорацияларини қўшиш йўли билан ташкил етилган «Стандарт Ойл» компанияси бўлди[2]. Юқорида келтирилган шахс ва таҳлиллардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, корпоратив бошқарувнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши уюшмалар, ширкатлар, корпорациялар ва акциядорлик жамиятлари бошқаруви билан боғлиқдир. Тадбиркорлик бирлашмалари шаклларининг ривожланиш истиқболларига назар ташлайдиган бўлсак, акциядорлик жамияти бундан кейин ҳам юқори ва мукаммал тадбиркорлик бирлашмаси бўлиб қолади.

Айрим муаллифлар гуруҳининг назарида “корпоратив бошқарув” тушунчаси “корпорация” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ дейилган, аммо корпоратив бошқарувни фақат корпорацияларни бошқариш деб тушуниш керакмас[3]. Шунингдек, корпорацияларнинг ташкилий - ҳуқуқий хусусиятла-ри ва фаолият кўрсатиши, уларда бошқарувнинг кўп поғонали иерархиясининг мавжуд бўлиши муносабати билан корпорация акциядорлари ва менежменти ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш ва ваколатларни тақсимлаш билан боғлиқ корпоратив бошқарув муаммолари ҳамда корпорациянинг ташкилий таркиби ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлган бошқариш муаммоларини тадқиқ етишни бир-биридан фарқлаш лозим.

Давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига ўзгартириш жараёнида чиқарилган акциялар янги мулкдорларга белгиланган тартибда реализация қилинадиган пайтга қадар дастлабки жойлаштирилган давлат активлари ҳисобланади[4]. Давлат акцияларининг ҳаммаси ёки анча қисми хусусий шахслар мулкига айланиши билан бир вақтда корхоналар устидан

[1] Корпоратив бошқарув. Директорлар учун қўлланма.Муаллиф: KPMG (Жанат Бердалина томонидан таҳрирланган), Олмаота, 2007, 24-бет.
[2] Функ Я.И., Михалченко В.А., Хвалей В.В, АО. История и теория. -Минск. 1999.- с-272
[3] Акционерное дело: Учебник/ Под ред. Галанова В.А. –М.: Финансы и статистика, 2003. 12-с.
[4] “Акционерлик жамиятлари ва акционерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. “Халқ сўзи” газетаси. 2008 йил. 36-модда.

назорат ҳам хусусий шахслар қўлига ўтиши керак. Буни еса самарали йўлга қўйилган корпоратив бошқарув тизимидагина амалга ошириш мумкин.

Ундан ташқари, бугунги кунда корхоналарнинг аксарият қисмини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш зарурияти келиб чиқмоқда. Иқтисодиётнинг реал секторидаги корхоналар ишлаб чиқариш фондларининг ярмидан кўпроғи ескирган тадқиқотларнинг кўрсатишича модернизацияни хусусийлаштиришдан олдин ўтказиш керакми ёки хусусийлаштиришдан кейин ўтказиш керакми, деган саволга жавоб берганда, Ўзбекистон учун иккинчи вариант танлаб олиниши керак. Биринчидан, кенг кўламда модернизациялаш учун давлатнинг маблағи етарли емас. Иккинчидан, янги мулкдор корхонани қандай модернизациялаш кераклигини бошқалардан яхшироқ билади. Бундай ҳолда инвестицияларнинг реал манбаи ҳозирги вақтда хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг давлатга қарашли улуши сифатида пассив шаклда турган давлат активларининг ишлашини фаоллаштиришдан иборат бўлиши мумкин. Бу ўринда фақат очиқ-ойдин корпоратив бошқарув тизимининг мавжуд бўлишигина йирик молиявий лойиҳаларга муқаррар ҳамроҳлик қиладиган суистеъмолчилар ва қаллоблик ҳолларига чек қўйишини таминлаши мумкин. Акциядорлик жамияти учун корпоратив бошқарув ўта муҳим икки сабабга айланади. Биринчиси, ташкилотга егалик ва унинг бошқарув назоратини тақсимлаши зарур. Чунки, кўпчилик ташкилотлар ички иерархия ёки ягона бошқарув занжири тизимида ишлайдилар. Занжирда ташкилотни бошқаришда бевосита иштирок етишга таъсир қилувчи гуруҳлар акс еттирилган. Буюк Британиянинг фонд бозорида яхши ўрин егаллаган компаниялардан бирида худди шундай бошқарув занжири мавжуддир. Иккинчиси, ташкилотнинг кўпроқ масъулиятли ва очиқ-ойдин бўлиши нафақат бошқарув занжирининг “егалик қилаётганларга” ва “менежерларга” балки, манфаатдор томонларнинг кенг жамоатни қамраб олувчи барча қатламига ҳам тегишлидир[1], ўзининг имкониятлари бўйича ажралиб туради.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, корпоратив бошқарувни жорий етиш ҳам ташқи, ҳам ички инвестициялар кириб келишини рағбатлантиради. Бевосита чет ел инвестицияларини жалб етиш корхоналарнинг техник ва технологик даражасини оширишга, ишлаб чиқариш фондларини янгилашга (уларнинг ярмидан кўпроғи ҳозирги вақтда ҳам маънавий, ҳам жисмонан ескириб қолган) ҳамда илғор технологияларни жорий етишга имкон беради. Бу еса мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширади.

Корпоратив бошқарув тизими - бу кўплаб таркибий, ўзаро боғлиқ қисмларни йирик корхоналар, бирлашмаларнинг ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш фаолиятини ўз ичига олувчи мураккаб динамик ривожланувчи жараёндир. Бундай қисмлар жумласига қонунчилик қонун ости ҳужжатлари ҳамда корпорациялар фаолиятини таъминлаш ва мулкдорлар, бошқарувчилар ва кредиторлар томонидан уларни назорат қилишнинг ички механизми

[1] Корпоративное стратегия. Джонсон Д., Шоулз К., Уиттингтон Р. «Вильямс». 2007. с.-223.

ҳисобланган корпорацияларнинг ички меъёрий ҳужжатлари ёрдамида қонунчилик ва қонун ости ҳужжатларини амалга ошириш тизими киради[1]. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимининг шаклланиш босқичларини тадқиқ қилишда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш каби стратегик аҳамият касб етувчи жараёнларга алоҳида еътибор қаратилиши зарурдир.

Корпоратив бошқарув тизими тушунчасининг асл моҳияти ва мазмуни мавжуд манбаларда тўлиқ ўз аксини топмаганлиги туфайли ушбу тадқиқот доирасида бошқариш, хўжалик юритиш ва ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда фикр юритилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча корпоратив бошқарув - бу компания фаолияти самарадорлигини таъминлаш йўлида зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи елементлар мажмуи бўлиб, мулк егалари ва унда иштирок етувчилар ўртасида манфаатлар мувозанатини таъминлашга қаратилган комплекс бошқарув тизимидир. Корпоратив бошқарувни ривожлантириш учун бошқарув тамойилларини ўрганибгина қолмасдан, балки уларни қўллай билиш, яъни маълум мақсадларда кенгроқ татбиқ қила билиш ҳам зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини ҳамда жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлай оладиган кўп укладли иқтисодиёт ва рақобат муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратиш устувор вазифа этиб белгиланди.Шундай вазифалардан бири корхонларда корпоратив бошқарувни шакллантиришда иборат эди “Корпоратив бошқарувнинг асосий мазмуни акциядорлик жамиятининг фаолиятга жалб этилган турли шахслар мафаатлари мувозанатини ўрнатишдан иборат.”[2]

Корпорация (лотинча corporatio – бирлашиш) – бу умумий мақсадларга эришиш, биргаликда фаолият кўрсатиш учун бирлашган ва ҳуқуқнинг мустақил субъектини – ҳуқуқий шахсни ташкил қилган жисмоний ва ҳуқуқий шахслар бирлашмасидир.

Корпоратив бошқарувнинг мақсади акциядорлик жамиятига жалб қилинган турли шахслар гуруҳлари (акциядорлар, мениеижерлар, меҳнат шартномаси аъзолари, маҳаллий ҳокимият органлари, кредит берувчи банклар, етказиб берувчилар ва ҳ.к) манфаатларининг ўзаро уйғунлигига риоя этишдан иборат.

Маълумки, корпоратив бошқарувнинг вужудга келиши мулкка эгалик қилиш ва уни бевосита бошқариш вазифаларининг бир-биридан ажралиб чиқишига боғлиқ. Бундай ажралиш натижасида акциядорлик жамияти фаолиятини бевосита бошқарувчи ёлланма раҳбар (менежер)нинг аҳамияти ошади.Пировардида ўзаро муносабатларда иштирок этувчи турли гуруҳлар

[1] Хошимов А.А. Корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларнинг ривожланиш истиқболлари. Тошкент-2003, 66-б.
[2]Хашимов А.А Ўзбекистонда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни бошқариш метадологиясини такомиллаштириш:Иқтисод фанлари доктори илмий даражаси учун дисс.иши-Т.: 2007. Б-338.

пайдо бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз манфаатларини кўзлаб иш юритади. Шу муносабат билан акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарувнинг бош вазифаси жамиятнинг барча активларидан самарали фойдаланишдан иборат бўлади.

Юсупов Ш.А. *– ст.преп.ОКСОП ТГЭУ и УРГЭУ*

КОРРЕКТИВЫ ПАНДЕМИИ И ПЕРЕМЕЩЕНИЕ РЫНКА КАПИТАЛА

В связи с глобальными изменениями на рынке капитала, динамика потоков прямых иностранных инвестиций (ПИИ) в 2020 году во всём мире резко изменилась в сторону уменьшения. В последующих годах международный поток ПИИ начал восстанавливаться и в 2021 г. слегка превысил уровень 2019 г. При этом, целевой характер и направленность ПИИ изменился в сторону развития и улучшения инфраструктурной сферы и сферы услуг. К примеру, широкое внедрение цифровизации, увеличение количества и расширение существующих электронных платформ, обеспечивающих прозрачность, своевременность и качество выполнения работ, информационный доступ.



Рисунок 1. Динамика изменения глобального потока ПИИ Составлено автором.

Инвестиции, направленные на развитие производства, дешёвых материальных и трудовых ресурсов, остаются актуальными, но возможности привлечения таких инвестиций заметно ограничиваются. Это требует определенной перебалансировки в сторону развития, основанного на внутреннем и региональном спросе и услугах. Инвестиции в зеленую экономику, а также в инфраструктуру и бытовые услуги имеют достаточный потенциал для реализации намеченных Целей устойчивого развития (ЦУР).

Примерно в 150 государствах приняты или пересмотрены национальные стратегии устойчивого развития. Исследование ЮНКТАД обнародовало, что, большинство из этих стратегий нуждаются в финансовых ресурсах, но не очень многие из них содержат конкретные дорожные карты содействия инвестированию в ЦУР.

Действующие системы обеспечения повышения инвестиций, поддерживающие ЦУР, имеют ограниченное количество и не реализуются посредством системного подхода. Широкомасштабный подход в анализе национальных систем инвестиционной политики, проведенный ЮНКТАД, подчёркивает, что очень малое количество государств-членов ООН имеют разработанные методы содействия инвестированию в ЦУР. Государства поддерживают внутреннее инвестирование в ЦУР с помощью систем

поощрения. Такие ключевые сектора ЦУР, как здравоохранение, водоснабжение и санитария, образование и адаптация к изменению климата, не всегда регулируются определёнными требованиями по содействию инвестициям.

Программой ЦУР были обозначены конкретные усилия по содействию инвестициям в устойчивое развитие. Специально для либерализации или стимулирования инвестиций, предназначенных главным образом на транспортную сферу и инновации, а также производственной и сельскохозяйственной необходимости, по всему было принято примерно 150 инвестиционных мер. Но это количество не сделает погоду, чтобы переориентировать всю национальную инвестиционную систему на новое русло инвестирования в ЦУР.

Фонды по поддержке и финансированию устойчивого инвестирования заметно росли по числу, разнообразию и масштабам. По исследованиям и расчётам ЮНКТАД, «объём инвестиций на ЦУР в 2020 г. оценивался 1,2–1,3 трлн долларов», [1] в 2021 г. превысил 1,5 трлн долларов. При этом, на развитые страны приходится большая часть осваиваемых инвестиций (например, в высокотехнологичные сферы, освоение возобновляемых источников энергии).

Глобальные усилия, направленные на борьбу с пандемией, стимулируют рост программ устойчивых инвестиций посредством вложений в социальные облигации. Выпущенные в обращение социальные облигации в первом квартале 2020 года, обеспечили приток в объёме 55 млрд долл., и эта сумма намного больше социальных облигаций, выпущенных в 2019 году. В качестве поддержки и стимулирования обращения и увеличения социальных облигаций, со стороны фондовых бирж отменены сборы за размещение и участие в котировке.

Предположительно, в следующие 10 лет, «десятилетие достижения» ЦУР, рынки капитала предложат расширенный список, связанный с устойчивостью. Задача будет заключаться в том, как совместить рост с большей нацеленностью на вложение средств в связанные с ЦУР инвестиционные проекты в развивающихся странах, особенно в низко развивающихся странах.

В Узбекистане также 20 октября 2018 г. Кабинетом Министров разработано и утверждено постановление №841 «О мерах по реализации Национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года» и закреплено дорожной картой.

Последствия пандемийного периода будут сказываться ещё долго если вовремя не корректировать стратегические планы. Кризисы выявляют слабые стороны экономики и всегда служат катализатором процесса структурной трансформации, открывают новые возможности повышения устойчивости, выход на новый уровень, но при правильном стратегическом планировании. Глобальный приток прямых иностранных инвестиций для ЦУР зависит не

только от эффективного управления государством, но и регионального и глобального политического климата.

Инвестиционная политика — важная составляющая мер реагирования на пандемию. Несколько многосторонних групп, в том числе G20, выступили с заявлениями в поддержку международных инвестиций. Более 70 стран приняли меры по уменьшению негативного воздействия на ПИИ или ограждению отечественных производителей от поглощения иностранными компаниями.

В докладе Мирового банка 2021 года отмечено, что «объем как инвестиционных проектов «с нуля», так и международных слияний и поглощений (СИП) сократился более чем на 50 % в первые месяцы 2020 года по сравнению с годом ранее. В сфере глобального проектного финансирования, служащего важным источником инвестиций в инфраструктурные проекты, сумма новых сделок сократилась более чем на 40 %». [2] Но при этом, объём прямых иностранных инвестиций на инфраструктурные проекты превалировал инвестиции в физические активы, на создание и развитие цепочки стоимости, на рост добавленной стоимости.



Источник: Holston, Kaminsky, and Reinhart 2021, на основе информации из базы данных «Проекта Мэддисона» за 2020 год
(Гронингенский центр экономического роста и развития, факультет экономики и бизнеса Гронингенского университета,
Нидерланды), https://www.rug.nl/ggdc/historicaldevelopment/maddison/releases/maddison-project-database-2020?lang=en,
и из баз данных «Перспективы развития мировой экономики» (ПРМЭ) (информационная панель) Международного
валютного фонда, https://www.imf.org/en/Publications/SPROLLS/world-economic-outlook-databases.

Рисунок 2. Экономические последствия пандемии COVID-19 в исторической перспективе

По исследованиям и данным Всемирного банка о мировом развитии 2022 г. «на рисунке показана процентная доля стран, испытавших снижение своего валового внутреннего -продукта (ВВП) на душу населения в период с 1901 по 2021 год. Приведены данные по состоянию на 21 октября 2021 года.» [3]

Благодаря своевременно принятым действиям и мероприятиям главы государства Ш.М.Мирзиёева в Узбекистане на ранних стадиях пандемии 2020 года разработаны меры по поддержке реального сектора экономики, обслуживающей сферы, вследствие чего, бизнес функционировал на жизнеподдерживающем уровне.




Рисунок 3. Доля предприятий, имеющих просроченную задолженность либо ожидающих ее возникновения в течение шести месяцев, отдельные страны, май-сентябрь 2020 года

Воздействие, хотя оно велико везде, варьируется в зависимости от региона. Ожидается, что наибольшее сокращение ПИИ произойдет в развивающихся странах, поскольку те в большей степени зависят от инвестиций в отрасли, связанные с глобальными цепочками создания стоимости и добывающей промышленностью, пережившими большой удар, а также поскольку они не могут принять такие же меры поддержки экономики, как развитые страны.

Приток в развивающуюся Азию будет серьезно затронут из-за его уязвимости для сбоев в цепочках поставок, удельного веса в регионе ПИИ и глобальных факторов, требующих диверсификации географии производства. В 2019 году объем ПИИ в регионе сократился на 5 % до 474 млрд долл., несмотря на его увеличение в Юго-Восточной Азии, Китае и Индии.

Пандемия может иметь долгосрочные последствия для инвестиционной политики. С одной стороны, она может усилить сдвиг сторону более ограничительной политики допуска иностранных инвестиций в стратегические отрасли. С другой стороны, она может вызвать усиление конкуренции за инвестиции, когда страны будут стремиться преодолеть кризис. На международном уровне пандемия усилит необходимость реформы международных инвестиционных соглашений, поскольку меры реагирования правительств на эпидемиологический кризис и его экономические последствия могут создавать трения, связанные с выполнением обязательств по международным инвестиционным соглашениям.

Таким образом, дальнейшее развитие промышленного потенциала будут определять три ключевых технологических направления новой промышленной революции: автоматизация производственных процессов, расширение цифровизации цепочек поставок и технологии 3D печати. Каждое

из них будет оказывать заметное влияние на продолжительность, географическую структуру.

Развитие экономики, технологий, охват масштаба будут зависеть от перемещения рынка капитала. Перемещение рынка капитала, в свою очередь, зависит от чувствительности государства, региона, сферы к рискам неплатежеспособности.

Список использованной литературы:

1. Конференция ООН по торговле и развитию, ЮНКТАД
2. Доклад о мировых инвестициях 2020 г. Международное производство после пандемии. Издание Организации Объединенных Наций, в продаже под № E.20.II.D.23
3. Holston, Kaminsky, and Reinhart 2021, на основе информации из базы данных «Проекта Мэддисона» за 2020 год (Гронингенский центр экономического роста и развития, факультет экономики и бизнеса Гронингенского университета, Нидерланды), https://www.rug.nl/ggdc/historicaldevelopment/maddison/releases/maddison-project-database-2020?lang=en, и из баз данных «Перспективы развития мировой экономики» (ПРМЭ) (информационная панель) Международного валютного фонда, https://www.imf.org/en/Publications/SPROLLS/world-economic-outlook-databases.
4. Доклад о мировом развитии 2022 г. Финансирование в интересах справедливого восстановления. Международный банк реконструкции и развития / Всемирный банк.
5. https://nsdg.stat.uz/legislations/4
6. https://www.unescap.org/sites/default/files/9.%20Uzbekistan.pdf

Турдиев З.З. *- Банк-молия академияси тингловчи*

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МҮЛКИДАН СОЛИҚ УНДИРИШИ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Жаҳонда мулкий солиқлар дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатларида амал қилиб, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг муҳим омили саналади. Мулкдорлар томонидан мулкдан самарали фойдаланишга эришишда солиқлар воситасидан фойдаланиш, мулкий солиқлар тушумининг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги улушини ошириш борасида қатор таъсирчан чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Мулкий солиқлар маҳаллий бюджетлар даромадларининг «Канадада 40 фоизни, Буюк Британияда 30 фоизни, Францияда 20 фоизни ташкил қилади»[1]. «Мулкий солиқлар маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий манбаси сифатида Франция, Швеция, АҚШ каби давлатларда кўчмас мулк объектларини солиққа

[1] С.В.Балошко. Налог на недвижимость: опыт зарубежных стран Налогообложение имущества в зарубежных странах studme.org ekonomika nalogooblozhenie imusches https://studme.org/1317020420957/ekonomika/ nalogooblozhenie_ imusches

тортиш масалаларига, Германия, Канада, Нидерландия, Дания каби мамлакатларда ер майдонларини самарали солиққа тортиш масалаларига кенг устуворлик берилган»[1].

Жаҳон амалиётида юридик шахслардан мол-мулк солиқларини ҳисоблаш ва ундириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган кўпгина тадқиқотларда, ушбу солиқларни унификация қилиш орқали кўчмас мулк солиғини жорий этилиши билан маҳаллий бюджет даромадини тўлдирувчи манба сифатида солиқни ҳисоблаш ва ундириш механизмларини соддалаштиришга эришилган. Лекин, мазкур тадқиқотларда ер ва мол-мулк солиқларини ҳисоблаш хусусиятлари, маҳаллий бюджет даромадларини оширишда кўчмас мулк солиғидан оқилона фойдаланиш йўллари ҳамда солиқларнинг солиқ тўловчилар молиявий фаолиятига таъсири каби масалаларнинг чуқур таҳлил этилмаганлиги бу борада тадқиқотлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқаради.

О.А.Миронова ва Ф.Ф.Ханафеевларнинг 2005 йилда нашрдан чиққан ва "Налоговое администрирование" деб номланган дарслигида "Солиқ маъмурчилиги бу бозор иқтисодиёти шароитида солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштирадиган, солиқ муносабатларини бошқаришнинг динамик ривожланаётган тизими"[2] деб таърифлайдилар ва унда солиқ маъмурчилигининг моҳиятини ифодаловчи қуйидаги икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратадилар;

Биринчидан, солиқ маъмурчилигининг моҳияти, энг аввало, солиқ органларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи тизим сифатида талқин қилинаяпти;

Иккинчидан, солиқ маъмурчилигининг моҳияти солиқ муносабатларини бошқариш тизими орқали ифодаланиши қайд этилаяпти.


Бизнинг назаримизда, юқорида қайд этилган иқтисодчи олимаримиз, хусусан О.А.Миронова ва Ф.Ф.Ханафеевларнинг солиқ маъмурчилигига берган таърифларидаги "бозор иқтисодиёти шароитида" ва "динамик ривожланаётган" каби иборалар солиқ маъмурчилигининг моҳиятини ошиб беришда, маълум даражада, аҳамиятга эга бўлса-да, уларни моҳиятни ифодалашнинг ҳал қилувчи белгилари сифатида талқин этишда унчалик мақсадга эга эмас.

Лекин, умумий жиҳатдан олиб қаралганда, юқоридаги муаллифлар томонидан солиқ маъмурчилигига берилган таърифлар ўзининг қисқалиги ва маълум даражада, аниқлиги билан ажралиб туришини эътироф этиш жоиз. Бу берилган таърифнинг ютуғи сифатида кўрсатилишга арзийди. Шу билан биргаликда, фикримизча, улар томонидан солиқ маъмурчилигига берилган таърифларда солиқ маъмурчилигининг мазмун-моҳияти етарли даражада тўлиқ очиб берилмаганга ўхшайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, қайд этилган муаллифларнинг таърифида солиқ маъмурчилигининг моҳиятини

[1] Кундиус В.А., Иванова Ю.Н “Земельное налогообложение США и стран ЕС.” «Экономика и бизнес» Вестник Алтайского Государственого аграрного университета №11 (49) 2008 г стр 58-59

[2] Миронова О.А., Ханафсев Ф.Ф. Налоговос администрирование. Учебник. – М.: «ОМЕГА-Л». 2005. – с. 33.

очиб беришга хизмат қилувчи асосий ҳолатларнинг ҳаммаси ҳам инобатга олинмаган.



1-расм. Кўчмас мулк объектларини ўсишига таъсир қилувчи омиллар[1]

Юридик шахсларнинг мол-мулкларининг асосий хусусиятларидан бири шундан иборатки, улар ишлаб чиқариш жараёнида узоқ муддат хизмат қилади ва шу билан бирга ўзининг дастлабки жисмоний кўринишини сақлаб қолади. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган шароитларни яратиб беришда узоқ муддат қатнашса ҳам аста-секин эскириб боради ва эскирган қисмини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига амортизация ажратмаси кўринишида қисман-қисман ўтказиб боради. Шунинг учун ҳам корхоналар ушбу мол-мулклардан фойдаланиш жараёнида, уларни тўғри ва унумли ишлатиб, имкони борича кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни, ҳар ишлаб чиқаришга сарфланган ҳар бир сўмнинг рентабеллик даражасини оширилишини таъминлашга ҳаракат қилишади. Шунингдек, мавжуд қонунчиликка кўра барча корхоналар мол-мулклари учун бюджетга солиқ тўлаш мажбуриятига ҳам эгадир. Бу солиқлар суммаси мол-мулкларнинг миқдорига қараб мутаносиб равишда ўзгариши мумкин, яъни мол-мулкларнинг қиймати ошган сари солиқлар суммаси ҳам ошиб боради. Бундай солиқ сиёсати корхоналар диққатини ортиқча асосий ва айланма маблаглардан воз кечишига ва энг зарур бўлган мол-мулкларнигина олиб қолиб, улардан унумли фойдаланишга қаратади.

Жадвал маълумотларига кўра жами мулкий солиқлар тушумида юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг улуши 2017 йилда 2021 йилга нисбатан 6,8 пунктга ошганлигини кўриш мумкин.

[1] Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таркибида юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғинининг улуши, (фоизда)[1]

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2017	2018	2019	2020	2021
Давлат бюджети даромадларида жами солиқлар тушуми	100	100	100	100	100
Жами Давлат бюджети даромадларида мол-мулк солиғининг улуши	2,6	4,4	5,1	4,2	4,5
шу жумладан, юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг улуши	2,3	3,9	4,7	3,9	4,5
Жами мулкий солиқлар тушумида юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг улуши	86,0	90,1	92,6	92,3	92,8
Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги улуши	7,1	7,7	7,9	7,8	7,8

Бу ҳолатни солиққа тортиш тартибларини янада такомиллашиб бораётганлиги билан изоҳламоқ керак. Бунга бир хил аҳамиятли ва самарасиз бўлган имтиёзларни бекор қилинаётганлигини мисол келтириш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, агар корхона тенг тўғри чизикли усулдан фаркли амортизация усулини ўз ҳисоб сиёсатига мувофик танласа, унга амортизацияни икки марта ҳисоблашга тўғри келади: 1-маротаба – ҳисоб сиёсатида тасдикланган усул билан бухгалтерия ҳисоби учун, 2-маротаба тенг тўғри чизикли усул билан солиқ ҳисоби учун.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг кўчмас мулк объектларига нисбатан ушбу мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати солиқ солинадиган базадир**.** Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчи томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилмаган фаолият турлари амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган база солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган мол-мулк ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаган тақдирда, солиқ солинадиган база фаолиятдан олинадиган соф тушумнинг умумий ҳажмида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилган соф тушумнинг солиштирма салмоғидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлари асосида тузилган.

Суюнов Д.Х. *– ОБМ, кафедра мудири и.ф.д.,проф.,*
Вахидов А.А. *- ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОХИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бу экспортни ривожлантириш, экспорт таркибидаги қайта ишлаш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар улушини хамда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ташки бозордаги рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади. Иқтисодиётнинг энг мобил таркибий қисми ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобига, айнан шиддатли ракобат шароитида мамлакат экспорт салохиятини фаоллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсадларга эришиш учун муваффақиятли ва рақобатбардош корхоналар (айниқса инновацион ва юқори технологияларга эга бўлган маҳсулотлар ёки хизматларни ишлаб чиқарувчилар)ни рағбатлантириш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасига жалб қилиш, уларнинг экспорт салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, ходимларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги малака ва билимларини ошириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 20 августдаги мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқида бизнесни молиялаштириш, молия-кредит ва солиқ тизимини такомиллаштириш, бизнесга солиқ юкини имкон қадар камайтириш, ер ажратиш масаласи, бизнес учун зарур бўлган инфратузилмаии ривожлантириш, экспортёр корхоналарпи кўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни экспорт фаолиятига кенг жалб этиш, маҳсулотларимиз рақобатбардош бўлиши, янги бозорларга чиқиши, ҳудудлараро савдо ва кооперация алоқаларини боғлашда транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни қисқартириш, соҳадаги тартиб-таомилларни соддалаштириш, хусусий мулк дахлсизлиги борасидаги сиёсатни қатъий давом эттириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилган эркинлик миқёсини кенгайтириш, давлат идоралари аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликлар олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик давлат сиёсатининг устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий ҳамкорлиги минтақавий даражада ҳам, алоҳида корхона ва компанияларда ҳам юқори ривожланиш суръатлари билан ажралиб турибди. Республиканинг хорижий ҳамкорлар билан савдо-сотиқ алоқалари аниқ экспорт йўналишига эга. МДҲ мамлакатлари бозорларига экспортнинг барқарор йўналиши мавжуд. Ўзбекистон Республикасиниig МДҲга кирмаган мамлакатлар билан

экспорт улуши 72% ни (2000 йилда - 98%), импорт харидларида 62% ни (2000 йилда - 68%) ташкил этган.

Ҳозирги кунда “Экспорт салоҳияти” категориясини белгилашда турлича ёндашувлар мавжуд. Экспорт салоҳияти тушунчаси остида биз мавжуд ресурларни ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт қилиш имкониятини тушунамиз.

Экспорт салоҳиятини замонавий услублар асосида ўрганиб, синфларга бўлиш мумкин. Бизнинг фикримизча, экспорт салоҳиятини 2 синфга ажратиш мумкин:

1) Таркибий- экспорт салоҳиятининг таркибий элементларини ўрганиб, олинган натижаларга кўра;

2) Қиёсий - рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг иш фаолиятини баҳолаб, экспорт салоҳиятини таққослаш асосида олинган натижаларга кўра.

Яқин келажакда экспортга йўналтирилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг истиқболли йўналиш сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун эҳтиёж мавжуд бўлган хизматлар инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш;

мамлакатда экспортга йўналтирилган корхоналарни ривожлантириш ва фаоллаштириш соҳасида ягона сиёсатни амалга оширишда масъул бўлган таркибий бўлинмани шакллантириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини оширишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни янада такомиллаштириш;

солиқ сиёсатини эркинлаштириш асосида давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекталир экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ўрганиш зарурати бизнеснинг халқаро иқтисодий муносабатлари йўналишларининг кенгайиши туфайли вужудга келди. Ташқи бозорларга кириб бориш кичик бизнес субъектларининг ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар етказиб бериш ва рағбатлангириш ёки маълум вақт оралиғида керакли миқдорда рақобатбардош хизматлар кўрсатиш салоҳиятини аниқлаш корхонанинг экспорт салоҳиятини олдиндан баҳолашни тақозо этади.

Иқтисодчи олимлар экспорт салоҳиятини турлича талқин қиладилар, масалан, А.Б.Борисов уни «потенциал қобилият, мамлакатнинг мавжуд ёки ишлаб чиқарилган ресурсларини экспорт қилиш қобилияти» деб таърифлайди. Шу билан бирга, иқтисодий энциклопедияга, экспорт салоҳияти фақат экспорт қилиш қобилиятини эмас, балки «бутун миллий ишлаб чиқариш, саноат, алоҳида тармоқлар ёки корхоналарнинг зарур миқдордаги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш қобилияти» деб таърифланади. Бизнингча, Ю.А.Савинов ва А.Ю.Мигунов экспорт салоҳиятининг энг муваффақиятли талқинини таклиф этади: «экспорт салоҳияти бу - миллий иқтисодиёт, унинг

соҳалари, тармоқлари, корхоналар ва компанияларнинг қиёсий миллий устунликлардан (кенг кўламли табиий ресурслар, қулай географик, инфратузилмавий ва бошқа омиллар, юқори меҳнат унумдорлиги ва бошқалар) ҳамда илм-фан ютуқлари ва фан-техника тараққиётига асосланган янги рақобатли устунликлардан фойдаланиш йўли билан жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш қобилиятидир»[1]. Мамлакатнинг экспорт салоҳияти миллий рақобатдошлик тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу ҳам миллий иқгисодиётнинг бошқа иқтисодий агентларга нисбатан муваффақиягининг эквивалентидир. Муваффақиятга эришишда бўлгани каби, жамиятда мавжуд бўлган қадриятлар тизимига ва мамлакатлар қайси позициялар бўйича гаққосланишига қараб рақобатбардошликни тушунишда субъективлик мавжуд. Роббер Лоуренс «рақобатбардошлик» атамаси талқинларининг сермазмунлигини одамлар муҳаббат ёки демократия нима эканлигини қандай ва турлича тушунишлари билан таққослайди[2]. Ушбу хулосани «экспорт салоҳияти» атамасига нисбатан ҳам қўллаш мумкин, деб ҳисоблаймиз. АҚШ президенти ҳузуридаги рақобатбардошлик масалалари бўйича комиссия таърифига кўра, «рақобатбардошлик - эркин ва адолатли бозор шароитида мамлакатнинг халқаро бозор талабларига жавоб бера оладигаи товар ва хизматларни ишлаб чиқариш қобилияти»[3]. Миллий рақобатбардошлик иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларининг рақобатбардошлигига боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида ушбу тармоқларда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг рақобатбардошлигига ва пировард натижада ушбу корхоиалар ишлаб чиқараётган товар ва хизматларнинг рақобатбардошлигига боғлиқ бўлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини баҳолаш ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун зарурдир. Бугунги кунга келиб корхона экспорт салоҳиятининг турли хил таърифлари мавжуд. Хусусан, И.А. Русаков «корхонанинг экспорт салоҳиятини корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий имкониятларига асосланган, ўз маҳсулотларини чет элга сотиш, тўғридан-тўтри чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва халқаро саноат жараёнларида иштирок этиш қобилияти»[4] - сифатида тушунади. Ю.М.Токарев ва П.В. Маниннинг фикрига кўра, экспорт салоҳияти корхонанинг «экспорт учун рақобатбардош маҳсулотлар яратиш ва ишлаб чиқариш, уни ташқи бозорларда тарғиб қилиш, у ерда товарларни фойда билан сотиш ва керакли даражада хизмат кўрсатиш қобилияти»[5] сифатида таърифланади.

Корхонанинг экспорт салоҳиятини шакллантириш ва уни амалга ошириш самарадорлиги қуйидаги омиллар билан тавсифланади[6]:

1. Материаллар ва бутловчи қисмлар, ускуналар, технологиялар, ноу-хау импорта. Саноатда экспортбоп маҳсулотлар таннархида импорт таркибий қисмларининг улуши 40% ва ундан ортиқ бўлиши мумкин, чунки ички ишлаб чиқариш хорижий ишлаб чиқаришдан секинроқ ривожланади.

2. Халқаро кооперация. Маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлик

даражаси ҳар доим ҳам халқаро талабларга жавоб бермайди, шу сабабли корхоналар ҳамкорлик қилиши ва юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқиши керак.

3. Эркин иқтисодий зоналардаги (ЭИЗ) тадбиркорлик. Тадбиркорликнинг бу тури компанияга ўзи учун унда ташки бозорга чиқиш учун маҳсулот сифатини доимий равишда яхшилаш мумкин бўладиган оптимал «ниша» топиш имконини беради.

4. Контрафакт. Корхонада бундай маҳсулотларнинг мавжудлиги унинг рақобатбардошлигини сезиларли даражада камайтиради, шу сабабли бозорда контрафакт маҳсулотлар пайдо бўлишининг олдини олиш зарур.

5. Маданиятлараро маркетинг коммуникациялари ҳозирги кунда экспорт салоҳиятиии шакллантириш, амалга ошириш ва ривожлантириш нуқтаи назаридан энг истиқболли ҳисобланади. Синергетик самарага эришиш учун корхоналарнинг бизнес коммуникациялари, иқтисодий миссиялари ва халқаро кўргазма тадбирларини бирлапггириш зарур. Ҳам макро, ҳам микро даражада амалга оширилаётган ушбу тизимни бошқариш, уларнинг экспорт салоҳиятини самарали шакллантириш ва рўёбга чиқаришни кузатиш мақсадида корхоналарни узоқ ва яқин хориж бозорларига рағбатлантиришга қаратилади.

6. Давлат томонидан тартибга солиш. Экспорт фаолияти, айниқса, экспорт фаолиятини энди бошлаётган кичик корхоналар учун жуда мураккаб иқтисодий жараён бўлиб, сезиларли риск билан бирга молиявий харажатларни ҳам талаб қилади.

Мамлакатмизда экспорт салоҳиятининг кўрсаткичларини қўйидагича тизимлаштириш мумкин:

1. Мамлакат экспорт фаолиятининг жаҳон бозоридаги ҳозирги ҳолати. Экспортнинг реал ҳажмини, мамлакатнинг жаҳон бозорида эгаллаган улушини ва бошқа кўрсаткичларни баҳолашни назарда тутади;

2. Молиявий вазият. Мамлакат саноатини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг молиявий ва бюджет мақсадларини амалга ошириш натижаларини ўрганиш, яъии саноат корхоналарининг зарарини, ликвидлигини, рентабеллигини, саноат асосий фоидларининг амортизация даражасини, саноат корхоналарининг ўз айланма маблағларини таъминланганини ўрганиш;

3. Кадрлар салоҳияти. Тармоқ мақсадлариии амалга ошириш учун мамлакатнинг кадрлар имкониятларидан фойдаланиш таҳлили;

4. Инвестицион вазият. Тармоқни ривожлантириш учун шароитар яратиш нуқтаи назаридан мамлакат инвестицион муҳитини тавсифлаш;

5. Ишлаб чиқариш фаоллиги. Тармоқда мавжуд ресурслардан фойдаланиш, тармок корхоналари сони асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини тавсифлаш;

6. Нарх омили. Жаҳон нархлари, реал валюта курси динамикасининг хусусиятлари;

7. Ишбилармонлик муҳити. Мамлакатнинг ички ишбилармонлик

муҳитини, халқаро бизнесни юритишнинг мураккаблик даражасини баҳолаш.

Хулоса қилиб айтганда ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишга, умуман олганда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:


1. Савинов Ю. А., Мигунов А. Ю. Государственная финансовая поддержка экспорта в России // Российский внешнеэкономический рынок. -2008. -№ 5.
2. Lawrence R. The International Dimension // American Living Standards: Threats and Challenges. Ch. 2 /ed. by R. Litan, R. Lawrence, C. Schultze. - Washington, D.C. : Brookings Institution. 1988
3. Вальтер Ж. Конкурентоспособность: общий подход. - 2005. - URL : http://www.
4. recep.ru/files/documents/General_approach_competitiveness-Walter-ru.pdf.
5. Русакова Л.А. Оценка экспортного потенциала предприятия. - М.: ЭКСМО, 2014. 13 с
6. Проблемы оценки экспортного потенциала предприятия // Научный клуб. URL: http://www.sophus.at.ru
7. Оценка конкурентоспособности предприятия // Электронная библиотека 2000—2014. URL: http://www.cyberlinka.ru

Юсупов Р.А. *– ОБМ, бўлим бошлиғи, и.ф.н., доц.*

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сонли янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида тадбиркорлик фаолиятига қуйидагича таъриф берилади: “**Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик)** – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият”[3].

Тадбиркор – бу тадбиркорлик лаёқатига, яъни қандайдир турдаги товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил эта олиш борасида билим, кўникма ва тажрибага эга шахс ҳисобланади. Айнан тадбиркор ишлаб чиқаришнинг бошқа асосий омиллари – ер (табиий ресурслар), капитал (ишлаб чиқариш воситалари) ва меҳнат ресурсларини ўзаро бириктириб, уларнинг бир-бирига мувофиқ ҳаракатини таъминлаб, янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни амалга оширади. Агар тадбиркор бўлишни истасангиз, сиз ўзингизда тадбиркорликнинг асосий жиҳатларини шакллантиришингиз зарур бўлади. Улар қуйидагилар (1-расм):



1-расм. Тадбиркорликнинг асосий жиҳатлари [5]

Тадбиркорлик ҳар бир инсонни муайян даромад билан таъминлаб, унинг ўз эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, турмуш даражасини оширишга имкон яратади.

Агар жамиятда тадбиркор инсонлар кўп бўлса, унда тинчлик ва осойишталик, барқарорликка интилиш шунчалик кучли бўлади. Тадбиркорлик яхши ривожланган жамиятда яратувчанлик, илм-маърифат ва саҳоват етакчи ўрин тутади.

Тадбиркорлик ўз фаолиятидан тўланадиган солиқ ва ажратмалар орқали давлат бюджети даромадларини ҳам таъминлайди. Бюджет маблағлари қанчалик кўп бўлса, жамият аъзоларига хизмат қилувчи шарт-шароитлар (уй-жойлар, йўллар, тиббиёт муассасалари, ўқув масканлари ва бошқ.)ни янада яхшилаш имкони пайдо бўлади. Демак, тадбиркорликнинг аҳмияти унинг ҳар бир шахс, жамият ва давлатнинг имкониятларини кенгайтириши орқали намоён бўлади. Шунга кўра, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти давлат томонидан муҳофаза қилинади ва қўллаб-қувватланади. Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”[1] деб белгилаб қўйилган.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳлаган барча фуқаролар тадбиркор бўлиши мумкин. Бироқ бунинг учун фуқаро муомала лаёқатига эга бўлиши, яъни ўн саккиз ёшга тўлган бўлиши лозим.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 28-моддасида айрим ҳолатларда ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши, яъни у меҳнат шартномаси бўйича ишлаши ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, айрим сабабларга кўра тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мумкин бўлмаган шахслар ёки улар гуруҳлари мавжуд. Буларга:

- давлат органлари;
- давлат органларининг мансабдор шахслари;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахсларни киритиш мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидагилар тақозо этилади:

- бизнес-ғояга эга бўлиш;
- бизнес-ғояни амалга ошириш учун аниқ хатти-ҳаракатлар режаси (бизнес-режа) ишлаб чиқиш;
- тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур бўлган дастлабки (бошланғич) капиталга эга бўлиш;
- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун керакли моддий ресурслар ва шарт-шароитларга эга бўлиш.

Машҳур иқтисодчи олимлар томонидан олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тадбиркорнинг ўз фаолияти соҳасида олиб борадиган ишлари кўп қирралидир. Тадбиркорнинг асосий мақсади манфаат (фойда) кўриш билан бир қаторда, бозорда самарали фаолият юритишни таъминлайдиган ишларни амалга оширишдир. Бунинг учун тадбиркорликни бошқариш ва унга кўмак берувчи замонавий менежмент усулларига асосланган механизмни яратиш ва ундан унумли фойдаланишни таъминлаш зарурдир. **“**Бозор шароитида тадбиркорликни бошқаришда унинг қуйидаги хусусиятларини эътиборга олиш керак:

- тадбиркор ҳар доим бозордаги талаб ва таклифни эътиборга олиб иш кўради;
- тадбиркор самарадорликни таъминловчи саъй-ҳаракатлар қилиб, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўлларини қидиради;
- бизнеснинг пировард натижаларига жавоб берадиган шахслар, ўз бизнесини эркин шарт-шароитларда олиб боришига етарли имкониятлар яратишади;
- кичик корхонанинг пировард натижалари, яъни унинг оладиган фойда ёки зарари фақат бозордаги олди-сотди жараёнида маълум бўлади;
- кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркор ўз маблағларини ҳаракатга солиб, бозорда қандай хавф-хатарга дуч келиши ёки якуний натижа қандай бўлишини аниқ билмайди” [4].

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик – бу иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, мустақил ташаббусга, жавобгарликка, таваккалчиликка, тадбиркорлик ғоясига асосланган, фойда олишга йўналтирилган, мақсадга мувофиқ фаолиятдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 53-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси
3. Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни. 2012 йил 2 май, ЎРҚ-328-сон. – www.lex.uz.
4. М.С.Қосимова, Ш.Ж. Эргашходжаева, А.Н. Самадов, И.Б.Шарипов. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010, – 256 бет.
5. Муаллиф ишланмалари

Ashurova Sh. *- PhD NITU MISIS, Almalik, Tashkent*

USE OF NEEDS ASSESSMENT AND DISCOURSE ANALYSIS TEACHING ESP CLASSES

In this paper, English for specific purposes is defined and its distinguishing features examined. The international nature and scope of the movement are particularly emphasized. Nowadays it is still urgent to discuss what to teach and how to teach a foreign language taking into account the objective social and professional needs of specialists in our country. I would like to begin by presenting needs assessment and discourse analysis that have set it apart from general purpose English. The tasks of teaching English for Specific Purposes must be formulated from the very beginning. In other words as H. Radford points out the structure and content of language curricula, when modern languages were first introduced into universities, were much influenced by the need to achieve academic respectability (Radford, 1985)*. And still, it is the most frequent concept of teaching ESP in universities. But the ability to speak the language is not emphasized as much as the ability to write, and, above all, the ability to read the language. Language curricula is therefore dominated by the systematic study of grammar, the regular carrying out of translation exercises into and out of language, the close study of set literary and science texts, the broad study of philological studies of the language (Maddock, 1994)*.

Another difficulty while teaching ESP for adult learners is that they have different language background. What we can really do is to introduce diagnostic tests followed by an introductory English course if there is a need for learners. The goal of the diagnostic test is to check learners' knowledge in English and to see if learners are ready to take on a Basic Course of ESP. As the result, the diagnostic test shows if there is a need in an introductory course. So ESP requires the careful research and design of pedagogical materials and activities for an identifiable group

of adult learners within a specific learning context. Definition of ESP needs to distinguish between absolute and two variable characteristics:

1) *Absolute characteristics:*

ESP consists of English language teaching which is:

- Designed to meet specified needs of learners
- Related in context to particular disciplines, occupations and activities
- Centered on the language appropriate to those activities in syntax, lexis, discourse
- In contrast with General English

2) *Variable characteristics*:

ESP may be, but it is not necessarily:

- restricted as to the language skills to be learned
- not taught according to any pre-ordained methodology

Claims: the claims for ESP are

- being focused on the learner's need, wastes no time
- is relevant to the learners
- is successful in imparting learning
- is more cost-effective than General English

This widely accepted definition is employed here to discuss two absolute components of ESP: needs assessment and discourse analysis. If we look needs assessment's history, ESP practitioners have been preoccupied with learners' needs, with identifying learners' wants and purposes as integral and obligatory elements in materials design. Recent needs assessments have grown increasingly sophisticated, however, as materials developers have become aware of the problematic nature of their task. Though the problems involved in assessing learners' needs and understanding the situation in which they will be using English are daunting, ESP materials designers and practitioners continue in their efforts to improve and expand their collection and analysis techniques. There are some arguments that all students are enrolled in EFL classes for particular reasons and that the students' target English situations have identifiable elements; thus, it is the responsibility of teachers to discover these factors and to deliver courses that are suitable for their learners' populations.

A first, ESP is meant to prepare learners to employ English for educational or occupational goals, and it develops to become a major key in English language teaching. It should be considered as an approach not as a product in language learning in the way it focuses on the learners needs. It is a material- and teaching-led movement. In fact, it is a learner-centered approach because its aim is to specify the needs of a particular group of learners. Using multiple sources and methods may positively assist the needs analysts to hold accurate and valid information. Also using triangulation of sources and methods is also very useful because it enhances the credibility of the obtained data. Also, domain experts can provide needs analysts with the most reliable information in establishing a basis for course design. Furthermore, the use of carefully sequenced methods is useful for obtaining accurate

information. Another useful method for providing valid information is task-based analysis, task as a unit of need analysis.

A second, closely related element is discourse analysis, which in ESP refers to the examination of written or oral language, generally for purposes of designing curricular materials. ESP specialists have been concerned with identifying and weighing the importance of features of the authentic, language of the situations in which students will be using English. Although some variables of language learning are beyond the control of ESP language teachers, discourse analysis can be a useful analytic tool for making informed changes in instructional practices. Mainstream teachers, especially those with second language learners, can also use this technique to study classroom interactions in order to focus on the learning opportunities available to students with limited English proficiency. In fact, discourse analysis can be an integral part of a program of professional development for all teachers that includes classroom-based research, with the overall aim of improving teaching (Johnson, 1995)*. Even with the most communicative approaches, the ESP classroom is limited in its ability to develop learners' communicative competence in the target language. This is due to the restricted number of contact hours with the language; minimal opportunities for interacting with native speakers; and limited exposure to the variety of functions, genres, speech events, and discourse types that occur outside the classroom. Given the limited time available for learners to practice the target language, teachers should maximize opportunities for learner participation. Classroom research is one way for teachers to monitor both the quantity and quality of learners' output. This process allows language teachers to study their own teaching behavior--specifically, the frequency, distribution, and types of questions they use and their effect on students' responses. Communicative activities are expected to promote interaction and to provide opportunities for learners to engage in talk. Teachers are likely to discover that learners produce different speech patterns in response to different tasks. For example, a map activity is likely to elicit a series of questions and answers among participants, whereas a picture narration task requires a monologue developed around a narrative format. Given that teachers use communicative tasks to evaluate learners' proficiency, a better understanding of the influence of specific activities on learner discourse will likely lead teachers to use a greater variety of tasks in order to gain a more comprehensive picture of students' abilities. By recording, transcribing, and analyzing learners' discourse, teachers can gain insight into the effect of specific tasks on learners' language production and, over time, on their language development.

In sum, teachers can use discourse analysis not only as a research method for investigating their own teaching practices but also as a tool for studying interactions among language learners. Learners can benefit from using discourse analysis to explore what language is and how it is used to achieve communicative goals in different contexts. Thus discourse analysis can help to create a second language learning environment that more accurately reflects how language is used and encourages learners toward their goal of proficiency in another language.

Literatures:
1. Dankova J.U.Management of development of a mental potential of students at the higher school: Dis.cand. social, sciences. - Belgorod, 2004.222p.
2. Mamatov A.E., Umarov H.T. Lotin tili. - Samarkand, 2000.

Суюнов Д.Х. *– ОБМ кафедраси мудири и.ф.д., проф.,*
Алиханов Ш.Ш*. - ОБМ тингловчиси*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИГА ҚАРАШЛАР

Бугунги кунда илм-фанда стратегик маркетингнинг асосий тушунчаси «стратегия» тушунчасидир. Кўпинча стратегия деганда ташкилотнинг узоқ муддатли мақсадларига эришиш учун юқори бошқарувнинг узоқ муддатли режаси тушунилади. Баъзи муаллифлар, бу бизнес раҳбарларининг ишлаб чиқариш, маркетинг ва савдо, даромад ва харажатлар ёки капитал инвестицияларга нисбатан узоқ муддатли ниятларидир, деган фикрни билдирадилар. Шуни таъкидлаш керакки, «стратегия» тушунчаси ва уни тушуниш ишбилармонлик муҳитининг эволюцияси билан бирга ўзгарди [1].

Ривожланган мамлакатларнинг илм-фан соҳасида «*стратегия*» тушунчаси бизнесга XX асрнинг 50-60 – йилларида кириб келганлиги таъкилашади. Шу даврдан бошлаб корхонани бошқаришда стратегиянинг моҳияти ва мазмунини тавсифлаш борасида бир қатор дунёқарашлар вужудга келди. Менежмент соҳасида дунёда энг таниқли олимлардан бири бўлган Г.Минцберг мутахассислар орасида «стратегия» атамасига нисбатан ягона тавсиф йўқ эканлигини кўп марта таъкидлаган. Г.Минцберг, Дж.Б.Куин, С.Гошал ўзларининг стратегик жараёнга бағишлаган асарларида «Қандайдир ягона умум қабул қилинган стратегия умуман бўлмайди», деб кўрсатадилар [2].

Вебстер университетининг изоҳли луғатида стратегия йирик кўламдаги режалаштириш ва фаолият йўналишини белгилаш сифатида аниқланган. Россия энциклопедик луғатида «ҳарбий стратегия» тушунчаси талқин қилинади, бошқа «ҳарбий эмас» деган талқинлар келтирилмаган.

Стратегия атамасини талқин қилишда икки ёндашув кўзга ташланади. Биринчи ёндашув нуқтаи назаридан, стратегия ташкилот нимага интилаётгани, бошқарув қарорларини қабул қилишда нимага асосланиши, корхона фаолиятининг устувор йўналишида нимага асосланиши, корхона фаолиятининг устувор йўналишлари қандай эканлигини билдиради. Бу каби ёндашув Р.Румельт, Дж.Б.Куин, К.Эндрюс асарларида баён этилган [3].

К.Эндрюс фикрига кўра, корпоратив стратегия – бу қарорлар қабул қилиш режаси бўлиб, у фирманинг мақсади ва вазифаларини очиб беради, қўйилган мақсадларни амалга оширишнинг асосий сиёсати ва вазифаларини

ишлаб чиқади, компаниянинг асосий иш фаолиятини ўзида мужассамлаштирган бизнеснинг соҳасини аниқлайди, шунингдек, мазкур акциядорлик жамиятининг иқтисодий ва ноиқтисодий ютуқларининг табиатини ёритиб беради [212]. Дж.Б.Куин ўзининг ўзгаришлар стратегиясига бағишланган асарида стратегияга нисбатан қуйидаги таърифни келтиради: «стратегия – бу ташкилотнинг мақсадлари, сиёсати ва бир бутунликдаги фаолиятини тавсифловчи паттерн ёки режадир. Тўғри шакллантирилган стратегия ҳар доим ташкилотнинг чекланган ресурсларини маълум маънода самарали ва тўғри маънода кўра билишликка асосланган ҳолда тартибга солиш ва тақсимлаш имкониятини берди» [3].

Р.Румельт эса стратегияни ишлаб чиқишни бирлаштириш сифатида қараб чиқар экан, унинг ташкилот ресурсларидан оқилона фойдаланишдаги ўрнини алоҳида кўрсатиб ўтган. У мураккаб рақобат шароитида корхонани бошқариш асосларини унинг стратегиясида ва «*стратегия*» деганда «… уларнинг биргаликда олиниши корхонанинг тавсифини ва рақобат курашида енгиб чиқиши, ғалаба қилишини белгиловчи вазифалар, сиёсат ва режаларни тушунамиз», деб таъкидлаган [3].

Бу каби ёндашувлар Россиялик олимлар тадқиқотларида ҳам кузатилади. Хусусан, В.С.Ефремов фикрича, «бизнес стратегияси – бу ташкилотнинг ишлаб чиқариш, тижорат фаолиятини етарлича давом этувчи оралиқда нисбатан барқарор ва бутунлай аниқланган йўлини асослаб берувчи фаолият соҳасидир» [131].

Стратегия тушунчасини кенг талқин қилиш билан бирга, ташкилотнинг мақсади ва вазифаларини бир-биридан алоҳида ажратадиган дунёқарашлар ҳам кенг тарқалган. И.Ансофф фикрича, баъзан уларни бир хил деб ҳисоблайдилар. Аслида эса, мақсадлар компания эришишга ҳаракат қилаётган натижаларни билдиради. Мақсадлар – юқорироқ даражадаги категориядир. Биргаликда қўйилган мақсадларга нисбатан стратегия, ташкилот вазифалари ўзгарганда, аввалгидек бўлмаслиги мумкин [3]. А.А.Томпсон ва А.Дж.Стриклендларнинг фикрича: «Мақсадлар – бу натижалар, стратегия эса – уларга эришиши воситасидир, ташкилотнинг стратегияси раҳбар томонидан, ташкилот олдига қўйган мақсадга эришиш учун фойдаланиладиган услуб ва ёндашувлардан, фаолият соҳасидан ташкил топади», деб уқтирадилар [198].

М.Х.Мескон, М.Альберт, Ф.Хедоурилар фикрича, «стратегия – бу ташкилотнинг миссиясини таъминлаш ва унинг мақсадларига эришишга қаратилган, кенгайтирилган комплекс режадир» [4].

Бу каби ёндашувни Россиялик олимлар О.С.Виханский ва А.И.Наумовлар ҳам илгари суришади. Улар корхонани бошқаришнинг марказлашган режалаштиришга асосланган иқтисодиётга нисбатан Ғарб давлатларидаги фарқини кўрсатиб берганлар. Биринчи ҳолатда, стратегия – бу аниқ, узоқ муддатли мақсадга эришиш режаси ҳисобланса, иккинчи ҳолатда эса, стратегия ташкилотнинг фаолият соҳаси, унинг фаолияти шакли ва воситалари, ташкилотдаги ички ўзаро муносабатлар тизими, шунингдек, атроф-муҳитдаги мавқеи, ташкилотнинг узоқ муддатга аниқланган

ривожланиш йўналишини билдиради [2]. Ушбу талқин яна бир россиялик олим А.П.Градов томонидан қуйидагича изоҳланган: «Стратегия деганда у ёки бу тизимни ривожлантиришнинг асосий мақсадларига эришиш қонун ва қоидаларини тушуниш қабул қилинган» [4].

С.А.Попов эса, юқорида келтирилган иккита талқиннинг тавсифловчи белгиси деб, унинг ташкилот ресурсларидан фойдаланишга қаратилганлиги, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, «стратегия – бу сифат жиҳатидан аниқланган, ташкилот фаолиятининг узоқ муддатга мўлжалланган умумлашган модели бўлиб, ташкилот ресурсларини тақсимлаш ва режалаш орқали олдига қўйилган мақсадларига эришишни амалга ошириши лозим» [5].

Умумий таҳрирда стратегик бошқарув мақсадларини ажратиш ва бу мақсадга эришиш учун корхона ресурслари интеграциясини таъминлайдиган аниқ навбатдаги ҳаракатлар дастурини шакллантиришни назарда тутадиган стратегияни шакллантиришнинг моҳияти тўлиқ акс этган. Шу билан бирга, иқтисодий стратегия аниқ қарорларни белгиламайди, балки муайян вазиятда қабул қилинган қарорларнинг бутун мажмуини ташкил этади. Зарур ҳолларда корхона фаолиятига жалб этилиши мумкин бўлган мавжуд ва салоҳият эмас, балки ресурслар ва фаолият шароитларини ҳисобга олади. Шу муносабат билан компания стратегиясининг таърифини ички ва ташқи бозорда компаниянинг узоқ муддатли рақобат устунликларини яратиш ва сақлашни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ қоидалар ва техникалар мажмуи деб ҳисоблаймиз. Стратегиянинг тавсифи ундан фойдаланилаётган муҳитнинг барқарорлиги ва олдиндан айтиб берилишига боғлиқ. Стратегияни шакллантириш стратегик бошқарув мақсадини шакллантириш ва мақсадга эришиш учун ресурслар интеграциясини таъминловчи аниқ кетма-кет ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Таҳлилда стратегияларнинг даражаларини ва турларини таснифлашга турлича ёндашувлар кўрсатилган. Шундай қилиб, стратегик қарорлар қабул қилиш иерархияси тўғрисидаги қарашларни умумлаштириш ва корхона иқтисодий стратегияси даражалари ва турларининг кенгайтирилган таснифини яратиш зарурати туғилади.

Умумлашган иерархик тасниф учта стратегик даражани ўз ичига олади: компания ўсишининг умумий йўналишини акс эттирувчи корпоратив стратегия; мустақил фаолият олиб борувчи таркибий иш бирликлари (ТИБ) даражасида шаклланган ривожланиш стратегияси (бизнес); ва вазифавий бўлимлар даражасида ишлаб чиқилган вазифавий стратегия.

Корпоратив стратегия. Корпоратив стратегия (умумий, асосий ёки портфел) компаниянинг фаолияти фаолият кўрсатаётган саноат ва бозорларда қай даражада қамраб олинганлигини белгилайди ва турли соҳаларда мавқеларни ўрнатишга қаратилган ҳаракатлардан ва компаниянинг бизнес турларини бошқариш учун ишлатиладиган ёндашувлардан иборат. Интеграциялашган саноат компанияларида корпоратив стратегия ҳар бир компания томонидан амалга ошириладиган фаолиятни ва улар ўртасида ресурсларни ажратиш механизмларини белгилайди. Корпоратив стратегия кўп

тармоқли компаниянинг умумий бошқарув режасидир [5]. Корпоратив стратегия акциядорлик жамиятига бирлаштирилган компанияларнинг бош раҳбарлари, шунингдек, юқори даражали давлат хизматчилари (қўмиталар, вазирликлар, Президент маъмурияти, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) томонидан шакллантирилади. У бутун акциядорлик жамияти манфаатларини кўзда тутади ва фаолият соҳаларини белгилайди. Бундай стратегияни ишлаб чиқиш зарурати ташкилот ўсиб, шўъбаларни ташкил қилганда пайдо бўлади. У турли соҳаларда мавқеларни тасдиқлашга қаратилган ҳаракатлар ва компаниянинг бизнес турларини бошқариш учун ишлатиладиган ёндашувлардан иборат.

Корпоратив стратегиянинг биринчи таърифларидан бири У.Глюк томонидан берилган бўлиб, у корпоратив стратегияни тўрт турга бўлиш мумкинлигини таклиф қилди: ўсиш стратегияси, барқарорлик стратегияси, мудофаа стратегияси ва аралаш стратегия [7].

Ф.Котлер томонидан шакллантирилган эталон стратегиялари ҳам мавжуд. Муаллиф стратегияларнинг тўртта гуруҳини аниқлади: жамланган (интенсив) ўсиш стратегиялари, интеграциялашган ўсиш стратегиялари, диверсификациялашган ўсиш (диверсификация) стратегиялари ва мақсадли қисқартириш стратегиялари [8].

Ривожланиш стратегиялари (бизнес стратегиялари).

Ривожланиш стратегиялари компания томонидан муайян фаолият турининг муваффақиятли фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган ишлаб чиқилган ёндашувлар ва ҳаракатларни белгилайди. Бизнеснинг бир хил тури билан шуғулланувчи якка тартибдаги корхона учун корпоратив стратегия ва бизнес стратегияси бир хил бўлади.

Вазифавий стратегия. Вазифавий стратегиялар компания таркибий бўлинмаларининг ҳаракатларини белгилайди [8]. Ҳар бир вазифавий тузилма (ишлаб чиқариш, маркетинг, молия, илмий тадқиқот, кадрлар) корпоратив ва бизнес стратегияларини (ва шу тариқа ташкилотнинг миссияси ва мақсадларини) амалга оширишнинг ўз йўлини режалаштиради. Масалан, ишлаб чиқариш соҳасидаги вазифавий стратегия маҳсулот сифатини яхшилаш, йўқотишларни камайтириш ёки қазиб олиш ва бойитиш жараёнини муқобиллаштиришга қаратилган бўлиши мумкин [7].

Клейнер Г.Б., Тамбовцев В.И. ва Петров А.Н.ларнинг вазифавий стратегиялар элементлари бўйича нуқтаи назарини ажратиб кўрсатиш лозим. Муаллифлар вазифавий стратегияларнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатадилар: товар – бозор; ресурс – бозор; технологик; интеграция, молиявий ва инвестицион; ижтимоий, бошқарув ва қайта қуриш стратегиялари [9]. Бироқ муаллифлар ходимларни, харажатларни, шу жумладан, ноишлаб чиқариш харажатларини ва бошқаларни бошқариш стратегиясини кўриб чиқмайдилар. Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар тажрибасини умумлаштириш корпоратив бошқарувнинг асосий мақсадини шакллантиришга имкон берди. Корпоратив бошқарув тизимининг фаолияти акциядорлик жамиятининг устувор йўналишлари ва стратегик

йўналишларини аниқлаш, унинг фаолиятини «асосий ўйинчилар» манфаатларига нисбатан жойлаштиришни таъминлаш, компаниянинг янги сифат ҳолатига ўтиш билан боғлиқ бўлган миқдорий ва сифатли ўзгаришларни шакллантириш ва таъминлашга қаратилган.

Бундай ҳолда, тизим бизнеснинг иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий соҳасини самарали бошқариш қобилиятига эга деб ҳисоблашимиз мумкин. Шундай қилиб, корпоратив бошқарув – акциядорлик жамиятининг қийматини ошириш учун ресурс салоҳиятини, ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқарув муносабатларини оптималлаштиришга қаратилган маъмурий фаолият, стратегик бошқарув механизмларининг мураккаб тизимидир.

Корпоратив бошқарув тизими (КБТ) фаолиятининг ҳар бир (стратегик, ресурс ва маъмурий) ўрни белгиланган бўлиб, у қуйидагиларга қаратилади:

компетентларга асосланган маъмурий муҳитни тартибга солиш корпоратив бошқарув тизимининг табиатини белгилайди;

стратегия ўзгарувчан муҳитда корпоратив бошқарув тизимининг тегишли тарзда ишлашини таъминлайди;

корпоратив бошқарув тизимининг ривожланиш даражаси ишлашни такомиллаштириш мақсадида корпоратив рақобат устунликларининг шаклланиши ва амалга оширилишини таъминлаш учун ресурслардан самарали фойдаланиш қобилияти билан белгиланади.

Бундай ёндашув нафақат ташқи муҳитдаги ўзгаришларни олдиндан кўриш ва акциядорлик жамияти фаолиятига мумкин бўлган таъсирни аниқлаш, балки стратегик салоҳиятнинг бу ўзгаришларни бошқариш орқали ўзгаришларга жавоб беришини таъминлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Коробейников О.П. Стратегическое поведение: от разработки до реализации / О.П.Коробейников, В.Ю. Колесов, А.А. Трифилова // Менеджмент в России и за рубежом. – 2002. - № 3.
2. Минцберг Г. Школы стратегий: стратегическое сафари: экскурсия по дебрям стратегий менеджмента / Генри Минцберг, Брюс Альстрэнд, Джозеф Лэмпел; пер. с англ. Д. Раевской, Л. Царук; под общ. ред. Ю.Н. Каптуревского. – СПб.: Питер, 2000. – 330 с.
3. Румельт Р. Оценка бизнес-стратегии / Минцберг Г., Куинн Дж.Б., Гошал С. Стратегический процесс. – СПб.: Питер, 2001. – 130 с.
4. Фатхутдинов Р.А. Стратегический менеджмент: учебник/Р.А. Фатхутдинов. - 10-е изд., исправленное и дополненное. - М.: Дело, 2015. - 448 с.
5. Попов С.А. Стратегическое управление: 17-модульная программа для менеджеров «Управление риазвитием организации». _ М.: ИНФРА-М, 2000.
6. Петросов А.А. Стратегическое планирование, прогнозирование, экономические риски горного производства: учебное пособие для вузов / А. А. Петросов. – М.: Изд-во МГГУ «Горная книга», 2019. – 684 с.
7. Solomon J., Solomon A. Corporate Governance and Accountability. – John Wiley @ Sons Ltd, 2014. – 318 p.

8. Котлер Ф. Стратегический менеджмент по Котлеру: Лучшие приемы и методы. / Ф. Котлер. - М.: Альпина Паблишер, 2016. - 132 с.
9. Клейнер Г.Б. Предприятие в нестабильной экономической среде: риски, стратегии, безопасность / Г.Б. Клейнер, В.Л.Тамбовцев, Р.М. Качалов. – М., 2011.; Петров А.Н. Методология выработки стратегии развития предприятия / А.Н. Петров. – СПб.: Изд-во СПбУЭиФ, 2012. – 548 с.

***Турабов М.Т.** – ОБМ тингловчиси*

НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИДАГИ ТАШИЛОТЛАРНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИН ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

2030 йилга қадар Ўзбекистонда табиий газ қазиб олиш ҳажми 66,1 миллиард куб метрни ташкил этиши режалаштирилган. Ўз навбатида истеъмол 56,5 миллиард куб метрга етади. Бу ички истеъмолчилар талабини қондириш ва табиий газни хом ашё сифатида чуқур қайта ишлаш устуворлигига ўтишни англатади. Ушбу мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги томонидан табиий газни чуқур қайта ишлаш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш ва бозор муносабатларига ўтказиш мақсадида тармоқни ислоҳ қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича кенг кўламли лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Республикамиз Инвестиция дастурига мазкур соҳа бўйича умумий қиймати 27,8 миллиард долларлик 26 та лойиҳа киритилган. Энергетика ва Молия вазирликларига “Шўртан газ-кимё мажмуасининг тозаланган метани негизида синтетик суюқ ёқилғи (GTL) ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳаси бўйича 2,3 миллиард долларлик хорижий кредитларни молиялаштириш шартларини белгилаш, “Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш” лойиҳаси бўйича “Газпромбанк”нинг 300 миллион долларлик кредитини жалб қилиш вазифаси юклатилди.

Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртаннефтгаз ва Газлинефтгаз корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш, нефть ва газ қазиб чиқариш, геологик қидирув ускуналарини сотиб олиш сингари лойиҳаларга талаб этиладиган маблағларни мамлакатимизнинг еврооблигациялари ҳисобидан молиялаштириш лозимлиги таъкидланди. Геологик қидирув ишлари мураккаб бўлган ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишлари талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш керак. Суюлтирилган газ бозорида хусусий сектор иштироки кенгайтирилиб, унинг импортига божлар бекор қилинади[1].

Нефть ва газ саноатини ислоҳ қилиш. Мамлакатнинг иш билан банд

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи 2020 йил 30 декабрь.

аҳолисининг 1 фоизига яқини фаолият юритадиган нефть ва газ саноати ялпи ички маҳсулот, бюджет даромадлари ва валюта тушумларининг асосий манбаларидан бири бўлиб, саноат ишлаб чиқариши ва инвестицияларни жалб қилиш таркибида муҳим роль ўйнайди.

Айнан шу нарса иқтисодиётни ривожлантириш, одамларнинг фаровон яшаши, иқтисодиётнинг устувор тармоқларининг нормал фаолият юритиши учун шарт-шароит яратиш имконини беради. Бироқ, улкан нефть ва газ инфратузилмасини нормал иш ҳолатида сақлаш, табиий газ қазиб олиш ҳажмини янада ошириш, аҳоли ва мамлакат иқтисодиёти эҳтиёжларини қондириш бугунги кунда соҳани бозор иқтисодиётига ўтказмасдан туриб амалга ошириш мушкул.

Нефть ва газ саноатининг бозор қонуниятлари асосида ривожланиши рақобат учун шароит яратади, бу эса ишлаб чиқариш, ташиш, қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, энг муҳими, истеъмолчиларни табиий газ билан узлуксиз таъминлаш имконини беради. Шунингдек, лойиҳаларни амалга оширишга нафақат маблағга, балки замонавий технологиялар ва тажрибага эга бўлган инвесторларни ҳам жалб этиш имконини беради.

Энергетика вазирлиги 2 йилдан ортиқ вақт олдин ташкил этилган. Кейин бу ҳақда матбуотда ҳам, турли йиғилишларда ҳам кўп гапирилди. Бу ҳақда ортиқча такрорламоқчи эмасмиз, лекин қисқача айтганда, трансформациянинг асосий сабаби аввалги тузилмаларнинг мослашувчанлиги ва самарасизлиги эди, деб айтишимиз мумкин. Улардан баъзилари ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантиришга мувофиқлаштирилган ёндашув каби замонавий вазифаларга мос келмади; инновацион бошқарув тамойилларини жорий этиш; мамлакатимизда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва жозибадор инвестиция муҳитини яратиш.

Ҳозирда Энергетика вазирлиги Ўзбекистоннинг бутун ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантиришни мувофиқлаштирмоқда. Энергетика вазирлиги ва унинг тузилмаси ва фаолиятини мувофиқлаштиришга кирувчи ташкилотлар нефть, газ ва уларни қайта ишлаш, маҳсулотларни қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш, тақсимлаш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш жараёнларини, шунингдек, шунингдек, электр ва иссиқлик энергиясини, кўмирни қазиб чиқариш, узатиш, тарқатиш ва истеъмол қилиш жараёнларини давлат томонидан тартибга солишни амалга оширади.

Ёқилғи-энергетика комплексидаги бу туб ўзгаришлар бутун асосий тузилмани тубдан ислоҳ қилишни талаб қилди. 2019 йилнинг ўрталарида нефть-газ саноатини ислоҳ қилиш жараёни бошланди, бунинг натижасида ҳозирги кунда уни ўзгартириш босқичи якунланди.

“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг янги ташкилий тузилмаси шакллантирилди, компания бошқарув тизимидаги ортиқча оралиқ бўғинлар қисқартирилди.

“Ўзтрансгаз” АЖ газ ишлаб чиқарувчи ташкилотлардан табиий газни келгусида ташиш, шу жумладан экспорт ва импорт, шунингдек магистраль газ қувурларига уланган истеъмолчиларга сотиш учун ягона оператор сифатида

белгиланган “Ўзбекнефтгаз” АЖ таркибидан чиқарилди.

“Ўзтрансгаз” АЖнинг ҳудудий газ таъминоти филиаллари негизида газ тақсимлаш тармоқларини эксплуатация қилиш, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш мақсадида “Худудгазтаъминот” АЖ ташкил этилди.

Ушбу қайта ташкил этишдан асосий мақсад – табиий газни ишлаб чиқариш, ташиш, қайта ишлаш ва сотишни ташкил этишнинг замонавий усулларига ўтишдир. Энергетика вазирлиги ташкил этилганидан буён ўтган давр мобайнида бир қатор туб ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, нефть-газ саноатининг самарали фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос яратиш, бозор иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг бозор механизмларини жорий этиш мақсадида халқаро маслаҳатчилар билан биргаликда “Газ таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш якунланмоқда.

2020 йилнинг июнь ойида Энергетика вазирлиги томонидан вазирлик ва идоралар, шунингдек, халқаро маслаҳатчилар билан биргаликда ишлаб чиқилган “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини нефть ва газ маҳсулотлари билан таъминлаш концепцияси” тасдиқланди. 2021 йил июнь ойида Энергетика вазирлиги томонидан қатор вазирлик ва идоралар, шунингдек, халқаро маслаҳатчилар билан биргаликда “Ўзтрансгаз” АЖ ва газ тармоғини ўзгартириш бўйича стратегияси”ни ишлаб чиқишни якунлади.

Асосий вазифалардан бири – мамлакатни нефть ва газ маҳсулотлари билан таъминлаш, яъни аҳолини ҳам, умуман иқтисодиётни ҳам табиий газ ва нефть маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб турадиган шарт-шароитларни яратишдан иборат. Бу ишлаб чиқаришни кўпайтириш, газ ташиш тизимини модернизация қилиш, истеъмол ҳисоби ва назоратини такомиллаштириш демакдир. Бу вазифалар қийин, аммо амалга оширилиши мумкин бўлган жараёнлар ҳисобланади.

Автоматлаштириш ва рақамлаштириш. Нефть ва газ саноатида рақамлаштириш бозор муносабатларининг рақобатбардошлиги ва рентабеллигини оширишнинг асосий усули сифатида қаралмоқда.

Деярли барча технологик жараёнларни моделлаштириш, синов ва хатолик йўли билан жойида бўлишдан кўра, энг мос сценарийни олдиндан танлаш мумкин. Бир неча соатлик симуляция ойлик синовларни алмаштиради, шу билан бирга шаклланиш хусусиятларини янада аниқроқ кўрсатиш имконини беради. Натижада йиллар меҳнати тежалади, нефть қазиб олиш эса бир ярим-икки бараварга ошади.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва жараёнларни автоматлаштиришни таъминлаш мақсадида Энергетика вазирлиги “ИКС Холдинг” компанияси билан биргаликда саноатнинг жорий ва узоқ муддатли бизнес мақсадларини ҳисобга олган ҳолда “Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика комплексини автоматлаштириш ва рақамлаштиришни комплекс ва режалаштирилган ривожлантириш концепцияси”ни ишлаб чиқмоқда.

Жорий йил охирига қадар концепция тасдиқланади ва 2022 йилдан концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ишлари бошланади. Жорий йил охирига қадар концепция тасдиқланади ва 2022 йилдан концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ишлари бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлда “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4388-сон қарорига мувофиқ вазирлик ҳузурида халқаро молия институтлари билан ишлайдиган лойиҳа офиси ташкил этилди. Турли мамлакатларда нефть ва газ саноатини ислоҳ қилишда катта тажрибага эга халқаро экспертлар жалб этилди.

Шунингдек, нефть-газ саноатининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ишлари давом эттирилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Газ таъминоти тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш бўйича ишлар ниҳоясига етмоқда.

Бурғулаш самарадорлигини ошириш. “RLG International Inc.” компанияси иштирокида. (Канада) “Ўзбекнефтгаз” АЖ “Қудуқларни бурғулаш ва капитал таъмирлашнинг эксплуатацион самарадорлигини ошириш”: “Диагностика” лойиҳасининг биринчи босқичи амалга оширди.

“Диагностика” лойиҳасининг биринчи босқичи доирасида “Ўзнефтгаз-Қудуқтаъмирлаш” акциядорлик жамияти ва “Ўзнефтгаз бурғулаш ишлари” масъулияти чекланган жамиятлари фаолияти ҳамда конларда қудуқларни бурғулаш ва қайта ишлаш бўйича олиб бораётган ишлари ўрганилиб, танқидий таҳлил қилинди ва баҳоланди. Таҳлил натижалари асосида ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш ва молиявий кўрсаткичларни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Айни пайтда лойиҳанинг 1-босқичи доирасида ишлаб чиқилган тавсияларни амалга ошириш бўйича “Янги тизимни жорий этиш” лойиҳасининг навбатдаги босқичини амалга ошириш мақсадида Қудуқларни бурғулаш ва қайта ишлаш бўйича лойиҳа гуруҳларини ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

2022 йилда Республика истеъмолчиларининг дизель ёнилғисига бўлган этиёжини 18-20 фоизи ушбу янги турдаги ёнилғи билан қопланиши кутилмоқда. “Ўзбекнефтгаз” АЖ Бошқаруви раиси Меҳриддин Абдуллаев топшириғига асосан углеводород хомашёсининг қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш, захирани ошириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг январь-июнь ойларида “Ўзбекнефтгаз” АЖ тасарруфидаги нефтни қайта ишлаш заводларида жами 764,2 минг тонна углеводород хом ашёсини қайта ишлашга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Биржа савдоларини кузатадиган бўлса январь-июнь ойларида республика истеъмолчиларига сотилган жами автобензиннинг 75-80 фоизи, дизель ёнилғисининг 45-50 фоизи Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳиссасига тўғри келганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, жорий йилнинг июль ойида “Uzbekistan GTL” заводи ўз иш фаолиятини

бошлаганлиги ҳисобига юқори сифатли Евро русумидаги синтетик дизель ёнилғиси ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. 2022 йилда Республика истеъмолчиларининг дизель ёнилғисига бўлган этиёжини 18-20 фоизи ушбу янги турдаги ёнилғи билан қопланиши кутилмоқда.

Маълумот ўрнида шуни такидлаш керакки, Жаҳон бозорида “Brent” маркали нефть нархининг ўзгариши бутун дунёда бензин, дизель ёнилғиси ва бошқа турдаги нефть маҳсулотларининг нархларини ўсиши ёки тушишига таъсир этувчи муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда, бензин рекорд даражада қимматлаши натижасида Германия, Швеция, Нидерландия, Исландия, Греция ва бошқа кўплаб европа давлатларида бензин нархи 1,2 – 2,0 баробарга ошган.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан истеъмолчиларнинг табиий ва суюлтирилган газ, нефть маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳамда уларнинг нархларини барқарор сақлаб туриш учун барча зарур чоралар кўрилмоқда. Ушбу саъи-ҳаракатлар натижасида ўтган давр мобайнида табиий газ, нефть ва газ конденсати қазиб чиқариш, нефть-газ маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари ижроси бажарилишига эришилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи 2020 йил 30 декабрь.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти тизимида геология-қидирув ва қазиб олиш ишлари самарадорлиги, ёқилғи материаллари билан ички эҳтиёжни таъминлашнинг аҳволи, тизимдаги истиқболли вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш. 25.01.2019 йил

Шарипов К.Б. *– ТДИУ докторанти (DSc), PhD.*

КИЧИК БИЗНЕС СОҲАСИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШУВИНИ БАҲОЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Кичик бизнес соҳасидаги ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича ихтисослашувини бир неча жиҳатлар бўйича баҳолаш мумкин:

1. Тармоқ ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимлар сони. Ўзи ихтисослашувнинг энг асосий омилларидан бири ходимларнинг муайян касб, жараён бўйича ихтисослашувидир. Яъни, қай даражада тор касбий малака мавжуд бўлса ихтисослашув шу даражада юқори бўлади.

Ишлаб чиқариш кўламининг турли даражасида ходимларнинг ихтисослашуви ўзаро фарқ қилади. Йирик ишлаб чиқаришда тор касбий ихтисослашув кучли бўлиб, кичик ишлаб чиқаришда, аксинча, пастроқ бўлади.

Одатда, йирик ишлаб чиқариш автоматик линиялар билан жиҳозланган бўлади. Ишлаб чиқариш линиясининг турли жараёнлари бир-биридан фарқ

қилади ва махсус ёндашувни тақозо этади. Кичик корхоналарда у қадар мураккаб технологик линиялар мавжуд бўлмасдан, кўпинча мазкур технологик линияда ишлаш, унинг техник ҳолатини назорат қилиш, зарур бўлса, у қадар мураккаб бўлмаган созлаш ишларини амалга ошириш ягона шахсда мужассамланиши мумкин.

Йирик корхоналарда моддий-товар бойликлари ва захираларини сақлаш учун омборхона хўжалиги ҳам кўп тармоқли ва ихтисослашган бўлади. Масалан, хомашё ва материалларнинг турлари бўйича, ярим тайёр маҳсулот ва бутловчи қисмлар бўйича, тайёр маҳсулот бўйича алоҳида, махсус омборхоналар мавжуд бўлади. Кичик корхонада эса бу каби товар-материал бойликлари учун ягона умумий омборхона бўлиши мумкин.

Шунингдек, йирик ишлаб чиқариш бухгалтериясида мутахассисларнинг моддий товар бойликлари, ходимларнинг иш ҳақи ва бошқа ҳисоб-китоблари бўйича ихтисослашуви кузатилади. Зарур ҳолларда алоҳида цехлар, бўлинмалар, ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича ихтисослашган мутахассислар фаолият кўрсатади. Айнан шу тавсифдаги кичик корхонада эса бухгалтер нафақат юқоридаги таъкидланган жабҳалар бўйича бўлинмай қолмасдан, балки ҳисобчи, кассир, меъёрловчи ва бошқа касбларни ҳам ўзида мужассамлаштириши мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувини баҳолаганда улардаги ишловчилар сони муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади:

- биринчи навбатда, кичик бизнес миқдорий чегарасини белгилашда ишловчилар сони асосий мезон ҳисобланади;

- корхонадаги ишловчиларнинг ўртача йиллик сони муайян тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Шу ўринда юқоридаги жадвалда келтирилган кичик бизнес субъектларини тармоқлар бўйича аниқлаш мезонларида маълум бир услубий ноаниқликлар мавжудлигини таъкидлаш лозим.

Масалан, иқтисодиёт тармоқлари гуруҳланганда мамлакатимиздаги мавжуд таснифлагич тўлиқ ҳисобга олинмаган. Кичик корхоналар бўйича хизмат кўрсатиш соҳалари “суғурта компанияларидан ташқари” деб чеклаб қўйилган. Бироқ, суғурта компанияларининг ўзи қайси чегарага киритилиши кўрсатилмай, мавҳумлигича қолган.

2. Тармоқ ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнес корхоналарининг улуши. Мазкур кўрсаткич тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнес корхоналарининг улушини акс эттиради. Тўғри, бу ўринда барча тармоқларга бир хилда талаб қўйиб бўлмайди ва, шунга кўра, мазкур улушларни тўғридан-тўғри таққослаш ҳам маълум даражада мантиққа эга бўлмайди.

Масалан, Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг чегараси қуйидагича белгиланган (1-жадвал):

1-жадвал

Кичик бизнес субъектларини тармоқлар бўйича аниқлаш мезонлари [1]

Тармоқлар	09.04.1998 ПФ-1987 Ўртача йиллик ишчилар сони	15.05.2009 ПҚ-1112 + 30 фоизга касаначилар	28.07.2010 ПФ-4232 + 20 фоизга битирувчилар
Микрофирмалар			
Ишлаб чиқариш тармоқларида	20 киши	+6 киши	+4 киши
Хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда	10 киши	+3 киши	+2 киши
Улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида	5 киши	+2 киши	+1 киши
Кичик корхоналар			
Енгил саноати, озиқ-овқат саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида	200 киши	+60 киши	+40 киши
Металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик ҳамда мебель саноатида	100 киши	+15 киши	+10 киши
Машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш	50 киши	+15 киши	+10 киши
Илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида	25 киши	+8 киши	+5 киши

Тармоқни турли ишлаб чиқариш кўламларидаги корхоналар ташкил этади. Одатда тармоқнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган йирик ва ўрта корхоналар унинг негизини ташкил этади. Бироқ, айрим сабабларга кўра, тармоқ ишлаб чиқаришининг йирик ва ўрта корхоналар учун етарли даражада самарали бўлмаган қисмлари ҳам мавжуд бўлади. Ушбу қисмларда кичик бизнес корхоналари ташкил этилади. Агар йирик ва ўрта ишлаб чиқаришни тармоқ организмининг суяк (склет) қисми деб тасаввур қилинса, кичик бизнесни унинг мускул қисми деб тасаввур қилиш мумкин.

Бироқ, юқорида таъкидланганидек, мазкур корхоналар нисбати барча тармоқларда ҳам бир хилда бўлмайди. Масалан, шундай тармоқлар мавжудки, уларда ишлаб чиқаришнинг концентрацияси туфайли йирик ишлаб чиқариш устунликка эга бўлади. Оғир саноат, жумладан, металлургия, ундирма саноат, машинасозлик, нефть-газ, кимё саноати каби тармоқларда йирик ишлаб чиқариш комплексларининг амал қилиши самарали ҳисобланади. Шунга кўра, ушбу тармоқлар ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнес корхоналарининг улуши у қадар юқори бўлмайди.

Аксинча, шундай тармоқлар мавжудки, уларда табиий равишда кичик миқёсдаги ишлаб чиқариш самарали ҳисобланади. Жумладан, қишлоқ хўжалиги шундай тармоқлардан биридир. Аграр-иқтисодчи олимлар (масалан, А.Чаянов ва бошқ.)нинг тадқиқотларига кўра, қишлоқ хўжалигида тирик

организм (тупроқ, ўсимликлар, чорва, парранда ва бошқ.) билан иш кўрилиши ишлаб чиқаришни кичик кўламда ташкил этилишини самарали қилиб қўяди. Шунинг учун, мазкур тармоқдаги корхоналарнинг асосий қисми кичик бизнес субъекти ҳисобланиб, уларнинг тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши жуда юқори бўлади.

Бироқ, ушбу ҳолатда ҳам статистик ёндашувнинг таъсири сезиларлидир. Чунки, тармоқ хусусиятига кўра ундаги корхоналарнинг қайси қисми кичик бизнес субъектлари доирасига киритилиши кўпинча соф статистик ёндашув орқали амалга оширилади.

3. Тармоқда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони. Тармоқда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони орқали ҳам ихтисослашув жараёнларига маълум даражада баҳо бериш мумкин. Фикримизча, бу борада қуйидаги йўналишларда таҳлил ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- жами кичик бизнес корхоналари сони таркибида тармоқлар бўйича кичик бизнес корхоналари сонининг улуши;
- муайян тармоқдаги жами корхоналар сони таркибида кичик бизнес корхоналари сонининг улуши.

Биринчи ҳолатда иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича кичик бизнес корхоналари сони жамланиб, унда муайян тармоқдаги корхоналарнинг улуши аниқланади.

4. Тармоқда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми. Ҳар қандай иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун маълум шакл ва ҳажмдаги инвестициялар талаб қилинади. Кичик бизнес корхонаси фаолиятини ташкил этиш, уни амалга ошириш ҳамда юқори иқтисодий натижаларга эришиш учун инвестиция фаолиятини самарали ташкил этиш лозим.

Шу ўринда кичик бизнес корхоналари фаолиятидаги инвестицион жараёнларининг ўзига хос жиҳатларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1.Кичик бизнес корхоналари фаолияти учун одатда йирик ва ўрта корхоналар фаолиятига нисбатан кичикроқ ҳажмдаги инвестициялар тақозо этилади. Шунга кўра, кўплаб тадбиркорлар ўз фаолиятини кичик бизнесдан бошлашни афзал кўрадилар. Кўпинча компаниялар етарли даражада ўз иқтисодий ва молиявий фаолиятини мустаҳкамлаб олганидан сўнг нисбатан каттароқ инвестицион лойиҳаларга киришадилар.

2.Кичик бизнес корхоналари фаолиятига киритиладиган инвестицияларни салмоқли қисми хусусий сектор улушига тўғри келади. Чунки, давлат ёки хорижий инвестициялар жуда камдан-кам ҳолларда кичик бизнес корхоналарига жалб этилади. Чунки, ўзининг миқёслари ва аҳамиятига кўра кўпинча кичик инвестиция объектлари давлат ва хорижий инвесторлар учун у қадар жозибадор бўлмайди.

3.Кичик бизнес корхоналари фаолиятига киритилувчи инвестициялар ўз мазмуни ва тавсифига кўра нисбатан қисқа муддатли, ўзгарувчан ва беқарор ҳисобланади. Иқтисодиётдаги озгина конъюнктуравий ўзгаришлар

инвесторларнинг инвестициялар бўйича қарорларига сезиларли таъсир ўтказиши мумкин.

Бунда кўринадики, кичик бизнес корхоналари фаолиятидаги инвестицион жараёнлар эркин, кўпроқ бозор тамойиллари асосида рўй беради. Айни пайтда иқтисодиётнинг қай бир тармоғига инвестиция киритиш ҳам ушбу жараёнларга боғлиқ ҳолда ҳал этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

6. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. 2012 йил 2 май, ЎРҚ-328-сон. – www.lex.uz.
7. Муаллиф ишланмалари

Суюнов Д.Х. *– ОБМ кафедраси мудири и.ф.д., проф.,*
Амонов Э.В. *- ОБМ тингловчиси*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Мамлакатимизда хўжалик субъектларининг фаолиятини ташкил этишнинг корпоратив шакли – тадбиркорлик субъектларини ташкил этишнинг бошқа шаклларига нисбатан яққол афзалликлар яратувчи шакл ҳисобланади. Чунки корпоратив шакл биринчидан, биз акциялар ва облигацияларни сотиш орқали пул капиталини жалб қилиш учун чексиз имкониятлар яратиш ва шу билан капитал сафарбарлиги орқали молиявий маблағларни жалб қилиш базасини кенгайтириш ҳисобланади.

Иккинчидан, корпоратив шакл банк кредитига кўпроқ ишончлилиги ва банкларни даромадли ҳисоб билан таъминлаш қобилияти туфайли бизнесни ташкил этишнинг бошқа шаклларига нисбатан осонроқ киришни таъминлайди. Учинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар акциядорлик жамияти таркибига кирувчи мулкдорларнинг шахсий таваккалчилик даражасини чеклайди, бу эса молиявий инвестициялар кўлами билан ортади.

Тўртинчидан, акциядорлик жамияти бошқарув вазифаларини бажариш учун профессионал мутахассисларни жалб қилиш имкониятларини яратади.

Бундан ташқари, бозор сегментини умумий стратегиянинг бир қисми сифатида биргаликда хизмат қилувчи қизлик, набира ва филиаллар яратиб, маълум бозор сегментида талабни шакллантириш ва ривожлантириш шаклида акциядорлик жамиятларининг мезоэкономик маркетинг доирасидаги роли каттадир.

Бироқ тадбиркорлик субъектларини акциядорлик жамияти (лотинча “corporation”, таржимаси “бирлашиш” деган маънони англатади) каби шаклда бирлаштиришнинг кўпгина ижобий томонларига қарамай, бугунги кунда унинг ягона таърифи мавжуд эмас.

П.Самуэльсон ва В.Нордхаус акциядорлик жамиятини юридик шахсни шакллантиришда бирлаштириш сифатида тавсифлайдилар. Уларнинг фикрича, “Акциядорлик жамияти – сотиш ва сотиб олиш, пул қарз олиш, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва шартнома тузиш мумкин бўлган юридик шахс; мулкдорлар акциядорлик жамиятининг ҳар бир сармояси муайян тарзда чекланган жавобгарлик ҳуқуқига эга” [1].

У.Батлер и М.Гаши-Батлерлар таъкидлашича, “агар у ёки бу ташкилот акциядорлик жамиятлари гуруҳига тегишли бўлса, у ҳолда бу қуйидаги мезонлар билан тавсифланади: юридик шахс мақоми, масъулияти чекланганлик тамойили, доимий мавжудлиги, акцияларни бепул узатиш, марказлаштирилган бошқарув” [2].

А.Б.Фельдман акциядорлик жамиятини юридик ва жисмоний шахслар уюшмаси ёки юридик шахснинг ҳуқуқлари бўйича биргаликда белгилайди, унда иштирокчилар аъзолик асосида бўлади [3].

Н.В.Щербакова акциядорлик жамиятини акционерлик капитали билан бирлаштирилган мураккаб тузилма сифатида тавсифланади: 1) аъзоликка асосланган ҳар қандай тижорат ташкилоти; 2) бизнес-компаниялар ва бизнес ширкатлари шаклида тузилган ташкилотлар; 3) акциядорлик жамияти-акционерлик жамияти; 4) акциядорлик жамиятларига фақат интеграциялашган тузилмалар, хусусан, молиявий ва саноат гуруҳлари киради; 5) иқтисодиётнинг реал секторининг барча йирик корхоналари [4].

В.А.Цветкова акциядорлик жамиятини ажралмас тартибга солувчи комплекс сифатида белгилайди: “акциядорлик жамияти – турли хил ҳуқуқий мақомга ва турли хил операцион ва иқтисодий мустақилликка эга бўлган, ишлаб чиқариш ёки бошқа иқтисодий фаолият учун келишилган ва мувофиқлаштирилган ташкилий, иқтисодий ва бошқарув муносабатларига кирадиган, таъсисчилар ва давлатнинг манфаатларини қондириш учун ажралмас мураккаб комплексдир (юридик ва жисмоний шахслар учун) [5].

Бизнингча, юқоридаги таърифлар асосида акциядорлик жамиятининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари аниқланади:

- акциядорлик жамияти - жисмоний ва юридик шахслар ёки капиталнинг юридик шахсни шакллантириш билан боғлиқлиги;

- акциядорлик жамияти - мураккаб мулк мажмуаси бўлиб, унинг ичида акциядорлик жамияти иштирокчилари ташкилий, бошқарув ва иқтисодий муносабатларга киришадилар;

- акциядорлик жамиятини марказлаштирилган бошқариш, корпоратив уюшма мақсадларига эришиш шарти сифатида акциядорлик жамияти иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни келиштириш ва мувофиқлаштириш имконини беради;

- уюшма фаолияти жамоа манфаатларини қондириш ва акциядорлик жамияти аъзоларининг фаровонлигини оширишга қаратилган;

- акциядорлик жамиятининг мустақиллиги Қонунчилик меъёрлари билан чекланган бўлиб, унинг бошқарув вазифалари марказлашган орган томонидан амалга оширилади;

- акциядорлик жамиятининг ноёб хусусиятлари сифатида қуйидагилар таъкидланади: гуруҳ имтиёзларидан фойдаланиш қобилияти, ноёб молиялаштириш усулларининг мавжудлиги ва акциядорлик жамияти фақат интеграциялашган ва йирик корхоналарни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, илмий ишларда акциядорлик жамияти тушунчаси, асосан, қурилишнинг учта асосий хусусияти билан белгиланади: мулкий муносабатлар; ресурслар устидан назорат ва ҳокимият концепцияси; ихтиёрий уюшмалар [1,2,3,4,5]. Шу билан бирга, деярли барча таърифлар акциядорлик жамиятининг мақсадли йўналишини кўрсатмайди. Айни пайтда акциядорлик жамиятини яратишдан мақсад, кўпчилик иқтисодчиларнинг фикрича, унинг бозордаги рақобат устунликларини шакллантириш ва максималлаштиришдан иборат.

Замонавий иқтисодиётда акциядорлик жамиятлари ривожланишининг янги тенденциялари кенг ёритиб берилган. Биринчидан, биз хўжалик юритувчи субъектларни бирлаштиришнинг янги моделларига ўтиш ҳақида фикр юритамиз.

1.2-жадвал

Корпоратив бирлашмаларнинг кучли ва заиф томонлари

Таркиб	**Кучли томонлари**	**Ожиз томонлари**
Холдинг	Барча турдаги ресурсларни жамлаш, синергия самараси, миқёс самараси, диверсификация.	Юқори трансакциявий харажатлар мавжудлиги, кам ҳаракатчанлик ва мослашувчанлик ва монополлик.
Консорциум	Турли тузилмалар ўртасидаги ҳамкорлик, диверсификация, кўп миллий характердаги, батафсил иқтисодий ва ҳуқуқий фаолият, янги технологиялар.	Юқори трансакция харажатлари (буюртмаларни, ижрочиларни қидириш, рўйхатга олиш, тарқатиш).
Конгломерат	Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, капитални концентрациялаш ва марказлаштириш, тактикада марказлаштирмаслик, юқори технологияли стратегия.	Ҳокимият ва молиявий назоратнинг марказлашуви (кам ҳаракатлилик ва мослашувчанлик), монополизм, юқори трансакция харажатлари.
Картель	Ҳамкорликнинг юқори доираси, иштирокчиларнинг мустақиллиги, паст битим, минимал инфратузилма шароитлари.	Содиқлик шартномалари (квоталар, ҳажм, сегментлар), паст диверсификация.
Синдикат	Шартномалар доирасида ҳамкорлик, кам битим, минимал инфратузилма шароитлари, иштирокчиларнинг мустақиллиги, ички манфаатларни ҳимоя қилиш.	Келишувларга содиқлик (нарх сиёсати), паст диверсификация, ҳамкорликнинг тор доираси, муносабатларнинг рақобатбардошлиги.
Трест	Капиталнинг концентрациялашуви.	Ҳокимият ва молиявий назоратнинг марказлашуви.
Саноат молия гуруҳи	Юқори даражадаги концентрациялашув, капиталнинг концентрациялашуви, иқтисодиётнинг турли тармоқларини назорат қилиш.	Солиқ ва божхона регламенти бўйича халқаро ва давлат даражасидаги фарқлар.

Компаниянинг замонавий модели кенг минтақалараро ва халқаро ҳамкорликка, мол-мулкдан (назорат ёки имтиёзли акция пакетларини сотиб олиш) етказиб берувчилар ва харидорлар билан умумий товар ва бошқа номоддий активларга асосланган ахборот ва логистика муносабатларига ўтишга асосланган.

Янги корпоратив модель қуйидагилар билан тавсифланади:

- асосий ваколатлар ихтисослашуви (ноқонуний қарз олиш технологиялари ва ноу-хауларга рақобатбардош ва ҳимояланган), яъни рақобатчилар томонидан такрорланмайдиган рақобат афзалликларига эгалиги;
- асосий ваколатга тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва стандарт бошқарув вазифаларини аутсорсинг шаклида мустақил ва шўъба корхоналарга ўтказиш;
- мезо-иқтисодий вазифа (менежмент ва маркетинг, умумий стратегия, товар ва логистика, мослашувчан бозор шартномалари, франчайзинг, лизинг, венчур молиялаштириш, интрапренерлик, трансфер нархи ва биргаликда олинган фойдани адолатли тақсимлаш) асосида кичик ва ўрта фирмаларнинг интеграциясини ривожлантириш;
- акциядорлик жамиятининг логистика марказини электрон каталог асосида ривожлантириш, ўз таклифларини мижозларга тақдим этиш ва глобал тармоқдаги етказиб берувчиларга талаблар қўйиш, шу орқали рақобатбардошликни таъминлаш.

Иккинчидан, акциядорлик жамиятларини интеллектуал мулкка асосланган инновацион ва ўқув марказлари сифатида ривожлантириш, вазифавий равишда қуйидаги фаолият соҳаларига йўналтирилган:

- ихтиролар, ноу-хау ёки брендлар шаклида интеллектуал мулкни яратиш ва ҳимоя қилиш;
- узоқ муддатли рақобат устунликларини яратиш ва улардан самарали фойдаланишда стратегик бошқарувни таъминлаш;
- бутун маҳсулот ҳаёт айланиши (ишлаб чиқиш ва дизайн, маркетинг, ишлаб чиқариш ва сотиш, сертификатлаш, сотувдан кейинги хизмат) давомида фаолият ва назоратни таъминлаш учун ягона ахборот майдонини яратиш, шунингдек, лойиҳанинг янги технологик ва ташкилий ва бошқарув инфратузилмасини шакллантириш билан янги маҳсулотни параллель лойиҳалаш;
- барча ходимларни узлуксиз ва тизимли ўқитишни ташкил этувчи корпоратив университетларни ривожлантириш, ҳар бир янги ходимга (коучинг) мураббийлар тайинлаш, раҳбарларни қўл остидагиларни тайёрлашда мажбурий иштирок этиш;
- билимларни бошқариш тизимини яратиш, шу жумладан, корпоратив университетларни ривожлантириш ва бошқалар.

Учинчидан, фойдани фақат ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янгилаш учун ҳамда ижтимоий мақсадларда фойдаланадиган нотижорат акциядорлик жамиятларининг ривожланиши. Бунинг учун шарт-шароитлар

мақсадли ижтимоий капитал ва автоном институтлар тўғрисидаги қонунлар билан яратилади.

Шу билан бирга, бошқарув ўз фаолиятини амалга ошириши, акциядорлар, директорлар Кенгашлари ва менежерлар ўртасидаги ички муносабатларни сақлаб туриши ва тартибга солиши зарур. Бошқача айтганда, объектга мақсадга мувофиқ таъсир этиш керак, натижада унинг йўналиши, тезлиги, интенсивлиги, шунингдек, бошқа хусусиятлари ёки ҳаракат ёхуд ҳолатининг параметрлари маълум даражада ўзгаради.

Корпоратив бошқарувнинг юқоридаги таърифлари таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

1.Турли тадқиқотчилар томонидан тақдим этилган нуқтаи назарлар, ҳатто юзаки ўхшаш бўлганлар ҳам турли хил муҳим хусусиятларга эга. Шу билан бирга, уларнинг аксарияти корпоратив бошқарувни «муносабатлар тизими» (ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқарув) сифатида тавсифлашган. Бу хусусият корпоратив бошқарувнинг деярли барча таърифларида мавжуд, чунки аксарият муаллифлар корпоратив бошқарувни турли корпоратив шахслар ўртасидаги муносабатлар тизими сифатида белгилайдилар.

2.Корпоратив бошқарув объектлари – акциядорлар, менежерлар, бошқарув ва уларнинг манфаатларини кўзловчи бошқа манфаатдор томонлардир. Корпоратив бошқарувнинг асосий мақсади – акциядорлик жамиятининг акциядорлар манфаатлари йўлида самарали ишлашини таъминлаш, корпоратив бошқарув натижалари эса акциядорлик жамияти иштирокчилари ўртасидаги тегишли муносабатларни тартибга солиш даражасига боғлиқ.

3.Биз ўрнатган яна бир хусусият шундан далолат берадики, корпоратив бошқарув – бу акциядорлик жамиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқарув муносабатлари тизимини муқобиллаштиришга қаратилган мураккаб тартиб ва механизмлар тизимидир.

Шундай қилиб, корпоратив иерархия доирасида ҳокимият тақсимотининг тузилиши, тизими ва жараёнлари ва белгиланишига асосланган бу белгилар, айниқса, акциядорлик жамияти ичидаги хатти-ҳаракатларни тартибга солувчи қоидалар ва процедуралар маъмурий фаолият билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Лейман Я.А. Управление по результатам [Текст] / под ред. Я.А. Леймана // М.: Прогресс, 2013. – 320 с.
2. Батлер У. Корпорация и ценные бумаги в России и в США. [Текст] / У. Батлер// М.: Зеркало, 2017. – 246 с.
3. Фельдман А. Б. Управление корпоративным капиталом [Текст] /А. Б. Фельдман // М.: Финансовая академия при Правительстве РФ, 2014. – 346 с.

4. Совершенствование корпоративного управления в акционерном обществе: монография [Текст] / Н. В. Щербакова // Барнаул, АлтГТУ, 2019. – 256 с.
5. Цветкова В. А. Корпоративный бизнес: теория и практика [Текст] / В. А. Цветкова // СПб.: Нестор-История, 2011. – 504 с.


Хатамов С. *- Банк молия академияси тингловчиси*

ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ФОНДИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмоқда.

Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларининг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2019-2021 йилларда харажатлари ўсиши, *(млн долларда)*[1]



Шунингдек, 2021 йилда жамғарманинг харажатлари таркибида лойиҳаларни молиялаштириш 56,0 фоизни, инвестициялар 10,9 фоизни, депозитлар 0,6 фоизни ва бошқа харажатлар 7,9 фоизни ташкил этган.

Бу лойиҳалар сирасига, энг аввало, Сургил кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Қалмоққир конини кенгайтириш ва реконструкция қилиш, Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ мосламасини қуриш, Янги Ангрен иссиқлик электр станциясининг бешта энергия блокини йил давомида кўмир асосида ишлаш тизимига ўтказиш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мисни бойитиш фабрикасини реконструкция қилиш ва бошқа лойиҳалар киради.

Фонднинг хорижий шериклар билан биргаликда инвестиция

[1] Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг расмий молиявий ҳисоботи

лойиҳаларини молиялаштириш борасидаги самарали ҳамкорлигига мисол сифатида Таллимаржон иссиқлик электр стансиясида умумий қиймати 1 миллиард 280 миллион долларлик иккита буғ-газ мосламасини қуриш лойиҳасини келтириш мумкин.

Бу борада Тикланиш ва тараққиёт фондининг ролини кучайтириш ғоят муҳим ўрин тутади. Ушбу Фонд, аввало, стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий инвесторлар билан биргаликда молиялаштиришда етакчи шериклардан бири сифатида фаолият олиб бориши керак. Иқтисодий тараққиётнинг мустаҳкам пойдеворини яратиш мақсадида

иқтисодиётни тизимли ва изчил таркибий янгилаш, иқтисодий ўсишнинг локомотиви бўлиши лозим бўлган соҳалар, тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш лозим;

иккинчидан, республикада мамлакат фаровонлиги йўлида ҳали тўлиқ фойдаланилмаётган ғоят катта салоҳият мавжуд.

Хулоса ўринда шуни такидлаш жоизки, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондидан ташқари Осиё тараққиёт банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги каби хорижий шериклар инвестор сифатида иштирок этмоқда. Шуни қайд этиш керакки, бугунги кунда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва стратегик вазифаларни ҳал этиш учун зарур ва етарли ресурсларни марказлашган тартибда жамлашда муҳим ўрин эгалламоқда. Айни пайтда биз мамлакатимиздаги ўз ички ресурсларимизнинг кўламини кенгайтириш бўйича ҳам доимий иш олиб боришимиз даркор.

Суюнов Д.Х. *– ОБМ, кафедра мудири и.ф.д., проф.*
Хужамқулов Ф.Б. *- ОБМ тингловчиси*

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатда кичик бизнес субъектларининг экспорт фаолиятини такомиллаштириш мазкур соҳа экспорт салоҳиятидан фойдаланишни кенгайтиришни тақозо этади. Бунинг учун кичик бизнес субъектлари экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг услубий асосларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат рўйхатига олиш, молиявий қўллаб-қувватлаш, солиқлар ва давлат божларини тўлаш ва бошқа қатор масалалар бўйича имтиёзлар берилди. Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсаётган жами (2020 йил ҳолатига кўра) 391300 та кичик корхоналарнинг Ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 54,2 фоизни ташқил қилди.Бунда саноатнинг хиссаси - 25,3, Қишлоқ, ўрмон ва балиқчиилик хўжалиги -97,8, Инвечтиция – 50,3, Қурили – 72.1, Савдо -81.4, Хизматлар -

52,4, Юк ташиши-52,3, Йўловчи ташиш -94,3, Экспорт -17,6, Импорт -51,4фоиз хиссага тўғри келмоқда[1].

Кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали мамлакат иқтисодий тараққиётига таъсир кўрсатиш масалалари кўплаб олимлар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, “Олий иқтисодиёт мактаби ходимлари томонидан корхона фаолиятининг экспортга йўналтирилганлиги унинг рентабеллиги ва инновацион фаоллик даражасига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган”[2]. Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ва захира имкониятларини ишга солиш уларда инновацион фаолиятни ривожлантириш борасидаги илмий тадқиқот ишларни янада ривожлантириш заруратини келтириб чиқармоқда. Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг стратегиясида: “.. умумий қиймати 165,9 млрд сўмлик жами 195 та илмий, тижоратлаштиришга тайёрлаш ва стартап лойиҳаларни амалга ошириш асосида ҳудудларда инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, 1 920 та янги иш ўринларини яратиш”[3] вазифасининг қўйилганлиги ҳозирда мамлакатда тадбиркорлик фаолияти учун “...бизнесни бошқаришдаги ўз билим ва кўникмаларини ошириши, фаолиятига инновация ва илғор технологияларни кенг жорий этиши учун барча имкониятларни яратиб бериш”[4] муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновацион технопаркнинг ташкил этилиши, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда келгусида технопарклар фаолиятини йўлга қўйишнинг белгилаб берилиши, уларни керакли инфратузилма объектлари билан таъминлаш, технопарклар фаолияти самарадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш, кичик бизнес корхоналари фаолиятини инновацион ривожлантиришда имитацион инновациялар алгоритмидан фойдаланиш йўлларини тадқиқ этиш муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини баҳолаш турлича услубларга асосланади. Қуйидаги 1-расмда уларнинг туркумланишини ифода қилса бўлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланишни баҳолашнинг кўплаб услубларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги қатор мулоҳазаларни илгари суриш мумкин: баҳолаш жараёнларининг аксарият ҳолларда экспертларнинг субъектив қарашларига боғлиқлиги ва бунинг олинадиган натижалар ишончлилик даражасига салбий


[1] Ўзбекистон Республикаси статистика қумитасининг 2019-2020 йиллардаги ҳисобот матиериаллари.

[2] Влияние конкуренции и структуры рынков на развитие и поведение промышленных предприятий: эмпирический анализ [Электронный ресурс]: доклад. – Режим доступа: http://www.opec.ru/analize_doc.

[3].Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ”2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғриисда”ги ПФ-60-сонли Фармони.

[4] Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш - энг мухим вазифамиздир. // Ўзбекистон Республикаси Президента Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. - 20.08.2021. https://uza.uz/uz/posts/tadbirkorlikni-zhadal-va-yanada-keng-rivozhlantirish-uchun-barcha-sharoitlarni-yaratish-eng-muhim-vazifamizdir_294814.

таъсири; айрим мезонлар ва уларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг мавҳумлиги, уларни қиймат орқали миқдорий баҳолаш муаммоларининг вужудга келиши; баҳолаш натижасида чиқариладиган хулосаларнинг умумий тавсиф касб этиши, улар асосида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишнинг мушкуллиги ва ҳ.к.



1-расм. Кичик бизне сва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини баҳолаш услубларининг туркумланиши

Шунга кўра, мазкур тадқиқот доирасида ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолаш услубини амалга ошириш босқичларини қуйидаги ифодалаш мумкин

1-босқич: баҳолаш услубининг назарий-услубий гипотезасини шакллантириш. Фикримизча, муаллифлик ёндашуви асосида ишлаб чиқилган баҳолаш услубининг асосий ғоясини қуйидаги тезислар орқали ифодалаш мумкин:

1) ҳар бир ҳудуд КБХТ субъектлари иқтисодий салоҳияти ўзаро фарқланади; иқтисодий салоҳият ва ундан фойдаланиш даражаси ҳар бир ҳудуд КБХТ субъектлари томонидан иқтисодий фаолият турларининг мамлакат бўйича умумий кўрсаткичидаги солиштирма салмоғи орқали ифодаланади; иқтисодий салоҳиятдан фойдаланишнинг юқори даражаси экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун имкон яратади; КБХТ субъектлари иқтисодий салоҳияти ва экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда, мамлакат бўйича ҳудудлар кесимида муайян рейтинг кўрсаткичлари шаклланиб, одатда уларнинг қийматлари ўзаро боғлиқ

(тўғри мутаносибликда) бўлади; КБХТ субъектлари экспорт салоҳиятидан максимал даражада фойдаланилган ҳолда (бошқа тенг шароитда), ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш умумий рейтинги экспорт салоҳиятидан фойдаланиш умумий рейтингига мувофиқ (тенг) бўлади; мазкур рейтингларараро мувофиқликдан четга чиқиш, яъни улар қийматининг тавофут даражаси ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ифодалайди.

2-босқич: ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашда қўлланилувчи кўрсаткичларни аниқлаб олиш.

Фикримизча, бу борада юқорида баён этилган назарий-услубий гипотезадан келиб чиққан ҳолда 2 хил тавсифдаги, яъни кичик бизнес субъектлари иқтисодий салоҳияти ҳамда экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини қўллаш тақозо этилади.

Биринчи тавсифдаги иқтисодий кўрсаткичлар сифатида қуйидагилардан фойдаланиш тавсия этилади: кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) ҳажми; кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми; кичик бизнес субъектлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми; кичик бизнес субъектлари томонидан асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми; кичик бизнес субъектларининг чакана савдо айланмаси ҳажми; кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматлар ҳажми; кичик бизнес субъектлари томонидан автомобил транспортида юк ташиш ҳажми; кичик бизнес субъектлари томонидан автомобил транспорти юк айланмаси; кичик бизнес субъектлари томонидан автомобил транспортида йўловчи ташиш ҳажми; кичик бизнес субъектлари томонидан автомобил транспорти йўловчи айланмаси; кичик бизнес субъектларида банд бўлганлар сони.

3-босқич: ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашда қўлланилувчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш.

6-босқич: ҳудудлардаги кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаолиятининг мамлакат бўйича фаолият умумий кўрсаткичидаги солиштирма салмоқлари кўпайтмасининг ўртача геометрик қийматлари асосида ҳудудлардаги кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаолият турлари бўйича интеграл рейтингини шакллантириш. Бунинг учун ҳудудларнинг ҳар бир йил бўйича қийматларини кетма-кетлиги пасайиб бориш тартибида рақамланади.

7-босқич: ҳудудлар рейтингларининг ўзаро мувофиқлик даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. Мазкур мезонлар мувофиқлик даражаси бўйича олинган натижаларни баҳолаш мақсадида бир неча шкалалардан иборат ҳолда шакллантирилади.

Шу билан бирга, кичик бизнес субъектларининг экспорт фаолиятини такомиллаштириш йўлларини тадқиқ этишда соҳа экспорт фаолияти

самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кичик бизнес субъектлари экспорт фаолияти самарадорлигини баҳолашни тўртта даражада амалга ошириш мумкин: корхона (фирма) даражасида; тармоқ (иқтисодий фаолият тури) даражасида; ҳудуд даражасида; мамлакат (миллий иқтисодиёт) даражасида.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолияти самарадорлигини баҳолашда соҳа хусусиятларининг таъсирини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун кичик бизнес корхоналарининг экспорт фаолияти жараёнлари кесими бўйича самарадорлигини баҳолаш мақсадга мувофиқ. Кичик бизнес корхонаси экспорт фаолиятининг қуйидаги жараёнлари бўйича харажатларини аниқлаш ва улар асосида самарадорликни баҳолаш тавсия этилади: маркетинг тадқиқотлари ва маҳсулот рекламаси харажатлари (МРХ); чет эллик харидорлар билан музокаралар харажатлари (ХМХ); экспорт шартномасини тузиш харажатлари (ШТХ); экспорт шартномасини рўйхатга қўйиш харажатлари (ШРХ); божхона юк декларациясини тўлдириш харажатлари (ДТХ); товарларни юклаш харажатлари (ТЮХ); транспортда юкни етказиш (логистика) харажатлари (ЛХ); экспорт қилинаётган маҳсулотни сертификатлаштириш харажатлари (СХ); божхона расмийлаштируви харажатлари (БРХ); юкни харидорга жўнатиш харажатлари (ЖХ).

Хулоса қиладиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланишни баҳолашнинг кўплаб услубларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги қатор мулоҳазаларни илгари суриш мумкин:

- баҳолаш жараёнларининг аксарият ҳолларда экспертларнинг субъектив қарашларига боғлиқлиги ва бунинг олинадиган натижалар ишончлилик даражасига салбий таъсири;

- айрим мезонлар ва уларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг мавҳумлиги, уларни қиймат орқали миқдорий баҳолаш муаммоларининг вужудга келиши;

- баҳолаш натижасида чиқариладиган хулосаларнинг умумий тавсиф касб этиши, улар асосида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишнинг мушкуллиги ва ҳ.к.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуназарова Г., Султонова С. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш нимадан бошланади.// Газета СБХ, 2019, №4. – www.gazeta.norma.uz

1. Барьеры и возможности развития международной кооперации и экспорта. URL: https:// www.exportcenter.ru/road_map/export_voting

2. Большая надежда российского экспорта [Электронный ресурс]/ URL: https://www.gazeta.ru/eksport/2015/05/ 21_a_6696805.shtml

3. Бородавкина Н.Ю. Инструментарий теории и практики оценки внешнеэкономической деятельности региона // Вестник РГУ им. И. Канта. 2008. Вып. 3. Экономические и юридические науки. С. 50-56.

4. Брагина Е.В. Проблемы и методология оценки внешнеэкономического потенциала предприятия [Текст] / Е. В. Брагина // Вестник Удмуртского университета. – 1998. – № 8. – С. 14–36.
5. Будкова С.В. Факторы, определяющие развитие экспортно ориентированных малых и средних предприятий // Социально-экономические явления и процессы. - Т.10, № 6, 2015. – С.28.

Қосимов С. *– ОБМ тингловчиси*

ОСОБЕННОСТИ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В АВИАЦИОННОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Внедрение инновационных технологий поспособствует улучшению показателей аэропортов как экономических, так и качественных, поскольку приведет к уменьшению затрат на персонал, увеличению доходов от неавиационной деятельности, а также позволит уменьшить количество задержек рейсов, так как пассажиры смогут лучше ориентируются на территории аэровокзала и в режиме реального времени узнать обо всех изменениях, касающихся их рейса и многое другое. Однако, перед внедрение инновационных технологий их необходимо либо разработать силами своих ИТ отделом или сторонних компаний, либо обратиться к ИТ-компаниям, у которых уже имеются готовые разработанные программные решения и опыт их внедрения в промышленную эксплуатацию.

Необходимо отметить, что считается очень важным в аэропорту предоставление информацию по многочисленным каналам, в целях донести актуальную информацию до каждого пассажира. Это решается с помощью следующих взаимосвязанных систем информационного обслуживания и навигации пассажиров:

–Автоматизированная система визуального информирования;

–Автоматизированная система звукового информирования;

–Интерактивная навигация и информирование с помощью смартфона или панели;

–Навигационные указатели.

Важно отметить, что в настоящее время в аэровокзалах большой популярностью пользуются видеостены, которые уже установлены во многих российских аэропортах. Помимо предоставления пассажирам и посетителям аэропортов подробной полетной информации большого формата, видеостены помогают занять их свободное время различными рекламными роликами.

Мобильные технологии открывает новые возможности для удовлетворения потребности аэропорта в увеличении прибыли от неавиационной деятельности и позволяет более эффективно донести информацию до пассажиров и сориентировать их в здании аэровокзала.

Также, внедрение радиомаяков пользуется популярностью в аэропортах, которые имеют несколько терминалов. Это обосновано необходимостью

сокращения времени передвижения транзитных пассажиров в здании аэровокзала для того, чтобы избежать инцидентов с опозданием пассажиров на рейс и задержками рейсов. Такая технология не только позволяет улучшить обслуживание авиапассажиров, в том числе с ограниченными возможностями, помогая им ориентироваться в здании аэровокзала, получать информацию в режиме реального времени, например, основанную на поиске местоположения, но и позволяют авиапредприятию получить множество аналитических данных, необходимых для проведения анализа работы аэропорта.

Внедрив технологию Биометрия, аэропорт смог сократить количество контактов между персоналом и пассажирами при прохождении точек контроля с помощью идентификации лиц вместо предоставления и проверки посадочных талонов. Рассмотренные системы помогают аэропортам повысить уровень доходов от неавиационной деятельности, эффективность их работы и, как следствие, качество обслуживания пассажиров, за счет предоставления им необходимой информации, а также помогая пассажирам лучше ориентироваться в здании аэровокзала, тем самым избегая повышенного стресса в новой обстановке и опозданий на рейсы.

Есть несколько важных причин, по которых аэропорты не выделяют денежные средства в разработку мобильных приложений, но основным является то, что по статистике аэропортов не довольны числом скачиваний своих приложений, к тому же мобильные приложения требуют дополнительных расходов на их распространение и сопровождение. Однако, благодаря мобильным приложениям аэропорты получают дополнительный источник доходов за счет продвижения услуг и сервисов аэропортов, например, магазинов, парковок, ресторанов, а также повышают эффективность своей работы за счет предоставления посетителям аэровокзала своевременной и точной информации, тем самым увеличивая уровень удовлетворенности своих пассажиров.

Суюнов Д.Х. *– ОБМ кафедраси мудири и.ф.д., проф.,*
Бабажонов А.Ю. *- ОБМ тингловчиси*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ АСОСЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятлари, уларнинг фаолияти, акциядорларнинг ҳуқуқ ва манаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа норматив хужжатлар билан тартибга солинади. Бундан ташқари бир қанча меъёрий хужжатлар мавжуд бўлиб, улар акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатиш учун йўриқнома бўлиб хизмат қилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг

«Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ -760-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60 сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги "Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида"ги ПФ-101 – сон Фармонларида белгиланган топшириқлар алохида маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бугунги кунда хар бир акциядорлик жамиятида "Маркетинг ва сотувлар бўйича директор" лавозимини киритилганлигидир. Маркетинг ва сотувлар бўйича директорга бўйсунувчи:

- Бозор конъюнктураларини ўрганиш бўлими;
- Брэнд-менежмент, маркетинг ва реклама хизмати;
- Чэт эл харидорлари билан ишлаш ва экспорт бўлими;
- Ички сотувлар бўлими;
- Сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш ва кафолатлар бўлимлари ташкил этилиши белгиланган.

Бу акциядорлик жамиятларида маркетинг стратегиялари алохида ўрганилишини ҳамда маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда ўзига хос хусусиятлари мавжудлигидан дарак беради.

Ўз олдига ривожланишни мақсад қилиб қўйган ҳар қандай акциядорлик жамиятлари аввалambор, ўзининг миссияси, қадр қиммати, келажаги, стратегиясини ишлаб чиқиши лозим бўлади. Акциядорлик жамиятлари миссияси – биз нима учун мавжудмиз?, қадр қиммати – биз учун нима муҳим?, келажаги – биз ким бўлмоқчимиз?, стратегияси – қайси йўлдан юрамиз? каби саволларга жавоб берган ҳолда яратиш лозим.

Маркетинг стратегияларининг илмий адабиётларда турлича тушунчалари ва таърифлари мавжуд, бу эса ушбу тушунчаларни тизимлаштириш ва таркибини тартибга солишни талаб қилади (1-жадвал).

Кўпгина хорижий ва махалий олимлар маркетинг соҳасидаги ўз асарларида «маркетинг стратегиялари» тушунчасининг моҳиятини белгилаб беришга эътибор қаратадилар. Тадқиқотларга кўра, ҳозирги пайтда маркетинг стратегиясига айнан қайси компонентлар кириши лозимлигининг аниқ таърифлари мавжуд эмас[1]. Айрим тадқиқотчилар «стратегия» ва «ривожланишнинг устувор йўналишлари» ҳамда «мақсадларга эришиш стратегияси» тушунчалари ўртасида фарқларни таъкидлайдилар[2]. Маркетинг стратегияси, фикримизча, ташқи ва ички муҳитда бирор-бир ўзгаришлар юзага

[1] О'Шонесси Дж. Конкурентный маркетинг: стратегического подход / англ. дан под. ред. Д.О. Ямпольской. – СПб: Питер, 2002. – С. 118.

[2] Дихтль Е., Хершген Х. Практический маркетинг. -М.: Высшая школа. ИНФРА-М,1996.-с.215 ва Ансофф. Новая корпоративная стратегия. – СПб.: Питер Ком,1999.-с30.

келгани сари маълум ўзгариш ва тузатишларни киритиш мумкин бўлган дастурдан иборат. Фикримизча, айнан маркетинг стратегияси компанияга муайян мақсад ва вазифаларни аниқлаш, нимага интилиши ва қандай ривожланиши лозимлигини белгилаш имконини беради.

Юқорида келтирилган маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг асарларини таҳлил қилиб, маркетинг стратегиясининг қуйидаги асосий компонентлари ажратилган:

1-жадвал

Акциядорлик жамиятлари мақсадидан келиб чиқиб маркетинг стратегиясининг турли таърифлари[1]

№	Ф.И.Ш.	Мазмуни
1.	Эванс Дж., Берман Б.	Мақсадли бозорларни жалб қилиш ва қондириш ҳамда ташкилотнинг мақсадларига эришиш учун маркетинг стратегиясини қандай қўллаш лозим
2.	Диксон П.	Бозорнинг турли сегментлари учун аниқ стратегияларни белгилаш, умуман бозор муҳитини ҳисобга олган ҳолда маркетинг режасини ишлаб чиқиш билан
3.	Котлер Ф.	Компания бозорни танлайди, уни сегментларга бўлиб ажратади. Улардан энг яхши истиқболи бўлганларни танлайди ва ўз диққатини истеъмолчиларнинг мақсадли гуруҳларига хизмат кўрсатишга йўналтиради
4.	Багиев Г	Истеъмолчилар асосий гуруҳларининг эҳтиёжлари ва талабларини тизимли ва доимий таҳлил қилиш ва уларга рақобатчилардан яхшироқ хизмат кўрсатиш
5.	Гайдаенко Т.А.	Корхонанинг бозордаги имкониятларини таҳлил қилиш, мақсадлар тизимларини танлаш, режаларни ишлаб чиқиш ва ифодалаш ҳамда бозор таваккалчилигини камайтириш, корхонанинг узоқ муддатли ва барқарор ривожланишини таъминлашга йўналтирилган маркетинг чора-тадбирларини амалга ошириш
6.	Чевертон П.	Маркетинг стратегияси бозорнинг динамик хусусиятлари ва унинг талабларини тушуниш ҳамда ҳаракатингиз учун имкониятларини аниқлаш асосида ташкил этилади
7.	Завьялов П.С., Кретов И.И.	Маркетинг стратегияси – аниқ ифодаланган мақсадлари, уларга эришишнинг белгилаб берилган асосий йўллари, кўзда тутилган зарур ресурслари бўлган бош асосий дастур шаклида расмийлаштирилган бозорда ҳаракат қилиш қўлланмасидир
8.	Дж. О'Шонесси	Маркетинг стратегияси - товар, унинг нархи, уни сотишни кенгайтириш ва тақсимлаш усуллари маркетинг вазифаларига эришишга тўсқинлик қилишни енгиб ўтиш учун мувофиқлаштирилган тарзда қандай фаолият юритиши лозимлиги ҳақидаги кенг концепция
9.	Бекмурадов А, Касымова М, Эргашходжаева Ш.	Маркетинг стратегияси- асосий истеъмолчилар талаб ва эҳтиёжларини мунатазам тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, компания харидорларини танлаб олинган гурухларига рақобатчиларга нисбатан яхшироқ хизмат

[1] Илмий адабиётларни умумлаштириш асосида тузилган.

		кўрсатиш, шу тариқа рақобатчилик устунлигига эга бўлиш имконини берувчи товар ва хизматлар концепциясини ишлаб чиқиш қўйилган маркетинг мақсадларини асослаб бериш мақсадида корхонанинг ташқи ва ички муҳитини таҳлил қилиш, маркетинг дастурини шакллантириш, корхонанинг рақобатчилик устунлигини таъминлаш, қўйилган маркетинг мақсадларига эришиш учун ресурсларни тақсимлашдан иборатдир.

Шундай қилиб, маркетинг стратегияси корхонанинг мақсадли сегментини танлаш ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва уларнинг ўзгаришига тез жавоб беришга йўналтирилган маркетинг сиёсатини таҳлил қилиш, режалаштириш ва уларга тузатиш киритишнинг доимий жараёни ёрдамида компаниянинг рақобатчилик устунлигини амалга ошириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган фаолиятнинг шаклидан иборат.

Маркетинг тизимида истеъмолчиларни хулқ-атвори билан боғлиқ турли хил шароитларнинг бутун мажмуини аниқлаш учун ўтказилади. Диссертацияда истеъмолчиларнинг хулқ-атвори моделини шакллантиришда умумий методологик ёндашувлар қуйидаги илмий йўналишлар доирасида тадқиқ этилган:

- чекли нафлилик назарияси- истеъмолчиларнинг муайян эҳтиёжларини маълум вақт давомида қондириш усули сифатида қаралади (У.С Джевонс); [1]

– товар ёки хизматлар қийматлилиги назарияси – уларнинг истеъмолчилар истагини қондириш қобилиятини белгилаб берувчи психологик омиллар мавжудлигини тан олишдан келиб чиқади (Дж. Винер);[2]

– нафақат фойдалиликни миқдорий ўлчаш ва таққослаш, балки истеъмолчиларнинг афзал кўрган жиҳатларини сифат нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш ва таснифлаш зарурлиги (А. Самуэльсон, В.Д Нордхаус);[3]

– ижтимоий муҳитда реал таркиб топаётган шароитларни ҳисобга олган ҳолда бозорда кишининг базавий эҳтиёжлари ва хулқ-атвори мотивларини таснифлашни аниқлаш (А.Г. Маслоу);[4]

– истеъмолчиларни хулқ-атвори таъсирида харид қилиш юзасидан қарор қабул қилинувчи ички ва ташқи хусусиятдаги маълум рағбатларнинг тўпламидан иборат (Ф.Котлер).[5]

Тадқиқот ишида кўрсатилишича, истеъмолчиларнинг бозордаги ҳаракатлари истеъмолчиларнинг сўровлари, эҳтиёжлари, харид қилиш мақсадлари, гуруҳли манфатлари, даромади, талабнинг хусусияти, хулқ-атвори мотивацияси ва ҳоказоларга кўра жиддий фарқланади, ҳолбуки

[1] У.С Джевонс. Теория потребительского поведения и спроса. СПб.: Экономическая школа,1993.с70-71.

[2] Дж. Винер. Концепция полезности в теории ценности и ее критики. СПб. Экономическая школа 1993.с. 78.

[3] А. Самуэльсон, В.Д Нордхаус. Экономика. М.: Бином,1997.с.118.

[4] А.Г Маслоу. Мотивация и личность. СПб.: Евразия, 1999.с.77-96.

[5] Котлер Ф. Маркетинг менеджмент / Ф. Котлер, К.Л. Келлер. - 12-е изд. – Санкт-Петербург: Питер, 2012. - 814 с.

истеъмолчиларнинг хулқ-атворини ўрганувчи фанлар (иқтисодиёт, социология, психология), етарлича ютуқларга эга бўлишига қарамай, у харидорлар ҳаракатининг барча эҳтимолий турларини тушунтириш ва олдиндан айтиб бериш имконини берувчи тўлиқ жавобларни бера олмайди. Шунинг учун, бу ерда фақат тегишли ҳаракат моделларини ишлаб чиқиш ёрдамида истеъмолчилар хулқ-атворининг расмий таърифини яратиш ҳақида гап бориши мумкин.

Шундай қилиб, истеъмолчиларнинг хулқ-атворини моделлаштириш корхонани ривожлантириш бўйича маркетинг стратегиясини шакллантиришда таъсирчан восита ҳисобланади ва унинг жорий ва истиқболдаги натижаларига ижобий таъсир этади, шунингдек хизматларнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозорларида унинг рақобатбардошлиги ўсишига кўмаклашади.

Хулоса қиладиган бўлсак, акциядорлик жамиятлари маркетинг стратегияларисиз ўз товар ва хизматларини сотишда рақобатни ҳисобга олганда бир қанча қийинчиликларга дуч келади. Акциядорлик жамиятлари ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун албатта маркетинг стратегияларини таҳлил қилиши, ўзига мосини танлаб олиб жорий этиши ва маълум бир оралиқда стратегиянинг самарадорлигини баҳолаши лозим.

Камалов Р.Н. *- Банк молия академияси тингловчиси*

BIG DATE – ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН БАНК ИШИДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИ

Маълумки, охирги йилларда Ўзбекистон Республикасида банк-молия сектори тизимида Big Date – технологиялари изчил ислоҳ қиллиш, қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибадор муҳитни яратадиган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ҳамда “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги янгиланган қонунлари қабул қилинди. Банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш талаб этилмоқда[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли фармонига асосан 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси.

вазифалардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, хусусий сектор ривожланишини рағбатлантириш, банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини, банк хизматлари оммабоплиги ва сифатини ошириш учун банк секторини тубдан трансформация қилиш мақсадида Ахборотларни «Big Data» асосида йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича автоматлаштирилган тизимни жорий этиш белгилаб қўйилган[1]. Катта маълумотлар бир хил контекстга тегишли бўлган ҳар хил форматдаги тузилган ва тузилмаган маълумотларнинг доимий ўсиб бораётган ҳажмини англатади. Ушбу технологиянинг асосий хусусиятлари - ҳажм, тезлик, хилма-хиллик, қиймат ва ҳақиқат. Турли манбалардан олинган бундай маълумотлар тўпламлари бизнинг одатий ахборотни қайта ишлаш тизимларимиз бошқара оладиган даражадан ташқарида.



1-расм. Хорижий банкларда қўлланиладиган янги рақамли технологиялар

Хулоса ўринда, Big date – технологияларидан банк ишида фойдаланиш имконияти ва технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг мамлакатнинг замонавий пул-кредит сиёсатида фаол қўлланилиши кредит ташкилотлари ва мижозлар ўртасидаги кредитлаш, хизмат кўрсатиш ва мижозларни хабардор қилиш соҳасидаги муносабатларга таъсир кўрсатмоқда. Шу муносабат билан Марказий банк олдидаги биринчи навбатдаги вазифа, биринчидан, мавжуд кредит тизимини рақамлаштириш, иккинчидан, кредит соҳасига IT-технологияларни жорий этишдан иборат. Мижозларга вақт сарфини тежаш ва кўпроқ қулайлик яратишҳамда ресурсларни йўналтириши учун кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа операцияларни бажариш вақтини қисқартиришга қаратилган уринишларига кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

[1] https://lex.uz/ru/docs/4811025#4813469

Курбонов А. *- Банк молия академияси тингловчиси*

ТИЖОРАТ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ БАНКЛАР ФАОЛИЯТИДАГИ ЎРНИ

Жаҳон амалиётида тижорат банкларининг хизматлари “Riteyl” тушунчаси билан оммалашгандир. “Riteyl” сўзи луғатларда чакана савдо, интернет орқали савдо деган маъноларни англатади. Банклар улгуржи хизмати деганда мижозларнинг турли гуруҳларига хизматни назарда тутадилар. Уларга хазиначилик ва йирик корпорацияларга хизмат кўрсатиш, ҳатто айрим мижозларнининг маиший хизматларга тўловлари, валюталарни алмаштириш, депозитлар ва бошкалар бу хизмат турига киритилади. Бундан мижозларнинг катта кичиклигига қараб хизматлар улгуржи ва чакана бўлади деб хулоса чиқариш мумкин. Демак, “Riteyl” банклардаги кичик майда хизматлардир. “Riteyl” хизматлари деганда кичик мижозларга ва асосан жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматларни тушуниш лозимдир.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари фаолиятида «чакана банк бизнеси» энди ривожланиб келаётган соҳа ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, чакана банк бизнеси ҳамда “Riteyl” банк тушунчаларини ажратиш мураккаблашиб бормоқда. “Riteyl” сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, «чакана» маъносини англатади. “Riteyl” хизматлар эса ўз навбатида жисмоний шахсларга кўрсатиладиган банк хизматлари йиғиндисини билдиради. Охирги йилларда бу тушунча кенгайиб, эндиликда “Riteyl” банкнинг кичик бизнесга кўрсатадиган хизматларини ҳам ўз ичига олмоқда. Бугунги кунда биз банкнинг чакана хизматларига қуйидаги хизматларни киритишимиз мумкин: аҳоли омонатлари, истеъмол кредити, кредит карточкалар, банк сейфларини ижарага бериш, кимматбахо буюмларни ижарага қўйиш оркали кредит бериш (ломбард) ва ҳ.к.ларни кўрсатишимиз мумкин.

Ғарб мамлакатлари чакана хизматларига эса банк хизматларининг умумий пакети киради: онлайн тармоғидаги барча операциялари, интернет банк, доллар, евро ва бошка қаттиқ валютадаги очиқ ҳисоблар, Call марказларининг доимий ахборот хизматлари, истеъмол кредити, кредит карталар ва инвестицион фонддаги хизматлар.

Охирги йилларда ғарбий европа мамлакатларида тижорат банклари чакана банк хизматлари турларини ошириш билан жиддий шуғулланмоқда, чунки бу соҳанинг ўзига хос ижобий тарафлари мавжуд:

-банкларни тез-тез алмаштиришга мойил бўлмаган мижозларнинг «юқори садоқатлилиги»ни таъминлайди;

-мижозларнинг турли бўғимларга ажралиши “Riteyl” бизнесдан етарли даражада баркарор фоизли даромад олишга имкон беради;

-таққослаганда, чакана мижозларга берилган кичик суммадаги кредитлар, кредит рискини диверсификациялайди;

-шунингдек, йирик корпорацияларга қараганда талабнинг ўзгарувчанлиги кам кузатилади;

-баъзи минтақаларда йирик компанияларнинг йўқлигига қарамай, хизматларнинг кенгайиши тижорат банкларини доимий даромад билан таъминлайди.

Масалан, Белгия, Буюк Британия ва Швеция каби мамлакатларда тижорат банкларининг чакана фаолиятидан келаётган даромад банклар умумий даромадининг 50% идан ошади, Испания, Италия ва Франция каби ривожланган давлатларда эса бу кўрсаткич 50% га яқин улушни ташкил этади.

“Чакана банк хизмати” ёки “Riteyl” сўзининг маъноси кўпгина хорижий тилларда турлича талқин этилади. “Retailing” атамаси инглиз тилида “чакана савдо” маъносини англаса, “Retailler” сўзи француз тилида “бирон-бир нарсани бўлакларга бўлиш”[1], деган маънони билдиради. Яъни иқтисодчи олим D.Gilbертнинг фикрича, чакана савдо билан шуғулланувчи шахс йирик ҳажмдаги товарларни олиб, уларни “индивидуал истеъмолчиларга сотиш мақсадида кичик миқдорларга тақсимлайди”[2]. Бу билан чакана савдони кўп такрорланадиган савдо сифатида таснифлайди. Шунингдек, товар ва хизматларнинг чакана савдоси якуний истеъмолчилар учун мўлжалланган, деб кўрсатади.

Бошқа иқтисодчилар эса банк хизматларини уч йирик гуруҳга бўлишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, биринчи гуруҳ олимлари банк хизматларини “мижозларга кўрсатиладиган хизмат”, деб кўрсасалар, иккинчи гуруҳ олимлари уни “банк филиалларида мижозларга кўрсатиладиган хизмат”, деб тушунадилар, учинчи гуруҳ иқтисодчилари эса банк хизматларини “оммавий банк хизматлари бўлиб, уни амалга ошириш шартлари ва ассортименти (турлари) олдиндан белгилаб қўйилгандир”[3], деб таъкидлайдилар. Бундай хизматлар жисмоний шахсларга мўлжалланган бўлиб, индивидуал характерга эга эканлигини кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Шунингдек, чакана банк хизматларидан банкларнинг бир қатор банк маҳсулотлари ва хизматларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Олимлар фикрига кўра, улар қаторида шахсий ҳисоб рақамлар бўйича операциялар, кредитлаш, банк карталари, турли ўтказмалар, сейф ячейкалари билан ишлаш, қимматбаҳо металлар билан ишлаш, хорижий валюта билан ишлаш ва коммунал хизматлар бўйича имтиёзли хизмат кўрсатиш бўйича операцияларни ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин[4].

Хулоса ўринда, давомида ахборот ва коммуникация технологияларининг оммавий ривожланиши ва кенг жорий этилиши жаҳоннинг глобал ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилди. Ҳар томонлама ривожланаётган ахборот ва коммуникация соҳаси иқтисодиётнинг турли тармоқларида пешқадамлигини намоён этиш зарур ҳисобланади.

[1] Brown S. Retail Lokcation: a mikro-scale perspective. Aldershot: Avebury, 2018. P.11
[2] Управление розничным маркетингом: пер. с англ. / Под ред. Д.Гилберта. –М.: 2013. С. 289.
[3] Банковские операции. Учебное пособие / Кол. авторов: Под ред. О.И. Лаврушина. –М.: КНОРУС, 2013. – 384 с.
[4] Банковские операции: учеб. пособ. для средн. проф. образования / Под. ред. Ю.И. Коробова. – Магистр, 2012. – 446 с.,

Қосимов С. *– ОБМ тингловчиси*

ВОЗМОЖНОСТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УПРАВЛЕНИЯ ПРОЕКТОМ МОДЕРНИЗАЦИИ РЕДУКТОРА ПОСТОЯННЫХ ОБОРОТОВ ВОЗДУШНОГО СУДНА

Основным агрегатом системе генерирования электроэнергии (СГЭ), отвечающим практически за все его характеристики, является генератор или стартер-генератор (СГ).

В общем виде авиационные ЭГ разделяются на магистральные, аварийные, резервные и специальные. Магистральные генераторы являются основным источником электроэнергии на борту и используются на протяжении всего полета летательного аппарата.

Традиционные требования к авиационным ЭГ нового поколения:

– высокая перегрузочная способность, что обусловлено возможными пиковыми нагрузками на систему электроснабжения летательного аппарата, которые возникают при выполнении полетного задания. Обычно авиационный ЭГ должен выдерживать 150% от номинальной мощности в течение 5 мин и 200% номинальной мощности в течение 5 с;

– автономность. Работа магистральных и резервных авиационных ЭГ не должна зависеть от наличия на борту постоянного тока или других источников электрической энергии. Именно исходя из этого требования в качестве авиационных ЭГ используются синхронные генераторы с вращающимися выпрямителями или ЭГ с постоянными магнитами. Для индукторных ЭГ и асинхронных генераторов требуется отдельная энергия на возбуждение;

– устойчивость к механическим воздействиям. Авиационный двигатель и вспомогательная силовая установка в процессе эксплуатации создают крутильные колебания, широкий спектр вибраций, а кроме того, испытывают значительные перегрузки, которые достигают 10–15g. При проектировании авиационных ЭГ нового поколения необходимо принимать конструктивные и проектные меры для противодействия данным явлениям;

– динамические характеристики ротора ЭГ. При интеграции ЭГ на вал авиационного двигателя или на вал ВСУ, ЭГ не имеет собственных подшипников, подшипниками ЭГ являются подшипники силового агрегата;

– минимальная масса и минимальный объем ЭГ. Требования современной аэрокосмической отрасли, предъявляемые к ЭГ нового поколения: удельные показатели на уровне не менее 5 кВт/кг, а для ряда перспективных проектов выдвигаются требования 10 - 15 кВт/кг.

Зарубежные компании и научные центры возлагают основные перспективы именно на ЭГ с ВПМ и активно используют их на различных летательных аппаратов, в том числе на новейшем истребителе 5 поколения F-35.

В генераторах с электромагнитным возбуждением при изменении нагрузки величина магнитного потока в воздушном зазоре регулируется за

счет изменения тока обмотки возбуждения, что обеспечивает стабильность напряжения. В ЭГ с ВПМ ввиду того, что магнитный поток в воздушном зазоре ЭГ создается постоянными магнитами, управлять и стабилизировать его выходное напряжение методами, аналогичными методам управления генераторами с электромагнитными возбуждением невозможно.

Высокооборотные высокоскоростные электромеханические преобразователи энергии (ЭМПЭ) с ВПМ с частотами вращения 30 000–60 000 об/мин используются в основном в двух направлениях: это создание короткоресурсных объектов (ракет, беспилотных летательных аппаратах, самолетов-мишеней) и перспективным направлением развития высокооборотных ЭМПЭ с ВПМ.

Необходимо отметить, что достигнутые массогабаритные характеристики серийных высокооборотных ЭМПЭ с ВПМ не являются удовлетворительными для создания перспективных летательных аппаратов, что обусловлено не оптимальными конструктивными схемами ротора, значительными потерями в магнитопроводе статора, а также теоретической базы, позволяющей их оптимизацию.

При подключении номинальной нагрузки в компьютерной модели проявляется магнитное поле реакции якоря, что приводит к тому, что магнитные потоки в участках ЭМПЭ с ВПМ перераспределяются.

К недостаткам предложенного метода относится то, что достаточно сложно обеспечить необходимое качество электроэнергии ЭМПЭ с ВПМ, что значительно усложняет использование данного метода в СГЭ летательного аппарата, но при этом он может найти широкое применение в других автономных объектах, где требования к качеству электроэнергии более низкие.

Высокой эффективностью обладают ЭМПЭ с ВПМ с повышенной индуктивностью. Именно данные ЭМПЭ с ВПМ используются на F-35. Суть данного метода заключается в том, что обмотка ЭМПЭ с ВПМ выполняется с такой индуктивностью, при которой токи не превышают номинальные токи. В этом случае ЭМПЭ с ВПМ при фазном коротком замыкании работает так же, как и в номинальном режиме.

Суюнов Д.Х. *– ОБМ кафедраси мудири и.ф.д., проф.,*
Жалилов М.Р. *- ОБМ тингловчиси*

ЗАМОНАВИЙ МАРКЕТИНГНИНГ МИЖОЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИДА АЛОҚАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИГА ҚАРАШЛАР

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, рақобат кучайиши ҳамда маҳсулот ва хизматларнинг ҳаётийлик даври кескин қисқаришининг ҳозирги тенденциялари компания ходимларини янги кўникма ва малакани

шакллантириш, тажриба тўплаш, шу асосда халқаро савдо ўзгаришларига нисбатан ҳозиржавоб ва мослашувчанлик сингари сифатларни ривожлантиришни илгари сурмоқда.

Ўзбекистонда ўтказилаётган демократик бозор ислоҳотлари ва мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири жаҳон хўжалигига интеграциялашув шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва эркинлаштириш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт ва импорт таркибини, географиясини диверсификация қилиш ҳисобланади. Мамлакатимизда кейинги йилларда ташқи савдо айланмасини ошириш, экспорт ва импорт таркибини диверсификациялаш борасида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, жаҳон бозоридаги конъюнктура беқарорлигига қарамай, 2020 йилда ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2019 йилдагига нисбатан 9,6 фоиздан ортиқ инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 11,3 фоиз ўсди ва 3,7 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ доллари бўлган 164 та йирик инвестиция лоиҳасини амалга ошириш якунланди. 2018 йилда 52 миллиард АҚШ долларилик 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард АҚШ долларилик 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда[7].

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда[8]. Ана шу талаблардан келиб чиқиб, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: “...принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш” сингари вазифалар белгиланган.

Ҳаракат дастурида белгиланга ушбу вазифаларни ҳал этишда иқтисодиёт ривожини жадаллаштирувчи омиллардан бири бўлган ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Илғор ускуналар билан жиҳозланган замонавий корхоналарнинг барпо этилиши саноатнинг янги тармоқларини ўзлаштириш, ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотларни тайёрлашни кўпайтириш, пировардида экспорт ҳажмини оширишга хизмат қилади. Бу ўринда гап фақат экспорт ҳажмининг ўсиш кўрсаткичлари ҳақида бораётгани йўқ.


Шу маънода, маркетинг фаолияти иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида корхоналарни бошқаришнинг муҳим концепцияларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Мақсадга мувофиқ ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулотларни сотиш бозорларида вужудга келувчи вазиятларга тезкорлик билан жавоб бериш ва охир-оқибат рақобат курашида ғолиб чиқишда маркетинг муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Кўпгина компанияларда анча вақт илгари сотиб олиш функцияси билан шуғулланиш, келгусида рақобатбардошликни ошириш ва иқтисодий фойдани оширишга восита эканлигини тушуниб етилган. Сотиб олиш маркетинги (procurement marketing) тушунчаси кундалик эҳтиёжларни қондириш учун харидлар(purchasing) ва сотиб олиш(procurement) учун муҳимдир.

Маркетинг шунчаки замонавий бизнес ибораси эмас, бу корпоратив қиймат занжири учун катта салоҳиятга эга янги стратегик концепциядир. Моддий ресурсларни бошқаришда корпоратив муваффақиятларга эришишда кўпроқ ҳисса қўшиш учун мавжуд фикр ва ёндашувларни қайта баҳолаб чиқиш зарур ҳисобланади.

“Маркетинг фойдани кўзлаб мақсадли бозор эҳтиёжларини қондириш мақсадида қийматни кашф этиш, яратиш ва етказиб бериш илми ва санъатидир” ҳамда “маркетинг инсонларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида бозорда айрибошлашни амалга ошириш фаолияти”[1] деган фикрни Ф.Котлер билдирган. Бозор билан ишлаш нафақат сотиш, балки сотиб олиш фаолиятини ҳам қамраб олади. Шу боис, маркетинг концепциясига эътибор қаратиш лозим бўлиб, маркетинг муносабатларини ташкил этиш, уларни назорат қилиш ва келгуси истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Келтирилган 1-расмдаги маълумотларнинг ҳар бирига алоҳида изоҳ берилса, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш концепцияси бу сотувчилар томонидан қўлланилувчи энг қадимги усуллардан биридир. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш концепцияси шундай талқин этилади: истеъмолчиларнинг хоҳиши кенг тарқалган ва нархи арзон маҳсулотларнинг мавжуд бўлишидир. Бу эса бошқарувчиларга янги вазифаларни юклайди, яъни энди улар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, замонавийлаштириш ва тақсимот тизими натижаларини олишга ҳаракат қилишлари зарур бўлиб қолади. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш концепцияси икки хил ҳолатда қўлланилади. Биринчиси, агар товарга талаб таклифдан ошиқ бўлган ҳолатда, раҳбарият ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўлларини излашга эътибор қаратиши зарур. Иккинчиси, агар товар таннархи жуда юқори бўлса ва уни камайтириш зарур бўлиб қолган ҳолатда, эса ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш керак. Генри Форднинг концепцияси шундан иборат эдики, у “Т” моделни ишлаб чиқариш муддатини узайтириб ни чўзиб, машина таннархини пасайтириб, нархни ҳамма истеъмолчиларга тўғри келадиган қилиб қўйди[2]. Бугунги кунда бу усулдан “Тексас инструментс” корпорацияси фойдаланмоқда.

[10] Котлер Ф. и др. Основы маркетинга. Пер. с англ.-М.: Издательский дом «Вильямс», 2009.
[2] Беляев Н.З. Генри Форд.-М.: Журнально-газетное объединение, 1935. — 264 с.



1-расм. Компаниянинг маркетинг концепциясининг схемаси[1].

Бу корпорация ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб, харажатларни камайтириб, ўз товарлари нархини туширишга эришди. Бу концепцияни татбиқ этган фирма Америка бозорида қўл калькуляторлари ишлаб чиқариш бўйича 1-ўринга чиқиб олди. Шундан сўнг бу фирма худди шу стратегияни қўл соатларига қўллади, аммо у омадсизликка учради. “Тексас инструментс” соатлари арзон бўлса ҳам улар истеъмолчиларга ёқмади. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш концепцияси айрим хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳам қўлланилади. Кўпгина тиббий ва стоматологик ташкилотлар конвейер усулида ташкил этилган. Бу усулдан айрим давлат ташкилотлари, шу жумладан, меҳнат биржаси ва ҳайдовчилик гувоҳномаси берувчи идораларда фойдаланилади. Бу ташкилотлар ҳар соатда кўп мижозларга хизмат кўрсатса ҳам, бу хизматлардан қониқмай, шикоят қилувчилар ҳам кўзатилади.

Товарни такомиллаштириш концепцияси ҳам сотувчилар томонидан қўлланилувчи асосий усуллардан бири ҳисобланади. Товарни такомиллаштириш концепциясининг моҳияти шундан иборатки, истеъмолчилар юқори сифатли ва қулай фойдаланиш хусусиятига эга товарни сотиб олишни хоҳлайдилар. Демак, корхона доимо товарни такомиллаштиришга эътибор бериши керак. Масалан, кўпгина ишлаб чиқарувчилар балиқ тутиш мосламасини такомиллаштиришга эришилса, уларнинг йўли доим очиқ бўлишига ишонадилар. Аммо уларни олдинда шафқатсиз зарба кутади. Чунки харидор балиқ тутишни хоҳлайди, аммо бу мосламадан фойдаланиш унга ёқмаслиги мумкин. Бу муаммонинг ечими тўр ва бошқа усуллар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, агар ишлаб чиқарувчи бу товарнинг дизайни, ўрами, баҳоси, товар ҳаракатини қулай тақсимлаш ва кишиларни шу товар уларга керак эканлигига ишонтира олиш масалаларига эътибор бермаса, бу товар бозорда харидоргир бўлмай қолади.

[11] Муаллиф ишланмаси

Ижтимоий-аҳлоқий маркетинг концепцияси ҳозирги давр талаблари асосида шаклланган. Бу концепциянинг моҳияти шунадан иборатки, корхонанинг вазифаси мақсадли бозорга керакли бўлган товар, эҳтиёж ва қизиқишни аниқлаш, бу эҳтиёжларни рақобатчиларга нисбатан самаралироқ йўл билан қондириш, шу билан бирга истеъмолчи, жамият, атроф-муҳитнинг ҳолатини сақлаш ёки яхшилашга эришишдир. Савол туғилади, фирма доим ҳам истеъмолчиларга хизмат кўрсатиб, эҳтиёжларни қондира туриб, унинг келажакда узоқ вақт давомида яхши кайфиятда бўлишини эътиборга оладими? Бу ижтимоий- аҳлоқий маркетинг концепцияси бозорда фаолият юритувчилардан сиёсат доирасида уч омилнинг бўлишини талаб этадилар. Аввал фирма ўзи иқтисодий ҳаракатларини фойда олиш билан боғлаган бўлса, кейинчалик харидорлар эҳтиёжи ва талабларини қондириш муҳим стратегик аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қилинади. Натижада маркетинг концепцияси шаклланади. Кейинчалик фирма жамият тўғрисида ҳам ўйлай бошлайди, ижтимоий-аҳлоқий маркетинг концепцияси қуйидаги уч омилни ўзаро мувозанатда бўлишини талаб этади: фирма даромади, харидор талаби ва жамият фойдаси.

Тижорат ҳаракатларини фаоллаштириш концепцияси қуйидагича таърифланади: агар корхона сотиш ва рағбатлантириш соҳасида яхши ҳаракат қилмаса, истеъмолчилар унинг товарларини етарли миқдорда сотиб олмайдилар. Бу концепция асосан паст талабга мойил товарларга нисбатан қўлланилади. Бу товарларни харидор сотиб олишни ўйламайди. Масалан, суғурта, энциклопедик луғат, қабристондан жой ва ҳоказо. Бу соҳаларда фаолиятлар мукаммалликка эришилган бўлиб, турли хил йўллар билан потенциал харидорларни топиш ва товарни “қатъий сотуви” амалга оширилади. Мисол учун мижоз ёки харидор намойиш залига кириши билан сотувчи “руҳий қайта ишлаш жараёнини”ни бошлайди. Харидорга бирор-бир модель ёқса, унга бу моделни бошқа бир киши сотиб олмоқчи эканлиги, шунинг учун тез бир қарорга келиш кераклиги айтилади. Харидорга товарнинг нархи ёқмаса, сотувчи бошқарувчи билан гаплашиб, арзонлаштиришга уриниб кўришини таклиф қилади. 10 дақиқадан сўнг, сотувчи қайтиб келиб, бу баҳоси бошқарувчига ёқмагани, аммо у рози бўлганини айтади. Бу ишларнинг мақсади - харидорни жойида сотиб олишга мажбур қилишдан иборат. Бу концепция тижоратдан ташқари фаолият, яъни нотижорат фаолиятида ҳам қўлланилади.

Умуман маркетинг концепцияси тадбиркорлик фаолиятида бошқа усулларга нисбатан янгидир. Маркетинг концепциясида шундай дейилади: корхонанинг ўз мақсадларига эришиш кафолати бу унинг бозордаги эҳтиёжини аниқлаш ва керакли маҳсулотлар билан таъминлашни бошқа рақобатчилардан самаралироқ бажаришга ҳаракат қилишдан иборат. Бу концепциянинг маъносини қуйидаги иборалардан топиш мумкин: “Эҳтиёжларни топинг ва қондиринг”, “Ишлаб чиқарилган товарни сотишга ҳаракат қилгандан кўра, сотиладиган маҳсулотни ишлаб чиқар”, “Товарни

эмас, мижозни севинг”, “Сиз айтганча бўла қолсин”, “Харидор ҳамиша ҳақ” ва ҳоказо.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги глобаллашув шароитида иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида барча мамлакатларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Шу маънода, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”[1]нинг 3.2-бандида Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш йўналиши бўйича бир қатор устувор кўрсатмалар белгилаб берилди.

Жумладан:[2] юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш;

принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлари ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтиришни кўрсатиб ўтиш мумкин.

B2B (инг. Business to Business) юридик шахс кўринишидаги субъектларнинг ахборот алмашиш ва иқтисодий ҳамкорликни белгилаб берувчи термини ҳисобланади. Сўзма-сўз таржима қилганда “бизнес бизнес учун” бўлиб, бу бозор секторида компания охирги истеъмолчига эмас, худди шундай бошқа бизнес учун ишлайди. B2B интернет тармоғида савдо-сотиб олишни акс эттирувчи дастурий таъминот мажмуи электрон тижорат тизими (электрон савдо тизими) маъносини ҳам англатади[3].

Баланслаштирилган кўрсаткичлар тизимидан (БКТ)[4]ички муҳитни баҳолаш усули сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. БКТ компания самарадорлиги баҳолаш бўйича тўрт асосий кўрсаткични қамраб олади: молия, бозор (истеъмолчи), бизнес-жараёнлар, инновация ва ўқитиш.

Ҳар бир таркибий қисм аниқ қўйилган мақсад ва унга мувофиқ кўрсаткичларни назарда тутади. БКТ тизими режалаштирилган натижага

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. // Халқ сўзи , 2017 йил 8 февраль 28 (6722)-сон.

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ”Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. // Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 8 февраль 28 (6722) –сон.

[3]http://itfstudio.ru/content/materials/b2b

[4]Роберт С. Каплан Дейвид П. Нортон сбалансированная система показателей, от стратегии к действию 2003 .http://ctrla.ru/wp-content/uploads /2015/02/ Kaplan_-_Sbalansirovannaya_sistema_pokazateleii.pdf

эришиш учун стратегик мақсадлар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаларига асосланиб, параметр ва индикаторларда акс эттирилади.

БКТ қўлланилиши муносабатлар боғлиқлиги нуқтаи назаридан жуда муҳим, компаниянинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида номоддий активлардан самарали фойдаланишда қанчалик тизимли мослигини таҳлил қилиб беради.

Компаниялар қарорлар қабул қилишда вазиятдан келиб чиқиб, қуйидаги ахборотлардан хабардорлик ва аниқликка эга бўлиши зарур:

компания қарорлар қабул қилиш учун ўз эҳтиёжларига юқори даражада мувофиқ келувчи етарлича тўлиқ ахборотга эга бўлиши;

маҳсулотларнинг сифат ва нарх даражаси ўзгармаган ҳолда муқобил товар етказиб берувчи танлаш имкониятлари мавжуд бўлиши;

ваъда қилинган таклифларнинг ҳақиқатда амалга оширилишига ишонч бўлиши (белгиланган сифат ва нархда, зарур миқдор ва вақтда).

Компанияларни бизнес муҳитини таҳлил қилишни қуйидаги босқичларда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

компаниянинг макромуҳит даражасида бизнес муҳити таҳлили;

компаниянинг саноат даражасида бизнес муҳити таҳлили;

компаниянинг манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик даражасида бизнес муҳити таҳлили.

Интернет бизнес самарадорлигини ошириш ва глобал миқёсда бозорни таҳлил қилишнинг бир қатор бутунлай янги йўлларини ёритиб берди. Илгари мумкин бўлмаган ёки жуда мураккаб ишларни, бугун биз у орқали қийинчиликларсиз амалга оширишимиз мумкин:

компаниянинг ҳар қандай ҳажмдаги ахборотни ўз веб-сайтингизда 7 кун ва суткасига 24 соат давомида тарқатишингиз мумкин;

сотиб олиш самарадорлигини ошириш мақсадида интернет орқали янги това етказиб берувчиларни топиш, товарларни тижорат порталларидан сотиб олиш, ўз талаб-эҳтиёжларингиз асосида он-лайн ахборот жойлаштиришингиз мумкин;

экстранет тармоғи орқали ҳамкорлар билан алоқаларни ўрнатган ҳолда дистрибьюторлар ва товар етказиб берувчилар билан буюртмаларни жойлаштириш, келишувларни расмийлаштириш ва ҳисоб-киобларни тезлаштириш мумкин;

бозор тадқиқотлари самарадорлигини ошириш мақсадида интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда сўровлар ўтказиш ва мавжуд иккиламчи маълумотлардан фойдаланиш мумкин;

бизнес жараёнларни тезкорлик билан амалга ошириш мумкин.

Ҳозирги кунда саноат корхоналари бизнес муҳити таҳлилида “make or buy” (“ўзимиз бажарамиз ёки сотиб оламиз”) диллеммаси, А.Фоли ва Ж.Фахининг компанияни “бозорни ҳис қилиш” қобилияти таҳлили, М. Портернинг рақобатнинг беш имконияти модели, Морган и Хант модели, «30R» модели, олти бозор модели, қиймат занжири (value chain) модели каби

кўплаб усуллардан фойдаланилмоқд[1]. Мисол сифатида, олти бозор моделини кўриб чиқайлик.

Мазкур модел марказида истеъмолчилар бозори туради. B2B компаниялар учун ҳам бирламчи истеъмолчилар бозори ҳисобланади, аммо истеъмолчилар билан узоқ муддатли ва ўзаро фойдали алоқаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида компания бошқа манфаатдор томонлар билан ҳам муносабатларни тўғри шакллантириши зарур.

Биргина IKEA компанияси мисолида кўрсак, компания ривожланиши учун истеъмолчи ва товар етказиб берувчилар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб қолмай, ҳукумат идоралари ва ҳаттоки рақобатчилари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйди. Ягона стратегия, яъни компания ахлоқ кодексига қатъий риоя қилиб, турли гуруҳдаги манфаатдор томонлар учун қўллашни таъминлади.

Хулоса қилиб айтганда, муносабатлар таҳлилида компания бир томон деб ҳисобласак, муносабатга киришувчи иккинчи томоннинг имконияти, қобилияти ва бошқа параметрларини ноаниқлик даражасини қай даражада пасайтира олсак, шунчалик қабул қилган қароримиз одилона, самарадор ва ҳеч бўлмаганда талофати камроқ бўлади.

Турабов М.Т. *– ОБМ тингловчсиси*

НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистонда монопол тармоқларда давлат улушини камайтиришга қаратилган ислоҳотларнинг амалга оширилиши нефть-газ корхоналари инфратузилмаларини сифат жиҳатдан ижобий томонга ўзгараётганлигини кўрсатиб беради. Сабаби, тармоқ корхоналарига жалб этилаётган инвестициялар корхонанинг инфратузилмаларини янгилаш ва молиявий ҳолатини барқарорлаштиришга тўлиқ имкон беради. Шу боисдан, ҳозирги жадал ислоҳотлар даврида нефть-газ корхоналари инфратузилмаларини инновацион бошқарув механизмини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш долзарбдир

Ўзбекистон Республикасида нефть-газ, ёқилғи-энергетика соҳаларини ривожлантириш ва энергия манбаларини муқобил энергия билан диверсификация қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг энергия ресурсларига тобора ошиб бораётган эҳтиёжини қондиришда муҳим омил бўлмоқда.

И. Ансоффа, А. Чандлер и Г. Минцберг сингари олимларнинг режалаштириш назариясига кўра стратегия структурани таъқиб этар экан, натижа самарасиз бўлаверади. А Чандлер фикрига кўра, стратегия корхонанинг асосий узоқ муддатли мақсад ва вазифаларини белгилаш,

[1] Кущ С.П., Смирнова М.М. Маркетинг на B2B рынках. Отношенческий подход. - СПб.: Высшая школа менеджмента, 2010. – 272 стр.

шунингдек, тадбирлар ва ресурсларни тақсимлаш дастурини ишлаб чиқиш, ушбу мақсадларга эришиш учун керак[1].

Генри Минцберг “биз ўз ҳаракатларимизга қатъий ишонганимизда одатда юқори натижаларга эришамиз. Корхона учун стратегиянинг муҳимлиги: уни қабул қилиш асосий муаммоларни бартараф этади ва энг асосийси менеджер энг яхши бозорни танлашни муҳокама қилиш ўрнига, батафсил маълумотларга эътибор бериши ва муайян мақсадларни танлаши ёки мижозларга хизмат кўрсатишни танлаши керак[2].

В. Квинтнинг фикрича стратегик бошқарув – стратегиялаш объекти фундаментал қимматининг шаклланиши ёки кўпайишига ёрдам берувчи стратегик бошқарув тизимининг шаклланиши ва ишлаши жараёни бўлиб, у стратегия, унинг доктринасини унда белгиланган миссиялар, устуворликлар, мақсад ва вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқиш ва узоқ муддатли реализациясини амалга оширишни ўз ичига олади[3].

Табиий газ йўқотишларини камайтириш мақсадида “Ўзтрансгаз” АЖ Ўзбекистоннинг мавжуд газ узатиш тизимини модернизация қилиш ишларини бошлади. “2021-2022 йилларда Ўзбекистон газ узатиш тизимини модернизация қилиш ва самарадорлигини ошириш дастури” тасдиқланди. Мазкур дастурга мувофиқ, 2021 йилда умумий қиймати 300 миллион долларга тенг 275 километр магистраль қувурлар модернизация қилинади.

Водород энергетикасида бугунги кунда энергия ресурсларига бўлган талабнинг таркиби ўзгармоқда, хусусан, углеводород ресурсларидан қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш муносабати билан водород энергетикасини ривожлантириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Водород идеал энергия манбаи ва экологик тоза ёқилғидир. Унинг ёниш иссиқлиги (1,17 ГЖ / кг) нефтникидан деярли уч баравар ва кўмир ёки табиий газдан тўрт баравар юқори.

Қайта тикланувчи ва водород энергияси соҳаларида илмий-амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 апрелда “Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5063-сон қарори қабул қилинган.

Жаҳон банки ва халқаро маслаҳатчилар билан биргаликда 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг “кўк” водород ишлаб чиқариш бўйича техник салоҳиятини унинг қиёсий афзалликлари ва камчиликлари, шунингдек, паст углеродли водородга минтақавий ва глобал талабнинг кутилаётган ривожланиши нуқтаи назаридан баҳолаш режалаштирилмоқда. Тадқиқотларга кўра, Ўзбекистонда “кўк” ва “яшил” водородни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш режалаштирилган.

---

[1] Ансофф И., Стратегическое управление. - М.: Экономика, 1989.

[2] Генри Минцберг, Брюс Альстранд, Жозеф Лампель Стратегическое сафари: Экскурсия по дебрям стратегического менеджмента; Пер. с англ. - М.: Альпина Паблишер, 2013. - 367 с.

[3] Квинт В. Стратегическое управление и экономика на глобальном формирующемся рынке. - М.: Бизнес-Атлас, 2012 - 627 с.

Шунингдек, 2022-2023 йилларда водород саноатини ривожлантириш мақсадида “Air Products”, “ACWA Power” ва “Siemens Energy” каби хорижий компаниялари билан республика ҳудудида пилот лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, водород энергетикасининг етакчи хорижий технологик объектларида амалий машғулотлар олиб борадиган қисқа муддатли/узоқ муддатли ўқув дастурларини ташкил этиш бўйича муайян келишувларга эришилди.

Замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш ва халқаро молия бозорларига чиқиш. Халқаро молия бозорларига чиқиш нафақат нисбатан арзон молиявий ресурслардан фойдаланиш имконияти, балки шаффофлик ва бошқарув самарадорлигини таъминлаган ҳолда замонавий корпоратив бошқарув тизимларини жорий этиш зарурияти билан ҳам долзарбдир.

Замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш учун консалтинг компаниясини жалб қилиш мақсадида “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти акцияларини халқаро фонд бозорида (IPO) бирламчи жойлаштиришга тайёргарлик кўриш доирасида “PricewaterhouseCoopers” халқаро консалтинг компанияси билан ҳамкорликда иш бошланди. Бошқармалар (заводлар), корхоналар, нефть базаларида мувофиқлик инспекторлари фаолияти йўлга қўйилди. ISO 37001:2016 халқаро стандартига мувофиқ, коррупцияга қарши бошқарув тизимини жорий этиш учун сертификатлаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Корпоратив кредит рейтинги. “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг корпоратив кредит рейтингини олиш мақсадида “Fitch”, “Moody’s” ва “Standard & Poor’s” халқаро рейтинг агентликлари ва инвестиция банклари билан ҳамкорликда тизимли ишлар олиб борилмоқда. “Ўзбекнефтгаз” АЖ биринчи марта “Fitch Ratings” ва “S&P Global Ratings” халқаро кредит агентликлари томонидан баҳоланган BB-даражали халқаро корпоратив кредит рейтингини олди. Жорий йилнинг 9 ноябрь куни “Ўзбекнефтгаз” АЖ илк бор Лондон фонд биржасига 7 йил муддатга 4,75 фоизли 700 миллион доллар миқдоридаги еврооблигацияларни муваффақиятли жойлаштирди.

Компаниянинг халқаро облигациялари Буюк Британия, АҚШ, Германия ва Евроосиё давлатларидан келган 120 дан ортиқ инвесторлар орасида тақсимланган. Облигацияларни чиқариш учун ташкилотчи банклар “CITI Group”, “JP Morgan” (АҚШ), “Mitsubishi UFG” (Япония) ва “Газпромбанк” АЖ (РФ) жалб қилинган. Евробондлардан олинган маблағлар, биринчи навбатда, углеводородларни қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажмини оширишга қаратилган тадбирлар ва истиқболли лойиҳаларга йўналтирилади.

Нефть-газ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар истеъмолчиларнинг нефть ва газ саноати маҳсулотларига ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи, етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг иқтисодий манфаатлари мувозанатини таъминловчи натижага қаратилиши керак. 2030 йилга бориб табиий газ истеъмолини 56,5 миллиард куб метрга етказиш прогнозини ҳисобга олган ҳолда, ортиб бораётган талабни қондириш

бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш Энергетика вазирлигининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бунинг учун қуйидаги чоралар кўрилади:

-энергия тежамкор технологиялар, машина ва ускуналардан фойдаланишни рағбатлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш;

-бозор механизмларини жорий этишни янада ривожлантириш ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, бозорнинг барча иштирокчилари учун тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тенг шароитлар яратиш;

-инновацион технологияларни, корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларини жорий этиш орқали углеводород хомашёсини геология-қидирув, қазиб олиш, ташиш, қайта ишлаш ва сотиш соҳаларида иш самарадорлигини ошириш;

-мамлакатнинг нефть-газли ҳудудларида геология-қидирув ишларини олиб бориш ҳисобига тармоқ корхоналарининг углеводород хомашё базасини ривожлантириш;

-янги кашф этилган ва илгари тўхтатиб қўйилган конларни жорий этиш орқали углеводород қазиб олишнинг зарур ҳажмларини сақлаб қолиш;

-узоқ муддатли ўзлаштирилган захираларга эга бўлган конларда углеводородларни қазиб олиш ҳажмини таваккалчиликка хизмат кўрсатиш шартномаси шартлари асосида халқаро миқёсда тан олинган компанияларни жалб қилган ҳолда ошириш.

Қайта ишлаш. Нефть-кимё саноати бошқа тармоқларга нисбатан сезиларли даражада юқори барқарорлик ва ўсиш суръатлари билан ажралиб туради ва ҳозирги босқичда Ўзбекистон иқтисодиёти нуқтаи назаридан энг стратегик соҳалардан бири ҳисобланади. Табиий газни қайта ишлашни кенгайтириш рентабелликни сезиларли даражада оширади, замонавий технологияларни жорий этиш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади. Бу йўналишда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилади:

Йил охирига қадар Шўртан газ-кимё мажмуасидан тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилади. Натижада 311 минг тонна керосин, 743 минг тонна дизель ёқилғиси, 435 минг тонна нафта ва 53,4 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қувватлари яратилади.

Лойиҳа Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватини йилига 280 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш лойиҳасини амалга ошириш давом эттирмоқда. 2024 йилда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишлаб чиқариш қувватлари модернизация қилинади, бу эса 1,75 миллион тонна Евро 5 стандартидаги нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради.

2026 йилда Сурхондарё вилоятида газ-кимё мажмуасини барпо этиш билан “Мустақилликнинг 25 йиллиги” конида қўшимча қидирув ва ўзлаштириш лойиҳасини амалга ошириш орқали йилига 500 минг тонна

полимер маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Шунингдек, 2026 йилгача МТО технологияси асосида 1,1 миллион тонна газ-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этган ҳолда газ-кимё кластерини яратиш режалаштирилган. Мамлакатимизда нефть ва газ маҳсулотларини қайта ишлашни кенгайтириш бўйича жорий этилган лойиҳалар Ўзбекистон нефть-газ тармоғи олдига қўйилган вазифани амалга оширишга хизмат қилади.

Мамлакатнинг стратегик аҳамиятига эга нефть-газ тармоғининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг ечими сифатида қуйидаги фикрга келдик:

Ўзбенефтегаз АЖ таркибига кирадиган молиявий барқарор бўлмаган нефть-газ корхоналари инфратузилмаларини ривожлантириш учун нафақат хорижий инвесторларни жалб этиш, балки маҳаллий тадбиркорлик субъектлари учун ҳам рақобат муҳитини шакллантириб, венчур фондлари орқали молиялаштиришни татбиқ этиш;

Инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишда ривожланган саноатлашган мамлакатлр тажрибасидан фойдаланасак, айниқса, Корея Республикаси инвестиция сиёсатининг тажрибаси ўзининг муҳимлиги билан ажралиб туради. Бу борада мамлакатимизда ҳам инвестиция сиёсатининг муҳим устуворликларидан бири айнан хорижий инвестицияларни жалб қилишда узоқ муддатли лойиҳалар асосида илғор техника ва технологиялар киритишга қаратилган стратегияни таклиф этмоқдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи 2020 йил 30 декабрь.
2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти тизимида геология-қидирув ва қазиб олиш ишлари самарадорлиги, ёқилғи материаллари билан ички эҳтиёжни таъминлашнинг аҳволи, тизимдаги истиқболли вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш. 25.01.2019 йил
3.Ансофф И., Стратегическое управление. - М.: Экономика, 1989.
4.Генри Минцберг, Брюс Альстранд, Жозеф Лампель Стратегическое сафари: Экскурсия по дебрям стратегического менеджмента; Пер. с англ. - М.: Альпина Паблишер, 2013. - 367 с.
5.Квинт В.Стратегическое управление и экономика на глобальном формирующемся рынке. - М.: Бизнес-Атлас, 2012 - 627 с.

Мирхужаев А.Б. *– ОБМ тингловчиси*

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан бири – бу аҳолини кредитлаш амалиётидаги муаммолардир.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида берилган кредитларнинг имтиёзли даврида фақат кредитнинг фоизи тўланади, кредитнинг асосий қарз суммаси тўланмайди.

Марказий банкнинг 2003 йил октябрдаги “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида”ги низомида, тижорат банкларининг ички Кредит сиёсатида ушбу тартиб ўз аксини топган. Аммо, бироната ҳужжатда кредитнинг имтиёзли даврида тўловларни амалга оширмаслик тўғрисида талаб ёки рухсат мавжуд эмас.

Тижорат банклари кредит олувчи тадбиркорлик субъектига ссуда счёти очган кундан бошлаб кредитга фоиз ҳисоблашни бошлайди. Бунда тижорат банкини кредит ҳисобига товар олиндими, олинмадими, хорижий валютадаги маблағ келиб тушдими, тушмадими қизиқтирмайди.

Берилган кредитни муддатидан оддин қайьариш мумкинлиги кредит шартномасида кўрсатилиши керак. Лекин кўпчилик тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий саводхонлиги етишмайди. Мана шу имкониятни кредит шартномасига киритмайди. Бу эса, кредит муддатидан олдин қайтарилганда, уларга нисбатан жарима қўллаш учун асос бўлади.

Тижорат банклари тадбиркорларни кредит масаласида жуда сарсон қилаяпти. Бунинг сабаби шундаки, банкларнинг кредитлар бера олиш салоҳиятига ҳозиргача аниқлик киритилмаган. Яъни, биринчидан, тижорат банки қанча суммагача кредит бера олади. Иккинчидан, кредит олиш истагида бўлган тадбиркорлик субъектларининг қанчаси кредит олиш салоҳиятига эга. Яъни, кредит тўловига лаёқатли ёки кредит учун етарли бўлган гаров объектларига эга.

Мана шу масала очиқ турибди. Ҳозир Марказий банкни ўзи ҳам билмайди банкларнинг кредитлар бериш салоҳиятини. Ҳолбуки, тижорат банкларининг ресурс салоҳияти жуда заиф. Кўпчилик тижорат банкларида ресурс база заиф.

Республикамизда 2019-2021 йилларда инфляция даражасини нисбатан юқори бўлганлиги Марказий банкка қайта молиялаш ставкасини сезиларли даражада пасайтириш имконини бермади. Ушбу иккала омил мазкур даврда тижорат банкларининг миллий валютада берилган кредитларининг фоиз ставкаларини нисбатан юқори бўлишига сабаб бўлди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан бири – бу аҳолини молия бозори ва молия бозори инструментлари тўғрисида етарли билимларга эга эмаслигидир.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг кредитнинг турлари ва шакллари тўғрисидаги билимлари жуда саёз. Уларнинг кредитнинг ҳар бир тури ва шаклига хос бўлган хусусиятларни билишмайди.

Ҳозирги даврда тижорат банклари фаолиятида кредитлашнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

– мижозни алоҳида ссуда ҳисобрақамидан бир маротабали кредитлаш;

– кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш;

– овердрафт усулида кредитлаш;

– контокоррент усулида кредитлаш;

– кредитлашнинг факторинг шакли.

Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларида валюта бозори ва суғурта бозорининг молиявий инструментлари тўғрисида ҳам етарли назарий билимлар мавжуд эмас.

Жисмоний шахсларни масофадан туриб биометрик идентификациялаш жараёни ниҳоясига етказилмаган. Ҳолбуки, бундай механизм мижознинг ёки банк филиалининг қаерда эканлигидан қатъий назар туну кун банк хизматларидан фойдаланишнинг анча қулай имкониятини вужудга келтиради.

Республикамиз тижорат банкларида улар фаолиятини бошлаганидан ҳозирга қадар филиалларнинг банк операцияларини амалга оширишдаги мустақиллигини таъминлаш масаласига эътибор қаратилмаган. Хусусан, кредитлар беришда ва валюта операцияларини амалга оширишда филиалларнинг мустақиллиги мавжуд эмас. Масалан, ҳужжатлаштирилган аккредитив очишга банк филиаллари ваколатли эмас. Улар тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, банкнинг бош офисига жўнатади, холос.

Шунингдек, тижорат банкларининг филиаллари кафолатлар бериш ҳуқуқига эга эмас. Бироқ, мижозлар билан бевосита тижорат банклари филиалларининг ходимлари ишлайди.

Суюнов Д.Х. *– ОБМ кафедраси мудири и.ф.д., проф.,*
Амонов Э.В. *- ОБМ тингловчиси*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда жаҳон амалиётида акциядорлик жамиятларида мулк эгалари яъни акциядорлар жамият бошқарувидан ажратилганлиг эътироф қилинмоқда. Мулк эгалари ўзларининг мулкини бошқарув ҳуқуқларини ёлланма менежерларга топширганлар. Менежерлар фаолиятини назорат қилиш эса корпоратив бошқарув органлари таркибига кирувчи институтлар

зиммасига юклатилган. Акциядорлар умумий йиғилиши кузатув (ёки директорлар) кенгаши, тафтиш комиссияси, корпоратив котиб, корпоратив бошқарув институтлари ҳисобланади. Айнан мазкур хўжалик юритувчи субьектларда корпоратив бошқарув институтларини такомиллаштириш иқтисодиётни барқарор ривожлантириш йўлларидан бири сифатида қаралади. Корпоратив бошқарув институтларининг яна бир муҳим жиҳати шаффофлик ва ҳаллоллик, ҳисобдорлик ҳамда масъулиятлиликдан иборат тамойилларга таянилишидир.

Мамлакатлар реал секторининг хўжалик юритувчи субьектларида корпоратив бошқарув институтларини такомиллаштириш миллий иқтисодиётнинг барқарор самарадорлигини таъминлаш учун катта ахамиятга эга. Корпоратив бошқарув институтларини жорий этиш акциядорлар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият бошқарув органлари ваколатларини аниқ белгилаган ҳолда шакллантириш, инвестицион жозибадорликни ошириш, маълумотларни тезкорлиги ва ҳақиқийлигини таъминлаш каби устувор вазифаларни ҳал этиш имкониятини намоён этади.

Бундай бошқарув институтлари жорий қилинганда, ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланади, пул маблағларидан оқилона фойдаланилади, меҳнат унумдорлиги кўтарилади, инвестицион ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш учун керакли маблағларни жалб қилиш ҳисобига жамият рентабеллик даражаси юксалади. Чунки хўжалик юритувчи субьектларда амалга оширилган самарали корпоратив бошқарув институтларининг натижаси ҳам миллий, ҳам глобал миқёсда кўринади.

Хўжалик юритувчи субьектлар миқёсида самарали корпоратив бошқарув хўжалик юритувчи субьектлар учун акциядорлар ва барча манфаатдор шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш асосида юқори фойда олишни таъминлайди. Мамлакат миқёсида самарали корпоратив бошқарув институтлари хусусий сектор фонд бозори ва бутун иқтисодиётнинг ривожланишига имкон беради. Глобал миқёсда самарали корпоратив бошқарув молиявий-иқтисодий инқирознинг юзага келиш ва ривожланиб бориш хавфини камайтиришга имкон беради.

Корпоратив бошқарув институтлари хўжалик юритувчи субьектларга ва шу билан бирга миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш узоқ муддатли иқтисодий ривожланиш ва турли соҳаларда рақобатбардошликни таъминлаш асосини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Хўжалик юритувчи субьектлар фаолиятида ошкоралик ва шаффофликни амалиётга киритиш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит принципларидан тўла фойдаланиш шартномаларни жойлаштириш тартиботини ва хўжалик юритувчи субьектларнинг бошқа фаолият турларини олиб боришда яхши корпоратив бошқарув хўжалик юритувчи субьектларда коррупция муносабатларига чек қўяади.

Коррупция хўжалик юритувчи субьектлар ресурсларини чеклаб қўяди, унинг рақобатбардошлигини йўқотади ва инвесторларни хўжалик юритувчи субьектларга инвестиция киритиш йўлидан қайтаради.

Корпоратив бошқарув институтларини жорий қилиш хўжалик юритувчи субьектларни бошқариш сифатини ошишига пухта ўйланган стратегиясини ишлаб чиқишга имкон беради. Корпоратив бошқарувга бундай амалиётни жорий этиш хўжалик юритувчи субьектларга ўзаро манфаатли шартлар асосида инвестицияларни жалб қилишга ҳамда хўжалик юритувчи субьектлар фаолиятининг умумий самарадорлигини ошишига ёрдам беради.

Инвесторлар ва кредиторларга нисбатан ошкора муносабатда бўлиш орқали мустаҳкам корпоратив бошқарув институтлари ҳатто акциядорлик жамиятларининг акциялари фонд бозорларида фаол бўлмаган мамлакатларда ҳам молиявий инқирозни олдини олишга ёрдам беради. Банкротлик тамойилини тартибга солиш қоидаларини жорий қилиш ҳам хўжалик юритувчи субьектлар барбод бўлишига тез таъсир қилиш усулларини пайдо бўлишига имкон беради.

Корпоратив бошқарув соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар корпоратив бошқарувнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини ажратиб кўрсатади:

- корпоратив бошқарув институтларига эга бўлган ҳамда миноритар акциядорлар манфаатларини кучли ҳимоя қилиш воситаларини йўлга қўйган мамлакатлар анча ликвидли бўлган капитал бозорларига эга бўлишади.

- заиф ҳимоя механизмига эга бўлган мамлактларда кўпгина хўжалик юритувчи субьектлар ҳукмрон инвесторлар томонидан назорат қилинади ва бундай мамлакатлар кенг мулкчилик базасига эга бўлмайди.

- маҳаллий ёки хорижий майда инвесторларни жалб қилишни мақсад қилиб қўйган мамлакатларда корпоратив бошқарув институтларининг мавжуд бўлиши салоҳиятли инвесторлар маблағларини жалб қилишга катта роль ўйнаши мумкин. Умуман олганда бундай инвесторлар миллий иқтисодиётга узоқ муддатли йирик инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим манбаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Корпоратив бошқарув институтларини жорий ишончини мустаҳкамлайди ва мамлакат учун қўйилган инвестициялар ҳисобидан юқори фойда олишни таъминлайди, бу эса, ўз навбатида миллий иқтисодиётда бандлик ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Самарали корпоратив бошқарув институтлари доирасида хўжалик юритувчи субьектлар ишловчилари манфаатлари инобатга олинган ҳолда хўжалик юритувчи субьектлардаги ижтимоий меҳнат муносабатлари тўғри йўлга қўйилади. Корпоратив бошқарув институтлари хўжалик юритувчи субьектлар раҳбарларининг ишловчилар билан ўзаро муносабатларни олиб бориш тамойилларига (меҳнат қонунчилигига шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилиш ва гигиена нормаларига риоя қилиш, ишга қабул қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимларни хизмат бўйича кўтариш, аниқ тартибнинг мавжудлиги, касаба уюшмаси фаолиятида иштирок этишда ишловчилар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш кабилар) риоя қилишга ундайди. Корпоратив бошқарув институтларининг ижтимоий меҳнат муносабатларини инобатга олиши миллий иқтисодиётда бандлик муаммоларини ҳал қилишда ёрдам беради.

Ўзбекистонда 2021 йилги ҳолат бўйича 600 дан ортиқ акциядорлик жамиятлари фаолият юритган. Мамлакатда ана шу корпоратив тузилмаларда корпоратив бошқарувни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари амал қилади. Улар хорижий мамлакатларда кенг тарқалган корпоратив бошқарув тамойилларини ва амалий тўплаган тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Халқаро экспертлар фикрига кўра, Ўзбекистондаги корпоратив бошқарув институтлари жаҳон андозаларига мос келади. Бироқ жаҳон иқтисодиётининг кундан кунга ривожлашиниб бориши, хўжалик юритувчи субьектлар рақобатбардошлигига талабларнинг ошиб бориши, геосиёсий ва геоиқтисодий муаммоларнинг пайдо бўлиши кейинги вақтларда кенгайиб бориши, корпоратив бошқарув амалиётига янгича ёндашувлар зарур эканлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон ва Ўзбекистон олимлари томонидан корпоратив бошқарув институтларини шакллантириш, унинг институционал ва функционал механизмларини такомиллаштириш борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Шунга кўра аввало корпоратив бошқарувнинг институционал ва функционал механизмлари тўғрисидаги илмий қарашларни ва замонавий назарияларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Корпоратив бошқарувнинг “институционал механизм” ва “функционал механизм”ларини тушунишдан олдин ушбу категорияларнинг мазмун ва моҳиятини англаш мақсадга мувофиқ. Институционализм тушунчаси иқтисодиёт фанларига XIX асрнинг охирларида қириб келган тушунча бўлиб, бу борадаги илмий қарашлар Т.Веблен, У Гамилтон ассарларида учратиш мумкин. Институционал механизм ривожланишнинг инновацион макроиқтисодий услубини тартибга солишни таъминлайдиган муносабатлар мажмуасини ўз ичига олади ва амалга оширади.[1]

Институционал механизм - бу хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги институтларга асосланган ўзаро муносабатларнинг ўрнатилган тизимидир. Институционал механизм бутун иқтисодиётнинг иқтисодий механизмининг таркибий қисми бўлиб, ўзига хос тузилмага эга. Институционал механизмнинг мақсади - иқтисодий тизимнинг асосий иқтисодий институтлар талабларига мувофиқ ишлашини таъминлашдан иборат жараёндир.[2] Институционал механизм - бу механизмнинг фаолият юритадиган ва мақсадларига эришадиган (тегишли иқтисодий жараённи таъминлашдан иборат) ҳам алоҳида ташкилий элементларни, ҳам институционал шароитларни ва уларнинг ўзаро таъсирининг хусусиятларини ўз ичига олган иқтисодий механизмнинг ташкилий ва институционал тузилмалари йиғиндисидир. Бошқача қилиб айтганда, институционал механизм бир вақтнинг ўзида иқтисодий механизмнинг ўзи, унинг ташкилий тузилмаси, унинг

[1] Аверина И.С. Институциональный механизм стимулирования инновационной деятельности: противоречия и возможности их разрешения // Современные проблемы науки и образования. – 2013. – № 3.

[2] Истомин Степан Владимирович. Особенности институциональных механизмов в трансформируемой экономике // Вестник ЧелГУ. 2010. №6. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-institutsionalnyh-mehanizmov-v-transformiruemoy-ekonomike (дата обращения: 11.06.2022).

элементларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш усуллари, қурилиш усуллари, ташқи фаолият шароитлари ва унинг ички ва ташқи муҳитининг бошқа институционал омиллари ва ҳодисаларидир.[1]

Иқтисодий адабиётларда “бошқарув механизми”, “иқтисодий механизм”, “функционал механизм” тушунчалари бир-биридан жиддий фарқланмаган. Бозор иқтисодиёти шароитида “институционал механизми” тушунчаси асосий ташкилий-иқтисодий категория ҳисобланади, иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқ бўлган бошқа механизмларни ўзида мужассамлаштиради. Шунинг учун “функционал механизм” -маълум иқтисодий тизимнинг қисмлари фаолиятини ўзи вазифаларини мутаносиб амалга ошириш жараёнини англатади. Корпоратив бошқарув соҳасида эса институционал ва функционал механизмлар - корпоратив тизимлар, институтларнинг ўзаро боғлиқ фаолиятини акс эттирувчи, бошқариш объекти фаолияти натижаларига боғлиқ бўлган омилларга таъсир этишни таъминловчи бошқариш тизимининг фаол элементи сифатида қараш лозим.

Демак корпоратив бошқарув институционал ва функицонал механизми корпоратив бошқариш мақсадларига эришиш учун манфаатдор субъектлар (давлат, акциядорлар, мулкдорлар, ишчилар) томонидан қўлланиладиган бошқарув жараёнларига таъсир этувчи усуллари, восита ва дастаклар йиғиндисидир.

XXI асрда корпоратив бошқарув тизимини қуриш муаммолари тобора долзарб бўлиб бормоқда. Бу, биринчи навбатда, иқтисодий тизимларнинг глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ.[2] Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичининг айнан институционал ўзгаришлари устувор йўналиши ҳисобланади[3]. Корпоратив тизимлар маълум бир институционал муҳит томонидан ўрнатилади. Корпоратив тизимлар самарадорлигига тўғри ташкил этилган институционал муҳит мавжуд бўлганда эришиш мумкин.

Корпоратив тизимларнинг энг кенг тарқалган шакли корорациялар ҳисобланади. Корпорация (лот. corporatio — бирлашма, уюшма, ҳамжамият) — ривожланган йирик акциядорлар жамияти, бирон бир фаолият учун уюшган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар мажмуи. Корпорация бир касб ёки фаолият соҳасида фуқароларни бирлаштириши ҳам мумкин. Корпорациялар бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда хўжаликнинг барча тармоқларида асосий мавқега эга.[4]

Корпоратив бошқарув тизими, унинг институционал механизмлари халқаро ҳамжамият томонидан ҳам кенг ўрганилади. Унинг замонавий тенденциялари, шаклланиши, ривожланиши бўйича фаолиятларни тартибга солиш борасида “Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти” Европа

---

[1] Ященко С.О. Институциональный подход к анализу экономических механизмов // Экономический анализ. Теория и практика. 2012. № 2 (254). С. 22-23

[2] Зайченко И. М. Институциональные проблемы построения системы корпоративного управления //Россия в глобальном мире. – 2013. – №. 3. – С. 136.

[3] Московцев А.Ф. Институциональные факторы становления современной модели корпоративного управления // Региональная экономика: теория и практика. 2008. №18. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/institutsionalnye-faktory-stanovleniya-sovremennoy-modeli-korporativnogo-upravleniya (дата обращения: 11.06.2022).

[4] https://qomus.info/encyclopedia/cat-k/korporatsiya-uz/

тараққиёт ва тикланиш банкининг корпоратив бошқарув институтлари, Евроакциядорлар гуруҳининг корпоратив бошқарув бўйича тавсиялари, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг корпоратив бўйича тамойилари, БМТнинг шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасида ҳам корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларини шакллантириш, илмий-услубий асосларини яратиш борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Корпоратив бошқарув соҳасида амалга оширилган илк илмий тадқиқотлар А.Каримов, Б.Б.Беркиновлар томонидан амалга оширилган. А.Каримов тадқиқотлари корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришга қаратилган.[1] Б.Б.Беркинов[2] тадқиқотларида эса корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш асосида корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашга қаратилган.

Корпоратив бошқарувнинг замонавий моделларини жорий этиш, уларнинг негизини ташкил этувчи назария ва концепцияларни ўрганиш, мавжуд тенденцияларни аниқлаб Ўзбекистон корпоратив бошқарув тизимига жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар Д.Суюнов[3] томонидан амалга оширилган. Д.Суюновнинг тадқиқотлар Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини, унинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришда асосий тадқиқотлар сифатида қайд этиш мумкин. Саноат тармоқларида шаклланган корпоратив бошқарув тизимлари ва уларни инновацион ривожланишга таъсирини ўрганишга қаратилган тадиқотлар Н.Расулов[4] томонидан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон олимлари томонидан корпоратив бошқарув соҳасида амалга оширилган ишларини методологик таҳлил қилиб чиқиш бир неча хулосаларни шакллантиришга имкон берди:

-Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг ўзига хос бўлган илмий мактаби шаклланган;

-мамлакатда корпоратив бошқарув соҳасининг назарияси ва амалиёти халқаро талаблар асосида доимий такомиллашиб бормоқда ва замонавий усуллари ва методологик асослари шаклланмоқда;

-корпоратив бошқарув ва унга боғлиқ тушунчалар, ҳодисаларни, жараёнларни, муносабатлар бўйича ўзига хос тарифлар ва моҳиятини аниқлаш имконини берадиган илмий асосланган шарҳлар мавжуд;

Халқаро корпоратив бошқарув тармоғи бу ташкилот (International Network of Corporate Governanse) 1995 йилда Вашингтонда институционал

---

[1] Каримов А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. 08.00.08.– «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит». Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент – 2008.

[2] Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры (Основы создания и управления). – Т.: Изд-во Нац. б-ки Узбекистана им. А.Наваи, 2005. – 132 с;

[3] Суюнов Д. Хошимов Э. Корпоратив бошқарув моделлари: концептуал жиҳатлар, замонавий тенденциялар ва конвергенция имкониятлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2017 йил.; Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Академия, 2006. – 116 б;

[4] Расулов Н. Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш: Иқт. фан. номз. ... дисс. иши – Т.: ТДИУ, 2010. - 155 б;

инвесторлар, уларнинг вакиллари, компаниялар, молиявий воситачилар ҳамда корпоратив бошқарув жаҳон амалиётини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бошқа шахслар орасида ташкил этилган. Ушбу ташкилот ИҲТТ тамойилларини тан олиб маъқуллаган ҳолда, уларни жаҳонда компания ва инвесторлар учун корпоратив бошқарув институтларининг минимал стандартлари сифатида қабул қилади.

Бизнинг фикримизча, Кузатув кенгаши таркиби ва аъзоларини сайлашда эътибор қаратиши лозим бўлган мезонлар, Кенгаш аъзолари ва ижрочи раҳбарларнинг хилма-хиллиги (жинси, миллати, ижтимоий келиб чиқиши) тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилиши лозим. Ноижрочи директорларнинг кенгашда аъзо бўлиш муддати вақт-вақти билан кўриб чиқиш лозим. Кенгаш аъзолигига номзодларни қўйиш ва сайлаш тўғрисидаги тартиботини ошкор этиши, Кенгаш акциядорлар томонидан кенгаш аъзолигига номзодларни таклиф этишни таъминлаши, акциядорлар ҳар бир директорни сайлаш бўйича алоҳида овозларга эга бўлиши, кенгаш мунтазам равишда ўзининг фаолият самарадорлигини корпоратив котиб, кенгаш қўмиталари ва алоҳида директорларнинг ишини баҳолаб бориши лозим.

Умуман олганда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ва институционал ривожлантиришда унинг қуйидаги жиҳатларига эътиборни кучайтириш лозим.

1. Корпоратив бошқарувни жаҳон андозаларига мос равишда қонунчилик базасини янгилаб боришга
2. Ички аудит ва назорат сифатини таъминлашга.
3. Ахборотларни очиқлиги ва шаффофлигини белгиловчи мезонларни жорий этишга.
4. Кузатув (директорлар) кенгаши ролини аниқ қилиб белгилаш ва мустақиллигини таъминлашга.

Шуларни ҳисобга олганда корпоратив бошқарув тамойиллари жорий этишдан кутилаётган иқтисодий самарадорлик қуйидагилардан иборат бўлади:

- акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошиши.
- хорижий инвестицияларни жалб этишга сарфланаётган трансакция харажатларини ҳамда унга кетган вақтни камайиши.
- корхона активларини узоқ муддатли қиймати сақлаш ва ошиши.

Юқорида келтирилган фикрларнинг корпоратив бошқарув институтлари амалиётига жорий этилиши: хўжалик юритувчи субьектлар миқёсида инвестицион фаоллик ошишида, миллий иқтисодиёт доирасида иқтисодий ўсиш барқарорлигига эришишда глобал доирада молиявий-иқтисодий инқирозларнинг юзага келиш хавфини камайтиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Кувандиков А.Н. *- МЧС РУ*
Инс. Гражданской защиты, доцент к.э.н.

ВЛИЯНИЕ ИННОВАЦИЙ НА КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬ РЕГИОНОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

В Республике Узбекистан сегодня особое внимание уделяется привлечению инвестиций и реализация инноваций в регионы, которые направлены на реализацию проектов по модернизации, техническому и технологическому обновлению отраслей, структурных преобразований в экономике страны.

2019 год в Узбекистане объявлен, как год активных инвестиций и социального развития. В этом направлении в республике ведется интенсивная работа.

Необходимо отметить, что устойчиво высокие темпы роста экономики и сферы услуг в регионах республики создали необходимые условия для реализации важнейшей приоритетной задачи – обеспечения занятости населения, прежде всего трудоустройства выпускников профессиональных колледжей и высших учебных заведений в регионах страны. На сегодняшний день в республике созданы свыше 2 млн. рабочих мест, из них более 60 процентов – в регионах страны.

Достигнутые в 2018 году устойчиво высокие темпы экономического развития создали прочную базу для дальнейшего роста доходов населения в регионах, повышения уровня и качества их жизни.

Наиболее привлекательные регионами для отечественных и зарубежных инвесторов в Узбекистане на сегодняшний день являются регионы, которые характеризуются наиболее социальной устойчивой реакцией на рыночные преобразования и конкурентоспособность предприятий. В эту группу входят регионы, в которых реформы осуществляются самыми быстрыми темпами. Этому способствуют относительно благоприятные стартовые условия вхождения в рынок, выгодное геополитическое положение, диверсифицированная структура производства, преимущественная правительственная поддержка. Эта группа включает Ташкентскую, Самаркандскую, Навоийскую, Ферганскую, Андижанскую области [3, с. 2].

Для других регионов характерна достаточно сильная, но не устойчивая реакция на рыночные преобразования, подверженная колебаниям вследствие преимущественно внешних причин. В эту группу регионов входят те, которые имеют ярко выраженную сырьевую специализацию и тем самым обладают широкими, но регулируемыми рыночной конъюнктурой экспортными возможностями. К таким регионам относятся Бухарская, Кашкадарьинская Сурхандарьинская области. Остальные области образуют регионы со средней реакцией на рыночные реформы. В экономике этих регионов присуще моноструктура, преобладание аграрного сектора или отраслей легкой промышленности, которые при рыночном реформировании и

конкурентоспособности испытывают наибольшие сложности. Для ряда регионов этой группы актуальны экологические проблемы, прежде всего обусловленные последствиями проблем Аральского моря и стихийных бедствий.

В инновационной политике для решения крупных комплексных задач применяются системный анализ и синтез. В качестве системы выступают национальная экономика страны в целом – его сферы, отрасли, предприятия, выделяются подсистемы, входящие в систему более высокого порядка. Система предполагает целостность, единство своих элементов, которые взаимообусловлены и иерархически соподчинены. Новации строятся на основе исходных данных и предположений о будущем. Его качество определяется надежностью информации и обоснованностью предстоящих изменений в направлении факторов и тенденций.

Особого внимания, в настоящее время в Узбекистане, заслуживает работа по привлечению инвестиций в регионы, которые направлены на реализацию проектов по модернизации, техническому и технологическому обновлению отраслей, структурных преобразований в экономике страны, на развитие инноваций на предприятиях [1, с. 1].

В сегодняшних условиях, когда с каждым годом и даже днём растут темпы и масштабы производства, при этом существенно меняется «лицо» и самого производства, усиливается конкуренция между товаропроизводителями, а рынок уже не воспринимает устаревшие товары и изделия инновации становятся катализаторами как экономического, так и технико-технологического успеха предприятий.

Экономика в стране становится самодостаточной и конкурентоспособной благодаря активной инновационной деятельности предприятий, обеспечивается макроэкономическая стабильность, укрепляется и развивается промышленно-производственный потенциал. Инновации материализуют достижения научно-технического процесса, способствуют повышению эффективности производства, росту производительности труда и профессионализма кадров.

Созидателями и одновременно потребителями инновации, несомненно, являются предприятия, особенно промышленные и крупные. Все-таки по сравнению с малыми предприятиями у крупных предприятий больше возможностей для создания и использования инноваций, о чем свидетельствует практика.

Хотя, малые и частные предприятия, быстрее реагируют на конъюнктуру рынка и соответственно быстрее реализуют новшества и удовлетворяют инновационный потребительский спрос. Создание лучших технологий, производство высококачественных и конкурентоспособных видов продукции и услуг через инновации это фактически практическое использование идей и изобретений. Одним из главных условий создания и использования инноваций на любом предприятии – крупном или малом, государственном, частном или совместном – это коммерческая реализуемость.

Благодаря активной инновационной деятельности предприятий, в Узбекистане обеспечивается макроэкономическая стабильность, укрепляется и развивается промышленно-производственный потенциал, экономика становится самодостаточной и конкурентоспособной. Инновации являются мощной движущей силой роста экономики, так как они материализуют достижения научно-технического прогресса, способствуют повышению эффективности производства, росту производительности труда и профессионализма кадров.

Когда владельцами акций наряду с отечественными становятся иностранные инвесторы, то в условиях Узбекистана наиболее приемлемым и оправдывающим себя вариантом является именно эта форма собственности. В настоящее время в нашей стране уже действует свыше 4 тысяч таких предприятий, созданных с участием иностранного капитала из более чем 90 стран [2, с. 102].

Инновации – специфический продукт. Они представляют собой результат комплексного процесса, состоящего из создания, разработки, коммерческого применения и распространения новшеств, удовлетворяющих в каждом случае конкретную общественную потребность. В этом процессе не только совершенствуются техника, технология и организация производства и труда, но и создаются новые продукты и услуги, а зачастую одновременно то и другое. Инновации являются, кроме уже сказанного, основным средством предприятий в конкурентной борьбе за нахождение укрепление своей ниши на рынке товаров и услуг. Поэтому предприятия должны обладать не только производственное стратегией (что, сколько и кому производить), но и инновационной политики, позволяющей им, образно говоря, держать «нос к верху», то есть, застраховаться от производства невостребованной, не пользующейся спросом продукции, не допускать ненужных, непроизводительных затрат, избежать краха.

Разработка инновационной стратегии должна опираться на следующее:

-получение информации о существовании какого-либо определённого новшества, близкого к деятельности данного предприятия;

-всесторонний анализ свойств, качества и других параметров данного новшества;

-оценка и обоснование целесообразности новшества в качестве объекта внедрения, применения, использования на данном предприятии;

-принятие решения о приемлемости и осуществлении инноваций;

-собственно осуществление и распространение (реклама) инноваций.

В заключении необходимо отметить два важных, с нашей точки зрения, момента реализации инновационной политики. Первое – это то, что стремление к инновациям не должно быть самоцелью и осуществляться любыми способами и средствами. Она должна опираться, прежде всего, на здравый смысл и ресурсные возможности, а также на целесообразность, важность и необходимость на данный момент осуществления инноваций. Второе – инновации нельзя рассматривать как рядовое организационно-

техническое мероприятие, включаемое в бизнес-план предприятия. Другими словами, инновации материализуют достижения научно-технического процесса, способствуют повышению эффективности производства в регионах, росту производительности труда и профессионализма кадров.

Список литературы

1.Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису. 25 декабря 2018 г.

Ибодуллаев Ш.Т. *– ТДИУ, мустақил изланувчиси*

МОНЕТАР СИЁСАТНИНГ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Монетар сиёсат тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигига таъсир қилувчи муҳим ташқи омил ҳисобланади. Ушбу таъсир ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилаётган монетар сиёсатнинг тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигига нисбатан салбий таъсири, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1.Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг хорижий валютадаги депозитларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкасини (14 %) юқори эканлиги.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан 2018 йил 1 октябридан бошлаб миллий валютадаги депозитлар учун мажбурий захира меъёрлари пасайтирилди, аммо чет эл валютасидаги депозитлар бўйича мажбурий захира меъёрлари оширилди ва 14 % қилиб белгиланди[1]. Бу эса, нисбатан юқори даражадаги мажбурий захира ставкаси ҳисобланади. 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Россия Марказий банкининг тижорат банкларининг хорижий валюталардаги депозитларига нисбатан ўрнатган мажбурий захира ставкаси 5 фоизни ташкил этди[2].

2.Миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги.

Миллий валюта – сўм муомалага киритилган пайтдаги (1994 йил, июль) биринчи валюта савдосида сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси 7,00 сўмни ташкил этган эди. Шундан кейинги йиллар давомида сўмнинг вадрсизланиш жараёни узлуксиз давом этди: сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси 2000 йил декабрь ҳолатига 325,00 сўмни, 2010 йилнинг 31 декабрь ҳолатига 1640,00 сўмни, 2017 йил 5

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот (Б. 60)//www.cbu.uz
[2] Обязательные резервные требования//www.cbr.ru

сентябрда 8100,00 сўмни, 2020 йил апрелнинг 31 апрель ҳолатига 10139,30 сўмни ташкил этди[1].

Миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори бўлганлиги, биринчидан, тижорат банкларининг миллий валютада ёзилган қимматли қоғозларининг инвестицион жозибадорлигини пасайишига олиб келди; иккинчидан, тижорат банкларининг хорижий валюталарда берилган кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдорининг кўпайишига олиб келди; учинчидан, АҚШ долларида қисқа валюта позициясига эга бўлган тижорат банкларида валюта операцияларидан кўрилган зарарлар миқдорини ошишига олиб келди.

3.Марказий банкнинг очиқ бозор операцияларининг ривожланиш даражасининг паст эканлиги.

Мамлакат тижорат банкларининг активлари таркибида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар салмоғининг кичик эканлиги Марказий банкка очиқ бозор операциялари ҳажмини ошириш имконини бермайди. 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг салмоғи атиги 4,4 фоизни ташкил этди[2]. Бу эса, жуда кичик салмоқ ҳисобланади. Масалан, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи АҚШнинг Бэнк оф Америка банкида 31,0 фоизни[3], Германиянинг Дойче банкида 37,7 фоизни[4] ташкил этди.

Фикримизча, монетар сиёсатнинг тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигига нисбатан юзага келган салбий таъсирига барҳам бериш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1.Марказий банк томонидан тижорат банкларининг хорижий валюталардаги депозитларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкаларини хорижий валюталардаги депозитларнинг халқаро ссуда капиталлари бозорларида шаклланган ўртача йилилк фоиз ставкасидан келиб чиққан ҳолда ўрнатиш орқали Марказий банкнинг мажбурий захира сиёсатининг тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигига нисбатан юзага келган салбий таъсирига барҳам бериш керак.

2.Инфляцион таргетлаш режими шароитида миллий валютанинг номинал алмашув курсининг тебраниш йўлагининг қуйи ва юқори чегараларини белгилаб олиш лозим.

Миллий валютанинг номинал алмашув курсига таъсир қилувчи омиллар кўп сонли эканлигини ва сўмнинг номинал алмашув курсига нисбатан кучли босимни юзага келтираётган омилларнинг мавжудлигини (давлат бюджети дефицити миқдорининг катта эканлиги, мамлакат ташқи савдо балансининг катта миқдордаги дефицитга эга эканлиги, ички валюта бозорида хорижий

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотлари.
[2] Тижорат банклари жамланма баланси//www.cbu.uz
[3] Consolidated Balance Sheet//www.bankofamerica.com.
[4] Consolidated Balance Sheet//www.db.com.

валюталарга бўлган талаб ва хорижий валюталар таклифи ўртасидаги мутаносибликни таъминланмаганлиги) ҳисобга олган ҳолда, миллий валютанинг эркин сузиш режимидан воз кечишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

3.Марказий банкнинг очиқ бозор операциялари ҳажмини ошириш йўли билан тижорат банкларининг ликвидлилигига таъсир этиш имкониятини кенгайтириш мақсадида, биринчидан, халқаро рейтинг агентликларининг юқори тўловга қобиллик рейтингига эга бўлган компаниялар ва банкларнинг қимматли қоғозлари ва тўлови Ҳукумат томонидан кафолатланган корпоратив қимматли қоғозлоар ҳисобидан Марказий банкнинг очиқ бозор операцияларининг объектлари сонини ошириш лозим; иккинчидан, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш орқали Марказий банкнинг очиқ бозор объектлари учун объект бўлган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлик даражасини ошириш керак.

Суюнов Д.Х. *– ОБМ кафедраси мудири и.ф.д., проф.,*
Бабажанов А.Ю. *- ОБМ тингловчиси*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ КЎРСАТКИЧЛАРИ (KPI) АСОСИДА БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда акциядорлик жамиятларида маркетинг стратегияларини натижадорлигини аниқлаш бу маркетинг йўналишидаги ишларни баҳолаш орқали аниқланади. Хусусан, маркетинг стратегиясининг самарадорлигини аниқлаш маркетинг стратегиясининг сифат кўрсаткичига таъсир қилувчи омилларни, уларнинг ўзаро боғлиқлигини, таъсир даражаси ва хусусиятини аниқлаш учун лозимдир. Маркетинг стратегияларини самарадорлиги жуда кўп жиҳатдан маркетинг хизмати ташкилотда қандай ташкил этилганига, қандай стратегиялар танлаб олинганлигига ва қандай даражада ҳал қилинишига боғлиқ. Бунда маркетинг ва менежмент маълумотлари ҳал қилувчи ролни бажаради ва маркетинг стратегиялари ташкилотнинг бошқа бўлимлари вазифалари билан бирлаштирилиши керак.

Маркетинг фаолияти бошқарув жараёнининг асосий стратегик қисмидир. Маркетинг самарадорлигини баҳолаш жуда қийин вазифадир. Маркетинг стратегияларини амалга ошириш натижасида олинган миқдорий таъсирни ҳар доим ҳам изоҳлаш мумкин эмас. Шунга қарамай, ушбу муаммони ечишда турли хил ёндашувлар мавжуд.

Улардан келиб чиқиб маркетинг самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги методларини кўриб чиқиш мумкин.

1. Сифат усули. Бу усулда маркетинг стратегияларини сифат жиҳатидан баҳолаш тушунилади. Бунда маркетинг аудитидан фойдаланиш мумкин. маркетинг аудитини ўтказишда ташкилотнинг ташқи муҳити, шунингдек барча таҳдид ва имкониятлар ҳар томонлама таҳлил қилинади. Шу билан

бирга, маркетингни бошқаришнинг иккита соҳасини ажратиш мумкин: натижаларга йўналтирилган маркетинг назорати ва маркетинг аудити, яъни, ташкилот маркетинг фаолиятининг сифат жиҳатларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Сифат усули атроф-муҳит омилларини (иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқалар) таҳлил қилишга, компаниянинг ривожланиши таҳдидлари ва истиқболларини аниқлашга қаратилган.

Сифат усули бўйича маркетинг стратегияларини баҳолашда қуйидагилар назарда тутилади:

-маркетинг стратегияларининг шакллари ва тузилиши тўғрисидаги маълумотларни ва прогнозларни назорат қилиш;

-акциядорлик жамияти фаолиятининг мақсадлари ва стратегик йўналишлари, уларнинг бозор ва маркетинг стратегиялари талабларига мувофиқлиги, жамиятнинг ўзи томонидан ишлаб чиқилган имкониятлар ва хусусиятлар устидан назорат;

-акциядорлик жамиятининг маркетинг фаолияти, маркетинг стратегиялари, маркетинг комплекси, маркетинг бюджети самарадорлигини назорат қилиш;

-акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмалари ва уларни қуриш қоидалари, шунингдек маркетинг маълумотларини олиш усуллари ва тизимларининг самарадорлигини назорат қилиш.

2. Миқдорий усули. Маркетинг самарадорлигини баҳолашнинг миқдорий усуллари маркетинг харажатларини ялпи фойда ва реклама харажатлари билан таққослаш орқали аниқланади ва улар ташкилотнинг якуний молиявий натижаларини тавсифлайди.

Миқдорий усул бу корхона фаолиятининг якуний молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни йиғишдир: сотиш ҳажмини баҳолаш, реклама ва маркетинг харажатларини қиёсий таҳлил қилиш, фойда ва бошқалар.

Маркетинг тадқиқотларида миқдорий усулларнинг бир неча гуруҳлари ҳам мавжуд бўлиб улар қўйидагилардан иборат:

1. Кўп ўлчовли усуллар (биринчи навбатда, факториал ва кластерли таҳлиллар). Бу усул бир бирига боғлиқ бўлган кўплаб ўзгарувчилардан келиб чиқиб маркетинг қарорларини асослаш учун ишлатилади. Улар кўплаб ўзаро боғлиқ параметрларга асосланган маркетинг қарорларини хабардор қилиш учун ишлатилади. Масалан, янги маҳсулотни сотиш ҳажмини унинг техник даражаси, нархи, реклама харажатлари ва маркетинг комплексидан келиб чиққан ҳолда аниқлашда ишлатилади.

2. Регрессив ва корреляцион усуллар. Маркетинг фаолиятини тавсифловчи ўзгарувчилар гуруҳлари ўртасида алоқаларни ўрнатиш учун ишлатилади.

3. Симулятсия усуллари. Бу усул аналитик ечим имконсиз ҳолларда ўзгарувчилар маркетинг ҳолатига (масалан, рақобатни тавсифловчи) таъсир қилувчи ҳолларда ишлатилади.

4. Статистик қарорларни қабул қилиш назарияси усуллари. Истеъмолчиларнинг бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларга муносабатини қатъий тасвирлаш учун ишлатилади.

5. Амалий тадқиқотларни аниқловчи усуллари (биринчи навбатда, чизиқли ва ночизиқли дастурлаш). Ушбу усуллар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ўзгарувчилар мавжуд бўлганда қўлланилади ва энг мақбул ечимни топиш керак бўлади. Масалан маҳсулотни истеъмолчига максимал фойда келтирадиган, тарқатишнинг мумкин бўлган каналларидан бири орқали етказиб бериш имкониятини топиш керак бўлади.

6. Гибрид усуллар. Биринчи навбатда тарқатиш муаммоларини ўрганиш учун ишлатилади.

7. Тармоқни режалаштириш моделлари

Ушбу еттита миқдорий усул гуруҳларидан бошқа 60 дан ортиқ усуллардан фойдаланиш мумкин.

Маркетинг фаолияти натижаларини миқдорий баҳолаш усулига асосланиб, математик моделни қуриш орқали маркетинг фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш мумкин бўлади. Умуман олганда самарадорлик қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

Самарадорлик = Самара / ҳаражатлар

Ушбу формула орқали маркетинг стартегиялари самарасини ифодалаш мумкин. Назарий жиҳатдан айтиш мумкинки, маркетинг ҳодисасининг самараси унинг мақсади сифатида тушунилиши мумкин, миқдорий жиҳатдан ифодаланиши мумкин, аммо маркетинг стратегияларида турли хил тадбирлар мажмуи турли хил мақсадларга эга. Шунинг учун битта асосий кўрсаткични танлаш ва ундан ҳар бир стратегиянинг самарадорлигини ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, маҳсулот сотишдан олинган фойданинг ўзгариши. Айтайлик, корхонадаги маркетинг стратегияси қуйидагича шакллантирган: у даврига кўра тарқатиш каналлари сонини х га кўпайтириш.

Биринчидан, биз тарқатиш каналлари сони аслида қанча кўпайишини аниқлаймиз; иккинчидан, ушбу ҳолат сотишнинг кўпайишига олиб келди, бу эса ўз навбатида маҳсулот сотишдан тушган даромаднинг ошишига олиб келди. Шундай қилиб, ушбу стратегиянинг самарадорлиги фойда ўсишини фақат кўриб чиқилаётган ўлчов (ΔF) сабабли ушбу ўлчов билан боғлиқ харажатларга (Н) бўлиш орқали ҳисобланади:

МСС = ΔF / Н

Бунда, МСС - Маркетинг стратегияси самарадорлиги;

ΔF – маркетинг стратегияси ҳисобидан фойданинг ўсиши;

Н - маркетинг стратегияси ҳаражатлари.

Маркетинг стратегиясининг иқтисодий самараси кўрсаткичлар билан ифодаланиши мумкин: сотишнинг кўпайиши (қиймат ва натурал шаклда), маҳсулот сотишдан олинган даромаднинг кўпайиши, маълум бир корхонанинг бозор улушининг ошиши.

Маркетинг тадбирларининг харажатларини тавсифловчи кўрсаткичлар маркетинг учун ажратилган маблағлар ҳажмини белгилайди; ёки ҳар бир фаолият учун алоҳида-алоҳида харажатлар сметаси тузилади.

3. Социологик усул. Маркетингнинг самарадорлигини баҳолашнинг социологик усуллари амалий социология воситаларидан фойдаланишга қаратилган бўлиб, унда социологик тадқиқот дастурини ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ тадқиқотни ўзи ўтказиши мумкин. Маркетинг коммуникациялари (реклама самарадорлиги, сотишни рағбатлантириш, жамоатчилик билан алоқалар, шахсий савдо, тўғридан-тўғри маркетинг) самарадорлигини баҳолаш ҳам амалий социология воситаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Социологик усул маркетинг фаолияти истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларига таъсирининг самарадорлигини баҳолайди.

4. Балл усули. Маркетингнинг самарадорлигини баҳолашнинг балл ёки скоринг усуллари ҳар бир воқеа учун унинг самарадорлигини алоҳида баҳолайди, структура ва жараёнларнинг маркетинг концепциясига мувофиқлигини, ҳар бир мезон учун муайян балл берган ҳолда ҳисобланади.

Балл усули - ҳар бир мезонга балл бериш орқали самарадорликни баҳолашни назарда тутади.

Юқоридагилардан ташқари, ҳозирги кунда маркетинг самарадорлигини баҳолаш учун интернетда кенг тарқалган ахборот усуллари кўпайиб бормоқда. Ушбу усулларнинг моҳияти шундан иборатки, маркетинг самарадорлигини баҳолаш учун дастурлардан фойдаланилади.

У фойдаланувчиларга маркетинг маълумотларини тўплаш ва маркетингни баҳолаш, мижозлар жараёнларини бошқариш ва ходимларнинг ишини автоматлаштириш учун кўпроқ имкониятларни таклиф этади. Шу билан бирга, тизим каталогларни - вилоятлар, шаҳарлар, тармоқлар, сегментлар рўйхати, сотиб олиш ва рад етиш сабаблари ва бошқа ҳар қандай нарсани - маркетинг маълумотларини тўплаш учун мослашувчан қилиш имконини беради. Шунингдек, у маркетинг кампаниялари ва тадбирларини - почта, нашрлар, реклама, семинарлар ва харидорларга таъсирини таҳлил қилиш имкониятини беради.

Биз кўриб чиққан маркетинг самарадорлигини баҳолаш усуллари ташкилот фаолиятининг якуний натижаларига, маркетинг харажатлари улушини ва маркетинг фаолиятини амалга оширишдан олинадиган фойда миқдорини аниқлашга эътибор қаратган ҳолда ишлатилиши мумкин. Шу билан бирга, тақдим этилган усулларнинг ҳар бири, албатта, ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга.

Шундай қилиб, ягона методологиянинг йўқлиги сабабли ҳар бир ташкилотда маркетинг самарадорлигини баҳолаш масаласи мустақил равишда ҳал қилинади, бу кўриб чиқилаётган муаммонинг долзарблигини белгилайди. Фақатгина маркетинг кўрсаткичларини маркетинг самарадорлигининг кўрсаткичлари сифатида аниқлаш биз учун жуда тор ёндашувга ўхшайди: маркетинг фаолияти самарадорлигини тўлиқ баҳолаш учун бизнесни

бошқаришдаги хатолар ва мавжуд таҳдидлардан келиб чиқиб бир нечта баҳолаш усулларининг комбинациясидан фойдаланиш керак.

Шундай қилиб, корхонанинг маркетинг стратегияси самарадорлигининг назарий жиҳатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

1. Стратегик маркетинг - бу компаниянинг узоқ муддатли истиқболда унинг рақобатдошлигини оширишга қаратилган умумий бошқарув функциясидир.

Стратегик маркетингнинг асосий вазифалари:

- компания вазифасини аниқлаштириш;
- мақсадларни белгилаш;
- маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;
- маҳсулот портфелининг мутаносиб тузилишини таъминлаш.

Маркетинг стратегияси - бу компанияда стратегик режалаштириш жараёнида ишлаб чиқилган стратегик маркетинг марказидир.

Маркетинг стратегияси:

• корпоратив стратегияни яратиш жараёнида ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ бўлиши керак;

• корхона фаолият соҳаси, унинг бозордаги мавқеи ва интилишлари билан белгиланади;

• компанияларнинг эътиборини бозор улушини ошириш ёки ушлаб туришга эмас, балки янги сотиш бозорларини яратишга қаратишдир.

2. Юқори рақобат маркетингни асосларини ташкил этиш ва маркетинг стратегиясини тўғри тузиш ёрдамида рақобатбардош устунликларга эришишни ўз ичига олади.

Корхонада салбий омиллар таъсирини камайтиришнинг зарурий шарти маркетинг стратегиясини, корхоналарни бошқариш ва уларнинг фаолиятини режалаштиришга стратегик ёндашувни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир.

3. Корхона фойдаланиши мумкин бўлган маркетинг стратегиясини баҳолашнинг бир неча усуллари мавжуд. Буларга қуйидагилар киради: сифат усули, миқдорий усул, социологик ва балл усуллари.

Хулоса қиладиган бўлсак, маркетинг стратегияси корпоратив стратегиянинг бир қисмидир ва унинг баҳоси умумий корпоратив стратегиянинг бошқа кўрсаткичлари билан биргаликда сабабларни таҳлил қилишни ўз ичига олиши керак. Маркетинг стратегиясини ўз вақтида тартибга солиш ва уни такомиллаштириш учун аниқ усуллардан фойдаланишдан қўрқмаслик, шунингдек бир хил мақсадга эришиш учун турли хил маркетинг стратегияларидан фойдаланиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Котлер Ф. Маркетинг от А до Я: 80 концепций, который должен знать каждый менеджер. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишерз, 2010. 211 с.
2. Гэбэй Дж. Маркетинг: новые возможности.-Пер. с англ. К.Ткаченко.-М.: Фаир-Пресс, 2012., с.83

3. Sh.Dj. Ergashxodjayeva Strategik Marketing. Darslik. «O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati», Toshkent, 2014
4. А.Ш.Бекмуродов, М.С.Қосимова, Ш.Дж.Эргашходжаева Стратегик маркетинг. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2010 , 161 б.
5. H.Aybeshov, A.Ergashev, E.Yo’lchiyev, A.Ismoilov. Marketing asoslari Darslik. T.: “Ilm Ziyo” 2013.
6. A.Soliyev, S.Buzrukxonov. Marketing. Bozorshunoslik. Darslik. T.: Iqtisod Moliya, 2010. 424b

Мирхужаев А.Б. *– ОБМ тингловчиси*

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатламлари учун кредитлашнинг алоҳида тизимини шакллантириш лозим. Ушбу кредитлаш тизимини анъанавий кредитлаш тизимидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилиши лозим:

1.Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига мансуб бўлган кишиларга берилган имтиёзли кредитларнинг имтиёзли даврида фоиз тўлови ҳам тўланмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги банк қонунчилигига кўра, кредитларнинг имтиёзи даврида кредитнинг асосий қарз суммаси бўйича тўловлар амалга оширилмайди, балки кредитнинг фоизи тўланади. Аммо, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларида кредитнинг фоизини тўлаш учун зарур бўлган пул маблағлари мавжуд эмас. Шунинг учун, уларга берилган кредитларнинг имтиёзли даврида фоиз тўловлари ҳам тўланмаслиги керак, деб ҳисоблаймиз.

2.Кредитларни давлат маблағлари ҳисобидан бонификация қилиш усули кенг қўлланиладиган усул бўлиши керак.

Кредитлашнинг бонификация усулида аҳолининг кам даромадли қатламига берилган кредитнинг фоизини маълум қисми, аниқроғи, камида 25 фоизи давлат томонидан тижорат банкига тўлаб берилиши керак. Бунинг натижасида, аҳолининг кам даромадли қатламини банк кредитини тўлаш билан боғлиқ бўлган харажати миқдори камаяди. Натижада, уларнинг кредитлардан фойдаланиш даражаси ошади.

3.Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатламига бериладиган кредитларнинг таъминоти сифатида фақат учинчи шахснинг кафиллигидан ва юридик шахс амқомига эга бўлган корхоналарнинг кафолатларидан фойдаланиш лозим.

Ҳозирги даврда, республикамиз тижорат банклари томонидан кредитлар беришда кредитнинг таъминоти сифатида қуйидагилар талаб қилинмоқда:

*қўзғалмас мулк;

*транспорт воситалари;

*учични шахс кафиллиги ва кафолатлари;

* суғурта полиси;

*қимматли қоғозлар.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатламларида кредитнинг таъминоти сифатида сўралаётган таъминот турлари – қўзғалмас мулк, транспорт воситалари, суғурта полиси ва қимматли қоғозлар мавжуд эмас.

Фикримизча, аҳолининг ижтимоий ҳимосга муҳтож бўлган қатлами учун миркомолиявий хизматлардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш лозим.

Ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган кам даромадли аҳолига тижорат банклари томонидан гаровсиз микрокредитлашни йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бунинг натижасида, биринчидан, гаров объектини баҳолаш ва расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар камаяди; иккинчидан, кам даромадли аҳолининг банкларнинг микрокредитларидан фойдаланиш даражаси ошади.

Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги қонунига кўра:

*микрокредит қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 300 миллион сўмдан ошмайдиган суммада тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир;

*микроқарз банклар ва микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига 50 миллион сўмдан ошмайдиган суммада тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир;

*микролизинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ 600 миллион сўмдан ошмайдиган суммада берилади;

*қарз олувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши, банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати; учинчи шахсларнинг кафиллиги; мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови, шу жумладан гаров депозити, банкларнинг омонат сертификатлари ҳамда қонунчиликда ва шартномада назарда тутилган бошқа усуллар билан таъминланади[1].

[1] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Микромолиялаш тўғрисида//www.lex.uz

Суюнов Д.Х. *– ОБМ, кафедра мудири и.ф.д.,проф.,*
Вахидов А.А. *- ОБМ тингловчиси*

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Бугунги кунда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти иқтисодий сиёсатнинг стратегик вазифаси сифатида жадал суръатларда ривожлантирилмоқда. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 55-67 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткич АҚШда 52-55 фоизни, Японияда 52-57 фоизни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 63-67 фоизни ташкил этади. Еарбий Европа мамлакатларида хусусий секторда фаолият юритаётган 17,1 млн. корхонанинг 90,9 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳисобланади. Уларнинг хиссасига умумий саноат хажмининг 50 фоизи, хизматлар соҳасининг 67 фоизи, қурилиш ва савдонинг деярли 90 фоизи тўғри келмоқда. Бироқ жаҳондаги ривожланган мамлакатлар экспортининг қарийб 30-40 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич АҚШда 30 фоизни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 27 фоизни, Японияда 15 фоизни ташкил этади[1]. Мамалакатимизда ҳам Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида амалга оширилаётган жадал ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизни тараққий эттириш ва аҳоли фаровоилигипи оширишнинг муҳим маибаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимиз яппи ички маҳсулотинииг 56 фоизидан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда ва уларнинг экспортдаги улуши 20,5 фоизни ташкил этмоқда. «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш»[2] сингари устувор вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш кичик бизнес субъектларининг экспорт фаолиятини такомиллаштиришни талаб этади.

Маълумки тадбиркорлик тушунчасининг ҳозирги маъносида XVII аср охири ва XVIII аср бошларида илк бор инглиз иқтисодчиси Ричард Кантилон ўз тадқиқотларида қўллаган эди. Унинг фикрича, тадбиркор таваккалчилик шароитида фаолият юритувчи кишидир. Шу боисдан у ер ва меҳнат омилини иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаи деб билган. Ж.Б.Сейнинг фикрича, тадбиркор олгаи даромад унинг меҳнати, ишлаб чиқаришни ташкил этганлиги, маҳсулотни ўз вақтида сотганлиги учун берилган мукофотдир.

Қайд этиш лозимки, иқтисодиёт фанининг асосчилари тадбиркорлик

шаклига кам эътибор берганлар. Тадбиркорлик фаолияти уларнинг илмий - тадқиқот ишларининг таҳлил объекти бўлмаган. Инглиз иқтисодчи олимлари А.Смит ва Д.Рикардо иқтисодиётни ўз-ўзини мувофиклаштирувчи механизм деб кабул қилганлар. «Халқлар бойликларининг моҳияти ва сабабларини тадқиқ этиш» китобида А.Смит тадбиркор таърифига алоҳида эътибор берган эди.

А.Смитнинг фикрича, тадбиркор - капитал эгаси. У муайян тижорат ғоясини амалга ошириб, даромад олиш учун таваккалчилик билан иш бошлайди, чунки капитални бирор-бир ишга сарфлаш доимо таваккалчилик билан боғликдир. Тадбиркорликдан олинган даромад, А.Смитнинг фикрича, шахсий таваккалчилик учун олинган мукофотдир.

Америкалик иктисодчи Ж.Б.Кларк, Ж.Б.Сейининг «учлик формуласига» бир оз ўзгартириш киритди. У пинт фикрича, ишлаб чиқаришда доим тўрт омил иштирок этади: капитал, ишлаб чиқариш воситалари ва ер, тадбиркорлик фаолияти, ишчининг меҳнати - деган фикрни билдирадилар.

Ҳар бир омил ишлаб чиқаришдан олинаётгаи ўзига хос фойдани акс эттиради: капиталдаи капиталист қўшимча фоиз олади; ер рента беради; капиталистнинг ишбилармонлик фаолияти даромад келтиради; ишчининг меҳнати уни маош билан таъминлайди. Бошқача қилиб, Ж.Б. Кларк сўзи билан айтганда: «Эркин рақобат меҳнатга меҳнатдан келган нарсани беради, капиталистларга капитал яратгаи нарса тегади, тадбиркорлар мувофиқлаштириш фаолиятидан келган нарсани олади»[3]. Тадбиркорлик фаолиятини у ана шундай тушунган.

Машҳур америкалик иқтисодчи Й.Шумпетер ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси»[4] китобида, тадбиркорни новатор (янгилик бунёд килувчи одам) деб таърифлагаи. Олим тадбиркорлик фаолиятини капиталистак иқгисодиётнинг ривожланишида, иқтисодий ўсипши таъминлашда катта рол ўйнайдиган янгиликларни жорий этишдан иборат, деб билади: «Вазифаси янги комбинацияларни жорий этишдан иборат бўлган хўжалик субъектларини биз тадбиркор деб атаймиз». Ушбу муаммога иқтисодиёт соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлган инглиз иқтисодчиси Фридрих Фон Хайн бошқача ёндашган. Унинг фикрича, тадбиркорлик фаолият бўлмасдан, балки янги иқтисодий имкониятларни излаб топиш, хатти-ҳаракатларни таъминлашдир[5]. Олим тадбиркорликни фаолият эмас, деб талқин этади.

Бугунги кунда тадбиркорликнинг умум томонидан эътироф этилган таърифи мавжуд эмас. Америкалик олим Р. Хизрич, «Тадбиркорлик ўз қийматига эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёни, тадбиркор эса бунинг учун барча зарур вақти ва кунини сарфлайдиган, барча молиявий, психологик ва ижтимоий хавф-хатарни ўзига олиб, эвазига мукофот сифатида пул ва эришилган ютуғидан қаноатланувчи шахс»[6], - деб таъкидлайди.

Инглиз профессори А. Хоскин эса «ишни ўз ҳисобидан олиб борувчи, бизпесни бошқариш билан шахсан шуғулланувчи ва керакли воситалар билан таъминланиш учун шахсий жавобгарликка эга, қарорни мустақил қабул

қилувчи шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлади»[7], - деб изоҳлайди.

Америкалик иқтисодчи олим Й.Шумпетернинг фикрига кўра, тадбиркорликнинг новаторлик характери қуйидагиларда акс эттирилади:

- бозор учун янги товар ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни татбиқ этиш;
- янги сотиш бозорларини ўзлаштириш;
- хомашёнинг янги турлари ва манбаларини топиш.

Тадбиркорлик янгилик киритиш, товар ишлаб чиқариш фаолиятини ўзгартириш ёки корхонани (шу жумладан, кичик корхонани) ташкил қилиш соҳасида ижодкорликнинг мавжудлиги билан таърифланади. Тадбиркорлик фаолиятининг ижодкорлик жиҳатлари бошқарувнинг янги тизимида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги усуллари ёки янги технологияларини татбиқ этишда ўз ифодасини топади.

Тадбиркорнинг асосий мақсади ўз истеъмолчиларига эга бўлиш йўлида товарга эҳтиёжни аниқлашдан иборатдир. Тадбиркор ўз истеъмолчиларини шакллантиришда қуйидаги асосий омилларни ҳисобга олиши керак:

- товарнинг янгилиги ва унинг харидор манфаатига мос келиши;
- товар ёки хизматларнинг сифати;
- товар ёки хизматларнинг нархи;
- товарнинг универсаллик даражаси;
- товарнинг ташқи кўриниши, унинг харидор талабига мослиги;
- сотувдан кейинги сервис хизматларидан фойдаланиш имконйяти;
- товарнинг қабул қилинган умумий ёки давлат стандартларига мослиги;
- товарлар ва хизматлар рекламасииинг жозибалилиги, харидор диққатини ўзига жалб этиши ва ҳоказо.

Хулоса шундан иборатки, агар ижтимоий ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан тадбиркор фаол субъект ролида бўлса, унда тадбиркорлик жараёнининг ўзи, унинг самарадорлиги ва мазмуни нуқтаи назаридан истеъмолчи фаол роль ўйнайди ва тадбиркор бу омилни инкор эта олмайди.

Тадбиркорнинг шахсий хусусиятлари, кобилиятлари, имкониятлари ва ишга дойр сифатлари тадбиркорликнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлади.

Тадбиркорнинг ишга дойр сифатлари қуйидаги тамой илларга асосланиши керак:

- биринчидан, бозорнинг товар ва хизматлар билан таъминланиш даражасини таҳлил қилиш йўли билан иқтисодий хўжалик тизимида ўз ўрнини топиши;
- иккинчидан, шахсий ишлаб чиқариш тузилмасини яратишга таиёрлик қобилияти;
- учинчидан, маркетинг тадқиқотлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, дастлабки тадбиркорлик ҳисоб-китобларини амалга ошириши;
- тўртинчидан, тадбиркорлик лойиҳасини амалга оширишда раҳбарликни тўғри йўлга қуйиш қобилияти;
- бешинчидан, янги техник, технологик ғояни биринчи бўлиб ҳаётга

татбиқ этиш ҳамда ушбу ғоядан амалда фойдаланиш, ундан қандай якуний натижа, маҳсулот ёки хизматлар олиш мумкинлигини тасаввур эта олиши.

Тадбиркорлик ниятини амалга ошириш белгиланган даражада тадбиркорнинг мотивлашуви (манфаатдор бўлиши)га боғлиқ. Тадбиркорлик назариясининг асосчиси И.Шумпетер учта асосий мотивни ажратган:

- биринчидан, ҳокимлик қилиш, ҳукмронлик, таъсир қилишга эҳтиёж;
- иккинчидан, аниқ ҳаракатларни бажариш орқали эришиш эҳтимоли бўлган ғалабага ирода, муваффаккият сари ҳаракат;
- учинчидан, мустақил иш фаолияти берувчи ижодкорлик қувончи.

Аммо, И.Шумпетер томонидан таклиф этилган мотивлаштириш назарияси ғарбий мамлакатлар тадбиркорларининг фикрлаш услубини акс эттиради. Тадбиркорликнинг тарихий томирларига эта Ўзбекистонда тадбиркорликнинг замонавий ҳақиқатларга асосланган ўз мотиви бўлиши керак. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти бир қатор ўзига хос аломат ва хусусиятлар билан бирга бўлади. Мамлакатимизда тадбиркорликни мотивлаштириш хусусиятлари қуйидаги аломатларга эта:

- ўз салоҳиятини амалга оширишга ҳаракат қилиш;
- энг муҳим, ижтимоий ва иқтисодий самара келтирувчи ғоялар-ни амалга ошириш истаги;
- гўрачилик тузилмалари билан боғликликдан қочиш, ҳаракатлар эркинлиги ва фаолият юритиш жараёнида мустақил бўлиш;
- қизиқарли иш билан мустақил ва эркин шуғулланиш;
- ўзининг ижтимоий мақоми ва обрўсини оширишга интилиш ҳамда ўзига ва ўз яқинларига муносиб турмуш шароитларини таъминлаш.

Кўрсатиб ўтилган истакларни муваффақиятли амалга ошириш учун тадбиркор бир қатор изчил ҳаракатларни амалга ошириши керак. Бу ҳаракатлар танлаб олинган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш шаклларига боглиқ.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик шахсий даромад, фойда олишга қаратилган фуқароларнинг мустақил фаолияти. Бу фаолнят ўз номидан, ўз мулкий масъулияти ва юридик шахснииг юридик масъулияти эвазига амалга оширилади. Тадбиркор қонун томонидан таъқиқланмаган барча хўжалик фаолияти, шу жумладан, воситачилик, сотиш, сотиб олиш, маслаҳат бериш, қимматбаҳо қоғозлар билан иш олиб бориш билан шуғулланиши мумкин.

Ҳар бир тадбиркорлик фаолияти тегишли ҳуқукий муҳитда кечади. Шунинг учун керакли ҳуқуқий шароит яратиш катта аҳамиятга эга. Бу биринчи навбатда тадбиркорлик фаолиятини тартибга келтирувчи фармонлар ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароит яратиб берувчи қонунларнинг мавжудлиги, яъни корхоналарни рўйхатдан ўтиш жараёнининг қисқа ва оддий бўлиши; тадбиркорликни давлат бюрократизмидан ҳимоя қилиш; солик қонунчилигини такомиллаштириш; Ўзбекистон ва чет эл ишбилармонлариниг ҳамкорлик фаолиятини ривожлантиришдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:
1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Узбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидалги фармони. www.lex.uz.
2. Кларк Ж.Б. Распределение богатства. -М., 1994. 40-бет
3. Шумпетер Й. Теория экономического развития. -М., 1982.
4. Хайн Ф. Конкуренция как процедура открытия. «Мировая экономика и международные отношения» журнали, 1989. 12-сони.
5. Хизрич Р., Питерс С. Предпринимательство. -М., 1991,20-бет.
6. Хоскин А. Курс предпринимательства. -М., 1993, 23-бет.
7. https://ec.europa.eu/growth/smes/sme-definition_en/

Шасалимов С.Ж. *– ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ХАРИД ЖАРАЁНЛАРИДА КОМПЛАЕНС ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикасида давлат харидлари механизмини такомиллаштириш, тендер савдоларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича комплекс ишлар изчил давом эттирилиб, харидлар тизимига электрон савдолар жорий этилди. Товар ва иш-хизматлар харидини амалга ошириш жараёнида замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва электрон савдо механизмларини кенг қўллаган ҳолда, харидлар шаффофлиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда коррупция хавф-хатарларини олдини олиш алоҳида долзарбликни тақазо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2022 йилдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 240-сон қарори билан коррупцияга мойил бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланган.

Мазкур чора-тадбирлар дастурининг энг долзарб вазифаси сифатида “Давлат харидлари жараёнида тендер, танлов ва бошқаларни ўтказишда манфаатлар тўқнашуви ва коррупциявий омилларнинг мавжудлигини аниқлашни рақамлаштириш. Жумладан, харид жараёнларида ҳужжатлар айланишини автоматлаштириш, “комплаенс-назорат” ўтказишни йўлга қўйиш” белгилаб берилган.

Акциядорлик жамиятларида ҳам товар ва иш-хизматлар харидини амалга ошириш жараёнида харид қонунчилигига амал қилиш, унда белгиланган талаблар ва харидлар шаффофлигини таъминлаш, шунингдек коррупция хавф-хатарларини олдини олишга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Харид жараёнларини тартибга солиш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, талабгор корхоналарни ўрганиш бўйича ички норматив ҳужжатлар

ишлаб чиқиш, харид жараёнини республикамизнинг харид қонунчилигига ҳамда ички норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилаётганлиги бўйича Комплаенс хизмати томонидан доимий назорат ва мониторинг ишларини амалга ошириш лозим бўлади.

Бунда, энг аввало, Жамият харид жараёнларида тадбиркорларнинг шаффоф харидлар тизимида иштирок этиши, аввалдан келишилган талабгорни ютиб чиқиши бўйича амалга ошириладиган ишларни олдини олиш, талабгорларни асоссиз харид жараёнларидан четлатиш ва шу каби тадбиркорларни ҳуқуқларини поймол қилувчи бошқа салбий холатларни олдини олиш ва уларни бартараф қилишга қаратилади.

Шунингдек, харид жараёнида талабгорлар томонидан тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатлар, харид қилиш ҳужжатларига, техник талабга ҳамда квалификация талабларига мослиги, талабгор ва Жамият ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви холатлари мавжуд эмаслиги, талабгорнинг молиявий холати, очиқ маълумотлар базасида у бўйича салбий фикрлар мавжудлиги, суд жараёнида иштирок этаётганлиги ва шу каби бошқа холатлар алоҳида ўрганилиб, келажакда Жамият ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этувчи, шартнома мажбуриятларини бажара олмайдиган, салбий оқибатларга олиб келадиган мол етказиб берувчилар билан ҳамкорлик қилишнинг олди олинади.

Харид жараёнини амалга оширишда комплаенс тизимида рақамлаштириш ишларининг тизимли йўлга қўйилиши, жамият томонидан ички дастур ишлаб чиқилиб уни коррупция холатлари ва манфаатлар тўқнашувини олдини олишга кўмаклашувчи маълумотлар базалари билан интеграция қилиниб, ходимларнинг аффилланганлиги, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги каби холатларни доимий мониторинг қилиб борилиши раҳбар ёки масъул ходимларга тегишли корхоналарнинг харид жараёнларида сунъий равишда ғолибликни қўлга киритилишини олдини олишга хизмат қилади.

Ashurova Sh. *- PhD NITU MISIS, Almalik, Tashkent*

IMPORTANCE OF DEVELOPING LISTENING IN SECOND LANGUAGE EDUCATION

It is increasingly recognized that being one of the most crucial aspects of foreign language acquisition listening comprehension yet remains deficient in support; on the other hand, it is at the core of many debated issues in the areas of bilingual education and foreign language pedagogy. The evidence seems to be cogent that listening comprehension should be prioritized in the process of foreign language acquisition. Consequently, it will be plausible to premise that a considerable amount of research needs to be undertaken in this domain, since the generating interest in the subject under investigation still raises a sufficient number of controversies. This article explores the general features of alien auditory competence – a key axis around which this study is formed. It also synopsizes the basic strategies of listening comprehension, which may promote gradual

development of this integrated ability. Furthermore, the article demonstrates the succession of acquiring listening comprehension competence by students of linguistic fields and provides a system of diversified exercises, devised specifically for this purpose.

To better penetrate into the nature of listening comprehension, it is essential to singularize the specific features of spoken language. This should be done in order to avoid the potential difficulties, which may arise during oral language comprehension. Firstly, speech is time-bound, dynamic and transient: the spontaneity, real-time nature of spoken language and its speed may hinder the process of understanding, since it is not always possible to listen to the text several times in order to better comprehend it. Moreover, the participants are likely to rely on such extralinguistic clues as a facial expression and a gesture. Secondly, perception and comprehension of aural speech requires its automatic processing: it means that the listening procedure must be almost entirely automatic, which enables speech understanding. Finally, spoken language differs from written language by its stylistic coloring and the usage of particular elements, such as slang, dialects, contracted forms and the like.

On balance, the above mentioned factors may complicate the process of listening comprehension. Though it might seem self-evident, the ability of listening comprehension which is acquired more or less unconsciously in the native language (just by being around and interacting with people who speak it) encompasses a number of complex skills that are mastered without considerable attention to it. Thus, among high level skills of listening comprehension the following may be distinguished: the ability to indicate which spoken sounds are meaningful parts of language and which are not; the phonological awareness (the ability to recognize the sounds of speech); the ability to detect key words, such as those identifying topics and ideas as well as sentence constituents: the subject, the predicate, the object, prepositions, and the like; the recognition of the reduced forms of words, typical word-order patterns, vocabulary, grammatical word classes, basic syntactic patterns and cohesive devices; the ability to recognize the stress and intonation patterns of English words. Once listening comprehension skills are identified and listening comprehension is defined as an active process, it is relevant to consider the types of knowledge used in listening. Analyzing how the language comprehension system works, researchers indicate that in this process both linguistic and nonlinguistic knowledge is involved. The former may be of different types, but among the most important ones are phonology, lexis, syntax, semantics and discourse structure. The latter is knowledge about the world and how it works. However, there are some serious problems with the suggested view, since processing different types of knowledge does not occur in a fixed sequence, but rather simultaneously, in any convenient order. In top-down processing it is assumed that the learner utilizes his prior knowledge and his own experiences to understand new information. It is worthwhile at this stage to examine the kinds of listening which assist students to gain valuable language input. Turning to J. Harmer, one finds out that listening comprehension is the combination of extensive and intensive listening material.

These both types are especially important since they provide the perfect opportunity to hear voices other than the teacher's, enable students to acquire good speaking habits as a result of spoken English they absorb, and help to improve their own pronunciation. Commonly, extensive listening (where a teacher encourages students to choose for themselves what they are going to listen to and do so for pleasure and general language improvement) can have a dramatic effect on a student's FL learning. The data indicate that the motivational power of such an activity increases drastically, and this fact should not be underestimated. The material for extensive listening can be found from a number of sources: audio versions of books, recordings of authentic materials (such as songs, short videos or films), and audio course books. In order to foster extensive listening, teachers can have students perform various tasks, for instance: to fill in the report forms listing the topic, to summarize the content of the recording, to write comments on cards or a student web site, in other words – to give students more reasons to listen. Another type of listening which is prevalent in the classroom – intensive listening – usually requires employing taped materials.

In conclusion, it is evident that listening comprehension is predominant in the process of acquisition. Even though was not recognized as a sufficient facet of language learning in the past, now its relevance is taken into account by many scholars. It is true, that listening is vital in language learning since it provides input for the learner.

List of used literature:

1. Ulanoff, S.H., & Pucci, S.L. Learning words from books: The effects of read-aloud on second language vocabulary acquisition. New York. The Bilingual Research Journal. 23. 2014.
2. Trueba, H.T. English literacy acquisition: From cultural trauma to learning disabilities in minority students. Linguistics and Education. 2013.
3. Ouellette, P. M., Westhuis, D., Marshall, E., & Chang, V.. The acquisition of social work interviewing skills in a web-based and classroom instructional environment: Results of a study. Journal of Technology in Human Services, 24(4), 53-75. 2006.

Шарипов К.Б. *– ТДИУ докторанти (DSc), PhD.*

ИХТИСОСЛАШУВ ТУШУНЧАСИГА БЎЛГАН ТУРЛИ ХИЛ ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ

Ихтисослашув тушунчаси, ўз маъносига кўра, умумий ҳолда субъектнинг ўз фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида уни кўплаб ва хилма-хил жараён ёки фаолият объектларидан бирига ёки бир нечтасига йўналтиришини англатади. «Ихтисослашув – фаолиятни нисбатан қулай ишлаб чиқариш шарт-шароитларига эга бир ёки бир неча турдаги

рақобатбардошли товар маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтириш» [1]. Одатда ихтисослашув меҳнат тақсимотининг таъсирида амалга ошади.

“Ихтисослашувнинг таркиб топган мутлақ ва нисбий устунликларни рўёбга чиқариш имконини берувчи юқори самарали ишлаб чиқаришнинг муҳим захираси сифатида вужудга келиши ва қарор топиши аввал бошданоқ турли-туман табиий шарт-шароитларнинг мавжудлиги, шунингдек, ижтимоий меҳнат тақсимоти ҳамда унинг асосида алмашув жараёнларининг пайдо бўлиши сифатидаги жамият тараққиёти хусусиятлари билан боғлиқ.

Ихтисослашув тушунчаси жуда кенг қамровли бўлиб, уни алоҳида шахс – ишловчидан тортиб то корхона, тармоқ, ҳудуд, минтақа ва миллий иқтисодиёт даражасига қадар қўллаш мумкин. Бироқ, иқтисодий адабиётда ихтисослашув жараёни кўпроқ ишлаб чиқаришга нисбатан қўлланилади. Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ўз навбатида турли миқёс ёки даражаларда олиниши мумкин. Масалан:

1) корхона ёки унинг бирон-бир таркибий бўлими, участкасидаги ишлаб чиқариш жараёнининг ихтисослашуви;

2) бир хил йўналишдаги корхоналар мажмуи – тармоқ ёки соҳа ишлаб чиқариши ихтисослашуви;

3) муайян ҳудуд (минтақа)да жойлашув жиҳатидан ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви.

4) тармоқ ва соҳаларнинг мажмуи – миллий иқтисодиёт даражасидаги ихтисослашув.

Ихтисослашув меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминловчи фан-техник тараққиётнинг ютуқларини жорий этиш билан узвий боғлиқ.

Ихтисослашув турли шаклларда амалга оширилиб, улардан ҳар бири қуйидаги асосий йўналишлар орқали аниқланади:

- товар маҳсулотнинг муайян номенклатурасини ишлаб чиқаришга ихтисослашувчи тармоқ ва саноат корхоналарининг шаклланиши;

- товар тайёрлашнинг технологик жараёнини навбатдаги ички ишлаб чиқариш концентрацияси билан хусусий технологик операциялар учун деталдан тортиб то агрегатгача ишлаб чиқаришни табақалаштириш;

- муайян технологик операцияларни бажариш билан боғлиқ янги ишлаб чиқаришларни яратиш **[2]**.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ихтисослашув жараёнига берилган таърифлар хилма-хил бўлиб, унинг мазмунини тўлиқ баён этиш учун мазкур таърифларни улардаги асосий ёндашувлар бўйича муайян тизимга солиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (1-жадвал).

Юқоридаги таърифларнинг тизимли таҳлили асосида, фикримизча, иқтисодиёт назарияси нуқтаи назаридан қуйидаги муаллифлик таърифининг шакллантирилиши мақсадга мувофиқ: “Ихтисослашув – хўжалик юритишнинг турли субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг тегишли даражасида кўпроқ иқтисодий наф келтирувчи фаолият тури ёки унинг муайян қисми билан шуғулланишга йўналтирилган жараён” [8].

1-жадвал

Ихтисослашув тушунчасига берилган таърифларнинг асосий ёндашувлари бўйича тизимлаштирилиши [8]

Ёндашувлар	Таърифлар
Ижтимоий меҳнат тақсимоти шакли сифатида ёндашув	кенг маънода – ижтимоий меҳнат тақсимоти шакли, маҳсулот алоҳида турлари ёки унинг алоҳида қисмларини ишлаб чиқаришнинг мустақил тармоқлар, ишлаб чиқариш, ихтисослашган корхоналарда жойлашуви. Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайиши, унинг сифатини ошиши, меҳнат унумдорлигининг ўсишига имкон яратади [3].
	ижтимоий меҳнат тақсимоти ва уни оқилона ташкил этиш шакли. Маҳсулот алоҳида турлари ёки унинг алоҳида қисмларини ишлаб чиқаришнинг мустақил тармоқлар, ишлаб чиқариш, ихтисослашган корхонларда жойлашувини ифодалайди [4].
Меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқариш фаолиятининг концентрацияси ифодаси сифатида ёндашув	меҳнат тақсимотига асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакли. Ихтисослашган цех, участка, яхлит корхоналарни барпо этиш орқали намоён бўлиб, предмет, деталлар, технологиялар бўйича гуруҳланиши мумкин [5].
	меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқариш фаолиятининг концентрацияси орқали ифодаланувчи иқтисодий жиҳатдан асосланган шакл. У маҳсулот муайян номенклатурасининг оммавий равишда ва йирик серияли ишлаб чиқаришига ёки муайян технологик операцияларни бажаришга йўналтирилган [2].
Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашган корхоналарда концентрациялашуви сифатида ёндашув	ишлаб чиқаришнинг оммавийлиги ва потоклилигини ошириш орқали ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келувчи бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ихтисослашган корхоналарда концентрациялашуви [3].
Фаолиятнинг тор доирадаги товарлар ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги сифатида ёндашув	компания асосий фаолиятининг маҳсулот, товарлар ва хизматнинг тор доирасини ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги [6].

Ихтисослашувни ўрганиш ва таҳлил қилишда унинг шаклларига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Бироқ илмий адабиётда ихтисослашув шакллари ва турларининг аниқ ва тизимга солинган таснифи баён этилмаган, айрим муаллифлар томонидан унинг алоҳида турлари ажратиб кўрсатилган холос. Шу сабабли, Н.Шестакович томонидан уларнинг турли жиҳатдан туркумланиши таклиф этилган (2-жадвал).

Шунингдек, у ихтисослашувнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини қуйидаги ҳолатлар орқали ифодалайди:

1) ихтисослашув маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ўсиш суръатига нисбатан унинг ҳажмининг юқорироқ ўсиш суръатини тақозо этувчи ишлаб чиқаришнинг ижобий миқёс самарасига эришиш учун имкониятларни очиб беради;

2) ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш мазкур жараёнга фан, техника ва технологиянинг илғор ютуқларини жорий этиш учун яхши асос бўлиб

хизмат қилади. Қимматбаҳо ихтисослаштирилган юқори унумли техникани қўллаш фақат ундан тўлиқ фойдаланиш шароитида ўзини оқлаш мумкин. Бу бир вақтнинг ўзида кўп миқдордаги тармоқларни ривожлантирувчи хўжаликларда эмас, балки айнан техниканинг қиймати амортизация ажратмаси шаклида аҳамиятли даражадаги катта ҳажмга эга бўлган бир турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотига бир текисда ўтказилувчи ихтисослашган хўжаликларда имкон доирасида бўлиши мумкин [7].

2-жадвал

Ихтисослашув турлари ва шакллари туркумланиши [7].

Ихтисослашув жараёни объекти	**Ихтисослашув тури**	**Ихтисослашув шакли**
Технологик жараён	Технологик жиҳатдан	– предмет бўйича – деталь бўйича – элемент бўйича
Хўжалик юритувчи субъект	Хўжалик жиҳатидан	– умумхўжалик – ички хўжалик – хўжаликлараро
Тармоқ	Тармоқ жиҳатидан	– тармоқ ичида – тармоқлараро
Ҳудуд	Ҳудуд жиҳатидан	– халқаро миқёсда – минтақа бўйича – республика бўйича – зона бўйича

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, ихтисослашув жараёни алоҳида корхона ва ташкилотларнинг фаолият самарадорлигини таъминлаш орқали миллий иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига аҳамиятли таъсир кўрсатади. Шунга кўра, хўжалик юритишнинг турли даражаларида ишлаб чиқаришни самарали ташкил этишда турли кўринишдаги ихтисослашув жараёнларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гусаков В.Г. Аграрная экономика: термины и понятия: энцикл. справ. Мн.: Белорус. наука, 2008. С. 439.
2. https://psyera.ru/6598/sushchnost-specializacii-proizvodstva
3. Специализация производства. - https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/ 277037
4. Энциклопедический словарь. 2009. - https://dic.academic.ru/dic.nsf/es/ 53992
5. Краткий словарь экономиста. — М.: Инфра-М. Н. Л. Зайцев. 2007. - https://economist.academic.ru/796
6. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б.. Современный экономи ческий словарь. - 2-е изд., испр. - М.: ИНФРА-М. 479 с.. 1999.; Экономика и право: словарь-справочник. - М.: Вуз и школа. Л.П. Кураков, В.Л. Кураков, А.Л. Кураков. 2004. https://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_economic _law/14816; Словарь бизнес-терминов. Академик.ру. 2001. - https://dic.academic.ru/ dic.nsf/business/12250

7. Шестакович Н.К. Теоретический анализ специализации сельскохозяйственного производства. https://cyberleninka.ru/article/n/teoreticheskiy-analiz-spetsializatsii-selskohozyaystvennogo-proizvodstva
8. Муаллиф ишланмалари.

Суюнов Д.Х. *– ОБМ кафедраси мудири и.ф.д., проф.,*
Жалилов М.Р. *- ОБМ тингловчиси*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИТЯЛАРИНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИДА ХАЛҚАРО МАРКЕТИНГНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Акциядорлик жамитяларининг халқаро товар айирбошлаш жараёнидаги иштироки йиллар мобайнида шаклланиб келади. Компанияларнинг мамлакат ҳудудидан чекланиб қолмай, бошқа мамлакатлардаги бозорларни ўзлаштириши халқаро товар айирбошлаш жараёни кенг қамровли бўлишига доимий тўртки бериб келган. Бунга сабаб компанияларга хорижий бозорга чиқиб, янги истеъмолчилар учун маҳсулотлар ассортименти ҳажмини ошириш, янги товарлар яратишилишига кенг имконият яратилишидир.

Халқаро товар айирбошлашда савдо-сотиқ узоқ йиллар мобайнида асосий ўрин тутиб келса-да, саноатнинг кескин ривожланиши компанияларга бошқа давлатларда ҳам ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имконини берди[1]. Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида сифат ўзгаришлари юз берди. Халқаро савдонинг ривожланиши мамлакатлар ўртасида меҳнат тақсимотини янада чуқурлаштириш билан бирга миллий иқтисодиётларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциясини кучайтирди ва айнан меҳнат тақсимоти иқтисодий тараққиётнинг муҳим қонунияти ҳисобланади[2].

XXI асрга келиб, халқаро бозорда талаб ва эҳтиёж мутлақо янги кўринишга эга бўлади. Товар ёки хизматга талаб оммавийликдан ҳар бир истеъмолчи талабини қондириш жараёнига айланди, товар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш истеъмолчининг истаги асосида ташкил қилина бошлади[3]. Шу билан бирга, истеъмолнинг янги турлари – ижтимоий товар ва хизматларга турмуш сифати, экология, бўш вақтни ташкил этиш эҳтиёжи ва бошқа талаблар юзага келади. Бундай шароитда ишлаб чиқариш кўламини оширишга асосланган усуллар фойда бермай қўйди. Компаниялар замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга тезкор татбиқ этиши фан-техника тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқариш ва хўжалик юритишни ташкил этишнинг янги шакллари пайдо бўлди.

Халқаро маркетингда ўзаро боғлиқ бўлган бир қатор воситалар мавжуд бўлиб, улар маркетинг тадқиқоти, товар сиёсати, сотув каналлари, реклама ва сервис хизмати ҳисобланади[4]. Ушбу воситалар компаниянинг маркетинг

[1] Дайан А. Промышленный маркетинг // Академия рынка: маркетинг / Пер. с фр. - М.: Экономика, 1993. - Б. 201-282.
[2] Гурова И. П. Международное разделение труда и международное производство // Вестник ВолГУ. Серия 3: Экономика. Экология. - 2006. - №10. – Б. 151-156.
[3] Березин И.С. Маркетинг и исследования рынков. - М.: Русская деловая литература, 1999. – 416 б.
[4] Хаксевер К., Рендер Б., Рассел Р. Управление и организация в сфере услуг, пер. с англ. - СПб.: Питер, 2002. – 752 б.

сиёсатини белгилайди ва улар самарадорлиги компаниянинг ташқи бозордаги муваффақиятини англатади. Маркетинг воситалари хорижий мижоз билан компания ўртасидаги алоқани таъминлашга қаратилади.

Халқаро маркетингда кўп қиррали, глобал миқёсда доимий ўсишда бўлган талабни қондиришга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, товарни дунёнинг турли нуқталарига бир вақтда етказиб бериш муҳим ҳисобланади. Бундай ёндашув бозор қонуниятларини акс эттириб мураккаб ва зиддиятларга эга бўлганли сабабли янгидан-янги муаммолар пайдо бўлишига замин яратади. Чунки ишлаб чиқарилаётган товарлар миқдори ва турлари кўпайиши ресурсларга эҳтиёжни ошириб юборади.

Миллий компанияларнинг ташқи бозорга чиқишини бир қанча усуллар ёрдамида амалга ошириш мумкин:

ташқи бозорга маҳсулотни бевосита чиқариш - экспорт қилиш ёки билвосита экспорт, яъни воситачи орқали халқаро бозорга маҳсулот чиқариш;

маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мақсадида хорижий компаниялар билан ўзаро тадбиркорлик фаолияти;

ташқи бозорга ишлаб чиқариш технологияси, савдо маркаси ёки патентга тегишли ҳуқуқни лицензияга бериш бўйича шартнома тузиш;

ташқи бозорда маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўшма корхоналар тузиш ва ҳоказо.

Замонавий халқаро маркетингда икки асосий тамойил: бир томондан, давлатларнинг ташқи савдони эркинлаштиришга ўтиши, иккинчи томондан протекционистик чора-тадбирларни амалга ошириш тамойили мавжудлигини қайд этиб ўтиш керак. Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, алоҳида олинган бир мамлакатда халқаро маркетингда маълум стратегияни танлаш мамлакатнинг ички иқтисодий вазияти ва жаҳон бозоридаги мавқеига, алоҳида вазиятларда эса умуман стратегия мажмуасига боғлиқ[1].

Компаниялар имижи умуман ташқи бозордаги фаолияти учун муҳим ҳисобланди. Чунки ташқи бозорда компания юқори қийматдаги савдо бренди билан янги ҳудудларни эгаллаши ва ҳар бир ҳудуд учун алоҳида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши мумкин. Жаҳон хўжалиги тизимидаги жадал ўзгаришларда савдо брендини истеъмолчилар ҳақиқий қиймат сифатида қабул қилиб, интеграциялашган маркетингнинг “калити”га айланди[2]. Янги ҳудудларда мамлакат ва компания имижини сақлаб туриш ва ушбу ҳудудда истеъмолчилар эҳтиёжларини ҳисоблаб чиқиш лозим.

Миллий компанияларни халқаро миқёсга олиб чиқиш ва хорижий бозорни ўзлаштириш ривожланаётган мамлакатлар учун мураккаб масала бўлганлиги сабабли бир қатор омиллар инобатга олинади[3]: ташқи иқтисодий фаолиятда ягона давлат сиёсати; ташқи иқтисодий фаолиятнинг ижтимоий йўналтирилганлиги; устувор ва энг истиқболли экспорт тармоқларини танлаш

[1] Спицын В.В. Формирование и совершенствование стратегий маркетинга экспортной продукции региона. // Известия ТПУ. - 2007. - №6 (311). – Б. 65-71.

[2] Shultz D.E., Kichen Ph.J. Commucating globally: An integrated marketing approach. Chicago, 2000

[3] Мингалева Ж.А., Оборина Е.Д. Разработка стратегии внешнеэкономической деятельности региона в программах структурной модернизации экономики // Вестник ПГУ. Серия: Экономика. - 2010. - №1 (4). – Б. 61-66.

ва рағбатлантириш тадбирларини ишлаб чиқиш; мамлакатнинг жаҳон иқтисодиёти билан интеграциясини кучайтириш; экспортнинг товар тузилмасини такомиллаштириш; инвестицион рискни камайтириш йўли билан хорижий инвестицияларни жалб этиш; экспортни ресурс, хом ашёга йўналтирганлигининг олдини олиш; экспортнинг хорижда кўмаклашув инфратузилмасини ривожлантириш.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қайд этиш мумкинки, ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро маркетинг сиёсатида ташқи бозорда рақобат кураши кескинлашиши, валюта курсларининг барқарор эмаслиги, самарали нарх сиёсатини аниқлашдаги қийинчиликлар, янги бозорлар учун ишлаб чиқарилувчи маҳсулотларни мослаштиришдаги муаммолар оптимал қарор қабул қилиш имконини бермайди.

Халқаро маркетингда замонавий технологиялар, айниқса ахборот коммуникациялари таъсир этувчи омиллар сирасига кириб бормоқда[1]. Ахборот коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши натижасида жаҳон иқтисодиёти янада глобаллашди. Компьютер технологиялари маркетинг соҳасида янги имкониятлар яратиб бермоқда. Янги имкониятлар туфайли корхоналар мижозга унинг қайси ҳудудда яшашидан қатъий назар жаҳон бозорида маҳсулот етказиб бериши мумкин.

Халқаро маркетингда иқтисодий макон тушунчаси мазмун жиҳатдан ўзгариб бормоқда, кўплаб компанияларда йирик ҳудудлар (масалан: Европа Иттифоқи ҳудуди) ички бозор сифатида қаралмоқда. Шунингдек ихтисослашув ҳам халқаро маркетингда янги кўринишга эга бўлмоқда[2]. Компаниялар асосий эътиборни ишлаб чиқаришга қаратиб, ёрдамчи вазифаларни бошқа компанияларга бериб юбормоқда. Замонавий технологияларнинг ривожланиши, иқтисодий макон ва ихтисослашув халқаро маркетингни ҳозирги ривожланишидаги асосий йўналиши шаклланиши, қолаверса жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг кучайишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат халқаро савдо ҳажмини ошаётганлиги, хорижий инвестициялар кўпайиши, айниқса трансмиллий компаниялар фаолиятида кўзга ташланади.

Жаҳон иқтисодиётида мамлакатларнинг ўрни йил сайин ўзгариб бориши халқаро маркетингнинг воситаларига ҳам таъсири кўрсатмоқда. Чунки жаҳон саноат ишлаб чиқаришида ривожланган мамлакатлар улуши ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг кенгайиши натижасида камайиб бормоқда. Жаҳон саноат ишлаб чиқаришида Корея Республикаси, Сингапур, Тайван, Бразилия, Малайзия, Индонезия сингари мамлакатларнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Саноат ишлаб чиқаришининг шиддат билан ривожланиши ушбу мамлакатларнинг меҳнат ресурслари малакаси кескин ошишига сабаб бўлди[3].

Шундай қилиб, халқаро маркетинг миллий иқтисодиёт тармоқлари,

[1] Neelemegham, R. and P.Chintagunta (1999) “A Bayesian Model to Forecast New Product Performance in Domestic and International Markets,” Marketing Science, 18, 115-136.
[2] Pervez Ghauri, Philip Cateora International Marketing. // Copyright, Designs and Patents Act 1988. p.54.
[3] Дайан А. Промышленный маркетинг // Академия рынка: маркетинг / Пер. с фр. - М.: Экономика, 1993. - Б. 201-282.

компанияларнинг миқдори ва ҳажми, диверсификациялашуви ва байналмиллашув даражасини акс этириб, гуруҳларда ўз хусусиятларини намоён этади. Таъкидлаш керакки, халқаро маркетингни тартибга солиш воситаларининг турлари доимий равишда кенгайиши жаҳон хўжалиги тизими глобаллашуви ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг янги йўналишларини пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги нутқида мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга ошириш ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ҳамда мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган асосий устувор вазифаларни қайд этиб: "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижий давлатлар бозорларига экспорт қилишга ҳар жиҳатдан амалий кўмаклашиш ҳақида гап бормоқда"[1], - деб таъкидлади. Бунда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи дунё билан интеграциясини кучайтириш, миллий брендни хорижий истеъмолчилар орасида тобора кенгайтириш долзарб вазифа эканлигига алоҳида эътибор талаб этади. Шу жиҳатдан, корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳамда маркетинг сиёсатини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳоннинг турли мамлакатлари маҳсулот учун харидор топиш, харидорнинг дидини тўғри аниқлаш, бозорда ўз улушини оширишда турли-туман усуллардан фойдаланиш турли турдош компаниялар билан рақобат курашида муҳим ва ҳал қилувчи ўрин тутади[2].

Корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятда фаол иштирок этишига қуйидагилар туртки бўлади: корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ва рақобатбардошлигини ошириш; экспорт ҳисобига шаклланган молиявий ресурсларни ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва замонавий технологиялар учун йўналтириш.

Корхоналар хориж бозорларида ўз ўрнини топишида халқаро маркетинг усулларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиб, жиддий маркетинг ишларини бошлашга туртки вазифасини бажариши мумкин. Халқаро маркетинг кўпинча мамлакатлар чегарасидан ташқаридаги товар ва хизматлар маркетинги ёки маҳсулот ва хизматларни икки ёки ундан ортиқ мамлакатда ишлаб чиқарувчи ва тақсимловчи халқаро компания томонидан амалга оширилувчи маркетинг сифатида таърифланади[3]. Ташқи бозорга чиқишнинг асосий шакллари экспорт, тўғридан-тўғри инвестиция қилиш, қўшма корхона тузиш, франчайзинг, лицензия бериш, филиаллар очиш ва ҳоказолардан иборат.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги нутқи. http://prezident.uz/uz/lists/view/1423.
[2] Котлер Ф. и др. Основы маркетинга. Пер. с англ. – М.:Издательский дом «Вильямс», 2009. – 832 с.
[3] Дайян А. и др. Академия рынка. Маркетинг. — М.: Экономика, 1993.

Корхоналарни хорижда халқаро маркетинг фаолияти билан шуғулланишининг қуйидаги ўзига хос томонларини кўрсатиб ўтиш мумкин: маҳсулотлар сотуви учун янги бозор сегментларини кенгайтириш; хом ашё ресурсларини харид қилиш ва таъминот манбаларини диверсификациялаш.

Хорижда маҳсулот сотиш учун корхонада товар ва хизматлар халқаро бозорини ўрганиш, халқаро рақобатни енгиб ўтишда маркетингни оқилона ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал эиш талаб қилинади.

Маълумки, корхоналарнинг халқаро бозордаги фаолияти мамлакатнинг ташқи савдо сиёсати ёрдамида тартибга солинади. Бунда эркин савдо стратегияси тамойилларига таяниш муҳим ҳисобланади. Ҳар қандай кичик корхона ҳам ўз маҳсулотлари билан ташқи бозорга мустақил равишда чиқа олмайди. Чунки бунинг учун кўплаб сарф-харажатлар керак бўлади, хорижий мамлакатлар бозорининг ҳолати ва қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида етарлича ахборот ва билимларга эга бўлиш талаб этилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятда халқаро маркетингдан фойдаланишнинг ўрни ва ролини белгилашда ўзга мамлакатдаги савдо-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий муҳит, товар ва хизматлар бозорини ўрганиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш талаби мавжуд. Республикамизда халқаро маркетинг усулларидан кенг фойдаланган ҳолда ташқи бозорга чиқиш имкониятлари учун етарлича шарт-шароитлар яратиш билан бирга ўзига хос муаммолари ҳам мавжуд, бу асосан кичик корхоналарнинг ташқи бозорга чиқиши билан боғлиқ қийинчиликлардан иборат.

Ташқи бозорга чиқувчи қўшма корхоналаримизда хорижий таъсисчи компаниянинг тажрибаси ва ташқи бозордаги тақсимот каналларидан фойдаланилади, бу эса ўз навбатида, уларнинг хорижий таъсисчига боғлиқлик даражасининг ошишига олиб келади.

Халқаро маркетинг соҳасида турли хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда бу муаммоларни бартараф этиш, илмий тадқиқот марказлари, миллий корхоналар билан ҳамкорликда ташқи бозорда маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, маркетинг стратегиясини шакллантириш, хорижий ҳамкорлар билан алоқа ўрнатиш, хорижий мамлакатларнинг тизимлаштирилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар базасини яратиш, бозор сегментлари ва конъюнктурасини таҳлил ва прогноз қилиш зарур.

Товар ва хизматларнинг мамлакатлар бўйлаб кўчиб юриши билан боғлиқ ушбу мураккаб жараён - халқаро маркетинг заруратини юзага келтиради. Халқаро маркетинг давлатларнинг ташқи бозор конъюнктураси асосида миллий ишлаб чиқаришни шакллантириш, мамлакатлар ихтисослашуви ва турли компанияларнинг ташқи иқтисодий, савдо фаолиятини ташкил этиши, бошқарув ва назоратнинг марказлашуви билан тавсифланади[1]. Чунки жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви мамлакатлар ва турли минтақавий тузилмаларнинг халқаро ихтисослашувини кучайтиради ҳамда ўзаро товар ва хизматлар айирбошлаш ривожланишига хизмат қилади.

[1] Лясников Н.В., Лясникова Ю.В. Международная маркетинговая деятельность многонациональных компаний в условиях нестабильности // МИР (Модернизация. Инновации. Развитие). 2016. Т. 7. № 4. С. 161–166.

Ушбу ҳолат товар ва хизматларнинг ташқи бозорда силжишида (промоушэн) барча омиллар ва хўжалик алоқаларининг турли шаклларини ҳисобга олишни талаб этади.

Халқаро маркетингнинг ушбу жиҳати германиялик маркетологлар таърифига мос келади. Чунки миллий компанияларнинг турли мамлакатлар ишбилармонлик фаоллиги ва маркетинг қарорлари халқаро концепция таъсирида қабул қилинади[1]. Бироқ франциялик маркетологлар миллий компаниянинг хорижий бозорни эгаллаши ва кейинчалик етарли миқдорда мижозларни сақлаб туриш тадбирлари мажмуаси тизими сифатида қарайдилар[2].

Халқаро компаниялар ташқи бозорда товар ва хизматларни муваффақиятли силжитиш халқаро маркетинг имкониятлари – замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда товар сотиш ва хизмат кўрсатиш тизими, жаҳоннинг товар бозорлари конъюнктураси ҳамда истеъмолчилар талаб ва эҳтиёжлари тадқиқотларидан самарали фойдаланишдан иборат бўлиб, халқаро компанияларнинг миллий компаниялардан фарқи шундаки, унинг товарлари оралиқ ёки тайёр ҳолда бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб юради[3].

Шу билан бирга хулоса қиладиган бўлсак, ташқи бозорга товар чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун халқаро маркетинг муҳити белгиларини кўриб ўтиш керак. Муҳитнинг муҳим белгилари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва унинг натижасида ташқи савдо айланмалари ва инвестициялар кўчиб юриши кескин кучайиши;

турли халқларнинг талаб ва истеъмол шартларининг унификациялашуви, товар ва хизматларнинг сифат кўрсаткичларига эҳтиёж ортиши;

жаҳон бозорларида рақобатнинг кучайиши. Бундан келиб чиқадики, ташқи бозор сегментидан ўрин эгаллаш учун халқаро маркетинг муҳитини инобатга олиш керак.

Умуман, акциядорлик жамиятларининг ташқи фаолиятида халқаро маркетинг муҳитини тадқиқ этиш ташқи савдо ва ташқи иқтисодий ҳамкорлик тизими, ижтимоий-иқтисодий муҳит, сиёсий ҳолат, жаҳон товар бозорлари конъюнктураси, товар ва хизматлар нархи шаклланиши, халқаро маркетингни юритиш билан боғлиқ масалаларни қамраб олади. Бу борада мамлакат ёки компания ташқи бозорда фаолият юритиши муваффақиятини таъминлашда халқаро маркетингни биринчидан, товар ва хизматлар савдосини кенгайтириш, иккинчидан, моддий ва номоддий ресурсларни харид қилиш, учинчидан, барқарор ишлаб чиқариш учун хом ашё ва эҳтиёт қисмларнинг кафолатли таъминотига эришишга қаратиш зарур.

[1] Berekoven Ludwig, “Internationales Marketing”, Berlin, 1985.
[2] Dayan Armand “Le marketing”, “Presses Universitaires de France”, 1986.
[3] Дэниелс Дж., Радеба Ли “Международный бизнес: внешняя среда и деловые операции”. - М., 1994.

Ҳамидов Ҳ.Х. *– ТДИУ, мустақил изланувчи*

ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИ ВА ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

“Ташаббусли бюджет” ни жорий қилиниши ва ривожланиш тенденциялари. Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилгач, ижтимоий йўналтирилган, бозор иқтсодиётига асосланган, очиқ демократик давлат барпо этишни мақсад қилиб қўйди. “Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтсодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир”

Фукароларнинг турли шаклдаги бюджет карорларини кабул килиш жараёнида иштирок этиши демократик бошкарув шаклларига эга бўлган кўплаб мамлакатларда деярли 20 - асрнинг ўрталаридан бери амалда бўлган. Бироқ 80-йилларда бу амалиёт фаол равишда “технологиклаштирилди”, яни кўпгина давлатлар, маҳаллий ривожланиш билан боғлиқ қарорларни кабул килишда ва ушбу қарорларни тўғридан-тўғри амалга оширишда жамоатчиликнинг иштирокига асосланган турли ҳил инновацион лойихалар ва дастурларни ишлаб чикиш ҳамда амалга оширишни бошладилар (масалан, Community Driven Development (CDD)- махаллий жамиятни ривожлантириш лойихалари, Social Investment Fund (БЕИ-ижтимоий инвестиция фондлари ва бошкалар).

Бугунги кунда ушбу амалиётни Fарбий ва Шарқий Европадаги 20 дан ортик давлатлар, Лотин Америкаси, АКШ, Хитой, Жанубий Корея ва бошка кўплаб давлатлар муваффакиятли қўллаб келмокда.

Шу боисдан ҳам, республикамизда давлат молиясини бошкариш тизимини янада такомиллаштириш доирасида бюджет жараёнида фукароларнинг иштирокига асосланган бюджетлаштиришнинг замонавий усулларини кенг жорий этиш устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Бугунги ўзгаришлар ш ва ислоҳотлар шароитида ташаббусли бюджетлаштиришнинг назарий ва амалий жихатларини ҳар томонлама ўрганиш ва тадбиқ этиш долзарб масалалардан хисобланади.

“Ташаббусли бюджет” жараёнлари бу - аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва фуқароларни қийнаб келаётган ижтимоий-иқтисодий муаммо ва камчиликларни ҳал этилиши бўйича олиб бориладиган ишлар, жумладан жойларда инфратузилмаларни яхшилаш ҳамда тизимли муаммога айланиб қолган камчиликларни ҳал этишда давлат бюджетидан ажратиладаиган маблағлар, маҳаллаий бюджетлар доирасида ажратилган маблағларни аҳоли учун бугунги кунда энг зарур деб топилган йўналишларда оқилона ўзлаштирилишида фуқароларнинг фаол иштирок этишидир.

“Қонунлар” асарида Платон бир қизиқ лойиҳани тавсия этади унда давлат таъминотида бўлган, яъни юқори тоифали “фуқаро-ларнинг” моддий

таъминоти тўғрисидаги олдин илгари сурилган ғоялар ривожлантирилган. Бу эрда файласуф тенглик тамойилида жамият тузилишининг айрим ижтимоий-иқтисодий унсурларнинг тавсифини бошқалардан олдин кўра билган. Хусусан, барча фуқаролар, Платон фикрича, идеал давлатда (қуръа бўйича) уй-жой, ер олиш-лари мумкин. Бунинг устига эр фақат унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи билан (яъни тўла бўлмаган мулк ҳуқуқи) берилган бўлса ҳам, уни олган киши кейинчалик болаларининг бирига айнан шу шарт билан мерос қолдириш имкониятига эга бўлган. Фуқаролар умумий мулкининг қиммати тўрт мартадан кўп фарқ қилмаслиги керак бўлган.

Юртимизда фуқаролик жамиятининг давлат бюджети харажатларига бевосита аралашуви ва бу жараёнда фуқароларнинг тўғридан тўғри иштирок этиши айнан “Фуқаролар иштирокидаги ташаббусли бюджетлаштириш” тизими ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларнинг “Ташаббусли бюджет” жараёнларининг ривожлантириш дастурларига назар соладиган бўлсак иккита амалиёт жорий этилганини кўришимиз мумкин бунда:

1 - Бирликда моляилаштириш; (бюджет маблағлари билан бир қаторда ташаббускор фуқароларнинг ўз маблағларини жалб қилиш)

2 - Соҳалар кесимида лоийҳалаштириш методи.

Бирликда молиялаштириш - фуқаролар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар томонидан ихтиёрий равишда маҳаллий бюджетга ўтказиб бериладиган беғараз маблағлар ва ушбу маблағлар эса Бюджет кодексига мувофиқ аниқ ташаббусли лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтириладиган маблағлар ҳисобланади.

1-жадвал

Порто Аллегри шаҳридаги ПБ ташкил қилиш даражаси

Номланиши	Даражаси	Иштирокчилар таркиби	Вазифалари
Ассамблея	Кичик туман (микрорайон)	Барча аҳоли	Муҳим мунозара Делегацияни танлаш Мониторинг натижалари
Форум	Округ (туман) Шаҳар (мавзули форум)	Делегатлар	Устуворликларни танлаш Шаҳар муассасалари билан музокаралар Лойиҳани амалга ошириш мониторинги
Маслаҳат	Шаҳар	Делегатлар Маъмурият вакиллари	Жорий ва келгуси йилда инвестицияларни тақсимлаш қоидаларини аниқлаш Бюджет лойиҳасини келишиш ва мэрга топшириш

“Ташаббусли бюджет” тизимини юртимизда ташкил этишда бир қатор ривожланган давлатлар хусусан: Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Бразилия ва Украина Республикаси каби давлатлар тажрибаси тўлиқ ўрганиб чиқилди, ўрганишлар натижасида ҳар бир давлатда мазкур

тизимни амалга ошириш механизми ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлари ўрганиб чиқилган ҳолда ушбу механизмни кенг жамоатчиликка тадбиқ қилинишига эришилди.

Порто Аллегри шахрида партисипатор бюджетлаштириш амалиётига ҳар йили ўртача 70 миллион доллар ажратилади, бу шаҳар бюджетининг қарийб 20 фоизини ташкил этади. *Амалга ошириш тарихи.* ПБ Бразилиянинг Порто Аллегри шаҳрида 1989 йилда ишга туширилган биринчи ва классик амалиёт ҳисобланади.

Соҳалар кесимида лоийҳалаштириш методи эса энг катта ижтимоий муаммоларни лойиҳалаштирган ҳолда овозга қўйиш методи ҳисобланади, ҳар иккла амалиёт ҳам фуқаролик жамиятининг бюджет маблағларини сарфланишида иштирок этишига қаратилган бўлиб бу жараёнларни келгусида натижадорлигини ва самарадорлигини чуқур ўрганганиш талаб этилади.



1 – расм. Порто Аллегри шаҳрида ПБ цикли

Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган очиқлик сиёсати натижаси ўлароқ барча соҳаларда очиқлик ва ошкоралик принципларига асослган ҳолда ушбу йўналишда олиб бориладиган барча ишларни ташкил этиш тизими қонун доирасида йўлга қўйилган.

“Бюджет жараёнида фуқаролар иштироки механизмини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари”Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган очиқлик сиёсати натижаси ўлароқ барча соҳаларда очиқлик ва ошкоралик принципларига асослган ҳолда ишларни ташкил этиш тизими қонун доирасида йўлга қўйилган.

Кўпгина Лотин Америкаси мамлакатларида “Ташаббусли бюджет” жараёнлари қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйишдан ташқари миллий конституция нормалари билан тартибга солинган: *"фуқароларнинг муниципал*

даражадаги бюджетларни тайёрлашда ва муниципал инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи"

Шунингдек, “Ташаббусли бюджет” жараёнларда фуқароларни кенгроқ жалб қилиш ва танлов имкониятини ошириш мақсадида овоз бериш жараёнида ҳар бир фуқарога ҳар бир йўналиш бўйича биттадан овоз бериш имкониятини тақдим этилса, бунда фуқаро соҳалар кесимидаги тегишли таклфиларга бир вақтнинг ўзида биттадан овозимкониятига эга бўлади, хўш таклиф этилаётган механизмлар бизга нима беради?:

- аввало шаффофликни янада оширади;
- бир таклифнинг сунний равишда овозлари оширилишига барҳам беради;
- бир вақтнинг ўзида бир фуқаронинг бир неча муаммолари бартараф этилишига сабаб бўлади;
- фуқароларнинг бирча ижтимоий муаммоларга бўлган қизиқишини ва шу билан бирга масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Юқорида келтирилган мисолларга қўшимча тарзда “Ташаббусли бюджет” жараёнида ҳам жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларни қўшимча қилишимиз мумкин. Бу эса фуқаролар томонидан “тўланган солиқлар” қонунчиликда белгиланган тартибда сарфланишигасабаб бўлиб, турли ҳил қонунбузилиш ҳолатларини айнан жамоатчиликни назорати ўрнатилиши хисобига олидини олишиа эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли Қарори

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги ““Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5250-сонли Қарори

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3917-сон Қарори

4.Dias, N. et al (2019). Participatory Budgeting World ATLAS 2019. Cascais: Oficina. https://www.cascais.pt/anexo/participatory-budgeting-world-atlas-2019

5.IBP (2000). A Taste of Success: Examples of the Budget Work of NGOs. By Rocio Campos and Isaac Shapiro. International Budget Partnership, https://www.internationalbudget. org/publications/a-taste-of-success-examples-of-the-budget-work-of-ngos

6. Milan - Participatory Budgeting. Collaborative Cities. https://bilanciopartecipativo. comune.milano.it/

Хасанов С. *– ОБМ тингловчиси*

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Жаҳон иқтисодиётида интеграциялашувнинг кучайиб бориши мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларда жуда катта яқинликни келтириб чиқармоқда. Бу мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш билан бирга янги соҳаларда алоқалар ўрнатишни талаб қилмоқдаки, шу боисдан, ташқи савдо жараёнларини ривожлантиришда эконометрик ва статистик таҳлиллар ўтказиш зарурияти ортиб бормоқда.

“Энди ҳар бир топшириқнинг ижро этилгани қоғозга қараб эмас, эришилган пировард натижага қараб баҳоланади. Шу боис, барча даражадаги ижро органларида интизомни кучайтириш, белгиланган вазифа ва топшириқлар натижадорлигини танқидий таҳлил қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш зарур... Ижро ҳокимияти идоралари қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан ижтимоий сўровлар ўтказиш орқали ва бошқа шаклларда кенг жамоатчилик фикрини мунтазам равишда ўрганиб бориши керак”[1].

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида ташқи савдо жараёнлари муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси берган маълумотларга кўра, 2020 йилда ЯИМга нисбатан умумий экспорт ҳажми 24,3% ни ва импорт ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 37,7%ни ташкил қилган. Шу боисдан, Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий-ижтимоий устуворликларни белгилашда ташқи савдони ривожлантириш муҳим ҳисобланади.


Шунингдек, Ўзбекистоннинг географик жойлашуви уни “double landlocked” давлат эканлигидан далолат бериши ҳам ташқи савдода олдимизда турган жуда катта муаммоларни бартараф этишимиз зарур эканлигини кўрсатиб беради.

Охирги 7 йиллик мобайнида ташқи савдога таъсир қилувчи асосий омиллардан бири сифатида қараладиган хорижий валюта бўйича олиб борилган ислоҳотлар натижасида эркин конвертациялашув тизими “юмшатилиши” натижасида, асосий иқтисодий ҳамкор мамлакатлар билан иқтисодий интеграция даражасининг ошиши ташқи савдо фаолиятини мамлакатимизда кенг ривожланишига шароит яратиб беряпти. Бу борада ташқи савдога алоқадор соҳаларда ҳам олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон ташқи савдо иштирокчиларининг фаолиятидаги айрим тўсиқларнинг юмшатилиши ёки умуман олиб ташланишини

[1] Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 21 январдари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги сўзлаган нутқидан.


кузатишимиз мумкин.

1-расм. 2000-2021 йилларда Ўзбекистоннинг товар ва хизматлар экспорти ва импорти, минг АҚШ долл.да[1]



Юқоридаги 1-расмда келтирилган маълумотлардан 2016 йилгача бўлган даврда мамлакат экспорт ҳажми импортдан юқори даража бўлганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

2017 йилдан бошлаб эса импорт ҳажмининг ўсиши жадаллашганлагини кўришимиз мумкин бўлади. Пандемия даврида икки кўрсаткич ҳам пасайган




2-расм. Ўзбекистон Республикасида экспорт ва импорт ҳажми ўсиш суръатлари, фоизда

Экспорт-импорт кўрсаткичлари ўтган йилга нисбатан фоизларда ўсиш суръатини таҳлили ташқи савдо бўйича янада аниқроқ фикрга эга бўлишимизга ёрдам беради. (2-расм)

[1] Жумаев А.М., Юлдашев Э.И. Ўзбекистон ташқи савдосининг ARDL модели ёрдамида эконометрик таҳлили. “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2022 йил, 2-сон.

2-расмдан ҳам юқоридаги фикрларимизни тасдиғини кўришимиз [1]мумкин бўлади. Импорт ҳажмини ортишига асосан хорижий валюта бўйича олиб борилган ислоҳотларни асосий омил сифатида келтиришимиз мумкин. Фикримизча, бу кўрсаткичларга асосан экспорт таркибини ўзгаришлари таъсир қилган.



3-расм. Ўзбекистон Рес. экспорт таркиби ўзгаришининг динамикаси, минг АҚШ долл.да[2]

Қуйидаги 3-расм маълумотларидан экспорт таркибида йиллар давомида юз берган ўзгаришлар тенденциясини кўришимиз мумкин.


Юқорида келтирилган 3 ва 4 расмларда Ўзбекистонда экспорт таркибининг ўзгариши мос равишда динамикаси минг АҚШ долларида ҳамда жамига нисбатан фоизда берилган. 3-расмда экспорт таркиби 2000-2021 йиллар давомида доимий равишда ошиб борган. Эътиборлиси, йиллар давомида Ўзбекисонда озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт бошқа экспорт турларига нисбатан сезиларли даражада ошган. 4-расмдан ҳам кўришимз мумкинки, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти қарийб 10 % гача ошган.

Экспорт ортиши асосан импортни ортиши билан изоҳланади. Шу сабабли импорт кўрсаткичларидаги йиллар давомидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш зарур. Қуйидаги 5-расмда импорт ҳажми ва таркибий ўзгаришлари

[1] Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.
[2] Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

келтирилган.


4-расм. Ўзбекистон Республикаси экспорти таркиби ўзгаришининг динамикаси, жамига нисбатан фоизда[1]



5-расмларда Ўзбекистон Республикасида импорт таркибий ўзгаришлари берилган бўлиб, унинг таркибида барча товарлар деярли бир хил суръатларда ошиб борган.

Дунё мамлакатлари ўртасидаги ташқи савдо алоқалар ҳажмини эконометрик таҳлил қилишда, энг аввало, расмий статистик маълумотлардан фойдаланишимиз, эконометрик моделларни тўғри танлашимиз ва уларни статистик жиҳатдан аҳамиятлилик даражасини баҳолашимиз зарур.

5-расм. Ўзбекистон Республикасида импорт таркиби ўзгариши, минг АҚШ долл.да[2]



Юқоридаги экспорт ва импорт ҳажми ва таркиби динамикасини ҳисобга олган ҳолда, 1997-2020 йилларда экспорт ҳажми динамикасига, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, импорт ҳажми ҳамда қишлоқ хўжалиги ва

[1] Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.
[2] Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

саноатда яратилган қўшилган қийматлар динамикасининг таъсирни авторегрессив тақсимланган ADL-модели ёрдамида ўрганамиз.

Авторегрессив тақсимланган ADL-модели (ARDL) ўнлаб йиллар давомида вақтли қаторлар тизимида иқтисодий ўзгарувчилар ўртасидаги боғланишларни бир тенглама орқали моделлаштиришда ишлатилган бўлиб, стационар бўлмаган ўзгарувчиларнинг коинтеграцияси хатоларни тузатиш жараёнига (EC-“error-correction”) тенг ва ARDL модели EC орқали қайта параметрлашга эга ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги ЎРҚ-707-сонли Қонуни.
2. Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 21 январдари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги сўзлаган нутқидан.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. ПФ-4947-сон, 2017 йил 7 февраль. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.
4. Жумаев А.М., Юлдашев Э.И. Ўзбекистон ташқи савдосининг ARDL модели ёрдамида эконометрик таҳлили. “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2022 йил, 2-сон.

Эргашев С.А. *- ОБМ тингловчиси*

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШНИ БОШҚАРИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Акциядорлик тижорат банклардаги кредит портфелини мониторинг қилишни бошқариш воситаларидан бири бу уни оптималлаштиришдир ва ткомиллаштиришдир. Тижорат банкларининг бизнес жараёнларини бошқариш масалалари компанияда кескин кўтарилади, унинг ривожланишининг маълум бир босқичида бўлинмалар, менежерлар, ходимларнинг ўзаро муносабатларидаги муваффақиятизликлар мунтазам равишда бошланади ва шу билан бирга ташкилотнинг ўз самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Носозликлар нафақат маълумотларнинг йўқолиши, функцияларнинг такрорланиши, ортиқча харажатлар ва бошқа салбий оқибатлар, балки тижорат банкларда хизматлар кўрсатиш ва маҳсулотларининг сифатини йўқотиш ва шунинг учун истеъмолчиларнинг содиқлигини йўқотиш билан бирга келади. Банк фаолиятини батафсил ўрганмасдан ушбу муаммоларнинг сабабларини аниқлаш мумкин эмас.

Менежмент фанида банклар фаолиятини бошқаришнинг асосини тавсифлаш, тартибга солиш ва оптималлаштириш бўйича ишлар ташкил

этади. Шу билан бирга, кредит портфелини мониторинг қилиш бошқармаси билан боғлиқ лойиҳалар тижорат банкларидаги ролига қараб ҳар хил бўлган кенг доирадаги ходимларнинг манфаатларига таъсир қилишини таъкидлаш муҳимдир. Бошқарувнинг энг юқори даражаси шаффофлик, бошқарув таъсирининг кафолати ва бошқарувдан манфаатдорликдир. Ўрта даражада ўз фаолиятининг аниқ чегаралари ва улар учун жавобгар бўлган натижаларга эга бўлишдан манфаатдор. Ижрочилар ўз ишларининг аниқ ва тушунарли қоидаларига эга бўлишни хоҳлашади[1].

Акциядорлик тижорат банки фаолиятини ҳақиқий такомиллаштириш учун ижрочилар ва уларнинг ҳаракатлари даражасини таҳлил қилиш ва оптималлаштиришга эришиш керак бўлади. Тижорат банкининг кредит портфелини мониторингини бошқаришда биринчи қадам уларни тавсифлаш, моделлаштириш ва тартибга солишдир.

Тавсиф асосий элемент ҳисобланади, чунки таҳлил учун асос мавжуд бизнес жараёнидир. Шундай қилиб, таҳлил қилинаётган бизнес жараёнининг схемасини (моделини) "худди шундай"олиш керак. Шу билан бирга, ижрочилар даражасида мавжуд жараённи иложи борича аниқроқ тасвирлаш жуда муҳимдир, бу унинг "қийинчиликларини" аниқроқ таҳлил қилишга имкон беради. Бироқ, фақат таҳлилни қўллаш орқали фаолиятни яхшилаш ва бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш мумкин эмас, шунинг учун кейинги қадам самарали режалаштирилган "қандай бўлиши керак" моделини яратишдир. Яъни, дастлабки бизнес жараёнида таҳлил пайтида аниқланган "тўсиқлар" дан қочишга имкон берадиган ва энг муҳими, унинг бошқа хусусиятларини ёки пастки жараёнларини сезиларли даражада ёмонлаштирмайдиган модел бўлиб хисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, оптималлаштириш эчимлари аниқ эмас, шунинг учун битта параметрнинг яхшиланиши бошқа параметрларнинг ёмонлашишига олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, оптималлаштириш - бу оптималлаштириш пайтида мавжуд бўлган имкониятлар, хусусиятлар ва чекловларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу аниқ ҳолатда энг катта таъсир кўрсатадиган эчимларни излаш деган хулосага келишимиз мумкин. Шу билан бирга, бошқа банкларнинг тўпланган тажрибасини таҳлил қилиш мухим бўлиб хисобланади[2].

Демак, "қандай бўлиши керак" моделларини олиш керак, шу билан бирга кредит портфелини мониторинг қилиш жараёнларининг максимал сонини қамраб олиш зарур, чунки тижорат банкининг барча бошқарув ва мониторинг бўлимларини такомиллаштириш самарадорлиги бевосита бунга боғлиқ бўлади. Бироқ, моделларнинг ўзи кредит портфелини мониторинг қилиш самарадорлигини оширишга қодир эмас. Аслида, янги моделлар ходимларнинг иш қоидаларини ўзгартиради ва тартибга солиш ёрдамида ушбу қоидаларни ходимларга иложи борича самарали етказиш керак. Шундай

[1] Воронин В.В. Процессный подход к управлению. Моделирование бизнес-процессов / В.В Воронин. – М.: РИА «Стандарты и качество», 2018. – 421 с.

[2] Bertolini M. Business process re-engineering in healthcare management: a case study /M. Bertolini // Business Process Management Journal.
– 2011. – Т. 17. – №. 1. – Р. 42–66.

қилиб, қоидалар ва уларни амалга оширишнинг янги қоидалари асосида амалга ошириш тижорат банкининг кредит портфелини мониторинг қилиш бошқармаси томонидан оптималлаштириш лойиҳасининг муҳим натижасидир[1].

Ушбу масала бўйича биринчи муҳим омил тижорат банки жойлашган ривожланиш босқичидир. Таъкидлаш жоизки, асосий рақобатбардош устунлиги мослашувчанлик ва самарадорлик бўлган кичик кредит портфели туфайли қаттиқ бўлмаган фаолият жараёнларига эга бўлган кичик банк, кредит портфелининг мониторингини бошқаришни такомиллаштириш бўйича лойиҳалар нафақат унинг фаолияти самарадорлигини оширишга олиб келиши мумкин, балки исталмаган ва эҳтимол ҳалокатли оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин. Бу, **биринчи** навбатда, жараёнлар ва тартибга солишнинг қатъий схемалари туфайли унинг юқоридаги рақобатдош устунликларини бостириш билан боғлиқ. Бироқ, кредит портфели ўсиши билан, марказлаштирилган бошқарув тизимини шакллантириш ва кредит портфелини кузатишда аниқ жараёнларни шакллантириш билан уларни бошқариш зарурати пайдо бўлади.

Иккинчи муҳим нуқта шундаки, фақат шаклланган ва доимий равишда такрорланадиган бизнес жараёнлари тавсиф ва тартибга солиниши керак. Агар жараёнларнинг ўзгарувчанлиги юқори бўлса, унда бошқа ёндашувларни қўллаш мантиқан тўғри келади, масалан, жараёнларни моделлаштириш, уларни синовдан ўтказиш ва энг мақбулини танлаш.

Учинчи жиҳат-тижорат банки фаолиятининг табиати, бизнес жараёнларини тавсифлаш ва тартибга солиш орқали бошқариш ҳар бир тижорат банки учун самарали эмас. Масалан, агар банкнинг асосий жойи, аслида, лойиҳани молиялаштириш бўлса (қурилиш корхоналари, буюртма асосида ишлаб чиқаришга ихтисослашган ишлаб чиқарувчилар ва бошқалар) — бизнес жараёнлари орқали кредит портфелини бундай фаолият билан мониторингини бошқариш самарасиз бўлса, бу амалда бир неча бор исботланган. Лойиҳа фаолияти унинг режаси, бюджети, асослари, муддатлари ва бошқалар билан белгиланади, аммо бизнес-жараёнларнинг қоидалари билан эмас ва бу эрда мутлақо бошқа бошқарув воситалари керак[2] бўлади.

Ушбу фарқларни кўрсатиш учун фаолиятни иккита энг оддий омил нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мумкин: "фаолиятнинг соддалиги" ва "фаолиятнинг такрорланиши". Таҳлил асосида биз корхоналар фаолияти ҳетерожен яъни мураккаб деган хулосага келишимиз мумкин. Шундай қилиб, фаолият турига қараб, турли хил бошқарув технологияларидан фойдаланиш керак.

Юқорида таъкидланганидек:

– Вазифа - агар бу қисқа вақт ичида битта ижрочининг бир марта бажарилган иши бўлса (яъни ҳар бир янги топшириқ битта ходим томонидан, ҳар сафар янги ёки ўзгарувчан қоидаларга мувофиқ амалга оширилади);

[1] Кондратьев В. / Показываем бизнес-процессы / В. Кондратьев, М. Кузнецов. – М.: – Litres, 2017. – 351 с.
[2] Харрингтон Д.Оптимизация бизнес-процессов: Документирование, анализ, управление, оптимизация / Д. Харрингтон, К.С. Эсселинг, Х. Нимвеген. М.: – СПб.: Азбука БМикро. – 2019. – 329 с.

– Функция - агар бу битта ижрочининг мунтазам иши бўлса, у ўзи билган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади (яъни ҳар бир янги вазифа битта ходим томонидан амалга оширилади, лекин ҳар доим унга маълум бўлган белгиланган, такрорланадиган қоидаларга мувофиқ);

– Лойиҳа - агар бу узоқ вақт давомида кўплаб ижрочиларнинг бир марта бажарилган иши бўлса (яъни ҳар бир янги вазифа кўплаб ходимлар томонидан амалга оширилади, ҳар сафар янги тузилган қоидалар ва алгоритмларга мувофиқ);

– Жараён - бу кўплаб ижрочиларнинг аниқ белгиланган қоидалар ва алгоритмларга мувофиқ мунтазам равишда бажариладиган иши[1].

Буларнинг барчасидан келиб чиқадики, лойиҳа фаолияти ёки вазифалари устун бўлган тижорат банки учун бизнес жараёнларини бошқариш тизимига асосий эътибор қаратиш мантиқий эмас. Чунки бу ҳолда жараён тизими тижорат банкида деярли мавжуд бўлмаган нарсаларни бошқаради. Аксинча, "жараён" банкида лойиҳаларни бошқариш тизимларини жорий этиш бефойда: бу харажатларнинг ошишига олиб келади ва фаолиятга янада кўпроқ муаммолар ва қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Бизнес-жараёнларни тавсифлаш ва оптималлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапирганда, тижорат банкида кредит портфелини мониторинг қилиш бўйича бизнес жараёнини ажратиш масаласига тўхталиб бўлмайди. Умуман олганда, бизнес жараёнини ажратишнинг ўзи биз юқорида айтиб ўтган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган бўлиши керак. Жараён ҳар доим бутун тижорат банки учун ўлчанадиган ва мазмунли натижага олиб келиши керак.

Шу билан бирга, кредит портфелини мониторинг қилишнинг инновацион усулини амалга ошириш босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Жараённи "худди шундай"моделлаштириш.

2. Жараённи моделлаштириш "қандай бўлиши керак".

3. "Кредит портфелини мониторинг қилиш"бизнес-жараёнида жараён қоидаларини ишлаб чиқиш.

4. Ушбу жараёнда ходимлари иштирок этадиган менежерлар томонидан ўзгаришларни амалга ошириш.

Шундай қилиб, акциядорлик тижорат банкларида "кредит портфелини мониторинг қилиш" бизнес жараёни ўз тузилиши ва типологиясига эга ва умуман ҳар қандай тижорат банки фаолиятининг муҳим элементи деган хулосага келишимиз мумкин. Кредит портфелининг мониторингини бошқариш тижорат банкининг муваффақиятли фаолиятининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Банк доимий равишда кредит портфелини самарали бошқаришга эътибор қаратиши ва уни оптималлаштириш усуллари ва имкониятларини излаши керак. Кредит портфелини кузатишга этарлича эътибор бермаслик хатарларни ошириши ва тижорат банкининг рентабеллигини пасайтириши ёки ҳатто инқироз ҳолатига келтириши мумкин.

[1] Нелис Й. Управление бизнес-процессами: Практическое руководство по успешной реализации проектов / Й. Нелис, Д. Джестон. – М. : СПб.: Символ-плюс, 2015. – 512 с.

Суюнов Д.Х. *– ОБМ, кафедра мудири и.ф.д., проф.*
Шерназаров Т.Р. *- ОБМ тингловчиси*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг мураккаб ва зиддиятли табиатини эътиборга олиб, мамлакатимизда акциядорлик жамияти акциядорлари учун корпоратив ҳамжамиятининг ҳар хил қатнашчилари билан унинг фаолиятини бошқарувчи турли органлари ўртасидаги келишувлар ва зиддиятларни ҳал этиш механизмини шакллантириш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Шу муносабат билан корпоратив хатти-ҳаракат механизмини тартибга солувчи турли кўринишдаги кодекслар, хусусан, акциядорлар манфаатларини таъминлаш масалалари, бошқарувчининг акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши олдида ҳисоб бериши масалаларини ифодаловчи қоидалар ишлаб чиқилиши зарур.

Акциядорк жамиятлари корпоратив бошқарувни ташкил этишда кузатув кенгашининг қўйидаги функциялари таъкидлаш зарур бўлар эди:

-ҳар бир жамиятда кенгаш мақсади, вазифаси, ваколати ва жавобгарлиги таърифланган ҳамда ўзига қуйидаги асосий қоидаларни олган хужжатнинг бўлиши тавсия қилинади:

-кенгашнинг ўзак ғояси – жамият ва унинг фаолияти билан ишбилармонлик ва бошқа ўзаро муносабатлардан ҳоли, мулк эгалари (акциядорлар) ва бошқа манфаатдор шахслар номидан назорат ишларини олиб борувчи шахслар гуруҳининг шаклланишидир

-кенгашнинг миссияси акциядорлар қўйган улуш қийматининг максимал ўстирилишидир. Кенгаш фаолияти асосида акциядорлар мақсадлари ва манфаатлари ётиши зарур.

-кенгашнинг вазифасига акциядорлар номидан Жамият фаолиятига раҳбарлик қилиш ва унинг олий менежерлари (Бошқарув, Бош директор) фаолиятини назорат қилиш киради.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратади[1].

Шуларндан келиб чиқиб, Корпоратив бошқарувнинг қўйидаги асосий тамойилларини жорий қилиш зурурдир:

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони2015 йил 24 апрелъ П Ф -4720

1.Корпоратив бошқарув структурасиниг самарали фаолияти асосини таъминлаш тамоийили. Бу тамойил корпоратив бошқарувнинг аосоларидан бўлган, умумиқтисодий курсатгичларга таъсир этиш даражасини, шаффоф ва самарали бозорни ривожлантиришни, бозор иштирокчилари учун яратилаётган шароитларни, адолатли ва шаффоф бозорни рағбатлантиришни, ресурсларни самарали тақсимлашни, қонун устуворлиги талабларига жавоб беришни,самарали назоратни сақлашни ва компания фаолиятида қулланилишини таъминлаши керак.

2.Самарали корпоратив бошқарувни жорий этиш асосларини яратиш тамойили. Бунда махсус қонунчиликга, шунингдек, Компаниялар ҳақидаги қонун, Қимматбаҳо қоғозлар ҳақидаги қонун ва Бухгалтерлик фаолияти тўғрисида қонунларга бўлган эҳтиёжни, Қонунни ижро этиш органлаидан, Қимматли қоғозлар ва унинг бозорини бошқарувчи органи, Вазифадор органлар, Солиққа тортувчи органлар хатокки қонунни химоя қилувчи органларнинг ҳамда акцидорларнинг амлдаги қонунчилик талабларига рия этишни таъминлашдир.

3.Акциядорлар ҳуқуқлари, акциядорларга нисбатан бир хил муносабатда бўлиш ва асосий мулкдорлар функциялари тамойили ўз навбатида барча акционерларнинг шу жумладан миноритар ва чэт эллик акциядорларнинг тенг муносабатларини таьминлаш , акция эгаларини рўйхатдан ўтказилишини, корпоратив даромадлар (дивидендлар) ва маълумот иштирок этишни таьминлаш, акциядорлар умумий йиғилишида акциядорларнинг самарали қатнашишини таъминлаш (таклиф этиш, овоз бериш, Директорлар кенргаши азоларини сайлаш ва лавозимидан озод этиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз берувчиларга “бир акция-бир овоз” формуласи асосида имкон беришни, акционерларнинг хуқуқлари бузилган холда уларни хуқуқларини тиклашни таъминлаши керак.

4.Институционал инвесторлар, фонд бозорлари ва бошқа воситачилар фаолият тартибини белгилаш тамойили. Компанияни фаолиятини капитал бозори орқали молиялаш, фақат қуйидаги ҳолатларда: Институционал инвесторлар бўлганда, брокерлар, қимматли қоғозлар депозитарийси, айирбошлаш ташкилотлари ва аудиторлар уаби итрокчилар орқали амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга, манфаатлар тўқнашуви содир бўлганда ҳамма маълумотларни ошкор қилишга мажбурдирлар, корпоратив бошқарув тўғрисидаги маьлумот институционал инвесторлар ва мижозлар учун очиқ бўлиши керак, институционал инвесторлар манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш тўғрисидаги маьлумотларни ошкор этиш керак ва турли молиявий институтларни стекхолдер сифатида тан олиш лозим бўлади.

5.Корпоратив бошқарувда манфаатдор томонларнинг ролини ҳисобга олиш тамойил. Бунда акциядорлик жамияти билан алоқадор бўлган бошқа томонларнинг манфаатлари, яъни компания ходимларининг (компаниянинг бошқарувда қатнашишлари), Кредиторлар (Банкротлик тўғрисидаги қонун), Атроф муҳит масалаларини (Томонлар жумладан

компания ишчилари ва уларнинг вакиллари директорлар кенгашига уларнинг ноаҳлоқиий ва ноқонуний ҳаракатлари юзасидан эркин ўз фикрларни билдириш имконига эга бўлишлари ва унинг натижасида камситилмаслиги лозим) синчковлик билан қараб чиқилиши керак.

6.Ахборотлар ошкоралиги ва шаффофлиги тамойили. Акциядорлик жамиятининг барча амалдаги қонунчиликда ифода этилган ахборотларини ошкор қилиш ва уларнинг шаффофлигини таъминлаш. Бу эса самарали корпоратив бошқарувнинг энг муҳим элементларидан бири бу ўз вақтида тўлиқ ва ҳаққоний маълумотларни ошкор қилиш ҳамда компания ва унинг вазифаларидаги шаффофлик даражасини кўрсатишдир. Мулк тузилмасининг шафофлиги , Молиявий маьлумтларнинг аниқлиги, ишлаб чиқариш-молиявий фаолиятнинг ва қабул қилинган қарорларнинг шафофлиги, шунинг учун ҳам, ошкор қилинаётган маълумотлар қонун доирасидан ташқаридаги масалаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Бунга қуйидаги масалаларни ошкор қилиш киради: Бошқарув органлари аъзолари ҳақидаги маълумотлар, Баланс рўйхати ва фойда ва кўлилган зарар ҳақидаги ҳисоботлар, Вазифалар ва режалаштирилган ҳаракатларга тушунтиришлар бериш, Ташқи жамиятдаги ҳиссаси, Бошқарув органлари ва уларнинг ишончли кишиларига тўланган тўловлар ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш талаб этилади. Бу эса охир оқибатда компаниянинг инветсцион жозибадорлигини янад кенгайтириши мумкин.

7.Директорлар кенгашининг жавобгарлиги тамойили. Бунда Бошқарув кенгаши азоларини танлаш, ишга тайинлаш ва уларга иш хақи белгилаш, Ижрои орган билан бирга компаниянинг узоқ муддатли корпоратив бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, корпоратив стратегияни амалга оширилшини кузатиш ва баҳолаш (иш дастури, йиллик буджет, бизнес режа ва бошқа мақсадлар) , мухим қарорларда ижрои органга тафсиялар бериш, корпоратив бошқарув самарадорлигини назорат қилиш ва муҳим ўзгартиришлар киритиш, компания менежерлари ва директорлар кенгашини акционерлар олдидаги жавобгарлигини, рахбарлар кенгаши жавобгарлигини назорат қилиш, ходимларни танлаш, мукофтолаш, назорат қилиш ва зарурат туғилганда уларни лавозимларини алмаштириш, Кенгаш азоларини номзодини курсатиш ва танлаш учун шаффоф жараённи таминлаш, бошқарув фаолиятини маниторинги, манфатлар тўқнашувини бартараф этиш, бухгалтерия ва молиявий бошқарув тизимининг холислигини таминлаш ва ахборот алмашинуви жараёнида ошкораликни таьминлаш масалаларини ўз ичига олишлиги керак.

Корпоратив бошқарувнинг асосий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-самарали таҳлил, жорий ва стратегик бошқарув механизмини яратиш ва унинг ишини таъминлаш,бошқарув қарорларни қабул қилиш ва жамият фаолияти устидан назоратни ўрнатиш;

-барча акциядорлар (шу жумладан майда ва хорижий акциядорлар)га адолатли муносабатни ҳамда барча акциядорларнинг улар хуқуқлари

бузилганда самарали ҳимоя усулларидан фойдаланиши имониятларини таъминлаш;

Акциядорлик жамиятининг акциядорлари, менежерлари, ходимлари, мижозлари, хамкорлари ва етказиб берувчилари, яъни манфаатдор шахслари. давлат ва жамият манфаатларини ўзаро мувофиқлаштириш орқали фаолият олиб боради.

Акциядорлик жамиятида бошқарув органи раҳбари ва ижро таркиби танловини шундай асосда олиб бориш керакки, бунда шахснинг малакаси ҳам, феъл - атвори ҳам унинг акциядорлик жамияти стратегик вазифаларини амалга ошириш бўйича бажарадиган иш ҳарактерига мос бўлиши лозим.

Акциядорлик жамиятининг турли тоифадаги раҳбарлари, етакчи мутахассислари ва ходимлари меҳнатини энг янги технологияларни, шунингдек, ҳисоблаш техникасини қўллаш орқали максимал даражада механизациялаш ва автоматлаштириш зарур. Бошқарувнинг олий ва ижро органлари, шунингдек, акциядорлик жамияти менежери ва ходимлари ўз вазифаларини бажаришида бир-бирини амалда такрорлашига йўл қўймаслик, айни чоғда, улар ўзаро бир-бирини алмаштира олиши даражасининг юксаклигини таъминлаш муҳимдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида акциядорлик жамиятларида хўжалик юритиш амалиётида корпоратив бошқарувнинг кенг тарқалганлиги у ёки бу мамлакатнинг очиқлик ҳамда ривожланиш даражасини тавсифловчи муҳим кўрсатгичлардан биридир.

Баъзи бир ватанимиз иқтисодчи олимлари: “Корпоратив муносабатларни амалга оширишнинг ташкилий корпорация шартлари, уларни самарали бир-бирларига таъсир қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва уларни амалга оширишда давлатнинг кафиллиги асос бўлиши мумкин[1]”, деб таъкидлашади. Жаҳонда тан олинган корпоратив бошқарув тамойиллари миллий корпоратив бошқарув маданиятининг негизи бўлиб, у давлат раҳбарифармонлари, қонунлар, ҳукумат қарорлари, тармоқ меъёрий ҳужжатлари, ташкилотнинг локал ҳужжатлари, турли шартномалар томонидан ўрнатиладиган меъёрлар, тадбиркорлик муносабатларининг хўжалик ҳамжамиятида қабул қилинган ҳулқ ва маданият меъёрларига асосланади. Худди шундай Ўзбекистонда ҳам корпоратив бошқарув тизимини амалга оширишнинг асосий тамойиллари давлат томонидан чиқарилган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар томонидан тартибга солинади. У биринчидан**,** бозор муносабатларига жалб қилинган ижтимоий гуруҳлар ва ижтимоий институтларнинг ўзаро муносабатларида мақсад муштараклигини, балансни таъминлашга еришувда муҳим омил бўлади. Иккинчидан**,** корпоратив бошқарув жараёнлари самарадорлигини оширади ва уларнинг янги сифат босқичига ўтишига олиб келади, айни пайтда капиталдан фойдаланиш даражасига миллий миқёсда ижобий таъсир кўрсатади. Учинчидан*,*

[1] Мансуров О.Б. Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқаруви. -Т.: «Молия», 2008. - 51 б.

Ўзбекистон учун корпоратив бошқарув билан боғлиқ муҳим ахборотларни ошкор қилиш тизими ҳам муҳимдир.

Тўртинчидан, корпоратив бошқарув тизими маҳаллий инвесторларни янада кўпроқ қўллаб-қувватлаш имкониятларини яратади, яъни уларнинг нафақат иқтисодий фаолият иштирокчиси, балки ижтимоий ва сиёсий ҳаёт қатнашчиси сифатидаги имкониятларини янада кучайтиради.

Бу борада профессионал ёлланма бошқарувчилар муҳим рол ўйнамоқда. Менежерлар тадбиркорлик маҳоратига, тадбиркорлик истеъдодига ега бўлиши, янги стратегик имкониятларни кўра билиши ва янгиликларга ўч бўлиши, янгиликларни тез ўзлаштириб кескин янги стратегиялар яратишлари лозим. Кузатув кенгаши қонунчилик ҳамда бошқа манфаатдор томонларга тегишли бўлган келишув талабларидан келиб чиқиб, менежерлар олдига акциядорлар фойдаси ва акциялар қийматини ошириш каби мақсадларини ва бошқа муаммоларини қўядилар.[1]

Абдуллаев А.А. *– ОБМ тингловчиси*

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

Сўнгги йилларда рақамлаштириш туфайли темир йўл компаниялари ўз йўловчиларига тақдим эта оладиган хизматлар кўламини сезиларли даражада кенгайтирдилар, хусусан: кўпроқ маълумот берувчи веб-сайтлар, брон қилиш, чипталар, жадваллар ва реал вақтда маълумот берувчи мобил иловалар, саёҳатни кейинги режалаштириш ва ахборот ва дам олиш хизматларининг бортдаги комбинацияси (кўпинча ахборот-кўнгилочар деб аталади). Резервасён ва чипталарни рақамлаштириш кўплаб афзалликларга ега. Бир томондан, йўловчилар ўзларининг смартфон ёки планшетларида електрон тарзда сақланиши мумкин бўлган саёҳат маълумотларига осонроқ киришади. Бошқа томондан, операторлар учун чипталарни тақдим етиш нархи сезиларли даражада камаяди, чунки улар ҳар бир саёҳат учун индивидуал бир марталик чипталарни ишлаб чиқаришлари шарт эмас. Бундан ташқари, темир йўл операторлари саёҳат моделларини баҳолаш учун сақланган саёҳат маълумотларидан фойдаланиши ва кейин мавжуд хизматларни ўзгартириши ёки янгиларини режалаштириши мумкин. 2014 йил охирида Швейцариянинг Судостбаҳн компанияси (СОБ) ЖастГо чипталарини сотишнинг инновацион схемасини тақдим этди. Унинг иловаси ўрнатилгандан сўнг, дастур поездга чиқиш ва тушириш вақтида йўловчиларни автоматик равишда рўйхатга олади. Саёҳатчилар маршрутни танлашлари ёки чипталарни олдиндан сотиб олишлари шарт эмас, чунки улар смартфонга фон тизими томонидан юборилган маълумотлар туфайли тушаётганда ҳақ олинади. Ушбу мисолда рақамлаштириш самолётга чиқишни тезлаштиради, саёҳат ва тарифларни

[1]Уэйн Норман, Джозеф Хит. Теория интересов, корпоративное управление и государственный менеджмент.//Экономическая политика, 2006 г.-23 с.

белгилашни соддалаштиради ва стансияларда инфратузилма харажатларини камайтиради.

Кўпгина темир йўл операторлари бортда фойдаланиш мумкин бўлган интернет мултимедиа порталларини ишга туширдилар. Австрия миллий темир йўллари (Österreichische Bundesbahnen, ÖBB) ўзларининг Раилжет поездларида маълумот-кўнгилочар хизматларни таклиф қилади. У нафақат саёҳат, реал вақт режимидаги уланишлар ва поезд тезлигини кўрсатувчи жонли хариталар, балки минтақавий, миллий ва халқаро нашрларнинг сўнгги нашрлари, журналлари, теледастурлар, классик мусиқа платформаси ва танловига кириш имкониятини ҳам ўз ичига олади. Италия миллий оператори Трениталиа ва Германия миллий оператори Деуцче Бундесбаҳн (ДБ) мос равишда Фрессе хизматларида ва ИСЕ поездларида шунга ўхшаш хизматларни таклиф қилади. 2017 йилда француз миллий компанияси Сосиéтé натионале дес чеминс де фер (СНСФ) кўплаб тезюрар пойездларда янги рақамли хизматларни қўшди. Оддий сайёҳлик хизматларидан ташқари, йўловчи ўриндиғида овқатланиш, електрон консйерж хизматлари ва геолокализация орқали аниқланган вокзалга эрта етиб келган тақдирда чипталарни автоматик ўзгартириш хизматларини тақдим етади. Ҳақиқий вақтда ҳаракатланиш маълумотлари ва поездлар жадвалини тақдим этишдан ташқари, испаниялик Адиф мобил иловаси станциялар ва харид қилиш жойлари ҳақида маълумот ва поездлар ҳақида огоҳлантиришларга обуна бўлиш имкониятини тақдим етади. Поездларда ушбу хизматлардан фойдаланиш учун уланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада баъзи мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун, масалан, заиф интернет сигнали ёки унинг йўқлиги, инновацион технологиялар қўлланилди. Дераза ойналарига лазер ёрдамида буғланган металл ёки металл оксидларининг шаффоф қатламидан ташкил топган частота-селектив қоплама ишлаб чиқилган. У мобил радио қабул қилишни анъанавий ойнага қараганда 500 баравар яхшилайди ва Германияда 2018 йилнинг декабр ойида янги Рейн-Рур экспресс линиясида фойдаланиш учун ишга туширилган. Бекатларда ҳам алоқа ривожланади. Италия давлат холдинг компанияси Ферровие делло Стато Италиане (ФС) Италиянинг йирик станциялари ва уларнинг савдо майдончаларида бепул юқори сиғимли Wи-Фи интернетни босқичма-босқич ўрнатди. Уланиш хизматлар, тадбирлар, саёҳатлар ва геолокаллаштирилган контент ҳақида маълумот бериши мумкин.

Автоматлаштирилган поезд експлуатацияси (АТО) операцияларни бошқариш учун масъулиятни машинистдан поездларни бошқариш тизимига ўтказади. Халқаро электротехника комиссияси автоматлаштиришнинг тўртта стандарт синфини ўрнатди; енг юқори поездлар тўлиқ автоматлаштирилган. Темир йўл транспортида автоном тизимларнинг ривожланиши биринчи навбатда ҳайдовчисиз метро ва енгил темир йўл транзитида (шаҳар ёки минтақавий поездларда) яққол намоён бўлди. 2018-йилда дунёнинг 41 шаҳрига хизмат кўрсатувчи деярли 1000 км автоматлаштирилган метро линиялари ишламоқда, уларнинг прогнозлари 2025 йилга бориб 2300 км дан

ортиқ истиқболли кўринади. ERTMC поезд сигнализацияси, тезликни назорат қилиш ва автоматик тормозларни бошқаради, ETCC еса йўлда ўрнатилган маёқларга маълумот олиш ва ҳайдаш кўрсатмаларини транспорт воситасига етказиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш имконини беради. ATO еса пойезднинг ҳаракат ва тормоз тизимларини бошқаради. Ушбу комбинацияланган йечим пойездларга оптималлаштирилган тезликда ҳаракат қилиш имконини беради, йўналишларни қисқартиради ва натижада линия ўтказувчанлигини оширади. ATO, шунингдек, энергия сарфини тежаш ва аниқлик ва хавфсизликни ошириши мумкин. Швейцария федерал темир йўл компанияси (СББ) Берн-Олтен тезюрар линиясида ҳайдовчиларга ёрдам беришнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқди ва синовдан ўтказди. Кераксиз тўхташларнинг олдини олиш ва энергия сарфини камайтириш учун мўлжалланган дастур ёрдамида у поезд учун оптимал тезликни ҳисоблаб чиқади ва уни ҳайдовчига узатади. Бошқа темир йўл операторлари ATO билан боғлиқ фаолиятни бошладилар. 2016 йил июн ойида ДБ ҳайдовчисиз операцияларга эътиборини кучайтираётганини, бу 2021 ва 2023 йиллар оралиғида ҳақиқатга айланиши мумкин бўлган биринчи синов синовлари аллақачон ўтказилаётганини айтди. Ўша пайтда компания ходимлар ва касаба уюшмалари билан ушбу потенциал ўтишнинг таъсири ва поезд ҳайдовчиси ролининг эволюцияси бўйича мунозараларни бошлади. 2018 йил январ ойида СНСФ, Раилениум технологик тадқиқотлар институти ва бир гуруҳ технологик ва саноат компаниялари иккита ҳайдовчисиз пойезд прототипини ишлаб чиқиш учун иккита консорсиум туздилар. Биринчи консорсиум автоматлаштирилган юк пойездини лойиҳалаш вазифасини олди; иккинчиси - автоматлаштирилган тезкор ҳудудий пойезд ишлаб чиқариш. 2018 йил март ойида Говиа Тҳамеслинк Раилwай темир йўл компанияси Буюк Британиянинг Нетворк Раил билан биргаликда Лондон Сент-Панкрасга йўловчилар ташиш пайтида магистрал темир йўлда биринчи марта ETCC билан ATO дастурини қўллади.

Рақамлаштириш транспорт маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишни осонлаштиради. Мутахассисларнинг фикрича, маълумотлардан фойдаланишни максимал даражада ошириш экспериментларни рағбатлантириши ва темир йўл транспорти иштирокчилари ва мижозлари учун биргаликда яратиш орқали катта фойда келтириши керак.

Мутахассислар рақамлаштириш олиб келган ўзгаришларни темир йўл транспорти учун ҳам имконият, ҳам қийинчилик деб билишади. Қишлоқларнинг шаҳарларга кўчиши ва дунё аҳолисининг доимий ўсиши темир йўл хизматларига талабни кучайтирмоқда, бунда рақамлаштириш муҳим рол ўйнаши мумкин, хусусан, самарадорлик ва экологик барқарорликни оширишни ҳисобга олган ҳолда. Темир йўл бошқа транспорт турлари билан келишилган ҳолда шаҳарлар ўртасида ва шаҳарлар ичида транспортнинг асосига айланиши мумкин, рақобатбардош бўлиб қолиш учун жуда муҳим нарса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Розенберг Е. Н. Цифровая железная дорога - ближайшее будущее // Автом., связь, информ. 2016. № 10. С. 4–7.
2. Левин Б. А., Цветков В. Я. Кибер-физические системы в управлении транспортом // Мир транспорта. 2018. Т. 16. № 2. С. 138–145.
3. Dikmen M., Burns C. Trust in Autonomous Vehicles: The Case of Tesla Autopilot and Summon // IEEE Int. Conf. on Systems, Man, and Cybernetics (SMC). Banff, AB. Canada, 2017. P. 1093–1098.
4. Алимов Р.Х. Ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик, - Т.: Шарқ, 2000.
5. https://www.europarl.europa.eu
6. https://mintrans.uz
7. https://gov.uz

***Хасанов С.** – ОБМ тингловчиси*

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИННОВАЦИЯ ТУШУНЧАЛАРИ

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш стратегияси диверсификацияланган ва рақобатбардош иқтисодиётни яратишга, инновацион технологиялар ва бозорни бошқаришнинг янги усулларидан фойдаланган ҳолда миллий ресурслардан максимал даражада фойдаланишга йўналтирилган. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти, хусусан, ташқи савдо соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард натижаси аҳолининг турмуш даражасига бевосита ўз таъсирини ўтказади.

Мамлакатда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли ҳаёт даражаси ва фаровонлигининг барқарор ўсишига имкон берувчи фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишга, фан ва инновацион фаолият жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил натижалари мамлакатда фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга тўсқинлик қилувчи, жумладан, қатор тизимли муаммолар мавжудлигидан далолат беради[1].

Бугунги кунда жаҳон тараққиёти информацион-инновацион даврида кечмоқда. Бу жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи - бу илмий ютуқлар, янги технологияларни жадал ўзлаштириш ва самарали бошқаришга асосланадиган ўзгаришлардир. Натижада иқтисодий фаолият субъектлари ўртасида

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”гининг ПҚ-3697-сонли қарори.

инновацияларни айирбошлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар тобора кўпроқ намоён бўлмоқда.

Иқтисодий жараёнлардаги туб ўзгаришлар (бозорнинг глобаллашуви, ахборот технологиялардан кенг фойдаланиш, ривожланишни бошқариш, бизнесни ташкил этишдаги таркибий ўзгаришлар) турли корхоналарда ислоҳотлар кўламини ўсишига сабаб бўлмоқда.

Инновация сўзини кўплаб олимлар томонидан турлича талқин қилинган.

Инновация – бу бозор талабидан келиб чиққан ҳолда жараёнлар ва маҳсулотларнинг сифатли ўсиш самарадорлигини таъминлаш учун жорий этилган янгиликдир. Инсон интеллектуал фаолияти, унинг фантазияси, ижодий жараёни, кашфиётлари, ихтиролари ва рационализаторлигининг якуний натижаси ҳисобланади.

Янги истеъмолчилик хусусиятлари ёки ишлаб чиқариш тизимларининг самарадорлигини сифатли ошириш орқали бозорга маҳсулот (товарлар ва хизматлар)ни етказиб бериш – инновацияга мисол бўла олади.

Инновация – фойдаланиш учун киритилган янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулот (товар, хизмат) ёки жараён, сотувларнинг янгича услуби ёки иш амалиётидаги, иш ўринларини ташкил этишдаги ва ташқи алоқаларни ўрнатишдаги янги ташкилий услуб ҳисобланади.

“Инновация” атамаси лотинча “novatio” сўзидан олинган бўлиб, “янгиланиш” (ёки “ўзгариш”), “in” қўшимчаси эса лотинчадан “йўналишида” деб таржима қилинади, агар буни яхлит “Innovatio” кўринишида таржима қилсак – “ўзгаришлар йўналишида” деб изоҳланади. Innovation тушунчаси биринчи бўлиб XIX-асрнинг илмий тадқиқотларида пайдо бўлди.

“Инновация” тушунчаси ўзининг янги ҳаётини “инновацион комбинациялар”ни таҳлил қилиш, иқтисодий тизимларнинг ривожланишидаги ўзгаришлар натижасида XX-асрнинг бошида австриялик ва америкалик иқтисодчи Й.Шумпетернинг илмий ишларида бошлаган. Шумпетер 1900-йилларда иқтисодда ушбу терминни илмий қўллашга киритган дастлабки олимлардан эди.


Инновацияга ҳар қандай турдаги янгилик сифатида эмас, балки мавжуд тизимнинг самарадорлигини жиддий равишда оширадиган омил сифатида қарашимиз лозим. Кенг тарқалган янглиш фикрлашларга қарамасдан инновациялар кашфиётлардан фарқ қилади.

Инновацияларнинг илмий кашфиётлар ва ихтиролардан фарқи:

- Илм-фан – бу маълум маблағларни билимлар ва ғояларга айлантириш.
- Инновациялар – бу билимлар ва ғояларни маблағларга айлантиришдир.
- Ихтиро – бу янги концепцияни яратиш демак.
- Инновация – бу ихтиронинг амалий аҳамиятини ажратиб кўрсатиш ва уни муваффақиятли сотиладиган маҳсулотга айлантириш[1].

[1] https://www.terabayt.uz/post/innovatsiya-tushunchasi-haqida


•Янгилик - бу интеллектуал фаолият натижасидир; бу янги стратегия, бизнеснинг янги модели, янги ташкилий тузилма, янги маркетинг усули, янги жараён, янги технология, янги маҳсулот ёки уларнинг маълум бирикмаси. 1-расмда янгилик ҳаёт циклининг асосий босқичлари кўрсатилган.



1-расм. Янгиликнинг намунавий ҳаёт циклининг асосий босқичлари[1]

Иқтисодий адабиётларда “инновация” тушунчасига таъриф бериш учун турли хил ёндашувлар пайдо бўла бошлади. Э.А.Уткиннинг ёндашувига кўра инновация деганда “ишлаб чиқаришга жорий этилган объект тушунилади”[2].

И.Степановaнинг фикрига кўра, “инновация” тушунчаси илмий-техника салоҳиятини реал, янги маҳсулот ва технологияларни юзага чиқарадиган жараён сифатида талқин этилади[3].



2-расм. Инновациянинг ҳаёт циклининг асосий таркибий қисмлари[4]

Л.Водачек ва О.Водачкова инновацияларни “корхона фаолиятининг тизим сифатида мақсадли ўзгариши” деб таърифлайдилар[5].

“Инновация” тушунчасининг юқоридаги таърифлари ўзгаришларни микроиқтисодий хусусиятини акс эттиради ва бу ерда улар ташкилот фаолиятини модернизациялаш омили сифатида кўриб чиқилган.

Б.Сантонинг фикрига кўра, инновация - бу юқори сифатли технологиялар яратиладиган техник, ижтимоий-иқтисодий жараён. Л.А.Баев[6] ва Э.В.Шугуров[7] фикрига кўра, “инновация” тушунчасини аниқлашда қуйидаги ёндашувлар мавжуд: объектга кўра ёндашув; жараёнли ёндашув;

[1] Уткин Э.А. Управление компаниями. Москва, 1997.-304 с.
[2] Э.А.Уткин. Управление компаниями. Москва, 1997.-304 с.
[3] Степанова И.П. Инновационный менеджмент. Учебник. 2014.
[4] Водачек Л., Водачкова О.. Стратегия управления инновациями на предприятии. М.: Экономика, 1989.-167 с.
[5] Водачек Л., Водачкова О.. Стратегия управления инновациями на предприятии. М.: Экономика, 1989.-167 с.
[6] Баев Л.А. Системный подход к выявлению инноваций 34 с.
[7] Шугуров Э.В. Современные технологии в социально-экономических системах. Челябинск: Изд-во ЧГТУ, 1995. 37 с.

объект-нафлилик ёндашуви; жараён-нафлилик ёндашуви; жараёнли-молиявий ёндашув.

Ташқи иқтисодий фаолият сифатида ташқи савдо айланмаси бўйича статистик маълумотларга бир назар ташласак. 2020 йилнинг январь-декабрь ойлари якуни билан республиканинг ташқи савдо айланмаси 36 299,3 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 5 451,7 млн. АҚШ долларига ёки 13,1 % га камайди.

Ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми 15 127,7 млн. АҚШ долларига (13,4 % га камайди) ва импорт ҳажми 21 171,5 млн. АҚШ долларига (12,8 % га камайди) етди. Ҳисобот даврида - 6 043,8 млн. АҚШ доллари қийматида пассив ташқи савдо баланси қайд этилди.

Ўзбекистон Республика ташқи савдо айланмаси декабрь ойида 3 327,5 млн. АҚШ доллари қийматида қайд этилиб, ўтган йилнинг шу ойига нисбатан 554,2 млн. АҚШ долларига камайди.

Худди шу кўрсаткичлар 2020 йил учун тубдан фарқ қилиб, дастлабки икки ойда ўтган йилги кўрсаткичлар билан фарқ кичик бўлиб, март ойидан бошлаб жаҳон бозоридаги конюнктуранинг ўзгариши сабабли тебранишлар юз берди. Ташқи савдо айланмасининг июль ҳамда август ойларида кескин ўсиш кузатилгани олтин экспортининг ошгани билан изоҳланади.


2019 йилга нисбатан кескин камайиш II ва IV чоракларда қайд этилди. 2020 йил-нинг II чорагида ўтган йилга нисбатан 2 603,9 млн. АҚШ долларига камайган бўлса, IV чоракда 1 693,9 млн. АҚШ доллари қийматида пасайиш кузатилди.

Ташқи иқтисодий фаолият. Ташқи иқтисодий фаолият бўйича 20 та йирик ҳамкор-давлатлар орасидан бешта давлатда фаол ташқи савдо баланси кузатилган, хусусан, Афғонистон (772,3 млн. АҚШ доллари), Қирғиз Республикаси (610,1 млн. АҚШ доллари), Тожикистон (307,2 млн. АҚШ доллари), ва Эрон (33,2 млн. АҚШ доллари) шулар жумласидандир. Қолган 16 та давлатлар билан пассив ташқи савдо баланси сақланиб қолмоқда.

Республика ташқи савдо айланмаси таркибида энг юқори улушни Тошкент шаҳри 34,2 % улуш билан 12 424,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ташқи савдо айланмаси таркибида энг қуйи улушни Сурхондарё вилояти 1,2 % улуш билан 421,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг учдан бир қисми МДҲ давлатларига тўғри келади ва бу кўрсаткич сўнгги йилларда бироз ўзгарди. Ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДҲ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамай, 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида, ташқи савдо айланмасида МДҲ давлатларининг улуши 32,6 % ни ташкил этиб, ташқи савдо айланмасидаги 2019 йилга нисбатан улуши 2,0 % га камайган.

3-расм. Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмасида МДҲ



мамлакатлари ва бошқа хорижий давлатларнинг ҳажмлари динамикаси (янв.-дек., млн. АҚШ долл., улуши, % да)[1]

Бошқа хорижий давлатларнинг ташқи савдо айланмаси 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида 2019 йилга нисбатан 2,0 % га кўпайди ва жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 67,4 % ни ташкил этди.

1992 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси МДҲ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги)га аъзо бўлди. Ўзбекистон Республикасининг МДҲ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 2020 йил январь-декабрь ҳолатига кўра 11 830,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шундан экспорт - 4 098,3 млн. АҚШ долларига етган бўлса, импорт – 7 731,7 млн. АҚШ доллари қийматида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикасининг МДҲ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмасининг энг юқори ҳажмлари Россия Федерацияси (47,7 %), Қозоғистон (25,5 %), Қирғиз Республикаси (7,6 %), Туркманистон (4,5 %) ва Тожикистон (4,2 %) давлатлари билан қайд этилди.

2020 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи мақомини олди. ЕОИИга аъзо мамлакатлар билан

[1] www.stat.uz – Ўзбекистон статистика қўмитасининг веб-сайти.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси 9 829,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шундан экспорт ҳажми 3175,5 млн АҚШ доллари, импорт ҳажми эса 6 654,0 млн АҚШ долларига етди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”гининг ПҚ-3697-сонли қарори.
2. Баев Л.А. Системный подход к выявлению инноваций 34 с.
3. Водачек Л., Водачкова О.. Стратегия управления инновациями на предприятии. М.: Экономика, 1989.-167 с.
4. Шугуров Э.В. Современные технологии в социально-экономических системах. Челябинск: Изд-во ЧГТУ, 1995. 37 с.
5. Уткин Э.А. Управление компаниями. Москва, 1997.-304 с.
6. Степанова И.П. Инновационный менеджмент. Учебник. 2014.
7. www.stat.uz – Ўзбекистон статистика қўмитасининг веб-сайти.
8. https://www.terabayt.uz/post/innovatsiya-tushunchasi-haqida

Эргашев С.А. *- ОБМ тингловчиси*

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЗАРУРЛИГИ

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда банк тизиминилибераллаштириш шароитида кредит операциялари муҳим ўрин тутади. Тижорат банклари кредит операциялари банк даромадларини шакллантирувчи фаолият бўлганлиги сабабли кредит портфелининг сифат даражаси барқарорлигини таъминлаш бугунги кунда банкларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.Кредитлаш тижорат банклари учун бирламчи аҳамиятга эга бўлган фаолияттури ҳисобланади, чунки тижорат банклари кредит портфели сифатининг пасайиши уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир қилади, яъни муддати ўтган кредитларнинг кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ошиши банкнинг ликвидлигини кескин пасайишига олиб келади.Шу сабабли, тижорат банклари кредит портфелини самарали тарздабошқариш хўжалик субъектларининг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

Тижорат банкларида кредит портфелини бошқариш самарадорлигини ошириш масалалари бир қатор хорижий олимларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган ва кредит портфели тушунчасини унинг моҳиятига берилган таърифларда ифодаланган. Америкалик иқтисодчилар Крис Ж. Барлтон, Диана Мак Нотон кредит портфели - бу кредитларни туркумлашни ўз ичига олади деб таърифлашади [13].Шунингдек, Н. Соколинская “кредит портфели

қиска ва узоқ муддатликредитлар йиғиндисидан иборат” деб таърифлайди [15]. Бу таърифда асосий эътибор кредитнинг муддатига қаратилган бу ҳолат кредит портфелининг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Чунки, банк томонидан берилган кредитларнинг муддатини белгилаб қўйилиши ва унга риоя қилиниши фақат кредит портфелининг сифатини аниқлашда муҳим омил бўлиши мумкин.

Россиялик машҳур иқтисодчи олим О.И.Лаврушин “кредит портфели тушунчасибанк ишида одатда бир ёки бошқа банкнинг кредитлари йиғиндиси тушунилади” деб таъриф беради[12]. Шу билан бирга у банкда кредит портфелини шакллантириш ва уни таҳлилини олиб бориш тижорат банкининг стратегия ва тактикасини аниқ ишлаб чиқиш имконини бериб, мижозларни кредитлаш имкониятини оширади деб ҳисоблайди.Абалкин Л.И, Панова Г.С. ва бошқа бир гуруҳ иқтисодчиларнинг фикрича,тижорат банкларининг кредит портфели - бу кредитларнинг сифат ва таркиби бўйича туркумланишидир. Бу таърифда, фикримизча кредит портфелининг моҳиятини очиб беришга ижобий ёндашилган. Ижобийлиги шундаки, улар кредитларнинг сифат таркибига қараб маълум омилларни ҳисобга олган ҳолда туркумлаш зарурлигини таъкидлайдилар. Бу таърифда кредит портфели кредитнинг аниқ шакл ва хусусиятлариларига қараб таснифланишига асосланади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ҳам бу борада қатор изланишларни олибборишган, хусусан, Ш.З.Абдуллаеванинг фикрига кўра, банкларнинг кредит портфели – бу турли хил кредит рискларига асосланган муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндисидир. [14]. Иқтисодчи олима ўз таърифида кредитларнинг маълум бир мезонлар асосида туркумланишига, шу билан бирга кредит рискларига алоҳида тўхталиб ўтган.

Юқорида кўриб чиқилган таърифларнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилганҳолда кредит портфелига қуйидагича таъриф бериш мумкин деб ҳисоблаймиз: банкнинг кредит портфели- бу банкнинг кредит операцияларини амалга ошириш учун зарур асос саналиб, банк томонидан берилган жами кредитларнинг йиғиндисини ўзида ифодалайди. Шунингдек, банклар фаолиятида кредит операциялари асосий ўринни эгаллагани учун уларнинг кредит портфелини тўғри ташкил қилиш банкларнинг самарали ва барқарор фаолият кўрсатиши учун имконият яратиб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Кредит операцияларини олиб боришда йўл қўйилган камчиликлар банклар даромадининг камайишига, баъзи ҳолларда уларнинг синишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, банкларнинг кредит портфели ва унинг сифатини назорат қилиб бориш тижорат банклари самарали фаолиятининг гаровидир. Юқорида ўрганилган ҳолатларга асосланиб, республикамиз тижорат банкларида кредит портфелини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари юзасидан изланишлар олиб борилишини доимо долзарб деб ҳисоблаймиз.

Акциядорлик тижорат банкларида кредит портфели тушунчасининг таърифи жуда муҳимдир, чунки уни бошқариш самарадорлиги охир-оқибат кредит портфелининг моҳиятини тушунишнинг тўлиқлиги ва чуқурлигига боғлиқ бўлади. Бу борада иқтисодчи олимлар "кредит портфели" тушунчасининг турли хил талқинларини беришади. Ю.Г. Вешкин ....кредит портфелини банкнинг рентабеллиги ва хавф даражасига қараб кредит инвестициялари йўналишларини танлашни белгилайди[1]. С.Й. Хасанова - ... кредит портфели банкларнинг кредит бериш фаолияти натижасидир, деб ҳисоблайди[2].

Банк назорати ва аудитини амалга оширувчи ташкилотлар нуқтаи назаридан банкнинг кредит портфели "қисқа муддатли, узоқ муддатли ва муддати ўтган кредитлар бўйича баланс ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи"дир. Унинг сифат хусусиятлари "банк томонидан кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш ва кредит хатарлари миқдорини камайтиришни баҳолаш, яъни кредит бўйича асосий қарз миқдори ва у бўйича фоизларни қайтармаслик" тушунилдаи. Шунга ўхшаш таъриф Л.И.Иванованинг мақоласида ҳам келтирилган: "кредит портфели қисқа муддатли, узоқ муддатли ва муддати ўтган кредитлар бўйича баланс ҳисобварақларидаги маблағларнинг қолдиқларидан иборатдир"[3].

Ю.Ю. Русанова, Л.А. Бадалова, В.В. Маганова ва О.М. Русановалар фикрича ..... кредит портфели — бу "турли хил кредит хавф омиллари ёки ундан ҳимоя қилиш усуллари билан боғлиқ мезонларга қараб таснифланган берилган кредитлар тўплами"[4]. С.Л. Эрмаков шунга ўхшаш нуқтаи назарга амал қилади: "кредит портфели-бу турли хил кредит хавф омиллари билан боғлиқ мезонларга қараб таснифланган банкнинг кредит талаблари тўплами. Кредитларни таснифлаш рақам ёки балл тизими бўйича амалга оширилиши мумкин"[5]. Ушбу фикрни Й.С.Масленченков қўллаб-қувватлайди, у кредит портфелини "кредит хавфининг турли омиллари ёки ундан ҳимоя қилиш усуллари билан боғлиқ мезонларга кўра таснифланган банкнинг кредит талаблари тўплами"деб таърифлайди[6].

А. И. Пашков кредит портфелини "банкнинг берилган кредитлар бўйича талаблари тўплами", шу жумладан "банкларaро кредитлар; ташкилотлар ва корхоналарга кредитлар; жисмоний шахсларга кредитлар"деб таърифлайди[7]. Шунга ўхшаш таъриф А.М.Андросов "кредит портфели-мижозларга берилган бепул кредит ресурслари ҳажмидир"[8]-деган фикрни билдиради.

Кредит портфелининг моҳиятини аниқлашга мавжуд ёндашувларни умумлаштириб, уларни маълум бир тизимлаштиришни амалга ошириш

---

[1] Вешкин Ю.Г., Аванян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебное пособие. – М.: Издательство «Магистр», 2020

[2] Хасянова С.Ю, Банковские риски: Учебник. – М.: Издательство «НИЦ ИНФРА-М», 2020

[3] Иванова Л.И. Проблемы современной банковской информации и статистики // Деньги и кредит. - №9. - 2018. - с.33-37

[4] Ю.Ю. Русанов, Л.А.Бадалов, В.В. Маганов и О.М. Русанов Банковский менеджмент. /М.: Магистр. - М, 2019. - 58 с.

[5] Ермаков С.Л. Работа коммерческого банка по кредитованию заемщиков. - М.: Компания «Алее», 2015. - 184 с.

[6] Масленченков Ю.С. Технология и организация работы банка: теория и практика. - М.: Дека, 2018. - 432 с.

[7] Пашков А.И. Оценка качества кредитного портфеля // Бухгалтерия и банки, 1996. - № 3 - С.29-30.

[8] Андросов А.М. Бухгалтерский учет и отчетность в банке. - М.: Менатеп-Информ, 2016. - 368 с.

мумкин. Тизимли ёндашув асосида тақдим этилган таърифлар бир хил ва ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўришга имкон беради. Ушбу муаммоларнинг мавжуд талқинларини уч гуруҳга бирлаштириш мумкин бўлади:

1.Биринчи гуруҳ банкнинг барча активлари ва мажбуриятларини назарда тутган ҳолда "кредит портфелининг таркиби" тушунчасини кенг талқин қилади;

2.Иккинчи гуруҳ-банкнинг кредит портфели фақат кредит активлари ёки кредитларидан иборат деб ҳисоблайдиган муаллифларнинг талқинини илгари суради;

3.Учинчи гуруҳ — кредит портфели кредит инвестицияларининг таснифланган тўплами эканлигини таъкидлаган муаллифларнинг талқини, шунингдек портфел элементларини таснифлаш мезонини (кредит хавфи даражаси) белгилайди.

Ушбу таҳлил қилинган таърифлар учун умумий бўлган нарса концепцияни маълум бир қарашлар сифатида талқин қилишдир. Шундай қилиб, маълум бир элементни кредит портфелига киритиш тўғрисида қарор қабул қилишда кредит воситаларининг муҳим элементларининг ўхшашлиги (қийматнинг пул шаклида қайтарилиши, муносабатлар объектлари ва субъектлари, шунингдек муносабатларнинг долзарблиги) ва уларнинг хусусиятларининг кредит портфелининг асосий хусусиятлари билан ёзишмаларига амал қилиш керак бўлади.

Бизнинг фикримизча, кредит портфелини янада баҳолаш, бошқариш ва тартибга солиш мақсадида уни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. О.И. Лаврушин, портфел тушунчаси мазмунли маънода банк кредитлари ва кредит ишлари тўпламига эмас, балки уларни махсус таҳлил қилиш ва тартибга солиш асосида кредитларни бошқаришга қаратилган[1]. Бундай ҳолда, кредит портфели тушунчасини тор маънода ишлатиш мақбул бўлади. Бу ҳолда кредит портфели деганда банк (банклар)кредит қўйилмаларининг ягона ва/ёки бир ҳил гуруҳларга бирлаштирилган йиғиндиси тушунилиши керак.

Шундай қилиб, тижорат банкининг кредит портфелини мониторинг қилиш кўп даражали (индивидуал ва бир ҳил кредитлар учун, алоҳида банк учун, минтақа ва умуман банк сектори учун) банк кредит портфеллари тўпламининг ҳолатини доимий равишда кузатиб бориш ва баҳолаш тизимидир.

Шуни таъкидлаш керакки, кредит портфели даражасига қараб, мониторингда турли субъектлар иштирок этади ва кредит портфелининг ҳолатини тавсифловчи турли параметрлардан фойдаланилади .

Шундай қилиб, маълум бир қарз олувчига (индивидуал кредитлар портфели) кредит портфели даражасида мониторингнинг асосий субъекти банкнинг кредит бўлими ходими ёки шахсий менежеридир. Шахсий кредитлар портфелини мониторинг қилиш зарурати, бизнинг фикримизча, банк

[1] Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент)/ Под ред. О.И. Лаврушина. - М.:Юристь, 2005. С.447.

фаолиятининг ихтисослашуви ва кредит сиёсати билан белгиланади. Биринчидан, ҳетерожен кредитларни битта портфелга бирлаштириш зарурати хусусий банк учун хос бўлган индивидуал банк хизматида юзага келади .

Суюнов Д.Х. *– ОБМ, кафедра мудири, и.ф.д., проф.*
Хабибуллева Ш.Т. *– ОБМ таянч докторанти*

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ СТАНДАРТЛАРИ ВА УСУЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мамлакатмизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларининг ривожланишида корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари муҳим аҳамият касб этади. Одатда, улар жамиятда яратилган институционал тузилмалар фаолияти натижаси сифатида қаралиши мумкин. Корпоратив бошқарувнинг меъёрий асослари дейилганда тамойиллар, қоидалар, кодекслар, қадриятлар ва удумлар ҳамда стандартлар назарда тутилади.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларини бошқариш жараёнларига корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш вазифаларини бажаришда албатта ривожланган хорижий мамлакаталар тажрибасида қўлланиб келинаётган ва бугунги кунда жаҳон тажрибаси тан олган стандартлар ва усулларни ўрганиш ва зарурияти билан миллий менталитетни ҳамда мамлакатимиздаги амалдаги норматив–ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда уларни жорий этишнинг йўлларини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Бунда биринчи навбатда корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлари ва усулларига қандай стандарт ва усуллар кириши ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маълумки “Стандарт” сўзи, (инглизча сўздан олинган бўлиб, *standard* — норма ёки намуна) кенг маънода - бу маълум бир объектларни солиштиришда асос қилиб олинадиган норма, намуна, эталон ёки моделлар мажмуасидир[1]. Корпоратив бошқарувнинг стандартлари эса – бу компаниянинг бошқарув ва барча бошқа ходимларининг белгиланган вазифа ва фунцияларини амалга оширишни таъминловчи норма ва қоидалар мажмуасидир деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

Жаҳон тажрибасида корпоратив бошқарувнинг замонавий кўринишлари ёки унинг регламенти турли компанияларнинг фаолият аспектларини қамраб олувчи стандартларни ишлаб чиқишдир. Ушбу стандартларни турли халқаро ташкилотлар, шунингдек Иқтисодий Ҳамкорликни Ривожлантириш ва Тараққиёт ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ва бошқа Европа

[1].OECD PUBLICATIONS, 2, rue André-Pascal, 75775 PARIS CEDEX 16 PRINTED IN FRANCE (21 1999 06 1 P) ISBN 92-64-17126-6 No. 50907 2015.

реконструкция ва ривожланиш банки (ЕБРР) ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилгандир. Ишлаб чиқилган стантартлар тавсиявий характерга эга бўлиб, компаниялар томонидан ўз ихтиёри ва хоҳиши бўйича қабул қилинади. Аммо корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартларини бошқарув жараёнига самарали қўллаган компаниянинг очиқлигини, инвестицион жозибадорлигини, жаҳон бозорида рақобатбардошлигини самарали корпоратив бошқарувни амалга оширишини таъминлаши мумкин.

Корпоратив бошқарув стандартлари масалаларига иқтисодиёт ва менежмент соҳасида турли илмий ёндашувлар мавжуд. Иқтисодчи олимлардан М.В.Ефремов ва В.В.Луневларнинг илмий қарашларида: Корпоратив бошқарув стандартлари - бу биз, мавжуд ташкилот учун мажбурий бўлган нормалар, қоидалар, талаблар ва характеристикаларнинг таркибий мазмун моҳиятини ифода қиладиган хужжат тушунилади, деган фикрни олдинга суради[1]. Бошқа иқтисодчи олимларнинг фикрича мамлакатни жадал ривожлантириш учун ва янги қонунлар ва қоидаларнинг ишлаб чиқилиши ва уларни жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш Хитойда корпоратив бошқарув манзарасини доимий равишда ўзгартириб туришга олиб келишлигини ва бу институционал инвесторларни компаниялар фаолиятига жалб қилишни тезлаштиришни таъминлайди деган хулосани билдиради[2].

Бошқа иқтисодчи олимлардан бири иккала фирма ёки компания ўртасидаги корпоратив бошқарув стандартларининг бузилиш натижаси савдо ва мақсадли фирмалар бошқарувининг яхшиланишига салбий таъсир қилиши мумкин. Биз корпоратив бошқарувнинг потенциал яхшиланиш кўлами трансчегаравий М & А-да янада каттароқ деб тахмин қиламиз, чунки иштирокчи ва корпоратив бошқарувнинг мақсадли сифати ўртасидаги фарқ миллий корпоратив бошқарув стандартларининг сезиларли ўзгариши билан кучаймоқда деган фикрни билдиради [3].

Шундай экан бугунги кунда мамлакатлар иқтисодиётининг глобаллашув шароитида компанияларнинг фаолиятига инвестициялар киритишни амалга ошириш учун ўзаро манфаатли ривожланишни таъминлайдиган барча мамлакатлар учун ягона бўлган корпоратив бошқарув стандартлари ишлаб чиқилиши ва уни жорий қилишни таъминлайдиган норматив –хуқуқий асослари мавжуд бўлишлиги керак.

Фикримизча корпоратив бошқарув стандартлари – бу Фикримизча, Корпоратив бошқарув стандартлари – бу акциядорлик жамиятининг фаолиятини тартибга солишга қаратиилган, фаолият учун мажбурий бўлган ташқи ва ички норматив хужжатлар мажмуаси бўлиб, жамият олдиган қўйилган функция ва вазифаларини ҳамда мажбуриятларининг ижросини

[1].М.В.Ефремов, В.В.Лунев “Корпоративные стандарты как инструмент управления сервисными организациями”, Журнал: Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. Серия: Социальные науки, 2015, №1(37), стр.18-22.

[2] .Fuxiu Jiang, Kenneth A. Kim, Corporate governance in China: A modern perspective, Journal of Corporate Finance, Volume 32, 2015, Pages 190-216.

[3]. Marina Martynova, Luc Renneboog, Spillover of corporate governance standards in cross-border mergers and acquisitions, Journal of Corporate Finance, Volume 14, Issue 3, 2008, Pages 200-223.

таъминлашҳамда вкциядорлик жамиятининг инвестицон жозибадорлигини, ахборот очиқлигини таминлашга қартилган характлар мажмуасига тушунилдади (1. Расм.)

Корпоратив бошқарув стандартлари - бу биз, мавжуд ташкилот учун мажбурий бўлган нормалар, қоидалар, талаблар ва характеристикаларнинг таркибий мазмун моҳиятини ифода қиладиган хужжат тушунилади, деган фикрни олдинга суради

корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартларини бошқарув жараёнига самарали қўллаган компаниянинг очиқлигини, инвестицион жозибадорлигини, жаҳон бозорида рақобатбардошлигини самарали корпоратив бошқарувни амалга оширишини таъминлаши мумкин.

Корпоратив бошқарув стандартлари - бу биз, мавжуд ташкилот учун мажбурий бўлган нормалар, қоидалар, талаблар ва характеристикаларнинг таркибий мазмун моҳиятини ифода қиладиган хужжат тушунилади, деган фикрни олдинга суради

Маълумки “Стандарт” сўзи, (инглизча сўздан олинган бўлиб, standard — норма ёки намуна) кенг маънода - бу маълум бир объектларни солиштиришда асос қилиб олинадиган норма, намуна, эталон ёки моделлар мажмуасидир

Фикримизча, Корпоратив бошқарув стандартлари – бу акциядорлик жамиятининг фаолиятини тартибга солишга қаратиилган, фаолият учун мажбурий бўлган ташқи ва ички норматив хужжатлар мажмуаси бўлиб, жамият олдиган қўйилган функция ва вазифаларини ҳамда мажбуриятларининг ижросини таъминлашҳамда вкциядорлик жамиятининг инвестицон жозибадорлигини, ахборот очиқлигини таминлашга қартилган характлар мажмуасига тушунилдади.

Мамлакатмизда корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг хуқуқий асосларини яратиш бўйича бир қанча норматив хужжатлар қабул қилинган ва қабул қилинмокда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[1] Фармони билан мамлакатмизда фаолияят кшрсатаётган акциядорлик жамиятларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида

[1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 январдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони.

қабул қилинган ва ушбу вазифаларни бажариш учун қўйидаги бирнчи навбатдаги вазифалар белгиланган:

-халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

-чет эл капитали иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш;

-эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш;

-акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш;

-етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш;

-бўш лавозимларга янгича фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбарлар, шунингдек, хорижий менежерларни жалб этиш чораларини кўрсин.

-акциядорлик жамияти ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилии;

акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар иқтисодий судга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилгани ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилганда, уларга давлат божини тўлаш муддати узайтирилади ва бу бож айбдор томонидан ундирилиши;

- 2015 йилнинг 1 июлидан акциядорлик ва бошқа хўжалик жамиятлари номларида уларнинг устав капиталида давлат улушидан қатъи назар, «давлат» сўзидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги;

-акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиши маълумот учун қабул қилинсин;

-Акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган хорижий мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тўлаш;

-хорижий мутахассисларнинг бошқарув ходимлари сифатидаги фаолиятидан олган даромадлари даромад солиғи, тўлов манбаидан олинадиган даромад солиғи, шунингдек, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий суғурта бадалларидан озод этиш.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдадаги “Ўзбекистон республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4112-сон Қарори қбул қилиниб унда:

-2019 йилнинг 1 апрелидан хўжалик жамиятларининг кузатув кенгаши (банклар кенгаши) таркиби ва ижроия органи аъзоларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқлаш, шунингдек уларни давлат органларининг раҳбарлари ёки раҳбар ўринбосарларига тенглаштириш амалиёти бекор қилинди;

-2019 йил 1 июлидан бошлаб давлат органларининг раҳбарлари ёки раҳбар ўринбосарлари, Агентлик бундан мустасно, уларда корпоратив бошқарув малака аттестати мавжуд бўлганда давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши аъзолигига давлат улуши бўйича сайланишлари мумкин;

-хўжалик жамиятлари кузатув кенгаши (банклар кенгаши) таркиби белгиланган тартибда акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади;

-хўжалик жамиятининг ижро органи (раҳбар ва раҳбар ўринбосарлари) танлов асосида юқори малакали, шу жумладан хорижий мутахассислар орасидан танлаб олинади ва белгиланган тартибда акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши қарори билан тайинланади;

-келгусида хўжалик жамиятлари устав капиталида шаклланадиган давлат органлари ва муассасалари томонидан акциядор (таъсисчи) ҳуқуқлари амалга ошириладиган давлат улуши Давлат активларини бошқариш агентлигига берилди.

Кузатув кенгаши аъзаларининг меҳнатини моддий рағбатлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 356 – сон қарори билан Давлат активларини бошқаришнинг самарали усулларини жорий қилиш, давлат улуши иштирокидаги хўжалик жамиятлари бошқарув органларини шакллантириш механизмларини ва уларнинг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш мақсадида:

1.Хўжалик жамиятлари кузатув кенгашлари (банк кенгашлари) аъзолигига давлат улуши бўйича: устав капитали (фонди)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари бўйича — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишган ҳолда;

-устав капитали (фонди)да давлат улуши 50 фоизгача бўлган хўжалик жамиятлари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли котибиятлари билан келишган ҳолда номзодлар кўрсатиш тартиби жорий қилинди.

-устав капитали (фонди)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ижроия органи раҳбари ва раҳбар ўринбосари

лавозимларига номзодларни кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишган ҳолда амалга оширилиши;

-давлат ташкилотлари раҳбарлари ёки раҳбар ўринбосарлари, шунингдек, ходимлари бўлган хўжалик жамиятлари кузатув кенгашлари (банк кенгашлари) аъзоларига ҳақ тўлаш ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш бир чоракда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширилиши;

-давлат ташкилотлари раҳбарлари ёки раҳбар ўринбосарлари, шунингдек, ходимлари бўлган хўжалик жамиятлари кузатув кенгашлари (банк кенгашлари) аъзоларига ҳақ тўлаш ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш миқдорлари улар кузатув кенгаши аъзоси бўлган хўжалик жамиятлари фаолиятининг тегишли соҳасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссасини инобатга олган ҳолда белгиланиши;

-давлат ташкилотлари раҳбарлари ёки раҳбар ўринбосарлари, шунингдек ходимлари, қоида тариқасида, бир пайтнинг ўзида ҳақ тўланадиган кузатув кенгашларининг аъзолари сифатида иккитадан кўп бўлмаган хўжалик жамияти фаолиятида иштирок этиши мумкинлиги белгиланди.

Бугунги кунда корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг навбатга 2021 йил 29 мартдаги “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқаришва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги № 166-сонли қарорида:

-давлат мулкини бошкариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчилик хужжатларини оптималлаштириш, тизимлаштириш ва бирхиллаштириш, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик булган хужалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарининг (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) етарли даражада асослантирмасдан ташкил этилишига, шунингдек, тегишли тармок ва соҳалардаги бошка корхоналарга нисбатан эксклюзив имтиёз ва афзалликларга эга бўлишига йўл қўймаслик;

-хусусий сектор муваффакиятли фаолият кўрсатаётган ва рақобат , ривожланган соҳаларда давлат иштирокини чеклаш, ”сот ёки тушунтир” тамойилини амалиётга кенг жорий этиш, давлат иштирокидаги корхоналарнинг бозор шароитларига тўлик ўтишини таъминлаш, уларнинг фаолиятига корпоратив бошкарувнинг замонавий услубларини тўлақонли тадбиқ этиш;

-ижро этувчи орган фаолиятини самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари асосида, кузатув кенгаши фаолиятини эса корпоратив бошқарув тамойилларининг жорий этилиши даражасига қараб бахолашга ўтиш;

-давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти тўғрисидаги аҳборотларни ошкор этиш, корхоналарни бошқаришда шаффофлик ва маълумотларнинг ошкор этилишини таъминлаш;

-илгор хорижий тажриба ва хорижий таълим муассасалари билан корпоратив бошқарув хамда капитал бозори соҳасида хамкорлик асосида ахолининг молиявий саводхонлигини ошириш;

-давлат иштирокидаги корхоналар сонини 75 фоизга қисқартириш, давлат иштирокидаги камида 20 та корхона акцияларини бирламчи ва иккиламчи оммавий таклиф этиш, давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгаши таркибидаги мустакил аъзолар сонини 2025 йилга кадар 30 фоизгача етказишни таъминлаш;

-металлургия, нефть-газ, энергетика, кимё саноати, машинасозлик ва электротехника хамда транспорт сохаси корхоналарининг кузатув кенгаши таркибидаги мустакил аъзолар сонини 2021 йилда 30 фоизгача етказишни таъминлаш;

-хак тулаш микдори корпоратив бошкарув тизимини бахолаш натижаларидан келиб чикиб, акциядорлик жамиятлари ва давлат улуши устун мавкега эга бУлган тижорат банкларининг ички хужжатлари билан белгиланиш;

-2021 йил 1 июлдан бошлаб, давлат иштирокидаги корхоналарда кузатув кенгаши, ички аудит хизмати, кузатув кенгаши таркибида аудит кумитаси ташкил этилиши;

-давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органининг хисоботи хар чоракда камида бир марта кузатув кенгашининг мажлисларида, шу жумладан, видеоконференцалоща тизими орқали ва электрон овоз (e-VOTE) бериш йўли билан ўтказиладиган мажлисларда эшитилади;

-акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига (листингга) киритилган ва давлат улуши 50 фоиздан ортик бўлган акциядорлик жамиятларида ”мувофиқлик тизими” (комплаенс) хизмати ташкил этилиши белгиланган.

Мамлакатмиздаги ушбу норматив хужжатларнинг қабул қилиниш ўз навбатида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлари ва усулларини жорий қилишга хизмат қилади. Бу ўз навбатида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ацкиядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини, корпоратив бошқарувнинг смарадорлигини янада оширишни, акциядорлларнинг акциядорлик жамиятларини бошқаришда қатнашиш даражасининг ошишини, жахоннинг илғор тажрибаларини қўллашга ҳамда ацкиядорлик жамиятларининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнининг ошишига имконият яратади.

Хуласа қиладиган бўлсак, биринчидан, мамлакатимиз ва ривожланган хорижий мамлакатлар олимларининг қарашли ўрганилиб, корпоратив бошқарувга муаллифлик таърифи яъни «Корпоратив бошқарув – бу акциядорлар, инвесторлар ва акциядорлик жамиятининг фаолиятидан манфаатдор бўлган барча субъектлар (сейкхолдерлар) хуқуқларини,

мафаатларини ва уларнинг тенглигини таъминлашга ва химоя қилишга қаратилган, акциядорлоик жамиятининг олдига қўйилган вазифа ва функциясини бажариш орқали максимал фойда олишга қаратилган харакатлар мажмуасига ёки йиғиндисига тушунилади" –деган таъриф илмий асосланди. Иккинчидан, акциядорлик жамиятларида корпоратив менежмент ва корпоратив муносабатларнинг замонавий стандартларини жорий қилишнинг ҳозирги аҳволини ҳисобга олиб, корхоналарда корпоратив бошқарув ва менежментни такомиллаштиришнинг биринчи ўриндаги вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин бўлишлиги аниқланди:

- кузатув кенгаши аъзолари, бошқарувчилар томонидан ҳамда акциядорларнинг ўзи томонидан ҳам корпоратив ҳуқуқнинг мазмун-моҳияти ва имкониятларини чуқур англаб етилиши;
- бевосита акциядорлик корхоналари бошқарув фаолиятини тартибга солувчи тўлиқ меъёрий хужжатлар пакетини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
-акциядорлик жамиятлари ишини онгли бошқаришга акциядорларнинг кенг доирасини энг юқори даражада жалб қилиш;
-корхоналар фаолиятининг акциядорлар ва инвесторлар учун максимал очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш;
-акциядорлик жамиятлари бошқарувининг юқори ва ижро органлари ўртасидаги ўзаро таъсир даражасини ошириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлари ва усулларини жорий қилиш йўлларини ишлаб чиқиш. Учинчидан мамлакатмиздаги норматив-хуқуқий хужжатларнинг қабул қилиниш ўз навбатида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлари ва усулларини жорий қилишга хизмат қилади. Тўртинчидан, мамлакатимизда қабул қилинган норматив –хуқуқий хужжатлар тўплами, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкасмасининг Қарорлари ва Корпоратив бошқарув кодекси акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини, корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини янада оширишни, акциядорлларнинг акциядорлик жамиятларини бошқаришда қатнашиш даражасининг ошишини, жахоннинг илғор тажрибаларини қўллашга ҳамда акциядорлик жамиятларининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнининг ошишига имконият яратади.

Сафиуллин А.Ф. *–ОБМ мустақил изланувчиси*

АВИАКОМПАНИЯЛАР МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Авиакомпанияларнинг дастлабки бошқарув тизими олдинги йиллар ҳисоботлари, тарихий маълмотлар ўзгаришига қараб келажакдаги харажатлар ва даромадлар ўсишига ёки камайишига йўналтирилган режелаштириш билан иборат бўлган. Корхона атрофидаги ўзгаришларнинг жадаллашуви бундай

бошқарувни самарасизлигини ва жиддий стратегик қарор қабул қилишда ўзгача ёндашувни талаб қилди. Ташқи ўзгаришларнинг кундан кунга кескинлашуви компанияда натижали ва самарали бошқарувини ташкил қилишни талаб қилади. Ташқи ўзгаришларга ўз вақтида мослашиш бу компания барча ички бўлимларига мутаносиб равишда ўзгартиришлар киритилишини, ташқи ўзгаришларнинг барча бўлимларга тегишлилигини ва улар орасида маълумотлар алмашинувини тезлаштиришни англатади.

Замонавий компания бошқарувчисининг васифаси компания фаолиятини қисқа ва узоқ муддатда натижали ва самарали ташкил этиш ҳисобланади. Кескин бозор рақобати шароитида компанияни ривожланиши учун чекланган молиявий маблағларни ўз вақтида ва зурур бўлган йўналишда сарфлаш керак.

Молия - бизнесни ташкил қилишнинг қон томиридир. Ҳар бир бизнес фаолияти узлуксиз ишлаши ва қўйилган мақсадларга эришиши учун этарли миқдордаги маблағлардан фойдаланиб туриши керак. Қўйилган мақсадларга фақат молиявий маблағларни самарали бошқариш орқали эришиш мумкин. Ҳар қандай вақтда ва ҳар қандай вазиятда молиявий маблағларнинг муҳимлигини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Молиявий маблағлардан самарали фойдаланишни молиявий менежмент таъминлайли.

Бугунги кунда молиявий менежерлари компания фаолиятидаги анъанавий омилларни ўлчашнинг анъанавий усулларидан ташқари, тобора кўпроқ янги усулларни қўлламоқдалар, бу эса, ривожланаётган боўор иқтисодиёти шароитида ноанъанавий омиллар ҳам кўпроқ рол ўйнайшини англатади. Ҳозирги вақтда корпоратив бошқарувда, манфаатдор томонларнинг қарама-қарши даъволари, электрон тижорат, аутсорсингдан фойдаланиш, молиявий глобаллашувнинг кўпайиши ижтимоий муносабатлар ва бошқа муаммолар молиявий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда.

Компаниянинг тизимли иэрархияси нуқтаи назаридан молиявий бошқарув корпоратив бошқарув тизимининг кичик тизими бўлиб, шунинг учун унинг асосий мақсади компания умумий мақсадлари билан, яъни фойдани энг юқори даражага олиб чиқадиган тадбиркорлик субъекти сифатида мутлақо мувофиқлаштирилиши керак. Компаниянинг даромад даражасига таъсири даражаси компаниянинг ҳар бир кичик тизимининг, шу жумладан, молиявий бошқарувнинг фаолиятининг мезонидир. Шу нуқтаи назардан, молиявий бошқарувнинг асосий мақсади компанияни ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятни маълум даражадаги фойда билан таъминлаш имконини берадиган молиявий ҳажми билан зарур муддатларда таъминлаш ҳисобланади.[1]

[1] Голубев А., Финансовый менежмент. Санкт-Петербург: ИТМО, 2013, с.6.

1 - жадвал.

Молиявий менежмент ва аэропорт молиявий менежменти ҳақида хориж олимлари қарашлари

№	Олимларнинг қарашлари	Муаллифлар
1.	Молиявий менежмент бу қанақа активларни сотиб олиш учун қандай капитал турлари кўпайтириш зарур ва унинг қийматини максимал даражага кўтариш учун компанияни қандай бошқарилишини назарда тутади.[1]	Eugene F. Brigham, Joel F. Houston
2.	Молиявий менежмент - бу компаниянинг пул муносабатлари ва пул ресурсларини бошқариш тизими. [2]	Голубев А.А.
3.	Молиявий менежмент компания бозор қийматини максимал даражага кўтариш ва пировардида капитал эгалари моддий манфаатларини амалга оширадиган бошқарув тизимидир.[3]	Пряничников С.Б.
4.	Аэропортда молиявий менежмент, аэропорт фаолияти ва хизматларига асосланган ҳолда харажатлар ва даромадларни юритиш, молиявий ресурсларни ташкиллаштириш, молиявий ҳолатга тааллуқли иқтисодий маълумотлардан олинган натижаларга асосан аэропорт молиявий ҳисоби бўйича қарор қабул қилишга ёрдам беради.[4]	Sumathi N., Abhinaya V., Mounicka.T,
5.	Аэропорт молиявий менежменти аэропорт фаолият юритиши, хизмат кўрсатиши ва ривожланиши учун зарур бўлган катта миқдордаги мулк, инфраструктура ва ишчи кучига бўлган талабни қондириш учун керак бўлган молиявий манбаларни мавжуд стратегия асосида бошқаришдир.[5]	Seth B. Young, Alexander T.
6.	Аэропорт молиявий менежменти аэропорт молиявий фаолиятини шакллантиришда хизматлар ва жиҳозлардан фойдалнишни нархлаш ва жараёнларга пул қуйилмаларини режалаштириш ҳисобланади.[6]	John H. Gibbons

Авиакомпаниялар бошқа соҳалардан тубдан фарқ қилади. Хусусан одатий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатадиган компания иқтисодий ўсиш ва молиявий ривожланиши учун, активлардан самарали фойдаланиб ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари қўламини кенгайтириши, қўшимча инвестиция ҳисобига янги компания қуриши мумкин. Аммо оддий хизмат кўрсатиш соҳаларидан фарқли равишда аэропортларда фақат молиявий менежмент инструменти орқали барқарор ривожланишни таъминлаб бўлмайди.

Лекин ўз навбатида шуни такидлаш кераки аэропортларда қисқа ва узоқ муддатли самарали ва натижали молиявий менежментни ташкил этиш учун аэропортни лойихалаштириш ва экпплуатация қилинишини узвий боғлаган

[1] Eugene F., Joel F. Fundamentals of Financial Management. Boston, USA: Cengage Learning, 2015. p.4.
[2] Голубев А., Финансовый менежмент. Санкт-Петербург: ИТМО, 2013, с.6.
[3] Пряничников С.Б., Финансовый менежмент. Н.Новгород: НИМБ, 2007, с.16.
[4] Sumathi N., Abhinaya V., Mounicka.T, Airport Financial Management // International Journal of Latest Technology in Engineering, Management & Applied Science (IJLTEMAS). – April 2018. Volume VII, Issue IV.
[5] Seth B. Young, Alexander T. Airport planning and management. USA: McGrawHil, 2011.
[6] John H. Gibbons, Airport System Development. USA: Washington D.C. Government printing office, 1984.

ҳолда ўрганиш зарур. Чунки заиф лойихалаштирилган аэропорт унинг эксплуатациясига таъсир қилади ва харажатларни оширади. Бошқа томондан, аэропорт эксплуатациясини яхши билмасдан туриб аэропорт инфратузилмасини самарали лойихалаштириш қийин.[1]

Бундан кўринадики компания шунчаки ҳаво кемалари учун учуш қўниш майдончаси эмас балки объектларнинг мураккаб тизими бўлиб, мижозлар манфаати учун хизмат қилувчи, ҳудуд иқтисоди генератори ҳисобланади.

Янги технологиялар аэропорт дизайнига янги талаблар қўяди. Масалан янги замонавий икки қаватли Airbus A380 русумидаги самолётларнинг эксплуатацияга киритилиши, кўплаб аэропортларнинг учиш-қўниш йўллари, такси йўллари ва йўловчи биноларни ўзгартиришга мажбур бўлишди. Янги сиёсий воқеликлар ҳам аэропортлар дизайнларини ўзгартиради. Айни пайтда, хавфсизликнинг юқори даражадаги ташвишлари багажни текшириш ва назорат қилиш учун янги талаблар қўяди. Яхши режалаштириш барча молиявий имкониятлар мажмуини билиш ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишни олдиндан билиш керак.

Авиакомпания мураккаб тизим сифатида унинг бошқарилиши ва такомиллаштирилиши учун зарур бўлган инфратузилма ва меҳнат кучи билан таъминланиши катта миқдордаги молиявий ресурслар зарур ва уларни оқилона сарфланишини талаб қилади .

Seth B. Young, Alexander T. аэропорт харажатлари иккита турга бўлинишини таъкидлайди: капиталга харажатлар ва ишлаб чиқариш (операцион) харажатлари.[2]

Авиакомпания харажатлари категориялари: операцион ва ишлаб чиқариш харажатлари (ходимлар, материаллар ва бошқалар); капитал харажатлар (амортизация, фоизлар, солиқлар).

Ишлаб чиқариш харажатлари аэропорт кундалик фаолиятини юритишда зарур бўлган харажатларни ўз ичига олади. Капиталга харажатлар аэропорт инфратузилмасини яхшилаш ёки кенгайтиришга, аэродром ва терминалларни хизмат кўрсатиш салоҳиятини оширишга ёрдам берадиган даврий харажатлар ҳисобланади.

Аэропортлар одатда бюджет харажатлари маблағларини юритиш уч хил усулидан фойдаланилади: умумий маблағ ажратиш, фаолият тури бўйича маблағ ажратиш ва алохида чизиқли маблағ ажратиш.

Умумий маблағ ажратиш бюджетнинг энг оддий шакли бўлиб, одатда кичик фуқаро аэропортлари томонидан қўлланилади. Фақат давр учун умумий харажатлар назарда тутилади. Бу бюджетлаштиришнинг энг оддий шакли.

Фаолият тури бўйича маблағ ажратишда батафсилроқ гуруҳланмаган харажатлар фақат иш жойлари ёки фаолият доирасига кўра режалаштирилади. Бу маълум йунилашлар учун капитал ва операцион харажатларни бошқариш имконини беради. Шароитлар ўзгарганда мослашиш имконини таъминлайди.

[1] Kazda A., Caves R. Airport design and operation. Oxford, UK.: Elsevier Ltd, 2007.
[2] Seth B. Young, Alexander T. Airport planning and management. USA: McGrawHil, 2011.

Алохида чизиқли маблағ ажратиш йирик тижорат аэропортларида жуда кенг ишлатиладиган, маблағлаштиришнинг энг батафсил шакли ҳисобланади. Ҳар бир операцион ва капитал харажатлар учун рақамли кодлар белгиланади. Одатда фаолият ҳажмининг ўзгаришлари ҳисобга олиниб борилади. Мисол учун, йўловчиларнинг ҳаво кемасига чиқишининг ўзгарганлиги сабабли терминал биноси хизмат кўрсатиш харажатлари мос равишда тартибга солиниши мумкин.

Турли зарур соҳаларга харажатлар бюджетини шакллантиришдан олдин одатда келгуси йил учун барча даромадлар манбалари ҳисоби баҳоланади.

Аэропорт фаолияти даромадлари: ҳаво ҳаракати операциялари; ҳаво кемаларига ерда хизмат кўрсатиш; асосий бўлмаган фаолиятдан тушумлар; банк ва пул маблағларини бошқаришдан; грантлар ва субсидиялар; бошқа даромадлар.

Аэропорт фаолияти даромадларининг дастлабки учта манбаи аэропорт кўрсатадиган хизматлари ва ижарага берадиган объектларининг нархланишига боғлиқ.

Йирик аэропортлар кўплаб компаниялар учун турли хил хизматларни тақдим этади ва улардан тўловлар, ижара ҳақлари ва бошқа тўловларни қабул қилади. Кичик аэропортлар одатда кам миқдордаги имкониятлар ва хизматларни тақдим этади, улар кўпинча ўз хизматлари учун фақат минимал нархлар ва тўловларни белгилайди. Кичик аэропортларнинг аксарияти ўз операцион харажатларини қоплаш учун етарли даромад келтирмайди, капитал қўйилмалар миқдори жуда кам бўлади.

Давлат ва хусусий коомпаниялар ҳамкорлиги бошқарувидаги аэропортларининг молиявий фаолияти ўзига хос бўлган характерли хусусиятини аэропорт ижара объектлари ва кўрсатадиган хизматларининг нархи ва тарифлари акс эттиради. Хусусий аэропортлар томонидан авиакомпанияларга таклиф қилинадиган хизматлар, ижара объектлари ва асосий бўлмаган фаолияти хизматлари одатда бозор нархига асосланади.

Хизматлар учун тўловлар, тарифлар ва ижаралар ва бошқа тушумларни таркиби ва назорат қилиниши узоқ муддатли ва қисқа муддатли турли хил шартномалар, жумладан авиакомпаниялар билан аэропорт фойдаланиш шартномалари, ижара ва имтиёзлар ва бошқарув шартномалари билан бошқарилади.

Аэропортларнинг ривожланишини яхшилаш мақсадида молиявий назорат тизимидан фойдаланган ҳолда компанияда молиявий бошқарув жараёнларини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий мажмуасини шакллантириш зарур. Молиявий бошқарувнинг самарадорлиги ва харажат мезонлари бўйича аэропортларда назоратни жорий этишнинг ўзаро боғлиқлиги асосланган. [1]

Режалаштирилган лойиҳаларни амалга оширишда бажариладиган ишлар жараёнини яратиш аэропортни ривожлантириш учун асос яратилади.

[1] Лавриненко А.Ю. Пути повышения эффективности управление финансами аэропортов в России // Известия ИГЭА. – 2008. № 1 (57).

Келгусида режалаштириладиган даромад манбалари аэропортлар хизмат кўрсатадиган йўловчи ва юк ташувчи авиакомпаниялар ўртасидаги фаолиятга боғлиқ. Ушбу фаолиятларни амалга оширишга ва аэропорт молиявий менежментига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларини қуйидагича тизимлаштириш мумкин.

2- жадвал.

Аэропорт молиявий менежментига таъсир қилувчи омиллар

Ташқи омиллар	Ички омиллар
1. Мамлакатлар сиёсий муносабат-лари; 2. Фуқаро авиацияси аэропорт инфраструктураси давлат активлари бошқаруви тизими номукаммал; 3. Авиаёқилғи нархининг давлат томонидан қатъий назорат қилиниши. 4. Эркин тарифларни белгилаш тизимининг мавжудмаслиги; 5. Йўловчи оқими, юк ҳажмининг мавжудлиги; 6. Аэропорт атрофида ишлаб чиқариш компанияларининг ривожланганлиги; 7. Савдо сотиқ компанияларининг жойлашганлиги; 8. Аэропорт фаолияти билан боғлиқ қонунчиликнинг номукаммаллиги;	1. География жойлашуви; 2. Аэропот инфраструктурасининг авиакомпания талабига жавоб бериши; 3. Хизматлар нархи; 4. Аэропорт хизматларининг ташкил этилганлиги, мижозлар билан ишлаш тизими фаолиятининг самаралилиги; 5. Ташкилий-ҳуқуқий шакл ва мулкчилик таркиби; 6. Ташкилий ва молиявий тузилма; 7. Юқори раҳбарларнинг малакали даражаси, замонавий молиявий бошқарув тушунчаларини қўллай олиши; 8. Бизнес-жараёнларни автоматлаштириш даражаси.

Ҳар бир аэропорт чекланган ресурсларни тақсимлаш ва фойдаланишда қисқа муддатли қарорлар қабул қилиши керак; капитални такомиллаштириш ва молиялаштириш манбаларини кенгайтириш бўйича узоқ муддатли қарорлар қабул қилиш керак. Қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарорлар ҳам режалаштиришни талаб қилади.

Аэропорт ривожланиши учун зарур ресурсларни бошқариш аэропорт стратегиялари орқали амалга оширилади.

Яхши режалаштириш учун ҳаққоний маълумотлар билан ишлашга тўғри келади. Аэропорт тизимлари учун асосий ҳақиқат – келажакни башорат қилиш жуда ишончсиздир. Фақатгина 5 ёки 10 йиллик одатий фаолиятдан кейин 20 фоиз ва ундан ортиқ хатоликларни прогноз қилиш нормалдир. Узоқ муддатли прогнозлардаги хатолар одатда ёмонлашади. Шунинг учун яхши режалаштириш кенг имкониятларни кўриб чиқишни талаб қилади.[1]

Режалаштириладиган имкониятлар қўлами миқдорий ва сифат омилларини ўз ичига олади. Аэропортларнинг юкланганлик даражаси ҳудуд иқтисодий тенденциясига, сиёсий ўзгаришларга, янги технологиялар, яратилишига, янги саноатларнинг ташкил этилишига, янги имкониятларнинг келиб чиқишига боғлиқ.

Ҳозирда аэропортларнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган, аэропортлардаги молиявий бошқарувнинг мавжуд модели ва усуллари бозор

[1] Richard N., AMEDEO O. Airport Systems Planning, Design & Management. USA: McGrawHil, 2013.

шароитида, айниқса, узоқ муддатли ривожланиш шароитида аэропортларни "тирик қолишларига" ҳам имкон бермайди. Шу муносабат билан, менежмент контсепциясини танлаш ва мамлакатдаги аэропортларнинг молиявий бошқарув самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий ва молиявий чоралар мажмуасини ишлаб чиқиш узоқ муддатли молиявий барқарорлик учун долзарб ҳисобланади.

Миллий ва маҳаллий инфратузилмаларнинг энг муҳим таркибий қисмлари бўлган аэропортлар табиий монополия ҳисобланиб давлат томонидан бошқарилади. Шу боис, давлат аэропортлар фаолиятига молиявий бошқарув бўйича тўғридан-тўғри ва билвосита чоралар тизими орқали ташқи таъсирга эга. Бу аэропортларда кўрсатиладиган хизматлар учун тарифлар даражасини чеклаш йўли билан ифодаланади - авиация хизматларининг асосий турлари учун тарифлар ва ставкалар, аэропорт инфратузилмасини модернизация қилиш учун мақсадли молиялаштириш, солиқ қонунчилигини ўз ичига олади.

Бошқа томондан, аэропорт нафақат давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий хизматлар кўрсатиш объекти бўлибгина қолмай, ўз бизнес мақсадлари ва фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган ривожланиш стратегиясига эга мустақил савдо мажмуидир

Хулоса қиладиган бўлсак, авиакомпанияларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун аэропортларга юк ва йўловчи ташишга етарли даражада авиакомпанияларда шарт шароитлар яратилишига боғлиқ. Бундай шарт шароитлар давлат томонидан аэропортлар атрофида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва авиакомпанияларга парвозларни амалга оширишга имконият яратиш ва аэропорт хизматлари учун эркин рақобатбардош нарх-наволарни белгилаш билан таъминланади.

Каримов Д. *– ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БОШҚАРУВ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Нодавлат таълим муассасаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва қонун-ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, фармойишлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа таълим соҳасидаги бошқарув органларининг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, муассаса Уставига асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3651-сон қарори Нодавлат таълим муассасаларида таълим олиш учун бир қатор имтиёзлар белгиланган.

1. Давлат-хусусий шерикчилиги шартларида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари:

- ташкил қилинаётган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг эҳтиёжлари учун ўрнатилган тартибда тасдиқланган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган ускуналар, асбоб-анжомлар, ўқув қуроллари ва ўйингоҳлар давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисидаги битим тузилган кундан бошлаб 2 йил муддатга божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинади;
- нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ўз фаолиятини амалга ошира бошлагандан кейин ўн йил мобайнида барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади.
- кўрсатилган солиқ ва божхона имтиёзлари мактабгача таълим соҳасида кўрсатилаётган хизматларидан оладиган соф тушум улуши умумий реализация ҳажмида ҳисобот (солиқ) даври якунларига кўра камида 80%ни ташкил этадиган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига нисбатан қўлланилади.

2. Ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандлари ва махсус контингентдан муайян миқдордаги тарбияланувчиларни ўқитиш, улар учун ота-оналар тўловининг имтиёзли миқдорлари белгиланади ва улар устувор равишда ўқишга қабул қилинади.

Нодавлат таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари. Таълим муассасасининг асосий мақсади - замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда юксак маънавий ва аҳлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлашда иштирок этиб, тез, сифатли, самарадор таълим хизматини кўрсатишдан ва уни такомиллаштириб боришдан иборат.

Мақсадни рўёбга чиқаришда қуйидаги вазифалар бажарилиши назарда тутилади:

-замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда, таълим олувчилар эҳтиёжларини ҳисобга олиб махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар асосида таълим хизматини кўрсатиб, таълим хизматини кўрсатиш бозорини ривожлантиришда ўз хиссасини қўшиш;

-таълим олувчиларининг интеллектуал фаолият йўналишларини танлашда ёрдам кўрсатиш уларнинг ижодий фикр юритиши кўникамаларини шакллантириш;

-таълим олувчиларининг мутахасислиги бўйича дастлабки кўникмаларини эгаллаб боришларида кўмаклашиш;

-ўқув-тарбиявий жараёнда соғлом муҳитни амалга ошириш учун шароитлар яратиш, соғлом турмуш тарзи меъёрларини амалга тадбиқ этиш;

-ўқув жараёнини замонавий ахборот воситалари билан таъминлаш;

-таълим олувчининг шахсига, унда таълим ва билимларга бўлган иштиёқини кучайтиришга, мустақил иш тутиш, инсоний қадр қиммат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш;

-ватанга садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш йўлида бошқа таълим муассасалари, ота-оналар,

маънавият-тарғибот марказлари, илмий-амалий Марказлар, жамоат ташкилотлари билан ўзаро пухта ҳамкорлик қилиш;

-ватанпарварлик, ўз ватани билан фахрланиш ҳис-туйғусини шакллантирувчи, миллий ўзлигини англашни, халқимизнинг миллий, маданий, тарихий анъаналарига ҳурмат билан қарашни кучайтириш.

Бутун дунёда таълим соҳасини режалаштирувчи мутасадди раҳбарлар ва сиёсатчилар асосий эътиборларини расмий таълим тизимларига қаратган бўлиб, бу болалар боғчасидан бошланғич ва ўрта таълим орқали университет даражасидаги таълимга қадар бўлган босқичларни ўз ичига олади.Ушбу таълим тизимига кирувчи муассасалар салмоқли даражада маблағ талаб этади ва ўзлари мансуб бўлган жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида асосий роллардан бирини ўйнайди. Ушбу асосий таълим тизимларига қўшимча равишда кўплаб жамиятларда тобора ортиб бораётган жараён ҳам мавжуд бўлиб, унга мазкур китобда репетиторликнинг норасмий таълим тизимлари тарзида тилга олинади.

Норасмий таълим тизимларининг ижтимоий ва иқтисодий таъсири ҳам салмоқли бўлишига қарамасдан уларга сезиларли даражада камроқ эътибор қаратилган. Мазкур таҳлилда таълим соҳасини режалаштирувчи мутахассислар ва сиёсатчилар норасмий таълимга кўпроқ эътибор беришлари лозимлиги хусусида сўз юритилади.

Дунёнинг баъзи қисмларида, хусусан Японияда ва Шарқий Осиёдаги бошқа бир қатор мамлакатларда узоқ муддат давомида норасмий таълимга катта эътибор бериб келинмоқда.Сўнгги йилларда бошқа мамлакатларда ҳам норасмий таълимга қаратилаётган эътибор даражаси ва у билан бирга хусусий ўқитишнинг турлари ва таъсири ҳам сезиларли даражада ортгани кузатилмоқда. Бундан ташқари, хусусий ўқитиш боргансари алоҳида норасмий фаолият кўринишида эмас, тизимга солинган ҳолда олиб борилмоқда. Хусусий ўқитиш муассасалари бир-бирлари билан алоқа ўрнатмоқда ва баъзилар мамлакат миқёсида иш олиб бормоқдалар.1999 йили ЮНЕСКОнинг Таълимни режалаштириш халқаро институти(ТРХИ) хусусий ўқитиш бўйича илк халқаро тадқиқот натижаларини чоп этди. Китоб мазкур муаллиф томонидан тайёрланган (Bray,1999a). Китоб илмий ишлар ва мутахассислик бўйича адабиётларда катт ааккссадога эга бўлди. Айничоғда,китобда тадқиқ этилган масалалар янада чуқурроқ ўрганилиши лозим эканлиги қайд этилган эди. 1999 йилдан кейинга ўтган давр мобайнидаги ишларда тадқиқот мавзуси ҳақиқатдан ҳам бир қатор изланишларда ўрганилди.

Шу боис мутасаддиларга тоифа бериш тартибини соддалаштириш, педагоглар билимини йил давомида баҳолаш имконини берувчи 2 босқичли тизимга ўтиш бўйича кўрсатма берилди.

Таълим сифати пастлиги, моддий-техника базаси етарли бўлмагани сабабли айрим мактаблар тўлиқ қувватда ишламаяпти. Масалан, Тошкент шаҳридаги 32 та мактабда ўқувчиларни қамраб олиш даражаси паст.

Нодавлат мактабларда яратилган шарт-шароитлар барча талабларга жавоб беради. Уларда қўлланилаётган ўқув режа ҳамда ўқув дастурлари

асосида ҳар бир ўқувчига алоҳида-индивидуал ёндашилади. Навқирон авлодга ўз устида мустақил ишлаши учун барча қулайликлар яратилади. Қизиқишлари ва иштиёқидан келиб чиқиб таълим берилади, икки-учта хорижий тил ўргатилади. Ўқишдан ташқари муассасанинг ўзида ташкил этилган турли фан тўгараклари, спорт машғулотлари самарали олиб борилади. Бундан ота-она ҳам, педагог ҳам, бола ҳам манфаат топади.

Умуман олганда, мамлакатимизда нодавлат таълим хизматлари соҳасидаги фаолият мактабгача (боғчалар), умумий-ўрта (мактаб) ва кадрлар малакисини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш (ўқув марказлари) таълим турлари бўйича тез ривожланиб бормоқда ва мазкур таълим турлари бўйича нодавлат таълим масканлари сони ортаяпти.

Мамлакатимизда хусусий таълим муассасаларига кенг шароит яратилаётгани боис келгуси йилдан эксперимент тариқасида кам қувватда ишлаётган мактабларни танлов асосида салоҳиятли талабгорларга ишончли бошқарувга бериш таклифи билдирилди.

Мактабларда замонавий бошқарувни жорий қилиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Энди мактаб директорларини лавозимга тайинлаш бевосита маҳаллий кенгашлар билан келишилган ҳолда, танлов асосида амалга оширилади. Ҳар бир номзод мактабнинг кўрсаткичларини келгуси 3 йилда юқори даражага олиб чиқиш бўйича ўз дастури билан танловда иштирок этади ва ҳар йили кенгашлар олдида ҳисобот беради.

Самарқанд халқаро технология университети (СХТУ) АҚШнинг Глобал таълим Консорциуми (CGE) билан таълим ва тадқиқот соҳасида ҳамкорлик меморандуми имзолади.

Глобал Таълим Консорциуми (CGE) - нотижроат глобал ташкилот бўлиб, АҚШда аккредитациядан ўтган хусусий университетлар ва Атлантада жойлашган чет элдаги шуъба ҳамкор университетлардан иборатдир. Ҳозирги кунда CGE 72 мингдан ортиқ талаба ва 7,3 мингдан зиёд ўқитувчиларни ҳамда Anderson университети, LCC халқаро университети, Liverpul Hope университети, Baylor университети, Carson-Newman университети, Sias университети каби 40 дан ортиқ университетларни бирлаштирган.

Мамлакатимизда нодавлат олий таълим муассасаларини очилиши хизматлар экспортини ривожлантиришга олиб келади. Диёримизга келган ҳар бир хорижий талаба контракт тўловини амалга оширишдан ташқари у ўз эҳтиёжларини қондириш учун йилига ўртача 10 миллион сўм сарф-харажат қилади. Бу ҳам, ўз ўрнида, иқтисодиётимизни ривожлантиришга ўзининг хиссасини қўшади.

Нодавлат олий таълим муассасларининг ташкил этилиши республикамизда янги иш ўринлар яратилиши, нодавлат ва давлат таълим сектори ўртасида соғлом рақобат муҳитини пайдо бўлиши, ёшларимизни ўзлари хоҳлаган йўналишлар бўйича таълим олиши, таълим ва саноатни чамбарчас боғланиши, таълим ва кадрлар сифатини ошиши, давлат бюджетига тушумларнинг кўпайиши, бюджетдан қопланадиган сарф- харажатларнинг камайиши каби кўп масалаларга ижобий ечим бўла олади.

Рақобат бор жойда эса ўсиш бўлади, ўсиш бор жойда сифат бўлади, сифат бор жойда эса натижа бўлади. Энг муҳими, миллий қадриятлар ва замонавий ютуқларни ўзида жамлаган илм масканларидан буюк аждодларга муносиб, Ватан равнақига улкан ҳисса қўша оладиган авлодлар етишиб чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3651-сон қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармони \\ www.lex.uz
3.Florian Geyer. The Educational System in Belgium CEPS Special Report/September. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website http://www.ceps.eu)© CEPS, 2009
4.Nazarov, T. (2021). Ta’lim tizimiga zamonaviy yondashuvlar. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(4). извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4423
5.Alimova, Q. (2021). Zamonaviy menejer faoliyati. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). https://ppmedu.jspi.uz

Устемиров Ж.Ш. *– ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Инновацион жараёнда жиддий рўл ўйнайдиган ва инновацияларни корхоналар учун стратегик ресурсга айлантирадиган халқаро капитал бозори кенгайиб боришига янги молиявий тузилмалар ёрдам беради.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, инновацияларга кўпинча одамларнинг бевосита салбий муносабати ва позитсияси тўсқинлик қилади. Бироқ, Ўзбекистонда инновацияларга нисбатан муносабат тубдан ўзгача, яъни ҳозирги кунда бутун жамият инновацион жараёнларга ижобий муносабат ва қўллаб-қувватлашни билдирмоқда.

Хусусан, булар Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамага қўйилган қонун лойиҳаларида ўз аксини топган. “Инновацион фаолият тўғрисидаъги 2020-йил 27-июлдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 22-январдаги “2017–2021 -йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга

оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Президент фармони, “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисида ”ги 2021-йил 17-февралдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори каби меёрий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Ушбу ҳужжатларни қабул қилишдан мақсад инновацион тизимнинг салоҳияти ва самарадорлигини оширишга кўмаклашиш, инновациялар учун қулай бўлган норматив-ҳуқуқий, молиявий ва ахборот муҳитини яратишдан иборат. Шунингдек юқори технологияли маҳсулотларнинг улушини оширишни рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш, инновацион технологиялар ва илғор бошқарувни қўллашни кенгайтириш ҳам шулар жумласидандир.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш ва дунё бозорларига чиқиш - биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Бошқача сўз билан айтганда, инновация фаолиятини ривожлантирмай туриб, иқтисодиёт рақобатбардошлигига эришиб бўлмайди.

“Инновация атамасининг мазмунидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, қачонки ҳар қандай кашфиётлар, янги воқеалар, хизматлар ва усуллар турлари тарқалишига имконият яратилса, ўшанда улар халқ оммаси томонидан тан олинади. Бундай янгиликнинг жорий этилиши - янгиликни қўллаб-қувватлаш жараёнини билдиради ва янгиликнинг тарқатилиши қабул қилиниш вақтидан бошлаб янги сифат – инновацияга айланади.

Демак, инновацияни ҳаётга жорий қилишдан мақсад - бирор-бир ижобий натижага эришиш. Бундан шуни англаш мумкинки, инновация соҳаси ўз-ўзидан инвестиция соҳаси билан чамбарчас боғликдир.

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш шароитида инновацион-инвестицион фаолиятнинг энг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўришимиз мумкин:

— инвестиция салоҳияти давлат, корхона ва ташкилотнинг турли кўринишдаги ресурслар йиғиндиси;

— инновация соҳаси – инновацияларни яратиш ва тарқатишни ўз ичига қамраб олувчи инновацион маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг фаолият соҳалари;

— инновация инфратузилмаси инновацион фаолиятнинг амалга оширилишига имкон берувчи, таъсир кўрсатувчи турли муассасалар;

— инновация дастури (корхона, ҳудуд, давлат, давлатлараро) инновация лойиҳаларининг ресурслари, ижрочилари ва уларни амалга ошириш муддатлари бўйича келишилган ҳамда янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ва жойлаштириш бўйича вазифаларнинг самарали ҳал этилишини таъминловчи инновацион лойиҳалар ва тадбирлар мажмуидир.

Самарали инновацион лойиҳаларни амалга ошириш иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот таннархини пасайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотлар сифатини ошириш ва умуман иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон амалиётида лойиҳавий молиялаштириш остида кўпинча молиялаштиришни ташкил қилишнинг шундай тури назарда тутиладики, унда лойиҳани сотишдан олинган даромадлар қарз мажбуриятларини тўлашнинг ягона манбайи бўлади. Шунга қарамай ҳамма давлатларда “лойиҳавий молиялаштириш” атамаси ҳар хил талқин қилинади. Масалан, АҚШда унинг остида молиялаштиришни шундай ташкил қилиш тушуниладики, унда инвестицион лойиҳаларнинг катта қисми таъсисчининг шахсий маблағлари ҳисобига молиялаштирилади, лойиҳани сотишда даромад - қарз мажбуриятларини тўлашнинг ягона манбаларидан бўлади. Европада бу атама лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий ресурсларни тақдим этишнинг ҳар бир йўналишга нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон иқтисодий ҳолатининг инновациялар билан ўзаро боғлиқлигини қуйидаги асосий жиҳатларда кўриш мумкин, яъни инновация фаолиятининг миллий иқтисодиётга таъсирини тадқиқ этиш нуқтаи назаридан давлатнинг моддий асоси сифатида бутунлигича кўриш, инновацияларнинг алоҳида корхона фаолиятига таъсирини таҳлил қилишда алоҳида бозор субйекти сифатида қараш, инновация сиёсатини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий натижаларини ўрганишдир.

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизатсиялаш шароитида инновациялар, аввало давлат иқтисодиётининг барқарор ўсиши учун зарурдир. Янги технологияларга инвестициялар рақобатбардош, юқори талаб билан истеъмол қилинадиган товарлар ишлаб чиқаришга ёрдам беради.

Мамлакат иқтисодиёти ва иқтисодий субйектларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсир кўрсатишнинг асосий воситаларидан бири – давлат иқтисодий сиёсатининг бўғинларидан ҳисобланувчи - инновация сиёсатидир. Давлат инновация сиёсати ёрдамида бевосита ишлаб чиқариш ҳажми суръатлари ошишига, фан-техника тараққиёти тезлашишига, ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш тузилишининг ўзгариши, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга таъсир ўтказа олади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва уни янада ривожлантириш мақсадида бир қанча асосий ишлар ва чора-тадбирлар мажмуйи мавжуддир:

- ривожланган мамлакатлардаги биз учун керак бўлган барча технологик билим ва янгиликларни ўрганиш, ва Республика иқтисодиёти тармоқларига босқичма-босқич миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда татбиқ қилиш;
- асосий аҳамиятга эга бўлган ички инновацион лойиҳаларга инвесторларни ҳамда хорижий капитални жалб қилиш;

- технологик инновацияларга бағишланган билимлар базасини ташкил қилиш ва унда интернет портал орқали барча фуқаролар фойдалана олишларига эришиш.

Бу каби чора-тадбирлар келажакда инновацияларни давлатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга қўшадиган улкан ҳиссаси учун замин ҳозирлаб бериши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.“Инновацион фаолият тўғрисидаъъги 2020-йил 27-июлдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 22-январдаги “2017–2021 -йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги Президент фармони,
3. “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги 2021-йил 17-февралдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори


Ўрмонов Э.М.-*ОБМ тингловчиси*

МАМЛАКАТИМИЗ ХУДУДЛАРИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ

Бугунги кунда макродиагностик таҳлилларга асосан иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашнинг олдинги йиллардаги асосий манбаларидан бири бўлган марказлашган ресурслар имкониятларининг чекланиб бориши ҳусусий, айниқса тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини кескин оширишни тақозо этмоқда. 2020 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 32,7 фоизга (кафолатланмаган хорижий кредитларни инобатга олмаган ҳолда) камайиб, 2,9 млрд. долларни ташкил этди (доллар эквивалентида пасайиш 33,8 фоизни ташкил этди).

Сўнги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантиришга йўналтирилган фаол инвестицион сиёсат таъсирида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши кескин ортиб бормоқда. Ҳусусан, 2016-2020 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми қарийб 2,5 баробарга ортди. Мазкур даврда тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 50 фоиздан юқори кўрсаткични қайд этади (1-расм). Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тақсимлашда чеклашлар ва иқтисодиётнинг устувор йўналишларини ривожлантиришда инвестицияларни

рағбатлантириш, ҳусусий мулкни даҳлсизлиги кафолатларини мустаҳкамлашда давлатнинг ролини ошириш мақсадга мувофиқ.



1-расм. 2016–2020 йилларда Ўзбекистонда иқтисодиётига жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзгариш суръати[1].

Қашқадарё вилоятларида хорижий инвестиция ва кредитларнинг камайиши натижасида вужудга келганлигини кўришимиз мумкин. Ўз навбатида, таҳлил этилган давр мобайнида барча ҳудудларда хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилиш динамикаси нобарқарор бўлганлигини кўрсатади.

Инвестицион имтиёзлар, унинг натижалари, инвестиция муҳитининг жалб этилаётган инвестиция ҳажмига таъсири каби қатор ҳолатлар инвестицион фаолиятни амалга оширишда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар шаклига устуворлик бериш заруриятини юзага келтиради.

Бу борада мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган долзарб вазифалар хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагича тўхталиб ўтган эди: “Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини юритишда давлат иштирокини пасайтириб, ҳусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш керак.

Геология соҳасида жорий йилда 21 та конва истиқболли майдонлар очиқ аукцион орқали инвесторларга сотилди. 2021 йилда яна 50 та конва истиқболли майдонлар маҳаллий ва чет эллик инвесторларга очиқ механизмлар асосида сотилади. Бундай ишларни бошқа йўналишларда ҳам давом эттиришимиз керак”[2].

[1] www.stat.uz-Ўзбекистоан Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2015-2020 йилларга расмий ахборот сайти маълумотлари.

[2].O‘zbekiston Respublikasining Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev 2020yil 29 dekabrdagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi.

1-жадвал.

Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши[1]

Ҳудудлар номи	Йиллар					
	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Республика бўйича жами	**8309,5**	**10611,4**	**16309**	**31350**	**86653,1**	**86 647,00**
Қорақалпоғистон Республикаси	2899,7	1683,4	268,7	1512,1	3121,3	3 759,80
Андижон вилояти	86	108	197,3	878,6	2881,4	3 500,70
Бухоро вилояти	1463,2	3101,2	8256,9	4189,9	5226,1	5 563,80
Жиззах вилояти	38	106,3	125,2	392,3	3716,3	5 919,60
Қашқадарё вилояти	1037,7	2006,01	1950,9	8339,2	16711,5	13 313,60
Навоий вилояти	54,9	152,5	385	3662,1	6902,3	11 359,70
Наманган вилояти	488,8	639,1	1088,4	2822,6	5313,6	3 795,00
Самарқанд вилояти	128	81,5	114,5	384,1	2799,8	3 950,10
Сурхондарё вилояти	191,5	209,1	512,8	1788,8	7557,6	6 158,20
Сирдарё вилояти	116,7	102,3	76,1	261,1	2853	3 110,60
Тошкент вилояти	677,6	580,3	781,8	1760,1	5595,2	5 841,90
Фарғона вилояти	193,6	235,4	191,8	1250,3	3538,2	4 479,50
Хоразм вилояти	40,8	90,4	197,5	355,5	2350,1	1 801,40
Тошкент шаҳри	893	1515,9	2162,2	3753,3	17995,7	14 093,00

Жаҳон Банки тадқиқотларига кўра, бир қатор давлатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ошиши (айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида), илмий-тадқиқотларга инвестицияларнинг кўпайиши ва юқори маошли ва муқим иш ўринларини яратилиши натижасида иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатган. Мисол учун, хизмат кўрсатиш соҳасига хорижий инвестицияларнинг кириб келиши Чехияда 3 йилдан сўнг меҳнат унумдорлигини 43,6 фоизга ва сотиш ҳажмини 33 фоизга оширган бўлса, Индонезияда меҳнат унумдорлигини 13,5 фоизга, иш билан бандликни 24 фоизга, иш ҳақини 41 фоизга ва хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг экспортдаги улушини 13,9 фоизга ўсишига хизмат қилган. Шунингдек, кўплаб давлатлар, шу жумладан, ривожланаётган давлатлар амалиёти, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг жадаллашуви техника ва технологияларнинг кириб келиши натижасида ялпи унумдорликни ошириш ҳамда миллий иқтисодиётимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ортиб бориши билан иқтисодий салоҳиятни қайта тиклашга хизмат қилишини намоён қилмоқда.

Миллий иқтисодиётга жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми алоҳида ҳудудлар бўйича тақсимланиш ҳолати ва ундаги динамик ўзгаришлар таҳлил

[1] www.stat.uz-Ўзбекистоан Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2015-2020 йилларга расмий ахборот сайти маълумотлари.

қилинганида ҳудудий тафовутлар ва номутаносибликлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистон жадал иқтисодий ўзгаришларни бошдан кечирди ва халқаро ҳамжамиятда бизнес ва инвестициялар учун турли хил тўсиқларини бартараф этишда очиқлик, янгиланиш ва қатъиятлилик рамзларидан бири сифатида тобора кўпроқ намоён бўлмоқда.[1]

Ўзбекистон Республикасининг "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунини самарали ижро этилиши учун инвесторлар билан инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, ҳокимликлар, хориждаги дипломатик ваколатхоналар ва тижорат банклари раҳбарлари ўринбосарларидан иборат бўлган давлат ҳокимият органлари ҳамкорлигининг 4 босқичли механизми муваффақиятли йўлга қўйилган. Ушбу механизм инвесторларнинг барча сўровларига тезкор жавоб қайтариш ва қонунда назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилишининг самарадорлигини керакли тарзда назорат қилиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кўмаги билан тузилган, Республикада фаолият юритаётган инвесторлар билан бевосита мулоқотни таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг ролини таъкидлаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳусусий инвестицияларни фаоллаштириш учун тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш талаб этилади. Бизнес билан доимий мулоқот, муайян секторларнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган тўсиқларни аниқлаш ва енгиб ўтиш бўйича астойдил иш олиб бориш керак. Шу муносабат билан қуйидаги йўналишлар бўйича фаол иш олиб борилмоқда. ***Биринчидан,*** иқтисодий ўсишнинг бир маромдаги юқори ва барқарор суръатларини сақлаб қолиш учун мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва рақобатбардош, банк тизими активларининг катта қисми ҳусусий инвесторлар қўлида бўлган моделини шакллантириш зарур.

Иккинчидан, инвестициявий жозибадорликни ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бири бўлган инфратузилмага йўналтирилгани ивестицияларининг жадал ўсишини таъминлаш мақсадида давлат-ҳусусий шериклик ва лойиҳаларни молиялаштириш воситаларини ривожлантириш орқали инвестициявий фаолиятни рағбатлантириш ҳам фаол тарзда олиб борилмоқда.

Учинчидан, рақамлаштириш ва давлат хизматларини масофавий тақдим этиш орқали инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бюрократик тўсиқлар ва чекловларни тўлиқ бартараф этиш учун инвесторлар ва давлат ўртасидаги муносабатлар оптималлаштирилмоқда. Шаффофликни максимал даражада таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш учун хорижий инвесторларнинг мурожаатлари ва сўровлари билан ишлашни ташкил этиш сифати яхшиланмоқда.

[1] http://invest.gov.uz.

Тўртинчидан, иш кучи ва капиталнинг иқтисодиётнинг қонуний секторларидан яширин иқтисодиётга оқиб кетишига олиб келадиган транзакция харажатларининг камайиши кузатилмоқда.

Бешинчидан, келгусида технологик ютуқларга эришиш нуқтасига айланиши ва кейинги 20-30 йил давомида мамлакат ишлаб чиқариш қувватларини ривожланиши учун замин яратиши мумкин бўлган Ўзбекистоннинг энг истиқболли соҳаларига йўналтирилган инвестиция сиёсати стратегияси ишлаб чиқилмоқда.[1]

Хабибуллева Ш.Т. *– ОБМ таянч докторанти*

ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР

Бугунги кундаги жахон иқтисодиётининг глобаллашуви ҳамда COVID-19 пандемиясининг таъсири шароитларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришнинг замонавий стандартлари ва усулларига ўтиш жавдал амалга ошрилмоқда. Корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлари ва усулларини жорий этишнинг иқтисодий жиҳатлари, акциядорлик жамиятларини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, бошқарувнинг тамойиллари, уни жорий қилишга таъсир этувчи омиллар каби масалалар ҳозирги вақтда долзарб ҳисобланади.

Корпоратив бошқарувнинг келиб чиқиши ва ривожланишини бир нечта босқичга бўлиш мумкин бўлади: Биринчи даври 1555 йилда Лондон шаҳрида биринчи Лондон-Москва савдо компанияси ташқил қилинган эди. Компанияда икки томондан вакиллар иштирокидаги Кенгаш тузулиб, бу Кенгаш асосан компанияни бошқаришнинг умумий масалалари билан шуғурланган. Иккинчи даври 1600 йил бўлиб, Ост - Инд (East India Company) компанияси ташқил қилинган ва унда 1612 йилга келиб 24 аъзодан иборат бўлган директорлар кенгашини ва ушбу кенгаш қошида 10 қумиталар ташкил қилинган. Биринчи марта мулкчилик ва бошқарув вазифалари бўлиб олинган. Бунда 1776 йили Адам Смит “Ҳалқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари хақидаги тадқиқотлари” асарида такидлайдики: “Ташлаб қўйилган мулклар бошқарув менежменти учун муаммоларни келтириб чиқаради”, яъни бошқарув ва менежерларни назорат қилиш учун салбий механизм ҳисобланади деган фики муҳим ахамият касб этади. Учинчи даври Голландияда ҳам Голландия Ост-Индия савдо компанияси бўлиб, бирнчи марта мулкдорлар ўз мулкини бошқариш ва назорат қилиш жараёнлари ёки мулкдорнинг функциясидан четланиб қолиши содир бўлди. Шунда ушбу муаммони бартараф қилиш мақсадида Директорлар Кенгаши тузишга олиб келди. Диреткорлар кенгаши таркиби 17 кишидан иборат бўлиб, Нидерланидиянинг 6 штатидан аъзолар

[1] http://invest.gov.uz

ташкил қилган. Ушбу компаниялар фаолиятини қонуний ривожлантириш бўйича тегишли тартибда турли мамлакатларда норматив-хуқуқйиё хужжатлар қабул қилинди.

Хозирги Европа Итифоқига кирувчи мамлакатларда 1968 йилда биринчи бўлиб «Компаниялар тўғрисида»ги қонун қабул қилди. Буюк Британия давлатида 1990 - йилларнинг бошида – тадбиркорлик империацияси инқирозга учради. Буюк Британияда келишмовчиликлар юзага келди: бир қатор компаниялар (Polly Peck, BCCI, Maxwell), акциядорларни алдаш билан шуғулланганликлари ва корпоратив бошқарувнинг амалиётда инвесторларни ҳимоялашни такомиллаштириш кераклигини кўрсатди. Натижада Кэдбери қўмитаси 1992 йил биринчи марта корпоратив бошқарувнинг молиявий жиҳатлари бўйича кодексни нашр этди. (Буюк Британия). 1993 йилдан бошлаб Буюк Британия фонд биржасидаги листингга кирган компаниялар кодекс қандай бажарилаётганлиги ҳақида ҳисобот бера бошлади.

Замонавий бошқарув тамойилларидан бири - бу корхоналарда вақти-вақти билан бошқарув ва ишлаб чиқариш таркибини қайта ташкил қилиш тамойилидир. Амалиётнинг кўрсатишича, ташкилотда янгиликларни бошқарувда киритиб бориш жуда муҳим саналади. Бу каби қайта ташкил қилиш ҳар 2-3 йилда, ҳозирги шароитда эса ундан ҳам тезроқ, 1-2 йилда ёки доимий амалга оширилиши талаб этилади. Бошқарувда янгиликларни жорий эта билмаган корхоналар ўз обрўларини йўқота борадилар, бозорда ўз ўринларини кучлироқ рақобатчиларга бўшатиб беришга мажбур бўладилар.

“Корпоратив бошқарув” тушунчасига ягона таъриф мавжуд эмас. Жаҳон банкининг таърифига кўра корпоратив бошқарув – қонунчилик, меъёрлар ва ҳусусий секторнинг мос равишдаги амалиётининг шундай бирикмаси тушуниладики, улар компанияга молиявий ва инсон ресурсларини жалб қилиш, самарали фаолиятни олиб боришга имконият беради ва оқибатда акциядорлар, бошқа манфаатдор шахслар ва жамиятнинг манфаатларига риоя қилинган ҳолда ўз акциядорлари учун узоқ муддатли иқтисодий қийматни кўпайтириш орқали ўзининг мавжудлигини сақлаб қолишни таъминлайди.

Корпоратив бошқарув асосий тип бўлиб ажралиб туради, бошқариш объекти сифатида у ўз ҳусусиятларига эга ҳисобланиб, бошқарув акциядорларнинг фойдасини кўзлаган ҳолда амалга оширилади ва корпорацияларнинг ривожланишини таъминлаш, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳисобга олиш, корпорация стратегиясига асосланган ҳолда акциядорларнинг ўзаро муносабатларини ривожлантиришга қаратилган бўлади. Бундай бошқарув натижасида корпоратив маданияти вужудга келади ва тартиб қоидаларнинг тамойиллари, урф-одатлари ва уларни олиб бориш тартиблар комплекси шаклланади.

«Корпоратив бошқарув» тушунчасининг моҳиятини очиб беришда бир неча тадқиқотчи-олимларнинг фикрларини келтириб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз. Айрим олимларнинг фикрича[1], «Мулкдорлар ва бошқа

[1] Хессель М. Корпоративное управление. М.: ИНФРА-М. 1996.

манфаатдор шахсларнинг корхона фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш билан боғлиқ ўзаро муносабатлари корпоратив бошқарув ҳисобланади». Ушбу таърифда корпоратив бошқарув вазифаси фақат корхона фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш билан чегараланган. Бошқарувдаги тамойиллар, корхонанинг мақсади ва вазифалари кўзда тутилмаган.

Мамлакатимиз олимлари ҳам «корпоратив бошқарув» атамасини изоҳлашга ҳаракат қилишган, булар ичида қуйидаги таъриф эътиборга лойиқ: «Корпоратив бошқарув – бу корпорация мулкдорларининг корпорация капиталини шакллантиришга, ундан фойда олиш мақсадида янада самарали фойдаланишга ҳамда олинган даромадларни корпоратив муносабатларнинг барча иштирокчилари ўртасида адолатли тақсимлашга қаратилган стратегик муҳим қарорларни белгилаш, таърифлаш ва қабул қилишга доимий ва реал таъсирни таъминлашдаги онгли, бевосита иштирокидир»[1]. Таърифнинг илмий асосланганлигини таъкидлаган ҳолда, унда Ўзбекистон бизнес муҳитининг ўзига хос жиҳатлари тўлиқ инобатга олинмаганлигини қайд этиш мумкин.

Бошқа бир муаллифлар гуруҳининг назарида[2] «корпоратив бошқарув» тушунчаси «корпорация» тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ дейилган, аммо корпоратив бошқарувни фақат корпорацияларни бошқариш деб тушуниш унчалик тўғри эмас. Ҳозирда «корпоратив бошқарув» ибораси нисбатан кенг маънода ишлатилиб, корхона фаолиятини юқори даражада ташкиллаштириш ва ўзига хосликка эга бўлган бошқарувни назарда тутади. «Корпоратив бошқарув» тушунчаси унинг моҳияти жиҳатидан ҳали кўпчилик учун мунозарали бўлиб қолмоқда. Бу тушунчанинг аниқ таърифи бўлмагани ҳолда, мутахассислар корпоратив бошқарувнинг муҳимлиги ҳақида мунозараларни давом эттиришлари мумкин.

«Корпоратив бошқарув – корхона менежерлари ва эгалари ўртасида корхона фаолияти самарадорлигини таъминлаш ҳамда мулкдорлар ва бошқа иштирокчилар манфаатларини ҳимоя қилишга оид муносабатлар тизимидир»[3]. Бу ерда ҳам корпоратив бошқарувнинг маълум бир ҳуқуқий асосга эга бўлиши, хўжалик фаолиятини назорат қилиш, ахборот бериш ва бошқа элементлари инобатга олинмаган.

«Корпоратив бошқарув» тушунчаси илмий ва амалий билимлар соҳаси ҳамда корпорация кўринишидаги йирик корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш билан боғлиқ амалий фаолият соҳасини ўз ичига олади», – деб ёзади яна бир муаллиф[4]. Бу таърифда корпоратив бошқарув корпорация ва бошқа кўринишдаги йирик корхоналарни назарда тутади. Аммо корпоратив бошқарув кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳам бошқаришни назарда тутиши керак.

Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлиги уларнинг бошқарув стратегиясига ҳамда тўғри белгилаб олинган бизнес мақсадга боғлиқ бўлади.

---

[1] Хамидулин М.Б. Корпоратив стратегияларни молиялаш усул ва стратегиялари/ «Корхонани бошқариш» журнали, 5-6-сон. – 4-14 б.

[2] Акционерное дело: Учебник / Под ред. Галанова В.А. – М.: Финансы и статистика, 2003.

[3] Масютин С.А. Корпоративное управление: опыт и проблемы: Монография. – М.: ООО «Финстатинформ», 2003. – 33 с.

[4] Кукура С.П. Теория корпоративного управления. – М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2004. – 478 с.

Республикамиз Ш. Зайнутдинов ва Д. Рахимовалар[1] “Корпоратив бошқарув – манфаатдор шахсларнинг даромад олиш мақсадида биргаликдаги ҳаракатларидир” деган таърифни келтиришган бўлса, бундан ташқари корпоратив бошқарув муаамоси етакчи олимлардан Д.Х. Суюновнинг[2] илмий изланишларида батафсил ва кенгроқ ёритилганлиги кўриш мумкин. Корпоратив бошқарув – бу корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи амалдаги меъёрлар, ҳамда бошқарувнинг маълум бир тамойиллари асосида корхона мақсадига эришиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуидир.

«Корпоратив бошқарув» тушунчаси илмий ва амалий билимлар соҳаси ҳамда корпорация кўринишидаги йирик корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш билан боғлиқ амалий фаолият соҳасини ўз ичига олади», – деб ёзади яна бир муаллиф[3].

Бошқарув психологияси нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, корпоратив бошқарув корпоратив маданиятни шакллантиришга қаратилган бошқарув тизими сифатида ҳам қаралади. Яъни у бошқарувнинг умумий анъаналари ва хулқий тамойиллари мажмуини ўз ичига олади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг корпоратив бошқарув тамойилларида “корпоратив бошқарув” тушунчасига компания маъмурияти, унинг бошқаруви, акциядорлари ва бошқа манфаатдор шахслари орасидаги муносабатлар мажмуаси деб таъриф берилган.

Бошқа таърифларга биноан, корпоратив бошқарув бу:

-компания фаолияти самарадорлигини таъминлаш ва мулкдорлар, ҳамда бошқа манфаатдор шахслар (компания ходимлари, кредиторлар, ҳамкор корхоналар) манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича компания менежерлари ва эгалари (акциядорлари) ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими;

-корпоратив мулкнинг эгалари назоратидан бевосита узоқлаштирилиши оқибатида юзага келган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган барча қонунлар, меъёрлар, низомлар, тадбирлар ва тартиблар;

-компанияни самарали бошқаришни ташкил қилишда асосий манфаатдор шахсларнинг манфаатларини бирлаштиришни амалга оширилувчи ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий тадбирлар мажмуаси.

Бундан ташқари мамлакатимизда 2015 йилнинг 31 декабрида Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизмини такомиллаштиришнинг ишчи комиссияси томонидан қабул қилинган “Корпоратив бошқарув кодекс” и қабул қилинди ва кодексда ҳам корпоратив бошқарувга қўйидагича таъриф берилган: Корпоратив бошқарув – бу акциядорлик жамияти (АЖ) ижроия органи, унинг кузатув кенгаши, акциядорлари, меҳнат жамоаси вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар, жумладан кредиторларнинг манфаатларнинг мувозанатига эришиш мақсадида, АЖ фаолиятини самарали ташкил этиш,

[1] Зайнутдинов Ш.Н., Раҳимова Д.Н. Корпоратив бошқарув асослари. – Т.: Академия, 2007. – 48 б.
[2] Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Тошкент, Академия нашриёти, 2017 йил, 315 бет.
[3] Кукура С.П. Теория корпоративного управления. –М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2004.- с.478.

модернизациялаш, ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик қайта қуроллантириш қаратилган ўзаро муносабатлар тизимидир[1].

Юқорида келтирилган таърифлардан фойдаланган ҳолда фикримизча, «Корпоратив бошқарув» тушунчаси мазмунини қуйидагича очиб бериш мумкин: Корпоратив бошқарув – бу акциядорлар, инвесторлар ва акциядорлик жамиятининг фаолиятидан манфаатдор бўлган барча субъектлар (сейкхолдерлар) ҳуқуқларини, мафаатларини ва уларнинг тенглигини таъминлашга ва химоя қилишга қаратилган, акциядорлоик жамиятининг олдига қўйилган вазифа ва функциясини бажариш орқали максимал фойда олишга қаратилган харакатлар мажмуасига ёки йиғиндисига тушунилади

Демак хулоса қиладиган бўлсак, корпоратив бошқарувнинг моҳияти акциядорларга корхона қийматини ошириш учун менежмент фаолиятини самарали назорат қилиш ва мониторинг юритиш имкониятини беришда, назорат бошқарувнинг ички тартиб усуллари ҳамда ташқи ҳуқуқий ва тартибга солиш механизмларини ҳамда жахон тажрибасидаги корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартларини жорий қилишнинг хучучий асосларини назарда тутади.

Шундай қилиб, акциядорлик жамиятларида корпоратив менежмент ва корпоратив муносабатларнинг замонавий стандартларини жорий қилишнинг ҳозирги аҳволини ҳисобга олиб, корхоналарда корпоратив бошқарув ва менежментни такомиллаштиришнинг биринчи ўриндаги вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин бўлади:

- кузатув кенгаши аъзолари, бошқарувчилар томонидан ҳамда акциядорларнинг ўзи томонидан ҳам корпоратив ҳуқуқнинг мазмун-моҳияти ва имкониятларини чуқур англаб етилиши;

- бевосита акциядорлик корхоналари бошқарув фаолиятини тартибга солувчи тўлиқ меъёрий хужжатлар пакетини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

-акциядорлик жамиятлари ишини онгли бошқаришга акциядорларнинг кенг доирасини энг юқори даражада жалб қилиш;

-корхоналар фаолиятининг акциядорлар ва инвесторлар учун максимал очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш;

-акциядорлик жамиятлари бошқарувининг юқори ва ижро органлари ўртасидаги ўзаро таъсир даражасини ошириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлари ва усулларини жорий қилиш йўлларини ишлаб чиқиш бўлиб ҳисобланади.

[1]“Корпоратив бошқарув кодекси”- № 9 сонли баённома, 31- декбрь 2015 йил.

Сафиуллин А.Ф. *– ОБМ мустақил изланувчиси*

АВИАКОМПАНИЯЛАР МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МУВОЗАНАТЛИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда ҳар қандай компания ўз фаолиятини ташқил қилишида, асосий мақсади фойда олиш, ўсиш ва кенгайиш бўлади. Аммо бозордаги кучли рақобат шароитида компанияни сақлаб қолиш ва ўсиши учун у кўпроқ мижозларга эга бўлиши ва мижозлар нега айнан шу компания маҳсулотлари ёки хизматларини танлашларини асослаши зарур. Бундай шароитда компания асосий мақсади мижозлар манфаатига хизмат қилиш ва улар талаблари қондириш бўлиб, фойда олиш эса якуний натижа сифатида қолади. Яъни компания мақсади фойда олиш учун эмас, балки фойдага олиб борувчи омилларга йўналтирилган бўлади. Бундай йўналиш мижозга йўналтирилганлик ҳисобланади.

Мижозга йўналтирилганлик - бошқарувни ва ишчиларни ўз мижозларининг ўзгарувчан истаклари ва эҳтиёжларига эътибор қаратишини талаб қиладиган бизнес моделидаги стратегиясидир. Бошқача қилиб айтганда, мижознинг истаклари ва эҳтиёжлари барча менежмент ва ишчиларнинг биринчи ўриндаги устуворлигидир.[1]

Авиакомпаниянинг мижозларга йўналтирилган фаолияти авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари техник талабларига мос хизмат кўрсатадиган инфраструктура ва техник муҳандислар хизматини таклиф қилиш ва авиакомпаниялар олиб келадиган йўловчиларга аэропорт ҳудудида қулай шарт шароит яратиш, юк жўнатувчи ва қабул қилиб олувчилар учун юкларга тез ва сифатли ишлов бериш ҳисобланади. Бундай йўналтирилган аэропорт бошқаруви мураккаб тизимли жараёнларни бошқаришни талаб қилади.

Компания стратегиясини тўғри ишлаши, назорат қилиниши, ўлчаш тизимларида кўп тўсиқларга дуч келади. Бунинг учун тарихий молиявий рақамларни келажакда эришиладиган ютуқлар самарадорлилиги ва натижавийлигига олиб борувчи рақамлар билан мувозанатлаштирадиган, шунинг дек номоддий активларни ишлатадиган тизим керак. Ушбу мураккаб муаммоларга жавоб берувчи восита мувозанатли кўрсаткичлар тизими (Balanced ScoreCard) ҳисобланади. Мувозанатли кўрсаткичлар тизимини жорий этиш компания стратегик мақсадларни кенг кўламда амалга оширади.[2]

Молиявий кўрсаткичлар мувозанатли кўрсаткичлар тизимининг муҳим таркибий қисмидир. Бунда кўрсаткичлар ва тадбирлар танланган стратегияни амалга оширишда ва истиқболда самарали ва натижали йўналишга олиб

[1]Latyshova L., Syaglova Yu., Oyner O. The customer – oriented approach: the concept and key indicators of the customer driven company // Dubrovnik International Economic Meeting. – 2015. – № 1. Vol. 2.
[2]Paul R. Balanced scorecard step-by-step. Maximizing Performance and Maintaining Results. USA: Wiley, 2006.

бораяптими йўқми шуни кўрсатади. Барча куч ва имкониятларни мижозлар эҳтиёжини қондиришга, сифатни яхшилашга, вақтида хизмат кўрсатишга йўналтириш орқали компаниянинг молиявий кўрсаткичларига таъсир ўтказиб даромадини ошишига олиб келади. [1]

Мувозанатли кўрсаткичлар тизими компанияларга учта асосий муаммоларни ечишда: компания иш фаолиятини самарали ўлчашга, номоддий активларни баҳолаш ва фойдаланишга ва стратегияни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

Анъанавий бизнес фаолиятининг ўлчов кўрсаткичи молиявий кўрсаткичлар ҳисобланади. Бироқ сўнгги йилларда бизнес фаолиятнинг молиявий кўрсаткичлари асосий ўлчов кўрсаткичи сифатида қаралмаяпти. Компания биснес фаолиятининг асосий кўрсаткичи сифатида мижозларга қайта сотувнинг сони қаралмоқда.[2] Танқидчиларнинг таъкидлашича, молиявий чоралар бугунги бизнес муҳитига мос келмайди, прогнозлаш кучига эга эмас.

Мувозанатли кўрсаткичлар тизимининг афзаллиги натижаларини баҳолашнинг молиявий кўрсаткичлари ва стратегик мақсадларга эришиш даражаси билан чекланмаганлигидир. Мувозанатли кўрсаткичлар тизими молиявий фаолият натижаларини ошириш билан бир қаторда, компаниянинг бозорда ишлаш самарадорлигини, компания ички жараёнларининг оптималлигини ва инсон ресурслари ҳолатини баҳолашга имкон беради.

Мувозанатли кўрсаткичлар тизимининг мантиқий жиҳати шундаки, номолиявий кўрсаткичларнинг салбий ўзгаришларини ўз вақтида бартараф этиш молиявий кўрсаткичларнинг ёмонлашувига йўл қўймасликка ва компанияни асосий молиялавий мақсадига эришишга ёрдам беради. Бунинг учун мутлақо табиий асос бор: агар компаниянинг иши фақат молиявий кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил этилса, салбий тенденциялар мавжуд бўлганда, бирор нарсани ўзгартиришга жуда кеч бўлган бўлади. Шуни таъкидлаш кераки, мувозанатли кўрсаткичлар тизими стратегияни ишлаб чиқадиган тизим эмас, балки бу стратегияни амалиётда амалга оширадиган воситадир.

Мувозанатли кўрсаткичлар тизими бизнес фаолиятини шакллантириладиган барча омилларнинг битта тизимга боғлашга имкон беради.


Авиакомпанияларнинг ривожданишида молиявий барқарорликка эришиш учун мувозанатли кўрсаткичлар тизимини жорий этиш аэропорт фаолиятининг барча йўналишларини мувофиқлаштириш ва кўрсаткичларни ўз вақтида сифатли бажаришга асосий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Мувозанатли кўрсаткичлар тизими асосида ишлаб чиқилган йўналишларнинг узвий боғлиқлигини 1 расмда ифода қилиш мумкин. Ушбу

[1]Schaltegger S., Florian L. The Sustainability Balanced Scorecard Concept and the Case of Hamburg Airport // Leuphana Universität Lüneburg, 2011.


[2]Адизес И.К. Международная конференция: Пут к успеху современной компании / Подход методологии И.Адизеса. // Макс Медиа, - 2011.

расмда авиакомпанияларнинг миссияси ва унинг стратегик ривожланишини таъминловчи кўрсаткияларни келтириш мумкин.



1-расм. Мувозанатли кўрсаткичлар тизими асосида ишлаб чиқилган йўналишларнинг узвий боғлиқлиги

Бугунги кунда мувозанатли кўрсаткичлар тизими асосида ишлаб чиқилган йўналишларнинг узвий боғлиқлиги ва кетма кетлигини қўйидаги такомиллаштирилган кетма кетликда яъни 2 - рамда ифода қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.



2 - расм. Мувозанатли кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқишнинг такомиллаштирилган кетма-кетлиги[1]

[1]Бурцева К. Рекомендации по разработке и внедрению финансового аспекта сбалансированной системы показателей // «Экономика и экономические науки», - 2015. асосида муаллиф томонидан такомиллаштирилган.

Мувозанатли кўрсаткичлар тизимини компанияда жорий этишнинг умумий кетма-кетлиги:

1. Стратегияга асосан стратегик таҳлил. Стратегик таҳлил Мувозанатли кўрсаткичлар тизимини яратилишида мажбурий қадам.

Стратегик таҳлил босқичининг мақсади – бизнес фаолиятининг стратегик йўналишини такомиллаштириш ва батафсиллашдир. Бу икки даражада амалга оширилади: компаниянинг миссияси ва фаолияти; мувозанатли кўрсаткичлар тизимининг алоҳида соҳалардаги функционал стратегиялари: Молия, Истеъмолчилар, Ички жараёнлар, Ходимларни ўқитиш ва ўсиши. Стратегик режалаштиришнинг бошланғич нуқтаси аэропортнинг миссиясини тузишдир.

Компаниянинг миссияси бу копманиянинг пул топишдан ташқари, унинг мавжуллигининг маъносидир. Миссия – копмапия ишчилари хизмат қиладиган иш. Миссия компаниянинг бизнес қадриятлари, эътиқоди ва тамойилларини шакллантиради, компания мақсадини, унинг бозордаги жойлашувини акс эттиради (бозорнинг бошқа иштирокчиларидан фарқли равишда), жамиятдаги ўрнини аниқлайди. Бу компаниянинг стратегик маъносини беради, мукаммаллик орзусини яратади ва ходимларни рағбатлантириш учун платформа бўлади.[1]

Ҳаво транспорти ишлаб чиқариш жараёнининг нормал ривожланишида, аэропортлар доимий ўзларининг салоҳиятини ошириш, яхшилаш, нархларни пасайтириш, етарли имкониятлар ва хизмат кўрсатиш сифати юқорилилиги билан авиакомпаниялар ва йўловчилар учун жозибадорликни таъминлашга "маҳкум".[2] Миссия узоқ муддат учун тузилади. Шу жумладан, стратегик мақсадлар аэропортнинг турли соҳалари фаолиятида мавжуд ва келгусида бўладиган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Авиакомпания хизматларини муайян турдаги хизматларга ажратиш хизматининг салоҳиятини самарали амалга ошириш ва аэропорт умумий даромадларини ошириш имконини беради. Аэропорт хизматларини ажратиш аэропортнинг стратегиясини авиакомпаниялар, йўловчилар ва юк жўнатувчилар талабларидан келиб чиққан ҳолда ажратиш ва максимал қондиришга йўналтиришни англатади.

2. Мақсадлар ўртасидаги алоқаларни аниқлаш. Мувозанатли кўрсаткичлар тизимида стратегик мақсадлар қисқача ва аниқ ифодаланган бўлиши учун мақсадлар ўртасидаги алоқаларни, мазмуни ва асоси аниқланади. Бунинг учун ҳар бир стратегик мақсад учун қисқача (3-4 қатор) шарҳ тузилади. Бу мақсадни нима учун стратегик деб ҳисобланашини аниқлаш муҳимдир. Шу билан бирга, компаниянинг мақсадлари орасидаги барча мумкин бўлган алоқаларни таҳлил қилиш, улар ўртасида сабаб ва таъсирни ўзаро боғлаш ва бунинг натижасида мақсадлар умумий тизими тасвирланади. Натижада

[1]Макрушина Н. Роль миссии и видения организации // Международный научный журнал «Инновационная Наука», - 2016. - №11-1.
[2]Сидоров Д.А. Инновационный менежмент. М.: МГТУ ГА, 2007.

танланган стратегияни қондириш учун компаниянинг ўзи амалга ошириши керак бўлган аниқ йўлни тасфирлашга имкон беради.

3. Сабаб-оқибат занжирини тузиш. Сабаб-оқибат занжири бар бир бажариладиган қадамнинг нима натижаларга олиб келишини ва бир натижага чиқиш учун нима асосий омил бўлиб хизмат қилишини кўрсатувчи жадвал бўлиб, унинг ёрдамида компания стратегиясига эришида асосий бажарилиши керак бўлган ишлар тизимлаштирилади.

– **Стратегия харитасини ишлаб чиқиш.** Стратегия харитаси стратегик мақсадлари ва улар ўртасидаги муносабатларни акс эттиради. Мувозанатли кўрсаткичлар тизими методологиясини яратувчилари Д. Нортон ва Р. Каплан корпоратив стратегияни муносабатлар занжири сифатида таъриф берди. Стратегия харитасини ишлаб чиқиш босқичида яхши натижаларга эришиш учун бир нечта қоидаларни қўллаш фойдали бўлади.[1]; фақат энг муҳим алоқаларни танлаш керак; алоқаларини кўчирмаслик: А ва Б мақсадлари уланган ва Б ва С уланган бўлса, А ва С мақсадларини улашнинг ҳожати йўқ, бу схеманинг мантиғига ҳеч нарса қўшмайди; кесишган уланишни чизмасликка ҳаракат қилиш керак. Бундай схемани одатда кераксиз уланишлар бўлмаса чизиш мумкин.

Шуни эсда тутиш керакки, стратегиялар харитаси коммуникатив функцияни бажаради, яъни. барча манфаатдор томонларга компания стратегиясининг маъносини очиб беради, шунинг учун стратегиялар харитаси аниқ ва ишончли тасфирланган қилиб яратилиши керак.

4. Самарадорлик муҳим кўрсаткичларини танлаш. Самарадорлик муҳим кўрсаткичлари стратегик мақсадларни аниқ ифодалаш, шунингдек мақсадга эришиш даражасини аниқлаш учун керак. Стратегик мақсадларни ўлчаш орқали белгиланган йўналишда бошқариладиган объект ривожланиши таъминланади. Қўйилган мақсадларга эришиш даражасини тушиниш учун ҳар бир стратегик мақсадга иккитадан ортиқ (кам ҳолларда, учта) самарадорлик кўрсаткичдан фойдаланиш тавсия этилади.

"Тўғри" самарадорлик муҳим кўрсаткичларини танлашнинг асосий мезонлари қуйидагича: ушбу самарадорлик муҳим кўрсаткичлари асосида кўзланган мақсадга эришиш даражасини баҳолаш мумкинми? танланган самарадорлик муҳим кўрсаткичларини аниқ изоҳлаш мумкинми? танланган самарадорлик муҳим кўрсаткичлари қийматини ҳисоблашнинг аниқ имконияти борми? танланган самарадорлик муҳим кўрсаткичлари учун масъул шахс унинг қийматига сезиларли даражада таъсир қилиши мумкинми? қисқа муддатли ёки узоқ (2 йилдан ортиқ) муддатли истиқболда - танлантган кўрсаткичнинг қийматига таъсир қилиши мумкинми?

5. Стратегияни бажарилишини назорат қилиш. Мувозанатли кўрсаткичлар тизимида шакллантирилган стратегияни узоқ муддатда амалга оширилишини таъминлаш учун мувозанатли кўрсаткичлар тизимини бошқарув тизимига мувофиқлаштириш керак. Мувозанатли кўрсаткичлар

[1]Каплан Р., Нортон Д. Сбалансированная систнма показателей. М.: Олимп-Бизнес, 2010.

тизимини бошқарув тизимига мувофиқлаштириш компания бўлимлари ўртасида маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Маълумотлар билан ишлашни самарали ташкил этиш информацион технологияларсиз иложи йўқ.

Жорий самарадорлик муҳим кўрсаткичлари қийматларини аниқлаш. Танланган кўрсаткичларнинг эришиладиган мақсадга мувофиқ келиши учун кўрсаткичларнинг жорий қийматларини аниқлаш ва таққослаш учун асос яратиш керак. Агар мувозанатли кўрсаткичлар тизимига киритилган самарадорлик муҳим кўрсаткичларининг кўпчилиги компания учун янги бўлса ва уларнинг қийматларини аниқлаш учун маълумотлар бўлмаса, мувозанатли кўрсаткичлар тизимини амалга ошириш анча мураккаблашади. Бенчмаркинг маълумотлари - ички, саноат ёки бозор стандартлари билан таққослаш мақсад кўрсаткичлари қийматларни аниқлаш учун асос бўлиши мумкин. [1]

Агар жорий қийматларни ҳисоблаш имкони бўлмаса ва бенчмаркинг маълумотлари йўқ бўлса, компания экспертлар хизматидан фойдаланиши мумкин. Дастлабки олинган кўрсаткичлар қиймати маълумотлари келажакда кўзланаган кўрсаткичларга эришиш учун асос бўлади.

Аэропортлар замонавий шароитда ривожланиши учун яшаш стратегиясидан янгиланиш ва ўсиш стратегиясига ўтиш имкониятларини топиш керак. Ушбу мақсадларга эришиш учун инновацион тадбиркор сифатига эга бўлган мутахассислар талаб қилинади.[2]

Меҳнат ресурслари ҳар қандай ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида муҳим омилларидан биридир. Уларнинг ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш компаниялар хўжалик фаолиятининг якуний натижаларига тўғридан-тўғри таъсир қилади.[3]

Ходимларнинг ўзаро ўртасидаги муносабатлари, компания мижозлари ва ҳамкорлари билан мулоқотларининг самаралилиги компания қийматлари билан узвий боғлиқдир. Ходимлар бошқаруви нуқтаи назаридан корпоратив тамойиллар энг муҳим асосий ўрини эгаллайди.[4]

Компаниянинг барқарорлиги ва фаровонлиги гарови компания барча ходимлари, энг паст даражадан юқори лавозимга қадар, қайси йўналишда ҳаракат қилаётганини аниқ билишлари, барча ходимларнинг ишлаши учун асосий мақсад нимадан иборат эканлигини онгли ҳис қилишларидир. Шу асосда, компаниянинг қадриятлари шакллантирилади.

Асосий қадриятлар миссияни қўллаб-қувватлайди ва компаниянинг маданиятни шакллантиради. Қадриятлар компаниянинг ўзига хослиги - тамойиллари, эътиқоди ёки фалсафасини кўрсатади.

---

[1]Комлев М. Применение сбалансированной системы показателей как инструмента обеспечения качества в организациях государственного сектора // Санкт-Петербургский государственный экономический университет Теория и Практика Общественного Развития, - 2015. - №19,. - с.72.

[2]Медынский В. Инновационный менежмент. М.: ИНФРА-М, 2002.

[3]Шеина И., Сибилева Е. Оценка кадрового состава АО «Аэропорт Якутск» // Молодой ученый. - 2017. - №5. -с. 264-268.

[4]Бутов А. Принципы мотивации персонала и корпоративные ценности компании Икеа. М.: // Вестник РЭУ им. Г. В. Плеханова. – 2017. - №6 (96). - с.128-132

Хулоса қиладиган бўлсак, мувозанатли кўрсаткичлар тизимини компания мақсадларига эришини таъминлайдиган ўзаро боғлиқ бўлган қуйи поғоналарда амлага оширилиши керак бўлган ишларни бажарилишини режалаштирилганига нисбатан қай ҳолатдалигини назорат қилиб бориш тизими сифатида кўришимиз мумкин. Лекин мувозанатли кўрсаткичлар тизимини самарали ташкил этиш учун стратегияга эришини таъминлайдиган тўғри сабаб-оқибат йўналишларни танлаш ва уларга мос бошқариладиган самарадорлик муҳим кўрсаткичларини аниқлаб олиш керак.

Mukhamadieva A.R. *- Student of GSBE*

FEATURES OF PROJECT MANAGEMENT IN EDUCATIONAL SYSTEMS

An important characteristic of the modern educational space is a rapid change in priorities and a change in the mission of a person in an updated system. In this regard, educational organizations should update their own activities, focusing on mobility, flexible response to system challenges and rational use of all types of resources. Considering the modern requirements for the educational system, we see that its role in society is becoming more and more significant: more and more often the educational system is viewed as a regulatory of society, setting certain standards of behavior and social control over the actions and deeds of an individual; the axiological functions of the educational system are strengthened, it is entrusted with the functions of forming the value system of society. In addition, the educational system, on the one hand, integrates the interests of society, reflecting its development, and on the other hand, forms a forecast of the future, setting priorities for social growth. In these conditions, the functions of the educational system are becoming more complicated, forming the multiplicity of activities of all elements of the educational system, the requirements for the flexibility of the organizational structure and mobile response to various environmental factors are increasing.

At the same time, examining the conditions of the functioning of educational systems, one can observe a noticeable complication of external requirements both on the part of regulatory organizations and constituent bodies, and on the part of consumers of educational services: global competition, limited financial and human resources, the need for continuous improvement of activities.

Educational systems are in search of new forms and ways of organization their own activities aimed at optimizing their activities and increasing their own mobility due to high manageability, creating favorable conditions for cooperation of employees within the organization and the formation of a continuous educational process. Most modern researchers note that one of the features of management of the educational system at the present stage is a departure from traditional forms of organizational structure, restructuring of structures in accordance with the requirements of high efficiency in solving issues, creating conditions for participation in decision-making by all members of the workforce. It is widely

accepted that barriers indicated for universities constrain the planning and realization of university-based projects, but they are rarely systematically dealt with. It is therefore important to develop effective project management systems for universities to facilitate the organization of projects, the reporting of their progress, and, ultimately, their successful conclusion. Specialists of project management suggest that successful project management requires, among others, planning with a commitment to complete the project, careful appointment of a skilled project manager, spending time to define the project adequately, correctly planning the activities in the project, and ensuring correct and adequate information flows [1]. Improvements to project management in universities should be implemented at both the entity level (i.e., university level) and the level of the project itself (i.e., project cost management [2, 3], project time management [5], and project risk management [8].

Rethinking the development of the educational system, its perception as a complex socio-pedagogical system, taking into account objective factors of its development leads to a new systemic vision of management, the search for new, more effective mechanisms for organizing activities. One of the leading management approaches is the project approach. It meets the requirements of flexibility and versatility; its use allows for quick maneuvers in conditions of limited resources.

The modern concept of educational project management is based on the concept of "project", which has a number of specific properties. The concept of "project" unites a variety of activities characterized by a number of common features, the most universal of which are: focus on achieving certain unique goals and specific results; coordinated implementation of numerous, interrelated actions; limited duration in time, with a certain beginning and end. An educational project as a system of activity exists for exactly as long as it takes to get the final result. The concept of the project should be compatible with the concept of the development of an educational institution and not only not contradict it, but become the main form of activity.

Analyzing the essence and content of project management, we see that it is an open dynamic system that consists of interconnected elements, interacts with the environment, receiving the necessary resources from it and providing it with the results obtained, and is also under the influence of various risk factors. Thus, four basic controls of any project can be distinguished [6]:

1) work;
2) resources;
3) results;
4) risks.

These basic elements can be called the main objects of project management.

Jobs are labor processes aimed at achieving results and requiring the necessary time and resources. Works should include activities for the creation of material objects (production work), intellectual information products (research work), activities for the development and transmission of control actions and feedback

(decisions and reports), activities for the movement of material objects, such as resources (supplies) [4, 6, 7].

Resources should be understood as a set of objects necessary for the performance of work [6]. There are three main groups of resources used in project management:

1) human resources – subjects of activity, united in systems of interaction with each other and other resources. In relation to each other, human resources can also be objects of activity. From an economic point of view, human resources transfer their value to the results of labor gradually, while creating added value. Human resources include managers and employees;

2) material resources – means and objects of activity used to perform work. The means of activity transfer their value to the results in the course of work gradually. The objects of activity completely transfer their value to the results of work, as a rule, changing their natural form and being materially present in the results of work. The means of activity include machines and mechanisms (active means), buildings and structures (passive means). The subjects of activity include materials and components;

3) information resources – control actions directed by the subjects of activity to the objects of activity that determine the goals and results of work.

Information resources act both as means and as objects of managerial activity. They should include design solutions, models, management teams (orders, orders, tasks), accounting documentation, etc.

Results are products of activities (works) that embody previously set goals. The results can be: tangible (products, products) and intangible (informational – documents, social effect); direct and indirect;

intermediate and final. In addition, the environment, as well as the internal environment, is a source of various kinds of disturbances that directly or indirectly affect the educational system as a whole and the project and its components separately.

Risk management should be considered as an activity to manage the interaction of the project and risk factors, with the aim of minimizing deviations from previously made decisions. Because of this, risks, defined as a set of probabilistic interactions of the project with independent environmental and internal factors, can be designated as a basic element of project management. All four basic elements of project management are in interaction with each other: resources are used during the execution of work, during the execution of work are created results, the results contain the material and economic substrates of resources. Risks affect resources, work, and results. The project affects the environment, risks and the educational system as a whole. In the existing literature on project management, it is customary to distinguish various types of project management processes (such as initiation, planning, control, etc.).

Within the framework of project management, a holistic view of the management decision-making process has developed. Unlike traditional management, the decision-making process in project management includes not only

the choice of one of the available models, but also the activity of creating possible models. Thus, management decision–making is an integral process in which the implementation of all types of management activities is required, starting with planning and ending with control. Project management emphasizes the importance of collegial decision-making.

Analyzing the features of project management at the university, exploring the specifics of project management, we can identify the following features relative to the traditional management system:

- project management is more focused on meeting the needs of citizens, society and the labor market in quality education, flexibly responds to changing needs and the emergence of new requests;
- the project approach stimulates the improvement of the quality of educational services for by improving educational technologies and economic mechanisms in the field of education;
- there is a stimulation of personal activity of teaching staff due to involvement in project activities, personal responsibility for the result of work is formed, the mechanisms of motivation of teachers and management are improved;
- there is an effective promotion of innovations in the educational environment of the university, the inclusion of the results of innovative activities in the functional work;
- at the level of the educational process, there is an update of methods and tools, educational activities, involvement of students in project activities, joint work aimed at obtaining practical results.

Analyzing the practice of any local university, we can assume that the introduction of project management can significantly optimize the activities of the entire institution, free up resources for the implementation of not only current activities, but also the implementation of promising development-oriented projects.

Considering the implementation of project management at the university and at the level of structural units and management subsystems, we can note that each of these subsystems interacts with the basic elements in different ways.

Project management has a special effect at the personnel management level. Considering the staff as the main and most valuable resource for the implementation of activities and relying on the positions of project management, the university could take a number of actions aimed at stimulating and supporting the development of personnel. The result of such developments would be the introduction of a system for evaluating employees according to KPI indicators, the introduction of a rating system for evaluating and financially stimulating teaching staff, and the streamlining of professional development and staff development activities. As a result, it would be possible to get an increase in individual performance indicators in terms of publication activity and scientific work, to form research teams implementing long-term projects.

A modern educational organization of higher education, which switches to project management, most often has to manage not one, but several projects at the same time, which can be combined into a multiproject. At the same time, sometimes

managing multiple projects does not imply the formation of an upper integral level that would combine simultaneously executed projects. In such conditions, the organization is forced to solve many issues related to restrictions on production, financial, time and other opportunities and requirements imposed by the state, social partners and consumers.

Thus, we can say that for effective project management, the system must be well structured. The essence of structuring is to break down the project and its management system into the following components:

- phases of the project life cycle, stages, works, tasks, individual workflows;
- separate work packages linked to each other in the structure of work on the project;
- the organizational structure of the project performers;
- the structure of the distribution of responsibilities and responsibilities of performers in execution of works on the project;
- functional areas of project management that function in almost all phases of project management.

Subject to these conditions and the full inclusion of all university services in the logic of project activity, project management becomes a highly effective mechanism for stimulating the university's activities, an element of effective decision-making and a conductor of innovative developments in the practice of the university.

REFERENCES

1. Camilleri, E. (2011). Project Success. Critical Factors and Behaviours, GOWER.
2. Espinasse, P. (2011). Full Costing: An introduction and lessons learnt in UK and Finland, EUIMA – Full Costing Project – Country Workshop: Poland Universities Implementing Full Costing (workshop documentation), p. 12-14.
3. Ratnatunga J. and Waldmann E. (2010). Transparent Costing: Has the emperor got clothes?, Accounting Forum 34 (2010), p. 196-210.
4. Litvinova N.P., SHeremetova V.V. and others. Marketing Educational services. 2nd edition revised. St. Petersburg, 1997. 108 p. (In Russ.)
5. Naveh, E. (2007). Formality and discretion in successful R&D projects, Journal of Operations
6. Neusgroev G.N. Formation of an individual style of student activity. Chelyabinsk, 1997. 240 p. (In Russ.)
7. The multi-level structure of education: scientific and methodological foundations and practice: a training manual. Volgograd, 1997. 108 p. (In Russ.)
8. Wageman, S. W. (2004). Risk Management on Research and Development Projects, AACE International Transactions RISK.07

Каримов Д. *- ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА ЖАҲОН ТАЖРИБАЛАРИ

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси асосида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавийахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни

ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари, шунингдек инвестицияларни жалб қилган ҳолда нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолиятини ташкил этиш орқали олий таълимда рақобат муҳитини яратиш борасида салмоқли амалий чоратадбирлар амалга оширилмоқда[1].

2022-2026-йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги стратегиясининг 41-мақсадидаги вазифалардан бири нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар улушини 2026-йилда 8 фоизга, жумладан, улар учун шароит ва имкониятларни кенгайтириш орқали 2022-йилда 3 фоизга оширишдан иборат.

49-мақсадда 2026-йилгача олий таълимнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари сонини камида 50 тага етказиш, хусусан, 2022-йилда Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри камида битта нодавлат олий ўқув юртлари ташкил этиш белгиланган.

2022-йилнинг ўтган даврида олий таълимнинг 8 та нодавлат нотижорат ташкилотига лицензиялар берилди. Хусусий университетлар жорий йилдан Қашқадарё, Бухоро, Наманган, Самарқанд вилоятлари каби олий таълим соҳасида бирорта ҳам нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд бўлмаган вилоятларда иш бошлади.

Айни пайтда бирорта ҳам олий таълим муассасаси бўлмаган Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда зарур ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунга қадар инспекция томонидан лицензияланган олий таълим муассасаларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 42 тага етди.

Ўзбекистонда фарзандлари нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ёки мактабларга борадиган ота-оналарнинг ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловларига йўналтириладиган даромадларига солиқ солинмаслиги белгиланди. Маълум бўлишича, 26 июль куни қабул қилинган 785-сонли

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармони \\ www.lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. Унга кўра, фарзандларига нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва (ёки) мактаблар кўрсатадиган таълимга оид хизматлар учун ота-она (фарзандликка олувчилар) томонидан ҳар бир фарзанд учун тўланадиган ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловларига йўналтириладиган даромадларига солиқ солинмаслиги белгиланган.

Бундан ташқари, талабаларнинг Ўзбекистон олий таълим ташкилотлари ҳудудида пулли ўқув курсларини, спорт тўгаракларини ташкил этишдан ва бошқа таълим хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлари жами даромадларга киритилмаслиги белгиланган.

Шунингдек, ўқувчилар ва талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикаси профессионал ва олий таълим ташкилотлари билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган маблағ харажатларига солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди.

Шу билан бирга, норезидентлар бўлган жисмоний шахсларнинг меҳнат шартномалари ва фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятдаги шартномалар бўйича олинган даромадлари (дивидендлар ва фоизлар ҳамда фрахтдан олинган даромадлардан ташқари) учун солиқ ставкалари 12 фоиз этиб белгиланган.

Шунингдек, мобиль алоқа хизматларига нисбатан солиқ ставкаси ҳам камайтирилган. Ҳужжат билан мобиль алоқа хизматларига нисбатан солиқ ставкалари 15 фоиздан 10 фоизга пасайтирилган.

Қонун билан қишлоқ жойларда жойлашган (бундан шаҳарлар ва туманларнинг марказлари мустасно) антенна-мачта металл конструкциялари, шунингдек уларга ўрнатилган ҳамда уларнинг ажралмас қисми бўлган конструкциялар эгаллаган ер участкаларига солиқ солинмаслиги белгиланган.

Бундан ташқари, 2022 йил 1 апрелдан 2024 йил 31 декабргача республика резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний шахсларнинг (акциядорларнинг) акциялар бўйича дивидендлар тарзидаги даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинган.

Шунингдек, Президентнинг ва ҳукуматнинг 2022 йил 1 июлгача қабул қилинган ҳужжатларида назарда тутилган божхона божи бўйича имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар амал қилиши айтилган.

Сўнгги йилларда нодавлат таълим ташкилотлари кўпроқ “хусусий” деб аталадиган бўлиб қолди. Бунинг негизида таълим хизматлари тадбиркорлик фаолияти шаклида кўрсатилиши мумкин деган фикр, тасаввур ётибди. Бу қанчалик тўғри?

Саволга жавоб сифатида таълимнинг мазмун-моҳияти, ижтимоий аҳамияти, ўзига хос хусусияти, жамият ва ҳар бир шахс ҳаётидаги ўрни, ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ушбу фаолиятга доир қуйидаги жиҳатларни қайд этиш лозим:

- Конституциямизнинг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгалиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, мактаб ишлари даввлат назоратида эканлиги қатъий белгиланган.

- Давлат томонидан таълим фаолиятини солиқлардан озод этилиши. Буни фуқароларимиз конституцион ҳуқуқининг кафолатланишига кўмаклашувчи восита сифатида баҳолаш мумкин.

- таълим ягона давлат стандартлари доирасида олиб борилади. Амалиётда бу қоидадан айрим четга чиқишлар мавжуд. Масалан: иқтидорли болалар айрим фанларга (математика, кимё, чет тиллари ва ҳ.к.) чуқурлаштирилган дастур бўйича ўқитиладиган махсус мактаблар; айрим мактабларда қўшимча фанлар бўйича ўқитиш; мактабларда ўқув моддий-техник базаси у ёки бу сабабларга кўра турлича бўлиши ва ҳ.к. Бундай ҳолатларга умумий қоидани инкор этувчи омил сифатида қарамаслик керак. Зеро, олий ўқув юртларига киришда абитуриентлар ваколатли давлат идораси тасдиқлаган, барча умумтаълим мактаблари битирувчилари учун бир хил бўлган ягона стандартлар асосида синалади ва махсус дастурлар бўйича ўқитилган болаларга мутлақ устунликни бермайди.

- таълим фаолияти “тадбиркорлик” тушунчаси таърифига тўғри келмайди. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, “тадбиркорлик – даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир”, яъни фойда олиш – тадбиркорликнинг мақсади.

Таълим фаолиятининг мақсади – билим бериш, тарбиялаш. Бунда, албатта, таълим берувчилар даромад ҳам олади. Лекин бу даромад – меҳнат ҳақидир. Фойда, дивиденд эмас. Бу шуни англатадики, масалан, қайсидир тадбиркор, фермер, савдогар каби турли касб эгалари таълим муассасини ташкил этиб, даромад олиши ҳам мумкин. Лекин бу даромад унинг фойдаси, дивиденди эмас, балки жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ солинадиган, унинг шу таълим ташкилотида директор, бошқарув аъзоси, ўқитувчи ва бошқа лавозимларда ишлагани учун меҳнат ҳақи ҳисобланади.

Қонунчилигимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўз устав мақсадларига мос тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкинлиги белгиланган. Улар, ҳатто, фойда ҳам олиши мумкин, аммо бу фойда муассислар ўртасида дивиденд сифатида тақсимланиши мумкин эмас, балки фаолиятининг асосий мақсадида, яъни бу фаолият таълим бўлса, таълимни ривожлантириш, ходимлар даромадини қўшимча иш ҳақи (мукофот) билан рағбатлантиришга йўналтирилиши лозим. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддасига кўра, нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулкини шакллантириш манбаига тадбиркорлик фаолиятидан олинган, фақат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар (фойда) кириши кўрсатиб ўтилган.

- бозор иқтисодиёти ва тадбиркорликнинг асосий унсурларидан бири “рақобат” тушунчасини таълим фаолиятига нисбатан тўлиқ маънода қўллаб бўлмайди. Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда рақобат ижтимоий соҳага эмас, асосан иқтисодий соҳага оид тушунчадир. Қайсидир мактабда билим беришнинг илғор услуби қўлланилаётган бўлса, бу услуб ушбу

мактабнинг “тижорат сири”, рақобат устунлиги бўлиши мумкин эмас, аксинча бундай илғор тажриба барча мактабларда қўлланилиши учун тарғиб қилиниши даркор.

- агар таълим фаолияти тадбиркорлик тушунчасига тўғри келганда бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда мактаблар аллақачон хусусий бизнес-тузилмаларга айланган бўлар эди.

Ривожланган давлатларда воқелик шундайки, умумий ўрта таълим тузилмаларининг иккита тури устунлик қилади:

- public schools давлат мактаблари – давлат бюджетидан молиялаштириладиган мактаблар;
- non profit, яъни даромад олишни кўзламайдиган нодавлат ташкилотлари шаклидаги мактаблар.

Ушбу мамлакатларда фойда олишни кўзлаб тузилган мактаблар ҳам фаолият юритади. Аммо солиқ ва бошқа имтиёзлар фақат non profit таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилади. АҚШ Солиқ кодексига кўра, таълим бериш мақсадида тузилган компаниялар фойда солиғи тўлашдан озод қилиниши белгиланган. АҚШ Ички даромадлар хизмати (Internal Revenue Service) тушунтиришига кўра, юқоридаги имтиёздан фойдаланиш учун бундай ташкилотлар фойда олиш ёки хусусий манфаатларни кўзлаб тузилмаган ва фаолият олиб бормаётган бўлиши зарур. Яъни, мазкур имтиёзлардан фақатгина non profit таълим ташкилотлари фойдаланиши мумкин.

Германия конституциясининг 7-моддаси 4-бандида давлат мактабларига муқобил хусусий мактаблар очилиши мумкинлиги кафотланган. Таълим мақсади, имкониятлари ва педагоглари салоҳияти бўйича давлат мактабларидан қолишмаса ҳамда ўқувчиларини уларнинг ота-оналарининг мулкий ҳолати бўйича ажралиб туришига йўл қўйилмасагина хусусий мактаб очилишига рухсат берилади.

Ҳиндистонда ҳам илм-фан ва технологияларни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилади. Мамлакат таълим тизимида давлат таълим муассасалари билан биргаликда нодавлат таълим масканлари ҳам ривожланиб бормоқда. Ҳиндистонда таълим фаолиятини тартибга солувчи “Таълимга бўлган ҳуқуқ тўғрисида”ги қонун (Right to Education Act 2009) асосида ишлаб чиқилган Намунавий қоидаларда хусусий мактаблар даромад олиш учун фаолият кўрсатиши мумкин эмаслиги акс этган.

Россия Федерациясининг “Таълим тўғрисида”ги Федерал қонуни 2-моддасида таълим ташкилоти лицензия асосида фаолият юритувчи нотижорат ташкилоти экани белгиланган. Ушбу ҳужжатнинг 22-моддасига биноан таълим ташкилотлари фуқаролик қонунчилигида нотижорат ташкилотлари учун белгиланган шаклларда ташкил этилади.

Демак, ижтимоий хизматлар, жумладан, таълим хизматлари, қисман, айрим ҳолларда тўлиқ тўлов асосида амалга оширилиши мумкин. Аммо, пуллик дегани ҳар доим ҳам бизнес фаолиятини англатмайди. Пуллик ижтимоий хизматлар, шу жумладан, таълим хизматлари тадбиркорлик

субъектларининг эмас, балки нодавлат нотижорат ташкилотларининг хизматлари сифатида кўрсатилиши мумкин.

Хулоса шуки, таълим тизимини мамлакатимиздаги ислоҳотлар жараёнига мос тараққий эттириш учун таълимни бизнес деб биладиган хусусий секторни кенгайтириш эмас, балки нодавлат нотижорат муассасалари шаклида ривожлантириш даркор. Шундай экан, қонунларимизга ижтимоий соҳада нодавлат секторни хусусий бизнес тузилмаси сифатида эмас, балки нодавлат нотижорат ташкилотлари шаклида ривожлантиришга доир тегишли тузатишлар киритиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3651-сон қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармони \\ www.lex.uz
4. Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Гос-но-частное партнёрство. Теория и практика. М: Высшая школа экономики, 2010. 228 с
5. Тяглов С.Г., Ячник Е.А. (2013). Алгоритмизация перспективных направлений повышения эффективности развития социально-экономической инфраструктуры региона // Вестник Российского экономического уни- О верситета им. Г.В. Плеханова, № 1(55), с. 107-114. Q

Устемиров Ж.Ш. *– ОБМ тингловчиси*

ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ НАЗАРИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ

Сўнгги 5 йилликларда самарали иқтисодий стратегияни шакллантириш иқтисодиёт ва менежмент соҳасидаги мутахассислар томонидан замонавий иқтисодиётда хўжалик юритувчи субъектларнинг (уларнинг даражасидан қатъий назар) яшаши ва гуллаб-яшнашининг асосий шартларидан бири сифатида қаралмоқда. Бундай мулоҳазаларнинг асослилиги иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар динамикасининг ўсиши, ижтимоий-иқтисодий тизимлар ривожланишидаги ноаниқлик ва ўзгарувчанликнинг кучайиши, иқтисодий ўсишнинг миқдорий ўсишдан сифат кўрсаткичига ўтиши билан бевосита боғлиқдир.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлиги, ушбу шароитда ўз мақсадларига эришиш учун узоқ муддатли истиқболда мавжуд ресурсларни оқилона тақсимлаш ва улардан фойдаланиш қобилиятига боғлиқ бўлади.

Жорий мақсадларга эътибор қаратишдан субъектнинг узоқ муддатли мақсадларига эътибор қаратишга ўтиши "иқтисодий стратегия" каби тушунчага эътиборнинг кучайиши, уни онгли ва оқилона таърифлаш зарурлигини англашда намоён бўлади. Маълумки, энг умумий шаклда иқтисодий стратегияни узоқ муддатли мақсадлар, йўнишлар, устуворликлар ва субъектга мавжуд чекланган ресурслардан фойдаланиш қоидаларини белгилайдиган ғоялар ва ҳаракатлар тизими сифатида белгилаш мумкин.

Иқтисодий стратегиянинг асосий йўналишларидан бири субъектнинг инновацияларни яратиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги стратегияси инновацион стратегиядир. Инновацион менежмент стратегиясининг роли янги маҳсулотларни ва техник жараёнларни самарали жорий этиш, ишлаб чиқариш ва бошқарувни ташкил этиш, мавжуд маҳсулотлар ва ускуналарни такомиллаштириш мақсадлари, йўнишлари ва мос йўлларини замонавий ва прогнозга асосланган ҳолда аниқлашдан иборат. Келажакда корхона иқтисодиётини ривожлантиришни интенсивлаштириш талабларидан иборат.

Бошқарувнинг ҳар бир даражасида (миллий иқтисодиёт, ҳудуд, корхона) инновацион стратегия ўзига хос хусусиятларга эга. Шундай қилиб, глобал миқёсда инновацион стратегия янги функтсионал йўнтирилган технологияни жорий этиш, принтсипиал жиҳатдан янги технологик жараёнларнинг ривожланиши, инсон фаолиятининг янги турларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Объект унинг фаолияти ва ҳаёт айланиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Корхона даражасида инновацион стратегия фирманинг умумий стратегиясининг бир қисми сифатида қаралади. Корхона даражасида инновацион стратегия унинг инновационлик даражаси ёки ўзгартириш қобилияти билан боғлиқ. Гап корхонанинг ташкилий-иқтисодий тузилмаси ва унинг моддий-техник базасининг режалаштирилган ривожланиш мақсадлари ва ташқи муҳит талабларига, шу жумладан узоқ муддатли ижтимоий мақсадларга мослашиш даражаси ҳақида бормоқда.

Инновацион стратегияни назарий кўриб чиқиш қуйидаги элементларни очиб беришни ўз ичига олади: инновацион фаолиятнинг ривожланиш йўнишини белгиловчи омиллар, инновацион стратегия турлари ва уларни танлаш мезонлари, инновацион стратегиянинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Инновацион стратегияни шакллантиришда технологик нақшларнинг ўзгариши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш модели, макроиқтисодий сиёсат каби узоқ муддатли ривожланиш омилларини ҳисобга олиш керак.

Инновацион сиёсат инновацияларни тез жорий этиш, инновацияларга бўлган талабни қондириш, корхоналарнинг барқарор даромадларини ошириш билан боғлиқ. Ускуналарни, асосий воситаларни, ишлаб чиқариш дастурини стратегик режалаштириш корхонанинг инновацион сиёсати билан чамбарчас

боғлиқ. Корхоналар учун инновацион стратегияни танлашда бозорга ҳам эътибор қаратиш лозим. Бу бизнесни қисқа муддатли даромадларга эмас, балки узоқ муддатга қаратишни англатади. Бу шунингдек корхоналарда инновацион фаолиятни ташкил этиш муаммоларини *(маркетинг хизмати ва илмий-тадқиқот бўлими ўртасидаги функтсионал муносабатлар, технопарклар ёки инкубаторлар каби бошқа инновацион ташкилий тузилмалар билан алоқалар, хавфларни суғурталаш*) ўз ичига олади.

Шундай қилиб, маҳаллий корхоналарнинг омон қолиши, уларни стратегик жиҳатдан бошқариш самарадорлигини ошириш, жаҳон миқёсида рақобатбардош ва юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун корхонанинг инновацион стратегиясини иқтисодий асослаш муаммосини ҳал қилиш керак.

Маълумки, стратегия - бу ҳар қандай фаолият соҳасида стратегик мақсадларга эришиш учун бошқарув субъектининг дастури ёки умумий курси. Инновацияларнинг стратегик самарадорлиги - бу ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг узоқ муддатли мақсадларини амалга ошириш даражаси, кардинал турдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш даражаси. Самарадорликнинг стратегик жиҳати инновацион лойиҳанинг асосий мақсадлари ва уларга эришиш йўлларининг умумийлигини белгилайди.

Инновацияларнинг стратегик самарадорлиги, шунингдек, бошқарув қарорлари компаниянинг реал имкониятларига асосланиши керак. Шунинг учун стратегия - бу ташкилотнинг ўз фаолиятининг объектив ташқи ва ички шароитларига муносабати. Шуни ҳам ёдда тутингки, стратегия вақт функтсияси эмас, балки йўниш функтсиясидир. У инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича глобал ғоялар тўпламини ўз ичига олади.

Стратегик самарадорлик баъзан мақсадларни амалга ошириш даражаси сифатида тушунилади, тактик самарадорлик эса натижалар ва харажатларни таққослаш контекстида кўриб чиқилади. Бизнинг фикримизча, стратегик самарадорлик мақсадларни амалга ошириш даражасидан ташқари, иқтисодий натижаларни, жумладан, натижалар ва харажатларни ўлчашни ҳам ўз ичига олади. Аммо стратегик самарадорликни баҳолаш механизми, тактикдан фарқли ўлароқ, узоқ муддатли натижаларга, сифатли ўзгаришларга қаратилган.

Корхонани инновацион, яъни сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни янгилаш нуқтаи назаридан ривожлантириш имкониятлари катта аҳамиятга эга. Фақат сифат жиҳатидан такомиллаштириш, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий даражасининг ўсиши бугунги кунда ишлаб чиқариш тизимларини ривожлантиришнинг асосий омилларига айланмоқда. Бугунги кунда корхоналарнинг техник ривожланишининг миқдорий томони устун бўлиши мумкин эмас. Бу фақат ишлаб чиқариш самарадорлиги омили сифатида қаралиши керак. Ҳар қандай корхона стратегиясини шакллантиришда фақат техник салоҳият ва унинг сифат даражаси муҳим элемент ҳисобланади.

Стратегик самарадорликдан фарқли ўлароқ, инновацион лойиҳа самарадорлигининг тактик жиҳати унинг қисқа муддатли мақсадларини ва ресурсларни ишлаб чиқариш натижаларига айлантириш усулларини танлашни акс эттириши керак.

Стратегия лойиҳани ишлаб чиқишнинг узоқ муддатли мақсадлари ва уларга эришиш учун ҳаракатлар йўнишини белгилайди, тактика эса қисқа муддатли мақсадларга, стратегик мақсадларга эришиш учун ташкилот ресурсларини қандай тақсимлаш кераклиги тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Инновациянинг ташкилий-иқтисодий механизмининг якуний мақсади ишлаб чиқариш (бошқарув) самарадорлигини оширишдан иборат. Бунга бошқарувнинг турли даражаларида тегишли ташкилий тузилмаларни шакллантириш орқали эришилади. Бошқарувнинг ҳар бир даражасида инновацион фаолиятнинг ташкилий-иқтисодий механизми ўзига хос хусусият ва хусусиятларга эга.

Шундай қилиб, микро даражада М.Ҳучек корхонанинг инновационлигини бевосита ўз фаолияти натижаларини яхшилаш учун рағбатлантириш ва корхонанинг ўз фаолиятини экологик талаблар нуқтаи назаридан яхшилашга йўнтирилганлиги деб ҳисоблайди. Бу ердан корхонанинг ташкилий-иқтисодий механизми узоқ муддатда режалаштирилган ривожланиш мақсадларига, экологик талабларга мослашади. Жорий самарага йўнтириш келажакда корхона самарадорлигини пасайтириши мумкин.

Амалда, кўпинча, юқорида тавсифланган инновацион стратегияларнинг турли хил модификациялари бўлиши мумкин. Бироқ, ҳозирги босқичда, Ўзбекистон саноат корхоналарининг инновацион стратегияси, бизнинг фикримизча, ишлаб чиқаришнинг янги технологик ва товар таркибига ўтишга имкон берадиган ва маҳаллий ишлаб чиқаришда корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган воҳа инновацияларини ривожлантиришга қаратилиши керак.

Корхоналарнинг инновацион мақсадларини дастурлар, лойиҳалар ва тадбирлар каби тадқиқот ва ишланмаларнинг ташкилий шакллари ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Самарали ва мақбул инновацион лойиҳани танлаш учун уни иқтисодий жиҳатдан асослаш керак. Бу лойиҳаларни баҳолаш ва танлашнинг янада яхши методологиясини яратишни талаб қилади. Шу сабабли, инновацион жараённинг барча босқичларига кириб борадиган инновациялар иқтисодий механизмининг муҳим элементи энг мақбул стратегик қарорлар, мақбул параметрларни танлаш ва салбий ижтимоий ва экологик омилларнинг олдини олишни таъминлайдиган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:
1.2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2022 йилдаги ПФ-165-сон фармони.
2.“Инновацион фаолият тўғрисидаъъги 2020-йил 27-июлдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 22-январдаги “2017–2021 -йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги Президент фармони,
4.“Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисида ”ги 2021-йил 17-февралдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори.
5.Хучек М. Хусусийлаштириш ва инновациялар журнал. 2018 йил 2-сон

Норхонов М.М. – *ОБМ тингловчиси*

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРМОҚЛАРИДА ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТНИНГ ЗАРУРЛИГИГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАРГА ШАРХ

Жаҳон иқтисодиётнинг жадал ривожланиши шароитида инновация-мамлакатни муваффаққиятли ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омили бўлиб, миллий хўжалик тармоқларида илм-фанга асосланган техник, иқтисодий, ташкилий ўзгаришлар таъсирида корхоналар рақобат бардошлиги оширишга ҳизмат қилади. Рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида республиканинг ҳар бир тармоқ корхоналарини инновацион ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва инновацион жараёнларни рағбатлантириш, инновацион менежментнинг янгича усулларини жорий қилиш, корхона фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини оширишга, истеъмолчиларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини қондиришга ҳамда янги йўналишдаги тармоқларни кашф этилишига имкон беради.

Ҳар қандай соҳани тизимли ва узлуксиз тараққиётини таъминлаш тармоқдаги инновацион фаолликни жадаллаштириш билан боғлиқ. Чунки инновация- замонавий иқтисодий назарияларда ривожланиш манбаи сифатида тан олинади. Инновацион менежмент назарияси “инновация”, “инновацион жараён”, “инновацион фаолият” тушунчалари билан боғлиқ бўлиб, ушбу тушунчаларга дунё олимлари турлича таъриф берганлар. Инновация ибораси инглизча “innovation” сўзидан олинган бўлиб, янги илмий техник ютуқни ифодалаб, янги маҳсулотни амалда қўлланилиш жараёнига айтилади. Лекин, ҳозирги кунга қадар инновация ҳақида универсал назария мавжуд

бўлмаганлиги сабабли, унга берилаётган кўплаб таърифлар ва концепциялар вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Инновациялар назариясининг шаклланиши ва ривожланишига, дастлаб, австриялик иқтисодчи олим Й.Шумпетернинг ҳиссаси катта бўлган. У ишлаб чиқаришнинг янги омилларини таҳлил қилиб, уларни бешта типик ўзгаришларга ажратди. Булар янги хусусиятларга эга маҳсулотни ишлаб чиқариш, янги жараёнлар усулига асосланган ишлаб чиқаришнинг янги услубини жорий этиш, янги савдо бозорларини ўзлаштириш, хомашёнинг янги манбасидан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни тегишли тарзда қайта ташкил этилишини амалга оширишдир. Инновациянинг ушбу таърифи ва Й.Шумпетернинг ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинациялари тўғрисидаги концепцияси инновациялар назариясига иккита энг кўп тарқалган ёндашувдан бирининг асосини ташкил этади. Биринчи ёндашув – янги омиллар тўғрисидаги тушунчага асосланган, иккинчи ёндашув – янги маҳсулот ёки технологияга асосланган.

“**Инновация**” атамасига дунё иқтисодчи олимлари турлича ёндашувлар асосида таъриф беришган. Х.Бернет: “Инновация – яратиладиган янгилик ҳар қандай ғоя, фаолият ёки моддий натижа”, П.Ф. Друкер эса “инновация – янги бизнеснинг бир тури” деган таъриф бериб, улар инновацияни яратилиши, ривожланиши сифатида ёндашган. Бошқа бир қатор олимлар эса, “инновация” тушунчасига таъриф беришда асосий эътиборни ишлаб чиқаришга қаратишган.

“Инновация” атамаси бугунги кунда жуда кенг қўлланилиши унинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бўлган қизиқишларни янада кучайтирмоқда. Рус иқтисодчи-олими А.Б.Борисов инновацияларни қуйидагича таърифлайди: “инновация технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқиш, яратиш ва тарқатиш, янги ташкилий шаклларни жорий этишга қаратилган ижодий фаолият натижасини англатади”[1]. В.Г.Медынский олиб борган изланишлари асосида “инновация сифатида олиб борилган илмий-тадқиқот ёки аввалгига ўхшаш туридан сифат жиҳатдан фарқ қилувчи янгисининг яратилиши натижасида ишлаб чиқаришга жорий этилган объект тушунилади” деган хулосага келган[2]. Рус олимларидан В.В.Глущенко, И.И.Глущенколар мазкур атамани “инновация – товарлар, хизматлар ва технологияларнинг фирма даражасидаги ташкилий шаклларнинг янги турларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва тарқатишга йўналтирилган ижодий ва инвестицион фаолият натижаси” деб таърифлаганлар[3]. Р.А. Фатхутдинов эса “инновация – объектни бошқаришни ўзгартириш ва иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техникавий ва бошқа турдаги самарани олиш мақсадида янгиликни жорий этишнинг якуний натижаси”, деб баҳолаган[4].

---

[1] Борисов А.Б. Большой экономический словарь. – М.: Книжный мир, 2000. – С. 185.

[2] Медынский В.Г. Инновационный менеджмент. – М.: ИНФРА-М, 2002. – С. 28.

[3] Глущенко В.В., Глущенко И.И. Исследование систем управления: социологические, экономические, прогнозные, плановые, экспериментальные исследования. 2-е изд. – М.: ООО НПЦ «Крылья», 2004. С.30.

[4] Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. – Спб.: Питер, 2004. – С. 19.

“Инновация” атамасининг иқтисодий мазмун-моҳиятини очиб бериш бўйича ўзбек иқтисодчи-олимлардан Р. И. Гимуш, Ф. М. Матмуродовлар “инновация деганда янгилик ва янгилик киритиш деган маънони билдиради. Бу янгилик замирида янги тартибни, янги одатни, янги услубни, кашфиётни тушуниш лозим”, деб таъриф берган[1]. Б.Э.Тошмуродова, Н.Жияновалар фикрига кўра: “инновация тушунчаси ўз ичига фақатгина техник изланишларни олмасдан, балки корхона иши усулидаги барча яхши ўзгаришларни (янги хизматлар, пастроқ нархлар белгилаш ва бошқа мижозлар учун қулай шароитлар яратиш) олади[2]. Р.Д.Дустмуродов эса “Инновация –бу ижтимоий-интелектуал фаолиятнинг якуний натижаси бўлиб, янги ёки такомиллашган маҳсулот кўринишида мужассамлашади ва бозорда сотишга мулжалланади ёҳуд амалий фаолиятда фойдаланиладиган янги ёки такомиллашган технологик жараён ҳисобланади”-деб фикр билдирган[3].

Инновация тушунчасига берилган турли хил таърифларнинг таҳлили шундай хулосага олиб келадики, ўзгаришлар инновацияларнинг ўзига хос мазмунини ташкил қилади, инновацияларнинг иқтисодий моҳияти эса илмий техникавий янгиликларга нисбатан бозордаги эҳтиёжлар натижасида юзага келадиган инновацияларни устунлигини белгилайди. Истеъмолчини биринчи навбатда илм фан соҳасида яратилаётган инновциялар, уларнинг ўзига хос имкониятлари эмас, балки улардан фойдаланиш қийматининг бошқа алтернатив вариантларга нисбатан фойдалилик ҳусусиятлари ва афзалликлари қизиқтиради. Демак, инновация илмий техникавий янгиликлар, фан ютуқлари сифатида ҳамда бозордаги истеъмолчини талабларидан келиб чиққан ҳолда юзага келади. Чунки инновацияни жараён сифатида, тизим сифатида, ўзгариш сифатида ҳамда натижа сифатида кўриш мумкин.

Инновацион жараён эса илмий билимларни янгиликка айлантириш жараёни ҳисобланиб, инновацион жараён босқичлари фундаментал, амалий тадқиқотлар, ишланмалар, янги маҳсулотларни лойиҳалаш, янги технологияларни ишлаб чиқиш, маҳсулот ёки хизмат ишлаб чиқариш, сотиш жараёнларидан иборат. Бунда инновациялар бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва сотиш воситаси сифатида кўрилса, инновацион жараён эса назарий билимлар асосида пайдо бўлган ғоялардан то исътемолчининг талабини қондира олган товар маҳсулотини сифатида вужудга келиш кетма кетлигидан иборат жараёнлар мажмуасидир. Инновацион жараёнлар инновацияларни яратиш, ривожлантириш ва тарқатиш билан боғлиқ циклга эга бўлиб, у стратегик маркетинг, фундаментал тадқиқотлар, амалий тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ишлари, лойиҳалаш, тажриба ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва сотиш каби қисмларни ўз ичига олади.

[1] Гимуш Р. И., Матмуродов Ф. М. Инновацион менежмент: Иқтисодиёт олий ўқув юртлари учун ўқув қўл. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жами- яти нашриёти, 2008. – Б. 10. (144 б.)

[2] Тошмуродова Б.Э., Жиянова Н. «Инновация фаолиятни молиявий рағбатлантириш». Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2006.-110 б

[3] Р.Д.Дустмуродов “илмий тадқиқот ишини ташкил этиш”. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2019.-260 б

Инновацион жараёнлар тадқиқ этган олимлардан бири Р.Росвелл инновацион жараённи фундаментал тадқиқотлар, амалий тадқиқотлар, конструкторлик ишланмалар, маркетинг, ишлаб чиқариш ва сотиш босқичлари орқали ғояни товарга айланиш жараёнининг бир неча моделларини яратган[1].

Бундан ташқари, Клайна-Розенбергнинг инновацион жараённинг бешта босқичдан иборат занжирли моделини ишлаб чиқган[2]. Клайна-Розенбергнинг занжирли моделида ушбу занжирлар илмий тадқиқотлар, бозордаги эҳтиёжлар, илм-фандаги мавжуд билимлар, ўз тажрибаси давомида ўзлаштирган билимлар инновация манбалари сифатида ҳисобга олиб, Р.Росвеллнинг инновацион жараёнларнинг учинчи авлод моделнинг янада тўлдиради.

Бундан ташқари Акио Морита, Фумио Кодамаларнинг инновацион жараёнларга японча ёндашув моделида инновацион жараёнларнинг мураккаблиги, эрта босқичлардаёқ инновацион ғояларни шаклантириш ва унга кетадиган харажатларни катталиги акс эттирилган бўлса[3], Стивен Уилрайт ва Ким Кларкларнинг "Воронка" моделида эса инновацион ғояларни саралаш жараёнлари акс эттирилган[4]. Олимлар томонидан ишлаб чиқилган инновацион жараёнларни моделларини ўрганиш натижасида ҳар қандай инновацион жараён илм-фан, фундаментал ва амалий тадқиқотларга асосланган бўлиб, бозордаги эҳтиёжни қондиришга йўналтирилганлигини кўриш мумкин.

Инновацион фаолият- бу бозорда сотиладиган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалда қўлланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологияларни яратиш учун олиб борилган инновацион жараёнлардан иборат фаолият туридир. Ўзбекистон Республикасининг "Инновацион фаолият тўғрисида"ги Қонунида "Инновацион фаолият — янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолият" деб белгиланган[5].

Маҳсулотни янгилаш ва янги технологияларни жорий этиб харажатларни камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, кўшимча фойда олиш инновацион фаолиятнинг мақсадидир[6]. Демак, инновацион жараёнларни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича олиб бориладиган фаолият инновацион фаолият бўлиб, инновацион жараёнлар инновацион фаолият орқали амалга оширилади.

---

[1] Rothwell R. Towards the fifth-generation innovation process // International Marketing Review. – 1994. – Vol.11. – No.1. – Pp.7-31

[2] Kline S.J. An overview of innovation / S.J. Kline, N. Rosenberg // The positive sum strategy: Harnessing technology for economic growth / edited by Landau R. & Rosenberg N. — Washington, DC: National Academy Press, 1986 — pp. 275-305.

[3] Kodama F. Emerging patterns of innovation sources of Japan's technological edge. -Harvard Business School, Boston, 1995. – 297 p.

[4] Wheelwright S.C., Clark K.B. Revolutionizing product development: Quantum leaps inspeed, efficiency and quality. – NY: The Free Press, 1992.

[5] Ўзбекистон Республикасининг "Инновацион фаолият" Қонуни. ЎРҚ-630 сонли 24.07.2020.

[6] А.Ж.Қаххоров "Ўзбекистон автомобиль транспорт тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш" Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2017 йил

Инновацион менежмент фойда олиш мақсадида инновацияларни яратиш, ишлаб чиқариш, бозорга йўналтириш жараёнларини илмий асосланган тамойиллар, усуллар асосида бошқариш фаолияти бўлиб, илмий билимларнинг мустақил соҳаси сифатида XX асрнинг икинчи ярмида шакилланди. Инновацион менежмент - инновацион жараёнларни, ташкилий шаклларни ва ушбу фаолият билан шуғулланувчи шахсларни бошқариш тизими бўлиб, дунё олимлари инновацион менежмент тушунчасига турлича тарифлар беришган.

Юқорида фикрларни инобатга олган ҳолда, инновацион менежмент хар қандай корхонанини рақобатбордошлигини таъминлашга асос бўлувчи, ўзгаришлар, инновацион жараёнларни бошқаришдаги усуллар, тамойиллар ва шакллар тизимидан иборат фаолият тури ҳисобланади деган ҳулосага келиш мумкин.

Ҳозирги ислоҳатлар даврида янгилик нафақат давлат корхоналари, балки ўрта ва кичик корхоналарини ажралмас элементлари ҳисобланиб, инновацион менежментни қўллаш мамлакатнинг иқтисодиётини ривожлантириш ва тармоқ корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Ушбу инновацион менежмент тизими қўйидаги муаммоларни ҳал этади:

-стратегик инновацион концепцияни яратиш; фаолият йўналишини аниқлаш ва унинг инновацион лойиҳасини шакллантириш; ташкилий тузилмани ва инновацияларни бошқариш тузилмасини шакллантириш; инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва сотиш жараёнларини режалаштириш; кадрларни танлаш ва жойлаш; вазифаларни тақсимлаш ва уни бажарилишини назорат қилиш; ижодкорлик муҳитини яратиш ва интелектуал меҳнатни рағбатлантириш.

Россиялик олим И.Н.Гречикова эса, инновацион менежментни ташкил этиш орқали:

-инновацион фаолият режа ва дастурларини ишлаб чиқиш; янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш ва амалга ошириш; инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш лойиҳаларини кўриб чиқиш; инновацион сиёсатни олиб бориш; ишлаб чиқариш бўлимлари фаолиятини муқобиллаштириш; инновацион фаолиятни молиявий ва моддий ресурлар билан таъминлаш; инновацион фаолиятни малакали мутаҳасислар билан таминлаш; маҳсулот ишлаб чиқаришда дуч келиши мумкин бўлган муаммолари ечимини аниқлаш учун маҳсус ишчи гуруҳини ташкил этиш каби вазифаларни амалга ошириш мумкинлигини тадқиқ этган[1].

Ҳар қандай корхонанининг инновацион менежментининг асосий мақсадлари янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш, корхонанинг илмий-техник ва ишлаб чиқариш фаолиятини асосий йўналишларини аниқлаш, фойдалилик даражаси юқори бўлган ишлаб

[1] Гречикова И.Н. Менеджмент: Учебник.–3-е изд., перераб. и доп.–М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997.–501 с. 383-бетда

чиқаришни янада модернизациялаш ва ривожлантириш ҳамда эскирган ишлаб чиқариш қувватларини тугатишдан иборатдир.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, инновацион менежментнинг асосий функциялари қўйидагилар деб белгилаб олиш мумкин:

- инновацион мақсад ва дастурларни бозорнинг ҳолати ва ташқи муҳит ўзгаришига қараб доимий равишда мувофиқлаштириб бориш;
- корхонанинг инновацион фаолиятида режалаштирилган якуний натижага эришишга эътиборни қаратиш;
- бошқарув қарорларини қабул қилишда бир нечта вариантларни ҳисобини олиш учун замонавий ахборот базасидан фойдаланиш;
- стратегик бошқариш ва режалаштириш функцияларини жорийдан истиқболга қараб ўзгартириб бориш;
- корхонанинг барча илмий техник ва ишлаб чиқариш салоҳиятини бошқарувга эътиборини қаратиш;
- корхонанинг инновацион фаолиятини ўзгартириш ва такомиллаштиришнинг барча асосий омилларидан фойдаланиш;
- корхонанинг ҳар бир сигментида инновацион жараённи таъминлаш;
- ўзгаришларни олдиндан сезиш ва вазиятга мослашувчан қарорларни қабул қилишга асосланган бошқарувни амалга ошириш.

Юқоридаги мулоҳазалар, инновацион менежмент корхоналарда имкониятлардан тўлақонли фойдаланган ҳолда янги ғояларни, маҳсулотларни, жараёнларни яратиш ва жорий этишга кўмак беради деган хулосага келиш мумкин. Шунинг учун, инновацион менежмент корхоналар фаолиятини ривожлантириш омили ҳисобланиб, иқтисодиётнинг барча соҳалари, тармоқлари, уларнинг таркибидаги корхоналар учун зарурий фаолият ҳисобланади.

Йўлдошев Н.Н. *- ОБМ тингловчиси*


ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бугунги кунда бутун жаҳонда содир бўлаётган COVID -19 пандемияси шароитларида, юртимизда пандемиянинг салбий ҳолатларини юмшатиш бўйича ижтимоий, ҳам иқтисодий соҳа, ҳамда тармоқларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга, улар учун қулай инфратузилма яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Аҳолини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш орқали, нафақат халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, энг асосийси бандлигини таъминлаш бугунги глобаллашув даврининг устувор вазифаларидандир. Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий субъектлар фаолиятини самарали бошқариш стратегиясини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ долзарб

масалалар вужудга келмоқда. Бу борада мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга белгиланган стратегик ривожлантиришнинг 3-устувор “Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш устувор йўналиш”да: “.....хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган тамойилни амалга ошириш”[1] вазифаси қўйилган.

Сўнгги йилларда аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган "Ҳар бир оила - тадбиркор", "Ёшлар келажагимиз" ва бошқа ижтимоий дастурлар доирасида жами 13 трлн сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилиб, 600 мингдан зиёд оилаларни қамраб олишга эришилди [2]. Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат рўйхатига олиш, молиявий қўллаб-қувватлаш, солиқлар ва давлат божларини тўлаш ва бошқа қатор масалалар бўйича имтиёзлар берилди.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш имконини бермоқда. 2000-2021 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 31,0 фоиздан 54,9 фоизга ўсиб, 25,9 фоиз бирликка ортган (1-расм).



1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши фоизда) [3]

2021 йилнинг январ-декабрида кичик тадбиркорлик субектларининг ЯИМдаги улуши 54,9 % ни ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субектларининг сони ҳар 1000 аҳолига 16,5 бирликни ташкил қилди.


2021 йилнинг январ-декабрида 98,9 мингта янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,1 фоизга кўп демакдир.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдода 38459 та, саноатда 19285 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 11710 та, қурилишда 6330 та, яшаш ва овқатланишда 6621 та, ташиш ва сақлашда 2642 та ташкил этилган.

2020 йил ҳолатига кўра иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсаётган жами 391300 та кичик корхоналарнинг Ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 55,7 фоизни ташқил қилди. Бунда саноатнинг хиссаси - 27,9, Қурилиш – 72,5, бандлик – 74,5, Экспорт -20,5, Импорт -51,7 фоиз хиссага тўғри келмокда (2-расм).

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсататётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субеъктларининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутаётган ўрнининг кенгайиб боришини хисобга оладиган бўлсак, унинг фаолиятини самарали бошқариш энг долзарб масалалардан биридир.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши ва такомиллашувига мослашувини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг имконияти ва зарурияти ҳамда стратегик вазифалардан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юксалтиришга бирламчи эътибор қаратилиши талаб этилиб, амалга оширилаётган ислоҳотлар таркибида асосий ўринни эгаллайди.



2-расм. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутаётган ўрнининг таҳлили [3]

Юқоридагилардан умумий хулоса қилган ҳолда, ҳозирги кунда маалкатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва соҳани такомиллаштириш учун қуйидаги тавсиявий характердаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқдик.

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитларнинг ставкаларини пасайтириш ва қулай шартларда узоқ муддатга бериш;

– солиқ тизимини такомиллаштириш, бизнесга солиқ юкини имкон қадар камайтириш, қўшилган қиймат солиғини қўшимча ҳужжатсиз қайтариш тартибини амалиётга жорий этиш;

– ерларни иқтисодий оборотга киритиш, уларни олди-сотди ва гаров объектига айлантириш, корхоналарнинг ҳозир эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида эгаллаб турган ер майдонлари, уларга мулк қилиб расмийлаштириб бериш, давлат мулки объектларини улар жойлашган ер билан бирга, ягона мулкий мажмуа сифатида аукцион орқали сотиш;.

– тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган электр, табиий газ, сув тармоқлари ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;

– тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни қисқартириш, соҳадаги тартиб-таомилларни соддалаштириш, хусусий мулк дахлсизлиги борасидаги давлат сиёсатини қатъий давом эттириш;

– бизнес субъектлари томонидан яратилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, янги бозорларга чиқиш, ҳудудлараро савдо ва кооперация алоқаларини боғлашда транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш;

– экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни экспорт фаолиятига янада кенг жалб этиш, хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар учун импорт божи ставкаларини пасайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. - https:// www.lex.uz/
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабрь
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида (stat.uz).

Alikarieva A.N. *- Doctoral student of the NUUz, PhD in Sociology, Associate Professor*

DISTINCTIVE FEATURES OF INTERNATIONAL MODELS IN THE DIRECTION OF EDUCATIONAL QUALITY MANAGEMENT

Today, increasing the effectiveness of education and training assessment methods and improving the quality of education through the introduction of mechanisms is the creation of quality education opportunities for all people.

Particular emphasis is being made at the level of state policy in the field of education in the country. This turn to the front of the training area in educational institutions has the function of increasing the effectiveness of activities in accordance with modern requirements. For this reason also, today, the quality of future specialists of high professional and human potential are required to be able to.

The management of the quality of education – education pre-focused to achieve results predicted management, quality assurance measures into the design of the learning process to increase the interest of the participants to work effectively, the goal is to identify aside from the developments, changes in the process of tracking and analysis consist of all the areas of the activities of the educational institution self-assessment to go permanent members on the basis of the improvement of the system. Quality of education in human life – activity and achieving specific goals that it is necessary to improve the quality of use in certain conditions, and obtained the required knowledge set. Contextual indicators of the quality of education in higher education, education model, institutional certain standards and the goals and objectives of the education system, educational institutions, educational programs, and related sciences, versatile, multi-level is a dynamic concept [1]. In the congress of the European organization for reporting on the quality more and more are being considered. Russian scientists V.Kachalov's opinion: "the quality of education not only read the results, but the students personal and social development that would enable them to meet their needs and to contribute towards providing a comprehensive system model, the organization and procedure, and to contribute to the development and improvement of society in general". Unesco at the world conference on higher education [2] one of the main functions of the high school provides the quality of the preparation of specialists.

M.Belyaeva [3] in their scientific work: "the future of the education system because it significantly determines the condition of society, the country's power will serve as the basis for the development of production – means of production and production of the personal factor Human capital investment is the most important element of national wealth, and knew him in the first place, by increasing labor productivity and the growth of higher income will bring technical innovations..."was noted. This problem is reflected in other scientific works [4]. While Ilinsky I. [5], pays attention to the following: "the problem of the quality of education was always there. Now he not only us, but the deterioration in the whole world too. In the meantime, "quality of education" concept, do not have clear criteria. Hundreds of indicators can be...". A number of authors, the quality of education that they show the three separate components of major: business education in terms of process and results. The terms of the type and the type of education the educational process, pedagogical professional level of staff, readers of contingent features, methodological, normative-legal, educational process, the material-technical and financial security.

The educational needs of each subject are different, and therefore, if how broad the scope of the education service, the consumer's own needs, so the possibility of finding the image of larger. Russian scientists V.Kachalov [6] a

different perspective on the factors determining the quality of education and to the classification of the group of seven was systematized please offer consists of three factors.

In assessing the results of educational services from the point of view of the approach you need to separate the two features:

- relativity the quality of the results (results not only from the perspective of someone can be without quality or quality);

– educational activities of the specific feature (combined service creation and consumption of services), this hinders the assessment of consumer services of the features provided by the university.

There are two approaches to solve this problem abroad. The first one is relative, ie, the mission of the university, its own standards and quality criteria determined on the basis of demand (market oriented) developed independently to increase the quality of the concept. Accordingly, the result of his education and the quality of the service the needs of the market available for a particular model. The second approach possesses wide powers of the state in ensuring the quality of education services. The state of quality in the field of equality with the standards of the interests of the state and the market provides courses selected through the system, their composition and content is determined independently by the university [7].

The effectiveness of the implementation of the education program teaching method, assessment of the quality of teaching will be evaluated through indicators such as the availability and efficiency of mechanisms. Education program education institution as a result of internal evaluation of teaching by traditional and interactive forms, their mutual ratio, the final results of the recipients of education, teaching methods and information about their adoption shall be formed. This data taking into account the education program, teaching methods, student assessment of teaching effectiveness and the mechanisms of knowledge and availability of external evaluation is carried out on the basis of indicators such as quality control mechanisms. Also, the experts are in the process of external evaluation of its education program quality assessment criteria (high, average, low level) and the program will determine the compatibility of the educational-methodical supply, the availability and the adequacy of the necessary amount of textbooks, the basic material and technical supply of the educational process performs evaluations on indicators.

Quality management mechanisms in the education system educational reforms in the way of further improvement of the process, democratic and humanitarian principles based on the need for the formation of management education is required. Especially, the quality of training of specialists in the area of the future stage boosts the quality and efficiency of higher education institutions in the country on a regular basis, the need to go the further development of professional and pedagogical skills of teachers, the quality of their education at the level requires you to establish requirements makes time management.

I have tq (overall quality management) quality management system developed on the basis of the principle of not only education but also the quality of the process

of higher education institution all of that night in the self-assessment mechanism on the basis of the improvement of members to go on to consider in the preparation of competitive personnel in the institutions of education, the introduction of the quality management system based on these principles, it is desirable to exactly [8]. The introduction of quality management in educational institutions, learning development strategy based on the needs of consumers sustainable development education, continuing education, taking into account the principles of the globalization of knowledge gives you the opportunity to solve the problems of the quality.

Literature:

1. Quality assurance, accreditation and recognition of qualifications as control mechanisms of the European Higher Education Area. – URL: http://logosbook.ru.
2. Kachalov V.A. Problems of quality management in universities // Standards and quality. – 2000. – No. 11. – pp.82-85.
3. Belyaeva M.G. Problems of quality of education in the conditions of higher school reform // Standards and quality. – 2012. – pp. 20-21.
4. Beshenkov S.A. Quality management of education in an educational institution // Informatics and education. - 2008. – No. 4. – pp. 49-51.
5. Subetto A.I. Quality of education in Russia: status, trends, prospects: layout of the annual report. – M., 2009.
6. Antropov M.S. Quality management system of the educational organization. – M.,2004. – No. 1. – pp. 57 – 62.
7. Klaus L.A. Quality Progress Sixth Quality in Education Listing / Quality Progress/ - 1996/ August. – P. 336.
8. Nuzhdin V.N. Informatization and the system of total quality management of higher education: lecture-report. – M.: Research.center for quality problems training of specialists, 1998. – 250 p.

Мирзаев Н.Х. *- слушитель, ВШБП*

СТРУКТУРА УПРАВЛЕНИЯ МАРКЕТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ СТРАХОВОЙ КОМПАНИИ

В крупных страховых компаниях холдингового типа, имеющих децентрализованную структуру управления, аппарат, осуществляющий маркетинговую деятельность, обычно включает отдел маркетинга в производственных подразделениях (филиалах) и центральную службу маркетинга как функциональное подразделение фирмы. Отделы и секторы филиальной сети занимаются изучением регионального страхового рынка; следят за конъюнктурными изменениями рынка; осуществляют надзор за действиями конкурентов на страховом рынке, перенимая положительный опыт, или разрабатывают методы конкурентной борьбы; следят за прибылью филиала.

В зависимости от степени подчиненности филиальной сети головной страховой компании полученные материалы маркетингового исследования с предложениями передают в головную организацию либо (если это холдинговая система) сами разрабатывают и лицензируют новый страховой продукт, совершенствуют организационную структуру применительно к местным условиям деятельности.

Центральная служба маркетинга разрабатывает цели и стратегию страховой организации на основе программы маркетинга по каждому страховому продукту, полученному от филиальной сети.

Решения по наиболее важным вопросам маркетинговой деятельности принимаются высшим звеном управления — советом директоров или правлением при участии соответствующих комитетов: разработки политики, новых видов страховых услуг, планового и др.

В небольших страховых компаниях, преимущественно созданных в административных районах (область, город), имеющих централизованную структуру управления, аппарат, осуществляющий маркетинговую деятельность, обычно ограничиваются службой маркетинга. Она координирует деятельность самостоятельно выделенных отделов по изучению страхового рынка, рекламы, планирования и др. Как правило, такая служба возглавляется вице-президентом компании или отраслевым директором (управляющим), в функциональные обязанности которого входит маркетинг. В сферу его деятельности входят вопросы:

1. разработки программ маркетинга;
2. исследования страхового рынка;
3. разработки новых видов продукции и товарных знаков;
4. актуарных расчетов тарифных ставок;
5. рекламы;
6. организации продаж страховых услуг;
7. общего руководства маркетинговой деятельностью.

Составление маркетинговых программ по страховому продукту — это один из этапов планирования деятельности страховой компании. Связано с:

1. разработкой принципиально новых видов страховых услуг;
2. модификацией действующих правил страхования ;
3. усовершенствованием действующих правил;
4. внедрением новых видов страховых услуг по приобретенным лицензиям.

Выбрав конкретный приоритет, страховщик приступает к разработке программы.

Для каждого вида страховой продукции разрабатывается своя программа, в которой делается попытка предусмотреть все нюансы самого продукта, его ожидаемую востребованность, задействование смежных отделов страховой организации, организационные мероприятия при создании, лицензировании и продвижении продукта до потребителя, затраты на

создание и рекламу, меры, обеспечивающие конкурентоспособность нового продукта и целый ряд других.

Приступая к разработке маркетинговой программы под новый и действующий страховой продукт, страховая компания проводит комплексное маркетинговое исследование страхового рынка с широким использованием источников информации. Система маркетинговых исследований и разработки программ по созданию новых и модернизации действующих страховых продуктов представлена в приложении В.

Программа маркетинга — основополагающий документ, устанавливающий конкретно, кто, что, когда, где и каким образом должен делать.

Программа разрабатывается как на используемый в деятельности страховой компании страховой продукт, так и на вновь создаваемый. Цели программы маркетинга по продукту: разработка на основе полученной информации оптимальных условий и экономических показателей страхового продукта; проведение многовариантных расчетов на предмет ее эффективности при различных условиях реализации этой продукции для принятия управленческих решений и планирования деятельности страховой компании.

Конечная цель программы маркетинга по новой страховой продукции — определение ее востребованности и рентабельности и принятие решения о целесообразности ее разработки.

На основе программы маркетинга ведется постоянный поиск новых потребителей и новых видов страхового продукта, расширение страхового поля.

Главные задачи программы маркетинга:

- определение объема предоставленных страховых услуг (новых, модифицированных и действующих) в натуральном выражении (количестве заключенных договоров, принятых объектов на страхование) и в объемах поступивших страховых платежей на текущий и перспективный период;
- выбор целевого рынка или потребителя под предлагаемые страховые услуги с учетом их требований и потребностей в предлагаемом страховом продукте;
- сопоставление затрат па разработку новых или модернизацию действующих правил страхования, продвижение их до потребителя, обучение персонала;
- анализ изменяемости тарифной ставки по каждому виду страхования в пределах залицензированных размеров и влияния изменяемости тарифных ставок на реализацию страховых услуг, на поступившие страховые платежи и прибыль.

Важнейшая задача маркетинговой деятельности: выявление на основе многовариантного анализа, проводимого с использованием ЭВМ, видов страховых услуг, могущих обеспечить страховой компании наиболее высокий

уровень прибыли, и ориентация деятельности страховой компании через планирование на работу по реализации именно таких видов страховых услуг.

При разработке оптимальных вариантов программы маркетинга необходимо учитывать число и важность переменных (факторов). В то же время необходимо давать допуски па непредвиденные факторы и ситуации, которые невозможно учесть. Поэтому на первый план всегда выдвигается степень приспособленности, возможность адаптации страховой компании к меняющимся внешним экономическим и политическим условиям, что в конечном счете обеспечивает устойчивость ее функционирования и достижение относительно стабильных конечных результатов.

Разработка программы маркетинга предполагает: обоснованный выбор пользующихся наибольшим спросом страховых услуг; определение ресурсов для выполнения намеченных программ: денежных, людских, материальных.

Программа маркетинга средних и региональных страховых компаний предусматривает следующие цели:

- определение приоритетных видов страховых услуг, их реализацию в количественном и денежном выражении; принятие решений о целесообразности разработки новых страховых продуктов; модернизации и усовершенствования действующих залицензированных правил страхования; прекращение страхования отдельных видов и объектов страхования (из-за несовершенства залицензированных правил, высокого риска, приводящего к превышению выплат по отношению к поступившим страховым платежам, и по другим причинам); пересмотр тарифов по отдельным видам страхования;
- определение структуры предоставляемых страховых услуг (доли отдельных видов страхования в общей массе страховых услуг);
- определение доли затрат на создание нового вида страхового продукта, рекламу, обучение персонала по его продвижению до потребителя;
- выбор методов и способов реализации страхового продукта, обеспечение его значимости и наглядности через средства массовой информации и индивидуальную работу агентов, брокеров , разработку политики в отношении обеспечения материальными ресурсами, создание дочерних филиалов.

Программа маркетинга страховой компании — это базовый документ, составленный на основе анализа всех показателей хозяйственной деятельности компании за истекший плановый период, содержащий оптимальный вариант показателей для планирования деятельности страховой компании. Программа содержит разработку политики, средств и методов для достижения стратегических целей и задач, стоящих перед страховой компанией.

На основе программы маркетинга составляется проект плана страховой компании на предстоящий календарный период. После утверждения план приобретает директивный характер. Его выполнение находится под постоянным контролем. В зависимости от внутренних и внешних факторов он может подвергаться корректировке. Обратная связь всех функций управления

с маркетинговой деятельностью имеет целью определение ее эффективности по результатам деятельности страховой компании за отчетный период.

Жўраев А.А. *– ОБМ тингловчиси*

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ этиш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришларнинг таркибий қисми сифатида, давлат харидини ташкил этишни тубдан ислоҳ этиш, уни тартибга солувчи ҳуқуқий базани шакллантириш, давлат харажатларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Айни дамда мамлакатимизда давлат ва корпоратив харидлари механизмини янада такомиллаштириш ҳамда тендер савдоларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича изчил ҳамда комплекс саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан:

- электрон савдолар жорий қилинди,
- Республика товар-хом ашё биржаси махсус ахборот портали яратилди,
- товарлар (ишлар, хизматлар) хариди бўйича, жумладан, инвестиция лойиҳалари доирасида кўп поғонали идоралараро тендер комиссиялари тузилди.

Давлат харидлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва тадбиркорлар учун электрон харид қилиш имкониятини янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самара бермоқда. Юртимизда бу муҳим механизмнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, соҳага оид 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ҳамда уларга ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Ўз навбатида, давлат хариди қонунчилиги тизимининг бугунги ҳолати ва асосий йўналишлари, электрон давлат харидининг шу жараёндаги шаффофлик ҳамда самарадорликни таъминлаш, давлат бошқаруви тизими, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ислоҳ қилиш шароитида ресурслардан оқилона фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда назорат қилишнинг замонавий шакл ва услубларини жорий этиш амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо қилаётган эди.

Президентимизнинг 2021 йил 16 июндаги фармонида давлат харидлари тизимининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Шунингдек, 2021 йил 22 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни ҳам қабул қилинди. Албатта, бу ҳужжатлар тизим ишини такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асосдир.

Давлат харидлари товар хизматларини давлат буютмачилари томонидан ўз эҳтиёжлари учун пулли асосда харид қилиш ҳисобланади. Оддий сўз билан айтганда, ҳар бир давлат буюртмачиси, яъни бу корхона бўладими ёки бюджет

ташкилоти бўладими, у аввалambор, ўзига керакли бўлган товар хизматларини харид қилади. Давлат харидлари платформаси ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Бу тизим ҳам ана шундай бозорни яратиб берадиган платформадир.

Маълумотларга тўхталадиган бўлсак, ўтган йилнинг ўзида 147 триллионлик товарлар шу платформа орқали харид қилинган. Бу ўтган йилга нисбатан 12 фоиздан кўпдир. Муҳими, тадбиркорлик субъектлари томонидан шу бозорга қизиқиш кўпайган. Таҳлилий маълумотларга кўра, 2020 йилда давлат харидларида 99 минг нафар тадбиркор фаол қатнашган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 190 минг нафарга етди.

Ўтган йили 147 триллионлик бозорнинг ЯИМга нисбатан ҳиссаси 20 фоизни ташкил этади. Ривожланган давлатларда ҳам давлат харидларининг улуши ЯИМда 20-25 фоиздир.

Қиймати энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан ортиқ миқдордаги товарлар хариди бўйича давлат харидлари ўтказилганда Харид комиссияси таркибига “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси”ни киритишни мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелда қабул қилинган “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунининг 19-моддаси йирик миқдордаги (энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан кўп) давлат харидларини ўтказишда ўтказилганда харид комиссияси таркибига давлат буюртмачисининг вакилларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжиниринг» республика лойиҳалаштириш институтининг вакиллари киритилиши белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги “Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 456-сонли қарори ва 2003 йил 3 июлдаги “Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 302-сонли қарорларида ҳам харид комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЎзИнжиниринг» республика лойиҳа институти, шунингдек, буюртмачининг тармоқ илмий-техник кенгашлари вакиллари мажбурий тартибда киритилиши назарда тутилган. Шунингдек, харид комиссиясининг қарорларини нафақат давлат буюртмачилари балки иштирокчилар учун ҳам мажбурийлигини белгиланган. Ушбу ҳолат буюртмачи ва етказиб берувчи ўртасида тузиладиган шартномаларни ижро этилиши аниқлигини ва самарадорлигини таъминлашга ҳамда иштирокчилар масъулиятини оширишга имкон беради. Шу боисдан, давлат харидларининг йирик ҳажмда ёки стратегик аҳамиятга бўлган соҳаларда амалга оширилишида рақобатни таъминлашга қаратилган чоралар мақсадга мувофиқдир. Ўз навбатида, мазкур амалиётни жорий этиш натижасида ўтказилаётган давлат харидларида нархларни шаклланиши ва тендер жараёнида юзага келиши мумкин бўлган монополистик ёки олигополистик ҳаракатларни олдини олиш, жойида аниқлаш ва чеклаш имконияти яратилади.

Давлат харидлари билан боғлиқ расмий ҳужжатларнинг намунавий шаклларини тизимлаштириш буюртмачи ва етказиб берувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни самарали ташкил этишга имкон беради. Шунингдек, давлат буюртмачилари томонидан тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш уларни мониторинг қилишга шарт-шароит яратиб беради. Юқорида таклиф этилган мониторинг институти фаолият олиб боришига харидлар тўғрисидаги ахборотларни тизимлаштириш муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, ягона етказиб берувчиларнинг реестрини тузиш тўғридан-тўғридан шартномалар асосида харидларни амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, табиий монопол мақомига эга бўлган тармоқларнинг ишончли манба орқали аниқлаштиришга шарт-шароит юзага келади. Мазкур чора-тадбирларни жорий этиш орқали давлат харидлари иштирокчилари фаолиятини самарадорлигига хизмат қилади. Шу билан бирга, давлат хариди бўйича чекловлар белгилашда давлатнинг стратегик йўналишлари ва ривожлантириш давлат дастурларига тегишли қисмларига истисно беришдир. Бу давлатнинг стратегик йўналишлари ва ривожлантириш давлат дастурларини ўз вақтида амалга ошириш имконини бериши мумкин.

Давлат буюртмачиси томонидан харидни амалга ошириш учун тузилган шартномани бекор қилишнинг асослантирилган сабабини махсус ахборот порталида эълон қилишга уч кунлик муддат мезонини жорий этиш. Давлат ҳаридларини бекор қилиш сабабларини ўрганиш имконияти яратилади ва харидларни шаффофлиги янада ортади.

Бюджет буюртмачилари учун электрон дўкон орқали харидни амалга оширишда бир шартнома қиймати энг кам иш ҳақининг йигирма беш баробаригача бўлган (максимал) қиймат белгиланган. Ушбу қоидага минимал қийматни киритиш ва унгача бўлган қиймат бўйича харидга тўғридан тўғри шартнома тузишга имкон бериш. Бу орқали харидлар жараёнида буюртмачилар учун доимий ёки зарурат юзасидан керакли бўлган, жуда кўп майда буюмларни ўз ичига олган (масалан канцтовар), узоқ муддат сақлаш имконияти бўлмаган, кам маблағ талаб қиладиган (масалан беш юз минг сўм) товар(иш,хизмат)лар хариди жараёни соддалаштирилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. О проблемах управления государственными закупками в Республике Узбекистан и направлениях совершенствования. Аналитическая записка. UNDP. Ташкент,2008.
2. Қосимова Г.А. Ғазначилик тизимида давлат харидининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари//Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали. – Т., 2019. - № 2 (апрель).
3. Бурханов У.А. Давлат хариди. – Тошкент, 2010. – 16 бет.
4. Филиппов А.П. Формирование и развитие государственной контрактной системы в субъекте Российской Федерации: автореферат ... к.э.н. – Институт экономики РАН. – Москва, 2012. – С.23.

5. Овчинский В.А. Развитие института федеральной контрактной системы: автореферат ... к.э.н. - Российский государственный гуманитарный университет. – Москва, 2013. – С.23.

Юсуфхонов Қ.П. – ОБМ тингловчиси

ЛОЙИҲА ЖАМОАСИНИ БОШҚАРИШДА НИЗОЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ мамлакатимизда “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин” [1].

Демократик давлатда фикрлар хилма-хиллиги, хар бир инсон муҳокама этилаётган масалаларда ўз фикрига эга бўлиши одатий хол ҳисобланади. Аммо бир жамоада фаолият юритаётган инсонларнинг фикри бир-бирига тўғри келмаслиги, топшириқни бажаришга оид турли хил ёндашувлар мавжудлиги ёки муаммолар ечими юзасидан турли йўлларни таклиф этилиши жамоада низоларнинг келиб чиқиш сабаблари бўлиб хизмат қилади. Низо одатда икки ёки ундан ортиқ томон ўртасида муроса мавжуд бўлмаслигидир. Ҳар бир томон ўз нуқтаи назари қабул қилинишига интилиб, бошқа томоннинг шундай харакат қилиши учун тўсқинлик қилади (масалан иккита ходим лойиҳани амалга ошириш, маркетинг режасини ишлаб чиқиб, хар бири ўз режасини қабул қилинишини талаб қилади). Низо кўпинча тажовуз, тахдид, мунозара, душманлик, уруш ва х.к.лар билан тенглаштирилиб, доимо номақбул ходиса сифатида қабул қилинади, унга имкони борича йўл қўймаслик ёки вужудга келган холда тезлик билан хал этиш зарур. Баъзи олимлар фикрига кўра жамоадаги яхши ўзаро муносабат низолар вужудга келишининг олдини олиши мумкин.

Низоларнинг ижобий тарафлари ҳам мавжуд. Кўпчилик холларда низолар турли нуқтаи назарни баён қилишга ёрдам беради, қўшимча ахборот, муқобил қарорларга эга бўлиш учун имкон яратади. Бу лойиҳа бўйича қарор қабул қилиш жараёнини самаралироқ қилиб, кишиларга ўз фикрини билдириш учун имкон яратади.

Низоларни бошқариш учун низоли вазият вужудга келиш сабабларини аниқлаш лозим. Низоларнинг турт асосий тури мавжуд: шахснинг ички низоси, шахс ва гурух ўртасидаги низо, шахслар ўртасидаги низо, гуруҳлар ўртасидаги низо. Шахснинг ички низоси бир кишига қарама-қарши топшириқ берилган ва ундан бир-бирини инкор этувчи натижа талаб қилинган холда вужудга келади. Масалан, лойиҳанинг бизнес-режасини тузувчи мутахассисга лойиҳа менежери маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини максимал қисқартиришни, корхона бошлиғи эса махсулот сифатини яхшилашни талаб қилиши мумкин. Бундай холда низонинг асосий сабаби - ягона рахбарлик тамойилининг бузилишидир. Шахс ички низоси, шунингдек, ишлаб чиқариш

талаблари ходимлар шахсий манфаатларига мувофиқ бўлмаслиги натижасида вужудга келади.

Шахслар ўртасидаги низо энг кенг тарқалган тури ҳисобланади ва лойиҳада у турлича намоён бўлади. Кўпинча бу рахбарларнинг хокимият, ресурс, капитал ва ишчи кучи учун манфаатдорлигидан иборатдир - ҳар бир рахбар ресурслар чекланган бўлганлиги сабабли, улар фақат у корхонасини ресурслар билан таъминланишини ўйлашга мажбур. Битта бўш жой учун икки номзод мавжуд бўлган холда ҳам улар ўртасида узоқ низо давом этиши мумкин. Алохида шахс ва гуруҳ ўртасида бу шахс гуруҳ нуқтаи назаридан фарқ қилувчи нуқтаи назарга эга бўлган холда низо чиқиши мумкин. Рахбарнинг интизомни мустахкамлаш учун кўрган тадбирлари ходимлар гуруҳига ёқмаслиги мумкин. Бу холда гуруҳ рахбарга нисбатан муносабатини ўзгартириб, меҳнат унумдорлигини пасайтиришлари мумкин.

Низоли вазиятни бошқаришнинг бир қанча самарали усуллари мавжуд, лойиҳа рахбари низонинг асосий сабаби кишилар феълидан иборат деб хисобламаслиги керак. Албатта, бундай фарқлар низога сабаб бўлиши мумкин, лекин улар кўпинча низога олиб келувчи омиллар қаторига киради холос. Рахбар низони бартараф қилишдан аввал унинг келиб чиқиш сабабларини турли усуллар тоифасида тахлил қилиши керак. Низоларни хал этишнинг тўртта таркибий усуллари мавжуд: ишга бўлган талабни тушунтириш, мувофиқлаштириш ва интеграция механизмларидан фойдаланиш, умумий ташкилий мақсадлар мажмуини белгилаш, рағбатлантириш тизимини қўллаш.

Бажарилиши шарт бўлган ишга қўйиладиган талабларни тушунтириш низоли вазиятни бошқаришнинг энг яхши усулларидан ҳисобланади, ҳар бир ходимга ишидан қандай натижа кутилиши, уларнинг асосий хуқуқ ва мажбуриятлар тизимини тушунтириш керак.

Низоли вазиятни бошқаришнинг яна бир усули мувофиқлаштириш механизми -буйруқлар занжири, ваколатлар тақсимотини қўллашдир. Агар бир-икки ходим ўртасида баъзи масалалар бўйича норозилик бўлса, улар умумий бошлиқларга қарор қабул қилиш учун мурожаат қилишлари низонинг оддини олади. Ягона бошчилик усули низоли вазият олдини олиш имконини беради, чунки рахбар қўл остидаги ходим кимга бўйсунишини яхши билади.

Умуман қилиб айтганда лойиҳада ҳар бир ходимнинг олдиндан ваколатлари, иш вақти, иш ҳажми, мажбуриятларини аниқ белгилаб бериш, рағбатлантириш тизимини барча ходимлар учун адолатли, тенг ҳуқуқли қилиб белгилаш кўп холларда низоларни олдини олишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 08.12.1992 йил. https://lex.uz/docs/20596

2. Wang, N., & Wu, G. (2020). A Systematic Approach to Effective Conflict Management for Program. SAGE Open, 10 (1). https://doi.org/10.1177/2158244019899055

3. Макарова А., Якушев А. Управление конфликтами в проектной деятельности// Проектная деятельность в образовательном и информационно-коммуникативном процессе: опыт и перспективы. Сборник научных статей по материалам III Всероссийской научно-практической конференции. Симферополь - Гурзуф, 22–25 мая 2019 года, с. 206-210.

Юнусходжаев Ж.С. *– ОБМ тингловчиси*

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК АСОСИДА ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

Бугунги кунда жаҳонда кузатилаётган нобарқарорлик, турли хавф-хатарлар, пандемиялар, санкция ва чекловлар давлат бошқарув органлари фаолиятида режалаштирилмаган харажатларни юзага келтирмоқда. Давлат бюджети маблағлари чегараланган шароитда барча вазифаларни давлатнинг ўзи бажариши нафақат иложиси йўқ, балки мақсадга ҳам мувофиқ эмас, чунки жаҳон тажрибасида давлат вазифаларнинг бир қисмини хусусий секторга ўтказиш ва юқори самара эришиш амалиёти кенг тарқалган бўлиб, бу мамлакатда ўзаро манфаатли давлат-хусусий шерикчилик механизмини жорий этиш ва ривожлантиришни талаб этилади.

Ўзбекистонда давлат-хусусий шерикчилик (ДХШ) механизми мактабгача таълим, сув хўжалиги, энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар каби соҳаларда қўлланилган. Ушбу амалиётни чуқур тадқиқ этиш ва тарғиб этиш давлат мулкини бошқариш самарадорлигини ошириш, хусусий секторда рентабеллик кўрсаткичларини яхшилаш ва аҳолимизни юқори сифатли хизматлар ва инфратузилма билан таъминлашга замин яратади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ДХШ лойиҳаларининг қуйидаги харажатлари Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджет маблағлари, субсидиялар, бюджет ссудалари ва кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилади:

а) ДХШ объектини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш харажатлари;

б) ДХШ объектини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш харажатлари;

в) ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш доирасида консалтинг ва аудиторлик хизматларини жалб этиш билан боғлиқ харажатлар;

г) давлат-хусусий шериклик объектидан фойдаланиш (эксплуатация қилиш) ва (ёки) объектга хизмат кўрсатиш даврида ундан эркин фойдаланилишни таъминлаганлик учун давлат шериги томонидан амалга ошириладиган харажатлар. [1]


Шунга асосан давлат-хусусий шерикчилик лойиҳаларининг молиялаштириш қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ҳукумат томонидан молиялаштириладиган ДХШ лойиҳалари - бу давлат хусусий шерикка тақдим этилган активлар ёки хизматлар учун ҳақ тўлайдиган ДХШ лойиҳалари.

2. Фойдаланувчилар томонидан молиялаштириладиган ДХШ лойиҳаларида ҳукумат субсидиялар ёки кафолатлар кўринишида қўшимча ёрдам кўрсатса ҳам, хусусий шерик учун асосий даромад манбаи фойдаланувчиларнинг тўловларидир (масалан, йўл ҳақи орқали).

3. Биргаликда молиялаштириладиган ДХШ лойиҳалари – бу лойиҳаларда актив ва хизматни тақдим этиш харажатлари қисман фойдаланувчи томонидан ва қисман ҳукумат томонидан қопланади. [2]

Қуйидаги расмда 2022 йил 1 январь ҳолатига давлат-хусусий шерикчилик лойиҳаларининг миқдор жиҳатдан турлари бўйича сони ва лойиҳалар қиймати келтирилган бўлиб, 1 млн. АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар 170 та бўлиб, жами қиймати 31,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилган. 1 млн. АҚШ долларидан 10 млн. АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар эса 26 тани ташкил қилиб, жами 69,4 млн. АҚШ долларига тенглигини, 10 млн. АҚШ доллари ва ундан юқори бўлган лойиҳалар бор йўғи 3 та бўлсада, қиймати 1 707,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилиб, барча турдаги лойиҳалардан катта эканлигини кўришимиз мумкин.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ДХШ лойиҳалари сони ва қиймати (01.01.2022 йил ҳолатига) [3]

Лойиҳалар қиймати 10 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлган катта лойиҳаларга хусусий шерикларни жалб қилиш жараёни мураккаб бўлиб қолмоқда, шунингдек, айрим ДХШ лойиҳаларининг даромад манбаи сифатида фойдаланувчилар томонидан тўловларнинг мавжуд эмаслиги, хусусий шерикнинг лойиҳадан минимал даромадини ололмаслик рискини юзага келтиради. Шу ўринда бундай лойиҳалардан энг аввало давлат манфаатдорлигини ҳисобга олсак, у хусусий шерикнинг харажатларини қоплашда қўллаб қувватлаши керак бўлади. Бундай вазиятда давлат томонидан хусусий шерикнинг харажатларини қоплаш ва уни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукумат томонидан молиялаштириш амалга оширилади, яъни лойиҳа бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Мамлакатимизда ҳам 2021 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий параметрлари ва 2022-2023 йиллар учун мақсадли мўлжалларга ажратилган маблағлар таркибида ДХШ лойиҳалари учун 2021-2023 йилларда жами 850 млрд. сўм ажратиш мўлжалланган. Шундан 2021 йилда 200 млрд. сўм ажратилган, 2022 йилда 300 млрд. сўм ва 2023 йилда 350 млрд. сўм ажратиш режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштиришда инновацион механизм сифатида давлат-хусусий шерикчилиги ҳисобланади. Ушбу механизмнинг мамлакатимизда ташкил топганига кўп бўлмаган бўлсада, бугунги кунда ўзининг меъёрий-ҳуқуқий асосларига эга ва давлат ташкилотлари ҳамда хусусий шериклар ўртасида маълум бир қизиқишларга сабаб бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 августдаги 509-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом. https://lex.uz/ru/docs/5568613.
2. Юнусова С.Б. Давлат-хусусий шериклиги амалий таҳлили // “Илм-фан ва таълимнинг ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги 22-сонли кўп тармоқли, илмий, масофавий, онлайн конференцияси . – Тошкент, 2022 йил 22 январь. 77-78 бб.
3.https://www.pppda.uz/ - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг расмий сайти маълумотлари.

Тиляков Ж.Ғ. *– ОБМ тингловчиси*

ҲУНАРМАНДЧИЛИК ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЛОЙИҲАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5020-сон қарорига асосан республикамизнинг **14 та** ҳудудида умумий қиймати **22,3 млрд**. сўмлик ҳунармандчиликнинг **9 та** йўналишбўйича хотин-қизлар фаолият юритадиган **16 та** кластерлар тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилди.

Мазкур қарор билан кластерлар устав капиталининг таъсисчилари сифатида Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси 25% (**5,5 млрд. сўм**), Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси 25% (**5,5 млрд. сўм**), қолган 50%(**11,1 млрд. сўм**) ҳунармандларнинг ўз маблағи ҳисобидан шакллантирилиши белгиланган.

Ушбу лойиҳалар тўлиқ қувватда ишга тушиши билан маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва товар айланмасининг ўртача ойлик ҳажми **17,9 млрд.** сўм бўлиши ҳамда **3 мингдан** ортиқ ишчи ўринлари яратилиши кутилмоқда.

Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига ҳунармандлар томонидан кластерлар устав фондининг **10 млрд**. сўми пул маблағлари, мол-мулк, дастгоҳ, асбоб-ускуна (жиҳоз)лари, ҳамда хом ашё маҳсулотлари ва бошқа манбалар кўринишида шакллантирилган бўлиб, ўзлаштириш **91%** ни ташкил этмоқда.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси томонидан **3,5 млрд. (64%)** сўм ва Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан**0,8 млрд. (14,5%)** сўм молиялаштирилди.

Ушбу Жамғармалар томонидан молиялаштирилган маблағ, ҳамда ҳунармандларнинг ўз ҳисобидан шакллантирилган устави ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми **1,9 млрд.** сўмни ташкил этиб, **400 нафарга** яқин фуқароларнинг бандлиги таъминланди, шунингдек **2770** дона ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқилиб, **1580** донаси реализация қилишга эришилди.

“Ҳунарманд” уюшмаси томонидан кластерлар маҳсулотларини реализация қилишга кўмаклашиш, ташқи ва ички бозорларда харидор топиш ҳамда экспорт операцияларини амалга оширилишида ёрдам бериш мақсадида уюшма томонидан каталог тайёрланиб, uzcrafts.uz онлайн савдо платформасига маҳсулотлар жойлаштирилмоқда.

Кластерлар фаолиятини янада ривожлантириш, ҳамда қўшимча иш ўринларини ташкил этиш мақсадида қуйидаги муаммолар мавжуд:

- Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси (**2,0 млрд. сўм**) ва Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси (**4,7 млрд. сўм**) томонидан қолган маблағларни қисқа фурсатда молиялаштириш;

- Маҳаллий ҳокимликлар томонидан хом ашё базасини яратиш учун **42 га** ер майдонлари (тут, тол) ажратиш.

Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилган кластер молиявий кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, ижобий натижалари билан биргаликда бир қатор муаммолар, айниқса молиявий маблағлар етишмаслиги.

Шу ўринда мазкур жамиятнинг иқтисодий кўрсаткичларини санаб ўтадиган бўлсак, Хўжайли туманида устав фонди **3,2 млрд.** сўмлик новдалардан буюмлар тўқишга йўналтирилган Qaraqalpaq Onermentler klasteri МЧЖ (Жамият) кластери ташкил этилди.

Жамият устав капиталининг таъсисчилари сифатида Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси 25% (**0,8 млрд. сўм**), Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси 25% (**0,8 млрд. сўм**), қолган 50% (**1,6 млрд. сўм**) ҳунарманднинг ўз маблағи ҳисобидан шакллантирилиши белгиланган.

Ушбу лойиҳалар тўлиқ қувватда ишга тушиши билан маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва товар айланмасининг ўртача ҳажми **6,9 млрд.** сўм бўлиши ҳамда **мингдан** ортиқ ишчи ўринлари яратилиши кутилмоқда.

Масалан, **Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилган кластер**устав фондидаги ҳунарманд улушининг **1,6 млрд**. сўми хом ашё маҳсулотлари (1 млн. дона инглиз тол кўчати) кўринишида шакллантирилган бўлиб, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси томонидан **0,8 млрд.** сўм (**100%**) ва Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан **0,8 млрд.** сўм (**100%**) молиялаштирилган.

Шу кунга қадар Тўрткўл, Амударё ва Беруний туманларида "QARAQALPAQ O'NERMENTLER KLASTERI" филиаллари ҳисоб рақамлари очилиб, раҳбарлар тайинланди. Уста-шогирд анъаналари асосида Тўрткўл туманида **216 нафар** (46 таси тамомлаган)**,** Хўжайлида **122 нафар** (52 таси тамомлаган), Амударёда **176 нафар** (40 таси тамомлаган) ва Кегейлида **210 нафар** (71 таси тамомлаган) шогирдлар саватчилик йўналишида ўқув-курсларида иштирок этди.

Кластернинг **16 та** тумандаги барча филиалларига (ҳар бирига 10 гектардан) жами**160 гектар** ер майдонлари ажратилган бўлиб, ҳар бир туманда Жамият филиали ёки маркази ташкил қилиш учун **150 кв. метрдан** кам бўлмаган ер ажратилди.

Жамият томонидан жорий йил бошидан шу кунгача жойларда **4,5 минг нафар** ҳунармандчиликнинг **16 та йўналишига** қизиқиш билдирган фуқаролар билан учрашувлар ўтказилган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва "Ҳунарманд" уюшмаси билан биргаликда 424 нафар ҳоким ёрдамчилари ёрдамида косибчилик 10 та, каштачилик 10 та, сандиқчилик 10 та, туникачилик 10 та, кулолчилик 10 та, қандолатчилик 10 та, сарпо-сандиқчилик 10 та, сополчилик 10 та, дурадгорчилик 10 та, бешикчилик 10 та, гиламдўзлик 25 та, темирчилик 10 та, тикувчилик 50 та, эсдалик буюмларини ясаш 10 та, тўқимачилик 20 та ва саватчилик 30 та жами бўлиб 16 та касб бўйича ўқиш истагини билдирган **235 нафардан ортиқ** ишсиз банд бўлмаган фуқаролар рўйхати шакллантирилган.

Мазкур кластернинг 2021 йил молиявий кўрсаткичлари таҳлил қиладиган бўлсак, иш ҳақи харажатиларига 210 млн. сўм сарфлаган бўлиб, устав фондига ўтказиб берилган 1 671 500 минг сўмдан 2022 йил бошига ҳисоб рақамида 1 407 500 минг сўм қолдиқ мавжуд бўлган.

Жамият асосан новда йўналишида сават тўқишга ихтисослашган, ҳар ойда **5,6 млн дона** сават сотиш хисобига 15,6 млн. АҚШ доллари экспорт қилиши кўзда тутилган бщлиб,шундан Россия Федерациясига - 1,2 млн. АҚШ доллари, Туркманистон Республикасига - 1,3 млн. АҚШ доллари, Қозоғистон Республикасига - 1,2 млн. АҚШ доллари, Қирғизистон Республикасига - 0,5 млн. АҚШ доллари,Тожикистон Республикасига - 0,8 млн. АҚШ доллари ва Афғонистон Республикасига - 0,6 млн. АҚШ доллари, қолган 10 млн. АҚШ долларининг сўмдаги эквиваленти ҳисобидаги ҳунармандчилик маҳсулотлари ички бозорда реализация қилиниши прогноз қилинган.

Кластер томонидан Қорақалпоғистон Республикасидаги плантация майдонини 10 га дан 100 га етказиш ва хом ашё базасини 10 млн. туб тол

кўчатлари экиш мўлжалланган.Мазкур хом ашё шартнома асосида ҳар бир ҳунармандга етказиб берилиши, бунинг эвазига 10 минг нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланишга эришилади.Ҳунарманд ҳар бир тўқиган савати учун 10 минг сўмдан 100 минг сўмгача саватларни кластерга сотади (камида бир ҳафтада 150 та сават тўқиш мумкин). Ҳунармандлар томонидан тўқиб сотилган саватлар орқали бир ойда ўртача 6 млн. сўм даромад топишга эга бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мазкур лойиҳаларга юқорида келтириб ўтилган молиявий кўмак ва ер ажратилиши ўз вақтида таъминланса ҳунармандчилик маҳсулотларининг экспорт ҳажми ошади, маҳсулотнинг таннархи пасаяди, бу эса ўз навбатида кластерларнинг товар айланмасини ошишига, даромадини ўсишига олиб келади.

Мирзаев Н.Х. *- слушитель, ВШБП*

PR-ТЕХНОЛОГИЯ В СТРАХОВОМ БИЗНЕСЕ

В настоящее время, маркетинг и PR стал одной из важнейших концепций управления предприятием. Он используется для повышения эффективности существующей в фирмах управленческой системы, позволяет составлять более реальные программы производства и реализации, быстрее реагировать на изменения, происходящие на рынках, и создает существенные преимущества в конкурентной борьбе. PR являются важной деятельностью в страховом бизнесе и направлены на установление доверительных отношений между объектом и субъектом коммуникационного процесса. Они сочетают в себе как социальные, так и экономические аспекты. PR — технологии создания и внедрения при общественно-экономических и политических системах конкуренции образа объекта (идеи, товара, услуги, персоналии, организации — фирмы, бренда) в ценностный ряд социальной группы, с целью закрепления этого образа как идеального и необходимого в жизни. Следует отметить, что важность PR в последнее время приобретает смысл и для страховых организаций.

На сегодняшний день страхование – одна из наиболее динамично развивающихся отраслей экономики, как мировой, так и отечественной.

В большинстве компаний бюджет PR-подразделений формируется под отдельные проекты, мероприятия, у некоторых страховщиков - определяется при формировании годового бизнес-плана компании. По мнению преобладающего большинства экспертов, показателями эффективности PR-деятельности могут быть узнаваемый бренд, положительное отношение у целевых групп, а также количество публикаций с упоминанием компании. В качестве сдерживающих факторов развития общественных связей на страховом рынке респонденты назвали низкую квалификацию специалистов по PR, отсутствие у PR-менеджера доступа к стратегической информации, недооценку руководством компании важности PR, а также недостаточное

финансирование. Отвечая на вопрос об уровне работы в области PR в своих компаниях, эксперты оценили его как средний. Подавляющее большинство респондентов считают перспективы PR-деятельности в страховании благоприятными. Таким образом, применение современных PR-технологий в страховом бизнесе имеет особое значение.

На сегодняшний день существует множество определений PR, отражающих наличие самых разных концепций и точек зрения на предмет. Например:

1. Обобщенное: «PR – это управленческая деятельность, направленная на установление взаимовыгодных, гармоничных отношений между организацией и общественностью, от которой зависит успех функционирования этой организации».

2. Лаконичное: «PR – это формирование общественного мнения о товаре, человеке, компании, событии», «PR – информировать, образовывать, вызывать доверие».

3. PR – это искусство и наука достижения гармонии с внешним окружением посредством взаимопонимания, основанного на правде и полной информированности

4. Циничное: «PR – это искусство формирования благоприятного отношения общественности к фирме путем создания представления о том, что фирма выпускает и продает товар только в интересах покупателя, а не ради получения прибыли».

Основным содержанием PR для страховых организаций является общение как двусторонний коммуникативный процесс, основанный на принципе обратной связи. Хотя понятия «общение» и «коммуникации» не равнозначны, они не противоречат друг другу. В понятии «общение» подчеркивается обязательный двусторонний субъект-субъектный характер коммуникативных процессов, организуемых в рамках PR компании модной индустрии, их динамическая структура, невозможность строгого прогнозирования результатов коммуникативного воздействия. Отсюда вытекает необходимость выделения сегментов аудитории и адресованных им ключевых сообщений. Важным атрибутом PR-коммуникаций в сфере страхового бизнеса является доверие, понимаемое, согласно определению психологии, как способность человека apriori наделять явления и объекты окружающего мира, а также других людей свойствами безопасности (надежности) и полезности. При этом надо учитывать, что поддержание доверия требует непрерывной работы. Оно может быть утрачено по многим причинам. Поэтому необходим постоянный мониторинг доверия, а при разработке коммуникативных стратегий и планировании коммуникативных действий PR - тщательная оценка состояния сознания того сегмента общественности, на который планируется воздействие, с целью продуманной деятельности по подготовке людей к восприятию новых ценностей и смыслов.

Другое понимание направлений PR можно предложить, основываясь на выделении тех или иных критериев, а именно: PR «внешний» и «внутренний»:

по критерию работы с целевыми аудиториями вне и внутри организаций; с точки зрения технологической в первом случае речь идёт о работе с неконтролируемыми, во втором — с контролируемыми СМИ; PR «позитивный» и «негативный»: речь идёт о позитивной, созидательной или негативной, разрушительной работе; многие PR-специалисты категорически отрицают саму возможность рассмотрения негативного направления как в принципе относящегося к PR; PR «негативный» и «антикризисный»: «обслуживание», обеспечение атакующей или оборонительной бизнес-деятельности; эта дихотомия мыслима лишь в случае, если всерьёз ставится вопрос о «негативном» PR и противодействующем ему антикризисном; противоположный подход, в сущности, рассматривает реальное общество как бесконфликтное, состоящее в массе своей из весьма высоконравственных людей; PR «повседневный» («рутинный») и «антикризисный» («аварийный»): в первом случае речь идёт о PR-деятельности в относительно спокойной, повседневной обстановке, связанной с позитивной деятельностью и допускающей высокую степень планирования в силу подконтрольности ситуации; во втором — о деятельности в ситуации цейтнота, стресса, высокой степени неопределённости, вызванной, как правило, «внешними» силами; Целью любого вида деятельности страховой организации является результат, который должен быть получен в процессе данной деятельности. Достижение цели происходит путем решения поставленных задач и выполнения определенных функций. Грамотно используемые коммуникативные PR-технологии позволяют предприятию выходить на новые рынки, представлять себя в мировом сообществе, а следовательно повышать результативность деятельности современных страховых фирм и наращивать их капитал. Организация PR-сопровождения деятельности в сфере страхования способствует развитию цивилизованного страхового бизнеса в Узбекистане.

Икрамшиков Ж.М. *– ОБМ тингловчиси*

СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бу йил Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан олиб борилган ишлар натижасида Ўзбекистон Глобал инновациялар индексида 131 давлат ичида 82 ўринни эгаллади, 2015 йилда 140 давлат ичида 122 ўринни эгаллаганди. Узоқ танаффусдан сўнг Ўзбекистоннинг Глобал инновациялар индексига қўшилиши мамлакат учун асосий ва муҳим ўзгаришлардан бири бўлиб, олиб борилаётган ислоҳотлар, шаффофлик, ошкоралик сиёсати ва бошқа қатор инновацион соҳадаги ижобий ўзгаришларнинг самарасидир. Глобал инновациялар индексда мамлакатлар инновацион салоҳияти ва ютуқларини баҳолаш учун 81 та кўрсаткичдан фойдаланилади. Ўзбекистон институтлар, инсон капитали ва тадқиқотлари, инфратузилма, билим ва

технологиялар натижалари шунингдек ижодий натижалар каби кўрсаткичларда ижобий кўрсаткичлар қайд этишга эришилди.

Юқоридаги ютуқларга муҳтарам президентимизнинг мамлакатда инновацион экотизимни яратиш, илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, илмий натижаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш масалаларига қаратган алоҳида эътиборлари туфайли эришилди.

2017 йилдан бошлаб мамлакатда республикада илм-фан ва инновация соҳасини ривожлантиришни назарда тутувчи бир қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Қабул қилинган меъёрий ҳужжатлардан мақсад Ўзбекистонни жадал ривожлантиришнинг муҳим шарти иқтисодиётга, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни кенг жорий этиш эканлигини ҳисобга олсак, бу ҳужжатлар мамлакатда илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, бугунги кунда асосий вазифа - маҳаллий илм-фан салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ва замонавий технологияларнинг жаҳон бозорига киришини таъминлаш, илмий ва техник ишланмаларни ўтказиш ва уларни тижоратлаштиришдир.

Лойиҳаларни мониторинг қилиш жараёнида стартап лойиҳаларнинг мониторинг хулосалари бугунги кунга қадар электрон почтага ҳисобот маълумотларни юбориш орқали амалга оширилиши, 80 % ҳолатларда ташаббускорлар томонидан ҳисоботлар белгиланган муддатлардан кечиктириб тақдим этилиши, аксарият ҳолатларда лойиҳа мониторингини жойига чиққан ҳолда амалга ошириш имкони бўлмаслиги, барча ҳисоботлар фақат ҳужжатлардан иборат эканлиги ҳамда лойиҳалар мониторинги бўйича якуний хулосаларни тақдим этиш учун узоқ муддат сарфланиши каби муаммолар мавжуд.

Бу муаммоларнинг мавжудлиги юқорида айтиб ўтилган натижаларга эришишни қийинлаштирувчи омиллардан бўлиб саналади. Айнан шу каби бир қарашда аҳамиятсиздек кўринган, аслида эса жараённи сезиларли даражада ортга сурувчи ҳолатларнинг мавжудлиги ҳам кўплаб рейтингларда мамлакатимизни юқори ўринларда боришига тўсқинлик қилиб келмоқда.

Таклиф этилаётган платформанинг ишга туширилиши натижасида стартап лойиҳаланинг мониторинг хулосаларини эскирган усул электрон почтага юбориш орқали амалга оширилишига барҳам берилади, ташаббускорлар томонидан ҳисоботларни белгиланган муддатлардан кечиктириб тақдим этиш ҳолатлари олди олинади, лойиҳа мониторингини жойига чиққан ҳолда амалга ошириш имконияти яратилади, фақат ҳужжатлардан иборат бўлган ҳисоботларни электрон тарзда тақдим этиш амалиётига чек қўйилади ва мониторинг натижалари тўғрисида ахборотлар бир зумда (“one click”) тамойили орқали барча фойдаланувчиларга етиб борилишига эришилади.

Юқоридаги ишлардан олинадиган натижалар - Ўзбекистон Республикасида биринчи марта давлат буюртмаси асосида амалга

ошириладиган стартап лойиҳалар мониторингини амалга оширишнинг соддалашган платформаси яратилади. Шаффофликни таъминлаш мақсадида эълон қилиниши мумкин бўлган маълумотлар учун барча фойдаланувчиларга фойдаланиш имконияти (доступ) берилади ва лойиҳа топширган лойиҳа раҳбарларига ўзларининг логин ва пароллари орқали топширилган лойиҳанинг жорий ҳолати, экспертлар хулосаси ва қайси босқичда турганлигини билиб олиш имконияти берилади.

Олинган натижалар илм-фан ва ишлаб чиқариш, технологик инкубаторлар, олимлар-новаторлар ва инновацияларнинг потенциал истеъмолчилари ҳамда бошланғич ташкилотлар вакиллари билан яқин алоқани ўрнатишга, шунингдек мамлакатда инновацион инфратузилмани шакллантиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, ушбу лойиҳа натижаларининг амалий аҳамияти 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг Глобал инновацион индекс рейтингида дунёнинг 50 етакчи давлатлари қаторига кириши учун зарур бўлган талабларни маълум бир қисмларини бажаришга ёрдам беради.

Бугунги кунда жаҳон бозорларидаги глобал рақобат шароитида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилларидан бири бу янгиликлардан кенг фойдаланиш ва амалга оширишдир. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини таъминлаш муҳимлигини англаб, кўплаб ривожланган мамлакатлар илмий-тадқиқот институтлари ва кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бироқ, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш стратегиясида таъкидланганидек, инновацион иқтисодиётни самарали бошқариш ва илмий ва инновацион ишланмалар билан шуғулланадиган маҳаллий корхоналарнинг рақобатбардош ривожланишини таъминлаш учун уларнинг барча ишланмалари бўлиши керак.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси учун 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтингига кўра дунёнинг 50 та етакчи мамлакати, илмий-тадқиқот тадқиқотлари соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши зарур, айниқса, давлат ташкилотлари ва кичик бизнес вакилларини, шунингдек саноат корхоналарини жалб қилиш мақсадга мувофиқдир, давлат бюджети ва давлат буюртмаси билан молиялаштириладиган илмий-тадқиқот лойиҳалари танловларида иштирок этиш учун корхоналар фаолроқ бўлиши лозим.

Бундай натижаларга эришиш учун эса барча соҳаларни бирдек ривожлантиришимиз лозим. Муаммоларни ечимини ўзида акс эттирадиган илмий-тадқиқот лойиҳаларини давлат буюртмаси асосида амалга оширмайдиган бўлсак вақтдан ютқизиб қўйишимиз ва етакчи давлатлардан анча орқада қолиб кетишимиз мумкин. Ҳозирги ҳолатда ривожланган ва Глобал инновацион индексда юқори ўринларда бораётган давлатларнинг амалиёти биз учун дастур бўлиши лозим ҳамда буларни тўғридан-тўғри қўлламасдан, ўзимизга мослаштириб, кейин амалга оширишимиз лозим.

***Jo'raev A.A.** – OBM tinglovchisi*

DAVLAT XARIDLARINI TASHKIL ETISHDA JAHON TAJRIBASI

Hozirgi zamonaviy raqamlashtirilgan iqtisodiyot sharoitida AQSh, Avstraliya, Kanada, Argentina, Xitoy kabi mamlakatlarda davlat ehtiyojlarini qondirish uchun tovarlar, ishlar, xizmatlar xaridlarini tashkil etish tadqiqotchilarda katta qiziqish uyg'otmoqda. Tadqiqotchilarning fikriga ko`ra, Germaniya, Buyuk Britaniya, AQSh kabi mamlakatlarning uzoq tarixiy shakllanish yo'lini o`rganib va davlat shartnoma tizimini tahlil qilgan holda ushbu tizimlarni dunyodagi eng samarali davlat xaridlari tizimlaridan biri deb hisoblaydilar.

Ushbu tizimning asosini aniq va batafsil, ammo shu bilan birga sotib olish tartibini ancha tabaqalashtirilgan va moslashuvchan tartibga solish tashkil etadi va bu xaridlar tizimini amalga oshirishning barcha asosiy bosqichlarini o'z ichiga oladi:

- xaridlarni rejalashtirish;
- buyurtmalarni joylashtirish;
- etkazib beruvchilarni tanlash va shartnomalar tuzish;
- shartnomalar ijrosini boshqarish va nazorat qilish;
- shartnomalarni bajarish natijalarini baholash.

AQShda federal shartnoma tizimini rivojlantirishning hozirgi bosqichi davlat xaridlarini samarali tartibga solishni ta'minlash uchun zarur bo'lgan barcha asosiy tarkibiy elementlarning mavjudligi bilan tavsiflanadi, ya`nikim:

- xarid qilish qoidalari va tartiblarini tartibga soluvchi qonunlar va me'yoriy hujjatlar tizimi orqali batafsil huquqiy tartibga solish;
- federal organlar va vazifalari xarid jarayonini amalga oshirish bo'lgan mansabdor shaxslar o'rtasida vakolat va majburiyatlarni aniq taqsimlash;
- xaridlarni rejalashtirishning ilg'or tizimi;
- xarid qilish usullari va shartnomalar turlarining keng doirasi;
- namunaviy shartnomalar va standart spetsifikatsiyalar kutubxonasi;
- shartnomalar, etkazib beruvchilar va federal buyurtmaning boshqa parametrlari bo'yicha ma'lumotlar bazalariga kirishni ta'minlaydigan axborot tizimlari.

Buyuk Britaniyada, shuningdek AQShda, rejalashtirish, joylashtirish, ijro etish kabi asosiy bosqichlarni o'z ichiga olgan davlat xaridlarini boshqarish mexanizmlari bilan tavsiflangan milliy shartnoma tizimi mavjud. Zamonaviy davlat xaridlari tizimi 1984 yilda raqobatbardosh xaridlar bo'yicha tavsiyalar qabul qilingandan so'ng ishlab chiqilgan. 1990 yilga kelib “G'aznachilikda" asosiy uslubiy va nazorat qiluvchi organ sifatida Markaziy xaridlar tashkiloti tashkil etilgan.

Buyuk Britaniyadagi har bir vazirlikda pudrat (kontrakt) ishlari bo'limi mavjud bo'lib, uning vazifasi boshqa bo'limlar va hududiy bo'linmalarning ehtiyojlarini qondirish uchun xaridlarni mustaqil ravishda amalga oshirish hisoblangan.

G’aznachilik tomonidan byudjet mablag’larini tasarruf yetish huquqini tarmoq bo’limlariga topshirish sharoitida G’aznachilik mansabdor shaxslarining

vazifasi ushbu bo’limlarni nazorat qilish, davlat shartnomasini rejalashtirish, joylashtirish va bajarilishini qo’llab-quvvatlashdan iborat. Bundan tashqari, G’aznachilik raisining vakolatiga xarajatlarni tasdiqlash va xaridlar jarayonini boshqarish kiradi.

Olimlar xorijiy mamlakatlarda davlat xaridlarining ochiqlik va shaffoflik, barcha yetkazib beruvchilarga tenglik va adolatli munosabatda bo‘lish, byudjet mablag‘laridan tejamkor va samarali foydalanish tamoyillari kabi asosiy tamoyillarini yoritib, davlat ehtiyojlarini qondirish uchun tovarlar, ishlar va xizmatlarni xarid qilishda Avstraliya, Kanada, Argentina, Xitoy, Shvetsiya kabi xorijiy davlatlar tajribasini o‘rganadilar[1].

Avstraliyada davlat xaridlarining asosini "samarali sarflash" usuli ya`ni xarid qilish faoliyatining samaradorligi ishlab chiqarishning tavsiya etilgan tannarxini va yakuniy tannarxini solishtirish yo‘li bilan aniqlanadi degan tushuncha mavjud.

Davlat xaridlari bo’yicha mansabdor shaxslar tovarlarning hayotiylik siklidan kelib chiqqan holda eng past narx, foyda va xarajatlarni hisobga olgan holda xarid jarayonining har bir bosqichida eng yaxshi natijalarga erishishlari shart. Shu bilan birga, Avstraliyada ushbu xaridlarni amalga oshirishda xaridlarni amalga oshiruvchi hukumat vazirliklari rahbarlari javobgardir. Natijada har bir vazirlikning ishga qabul qilish bo‘yicha o‘ziga xos standarti ishlab chiqildi, xaridlar sohasidagi vakolatlarni baholash va h.k., davlat tomonidan tasdiqlanmagan shartnomalar soni ko‘payadi. Shunday qilib, Avstraliyada davlat xaridlari tartibining zaif yo'nalishi shartnomalarning bajarilishini nazorat qilish hisoblanadi.

Kanadada narx, texnik manfaatlar va mahsulot sifati uyg'unligidan iborat bo'lgan "optimal xarajat" kontseptsiyasiga asoslangan davlat xaridlari tajribasi mavjud. Xarid qilish jarayoni bir vaqtning o’zida takliflar uchun so’rovni nazarda tutadi, uning davomida ularni baholash mezonlari belgilangan mezonlarga muvofiq belgilanadi, natijada xaridor (davlat mijozlari) va sotuvchilar o’rtasida baholash va muzokaralar uchun asos yaratiladi. Bu mamlakat "Kanadaning yillik xaridlar strategiyasi"ni ishlab chiqdi, unda mamlakat hukumati tomonidan xaridlar sektorini doimiy ko'rib chiqish ko'zda tutilgan.

Argentinada davlat xaridlari tajribasini tahlil qilishda uchta qoidaga asoslanadi:

- davlat xaridlari bir nechta davlat buyurtmachilari tomonidan birgalikda xarid qilish shaklida amalga oshirilishi mumkin;

- xarid qilish tartibida nazorat narxlari qo'llaniladi, bu esa, o'z navbatida, tanlov tartibining etarli darajada qo'llanilmasligiga olib keladi;

- elektron xaridlarni amalga oshirish qo'llaniladi.

Belgiyada davlat ehtiyojlarini qondirish uchun tovarlar, ishlar va xizmatlarni xarid qilishning farqi shundaki, bu yerda xaridlarning barcha bosqichlarida davlat xarajatlarini nazorat qilishga alohida e’tibor qaratiladi va bu milliy qonunchilikda

1. [1] Дегтев Г.В. Международный опыт государственных закупок // Современные проблемы науки и образования, 2013. № 6.

o‘z aksini topadi. Shu bilan birga, davlat xaridlarining asosiy bosqichlari quyidagi tartiblarni o'z ichiga oladi:

- xaridni amalga oshirish to'g'risida qaror qabul qilinadi;
- xarajatlar smetasi hisoblaniladi;
- xaridlarni amalga oshirish uchun rejalashtirilgan xarajatlarning byudjet imkoniyatlariga muvofiqligini tahlil qilinadi;
- iste'mol qilinadigan hujjatlar tasdiqlanadi;
- davlat shartnomalari bo'yicha to'lovlarni nazorat qilinadi.

Xitoyda davlat va munitsipal ehtiyojlarni qondirish uchun tovarlar, ishlar, xizmatlarni xarid qilish tajribasini tahlil qilar ekan, ayrim olimlar bu yerda davlat xaridlarining asosiy maqsadi milliy ishlab chiqaruvchilarning jahon moliya bozorlariga bog‘liqligini kamaytirish ekanligiga e’tibor qaratmoqda[1]ar.

Bu mamlakatda davlat xaridlari chet el kapitalining milliy iqtisodiyotdagi ishtiroki shakllarini qat’iy tartibga solish, shu bilan birga resurslar va tovarlar oqimi bo‘yicha xorijiy davlatlar uchun ochiqlikni ta’minlash bilan tavsiflanadi. Shunga ko'ra, davlat xaridlari ikki pozitsiyada ko'rib chiqiladi:

- milliy ishlab chiqarishning xorijiy resurslar va kapital manbalariga texnologik va moliyaviy qaramligini kamaytirish vositasi sifatida;
- milliy eksportni qo'llab-quvvatlash mexanizmi sifatida.

Yevropa Ittifoqiga a'zo bo'lgan Germaniyada davlat xaridlari tizimi ushbu sohani tartibga soluvchi Yevropa qonunchiligi talablariga javob berishi kerak. Biroq, davlat xaridlari tartibini nazorat qilishning Germaniya tizimi o'ziga xos xususiyatlari bilan ajralib turadi.

Ushbu tizim ikki bosqichni o'z ichiga oladi:

- apellyatsiya instantsiyasi - mustaqil muassasa shaklida;
- sud hokimiyati - sud organi shaklida.

Germaniyada davlat buyurtmasini joylashtirish natijalariga sud tomonidan e'tiroz bildirish imkoniyati davlat ehtiyojlari uchun xaridlar tizimining o'ziga xos xususiyatidir. Bu ushbu tizimning shaffofligini ta'minlaydi. Shu bilan birga, buyurtmachining xatti-harakatlari ustidan shikoyatlarni ko’rib chiqishning tezlashtirilgan tartibini o’rnatish davlat buyurtmasini berish to’g’risidagi qarorni bekor qilish natijasi byudjet mablag’larini sarflashning kechikishiga olib kelmasligiga yordam beradi.

Yuqorida ta’kidlanganidek, davlat xaridlarini tashkil etish bo‘yicha xorijiy tajribani tahlil qilish O‘zbekiston qonunchiligiga ushbu sohadagi munosabatlarni tartibga soluvchi o‘zgartirishlar kiritish, shartnomalar tizimining zamonaviy tamoyillarini belgilab beradi. Tahlil shuni ko'rsatadiki, davlat xaridlarining zamonaviy amaliyoti xorijiy tajribaning quyidagi elementlarini hisobga olishi mumkin:

- davlat xaridlarini markazlashgan holda tashkil etish, buning uchun ixtisoslashtirilgan davlat organi tashkil etiladi, u keyinchalik zarur tovarlar va xizmatlarni davlat muassasalariga taqsimlaydi.;

[1] Семенова Ф.З., Борлакова М.Б., Боташева Л.С. Зарубежный опыт осуществления государственных закупок // Фундаментальные исследования, 2016. № 6. С. 465-469.

- Namunaviy shartnomalar kutubxonasi va xarid qilinadigan mahsulotlarga qo'yiladigan talablar ma'lumotlar bazasidan foydalaniladigan tanlov savdolarini o'tkazishning yagona metodologiyasining mavjudligi.;

- xaridlar tartibini tekshirish, xususan, xaridlarni prognozlash va rejalashtirish, tender savdolarini tashkil etish, toza raqobatni ta’minlash, shartnomalar bajarilishini nazorat qilish, davlat ehtiyojlarini qondirish samaradorligini tahlil qilish.

Adabiyotlar ro`yxati

1. Типовой закон ЮНСИТРАЛ о закупках товаров (работ) и услуг (принят ЮНСИТРАЛ 15 июня 1994 г.) // Комиссия ООН по праву международной торговли. Ежегодник. 1994 год. Т. XXV. Нью-Йорк: Организация Объединенных Наций, 1996. С. 417-440.
2. Галанов В.А., Гришина О.А., Шибаев С.Р. Зарубежный опыт закупочной деятельности государства. М.: ИНФРА-М, 2014. С. 236.
3. Рзун И.Г., Рзун В.В. Зарубежный опыт проведения государственных закупок услуг строительства // Научные труды Куб ГТУ, 2015. № 9. С. 8-10.
4. Смотрицкая И.И. Трансформация системы государственных закупок в российской экономике: автореф. дис. …д-ра экон. наук. М., 2009. С. 11.
5. Дегтев Г.В. Международный опыт государственных закупок // Современные проблемы науки и образования, 2013. № 6.
6. Семенова Ф.З., Борлакова М.Б., Боташева Л.С. Зарубежный опыт осуществления государственных закупок // Фундаментальные исследования, 2016. № 6. С. 465-469.

Тоштемиров О.Т. *- ОБМ тингловчиси*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КАПИТАЛ БОЗОРИДАН МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИ

Дунё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига эътибор қаратсак, аксарият мамлакатларда реал секторга нисбатан молиявий секторнинг роли катта эканлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, мамлакатлар ривожлангани сари фонд бозорининг ўрни ва аҳамияти ошиб боришини корпоратив тузилмаларнинг бизнесни кенгайтириш ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида турли қимматли қоғозлар орқали капитал жалб қилишга бўлган уринишларида ҳам кўришимиз мумкин. Ўзбекистонда ҳам фонд бозорини ривожлантириш ва акциядорлик жамиятларини молиялаштиришда қимматли қоғозлардан фойдаланиш мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришдаги муҳим жиҳатлардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда корпоратив тузилмалар томонидан қимматли қоғозлар эмиссия қилиниши ва самарали жойлаштирилиши турли янги лойиҳаларни амалга ошириш, фонд бозорида капитал айланмасини ошириш, инвестицион

жозибадорликни ошириш ва иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли Ўзбекистонда фонд бозорини ривожлантириш ва акциядорлик жамиятларини молиялаштиришда қимматли қоғозлардан фойдаланиш долзарблик касб этади.

Ўзбекистон амалиётида фонд бозори етарли даражада ривожланмаганлигини инобатга олган ҳолда айтишимиз мумкинки, миллий фонд бозоримизда акциядорлик жамиятларнинг иштироки етарлича эмаслиги, инвесторлар томонидан қимматли қоғозлар сотиб олишга қизиқиш паст эканлиги, фонд биржаларида етарлича инфратузилманинг шаклланмаганлиги каби бир қатор муаммолар мамлакатимизда фонд бозорини ривожлантиришда ҳал қилиниши лозим.

Республикада капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб этишда, капитал бозорини янада ривожлантириш, қимматли қоғозлар чиқарилишини кўпайтириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг фонд бозоридаги иштирокини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди.

Фармонда рақамли иқтисодиёт шароитида капитал бозорини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги вазифалар белгиланган:

- давлат қимматли қоғозлари бозорини халқаро стандартларга мослаштириш, бу борада шаффофликни таъминлаш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш;
- «Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси» ДУК томонидан Миллий рақамлаш агентлиги функциясини бажариш ва халқаро ISO стандартларини жорий қилиш;
- Миллий рақамлаш агентлиги функцияси бўйича ISIN халқаро коди (ISO 6166), CFI халқаро коди (ISO 10962), FISN халқаро коди (ISO 18774) стандартларини жорий қилиш имконини берувчи автоматлаштирилган ахборот тизимини (ААТ) ишлаб чиқиш;
- автоматлаштирилган ахборот тизими доирасида Миллий рақамлаш агентликларининг уюшмаси (АННА) сервис бюроси билан ўзаро техник алоқаларни ўрнатиш каби вазифалар белгиланди.

Шуниндек, мазкур Призидент Фармони ижроси доирасида Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ёки норезидентлари бўлган мижозлар учун масофадан туриб депо ҳисобварақларини очиш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш орқали ўз шахсий иштирокисиз депо ҳисобварақларини масофадан туриб очиш имкониятини яратилди.

Республикада капитал бозорини янада ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ- 60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йилнинг 14 январдаги ПФ-5630- сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик

жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, фармонлари, 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2019 йил 31 январдаги ПҚ-4141-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини чиқаришни ташкиллаштириш ва суверен кредит рейтингини сақлаб туриш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 2 апрелдаги ПҚ-4258-сон «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида» қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Ҳозирда капитал бозори ривожланишининг замонавий хусусиятларига мос равишда иқтисодиётнинг риал сектори томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш усуллари ва механизмига доир ёндашувлар етарлича тадқиқ этилмаган. Капитал бозорини ривожлантиришга доир давлат дастури ва корпоратив молиявий стратегияларни илмий асосланганлигини ривожлантириш мақсадида капитал бозори махсус функцияларни амалга оширувчи (капитални жамғарма шаклидан инвестицияга йўналтирувчи) ва бозор иштирокчилари томонидан жалб қилинган молиявий ресурслардан мақсадли фойдаланишни амалга оширувчи молия бозорининг муҳим элементи эканлигини алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда мамлакатимизда рақамли трансформация жараёнлари шароитида акциядорлик жамиятлари томонидан халқаро капитал бозоридан молиявий ресурслар жалб қилиш амалиётини ривожланиб бораётганлиги шароитида, мазкур жараёнларга тижорат банклари балки иқтисодиёт реал сектори корхоналарини кенгроқ жалб қилиш лозим. Ушбу амалиётни такомиллаштириш орқали мазкур акциядорлик жамиятларининг устав капиталида давлатнинг улушини босқичма-босқич камайтириш, халқаро молия бозорига интеграциялашувни кучайтириш,мустақил халқаро рейтинг индексларига эга бўлиш ва замонавий корпоратив бошқарув механизмини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” ги Қонуни (янги таҳрири). 2015 йил 3 июнь, ЎРҚ-387-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелда “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сонли фармон қабул қилинди.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ- 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ- 4127-сонли “Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори.

Давидова Д.Т. *– ОБМ тингловчиси*

ЛОЙИҲАВИЙ БОШҚАРУВНИНГ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ривожланган давлатлар тажрибасини таҳлил этиш орқали шуни кузатиш мумкинки, иқтисодий ривожланишнинг юксак динамиклиги шароитида лойиҳавий бошқарув тизимининг самарали ташкил этилиши муҳим устунликка эга.

Лойиҳавий бошқарув – қўйилган мақсадга эришиш учун ҳаракатларнинг комплекс тизимли моделини дастлабки коллегиал ишлаб чиқишга асосланган ва ушбу моделни амалга оширишга қаратилган бошқарув фаолиятининг махсус туридир. Замонавий лойиҳавий бошқарув - фақатгина лойиҳа хусусиятларига эга бўлган объектларни эмас, балки ҳар қандай объектларни бошқаришда у ёки бу тарзда қўлланилиши мумкин бўлган бошқарувнинг ўзига хос кўринишидир.

Лойиҳаларни юқори сифатли бошқариш учун зарур шарт - бу асосий ваколатлар асосларини - универсал билим ва кўникмаларни қўллаш қобилияти. Халқаро лойиҳаларни бошқариш ассоциацияси учта асосий ваколат турини аниқлаййди. Техник компетенция йигирма элемент (компетенция) ёрдамида ифодаланади, хулқ-атвор компетенцияси ўн бешта элементни ўз ичига олади, контекстуал компетенция ўн битта элементдан иборат.

Сўнгги бир неча йил ичида илмий адабиётларида қурилиш корхоналарида лойиҳаларни бошқариш услубларига катта эътибор берилмоқда. Иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишининг ҳозирги даври қурилиш корхоналарининг инвестиция фаоллигининг ўсиши билан тавсифланади. Лойиҳавий бошқарув мақсадларни асослашни, уларга эришиш учун лойиҳаларни яратишни ва лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида тезкор бошқаришни ўз ичига олади.

Ушбу давр қуйидагилар билан ҳам боғлиқ:

- ресурслардан янада самарали фойдаланишни талаб қиладиган бозорда рақобатнинг кучайиши;
- менежерлардан тобора кўпроқ маълумотни қайта ишлашни талаб қиладиган компанияларни бирлаштириш.

Бундай шароитда қурилиш ташкилотлари бир қатор муаммоларга дуч келмоқдалар:

1. Биринчи муаммо шундаки, ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишлатмаслик ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархида ортиқча харажатлар юкини келтириб чиқаради.

2. Иккинчи муаммо шундаки, қурилиш корхоналарининг аксарияти бюрократик тамойилларга асосланган бошқарувнинг ташкилий тузилишини сақлаб қолишган Ҳокимият ва мажбуриятларни иерархик тақсимлаш, стандартлаштирилган қоидалар, таомилларга асосланган бошқарув - бу

тамойиллар бугунги иқтисодий шароитда яхши ишламаяпти.

3. Учинчи муаммо - қурилиш компаниялари, қоида тариқасида, бир томондан, маблағ етишмаслигини кескинлашса, бошқа томондан улар ресурслардан: ускуналар, захиралар, ходимлардан самарасиз фойдаланмоқдалар.

Юқоридаги сабаблар натижасида қурилиш корхоналарининг самарадорлиги пастлиги учун етарли асос бўла олади.

Ҳозирги шароитда корхоналарни бозор эҳтиёжлари ва тенденцияларига мос равишда энг қисқа вақт ичида мослаштиришга қодир бўлган қурилиш компанияси учун янги бошқарув тизимини қуриш зарур. Шу муносабат билан, фаолият кўрсатаётган қурилиш корхонасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини таҳлил қилишнинг илмий асосланган ва амалда қўлланиладиган усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларнинг долзарблиги ортиб бормоқда.

1-жадвалда қурилишда лойиҳанинг ҳаётийлик циклининг босқичлари келтирилган.

Қурилишда лойиҳанинг ҳаётийлик циклининг босқичлари

Лойиҳанинг инвестиция олди босқичи		Лойиҳанинг инвестиция босқичи		
1.Лойиҳани синчковлик билан тадқиқ этиш ва режалаштириш	Ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тайёргарлик кўриш	Тендер савдоси ва шартномаларни амалга ошириш	Лойиҳани бошлаш	Лойиҳани якунлаш
2.Башоратларни ўрганиш	Уларни лойиҳалаштириш ва тадқиқот ишлари режасини тузиш	Шартномалар тузиш	Лойиҳани амалга ошириш режасини ишлаб чиқиш	Ишга тушириш
3.Дастлабки режани амалга ошириш шартларини таҳлил қилиш. Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш	Техник-иқтисодий асосни ишлаб чиқиш	Етказиб бериш шартномаси	Графикларни ишлаб чиқиш	Объектни ишга тушириш
4.Инвестицияларни лойиҳаоди асослаш	Мувофиқлаштириш, экспертизадан ўтказиш ва техник-иқтисодий асосларни тасдиқлаш	Пудрат учун шартнома	Ишларни бажариш	Ресурсларни демобилизация қилиш, натижаларни таҳлилини ўтеазиш
5.Жойни танлаш ва тасдиқлаш	Лойиҳалаш топшириғини бериш	Режаларни ишлаб чиқиш	Мониторинг ва назорат	Эксплуатация
6.Экологик асослаш	Келишув ва тасдиқлаш.	х	Лойиҳа режасини тузатиш	Таъмирлаш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш
7.Экспертиза	Якуний қарорни қабул қилиш	х	Тугалланган иш учун тўловларни амалга	Лойиҳани ёпиш, ускунани демонтаж қилиш

			ошириш	

Лойиҳавий ёндашув қурилиш ишларининг режалаштирилган тараққиётидан доимий равишда четга чиқиш билан аниқ муаммоларни ҳал қилиш учун мўлжалланган мослашувчан ташкилий тузилмаларни яратишга имкон беради.

Лойиҳавий бошқарув мақсадларга эришишга ва тартибга солинадиган жараёнларни узоқ ва расмий амалга ошириш ўрнига, қисқа ва тўғридан-тўғри ўзаро таъсирларни, мувофиқлаштиришни ва аниқ меҳнат тақсимотини амалга оширишга имкон беради.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай қурилиш лойиҳаси ўз ҳаётининг умумий босқичи деб аталадиган маълум босқичлардан ўтади.

Лойиҳани бошқаришнинг асосий босқичларидан бири бу лойиҳанинг сармоявий жозибадорлигини баҳолашдир.

Қурилишда лойиҳанинг ҳаётийлик циклининг босқичлари ва лойиҳалар тузилишининг мураккаблиги туфайли уларни амалга ошириш жараёнида кўп сонли ташкилотлар иштирок этиб, турли функцияларни бажарадилар. Лойиҳа иштирокчилари ўртасида функцияларни тақсимлаш ҳар бир лойиҳа учун алоҳида ҳал қилинади. Бунда лойиҳанинг муваффақияти учун самарали жамоани яратиш жуда муҳимдир.

Қурилиш соҳасида лойиҳавий бошқарувни жорий этишда қуйидаги муаммоларни ҳал этилиши керак деб ҳисоблаймиз: ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишлатмаслик ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархида ортиқча харажатлар юкини келтириб чиқаради; қурилиш корхоналарининг ҳокимият ва мажбуриятларни иерархик тақсимлаш, стандартлаштирилган қоидалар, таомилларга асосланган бошқарув бугунги иқтисодий шароитда яхши ишламаяпти; қурилиш компаниялари, бир томондан, маблағ етишмаслиги кескинлашса, бошқа томондан ресурслардан: ускуналар, захиралар, ходимлардан самарасиз фойдаланиш ҳаолатларини бартараф этишни.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5392-сон фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.03.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5963-Фармони.
3. Американский национальный стандарт ANSI/PMI 99-001-2004: Руководство к Своду знаний по управлению проектами (Руководство PMBOK). - 3-е изд. // Project Management Institute. 2004. № 2 / Гаврилов Н.Н., Козлов А.С., Матвеев А.А., Богатов А.А.
4. Whitaker, S. the Benefits of Tailoring: Making a Project Management Methodology Fit. - Newtown Square, PA: Project management institute, 2014.

5. Чурилов А. А. Понятие, роль и актуальность проектного управления в России //

Куланов О. *– ОБМ тингловчиси*

РАҚАМЛАШТИРИШ – ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МУҲИМ «ДРАЙВЕРИ»

Ўзбекистонда сўнги йилларда миллий иқтисодиётни модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар доирасида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва давлат бошқаруви тизимига рақамли технологияларни жорий этиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонида рақамли иқтисодиётни «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баробар ошириш, иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда банк-молия соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баробар, уларнинг экспортини эса 10 баробар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган.

Шунингдек, иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган “рақамли иқтисодиёт” миллий концепциясини ишлаб чиқиш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали ялпи ички махсулот ҳажмини қўшимча ошириш билан боғлиқ тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-402-сон2 қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон фармонларида иқтисодиётни ривожлантиришда рақамли трансфармацияни жорий этишни янада ривожлантириш вазифалари белгиланган.

Хусусан, мамлакатимиз электрон ҳукуматининг асосий тизими – Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) ишга туширилгач, ушбу соҳада, шунингдек, давлат бошқарувида янги технологияларни жорий этиш

ҳамда ва электрон давлат хизматларини рақамлаштиришда салмоқли ютуқларга эришилди. Натижада, 2022 йилнинг январь ойи ҳолатига кўра, давлат хизматларининг 56 фоизи my.gov.uz электрон платформаси орқали тақдим этилган бўлса, мазкур платформада давлат хизматлари сони 307 тага етди ҳамда электрон давлат хизматларидан 1,3 миллиондан ортиқ фуқаро фойдаланган. Шу билан бирга, Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчиларнинг умумий сони жорий йил бошида 27,2 миллионга етган.

Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида республиканинг АКТ тизимлари ва рақамли инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида соҳага катта миқдордаги инвестициялар жалб қилинди. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2017-2021 йилларда ахборот ва алоқа соҳасида ялпи қўшилган қиймат 2 баробардан зиёд ошиб, 2021 йилда 11,8 триллион сўмга (1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ) етди.

Шунингдек, Ўзбекистонда IT-парклар ташкил этилгандан буён соҳадаги экспорт ҳажми 50 баробар ошди ва 46 миллион АҚШ долларига етди. IT-паркнинг доимий резидентлари сони 147 тадан 500 тага кўпайди, 300 дан ортиқ янги компания очилди ҳамда 8500 та юқори ҳақ тўланадиган иш ўрни яратилди. Ҳозирги кунда IT-паркларда 11 мингдан зиёд ёшлар фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизда оптик толали алоқа линияларининг умумий узунлиги 2017 йилдан буён сезиларли даражада ўсди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотига кўра, 2017-2022 йилларда бу кўрсаткич қарийб 6 баробар ошиб, 2022 йилнинг январь ойида оптик толали алоқа линияларининг жами узунлиги 118 минг километрга етди. Шунингдек, 2017 йилдан бошлаб халқаро маълумотлар узатиш тармоғининг ўтказувчанлик қобилияти 28 мартага ўсиб, 64,2 Гбит/с дан 1800 Гбит/с гача ошди. Таъкидлаш жоизки, глобал пандемия рақамлаштириш ва рақамли трансформация заруратини кўрсатиб, IT соҳасидаги долзарб масалаларни бартараф этиш ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистоннинг рақамлаштириш стратегияси қайта кўриб чиқилди ва такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 5 октабрдаги ПФ-6079-сон фармонига асосан “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси, шунингдек, 2020-2022 йилларда уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Стратегия икки дастурни: ҳудудларни рақамлаштириш ва тармоқларни рақамлаштиришни назарда тутиб, рақамли инфратузилма, электрон ҳукумат, рақамли технологиялар миллий бозори, ахборот технологиялари соҳасида таълим ва малака оширишни ривожлантириш каби устувор йўналишларни ўз ичига олади.

“Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим шартлари соҳанинг молиявий таъминоти ва аҳолининг рақамли саводхонлигини оширишдан иборат. Шундай қилиб, ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқа тегишли давлат

органлари билан биргаликда 2022 йил охирига қадар мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш ва умумтаълим мактабларини рақамлаштиришни якунлаш чораларини кўради.

Шунингдек, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” бошқа миллий стратегик ҳужжатлар ва дастурларда назарда тутилган вазифалар, хусусан, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича миллий вазифалар ҳамда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, жорий йилнинг 28 январь куни қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” – инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш; мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш; миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш; адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш; маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш; миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш; мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш каби 7 та устувор йўналишлар доирасида кейинги беш йилда эришиш керак бўлган юзта стратегик мақсадларни ўз ичига олади.

Тараққиёт стратегиясида ҳам муҳим соҳаларни рақамлаштиршга алоҳида эътибор қаратилиб, давлат хизматлари, суд тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, йўл ҳаракати бошқаруви тизими, соғлиқни сақлаш тизими, ижтимоий хизматлар, банк ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва миллий иқтисодиётнинг бошқа асосий соҳаларига янги технологияларни жорий қилиш белгиланган.

Хусусан, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини 100 фоизга етказиш, давлат хизматларини рақамлаштириш ва уларнинг 20 фоизини хусусий секторга ўтказиш, давлат хизматларини кўрсатишда шахсни идентификация қилишнинг Mobile ID тизимини жорий қилиш, шунингдек, “Фуқароларнинг рақамли паспорти” ва «Рақамли идора» лойиҳаларини амалга ошириш каби бир қатор вазифалар кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш режалаштирилмоқда.

Шу муносабат билан рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, 2026 йил охирига қадар унинг ҳажмини камида 2,5 баравар ошириш, бунда дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар,

уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 70 фоизгача ошириш белгиланган. Бундан ташқари, шаҳарларни рақамлаштириш, қурилиш ва лойиҳалаштириш ишлари сифатини ошириш, шунингдек «Ҳавфсиз шаҳар» ва «Ақлли шаҳар» концепцияси доирасида ривожлантиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Умуман олганда, рақамли технологиялар пандемиядан кейинги тикланишда, шунингдек, барқарор иқтисодиётни қуришда асосий роль ўйнайди. Шу боис рақамлаштириш ва рақамли трансформация Ўзбекистон каби ривожланаётган мамлакатлар учун асосий устувор вазифа бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
2. “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6079-сон Фармони, 05.10.2020 йил.
3. Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3832-сон қарори, 03.07.2018 йил.
4. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5544 Фармони, 21.09.2018 йил.
5. Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4699-сон қарори, 28.04.2020 йил. www.lex.uz

Шайхлисламова А.Т. *– ВШБП слушатель*

ФОРМИРОВАНИЕ ЭФФЕКТИВНОЙ КОМАНДЫ ИТ-ПРОЕКТА

В последние годы в Узбекистане проводятся реформы по созданию благоприятного инвестиционного климата и защите прав и законных интересов владельцев частной собственности [1]. Для привлечения инвестиций компаниям необходимо трансформировать свои бизнес-процессы. Своевременное принятие правильных и взвешенных решений требует организации эффективного управленческого учета. Одним из методов повышения эффективности управления процессами компаний является реализация и внедрение IT-проектов.

IT- индустрия в свою очередь предлагает бизнесу все более совершенные системы, которые охватывают все бизнес-процессы компании и способны

оптимизировать затраты на подготовку управленческой и финансовой отчетности.

Успех IT-проекта зависит от многих факторов. В первую очередь это заинтересованность заказчика и пользователей во внедрении системы, их готовность непрерывно контактировать с командой ИТ-проекта и активно участвовать в доработке системы. Не менее важным является этап формирования команды, ведь от навыков и личностных характеристик зависит эффективность взаимодействий между заказчиком, пользователями и командой, а от эффективного взаимодействия соответственно и финальный результат проекта.

Для формирования гибкой эффективной команды необходимо учесть различные факторы, влияющие на производительность участников. Неэффективность команды может быть связана с конфликтами в команде, неадекватным или неполным набором навыков, несбалансированным распределением ролей и некомпетентности членов команды. Отсутствие способности аккумулировать необходимые человеческие ресурсы для проекта и управлять ими может критично повлиять на сроки, бюджет, удовлетворенность заказчика, качество проекта, и в итоге может даже привести к отказу от реализации проекта [2]. ИТ-проекты распространены во всех областях деятельности организаций, однако, по статистике 70% проектов терпят провал [3].

Формирование команды или состав команды уже давно изучается в смежных областях социальных наук, таких как управление человеческими ресурсами (HRM), социология и психология.

Цель формирования рабочих команд заключается в повышении производительности, креативности, а также удовлетворенности членов команды.

Проблема формирования работоспособной команды является наиболее распространенной и актуальной в компаниях разных сфер деятельности. Кроме того, исследования индивидуальных характеристик именно в области ИТ-команд представлены все еще недостаточно [4].

Не нужно стремиться к подбору участников с полностью идеальными характеристиками, но в совокупности их характеристики должны способствовать успеху проекта разработки, т.е. результат команды должен быть экономически эффективным и удовлетворять заинтересованные стороны (заказчика и менеджера проекта).

Одним из первых шагов в формировании команды является отбор членов команды, обладающих подходящими характеристиками, необходимыми для формирования эффективного состава.

В HRM (Human resources management) для конкретного проекта *существует несколько критериев отбора при формировании команды проекта*. Как указано в Книге знаний по управлению проектами (PMBOK), критерии, принимаемые во внимание при выборе членов проектной команды, во многом схожи с характеристики состава, упомянутыми выше.

Это знания, опыт, способности, навыки, отношение к работе, доступность участника для работы в проекте, стоимость и международные факторы [5].

Доступность означает способность члена команды посвятить себя работе в команде проекта до тех пор, пока проект не завершится.

Критерии стоимости заключаются в том, чтобы проверить находится ли стоимость приобретения члена команды в пределах выделенного бюджета.

Международные факторы включают в себя местонахождение члена команды, часовой пояс и коммуникационные возможности.

Большинство прошлых исследований, посвященных составу команды для разработчиков программного обеспечения, было сосредоточено на личностных характеристиках [6].

Личность включает в себя образ мышления, характеристики поведения, отношение к жизни, работе и карьере и т.п. Черты личности индивидуумов отличаются. Кроме того, конкретная черта личности соответствует определенной роли. Определив подходящую направленность личности для конкретной роли, можно определить сбалансированную комбинацию ролей для команды [7].

Например, Scrum-команда состоит из Scrum-мастера (SM), владельца продукта (PO) и команды разработчиков (DT) и команды разработчиков (DT). Таким образом, подходящий тип личности должен быть определен для каждой из ролей. Например, Scrum- мастер должен обладать терпением, а в свою очередь Product owner и Scrum- мастер должны быть высокоорганизованными людьми. Эти черты личности можно оценить с помощью инструментов оценки, которые доступны на рынке. Среди известных в области компьютерных технологий и психологии являются следующие: индикатор типов Майер-Бриггс (MBTI), Keirsey Temperament Sorter (KTS), Пятифакторная модель (FFM) или модель больше известная как "Большая пятерка" [9]) и HEXACO [8].

Метод HEXACO включает в себя шесть характеристик личности: честность и смирение, открытость опыту, добросовестность, экстраверсия, покладистость, а также определенная степень невротизма.

Однако, только личностных качеств участников недостаточно, чтобы сформировать идеальную команду. Выше речь шла о так называемых *«soft skills»* - "мягких" навыках, но рабочая комбинация должна также включать *“hard skills”*- "жесткие" навыки [9].

Отсутствие одного из двух видов качеств может нанести ущерб успеху проекта [18].

Навыки относятся к другой категории характеристик состава команды, которые называются компетентностью [11].

Компетентность -это способность человека выполнять задачу правильно. В области управления она рассматривается как сочетание знаний, навыков, умений и способностей [12].

Различия между знаниями, умениями, навыками и способностям отражены в Таблице 1[13].

Таблица 1.

Категория характеристик	Определение
Знания	усвоенные индивидуумом определенные факты, информация, которые он понимает, помнит и может воспроизвести. Однако сами по себе знания не приносят видимой пользы. А чтобы приносили, знания должны переродиться в умение.
Умения	уровень владения знаниями в той степени, в которой их можно применять в практической деятельности.
Навыки	это умения, доведенные до автоматизма. Навыки – это «выполнение целенаправленных действий, доведенных до автоматизма в результате сознательного многократного повторения одних и тех же движений или решения типовых задач в любом виде деятельности».
Способности	Способности это характеристики индивидуума, которые возникают от рождения (их часто называют задатками) или развиваются в течении жизни на основе опыта и практики. Способность проявляется в том, насколько индивидуум быстро и основательно, легко и прочно осваивает виды деятельности.

В основном, под категорией *знаний* понимают наличие образования. В эту категорию входит профессиональная сертификация [12], знания в какой-либо определенной сфере или бизнес знания [13], технические знания [16], а также знания в области управление проектами [15].

Характеристика *умений* и *навыков* включает в себя технические навыки, навыки работы в специфической сфере реализации проекта, а также навыки межличностного общения.

Межличностные навыки - это группа многих других навыков, таких как ведение переговоров, коучинг и фасилитация, навыки общения, принятие решений, управление конфликтами и лидерские качества.

Фасилитация (от англ. «facilitate» – облегчать) – это шаги/действия, направленные на организацию групповой работы. И назначение фасилитатора в том, чтобы коммуникации внутри группы были проще и качественнее.

Также к межличностным относятся следующие навыки : члены команды должны быть отзывчивыми, уметь делиться опытом,

адаптироваться к изменениям, а также уметь постоять друг за друга и за интересы команды.

Для оценки навыков (hard skills) необходимо, помимо интервью с кандидатами, применять различные тесты и кейсы, помогающие определить профпригодность кандидата. Тесты и кейсы позволяют дополнить информацию, полученную посредством классического интервью, а также предоставляют более независимую информацию. При этом следует понимать, что каждой фактической роли состава команды соответствует разный набор hard skills.

Третьим элементом компетенции, который следует принимать во внимание являются врожденные или развитые самостоятельно *способности* команды.

Члены команды должны обладать способностью усваивать новые знания. Технологический прогресс не стоит не месте и данная способность будет необходима для обновления знаний в той или иной области. Поэтому члены команды должны быть в состоянии усваивать любые новые знания, которые необходимы для выполнения их задач в проектах разработки.

Также при формировании команды важно учитывать *опыт* кандидатов. Опыт представляет собой любые знания или навыки, приобретенные в ходе профессиональной деятельности члена команды. При этом важно, чтобы опыт был релевантным, т.е. был получен в проектах со схожей спецификой и объему, также ценится опыт управления аналогичными проектами. Предполагается, что член команды может извлечь уроки из своего прошлого опыта и применить их в текущем проекте, а также использовать наработанные за время прошлого опыта готовые решения, что существенно сокращает время, затрачиваемое на проект.

Тенденция к техническому и методологическому усложнению ИТ-проектов создает потребность в поиске команды, участники которой наделены определенного уровня знаниями и навыками, а также способными работать в условиях неопределенности, ограниченности во времени и высоких требований заказчиков. Подбор команды определяет основную долю успеха проекта, поэтому важно подойти к этапу формирования команды с полной ответственностью и энтузиазмом.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. Указ Президента Республики Узбекистан, от 27.10.2020 г. № УП-6096
2. Руководство к Своду знаний по управлению проектами (Руководство PMBOK). – Пятое издание. – Project Management Institute, Inc., 2013. – 286с.
3. Han, Jin Young. To bridge or to bond? Diverse social connections in an IS project team / JinYoung Han, Anat Hovav // International Journal of Project Management. - 2013. – № 31. – pp. 378–390.
4. M. Yilmaz, R. V. O'Connor, R. Colomo-Palacios, and P. Clarke, "An examination of personality traits and how they impact on software development teams," Inf. Softw. Technol., vol. 86, pp. 101–122, 2017.

5. Project Management Institute, A guide to the project management body of knowledge (PMBOK ® guide), 6th ed. 2017.
6. A. R. Gilal, J. Jafreezal, B. Shuib, O. Mazni, and A. Abro, “Impact of Software Team Composition Methodology on The Personality Preferences of Malaysian Students,” in 3rd International Conference, 2016, no. August, pp. 454–458.
7. M. R. Mawarny, J. Noble, and S. Marshall, “Agile self-selecting teams foster expertise coordination,” Interdiscip. J. Information, Knowledge, Manag., vol. 14, 2019.
8. K. Lee and M. C. Ashton, “Psychometric Properties of the HEXACO-100,” Assessment, 2016.
9. A. R. Gilal, J. Jaafar, L. F. Capretz, M. Omar, S. Basri, and I. A. Aziz, “Finding an effective classification technique to develop a software team composition model,” J. Softw. Evol. Process, vol. 29, no. October, p. e1920, 2017.
10. E. Colonese, “Agile: The Human Factors as the Weakest Link in the Chain,” in Proceedings of 4th International Conference in Software Engineering for Defence Applications: SEDA 2015, 2016, pp. 59–73.
11. T. Dingsøyr and T. Dybå, “Team effectiveness in software development: Human and cooperative aspects in team effectiveness models and priorities for future studies,” in 2012 5th International
12. S. T. Bell, S. G. Brown, A. Colaneri, and N. Outland, “Team composition and the ABCs of teamwork,” Am. Psychol., vol. 73, no. 4, pp. 349–362, 2018.
13. Hasanthi, “Difference Between Knowledge, Skill and Ability,” PEDIAA, 2016. [Online]. Available: http://pediaa.com/differencebetween-knowledge-skill-and-ability/. [Accessed: 14-Jan-2018].
14. Knowledgehut Editor, “Scrum Master and Product Owner: Understanding the differences,” Knowledgehut, 2017. [Online]. Available:
15. M. K. Alqudah and R. Rozilawati, “Key Factors for Selecting an Agile Method: A Systematic Literature Review,” Int. J. Adv. Sci. Eng. Inf. Technol., vol. 7, no. 2, p. 526, 2017.
16. B. Overeem, “Characteristics of a Great Scrum Team,” 2016.
17. R. Hoda and L. Murugesan, “Multi-Level Agile Project Management Challenges: A Self-Organizing Team Perspective,” J. Syst. Softw., 2016.
18. L. Pries-heje and J. Pries-heje, “Agile Contracts: Designing an Agile Team Selection Guideline,” Sel. Pap. IRIS, vol. 5, no. Paper 4, 2014.

Мажидов Д.Р. *– ОБМ тингловчиси*

ҲАР ХИЛ ТУРДАГИ ЛОЙИХАЛАРНИ БОШҚАРИШДА ТАРМОҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ЎРГАНИШ

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир бўлаётган жадал ўзгаришлар билан тавсифланади. Бугунги кунда мамлакат, саноат, корхона ёки шахснинг муваффақияти кўп жиҳатдан доимий ўзгаришларга ва ташқи муҳитнинг ортиб бораётган талабларига тезда

мослаша олиш қобилиятига боғлиқ. Шундай қилиб, уларнинг фаолиятини режалаштириш ва муваффақиятли амалга ошириш учун бошқарувнинг эски усуллари энди этарли эмас.

Яхши лойиҳа бошқаруви лойиҳа портфели даражасида бошланади, қачонки стратегик қараш инвестицияларга олиб келади ва самарадорлик ўлчовлари аниқланади. Лойиҳани, дастурни ва портфелни бошқаришнинг стратегик мослашуви бутун ташкилотни қамраб олади, лойиҳани ҳар бир даражада амалга оширишни назорат қилади ва лойиҳани амалга оширишнинг ҳар бир босқичида фойда олишга интилади.

Лойиҳа бошқаруви атамаси нафақат лойиҳа бошқарувини, балки лойиҳа портфели ва дастурларни бошқаришни ҳам ўз ичига олади. Ва тобора кўпроқ компаниялар пул, вақт ва ресурсларни лойиҳаларни бошқариш ваколатларини шакллантиришга инвестиция қилиш қийматини тушуниб етмоқда. Компанияда лойиҳаларни бошқаришни ривожлантириш туфайли харажатларни камайтириш, самарадорликни ошириш, мижозлар ва компания акциядорлари билан ўзаро муносабатларни яхшилаш, шунингдек, рақобатдош устунликларга эришиш мумкин.

Лойиҳани бошқариш қуйидагиларга имкон беради:

корхонага энг катта фойда келтирадиган ташаббусларни амалга ошириш орқали режалаштирилган кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш;

лойиҳа амалга оширилган эҳтиёжларни қондирадиган керакли сифат натижаларини олиш;

натижаларни олиш учун белгиланган муддатларга риоя қилиш, шу жумладан ташкилотнинг лойиҳага боғлиқ иши билан синхронлаштириш;

ресурсларни - молиявий, моддий ва меҳнатни самарали бошқариш.

Тарих давомида инсоният муваффақиятли амалга оширилган мураккаб лойиҳаларнинг таъсирчан рўйхатини тўплаган. Гизада пирамидаларни қуришдан тортиб, одамни Ойга жўнатишгача бўлган энг жасоратли инсоний ташаббуслар минглаб одамларнинг мувофиқлаштирилган меҳнатини талаб қилди. Ва бу мураккаб лойиҳаларни бошқариш тизимини назарда тутади.

Оддий сўзлар билан айтганда, лойиҳа бошқаруви - бу мақсадга эришиш учун зарур бўлган ҳамма нарсани ўз вақтида ва бюджет доирасида бошқариш ва ташкил қилишдир. Янги дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, маркетинг кампаниясини ўтказиш ёки Марсга одам қўндириш бўладими, лойиҳа бошқаруви муваффақиятга эришиш имконини беради.

Ҳар бир турдаги лойиҳа учун мукаммал лойиҳаларни бошқариш тизими мавжуд эмас. Бундан ташқари, ҳар бир раҳбарга мос келадиган ва барча жамоа аъзолари учун қулай бўлган тизим йўқ. Бироқ, лойиҳа бошқаруви мавжуд бўлган даврда қабул қилиниши мумкин бўлган кўплаб самарали ёндашувлар, усуллар ва стандартлар яратилган.

Лойиҳа бошқаруви муваффақиятга эришиш учун ёндашувлар аралашмасини талаб қиладиган доимий ривожланаётган соҳадир. Энг машҳур методологияларни ўзлаштириб, сиз ушбу соҳада мутахассис бўлишингиз мумкин.

Лойиҳани бошқариш методологияси - бу соҳада ишлайдиган мутахассислар томонидан қўлланиладиган принциплар, услублар ва амалиётлар тизимидир. Энг оммабоп усуллар бир-биридан нафақат структуравий ташкил этилиши билан фарқ қилади, балки турли хил натижалар, жараёнлар ва ҳатто лойиҳаларни бошқариш дастурларини ишлаб чиқишни ҳам талаб қилади.

Кейинги бобларда замонавий лойиҳа бошқарувининг энг самарали методларидан бири бўлган тармоқли режалаштириш хусусида сўз боради.

Шундай қилиб, бугунги кунда тармоқли режалаштириш катта рол ўйнайди. Тармоқли режалаштириш усуллари кўп сонли ижрочилар иштирокини ва чекланган ресурсларни сарфлашни талаб қиладиган мураккаб тармоқланган иш пакетларини режалаштириш ва бошқаришни оптималлаштириш учун кенг ва муваффақиятли қўлланилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, тармоқли режалаштириш - бу аниқ белгиланган мақсадга эришиш учун графиклар назариясининг математик аппарати ва ўзаро боғлиқ ишлар, ҳаракатлар ёки тадбирлар мажмуаларини кўрсатиш ва алгоритмлаш учун тизимли ёндашувдан фойдаланишга асосланган бошқарув усули; Тармоқли режалаштиришнинг асосий мақсади лойиҳа давомийлигини минималлаштиришдир.

Тармоқли режалаштириш тармоқ диаграммаларини қуришга асосланади, улар икки хил - "чўққи-иш" ва "чўққи-ҳодиса" ёки "арк-иш" тури.

Тармоқ диаграммасини яратишда тармоқ "иш", "ҳодиса" ва "йўл" тушунчаларига асосланади.

Тармоқли режалаштириш техникаси 1950-йилларнинг охирида АҚШда ишлаб чиқилган. Кейин тармоқли режалаштириш усуллари қурилишда ва илмий ишланмаларда қўлланилишини топди.

Тармоқли режалаштиришнинг турли усуллари мавжуд.

Гантт диаграммаси горизонтал чизиқли диаграмма бўлиб, у лойиҳа вазифаларини бошланиш ва тугатиш саналари, кечикишлар ва эҳтимол бошқа вақт параметрлари билан тавсифланган вақт оралиғи сифатида ифодалайди.

Критик йўл усули тармоқнинг тавсифланган мантиқий тузилиши ва ҳар бир ишнинг давомийлигини баҳолаш асосида бир қатор ишларни амалга оширишнинг мумкин бўлган жадвалларини ҳисоблаш, умуман лойиҳа учун муҳим йўлни аниқлаш имконини беради.

Статистик тест усули (бошқача Монте-Карло усули деб аталади) тармоқни эҳтимоллик модели сифатида кўриб чиқишдан иборат бўлиб, унда индивидуал ишларнинг давомийлигини баҳолаш экстремал (минимал ва максимал) доирасида бўлган ҳар қандай қийматларни олиши мумкин. эксPERTлар томонидан белгиланган чегаралар ва ҳатто эҳтимоллик қонунлари имкон берадиган даражада бу чегаралардан ошиб кетади.

PERT усули - бу индивидуал операцияларнинг давомийлигини баҳолашда ноаниқлик мавжуд бўлганда дастурнинг давомийлигини аниқлаш учун ишлатиладиган ҳодисалар тармоғини таҳлил қилиш усули. PERT критик йўл усулига асосланган бўлиб, унда операциялар давомийлиги оптимистик,

пессимистик ва кутилган прогнозларнинг ўртача оғирлиги сифатида ҳисобланади. PERT критик йўл узунлигидан тугатиш санасининг стандарт оғишини ҳисоблаб чиқади.

График баҳолаш ва таҳлил қилиш усули (GERT усули) ишни ташкил этиш ҳолатларида қўлланилади, агар кейинги вазифалар фақат маълум миқдордаги олдинги вазифалар тугагандан сўнг бошланиши мумкин бўлса ва тармоқ моделида тақдим этилган барча вазифаларни бажариш учун бажарилиши шарт эмас. лойиҳа.

Ҳозирги вақтда тармоқ усулларидан фойдаланиш усуллари ва усуллари кенгаймоқда.

Тармоқ модели қуйидагиларга имкон беради:

· лойиҳалар мажмуасининг тузилишини аниқ кўрсатиш, уларнинг босқичларини ва ҳар қандай даражадаги деталлар билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

ишлар мажмуасини амалга оширишнинг оқилона режасини тузиш, берилган мезон бўйича ресурслардан самаралироқ фойдаланиш;

Режани такомиллаштириш мақсадида турли ечимларнинг кўп ўлчовли таҳлилини ўтказиш;

Катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш учун компютерлар ва компютер тизимларидан фойдаланиш.

Лойиҳа ёндашуви ишнинг режалаштирилган ривожланишидан доимий оғишлар билан муайян муаммоларни ҳал қилиш учун мўлжалланган мослашувчан ташкилий тузилмаларни яратишга имкон беради. Лойиҳани бошқариш сизнинг мақсадларингизга эришишга эътиборингизни қаратишга ва тартибга солинадиган жараёнларни узоқ ва жуда расмий равишда амалга ошириш ўрнига, қисқа ва тўғридан-тўғри ўзаро ҳамкорликни, мувофиқлаштиришни ва аниқ меҳнат тақсимотини амалга оширишга имкон беради.

Лойиҳани бошқариш усулларидан фойдаланиш тугатиш муддатларининг узилиши ва кечиктирилиши, технологиянинг бузилиши, молиялаштириш муаммолари, этказиб бериш муддати ва ресурсларнинг тўлиқлиги каби кенг тарқалган муаммоларни олдини олишга ёрдам беради.

Лойиҳани бошқариш методологиясининг асосий афзалликларидан бири шундаки, у универсал хусусиятга эга бўлиб, уларнинг предметидан деярли қатъи назар, амалга ошириш технологияси бўйича бутунлай бошқача бўлган лойиҳаларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Бироқ, лойиҳа ёндашувидан фойдаланган ҳолда саноат корхоналарида ғояларни амалга оширишда ушбу корхонанинг ўзига хос хусусиятлари асосий масалага айланади. Кўпгина адабиётларда тасвирланган бугунги кунда мавжуд бўлган лойиҳани бошқаришнинг умумий методологияси тавсифлидир. Улардаги мавжуд маълумотлар саноат корхоналарида аниқ лойиҳаларни бошқариш учун этарли эмас.

Бу ерда лойиҳага йўналтирилган ташкилотларга хос муаммолар пайдо бўлади. Масалан, индивидуал лойиҳа фаолияти ўртасида устуворликлар

мавжуд. Ҳар бир лойиҳа у учун оптимал ишни тақсимлаш тузилишига эга. Бутун жараёнлар тўпламини аниқ тасаввур қилиш учун менежер ўзига хос бошқарув иерархиясини шакллантиради. Лойиҳалар ресурслар учун рақобатлашади ва устуворликлар корпоратив стратегияга мувофиқ белгиланади. Шахсий лойиҳалар эҳтиёжлари ва лойиҳалар портфели ўртасидаги қарама-қаршиликлар компания ишида чалкашликларга олиб келиши мумкин.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда лойиҳаларни бошқариш умуман иқтисодиётда ҳам, хусусан, алоҳида тармоқларда ҳам тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Оғир ва энгил саноатда лойиҳаларни бошқариш хусусиятларини ўрганишнинг долзарблиги, биринчи навбатда, ресурсларни янада мувозанатли бошқариш орқали иқтисодий ривожланиш суръатларини ошириш зарурати билан белгиланади.

Тадқиқот шуни кўрсатадики, барча лойиҳаларнинг асосий хусусияти шундаки, улар бошланғич ва тугаш саналари бўлган мураккаб дастурлардир, лекин шу билан бирга, ҳар бир лойиҳа индивидуал, ноёбдир.

Лойиҳалар манфаатдор томонларнинг манфаатларига мувофиқ амалга оширилади, яъни. лойиҳа натижаларига эришишдан манфаатдор бўлган ташкилотлар, гуруҳлар ёки аниқ шахс.

Шу билан бирга, инновацион лойиҳаларни амалга оширишда бутун жамиятни кўпинча манфаатдор томонлар сонига боғлаш мумкин, чунки улар илмий-техникавий тараққиётнинг ривожланишини таъминлайди.

Ҳозирда лойиҳа бошқаруви халқаро миқёсда тан олинган профессионал фаолиятга айланди. Лойиҳа бошқаруви методологияси ва воситалари мақсадли ва лойиҳага йўналтирилган фаолиятнинг барча соҳаларида кенг қўлланилади. Сўнгги 30 йил ичида лойиҳа бошқаруви бошқарув фаолиятининг янги маданияти сифатида пайдо бўлди ва турли хил ривожланиш тарихи, анъаналари, иқтисодиёти ва маданиятига эга бўлган турли қитъалардаги мамлакатлар ўртасидаги цивилизациялашган бизнес ва ишбилармонлик ҳамкорлигида ўзига хос маданий кўприк бўлди. Ўз амалиётида лойиҳа бошқаруви усуллари ва воситаларини қўлламайдиган дунёда камида битта таниқли компанияни номлаш ҳам қийин.

Профессионал лойиҳа бошқарувининг ривожланиши уни янги маҳсулотлар ва хизматларни яратишни бошқариш, шунингдек, алоҳида ташкилотлар, компаниялар, шунингдек, бутун ижтимоий-иқтисодий тизимлар доирасида мақсадли ўзгаришларни амалга ошириш учун кучли воситага айлантирди. Буларнинг барчаси мақсадли ижтимоий фойдали фаолиятнинг 40 фоизга яқини турли лойиҳа ва дастурлар орқали амалга оширилаётганини айтиш имконини беради. Шу билан бирга, менежмент соҳасидаги барча ходимлар ўзларининг амалий ишларида турли хил ўзгаришларни амалга ошириш ва ташкилотлар ва тизимларни лойиҳа ёки дастурлар шаклида ривожлантириш зарурати билан дуч келишади. Бу ҳозирги лойиҳага йўналтирилган жамиятнинг нормал ривожланиши ва самарали ишлаши учун муҳандислик, иқтисод ва менежмент бўйича барча мутахассислар янги

бошқарув маданияти ва ажралмас восита сифатида Лойиҳа бошқаруви асослари ва имкониятлари билан таниш бўлиши керак деган хулосани англатади. Шу билан бирга, бошқарув корпусидаги мутахассисларнинг 40% лойиҳа бошқаруви соҳасидаги мутахассислар бўлиши керак. Бу лойиҳа бошқарувида профессионалликни ривожлантиришнинг муҳим роли ва аҳамиятини белгилайди.

Лойиҳани бошқариш бугунги кунда энди фақат баъзи истисно ҳолатларда қўлланилмайди, аксинча, тобора кўпроқ ва тез бизнес юритишнинг стандарт усулига айланиб бормоқда. Анъанавий компанияларда ишларнинг ортиб бораётган улуши лойиҳалар сифатида амалга оширилади. Келгусида ташкилотлар ривожланишининг стратегик йўналишида лойиҳаларнинг аҳамияти ва роли ошиши кутилмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 20 фоизи лойиҳа ва дастурлар каби ташкилий шакллар ёрдамида яратилади. Бошқа ҳисоб-китобларга кўра, замонавий компания ва корхоналарнинг лойиҳага йўналтирилган фаолияти ўртача 50% ва юқори технологияли тармоқларда эса - тахминан 80% ни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПФ-5120-сон “Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори билан юртимизда илк бор лойиҳа бошқарувини жорий этишга тамал тоши қўйилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. 2017 йил 14 январь. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
2.Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрттараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабулқилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи,2016 йил 8 декабрь.
4.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. https://president.uz/uz/lists/view/5774
5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПФ-5120-сон “Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори

Бегматов Б.А. *– ОБМ тингловчиси*

КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатларнинг ривожланишда кичик ва ўрта

бизнеснинг муҳим аҳамият касб этиши бутун жаҳонда тан олинган, айниқса ривожланган давлатлар иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнеснинг муносиб ўринга эга ва муҳим сектор ҳисобланади. Кичик ва ўрта бизнес маҳаллий хомашё ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб этади, иш ўринлари яратади, аҳолининг катта қисмини даромад билан таъминлайди, бутун мамлакат ва ундаги ҳудудларининг ижтимоий иқтисодий ривожланиш ҳолатини белгилайди. Кичик ва ўрта бизнес тармоқ ичида ва бошқа тармоқлар билан интеграцион алоқаларни кучайтиради. Тадқиқотлар аҳоли турмуш фаровонлиги ошиши ва иқтисодий ривожланиш ҳам кўп жиҳатдан кичик ва ўрта бизнесга боғлиқлиги ва улар ўртасида мусбат корреляцион боғлиқлик мавжудлигини кўрсатмокда.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра кичик ва ўрта бизнесда, ишчи бошига олиб қараганда, катта бизнесга нисбатан 16 баробар кўп патентлар яратилади. Хитой Халқ Республикасида патентларнинг 85%, техник янгиликларнинг 75% ва янги маҳсулотларнинг 80% кичик ва ўрта бизнесга тегишли. Европа Иттифоқи давлатларида компанияларнинг 99% кичик ва ўрта бизнес компаниялари, Хитой Халқ Республикасида 97%ни ташкил этади.

Ўзбекистонда 2020 йилда 334767 кичик бизнес субъектлари фаолият юритган. Қуйидаги жадвалда давлатларнинг ЯИМтида кичик ва ўрта бизнес ва йирик бизнеснинг улуши келтирилган.

Куйидаги жадвалда, ривожланган давлатларда кичик ва ўрта бизнесга катта аҳамият берилишини кўриш мумкин.

Кўрсаткичлар	**КЎБ (%)**	**Катта бизнес (%)**	**КЎБ секторида бандликнинг улуши, (%)**
Германия	53	47	62.9
Франция	62	38	61
Россия	21	79	18.9 (2020йил)
Италия	68	32	78.6
Англия	51	49	53.1
Жанубий	48	52	80
Хитой	60	40	82
Ўзбекистон	56.5	43.5	76.3 (2020 йил)

Россия Федерациясида ва Жанубий Кореядан ташқари барча давлатларда кичик ва ўрта бизнеснинг ЯИМдаги улуши 50%дан юқори. Италияда бу кўрсаткич 68%ни, Францияда 62%, ХХРда 60%ни ташкил қилади. Ўзбекистонда кичик бизнеснинг улуши 56,5%га тенг, Жанубий Кореяда йирик компанияларни ривожлантириш давлатнинг устувор сиёсатини ташкил этади. Россия Федерациясида кичик ва ўрта бизнесни 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясида кичик ва ўрта бизнеснинг ЯИМдаги улушини 40%гача етказиш масаласи куйилган.

Кичик ва ўрта бизнес секторида бандлик улуши Англиядан ташқари, 60%дан юқори. Бу кўрсаткич ХХРда энг юқори бўлиб 82%ни ташкил қилади, Италияда - 78,6%, Францияда - 61%, Германияда - 62,9%га тенг. Ўзбекистонда

кичик бизнес соҳасида бандлик 2021 йилда 76,3%ни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасида ўрта бизнес тушунчаси мавжуд эмас. Ташкилотларни кичик тадбиркорлик субъектига киритиш Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 август 275-сонли қарорига кўра ишлаб чиқилган классификацияга асосланади. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги ва унда кичик ва ўрта бизнес мезонлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини рағбатлантириш механизмлари назарда тутилиши кўрсатиб ўтилган. Шу сабабли мамлакатимизда халқаро тажрибадан келиб чиқиб, бизнесни кичик ва ўрта бизнесга киритиш мезонларни ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Д.А.Плетнев, Е.В.Николаев, А.Кампа ишида, А.П.Вершинин, Е.Т.Гайдар номидаги иқтисодиёт ва сиёсат институти олимларининг тадқиқотларида хорижий давлатлар ва Россия Федерациясида тадбиркорлик субъектларини кичик ва ўрта бизнес секторига киритиш мезонлари қиёсий тахлил қилинган ва Россия Федерацияси учун бизесни кичик ва ўрта бизнес секторига киритиш мезонларини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

О.Б.Зилберштейн ва бошқаларнинг тадқиқотида Россия Федерациясида ўрта бизнеснинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни, тармоқлар бўйича таркиби, даромад ўсиш динамикаси таҳлил қилинган. Б.Титов ўз тадқиқотида кичик ва ўрта бизнес йирик бизнеснинг ЯИМдаги улуши, кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони ундаги ишчилар сонининг жами бандликдаги улуши, кичик ва ўрта бизнеснинг турлари бўйича бандлик таркиби, товарлар айланмасидаги улуши билан боғлиқ масалалар ўрганилган. Европа Иттифоқи давлатларида кичик ва ўрта бизнеснинг сони, товар айланмаси, ходимлар сони, кичик ва ўрта бизнеснинг турлари бўйича унумдорлиги ва рентабеллиги таҳлил қилинган. Кичик ва ўрта бизнесни инновацион ривожлантириш масалаларига эътибор берилган. Европа Иттифоқига кирувчи ва бошқа хорижий давлатларда кичик ва ўрта бизнеснинг турлари, уларга корхоналарни киритиш мезонлари тахлил қилинган. Ўзбекистонлик олимлардан академик С.С.Ғуломов ва У.В. Гофуровнинг тадқиқотларида кичик бизнесни ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалаларига кенг ўрин берилган.

Мамлакатимизда тадбиркорликни микрофирма, кичик ва ўрта бизнесга киритиш мезонларини халқаро тажриба асосида ишлаб чиқилиши муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида “кичик бизнес”, “ўрта бизнес”, “кичик корхона”, “кичик ва ўрта тадбиркорлик” тушунчалари синоним тушунчалар сифатида қўлланилади. Компаниялар ичидан кичик ва ўрта бизнесни ажратиш бўйича ҳам ҳар хил қарашлар мавжуд. Кичик ва ўрта бизнесни ажратиш бўйича “Болтон Комиссияси” томонидан белгиланган қарашлар учта муҳим хусусиятга асосланади: Тадбиркорлар томонидан сотиладиган маҳсулот ҳажми ва нархига кучли таъсир этишга йўл қўймайдиган катта бўлмаган бозор;

Ҳуқуқий мустақиллик, кичик корхоналар шерикликдаги мулк эгалари

ёки мулк эгаси томонидан бошқарилади ва улар ўз бизнесини мустақил назорат қилади, бошқарув дифференциаллашган бошқарув таркибига асосланмайди.

Кичик корхоналарни бошқариш шерикликдаги мулк эгалари ёки мулк эгаси ташқаридан ҳар қандай босимдан холи бўлиши.

Яна бир ишда ёзилишича, кичик ва ўрта бизнес соҳасига тегишли корхоналар: ўз фаолиятини расмий руйхатдан ўтказади; ижтимоий тўлов ва солиқларни тўлайди; ишчиларга касаллик варақаси очади ва ҳақ тўланадиган таътил белгилайди; ишчиларни ўқитади; қоплаш муддати 12 ой бўлган лойиҳаларга инвестиция қуйишни режалаштиради; маҳаллий йиғинларнинг лойиҳаларида ва ҳайрия ишларида ўз хоҳишига кўра қатнашади.

Кичик ва ўрта бизнеснинг заиф томони, уларнинг даромади ва жамғармаси йирик компанияларникига қараганда паст ва шу сабабли уларнинг янги технологиялардан фойдаланиш имкониятлари чекланган. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари инновация бўйича кўпроқ илмий тадқиқот институтлари, университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликда ишлашга эътибор қаратади.

Бизнесни кичик ва ўрта бизнесга киритиш мезонлари бўйича ягона стандартлашган мезон жаҳонда ишлаб чиқилмаган. Бизнесни кичик ёки ўрта бизнесга киритиш давлатлар иқтисодиётининг ўлчамига мос бўлиш керак деб қаралади. Масалан, Хитой ёки АҚШдаги кичик бизнес Дания ёки Люксембургда катта бизнес деб қаралиши мумкин. Ягона стандартлашга мезонларни ишлаб чиқишга тўсик бўладиган яна бир жиҳат тармоқларнинг меҳнат сиғими, капитал сиғими, ишчилар сонига нисбатан даромад юқорилиги бўйича фарқланиши ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида корхоналарни кичик ва ўрта корхоналарга киритишда кўп мезонлардан фойдаланади, улар ичидан кўп фойдаланилувчи мезонлардан учтасини кўрсатиш мумки: ишчилар сони, йиллик товар айланмаси ва активлар қиймати. Кўп мезондан фойдаланиш бизнесни кичик ва ўрта бизнесга киритишда маълум қийинчиликлар туғдиради. Биринчидан ортиқча ҳисоб-китоблар қилишга тўғри келса, иккинчидан, айрим мезонлар талаб чегарасига тушмаслиги мумкин, бу ҳолда устун мезон қоидасини киритишга тўғри келади. Бизнесни кичик ва ўрта бизнес секторига киритиш мезонларини аниқлаш жуда катта аҳамиятга эга, чунки бу мезонлар кичик ва ўрта бизнес субъектларини давлат томонидан ишлаб чиқилувчи молиявий ва бошқа кўплаб қўллаб-қувватлаш дастурларига кириш ва улардан фойдаланиш имконини беради.

Мамлакатимизда бизнесни кичик ва ўрта бизнесга киритиш мезонларини ишлаб чиқишда ривожланган давлатлар тажрибасига, кўпроқ Европа иттифоқи давлатлари тажрибасига таяниш самарали натижа беради, бу ерда ходимлар сони мезони билан бирга товар айланмаси (сотиш ҳажми) мезони киритилиши кичик ва ўрта бизнес турларини янада аниқроқ белгилаш имконини беради. Айрим меҳнат сиғими кам айланмаси юқори бўлган тармоқларда асосан айланма мезони (қишлоқ хўжалиги., хизматлар), меҳнат

сиғими ва айланмаси ўртача бўлган тармоқларда иккала мезондан биттасини қўллаш (қайта ишлаш), (кўпроқ ходимлар сони мезонини), ва меҳат сиғими юқори бўлган тармоқларда асосан ходимлар сони мезондан фойдаланиш (енгил саноат тармоқлари) мақсадга мувофиқ. Микрофирмаларда ходимлар сонини (1-10 та), кичик корхоналарда (11-50 та) ва ўрта корхоналарда (51-250 та), устувор соҳаларда эса (электроника ва юқори технологик маҳсулот ишлаб чиқарувчи соҳа, тадқиқотлар олиб бориш соҳасидаги хизматлар) юқори чегарани ўрта бизнес учун 300 тагача белгилаш мақсадга мувофиқ. Чунки бу юқори малакали кадрлар сафини кенгайтиради ва иқтисодиётнинг рақобатдошлиги ошишига олиб келади. Иккинчи мезон мамлакатимизда ҳаракатда бўлган солиқ тўлаш тартиби: микрофирма ва кичик корхоналарнинг товар айланмаси бир йилда бир млрд. сўмдан ошса барча солиқ турларини тўлайди (фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи ва бошқалар), ошмаса товар айланмадан олинадиган солиқ турини тўлайди.

Турсунов Д.Б. *– ОБМ тингловчиси*

ЕР ИСЛОҲОТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмларини жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 66 та мамлакатига экспорт қилинмоқда. Бунда, мева-сабзавотлар ва дуккакли маҳсулотларнинг экспорт ҳажми 2016 йилдан 2021 йилга қадар қарийб 2 баробарга ошган.

Шу билан бирга, пахта ва ғалладан қисқартирилаётган ер майдонларида боғдорчилик, узумчилик, полиз ва сабзавотчилик, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш соҳасида экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш орқали ушбу ерлардан самарали фойдаланиш тизимини яратиш эвазига тармоқда қўшимча ўсишга эришишда илмий асосланган ёндашув ва ўрганишларни инобатга олиш тақозо этилмоқда.

Жумладан, ҳисоб-китобларга кўра 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хом ашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш ҳамда ушбу ерларда оилавий тадбиркорлик доирасида кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича катта имконият мавжуд.

Жаҳон банкининг экспертларининг хулосаларига кўра аҳолига ер майдонларини тарқатиш 4 та асосий мақсад ва мезон асосида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқлиги билдирилган:

1. Қишлоқ жойларида барқарор ва юқори даромадли иш ўринларини (даромадлар манбаларини) шакллантириш;

2. Қишлоқ хўжалигида ўсиш суръатларини жадаллаштириш (тиклаш);

3. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;

4. Асосий турдаги озиқ-овқатлар нархлари барқарорлигига эришиш.

Шу мақсадларда, аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолига аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш ва қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”[1]ги ПҚ-20-сон қарори ҳамда 2022 йил 10 сентябрдаги “Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[2]ги ПҚ-373-сон қарорларига асосан республика бўйича 2022 йилда 100 минг гектар пахта ва ғалла майдонларини деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун аҳолига очиқ электрон танлов орқали узоқ муддатли ижарага бериш тизими жорий қилинди. Мазкур қарорлар доирасида 1,5 миллион тонна қўшимча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Шу билан бирга 400 мингта янги деҳқон хўжаликлари ташкил этиш ҳисобига 1 миллион 200 дан зиёд одамларнинг бандлиги таъминланди[3].

2023 йилда ҳам сув таъминоти яхши бўлган 100 минг гектар қўшимча ер майдонларини ажратилиши белгиланган. Бунинг ҳисобидан қўшимча 350 мингта янги деҳқон хўжаликлари ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Мазкур тадбирлар натижасида республикада янги 750 минг тадбиркорлик субъектлари яратилишига олиб келади[4].

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ-20-сонли қарорида ажратилган ер майдонларида «Бир ҳудуд — бир маҳсулот» тамойили асосида маҳсулот етиштириш белгилаб қўйилган бўлсада, ҳудудларда деҳқон хўжаликлари томонидан 4-5 хил экинлар экиб юборилмоқда.

Шунингдек, деҳқон хўжаликлари билан агросаноат кластерлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини ташкил этиш ишларига ҳам етарлича эътибор қаратилмаяпти.

[1] https://lex.uz/uz/docs/5739727
[2] https://lex.uz/uz/docs/6188628
[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси
[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси

Юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш учун жаҳон тажрибаси кенг қўлланиладиган агрегатор тизимини деҳқон хўжаликлари тизимига жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Агрегатор – бу:

ишлаб чиқарувчилар учун бозорнинг кафолатланганлиги;

маҳсулот сифати ва стандартини халқаро талабларга мослаштириш бўйича кичик ишлаб чиқарувчиларга кўмаклашиш;

кичик ишлаб чиқарувчилар учун экспорт бозорига чиқишга кўмаклашиш;

логистика хизматларни ташкиллаштириш ва хк.

а) Исроилда агрегатор тизими 30-40 йил олдин ривожланишни бошлаган. Бунда аҳоли томонидан етиштирилган кам миқдордаги ва ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, асосан битта, яъни Carmel Agrexco компанияси орқали қабул қилиниб, экспортга йўналтирилган.

Кейинчалик, ишлаб чиқарувчиларга ушбу тизим орқали ўз номлари (брендлари)ни ишлатиш йўли билан маҳсулотларни экспорт қилиш имконият яратилган.

б) Тайвань тажрибаси. Агрегатор тизимининг мавжудлиги ва ривожланганлиги ҳисобига, нархи пасайиб кетган шакарқамиш ўрнига мамлакат учун янги маҳсулот бўлган Орхидея гулини етиштириб, экспорт қилиш бўйича ижобий натижаларга эришилган.

Яъни, Агрегатор нафақат тезгина бозорни топиб берган, балки маҳсулотни етиштириш бўйича мутахассисларни жалб қилиб, аҳолини ўргатиб, маҳсулотни етиштиришни тизимли ташкиллаштиришга кўмак берган. Бу ерда давлат ҳам арзон кредит ва субсидиялар орқали ҳам дастлабки кўмакни берган.

в) Грузия тажрибаси. Мавсумийлик сабабли, яъни мисол учун мандарин ёки киви ҳосилга кирган вақтда бир пайтнинг ўзида бир нечта маҳсулотларни йиғиштириб олиб, экспортга йўналтирувчи “бир кунлик” фирмалар вужудга келган. Бунда маҳсулотлар, асосан Россиянинг деҳқон бозорларида сотилиши учун юборилган.

Бу, ўз навбатида, экспорт бозорларига йўлни очишга хизмат қилувчи классик маънодаги агрегаторларни ривожлантиришни қийинлаштирган.

Умуман олганда агрегаторлар нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, балки ҳунармандчилик ва бошқа кичик ҳажмда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни йиғиб олиб экспорт қилишга кўмаклашиши мумкин. Мазкур тузим келажакда кичик деҳқон хўжаликларини йирик экспортёрларга айлантириши имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йилнинг 20 декабрь куни Олий мажлисга мурожаатномаси. https://president.uz/uz/lists/view/5774

2. Ўзбекистон Республикаси Миллий қонунчилик базаси https://lex.uz/uz/

Ибрагимова К.Т. *- ОБМ тингловчиси*

БОШҚАРУВ КАДРЛАРНИ ТАНЛАШ, УЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ЎРГАНИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ УСУЛЛАРИГА ШАРҲЛАР

Бугунги кунда раҳбар ходим маънавияти жамият маънавиятини ифодаловчи ўзига хос кўрсатгич сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барқарорлигини таъминлашда ҳам муҳим роль ўйнайди. Жамият аъзоларини буюк келажак сари бирлаштирувчи турли ижтимоий қатламларнинг уюшқоқлиги, маънавий-аҳлоқий қиёфаси, иш самарадорлиги раҳбар ходимнинг билимдонлиги, ташкилотчилик қобилияти, бошқарув маҳорати, шунингдек, уларнинг маънавияти билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти таъкидлаб ўтганидек "...раҳбар ўз фаолиятида талабчанлик кўрсатиб, билими ва тажрибаси, фидойилиги ва дунёқараши билан бошқаларга намуна бўлиб, ҳақиқий эл-юрт етакчисига айланмаса, ишда ҳеч қандай силжиш ҳам, ижобий натижа ҳам бўлмайди". Мазкур жиҳатлар раҳбар ходимларнинг маънавияти муайян жамоада меҳнат унумдорлигини сезиларли даражада кўтаришда жамоанинг маънавий-ахдоқий қиёфасини шакллантириш, Ватан равнақи, юрт келажаги ва тинчлиги, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик сингари ғояларни янада ривожлантириш билан бирга, жамият ва шахс, раҳбар ва ходим манфаатларни уйғунлашиши ва унинг замирида уларнинг фаолиятини Ватан манфаати ва халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида хизмат қилиши керак. Темур тузукларида Амир Темур шундай ёзади, буюк давлат арбоби сифатида ўз сиёсатида ҳалол меҳнат ва фидоийлик асосида мартаба ҳамда мавқега эга бўлиш рағбатини шакллантиради.

Амалда бундай ёндошув ўз самарасини беради, яъни "Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқалардан ортиқроқлигини билсам, уни тарбиямга олиб амирлик даражасига кўтарар эдим, сўнгра кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб борар эдим". Раҳбар кадрлар умуман олганда кадрларни баҳолаш, яъни унинг салоҳияти сўзини ўрганиш ва унинг асл маъносини тушуниб етиш асосида, турли илмий адабиётларда ва тадқиқиотчиларнинг фикр мулоҳазалари келтирилган, айнан Узбекистан миллий энциклопедиясида салоҳият тушунчасига қуйидагича ёндашилган, яъни "салоҳият, бу - шахе фаолиятининг талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлашга имконият берадиган хусусиятлар синтезини тушунмоқ лозим"[1]. Ходимнинг келажакдаги меҳнат хулқини унинг меҳнат салоҳияти белгилаб беради[2]. Раҳбар маънавиятида мазкур жиҳатларнинг уйғун тарзда намоён бўлиши унинг замона руҳини теран англай олишига ҳам бевосита боғлиқдир. Замона

[1]Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2005. 11-том. Б.31

[2] Рахимова Д. ва бошқ., Замонавий менежмент: назария ва амалиёт. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодийуйи. -Т.: 2009. Б.216

руҳини англаш давлат ва жамият томонидан қўйилган мақсад ва вазифаларни чуқур билишда “Ҳамма нарсани ўз номи билан аташ” хусусиятига эга бўлиши, вақг билан ҳисоблашмасдан иш тута билиши, ўзидан-ўзи қониқмаслик туйғусига эга бўлишни талаб этади.

Классик менежмент ва илмий бошкарув назарияси асосчиларидан бири Ф. Тейлор30 нинг 1911 йилда эълон қилган "The Principles of Scientific Management"[1] асари илмий бошқарувнинг асосий тамойилларини белгилаб бериш билан бирга, таълим менежментининг юзага келишига туртки бўлди.

Мазкур асарда берилган илмий бошқарув тамойиллари АҚШнинг кўплаб мактаб ва университетлари бошқарувида кўлланила бошланди.

Шунингдек, А. Файол, "Маъмурий бошқарув" мактаби асосчиси, 1917 йилда эълон қилган "Administration Industrielle et Generale" асари билан таълим бошқаруви муаммолари ечимига ўзининг жиддий таъсирини ўтказди. Кейинги йилларда таълимни бошқаришда илмий бошқарув тамойилларидан фойдаланиш асосан АҚШ, Канада, Англия, Швеция, Франция, Германия каби давлатларда кенг йўлга қўйилди. Лекин, уларнинг ичида Швеция таълим тизими бошқарувида давлатнинг аралашуви даражаси ўта юкорилиги билан ажралиб турди.

Айтиб ўтиш жоизки, таълим бошқарувида айнан давлат аралашувининг даражаси (юқорилиги ёки пастлиги) бошқарув моделларининг таснифланишига туртки бўлди. Илмий ҳамжамиятда ҳозирги кунда энг кўп иқтибос келтирилаётган илмий гоялардан бири — бу Ван Вутнинг[2] таълим муассасаларини бошқаришнинг бошқарув моделини таснифлашдир.

Бартон Кларк[3]33 таклиф қилган уч ёқли моделидан икки турдаги бошқарув моделига тушириш бўлди. Биринчи модел - бу давлатнинг назоратчи роли юкорилиги (state control model) ва иккинчи бошқарув модели эса давлатнинг кузатувчилик ролининг устунлиги (state supervising model) билан белгиланади.

Албатта, Ван Вутнинг мазкур таснифи давлат бошқарувидаги (классик менежмент'нинг "маъмурий бошқарув" мактаби вакилларининг гоялари асосида) иккита категориянинг таълимни бошқаришга кўлланилишига сабаб бўлган: рационал режалаштириш ва бошқарув модели (rational planning and control) ҳамда ўз-ўзини бошқариш модели (self-regulation).

А.Файол асос солган мазкур мактаб вакиллари томонидан бошқарувнинг универсал тамойиллари ишлаб чиқилган бўлиб, бунда биринчи категория бошқарув усулида мақсад ва вазифаларни белгилаш, ресурслар таъминоти ва тақсимоти, назорат, ишлаб чикаришни режалаштириш, молия ва маркетинг масалалари бошқарув иерархиясининг энг юқори буғини томонидан амалга оширилади. Иккинчи категорияда эса ташкилот фаолиятига доир юқорида санаб ўтилган бошқарув функциялари ташкилот бошқарув иерархиясининг

[1]F. W. Taylor, Harper & Brothers. The Principles of Scientific Management, New York. 1911.
[2]F. A. van Vlight. Policy Models and Policy Instruments in Higher Education. The Effects of govememental policy-making on the innovative behaviour of higher education institutions / F. A. van Vught // Political science series— 1995.
[3] Burton, C. C. The Higher Education System. Academic Organization in Cross-National Perspective. /C.-C. Burton. — Berkeley. CA: University of California Press. 1983

энг юқори бўғини томонидан эмас, балки ташкилот ходимлари томонидан мустақил равишда амалга оширилади. Кўплаб Ғарб давлатларининг таълимни бошқарув моделида айнан мана шу иккита категориянинг ҳар биридан фойдаланиб келинишини кузатиш мумкин.

Лекин, охирги йилларда таълим бошқарувида инсоний муносабатларга асосланган тамойиллар орқали бошқарувни амалга ошириш энг самарали тамойилларнинг бири сифатида қаралмокда. Мазкур бошқарув назарияси мактаби вакиллари асосан психология фани мутахассислари бўлиб, у режалаштиришда ресурсларнинг тақсимотига жалб этилиши, уларнинг шахсий сифат ва қобилиятлари бошқарув вакиллари томонидан инобатга олиниши ҳал қилувчи омил сифатида кўрилади.

Бошқарув кадрларининг салоҳиятини 3 та таркибий элементга бўлиб ўрганиш мумкин[1]: Психофизиологик салоҳият - инсоннинг соглиги, ишчанлиги, чидамли асаб тизими, яъни ходимнинг меҳнатда унумли қатнашишини ифодаловчи хислатлар.

Касбий салоҳият - инсоннинг ишни бажаришда қўллайдиган умумий ва махсус билимлари ҳамда меҳнат кўникмаларининг ҳажми.

Ижтимоий - психологик салоҳият - инсоннинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда унинг фуқаролик онги ва қадриятларини мужассамлаштиради.

Халқ таълими тизимида номзодларни раҳбарлик лавозимига тайинлашда ҳам айнан юқоридаги жиҳатлар инобатга олинади. Жумладан, бошқарув жараёнида номзоднинг унумли фаолияти учун билим, малака ва кўникмаларини ҳамда шахсий хислатларини ишга солиш имконияти баҳолаб бориш талаб қилинади.

Салоҳият иккита даражани ўзида мужассамлаштирган бўлиб, булар: асосий даражали - жисмоний, психологик, ижтимоий соғлом ва фаолият даражали - физиологик, психологик, интелектуал, социал ва маданий жиҳатларни ўз ичига олади.[2]

Халқ таълими вазирлиги тизимида раҳбарлар фаолияти унумдорлигини оширишда унинг шахсий салоҳияти муҳим омил ҳисобланиб, бунда унинг ҳамкорлик қилиш ва жамоада ишлай олиш қобилияти, ижодий ва маънавий салоҳияти катта роль ўйнайди.

Юқоридаги фикрларни хулоса қилиб, халқ таълими тизимидаги салоҳиятли раҳбар деганда, номзодда ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун касбий малака ва шахсий фазилатларнинг мавжудлиги, етарли даражадаги жисмоний саломатлик ва чидамлилик, яъни компетенцияларнинг мавжудлиги тушунилади.

Бунинг оқибатида номзод шахс ҳақида объектив маълумотлар етиб келмайди ва раҳбар кўпроқ номзод тўғрисидаги ўз кузатишларига таянишга тўғри келади. Номзодга хос, раҳбар томонидан кузатилган характерли

[1] Рахимова Д. ва бошқ.. Замонавий менежмент: назария ва амалиёт. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. - Т.: 2009. Б.216.

[2] Кречетников.К.Г. Смысл и содержание понятия «кадровый потенциал». Журнал. Современные тенденции в экономике и управлении: новый взгляд. Выпуск: №27/2014.

хусусиятлар эса ҳамма вақт ҳам ҳақиқий бўлиб чиқавермайди. Бундай вазиятда икки томонлама хатога йўл қўйиш ҳоллари кўпроқ кўзга ташланади:

1. Раҳбарнинг вакант ўринларга номзод танлашда унинг маълум бир характерига ортиқча баҳо бериб юбориши, танлашдаги тажрибасизлиги, ўзи танлаётган номзоднинг кўзда тутилган ишни уддалай олишини, яъни унинг тайёргарлиги шунга етарли ёки йўқлигини аниқ билмаслик ва номзоднинг ишлаб турган давридаги кўрсаткичларини бўрттириб қабул қилиш.

2. Номзод кобилиятларининг чегараланганлиги ёки раҳбар томонидан юқори кўрсаткич сифатида қайд этилган ундаги характер хусусиятларининг амалда қўллаш учун етарли эмаслиги. Раҳбар томонидан қайд этилган ижобий хусусиятларнинг номзодга хос ниқоб эканлиги[1].

Юқоридаги маълумотларни умумлаштирадиган бўлсак, ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда кўпгина ривожланган мамлакатларда номзодни лавозимга тайинлашда, унинг аввалги ишлаган жойидан олинган тавсия муҳим ҳисобланади. Бу ҳолатни амалиётда ҳам кўп кузатиш мумкин. Бу усулнинг камчиликларидан бири номзод ҳақида барча маълумотлар етиб келмаслиги ёки ҳақиқий маълумотлар берилмаслиги бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам иш берувчи ёки кадрлар бўлими номзоднинг тавсияномасида келтирилган маълумотларни текшириб чиқиши даркор ёки амалий топшириқлар бериб синаб кўриши мумкин.

Раҳбар кадрларни танлашнинг яна бир усули комиссия усули ҳисобланади. Комиссиянинг асосий вазифалари:[2]

- номзоднинг тавсия этилаётган лавозим учун белгиланган малака талабларига мослиги, тегишли олий маълумотга эга эканлигини аниқлаш;
- номзоднинг касбий билимлари, ҳуқуқий маданияти ва шахсий сифатларини, шунингдек хорижий тилларни билиш даражаси, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларини баҳолаш;
- номзоднинг бошкарув соҳасидаги кўникмалари ва тажрибаси, танқидий тахдил ва прогноз қила олиши, функционал ва тармоқ вазифаларини давлат сиёсати талабларидан келиб чиқган ҳолда амалга оширишнинг мақбул ва самарали йўлларини таклиф эта олиш қобилиятига эга эканлиги, ўз вазифаларига нисбатан масъулиятли ва талабчанлиги;
- номзоднинг тавсия этилаётган лавозимга муносиб ёки муносиб эмаслиги тўғрисида хулоса бериш.

Шу жумладан, комиссия номзод устидан тушган аризалар, шикоятларга асосан текшириш, номзоднинг тартиб интизомини, унинг умумий иш фаолиятини текшириши мумкин.

---

[1] Равшанов Ф.Р. Ўзбекистон Рсспубликасида рахбар кадрлар танлаш асослари. Сиёсий фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. - Т.:2009. Б. 240.

[2] Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги буйруғи. Ўзбекистон Республикаси халқ таълимии вазири номенклатурасига киралиган лавозимларга но.мзодларни танлаш. тавсия этиш ва тайинлаш фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида. 2019 08.04. 126-сон

Абдукаримов У.А. *– ОБМ тингловчиси*

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ (IT) ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШ

Ўзбекистон Республикасида рақамли индустрия тармоқларини жадал ривожлантириш, миллий иқтисодиёт соҳаларини рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, ҳукуматнинг рақамлаштиришга оид давлат дастурларида белгиланган модернизация ва инновацион ривожланиш вазифалари давлат органлари ҳамда соҳа ташкилотларини инновацион жараёнларга рағбатлантирмоқда. Шу билан бирга, давлат органлари ҳамда соҳа ташкилотлари (кейинги ўринда – ташкилотлар) фаолиятида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш жараёнида ташкилотлар раҳбарияти бундай лойиҳаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган айрим тўсиқларга дуч келмоқда. Ушбу мақолада лойиҳаларни бошқариш ва IT соҳасидаги компанияларни ривожлантириш соҳасидаги ишларнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинади ҳамда инновацион лойиҳаларни бошқариш тизимидаги мавжуд муаммолар ва истиқболлар ҳақида тўхталиб ўтилади, корпоратив лойиҳаларни бошқариш тизимини такомиллаштиришда тизимнинг баъзи элементларига изоҳ берилади ва лойиҳаларни бошқариш даражасини оширишга ёрдам берадиган баъзи компонентлар ҳақида сўз юритилади.

Ҳозирги вақтда лойиҳаларни бошқариш бошқарув жараёнининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Лойиҳани бошқаришни режалаштириш ва фаолиятни мувофиқлаштиришни осонлаштирадиган методологик асос деб ҳисоблаш мумкин. Лойиҳани бошқариш белгиланган чекловлар остида лойиҳани самарали амалга оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида лойиҳага йўналтирилган фаолият соҳаларига қуйидагилар киради: ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, архитектура ва қурилиш, консалтинг ва бизнес лойиҳаларни сотиш бўйича фаолият олиб борадиган бошқа соҳалар.

IT-лойиҳаларни бошқариш стандарт лойиҳа методологияларига асосланади, аммо улар ахборот ва коммуникация соҳасига оид бўлган ўзига хос хусусиятларга эга. Шу сабабли, технологик лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этиш хусусиятлари, лойиҳа гуруҳларини шакллантириш, IT-лойиҳаларни бошқаришнинг замонавий мослашувчан методологияларидан фойдаланиш каби ўзига хос жабҳаларини ҳисобга олиш керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати рақамли технологияларнинг жадал ривожланишини ҳисобга олган ҳолда соҳага оид бир қанча дастур ва консепциялар қабул қилди. Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сонли қарори, 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини

тасдиқлаш ва уни самарили амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони ҳамда 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-357-сон қарорлари 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида ахборот технологияларини ривожлантириш соҳасининг асосий стратегик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бўлиб хизмат қилмоқда.

Ахборот технологиялари соҳасида ривожланиш шакли лойиҳа фаолияти ҳисобланади. Лойиҳа методологиясига кўра, лойиҳа - бу ноёб маҳсулот, хизмат ёки бошқа натижани яратишга қаратилган вақт билан чекланган фаолият. Лойиҳада вақт жадвали, бюджет, иш ҳажми ва самарадорлик кўрсаткичлари мавжуд.

Ахборот технологиялари соҳасида IT-лойиҳаларнинг асосий турларини ажратиб кўрсатиш мумкин: • дастурий таъминотни ишлаб чиқиш; • дастурий таъминотни янгилаш; • ахборот тизимларини жорий этиш; • маълумотларни узатиш инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш.

Янги дастурий таъминотни ишлаб чиқиш билан боғлиқ IT лойиҳасини бошқаришда ахборот технологиялари соҳасидаги лойиҳа фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиниши керак:

1. IT-лойиҳаларнинг фаолиятнинг бошқа йўналишларида амалга оширилаётган лойиҳалардан асосий фарқи шундаки, лойиҳа натижаси, қоида тариқасида, ахборот майдонида номоддий бўлади. Шу муносабат билан, лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш натижасида олиниши керак бўлган маҳсулотга қўйиладиган талаблар имкон қадар батафсил белгиланиши керак.

2. Маҳсулотни синовдан ўтказиш ва лойиҳа жадвалидаги хатоларни тузатиш вақтини ҳисобга олиш керак - бу циклни бир неча марта такрорлаш мумкин, чунки ишлаб чиқувчилар қандай техник муаммоларга дуч келиши олдиндан маълум эмас.


3. Лойиҳани бошқаришда вақт, бюджет, ресурсларни ўз ичига олган асосий омиллардан ташқари, операцион тизимлар, техник воситалар, маълумотлар базалари ва бошқалар билан боғлиқ технологик масалаларни ҳам ҳисобга олиниши шарт.

4. Ташкилотда ҳар қандай янги технологияни жорий этиш хавфли бўлиши эҳтимоли юқори, бунга сабаб бу технология бутун тизимни ишдан чиқариши мумкинлигидир, шунинг учун агар бундай хавф мавжуд бўлса, ташкилот ахборот муҳитининг захира нусхасини олдиндан тақдим этиш керак.

Лойиҳа методологияларига келсак, ахборот технологиялари соҳасида кетма-кет лойиҳа методологияси Waterfall (Шаршара) кичик ёки қисқа муддатли лойиҳалар учун жавоб беради, бу моделда талаблар қатъий белгиланган ва ҳеч қандай шароитда ўзгармайди ва натижа олдиндан аниқ белгиланади. Бироқ, мураккаб IT-лойиҳаларни амалга ошириш учун мослашувчан методологиялар мос келади, бу ташкилотга олдинги босқичларга қайтиш ёки маҳсулотни ишлаб чиқиш тугагандан сўнг уни қайта кўриб чиқиш имконини яратади.

IT-лойиҳаларни бошқаришда Agile методологияси каби мослашувчан ҳаёт циклидан фойдаланиш ҳам мумкин. Ушбу модель вақт оралиғини спринт деб аталадиган қисқароқ ҳаракатларга бирлаштиради.

Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш жараёни бир неча босқичлардан иборат (1-расм).



1-расм - Agile ва Waterfall (Шаршара) меделлари бўйича дастурий таъминотни ишлаб чиқиш лойиҳаси.

Назарий жиҳатдан, анъанавий усулдан фойдаланиб, ҳар бир босқич аввалгиси тугагандан сўнг бошланади, мослашувчан дастурни ишлатишдан кўра тезроқ ишчи дастур яратилиши лозим бўлади. Бироқ мураккаблик, кўп сонли техник хатолар туфайли юзага келиши мумкин, уларни олдиндан белгилаб бўлмайди. Шу билан бирга, тезкор методологиялардаги ўзаро боғлиқ бошқарув босқичлари ишлаб чиқувчилар ва мижозларга илованинг алоҳида қисмларига аввалроқ кириш ва уларни синаб кўриш имконини беради ва уларнинг натижаларига қараб, дастурнинг қолган қисми қандай ривожланиши кераклиги ҳақида қарор қабул қилишга туртки бўлади. Ушбу ёндашув иккала томон учун ҳам фойдалидир.

Маълумот ўрнида: Agile модели - тезкор лойиҳа бошқаруви (узоқ муддатли режалаштиришни ўз ичига олмайдиган лойиҳа устида ишлашни ташкил этиш). Waterfall (Шаршара) модели - кетма-кетлик классик босқичли

режалаштириш бошқаруви (бошлаш, режалаштириш, ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва синовдан ўтказиш, мониторинг ва якунлаш).

Синов ва сифатни таъминлаш - бу дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишда давом этаётган жараёнлардир, асосий мезон: ҳар бир қисмни яратилганда синовдан ўтказиш орқали хатоларни ўз вақтида аниқлаш, лойиҳани ўз вақтида ва бюджетга мувофиқ этказиб бериш учун жуда муҳимдир. Жумладан Waterfall (Шаршара) моделидан фойдаланганда синов босқичи алоҳида босқич сифатида чиқарилади, бу бутун дастур тайёр бўлгандан кейин умумий жараён амалга оширилади.

Технологиялар соҳасида юқори рақобатни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, IT-лойиҳаларни бошқаришга таъсир кўрсатадиган соҳани ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини мунтазам равишда таҳлил қилиш ва аниқлаш керак. Ташкилотларнинг (компанияларнинг) масофавий ишлашга ўтиши ахборот технологиялари саноатига сезиларли таъсир кўрсатди. Масофавий режимнинг ривожланиши лойиҳаларни бошқариш соҳасида ва умуман бизнесда ўзгаришлар киритди, яъни ўзаро алоқа ва ҳамкорликни масофадан ташкил этиш учун дастурий эчимларни ишлаб чиқиш усули яратилди.

Мижозларнинг қониқиши ташкилотнинг (компаниянинг) муваффақиятга эришиш имкониятларини оширадиган IT-лойиҳаларни бошқаришдаги яна бир тенденциядир. IT-лойиҳа менежерлари мижозлар эҳтиёжини қондиришга энг муҳим таъсир кўрсатадиган маҳсулотларга устувор аҳамият беришлари керак.

Хозирги кунда IT соҳасида малакаларнинг чизиқли бўлмаган ўсиши, кадрларни сақлаш ва ривожлантириш муаммоси кескинлашмоқда. Лойиҳа бошқаруви бўйича малакали мутахассисларни жалб қилиш усуллари орасида мансаб ўсиши ва ривожланишининг шаффоф тизимини, мустақил қарорлар қабул қилиш ва масъулиятни ўз зиммасига олиш имкониятини берувчи вазифаларни, иш натижаларини татбиқ этиш ҳамда доимий фикр-мулоҳазалар алмашинувини кўрсатиш мумкин.

Ахборот ҳажмлари ва мобиль платформаларнинг ўсиши IT-лойиҳаларининг янада йирик ва мураккаблигига олиб келади. Ахборотнинг доимий ўсиб бораётган ҳажмларини бошқаришнинг мураккаблиги билан бир қаторда, уни сақлаш хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳимдир. Шундай қилиб, киберхавфсизликка эътибор IT-лойиҳаларни бошқаришга таъсир қилувчи яна бир тенденциядир.

Ташкилот IT-лойиҳаларини бошқаришдаги асосий муаммолардан бири бу ички лойиҳа алоқаларини бошқаришдир. Бошқарув маълумотларини ўз вақтида узатишни йўлга қўйиш ва унинг сифатини таъминланиши керак.

Шундай қилиб, йирик IT-лойиҳани бошқаришда юқори сифатли бошқарув маълумотларини мувофиқлаштириш ва узатиш жараёнини осонлаштирадиган алоқа каналларини танлаш керак. Муайян каналларни танлашда ташкилотнинг корпоратив маданиятини, шунингдек маълум алоқа каналларидан фойдаланиш тажрибасини ҳисобга олиниши муҳим.

Бугунги кунда IT-лойиҳалар технологик эчимларнинг сифати ва ташкилотларга тақдим этадиган янги имкониятлар орқали афзалликларни яратмоқда (мавжуд бизнес жараёнларининг самарадорлигини ошириш, қўшимча қиймат яратиш ва рақобатдош устунликларга эга бўлиш). Турли соҳалардаги ташкилотлар нафақат иш билан таъминлайдиган, балки инқирозли вазиятларда барқарор ва самарали бўлишга имкон берадиган воситаларга муҳтож. Шу сабабли, ташкилотларнинг ташқи омилларга нисбатан кўпроқ ҳимояга эга бўлиши ташкилот фойдасига ривожланиши, стратегияларини қайта кўриб чиқиши янги лойиҳалар орқали технология инвестицияларининг ўсишига ва умуман IT-саноатининг ривожланишига олиб келади, деб таъкидлаш мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. И.М. Абдуллаева, Д.Т. Азимов - Ахборот тизимлари менежменти/ Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2019 йил;
2. Г.А. Саидова, Ш.С. Атаханова - Инновация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бошқариш усуллари/ Тошкент давлат техника университети, 2012 йил;
3. Д.Н.Ахмедов, Инновацион лойиҳаларни бошқариш муаммолари/ Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2014 йил.

Ибрагимова К.Т. *- ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

Иқтисодий ривожланиш суръатининг ошиши, унинг ривожланишини инновацион йўлга ўтиши натижасида келиб чиққан иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ушбу жараёнларда инсон капитали ролининг ошишига олиб келади.

Инсон капитали аҳамиятининг ўсиши ва унинг иқтисодий ривожланишнинг асосий омилига айланиши ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг шарт-шароитлари билан белгиланади.

Биринчидан, замонавий инновацион иқтисодиётнинг халқаро майдонда рақобатбардошлик даражаси асосан таълим тизимида юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифати билан белгиланади.

Иккинчидан, мамлакатимиздаги арзон ишчи кучи таълим ва соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг рақобат устунликларини таъминлайди, чунки инновацион иқтисодиётда кадрларнинг касбий маҳоратига бўлган талаблар кўп марта ошади. Европа, Осиё ва бошқа бозорларда малакали кадрлар учун рақобат сезиларли даражада ошган.

Учинчидан, жаҳон бозорида миллий маҳсулотлар рақобатбардошлигининг пастлиги инсон капиталини ривожлантиришнинг

инновацион йўлидан боришни талаб қилади. Айниқса, олий касбий таълим тизими интеллектуал инсон капиталини шакллантиришда асосий рол ўйнайди.

Шундай қилиб, миллий инновацион иқтисодиётни шакллантириш, бир томондан, жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг консерватив тизимларидан бири бўлган таълим тизимини модернизациялашни, бошқа томондан эса жамиятнинг динамик иқтисодий ўсиши ва ижтимоий ривожлантириш заруратини актуаллаштиради.

Бир томондан, Ўзбекистонда шаклланган турли хил таълим тизимлари ўртасидаги рақобат глобал рақобатнинг асосий элементига айланиши, технологияларни доимий равишда янгилаб туришини, янгиликларни тез ўзлаштиришни ҳамда ривожланаётган бозор талабларига тезкор мослашишни талаб қилди. Иккинчи томондан, мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантиришдаги муаммолар нафақат миллий ОТМларнингг халқаро рейтинглардаги ўрнининг юқори эмасилиги, балки ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан ҳам тавсифланади.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларининг тезлашиши бугунги кунда инновацион бошқариш тамойиллари таълим тизимини ривожлантириш учун асос бўлиши, бундай тамойилларни таълимнинг бозор талабларига очиқлиги, истиқболли ғояларни рақобатдош танлаш, қабул қилинган қарорларнинг мураккаблиги ва бошқаларда амалга оширишда қўллаш долзарблиги шубҳасиздир.

Бугунги кунда мамлакатда саноат иқтисодиётига хос бўлган оммавий таълим тизимидан инновацион ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни яратиш учун зарур бўлган узлуксиз индивидуаллашган таълимга ўтиш белгиланмоқда. Ўз навбатида ижодий ижтимоий масъулиятли шахсни шакллантиришга йўналтирилган ушбу ўтишга фақатгина инновацион бошқаришни амалга ошириш билан эришиш мумкин.

Шу билан бирга, таълими тизимида бошқарувни амалга оширишда ягона самарали услубий ёндашув ҳали шаклланмаганлигини тан олиш керак. Таълимнинг инновацион салоҳиятини миллий иқтисодиётни самарали инновацион ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилларидан бирига айлантиришнинг умумий методологиясида бошқаришнинг услубий жиҳатлари маҳаллий илмий адабиётларда етарлича акс эттирилмаган.

Таълим тизимида миллий инновацион тизимга ва глобал инновацион жараёнга қўшилишга қаратилган замонавий бошқариш методологиясини ишлаб чиқиш[1], қуйидаги устувор вазифаларни ҳал қилишни ўз ичига олади:

- бошқарувининг мақсадли ва иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш, шу жумладан: бошқарувнинг услубий тамойилларини ўрганиш; иқтисодий тизимларда лойиҳаларни бошқаришнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини баҳолаш; бошқариш доирасида олий таълимни ислоҳ қилишнинг асосий ёндашувларини

1 Разу М.Л. Управление проектом. Основы проектного управления. - М.: КноРус, 2010.; Первушин В.А. Проблема управления инновационным про-ектом.//Технологии проектного управления. ITeam, 2009.; Аниськина Н.Н. Качественный менеджмент или качественное образование: что первично?//Управление качеством, 2009.

белгилаш; таълим тизимида бошқариш мақсадли ва иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг асосий муаммоларини аниқлаш;

- қуйидаги масалаларни ўз ичига олган таълим тизимини бошқариш доирасида инновацион жараёнларни ўрганишнинг концептуал моделини ишлаб чиқиш: инновацион лойиҳалар доирасида ислоҳот жараёнларини амалга оширадиган таълим тизимларининг услубий таҳлили; таълим тизимида бошқарув элементлари сифатида инновацион жараёнлар тизимини шакллантириш; таълим тизимидаги тадқиқот усуллари ва инновацион жараёнлар тизимини асослаш;

- бошқариш механизмларини амалга оширадиган, юқори касбий таълим тизимидаги инновацион жараёнларни ўрганиш методологиясининг асосий қоидаларини шакллантириш, шу жумладан: таълим тизимидаги инновацион жараёнларнинг мақсадли самарадорлиги мезонларини шакллантириш; олий таълим тизимида инновацион жараёнларнинг мақсадли самарадорлиги бўйича комплекс мезонларни шакллантириш; олий таълим тизимидаги инновацион жараёнларнинг тадқиқот моделларини шакллантириш; олий таълим тизимидаги инновацион жараёнларни комплекс бошқариш технологиясини ишлаб чиқиш;

- таълим тизимида бошқарувнинг инновацион ва инвестиция стратегиясини шакллантириш, шу жумладан: таълим тизимида бошқарувнинг инновацион механизмини тадқиқ этиш; мақсадли ва иқтисодий самарадорлик мезонлари таълим тизимида инвестиция сиёсатини шакллантириш; таълим тизимини бошқариш бўйича инновацион стратегияни шакллантириш;

- таълими тизимида бошқарувнинг мақсадли ва иқтисодий самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар тўпламини ишлаб чиқиш, шу жумладан: таълим тизимини бошқаришда инновацион жараёнларни бошқаришни оптималлаштириш усулларини ишлаб чиқиш; таълим тизимини бошқаришда инновацион хатарларни камайтириш усулларини ишлаб чиқиш; келажакда таълим тизимида бошқаришнинг инновацион механизмларини ривожлантириш учун захираларни излаш.

Таълим тизимининг кўп ўзгарувчанлиги ва кўп босқичли инновацион ривожланиши, лойиҳалаш ёндашувидан ва шунга мос равишда миллий иқтисодиётнинг ўтиш босқичига мос келадиган таълим тизимидаги инновацион фаолиятни бошқариш методологиясини ишлаб чиқишни талаб қилади[1].

Таълим бўйича оддий ёки комплекс лойиҳаларни амалга ошириш жараёни таълим сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу сабабли, тадқиқот доирасида таълимни бошқаришнинг турли поғоналирида амалга ошириладиган бошқарув фаолияти жараёнининг сифати алоҳида қизиқиш

[1] Тычинский А.В. Управление инновационной деятельностью компаний: современные подходы, алгоритмы, опыт. Таганрог: ТРТУ, 2006.; Израйлит О.В., Израйлит С.В., Северов С.П., Соколовский А.А., Тарутин К.А. Моделирование системы управления инновационного ВУЗа на основе процессно-сервисной методологии.// ЦДПО «Профессионал»МФТИ, Москва, 2006.

уйғотади. Таълим соҳасини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатадиган лойиҳаларни бошқариш фикримизча, қуйидагиларни ўз ичига олади.

- ўзининг ички ташкилий шартлари ва мотивлари ҳамда ташқи шароит ва рағбатлантириш тизини яратиш;

- бошқарувнинг барча тегишли поғоналарини қамраб оладиган, уни амалга ошириш механизмларини моделлаштириш;

- таълим тизимлари ва ташкилотлари раҳбарларини лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлигини ўрганиш.

Дарҳақиқат, юқорида келтирилганлар тадқиқотимиз мавзусининг қисқача тавсифи бўлиб, "таълимдаги тизимли ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш замонавий бошқарув нима қилиши керак?" деган саволга жавоб топиш муҳим аҳамиятга эга.

Таълим хизматлари кўрсатиш фаолияти муайян жамоаларда амалга оширилади, уларни яратиш объектив мезонларни талаб қилади. Бу таълим муассасаларидаги менежерларнинг "кучли" касбий билимларига бевосита боғлиқдир[1].

Бундан ташқари, таълим ташкилотидаги менежерларнинг билимларини бошқариш ўзига хослиги ҳар қандай таълим ташкилоти "заиф алоқалари" бўлган ташкилот эканлиги билан белгиланади. Бу, бизнинг нуқтаи назаримиздан, таълимни бошқаришни амалга ошириш учун ички заруриятлар тизимининг асоси, ички ташкилий фалсафага тегишли ўзгаришлардир. М. Грановеттер методологияси асосида заиф алоқаларга эга бўлган ташкилотни бошқариш методикасини батафсилроқ баён қилинган.[2]

М. Грановеттер[3] "кўприклар"ни яратиш учун заиф боғланиш хусусиятига, яъни тармоқдаги қирраларга эътиборини қаратади, уларнинг ҳар бири кўплаб тармоқ муносабатлари орасида иккита нуқта орасидаги маълумот ўтадиган ягона йўлдир. Таълимни индивидуаллаштириш шароитида таълим ташкилотидаги асосий жараёнлар тобора кўпроқ блокчейн хусусиятига эга бўлиб, айниқса улардаги субъектлараро ўзаро таъсирлар сони бир неча бор кўпайиб боришини ҳисобга олсак, таълимни бошқариш поғоналпри ўртасидаги алоқа воситаси сифатида бу хусусият алоҳида аҳамият касб этади.

Таълим ташкилотида бошқаришни молиялаштириш мамалакат таълим сиёсатининг стратегик йўналишлари билан конкретлаштирилган унинг тизимли ўзгариши билан боғлиқ ҳолда ташқи шароитда ҳам амалга оширилиши керак.

Мамлакат миқёсида таълимни лойиҳалаштириш поғоналарини Фуллан учга бўлади[4]:

- ўқув округи ва таълм муассасаси даражасидаги ўзгаришларни бошқаришни ўз ичига олган маҳаллий поғона;

---

[1] Fullan M. (2001). The New Meaning of Educational Change. San Francisco: Jossey - Bass.; Nort K. (1999) Wissensorientiere Unternehmenfiihrung: Wertschopfung durch Wissen. Wiesbaden: Gabbler.

[2] Прикот О.Г. Методология проектного управления в образовательной организации // Казанский педагогический журнал. - 2018. - № 6. - С. 25-30.

[3] GranovetterM.S. (1973). The Strength Of Weak Ties. The American Journal of Sociology. 78 (6). 1360-1380.

[4] Fullan M. (2001). The New Meaning of Educational Change. San Francisco: Jossey - Bass.

-минтақавий (ҳар хил даражадаги автономияга эга провинциялар, штатлар, минтақалар);

-миллий (ҳукумат).

Замонавий шароитда таълими менежментининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ушбу тадқиқот доирасида биз таълим тизимида бошқарувни беш босқичда амалга ошириш жараёнини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. - давлат, минтақавий, шаҳар, институционал (таълим ташкилоти), шахсий (йўналиш менежерлари, ўқитувчилар, талабалар, ота-оналар, методист-маслаҳатчилар).

М.Фуллан глобал маънода таълимдаги ижобий ўзгаришларни амалга ошириш учун таълим муассасаси раҳбарлари, ўқитувчилар, талабалар, ота-оналарнинг етарли иштирокисиз, амалга ошириб бўлмаслигини таъкидлайди. Содда қилиб айтганда улар "таълим ташкилотидаги асосий жараёнларнинг хўжайинлари ҳисобланадилар»[1].

Бироқ, инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларнинг таълим тизимларида нуфузли ва яхши ташкил этилган профессионал педагогик ва бошқа жамоалар мавжуд бўлиб, уларнинг таълим сиёсатини, шу жумладан ҳукумат сиёсатини амалга оширишга таъсири жуда катта. Ушбу жамоаларнинг вакиллари таълим соҳасидаги глобал ўзгаришларни амалга ошириш йўлларини лойиҳалашда, яъни таълимни лойиҳалаштиришда муҳим рол ўйнайди. Таъкидлаш мумкинки, ушбу мамлакатларда таълимни бошқаришнинг икки йўналиши мавжуд - давлат ва жамоат, улар амалдаги давлат-жамоат бошқаруви матрицалари асосида анъанавий боғлиқдирлар.[2]

Юқорида айтиб ўтилганлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлиги билан боғлиқ ҳолда таълимдаги ўзгаришларни бошқаришнинг институционал ва шахсий даражалари тизимли бўлишини таъкидлашимизга имкон беради. Таълим ташкилотларининг раҳбарлари ўзгаришларни амалга оширишни бошқариш учун масъулдирлар. Улар ушбу топшириққа тайёр бўлишлари керак[3].

Шунинг учун, ушбу тадқиқот саволлари қуйидагича шакллантирилди: бизнинг таълим муассаса раҳбарлари таълим тизимлари ва ташкилотларида бошқариш мафкурасини амалга ошириш шароитида ишлашга тайёрми?

Тадқиқотларимиз мазкур гипотезани кенгайтириш ва конкретлаштиришга имкон берди:

- бизнинг таълим муассасалари раҳбарлари миллий таълимни ривожлантиришга давлат даражасида киритилиши керак бўлган тизимли ўзгаришларнинг истиқболлари тўғрисида институционал даражада бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ишончли маълумот билан тўлиқ таъминланмаган;

---

[1] Прикот О.Г. Методология проектного управления в образовательной организации // Казанский педагогический журнал. - 2018. - № 6. - С. 25-30.

[2] Barber M. (1997). The Leaning Game: Arguments for an Education Revolution. Indigo.

[3] Gharajedaghi J. (2011). Systems thinking: Managing chaos and complexity. A platform for designing business architecture. Elsever.; Goldsmith, M., Reiter M. (2015). Triggers: Creating Behavior That Lasts-Becoming the Person You Want to Be. N.Y.: Crown Publishing Group.

- раҳбарлар бошқарув методологияси соҳасида зарур билимларга эга эмаслар, таълим лойиҳаларни самарали бошқаришни амалга ошириш учун шарт-шароитлар мавжуд эмас, кундалик амалиётда давлат ва минтақавий даражаларда бошқарув фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларнинг асосий қоидаларидан фойдаланмайдилар;

- раҳбарлар одатда таълим муассасасидаги менежментнинг моҳияти тўғрисида тўлиқ фикрга эга эмаслар, чунки улар таълимни лойиҳалаш (ўқитиш жараёни, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ўқув жараёни контекстидаги фаолияти) ва таълим ташкилотининг менежменти ўртасидаги фарқни тўлиқ англамайдилар;

- таълим лойиҳаларини бошқариш режимида ишлаш учун раҳбарларнинг мотивацияси вақтинчалик деб тан олинади. Бизнинг фикримизча, уни икки метафора билан ифодалаш мумкин: бир томондан, - "Мен бошқариш билан шуғулланмоқчиман, чунки бу янгилик" - ҳали унинг бир қисми бўлишга улгурмаган мунтазам бошқарув атамашунослиги ҳамда бошқа томондан - " юқоридан буйруқ бўлса, биз буни бажарамиз ".

Орипов Б.Г. *– ОБМ тингловчиси*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ВА ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистонда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. Бунинг учун мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясида «банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ошишига амал қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш»[1] сингари вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни бажаришда тижорат банклари активлари даромадлилигини ошириш, банкларнинг қийматли қоғозлар билан амалга оширилувчи операцияларини ривожлантириш, тижорат банклар фаолиятида таваккалчиликни баҳолаш ва олдини олиш, муддати ўтган кредитлар салмоғини камайтириш банк тизимини ривожлантириш борасидаги амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар сифатида эътироф этилган.

Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш» тўғрисидаги фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги Фармони

ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва бошқа соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда муайян даражада хизмат қилади.

Молиявий барқарорлик – бу молиявий тизимнинг, яъни молия муассасалари, бозорлар ва бозор инфратузилмаларининг эҳтимолий шоклар ва номутаносибликларга бардош бера олиши, шу билан бирга молиявий воситачилик функцияларини бажара олмаслик эҳтимолини пасайтириш қобилиятидир. Молиявий барқарорлик мақсади алоҳида молия муассасаси эмас, балки бутун молия тизими барқарорлигини таъминлашдан иборат. Молиявий барқарорлик иқтисодиётнинг барқарор ривожланиш асоси ҳисобланади.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш хусусида илмий иш олиб борган олим Гарвард университети профессори М.В. Оливер «молиявий барқарорликка мижозлар ишончини ошириш орқали эришиш мумкин»[1] деган фикрини илгари суради. Биз олимнинг бу фикрларига қўшиламиз. Сабаби мижозлар ишончи ортгани билан банк хизматларига бўлган талаб ортади, мижозлари сони ортгани ҳолда, банкнинг даромадлари ҳам ошади.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, «тижорат банклари ялпи даромадларининг умумий ҳажмида фоизли даромадларнинг салмоғи камида 70 фоиз бўлиши керак»[2]. Ушбу тавсиядан келиб чиқган ҳолда ҳамда тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш учун тижорат банклари активлари рентабеллигининг юқори ва барқарор даражасини таъминлашда бир соҳа (тармоқ) йўналтирилган активлар 30 фоиздан оширмаслик ва фоизли даромадлар миқдори жами даромадларнинг 70 фоизидан кам бўлмаслигини таъминлаш зарур.

И. Лещукова тижорат банкининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича қуйидагича фикр билдиради: «банк фойдасининг даражасини тадқиқ қилиш учун банк фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиш керак ва ушбу стратегия банк ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган мақсадлар, ҳаракатлар йиғиндисидан иборатдир»[3].

Тижорат банкларини инспекцион текширишда, дунё амалиётида, «CAMELS» рейтинг тизимидан фойдаланилади ва ушбу тизимда банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда активларнинг фойдалилик коэффициентидан фойдаланилади.

Фойдалилик коэффициентининг меъёрий даражасини ўрнатишда тижорат банклари активларининг миқдори ҳисобга олинади ва бунда банклар беш гуруҳга ажратилган ҳолда, уларнинг фойдалилик коэффициентига нисбатан меъёрий даража белгиланади (100 млн. долларгача; 100 млн. дан 300

[1]Насриддинов Ф. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини баҳолашнинг халқаро стандартлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2018 йил.

[2]Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся стран. Пер. с англ. – Вашингтон: ИЭР, 1994.

[3]Лещукова И. В. Прибыль коммерческого банка и ее источники//Инновационная наука. – Москва, 2017. - № 5. - С. 114 – 116.

млн. гача; 300 млн. дан 1 млрд. долларгача; 1 млрд. дан 5 млрд. долларгача; 5 млрд. доллардан ортиқ миқдордаги активларга эга бўлган банклар).

Аммо фойдалилик коэффициентини тижорат банкларининг ялпи фойдаси ва операцион фойдасига нисбатан аниқлашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банкларининг соф фойдаси миқдори бевосита фоизли харажатлар ва операцион харажатлар миқдорига боғлиқ.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози (2008 й.) пайтида тижорат банклари кредит портфелининг сифатини ёмонлашиши натижасида уларнинг молиявий барқарорлиги борасида жиддий зарарлар келтириб чиқариши кузатилди. Масалан, АҚШнинг энг йирик тижорат банкларидан бири бўлган Citigroupнинг 2008 йилнинг тўртинчи чорагида кредит портфелининг ёмонлашиши натижасида кўрган соф зарари миқдори 17,3 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди[1]. Бу ушбу банк учун рекорд даражадаги зарар ҳисобланади.

Тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида кредитлар юқори салмоқни эгаллаганлиги сабабли кредитлардан кўрилган зарарлар миқдорининг ўсиши банкларда соф фойданинг камайишига олиб келади. Шу сабабли, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки мутахассислари ишлаб чиқиб тақдим этган методикасига кўра, банкларда берилган ссудалардан юзага келган салбий оқибатларни бартараф этишга йўналтирилган захира ажратмалари кўрсаткичининг энг юқори меъёрий даражаси 1,0 фоизни ташкил этади[2].

Республикамиз банк амалиётида кредитлардан бўйича яратилган захиралар суммаси 56802-ҳисобрақамининг дебетида ҳисобга олинади, яъни 100% банкнинг харажатига боради. Аммо республика тижорат банкларида кредит риски бўйича яратилган захира ажратмаларига нисбатан меъёрий чекловлар белгиланмаган.

Фикримизча, кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари бўйича меъёрий чеклов пруденциал назорат тизимига киритилиши керак. Аммо бунда банк томонидан ҳақиқатда яратилган захира суммаси эмас, балки кредитларни тўғри таснифлаш натижасида яратилиши лозим бўлган захира ажратмалари ҳисобга олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар

[1]http://Lenta.ru/news/2009/02/17.

[2] Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 79 б.

тўғрисида»ги қарори ва бошқа ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларда белгиланган вазифалар тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига кўра:

– «тижорат банклари ўзларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида пруденциал нормативларга риоя этишлари шарт»[1];

– банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қуйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

*пруденциал нормативлар бажарилмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

*банкротлик бўлганда ёки тақсимлаш оқибатида банкротлик аломатлари юзага келганда;

*Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс эттирилган, жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда;

*Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

– банклар Марказий банк томонидан белгиланган мажбурий захиралаш талабларини бажариши шарт, банк мажбурий захира талабларини бажармаган тақдирда, Марказий банк қатъий тартибда бу банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидан етишмаётган мажбурий захира маблағлари миқдоридаги суммани, шунингдек, ушбу етишмаётган суммага нисбатан амалдаги Марказий банкнинг асосий ставкасининг икки баробаридан ошмайдиган миқдорда жарима ундириб олади;

– банк фаолиятининг ўзига хос таваккалчиликларининг олдини олиш ва қисқартириш мақсадида Марказий банк банклар фаолияти устидан пруденциал назоратни таъминлайди, банклар Марказий банк томонидан пруденциал талабларга мувофиқликни текшириш учун битимлар ва операцияларни Марказий банк томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ рўйхатга олиши шарт»[2].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 05.11.2019 йилдаги ЎРҚ-582-сон. 1-боб. 5 модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 05.11.2019 йилдаги ЎРҚ-580-сон. 5-боб. 38-40 моддалар.

[1] https://lex.uz/docs/4581969. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 05.11.2019 йилдаги ЎРҚ-580-сон. 5-боб. 38-40 моддалар.

[2] Ўзбекистон Республикаси қонуни. Банклар ва банк фаолияти тўғрисида (янги таҳрири)//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси:03/19/580/3994-сон. 06.11.2019 й. 6-боб. 45-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3272-сонли Қарори. www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли Қарори. www.lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2010. - №48. – 4-6-б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли.»Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонига 1-илова//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №28. – 22-33-б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877 – сонли «Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.11.2019 й., 06/19/5877/4036-сон.
9. Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital standards. – Basel, 1988. http://www.bis.org.publications.
10. Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital measurement and capital standards. Basel-II, 2006. http://www.bis.org.publications.
11. Basel Committee on banking supervision. Basel-III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems-Basel-III, 2010. http://www.bis.org.publications.
12. Международная конвергенция измерения капитала и стандартов капитала. Уточненные рамочные подходы. Банк международных расчетов. – Базель, 2004. – С. 158.

Кенжабаев А.Т. *- ОБМ кафедра мудири*
Курбонов Э.А. *- ОБМтигловчиси*

BYUDJET TASHKILOTLARI XARAJATLAR SMETASI VA SHTATLAR JADVALI IJROSINING HISOBINING YURITISH ASOSLARI

Qoraqalpogiston Respublikasi byudjeti va mahalliy byudjetlar mablag‘lari tasdiqlangan byudjet doirasida xarajat qilinadi. Qoraqalpogiston Respublikasi byudjeti va mahalliy byudjetlar xarajatlari tasdiqlangan byudjetdan mablag‘lar ajratish doirasida quyidagicha amalga oshiriladi:

- ❖ Qoraqalpog‘iston Respublikasi byudjeti va mahalliy byudjetlardan moliyalashtiriladigan byudjet tashkilotlarining joriy xarajatlari shaklida;
- ❖ joriy byudjet trasfertlari shaklida;
- ❖ kapital xarajatlar shaklida;
- ❖ asosiy fondlar va vositalarni (ular bilan bog‘liq ishlar va xizmatlar ham shular jumlasiga kiradi) davlat ehtiyojlari uchun olish va takror ishlab chiqarishga;
- ❖ davlat ehtiyojlari uchun erga bo‘lgan huquqni va boshqa nomoddiy aktivlarni olishga;
- ❖ qonun xujjatlarida taqiqlanmagan boshqa xarajatlar shaklida.

Qoraqalpogiston Respublikasi byudjeti va mahalliy byudjetlardan qonun xujjatlarida belgilangan tartibda quyidagilarga mo‘ljallangan xarajatlar moliyalashtiriladi:

- fan, ta’lim, madaniyat, sog‘liqni saqlash, jismoniy tarbiya va sport;
- ijtimoiy ta’minot;
- aholini ijtimoiy himoyalash; Qoraqalpog‘iston Respublikasi davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari hamda mahalliy davlat hokimiyati organlari faoliyatini ta’minlash;
- iqtisodiyot turi tarmoqlarining Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahri byudjet tashkilotlarini saqlash; qonun hujjatlariga muvofiq iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirishning maqsadli dasturlari va tadbirlarni amalga oshirish;
- qonun xujjatlarida nazarda tutilgan boshqa maqsadlar.

Aytib o‘tish kerakki, alohida mahalliy byudjetlarning xarajatlar tarkibi bir xil bo‘lmaydi va shu mintaqadagi turli darajada bo‘lgan xo‘jalik va idoralarning hajmiga bog‘liq bo‘ladi. Davlat byudjetining to‘la hajmda moliyalashtiriladigan birinchi navbatdagi xarajatlarga ish haqi, ish haqidan ajratmalar, stipendiyalar, nafaqalar, ovqatlanish va dori-darmonlarni sotib olish uchun sarflanadigan xarajatlar kiritildi.

Davlat byudjeti xarajatlarining vazifa jihatidan tasnifi davlat boshqaruvi organlari, mahalliy hokimiyat organlari, shuningdek, boshqa byudjet tashkilotlari tomonidan ijro etiladigan asosiy vazifalar bo‘yicha xarajatlarni guruhlashdan iborat bo‘ladi. Biz byudjet tashkiloti deganda zimmasiga yuklatilgan vazifalarni bajarish bilan bog‘liq bo‘lgan o‘z faoliyatini amalga oshirishi uchun davlat byudjetidan

mablag‘ ajratish nazarda tutilgan va bu mablag‘ moliyalashtirishning asosiy manbai hisoblanadigan vazirlik, davlat qo‘mitasi, idora, davlat tashkilotini tushunamiz.

Davlat byudjeti xarajatlarining tashkiliy tasnifi byudjetdan ajratiladigan mablag‘lar ularni bevosita oluvchilar o‘rtasida taqsimlanishini aks ettiruvchi xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar va tadbirlar turlari bo‘yicha xarajatlarni guruhlashdan iborat bo‘ladi.

Davlat byudjeti xarajatlarining iqtisodiy tasnifi to‘lovlarning iqtisodiy vazifasi va turlari bo‘yicha xarajatlarni guruhlashdan iborat bo‘ladi.

Davlat byudjetining ijrosini hamda byudjet xarajatlarini to‘liq va o‘z vaqtida moliyalashtirishni ta’minlash va byudjet mablag‘larining maqsadli ishlatilishi ustidan nazoratni yanada kuchaytirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining 2000 yil 3 yanvardagi «Byudjetda ko‘zda tutilgan xarajatlarni to‘liq va o‘z vaqtida moliyalashtirishni ta’minlash va byudjet mablag‘larining maqsadli ishlatilishi ustidan nazoratni yanada kuchaytirish maqsadida» buyrug‘i chiqdi. Bu buyruqqa asosan, birinchi navbatdagi va ustuvor xarajatlarni amalga oshirishda quyidagi ketma-ketlik belgilab qo‘yilgan:

- ish haqi ijtimoiy sug‘urta to‘lovlari bilan birgalikda stipendiyalar;
- 16 yoshgacha bolasi bo‘lgan oilalarga va 2 yoshgacha bolasi bo‘lgan onalarga bola tarbiyasi uchun nafaqa hamda kam ta’minlangan oilalarga moddiy yordam;
- byudjet muassasalari tomonidan belgilangan kontengentdagi bolalar, bemorlar va qariyalar uchun oziq-ovqat mahsulotlari va dori-darmonlar sotib olish.

Qoraqalpog‘iston Respublikasi Moliya vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar moliya boshqarmalari boshliqlari, shahar va tuman moliya bo‘limlari mudirlarinng zimmasiga byudjet xarajatlarini moliyalashtirishning yangi tartibiga binoan quyidagilar yuklatilgan:

- tasdiqlangan byudjet parametrlari va xarajatlar smetalari doirasida birinchi va ikkinchi guruhlarga kiritilgan to‘lovlarni birinchi navbatda va to‘liq moliyalashtirishni ta’minlash;

- uchinchi guruh bo‘yicha kapital qo‘yilmalar xarajatlarini investitsiya dasturiga kiritilgan ob’ektlarning manzilli ro‘yxatlari bo‘yicha o‘rnatilagn moliyalashtirish rejalari doirasida amalga oshirish;

- xarajatlarning to‘rtinchi guruhiga kiritilgan ustuvor to‘lovlar, oziq -ovqat va dori-darmonlar sotib olish xarajatlarini birinchi va ikkinchi guruh to‘lovlari to‘liq amalga oshirilgandan keyingina moliyalashtirish;

- boshqa moddalar bo‘yicha xarajatlarni (kapital qo‘yilmalar, safar va o‘quv xarajatlari, kommunal xizmatlar, xo‘jalik xarajatlari, yumshoq va boshqa jihozlar sotib olish, kapital ta’mirlash va boshqa xarajatlar) yuqoridagi to‘lovlar to‘liq amalga oshirilgandan so‘ng daromadlar tushumiga qarab moliyalashtirish;

- xizmat kursatuvchi tijorat banklari tomonidan xarajatlarni naqd pul bilan ta’minlashning belgilangan muddatlari buzilgan taqdirda, uch kun ichida tijorat banklariga nisbatan xo‘jalik sudlariga byudjetga keltirilgan zararni qoplash uchun belgilangan tartibda da’vo arizalari kiritish;

-huquqiy shaxs maqomi berilgan byudjet tashkilotlarining faoliyatlarini mustaqil ravishda amalga oshirishlari uchun kerakli tashkiliy-iqtisodiy choralar ko‘rish.

Byudjet mablag‘laridan foydalanishni nazorat qilish byudjetdan mablag‘ bilan ta’minlashning belgilangan me’yorlari va limitlari, davlat byudjeti daromadlari va xarajatlarining amaldagi tasnifnomasi, tegishli byudjetlarning tasdiqlangan parametrlari, tasdiqlangan shtat jadvallari, belgilangan tartibda ro‘yxatdan o‘tkazilgan byudjet tashkilotlari xarajatlari smetasi, byudjet tashkilotlarini mablag‘ bilan ta’minlash tartibiga va boshqa qonun hujjatlari asosida amalga oshiriladi.

Smetalar O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi tomonidan tasdiqlangan Davlat byudjeti daromadlari va xarajatlarining amaldagi tasnifnomasiga muvofiq xarajatlarning to‘liq yoyilnomasi ilova qilingan holda xarajatlarning to‘rt guruhi bo‘yicha tuziladi. Ilova smetaning ajralmas qismi hisoblanadi, smetaning prognoz hisob-kitoblarini asoslash uchun xizmat qiladi va hisobot maqsadlari uchun foydalaniladi. Yangi tartibga muvofiq byudjet tashkilotlarini mablag‘ bilan ta’minlash me’yorlar bo‘yicha xarajatlarning quyidagi guruhlarini mablag‘ bilan ta’minlash usulida amalga oshiriladi:

1. Ish haqi va unga tengashtirilgan to‘lovlar, stipendiyalar, pensiyalar, moddiy yordam.
2. Ish haqiga qo‘shimchalar (25 %).
3. Kapital qo‘yilmalar (alohida davlat dasturiga kiritilgan bo‘lsa).
4. Boshqa xarajatlar.

Mablag‘ bilan ta’minlash byudjet ijrosi jarayonida xarajatlar ro‘yxati va smetasiga kiritiladigan o‘zgarishlarni hisobga olgan holda tegishli yil uchun tasdiqlangan byudjet parametrlariga hamda byudjet tashkilotlarining xarajatlar smetalariga muvofiq tuzilgan byudjet xarajatlarining choraklar bo‘yicha taqsimlangan yillik ro‘yxatiga binoan amalga oshiriladi.

Byudjet tashkilotlarini respublika byudjetidan mablag‘ bilan ta’minlash O‘zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligida belgilangan shakldagi xarajat jadvallari va xarajatlarning har bir guruhi bo‘yicha bir satrda mablag‘ o‘tkazish uchun to‘lov qog‘ozi bilan rasmiylashtiriladi. Mahalliy byudjetdan mablag‘ bilan ta’minlash tegishli moliya tashkilotlarida belgilangan shakldagi farmoyish bilan va xarajatlarning har bir guruhi bo‘yicha bir satrda mablag‘ o‘tkazish uchun to‘lov qog‘ozi bilan moliyalashtiriladi.

Byudjet mablag‘lari byudjet tashkilotlari tomonidan mustaqil ravishda byudjet ijrosi jarayonida belgilangan tartibda ularga kiritilgan o‘zgarishlarni hisobga olgan holda tasdiqlangan xarajatlar doirasida sarflanadi. Bunda xarajatlarning I va II guruhlari, birinchi navbatda, mablag‘ bilan ta’minlanadi, IV guruh bo‘yicha mablag‘lar belgilangan limitlar doirasida quyidagi navbatga rioya qilgan holda sarflanadi:

- ovqatlantirish;
- dori-darmonlar;
- kommunal xizmatlar;
- boshqa xarajatlar;

Moliya organlari va byudjet tashkilotlarida “Byudjet tizimi to‘g‘risidagi” va «Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida» gi Qonunga, Davlat byudjetidan mablag‘ bilan ta’minlanadigan muassasalarda va tashkilotlarda buxgalteriya hisobi bo‘yicha yo‘riqnomaga, Davlat byudjeti daromadlari va xarajatlarining amaldagi tasnifnomasiga, O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining boshqa me’yoriy hujjatlariga muvofiq yuritiladi. Xorij tajribalari shuni ko‘rsatadiki, g‘aznachilik tizimi samarali ishlab turishi uchun unga asos bo‘ladigan hujjat-mamlakatning barcha yo‘nalishlar bo‘yicha xarajatlari batafsil ajratib chiqilgan rejani o‘z ichiga olgan sifatli byudjetni shakllantirishdir. Shuni ta’kidlash zarurki, mamlakat byudjeti byudjet yili boshlangunga qadar imkoni boricha batafsil holda qabul qilinishi kerak. Aks holda, g‘aznachilikning me’yoriy faoliyati beqarorlashuvi, uning samaradorligi pasayishi mumkin. Ikkinchidan, davlat byudjetini ijro etishning g‘aznachilik tizimida byudjetning vazifasiga oid va iqtisodiy aniq tasnifi bo‘lishi bilan birgalikda moddiy-texnikaviy bazani mustahkamlash va dasturlar jadalligini oshirish zarur.

Bizning fikrimizcha, g‘aznachilikni yagona hisob raqamini joriy etish-Davlat byudjetini g‘aznachilik ijrosidagi daromadlarni boshqarishning asosiy tamoyillaridan birini amalga oshirish natijasidir. Shuningdek, turli darajagi byudjetlarni tushumini hamda byudjet va maqsadli jamgarmalarning mablag‘larini optimal ishlatilishini komleks nazoratini amalga oshirishni ta’minlash imkoniyatini yaratilishidir.

Davlat byudjeti taqchilligini moliyalashtirish manbalarining tasnifi O‘zbekiston Respublikasining “Byudjet tizimi to‘g‘risida”gi Qonunning 10-moddasida ta’kidlanganidek, davlat byudjeti taqchilligini moliyalashtirishning ichki va tashqi manbalari bo‘yicha guruhlashdan iborat bo‘ladi. Ma’lumki, biz sobiq ittifoq davrida, kapitalistik mamlakatlar byudjetidagi taqchillikni barqarorsiz iqtisodiyot deb talqin qilar edik, lekin dunyoda hech bir davlat yo‘kdirki, u yoki bu davrda byudjet taqchilligi bilan to‘qnash kelmasin. Umuman olganda byudjet taqchilligi ob’ektiv narsa va uni o‘z vaqtida moliyalashtirish zarur, ammo, to‘g‘ri kelgan uslub bilan emas balki, andozali va samarali usullar bilan moliyalashtirilishi maqsadga muvofiqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasining 2004 yil 26 avgustdagi «Davlat byudjetining g‘azna ijrosi to‘g‘risida»gi Qonuni, № 664-II sonli.
2. O‘zbekiston Respublikasining 2000 yil 14 dekabrdagi «Byudjet tizimi to‘g‘risida»gi Qonuni, № 158- II sonli
3. “Mehnat kodeksi” O‘z.R 1995 yil 21 dekabrdagi №161-I – son O‘zR. qonuni bilan tasdiqlangan. (2008 yil 1 martgacha bo‘lgan o‘zgarish va qo‘shimchalar bilan).

Усмонов Ж.Х. *– ОБМ тингловчиси*

ТАЪЛИМГА ОИД ҚАРОРЛАР ТАҲЛИЛИ

Давлатимиз Мустақилликка эришган кундан бошлаб таълим тизимимизни ривожлантириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилиб келмоқда. Бугунги кунга келиб мамлакатимиз таълим тизимида мақсадли ва тизимли ислоҳотларни амалга оширилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган, таълим тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда таълим-тарбия соҳасини янги босқичга кўтаришга қаратилган вазифалар белгилаб қўйилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни халқаро стандартларга интеграциялаш, кадрлар тайёрлаш тизимини меҳнат бозори талабига мос юқори малакали мутахассис сифатида етиштириш ҳамда юксак билимли янги авлодни вояга етказиш механизмларини яратиш мақсадида беқиёс ишлар амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этишдек юксак мақсад учун курашилаётган ҳозирги жараёнда мақтов айтишдан кўра, камчиликларни танқид қилиш, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар айтиш минг баробар муҳим ва фойдалидир.

Давлатимизда таълимни ривожлантириш ва соҳада ҳорижий таълим стандартларини жорий қилиш мақсадида кўплаб ислоҳотлар юритилмоқда. Бу ислоҳотларни амалга оширишда мамлакатимизда жорий қилинаётган ва амалиётга тадбиқ қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асос бўлиб ҳизмат қилмоқда. Яқин йилларда таълим тизимимизни, халқаро майдонларда ўз ўнини топиши ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мақсадида бир қанча қонун ва фармойишлар тайёрланиб ижрога киритилди. Аммо, бу ишлаб чиқарилган қарорларда айрим камчилик ва бир-бирларини инкор қилувчи норматив ҳужжатлар мавжуд. Қуйида худди шундай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бир нечтасини кўриб чиқамиз:

Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорининг қуйида келтирилган бандларида:

36. Талаба олий таълим муассасасидан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

а) ўз хоҳишига биноан;

б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;

в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

г) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидалари ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун;

д) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;

е) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);

ж) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

з) суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда (ушбу ҳолатда талабалар сафидан четлаштирилганлар талабалар сафига қайта тикланмайди);

и) вафот этганлиги сабабли.

Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

37. Белгиланган муддатларда фанларни ўзлаштира олмаган (академик қарздор бўлган) талаба олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан курсдан қолдирилади.

Академик қарздорлиги туфайли курсдан қолдирилган талаба тўлов-контракт асосида ўқишини қуйи курснинг тегишли ўқув семестри бошидан бошлаши мумкин.

Талабалар ўқув юкламаси ҳажмини аниқлашнинг шартли бирликлари (кредитлар)ни ўтказиш ва жамлаш тизими жорий этилган олий таълим муассасаларида академик қарздорлиги туфайли курсдан қолдирилган талабалар қуйи курсдаги тегишли ўқув семестридан бошлаб фақат ўзлаштира олмаган фанларини (модулларни) такроран ўқиши мумкин.

Курсдан қолдирилган талаба ушбу Низомнинг 36-бандидаги ҳолатлар бўйича талабалар сафидан четлаштирилиши мумкин» дейилган бўлса,[1]

Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 31-декабрдаги 824-сон қарорига

1-Иловаси “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модул тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги низомининг 8-боби “Талабаларни ўқишдан четлаштириш, қайта тиклаш, курсдан курсга ўтказиш механизмлари”да қуйидаги 41-42 бандларида:

41. Бир фанга ажратилган аудитория соатининг 25 фоизини ва ундан ортиқ соатни сабабсиз қолдирган талаба ушбу фандан четлаштирилиб, якуний назоратга киритилмайди ҳамда мазкур фан бўйича тегишли кредитларни ўзлаштирмаган ҳисобланади. Якуний назорат турига киритилмаган ёки кирмаган, шунингдек, ушбу назорат тури бўйича қониқарсиз баҳо олган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабалар таътил вақтида ёки кейинги семестрлар мобайнида тегишли фанлардан ўзлаштирилмаган кредитлар миқдорига мос равишда базавий тўлов-контракт миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўловни

[1] Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарори lex.uz

амалга оширгандан сўнг ўзлаштирилмаган фанларни ўз ҳисобидан қайта ўқиш ҳуқуқига эга бўлади.

42. Таълим олувчини курсдан курсга ўтказиш унинг GPA қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. ОТМ талабаларни курсдан курсга ўтказишда GPA кўрсаткичини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга. Бунда GPA кўрсаткичи 2,4 — 3,0 оралиғида бўлиши талаб этилади. GPA ўтиш балли(яни 2.4 балл)ни тўплай олмаган талаба қайта ўқиш учун тегишли курсда қолдирилади. Семестр ва ўқув йили якуни натижалари бўйича академик қарздорлиги бор таълим олувчилар ўқишдан четлаштирилмайди. Курсдан курсга қолган талабалар фақат қарздор бўлган фанларни ўзлаштириб уларга мос равишда шартнома маблағларини тўлайди. Шартнома асосида бир курсда қайта ўқиш сони чегараланмайди. Жами таълим олиш муддати бакалавриат учун 1 курсга ўқишга қабул қилинганидан сўнг 8 йилгача, магистратура учун 1 курсга ўқишга қабул қилинганидан сўнг 4 йилгача деб белгиланади деб ёзилган. [1]

Энди бу икки қарорнинг ўзаро таққосласак, қуйидагича фикрлар келиб чиқади.

Биринчидан, 360 сонли қарорда, агар талаба бир семестр давомида узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ дарс қолдирса талабалар сафидан чиқарилиши келтирилган бўлса, 824 сонли қарорда талаба бир фанга ажратилган аудитория соатининг 25 фоиздан ортиқ дарс машғулотларига қатнашмаса шу фандан якуний назоратга киритилмайди дейилган. Бундан келиб чиқадики агар талаба кредит модул тизимига ўтган таълим муассасасида таҳсил олса дарс қолдиргани учун талабалар сафидан четлатилмайди.

Иккинчидан, 360 сонли қарорда агар талаба йил якуни бўйича учта ёки ундан ортиқ фанлардан академик қарздор бўлса курсда қолдирилади, 824 сонли қарорда эса, талабанинг GPA кўрсаткичи 2.4 дан паст бўлса, курсда қолдирилади.

Бу икки қарор ҳалигача ўз кучини йўқотмаган ҳисобланиб, ҳар иккиси ҳам тизимда амалда ишламоқда. Шу ўринда бир савол туғилади, қайси қарорга асосланиб иш кўриш керак. Бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида ҳеч қандай қонуний норматив-ҳужжат мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш ҳақида қарорининг В банди (қўшма таълим дастурлари асосида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ўқишга қабул қилиш икки босқичда амалга оширилади:)нинг 4-хатбошида: “иккинчи босқичда чет тили бўйича кириш имтиҳонларида тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг камида 30 фоизини тўплаган абитуриентлар қўшма таълим дастури бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этади ҳамда қабул параметрларидан келиб

[1] Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 31-декабрдаги 824-сон қарорига 1-Иловаси “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модул тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида”, низомининг, 8-боби “Талабаларни ўқишдан четлаштириш, қайта тиклаш, курсдан курсга ўтказиш механизмлари”.lex.uz

чиқиб, ўқишга қабул қилинади;[1]” дейилган бўлса, Худди шу қарорга берилган иловани низомининг 2-боб. Қўшма таълим дастурлари асосида ўқишга қабул қилиш,13-банди (Қўшма таълим дастурларига ўқишга қабул қилиш икки босқичда амалга оширилади)нинг 4-хатбошида: “иккинчи босқичда чет тили бўйича кириш имтиҳонларида тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг камида 40 фоизини тўплаган абитуриентлар қўшма таълим дастури бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этади ҳамда қабул параметрларидан келиб чиқиб, ўқишга қабул қилинади;” деб келтирилган фоиз кўрсаткичлари нотўғри ёзилган.

Ушбу қарорларни қайта кўриб чиқиш ва хато ва камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилиши керак. Бу хато ва камчиликлар тизимда қонун билан ишлаш жараёнларида қийинчилик ва тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Тохиров Р. – ОБМ тингловчиси

ЎЗАВТОСАНОАТ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ МЧЖ “UZSUNGWOO” ҚЎШМА КОРХОНАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН МАХАЛЛИЙЛАШТИРИШ ЛОЙИХАЛАРИ

Ўзбекистонда автосаноат тизимини такмиллаштириш мақсадида АЖ “Узавтосаноат” ташаббуси билан 12.04.2011й. санада масъулияти чекланган жамият, Ўзбекистон-Корея хамкорлигидаги «UZSUNGWOO» қўшма корхона ташкил этилган. Лойиханинг умумий қиймати 14 млн. АҚШ даолларини ташкил этали. Бундан 50% - АЖ “Узавтосаноат”, 40% - Sungwoo Hitech Co Ltd. (Корея), 10% - I-Zone Co Ltd. (Корея). Умумий майдони 60 500 кв.м., 670 нафар ишчи ишлайди. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 120 минг комплект. Ушбу корхонанинг асосий фаолияти Асака шахрида жойлашган АЖ “УзАвто Моторс” корхонасида ишлаб чиқариладиган автомобиллан учун бутловачи қисмлар ишлаб чиқаришдан иборат.

- «UZSUNGWOO» корхонаси ўз фаолиятини 2012 йил октябр ойида Кобатл русумидаги автомобил учун 120 дан ортиқ турдаги штампланган ва пайвандланган эхтиёт қисмларни ишлаб чиқаришдан бошлаган. Кейинги йилларда амалга оширилган махаллийлаштириш лойихалари натижасида ушбу деталлар сони 185 тага ошди.
- 2015 йил айрим махсулотни Бразилияга экспорт қилишга эришилди.
- 2016 йили эса янги модел – Нексия 3 автомобили усун 4 турдаги асаосий таяанч қисмлар, яъни лонжеронлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.
- 2016 йилда Россиянинг МЧЖ “Автомобильный завод “ГАЗ” корхонасига 3 турдаги бутловчи қисмлар экспорт қилина башланди.

[1] Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш ҳақида қарори

- 2018 йили Россиянинг “ПСМА Рус” корхонаси билан олиб борилган музокаралар натижасида 52 турдаги эхтиёт қисмларни экспорт қилиш бўйича келишувга эришилди.
- 2021 йили корхонамиз фаолиятини кенгайтириш мақсадида МДХ ва Ўрта Осиё мамлакатларида ягона бўлган Hot Stamping яъни, металга қиздириб ишлов бериш лойихаси амалга оширилди. Жорий йининг март ойидан бошлаб ушбу янги цехда махсулот ишлаб чиқарила бошланди.

Sungwoo Hitech Co Ltd. компанияси 1977 йил август ойида ташкил этилган. Бош офиси Кореянинг Бусан шахрида жойлашган бўлиб дунё бўйлаб 17 та заводи мавжуд. Автомобилнинг ишки ва такшқи штампланган ва пайвандланган қисмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, дунёга таниқли Chevrolet, Hundai, KIA, BMW, Volkswagen каби йирик автомобил ишлаб чиқарувчи корхоналари билан хамкорлик қилади.

Хозирги кунга қадар UZSUNGWOO корхонаси АЖ “УзАвто Моторс” йиғиладиган Кобалт, Жентра, Нексия-3 ва Спарк автомобиллари учун эхтиет қисмлар етказиб бермоқда. Бундан ташқари жорий йилда янги русумдаги автомобил яъни Chevrolet Tracker автомобили учун 70 турдаги деталлар етказиб бериш лойихаси амалга оширилди. Ушбу лойиханинг 2-қисми сифатида Chevrolet Onix модели учун ишлатиладиган 68 турдаги бутловчи қисмлар махаллийлаштириш жараёни якунланмоқда. 2023 йил январ ойидан корхонамизда ушбу янги модел учун серияли махсулот ишлаб чиқарила бошланади.

Юқоридагилардан ташқари, корхонамиз МЧЖ “ПСМА Рус” корхонаси билан хам хамкорликни кенгайтирмокда. Хозирда хорижий хамкор билан биргаликда К0 лойихаси доирасида 17 турдаги автомобил эхтиет қисмларни ишлаб чиқариш бўйича янги лойиха амалга оширилмоқда. Ушбу лойиха доирасида 1 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб қилинган. Серияли махсулот ишлаб чиқариш йўлга қцйилгач корхонанинг йиллик экспорт хажми 5,63 млн. долларга ошишига эришилади. Қўшимча 30 та иш ўрни яратилади. Серияли махсулот ишлаб чиқариш лойиха графигига асосан жорий йилнинг I-кварталига режалаштириган эди, лекин Россиядаги геосиёсий вазият бунга салбий таъсир кўрсатди. Ушбу лойиха бўйиса йиллик автомобил ишлаб чиқариш хажми 320 000 донани ташкил қилиб, ушбу автомобиллар Stellantis компаниясининг Россия, Франция ва Англия мамлакатларида ишлаб чиқарилади. Stellantis нинг режасга рўра Россиядаги завод ХАБ вазивасини бажариши керак эди, яъни, бизнинг UZSUNGWOO корхонасидан етказиб берилган махсулотнинг асосий қисми Европа заводлари реэкспорт қилиниши назарда тутилган. Россиядаги геосиёсий вазият сабабли Stellantis нинг бу мамлакатда жойлашган заводи 2022 йил бахор ойлари ўз фаолиятини вақтинча тўхтатди. Шу сабабдан хозирда UZSUNGWOO ва Stellantis нинг Европадаги заводлари билан тўғридан-тўғри ишлаш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Фарғона шахрида жойлашган МЧЖ “UZSUNGWOO” қўшма корхонасидаги истиқболли лойихаларни амалга оширишда инновацион

ёндашувларни қуйидагича изохласак. Корхона 2022 Россиянинг ФГУП “НАМИ” корхонаси билан АУРУС моделидаги автомобил ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган қиздирилган холда штампланувчи эхтиёт қисмларни экспорт қилиш бўйича келишувга эришилди. Бу инвестицион лойиха бўлиб, унинг қиймати 4 млн. долларни ташкил этади. Ушбу лойихага жалб қилинган жамоа деярли 1 йил давомида иш олиб борди. Яъни, лойихани чуқур ўрганилди, махсулотни ишлаб чиқара олиш имкониятини ўрганилди, махсулотни ишлаб чиқариш жараёнини хитойлик ва кореялик хамкорлар билан биргаликда тахлил қилинди. Лойиха доирасида 57 турдаги бутловчи қисмлар учун махсус шаклда калкуляция тайёрланди ва унинг ичидаги хар бир банди россиялик хамкорлар билан мухокама қилиниб, уларга асослаб берилди. Бундан ташқари UZSUNGWOO корхонаси лойиха жамоаси томонидан махсулот ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўриш харажатлари шакллантириди ва хорижий хамкор ФГУП “НАМИ” билан тасдиқланди. Ушбу лойиха UZSUNGWOO учун ундаги лойиха жамоасининг тажрибаси ва ташаббуси эвазига юқори самарали келишув бўлди. Ушбу лойиха доирасида келишувга эришишнинг яна бир асосий сабаби, UZSUNGWOO корхонасида МДХ ва Ўрта Осиё минтақасида ягона бўлган тўлиқ автоматлашган, қиздирилган холда штамплаш цехиннг барпо этилгани бўлмоқда. Яъни, корхона GEM лойихаси доирасида Chevrolet Tracker ва Chevrolet Onix моделларининг 20 турдаги бутловчи қисмларни махаллийлаштириш мақсадида қиймати 10 млн. доллар бўлган қиздирилган холда штамплаш цехини қуришга қарор қилгади. Ушбу цех нафақат Ўзбекистон автосаноатида, балки МДХ ва Ўрта Осиё минтақасида янгилик бўлгани сабаб, кўпгина хорижий автомобил ишлаб чиқарувчи корхоналардан уларнинг ташаббуси билан хамкорлик қилиш имкониятлари кенгайтирмоқда.

2022 йилнинг охирида электромобил ишлаб чиқарувчи МЧЖ “КАМА” корхонаси UZSUNGWOOнинг янги цех ташкил этганидан хабар топиб 6 турдаги автомобил бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш борасида хамкорлик таклиф қилмоқда. Ушбу лойиха бўйича 2024 йилда автмобил ишлаб чиқариш бошланиши режалаштирилган бўлиб, йиллик ўртача 11 млн.. АҚШ доллри миқдорида махсулот экспортини амалга ошириш имконини беради. Хозирда ушбу лойиха доирасидаги ишлаб бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш имконияти хитойлик хамкорлар билан ўрганиб чиқилмоқда.

Қурбонов Э.А. **–** ОБМ тингловчиси

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бюджет ташкилотларида барча харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади. Аммо айрим тадбирларни молиялаштириш учун бюджетдан ташқари маблағлар фойдаланилади, яъни булар давлат бюджети маблағлари хисобидан эмас, балки бошқа манбалар ҳисобидан ташкил

этиладиган маблағлардир. Бюджетдан ташқари маблағлар умумий тартибда махсус маблағлар, топшириқлар бўйича суммалар ва депозит суммаларга бўлинади.



1-чизма. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларнинг турлари

Махсус маблағлар - бу бюджет ташкилотларига тегишли бинолардан, хоналардан, корхоналардан ва ёрдамчи хўжаликлардан, инвентарлардан ва ускуналардан фойдаланиш ва ишлатиш натижасида пайдо бўлган бюджет ташкилоти даромадларининг суммасидир.

Махсус маблағлар фойдаланиш харажатларини қоплашга, қайси тадбирлардан олинган бўлса, ўша тадбирларнинг фаолиятини кенгайтириш ва яхшилашга сарфланади. Махсус маблағларни бошқа мақсадларга ҳамда бюджетдан молиялаштириладиган тадбирларга сарфлашга йўл қуйилмайди. Махсус маблағларга барча бюджет ташкилотлари эга бўлиши мумкин.

Махсус маблағларнинг ҳар бир тури бўйича кирим-чиқим сметалари тузилади. Сметанинг даромадларида махсус маблағ-ларнинг кирими кўрсатилади, харажатларида эса маблағларнинг бюджет таснифи моддалари бўйича йўналтирилиши кўрсатилади. Агар бюджет ташкилоти махсус маблағларнинг бир нечта тур-ларига эга бўлса, у ҳолда индивидуал сметалар асосида уларнингйиғмаси тузилади. Йиғма сметада махсус маблағлар ҳар бир турининг даромад ва харажатлари алоҳида-алоҳида кўрсатилади. Мах-сус маблағларнинг сметалари бўйича харажатлар даромадларидан юқори бўлиши мумкин эмас.

Махсус маблағларнинг сметаларини юқори бюджет маблағ-ларини тасарруф қилувчилар томонидан тасдиқланиши ҳақида икки нусхада маълумотнома тузилади. Маълумотнинг бир нусхаси банк муассасасига берилади, бошқаси эса маълумот берилган ташкилотда қолади. Банк мазкур ташкилотдаги барча махсус маб-лағлар сметаларининг тасдиқланиши ҳақидаги битта маълумотномани олади ва банк муассасалари Махсус маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварақларидан маблағларберади.

Бюджет ташкилотларининг раҳбарлари махсус маблағларнинг тасарруф қилувчилари хисобланади.

Улар сметада кўзда тутилган даромадларнинг тушумини таъминлашга ва махсус маблағларнинг харажатларини ҳар бир моддаси бўйича тасдиқланган суммалар доирасида смета бўйича мақсадли тайинланишига мувофиқ сарфлашга мажбурдирлар. Махсус маблағларнинг келиб тушаётган суммаларини одатда, тўловчилар тўғридан- ўғри банк муассасасига уларни бюджет ташкилотининг махсус маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит хлсобварақларига қўйиш учун топширишлари керак.

Ғазначилик органларида шахсий хисобварақлари очилган бюджет ташкилотларида (бундан кейин матнда «бюджет ташкилот-лари» деб юритилади) бюджетдан ташқари маблағларга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 18 июнда 1828-сон билан рўйхатга олинган «Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низом»га мувофиқ: бюджет ташкилотининг ривожлантириш фонди маблағлари, тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш фонди маблағлари, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ва бошқа махсус маблағлар киради.

Ғазначилик органларида шахсий ҳисобварақлари очилган бюд-жет ташкилотлари ғазначилик органларида ўзларининг шахсий хисобварақларини ҳамда банкларда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунга қадар депозит қисобварақларини очади.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазир-лиги томонидан белгиланган тартибда бюджет ва бюджетдан таш-қари маблағлар бўйича ягона баланс тузади.

Бюджет ташкилотлари Узбекистон Республикаси Молия вазир-лиги томонидан ўрнатилган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартибига мувофиқ тегишли бухгалтерия ҳисоботларини тузади ва молия орган-ларига тақдим этади.

Бюджет ташкилотининг раҳбари бюджетдан ташқари маблағ-ларни тассаруф қилувчи бўлиб ҳисобланади ҳамда мазкур маблағ-лардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш учун жавобгардир.

Топшириқлар бўйича суммалар айрим топшириқларни бажариш учун бошқа ташкилотлардан бюджет ташкилотига келиб тушган маблағлардир. Буларга, масалан, ўқув юртларини тугатиб иш жойига юборилган ёш мутахассисларга тўлаш учун ташкилотлардан олинган суммалар, корхоналардан ўқишга юборилган талабаларга улар ҳисобидан стипендия тўлаш учун олинган суммалар, бошқа ташкилотлардан, улар учун ускуналар, адабиётлар ва бошқа шунга ўхшашларни сотиб олиш учун олинган суммалар киради. Топшириқлар бўйича келиб тушган маблағлар банк муассасаларида топшириқлар бўйича суммаларга доир талаб қилиб олгунга қадар алоҳида депозит ҳисобварағида сақланади. Бундай ҳисобварақлар тегишли молия органининг рухсати билан очилади.

Депозит суммалар - бюджет ташкилотининг ихтиёрига вақтинча келиб тушган ва маълум шароит вужудга келиши муносабати билан қайтарилиши ёки

тайинланиши бўиича ҳисобга ўтказилиши лозим бўлган маблағлардир. Булар жумласига, масалан, даволаш муассасаларидаги касалларнинг, уларни даволаш муассасасидан чиқарилгауда эгаларига қайтариладиган пуллари, суд органлари ихтиёрида вақтинча сақланаётган ва суд қарорига асосан эгасига қайтариладиган ёки тайинланиши бўйича ўтказиладиган суммалар ва бошқалар киради. Депозит суммалар хукумат томонидан белгаланган маълум муддат давомида банк муассасаларида бюджетдан ташқари маб-лағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварақ-ларида сақланади. Бу муддат тугагандан сўнг талаб қилиб олин-маган суммалар тегишли бюджетнинг даромадига ўтказилади.

Ўзининг низомига эга бўлмаган унчалик катга бўлмаган ёрдамчи хўжаликлар ўз операқияларининг ҳисобини бюджет ташкилотининг умумий балансвда олиб боради. Бюджет ташкилотларининг махсус маблағлари жумласига ижара ҳақи, квартира ҳақи, транспортдан фойдаланишдан олинган даромадлар, музейлар ва кўргазмаларга кириш ҳақи, ёрдамчи хўжаликларнинг ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган даромадлар ва махсус маблағларнинг бошқа турлари киради.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 18 июнда 1828-сон билан рўйхатга олинган «Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўгрисидаги низом» билан бюджет ташкилотларининг ривожлантириш фонди маблағлари, тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш фонди маблаглари, таълим муассасаларида ўқи-тишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ва бошқа махсус маблағлар бўйича даромадлари ва харажатларининг бухгал-терия ҳисобида акс эттирилиши тартиби белгиланган.

Бу низом билан бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ижросининг бухгалтерия ҳисобини амалда бўлган счётлар режасига (рўйхатига);

а)янги субсчётлар киритилди:

1.045 - «Ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналарининг буюмлари» субъсчёти;

2.046 - «Ердамчи (ўқув) қишлоқ хўжалигининг маҳсулотлари» субъсчёти;

3.199 - «Бюджетдан ташқари бошқа мақсадли фондлар билан ҳисоб-китоблар» субъсчёти;

4.218 - «Солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёз суммалари ҳисобидан қилинган харажатлар» субъсчёти;

5. 401 - «Ҳисобланган, лекин хлсобвараққа ҳали тушмаган даромадлар» субъсчёти;

6.402 - «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субъсчёти;

7.420 - «Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга хисобланган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар» субъсчёти.

б) айрим счётларнинг номлари ўзгартирилди:

1.04 - «Асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари, илмий-тадқиқот ишлари

учун материаллар ҳамда ишлаб чиқарилган буюмларва маҳсулотлар» счёти;

2.08 - «Ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун харажатлар»счёти;

3.28 - «Маҳсулотлар (иш, хизматлар) сотиш» счёти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2010.

2.Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Давлат бюджетин инг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни, № 664-ИИ сонли.

3.Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни, № 158- ИИ сонли.

Kenjabayev A.T. - *i.f.d., prof., OBM kafedra mudiri*
Dadajonov Q.T. – *OBM tinglovchisi*

INVESTITSIYA LOYIHALARI MONITORINGINI

Har yili O`zbekiston davlat investitsiya dasturining qabul qilinishi alohida investorlarning imkoniyatlarini va rejalarini muvofiqlashtirish imkonini beradi. O`zbekiston davlat investitsiya dasturlari investorlar uchun ishlab chiqarish tarmoqlari va yirik investitsiya loyihalari to`g`risida yangi ma`lumotlar beruvchi manba sifatida ham ahamiyatlidir.

Investitsiya dasturiga kiritish uchun takliflar tayyorlashda buyurtmachilar quyidagi tartibga amal qilishlari kerak:

- dasturni amalga oshirishning birinchi yiliga kelgusi yillar loyiha-qidiruv ishlarining aniq ro’yxati va moliyalashtirish bilan ta`minlangan (kelgusi yilga o’tuvchi va yangidan boshlanayotgan) qurilishlarning aniq ro’yxati tuziladi;

- dasturni amalga oshirishning ikkinchi yiliga unga kelgusi yillar loyiha – qidiruv ishlarining aniq ro’yxati va birinchi yilda o’tuvchi qurishlarning prognoz ro’yxati va dasturni amaga oshirishning birinchi yilida loyiha hujjatlari tayyorlangan va tasdiqlangan, birinchi yilida tanlov savdolariga qo’yiladigan yangidan boshlanadigan obyektlar kiritiladi;

- dasturni amalga oshirishning uchinchi yilida unga kelgusi yillar loyiha – qidiruv ishlarining aniq ro’yxati va tanlov savdolari natijalariga ko’ra belgilangan amalga oshirish muddatlarini hisobga olgan holda qiymati belgilangan tartibda aniqlashtirilgan birinchi va ikkinchi yildan o’tuchi qurilishlarning prognoz ro’yxati, loyiha hujjatlari ikkinchi yildan tayyorlanadigan va tasdiqlanadigan yangidan boshlanadigan obyektlar kiritiladi.

Davlat investitsion siyosatining muhim tadbirlaridan biri bu har yili qabul qilinadigan va amalga oshiriladigan investitsiya dasturi hisoblanadi. Investitsiya dasturini shakllantirishning me`yoriy – huquqiy asosi bo`lib O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 12 sentabrdagi “Kapital qurilishda xo’jalik munosabatlari mexanizmini takomillashtirish chora – tadbirlari to’g’risida”gi qarorining 4–ilovasiga muvofiq tasdiqlangan “O`zbekiston

Respublikasi Investitsiya dasturini shakllantirish tartibi to’g’risida”gi Nizom hisoblanadi.

1-jadval

O’zbekiston Respublikasi investitsiya dasturini shakllantirish tartibi[1]

Bosqichlar	Tadbirlar	Muddatlar	Mas`ullar
1-bosqich	Iqtisodiyot vazirligi uch yillik davrga O’zbekiston Respublikasi investitsiya dasturiga kiritish uchun takliflarni tayyorlashga oid metodik ko’rsatmalarni tarmoq vazirliklari va idoralari, Qoraqalpog’iston Respublika, viloyat va Toshkent shahar hokimliklariga (keying o’rinlarda buyurtmachilar deb ataladi) har yili yetkaziladi.	Aprel	Iqtisodiyot vazirligi
2-bosqich	Buyurtmachilar loyihalar bo’yicha dastlabki axborotni tayyorlaydi, ularni uch yillik davrda amalga oshirish uchun tanlab oladilar va takliflarni iqtisodiyot vazirligiga taqdim etadilar	May-Iyun	Buyurtmachilar
3-bosqich	Iqtisodiyot Vazirligi takliflarni ko’rib chiqadi va o’rtacha muddatli davrda aniq tarmoqni rivojlantirish ustuvorliklariga muvofiq tarmoqlarni tanlab oladilar	Iyun-Iyul	Iqtisodiyot Vazirligining tarmoq bo’limlari
4-bosqich	Iqtisodiyot vazirligi, Moliya vazirligi, Tashqi iqtisodiy aloqalar, investitsiyalar va savdo vazirligi, “Davarxitektqurilish” qo’mitasi va vakolatli banklar bilan birgalikda investitsiya dasturiga kiritiladigan loyihalarni uzil-kesil tanlab oladi.	Avgust-Sentabr	Iqtisodiyot vazirligi, Moliya vazirligi, Tashqi iqtisodiy aloqalar, investitsiyalar va savdo vazirligi,
5-bosqich	Investitsiya dasturining loyihasini iqtisodiyot vazirligi huzuridagi birlashgan hay`at tomonidan ko’rib chiqiladi va uning qaroriga ko’ra ishlab chiqish va Vazirlar Mahkamasining komplekslari bilan kelishish uchun tashqi iqtisodiy aloqalar va xorijiy investitsiyalar departamentiga taqdim etiladi.	Sentabr	Iqtisodiyot vazirligi huzuridagi birlashgan hay`at, Vazirlar Mahkamasining komplekslari
6-bosqich	Investitsiya dasturining loyihasi batafsil ko’rib chiqiladi	Sentabr-Oktabr	Iqtisodiyot vazirligi
7-bosqich	Investitsiya dasturining loyihasi tasdiqlash uchun yuboriladi	Oktabr	Prezident devoni, Vazirlar Mahkamasining tegishli departamentlari va komplekslar
8-bosqich	Investitsiya dasturini amalga oshirishning birinchi yiliga kiritiladigan yangidan boshlanadigan obyektlar bo’yicha tanlov savdolari o’tkaziladi	Oktabr-Noyabr	“Davarxitektqurilish” qo’mitasi, buyurtmachilar
9-bosqich	Tasdiqlangan investitsiya dasturiga va o’tkazilgan tanlov savdolariga muvofiq belgilangan tartibda shartnomalar tuziladi, qurilishlarning aniq va titul ro’yxatlari, kelgusi yillar loyihalash ishlarining aniq ro’yxatlari tasdiqlanadi.	Dekabr	Buyurtmachilar, pudratchilar

1–jadval ma`lumotlaridan ko’rinib turibdiki, investitsiya dasturini shakllantirish to’qqiz bosqichdan iborat bo’lib, ularning har bir bosqichida bajarilishi lozim bo’lgan muhim vazifalar o’rin olgan.

[1] B.Mamatov, D.Xujamkulov,O.Nurbekov “Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish”. Toshkent, “iqtisod-moliya” 2014 – 226 – bet.

Ta`kidlash joizki, Investitsiya dasturi yil davomida shakllantiriladi va bu jarayonda Vazirlik hamda qo’mitalar o’zlarining vakolatlari doirasida mas`ul bo’ladilar.

2-jadval

O’zbekistonda Davlat insevstitsiya dasturini amalga oshirishdagi zarur chora-tadbirlar[1]

№	Tadbirlar
1	Vazirliklar tomonidan davlat investitsiyalar dasturlari uchun loyihalar ro’yxatini tayyorlash va tarmoqlar bo’yicha ajratiladigan mablag.lar limitlarini belgilash-mart,aprel (Mablag’ ajratish limitlari (Iqtisodiyot vazirligi, Moliya vazirligi, Markaziy bank, Vazirlar Mahkamasi))
2	Vazirliklarda investitsiya takliflarini ustuvorlashtirish va ularni Iqtisodiyot vazirligida saralash – may (Loyihalar bo’yicha takliflar berish)
3	Iqtisodiyot vazirligi kompyuter tarmog’ida ma`lumotlar bazasini tashkil qilish – iyun, iyul (Loyiha ma`lumotlarini kiritish (Iqtisodiyot vazirligi))
4	Davlat ustuvorliklariga muvofiq Iqtisodiyot vazirligida loyihalar ekspertizasi va tanlovi – avgust (Loyihalarni ustuvorlashtirish (mablag’ ajratish limitlari) Iqtisodiyot vazirligi, Moliya vazirligi, Markaziy bank, Vazirlar Mahkamasi)
5	Davlat investitsiya dasturini tayyorlash va uni Vazirlar mahkamasiga taqdim etish – sentabr (Davlat investitsiya dasturi loyihasi (Iqtisodiyot vazirligi))
6	Davlat investitsiyalar dasturi loyihasiga Moliya vazirligi, Markaziy bank, Vazirlar Mahkamasi majmualari bilan kelishuvlarni hisobga olgan holda o’zgartirishlar kiritish – sentabr, oktabr (birinchi budjet yilida moliyalashtirish manbalarini kelishish)
7	Vazirlar Mahkamasi tomonidan davlat investitsiya dasturini tasdiqlash – noyabr (tasdiqlangan davlat investitsiya dasturi)

Har bir davlat birinchi navbatda, moddiy ishlab chiqarish sohasiga mamlakat va chet el investorlarini jalb qilish uchun harakat qilmog’i lozim. Ushbu maqsadda muayyan investitsiya dasturi ishlab chiqiladi va amalga oshiriladi, tegishli investitsion muhit yaratiladi.

Эшнаев М.М – *ОБМ тингловчиси*

ИНВЕСТОРЛАР МАНФААТДОРЛИГИНИ УЙҒУНЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ КУЧАЙТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВ

Ўзбекистонда кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш йўллари сифатида турли даражадаги инвесторлар манфаатдорлигини уйғунлаштириш механизмини кучайтириш муҳим ўрин тутади.

“Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарига инвестицияларни жалб этилар экан, инвесторлар учун биринчи навбатда, юқори рентабелли ва тез қопланадиган лойиҳаларга маблағ солиш характер лидир. Улар учун инвестиция хатари маҳаллий хусусиятни яхши билиш ҳамда мамлакатдаги

[1] B.Mamatov, D.Xujamkulov, O.Nurbekov “Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish”. Toshkent, “iqtisod-moliya” 2014 – 229 – bet.

кенг амалий статус контрактлар ҳисобидан анча камаяди. Кичик бизнес корхоналарига инвестицияларни жорий этиш шуниси билан ажралиб турадики, уларни қайтадан қопланиши тез амалга ошади”[1].

Маълумки, “Инвестор - бу фойда олиш мақсадида инвестиция лойиҳаларига ўз маблағларини киритувчи хусусий шахс ёки ташкилот. Пулларнинг бундай қўйилмалари риск билан боғлиқ. Инвестор маблағларни киритиш натижасида олишни режалаштираётган сумма қанчалик кўп бўлса, қўйилган пулларни йўқотиш риски шунчалик юқори бўлади. Инвестициялаш хусусий шахс ёки малакали инвестор томонидан амалга оширилиши мумкин. Хусусий шахслар одатда пулларни кўчмас мулк, майда бизнес-лойиҳаларга инвестиция қиладилар ёки банкларга омонатга қўядилар. Малакали инвесторлар қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларни ёки бошқа молиявий воситаларни амалга оширадилар”[2].

Манбаларда инвесторлар тавсифий белгиларига кўра бир неча турларга ажратилади1-жадвал).

1-Жадвал

Инвесторларнинг тавсифий белгиларига кўра турлари[3]

Инвестор турлари	**Тавсифий белгилари**	**Кичик бизнесдаги хусусиятлари**
Хусусий инвестор	Инвестициялаш жараёнининг бевосита иштирокчиси бўлиб, одатда алоҳида олинган кишидан иборат. Бироқ, хусусий инвестор сифатида умумий мақсадни кўзлаган кишилар гуруҳи ҳам майдонга чиқиши мумкин. Хусусий инвесторнинг асосий фарқи - инвестициялаш учун ўз (хусусий) маблағларидан фойдаланиш ҳисобланади.	Кичик бизнесда инвестиция жараёнлари нисбатан камроқ маблағ талаб этгани ҳамда аҳамиятли қисми ўз (хусусий) маблағларидан таркиб топиши сабабли хусусий инвесторлар кўпроқ салмоқни ташкил этади.
Хорижий инвестор	Бошқа давлат ҳудудида инвестицияларни амалга оширувчи шахс ёки кишилар гуруҳи.	Одатда кичик бизнес хорижий инвесторлар учун нисбатан пастроқ даражада жозибадор ҳисобланади.
Институцио-нал инвестор	Хусусий ва давлат инвесторларининг капитал оқимларини тартибга солиш функцияси юклатилган инвестицион фаолият субъекта.	Одатда кичик бизнес инвестиция фондлари, пенсия фондлари. сугурта ташкилотлари. кредит уюшмалари (банклар) каби муассасалардан иборат институционал инвесторлар учун нисбатан пастроқ даражада жозибадор ҳисобланади.
Стратегик инвестор	Бозордаги йирик улушни қамраб олиш, таркибий тузилмани монополлаштириш, компанияни “ютиб юбориш” мақсадини кўзлаган субъект.	Одатда кичик бизнес стратегик инвесторлар учун нисбатан пастроқ даражада жозибадор ҳисобланади.
Бевосита инвестор	Ўз маблағларини кўчмас мулк объектлари, бизнесни ривожлантиришга йўналтирувчи	Одатла кичик бизнес инвестиция фондлари. венчур фондлари.

[1] Юлдашев А.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилишнинг аҳамияти. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2017 йил. 6-6.

2 Инвестор (Investor) - это. - https://economic-definition.com/Business/Investor_Investor eto.html

3 Қуйидаги манба маълумотларини умумлаштириш асосида муаллиф томонидан тузилган: Кто такой инвестор? http://mir-investicyj .ru/vse-ob-investorah/

	инвестиция фаолияти субъекти. Мазкур тушунча ҳам хусусий, ҳам давлат сингари инвесторларнинг барча турларига тааллуқли ҳисобланади.	инвестиция компаниялари, инвестиция банклари, хусусий шахслардан иборат бевосита инвесторлар учун нисбатан пастроқ даражада жозибадор ҳисобланади.
Молиявий инвестор	Қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металлар, фонд бозори ва биржа активларига қўйилмаларни амалга оширади. Молиявий инвестор субъекти сифатида хусусий шахе, компания, давлат ёки хорижий шахе майдонга чиқиши мумкин.	Молиявий инвесторлар учун бизнеснинг кўламининг у қадар аҳамияти бўлмай, молиявий натижа жиҳатидан фойда келтирувчи ҳар қандай бизнес жараёнлар улар учун жозибадор ҳисобланади.
Спекулятив инвестор	Венчур лойиҳалар, стартаплар, опционлар ва бизнес-маконнинг ўхшаш йўналишларидан максимал даражада тезлик билан фойда олиш мақсадини кўзловчи субъект.	Спекулятив инвесторлар учун бизнеснинг кўламининг у қадар аҳамияти бўлмай, спекулятив тамойиллардаги ҳар қандай бизнес жараёнлар улар учун жозибадор ҳисобланади.
Давлат инвестори	Қандайдир лойиҳани амалга ошириш ёки мавжуд лойиҳани молиялаштиришни кўзда тутувчи давлат тузилмаси. Давлат инвестори миллий миқёсдаги лойиҳаларни амалга оширишнинг ягона мумкин бўлган варианта бўлиб майдонга чиқади. Масалан, қўриқхоналарни қуриш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, давлат таълимлойиҳаларига қўйилмалар.	Одатда давлат инвестори учун кичик бизнес нисбатан пастроқ даражада жозибадор ҳисобланади. Шунга қарамай, кичик бцзнес субъектлари миллий миқёсдаги лойиҳалар иштирокиси бўлган ҳолатларда, уларни молиялаштириш жараёнлари-ни амалга оширади.
Малакали инвестор	Қимматли қоғозлар бозори ва савдо майдончаларида битимларни амалга ошириш учун махсус лицензияларга эга бўлган инвестицион фаолиятнинг тажрибали иштирокчиси. Бундай инвесторнинг фарқли томони шундаки, у имтиёзли битам ва савдолар рўйхатидан фойдаланиш имконига эга, шунингдек, бошқа инвесторларга таъсир кўрсатиши, уларга ёрдам таклиф этиши, кўмаклашиши, молиялаштириши, битимларда ҳамкорликда иштирок этиши мумкин ва бошқ.	Одатда малакали инвесторлар учун кичик бизнес нисбатан пастроқ даражада жозибадор ҳисобланади. Бироқ, шунга қарамай, зарур ҳолларда кичик бизнес субъектлари учун ҳам тегишли молиявий ва маслаҳат хизматларини кўрсатади.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, ўз тавсифий белгиларига кўра инвесторлар турлари фарқ қилиб, айни пайтда уларнинг кичик бизнес субъектлари фаолиятига инвестиция қилиш жиҳатидан қизиқишлари ҳам фарқланади. Бунинг асосий сабаби турли даражадаги инвесторларнинг кичик бизнес инвестиция жараёнларида иштирок этишдан манфаатдорлик даражаларидаги тафовутлар ҳисобланади.

“Мамлакат иқтисодий тизимининг бир қисми сифатидаги инвестиция тизими унинг субъектлари иқтисодий манфаатлари таъсири остида ривожланади. Ушбу манфаатларни реализация қилувчи инвестиция муносабатлари реципиентлар, инвесторлар ва инвестиция жараёнларининг бошқа иштирокчилари ўртасида таркиб топади. Инвестиция жараёнининг асосий субъектлари - булар инвесторлар ва реципиентлар (ресурсларни қабул

қилувчилар)дир. Инвестиция муносабатлари субъектларининг иқтисодий манфаатлари капитал жамғариш орқали намоён бўлади. Инвесторнинг иқтисодий манфаати бўлиб инвестиция қилинаётган капитални кўпайтириш ҳисобланади. Ушбу манфаатни реализация қилишнинг мақсади бўлиб асосий қиймати ссуда фоизидан аҳамиятли ортиқ бўлган даражада фойда келтйриш қобилиятидан иборат жамғарилган капитал ҳисобланади. Акс ҳолда, инвесторнинг инвестицияларни бошқариш бўйича меҳнат сарфлари ва уларни йўқотиш риски кўпайиб, депозит ҳисобварақлар нисбатан жозибали бўлиб қолади. Ушбу ҳолатда иқтсодиётнинг реал секторидан капиталнинг чиқиб кетиши кузатилади. Шундай қилиб, энг юқори мумкин бўлган ҳажмдаги дивидендларни тўлашни инвесторнинг бевосита иқтисодий манфаати сифатида тавсифлаш мумкин. Бундан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Реципиент (бу ўринда акциядорлик жамияти)нинг фойда нормаси депозит ҳисобварақлари бўйича ставкаларга қараганда юқори бўлиши лозим, бунда реципиентнинг соф активларининг камайиши юз бермаслиги лозим.

2. Дивидендлар тўланиши лозим.

3. Ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши кузатилиши лозим.

4.Юқорида баён этилганларни бажариш имконияти бўлмаган ҳолда, инвестор ва реципиент иқтисодий ҳолатни тузатиш учун максимал куч сарфлашлари лозим”[1].

Шунга кўра, кичик бизнес инвесторларининг манфаатдорлик жиҳатидан асосий гуруҳларини ажратиб олиш муҳим ҳисобланади. Бунда айни пайтда мамлакатимиздаги асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг молиявий жиҳатдан таркибий тузилиши таҳлил учун ўзига хос намунавий модель ролини ўйнайди.

Мамлакатимизда инвесторлар турли гуруҳлари бўйича манфаатдорликнинг ўзгаришини умумий асосий капиталга ҳамда кичик бизнес корхоналарига инвестициялар молиялаштириш манбаларининг солипттирма салмоғини ўзаро таққослаш орқали ҳам кузатиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда умумий асосий капиталга ҳамда кичик бизнес корхоналарига инвестициялар молиялаштириш манбаларининг солиштирма салмоги (2020 йил)[2]

Молиялаштириш манбалари	Умумий	КБ корхоналари
Корхонанинг ўз маблағлари	25,7	19,9
Чет эл инвесторлари маблаглари, уларнинг реинвсстицияларини қўшган ҳолда	14,2	47,6
Чет эл кредитлари	28,7	15,1
Банк кредитлари	14,1	15,8
Бошқалар	17,3*	1,6

[1] Медведев А.В. Экономические интересы инвесторов: практика и теория *И* Экономика и бизнес: теория и практика - 2017. - №5. - С. 156-160. - http://economyandbusiness.ru/ekonomicheskie-interesy-investorov-praktika- i-teoriya

[2] Муаллиф ишланмалари асосида тузилган

Жадвал маълумотлари орқали йирик корхоналар ва кичик бизнес субъектлари инвестиция фаолиятига тегишли айрим ёндашувлар ҳамда таъкидлар бўйича янгича фикр-мулоҳазаларни илгари суриш мумкин. Жумладан:

1) одатда, кичик бизнес корхоналари инвестиция манбаларининг салмоқли қисмини корхонанинг ўз маблаглари ташкил этади, деб таъкидланади. Маълумотларга кўра ушбу кўрсаткич умумий корхоналарда 25,7% ни ташкил этгани ҳолда, кичик бизнес корхоналарида 19,9% ни ташкил этмокда. Яъни, корхонанинг ўз маблаглари ҳисобига инвестициялаш йирик корхоналарда нисбатан кенгроқ тарзда амалга ошмоқда. Бу эса, кичик бизнес субъектлари инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда муҳим маълумотлардан бири ҳисобланади;

2) инвестициялаш манбалари сифатида чет эл инвесторлари маблаглари умумий ҳолда 14,2% ни ташкил этгани ҳолда, кичик бизнес корхоналарида 47,6% пи ташкил этмокда. Бу эса, шу кунга қадар устунлик қилиб келган “хор и ж ий инвесторлар кичик бизнес субъектларига инвестиция объекта сифатида у қадар катта қизиқиш билдирмайдилар” деган фикрга зид келади. Демак, бугунги кунда кичик бизнес субъектлари ҳам хорижий инвестицияларни ўзига жалб этиш имконига эга;

3) чет эл кредитларини жалб этиш нуқтаи назаридан умумий корхоналар мавжуд қарашларга мувофиқ ҳолда нисбий устунликка эга - 28,7%. Бироқ, чет эл крсдитлари кичик бизнес корхоналари инвестициялаш манбаи таркибида ҳам ахамиятли салмоққа эга - 15,1%. Бу асосан чет эл кредит ташкилотлари ва халқаро молиявий институтларининг миллийтижорат банкларида кредит линияларини очиш жараёнларининг кенгайиши орқали изоҳланади;

4) тижорат банклари кредитлари нуқтаи назаридан умумий корхоналардаги салмоққа (14,1%) нисбатан кичик бизнес корхоналари салмоги (15,8%) бир оз устунликка эга. Бу ҳам кейинги йилларда кичик бизнес субъектларига кредит ажратиш жараёнларининг сезиларли равишда кенгаши билан боғлиқ ҳисобланади.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, юқорида баён этилган тартибда инвестиция фаолиятидаги турли даражадаги инвесторлар манфаатдорлигини уйғунлаштириш механизмини кучайтирилиши пировардида мамлакатимизда кичик бизнес фаолиятида инвестациялардан самарали фойдаланиш учун имкон яратади.

Саттаров Ф.К. *- ОБМ тингловчиси*

ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Республикада олиб борилаётган жадал ислоҳотлар натижасида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва рақобатдошлигини таъминлаш бўйича бир

қатор ижобий натижаларга эришилган. Тўқимачилик тармоғида ҳалқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилиши сабабли, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда марказий ўринларда туради, бу эса ўз навбатида бозорларимиз катта бир қисмининг тўйинишидир. Бундан ташқари, тармоқ республикани катта миқдордаги иш ўринлари билан таъминлайди, жумладан бу тармоқда асосан аёлларнинг банд бўлиши саноат районларида демографик балансни ушлаб туриш имконини беради. Энг асосий ва муҳим омиллардан бири – бу экспорт салоҳиятининг ўсишидир. Экспорт салоҳиятининг ўсиши республика иқтисодий салоҳиятининг ва аҳоли турмуш даражасининг ўсишига тўғри мутаносибликдадир.

Ўзбекистон ҳозирда катта ва кўп йўналишларга эга бўлган тўқимачилик саноатига эга. Тўқимачилик саноатининг республика ялпи ички маҳсулотидаги улуши 4,8 %ни ташкил этади, саноат маҳсулотининг 25 %и, ишлаб чиқариш асосий фондларининг 13 %и тўғри келади. Шу билан бирга, унда республика саноат ходимларининг 32 %и меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг барча тармоқларини ривожлантириш ва таъминлаш учун бой хом ашё базасига (пахта, жун, қоракўл, нефть, газ ва ҳоказо), бундан ташқари иқтисоднинг тез суръатларда ривожлантириш учун етарли даражадаги шарт-шароитларга (табиий-климатик, территориал ва меҳнат ресурслари) ҳам эгадир. Республикамиз тўқимачилик саноати юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Агар 1991 йил Республикамизда етиштирилган пахта толасининг 7 %и қайта ишланган бўлса, ҳозирги кунда тўқимачилик саноати корхоналари томонидан 53 % пахта хом ашёси қайта ишланмоқда. Тармоқни 2019-2030 йилларда ривожлантиришнинг стратегиясида 2025 йилга бориб, республикамизда етиштирилаётган пахта хом ашёсининг 100 %ини республикамизда қайта ишлаб чиқариш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини эса 4,3 марта оширишнинг устувор йўллари белгиланган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибида 410 та тўқимачилик корхоналари, 10 та машинасозлик корхоналари, 1330 та тикувчилик-трикотаж корхоналари, шунингдек 122 та пахта-тўқимачилик кластерлари, «Шарқ либослари» дизайн маркази, Реклама ва маркетинг агентлиги, «Ўзтўқимачиликэкспорт» ташқи савдо компанияси, «Тўқимачиликброк» компанияси, шунингдек тўқимачилик корхоналарини лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларини амалга оширувчи «Енгилсаноатқурилиш» компаниялари фаолият юритмоқда.

Ҳозирги даврда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида меҳнат унумдорлигини ошириш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва қўшимча иш жойларини бунёд этиш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда.

Уюшма корхоналарида импортни ўрнини босадиган маҳсулот турларидан 50 дан ортиғини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. 2021 йили 2017 йилга нисбатан Республика ҳудудида четдан келтириладиган маҳсулотлар ҳажми 93%га қисқарди. Шу жумладан, фақат трикотаж маҳсулотларидан 300 га яқин турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Аҳолининг тайёр

маҳсулотларга нисбатан эҳтиёжини қондириш мақсадида 900 тадан ортиқ кичик ва хусусий бизнес корхоналарининг ҳар бири кичик партияларда, ўртача 1350,2 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Импортнинг ўрнини босувчи хом ашё, материаллар ва истеъмол молларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобига 89,4 млн. АҚШ доллари миқдорида импортни қисқартиришга эришилган. Республикамизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилиш 1994 йилга нисбатан 25 марта ортди. Экспорт ҳажми умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан 70,2 %ини ташкил этмоқда.

Сўнгги йилларда республикамизда тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг турлари ва ассортиментини кенгайтириш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, унинг ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 16 сентябрда «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»[1]ги ПҚ-4453-сон қарорининг қабул қилиниши ҳам келгуси йилларда саноат соҳасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмининг ошишида алоҳида аҳамият касб этади.

Таҳлил қилинаётган 2014-2021 йилларда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркибида тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 109,6-115,5 фоизни ташкил этди. Мазкур ҳолат тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ривожланишининг ҳар томонлама таҳлили, рақобатнинг кучайиши шароитида жаҳон бозорининг ўзгарувчан коньюнктурасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, жадал ривожланиш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда корхоналарда самарали корпоратив бошқарув тизимида замонавий услубларни кенг жорий этиш ҳисобига юз берган.

Келтирилган 1-жадвал маълумотларга кўра, 2021 йил Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 2014 йилга нисбатан таққосланганда 4,9 мартага ошган.

Республикамизда сўнги йилларда, саноат корхоналари орасида тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарининг улуши ҳам ортиб бормоқда. Қуйидаги жадвал маълумотларидан мамлакат ЯИМ ўсиш суръати ва унинг таркибида тўқимачилик маҳсулотларини ўсиш суръатини кўриш мумкин.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, 2021 йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 722535,8 млрд. сўмни ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан таққосланганда, бу кўрсаткич 8,6 мартага ошган.

[1] www.LexUZ. Интернет маълумотлари асосида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 16 сентябрда «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»[1]ги ПҚ-4453-сон қарори.

1-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётида ЯИМ ва тўқимачилик тармоғининг ўсиш суръати (трлн. сўмда)[1]

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
ЯИМ	177,2	210,2	242,5	302,5	406,6	511,8	665,3	864,9
Саноат ишлаб чиқариш ҳажми	84,2	97,6	111,9	148,8	235,3	322,5	516,2	722,4
Қайта ишлаш саноати	67,1	77,1	89,8	117,7	189,6	254,8	318,5	415,4
Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	10,8	13,2	13,3	16,8	24,8	29,9	39,8	43,1

Шунингдек, саноат соҳасида қайта ишлаш саноати ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш тармоғи ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, 2021 йилда мамлакатимизда қайта ишлаш саноатида 415460,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 5,8 баробарга кўп ёки 2020 йилга нисбатан 34,4 %га ошган ҳамда 43146,6 млрд. сўмлик тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, хусусан 2014 йилга нисбатан 4,0 баробарга кўп ёки 2020 йилга нисбатан 10,8 %га ошган.

Мазкур ҳолат юқори сифатли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспортини кенгайтириш, миллий брендларни жаҳон бозорларига илгари суриш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига илғор инновацион технологиялар, ноу-хау, дизайнерлик ишланмаларини кенг жорий этиш, фурнитура ва аксессуарларнинг замонавий намуналарини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, пахта хом ашёсини етиштиришдан бошлаб, унга дастлабки ишлов бериш, маҳсулотни пахта тозалаш корхоналарида кейинги қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулоти чиқариш босқичигача бўлган ишлаб чиқаришни интеграция қилишни назарда тутувчи ривожланишнинг кластерларини ташкил этиш ҳисобига юз берган.

Республикамизда сўнгги йилларда саноат корхоналари орасида тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарининг улуши ҳам ортиб бормоқда (2-жадвал).

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2021 йилда саноат соҳаси таркибида тўқимачилик маҳсулотларининг улуши ўтган даврларга нисбатан ортганлиги кузатилди. Саноат соҳаси таркибида тўқимачилик маҳсулотларининг энг юқори улушга эга бўлган даври 2014 йилдан (16,2 %) 2015 йилгача (17,2 %) бўлган давр оралиғига тўғри келмоқда.

Шунингдек, 2021 йил кийим ишлаб чиқариш саноатининг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 4,3 %ни, физик ҳажми индекси эса

[1] Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси расмий сайти www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

102,9 %ни, ишлаб чиқариш ҳажми эса 10301,2 млрд. сўмни ташкил этди[1].

2-жадвал

Тўқимачилик саноати улуши ҳамда физик ҳажм индекси тўғрисида маълумот[2]

Номи	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Ишлаб чиқариладиган (қайта ишланадиган) саноатда тўқимачилик маҳсулотларининг улуши,%да	15,9	16,9	14,6	13,9	13,1	11,8	13,9	15,2
Саноатда иишлаб чиқариш таркибида тўқимачилик маҳсулотларининг улуши,%да	16,2	17,2	14,9	14,2	13,1	9,3	12,7	16,4
Тўқимачилик саноатининг физик ҳажм индекси, %да	107,2	110,5	109,0	100,5	107,4	105,3	112,5	116,1

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, бугунги кунда мамлакатимизда саноат соҳасида кийим ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарининг улуши ҳамда яратган маҳсулотлари ҳажми бошқаларга нисбатан юқори кўрсаткичга эга. Республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатларига эришишда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқариш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини ошириш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Сержанов Ш.С. - ВШБП слушатель

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЛИЗИНГА, КАК ЭКОНОМИЧЕСКАЯ КАТЕГОРИЯ

Противоречие в науке сегодняшней экономики на этапе современного развития до сих пор придерживается убеждению, что лизинг всего лишь процесс выполнения производственных функций главной которой нацелена на особенностях лизинга, как инструмент поддержки технологической поддержки в системе рыночной экономики. К сожалению, не разъясняет и не способствует по его осуществлению, а всего лишь констатирует. Следствием данного убеждения можно принять, что стагнация лизинговых отношений. А также, имеется замыкание в переносе научных результатов инновационных форм и подходов совершенствования лизинговых отношений на практику в последствии чего рынок развивается без поддержки экономической науки.

Все это в той или иной степени способствует рассмотреть развитие лизинга и лизинговых отношений как необратимый процесс результативности или продуктивности производства, за счет периодически даже смены инновационного оборудования и т.п., тем самым экономическая теория

[1] Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси расмий сайти www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

[2] Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси расмий сайти www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

адекватно воспринимает особенности лизинга в условиях трансформации экономики[1].

В целях выяснения подходов экономической теории можно сопоставить особенности лизинговых отношений с выделением технического прогресса (приложение 1).

Тем самым утверждается необходимость в потребности специального анализа в последствии чего нами было выделено следующие основные замечания (рис. 1.1).




Рисунок 1.1. Выводы сравнительного анализа экономических теорий в результате определения науки о лизинге[2].

Безусловно, рассматриваемая нами проблема связана прежде всего с развитием лизинговых услуг (далее ЛУ). Отсюда следует, что нам надо в первую очередь уяснить, что представляет собой лизинг, какова его социально-экономическая природа и что должно быть положено в основу определения науки о лизинге и ЛУ. Здесь важно подчеркнуть, что речь идет науке о лизинге в условиях качественной новых, нетрадиционных лизинговых отношений, когда предприятия-получатели от имени предприятия (юридического лица) берут у субъектодателя имущество (оборудование, машины, технику, технологии и т.п.) в лизинг, а в отдельных случаях, в лизинг всего имущества, тем самым, оставаясь в составе данного предприятия.

Отсюда вывод, что лизинг как экономическая категория прочно сплетен с жизнедеятельностью предприятия, и от него, при прочих равных условиях, зависит как благополучие отдельных предприятий, граждан, так и страны в целом. Поэтому без выяснения социально-экономической природы лизинга в системе лизинговых отношений современные лизинговые отношения претерпели со времени их становления (с 1991 года) до настоящего времени многочисленные изменения, вызванные эволюционным продвижением республики к рыночному хозяйствованию. В то же время лизинговым отношениям присуще развитие, обусловленное сугубо отечественной спецификой хозяйствования. Эти особенности оказывают далеко не негативное влияние на качественные и количественные параметры воспроизводственного процесса. Объективная необходимость развития лизинга возникает с развитием жизнедеятельности предприятий. В условиях

[1] Happer T., Scapens R., Northcott D. Issues in Management accounting. – M.: Prentice Hall, 2007. – 468 p.
[2] Составлено автором по результатам исследований научных работ ученых сферы лизинговых услуг

рыночной экономики развитие лизинга ограничено рамками лизингополучателей, ибо оно осуществляется в пределах лизинговых отношений предприятиях и в их интересах.

В развитии лизинговых отношений особое место уделяется лизингу выполняющие функции адекватные таким категориям, как: «финансы», «кредит», «страхование», «инвестиции», «маркетинг», «менеджмент» и «инновация» подчиняющиеся и классическим принципам.

Столь широкое применение понятия «лизинг» предполагает необходимость четкого определения его как экономической категории. За последние годы в этом направлении немало уже сделано[1]. Но, несмотря на это, следует отметить, что в экономической литературе до сих пор отсутствует должное единство взглядов по данному вопросу. По нашему мнению, это в значительной мере объясняется тем, что методологические аспекты сложной и многогранной категории исследованы недостаточно. Справедливости ради следует отметить, что наука о лизинге рассматривает методологию лизинговой системы операций, когда как сегодняшняя актуальность описывает необходимость развития рынка лизинговых услуг и его инфраструктуры. Нет должной ясности относительно применяемых здесь понятий и терминов. Содержание многих из них трактуется неодинаково. Так, совершенно необоснованно противопоставляются понятия «лизинг», «развитие лизинга», «лизинговые отношения», «аренда», «лизинговые услуги» и т.п. Подчеркивая различную роль лизинга Ричард Брейди и Стюарт Майерс и другие экономисты рассматривают лизинг как договор об аренде[2].

По мнению вышеуказанных авторов, наша система договоров представляет отношения между субъектами – лизингодателями (далее ЛД) и лизингополучателями (далее ЛП), между ними и объектом управления. К сожалению, авторы не раскрыли должным образом принцип разграничения между ЛД и ЛП. Видимо, это сделать нелегко. Ведь если мы откроем справочную литературу, то увидим, что понятие «лизинг» используется применительно не только к процессам, но и к людям. Д.Г.Гозибеков и другие в природе лизинга видят возрождение опциона, появление и развитие получения долга и долговых отношений[3]. Что же касается экономических законов, то тут ни слова «лизинг», ни слова «о лизинговых отношениях», «аренде» и «лизинговых услуг». Действуют законы объективно, их нужно познавать и использовать в целях обеспечения развития лизинговых отношений.

Отсюда, касаясь лизинга, следует отметить, что значение и исследование термина «лизинг» имеет существенное отличие от термина «аренда»,

---

[1] Лизинг муносабатлари: назарияси ва амалиети/Гозибеков Д.Г., Собиров О.Ш., Муминов А.Г., Кулжанов О.М. – Т.: Фан ва технология, 2004. – 308 с.; Хайдаров Ш.У., Ортиков Х.А., Тухсонов Х.А. Лизинг: признание, оценка и учет. – Т.: Норма, 2006. – 240 с.

[2] Brealey, R.A., Myers, S.C., Allen, F., & Mohanty, P. (2012). Principles of corporate finance. Tata McGraw-Hill Education. – 969 p.; Жуков Е.Ф. Деньги. Кредит. Банки: Учебник для вузов – М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2015. – 703 с.

[3] Лизинг муносабатлари: назарияси ва амалиёти. Гозибеков Д.Г., Собиров О.Ш., Муминов А.Г., Кулжанов О.М. – Т.: Фан ва технология, 2004. – 308 с.; Кабатова Е.В. Лизинг: понятие, правовое регулирование, международная унификация. – М.: Инфра-М., 1991. – 204 с.

особенно оно отразилось в природе взаимоотношений субъектов рынка лизинговых услуг. Существует и неоднозначность взглядов на его роль в системе экономических взаимоотношений субъектов рынка. Часто в экономической литературе лизинг отождествляется с кредитом[1], термины «лизинг» и «аренда» используются как синонимы[2]. Такое понимание встречается и в нормативных материалах, экономических энциклопедиях, научных статьях. Все это свидетельствует о наличии барьеров в понимании содержания лизинга, как автономной стоимостной экономической категории, что дает основание теоретически обосновать лизинг и дать авторское понимание этой важной и экономически значимой категории – лизинга. Справедливости ради следует отметить, что терминологическая характеристика лизинга, а также использование его на практике нашли отражение во многих зарубежных источниках, а также в работах экономистов стран СНГ, в том числе в отечественной литературе[3]. Следует отметить, что при этом ряд специалистов исследовавшие экономические и организационные аспекты лизинга, как экономической категории отождествляют его не краткосрочной, а долгосрочной арендой. Тем самым, они считают, что лизинг – это только одна из форм долгосрочной аренды, или отождествляют лизинговые отношения с наемными или подрядными отношениями. В литературе лизинговую схему иногда рассматривают как «безденежную форму кредита» или способ кредитования предпринимательской деятельности[4]. В ряде случаев лизинг трактуют как «скрытую форму купли-продажи средств производства», «форму управления чужим имуществом по поручению доверителя», «право пользования имуществом у его собственника»[5], «форму имущественных отношений»[6], лизинг один из видов аренды, в котором по окончании полного погашения арендных платежей предмет аренды становится собственным имуществом арендатора[7], как вида инвестиционной деятельности[8] и др. Существует мнение, что преимущества использования лизинга ограничиваются лишь налоговыми выгодами, а лизинг

[1] Носиров Э.И. Основы лизинга: учебное пособие. – Т.: Тасвир, 2008. С. 13; Лещенко М.И. Основы лизинга. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 336 с.

[2] Абдуллаев Ф. Организационно-экономические факторы развития лизинговых услуг и сервиса в модернизации экономики (на примере Хорезмской области). (дисс.на узб.языке): автореф. на соиск. уч. ст. к.э.н. – С.: СамИЭС, 2011. – 25 с.; Федеральный закон РФ от 29.10.1998 г. №164-ФЗ «О финансовой аренде (лизинге)» (с изменениями от 16.10.2017 г.). http://pravo.gov.ru/ - официальный интернет-портал правовой информации РФ; Адамов Н.А., Тилов А.А. Лизинг. 2-е изд., исправленное и дополненное. – СПб: Питер, 2007. – 11 с.

[3] Емелягина М.О. Экономическая сущность лизинга // В мире науки и инновации. Сб. науч. ст. по итогам межд. форума. – Казань: АЭТЕРНА, 2017. С. 105-106; Квятковский А.В. История развития и возникновения лизинга//Наука и инновации – современные концепции. Сб. ст. межд. науч. пр. конф. – М.: ИНФИНИТИ, 2019. С. 26-30; Газман В.Д. Финансовый лизинг: учебное пособие. – М.: ГУ ВШЭ, 2003. – 384 с.; Газман В.Д. Лизинг: статистика развития. Учебное пособие. – М.: ГУ ВШЭ, 2008. – 591 с.; Юнусова Л.Д. Применение финансовых инструментов в инновационных лизинговых отношениях//Известия СПб ГЭУ, 2020. - №3 (123). – С. 185-188.; Аюпов А.А. Инновационные финансовые продукты, как механизм хеджирования рисков на рынке лизинговых услуг//Российское предпринимательство, 2007. - №12. – С. 156-160.

[4] Экономическая теория / Под ред. А.И.Добрынина, Л.С.Тарасевича: Учебник для вузов. 3-е изд. – СПб.: Питер, 2009. – 560 с.; Сабиров О., Максытова Б. Лизинг в сельском хозяйстве Республики Кыргызстан // Рынок, деньги и кредит. 2008. – № 5. – 24 с.

[5] Шпиттлер Х.И. Практический лизинг. Пер.с немецкого. Общ.редак. Б.Г. Дякина. – М.: ROSBI, 1991. – 164 с.; Осипов Ю.М. Основы предпринимательского дела. – М.: Гуманитарное знание, 1992. – 223 с.

[6] Лещенко М.И. Основы лизинга: Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 336с.

[7] Эркаев Б., Каримова Г. Рыночная экономика. – Т.: Шарк, 1997. – 91 с.

[8] Адамов Н.А., Тилов А.А. Лизинг. 2-е изд., испр. и допол. – СПб.: Питер, 2007. – 11 с.

представляет собой схему минимизации налогообложения[1], или как инвестирование собственных или привлеченных финансовых средств[2].

Кроме того, в экономической литературе, можно встретить термины, как «чистый лизинг», «мокрый лизинг», «прямой лизинг», «косвенный лизинг», «серый лизинг» и даже «бесплатный лизинг»[3]. Подобное сужение содержания понятия лизинга неправомерно ни с теоретических, ни с практических позиций. Оно не только разрывает, но и противопоставляет элементы лизинговых и арендных отношений. Тем самым существенно усложняется само понятие лизинга. Такой подход не оправдан и методологически. Однако этот факт отражает лишь специфику использования лизинга, но отнюдь не изменяет его функционального назначения в системе лизинговых отношений и в процессе воспроизводства. Очевидно, что суть дела не меняется от того, присваиваются ли лизингу синонимы.

Поэтому, на наш взгляд, заслуживает внимания попытка Г.Гозибекова и других экономистов привести понятийно-категориальный аппарат науки о лизинге в определенную систему. Создание такой системы, справедливо отмечают они, позволит устранить односторонний подход к отдельным процессам, аспектам лизинговых отношений, противоречивость в суждениях, обеспечит координацию и согласованность их, придаст логическую выдержанность всей структуре научного знания, однородность всем категориям науки и лизинге в целом, в частности, ЛУ.

В процессе анализа данной проблемы многие исследователи считают необходимым различать понятие лизинга в широком и узком смысле слов.

Совершенствование системы лизинговых отношений – один из узловых вопросов финансово-экономической и маркетинговой политики на современном этапе развития страны. Здесь главной задачей лизинга является организация деятельности хозсубъектов имеющие общие интересы развития, т.е. сотни тысяч предприятий, трудящихся вокруг главных целей лизинговой политики.

Итак, понятие «лизинг» как экономическая категория, в широком смысле слов означает, следовательно, планомерную организацию производства при помощи имущества, полученного на определенный срок и на определенных условиях во временное владение и в использование.

Необходимо отметить, что сторонники концепции суженных границ добавочной стоимости при рассмотрении лизинга лишь как формы проявления финансового продукта за теоретическую основу часто берут имущества и передача его согласно договора на временное пользование.

В данном случае оно применяется изолированно от контекста его учения о добавочной стоимости и ее превращенной форме – лизинг. При этом не учитывается допускаемая в отдельных случаях абстракция как ступень к

---

[1] Хашимова А.Т. Организация и проблемы учета лизинговой деятельности (на примере лизинговой компании “Узавтосаноат-Лизинг”). автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Т.: БФА, 2011. – 22 с.

[2] Там же, С. 35

[3] Кирилловых А.А. Правовые основы лизинга: Учеб.практ.пособие / А.А.Кирилловых. – М.: Юстиции-форм, 2009. – С. 24-26.

научному познанию сущности лизинга как экономической категории. Вот почему необходимо несколько подробнее остановиться хотя бы на основных положениях этого учения.

Shamsiyev A.X. *- OBM tinglovchisi*

DAVLAT-XUSUSIY SHERIKLIK MUNOSABATLARINING ASOSIY TAMOYILLARI

DXSH ishtirokchilari o‘rtasida mas’uliyat va javobgarliklarni taqsimlashning asosiy prinsipi sheriklikdagi xususiy va davlat ishtirokchilarining "tabiiy" o‘rnini tushunishga asoslanadi.

Infratuzilma ob’ektlarini yaratish bilan bog‘liq loyihalardagi DXSHlar odatda aktivlarning yuqori darajadagi murakkabligi va o‘ziga xosligi bilan ajralib turadi, chunki ular qisqa vaqt ichida noyob ob’ektlarni qurish va jiddiy byudjet cheklovlari bilan bog‘liq. Bu shuni anglatadiki, opportunistik xatti-harakatlarni auditlar va boshqa turdagi tekshirishlar orqali tashxislash qiyin bo‘lishi mumkin (Luo,2006). Bundan tashqari, xususiy agentlar ham davlat hokimiyatining DXSHdagi opportunistik xatti-harakatlari tufayli zarar ko‘rishlari mumkin. Misol uchun, davlat organining suiiste’moli, byudjetni manipulyatsiya qilish tufayli to‘lovlarni kechiktirish, bu xususiy firmalar uchun moliyaviy muammolarni keltirib chiqaoradi.

Davlat siyosatidagi o‘zgarishlar DXSHda ishtirok etish shartlarining o‘zgarishiga olib kelishi mumkin, shunda xususiy firma uchun ishtirok etishning rentabelligi sezilarli darajada pasayishi mumkin.

Har qanday sheriklik tuzilmasi rasmiy va norasmiy bo‘lishi mumkin bo‘lgan juda ko‘p turli xil, ammo o‘zaro bog‘liq mexanizmlarni o‘z ichiga oladi. Boshqaruv va sheriklik tuzilishiga oid zamonaviy iqtisodiy nazariyaning ko‘p qismi boshqaruvning rasmiy yelementlariga, jumladan, o‘z kapitali orqali birgalikda egalik qilishga qaratilgan. Ammo norasmiy yelementlar ham mo‘ljallangan natijalarga yerishishda juda muhim rol o‘ynashi mumkin. Bunday norasmiy omilga sheriklar o‘rtasidagi ishonchni misol qilish mumkin19. Darhaqiqat, ko‘plab iqtisodchilar hamkorlikdagi rasmiy va norasmiy kelishuvlarni bir-birini to‘ldiruvchi deb bilishadi.

Boshqaruv tuzilmasini tanlashni tahlil qilishda muhim nuqta ularning o‘zaro aloqasidir. Boshqaruv tuzilmasi sheriklar o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlardagi mexanizmlar to‘plami bo‘lganligi sababli, sheriklik ma’lum darajada xavf va xarajatlarni boshqarishning maqbul darajasiga rishish uchun ushbu mexanizmlarning turli kombinatsiyalaridan foydalanishi mumkin.

1.Aksiyadorlik kapitalida ishtirok etish. DXSHdagi faoliyatning murakkabligini hisobga olgan holda, sherikning xatti-harakatlarini samarali nazorat qilishni ta’minlash uchun kapitalga asoslangan tuzilmani qo‘llash mumkin. Biroq, davlat institutlarining ishtiroki o‘ziga xos xususiyatlarga ega. Ikki yoki undan ortiq xususiy firmalar barcha tomonlar teng egalik va boshqaruv huquqlariga ega bo‘lgan

qo‘shma korxona yoki sheriklik kabilarni tashkil qilgandan ko‘ra, davlat tashkiloti tomonidan DXSHga investitsiya qilish qiyinroq. Xususan, huquqiy cheklovlar, shuningdek, davlat organlari uchun foyda motivatsiyasining tubdan nomaqbulligi tufayli qiyinchiliklar yuzaga keladi. Birinchidan, DXSHlar xizmatlar uchun haq olishlari mumkin bo‘lsa-da, ular tizimli ravishda tijorat korxonalari sifatida tashkil etilmaydi, chunki DXSH loyihasining asosiy vazifasi foyda olish emas, balki ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyatga ega bo‘lgan muammoni hal qilishdir. Natijada, davlat buyurtmachi organlari DXSH samaradorligiga erishish uchun ko‘proq aksiyadorlik bo‘lmagan mexanizmlarga tayanadilar.

2.Kontrakt bitimlari. Kontrakt shartnomasiga asoslangan sheriklik, garchi aksiyadorlik jamiyatlari kabi sherikliklarga qaraganda ancha kam o‘rganilgan bo‘lsa-da, rasmiy muvofiqlashtirish va nazorat qilish mexanizmlari haqida gap ketganda, DXSHning asosiy huquqiy shakli sifatida qaraladi. Bunday shartnomalar, odatda, har bir ishtirochi tomonlarning majburiyatlarini, ularning sheriklikda ishtirok etish doirasi va shakllarini, e daromadlarning bir qismiga bo‘lgan huquqlarini, shuningdek, nizolarni hal qilish mexanizmlarini belgilaydi. Loyihani amalga oshirish jarayonida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan barcha mumkin bo‘lgan muammoli masallarni, xususan, opportunizm namoyon bo‘lishining barcha shakllarini belgilashning iloji yo‘qligi sababli, rasmiy shartnomalar potensial opportunizmdan to‘liq himoya qila olmaydi. Qoida tariqasida, bunday hollarda monitoring yoki audit talablari shartnoma shartlariga kiritiladi.

3.Hamkorlik doirasi. Bu bizga samarali nazorat mexanizmini berib, DXSH doirasida ijtimoiy xarajatlar va xususiy sheriklar ishtiroki doirasini cheklaydi.

4.Ishonch mexanizmi. Har qanday sheriklik singari, DXSH ham sheriklar o‘rtasidagi ishonch kabi norasmiy boshqaruv mexanizmlarini o‘z ichiga oladi.

DXSH ni tashkil etishda sheriklar doirasini, boshqaruv vositalaraini tanlash va tashkiliy-iqtisodiy muammolarni qanday ko‘rinishda hal qilishdan qat’iy nazar, quyidagi tamoyillar hisobga olinadi (1-jadval.).

Uzoq tarixga ega bo‘lgan davlat bilan xususiy sektor hamkorligining bir necha yo‘nalishni o‘z ichiga olgan asosiy tamoyillar mavjud.

Birinchidan, tomonlar teng manfaatlarga ega bo‘lib, uning mazmuni davlat-xususiy sheriklik shartnomasini imzolash huquqi barcha xususiy kompaniyalarga berilishi bilan izohlanadi. Shuningdek, bunda hamkorlar ular oldida turgan maqsadga erishish shakl va usullarini tanlashda erkin harakat qilish imkoniyatidan foydalanishadi.

Ikkinchidan, tuzilgan shartnoma barqaror, shu bilan birga, unga tegishli o‘zgartishlarni kiritish imkoniyati mavjud bo‘lishi kerak. Chunki odatda bunday shartnomalar uzoq muddatga imzolanadi va bu davrda belgilangan shartlarga tuzatishlar kiritishga olib keluvchi holatlar paydo bo‘lishi mumkin.

Uchinchidan, shartnoma shartlarini bajarishga nisbatan mas’uliyat muhim omillardan biri bo‘lib, xususiy kompaniya mazkur hamkorlik loyihasidagi ishlarni to‘xtatishga haqli emas. Chunki bu holat loyiha amaliyotining iste’molchisi — keng jamoatchilik manfaatlariga ziyon keltirishi mumkin. Bunday hollarda xususiy

kompaniya muammoni davlat bilan tegishli muloqotlarni olib borish orqali hal etishi lozim.

1-jadval

DXSH munosabatlarini amalga oshirish tamoyillari

1	DXSHning ijtimoiy ehtiyojlarni qondirishga qaratilganligi	DXSH odatda xizmatlar ko‘rsatish yoki aholining kelgusida foydalanishi uchun mo‘ljallangan davlat infratuzilmasi ob’ektlarini qurish va boshqarish uchun shakllantiriladi. DXSH loyihasini muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun davlat xizmatining muayyan majburiyatlari va tamoyillari hurmat qilinishi va amalga oshirilishi kerak. Umumjahonlik, uzluksizlik, adolatlilik, jarayonda va natijalarni baholashda adolatlilik, xizmat ko‘rsatishning yuqori sifati, xususiy agentning risk darajasiga mos keladigan oqilona foydaning mavjudligi va faoliyatning shaffofligi kabi tamoyillar asosiy hisoblanadi
2	DXSHning uzoq muddatli kelishuvlarga asoslanishi	DXSH ko‘pincha loyihani amalga oshirishning turli bosqichlaridan (loyihalash, qurish va foydalanish) o‘tadigan uzoq muddatli munosabatlarni o‘z ichiga oladi. Qurilish va moliyalashtirish shartnomaning muhim qismi bo‘lgan taqdirda, loyihalar umrbod istiqbolli, iqtisodiy va moliyaviy barqarorlik va xavfni xususiy sektorga samarali o‘tkazish bilan ishlab chiqilishi kerak.
3	DXSH shartnomasi loyihani to‘liq yoki qisman moliyalashtirishni o‘z ichiga oladi	Deyarli har doim DXSH shartnomasi loyihani xususiy sherik tomonidan qisman yoki to‘liq moliyalashtirish shartini o‘z ichiga oladi. DXSH xususiy moliyalashtirishsiz shakllantirilishi mumkin bo‘lsa-da, xususiy sherikning o‘z kapitali bilan loyihada ishtirok etishi uning yaxshi ishlashi uchun rag‘batlantiradi.
4	DXSH aniq miqdoriy natijalarga erishishga yo‘naltirilganlik	Natijaga yo‘naltirilgan bunday yondashuv xususiy sherikni samarali va innovatsion amaliyotlarni qo‘llash uchun samarali rag‘batlantirish tizimini yaratadi, natijada moliyaviy natijalar yaxshilanadi va samaradorlik yuqori bo‘ladi
5	Xususiy sherik risklarni o‘z zimmasiga oladi	Shartnomani bajarish bilan bog‘liq bo‘lgan turli xil risklarni ularni eng yaxshi boshqarishga qodir bo‘lgan tomon, ya’ni sheriklikdagi risklarni yumshata oladigan sherik o‘z zimmasiga olishi kerak Risklarni yetarli darajada taqsimlash DXSH muvaffaqiyati va samaradorligi uchun zaruriy shartdir.

To‘rtinchidan, davlat bilan xususiy sheriklik shartnomasini imzolash uchun o‘tkaziladigan tanlov chog‘ida raqobat tamoyili namoyon bo‘ladi. Xususiy kompaniyalar o‘rtasida tashkillashtiriladigan tanlov davlat uchun o‘zaro sheriklik loyihasida ishtirok etuvchilar orasidan samarali hamkorni ajratib olish imkonini beradi.

DXSHni shakllantirishga tayyorgarlik jarayoni uning tanlangan shakliga qarab o‘zgaradi. DXSH shaklini tanlash mezonlari 2-jadvalda keltiriladi.

DXSH shaklida loyihalarni amalga oshirishning afzalliklaridan biri shundan iboratki, unda mafkura muhim emas. DXSH shartnomalarini tuzish to‘g‘risida qaror qabul qilinishi aksariyat hollarda texnologiyalarni bir hamkordan ikkinchisiga o‘tkazish, to‘lov imkoniyatlarni oshirish, yirik bozor ssegmentlariga kirish, risklarni o‘zaro taqsimlash, uzoq muddatli manffatli munosabatlarni o‘rnatish, potensial xarajatlarni kamaytirish, hamkorlik asosida yuqori samaradorlikka erishish DXSHning afzalliklari hisoblanadi. DXSHni davlat va xususiy biznes kooperatsiyasi deb atasa ham bo‘ladi. Biroq mazkur birlashuv sheriklarning majburiyatlari va ular o‘rtasida xatarlarni taqsimlashda oddiy yoki an’anaviy kooperatsiyadan farq qiladi.

2-jadval

DXSH shaklini tanlash mezonlari

DXSH shakli	Siyosiy motivlar	Xarajat-larni qoplash	Huquqiy asosi	Axborot bazasi	Davlat organiningg sharnoma tuzish, nazorat va tahlil qlish qobiliyati
Xizmatlar koʻrsatish bitimi	past	past	zaif	zaif	oʻrtacha
Boshqaruvga shartnoma	oʻrtacha	oʻrtacha	oʻrtacha	zaif	oʻrtacha
Lizing	oʻrtacha	yuqori	kuchli	kuchli	yuqori
Konsessiya	yuqori	yuqori	kuchli	kuchli	yuqori
Qurilish-boshqarish-oʻtkazish va boshqa shakllar	yuqori	oʻzgaruvchan	kuchli	kuchli	yuqori

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Green Paper on Public-Private Partnerships and Community Law on Public Contracts and Concessions. Commission of the European Communities. Brussels, 30 April 2004
2. Akobirov S.O. Teoretiko-metodologicheskie osnovы mexanizma gosudarstvenno-chastnogo partnerstva // Izvestiya SPbGEU. 2015. №5 (95).
3. Volkov L.V. Zarubejnaya praktika gosudarstvenno-chastnogo partnerstva // Gumanitarnые, sotsialno-ekonomicheskie i obщestvennые nauki. 2018. №4.
4. Provalenova N.V. Effektivnost primeneniya mexanizmov gosudarstvenno-chastnogo partnerstva v sfere uslug / Provalenova N. V., Shamin A. Ye. // Kazanskaya nauka. - 2011. № 10. - S. 118-121.

Кенжабаев А.Т. *- ОБМ кафедра мудири, и.ф.д., проф.*
Абдуллаев А.А. *- ОБМ тигловчиси*

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АЖ ДА ЮК ТАШИШ ЖАРАЁНИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ТАҲЛИЛИ

Бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби рақамли иқтисодиётни ҳам фаол ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Мазкур йўналишда темир йўл транспорти ҳамда унинг ривожланиши ҳам замон билан ҳамнафас бўлиб, йўловчи ва юк ташиш ҳамда жамиятнинг операцион жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этмоқда.

Жумладан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида жорий йил 10 ой мобайнида халқаро ривожланган давлатларнинг темир йўл компанияларининг тажрибаси ўрганилган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича изчил иш олиб борилмоқда. Хусусан, магистрал алоқа тармоғини рақамлаштириш темир

йўлнинг асосий йўналишларида 60 фоизгача етди. Маълумотлар узатиш тезлигини секундига 1,25 Гбитгача ошириш учун оптик-толали линиялар асосида корпоратив маълумотлар узатиш тармоғи яратилган[1].

Шу билан бирга, жараёнларни рақамлаштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, локомотив ва махсус автомашиналар ҳаракатини сунъий йўлдош орқали мониторинг ахборот тизими яратилди. Мазкур тизим локомотив ва автомашиналарни эксплуатация қилиш харажатларини камайтириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш хамда темир йўлнинг операцион фаолиятининг салоҳиятини оширишга қаратилган. Шу билан бирга мавжуд рефрижератор секциялари ахборот тизимига уланмоқда ва улардан ташиладиган юкларни харорат сақлаш режими, сарфланган ёқилғи хамда вагонлар ҳаракатланиши тўғрисидаги маълумотларни марказдаги серверга узатилади. Бу ўз навбатида Ўзбекистонда етиштирилиб ва экспорт қилинаётган полиз маҳсулотларини янада сифатли ва ўз вақтида манзилларига етказишни таъминлайди;

“Келес” халқаро чегара пунктидаги темир йўл станциясида вагонлар оғирлигини тўхтатмасдан аниқлаш сунъий интеллект асосида жамиятнинг дастурчилари тарафидан яратилган ахборот тизими ўрнатилган. Лойиҳанинг асосий мақсади – поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш хамда хаддан ташқари юк ортилишини олдини олиш. Бир йил давомида Ўзбекистон Республикаси худудига 300,0 мингга яқин импорт ва транзит юк вагонлари киради. 2021 йилнинг ўзида юк ҳужжатида кўрсатилмаган ортиқча ортилган юклар мавжудлиги бир неча мартта аниқланган. Ушбу ахборот тизими Давлат божхона қумитаси билан биргаликда бошқа чегара бекатларига ўрнатилиши режалаштирилган бўлиб амалга оширилмоқда;

Йўловчи поездларда йўловичларга қўшимча мультимедиа хизматлар кўрсатиш учун махсус интернет портал яратилди ва юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” поездларига ўрнатилмоқда. Мазкур портал қўшни давлатларда ва интернет мавжуд бўлмаган худудларда йўловчиларга мусиқа, фильм, клиплар тинглаш ва кўриш, электрон китоблар ўқиш, янгиликлардан хабардор бўлиш, республиканинг туризм салоҳияти билан танишиш хамда поезддаги вагон-ресторанидан таомларни танлаб ва буюртма бериш каби хизмат кўрсатишга имконият яратади. Вокзаллар ва чиптахоналарда бепул Wi-Fi ҳудудлар ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.03.2019 даги ПФ–4230-сонли “Юк ва йўловчиларни ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини бажариш учун, шунингдек, уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида” 2018-йил 19-февралдаги Фармонини бажариш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари”

[1] https://yuz.uz/news/temir-yollari-sohasida-raqamlashtirish-jarayoni-qanday-ketmoqda

АЖда “Амалий дастурлаш ва IT-технологияларини амалга ошириш гурухи” (ГИТ) ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 28-апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4699-сонли Қарори асосида “Амалий дастурлаш ва IT-технологияларини амалга ошириш гурухи”, “Ягона дарча” тамойили асосида юк эгаларига юк ташиш жараёнида хизмат кўрсатишни электрон тарзда тақдим этишга қаратилган автоматлаштирилган ахборот тизимини (кейинги ўринларда "Ягона дарча" тизими) ишлаб чиқмоқда.

Ушбу миллий веб-дастур, темир йўл транспортидан фойдаланувчи – юк эгалари Ўзбекистон Республикаси резиденти ва норезидент бўлган юридик ва жисмоний шахсларга қулайлик яратиш, барча ўзаро мулоқотларни интернет орқали масофадан туриб бажариш, электрон маълумотлар айланмасини ташкил этишга қаратилган.(1-расм)

“Ягона дарча” тамойили асосида яратилган веб-дастур яратишнинг асосий мақсади[1]:

– темир йўл транспортида юкларни ташиш хизматларини такомиллаштириш;

– мижозларга хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш;

– темир йўл транспортидаги ахборотларни электронлаштириш;

– темир йўл тизимидаги барча хужжатлар айланмасини электрон тарзда таъминлаш;

– темир йўл тасарруфида бўлган, жойлардаги корхоналар (станция, Юк ҳужжатларини қайта ишлаш технологик маркази ва бошқа тааллуқли ташкилотлар) ишларини назорат қилиш ва уларнинг барча ҳисоботларини онлайн тизимда ўз вақтида тўлиқ олиш;

– банк ва молиявий ишлар ҳужжатларини расмийлаштиришда онлайн тизим орқали ишларни амалга оширишдан иборат.

IT-технологияларини амалга ошириш гуруҳи томонидан ҳозиргача бир неча муҳим ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, тизимни яратиш учун техник топшириқ ва лойиҳа паспорти ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти томонидан тасдиқланган.

Бугунги кунда жамиятимиз томонидан темир йўл тарифларини ҳисоблаш учун “Калькулятор” модули ишлаб чиқилган. Бу модуль “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ https://www.railway.uz сайтида жойлашган бўлиб, ҳамма учун очиқ.

Темир йўлдан фойдаланмоқчи бўлган барча мижозлар сайтимизга кириб, темир йўл тарифларининг базавий тарифларини олишлари мумкин.

[1]Ирисметова У., Ахмедов С., Маткаримов С. “Ягона дарча” тамойили концепцияси ривожланишининг ўзига хос муҳим жиҳатлари “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ мисолида “Актуальные вопросы развития инновационно- информационных технологий на транспорте” АВРИИТТ-2021 I-Республиканская научно-техническая конференция (Ташкент, 24-25 ноября 2021 года)



1-расм. “Ягона дарча” ахборот тизимини жорий этиш орқали эришиладиган самарадорлик.

Activate Wir
Go to Settings to

Шу билан бирга, тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний субъектларга темир йўл орқали юк ташиш хизматларини кўрсатишни янада такомиллаштириш, масофадан электрон хизмат кўрсатишда қулайлик яратиш мақсадида бугунги кунда янги “e-nakl.railway.uz” сайти яратилган бўлиб, ушбу сайт орқали мижозларга қуйидаги имкониятлар тақдим этилади:

1. Веб – дастур орқали рўйхатдан ўтиш.

2. Тариф суммаларини олдиндан ҳисоблаш ва аниқлаш учун электрон буюртма шакллантириш.

3. Темир йўл билан электрон “Шартнома” ва “Келишув”ларни тузиш ва уларни “E-imzo” ЭРИ (кейинги ўринларда – электрон рақамли имзо) орқали имзолаш.

4. Юк ташиш ойлик, ўн кунлик прогнозларга электрон буюртмалар шакллантириш, тақдим қилиш ва уларнинг бажарилиши ҳақида онлайн кузатиш.

5. Темир йўл хизматлари учун ўтказилган пул тушумларини кузатиш ва керакли пул миқдорини керакли станцияга электрон маълумот тарзида узатиш.

6. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ҳамда транзит темир йўллари учун экспедитор корхонаси орқали бажариладиган тўловларни тизимга киритиш.

7. Вагонларни станция ходимлари тарафидан қўйиб бериш тўғрисида маълумот олиш.

8. Ички қатновларда ва экспортга кетадиган юклар учун электрон юк ташиш ҳужжатларини яратиш.

9. Станцияда тузилган барча тижорий ҳужжатларнинг электрон шаклини олиш ва уларни “E-imzo” ЭРИ орқали тасдиқлаш.


10. Темир йўлдаги шаҳсий ҳисоб варақасидаги пулларнинг харажатини кузатиш.

Пировардида “Ягона дарча” тамойили асосида ишлаб чиқилган ушбу веб-дастур орқали мижозлар бугунги кунда хизмат кўрсатувчи Минтақавий темир йўл узели унитар корхонаси (кейинги ўринларда - МТУ УК) ва Юк ҳужжатларини қайта ишлаш технологик марказ (кейинги ўринларда – ТехПД)лар билан электрон шартнома ва келишувлар тузишни “E-imzo”, яъни электрон рақамли имзо қўйиш орқали амалга оширишлари мумкин.

Бундан ташқари, юкларни ташиш учун белгиланган тартибда тўлдириладиган ариза ГУ-12 шаклдаги “Юк ташиш ойлик прогнози”ни, ГУ-11 шаклдаги “Ўн кунлик буюртманома”ларни электрон равишда тақдим этиш ва жавобини сайт орқали кузатиб туриш ҳамда станция ходимлари билан онлайн мулоқот қилиш имкониятига эга (2-расм).

Маркетинг нуқтаи назаридан, мижозлар билан интерфаол мулоқотни ташкил этиш мақсадида “Форум” электрон ахборот алмашув тизими яратилган. Бу орқали барча тизимда рўйхатдан ўтган мижозлар ва темир йўл ходимлари ўзини қизиқтирадиган саволлари билан мурожаат қилиб, батафсил маълумотлар олишлари таъминланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖда эксплуатацион ишларни оптимал ташкил этиш мақсадида “Ягона дарча” тизими қуйидаги таркибий бўлинмаларда қўлланади: Логистикани ривожлантириш ва рақамлаштириш бош бошқармаси, Ягона диспетчерлик маркази, Ташишларни ташкил этиш бошқармаси, Юк ва тижорат бошқармаси, Статистика бошқармаси, Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бошқармаси, барча юк ташиш станцияларда, Минтақавий темир йўл узелларидаги юк ҳужжатларини қайта ишлар технологик маркази (ТехПД)[1].



2-расм. “Ягона дарча” интеллектуал тизими фукционал принципи.

Ушбу “Ягона дарча” интеллектуал тизими станция ходимлари учун қуйидаги имкониятларни яратади[2]:

[1] https://railway.uz/uz/e-okno/
[2] https://www.railway.uz.

– юк ташиш тарифларининг ўзгариши, тариф кўрсатмаларининг ўзгариши ва юк ташиш операциялари билан боғлиқ барча ўзгаришлар тўғрисида онлайн электрон маълумот олиш;

– юк ва тижорат ишлари бошқармасидан электрон тарзда халқаро ва ички қатновларда юк ташиш учун ойлик (ГУ-12-асосий прогноз), халқаро қатновларда юк ташиш учун қўшимча (ГУ-12-қўшимча прогноз) тасдиқланган прогнозлар олиш;

– юк жўнатувчилардан ички қатновларда темир йўл орқали юк ташиш учун, қўшимча прогнозлаштириш учун буюртмалар олиш ва ЭРИ билан тасдиқлаш;

– тасдиқланган ойлик прогноз асосида кундалик вагон қўйиб бериш ва ортиш режасини тақсимлаш, ГУ-1 “Ҳисобга олиш варақаси ”ни яратиш;

– юк жўнатувчилардан ГУ-12, ГУ-1 ҳужжатларга мувофиқ ўн кунлик ортиш режасини олиш ва ЭРИ билан тасдиклаш;


– мижозлардан, Юк ҳужжатларини қайта ишлаш марказида мижознинг шахсий ҳисоб арақасидан, маблағ ажратиш ҳақида станция учун яратилган электрон маълумотнома олиш;

– мижознинг буюртмаси асосида қўйиб берилган ва ортилган вагон учун мувофиқ йўналишлар асосида белгиланган шаклдаги электрон юк ҳужжатларини шакллантириш;

– юкланиш учун бўш вагонларни қўйиб бериш ҳақида юк жўнатувчиларга электрон хабарнома юбориш ва ГУ-2 шакл электрон китобини шакллантириш;

– “Юк қабул қилувчи эслатмаси” ГУ-45 шакл, “Вагонни қўйиб бериш ва олиш варақаси”нинг ГУ-46 шакл, “Йиғимлар варақаси”нинг ФДУ-92 шакл, умумий шакл далолатномаси ГУ-23, ГУ-34, ГУ-37, ГУ-42, ГУ-44, ГУ-48 китобларининг электрон шаклини яратиш;

– станция ҳисоботлари учун ФДУ-91, ФДУ-93,-4 ФО, ФО-5, КОО-1, КОО-4 электрон шаклини яратиш;



3-расм. “Ягона дарча” тамойили асосида яратилган веб-дастурда тарифларнинг дастлабки ҳисоби.

– юк ташиш ҳужжатларининг электрон шаклини яратиш (3-расм)[1].

Келажак истиқболдаги режаларни бекам-кўст бажариш мақсадида веб-сайт ва “Ягона дарча” интеллектуал тизимини янада такомиллаштириш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда:

Ашуров Р.Б. *– ОБМ тингловчиси*

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТУРЛАРИ ВА НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ

Иқтисодий фаолият турли кўринишларда амалга оширилади. Масалан, биз турли маҳсулотлар (нон, кийим, ўқув қуроллари, автомобиль, уй ва бошқалар)ни ишлаб чиқариш билан хизмат кўрсатиш (маиший хизмат, таълим хизмати, соғлиқни сақлаш, маслаҳат бериш ва бошқалар)ни фарқлаймиз. Шунга кўра, иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолияти турлари ўзидаги жараёнлар шакли ва мазмуни ҳамда уларни амалга ошириш усулларига кўра фарқланади. Тадбиркорлик фаолияти хизмат кўрсатиш, воситачилик фаолияти, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, молиявий операциялар каби соҳаларда нисбатан самарали амалга ошади. Тадбиркорлик фаолиятининг йўналтирилганлиги, капитални киритиш объекти ва аниқ натижаларига кўра тадбиркорлик турлари фарқланади.

Фаолият мақсади, тури ва йўналишларига қараб тадбиркорлик фаолиятининг ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва консалтинг турларини ажратиш мумкин.

Қайд этилган ушбу тадбиркорлик фаолиятининг ҳар бир тури кичик турларга бўлинади. Мавжуд тадбиркорлик фаолияти турларини чизма шаклида қуйидагича ифода этиш мумкин (1-расм).

Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги – истеъмолчиларга сотиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга йўналтирилган фаолият.

Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги ўз ичига хизмат кўрсатишни ҳам олади. Масалан, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, кийимларни кимёвий тозалаш, турли масалаларда маслаҳат бериш, таълим хизмати ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги фаолият соҳасини танлаш тадбиркорнинг молиявий ресурслари ва шахсий мойиллиги орқали белгиланади. Дастлаб маркетинг тадқиқотлари ўтказилади, бозор ўрганилади, таклиф этиладиган товарнинг қай даражада истеъмолчига зарурлиги, талабнинг даражаси ва ўзгариши, талаб даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар, тахминий харажатлар ва сотиш ҳажмлари аниқланади.


[1] https://e-nakl.railway.uz/

Тижорат тадбиркорлиги – товар-пул муносабатлари ва савдо-айирбошлаш операцияларига, яъни товар ва хизматларни қайта сотишга асосланган фаолият.

Айтайлик, сизда ишлаб чиқариш тадбиркорлиги учун етарли ресурс бўлмаслиги мумкин. У ҳолда сиз ишлаб чиқариш ресурсларига катта эҳтиёж мавжуд бўлмайдиган, кўпроқ айланма маблағлар етакчи ўрин тутадиган тижорат тадбиркорлиги билан шуғулланишингиз мумкин.

Чакана ва улгуржи савдо, турли мол-мулклар, шу жумладан кўчмас мулклар савдосида воситачилик қилиш тижорат тадбиркорлигига мисол бўла олади.

Тижорат тадбиркорлигида товарнинг сотиш нархи унинг харид нархидан юқори бўлиши асосий қоида ҳисобланади. Шунга кўра, тижорат тадбиркорлигини амалга оширишдан олдин бозор ҳолати пухта таҳлил қилинади.



1.2.1-расм. Тадбиркорлик фаолияти турлари [5]

Молиявий тадбиркорлик – пул ва қимматли қоғозлар олди-сотдиси билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти.

Молиявий тадбиркорликда қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқ.), валюта қимматликлари ва миллий пуллар олди-сотди қилиниши унинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Шунингдек, молиявий тадбиркорликни ташкил этиш учун тижорат банклари, молия-кредит

компаниялари, фонд, валюта биржалари ва бошқа шу каби махсус муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш талаб қилинади.

Ҳаёт турли тасодифларга, кутилмаган ҳодисаларга тўла. Ҳар қандай киши кутилмаганда соғлиғини, табиий офат ёки бахтсиз ҳодиса туфайли мол-мулкини йўқотиши мумкин. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида ҳеч кимнинг фаолият натижаси тўлиқ кафолатланмаган бўлиб, корхоналар молиявий инқирозга юз тутиши мумкин.

Шундай ҳолатларда суғурта фаолиятига эҳтиёж сезилади. **Суғурта –** турли хил кутилмаган ҳолатлар натижасида юзага келадиган молиявий муаммолардан муҳофаза қилиш фаолияти.

Суғурта фаолияти ҳам тадбиркорликнинг махсус тури ҳисобланади. Унга мулк суғуртаси, ҳаёт ва соғлиқнинг шахсий суғуртаси, риск суғуртаси, жавобгарлик суғуртаси кабилар киради. Умумий ҳолда суғурта тадбиркорлигини суғурта хизматларининг олди-сотдиси сифатида тавсифлаш мумкин.

“Маслаҳат тадбиркорлиги. Маълум бир соҳада ўз мутахассислиги бўйича йўл-йўриқ кўрсатувчи кишига маслаҳатчи дейилади. Чет элларда бошқарув бўйича пулли маслаҳат консалтинг деб юритилади. Иқтисодиёт ва бошқарув бўйича Европа Федерацияси Маслаҳатчилар Ассоциациясининг таърифича менежмент-консалтинг бошқарув бўйича муаммо ва имкониятларни аниқлаш, уларга баҳо бериш, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда холисона маслаҳат бериш ҳамда ёрдам кўрсатишдир” [5].

Консалтинг хизматлари бир мартали маслаҳат ҳам бўлиши мумкин. Лекин улар консалтинг лойиҳа шаклида бўлиб қуйидаги асосий босқичларни қамраб олади: - муаммоларни аниқлаш (диагностика); - лойиҳани ишлаб чиқиш; - лойиҳани амалга ошириш.

Тадбиркорликни ташкил этишнинг энг оддий шакли якка тартибдаги тадбиркорлик ҳисобланади. Якка тартибдаги тадбиркорлик – юридик шахс ташкил этмасдан хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш шаклидир. Бундай фаолиятни амалга ошириш учун “якка тартибдаги тадбиркор” сифатида давлат рўйхатидан ўтиш кифоя.

Якка тадбиркорликнинг айрим камчиликларини оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш орқали ҳал этишингиз мумкин. **Оилавий тадбиркорлик** – оила аъзолари ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан ташкил этиладиган тадбиркорлик фаолиятидир.

“Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир. Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади” [1].

Ишловчилар сони жиҳатидан микрофирмадан каттароқ бўлган кичик тадбиркорлик субъекти **кичик корхона**дир.

“Мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир” [2].

Хусусий корхона ягона мулкдор томонидан тузилади. Мулкдор хусусий корхонага тегишли мол-мулк беради ва унинг уставини тасдиқлайди. Хусусий корхона таъсисчиси фақат жисмоний шахс бўлади. Бу бир шахс томонидан яратилган ташкилот бўлиб, бизнес фаолияти таъсисчининг ўз мулклари асосида амалга оширилади.

Масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) — аъзолари жамият мажбуриятлари бўйича фақат ўзлари қўшган улуш доирасида жавобгар бўладиган жамият. У бир ёки бир неча жисмоний ёки юридик шахсларнинг келишувига кўра ташкил этилиб, юридик шахс ҳисобланади.

“Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар” [3].

Акциядорлик жамияти (АЖ) – муассислар (акциядорлар)нинг ихтиёрий ҳиссалари асосида ташкил этилган бизнес юритиш шакли.

“Устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти деб эътироф этилади” [4].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-327-сон “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги 558-II-сон “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда.
5. М.С.Қосимова, Ш.Ж. Эргашходжаева, А.Н. Самадов, И.Б.Шарипов. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010, – 256 бет.


Shamsiyev A.X. *- OBM tinglovchisi*

DAVLAT-XUSUSIY SHERIKLIK MUNOSABATLARINING XUSUSIYATLARI

Davlat-xususiy sheriklik (DXSh) milliy ijtimoyi faravonlikni oshirish va ishlab chiqarishni rivojlantirish orqali mamlakat raqobat ustunliklarini ta’minlashda

muhim ahamiyatga ega. DXShning muvaffaqiyatli amalga oshirilishi strategik ahamiyatga ega ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal qilishga imkon yaratadi

Formal ko‘rinishda DXSh shartnoma yoki shartnomalar to‘plami asosida tuziladi, bunda xususiy sheriklar deb ataladigan shaxslar aniq belgilangan xizmat turini ishlab chiqish va taqdim etish majburiyatini oladilar. Xususiy sherik (yoki sheriklar) loyihalarning oldindan belgilab olingan bosqichlarida bajarilishi lozim bo‘lgan ishlarni amalga oshirish uchun javobgardir. Davlat organi o‘z e’tiborini asosan loyiha bo‘yicha erishilishi kerak bo‘lgan maqsadlarga, narx-navoning maqbulligiga hamda talab etilgan sifatini aniqlashga, loyihani amalga oshirish jarayonlarining borishini monitoringini olib borishga, shuningdek shartnomada ko‘zda tuzilgan boshqa shartlarning bajarilishiga qaratadi.



1.1-rasm. Iqtisodiyot tarmoqlarida turli ko‘rinishdagi sheriklik
DNTSh-Davlat-notijorat sherikligi,
NTTSh-notijorat-tijorat sherikligi,
UTSh-uch tomonlama sheriklik,
DXSh-davlat-xususiy sheriklik

DXSh mohiyatini ochib berishda uning umumiy xarakterdagi sherikliklardan alohida ajratib ko‘rsatish maqsadga muvofiq. DXShda davlat sektorini asosan tartibga solish va nazorat qilish uchun mas’ul bo‘lsa, xususiy sherikni investitsiyalar uchun yangi ob’ektlardan manffatdorlik qiziqtiradi. DXSh muhim, strategik ahamiyatga ega davlat mulkini xususiylashtirishga muqobil bir varianlardan hisoblanadi. An’anaviy davlat xaridlarini amalga oshirish uchun shartnomalar bilan solishtirganda, DXSh shartnomalari ko‘proq xavf va mas’uliyatni xususiy sherikka yuklaydi. Davlat yakuniy mahsulot va uning texnik parametrlarini belgilaydi, uni ishlab chiqarish mas’uliyatini xususiy sherikka qoldiradi. DXSh va xususiylashtirish tushunchalari o‘rtasida quyidagicha aniq farqlar mavjud (1-jadval).

DXShning asosiy xususiyatlar haqida gap ketganda ular shundan iboratki, qurilish, ishlab chiqish yoki xizmatlar ko‘rsatishda ma’muriy boshqaruv bevosita xususiy sherikka topshiriladi. Shu sababli davlat xaridlarining an’anaviy sxemasidan farqli o‘laroq, DXShda xususiy sherik mahsulot sifatiga ko‘proq kuch va mablag‘ sarflashga rag‘batlantiriladi va kelajakda xarajatlarni tejashga harakat qiladi. Shu asnoda DXSh xususiy sheriklar uchun samarali rag‘batlantirish tizimini yaratadi.

1-jadval

Xususiylashtirish va DXShning farqlanishi

№	Mexanizmlari	Xususiylashtirish	DXSh
1	Institutsional mexanizm	Prinsipial-agent munosabatlari shaklida bo‘ladi	Ma’lum darajada o‘zaro ishonch va hamkorlikka asoslangan sheriklik
2	Maqsad va vazifalarga e’tibor qaratish	Xizmatlarni tez va arzonroq yetkazib berish uchun samaradorlikni oshirish	Mahsulotning samaradorligi, o‘zaro ta’siri va yuqori sifatini ta’minlash bilan bog‘liq
3	Muvaffaqiyat omillari	Muammoning ravshanligiga, istalgan natijaga, loyiha xususiyatlariga va adolatli taomillar va boshqa omillarga bog‘liq	O‘zaro ta’sir va boshqa individual kelishuvlar tartibida belgilangan maqsadlarning o‘zaro bog‘liqligiga tayanadi
4	Boshqaruv shakli	Ma’lum bir loyiha xususiyatlari bilan loyihani boshqarish shakli. Loyiha parametrlarini aniq belgilash mumkin bo‘lganda murojaat qilinadi.	Boshqaruv jarayoni maqsadlarning umumiyligiga tayanadi va ishtirokchilar o‘rtasidagi munosabatlar jarayonining samaradorligiga yo‘naltirilgan
5	O‘zaro munosabatlar prinsipi	Hamma vaqt ham shaffoflik talab etilmaydi.	O‘zaro ishonch davlat-xususiy munosabatlar nuqtai nazaridan DXShlarning asosiy harakatlantiruvchi kuchi hisoblanadi

DXShni qo‘llash sohalari aksariyat hollarda infratuzilmaviy loyihalari amalga oshirishga to‘g‘ri keladi. Ular quyidagi yo‘nalishlar bo‘yicha amalga oshirilishi mumkin:

• Elektr energiyasi ishlab chiqarish va iste’molchilarga yetkazib berish;

• aholining ichimlik suvi ta’minotini yaxshilash;

• ta’lim, tibbiyot va sport, ijtimoiy va uy-joy ob’ektlari qurilishlarini amalga oshirish yoki boshqarish;

• avianazorat ishlarini takshkil etish va boshqarish;

• temir yo‘l va vatomobil yo‘llarini saqlash va boshqarish;

• axborot tizimlari, elektron to‘lov, elektron hukumat va boshqalarni etish va qo‘llab-quvvatlash.

Davlat-xususiy sektor hamkorligi mexanizmini samarali taraqqiy ettirish uchun ushbu hamkorlik barcha ishtirokchilarining kuchi va intilishlari nafaqat munosabatlarning iqtisodiy sohasi, balki so‘zsiz ravishda yuzaga keladigan: aholining barcha qatlamlari turmush farovonligi darajasini oshirish, investitsiya loyihalarining inson va atrof-muhitga bo‘lgan zararli ta’sirini cheklash kabi sotsial muammolarni hal qilishga ham qaratilishi zarur. Xususiy biznesning samarali moliyaviy-xo‘jalik faoliyatini yuritishga intilishi uning o‘z farovonligini belgilab beradi. Bundan kelib chiqib, tabiiyki, zarur va oqilona shart-sharoit yaratib beradigan qoidalar mavjud bo‘lishi ham kerak. Bu kabi qoidalar ham davlat, ham biznesning strategiyasi va taktikasini ishlab chiqish va ularni tatbiq etishga muayyan cheklovlar joriy etadi.

DXSh hamkorlikning asosiy xususiyatlarini ko‘rib chiqamiz: bunday xususiyatlar sifatida ekspertlar quyidagilarni ajratib ko‘rsatadilar:

- xizmatlar taqdim etilish davrining uzoq muddatliligi (ba’zan 75 yilgacha);

- risklarni xususiy sektorga berish;
- yuridik shaxslar davlat munitsipal tuzilmalari bilan tuzadigan uzoq muddatli kontraktlar shakllarining turli-tumanligi.

Yuqorida ko‘rib chiqilayotgan barcha asosiy xususiyatlar variativ bo‘lganligi sababli, ana shu tavsiflarni o‘z ichiga olgan davlat-xususiy sektor hamkorligi asosidagi investitsiya loyihasining ro‘yobga chiqarilish “modeli” tushunchasidan foydalanamiz. Aytish lozimki, DXSh modellari ko‘pincha tarmoqqa yoki segmentga oid xususiyatlarga ega bo‘lib, ular davlatning infratuzilmani rivojlantirishga bo‘lgan turli ehtiyojlarini aks ettiradilar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Akobirov S.O. Teoretiko-metodologicheskie osnovы mexanizma gosudarstvenno-chastnogo partnerstva // Izvestiya SPbGEU. 2015. №5 (95).
2. Volkov L.V. Zarubejnaya praktika gosudarstvenno-chastnogo partnerstva // Gumanitarnыe, sotsialno-ekonomicheskie i obщestvennыe nauki. 2018. №4.
3. Provalenova N.V. Effektivnost primeneniya mexanizmov gosudarstvenno-chastnogo partnerstva v sfere uslug / Provalenova N. V., Shamin A. Ye. // Kazanskaya nauka. - 2011. - № 10. - S. 118-121.

Ниязкулов У. *– ВШБП,слушатель*

ПРОБЛЕМЫ И НЕДОСТАТКИ ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ

Один из наиболее актуальных методов цифровизации отечественного бизнеса-внедрение системы электронного конфиденциального документооборота. В частности, спрос на такие технологии связан с необходимостью совершенствования системы экономического и финансового анализа коммерческой деятельности отечественных организаций. Одной из главных задач внедрения системы электронного конфиденциального документооборота может являться устранение затрат и излишних действий в рамках документооборота и составления финансовой и бухгалтерской отчетности.

Конфиденциальный документооборот позволяет наладить обмен конфиденциальными документами внутри компании, а также с удаленными сотрудниками и контрагентами, обеспечив защиту от несанкционированного доступа к документам. Главной целью внедрения системы электронного документооборота в организационную структуру и бизнес-процессы компании является достижение различных экономических эффектов. На рисунке 1 продемонстрированы потенциальные результаты такой стратегии.

Таким образом, внедрение системы электронного документооборота и конфиденциального документооборота обеспечивают снижение стоимости обслуживания, ускорение процесса согласования управленческих решений, сокращение финансовых расходов на ведение документооборота, а также экономия рабочего времени менеджеров и сотрудников, что способствует

повышению уровня производительности труда. Однако одной из главных проблем современного этапа развития систем электронного конфиденциального документооборота в компаниях является угроза обеспечения информационной безопасности конфиденциальной информации. Проблематика информационной безопасности связана с тем, что современными тенденциями развития предпринимательской деятельности выступает цифровая трансформация бизнес-процессов и бизнес-модели.

Однако одной из главных проблем современного этапа развития систем электронного конфиденциального документооборота в компаниях является угроза обеспечения информационной безопасности конфиденциальной информации. Проблематика информационной безопасности связана с тем, что современными тенденциями развития предпринимательской деятельности выступает цифровая трансформация бизнес-процессов и бизнес-модели.

С этой целью используются различные информационные технологии и системы, позволяющие совершенствовать производственную, логистическую и управленческую деятельность хозяйствующего субъекта. Однако внедрение различных инноваций повышает роль информации и механизмов ее защиты, поскольку при использовании различных информационных ресурсов формируются угрозы утечки данных.




Рис. 1. Экономические эффекты от внедрения систем электронного документооборота

Информация становится важнейшим элементом конкурентоспособности современной организации. Ее защита является главной целью формирования системы информационной безопасности. С учетом тенденции цифровой трансформации, роль информации будет только повышаться.

Именно поэтому, на сегодняшний день, актуальными трендами развития систем электронного конфиденциального документооборота выступают:

- расширение функциональности систем;
- интерес к облачным технологиям;
- применение «умных систем»;
- создание полноценных электронных архивов документов в рамках деятельности компаний.

Несмотря на нацеленность системы электронного конфиденциального документооборота в решении задач при обеспечении информационной

безопасности конфиденциальной информации и данных компании есть ряд актуальных недостатков при его работе:

- отсутствие исключения человеческого фактора, из-за чего не стоит исключать различные ошибки и совершения преступлений;
- препятствия со стороны руководителей, которым есть что скрывать, из-за чего те не используют систему электронного конфиденциального документооборота в своей управленческой работе;
- формирование необходимости организации системы информационной безопасности предприятия, если ранее ее не было.

По мнению Р. М. Яппарова, возможны следующие категории проблем и рисков работы электронного конфиденциального документооборота организации:

- ошибки и сбои;
- повреждение и уничтожение целостности информации;
- искажение содержимого информации, ее модификация.

При этом к угрозам конфиденциальности следует относить любое нарушение несанкционированного характера, а к угрозам работоспособности системы — всякое нарушение ее целостности.

К. А. Травкина определяет, что главной причиной недостатков при работе в системе электронного конфиденциального документооборота организации выступает небрежность в работе пользователей системы. Устранить утечку информации мерами физической защиты практически невозможно. Инсайдер всегда найдет множество способов получения конфиденциальной информации от сохранения его на внешний носитель до банального фотографирования документа с помощью камеры, встроенной в сотовый телефон.[1]

Сейчас уже очень трудно представить современный офис не только без компьютера, но и без специальных программ, позволяющих автоматизировать всю работу с документацией. Можно сказать, что на сегодняшний день базовая функциональность этих программных продуктов всех наиболее известных производителей соответствует основным требованиям делопроизводства и обеспечивает реализацию всех основных делопроизводственных операций. Поэтому при выборе того или иного программного продукта основное внимание обращается на детали, особенности функционирования и настройки того или иного программного обеспечения.

[1] Кононок, К. А. Анализ и выявление недостатков при работе в системе электронного конфиденциального документооборота / К. А. Кононок. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2021. — № 52 (394). — С. 363-365. — URL: https://moluch.ru/archive/394/87343/

Кенжабаев А.Т. *- ОБМ кафедра мудири, и.ф.д., проф*
Қувандиқов А.Н. *- Фуқаро муҳофазаси инст.доц.*

ТЎРТИНЧИ САНОАТ ИНҚИЛОБИ – ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ

Глобаллашаётган дунё иқтисодиётида “4-саноат инқилоби” ёки “Саноат 4.0” (Industry 4.0) термини узлуксиз такрорланаяпти. Барча соҳа мутахассислари яқин келажакда саноатда инқилобий ўзгаришлар юз бериши муқаррар эканлигини илмий тадқиқотлар асосида башорат қилмоқдалар. Йирик компаниялар рақамли технологияларга жадаллик билан инвестициялар киритишни бошладилар. Иқтисодчилар ишлаб чиқаришнинг келажаги айнан шу йўналишда дея баҳоламоқдалар.

“Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қабул қилинган Фармонда рақамли инфратузилма, электрон ҳукумат, рақамли саноат, рақамли таълим ва рақамли иқтисодиёт борасидаги илмий изланишларини кучайтириш масалалари[1], “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”[2] ЎР Президентининг 2020-йил 28-апрелдаги ПҚ-4699-сон қарорида иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш каби устувор йўналишларни ривожлантириш белгилаб берилди.

Ушбу вазифалар мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни назарий ва амалий жиҳатдан ривожланишини тадқиқ этиш, республика корхоналари фаолиятини рақамли технологиялар ёрдамида стратегик такомиллаштириш услубиётини ишлаб чиқиш, рақамли иқтисодиёт шаклланишининг концептуал моделларини таклиф қилиш, компанияларининг ахборот тизимларини интеграция қилиш моделларини ишлаб чиқиш, рақамли иқтисодиёт ривожланишида унинг асосий институтлари, механизмлари, институционал таркибий қисмлари муносабатлари тизимини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

“4-саноат инқилоби” ўз-ўзидан бошланмасдан, учун инсоният цивилизацияси 300 йилдан ортиқ масофани босиб ўтишига тўғри келди. Мазкур инновацион мусобақада Ўзбекистон қандай стратегияни танлаши кераклиги муҳим ҳисобланади. Дунё саноати “Индустрия 4.0” остонасида турган бўлса-да, лекин унинг барча технологияларини фақатгина бундан олдинги “Индустрия 3.0” саноат инқилобининг ютуқларини ўзлаштира олганларгина татбиқ қила оладилар.

Ўзбекистон иқтисодиётига келсак, биз ҳозир “Индустрия 2.0” даражасидан “Индустрия 3.0” даражасига ўтиш босқичидамиз. Албатта, бу ҳолат Ўзбекистон саноатини тўлиқ модернизация қилиш йўлидаги жиддий

[1] “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ЎР Президентининг Фармони (ПФ–6079-сон, 05.10.2020 й.).

[2] “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ЎР Президентининг Қарори (ПҚ-4699-сон, 28.04.2020 й.).

тўсиқдир. Шубҳасиз, бу муаммони тан олиш ва англаш – олдинга ҳаракат қилиш учун қўйилган қадамдир.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил мамлакатимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинди. Бундан ташқари, Президентимиз томонидан Ўзбекистонни дунёдаги ривожланган 20 та давлат сафига киритиш стратегик режаси белгилаб берилди. Бу улкан ва оламшумул мақсадга эришишда, Ўзбекистон иқтисодиёти ва саноатини тубдан ўзгартириб, “Индустрия 4.0” тамойилларини кенг татбиқ қилиниши лозим бўлади.

Албатта, янги терминларни муомалага киритиш ва янги ташаббусларни эълон қилиш билан олдимизда турган муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Аниқ мақсадларга эришиш учун қуйидаги амалий чораларни кўриш маҳаллий олимларимиз томонидан мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади:

1. “Индустрия 4.0” стратегияси лойиҳасининг тегишли қисмларини тайёрлаш учун “Fraunhofer-Gesellchaft”, “ISO”, “DIN”, “PTB” ва бошқа хорижий экспертларни жалб этиш ва улар билан биргаликда Германия, АҚШ, Канада, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Сингапур тажрибасини ўрганиб, янги технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш юзасидан қонунчилик асослари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш.

2. Жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий кучлар – давлат, олий таълим муассасалари ҳамда бизнес олами вакилларининг ўзаро илмий изланишлардаги ҳамкорлигини тизимли равишда йўлга қўйиш. Олий таълим муассасаларини асосий бизнес инкубаторлар бўлишини таъминлаш, бунда, уларда яратилган технологияларга таянган ҳолда талабалар, ўқитувчилар ва профессорлар янги корхоналар ташкил этадилар. Давлат эса, ўз зиммасига венчур инвестори ролини олиши керак. Бизнес вакиллари эса, олий таълим муассасалари билан биргаликда, ўзларининг ва олий ўқув юртларнинг лабораторияларида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш вазифасини ўз зиммаларига оладилар.

3. Келгуси 15-20 йилга мўлжалланган Ўзбекистоннинг минтақавий ва ҳаттоки глобал етакчилигига шароит яратувчи Миллий технологик юксалиш дастурини ишлаб чиқиб, уни дарҳол татбиқ қилишни бошлаш керак. Лойиҳада, замонавий олий таълим муассасалари зиммасига алоҳида вазифаларни юклаш – бунда улар ўзлари учун янги бўлган тадбиркорлик функцияни эгаллашлари ва ўз негизларида бошқалардан 10-15 йил илгарилаб кетган иқтисодий ва маданий муҳитни яратишлари лозим бўлади. Шундагина, олий таълим муассасалари инсонларни ўтмишга эмас, балки келажакка тайёрлай оладилар. Бу масалани Президентимиз яқиндагина Олий мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган мурожаатномасида яна бир бор таъкидлаб ўтди.

Сунъий интеллект, роботлаштириш, аддетив технологияларнинг оммалашуви (яъни 3D босмада ҳатто металл деталлар ва эҳтиёт қисмларини тайёрлаш), нанотехнологиялар, биотехнологиялар ҳужайра технологиялари ва бошқа кўплаб нарсалар кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Сунъий интеллект – ҳозирги тўртинчи саноат инқилоби жараёнинг ажралмас қисми, ҳаттоки етакчи технологияси ҳисобланади. Бу борада ШҲТга аъзо давлатлар - Хитой, Россия ва Ҳиндистон анча илгарилаб кетган. Ташкилотнинг қолган аъзолари, хусусан Ўзбекистон ҳам ҳам сунъий интеллектни ривожлантириш сари дадил қадам ташламоқда.

Бугунги кунда сунъий интеллект иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг деярли барчасида – банк, чакана савдо, соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, саноат, логистика ва қишлоқ хўжалигида қўлланилади. СИ ривожланиш учун тасаввур қилиб бўлмайдиган салоҳият ва имкониятларга эга, аммо айни пайтда янги муаммолар ва таҳдидларга ҳам эга. Жаҳон сунъий интеллект бозори кескин ўсиб бормоқда. Масалан, пандемия туфайли тижоратда онлайн харидларни жорий қилиш ўсиб бормоқда, бундан ташқари СИ мижозлар билан ишлаш, омборхоналарни ва таъминот занжирини бошқариш, ақлли тавсиялар ва чат-ботлар учун фойдаланилмоқда. Ўз навбатида ШҲТга аъзо давлатлар ҳам сунъий интеллектни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Улардан баъзилари аллақачон сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича миллий стратегияларини қабул қилишган.

Масалан, сунъий интеллект технологияларининг ривожланиш даражаси бўйича Хитой ҳозирда АҚШдан кейин иккинчи ўринда турибди ва ўн йил ичида бу соҳада сўзсиз дунё етакчисига айланмоқчи. Хитой Халқ Республикаси 2030 йилгача сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича стратегик давлат дастурини қабул қилди. Унда СИ технологиялари келгуси ўн йил ичида миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий мезони бўлиши ва Хитой учун глобал меҳнат тақсимотида янги бозорларни забт этишда афзалликларни яратиши кўзда тутилган.Ушбу технология Россияда ҳам жуда тез ривожланмоқда, жумладан мамлакатда Yandex, Сбер, Mail.ru Group каби СИ соҳасидаги дастурлар ва тизимларни ишлаб чиқадиган йирик компаниялар мавжуд.

Худди шундай, Ҳиндистон ҳам АКТ соҳасидаги етакчи давлатлардан бири сифатида СИдан нафақат иқтисодий ўсиш, балки ижтимоий интеграция учун ҳам фойдаланишга эътибор қаратиб, миллий СИ стратегияси доирасида ўзига хос ёндашувни амалга оширмоқда. Уларнинг стратегияси ривожлантиришга қаратилган ва ҳинд аҳолисига сифатли иш топиш имконини берувчи, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий таъсирни максимал даражада ошириши мумкин бўлган СИ бўйича тадқиқотлар ва соҳаларга сармоя киритишга қаратилган. Шу билан бирга, бугунги кунда қолган ШҲТга аъзо давлатлар ҳам сунъий интеллектни ривожлантириш сари қадам ташламоқда.

Сунъий интеллектни ривожлантиришнинг глобал тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатимизда СИни жорий этиш ва ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Ушбу соҳани тартибга солувчи бир қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Масалан, мамлакатнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган инновацияларни ривожлантириш стратегияси тасдиқланган ҳамда Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси ҳам ишлаб чиқилган. Давлат даражасидаги қарорлардан ташқари,

бу соҳада халқаро ҳамкорлик ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ бўлиб, дунё аҳолисининг деярли ярмини ташкил этувчи ШҲТ умумий манфаат, тинчлик ва фаровонлик йўлида СИдан фойдаланиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга имкон беради.Технологиялар яшаш тарзимизни қандай ўзгартираётгани ва уларнинг келажак авлодларга таъсири, ҳаётимизнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар жиҳатларини қандай қайта шакллантираётгани тўғрисида ҳар томонлама ва глобал миқёсдаги умумий қарашларга эга бўлмоғимиз керак.

Агар биз бу инновациялар етакчиларининг сафида бўлишни хоҳласак, яқин йилларда технологик тараққиёт қайси йўналишда ривожланиши ва келажакда қандай оламшумул ўзгаришлар бўлиши кутилаётганини яхши англай олишимиз ҳамда уларни яратишда ўзимиз фаол иштирок этишимиз зарур бўлади.

Адабиётлар рўйҳати:

1. Клаус Шваб. Тўртинчи саноат инқилоби.-Тошкент: NIHOL, 2022.-248 б.

Ашуров Р.Б. *– ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОННИНГ “БИЗНЕСНИ ЮРИТИШ” РЕЙТИНГИДАГИ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувини қатъий олдини олиш” лозимлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2019 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2020 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мурожаатномасида “Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингида 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгалладик ва энг яхши ислоҳотчи давлатлар қаторидан жой олдик”, деб алоҳида таъкидлаб ўтилган.

“Бизнес юритиш (Doing Busines)”, бу – кичик ва ўрта бизнеснинг ишбилармонлик фаоллигини яхшилайдиган ёки чеклайдиган қонунчиликни баҳолайдиган йиллик ҳисобот. Биринчи ҳисобот 2003 йилда нашр этилган бўлиб, “Бизнесни юритиш-2020” (Doing Business 2020) йиллик ҳисоботлар сериясининг 17-нашри ҳисобланади.

2019 йил давомида Жаҳон банкининг “Doing Business” халқаро рейтингида

республикамизнинг ўрнини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришилди (1-жадвал).

Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш-2020” (Doing Business 2020) гуруҳи 190 давлат ўртасида ўтказган йиллик рейтингида Ўзбекистон 2019 йил якуни бўйича 69,9 балл тўплаб, 69-ўринни эгаллади. Ўтган йилги рейтингга нисбатан мамлакатимиз 7 позиция юқорига кўтарилган. Шу нуқтаи назардан қараганда ўтган йилги ва ҳозирги вақтдаги баҳолашларда қандай омиллар устивор бўлганлиги кишида маълум бир қизиқиш уйғотмоқда.

“Бизнесни юритиш-2019” (Doing Business 2019) ҳисоботи ўтган йилнинг 31 октябрида эълон қилинди. Бир йил аввал Ўзбекистон 190 давлат орасида 67,4 баллни қўлга киритиб, 76-ўринни эгаллаган. Бу эса ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 1,08 балл кўпроқдир.

1-жадвал

2016-2020 йилларда “Бизнесни юритиш” рейтинги ишбилармонлик муҳити сифат кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистоннинг эгаллаган ўрни

Кўрсаткичлар	DB-2020	DB-2019	DB-2018	DB-2017	DB-2016	Рейтингдаги ўзгариш			
						2020 йилда 2019 йилга нисбатан	2019 йилда 2018 йилга нисбатан	2018 йилда 2017 йилга нисбатан	2017 йилда 2016 йилга нисбатан
Бизнесни юритишнинг умумий рейтинги	69	76	74	87	87	+7	-2	+13	-
Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш	8	12	11	25	42	+4	-1	+14	+17
Қурилиш учун рухсатномаларни олиш	132	134	135	147	151	+2	+1	+12	+4
Электр таъминоти тизимига уланиш	36	35	27	83	112	-1	-8	+56	+29
Мулкни рўйхатга олиш	72	71	73	75	87	-1	+2	+2	+12
Кредит олиш	67	60	55	44	42	-7	-5	-11	-2
Миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш	37	64	62	70	88	+27	-2	+8	+18
Солиққа тортиш	69	64	78	138	115	-5	+14	+60	-23
Халқаро савдо	152	165	168	165	159	+13	+3	-3	-6
Шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш	22	41	39	38	32	+19	-2	-1	-6
Тўлов қобилиятсизлигини ҳал қилиш	100	87	72	77	75	-13	-15	+5	-2

Ўзбекистон “Тўлов қобилиятсизлигини ҳал қилиш” индикаторидан ташқари рейтингнинг деярли барча кўрсаткичлари бўйича кўрсаткичларни яхшилади.

Ўтган йили иш шароитларини яхшилаш кўрсаткичлари деярли барча кўрсаткичлар бўйича қайд этилди, кредитлар олиш ва шартномалар бажарилишини таъминлаш бундан мустасно. Жаҳон банки таҳлилчиларининг таъкидлашича, ўтган йили халқаро савдо, миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш ва солиққа тортиш кўрсаткичлари бўйича энг сезиларли ўзгаришлар кузатилган.

“Қулай ишбилармонлик муҳити қашшоқлик даражасининг пастлиги билан боғлиқ бўлиб, норматив тартибга солиш самарадорлигининг яхшиланиши эса тадбиркорликни, стартапларни, инновацияларни ривожлантиришга, шунингдек, кредит ва инвестицияларни жалб қилишга олиб келиши мумкин”, – деб таъкидлайди Жаҳон банки.

2-жадвал

“Бизнес юритиш-2020” бўйича собиқ иттифоқ давлатлари рейтинги

Т/р	Мамлакатлар	Жаҳондаги ўрни
1.	Грузия	7
2.	Литва	11
3.	Эстония	18
4.	Латвия	19
5.	Қозоғистон	25
6.	Россия	28
7.	Озарбайжон	34
8.	Арманистон	47
9.	Молдова	48
10.	Беларусия	49
11.	Украина	64
12.	Ўзбекистон	69
13.	Қирғизистон	80
14.	Тожикистон	106

2-жадвал маълумотларидан шуни англаш мумкинки, “Бизнес юритиш-2020” бўйича собиқ иттифоқ давлатлари рейтингида Ўзбекистон 12-ўринда тургани, ҳали мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш борасида бир қатор муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2020 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мурожаатномасида “Ислоҳотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган «яширин иқтисодиёт”га барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмайди” деб алоҳида таъкидлаб ўтилган эди.

Ўзбекистоннинг “Doing Business” халқаро рейтингидаги ўрнини яхшилашга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

биринчидан, тадбиркорлик субъектлари учун тўсиқларсиз кредит олишни таъминлаш;

иккинчидан, қарздорлар ва кредиторларнинг таъминланган битимлар бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш, кредит маълумоти алмашинуви механизмларини такомиллаштириш;

учинчидан, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

тўртинчидан, тўловга қобилиятсизликни ҳал қилиш масалаларини такомиллаштириш;

бешинчидан, электр таъминотига уланиш тизимини такомиллаштириш;

олтинчидан, қурилишга рухсат олиш жараёнини соддалаштириш ва бошқалар.

“Бизнес юритиш” ҳисоботида мамлакатимиз кўрсаткичларини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармонида ҳам белгилаб берилди .

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. - https:// www.lex.uz/

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020

3. Doing Business. Оценка бизнес регулирования. - http://russian.doingbusiness.org/

4. https://review.uz/oz/post/ot-doing-business-2019-k-doing-business-2020

5. https://www.gazeta.uz/uz/2019/10/24/doing-business/

Умрзаков Ж – *ОБМ тингловчиси*

ОИЛАЛАРДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Оилавий тадбиркорлик – бу оилавий инвестициядан оптимал даражада фойдаланишга асосланган, фойда олишга йўналтирилган ташаббусли мустақил фаолиятдир. Оилавий инвестиция бу ерда оила аъзоларининг ҳам жисмоний, ҳам ижтимоий, молиявий ва интеллектуал капиталлари сифатида намоён этилган.

Мамлакатимизда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, унинг даромадларини ошириш ва турмуш даражасини юксалтиришнинг муҳим омили сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу соҳага кўплаб шарт-шароит ва қулайликлар, имтиёз ва преференциялар берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасини 2021 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мурожаатномасида “Умуман,

тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни давом эттириш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида келгуси йилда 6 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилади. Шунингдек, Ҳукумат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошланган қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенгайтириш учун қўшимча 100 миллион доллар йўналтирилади.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилади ҳамда Тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқилади.” [1] деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ҳозирда фаолият олиб бораётган кўплаб машҳур корхоналар дастлаб оилавий корхона шаклида ташкил бўлган, жумладан, 18-аср бошида ташкил этилган ва қаҳва сотишга ихтисослашган «Далмайр» оилавий корхонаси, 1853 йилда ташкил этилган «Tissot» маркали соатларни ишлаб чиқарувчи «Шарл Тиссо ва ўғли» оилавий кор хонаси, Франциянинг Мюлье оиласига таллуқли АШАН супермаркетлар тармоғи (130 мингдан ортиқ ходимга эга ва йиллик даромади 23 млрд. доллардан ошади) ва бошқалардир[2].

Оилавий Тадбиркорликнинг муваффақият калити:

- тадбиркорлик кўникмасини инобатга олиб, бозордаги талабни ўрганган ҳолда ўзи учун қулай бўлган истиқболли соҳани танлаш;
- энг кичигидан бошлаш;
- фаолиятни кенгайтиришга мойиллик;
- хатарларни баҳолай олиш;
- таваккалчиликка асосланган оқилона (рационал) қарорлар қабул қила олиш.

Тадбиркор – ҳисоб-китобли таваккалчи, янгилик ва ривожланишга интилувчи, мустақил ва масъулиятли қарорлар қабул қиладиган ва уларнинг оқибати ҳамда натижасини олдиндан кўра оладиган шахс ҳисобланади.

Тадбиркорликни оила аъзолари билан биргаликда бошлаш амалиётда ўз самарасини кўрсатиб келмоқда. Ушбу йўналишда “Ҳар бир оила тадбиркор” давлат дастури асосида Агробанк АТБ, Микрокредитбанк АТБ, Халқбанки АТБ томонидан кредитлар ажратилмоқда.[3]

Ушбу дастур доирасида кредитлар оилавий тадбиркорликнинг ҳар қандай турига (масалан, иссиқхона ташкил этиш, паррандачилик, хизмат кўрсатиш, тикувчилик) шартномага асосан пул кўчириш йўли билан қуйидаги шартларда ажратилади:

- жисмоний шахсларга - 33 миллион сўмгача;
- давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига - 225 миллион сўмгача;
- инвестицион лойиҳалар учун - 225 миллион сўмдан ортиқ;
- кредит фоизи: 14 фоиз;
- муддати: 3 йилгача;
- имтиёзли давр: 6 ойгача.

Тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар ушбу кредит ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳанинг бизнес-режасига мувофиқ ўзини

ўзи қоплаш жиҳатларидан келиб чиқиб 2 йилгача имтиёзли давр билан 5 йил муддатгача ажратилиши мумкин. Бунда берилаётган имтиёзли давр ва кредитни қайтариш муддати батафсил асослантирилиши керак.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 мартдаги ПҚ-5041-сон “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ кредитлар боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш учун 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга сектор раҳбарлари ва туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказининг асослантирилган ва натижадорлиги аниқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолдаги хулосаси асосида берилиши мумкин.

Бугунги кунда, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар бўйича аризаларни қабул қилиш Ягона электрон платформаси oilakredit.uz ишга туширилган.

Ушбу платформада аризаларни юбориш 4 босқичда амалга оширилади:

1. Шахсий маълумотларни киритиш.
2. Қарздор билан боғланиш учун маълумотларни киритиш.
3. Олинаётган кредит бўйича маълумотларни киритиш.
4. Ариза тартиб рақами (ID) рақамини сақлаб қўйиш.

Масалан, агар истеъмолчи ўз томорқасида иссиқхона қуриш учун кредит олмоқчи бўлса, кредит олиш учун oilakredit.uz платформасида ариза бериш кетма-кетликда амалга оширилади[4].

Агар фуқаро дастур доирасида жисмоний шахсларга ажратиладиган кредит миқдорига нисбатан кўпроқ кредит олиш истагида бўлса, ўз фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиши ва қўшимча ҳужжатлар тақдим этиши зарур бўлади. Бу бўйича батафсил маълумотларни ҳудуддаги тегишли тижорат банки орқали (Агробанк АТБ, Микрокредитбанк АТБ, Халқ банки АТБ) олиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасини 2021 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мурожаатномаси
2. https://www.kommersant.ru/doc/3896831.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.06.2018 йилдаги ПҚ-3777 – сонли “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида” қарори.
4. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 3022, 2018 йил 9 июнь).

Isayev J.Sh. *– OBM tinglovchisi*

STRATEGIK TAXLILGA ASOSLANGAN LOYIHA NATIJALARI KO'RSATKICHLARI KARTASI ANNOSTATSIYA

Strategik tahlilni analitik tadqiqotlarning mustaqil yo'nalishi sifatida ajratishning mantiqiy asosi shundaki, dunyodagi eng dinamik rivojlanayotgan kompaniyalar tomonidan amalga oshirilgan eng dolzarb tashabbuslardan biri strategiyaga yo'naltirilgan biznesni qurishdir (Strategy Focused Business). Bundan tashqari, tashkilot strategiyasini ishlab chiqish va amalga oshirish nafaqat davlat darajasidagi korporatsiyalar va strategik ahamiyatga ega kompaniyalar uchun, balki biznesning strategik barqarorligi, uning samaradorligi va uzoq muddatli istiqbolda samaradorligini ta'minlashdan manfaatdor bo'lgan har qanday tadbirkorlik sub'ekti uchun zarur deb hisoblanadi[1].

Iqtisodiy tahlilning an'anaviy usullari tijorat tashkilotlarining xo'jalik faoliyatini baholashning zamonaviy talablariga javob bermaydi. Strategik tahlilning eng muhim roli kompaniyaning strategik muvaffaqiyatiga erishish uchun muayyan strategik qarorlarni qabul qilish yoki tuzatish zarurati to'g'risida o'z vaqtida ogohlantirish tizimini strategik boshqarishni ta'minlashdir.

Hozirgi vaqtda O’zbekistonda bozor iqtisodiyoti unga mos keladigan institutlar, vositalar va iqtisodiy mexanizmlarning birgalikda shakllanishi bilan faol rivojlanmoqda, bu xo'jalik yurituvchi sub'ektlar tomonidan strategik tahlil qilish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratadi. Strategik boshqaruv qarorlarini asoslash va baholash jarayonida strategiyani ishlab chiqish, strategik menejmentni amalga oshirish va strategik tahlil metodologiyasi va vositalarini faol qo‘llash zarurligini anglab yetayotgan tashkilotlar rahbarlari soni muttasil ortib bormoqda. Iqtisodiy faoliyatni strategik tahlil qilishning samarali tizimini shakllantirish va doimiy asosda faoliyat yuritish har bir tijorat tashkiloti gullab-yashnashining ajralmas shartiga aylanib bormoqda[2].

Asosiy tadqiqot usullari qiyosiy metod va lingvokulturologik tahlil usuli hisoblanadi. Ishda kontekstual va funksional tahlil usullaridan, semantik va pragmatik talqin usulidan, miqdoriy tahlil elementlaridan ham foydalanilgan, bu esa vokativ birliklarni ifodalashning lingvistik shakllarining statistik munosabatlarini tavsiflash imkonini berdi.

Zamonaviy tadqiqotchilarning “strategik tahlil” tushunchasining mohiyati va mazmunini talqin qilishdagi nazariy yondashuvlari birlikning yo‘qligi bilan tavsiflanadi. Ushbu ta'rif bo'yicha mavjud qarashlarni o'rganish har biri hayotiy, ammo strategik tahlilning cheklangan tushunchasini aks ettiradigan bir nechta turli nuqtai nazarlarni aniqlash va umumlashtirish imkonini berdi. Shu munosabat bilan, hozirgi vaqtda tashkilotning iqtisodiy faoliyatini strategik tahlil qilishning muhim tushunchasiga umumiy yondashuvni ishlab chiqish talab etiladi, bu uning individual

[1] Xalqaro moliyaviy hisobot standartlari 2020: o’zbek tilidagi nashri [Matn]. - M.: Askeri-ASSA, 2020. - 998 b.
[2] Averchev I.V. Boshqaruv hisobi va moliyaviy hisobot. Bayonot va amalga oshirish [Matn] / I.V. Averchev. - M .: Vershina, 2022. -512 b.

vazifalarini hal qilishdan tashqariga chiqadi va uning roli va ahamiyatini chuqur tushunishga asoslanadi.

Bu strategik tahlil metodologiyasining organik progressiv rivojlanishining asosiy shartidir.

Strategik tahlilning nazariy qoidalari, uslubiy asoslari va usullari hozirgi vaqtda tadqiqotning nihoyatda yetarli darajada emasligi bilan tavsiflanadi va mavjud nazariy va uslubiy asoslarni ishlab chiqish, shuningdek, sifat jihatidan yangi metodologik vositalar va metodik vositalarni ishlab chiqishni nazarda tutuvchi tizimli takomillashtirishni talab qiladi. strategik boshqaruvni amalga oshirish jarayonida strategik tahlilni o'tkazishga yondashuvlar. Ushbu muammoni hal qilish tijorat tashkilotlarining iqtisodiy faoliyatini strategik tahlil qilish bo'yicha muallifning ilmiy kontseptsiyasini ishlab chiqish orqali mumkin.

Strategik tahlil metodologiyasining asosini uning funktsiyalari, vazifalari, yuritish tamoyillari, shuningdek, ushbu tahlil sohasini strategik boshqarish muammolarini hal qilishga yo'naltirilganligi sababli o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lgan o'rganish ob'ektlari tashkil etadi. tashkilot. Biroq, strategik tahlil metodologiyasining ushbu jihatlari hozirgacha to'g'ri belgilanmagan, bu esa ularni aniqlash va tizimlashtirishni taqozo etadi, tijorat tashkilotlarining iqtisodiy faoliyatini strategik tahlilini yanada to'liq va aniq mazmunli tavsiflash imkonini beradi.

Tijorat tashkilotlarining iqtisodiy faoliyatini strategik tahlil qilish jarayoni uni amalga oshirishning og'zaki modeli doirasida aniqlanishi kerak, bunda strategik tahlilning asosiy bosqichlari umuman aks ettiriladi, uning asosiy shartlari, mazmunli jihatlari o'zaro bog'liqligi va izchilligini ta'minlaydi. , protsessual masalalar va natijalar. Strategik tahlil bosqichlarini aniq belgilash strategik tahlil metodologiyasini tashkiliy jihatdan birlashtirishga imkon beradi va uni amalga oshirish bo'yicha ko'rsatmalar to'plamini ishlab chiqish uchun asos yaratadi.

Ushbu muammoni tijorat tashkilotlarining iqtisodiy faoliyatini strategik tahlil qilishning tavsifiy modelini ishlab chiqish orqali hal qilish mumkin.

Strategik yo'naltirilgan tashkilot faoliyati samaradorligi va samaradorligini zamonaviy sharoitda tavsiflovchi ko'rsatkichlar asosida baholashning yuqori sifatli tizimini shakllantirish strategik tahlilning yuqori amaliy ahamiyatga ega bo'lgan eng muhim uslubiy muammolaridan biridir. Bunday tizimning qiymati shundan iboratki, uni qo'llash natijasida biznesning yaxlit, ob'ektiv, ko'p qirrali dinamik rasmini yaratish ta'minlanadi; boshqaruvning moslashuvchanligi va chaqqonligi va pirovardida kompaniyaning strategik barqarorligi va muvaffaqiyati. Strategik hisob, tahlil va boshqaruvning zamonaviy kontseptsiyalarida samaradorlik ko'rsatkichlari turli talqinlarda aks ettirilgan. biroq ular xo‘jalik yurituvchi subyekt faoliyatini strategik yo‘naltirilgan indikativ baholash tizimi kontekstida ko‘rib chiqilmaydi va shuning uchun bunday tizimni ishlab chiqish masalalari hal etilmaganligicha qolmoqda. Strategik tahlil metodologiyasini ishlab chiqish uchun tashkilot faoliyatini strategik yo'naltirilgan indikativ baholashning organik tizimini qurish bosqichlarini aniqlash va tamoyillarini aniqlash kerak.

Tashkilotni strategik boshqarish tizimidagi vazifalarining tabiati va murakkablik darajasiga mos keladigan strategik tahlilni axborot bilan ta'minlash tizimi strategik tahlilning hayotiyligining ajralmas shartidir. Strategik tahlil natijalarining dolzarbligi, asosliligi va amaliy ahamiyati, strategik boshqaruv qarorlarining sifati ko'p jihatdan yuqori boshqaruvni zarur ma'lumotlar bilan tizimli va sifatli ta'minlashga bog'liq. Zamonaviy talablarga javob beradigan strategik tahlilni axborot ta'minoti darajasida tashkil etish muammosi tadbirkorlik sub'ektlari orasida juda keng tarqalgan. Uni targ'ib qiling konstruktiv yechim tijorat tashkilotlarining iqtisodiy faoliyatini strategik tahlil qilish uchun axborot ta’minoti tizimining modelini ishlab chiqish imkonini beradi.

Zamonaviy iqtisodchilarning uslubiy ishlanmalari strategik tahlil metodologiyasini parcha-parcha tarjima qiladi, uni amalga oshirish uchun tadqiqotning yaxlitligi va izchilligi kabi eng muhim talablarga javob bermaydi, har doim ham tashkilotning rivojlanish strategiyasini yetarli darajada hisobga olmaydi. va metodikani qo‘llash samaradorligini ta’minlovchi aniq konstruktiv amaliy tavsiyalar bermaslik. Hozirgi bosqichda O’zbekistonda xo'jalik yurituvchi sub'ektlarni boshqarish jarayoniga strategik tahlilning uslubiy vositalarini joriy etish darajasi juda etarli emas. Ushbu vositalardan biri strategik bo'shliqlarni tahlil qilish bo'lib, u strategik tahlilning ustuvor vazifalarini hal qilishda dolzarb bo'lib, shu bilan birga uni rivojlantirish uchun muhim salohiyatni ochib beradi.

Tijorat tashkilotlarining xo’jalik faoliyatini strategik tahlil qilish metodologiyasi ushbu masala bo’yicha xorijiy tadqiqotchilar tomonidan ishlab chiqilgan strategik tahlil modellarining juda keng doirasi bilan tavsiflanadi. Biroq, ushbu modellarning har biri ko'proq yoki kamroq muhim cheklovlarga ega va muhim omillarning butun doirasini qamrab olmaydi. Strategik tahlilning klassik modellarining hech biri xavf toifasi bilan ishlamaydi va tashkilotlarning ishlab chiqilgan va amalga oshirilgan strategiyalarining asosliligini oshirish uchun uni baholashni o'z ichiga olmaydi. Bu strategik tanlov matritsalarining muhim kamchiligini aks ettiradi, bu esa O’zbekistonda amalga oshirilgan UFRSga bosqichma-bosqich o'tish tufayli aniqroq bo'lib, ushbu xavf tushunchasi bilan bog'liq holda yangilanadi.

Xo‘jalik yurituvchi sub’ektning strategik rivojlanishiga ta’sir etuvchi tashqi omillar yig‘indisini tahlil qilish kompaniyaning atrofdagi biznes muhiti bilan o‘zaro munosabatlari algoritmlarini ta’minlovchi strategik boshqaruv qarorlarini ishlab chiqish uchun asos bo‘lib, uning salohiyatini zarur darajada saqlab turishga imkon beradi. strategik maqsadlarga erishish, tashqi tahdidlar va potentsial imkoniyatlarni aniqlashga yordam beradi. Uzoq muddatli istiqbolda ularning hayotiyligi va barqarorligini, shuningdek, strategiyani samarali amalga oshirishni ta'minlash uchun tashkilotlar rahbariyati kompaniyaning strategik iqlimi, uning o'zgarishi tendentsiyalari va uning ta'siri haqida chuqur tushunchaga ega bo'lishi kerak. xo'jalik yurituvchi sub'ektning faoliyati to'g'risida. Shu sababli, hozirgi vaqtda tashkilotning strategik iqlimini tahlil qilishning uslubiy va uslubiy asoslarini takomillashtirish zarurati mavjud. Tijorat tashkilotining strategik iqlimini tahlil qilish metodologiyasini ishlab chiqish strategik tahlilning eng muhim ob'ektlaridan biri

sifatida strategik iqlimning ob'ektiv, mos keladigan haqiqatni va etarlicha to'liq tavsifini shakllantirishga yordam beradi.

Tijorat tashkilotining zaruriy talablarga javob beradigan strategik salohiyatini tahlil qilishning ahamiyati kompleks ko'rinishidagi asosiy imkoniyatlarni baholash asosida kompaniyaning muayyan rivojlanish strategiyasini amalga oshirish qobiliyatini belgilashdan iborat.

Strategik potentsialni to'liq tahlil qilmasdan, tashkilotning strategik mavqeini adekvat baholashga imkon beradigan strategik iqlim tahlilisiz, strategik boshqaruv qarorlari sub'ektiv, samarasiz bo'lishi va tajovuzkor va dinamik raqobat muhitida bankrotlikka olib kelishi mumkin. Bu tijorat tashkilotining strategik salohiyatini tahlil qilishning yaxlit metodologiyasi va aniq ko'rsatmalarini shakllantirish zarurligini oldindan belgilab beruvchi strategik salohiyatni tizimli muammoga yo'naltirilgan tahlilining muhimligini ko'rsatadi.

So'nggi o'n yilliklarda jahon amaliyotida ro'y bergan buxgalteriya hisobini tashkil etish va tahliliy boshqaruvni qo'llab-quvvatlashga yondashuvlardagi o'zgarishlar korporativ hisobotlarda inqilobning vositachisi bo'lib xizmat qildi, bu esa korxonaning moliyaviy bo'lmagan ko'rsatkichlarini baholash qiymatini oshirishni ta'minladi. tashkilot. Shu bilan birga, moliyaviy ko'rsatkichlar hali ham strategik tahlil muammolarini hal qilishda hal qiluvchi rol o'ynaydi: ular tashkilot faoliyatini strategik yo'naltirilgan indikativ baholash tizimining ajralmas qismi bo'lib, xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining ustuvor strategik maqsadlarini aks ettiradi. ularni amalga oshirish darajasi, erishilgan moliyaviy holat, ishlab chiqarilgan moliyaviy natijalar va biznesning strategik barqarorligi nuqtai nazaridan kompaniyaning mavjud strategik salohiyatini tavsiflaydi. Moliyaviy ko'rsatkichlarni tahlil qilishning dolzarb uslubiy masalalari tashkilot faoliyatini strategik tahlil qilishning bir qismi sifatida qanday aniq moliyaviy ko'rsatkichlarni baholash va monitoring qilish kerakligini, ularning qaysi biri asosiy ekanligini, shuningdek, qaysi uslubiy vositalar va uslubiy vositalarni aniqlashni o'z ichiga oladi. yondashuvlar tahlilning ob'ektivligini va tahliliy xulosalarning adekvatligini ta'minlash imkonini beradi. Shu munosabat bilan bu maqsadga muvofiqdir

Bitiruv malakaviy ish tadqiqotining ilmiy yangiligi tijorat tashkilotlarining iqtisodiy faoliyatini strategik tahlil qilishning o'zaro bog'liq nazariy, uslubiy va uslubiy qoidalarini kontseptual asoslash va ishlab chiqishdadir, bu kontekstda iqtisodiy faoliyatni sifatli har tomonlama baholash imkonini beradi. tashkilotlarning strategik rivojlanishi, shuningdek, tashkilotlarning biznes muhiti bilan muvaffaqiyatli o'zaro aloqasi algoritmlarini ta'minlaydigan samarali strategik boshqaruv qarorlarini ishlab chiqish.

Ilmiy yangilikni o'z ichiga olgan eng muhim natijalar quyidagilardir:

Strategik tahlilning kategoriyaviy apparati quyidagilar orqali ishlab chiqilgan:

- "strategik tahlil" atamasining asosli mualliflik talqini, bu uni talqin qilishning mavjud yondashuvlaridan strategik yo'naltirilgan kompaniya faoliyatining tashqi ishbilarmonlik muhitini, ichki muhitini qamrab oladigan bir-biriga bog'liq bo'lgan uchta tadqiqot yo'nalishining organik birligi platformasi bilan farq qiladi. biznes muhiti va tashkilotning rivojlanish strategiyasi, shuningdek,

strategik tahlilning dinamik yo'nalishini aks ettirish, strategik boshqaruv jarayonida analitik asoslangan qarorlar darajasining izchilligi va strategik tahlil asosida noaniqlikni bartaraf etish imkoniyatlari;

- iqtisodiy faoliyatning tashqi va ichki sharoitlarini strategik tahlil qilish jarayonida baholashga situatsion yondashuvni aks ettiruvchi “strategik iqlim”, “strategik potentsial” va “strategik pozitsiya” yangi ilmiy toifalari, ularning kompaniya faoliyatiga ta'sirini hisobga olgan holda. strategiyasini ishlab chiqdi va amalga oshirdi.

Adabiyotlar ro'yhati:

1. Xalqaro moliyaviy hisobot standartlari 2020: o’zbek tilidagi nashri [Matn]. - M.: Askeri-ASSA, 2020. - 998 b.
2. Aaker, D. Biznes strategiyasi: Bozor muhitini o'rganishdan g'alaba qozonish yechimlarini ishlab chiqishgacha [Matn] / D. Aaker; boshiga. ingliz tilidan. V.G. Bashkirova. - M.: Eksmo, 2022. - 464 b.
3. Aaker, D. Strategik bozorni boshqarish [Matn] / Per. ingliz tilidan. ed. Yu.N. Kapturevskiy. - Sankt-Peterburg: Pyotr, 2002. - 544 p.
4. Averchev I.V. Boshqaruv hisobi va moliyaviy hisobot. Bayonot va amalga oshirish [Matn] / I.V. Averchev. - M .: Vershina, 2022. -512 b.
5. Avrova, I.A. Boshqaruv hisobi [Matn] / I.A. Avrova - M.: Berator-Press, 2019. - 176 b.
6. Azrilyan, A.N. Iqtisodiy lug'at [Matn] / ed. A.N. Azrilyana. - M, 2022. - 1472 b.
7. Alekseeva, A.I. Iqtisodiy faoliyatning kompleks iqtisodiy tahlili [Matn]: darslik. nafaqa / A.I. Alekseeva, Yu.V. Vasilev, A.V.Maleeva, L.I. Ushvitskiy. -M.: Moliya va statistika, 2019. - 672 b.
8. Alekseeva, O.V. Balanslangan ko'rsatkichlar kartasi (BSC) - boshqaruv hisobiga integratsiyalashgan yondashuv [Matn] / O.V. Alekseeva, O.E. Nikolaeva // Kompyuter auditi. - 2002. -№3. - S. 88-104.
9. Aminova, 3. Korxonaning moliyaviy strategiyasi: shakllanishi, rivojlanishi, barqarorligi [Matn] / 3. Aminova. - M .: Kompaniya Sputnik +, 2002. - 536 p.
10. Iqtisodiy qarorlarni tahlil qilish va asoslash [Matn] / B.I. Maydanchik, M.G. Karpunin, Ya.G. Lubinetskiy, M.V. Melnik va boshqalar - M .: Moliya va statistika, 1991 yil.
11. Iqtisodiyot tahlili: mamlakat, bozor, firma [Matn] / Ed. V.E. Rybalkin. -M.: Xalqaro munosabatlar, 2019 yil.

Karimberdiyev B.I. *– OBM tinglovchisi*

KORPORATIV BOSHQARUV: TAMOYILLAR, SIYOSAT VA AMALIYOTLAR

XXI asr boshlarida davlat va xususiy biznes o'rtasidagi o'zaro munosabatlarida davlat institutlarining va yirik korporatsiyalarning roli rivojlanmoqda. “Korporativ boshqaruv oldindan mavjud, shuningdek ushbu atama

yangi hamdir”[1]. Bunga korporativ boshqaruv organlari tomonidan faoliyati samarali tashkil etilib kelinayotgan yirik aksiyadorlik kompaniyalari, transmilliy korporatsiyalar va hokozolarning milliy va jahon iqtisodiyotidagi o‘rni sabab bo‘lmoqda. Shundan kelib chiqqan holda dunyoning deyarli barcha mamlakatlarida, xususan mamlakatimizda ham korporativ boshqaruv tizimini samarali tashkil etish masalasiga jiddiy e’tibor qaratilib kelinmoqda. Keltirilayotgan jihatlar sabab korporativ boshqaruvning iqtisodiy mohiyati, uning maqsad va vazifalarini to‘g‘ri anglash maqsadga muvofiq.

Bozor qonuniyatlarini hisobga olgan holda ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyot yo‘nalishlari belgilangan davlatlarda korporativ boshqaruv amaliyotiga doimiy ravishda diqqat-e’tibor qaratilgan, desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Shu boisdan mazkur masala xalqaro iqtisodiy tashkilotlarning ham e’tiboridan chetda qolmasdan kelmoqda.

Yirik korporativ tuzilmalarning tashkil etilishi XX asrda iqtisodiy rivojlanishning muhim tendensiyasi bo‘ldi. Kopnoratsiyalar o‘z rivojlanish yo'lida va ularning jamiyat tomonidan qabul qilinishida fan-texnika, iktisodiyotning rivojlaiishi, aholi malakasi, ma’lumot darajasi bilan bog‘liq qator bosqichlarni bosib o‘tdi. Mazkur bosqichlaming har birida korporatsiyalar vujudga kehshiga har bir mamlakatda yuzaga kelgan korporativ madaniyat katta ta’sir ko‘rsatdi. Hozirgi vaqtda korporativ sektorda mahsulot va xizmatlaming asosiy qismi ishlab chiqarilmoqda. Son nisbatiga ko‘ra sanoati rivojlangan mamlakatlarda korporatsiyalar, korporatsiyalarning umumiy sonida katta salmoqqa ega.

Korporativ boshqaruv, bozorga va iqtisodiy subyektlarning erkinligiga yo'naltirilgan bo'ladi. Korporativ boshqaruvga bo'lgan ilmiy qiziqish, rivojlangan mamlakatlarning iqtisodiy rivojlanishida asosiy rol o‘ynagan aksionerlik jamiyatlar bilan boqliqdir. Korporativ boshqaruv muammolari oxirgi 10-15 yil ichida iqtisodchi, menejer va yuristlami qiziqtirib kelmoqda.

Respublikamizda ham iqtisodiy taraqqiyotni ta’minlash maqsadida korporativ tuzilmalar, xususan aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatini samarali tashkil etish maqsadida qator islohotlar o‘tkazilmoqda. 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasida “korporativ boshqaruvning zamonaviy standart va usullarini joriy etish, korxonalarni strategik boshqarishda aksiyadorlarning rolini kuchaytirish”[2] masalasi alohida belgilab qo‘yildi. Bunda korporativ boshqaruv tizimi samaradorligini oshirish, aksiyadorlik jamiyatlarida axborotlarni oshkor qilish va faoliyat shaffofligini ta’minlash, aksiyadorlar, shu jumladan minoritar aksiyadorlar huquqlarini himoya qilish kabi jihatlarga ustuvor darajada e’tibor qaratilmoqda. Keltirilayotgan jihatlar mamlakatimizdagi aksiyadorlik jamiyatlarining investitsion jozibadorligini ta’minlashda alohida ahamiyat kasb etishini ham shu o‘rinda qayd etib o‘tish zarur.

Hozirgi kunga kelib korporativ boshqaruv mexanizmlari yuqori darajada rivojlangan mamlakatlardan biri shubhasiz Koreya Respublikasi hisoblanadi.

[1] Bob Tricker. Corporate governance: principles, policies and practices. – UK.: Oxford university press, 2012. – P. 4.

[2] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi 4947-sonli Farmonidan.

Mamlakat iqtisodiyotida chebollar deb nomlanuvchi transmilliy korporatsiyalarning o’rni beqiyosdir. Yirik biznes vakillari mamlakat yalpi ichki mahsulotining 50 foizdan ko’proq qismini ishlab chiqarishining o’zi ham bu kabi TMKlarning yuqori darajada rivojlanganligini ko’rsatib beradi. Albatta bunda korporativ boshqaruv tizimining to’g’ri yo’lga qo’yilganligi katta ahamiyat kasb etadi. Koreyada korporativ boshqaruvning yaxshilanishi ko'plab omillar, mulkchilikdagi eng muhim o'zgarishlar, shu jumladan kattaroq tashqi (tashqi) mulkchilik va chuqur institutsional islohotlar, shu jumladan ozchiliklarning huquqlarini mustahkamlash va tashqi direktorlardan ko'proq vakillikni talab qiladigan kombinatsiyalar bilan izohlanishi mumkin.

Mamlakatimizda ham korporativ boshqaruv mexanizmlarini takomillashtirish jarayonida jahon tajribasidan keng foydalanish samarali usullardan biri hisoblanadi

Bunda Koreya Respublikasi tajribasidan foydalanish imkoniyatini tahlil qilish bir qancha afzalliklar berishi mumkin.

Yuqorida keltirilgan faktorlar, korporativ boshqaruvni rivojlantirish bo’yicha tajribalarni, Koreya Respublikasidagi korporativ boshqaruv tizimi, uning yutuqlarini o’rganib chiqish ushbu bitiruv malakaviy ishi mavzusining dolzarbligini izohlab beradi.

Korporativ boshqaruv jarayonlarining rivojlanish tendensiyalari to’g’risida chet ellik iqtisodchi olimlardan V.D. Andrianova, K.V. Asmolova, P.M. Mozias, V.F. Li B.V. Sinitsyna, G.D. Toloray, M.E. Trigubenko, V.E. Xrutskiy, V.I. Shipaevalar o’z asar va maqolalarida atroflicha ma’lumotlar berib o’tishgan.

Koreya Respublikasida korporativ munosabatlarga oid masalalar Li Jeong Von, Son Xak Ta, Son Byung Nak, Xva Son Xi, Chjan Sie Jin, Kim Se Jik, Li Su Sung va Jang Yun Milarning asarlarida ko’rib chiqilgan. Xuddi shu qatorda Cho Li Jae, S.S. Suslina tomonidan tahrirlangan kollektiv monografiyalarda ham ushbu mavzuga oid bo’limlarni uchratish mumkin.

Mamlakatimiz iqtisodchi olimlaridan Ashurov Z.A., Tashxodjaev M.M., Ataniyazov J, Tursunova N, Elmirzayev S, Xodiyev B kabilar korporativ boshqaruv asoslari haqida o’z asarlarida ma’lumotlar berib o’tishgan.

Foydalanilgan boshqa adabiyotlar

1. Абдуллаев О.М., Ахмедов К., Тошматов З. Эконометрика асослари. T.Lesson-Press. 2018. – 420 б

2. Гулямов С.С., Аюпов Р.Ҳ., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.

3. Инноватsионная экономика: необходимость, возможность и факторы развития в России /Под ред. Э.П. Дунаева: Учебное пособие. М.: Экономический факультет МГУ, ТЭИС, 2007. - 237 с.

4. Веснин В.Р. Корпоративное управление. - М.: МГИУ, 2008. - 150 с.

5. Под ред. Галанова В.А. Акционерное дело. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 544 с.

6. Rasulov N.M. Korporativ boshqaruv - investitsiyalar samaradorligi kafolati. - T.: Iqtisodiyot, 2011. - 126 b.
7. Abdujabborov Sh. Korporativ boshqaruv tizimini baholash nimani ko'rsatdi? // Upravlenie predpriyatiem. Toshkent, 2017 - №10.
8. Ковалёв В.В., Ковалёв Вит.В.. Корпоративные
9. финансы и учёт: понятия, алгоритмы, показатели. Учебное пособие. - М.: Проспект, 2015. - 1000 с.
10. Леванова Л.Н. Теория корпоративного управления. — Саратов, 2011. - 171 с.

Юнусов Ш.К. *– ОБМ тингловчиси*

ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ


Бугунги кунда дунё мамлакатлари иқтисодиёти ривожи ва халқаро интеграциясида инвестицион кредитлар муҳим ўрин эгалламоқда. Зеро, инвестицион кредитлар тижорат банкларининг миллий ва жаҳон молия бозоридаги узоқ муддатли стратегиясини амалга оширишда ва унинг воситасида халқаро муносабат ва тажрибаларни ривожлантиришда энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар инвестицион кредитлар бир қанча анъанавий ва замонавий кредитлаш шаклларини ўзида мужассам этган ҳолда улардан фойдаланишда миллий, хорижий ва халқаро молия-кредит институтлари билан ҳамкорликларнинг ўрнатилиши ва ривожланишига эришилаётганлиги буни яққол тасдиқламоқда. Ўз навбатида, жаҳон амалиётида ривожланган давлатларда инвестицион кредитлаш борасида юксак ривожланиш ва бой тажрибаларга эришилиб, хусусан, “Германия давлатида жами асосий капиталга инвестициялар таркибида инвестицион кредитларнинг улуши 49,5 фоизни, АҚШда 62 фоизни, Буюк Британияда 76,5 фоизни ташкил этмоқда”. Инвестицион кредитларга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бораётган бугунги кунда тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлаш тизимини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш натижалари “инвестицион кредит” тушунчасини ёритиб беришда турлича қарашлар мавжудлигини кўрсатади. Мазкур атама айрим адабиётларда “инвестицион банк кредити” деб ҳам номланганлигини кузатиш мумкин.

Жумладан, россиялик иқтисодчи-олимлар М.В.Аликаева, Л.О.Асланова ва бошқалар фикрларига кўра, “Инвестицион банк кредити, одатда, лойиҳанинг қоплаш муддатидан ошиб кетмайдиган муддатга, қоидага кўра, бир йилдан кам бўлмаган муддатга берилади, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари доирасида тузилган шартномалар бўйича тўловлар билан ҳужжатли тасдиқланиши лозим бўлган мақсадли характерга эга бўлади”. Бу таърифда инвестицион кредит, лойиҳанинг техник-иқтисодий асосномага мувофиқ тасдиқланган қоплаш муддатидан ошиб кетмайдиган муддатга берилиши назарда тутилганлиги қўшилган ҳолда, унинг бир йилдан кам

бўлмаган муддатга берилишига доир фикрини мунозарали, дея баҳолаш мумкин. Иқтисодий адабиётларда инвестицион кредитни узоқ муддатли кредит сифатида баҳолашга доир қарашларни учратиш мумкин. Жумладан, Яблонская А.Е. фикрига кўра, “корхоналарни молиялаштириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, хусусан, асосий капитални шакллантириш ва тўлдириш учун йўналтириладиган узоқ муддатли банк кредитлари инвестицион банк кредити ҳисобланади”.

Бугунги кунгача кредитлаш қоидаларини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилганлигини яхши биламиз. Шунга кўра, юқорида қайд этганимиздек, қандай ҳолат ва даражада фойдаланганлигидан қатъий назар, кредитнинг кредитор ва қарз олувчи томонидан мақсадли ишлатилиши, самарадорлиги, ўз вақтида қайтарилиши, таъминланиши зарурлигидан келиб чиқиб, у қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим, деб ҳисоблаймиз:



1-расм. Кредит тамойиллари

Ўз навбатида, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, юқорида “инвестиция” ва “кредит” атамаларига берилган таърифлар мазмуни “инвестицион кредит” тушунчасининг моҳиятини очиб беришда муайян даражада хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Мамлакатимизда “инвестицион кредит” тушунчасини илмий-назарий ва методологик тадқиқ этиш бўйича муайян қадамлар ташланган бўлса-да, бироқ, уларни бугунги кун талабидан келиб чиқиб, етарлича, дея баҳолаб бўлмайди.

“Инвестицион кредит” тушунчасига бундай таъриф бериш лозимлигини қуйидагилар билан изоҳлаймиз:

- биринчидан, инвестицион кредит ресурсларига нисбатан кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги талаб ва таклифнинг бозордаги мавжуд рақобат ва нарх шароитлари асосида шаклланиши;

- иккинчидан, янги ташкил этилган ёки кенгайтирилган ёҳуд модернизация қилинган корхонада, албатта, ишчи капиталга бўлган талаб юазага келишига мувофиқ унга доир харажатлар ҳам инвестиция лойиҳаси қийматида акс этишидан келиб чиқиб, ушбу харажатларни, объектив шароитларга кўра, инвестицион кредит ҳисобидан ҳам молиялаштиришнинг мумкинлиги ва амалиётда мавжудлиги. Жумладан, мазкур амалиётга амал қилувчи Ўзбекистон Республикаси АТ “TRASTBANK” мутахассислари томонидан берилган таърифдан ҳам бунга амин бўлиш мумкин: Инвестицион кредит – ишлаб

чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари нормал фаолият юритишида зарур бўлган қурилиш, реконструкция ёки техникавий қайта қуроллантириш (лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва лойиҳа экспертизасини ўтказиш, асбоб-ускуналар сотиб олиш, қурилиш-монтаж ва бошқа ишлар ўтказилишини ўз ичига олган ҳолда) ҳамда бошқа асосий фондларни сотиб олиш ёки яратиш вашу билан боғлиқ бўлган ишчи капитал қисмини сотиб олиш учун мўлжалланган кредит[27];

- учинчидан, аксарият ҳолларда, инвестиция лойиҳаларининг қопланиш муддати улар қийматига боғлиқ ҳолатда узоқ муддатни (3 йилдан ортиқ) ташкил этиши хусусиятига эгалиги, бироқ, инвестицион кредитнинг лойиҳа қопланиш муддатидан ортиқ даврга тақдим этилиши самарасизлиги;

- тўртинчидан, инвестицион кредитлаш тамойилларида самарадорликнинг муҳим ўрин эгаллаши, чунки, самарадорлик ҳар қандай қўйилма ва харажатнинг мақсадлилигини таъминлашга хизмат қилади, пировардида, капитал қийматини сақлаб қолиш ёки янада ўстириш имконини таъминлайди;

- бешинчидан, кредитор ўзини турли рисклардан ҳимоялаш мақсадида “тухумни бир саватга жойламаслик” тамойилига амал қилиши;

- олтинчидан, ҳар бир инвестиция лойиҳаси келтирадиган фойда у томонидан тақдим этиладиган маҳсулот ва хизматларга бўлган талабни қондириш орқали истеъмолчилар манфаатларини таъминлашга бевосита боғланганлигига кўра бир вақтнинг ўзида ижтимоий самараларни ҳам ҳосил қилиши.

Хулоса қилиб, инвестицион банк кредити**,** одатда, лойиҳанинг қоплаш муддатидан ошиб кетмайдиган муддатга, қоидага кўра, бир йилдан кам бўлмаган муддатга берилади, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари доирасида тузилган шартномалар бўйича тўловлар билан ҳужжатли тасдиқланиши лозим бўлган мақсадли характерга эга бўлади;

*инвестицион кредит – муддати 6 йилдан ортиқ бўлган узоқ муддатли кредитлар бўлиб, ушбу кредит асосий капитални, молиявий активларни, шунингдек, айланма активларнинг бир қатор турларини шакллантириш учун зарур бўлган маблағлардаги талабларга хизмат қилади;

* инвестицион кредит – асосий капитал ҳаракатига хизмат қилувчи узоқ муддатли кредит ҳисобланиб, асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ қурилиш ва реконструкция, янги ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва бошқа тадбирларни амалга оширишда фойдаланилади.

Асқаров М.Д. *– ОБМ тингловчиси*

КОРХОНАЛАРДА СТРАТЕГИК ВА ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

(“Тошкент ёғ-мой комбинати”АЖ мисолида)

Айни дамда корхоналар амалиётида стратегик ва лойиҳавий бошқарувнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу уларнинг ваколатини кенгайиши ҳамда ўзларининг иқтисодий аҳволи учун жавобгарликлари даражасининг ошганлиги билан боғлиқдир. Замонавий бошқаришнинг сифати корхоналар самарадорлигини белгилаб беради. Шу боис корхоналарга энг замонавий техника ва технологияларни жалб этиш бугунги кундаги устувор вазифалардан бири саналади.

Ҳозирги вақтда корхоналарнинг кўпчилиги ўз тараққиётининг концепциясини, стратегиясини ҳамда дастурини ишлаб чиқиши зарур.


